Хикматнома





КИШИГА НЕЧА КЕЛСА МУШКИЛ ҲОЛ
ҲИКМАТУ АҚЛ АНГА ЭРУР ҲАЛЛОЛ

КИМНИКИ БИЛАЙ ДЕСАНГ МАҚОЛИН
АНГЛА,
АСЛИН ДЕСАНГ АНГЛАЙИН ФИОЛИН
АНГЛА.

Алишер Навоий



ХАЛҚ ҲИМАТЛАРИ —«ТУРМУШ ОНАСИНИНГ ДАРД ЧЕКИБ ТУҚҚАН ТЎНҒИЧ ЎҒЛИ».


Абдулла Қодирий



ҲАР ҚИРРАСИДА ЕТТИ РАНГ ОФТОБ ТОВЛАНИБ ТУРГАН ХАЛҚИМИЗ ИЖОДИ УНЧА МУНЧА КИШИНИНГ ЗЕҲНИ ЕТМАЙДИГАН ДАРАЖАДА БОЙДИР.

Ғафур Ғулом

Ш. Шомақсудов, Ш. Шорахмедов



Ҳикматнома

ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ



ЎЗБЕК [redacted] ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
БОШ РЕДАКЦИЯСИ
ТОШКЕНТ — 1990

82.3
Ш—77

Ш $\frac{4803000000}{358-90}$ 90

ISBN № 5—89890—028—4

© Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990

ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН СЎЗ ҚАДРИНИ БИЛАР

Инсон насли инсон бўлиб, қўли ишга, тили сўзга келиб, бир-бири билан муомала қила бошлабди-ки, бу ажиб, чигал, борлиги сирлардан иборат дунёда яшаш дарсини ўқийди ва то шу кунгача бу дарс тугамаган. Энг буюк донишмандлар умрларини илму фанга бағишлаб, жаҳон кезиб, дунё-дунё китоб ўқиб, одамдан кетар чоғи, мен ҳаётдан ҳеч нарса билмай кетмокдаман, деганлар. Не ажаб, ҳаёт илмини тугал англамоққа нафақат бир инсон умри, балки инсонлар умри етмайди.

Йўл юриб кетаётган инсофли одам бехосдан чуқурликка тойиб кетса, уриндан туриб, этак қоқиб кетавермайди. Мен йиқилдим, бошқалар йиқилмасин, деб чуқурни текислаб қўяди, ё бўлмаса, бирорта таёқни суқиб белги қўйиб кетади. Бу, эй пуловчи, эҳтиёт бўл, бу ерда чуқур бор, кўзингга қара, деган ишора бўлади. Боболар ҳикмати ана ўша таёқдир.

Одамлар бошқаларни уйлаб бекилган бўлоқ кўзини очадилар, дарахт экадилар. Мендан кейин дунёга келувчилар ташналик азобини кўрмасинлар, очликдан, офтоб тиғидан қийналмасинлар, дея шундай қиладилар. Боболар ҳикмати ана ўша бўлоқ, ана ўша дарахтдир.

Одамлар масжид ва мадраса қурадилар. Йўл солиб, кўприк қиладилар, карвонсаройлар тиклайдилар. Ўзларидан кейин келувчилар ҳам имонли, илм-маърифатли бўлсинлар деб, эллар, юртлар ўртасида яхши борди-келдилар бўлсин деб шундай қиладилар. Боболар ҳикмати ана уша йўл, кўприк ва карвонсаройлардир.

Ҳикматли сўзлар, мақоллар биз учун асрларнинг садоси, узоқ ўтмиш билан ҳамнафаслик ҳиссини уйғотувчи мангу чақириқ, замонлараро кўприкдир.

Ҳикматли сўзлар, мақоллар — номаълум шоирларнинг юрак сатрлари, халқ истеъдодининг масофа билмас шуълалари, зулм, адоват, ҳақсизлик кўкеига сапчилувчи адолат тиғидир.

Ҳикматли сўзлар, мақоллар — ҳеч бир подшо эълон қилмаган фармон, ҳеч бир президент муҳрламаган қонун, ҳеч бир давлат томонидан битилмаган конституциядир.

Ҳар кимки вафо қилса вафо топғусидир,
Ҳар кимки жафо қилса жафо топғусидир.
Яхши киши кўрмагай ёмонлик ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса жазо топғусидир.

Улуғ шоир Бобур Мирзо шеърга солган шу бир халқ мақолида неча-неча китобларга жо бўлган қонун мажмуаларининг маъноси бор.

Ўз қадрини билган сўз қадрини билади. Иншооллоҳ, бу ҳам бир мақол бўлса. Биз йўқотган қадрини қайта топаётган халқмиз. Масжидларимиз, муқаддас китобларимиз, унутилган байрамларимиз, удумларимиз, одатларимиз қайтиб келаётган бир замонда, ўз она тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз муносиб ўринни топаётган бир даврда ўзбекман деган ҳар бир инсон ўз юрти кечмишини ва ҳозирини мукаммал билмоғи, ўз она тилисининг заргари бўлмоғи лозим. Мақол эса сўз кўркигина эмас, дилнинг ҳам, умрнинг ҳам кўркидир. Ўз қадрини билган одам сўзни пала-партиш ишлатмайди, унинг асл маъносини қидиради, билиб ўрнига қўйиб гапиради. Билган одам, масалан, «ҳузуримга киринг», ёки «сизни лутфан таклиф этаман», демайди. Ҳузур — ҳозир бўлиш лозим бўлган жой. Подшонинг хузури, катта амалдорнинг хузури

бўлиши мумкин. Лутф этмак — марҳамат кўргазмак дегани. Кишидан лутфан ташриф буюришни сўраш мумкин. Лекин лутфан таклиф этиш — ўзни ғоят мутакаббир тутиш демакдир.

Тилимизда «ган кўп — кўмир оз» деган мақол бор. Мен баъзи давраларда унинг шарҳини сўраб ўртага масала ташлаб кўрдим. Ҳар ким ҳар хил шарҳ қилади. «Уруш йилларида кўмир озлигида айтилган бу»,— деди биров. Яна кимдир «гапингда тош босадиган маъно кам ёки гап кўп-у, унинг кўри йўқ» деган маъно билан изоҳлади. Ушбу китоб муаллифлари мана шу мақолни танча суҳбатлари билан боғлаб анчагина мантиққа якин изоҳ берганлар. Лекин барибир менинг кўнглимдаги иштибоҳ ёзилмади.

Менимча, унинг асли бундоқ бўлган: Гап кўп-ку, умр оз. *Ку* юкламаси *умр* сўзи билан қўшилиб *кўмир* шаклини олган. Натижада шундай чукур маънолн мақол анча жўплашиб қолган.

«Отдош»нинг «алаш»га, «тупроқ»нинг «турноқ»қа, «бўрё»нинг «бўйра»га айланиши ёки Бувайда, Ранггон, Англен каби жой номларининг пайдо бўлиши ҳам ана шундай ҳодисадир...

Қўлингиздаги китобни халқ лурдоналаридан тузилган ўзига хос жавоҳир сандиғи деб аташ мумкин. Муаллифларнинг бу ҳайрли меҳнати халқимиз маданияти учун улкан бойлик бўлиб қўшилади. Ўйлайманки, бу китоб ҳар бир ўзбек хонадонини безаиди, кўлдан қўймай ўқилади.

маънолар махзани

Ҳикматлар... Ҳар куни ҳар биримиз ҳар кимдан эшитиб, ҳар кимга айтиб юрадиган ҳад-ҳисобсиз ҳикматлар... Мозийдан бизнинг замонамизга асрлар оша, авлодлар ва аждодлар оша, эллар ва элатлар оша, тиллар ва диллар оша етиб келган бу ҳикматлар халқ тафаккурининг, халқ ҳаётий тажрибасидан келиб чиқадиган хулосавий фикрларининг ихчам ва кўркам бир бадиий ифодасидир. Уларнинг ҳар бирига бутун-бутун китобларга татигулик кенг ва чуқур маъно, ҳис-туйғу жо бўлган. Шу боис халқ асрлар давомида яратган, сайқал берган ҳар бир ҳикматни тўлақонли, етук бир бадиий асар десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Хўш, ҳикмат дегани нима ўзи? Ҳикмат сўзининг луғавий маъноси — ўта донолик, ақл-заковат билан оқилона айтилган, «михлаб қўйилган», ўзгартириб бўлмайдиган чуқур маъноли гап, демакдир. Халқ ижодиётининг ўзига хос бўлган бу жанри оғзаки нутқда ҳам, ёзма адабиётда ҳам турли хил атамалар билан номланади: мақол, матал, нақл, масал, зарбулмасал, ҳикматли сўз ибора, таъбир, афоризм, оталар сўзи, ота-боболардан қолган сўз, абушқа сўзи, машойихлар сўзи, донолар сўзи, донишмандлар сўзи, ҳикматлар сўзи, оқиллар сўзи, қадимгилар сўзи, бурунгилар сўзи, илгари ўтган яхшилар сўзи ва х. к. Булар орасида мақол (яъни, айтилган, айтиб қолдирилган сўз) атамаси энг кўп ва оммавий равишда қўлланилади.

Доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг дуру жавоҳирларини ўзида мужассам этган ранг-баранг мақоллар нутқимизнинг экспрессив (яъни, таъсир этувчи, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи) воситалари орасида энг таъсирчан, энг эсда қолувчи, кишини ўйлашга, фикр-мулоҳаза юритишга беихтиёр мажбур қилувчи кучга эгадир. Уларнинг кишилик жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадар қимматли аҳамиятга молик эканлигини жаҳон донишмандлари қадим-қадимдан эътироф этиб, қайта-қайта уқтириб келганлар. Мана, шундай фикрларнинг айримлари билан танишинг: «Барча кишининг кучи овқатландир, ақлнинг кучи эса ҳикматдандир» (Аристотель); «Агар ақлли бўлишни истасанг, ҳикмат ўрганғилки, ақл ҳикмат билан камол топади» (Кайковус): «Халқ орасида кўпчилик тилдан қўймайдиган сўз асло ўлмайди» (Гесиод); «Сўзлар — асрга, фикрлар — асрларга татийди» (Н. М. Карамзин); «Қисқа ифодаланган ўткир фикрлар ҳаётни яхшилашга кўп хизмат қилади» (Цицерон); «Мен қадимги донишмандларнинг... бизга қолдириб кетган ақл дурдоналарини кўздан кечираман; агарки биз улардан нимадир яхши бир нарсага дуч келсак, уни ўзлаштириб оламиз ва жуда катта фойда орттирган бўламиз» (Суқрот); «Қадимдан одамларнинг доно ва бағоят гўзал ҳикматли сўзлари мавжуд; биз улардан ўрганмоғимиз даркор» (Геродот); «Ҳар куни ақалли битта қўшиқ эшитиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўқиб олиш даркор... Турли-туман тарбиявий ҳикоятлар ва ҳикматли сўзларни тўплаш — тенгсиз давлатдир» (И. Гёте); «Катта мақоллар тўпламини тузиш керак. Бу эса, ёзувчиларимиз ва нотиқларимиз учун катта бир хазина бўлиб хизмат этади» (В. И. Ленин).

Ҳар бир халқ асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан келажак авлодларга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикмат сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий меросимиз

ҳисобланади. Дунёда ҳикмат дурдоналари яратмаган, уларни асрлар оша кўз қорачиғидай асраб, авайлаб, сайқал бериб, дилида, тилида сақлаб келмаётган бирор халқ йўқ. Ўзбек халқи ана шуларнинг биридир. Жаҳон маданиятининг равнақи учун Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Мирзо сингари кўплаб буюк олим ва мутафаккирлар етиштириб берган халқимизнинг маданиятини, донишмандлигини, умуман, камолотини ер юзининг жамотчилиги қадимдан эътироф этиб келган.

Европанинг таниқли шарқшунос олими, профессор Г.Вамбери ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизга қилган сафаридан қайтгач, қуйидагича ёзган эди: «...Шарқ қадимдан шеърият туйғулари ўлкаси бўлиб келган... Шунинг учун ҳам ўтовда истиқомат қилувчи кишиларда шеъриятга бўлган иштиёқ Париж ёки Лондондаги маълумотли жамият аъзоларидагига қараганда кучлироқ эканлигига ҳеч ким ажабланмаслиги керак... Ўрта Осиёда бир-бирига муҳаббат қўйган ёш ошиқ-мошиқлар ҳам, руҳонийлар ва оқсуяклар ҳам — хуллас, ҳамма-ҳамма поэтик ижодиётга бир хилда қизиқади... Мақолларни ёзма тилда ҳам, жонли тилда ҳам учратиш, юрт қазоларининг саройида ҳам, кўчманчининг ўтовида ҳам эшитиш мумкин... Саҳро ўғлони бундай «оталар сўзи»ни ҳамма вақт юзига жиддий тус киритган ҳолда тинглайди. Мақол маъносига зид бўлган ҳеч қандай оқилона гап, ҳеч қандай инонтирувчи сўз унинг фикрига таъсир қила олмайди, унинг табиатидаги туғма мутаассиблик ҳеч нарсага аждодлар ва улар қолдирган ҳикматларнинг донолик билан айтилганига, нотўғри айтилмаганига астойдил, қаттиқ ишончидан бошқа ҳеч бир нарсада бунчалик кучли тарзда намоён бўлмайди[1].

Мақолларни «Ҳаёт қомуси», оғзаки энциклопедия, ўзига хос бир бадиий-тарихий солнома дейиш мумкин. Улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равшан ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқлар ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида қимматли маслаҳатлар беради.

Умуман инсоният яратган мақолларнинг тематикаси кенг ва ранг-баранг-дир. Айниқса, шеърияти ва дидактизми билан қадимдан машҳур бўлиб тематик жиҳатдан шу қадар бой, шу қадар кенг, шу қадар ранг-барангки, уларда ижтимоий ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларидан тортиб оилавий ҳаётнинг энг кичик урф-одатларигача, олий ахлоқий нормалардан тортиб кишилар характеридаги майда-чуйда нуқсонларгача, фалсафий дунёқарашдан тортиб энг кичик жониворларнинг хусусиятигача... ўз инъикосини топган. Қисқаси, табиат ва жамият ҳаётининг бирон-бир соҳаси йўққи, у мақолларда ўз аксини топмаган бўлсин, деб дадил айта оламиз.

Халқимизнинг ўнларча асрлар давомида тўпланган бой ҳаётий тажрибаси сон-саноқсиз мақолларда умумлаштирилган ва типиклаштирилган. Уларда ота-боболаримиз босиб ўтган йўлни, кечирган турмушларини, шодликлари ва чеккан азоб-уқубатларини, эзувчи синфга нисбатан бўлган қаҳр-газабларини, теран мазмунли панд-насиҳатларини, қадимги даврларда, ўрта аср ва ундан кейинги асрларда яшаган аждодларимизнинг урф-одатларини, анъаналарини кўрамиз, ҳис этамиз. Ана шу бой ижод дурдоналарини имкони борича тўла тўплаш, чуқур ўрганиш ва нашр қилиб, халқ оммасига қайта тақдим этиш — эзгу ва муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистонда мақол тўпламлари анча-мунча нашр этилган. Лекин, афсуски, уларни ҳали мукаммал йиғилган мақоллар деб бўлмайди. Халқимиз асрлар давомида яратган ва ҳозир ҳам яратаётган минглаб, ўн минглаб ажойиб мақоллар оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга ўтиб юрибди, аммо ҳали

---

[1] Вамбери Г. Очерки Средней Азии.— М., 1868.—323—324-бетлар.

[1] Вамбери Г. Очерки жизни и нравов Востока — СПб., 1877.— 313—314- бетлар.

қоғозга тўла туширилганича йўқ. Ҳамма гап шу дурдоналарни бир хазинага жамулжам қилишда қолган. Бу ишни сира-сира кечиктирмаслик керак, албатта. Чунки, мақолларнинг тўлиқ ва тўғри вариантларини кўп биладиган кекса авлод аста-секин ҳаётдан ўтиб ажойиб мақол ва иборалар ҳам ўз умрини тугатяпти. Шундай экан, бу борада вақт — ниҳоятда ғанимат.

Ота-боболаримизнинг бой тажрибаларига амал қилиш, уларнинг анъаналарини ҳозирги замон анъаналари билан бойитган ҳолда давом эттириш учун бизга мерос қилиб қолдирилган мақолларни шунчаки йиғиб, нашр этибгина қолмасдан, уларнинг маъносини чуқур билмоқ ҳам керак бўлади.

Мазкур сатрларнинг муаллифлари бир неча ўн йиллардан бери халқ оғзаки ижодини кузатиб, ўн мингдан ортиқ (вариантлари билан ўн беш мингга яқин) мақол йиғиб, улардан кўпчилигининг тўғри ва кўчма маъноларини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Ушбу изоҳли лугат шунинг самараси ўлароқ мухтарам китобхонларимизга тақдим этилаётир.

Мақоллар замонлар оша тобера сайқалланади, пишийди, мазмуни теранлашади. Баъзи ҳолларда эса, бунинг аксича, эшитувчи ва қайта талаффуз этувчиларнинг муайян мақолда айтилмоқчи бўлган маънони тушунмаслиги ёхуд эшитганини эслай олмай, ўзича қўшиб-чатиб айтиши, ёинки маълум бир фикрни исботламоқ, маълум бир ҳолни ифодаламоқ учун эшитган мақоли таркибидаги айрим сўзлар ўрнига атайин бошқа сўзлар ишлатиб, асл маъноси ва мазмунини бошқа томонга буриб айтиши оқибатида кўпгина мақоллар кейинги авлодлар орасида аслига нисбатан нотўғри, мантиққа зид тарзда қўлланиладиган бўлиб қолган. Бу ҳолни ҳозир ҳам халқимиз орасида қўлланилаётган ва ёзма адабиётда, кинофильмлар ва театр томошаларида, матбуот, радио ва телевидениеда ишлаётган, ҳатто ҳикмат дурдоналарининг айрим тўпламларига киритилган бир қанча мақолларда кўриш мумкин. Масалан: Айрим асарлар ва мақол тўпламларида «Хайт» деган — туяга мадад» мақолини «Ҳой» деган туяга мадад», «Чу» деган ҳам туяга мадад», «Ҳа-ҳа» деган туяга мадад» тарзида; «Эрни номус ўлдирар, қуённи қамчи ўлдирар» мақолини «(Эрни номус ўлдирар, Қуённи қамчи ўлдирар» тарзида; «Пиёзнинг пўсти кўп, Ёмоннинг дўсти кўп» мақолини «Ёнғоқнинг пўсти кўп, Ёмоннинг дўсти кўп» тарзида; «Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади», мақолини «Ўлимни яширсанг, иситмаси ошкора қилади» тарзида; «Арзимайди ғалласи, куйдиради шоғирдонаси» мақолини «Арзимайди ғалваси, куйдиради шавласи» тарзида; «Ёв қочса, ботир кўпаяр» мақолини «Ёв қочса, душман кўпаяр» тарзида учратамиз ва ҳ. к. Булар ва булар сингари мақолларнинг қайси варианти тўғри-ю, қайси бири нотўғри эканлигига ҳурматли китобхонларимиз ушбу тўпламни ўқигач, озми-кўпми қаноат ҳосил қиладилар, деган умиддамиз. Мақолларнинг халқимиз ўртасида (ҳозир ва ўтган асрларда, турли вилоятларда, районларда) ҳамда туркий халқларда мавжуд бўлган вариантларини бир-бирига чоғиштириб, текстологик ўрганиб, энг тўғри ва тўлиқ вариантини топиш айниқса муҳимдир. Изланишимиз давомида кўпгина мақолларнинг тўғри ва тўлиқ вариантини топишга бир қадар муваффақ бўлдик. Масалан: «Ялангоч сувдан тоймас», мақолининг иккинчи, асосий фикрни билдирувчи компоненти тушиб қолганлиги аниқланди. Асли тўлиқ варианти: «Ечинган сувдан қайтмас, Кезанган ёвдан қайтмас», экан. Одатда «Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар» тарзида қўлланиладиган мақолнинг тўғри ва тўлиқ варианти Г.Вамберининг бундан бир аср муқаддам чоп этилган тўпламида учрайди: «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўргалур, Уста кўрмаган шогирд андин-мундин қармалур». Давлат архивида Н.П.Остроумов фондида сақланаётган мақоллар қўлёзмалари орасида ҳам шу вариант бор. Баъзан «Онамнинг (?) ўлишини билсам, бир коп кепакка алмашиб ердим[1], «Отамнинг (?) ўларин билсам, чекса кепакка сотиб ердим», деган мақолларни кимдандир эшитиб ё қаер-

[1] Қаранг: «Ўзбек халқ мақоллари». Икки томлик.— Т., «Фан», 1987.— I-том, 323-бет.

дандир ўқиб қоламиз. Бундоқ ўйлаб қаралса, бу мантиққа ҳам, одамийликка ҳам, ахлоққа ҳам зид фикр. Доно халқ бундай ғайриинсоний ва ғайриахлоқий гапни айтмайди ҳам, уни маъқул кўриб, мақол тариқасида айтиб юрмайди ҳам! Изланишларимиздан маълум бўлишича мазкур мақолларнинг мантиққа тўғри варианти туркман халқида сақланиб қолган ва у: «Атымын олжегини билсем, дуза чалкашардым»[1] (таржимаси: «Отимнинг ўлишини билсам, тузга алмашардим»), деб қўлланилар экан. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мақоллар мағзига уларни яратган халқнинг асрий ҳаёти, дунёқараши, урф-одатлари сингиб кетган. Модомики шундан экан, мақолларнинг тарихий илдизларини аниқлаш, уларнинг ғоявий-тематик мазмунини очиб бериш кўп изланишни, узоқ йиллар мобайнида сабр-тоқат билан иш олиб боришни тақозо этади.

Мақолларни муваффақиятли этимологизация қилиш — ижтимоий тараққиётнинг тадрижий ривожланиш йўлларини, халқимизнинг одати қадималарини, барча касб ва ҳунарларнинг ўзига хос томонларини, уларда ишлатилган қурол-асбобларни, ҳар бир касб-ҳунар аҳлининг жаргонларини, ҳайвонот дунёсидаги кўплаб жондорларнинг ва ўсимликлар оламидаги қанчадан-қанча ўсимликларнинг ўзига хос хусусиятларини, табиат ҳодисаларининг қонуниятларини, табобат илмининг кўпгина томонларини, ислом дини мафкурасини, фалсафий тушунчаларни, қўйингчи, сер-қирра ҳаётнинг жамики томонларини атрофлича билишни тақозо этади.

Ушбу тўпламни тайёрлаш давомида мақолларнинг тўғри ва мажозий маъноларини, уларда учрайдиган архаик сўзлар ҳамда ибораларнинг асл ва кўчма маъноларини аниқлаш мақсадида тарих, этнография, шарқшунослик, педагогика, философия, ҳуқуқшунослик, деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, биология, зоология, ўсимликшунослик, медицина, астрономия, метерология ва бошқа фанларга оид талқиқотлар, қомуслар, луғатлар, маълумотномалардан, шунингдек, араб, форс тилларининг, бир қанча туркий тилларнинг луғатларидан фойдаланишга; кўпни кўрганлардан ҳамда бир қанча соҳаларнинг мутахассисларидан, бир қанча касбларнинг эгаларидан (ҳатто, собиқ беданабоз, қиморбозлар, даллол, жаллоб, савдогар ва дўкондорлардан, косиб, ҳунарманд, кўнчи, мискар, заргар, деҳқон, боғбон, чўпон, овчи ва бошқалардан) сўраб-суриштиришга тўғри келди.

У ёки бу мақолнинг кўчма маъносини, унда нима дейилмоқчи бўлаётганини аниқлаш учун мақолда келтирилган образларнинг моҳиятини тўғри англамоқ керак. Халқ ижодининг кўпчилик жанрларида, жумладан, мақолларда халқ жамиятдаги муносабатлар, ҳодиса ва ҳолатларни соддароқ, ойдинроқ ифодаламоқ мақсадида табиатдаги ўз хусусиятлари билан шунга мос келадиган турли нарсалар (ҳайвонлар, ўсимликлар, уларнинг мевалари, жисмлар, уй жиҳозлари, кийим-кечаклар, иш қуроллари, меҳнат маҳсулотлари ва ҳ.к.) образидан усталик билан фойдаланади. Ана шу нарсаларнинг ҳар бирини тимсол қилиб олиб, улар воситасида муайян сифатларга (хоҳ ижобий, хоҳ салбий) эга бўлган кишиларнинг образини гавдалантиради. Масалан: халқимиз шерни — мард, довюрак, ботирларга; туяни — эл-юрт оғаларига, бузрукларига, шунингдек кучли, чидамли, сабот-матонатли, баъзи ҳолларда эса такаббур кишиларга; эшак ва хўкизни — бефаҳм, бефаросат, данғасаларга; қўйни — ювош табиатли кишиларга, шунингдек мазлумларга; эчкини — айёрларга, енгил табиатлиларга; бўта, бузоқ, той, қулун, қўзи, улоқ, хўтук, палапонни — болаларга; итни — очкўз, суллоҳ иллатларга эга бўлган кишиларга; бўрини — қонхўр, золимларга; тулкини — айёр, икки юзламачиларга; куённи — қўрқоқларга; қулонни — сергак, ҳушёр, ақлли, тадбиркорларга; сичқон, каламуш, чумчуқ, чигирткани — текинхўр ва зарарқанандаларга (айрим ҳолларда сичқонни — мазлумларга); чумолини — меҳнаткаш,

[1] Туркменско-русский словарь.—М., 1968.—502- бет.

мазлумларга; қурбақани — ишёқмас, дангаса, қуруқ мақтанчоқларга; бургут, лочин, шуқорни — довюрак, ботир, мард, чаққон одамларга; карға, қузғунни — кўпинча тошқўнгил, қора ниятли кишиларга; гулни — кўпинча қизларга; янток, камғокни — қуруқ мақтанчоқларга; қовун, буғдой, олма сингариларни — яхши одамларга; қовоқ, таррак, арпа, қорамуғ, курмак сингариларни — ёмон одамларга ташбиҳ этади ва ҳ.к.

Кўпгина мақолларнинг тўғри ва мажозий маъноларини аниқ далиллар, шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган қатъий хулосалар асосида тўлақонли ифодалаб беришнинг имкони йўқ, албатта. Шундай ҳолларда тадқиқотчи илмий фараз қилишга мажбур бўлади. Француз мақоллари ва ибораларини изоҳлаш билан шуғулланган олим А.Г.Назарян бу хусусда шундай хулосага келган: «... Муайян ибораниng хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ва семантик тузилишини батафсил таҳлил этиш асосида қилинган гипотеза унинг келиб чиқишини ёритишга қўшимча нур бахш этиши мумкин. Идиоматизмнинг фараз қилинган этимологиясини ҳужжат билан исботлаш ва мисоллар ёки далиллар билан мустаҳкамлаш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг шундай бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмаслигини кўрсатмоқ жуда муҳимдир. Бу нарса муайян идиоматизмни тадқиқ этишни анча илгарига суриши ва бизни унинг аниқ этимологиясига яқинлаштириши мумкин»[1].

Халқ мақолларининг тематикасини, ғоявий йўналишини аниқламоқ, синфли жамиятда уларнинг қайсилари қайси синфнинг мафкурасини, дунёқарашини, ахлоқини акс эттирганлиги, ҳаётий кузатишлар натижасида турмушнинг муайян томонлари хусусида қандай хулосаларга келинганлиги тўғрисида фикр юритмоқ ва шу асосда тегишли хулосалар чиқармоқ учун мақолларни таснif (классификация) қилиш керак бўлади. Бу нарсанинг зарурлигига фольклоршунос олимлар ва мақолларни нашрга тайёрловчилар қариб бир ярим асрдан буён аҳамият бериб келмоқдалар. Ана шу давр ичида мақолларни тўплаб, нашр эттирганларнинг ҳар бири уларни ўзича таснif қилган. Натижада таснифнинг бир неча тури вужудга келган. Бу турларнинг асосийлари қуйидагилар: алифбо тартиби; мақолдаги асосий сўзга қараб таснif этиш тартиби (бу айни замонда лексик ёхуд комусий таснif деб ҳам юритилади); монографик таснif; генетик таснif; тематик таснif. Мақолларнинг бирмунча тўпламлари таснif қилинмай, дуч келган мақол тартибсиз равишда қоғозга туширилиб, нашр этилаверилган.

«Мақоллар улардан англашиладиган тушунчаларга қараб жойлаштирилса, халқ руҳиятининг чинакам очерки вужудга келади», деб ёзган эди таниқли рус тилшуноси ва паремеологи В. И. Даль[2].

Ушбу луғатдаги мақолларни алифбо тартибида жойлаштиришни лозим кўрдик. Аксарият кўпчилик мақолларнинг тўғри ва мажозий маънолари изоҳлаб берилгани тақдирда бу тартиб афзалликдан холи бўлмайди. Чунки, китобхон истаган мақолини китобдан осонгина топиб, унинг тўғри ва мажозий маъносини, қандай ҳолатларда қўлланишини билиб олади.

У ёки бу мақолнинг ҳозир қўлимизда мавжуд бўлган бир-икки ёхуд бир неча вариантини, шунингдек, у ёки бу мақол билан мазмундош бўлган мақолларни бош ҳарфига кўра турли ҳарфлар орасига тарқатиб юбормасдан, иложи борича бир жойда келтиришга ҳаракат қилдик. Масалан: «Айтилган сўз — отилган ўқ» мақолининг изоҳ қисмида шу мақол билан айнан мазмундош бўлган ёки мазмунан жуда яқин турадиган қуйидаги мақоллар ҳам келтирилди: «Оғиздан чиққан сўз қайтмас»; «Гап эгаси билан юрмайди»; «Сўзлаганинг қумуш бўлса, тек турганинг — олтин»; «Сақланган сўз — соф олтин»; «Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт; «Билган сўзни айт, билмаган

---

[1] Назарян А. Г. Почему так говорят по французски.— М., 1968.— 294- бет.

[2] Даль В. И. О русских пословицах / / Современник, 1847.—16.— 148- бет.

сўздан қайт», «Айтмасдан бурун сўзга сен эга, Айтгандан сўнг сенга сўз эга»; «Арзимаган гап оғизда қолсин!» ва ҳ.к.

Ўзбек мақолларининг анча-мунчаси изоҳсиз ҳам тушунарли. Лекин, кўплаб мақоллар борки, улар изоҳ талаб қилади. Бундай мақолларни баҳоли қудрат изоҳлашга ҳаракат қилдик.

Юқорида қайд қилганимиздек, мақоллар кўҳна тарихнинг муайян даврларида, муайян дунёқарашдаги кишилар томонидан айтиб қолдирилган. Модомики, шундай экан, уларнинг тарихий илдизларини излаб топишда, тўғри ва мажозий маъноларини изоҳлаб беришда бир-икки тадқиқотчи бирмунча камчиликлар, ноаниқликлар, англашмовчиликлар ва чалкашликларга йўл қўйиши табиий. Бу ишимиз мақолларни изоҳлаш соҳасидаги дастлабки уринишдир. Келажакда мақоллар этимологиясига ва ушбу ишимизга доир фикр-мулоҳазалар билдирадиган, шунингдек, ҳали кўпчилик эшитмаган, қогозга туширилмаган янги-янги мақолларни ёзиб юбориб, ота-боболаримизнинг асрлар оша яратган бой маданий меросини янада тўлароқ сақлаб қолишдек хайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшадиган барча ўртоқларга олдиндан ўзимизнинг гойибона миннатдорчилигимизни билдирамиз.



Аввал ўйла, кейин сўйла.

Жамият аъзолари ўзаро муносабатларда сўзлашиш одобига қатъий риоя қилишлари зарурлиги таъкидланади. Киши айтадиган ҳар бир сўзи (гапи)ни аввал ўйлаб олиши, сўнг сўзлаши лозим. Ўйламай айтилган сўз кишини кўпчилик орасида уялиб қолишига, ҳатто фожий аҳволга тушишига сабаб бўлиши мумкин. «Сўзни кўнгилда пишқармагунча тилга кетурма, Ва ҳар неким кўнгилда бор — тилга сурма» (Навоий). Вар: «Ўйламагунча сўйлама»; «Кўп ўйла, оз сўйла»; «Ўн қатим ўйла, бир қатим сўйла» (қатим — игнага бир марта ўтказиб иш тикишга етадиган, тикилаётган иш билан қулоч қилиб ёзилган қўлнинг учи орасидаги масофага тенг ип); «Дилда пишир, тилда гапир»; «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир»; «Тез сўзлаган тез пушмон бўлар»; «Оғизга келган сўз арзон, овулга келган бўз арзон»; «Ўйланмаган жойдан тулки чиқар, ўйланмаган сўздан кулки чиқар»; «Англамай айтган тингламай ўлар, чайнамай ютган қавшамай ўлар».

Адабни беадабдан ўрган.

Луқмон Ҳакимдан «Адабни кимдан ўргандинг?» деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: «Адабни беадаблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларидаги менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим». (Саъдий, Гулистон). Вар.: «Ақлни ақлсиздан ўрган»; «Тамизни бетамиздан ўрган»; «Ақлли ўрганар, аҳмоқ ўргатар»; «Одобнинг нима эканини одобсизни кўрганда биласан».

Аёз кўрган куниинг унутма, кўн чориғинг қуритма.

Аёз исмли оддий бир чўпон ақлли ва ҳозиржавоблиги туфайли хон вазири даражасига кўтарилади. У чўпонликда кечирган оғир кунларини унутмаслик учун чориғини ўз хонаси эшигининг тепасига осиб қўйган экан. Ҳар гал унга кўзи тушганида ўзига ўзи: «Аёз, кўрган кунинг унутма, кўн чориғинг қуритма!» деб қўяр экан. Бу мақол бирор юқори мартаба ёки мавқега эришган (ёхуд бойиб кетган) шахсларга нисбатан улар аҳволини унутиб шишиниб кетганда ва бошқаларни менсимай қўйганда айтилади. «Кўн чориғинг қуритма» дейилишига сабаб ўтмишда ҳом теридан тикилган чорик қовжираб ёрилиб кетмаслиги учун вақт-вақти билан намлаб турилган. Вар.: «Атлас кийсанг бўзингни унутма, кимхоб кийсанг — алагингни» (кимхоб — ўриши ипак, арқоғи зардан тўқилган мато; алак — пахта ипидан қўлда тўқилган мато; силлиқ бўз).

Аёл ердан чиққан эмас — эркак боласи, эркак кўкдан тушган эмас — аёл боласи.

Маълумки, феодализм даврида хотин-қизлар таҳқирланган, эзилган, уларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол қилинган, уларга ихонат кўзи билан қаралган. Шариатга тиштирноғи билан ёпишиб олган эксплуататорлар синфининг вакиллари ҳамда руҳонийлар хотин-қизларни камситувчи мақоллар «ижод» қилганлар. М-н: «Олтин бошли хотиндан бақир бошли эр ортиқ» (бақир — мис); «Хотиннинг сочи узун, ақли қисқа»; «Хотин гайратланиб, қозон қайнатолмас»; «Хотин бошлагандан тўй бўлмас»; «Байтал чопгани билан пойга ололмас»; «Остингдаги отингга ишонма, қўйнингдаги хотинингга

кишонма»; «Даллолга айтма сирингни, Алдаб олар бўлингни, Хотинга айтма сирингни, Бир пулча кўрмас хунингни» (бул — мол); «Ўлган — аёл бўлсин, Тўкилган - айрон бўлсин»; «Зар — пинҳон, зан — пихон». Бу билан: «Зарингни (олтинларингни) ҳам ҳеч кимга кўрсатмай сақла, заниингни (хотинингни) ҳам», деб «насиҳат» қилганлар; «Хотин деган эрдан тўрт энлик пастда юриши керак» ва ш.к.

Аммо, халқ оммасининг илғор дунёқарашли вакиллари хаётнинг паст-баландини ақл тарозусига солиб, хотин-қизлар ҳам чин инсон эканлигини, улар оилавий ҳаётда ҳам, жамиятда ҳам муҳим ўрин тутишларини таъкидлаганлар, аёлларнинг юксак инсоний фазилатларини мадҳ этганлар, уларни севиш, қадрлаш, ҳурмат қилиш зарурлигини уқтирганлар: «Хотинли рўзгор гулдир, Хотинсиз рўзғор чўлдир»; «Хотинсиз уйни кўр — каро ерни кўр»; «Хотини ўлганнинг хонаси куяр»; «Оиланинг иззати — хаётингнинг лаззати»; «Мард хотинин қаритмас, Ботир отин ҳоритмас» ва ш.к.

Азага борган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди.

Қадимий урф-одатга кўра, бирор киши ўлса, кўни-кўшни, қариндош хотинлар азага келиб, аввал аза эгаси билан тик туриб кўришиб йиғлайдилар, сўнг уйга кириб, лавра қуриб ўтирадилар. Азадор аёллардан бири марҳумнинг таърифини қўшиқ қилиб айтиб, йиғлайди. Кўнгил сўраб келган аёллар унга қўшилиб, ув тортиб йиғлайдилар. Борди-ю, азадор аёл айтиб йиғлашни билмаса, азага келган аёллардан биладигани ўзларига тегишли бирор марҳумни ёдлаб уни таърифлаб йиғлайди. Мана шунга «ўз дардини айтиб йиғлаш» деганлар. Мажозий маънода: бирор киши ўз бошига тушган ташвишни айтиб, «юрагини бўшатиб» турганда бошқа одам ўринсиз ҳолда ўз дард-ҳасратини айта бошлайди, мазкур мақол шунга ўхшаш ҳолатларда қўлланилади.

Азроилнинг бир туркн — бўрида.

Диний ривоятга кўра, Азроил тўрт фариштанинг бири бўлиб, унга одамларнинг жонини олиш топширилган эмиш. Мазкур мақолда ваҳшийлик тимсоли бўлмиш бўри Азроилга ташбиҳ этилган ва у ҳаётда раҳм-шафқатни билмайдиганларга нисбатан қўлланилади.

Айбинг бўлса қилдай, кўрсатурлар филдай.

Бу мақол ижтимоий адолатсизликка, бировнинг арзимас айбини ниҳоятда бўрттириб кўрсатувчиларга қарата айтилган.

Айбини билган — авлиё.

Вар. «Ҳар ким ўз айбини билса, вали бўлади»; «Ўз айбини билган — мард»; «Ҳар ким ўз айбини билмас»; «Ҳар ким ўз айбини билса, ёрилиб ўлади»; «Аввал ўз айбингни бил, Кейин ўзгадан кул»; «Аввал ўзингни тузат, Кейин ўзгани кузат»; «Аввал ўзингга боқ, сўнг поғора қоқ».

Айбсиз ёр қидирган ёрсиз қолар.

Турмуш қуриш учун қиз танлаган йигит ёки йигит танлаган қиз унисини ўпоқ, бунисини сўпоқ деб инжиқлик қилаверса, охири аввалгиларидан ўзолмайдиганга дучор бўлади. Вар.: «Гул танлаган қора толга ҳам қўнолмапти»; «Танлаб-танлаб, тозга йўлиқибди».

Айиқ билагига ишонади, одам — юрагига.

Эмишким айиқда куч бўлгани билан «юрак» йўқ. У бор кучини билагига йиғармиш. Одамда эса айиқчалик куч бўлмаса ҳам дев юрак бўлади. Шунинг учун ҳар қандай оғир ишга ҳам жазм этади.

Айиқ ўлмай туриб терисини шиладилар.

Мақол маъноси аниқ воқеликдан йироқ бўлиб, мажозий маънода

ишлатилади. Яъни ёмон фарзандлар ўз ота-оналарининг хали кўзи тириклигидаёқ улардан қоладиган мол-мулк (мерос)ни ўзаро ичжимида бўлиб оладилар. Буни сезиб қолган ота-она ёхуд бошқалар мазкур мақолни ишлатадилар. «Азроил одамнинг жонига қасд, Ёмон ўғил отанинг молига қасд».

Айиқ ўз кучини ўзи билмайди.

Мақол мажозий маънода ўз имконини ўзи билмайдиган ва ундан фойдалана олмайдиган лапашанг, ношуд, дангаса, ялқов одамларга нисбатан қўлланади.

Айиқ ўз товонини ялаб жон сақлайди.

Эмишким, айиқ қишда уясига кириб олиб, ҳеч қандай овқат емасдан, ўз товонини (мойини) ялаб, жон сақлайди. Мажозий маноda: «Ёзда куч-ғайратингни, меҳнатингни аямай ишлаб, кўр-кут йигсанг, қишда еб, тирикчилигингни ўтказасан» дейилмоқчи.

Айрилар дўст аёвли нарсангни сўрар.

Вар.: «Айрилар дўст эгарнинг орқа қошини сўрайди», Эгарнинг олди қоши бўлади, орқа қоши бўлмайди. Айтилмоқчики, айриладиган дўст энг аёвли ёхуд топилмайдиган, йўқ нарсани жўрттага сендан сўраб, бермасанг ёки топиб беролмасанг, шу баҳона билан ажраб кетади.

Айрилганни айиқ ер, бўлинганни — бўри.

Қатор мақоллар кишини кўпчилик билан бирга бўлишга ундайди, якка-ёлғиз яшаш, кўпчиликдан ажралиш ёмон оқибатларга олиб боришини кўрсатади: «Айрилмагин элингдан, Қувват кетар белингдан»; «Айрилган озар, бирлашган ўзар»; «Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма»; «Йўлдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма»; «Тўдадан ажралган — тўрга тушар»; «Тўдадан айрилган қўйни бўри ютар»; «Сурувдан қолган — сурилиб ўлар»; «Тўпдан айрилганни қароқчи сончар»; «Юртдан айрилганни ёв чопади»; «Тўпидан айрилган гоз тўп қарғага ем бўлур»; «Тўпдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма»; «Очдан қолсанг қол, кўчдан қолма»; «Қатордан қолдинг — хатарда қолдинг» (туя карвони ҳам «қатор» дейилади). Агар қатордан, яъни карвондан ажрасанг, якка ўзинг чўл-биёбонда катта хавф-хатарга қоласан — талончига йўлиқишинг, йиртқичларга ем бўлишинг мумкин, шунинг учун кўпчиликдан сира ажрай кўрма дейилмоқчи.

Айрилиқ — ўлимдан қаттиқ.

Бунда ота-юртдан, ота-онадан, туғишган жигарлардан суюкли маҳбубдан, фарзанддан, ёр-дўстлардан айрилиш назарда тутилган. Вар.: «Айрилиқнинг шиддати, Қон йиғлатар муддати».

Айтилган сўз — отилган ўқ.

Жамоа орасида ёхуд айрим шахсларга бирор гапни айтишдан аввал уни обдон ўйлаб, атрофлича мулоҳаза қилиб олиш зарурлиги уқтириляпти. Кишнинг айтган ҳар бир сўзи — хоҳ яхши, хоҳ ёмон, хоҳ ўринли, хоҳ ўринсиз бўлсин, уни асло қайтариб бўлмайди. Айниқса ҳақорат, пичинг, кесатиқ, мазах, камситиш каби сўзлардан эҳтиёт бўлиш керак. Вар.: «Огиздан чиққан сўз қайтмас»; «Гап эгаси билан юрмайди»; «Пуф десанг, оғзингдан чиқади-кетади, оқибатини ўйла»; «Сўзлаганинг кумуш бўлса, тек турганинг — олтин»; «Сақланган сўз — соф олтин»; «Айтмасдан бурун сўзга сен эга, Айтгандан сўнг сенга сўз эга»; «Айтар сўзни айт, Айтмас сўздан қайт»; «Арзимаган гап огизда қолсин!».

Айтмоқ осон, қилмоқ қийин.

Бу мақолни кўпинча «мақтанма, айтишга айтяпсан-у, аммо қила олмайсан», деган маънода қўллайдилар. Бундан ташқари, ишни бажарувчи томонидан мушкул иш топширган кишига нисбатан айтилади. Вар.: «Гап билан ўроқ ўриш осон»; «Сўз-

да ботир бўлмоқ осон»; «Ўртоқларимиз Қамишкапада мактаб қурмоқчилар... Гап билан ўроқ ўриш осон. Янги мактаб қуришга арава арава ёғоч, тахта, тунука керак. Хўш, буларни қаёқдан топиб бўлади?» (П.Турсун, Ўқитувчи).

Айтишсанг сўз чиқади, туртишсанг кўз чиқади.

Киши бир-бири билан сўз талашса, икки тараф ҳам ўзига лойиқ сўз топа олади. Натижада гапдан гап чиқиб, жанжалга айланиб кетиши мумкин. Шунингдек, киши бир-бири билан туртишса (гарчи бу ҳазил бўлса ҳам), ахири бориб чинга айланиши, уришишга, муштлашишга олиб келиши мумкин. Мазкур мақол: «Арзимаган нарсага гап талашма, ҳуда-беҳудага уришиб, туртишиб, жанжаллашиб юрма!» деб ўгит беради. Вар.: «Айтишган сўнг дов эмасму, Олишган сўнг ёв эмасму»; «Баҳс баҳсдан туғилади»; «Бир гапдан қолсанг — олам гулистон!».

Айтмаган қўноқ — йўнмаган таёқ.

Шох-шаббаси йўнилмаган таёқ эшикдан сиғмайди, сиғса ҳам қийинлик билан ўтади. Мақолда айтилмаган меҳмон ана шундай йўнилмаган таёққа қиёс қилинади. «Айтмаган ерга борма, сиғмайсан, сиғдирмайдилар, ўзинг ноқулай аҳволда қоласан», дейилмоқчи. Вар.: «Айтилган ерга бор, Айтилмаган ерда нима бор?!»; «Айтган ерга эринма, Айтмаган ерда кўринма»; «Чақирғандан қолма, ўзинг босиб борма»; «Эр тилаган жойда азиз»; «Сўзинг қайтар жойдан ўзинг қайт»; «Очилар қопқани билиб қоқ»; «Эшик очиқ бўлса ҳам, сўраб кир»; «Индаксиз келган — тўшаксиз ўтирур». Кейинги мақолда келтирилган «Индак» сўзи «индов» деб ҳам талаффуз этилади ва чақирув, таклиф қилув маъноларини англатади. Ҳатто тўйларда махсус индакчилар ҳам бўлади (ҳозир ҳам учраб туради). Маълумки, никоҳ куни куёвни келинникига кузатиб бормоқ ва келинни олиб келмоқ мақсадида ёр-дўстлар куёвникига йиғиладилар. Шунда то келинникидан индакчи келиб, «Қани, марҳамат қилаверинглар» деб тўй-бошининг қулоғига шипшитиб қўймаганича ёхуд шундай маънода имо-ишора қилмаганича куёв ва унинг ҳамроҳлари йўлга тушмайдилар. Индакчи келганидан кейингина ўринларидан туриб, карнай-сурнай ва ўйин-кулги билан йўлга тушадилар.

Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим.

Киши ҳаётида шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўзининг танг, ночор аҳволини бировга айтай деса, бунинг ҳар томонини ўйлаб: «Нима деркин, тўғри тушуниб, ҳамдард бўлармикин ё силтаб ташлармикин, тушунса — хўп-хўп, тушунмаса ўзимга ноқулай бўлади, шармандам чиқади», деган мулоҳазаларга боради-да, айтмайди. Айтмайди-ю, лекин ич-ичидан ўртанади. «Айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим, жон ака!— деди қори бутун вужуди ўртаниб кетаётгандай тўлғаниб.— Мен бу сирни шу чоққача ичимда сақлаб келаётган эдим, энди айтмасам бўлмайди, чунки бу миш-миш оғизга тушиб бораётибди» (А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари).

Алдагани бола яхши.

Тўғри маънода: йиғлаётган, хархаша қилаётган ё бирор жойга эргашаётган болани ваъда билан ёки қўлига бирор нарса бериб осонгина тинчлантирсалар, кўндирсалар, шундай деб қўядилар. Вар.: «Алдамоққа бачча яхши, Чайнамоққа — кулча».

Али жинни, Али жиннининг бари жинни.

Бу мақолни «жинни»ликда, жанжалкашлик ва шаллақиликда бир-биридан қолишмайдиган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, куда-андаларга нисбатан қўллайдилар. Вар.: «Онаси жинни — бари жинни»; «Тухуми бирнинг бари бир»; «Туйнигидан қа-

расам — бири жинни, Эшигидан қарасам — бари жинни».

Аллақайтиб бир бозор, уни ҳам ёмғир бузар.

Вар.: «Ҳафтада бир кун бозор, Уни ҳам ёмғир бузар», «Ойда-йилда бир бозор, Мени(нг) ҳамёним безар» (безар — бунда «безамоқ», «бажармоқ» маъносида эмас, «безмоқ, ёлқимоқ, зирилламоқ» маъносида). Орзиқиб кутилган дамларга энди етдим деганда бирор сабабга кўра иш бузилса (масалан, киши орзу-ҳавас билан тўй қилганда ёғингарчилик бўлса ё киши аллақайтиб тўйга ё зиёфатга борса-ю, бирор ҳунук воқеа содир бўлиб, тўй ё зиёфат унга татимаса), орзиқиб кутилган нарсага энди етдим деганда бирор сабабга кўра у нарса қўлга кирмай қолса ва шу каби ҳолларда қўллайдилар.

Амир бўлса тамагир, на товуқ қолур, на кулонкир.

Кулонкир — хўрознинг катта жуссали бир тури, уни «бабақ хўроз» ҳам дейдилар. «Амир агар тамагир, олғич, юлғич бўлса, унинг амалдор ва ясовуллари ҳам ундан қолишмай фуқоронинг на товуғини қўяди, на кулонкирини», дейилмоқчи. Солиқ остида қолган халқ ўтмишда бундай мақолларни кўплаб яратган. Вар.: «Подшолик ҳақи — сағир ҳақи билан баробар» (бу — эзувчи синф намояндалари ва руҳонийларнинг фатвоси бўлиб, сағирлар, етим-есирлар ҳақига хиёнат қилмаслик қанча зарур бўлса, подшолик ҳақига, яъни солиқ тўлашликка ҳам хиёнат қилмаслик шунча зарур ва шарт, деб уқтирилган); «Кўп берсанг — озарлар, Кам берсанг — осарлар», «Борма хонга, ўзи келар молга, Борма бойга, ўзи келар уйга»; «Шоҳ шохида юрса, бек баргида юради»; «Шоҳ бирни сўраган бўлса, бек унинг фармони билан келиб, ўз манфаатини ҳам кўзлаб, халқдан иккини ундириб кетади», деган маъно яширинган. Солиқ остида қолиб, хонавайрон бўлган халқ мақоллар воситаси билан эксплуататорлардан солиқ йиғувчилардан шафқат тилаган, уларни адолатга чақирган. «Бир қўйдан икки тери шилинмас»; «Хўкизнинг териси икки қават бўлмайди»; «Таланган элдан тортиқ олма»; «Бузулган уйдан буловуч олма» (буловуч — чарх дастгоҳи қисмларидан бири); «Бўлинган элдан булдурғи олма» (бўлинган — «таланган, хонавайрон бўлган», маъносида; булдурғи — қамчи дастасининг учига боғланадиган қайиш).

Амма — хола йиғилиб дангона қилур, бўлиб ололмай хангома қилур.

Дангона — ов, сайд, улоқчи келтирган улоқ, ҳуллас, ганиматдан қўлга кирган, ўртада баҳам кўриладиган нарса. Бундан ташқари, бир неча киши пул йиғиб, мол олиб сўйиб, гўштини ўртада бўлиб олиши ҳам, ўғри ва қароқчилар топган ўлжаларни ўз шериклари билан ўртада бўлишиб олиши ҳам «дангона» дейилади. Маъноси: «Амма-холалар ота-онадан қолган меросни тинчгина, ҳамжиҳатлик билан бўлишиб ололмай, бирбирлари билан келишмай, нари-бери гап — (ҳангома)га борадилар, уришжанжал чиқарадилар».

Амри падар — аршдан аъло.

Арш — диний ақидага кўра, фазонинг энг юқори нуқтаси, ҳудонинг макони. Мақолда отанинг сўзи, амри, буйруғи ана шу аршдан ҳам улуғ деб кўрсатилади ва фарзандларга отанинг айтганини бажо келтириш лозимлиги уқтирилади. Вар.: «Уругингга сўз айтсанг, Орасини узиб айт, Отанг ишга буюрса, намозингни бузиб айт». Ислом эътиқодига кўра номозни бузиш, номоз ўқиётган вақтда бирор билан гаплашиш, бошқа нарсага алахсиш — гуноҳ ҳисобланади. Бу мақолда ҳам фарзаднинг отага бўлган ҳурмати бениҳоя улуғланади. «Отанг сени ишга буюрса, ҳатто намозингни бузиб бўлса ҳам, унга «лаббай» деб жавоб бер», деб уқтирганлар.

887248

Андишанинг оти — қўрқоқ.

Баъзи одам сермулоҳаза бўлиб, нафсониятга тегиб айтилган гапга яраша аччиқ жавоб қайтаришнинг, қаттиқ-қурум гапиришнинг, койиб ташлашнинг ўрни келган бўлса ҳам, узоқ-яқинни, орқа-ўнгини ўйлаб, индамайди, ўзини тияди, андиша қилади. Баъзи одам эса бунинг фарқига бормай, «мендан қўрқиб, индамай турибди» деб ўйлаб, андишасизлигини тобора ошириб, уни хафа қилишда давом этади. Ана шундай пайтда «Андишанинг оти қўрқоқ бўпти-да!» деб киноя тарзида шу мақолни ишлатадилар.

Анқов бўлган кишининг, мазаси йўқ ишининг.

Бу мақолда анқов, ялқов, овсар, телба, тентак, девона одамлар устидан кулинади: Вар.: «Анқов англамас, ҳанги тингламас», «Анқов остидаги отини олти ой излабди»; «Анқовга қирғовул қайда?»; «Ер юзини баҳмал олса ҳам, анқовга такялик тегмайди» (такя — ёстиқ); «Анқов, анқовнинг ўртоғи — ялқов»; «Ялқов билан анқов — душман учун ўнғай ов»; «Касалга даво топилса ҳам, анқовга даво топилмас»; «Ўта овсар — бўйига ўсар»; «Бир шалтоқнинг ишини йигирма эпчил эплай олмас»; «Тентакнинг тинимни бўлмас, Ишининг уними бўлмас»; «Тентакнинг ишини тангри ўнгласин»; «Девонанинг ишини ўзи ўнгласин» (Бу кейинги икки мақолни ишни билмай, таваккалига, палапартишлик билан қилувчи ношуд одамларга нисбатан қўллайдилар).

Арава синса, раъйкорчи кўпаяр.

Одатда арава бузилмай, ўз йўлидан кетаверса, унга ҳеч ким эътибор ҳам бермайди. Борди-ю арава йўлида юки билан синиб қолгудек бўлса, ўтган-кетганлар орасидан «Ана ундоқ қилиш керак, мана бундоқ қилиш керак» деб қуруқ маслаҳат берадиган, аммо уни тузатишга бевосита кўмаклашмайдиган маслаҳатгўйлар, раъйкорчилар чиқиб қолади. Шунингдек, бир одам ўз тирикчилигини ҳеч қандай гап-сўзсиз, тинчгина ўтказиб турган бўлса, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Мабодо бирор фалокат юз бериб, молига, жонига шикаст етса, унга маслаҳат берувчилар кўпаяди. Ҳамма ҳар трафдан ҳар хил маслаҳат бераверіб, бечорани гангитиб қўяди. Юқоридаги мақол шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда мажозий маънода қўлланилади. Вар.: «Иш битгач, маслаҳатчи кўпаяр»; «Иш ўтгандан кейин насиҳатчи кўпаяр»; «Иш битгач, ёрдамчи кўпаяр».

Арава синса, ялқовга ўтин.

«Ялқов, дангаса арава синса, уни тузатишга эринади-да, ўтин қилиб ёқиб юбора қолади», дейилмоқчи. Вар.: «Танбалга — арава синса, ўтин, ҳўкиз ўлса гўшт».

Арава қўшолмасанг, тўғарма.

Аравага қўшилган отга дам бермоқ учун унинг бўйнидан бўйинчасини олиб, арвадан тўғариб (чиқариб), бир чеккага боғлаб хашаклатадилар. Шунда от дам олиб, қорин тўйғазиб, қувватга киради. Кейин уни яна аравага қўшиб кетаверадилар. Аравага от қўшиш ҳам — бир ҳунар. Баъзи одам буни билмайди. Шундай одамга: «Аравага отни қўшолмасанг, тўғарма, кейин ўзинг қийналасан»,— дейдилар. Бу мақолнинг тўғри маъноси. Мажози: (У ёки бу иш кўринишида осондек туюлгани билан, ўзи анча қийин бўлади, агар уни билмасанг, қўлингдан келмаса, уринмаёқ қўяқол.

Аравани от тортар, қўланкасин ит тортар.

Вар.: «Аравани от тортади, ит ҳансирайди». Мазкур мақоллар билан: «От аравани тортиб келса ҳам ҳансирамайди (яъни, иш қилганини билдирмайди), унинг ёнида ё орқасида бекордан-бекорга чопиб келган ит ҳансирайди (яъни ўзини гўё ҳамма ишни бажариб келгандай қилиб

кўрсатади)», демоқчи бўладилар. Қуруқ мактанчоқларга нисбатан қўлланилади. Вар.: «Ишни асбоб қилади, эгаси лоф уради»; «Ишни Эшмат қилади, Тошмат лоф уради»; «Қурол ишлайди-ю, қўл мактанади».

Арақ ичсанг маст қилур, аҳмоқ билан дўст қилур.

Замонавий мақол. Вар.: «Арақ ичган маст бўлур, Нодон каби паст бўлур»; «Араққўр улфат - келтирар қулфат»; «Пиён улфат — зиён улфат»; «Ароққа салом берсанг, ақлинг билан ҳайрлаш»; «Мастни урма, ўзи йиқилади»; «Маст кайф қилади, ўзини ҳайф қилади»; «Маст кишига гулзор билан шўразор баробар»; «Мастлик — пастлик»; «Маст келди — паст келди»; «Пастак тоғда қор бўлмас, ароқхўрда ор бўлмас»; «Арагини ичган — азобини чекар»; «Ароқхўр — ўзига қонхўр»; «Ароқ ичган ўзига кафан бичар»; «Ароқхўрлик — охири хўрлик»; «Ичкилик ишинг бузар, Охири турмушинг тўзар».

Арзон кира шаҳардан овора қилади.

Арзимаган ҳаққа рози бўлиб қўйиб, кейин шартлашилган ишни бажаришда реса овора бўладиган киши томонидан ёхуд шундай кишига қарата айтилади.

Арзоннинг шўрваси татимас.

Арзон, ориқ гўштнинг шўрваси татимсиз бўлади. Ота-боболар мол харид қилганда энг яхши, ниҳоятда сифатлисини олиш, арзон экан деб, яроқсиз нарсага пул сарфламаслик лозимлигини уқтирганлар. Чунки, қиммат нарса шак-шубҳасиз ҳар жиҳатдан яхши бўлади, бир қанча арзон нарсанинг ўрнини босади. Вар.: «Арзон беиллат эмас, Қиммат беҳикмат эмас»; «Қимматда бир ҳикмат бор, Арзонда бир иллат бор»; «Асил айнамас, олтин занглamас»; «Ақл қаримас, асил чиримас»; «Айби бор мол арзон юради»; «Арзон алдайди»; «Керaксиз нарса арзон бўлса ҳам — қиммат»; «Арзимаса, арзонга ҳам олма». «...Трактористнинг ҳақини ўн уч хўжаликка сочилганда битта отнинг уч кунлик ем-хашагидан арзон тушипти ...Тиллабувам ...«Қиммат — беҳикмат эмас, арзон — беиллат эмас, бунинг тагида бир иллат бордир, сабр қилайлик» деб ланжлик қилдилар» (А.Қаххор, Қўшчинор чироқлари)

Ари чақди деб аразлама, боли бор.

Бу билан: «Кундалик муомалада бўлиб турадиган одамнинг мабодо сенга бирор аччиқ сўз айтиб қолса ёки бирор ёмонлик қилиб қўйса, бунинг учун аразлаб, ундан бутунлай юз ўгириб кетма. Бугун аччиқ сўз айтган бўлса, эртага ширин сўз ҳам айтар, бугун ёмонлиги теккан бўлса, эртага яхшилиги ҳам тегиб қолар», деган маънода насиҳат қиладилар.

Арининг заҳрини чекмаган — болининг қадрини билмас.

Вар.: «Аччиқни татиб кўрмагунча, ширинниг қадрига етмайсан». Маъноси шундаки, бирор нарса мол, пулни қийинчилик билан топмаган одам унинг қадрини билмайди, хор қилади, ҳарра-шарра сарфлаб юборади. Шунингдек, турмуш кечиришда илгари қаттиқчилик кўрмаган одам кейинги фаровон турмушнинг қадрига етмайди.

Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди.

Вар..: «Ари уясига қўл тиқма»; «Чумоли инига чўп тиқма»: Буларда: тинч ётган, сенга зиёни тегмаган нарсага тегакўрма, ўзингга шикаст етказасан», деб огоҳлантирилади.

Ариқни кимлар қазийди, сувни кимлар ичади?!

Мазкур мақол меҳнатни биров қилиб, роҳатни биров кўрса, қўлланилади.

Арпа — буғдой ош экан, олтин — кумуш тош экан.

Ривоят қилишларича: «Бир савдогар бой хуржуннинг бир ёғига олтин, бир ёғига кумуш тўлдириб, шу бойлигига инонган ҳолда ҳеч қандай озиқ-овқат олмай, сафарга жўнабди. Унинг йўли кимсасиз чўлу биёбонга тушибди. Зоғ учмайдиган бу ерларда на сув бор-у, на овқат. Ҳалиги бой неча кун оч-наҳор юриб, ниҳоятда ҳолдан тойиб, нима қиларини билмай кетаётса, қаршисидан бир гадо чиқиб қолибди. Унинг халтаси тўла нон экан. Бойнинг кўзи нонга тушиб, суюнганидан сал бўлмаса ўзидан кетаёзибди. Мана бу хуржундаги олтин-кумушларга нонингни айирбош қиласанми? дебди бой гадога. Гадонинг кўзи хуржун тўла олтин-кумушга тушиб, юраги ёрилаёзибди ва дарҳол жон деб рози бўлибди. Бой унга олтин-кумушларини бериб, нонга тўйиб, дармонга кириб, яна йўлига равона бўлибди. Гадо бўлса хуржунни елкасига ташлаб, бир кун юрибди, икки кун юрибди, қорни ўлгудай очибди. Бирор егулик нарса қаёқда?! Олтин-кумушни эса еб бўлмайди. Ахири очликдан силласи қуриб, ҳолдан тойиб, қумга йиқилиб ётиб қолибди. Ўлар ҳолга келганда олтин-кумушларни олдига қўйиб, қўли билан қумга ўйиб «Арпа-буғдой ош экан, Олтин-кумуш тош экан», деб ёзибди-да, оламдан ўтибди».

Арпа емаган отларим ажриққа зор бўлди, подшо минмаган отларим гадо тагида хор бўлди.

Вар.: «Ширмон емас хонойим зоғорага зор бўлди»; «Хонойим бошига кун тушса, хамир қориб нон ёпар, Қирқ қулочли қудуқдан қовға билан сув тортар» (қовға — хом теридан ясалган челак). Ўтмишда халқ бу мақоллар билан давлати ва амали бор пайтда тўқликка шўхлик қилиб, яхши овқатларни ҳам ноз қилиб еган, энг яхши кийим-кечакларнинг ҳам унча-мунчасини менсимаган, давлатидан айрилгач ё амалдан тушгач, йўқсиллар киядиган кўримсиз кийим-кечакларга ҳам зор бўлиб қолган собиқ амалдорлар, давлатмандлар устидан кулган.

Арпа оғса кандугингни тузат, буғдой оғса — сомонхонангни.

Тажрибакор деҳқонларнинг айтишича, агар арпа бошоғини кўтаролмай, бир тарафга оғса, сояда дони тўлишиб, ҳосилдор бўлади. Шунинг учун «галла соладиган кандугингни тузат (яъни, ўрин-йиғимга тараддудингни кўравер); деганлар. Агар бугдой оғса, бунинг аксича, бошоқлари бир-бирининг устига ётиб, қизиб, димиқиб, дони куйиб, пучқоқ бўлиб қолади. Натижада экиннинг ҳаммаси сомонга чиқиб кетади. Шунинг учун «сомонхонангни тузат», деганлар. Вар.: «Буғдой бошоғи турса омборинг тузат, Буғдой бошоғи ётса молхонанг тузат»; «Доннинг бўлиғи — омборнинг бўлиғи».

Арпа пишар, ишингиз тушар.

Тирикчиликда бирор нарса етишмай қолганда мажбур бўлиб бировдан сўраб борилса-ю, у бермаса, қизғанса, шу мақолни кўчма маънода: «Бизнинг ҳам қўлимизга маблағ кириб қолар, бир кунмас-бир кун сизнинг ҳам бизга ишингиз тушиб қолар, ўшанда бу қилиғингиз учун ўзингиз хижолат бўлиб ҳам қолармиз», деб бевосита унинг юзига ёхуд орқаворатдан ёйинки ўз ичларида айтиб қўядилар.

Арпа эккан арпа олар, буғдой эккан буғдой олар.

Бу мақолнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган ҳикояни XIII асрда Носириддин Бурҳониддин ўғли Рабғузий ўзининг «Қиссаи Рабғузий» асарида, XVI асрда Абдулвахобхўжа ўғли Пошохожа (тахаллуси — «Хожа») ўзининг «Мифтоҳ ул-адл» асарида келтирган. «Лукмони Ҳаким аввал бир қул эрди. Хожаси бир

кун айди: ё Луқмон, фалон ерга бориб, арпа эккил, фалон ерга бориб, буғдой эккил, деди, эрса Луқмон бориб, арпа эккил деган ерга буғдой экти, буғдой эккил деган ерга арпа экти. Қачонким экин тамом бўлди, эрса, Луқмоннинг хожаси келди, кўрдиким, арпа ерида буғдой экилмиш ва буғдой ерида арпа экилмиш. Хожаси айди: нечук мундоқ қилдинг? Луқмон айди: мен гумон қилдимким, арпа еринда буғдой битар ва буғдой еринда арпа битар, деб андоқ қилиб эрдим. Тақи Луқмон айди: эй хожа, нечукким ёзуқ ўрнида савоб битар, савоб ўрнида ёзуқ битар?! Туну кун зулм қилурсан, тақи қиёматда савоб умид этарсан. Хожаси бу сўзни эшитти, эрса бир оҳ урди, жамиъ эткан гуноҳларидин тавба ва истиғфор қилди ва ҳам Луқмонни озод қилди. Эмди билмоқ керакким, ҳар ким бу дунёда не экса, они ўрар». Вар.: «Арпа экқан арпа олади, буғдой эккан буғдой олади, Мадалихон нимангни олади?»; «Арпа эккан арпа олади, Буғдой эккан буғдой олади Абдуллахон нимани олади?!»; «Арпа экиб, буғдой кутма», «Не экканг, шу кўкарур»; «Ҳар ким экканини бичар»; «Ҳар ким экканини ўрар»; «Нимани эксанг, шуни ўрасан, ўлпонни тўлаб, қолганини кўрасан»; «Яхшилиқ эккан эсонлик ўрар»; «Қовун эккан қовоқ олмас»; «Қовоқ экиб, қовун кутма»; «Тол экиб, олма кутма»; «Тикандан тариқ унмас»; «Бўз тўқисанг, бўз оласан, Гилам тўқисанг, гилам оласан»; «Ўт берган ўтини олади, Сув берган — сувни»; «Тош қўйган тошни олади, Ғишт қўйган — ғиштини». Бу кейинги мақолга бир ҳикоя келтирадиларки, Бухоро хонларидан Абдуллахон Қарши даштига сардоба (сув сақланадиган ва ичига бир карвон туя сиғадиган усти ёпиқ чуқур ҳовуз) қурдира бошлабди. Бу бинога кетадиган ғишт, тош ва ганчни шу атрофдаги деҳқонлар зиммасига юклабди. Бунинг устига уларни «ҳашар» ниқоби остида пул ҳам тўламай, овқат ҳам бермай, мажбуран ишлата бошлабди. Бундай жабр-зулмга қарши деҳқонлар исён кўтариб, иш ташлабдилар. Шунда Абдуллахон сардобанинг қурилиши ҳамда исённи текшириш учун бевосита ўзи сурат табдил қилиб (яъни, деҳқон қиёфасига кириб), ишловчилар орасига кириб борибди-да, бир деҳқон бободан сўрабди.

— Ота, Абдуллахон шунча ташвишлар билан бино қурдиряпти. Хўш, бундан Абдулхонга нима фойда-ю, қандай савоб тегаркин?.

— Э биродар,— дебди бобо,— кимки бу бинога нима ҳисса қўшипти, шуни олади-да! Тош қўйган тошини олади, Ғишт қўйган — ғиштини.

— Хўш, Абдуллахон бу бинога нима қўшди-ю, нима олади?

— Абдуллахон халққа жабр-зулм қўшди, азоб-уқубат қўшди, шуни олади-да, бошқа нимани оларди?!

Бобонинг бу гапи эл орасига тарқаб, кейинчалик мақолга айланиб кетган. Умуман, юқорида келтирилган мақоллар, «Кимки одамларга яхшилик қилган бўлса, одамлардан ҳам яхшилик кўради, ёмонлик қилган бўлса, ёмонлик кўради»,— деган маънода қўлланади.

Арра тортишмасанг, торинма.

Одатда аррани икки киши икки тарафга ўтириб тортади, бир кишининг ўзи арралай олмайди. Мажози: «Элюрт билан меҳнат-машаққатни баробар тортишмасанг, сенга улуш тегмайди. Бунинг учун ториниб (хафа бўлиб, ўпкаланиб) юрма, чунки ўзинг ҳисса қўшгансан»

Арслон қариса, сичқон инини пойлайди.

Вар.: «Арслон қариса, тулкига кулки бўлар»; «Бўри қариса, ови қочар»; «Ўғри қариса, ёлғончи бўлар, Бургут қариса, сичқончи бўлар». Маълумки, арслон — йиртқич ҳайвонларнинг, бургут — йиртқич қушларнинг энг зўри ҳисобланади. Сичқончи — йиртқич қуш, «япалоқ» деб ҳам атайдилар. Унинг уч тури бўлиб, икки тури кичкина, бир тури эса калхатдек келади. «Сичқончи» деб аталганининг боиси шундаки, бу қушнинг бошқа жониворларга кучи етмай, сичқон тутиб ейди. Юқоридаги мақолларнинг

тўғри маъноси ўз-ўзидан аён: «Ана шундай зўрлар ҳам қариса, қўлидан ҳеч бир иш келмайдиган бўлиб қолади». Мажозий маъноси: одам қариса, бой синса, мансабдор амалидан тушса ва ҳ.к., ўзига мутлақо ярашмайдиган майда-чуйда ишларга айланишиб қолади».

Арслоннинг озгани айиққа чопади.

Маъноси: айиқ кучли бўлгани билан, «юраксиз», қўрқоқ бўлади. Арслонда эса куч ҳам бор, юрак ҳам бор, ғайрат ва фаросат ҳам бор. У шу жасорат туфайли ҳеч нарсадан қўрқмайди. Борди-ю, у мода айиқнинг алдовига озиб, унга чопса, ўзининг арслонлик наслига ва болаларига номус келтиради. Мажозий маъноси: Тарихда маълумки, ўтмишда бой ва амалдорлар камбағал, бева-бечораларнинг хотин қизларига кўз олайтирганлар, Халқ мазкур мақол билан ана шундай инсонийлик йўлидан озган, виждонсиз, инсофсиз одамларга нисбатан ўз нафратини билдирган, уларнинг устидан кулган.

Арслоннинг оғзидан ов олинмас.

Ҳеч қандай куч арслоннинг оғзидаги овни ололмаслиги табиий. Ота-боболар бу мақол билан фарзандларга: «Сен ҳам арслондек қўрқмас, ботир бўл, олгин-у олдирма!» деб уқтирганлар.

Арслоннинг ўлиги — сичқоннинг тириги.

Бу мақол «Ўз даврида зўр полвон, паҳлавон бўлган одам қартайиб, қурби кетиб қолган тақдирда ҳам унча-мунча одамга бўш келмайди» ёхуд «Илгари катта бой бўлган одам камбағаллашиб қолгани тақдирда ҳам молиявий жиҳатдан унча-мунча камбағалдан устун туради», деган маъноларда қўлланади.

Артса — кетар, қоқса — йитар.

Бу мақол билан: «Агар биров сенинг кийимингни беҳосдан дог қилиб қўйса ё чанг юқтирса, бунинг учун уни койиб, ҳафа қилма. Артсанг доғи кетади, қоқсанг чанги йитади (йўқолади)» дейилмоқчи.

Арча сувини ичган — минг йил яшар.

Арчалар Ўрта Осиёда Зарафшон, Туркистон ва Тянь-Шань тизма тоғларининг денгиз сатҳидан 900 — 3200 метр баландликдаги тоғ ён бағирларида тарқалган. Мутахассисларнинг ёзишича, арчаларнинг новдалари ва мевалари сабинол, педрол ва альдегидли эфир мойларига бой. Арчалар ҳақида ҳам бошқа «мукаддас» ўсимликлар сингари турли афсона ва диний ривоятлар тўқилган. Уларда таъкидланишича, арчага эътикод қилган одам албатта, ўз орзу-истакларига эришар эмиш. Тоғдаги арча қандайдир «ҳаёт суви»дан ичиб турармиш. Шунинг учун минг йил яшармиш, кейин ўзидан ут чиқиб, ёниб кетармиш. Арчанинг «ҳаёт суви»дан ичган одам ҳам минг йил яшармиш. Юқоридаги мақол шу каби афсонавий тушунчалар маҳсулидир. Мақолда арчанинг шифобахш хусусиятига ишора қилинган. «Тоғ арчаси тоғ сарви бўлиб, эт узилишига, қўкрак оғриқлари ва йўталга яхши фойда қилади. Ичилса, меъда учун яхши, ундаги кўпчишга жуда фойда қилади. Газандаларнинг чиқишидан келган зарарни қайтаради. Унинг (қизил арчанинг) барги соляб қайнатилган сирка билан оғиз чайқалса, тиш оғриғини тинчлантиради. Унинг меваси йўталга, жигарга фойда қилади» (Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари).

Арча хушбўйлигидан мингга киради.

Мажозий маъноси:: «Сен ҳам хушгабиат, хушмуомала, ширинсухан бўлсанг, кўп яшайсан». Вар.: «Арча

минг яшайди, Ёнғоқ билан тенг яшайди»; «Чинор чиранмас, арча қуримас».

Арқонга ун босилган, ғалвирга сув солинган.

Вар.: «Бермас ғалвирда сув турар». Мазкур мақолларнинг келиб чиқиши Афанди латифаси билан боғлиқ. Кунлардан бир кун Афандининг эшитгини икки киши тақиллатиб келибди. Афанди чиқиб қараса, иккаласи ҳам қўшнилар экан. Улардан бири: «Терак кесаётган эдик, арқон керак бўлиб қолди. Сизда узун арқон бор деб эшитувдим, шуни бериб турсангиз», деб илтимос қилибди. Шунда Афанди: «Бор, бор, аммо бўш эмас, арқонга ун босиб қўйганмиз, бўлмаса жоним билан берардим», дебди. «Ие арқонга ҳам ун босадими, Афандим», дебди қўшниси. «Бергиси келмагандан кейин бир баҳона топиш керак-да, ука!» дебди Афанди ва иккинчи қўшнисидан сўрабди: «Хўш, сизга нима керак?» «Менга ғалвирингизни бериб турсангиз. Буғдойни шопириб олмоқчи эдим», дебди у. «Бўш бўлса берардим, амма ғалвирга сув тўлғазиб қўйганмиз», дебди Афанди. Ҳар иккала қўшни ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб, уй-уйига кетибди... Юқоридаги мақолларни қизғанчиқ одамларга нисбатан қўллайдилар.

Арғамчига қил — қувват.

(Арқон) пуқул жундан қилинса, мўрт бўлади, салга узилиб кетади. Шунинг учун жунга озроқ қил (отнинг ёли ёки думидан) аралаштириб эшадилар. Шу озгина қил ҳам арғамчини пишиқ ва бақувват қилади. Мажозий маъноси: «Қийналиб, муҳтож бўлиб турган одамга озгина ёрдамлашиб юборсанг ҳам, унга анча қувват бахш этган бўласан, у сенинг шу озгина ёрдаминг билан ҳам ўзини ўнглаб олиши мумкин». Вар.: «Чанқоққа бир томчи ҳам — мадад».

Асал — қилмайди касал.

«Асал гул ва бошқа нарсаларнинг устига тушадиган кўзга кўринмас шудринг (ширa) бўлиб, уни асаларилар териб олади. У шундай бир бугки, юқорига кўтарилиб, ҳавода етилади ва кечаси қуюқлашиб, асалга айланиб, пастга тушади. Унда тозаловчи, томирлар оғзини очувчи, хўлликларни шимдирувчи қувват бор. Чиркли чуқур яраларни тозалайди, янги жароҳатларни ёпиштиради, темирўткаларни тузатади, қулоқни тозалайли, қуритади ва эшитиш қобилиятини кучайтиради, кўз хиралашини кетказади, бўғимларни тузатади, меъданн кучайтиради ва иштаҳани оширади, газандаларнинг чиқишида ва афюн ичганда фойда қилади, қутурган ит қопганга ва заҳарли кўзиқорин еганга даво, заҳарларга қарши фойдали нарса» (Абу Али ибн Сино, Тиб қонунлари). Вар.: «Асалари — оиланинг табиби», «Болни бол дейди, Болни таниган ейди» (асалфурушлар болни шундай деб мақтаб сотадилар); «Бол ҳам — бол, Баҳоси ҳам ——бол» (баҳоси қиммат, демоқчи); «Бор ерида бол арзон»; «Асал десанг, бир камир, Қўл тиқсанг, икки камир»; «Бол билан балчиқ еса ҳам бўлади»; «Болнинг тагини е, сутнинг бетини» (Чунки, болнинг таги дурда бойлаб, соф асал ҳолига келади, сутнинг бети эса каймоқ боғлайди).

Асилнинг хатоси бўлмас, нокаснинг — отаси.

Вар.: «Асилнинг баҳоси бўлмас, Ножинснинг ошноси бўлмас»; «Махсининг пошнаси бўлмас, Ножинснинг — ошнаси». Нокас, ножинс — яъни, ёмон одам фақат ўзини ўйлайди, ўзим бўлай дейди, ўз манфаатини кўзлайди, ўзгаларни, ошна-оғайниларни, Ҳатто отасини ҳам танимайди, сийламайди, ҳурмат қилмайди.

Асирликда қанду асал еғандан, эркинликда парча куйган нон яхши.

Асирлик, тутқинлик азобини тортганлар тилидан айтиладиган «Банда бўлдим — ганда бўлдим»; «Оёғимда боғ, юрагимда доғ» деган мақоллар ҳам бор.

Аслини билмай сўз демаслар, наслини билмай қиз бермаслар.

Вар.: «Қизни ошиғига бер»; «Қизни танлаганга бер»; «Қизни сўраганга бер, қимизни — сувсаганга»; «Қизинг кимни севса — куёвинг шу»; «Беда берсанг тойга бер, касир-кусур чайнасин, қизни берсанг ёшга бер, ишқи билан ўйнасин»; «Тенгини топсанг, текин бер»; «Гулни гулга қўш»; «Олтин узукка — олмос кўз»; «Гавҳарга ҳам муносиб гардиш керак» (мазкур мақолларда ота-она қизини кимни лозим кўрса шунга турмушга беришлигига қарши чиқилган). «Яхши ерга берсанг қизни, силай-силай султон қилур, ёмон ерга берсанг қизни, ура-ура ултон қилур» (ултон — оёқ кийимларига тагчарм қилинадиган, ковушнинг ичига солинадиган чарм); «Жавдар жойига тушса, буғдой бўлар, Буғдой жойига тушмаса, жавдар бўлар»; «Яхши ерга тушса, ёмон қиз яхши бўлар, Ёмон ерга тушса яхши қиз ёмон бўлар»; «Бир ўқиганга бер, бир — тўқиганга»; «Пўрдоқ ейман десанг, қизингни қассобга бер»; «Биясизга қимиз берма, Қизсизга қиз берма» (чунки, ҳар иккаласи ҳам уларнинг қадрини билмайди); Мусофирга қиз берма — шаҳри секки, кўнгли икки»; «Олис ерга қуда бўлсанг, туя-туя ош келар, Яқин ерга қуда бўлсанг, туя-туя сўз келар»; «Қариндошдан қарз олма, қариндошга қарз берма, Қариндошдан қиз олма, қариндошга қиз берма»; «Қайроғоч қаттиқ экан, синмас экан, Қариндошга қиз берган тинмас экан»; «Дўст билан олиш-бериш қилма»; «Туққан билан қуда бўлдим, Туққанидан жудо бўлдим». Мазкур мақолларда қариндошга, яқин ёрдўстларга қиз бериш ё улардан қиз олиш тавсия этилмаётганига сабаб шундаки, ҳар қандай оилада ҳам келишмовчилик, нари-бери гаплар бўлиб туради. Бу эса қариндошлар, дўстлар (яъни, қудалар)нинг бир-бирлари билан ҳафалашиб, ҳатто юз кўрмас бўлиб кетишларига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, яқин қариндошлар бир-бирларига қиз бериб, қиз олсалар, кўп ҳолларда туғилган болалар ё жисмоний, ё ақлий бирор нуқсонли бўладилар.

Аталадан суяк чиқибди.

Одатда аталага гўшт солинмайди. Гўшт солинмагач, ундан суяк ҳам чиқмайди. Бу мақолни мажозий маънода зиқна, хасис одамдан иттифоқо бир саховатли иш чиқиб қолса ёхуд ҳеч нарса билмайдиган одамдан бирор маъноли фикр чиқиб қолса: «Ёпирай, аталадан суяк чиқибди-я!» деб таажжубланадилар. Вар.: «Кесакдан олов чиқибди»; «Қарқунокдан булбул чиқибди».

Афтинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкаланма.

Маъноси: Ўзинг айбдор бўлсанг-у, шу айбингни биров сенга тўғридан-тўғри айтса, ундан хафа бўлиб, ўпкалаб юрма, аксинча, тан ол, айбингни тузатишга ҳаракат қил. Вар.: «Хунук юз ойнадан гина қилади»; «Қийшиқ юз ойнани қийшиқ дейди»; «Айбингни айтганни айблама».

Кимки санинг айбингни айтур санга,
Шафқат ила лутфу карам қил анга
(Пошшохожа).

Ахтарганда топилмас, керакмасда хор-зор.

Вар: «Қоп тўлганда тезак учрар»: «Ўқ топилса қуш кез келмас, Ош топилса дўст кез келмас»; «Емас ерда емиш кўп»; «Емас ерга ўт битар, Ичмас ерга сув битар»; «Камонсизга кийик учрабди»; «Яроқсизга ёв йўлиқмас»; «Супурилмаган уйга меҳмон келар». Бу мақоллар иш аксига олган, омад юришмаган дамларда айтилади.

Аччиқ тер чиққандан аччиқ тил ҳам чиқади.

Киши қийналиб меҳнат қилаётган, машаққат чекаётган, ҳориб-чарчаб, ҳамма ёғидан тер чиқиб, кайфияти бузилиб турган пайтда бир одам унинг тепасига келиб. Ана уни ун-

доқ қилмабсан, мана буни буидоқ қилмабсан!» деса, уни аччиқ-аччиқ сўзлар билан қойиб ташлаши — табиий. Мазкур мақолда шу ҳол ифода этилган. «Бир чарчаганга тегма, бир — оч қолганга»; «Очнинг тили аччиқ бўлади», «Очнинг аччиғи ёмон»; «Оч зулук қаттиқ тишлайди»; «Оч билан олишма» деган мақолларда чарчаб ё оч қолиб турган одамга қаттиқ ботадиган гап-сўз ёхуд хатти-ҳаракат қилмаслик лозимлиги уқтирилган.

Аччиқни аччиқ кесар.

Вар.: «Заҳарни заҳар қайтарар»; Илон-чаён чақса, илон чаёнининг заҳрини суртадилар; аччиқ гапга аччиқ гап билан жавоб қайтарадилар; урганни урадилар, сўканни сўкадилар ва б. Мазкур мақол билан ҳар бир иш ва ҳаракатнинг ўз муқобили борлиги, шунга риоя қилиш зарурлиги уқтирилади. «...Мен сизга оғир қонли жиноятингиздан қочиб қутилишнинг бирдан-бир йўлини таклиф қиляпмен. Заҳарни заҳар кесади...— Яна одам ўлдиришми?...— Барибир қўлингиз қонли... (А.Мухтор, Опасингиллар).

Ашулам кўп, овозим йўқ.

Вар.: «Ашулачи кўп-у, байт-газал стишмайди». Буларни ўзи қўлидан келмайдиган, аммо шунга қарамай: «Биламан, қўлимдан келади, лекин у йўқ, бу йўқ, деб баҳона қилувчи қуруқ мақтанчоқ одамларга нисбатан қўллайдилар.

Ая куймади, доя куйди.

Одатда туғаётган ая (она)дан ҳам кўпроқ уни туғдираётган доя куюнади, ташвиш тортади. Мажозан бир нарса йўқолса, синса, бузилса, унинг эгасидан кўра кўпроқ куюнадиган, ачинадиган, хафа бўладиган ўта куюнчак одамларга қарата айтадилар.

Аяган кўзга чўп тушар.

Вар.: «Аяган отнинг оёғи синар»; «Ташлаганга тош тегмас». Баъзан кўз қорачиғидек авайлаб келинаётган нарсага, папалаб келинаётган болага, худди ўчакишгандек, бирор шикаст етади, Аямай, ўз ҳолига ташлаб қўйилганга эса бало ҳам урмайди. Мазкур мақоллар шундай ҳолларда айтилади.

Аямажуз — олти кун, қаҳри келса қаттиқ кун.

Аямажуз — айёми ажуз (ар. ажуз — кампир). Ўрта Осиё халқлари қишни 90 кун ҳисоблаб, «тўқсон» деб атаганлар. Яна бунга эҳтиёт юзасидан 10 кун қўшиб, юз кунга тўлғазиб, «сад пок» деб юритганлар. Тўқсон ҳозирги ҳисоб бўйича 13 декабрдан 13 мартгача бўлган даврга тўғри келади. Шу тўқсон кунниинг охирги олти кунида қаттиқ совуқ бўлиб (кўп йиллик кузатишларга кўра), ер музлаши мумкин (баъзи йил совуқ бўлмай ҳам ўтади). Ана шу 6 кунни «Шиша» деб ҳам, «Аямажуз» деб ҳам атаганлар. «Шу ой ичида «кампир кунлари» бўлиб, унинг боши йигирма олтинчи шуботдир. У кетма-кет етти кун бўлади. Йил кабисали бўлса, тўрт куни шуботдан, уч куни озор ойидан бўлади; (йил) кабисали бўлмаса, уч куни шуботдан, тўрт куни озордан (бўлади)... Қадимгилар ҳикоясича, бу кунларнинг «кампир кунлари» деб аталишининг сабаби шуки, ...од қавми шу кунларнинг қаттиқ совуқ шамоли, гирдоблари ва даҳшатлари билан ҳалок бўлган. Улар жумласидан бир кампир тирик қолиб, ҳалок бўлганларга марсия айтиб, йиғлаган. Шунинг учун бу кунлар «кампир кунлари» деб аталган. У (кеча-кундузларнинг) қиссалари машҳурдир ...Баъзиларнинг гумонича, шу (кунларнинг «кампир кунлари») деб аталишига сабаб шуки, бир кампир (ҳавонинг) исиганини кўриб, пахталик кийимини ечиб ташлаган ва шу кунларнинг совугида ўлган. Баъзи араблар фикрича «кампир кунлари»нинг бундай деб аталишига (сабаб), бу кунлар қишнинг «кампири» яъни охиридир» (Абу Райҳон Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). Вар.: «Аямажуз олти

кун, Олти ой қишдан қаттиқ кун»; «Аҳмоқ-даҳмон олти кун, Қаҳрига олса қаттиқ кун»; «Аҳмон музи даҳмондай бўлса ҳам қўрқма, Кузнинг музи кўзгудай бўлса ҳам қўрқ»; «Ажум момо олти кун, сакангласа — саккиз кун, тўқангласа — тўққиз кун»; «Ёзнинг пашшасидан эҳтиёт қил, Қишнинг — шашасидан». «Тўқсон, бир кунимча йўқсан», мақолини халқ аямажуз тилидан айтган.

Ақл билан адаб — эгизак.

Вар.: «Илмнинг каттаси — адаб»: «Ақл Ҳасандир, Одоб Ҳусандир, Адаб бозорда сотилмас»; «Адаб биносидан чиқма, ҳаё хилватидан чиқма»; «Ҳуси хулқи билан чиройли»; Одобли бола — элга манзур»; «Одобли бола — орли бола, одабсиз бола — шўрли бола»; «Адаби йўқ йигит — югани йўқ от». Халқимиз бу мақолларда кишига жамиятда ўзини қандай тутиши зарурлиги юзасидан таълим берар экан, аввало уни ақл, ахлоқ ва адаб эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субутли бўлишга даъват этади.

Ақл — одамнинг олтин тожи.

Инсон ўз умрини мазмунли ва маъмурчилик билан ўтказиши учун аввало ўзини ўраб турган борлиқни била билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши даркор. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида ақл ва ақл эгаларини мадҳ этали, уларнинг ҳаётдаги ютуқларини кўрсатади, ақлсизлик, жоҳиллик, нодонлик, фаросатсизликни қоралайди: «Ақлдан ортиқ бойлик йўқ»; «Ақл — дунёнинг кўзи»; «Ақл — одамнинг кўрки»; «Боққа булбул ярашар, одамга — ақл»; «Ақл — олтин сандиқ, одамига қараб очилади»; «Одамнинг тизгини — ақл»; «Тил — тан қоровули, ақл — жон қоровули»; «Кўз бор — кўрмоқ учун, ақл бор, — билмоқ учун»; «Ақл — кўрга кўз, соковга тил»; «Ақл — сувдан тиниқ, ойнадан равшан»; «Ақл роҳатда эмас, роҳат — ақлда»; «Одам ақли — олмос, кесмагани қолмас»; «Ой тунда керак, ақл кунда керак»; «Ақл кўпга етказур, ҳунар кўкка етказур»; «Ақлинг пеш — ишинг беш, Ақлинг кеч — ишинг хеч»; «Ақллилар йиғилса, қийин ишни битирар, Ақлсизлар йиғилса, осон ишини йитирар»; «Доно — дурдан аъло»; «Доноликнинг чеки йўқ; «Доно қариса ҳам, донолиги қаримас»; «Билимлидан ақл чиқар, Ақллидан нақл чиқар»; «Ақллик бор уйда аҳиллик бор»; «Одам моли билан одам эмас, камоли билан одам»; «Ақча топгунча ақл топ»; «Кўп молдан оз ақл яхши»; «Каллам бор — бир қоп тиллам бор»; «Отмиш нориг бўлгунча, ақлли ёринг бўлсин» (нор деганда нор туя назарда тутилган); «Ақлсиз бой бўлгунча, Ақлли гадой бўл»; «Ақлнинг бозори йўқ, фаросатнинг — тарозиси»; «Ҳайф сумбат, ақл — қиммат» (Ҳайф сохта-сумбатингга, ақлинг бўлмаганидан кейин», дейилмоқчи); «Юзта аҳмоқдан битта ақлли зўр»; «Туядай бўйинг бўлгунча, тугмадай ўйинг бўлсин»; «Туядек шаклдан — тугмадек ақл яхши»; «Ақл ақлдан қувват олади»; «Ақл бошдан чиқади, Асл тошдан чиқади»; «Ақл ёшда эмас, бошда»; «Ақл — ёшдан, одоб — бошдан»; «Тотли сув тошдан чиқар, Яхши ақл ёшдан чиқар»; «Ақл бўй билан ўлчанмас»; «Бўй етмаган ерга ўй етади»; «Бировнинг бўйи калта, Бировнинг ўйи калта»; «Ақли озниг азоби кўп»; «Эси пастнинг — иши паст»; «Фикрли одам бош бўлур, фикрсиз одам тош бўлур», «Ақлсиз калланинг хом ковоқдан фарқи йўқ»; «Бош бўлмаса, гавда — лош» (лош-мурда, жасад); «Боши йўқнинг оши йўқ»; «Алқсиз оғиздагин олдирар»; «Ақли саёз панд ейди, Ақли теран қанд ейди»; «Ақллининг ёққан чирогини аҳмоқ уриб ўчиролмас»; «Ақлли мақтанса, ишини тиндирар, Ақлсиз мақтанса, оёғин синдирар»; «Ақлли эр — эл боласи, Ақлсиз эр — эл балоси»; «Адабсиз уйга кириб бўлмас, Ақлсиз юртда туриб бўлмас» ва б.

Аҳмоқнинг катта — кичиги бўлмас.

«Аҳмоқ» — кенг маънодаги сўз бў-

либ, уни ақл-фаросатсиз, бадфеъл, безбет, дилозор, қуруқ мақтанчоқ, дайди, ношуд, нодон, худбин ва ҳоказо шу каби иллат эгаларига нисбатан ишлатади. Юзларча мақолларимизда ана шундай кишилар қораланади, уларнинг бутун кирдикорлари очиб ташланади, улар устидан заҳарханда билан кулинади. «Аҳмоқнинг шохи-бутоғи бўлмас»; «Аҳмоқдан ақл сўрама»; «Аҳмоқда ақл йўқ, дангасада — дармон»; «Аҳмоқда «ақл» кўп, ялқовда «нақл» кўп» («ақл», «нақл» сўзлари кесатиқ маъносида); «Аҳмоқнинг онги йўқ, чопонининг енги йўқ»; «Аҳмоқнинг ақли — тўпиғида»; «Аҳмоқнинг бошига ақл ёпиштириб қўйсанг, қўли билан кўчириб ташлайди»; «Тубдан ақл бўлмаса, туртган ақл кор қилмас»; «Аҳмоқнинг ақли тушдан кейин киради»; «Аҳмоқ савдо қилар бозор ўтганда» (Бу кейинги икки мақол билан: «Аҳмоқ, бафаҳм, беидрок, бефаросат одам бир ишни уйламай-нетмай, шоша-пиша қилиб қўяди-да, кейин дидига ёқмай қолса ё панд еса: «Эҳ аттанг, ундай қилсам бўларкан, бундай қилсам бўларкан», деб иш ўтгач эси жойига келиб қолади», демоқчи бўлинган); «Девонадан ой боши сўрама»; «Қўрққан — отасин танимас, Аҳмоқ хатосин англамас»; «Ақллига айтсанг, билади, Аҳмоққа айтсанг, кулади»; «Аҳмоқ қаримас, қариса ҳам аҳмоқлиги аримас»; «Ақлсиз — айтмасанг билмас, очмасанг кўрмас»; «Аҳмоқ — кўзидан маълум, сўзласа — сўзидан маълум»; «Ачиган қатиқ хурмачасидан маълум»; «Яхшини ўзидан бил, Ёмонни кўзидан бил»; «Айрон — ош бўлмас, Нодон бош бўлмас»; «Отхонадан айвон яхши, ҳамтовоқдан ҳайвон яхши» (ҳамтовоқ — аҳмоқлик, бефаросатлик, тентаклик ва б.); «Девонага — икки дунё баробар»; «Тентакни тентак десанг, терак тепасига чиқади»; «Аҳмоқни аҳмоқ десанг, арпа бўйи қўшилади»; «Ақлли десанг аҳмоқни, Бошга урар тўқмоқни»; «Тентакни тентак десанг, бўрки қозондай бўлади»; «Бўёқчини бўёқчи деса, отасининг соқолини бўябди» (Бу кейинги мақоллар «Аҳмоқ, тентак одамга ҳадеб: «Сен аҳмоқсан, тентаксан, деяверилса, унинг айби юзига солинаверса, баттар жини қўзиб, илгаригидан ҳам ёмонроқ қилиқлар қила бошлайди» ёхуд «Аҳмоқ, тентак одамни жўрттага мазах қилиб, сен яхшисан, сен зўрсан, сен ундоқсан, сен бундоқсан... дейилса, у бу киноянинг асл маъносига тушуниб етмайди-да, ҳаволаниб кетиб, ўзининг беўхшов қилиқларини тағин ҳам авжига чиқаради», деган маъноларда қўлланилади). «Аҳмоқнинг зўри бир жойга икки қоқилади»; «Тентакнинг ўти тепасида ёнар»; «Амал тегса нодонга, ўзин урар ҳар ёнга»; «Аҳмоққа ақл битса, ақллининг шўри қурийди»; «Телбанинг териси қалин»; «Тентак тепса темирни узади» (расмана одамга нисбатан тентакда куч кўп бўлади, дейилмоқчи). «Аҳмоқ тўқмоқ йиғади»; «Тентак чўқмор йиғар, чумсаҳ чўп йиғар»; «Телба тош тўплар» (Ўтмишда чўқмор деярли ҳар бир хонадонда бўларди. Кишилар ёвдан, ўғри-ўтрукдан сақланишда ундан мудофаа қуроли сифатида фойдаланардилар. Юқоридаги икки мақол билан; «Тентак, телба, девона одамлардан ўзингни эҳтиёт қил. Чунки, уларнинг аксарияти қўлида ё қўйнида тош олиб юради. Бехосдан сенга тош отиб, бирор еринғни шикастлантириб қўйиши ҳам мумкин», демоқчи бўладилар); «Аҳмоқнинг ўз қилиғи ўзига хуш кўринади»; «Аҳмоқ ўзи сўзлаб, ўзи кулар»; «Эшак ўз овозига ўзи завқ қилади»; «Аҳмоқ ўзин билдирар, Теварагин куддирар»; «Ақли қисқанинг тили узун бўлади»; «Ақллининг қўли ишлар, Ақлсизнинг тили ишлар»; «Аҳмоқдан сўрама, ўзи айтади»; «Аҳмоқ хаёли билан бойийди»; «Аҳмоқ ўзини мақтар, Паҳмоқ кизини мақтар» (паҳмоқ — сочини ювиб-тарамай, бошидан бадбўй, чучмал ҳид таратиб юрадиган аёл); «Какку ўз отини айтиб сайрайди»; «Доно ўзини айблар, Нодон — ўзгани»; «Доно ўзини тергар, нодон — кўзини»; Ақллининг қадри аҳмоқ ёнида билинади»; «Аҳмоқ ортиқ қиламан деб, тиртиқ қилади»; «Аҳмоқ бузарга бор, тузарга йўқ»; «Аҳмоқ саллани келтиради»; «Битта аҳмоқ қудуққа тош ташласа, ўн-

та ақллини овора қилади»; «Икки тентак элга сиғмас»; «Тентак туққан ерин унутар»; «Тентак тўрини бермас»; «Тентак ҳорганини билмас, кўса — қариганини»; «Аҳмоққа Тўйтепа нима йўл?!; «Аҳмоққа Қува — бир тош» (бир тош — тахминан 8 чақирим 12 минг қадам); «Тентакнинг оёги саккиз»; «Аҳмоқ ўз оёғидан ҳорийди»; «Ақлсиз бош икки оёққа тиним бермайди»; «Ақлсизнинг жони азобда»; «Девонанинг «йўл бўлсин»и бўларми?!; «Шармандага шаҳар кенг»; «Дайдига иш баҳона» (дайди одам «оёғи қичиб» бир ерда туролмайди, бирор ишни баҳона қилиб, дайдиб кетади, дейилмоқчи); «Дайдининг боласи: «ҳуттага»,— дейди» (дайди одам боласини ҳам бирга олиб юраверади, уни ҳам дайдиликка ўргатиб қўяди. Оқибатда бола дайдиликни тез-тез қўмсаб, «ҳуттага», яъни «ҳу анови ерга олиб бор», деб харҳаша қилаверади. «Ақлсизга тўра йўқ» (Аҳмоқ одам ҳеч кимнинг фарқига бормайди, аҳмоқона сўзлари ва хатти-ҳаракатларини қилаверади. Сен уни тартибга чақираман деб овора бўлиб ўтирма, қайтага ўзинг уятга қоласан», дейилмоқчи); «Телбага тилмоч керакмас»; «Аҳмоқ — аҳмоқ эмас аҳмоқни аҳмоқ қилган — аҳмоқ»; «Аҳмоққа салом бердим, Беш танга товон бердим»; «Аҳмоққа жавоб — сукут»; «Аҳмоқ билан гап талашгандан, мохов билан улоқ талашган яхши»; «Аҳмоқ билан ўртоқ бўлгандан, мохов билан ҳамтовоқ бўлган яхши»; «Қаргага ўқ отма, Ёмонга сўз қотма»; «Эссиз билан олишма, Юзсиз билан талашма» («Чунки, у беҳаё сўзлар билан кўпчиликнинг ўртасида шармандангни чиқаради» дейилмоқчи); «Итни қопди деб, уриб, бўлмас»; «Аҳмоқнинг ақиллаши — эшакнинг ҳангиллаши»; «Аҳмоқнинг демаги — олтин чивиннинг емаги» (Булар билан: «Агар аҳмоқ одам сенга бирор хунук гап қилса, у билан тенг бўламан деб ўтирма. Аҳмоқда, аҳмоқлигига боради. Унинг ақиллагани нима-ю, эшакнинг ҳангиллагани нима?!» демоқчи бўладилар); «Ақлнинг олдида юр, Аҳмоқнинг — ортида»; «Аҳмоқ кўп сўрар, Ақлли оз берар»; «Аҳмоққа йўл бер, Кўлига бел бер»; «Аҳмоқни урма-сўкма, алдаб-сулдаб ишга сол».



Балапон бошига, турумтой тўшига.

Балапон (бу сўзни «палапон деб ҳам талаффуз этадилар) қушининг учирма бўлган жўжаси. Турумтой — ов қушларининг энг кичкинаси. Маколнинг тўғри маъноси шуки, ҳали учишни яхши ўрганмаган балапон учаман деб ҳаракат қилади-да, йиқилиб тушиб, ўз бошига етади. Турумтой эса ўзининг кучи етмаган сайдга чопиб, тўшини оборнб уриб, ўзига ўзи шикаст етказади ё ўлади. Мажозий маъноси; «Ўз кучидан, ҳолидан ортиқча нарсага уринган одам ўзига ўзи зиён-заҳмат етказади».

Балиқ бошидан сасийди.

Вар.: «Сув бошидан лойқар»; «Дарё бошидан лой келса, қуйи оқим горатга дучор». Мажозий маъноси: Ҳар бир иш бошида чатоқ, хом қилинган бўлса, бора-бора баттар бўлаверади. Умуман бузилиш, емирилиш, инқироз тартибсизлик, нотинчлик ва б. асосан «юқори»дан бошланади». Ўтмишда эзилувчи синфнинг илғор дунёқарашли вакиллари мавжуд ижтимоий тузумнинг бузуқлигига сабаб — жамиятдаги ҳар иккала синфнинг ўзаро антогонистик муносабатларидагина эмас, балки биринчи навбатда, мамлакатни бошқариб турганларнинг (подшо, амир, хонларнинг) ўзи бузуқлиги, адолатсизлиги, қалтабинлиги ҳамда халқни нотўғри йўлдан бошлаб боришида эканлигини бир қадар тушуниб етганлар ва уларнинг ҳақиқий қиёфаларини фош этиб, мазкур маколларни уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллаганлар.

Балиқни сув лойқалатиб тутадилар

Илгари балиқ тутганда бир одам учига қарнайсимон қилиб тунука михланган ёғоч билан сувнинг лабига, булунг, камар жойларига шопиллатиб уриб келаверарди. Сувнинг оқимига томон пастрокда иккиуч киши катта тўр ушлаб турарди. Ҳалиги ёғочни урганда сув лойқаб ҳамда унинг шалоплаган овозидан балиқлар чўчиб, сувнинг оқимига қараб қочар ва турга тушаверарди. Сув лойқаганда улар одамни кўролмай, пайқамай қоладилар. Бу — маколнинг тўғри маъноси. Мажозий маънода ифвогар, ғаламис одамларга нисбатан қўллайдилар. Бундай одамлар, бамисоли балиқчи сувни лойқатиб, сўнг балиқ тутгани каби, ўз фойдаларини кўзлаб, йўқ ердаги ифволар билан икки дўстнинг орасини бузадилар, бир доиранинг одамларини бошқа бир доиранинг одамларига қарама-қарши қилиб қўядилар, кўпчиликнинг фикрини чалғитадилар ва бундан фойдаланиб, ўз ниятларига етмоқчи бўладилар.

Балчиққа тош отсанг, бетингга сачрайди.

Вар.: «Тупроқни чангитсанг, кўзингга уради»; «Кукка тупурсанг, юзингга тушади»; «Кўкка кул сочма, кўзинга тушади»; «Балчиққа тош отсанг, шатмоғи ўзингга сачрар». Булар билан: Тинч ётган нарсани қўзғатиб нима қиласан, ўзингга зиёни тегади ёхуд бировга, ўзингдан каттага, мавқеи сендан юқорироқ одамга ёмон сўз котма, таънали гап қилма, бунинг зиёни ўзингга уради, демоқчи бўладилар.

Барака нимада — чатоқликда.

Бу мақолни ўз манфаати йўлида бирор ишни жўрттага чатоғин чиқазувчи, савдо-сотиқда бирни иккига пуллаш ёхуд бировга берган нарсасини кўпроқ қилиб ундириб олиш мақсадида (гарчи қилаётган иши инсофдан эмаслигини ўзи ҳам билиб турса-да) гирромлик, муттаҳамлик билан атайлаб чатоқлик қилувчи ярамас одамларга нисбатан: «Бу бойликка, бу баракага у чатоқлик, муттаҳамгарчилик билан эришган», деган маънода қўллайдилар.

Баримтадан қўрққан мол йиғмас, чигирткадан қўрққан экин экмас.

Вар.: «Чумчуқдан қўрққан тариқ экмас»; «Таранчадан қўрққан тариқ экмас», «Тулкидан қўрққан товуқ боқмас»; «Ўғридан қўрққан мол йиғмас». Ўтмишда зараркунанда ва ҳашоротлар (айниқса, чигиртка ва дала чумчуқлари) экинга ёпирилиб, деҳқонларнинг ҳолини хароб қиларди. Баримта — кўчманчи чорвадорлик давридаги одатлардан бири. Бу шундай: бир эл ё бир уруғнинг одами ёхуд одамлари қўшни бир ёинки бир юртга бориб, мол ўғрилаб келади. Еб кетилган «қарз»дан ёки ўғирликдан зиён кўрган элнинг ё уруғнинг одамлари ҳам вақтини топиб, куч тўплаб, «қарздор»нинг, ўғрининг юртига бостириб кириб, дуч келган кишининг мол-ҳолини талон-торож қилиб кетадилар. Шуни «баримта» дейдилар. Мақолда: «Ҳали ёпирилиб келмаган чигирткадан қўрқиб экин экмай, ҳали бостириб келмаган баримтачилардан қўрқиб мол йиғмай (яъни, чорва молингни кўпайтирмай) ўтирма, экинингни экавер, молингни кўпайтиравер»; дейилмоқчи. Халқимиз бу мақоллар билан умуман бирор ишда иккиланиб туравермасликка, дадил ҳаракат қилишга даъват этади.

Барс йили — бойлик, қуён йили — қахатлик.

Бу — мучал йиллари билан боғлиқ бўлган мақоллардан бири. «Барс йилида боринг соч, ҳеч бўлмаса тариқ соч», «Сигир йили — тўқлик, қўй йили — йўқлик»; «Ит йилида боринг ўсар»; «Ит йилида молинг ўсар»; «Сичқон йили — тўқчилик, қуён йили йўқчилик»; «Қуён йилида ют бўлади» ва шу каби мақоллар ҳам мучал йилларининг яхши ё ёмон хусусиятларини ифода этади. Бу ўринда шуни айтиш керакки, мучал ҳисоби милоддан аввалги VI асрдан маълумдир... Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, мучал ҳисоби дастлаб Юнон-Бактрия подшолиги давридаги халқлар томонидан яратилган, кейинчалик бу удум Мўғилистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ирок, Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиёга тарқалган» (Т. Ниёзов, Ш. Рустамхўжаев. Мучални синаб кўринг). Кишилар туғилиш, ўлиш, буюк воқеалар ва бошқаларни ўн икки ҳайвоннинг номи билан атаб, ҳар ўн икки йилда янгидан такрорланадиган йил ҳисобини юритиш системаси — мучал асосида «йил ағдариб» ҳисоблаганлар. Янги мучал йили ҳар йилнинг 22 март кунидан бошланади. Мучал йилларининг ҳар қайсиси тўғрисида турли халқлар турлича тасаввурга эга эдилар. Бир халқнинг у ёки бу йил тўғрисидаги тасаввури иккинчи халқнинг тасаввурига мос ҳам келарди ва аксинча, бутунлай қарама-қарши ҳам бўларди. Кишилар муайян йилни қутли ё қутсиз келади, деб ҳисоблардилар. Бунда улар асосан об-ҳаво шароитларининг қулай ё ноқулай келишини, у ёки бу йил кишиларга бахт ё бахтсизлик келтиришини назарда тутардилар. Бу хусусда Маҳмуд Кошғарий ўзининг машҳур «Девону луғотит турк» асарида шундай ёзади: «Туркlар бу йилларнинг ҳар қайсисида бир ҳикмат бор деб тахминлайдилар: масалан, уларча сигир йили бўлса уруш кўп бўлади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон, Товуқ

кирса, озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон бўлиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёнғингарчилик ва ҳосил кўп бўлади, чунки у сувда яшайди. Тўнғиз йили кирса, совуқ, қор ва фитна кўп бўлади. Шунга ўхшаш, ҳар йилга бирор тахмин юритадилар». Турли халқларнинг, жумладан ўзбек халқининг мучал йиллари тўғрисидаги тасаввурлари юқоридаги сингари мақолларда ўз аксини топган.

Бахилнинг боғи кўкармас.

Халқимиз бахил, зиқна, хасис, ҳарис, қизғанчиқ одамларга азалдан ёмон назар билан қараб келган. Ўнларча мақолларда уларнинг нақадар пасткаш кишилар эканлиги, ўзлари бировга бир нима бериш у ёқда турсин, биридан иккинчисига бир нима берса ҳам ичлари ачиши, ўлган-тирилганларига қарамай мол-дунё тўплашлари, аммо бу мол-дунёни бировдан тугил ўзларидан ҳам қизганишлари ва бундай иллатнинг ёмон оқибатлари кўрсатилади: «Бахил билганин буклар, топганин тахлар»; «Қамиш сувга тўймас, хасис — пулга»: «Харис кариса ҳам, харислиги қаримас»; «Чўлоқнинг сайри йўқ, Хасиснинг ҳайри йўқ»; «Бахил эҳсондан қочар, Хасис меҳмондан қочар»; «Қора сув чанқоқ қондирмас, Бахил киши қўноқ қўндирмас» (қора сув шўр бўлиб, ҳар қанча ичган билан чанқоқни қондирмайди); «Бахилнинг туйнугидан ел кирмас, Эшигидан — эл»; «Бахилнинг кўзасидаги сувдан на фойда?!; «Бахилдан тош сўрагунча, Гадойдан ош сўра» (Бахилдан тош — яъни, ўзига кераксиз, арзимаган бир нарсани сўрасанг ҳам бермайди. Ундан кўра гадойдан — яъни, ҳеч нарсаси йўқ, фақир одамдан ош сўраганинг яхшироқ, дейилмоқчи); «Хасисдан юмуртқа олсанг, сариги чиқмас» (юмуртқа — тухим. Бу мақолда хасисдан мабодо бир нима тегиб қолудай бўлса ҳам, барибир ундан барака топмайсан, дейилмоқчи); «Хасиснинг ярасидан қон ҳам чиқмайди»; «Бермаснинг ёши пишмас, қозони ўтдан тушмас»; «Бермаснинг қозони қайнагунча, булоқдаги сув ҳам қурийди»; «Бермаснинг баҳонаси кўп»; «Бахилнинг тузи татимас»; «Хасиснинг ошини емоққа темирдан тиш керак»; «Бахилнинг бағри қаттиқ»; «Ердан садо чиқса чиқар, бахилдан садо чиқмас» (яъни, эл-юртнинг, кўпчиликнинг ҳожати учун маблағ йиғилганда, ҳар ким ўз ҳолига яраша бир нима беради. Аммо бахил, зиқна одамдан сўраганларида, у на «ҳа» дейди, на «йўқ», ғиқ этмай ўтираверади); «Бахилдан пул чиқмас, Патирдан қил чиқмас»; «Бахилдан омонат ажаб, Каримдан хиёнат ажаб» (Карим-карам қилувчи, сахий одам. Бахилдан омонатга вақтинча бўлса ҳам бир нима сўрама, барибир бермайди. Сахий одам эса ҳеч вақт хиёнат қилмайди, дейилмоқчи); «Пул бермас маърака бузар»; «Пулнинг кўзи йўқ, Бахилнинг юзи йўқ»; «Бахилнинг қўлида Ой бўлса, оламни ёритмас»; «Бахил иложини топса, Ойни ҳам пуфлаб ўчиради» (У камоли зиқналигидан, Ойнинг ёруғи бехудага исроф бўлиб кетаяпти-ку, деган ўй билан уни ўчиргиси келади, дейилмоқчи); «Бахилнинг шаъми окса, кўзининг ёши оқар»; «Хасиснинг ёнидан моли чиққунча, танидан жони чиқади»; «Ёмон не ейди, на едиради»; «Ит похол устида ётиб, емагай, едирмагай»; «Ўзи ҳеч қўл тегизмас, чумчуққа ҳам егизмас»; «Бахилнинг боғи кўкармас, кўкарса ҳам бар бермас» (бар — мева, ҳосил); «Хасис ҳаёсиз бўлар, ери гиё (ҳ) сиз бўлар»; «Бахил бойимас, сахий камимас»; «Сахий бўлмаса, бахил харом ўлади»; «Сахий хор бўлмас, Бахил бор бўлмас»;

Бахт — тилакда эмас, билакда.

Вар.. «Кишининг бахти — бел, билаги»; «Бахт йўлда эмас, қўлда»; «Бахт қушини ушламоқ учун, бахт овига чиқмоқ керак»; «Бахтли одамни излама, бахт йўлини изла». Уларда қуруқ тилак, орзуистак, умид билан бахтга эришолмайсан, билагингни ишга сол,

меҳнат қил, дейилмоқчи». Тўлахон: Бир гап борки, тилагим икки билагимда. Жон-жониворлар ҳаммаси ўз бошига кун кўради-ю, мен ота-онамнинг бошига кун кўраманми?» (Ҳ. Ҳакимзода, Паранжи сирлари).

Бахтиёр бўлса замон, ношукур бўлма — ёмон.

Вар.: «Бахтиёр бўлса замон, ношукурлик кўп ёмон». Жамиятда замон қанчалик тинч, осойишта, тўқ ва фаровон бўлмасин, барибир нолиб юрувчи одамлар ҳам йўқ эмас. Мазкур мақол шундай ношукур шахсларга қарата айтилади.

Бақ-бақ этган такани ёмғир ёққанда кўр, шақ-шақ этган келинни сигир соққанда кўр.

Вар.: «Бақ-бақ этган серқаш сув кечганда кўр, Шақ-шақ этган хотинни сигир ечганда кўр»; «Бақ-бақ этган такани қор босганда кўр, ман-ман деган йигитни ёв босганда кўр»; «Аргумоғим жиртак отди, Лойни кўриб, таппа ётди»; «Қақиллаган хотинни қиз берганда кўрармиз». Така ва эчкиларнинг ёғингарчиликка тоқати бўлмайди. Улар қургоқчиликда «бақ-бақ» этиб юраверадилар-у, аммо қор-ёмғир ёққанда шумшайиб, ўзларини оғилга уришга ҳаракат қиладилар. Ҳайдаб кетаётганда олдингдан сув чиқиб қолса, сувга тушишга унамай, тихирлик қиладилар. Юқоридаги мақоллар билан олдин мақтаниб юрган одамнинг ҳолини бошига иш тушганда кўр, «попуги пасайиб», тили қисилиб, нафаси ичига тушиб, қизариб қолади, дейилмоқчи.

Бақани боссанг ҳам «вақ» этади.

Вар.: «Қуйруғини боссанг сичқон ҳам чийиллайди»; «Боссанг, чувалчанг ҳам қисирлайди». Бир одам бир одамга ҳадеб озор бераверса, бўлар-бўлмасга уни койиб, камситиб, кесатиқ ва ҳақоратли гаплар қилаверса, у одам аввалига чидаб, тишинитишига қўйиб ипдамай юраверади, аммо бир куннас-бир кун тоқати тоқ бўлади сўнг у ҳам дилига озор берган одамга қаттиқ-қурум гапириб қойиб ташлайди ёки, хатто, сўкиб ҳам беради. Мазкур мақоллар шунга ўхшаш ҳолларда айтилади.

Бақироқ туянинг бори яхши, бақириб тургани ундан ҳам яхши.

Қартайиб қолган бўлса ҳам отанинг бори (яъни ҳаётлиги) яхши. Чунки, у гарчи бақириб-чақириб, қуттиқ-қурум гапириб, койиб бўлса ҳам, фарзандларини нотўғри, номақул йўлдан қайтариб туради. Ўғил-қизлар оламдан ўтган отасини ёдга олганларида, унинг баъзан аччиқ-аччиқ гаплар билан бўлса ҳам берган панд-насиҳатларини қумсаганларида ҳам шу мақолни айтадилар. Вар.: «Туя чўксa туки қолар, туя ўлса юки қолар»; «Бақироқ туя норингдир, бақироқ ота мадорингдир»; «Ёмғир ёғса тўнинг ҳўл бўлур, отанг ўлса уйинг чўл бўлур».

Бе келиб, бек бўлди, бек бўлиб, қув бўлди.

(Бе — «йўқ» деган маънода). Баъзи одам ҳеч нарсасиз, қуп-қуруқ келиб, бир амалга, мартабага ёки маблағга эга бўлади-да, кейин аввалги аянчли ҳолини унутиб, магрурликка берилиб, атрофдагиларни менсимай, бировга бирор мадад бермай қўяди. Мазкур мақолни ана шундай кишиларга қарата айтадилар.

Бевафо ёр — жонингга дор.

Халқимиз яратган кўпгина мақолларда ёр-дўст танлашга ниҳоятда эҳтиёт бўлиш, аввал обдан синаб, кейин дўстлашиш, қалбаки, зиёнзаҳмат етказувчи, кўз ўнгингда дўст бўлиб туриб, орқангдан душманлик қиладиган бевафо «дўст»ларнинг баҳридан ўтиш, улардан» қўлни ювиб, қўлтиққа уриш» лозимлиги уқтирилади. Юқоридаги мақолда «ёр» деганда ҳам дўст, ҳам маҳ-

буба назарда тутилган. Вар.: «Вафосиз ёрдан жафоли дор яхши»; «Бевафо дўстдан таёқ яхши, Бебахра гулдан япроқ яхши»; «Бевафо чиройлидан вафодор чўтир яхши»; «Бевафонинг кўнгли бегона, Бевафога кўнгил қўйган — девона»; «Вафосизга берима, вафолидан айрилма»; «Билдингки бевафодир, кўнгил қўймоқ хатодир». Гулисаворни кўринг — сувга қараб қайрилади, Бевафо ёрни кўринг — ўлмай туриб айрилади (Халқ қўшиғи).

Бегимдан ҳам бегойим зўр.

Бу мақол — зулм, тенгсизлик ва адолатсизлик ҳукм сурган замонларда эзилувчи синф вакиллари томонидан эзувчи синф вакилларига қарши қаратилган кўплаб мақолларнинг бири бўлиб, у билан эрларидан (яъни, хону беклардан) ҳам ўтказиб жабру зулм қиладиган хотинлар (хонойим, бегойимлар) аччиқ пичинг остига олинган.

Бегона тупроқ — девона тупроқ.

Вар.: «Тупроқ бўлса бегона, замин бўлур девона». Илгари деҳқонлар гўнг топилмаса (топилган чоғида ҳам), бошқа бегона ернинг тупроғини, шунингдек эски деворларнинг тупроғини олиб келиб ерга, экин тагига солардилар, ер чопганда бу бурчакнинг тупроғини нариги бурчакка иргитардилар, Чунки, «бегона» тупроқ ерни «қутуртириб» хосилдор қилиб юборади.

Бедана тезотар бўлса, ўз бошини ўзи ёради.

Илгари бедана ишқибозлари донқовоқнинг уруғини олиб ташлаб, ҳаво кириб турсин учун у ер-бу ерини тешиб, ичига бедана солиб қўярдилар. Бу кўпинча деҳқонларда бўларди. Шаҳарликлар эса, беданани асосан ёғоч гардишли тўрга солиб қўярдилар. Бедана (хўроз каби) бошини кўтариб-кўтариб сайрайди. Агар у тезотар бўлса, боши тўрқовоққа кетма-кет урилаверіб, ё бошининг пати тушиб кетади, ё ёрилади. Мажозий маъноси «Киши тилим бор экан деб ҳар нарсани гапираверса, маҳмадонагарчилик қилаверса, бир кунмас-бир кун ўз бошини ўзи балвага солиб қўяди».

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса—битбилдиқ.

Вар.: «Ош пичоқнинг қини йўқ, битбилдиқнинг ини йўқ». Бу мақоллар ҳеч қаёққа сигмайдиган, қўнимсиз, бир ишга қовушмай, ҳарала-тарала қилиб юрувчи бокибегам кўча хандон» одамларга карата айтилади.

Бедананинг ҳам ўзига яраша ботмони бор.

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги лоф билан боғлиқ: «Бир суҳбат пайтида бир лофчи одам ўртоқларига мақтаниб қолибди: «Тунов куни бир бедана тутиб олиб сўювдим, нақ икки ботмон гўшт, бир ботмон ёғ қилди. Бола-чақаларим, қўни-қўшниларим билан еб-еб, қорнимиз тўйгандан кейин суякларини итга ташлаган эдик, бир ҳафта гажиди». «Бўлмаган гап! — дейишибди суҳбатдошлари.— Бедана ҳам ботмонлаб гўшт-ёғ қиларканми?!» Шунда лофчининг ёнидаги эпловчиси: «Бу бизнинг ботмонимиз эмас, бедананинг ўзига яраша ботмони бўлади, бу киши шу ботмон ҳисобидан айтдилар» деб, суҳбатни бошқа мавзуга буриб юборган экан». Шунга ўхшаш, бир одам катта оғизлик қилиб мақтанса, бирор нарса ҳақида ошириб-тошириб, кўпайтириб гапирса, одамлар бир-бирларига кулиб қараб: «Ҳа тўғри, бедананинг ҳам ўзига яраша ботмони бор-да!» дея, ҳалиги одамга пичинг қиладилар. Юқоридаги мақолни баъзан: «Ҳар бир одамнинг (хоҳ у катта бўлсин, хоҳ кичик) ўзига яраша қадр-қиммати бор. Уни кўзга илмай, назар-писанд қилмай юрма», деган маънода ҳам қўллайдилар. «Сичқоннинг ҳам ўзага яраша сезгиси бор» мақоли ҳам кейинги маънода ишлатилади.

Бедов от йўлда сурилар.

Бедов — кучли, чопиб чарчамайдиган, энг яхши зотли от. Сурилмоқ — қоқилмоқ. Вар.: «От тўрт оёкли бўлса ҳам, қоқилади». Мажозий маъноси: «Ҳар қандай яхши одамнинг ҳам бирор нуқсони бўлади, ҳар қандай оқил одам ҳам бирор хато қилиб қўйиши мумкин, шунинг учун ундан гина қилиб, ўпкаланиб юриш — яхши эмас. Бошқача айтганда: «Билгандан ҳам ўтади, билмагандан ҳам».

Бекка етгунча, Белинг синади.

Вар.: «Хонимга етгунча ҳолим қурийди, Бегимга етгунча белим синади»; «Бегим!» дегунча белинг чиқади»; «Ҳокимга бориб «ҳолва» дегунча, қозига бориб «қази» ейсан»; («қази» ейсай — калтак ейсан, деган маънода). Бу мақоллар билан: «Арз-додингни айтмоқ учун хон-бекларнинг ҳузурига осонликча киролмайсан», демоқчи бўлганлар.

Бекор тургунча, бекор ишла.

Халқимиз асрлар давомида яратган сон-саноқсиз мақоллар орасида меҳнатсеварлик мавзуига оид мақоллар салмоқли ўрин тутади. Буларда халқ турли мисоллар, ўхшатишлар воситаси билан меҳнатни севишга чорлайди. Бунинг боиси шундаки, меҳнат — инсон ҳаётининг маънавий бойлиги, моддий манбаи ва саломатлик гаровидир. Вар.: «Тек тургунча текин ишла»; «Тек турмаган тўқ турар»; «Йўл устида тик турма, иш устида тек турма» (Бунда: «ҳамонки сафарга чоғланган экансан, йўл устида тик турма, юр, юраверсанг йўлинг унади; ҳамонки ишга чоғланган экансан, иш устида тек турма, ишла, ишлайверсанг ишинг унади», дейилмоқчи); «Бўй ишламас, қўл ишлар»; «Ишлагандан юрган оғир, юргандан турган оғир»; «Бекорликдан бекарорлик тугилар»; «Бекорчиликдан бемазагарчилик чиқади», «Бекорчининг ҳунари — гийбат»; «Бекорчининг бети йўқ, Қозон осар эти йўқ»; «Бекорчидан ҳамма безор»: «Бекордан худо безор»; «Бекорчидан безиб қоч, Чақимчидан қўчиб қоч»;

Бекорга тош отилмас.

Мазмуни: Кишилар сенга бекорда-бекорга, хеч қандай сабабсиз таъна тоши отмайдилар. Таъна-тазарру қилсалар, улардан хафа бўлиб, гина қилиб юрмагин-да, ўз айбингни тузат.

Бекчам гўшт билан сийлайди, бегим — мушт билан.

Бу мақол хизматкор тилидан: (бекнинг ўгилчаси) раҳми келиб, мени гўшт (ва умуман бирор нарса) билан сийлайди. Чунки, у ҳали замонанинг паст баландини билмайдида. Бек эса, айбим бўлса-бўлмаса ураверади, сўкаверади, деган маънода айтилган.

Бели боғлиқнинг дили боғлиқ.

Ўрта Осиё халқларининг, жумладан ўзбекларнинг бир одати-кадималари борки, оила аъзоларидан, якин қариндош-уруғлардан бирортаси вафот этса, белларини боғлайдилар. Бу — мотам аломати, таъзия нишонаси. Бел боғлаган одам мотамзада бўлиб, кўнгли, дили бошқа нарсага мойилланмай, фақат шу мотам қайғуси билан банд бўлади. Бу мақол билан айтмоқчи, агар шундай бели боғлиқни кўрсанг, унга одатдаги ҳазил-мутойибани йигиштириб қўйиб, боғлиқ кўнглини очишга, тасалли беришга ҳаракат қил, қайғусига шерик бўл. Шунга ўхшаш «Азадорни тўйга зўрлама», деган мақол ҳам бор.

Бели оғримаганнинг нон ейишига қара.

Бу мақол ўзи меҳнат қилмай, ўзгалар меҳнати эвазига келган нарсалардан фойдаланувчи, уларнинг қадрига етмай, пала-партиш сарфлаб юборувчи текинхўр, анойи одамларга қарата айтилади. Ўтмишда отасидан қолган меросни ҳуда-

беҳудага ғарра-шарра сарфлаб, айш-ишрат қилувчиларга нисбатан ҳам қўллаганлар.

Беллашганда отангни аяма.

Вар.: «Аввалambор беллашма, беллашган сўнг аяшма»; «Беллашганнинг белини уз»; «Курашганда отанг бўлса ҳам йиқ!»; «Ган келганда отангни ҳам аяма». Булар билан фақат беллашганда, курашганда, гап келгандагина эмас, умуман бирор ишга киришсанг, бирор мақсад сари чоғлансанг, ҳар қандай шароитда ҳам, ҳар қандай одамга ҳам бўш келма, дадил ҳаракат қил!», деган маънода насиҳат қиладилар.

Беллашсанг, мард билан беллаш.

Вар.: «Сўқишсанг, мард билан сўқиш». Булар билан: «Номард, қўрқоқ, пасткаш одамлар билан мулоқатда бўлма, ҳар бир хусусда (ҳатто, олишганда ҳам) мард, ботир, қўрқмас, куч-қудратинг қадрига етадиган одамлар билан муносабатда бўл», деб насиҳат қиладилар.

Белни пешлаган билар, ерни ишлаган билар.

«Эл қадрини билмайди, эл ичида ёмонлар, Ер қадрини билмайди, Ер экмаган одамлар». Мазкур мақолларда, «Меҳнатнинг ва меҳнат орқасидан келадиган неъматларнинг қадрини меҳнат заҳматини чекканларгина яхши биладилар. Ўзлари меҳнат қилмаган, ўзгалар меҳнати ҳисобига яшайдиган одамлар бунинг қадрини қайдан билсинлар?! деган маъно яширинган.

Бемаҳал ўтган товуқнинг боши кетади.

Вар.: «Вақтсиз кичқирган хўроз конга буланур»; «Бурун кичқирган хўрознинг боши кетади»; «Бемаҳал ўтган товуқнинг бошини кесарлар»; «Товуқ (хўроз бўлиб) кичқирса — ўз бошига бало»; «Вақтсиз кичқирган хўрозни сўй!»; «Мезгилсиз кичқирган товуқнинг тепа сочин юлмоқ керак». Ўтмишда кишилар, хўроз бевақт (яъни, одатдаги вақтдан бошқа маҳалда) кичқирса, товуқ хўрозга ўхшаб кичқирса, оилага, эл-юртга бирор офат: бало-қазо келади, деган тушунчада бўлганлар ва шунинг учун ҳам, қадимдан келаётган ирим-сиримга кўра: бундай хўроз ё товуқнинг бошини олиб ташлаганлар. «Хоразмда хўроз бевақт кичқирган тақдирда унга нисбатан кескин чоралар кўриш лозимлигини уқтирувчи тавсиялар мавжуд эди. Бу тавсияларга кўра,уч кун ичида хўрознинг тожини кесиб ташлаш, агар у ҳам ёрдам бермаса, уни сўйиш лозим эди. Хўрозга ўхшаб кичқирадиган товуққа нисбатан ҳам шундай чора кўрилларди (Г. П. Снесарев, Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма). Этнограф К. А. Иностранцевнинг ёзишича, сосоний форслари хўрознинг бевақт кичқиришини, товуқнинг одатдан ташқари кичқиришини якинлашиб келаётган офат ҳақидаги огоҳлантириш, деб ҳисоблаганлар. Бундай эътиқодий тушунчалар билан боғлиқ бўлган «Қузғун сайраса — ўз бошига, Загизғон сайраса — эл бошига»; «Ит, улисанг ўз бошингга кўринсин, Қуш, талпинсанг ўз бошингга кўринсин!»; «Ит улиса, элдан чиқарурлар»; деган мақоллар ҳам бор. Ўтмишда кишилар айрим қушларнинг сайрашидан хавфсираганлар, айримларининг сайрашини эса қутлардилар. Масалан: Қузғун сайраса, «корни, совуқни тилаяпти, бу — унинг ўз бошигагина сўрагани»; деб йўярдилар. Загизғон сайраса, «яхшилик бўлади, бирор хушхабар келади, унинг сайрагани — оила ва эл бошига яхшилик тилагани», деб қувонадилар, «оғзингга мой!» деб, унинг сайрашини қутлардилар. Ит (осмонга қараб) улиса, «бир балони бошлайди» деб ўйлардилар ва «улиганинг (яъни, фалокат,

бало-қазо) ўз бошингга кўринсин, бизга кўринмасин» деб, уни уриб-уриб ҳовлидан, овулдан ҳайдаб чиқарардилар. Ов куши кўлда ҳадеб талпинаверса ҳам «бир бало келтиради», деб ўйлардилар.

Бемор ўзига ёқмаган овқатга ўч бўлади.

Ҳамма беморлар ҳам шундай бўлмайди, албатта. Бу мақолни ўзи касал бўлатуриб, шу касалига салбий таъсир қиладиган, ботмайдиган, аҳволини баттар оғирлаштирадиган овқатларни орқа-ўнгига қарамай еяверувчи, шундай ўзига ёқмайдиган овқатларни пиширib ё келтириб беришни сўровчи беморларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. «Мараз бўлсанг ёнғоқ е, қулғуна бўлсанг — қалампир», деган мақол ҳам шуни, бунда «ёнғоқ е, қалампир е» деб, тўғридан-тўғри насиҳат қилинмаяпти, аксинча «ҳа, еявер, касалингга ёқмайдиган нарсаларни еяверсанг тезроқ тузаласан!», деб киноя қиляпти (мараз — тузалиши қийин бўлган, йиринг бословчи, юқумли яра. Ёнғоқ маразни баттар қичитиб, қўзғатиб юборади; қулғуна — жароҳат, безларнинг оқма касали. Қалампир қулғунани баттар ачиштиради).

Беномусга — не номус?!

Халқимизда беномус, баҳаё, ориятсиз, юзсиз бетамиз, безори, имонсиз, уятсиз одамларни қораловчи, уларнинг бутун кирдикорларини очиб ташловчи, улар устидан заҳарханда билан кулувчи мақоллар кўп: «Беорга — не ор?!»; «Орсизнинг юзига тупурса, ёмғир ёғяпти, дермиш»; «Орли орига қараса, орсиз: енгдим, дер»; «Орсиз қўлим синганда, орли юзим уялди»; «Оғиз ейди-ю, кўз уялади»; «Юзи йўқнинг кўзи йўқ»; «Юзсиз хотин — тузсиз қотин»; «Юзсиз, юзсизнинг сўзи тузсиз»; «Бетамизда бет бўлмас, безорида — уят»; «Юзнинг қоралиги уят эмас, юзиқоралик — уят»; «Қозон қораси кетар, юз қораси кетмас»; «Ори йўқнинг оҳори йўқ; «Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ»; «Ҳаёсизнинг имони йўқ»; «Уялмагандан уял»; «Яхшининг ёти бўлмас, ёмоннинг — уяти»; «Бемаънида — не маъно?!; «Бадхўйнинг бети қора»; «Телбанинг териси қалин»; «Бешармга арпа — баҳона»; «Ҳаёсизлар йиғилган ерда ҳаёлилар тоққа қочар»; «Беҳаёлар бел богласа, ҳаёлилар уйга кирар» (Бу кейинги икки мақол билан: «Беҳаё, беномус одамлар оғзига келган сўзларни айтиб, бир-бирлари билан ҳақоратлашиб қолса, уятли, ор-номусли одамлар номусга чидай олмай, улардан ўзларини олиб қочадилар», демоқчи бўлинади); «Ҳаё кетди — бало етди»; «Юзсиз кишига юзланма»; «Ориятсиз одамдан қоч!».

Берадиган инъомингни бетингга бағишладим!

Ҳикоя қилишларича, бир дарвеш қаландар сафарда кетаётиб, йўл ҳаражатларига муҳтож бўлиб қолибди. Дардини одамларга айтган экан, улар: «Бу шаҳарнинг бир бойи бор, ўшанга борсангиз бир нима инъом қилар», дейишибди. Дарвеш уни излаб борибди, салом берибди, бой алик ҳам олмай, қовоғини солиб, афтини бужмайтириб, жим ўтираверибди. Дарвеш бу ҳолни кўриб, индамай чиқиб кетаётган экан, бой: «Нега келдинг-у, нега кетяпсан?« деб тўнгиллабди. Шунда дарвеш: «Э, ўша берадиган инъомингни бетингга бағишладим!» депти-ю, чиқиб кетипти...

Унинг бу сўзлари халқ ўртасида мақолга айланиб кетган бўлиб, шунга ўхшаш ҳолларда, айниқса, огриниб, писанда қилиниб берилаётган нарсани олмай, рад этганда қўллайдилар.

Берган бетга боқар, бермаган кимга ёқар?!

Вар.: «Берган бекка ёқар, бермаган кимга ёқар?!; «Берган олганга ёқиб-

ди, бермаган дарёга оқибди»; «Бермаган кишини ҳеч ким қилмас ишини»; «Ол-ол»чининг дўсти кўп, «бер-бер»чининг дўсти йўқ»; «Берсанг отинг чиқар, бермасанг датинг чиқар» дат — занг, доғ; кўчма маънода — ёмонлик. Мақолда: «Бор нарсангни одамлар билан баҳам кўрсанг, саҳийлик қилсанг, одамлар сенинг отингни — номингни яхшилик билан тилга оладилар, кишилар ўртасида отинг чиқади, обрўйинг ортади. Бор нарсангни бермасанг, қизғансанг [illegible] яъни ёмонлигинг чиқади, номингни ёмонлик билан тилга оладилар, камчиликларингни бўрттирадилар, кўпчилик ўртасида беобрў қиладилар, уялтирадилар», демоқчи бўлинади); «Берганнинг юзи ёруғ, бермаганнинг юзи чоруғ»; «Берган эшикка боқар, бермаган тешикка боқар» («Ёр-дўстларга, қариндош-уруғларга тўёна, совға қилган одам ўзи тўй ё бирор йигин қилганда ўша ёр-дўстлари, қариндош-уруғлари унга ҳам тўёна, совға олиб келадилар. Берган одам эшик олдида туриб меҳмонларга «келинглар-келинглар», деб туради. Бермаган одамникига ҳеч ким ҳеч нима кўтариб келмайди. У одам маъюсланиб, кўзини бир нуқта га тикканча ўтираверади). «Эчки берган кўй олар, Ҳеч бермаган не олар?!»; «Эксанг ўрарсан, қилсанг кўрарсан»; «Берсанг қўлинг билан, Ул борур ўзинг билан, Бермасанг қўлинг билан, Не борур ўзинг билан!»; «Бировнинг ҳақи бировнинг қорнида ётмайди» («Еб кетавермайди, ахири бир кун қайтаради», дейилмоқчи); «Йироққа берсанг, яқиндан оласан»; «Совганики совғада қайтар, Ўлжаники — ўлжада»; «Азаники азада қайтар» (Халқимизда қадимдан келаётган бир одат борки, ўлган кишининг эгалари яқин қариндош аёлларга бир кийимликдан қора ё кўк мато берадилар. Орадан бир йил ўтгач, шу қора ё кўк мато олган аёллар «йил оши»га келганда ўлган кишининг эгаларига оқ кийимлик матолар қайтаришади. Мазкур мақолнинг келиб чиқиши гарчи шу одат билан боғлиқ бўлса-да, умуман «бировга берилган нарса бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, бир кунмас-бир кун қайтади», деган маънода қўлланилади). «Гўжа ичганнинг кўнглида бор» (гўжа бошқа овқатларга нисбатан паст саналади. Бу мақол билан: «Агар сен бировни гўжа билан меҳмон қилган бўлсанг (яъни, озгина яхшилик қилган бўлсанг) ҳам, у одам бу яхшиликни дилида сақлаб юради ва қачон бўлмасин, сенга ҳам яхшилик билан жавоб қайтаради. Шунинг учун одамларга озгина бўлса ҳам, қўлингдан келганча яхшилик қил», дейилмоқчи.

Берганнинг бетига қарама.

Буни «Бе берганнинг бетига қарама» (бе бермоқ — текинга бермоқ); «Берганнинг бетига қарама, Узумини е, боғини сўрама»; «Берганнинг бетига қарама, урганнинг — этига»; «Бергандан ол, ургандан қоч» тарзида ҳам қўллайдилар. Шунингдек, «Бек берганнинг тишига боқма»; «Бахшиш қилишган отнинг тишига боқилмас»; «Сийланган отнинг тишига қаралмас», деган мақоллар ҳам бор. Отнинг ва бошқа айрим ҳайвонларнинг тишини очиб кўриб, неча ёшда эканлигини айтишлайдилар. Бу кейинги мақолларнинг мажозий маъноси шундай: «Биров сенга бир нарсани холисона, текиндан-текинга инъом этса, миннатдорчилик билдиргин-у, олиб кетавер. Инъом этилган нарсанинг нархини, яхши-ёмонлигини сўраб-суриштирсанг, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрсанг, одамлар сени мазах қилиб куладилар».

«Берди» сини айтгунча белимни букма.

Бу мақолнинг келиб чиқиши шоир Машрабга нисбат бериб айтиладиган бир латифага боғлиқ. Кунлардан бир кун руҳонийлар Машрабдан: «Исминг нима?» деб сурабдилар. Шунда у «Худой...» деб жавоб бера бошлаган экан, руҳонийлар шу заҳотиёқ уни дўппослай кетибдилар ва қозига олиб бориб: «Мана бундан исмини сўрасак, «Худой» деб жавоб беради. Бу кофир бўлди!»— деб арз қилибдилар. Қози Машрабни сўроқ қилган-

да, у: «берди» сини айтгунимча уриб ўлдирмоқчи бўладилар, менинг исмим — Худойберди», деган экан...» Бир гапни охиригача тингламай туриб, шошма-шошарлик билан ҳукм чиқарадиган кишиларга нисбатан шу мақолни ишлатадилар. Вар.: «Берди»сини айтгунча уриб ўлдирма»; «Гапнинг «берди»сини эшит»; «Сўзнинг «берди»сига қара».

Бери бўлса — эмчиман, нари бўлса — кимчиман.

Ўтмишда халқ тиббий ёрдамни табиблардан ташқари азайимхон, парихон, эшон, мулла ва бошқалардан оларди. Бундай «шифокор»лар халқнинг бор-йўғини шилиб олардилар-у, аммо дардини даволай олмасдилар. Омма орасида турли касалликларнинг пайдо бўлиши ва кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритишга, хавфли юқумли касалликлар (вабо ва бошқалар) нинг кенг тарқалиши ва қирғин келтиришига, чечак, қизамиқ сингарилар туфайли ёш болаларнинг кўплаб нобуд бўлишига сабаб ҳам асосан ана шунда эди. Халқнинг илғор вакиллари, мутаффаккирлар буни тушуниб етганлар ва сохта, саводсиз табибларга ўзларининг салбий муносабатларини билдирганлар...

Саводсиз табиб жаллод шогирдидир, у тиғ билан, бу заҳар билан азобловчидир. У шубҳасиз бундан яхшироқдир: у гуноҳкорларни ўлдирур, бу бегуноҳларни. Ҳеч гуноҳкор унинг қўлида хорланмасин ва ҳеч бегуноҳ бунинг қўлига касал бўлиб тушмасин» (А. Навоий. Асарлар, 13-том). Халқ оғзаки адабиёти асарларида, жумладан, мақолларда ҳам, аслида ҳеч қандай билими ва мутахассислиги бўлмаган, алдамқадамлик билан иш кўриш орқасида енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига кириб олган бундай «шифокор»ларнинг асл башараси очиб ташланган. Юқоридаги мақолни нодон табиблар тилидан айтганлар ва уларнинг ўзларига нисбатан киноя тарзида қўллаганлар. Яъни, «Касалинг ажалдан бери бўлса — эмчиман (яъни, тузатаман), аммо ажалдан нари бўлса — кимчиман» (яъни, бундай касалликнинг қаршисида мен кимман — ҳеч ким эмасман, ожизман, тузатолмайман, қўлимдан келмайди, дейилмоқчи). «Нодон мулла имонингни олар, нодон табиб — жонингни», деган мақол ҳам бор.

Бермас қизнинг қалини кўп.

Қизни сўраб келганга бергилари келмаса, кўп калин сўраб, ўртага оғир шартлар қўйиб, хуллас совчиларнинг хафсаласини пир қилиб юборардилар. Мазкур мақол мажозига ҳам кўчган: биров бир нарса сўраб келса, тўғридан-тўғри «йўқ, бермайман», демайдиган, аммо турли баҳоналар кўрсатиб, бергиси келмайдиган бахил, қизғанчиқ одамларга қарата айтадилар.

Берсанг ейман, урсанг ўламан.

Бу мақол ночор аҳволга тушиб, бировга мухтож бўлиб қолган одам тилидан ҳам айтилади, ўзи меҳнат қилиб топишни хоҳламай, бировнинг инъом-эҳсонига умид боғлаб, таъма қилиб юрувчи дангаса, ишёқмас одамларга нисбатан киноя тарзида ҳам қўлланилади.

Бетга айтганнинг заҳри йўқ.

Агар биров сенинг айбингни, камчилигингни тўғри юзингга айтса, бундан хафа бўлма, ундан гина ҳам қилма, чунки унинг бу гапи сенга фойдадан ҳоли бўлмайди. Айбингни ўзингга айтмай, орқангдан бировларга айтса — бу ёмон, бунинг учун ундан ҳар қанча хафа бўлсанг арзийди, дейилмоқчи.

Бетимнинг қалини — жонимнинг ҳузури.

Меҳмондорчиликда ва бошқа ерда олдига қўйилган нарсани орқа-ўнгига қарамай апир-шапир еяверадиган, овқатга ён-веридаги одамлардан олдин қўл уриб, улардан кейин

қўл артадиган андишасиз, безбет, очкўз, суллоҳ еб тўймас одамга айтилади. Вар.: «Маза-маза — бетамизники»; «Ҳузур-ҳузур — бетамизники»; «Уялмаснинг ҳези кўп» (ҳез — роҳат, ҳузур); «Дашном еганим — беш нон еганим»; «Ишни қилар Маҳамадшарип, Гўштини ер териб-териб»; «Лаганнинг таги — бети қаттиқники» (қадимдан келаётган одат ва одоб юзасидан, бир неча киши бир лагандан овқат еганда таом озая бошлагани сайин, қоринлари тўйса-тўймаса, бирин-кетин қўл арта бошлайдилар. Лаганнинг тагида қолган озгина овқатни «Сиз олинг-сиз олинг» деб, бир-бирларини қистайдилар. Уятни билмаган бети қаттиқ одам эса, ҳамма қўл артиб бўлганидан кейин ҳам ейишда давом этаверади, лаганнинг тагини ялаб қўймагунча овқатдан бош кўтармайди. Мазкур мақол шунга қарата айтилган); «Ош озга қолди, боши тозга қолди»; «Безбетга қошиқ берсанг, овқатни оппоқ уради»; «Уялмаган буюрмаганни ейди»; «Эси паст(т) — уятни билмас»; «Элдан бурун тўйдим, Ёмонлиғимни қўйдим».

Беш бармоқнинг бирини тишласанг, бари оғрир.

Мажозий маъноси: «Оила аъзолари ёхуд яқин қариндош-уруғлардан бирортасининг бошига фалокат тушса, қийиналса, азоб чекса, фақат унинг ўзигина эмас, ҳаммаси баравар қайғуради». Вар.: «Бир тиш оғриса, ёнидагиси ҳам оғрийди»; «Бағр оғриғи киндик тўлғар»; «Ҳўкизнинг шохига урсанг, туёғи зирқирайди»; «Суйгунининг бир шохига урсанг, икки шохи сизлайди» (суйгун — қийиқ, буғу; сизламоқ — зирқирамоқ); «Сойда ўн сигирнинг мугузи сирқираса, Қирда қирқ сигирнинг мугузи сирқирайди»; «Мугуз лат еса, туёқ сирқирайди» (мугуз — шох); «Бир сигирнинг шохи синса, мингиники зирқирар»; «Далада бўри улиса, итнинг ичи ачийди»; «Дарахтнинг шохидан тутсанг, танаси эшилади».

Беш қўл баробар эмас.

«Одамлар бир-бирларидан фарқ қиладилар, улар орасида яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам ақлли ва ақлсизлари ҳам, одобли ва одобсизлари бўлади, деган маънода қўлланилади.

Беш қўл оғизга сигмас.

Вар.: «Беш панжа — оғиз йиртар»; «Беш панжангни оғзингга бирдан тиқма». Мажозий маъноси: «Ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Ҳаммаси менга бўла қолсин, деб кўп нарсага ёпишсан, катта-катта ейишга ҳаракат қилсанг ўз жонингга жабр қилган бўласан, кўпчилик ўртасида обрўйинг тўкилиб, шарманда бўласан. Шунинг учун борига қаноат қил».

Бешикдаги бола беш турланади.

Вар.: «Бола еттига киргунча етмиш турланади». Бу мақоллар билан боласининг тоби қочиб қолганидан ташвиш тортаётган ота-оналарга тасалли берадилар.

Беғалва бош — бош эмас.

Ишлари ва ташвишлари кўплигидан, боши ғалвадан чиқмаётганидан қуюнувчи, ҳасрат қилувчи одамларга: «Бундан хафа бўлманг, хамманинг бошида ҳам шундай ғалва бор, ғалвасиз бош ҳам бош эканми?» деб тасалли берганларида шу мақолни айтадилар.

Бизники — халтада, сизники — ўртада.

Ўз нарсасини бировдан қизғанадиган, аммо бировнинг нарсасидан жон-жон деб фойдаланадиган мутомбир, айёр одамларга қарата қочирим қилинади. Вар.: «Бўри ови — ўртада, қузғун ови — тепа-

да»; «Сеникини еяйлик, меникини ўйнайлик»; «Сизникига борганда еяйлигу ичайлик, Бизникига келганда куйлайлигу ўйнайлик»; «Сенинг отинг юра турсин, Менинг отим тура турсин»; «Амирнинг оти олтин қозиқда, фақирнинг оти доим ёзиқда»; «Бизники — бизга, Сизники ҳам — бизга»; «Бугун сиздан, эртага биздан».

Билганинг дарё бўлса, билмаганинг — денгиз.

Вар.: «Билганинг — бир тўққиз, билмаганинг — тўқсон тўққиз»; «Билгандан билмаганинг кўп, кўргандан кўрмаганинг кўп»; «Билган киши «билдим» демас, билдим деса — билгани эмас»; «Бирини билган — бирини билмас». Булар: «Мен биламан, кўп нарсани биламан, деб мақтанма, чунки ҳали билмаган нарсаларинг кўп, сендан ортиқ биладиганлар ҳам кўп», деган маънода қўлланилади.

«Билдим» дедим — тутилдим, «билмадим» дедим — қутилдим.

Маъноси: «Ҳар бир нарсага гувоҳлик бераверма, мен биламан, мен кўрганман, деяверма, акс ҳолда бошинг ғалвага қолади, қайта-қайта сўрайверіб, ҳол-жонингга қўймайдилар, овора қиладилар, қимматли вақтингни оладилар». Вар.: «Кўрдим» дедим — тутилдим, «кўрмадим» дедим — қутилдим»; «Кўрдим» деган — кўп сўз, «кўрмадим» деган — бир сўз»; «Бале» дедим — банд бўлдим»; «Қочган қутилар, турган тутилар».

Билса — ҳазил, билмаса — чин.

Баъзи одамнинг қўли эгри бўлиб, бир ерга борганда ё бировнинг уйига кирганда, кўзига яхши кўринган нарсани чўнтагига уради. У «эгаси билиб қолса, ҳазиллашувдим, дейман, билмай қолса чиндан ҳам олиб кетаверамаи», деган ҳаёлда таваккалига шундай қилади. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан ва шунга ўхшаш ҳолларда киноя тарзида қўллайдилар.

Бир анор минг беморга даво.

«Нордон анор ва хусусан унинг шарботи сафрони босади ва чиқиндиларнинг ички органларга оқишини тўхтатади. Унинг пўсти, айниқса қуйдирилгани, жарохатлар учун дори, кўздаги хароратга ва кундузи кўрмай қолишда фойда қилади, кўкракни қувватлантиради, қон тупуришда, хафақонга, меъданинг яллиғланишига, ич кетишига фойда қилади, гижжани ҳайдайди» (Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари). Назар ахли кўруб нортек янгоқинг. Масал: «Бир нору минг бемор», дерлар (Лутфий).

Бир балоси бўлмаса, шудгорда қўйруқ на қилур?

Бу мақол тулкининг тилидан айтилган. Тулки ёгга ўч бўлади. Ўтмишда овчилар уни тутиш учун қопқонни тупроққа кўмиб, устига бир парча думба ёғи қўйиб қўядилар. Тулки уни ейман деб келиб, қопқонга илинарди. Аммо, ҳамма тулкилар ҳам осонликча қўлга тушавермасди. Чунки, тулки бошқа ҳайвонлар ичида энг сезгир, айёр ва хушёрдир. Мазкур мақол шунинг натижасида юзага келган бўлиб, мажозий маънода одамларни хушёр, эҳтиёткор бўлишга ундайди. Вар.: «Бозордаги ботмон қуйруқ, Тарозига тортган қуйруқ, Бир балоси бўлмаса, Нега шудгорда ётган қуйруқ?!»; «Бир балоси бўлмаса, кавакда кабоб на килур?» (Бу кейинги мақол сичқон тилидан айтилган. Сичқонни йўқотмоқ учун унинг оғзига маргимуш сепилган жизза, кабоб жази қўйиб қўйганлар).

Бир бош — бало бош, икки бош — қозон ош.

Вар.: «Бошинг икки бўлмагунча, молинг икки бўлмас»; «Югурук отга ёл битмас, Тоқ йигитга мол битмас»; «Бўйдоқнинг бўйнини бий ейди, Топган-тутганини ит ейди»; «Бўйдоқликда бойлик йўқ»; «Эр молсиз бўлмас, йигит ёрсиз бўлмас»; «Ҳар ким беёрдир — бемордир». Булар билан: «Уйланмай, турмуш қурмай, ёлғиз, сўққа бош бўлиб юрма. То уйланмагунингча уйингга барака кирмайди, биринг икки бўлмайди», деган маънода йигитларни уйланишга тарғиб қиладилар.

Бир бошга — бир ўлим.

Мазмуни: киши ахир бир кун ўлади. Шундай экан, қўрқоқлик қилиб, номардларча тирик қолгандан кўра, мардонаворлик билан ўлган яхшироқ.

Бир бошоқ — бир сават нон.

Мазмуни: Донинг бирор бошоғини ҳам ерда қолдирма, нобуд қилма. Бир бошоқ донни эксанг, унинг ҳосилидан бир сават нон бўлади. Умуман бу мақол билан ҳамма соҳада тежамкорликка ундайдилар.

Бир булдуриқ уч қорга татийди.

Булдуриқ — бутун борлиқни бургайдиган қалин қиров. Ерда кўпроқ нам тўпланишида умуман, табиат учун қордан ҳам фойдали ҳисобланади.

Бир бўри ўлжа топса, ўн бўри ҳозир бўлар.

Вар.: «Бўрининг топгани — бўрига». Бўрининг одати-бирор ўлжа топса, шерикларини чақирмоқ учун улий бошлайди. Бирпасда аллақаёқдаги бўрилар ҳам шу ерда пайдо бўлиб, қўйларга (ва умуман, ўлжага) биргалашиб хужум қиладилар. Бўри мажозда ҳамавақт қонхўр, золимларга ташбиҳ этилади. Мазкур мақол билан золим, ноинсоф, ҳаромхўр одам агар бир мансабга эга бўлиб қолса, ён-атрофига ўзига ўхшаган одамларни тўплаб, халқни эзади, талайди, дейилмоқчи.

Бир ёмон анжир кесар, икки ёмон занжир кесар.

Маъноси «Бир ёмоннинг қўлидан унчалик катта иш келмайди, аммо икки ёмон биргаликда иш кўрса, ҳар қандай қабоҳат ишни ҳам қилишга қодир бўлади. Икки ёмонни ҳатто занжир билан боғлаб қўйсанг ҳам кесиб кетади.

Бир ёмоннинг бир яхшилиги ҳам бор.

Маъноси: «Бирор одамни «ёмон ёмон» деганга бутунлай ёмонга чиқариб юборма, бир кунмас бир кун унинг ҳам бирор яхшилиги тегиб қолади».

Бир жағга — бир ботмон.

Ўтмишда ҳар бир оила бутун қишлик рўзғоротини кузда ғамлаб оларди. Шунда ҳар бир жағга, яъни оиладаги ҳар бир жонга (янги туғилган чақалоқ ҳам шу ҳисобга киритиларди) бир ботмондан буғдой, унинг ярмисича гуруч, гуручнинг ярмисича ёғ ва б. ғамлаб қўйиларди. Шу ҳисобдан ғамланган озуқалар бутун қишга етарди.

Бир йигит қирк йилда бино бўлади.

Йигит — бу ерда «чин инсон, ҳар тарафлама етук одам» маъносида ишлатилган. Киши дунёда қирк йил яшаганидан кейингина ҳар жиҳатдан камол топади, ҳаётнинг пасти-баландига тушунади, уйланиб, бола-чақалик бўлиб, ҳақиқий ҳаёт йўлини топиб олади, дейилмоқчи.

Бир керак бўлган нарса икки керак бўлмай қолмас.

«Бирор асбобни ишлатиб, ишинг битгач ташлаб юборма (масалан, бел, кетмон ва б. иш қуролларини иш битгандан сўнг қаровсиз ташлаб қўйма), яна бир кун керак бўлиб қолади» ёхуд «бир одамдан ишингни битказиб олгач, унга тескари қараб кетма, ишим битди, энди бу одамнинг менга кераги йўқ, деб у билан алоқангни узма, муомалангни бузма», дейилмоқчи.

Бир кун минг кун бўлмас.

«Бир кеча минг кеча бўлмас» деб ҳам ишлатиладиган бу мақолни вақтинча бўлаётган қийинчиликка сабру тоқат қилмай, ҳадеб нолийверадиган одамга тасалли берганда ёхуд бирор нокулай жойда тунаб қолишга тўғри келганда айтадилар.

Бир кун туз ичган жойга қирқ — кун салом.

Вар.: «Тўйган ерга — тўққиз кун таъзим»; «Тузини ичиб, тузлугига тупирма»; «Бир кунги танишга минг кун салом бер». Булар билан: «Яхшилик кўрган еringни, одамингни асло унутма, унга сира ҳам ёмонликни раво кўрма, уни ҳамиша ҳурмат қил» деб ўгит берилади.

Бир кун туғилмоқ, бир кун ўлмоқ бор.

Бу марҳумнинг яқинларига тасалли берилганда айтилади.

Бир кун жанжал бўлган уйдан қирқ кун барака кетар.

Оилада бўлар-бўлмасга жанжал қилавермаслик, айниқса эр билан хотин аҳил бўлиши зарурлигини уқтирувчи бу мақолнинг бир неча варианти бор: «Бир кун урушганнинг қирқ кун насибаси кесилади»; «Жанжалли уйда барака бўлмас»; «жанжалли уй — азобли гўр»; «Шубҳали уйда тўша бўлмас» (тўша — сафар учун ҳозирланган озиқ-овқат жабдуқ-жамғарма. Эр-хотин бир-бирига ишонмаса, бир-биридан шубҳа қилса, уйда тўша, яъни барака бўлмайди, дейилмоқчи); Вар.: «Оила аҳил бўлса, омад ўз оёги билан келади».

Бир кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас.

Бу мақолни кўпинча «Бировдан омонатга ҳўкиз сўраб олиб, ишим тезроқ бита қолсин, деган мақсадда уни ўлар-тирилганига қарамай ишлатавериш (ер ҳайдаш ё юк ташишда) яхши эмас. Бировнинг молини ўз молингдек авайлаб ишлатишинг керак. Акс ҳолда иккинчи сафар у одамдан бир нима сўраб борсанг, илтимосингни рад этиши турган гап», деган маънода ишлатадилар.

Бир кўнгил иморати — минг макка зиёрати.

Халқ бу мақолида яхшилик қилиб, кўпчилик тугил ҳатто бир кишининг кўнглини шод ва обод қилиш («иморат» солиш) ҳам Маккага юз марта бориб, ҳаж қилиб келишдан кўра яхшироқ, хайрлироқ эканлигини кўрсатади.

Кимки бир кўнгли бузуғнинг
хотирин шод айлагай.
Онча борким, каъба вайрон
бўлса обод айлагай.
(Навоий.)

Бир кўрган — билиш, икки кўрган — таниш.

Бирор киши билан биринчи марта танишганда ёхуд бир марта кўрган, танишган, ҳамсуҳбат , ҳамроҳ, ҳамкор бўлган одам билан яна учрашиб қолган пайтда айтилади. Вар.: «Бир кўрган — ошна, икки кўрган — қариндош»; «Тор ерда топишган кенг ерда кўришар».

Бир майизни қирқ киши бўлиб ебди.

Бу мақол кишини сахийлик, тотув-

лик, аҳиллик, ҳамжиҳатликка ундайди. Вар.: «Ёртини ёриб еган — тотувликнинг белгиси»; «Яхши кўрган дўстинг билан ёрти қурт топсанг ёриб е, бутун қурт топсанг бўлиб е»; «Халтадаги — ўртадаги»; «Тенг еганни тангри суйипти»; «Ўлиб егунча, бўлиб е».

Бир одам ариқ қазийди, минг одам сув ичади.

Вар.: «Бир одам кўприк солади, минг одам ўтади»; «Бир киши қазиган қудуқдан минг киши сув ичади». Маъноси: Кўпчиликнинг манфаати йўлида қилган хизматинг зое кетмайди. Меҳнатинг самарасидан баҳраманд бўлган кишилар сенинг номингни яхшилик билан ёдга оладилар, кўпчиликнинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўласан. Шундай экан, эл-юрт манфаати йўлида меҳнату ғайратингни аяма.

Бир одам омоч билан, еттовлон чўмич билан.

Вар.: «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир» (машоқ — бугдой ўриб-йиғиб олинганидан кейин ерга тўкилиб қолган бошоқларни териб олиш); «Биров экар, биров бичар» (бичмоқ — ўрмоқ); «Чоракор чораклаб олар, бой акам ботмонлаб»; «Арзимайди ғалласи, куйдиради шогирдонаси» (шогирдона — шогирдпешага, яъни энг қуйи даражадаги солиқ ундирувчи шахсга натура — маҳсулот билан тўланадиган ҳақ). Бу сингари мақолларда ўтмишдаги тенгсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик ўз изини қолдирган. Муаррих М. А. Абдураимовнинг ёзишича, илгари Ўрта Осиё хонликларида халқдан (жумладан, қишлоқ аҳлидан) ўлпон, кафсан, қўш пули, сув пули, сомон пули, танобона, миробона, нақдина, ихрожот, амалот, олғот, солғот, маросимот, мулхоқот, закот, осиё пули, обжувоз пули, харрос пули, боқи пули, мушрифона, мухассилона, мададди-лашкар ва ҳ.к. деб аталувчи ўттиз икки солиқ олинарди. Масалан, деҳқоннинг ғалласи пишиб, ўриб-йиғиб олганидан кейин хирмон тепасига амлокдор (катта ер эгаси; туман ҳокими) ўзига қарашли ўлпончи, кафсанчи, закотчи, товачи, соғубардор (соғубардор — соғу кўтарувчи; соғуни «кепчик» ҳам дейдилар, ёғоч гардишга хом тери қопланган, ғаллани елпиш, совириш учун ишлатиладиган рўзғор буюми), шогирд-пеша сингари турли хил солиқларни йиғувчи югурдаклари билан келиб, хирмоннинг баракасини учириб, деҳқоннинг шўрини қуритиб кетарди. Хирмондан солиққа ғалла олиш кафсан дейилади. «Бир ғаллакор деҳқоннинг хирмонида 8 пуд дон уйиб қўйилган эди. Саркор (амлокдор) келиб, хирмон кўтаришни бошлади. Унинг соғубардори икки пуд кафсан олди. Доруға этагига бир пуд, имомнинг вакили бир пуд, амин бир пуд дон солиб олди (кафсанчи, солиқчи, закотчи, ушрчи сингари балохўрлар хирмонга чўққа тушиб, чопонларининг, халатларининг орқа этагини, қайириб, ичига сиққанча дон тўлдириб, орқалаб кетаверардилар). Саркор билан бирга келган новвой унинг олдига бир неча нон қўйиб, 20 фунт (1 фунт 400 граммдан ортиқроқ бўлган оғирлик ўлчови бирлиги) донни рухсат сўраб олди. Саркорнинг чилимдори ҳам 20 фунт ғалла олди. Бу қолган дон ҳам беш қисмга бўлинади. Шунинг бир қисми — 10 фунти газнага топшириш учун пойгирга ёзиб қўйилди. Деҳқоннинг ўзига 1 пуд ғалла қолдирилди (Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зерафшанском округе с предложением списка населенных мест округа). Вар.: «Мард топади, номард ейди»; «От топади, эшак ейди»; «Бири семизини ейди, бири эгизини ейди»; «Бири сўраб ейди, бири бураб ейди»; «Тулки бор жойда товуқ урчимас»; «Эл устида эллик карға, Энди буларга ем қайда?!»; «Ма санга, ма санга, Нима қолди Ҳасанга?!» «Ариқни кимлар қазийди, Сувни кимлар ичади»; «Емаганни ейдилар, Тегаверсин дейдилар»; «Келтир менга, Йўқдир сенга»; «Чигирткалар экин ер, Экмай-тикмай текин ер» («Қадим замонлардан бошлаб чигиртка галалари Ўрта Осиё, Африка ва Европадаги кўпгина экинларга бир неча бор ху-

жум қилиб, сўлим боғларни, поёнсиз экинзорларни шип-шийдам қилган. Бунинг натижасида кўплаб одамлар очликдан қирилган. Масалан, 1901 йили фақат Сирдарё, Самарқанд, Фарғона областларининг ўзида Марокко чигирткасидан 125 минг 654 гектардан ортиқ экинлар нобуд бўлган... Революциядан илгари энтомолог В. И. Плотников бухоролик бир чолдан: «Бу йил пахта ва донинг танобидан неча центнердан олмоқчисизлар;» деб сўраганда, у: «Чигирткадан сўнг қанча қолса, шунча оламиз» деб жавоб берганлиги зараркунанда ҳашоратларга қарши курашишда революциядан аввал деҳқонлар нақадар ожиз бўлганлигини яққол ифодалайди» (А. Ғофуров, Ҳайвонлар ҳақида фан ва дин). Мазкур мақолда текинхўр бойлар, амалдорлар ва руҳонийлар ана шундай офат бўлмиш чигирткаларга ташбиҳ этилган); «Деҳқон иши билан овора, Сичқон тешиги билан овора»; «Тайёр ошга — баковул, Шўрлик бошга ясовул» (ясовул — Ўрта Осиё хонликлари даврида: юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи, посбон; баковул — подшоҳ, амир, хон саройида: уларга аталган овқатни тотиб кўрувчи ва овқат тайёрлаш ишига масъул мансабдор; кўчма маънода: тайёрга айёр).

Бир одамга бир одам сабабчи бўлади.

Бир одам бошқа бир одамнинг воситаси, ёрдами орқасида яхшилик кўрса, барака топса, битмаган иши битиб кетса ёхуд бир одам бошқа бир одамнинг хатти ҳаракати, гап сўзи, қаршилиги ва ҳ. к. туфайли зиён-заҳмат кўрса, шу мақолни қўллайдилар.

Бир одамга — бир уй-у, бир гўр.

Бу мақол ака-ука, қариндош-уруғ ёки бегоналикида қисиниб қимтиниб, хиложат чекиб яшаётган одам томонидан уй-жой керак экан, бўлмаса хижолатдан, таъна-тазаррудан бош чиқмас экан», деган маънода айтиларди.

Бир онадан алвон хил бола туғилади.

Вар.: «Бир палакда неча хил қовун етишади»; «Овул бошқа бўлса ҳам тилак бир, Бармоқ бошқа бўлса ҳам билак бир», «Бир уядан неча алвон қуш учади»; «Бир онанинг боласи — бир тоғнинг лоласи»; «Доно онадан ҳам нодон ўғил туғилади»; «Бир таблада от ҳам бўлар, эшак ҳам» (табла — отхона) «Бир уядан бир саситқи»; «Бир палакдан минг хомак»; «Тангри берганнинг ўғли тўрт бўлар, Бири номард бўлса бири мард бўлар»; «Товуқнинг ҳам бир тухуми палагда бўлади»; «Бир палакда неча хил қовун бўлади». Мажозан: бир ота-онадан бир неча бола туғилса, шу болалар ташқи кўринишда бир-бирларига ўхшасалар ҳам, хулқ-атворлари жиҳатидан ҳар хил бўладилар, бир-бирларига ўхшамайдилар.

Бир очликнинг бир тўқлиги бор.

Вар.: «Бир очликнинг бир тўқлиги бор, Бир тўқликнинг бир шўхлиги бор»; «Тўқнинг йўқлиги бор, Очнинг тўқлиги бор»; «Ориқ семирар, оч тўяйнар», «Очиқ оғиз оч қолмас»; «Тиш берган худо ош (ҳам) берар»; «Қул ўлмас, ризқи камимас»; «Борликдан мақтанма, йўқликдан қайғурма»; «Эшакли отли ҳам бўлар»; «Той минган от ҳам минар»; «Бир аччиқнинг бир чучуги ҳам бор»; «Бугун юпун, эртага бутун» ва б.

Бир пул бериб йиғлатдим, минг пул бериб юпатдим.

Ўтмишда «гийранда» деб аталувчи (йиғловчи, йиғлатувчи) одамлар бўларди. Улар пулга ёлланиб ишлардилар азалик жойларда, кўмиш маросимларида марсия ўқиб, кишининг нозик ҳиссиётига бориб тегадиган сўзлар билан йиғлаб, ўлган одамнинг оила аъзоларини, қариндош-уруғларини, ёр-биродарларини, умуман ҳаммани чинакамига йиғлатардилар. Ана шу йиғлаш жарёнида ҳар ким гийрандага бир нима (пул, чопон, рў-

мол, кийимлик мато ва шу каби нарсаларни, чорвадорларда — отдан тортиб той, қўй, эчки, улоққача) келтириб берарди. Бундан ташқари ўлик эгаси олдидан шартлашиб қўйилганига мувофиқ, унга пул берарди. Айрим ўз иззатини билмаган гийрандалар тушаётган унумга қараб, йиғисини авжига чиқариб, атрофдаги одамларнинг юрак-бағрини эзавергач, унга икки-уч баравар кўп нарса бериб, аранг йиғидан тиндирардилар. Юқоридаги мақолнинг асл маъноси шундай. Мажозий маънода гийранда сингари келадиган мўмай даромадга қизиқиб, гап-сўзини, ҳунарини, наъмасини, хатти-ҳаракатини тобора авжига чиқараверадиган, охири одамларнинг жонига тегадиган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланилади. Вар.: «Гийранда кулиб йиғлар, Той берсанг эриб йиғлар»; «Той бериб йиғлатдим, от бериб тиндиролмадим».

Бир сават тухумга бир тепки кифоя.

Вар.: «Бир гала қарғага бир кесак кифоя». Бу мақоллар билан: «Ў-хў, кўп экан, деб душмандан қўрқма. Сиртидан кўп кўринган билан, бир зарбалик ҳоли бор», деган маънода жангчи йигитларга далда берганлар.

Бир таёқ бошни ёради.

Кишини эҳтиёткор бўлишга ундовчи бу мақол билан: «Э, бу таёқ-ку, қилич эмас-ку, деб писанд қилмай ўтирма, таёқ бўлса ҳам қанчадан-қанча одамнинг бошини ёра олади. Шунингдек, битта одам экан-ку, қўлидан нима ҳам келарди, деб ўйлама, битта одам бир қанча одамни шикастлаши мумкин», дейилмоқчи. Вар.: «Бир гугурт бир қишлоқни ёндиради».

Бир товуққа ҳам дон керак, ҳам — сув.

Мажозий маъноси: «Бола-чақани (айниқса, улар кўп бўлса) боқиш осон эмас. Ҳар бирига аллақанча нарса керак. Бу нарсаларни муҳайё қиламан, деб ота-она озмунча қийналмайди». Вар.: «Куш нима топса, боласининг оғзига тутади»; «Жўжасига истаб дои, Товуқ боши қора қон»; «Овчи дат ейди, болалари эт ейди» (дат емоқ — азоб-уқубат чекмоқ).

Бир томчи сув чумолига дарё кўринар.

Озгина иш ҳам кўп ва оғир туюлиб, пешонасини тиришитирадиган, бўйин товлайдиган ишёқмас, дангасаларга қарата шу мақолни айтиб, уларни мазах қилиб куладилар.

Бир тулки етти бўрини етаклайди.

Мажозий маъноси: «Бир айёр, ҳийлагар одам ўзидан ҳар томонлама кучли, аммо тўғри, андишали, ҳийла-найрангни билмайдиган бир қанча одамни «бурнидан ип ўтказиб», ўз манфаати йўлига етаклаб юради». «Тулки бўридан тўқроқ яшайди»; «Шер ўрмонда оч ётади, тулки куш гўшти ейди» деган мақоллар ҳам борки, буларни: ҳалол, виждонли, инсофли, сабр-қаноатли одам ҳар қанча оч қолса ёхуд бирор нарсага ҳар қанча муҳтож бўлиб қолса ҳамки, бировдан бир нима тама қилмайди. Очкўз, айёр, пасткаш одам эса турли ҳийла-найранглар ишлатиб, бировнинг ҳақига хиёнат қилиб, тўқ яшайди», деган маънода қўллайдилар.

Бир хотиннинг ҳийласи қирқ эшакка юк бўлар.

Вар.: «Эрнинг ҳийласи битта бўлса, хотининг ҳийласи мингта», «Хотининг макри шайтонга дарс бўлур». Булар баъзи айёр, маккора аёлларга нисбатан айтилади.

Бир чарчаганга тегма, бир — оч қолганга.

Вар.: «Бир очга тегма, бир-ялангочга»; «Бир ўлганга тегма, бир —

қуйганга»; «Бир мастга тегма, бир — жиннига»; «Мастга хон йўл берибди». Чарчаган, ҳориган, оч-яланғоч қолган, бирор нарсадан куйган одам ғазаб ҳолатида бўлади, аламини кимдан олишини билмай туради. Мазкур мақолларда шундай одамга асло тега кўрмаслик, ҳазиллашмаслик, ўринли-ўринсиз гап қилмаслик лозимлиги уқтирилади. Акс ҳолда киши бундай одамдан сўкиш эшитиши, зарба ейиши, шикаст топиши мумкин. Маст ва жинни одамдан киши тағин ҳам эҳтиётроқ бўлиши, уларни четлаб ўтиши зарур.

Бир эзма топади, бир — кезма.

Вар.: «Сўзни бир эзмадан сўра, бир — кезмадан». Одатда эзма одамни кишилар кўпда ёқтирмайдилар. Аммо, эзма одам ҳар бир нарсани ижикиланиб сўраб, то тагига етмагунча қўймайди. Шу эзмалиги, сўраб-суриштиришдан эринмаслиги орқасида кўп нарсаларни билиб олади. Кезма одам ҳам кўп жойларни кезиб юриб, билмаганларини билади, кўрганларини кўради. Юқоридаги мақолларни: «Билмаган нарсангни эзма ва кезма одамлардан сўрасанг, билиб оласан» деган маънода ҳам қўллайдилар, эзма ва кезма одамлар устидан кулганда киноя тарзида ҳам қўллайдилар.

Бир юзингни уришга қўй, бир юзингни — ярашга.

Маъноси: «Биров билан уришганда, сўкишганда кейин ярашадиган, муроса-мадора қилиб кетадиган тарафини ҳам кўзлаб иш кўр, бутунлай юз кўрмас бўлиб кетадиган қаттиқ уришиб-сўкишма».

Бир яхшига — Бир ёмон.

Бу мақолни кўпроқ эр-хотинларга нисбатан қўллайдилар. Эр-хотинниг бири яхши-ю, бири ёмон бўлса кун кечириб кетишлари мумкин. Бирининг ёмонлигини бири кечирмаса, бири енгиллик қилганда бири оғирлик қилмаса, турмуш бузилади. Мақолни айтганда ана шуни ҳам эслатиб ўтадилар. Вар.: «Бир яхшига бир ёмон ҳар қайда бор. Икки ёмон бир бўлса, кун қайда бор?!»

Бир қазога икки жазо йўқ.

Буни кўпинча бир айб, гуноҳ учун ҳадеб уришиб-сўкаверсалар, жазолайверсалар, юзига солаверсалар, пеш қилаверсалар, шундай пайтда айтадилар.

Бир қиз эрга тегса, қирқ қиз туш кўради.

Қиз узатилгач, унинг тенгқур дугоналари ҳам турмуш қуриш тўғрисида хаёл сура бошлайдилар, «турмушга чиқилган яхши бўлармикин ё ота уйида юрган яхшироқмикин ...» деб ўйлайвериб ўйларига етолмайдилар, бу нарса ҳатто тушларига ҳам кириб чиқади. Мақолда ана шу ҳолат ўз ифодасини топган.

Бир қизга етти қўшни ота-она.

Маъноси: «Қиз ахлоқ-одоби, иффати билан гўзалдир. Унинг бундай етилиши биргина ота-онанинг эмас, балки кўпчиликнинг тарбиясига боғлиқ. Шундай экан, бир қизга атрофдаги қўни-қўшнилар ҳам мураббийлик қиладилар ва шундай қилишга уларнинг ҳақлари ҳам бор».

Бир қилган — мадад, икки қилган — одат.

«Бировга (ўғил-қизга, ака-ука ё опа-сингилга, қўни-қўшни ёки таниш-билишга) бирор нарсага муҳтож бўлиб қолганда ёрдам қилинса, бу мадад бўлади. Аммо, ҳадеб ёрдам қилинаверса, бу нарса одат тусига кириб қолади. «Ҳа, ёрдам қилаверар экан-ку», деб ўзи ҳаракат қилгиси, ўзи меҳнат қилиб қийналиб эришгуси келмай қолади дангаса бўлиб, бериладиган мададга умид боғлаб юборди. Шунинг учун бировни ёрдамингга одатлантириб қўйма, қийналса ҳам ўз тирикчилигини ўзи ўт-

казсин, дейилмоқчи. «Гадони гадо қилувчи — садақа берувчи» мақоли ҳам шу маънода жуда ўринли.

Бир қишга қуён чориғи ҳам чидайди.

Қуён териси бошқа ҳайвонлар (масалан: қўй, эчки, қўзи, тулки, ҳатто сичқон) нинг терисидан ҳам юқа бўлади. Ундан пўстин ё телпак тикилса, кўпга чидайди. Ҳатто оёқ кийими — чориқ тикилса ҳам, бир қишни бемалол чиқазади. Мақол мажозан: «Қуён териси шундай юқа, нозик булатуриб,бир қишга чидайди-ку, наҳотки сен ўзгина қийинчиликка чидай олмайсан?!» деган маънода қўлланилади.

Бир қишнинг бир ёзи бўлади, қарғанинг қағиллагани қолади.

«Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ», дегандек, ёмон кунлар ўтиб кетади, яхши кунлар ҳам етиб келади. Йўқлик, муҳтожлик, қийин кунларингда сенга таъна қилганлар валдираганча қолаверадилар. Бундай таъналарни ўзингга олма, ўксинма, умидсизланма, аксинча дадил бўл, қилаётган ишингни давом эттиравер», деган маънода мазкур мақол билан қийин аҳволда қолган одамга тасалли берадилар. Вар.: «Қиш ўтар, қоралик қарғага қолар».

Бир қорага — бир қора, бермаганнинг бети қора.

Қора — қорамол, қўй, эчки маъносида келтирилган. Кўчманчи чорвадорлик даврида шундай таомил бор эдики, бир одамникига фавқулодда меҳмон келиб қолса-ю, унга сўйишга ўзида мол бўлмаса, дарҳол қўни-қўшнидан бирор мол олиб сўйиб, меҳмон қилиб юборар эди. Кейин шу қарзга олган бир қорага бир қорани қайтариб берарди. Шундай фавқулодда зарур бўлиб қолганда қарзга қора бермаслик, қизғанишлик — катта айб ҳисобланарди. Бермаганнинг бетига ҳам қарамасдилар, ҳатто «тўп» га солиб, унга «тўққиз айб» қўярдилар (тўққиз айб — ҳаарима, улоқдан тортиб туягача тўққиз бош молни ундириб олиш).

Бир қорин мойни бир қумолоқ чиритар.

Вар.: «Битта чириган олма бир омбор олмани чиритади»; «Бир қўтир эчки бутун подани қўтир қилади»; «Бир қирчанғи йилки бутун уюрни қирчанғи қилади»; «Тирраки бузоқ бутун подани булғайди»; «Қўтир така қўра булғар». Мажозан: «Битта ёмон, ахлоқсиз, фасодчи, иғвогар, дилгир ва ҳ.к. одам бутун бир коллективни, ҳатто бутун бир юртни булғайди, унинг номига дог туширади, номус келтиради; битта ахлоқсиз бола бир канча боланинг хулқини бузади», дейилмоқчи.

Бир қўй кетидан минг қўй тўяди.

Хайвонлар ичида қўйда ўзига хос шундай яхши бир одат борки, у яйловда ўтлаб юрганида ўтни бир чимдим тишлаб еб, ўтиб кетаверади. Унинг кетидан келаётган қўйлар ҳам шу йўсинда ўтлаб, тўйинадилар. Бошқа ҳайвонлар эса ўтни тап-тақир қилиб еб, ўзларидан кейин келаётганларга қолдирмайдилар. Шунинг учун улар ўтни бир-бирларидан қизғаниб, сузишиб, тепишиб, бир-бирларидан ўзиб кетишга ҳаракат қиладилар ёхуд тарқоқ ҳолда ўтлайдилар. Мажозда саҳий, қўли очиқ, тўқ одамни қўйга, хасис, зиқна, бахил, қизғанчиқ одамни бошқа ҳайвонотга ташбих этиб, мазкуз мақол билан: «Битта саҳий одамнинг шарофати туфайли бир канча одам бахрамад бўлади», демоқчи бўлганлар.

Бир қўллаб сочасан, икки қўллаб ўрасан.

Ўтмишда ҳозиргидай экин экувчи сеялкалар бўлмаган, албатта. Деҳқонлар галла экканда уруғлик донни этакка ё тўрвага солиб олиб. бир

қўллари билан ерга сочиб кетаверар эдилар. Ғалла ўримида эса икки қўллари ҳам ишларди — бир қўл билан ўроқни, бир қўл билан бошоқни ушлаб ўрардилар. Мақолда ана шу икки ҳолатни тасвирлаш орқали: «Ғалла эксанг, демакки — меҳнат қилсанг, баракали хирмон кўтаришга эришасан, бир қўллаб қилган меҳнатингнинг самарасини икки қўллаб оласан» демоқчи бўлинган ва меҳнатсеварлик тарғиб қилинган. В.: «Доналаб сочсанг, қоплаб оласан»; «Мисқоллаб сепган — ботмонлаб олар»; «Бир кун беда сочсанг, бир хафта беда ўрасан».

Бир қўчқорнинг шохи сингунча, юзта қўйнинг боши кетади.

Вар.: «Бир қўчқорнинг боши кетгунча, минг совлиқ боши кетади»; «Бир кўчқорнинг боши кетгунча, неча тўқлининг бошини ейди»; «Битта қовуи пишгунча, юзта сапча узилиб кетади»; «Бир ҳум сингунча, неча хумча синади». Буларни: «Бир бошлиқнинг бахтсизлиги унинг қўл остидаги кўплаб одамларнинг бахтсизлигина сабабчи бўлади», «Ана ўлади, мана ўлади, деб турилган бир кария ўггунича неча-неча ёш-яланглар ўлиб кетади», деган маъноларда қўллайдилар.

Бирга вафо — мингга вафо.

Маъноси: «Бир кишига вафодорлик қилиб, мард номини олсанг, бунинг овозаси минг кишининг қулоғига бориб етади. Улар буни эшитиб, қойил қолиб, руҳан хурсанд бўлиб, худди ўзларига вафодорлик қилганингдек, сенга миннатдорчилик билдирадилар, эл-юрт ўртасида обрў-эътиборинг ортади». Вар.: «Бирнинг кўнглини олдинг — мингнинг кўнглини олдинг».

Бирга туғилмоқ — бор, бирга турмоқ — йўқ.

Бир ота-онанинг фарзадлари бирга туғилган бўлишларига қарамай, катта бўлгач бошқа-бошқа оила қуриб, алоҳида-алоҳида турмуш кечиришлари зарурлигини уқтирувчи бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ва маънодошлари бор: «Бирга туғилмоқ-бор, бирга ўлмоқ — йўқ»; «Молинг кўп бўлса, мақтанма, Бошинг кўп бўлса, тўпланма» (Агар оилапг катта бўлса, яъни бир неча ака уканг бўлиб, улар уйланган ва бола чақали бўлишса, бир оилага тўпланма. Чунки, уйланган ака-укалар бола чақалари билан бир ҳовлида яшасалар, бир қозондан овқатлансалар, турли оилавий сабаблар, айниқса болаларнинг ўзаро жанжаллари туфайли ака-укалар, овсинлар ўртасига совуқлик тушиши, нари-бери гап ўтиши, натижада улар бир-бирлари билан хафалашиб, аразлашиб қолишлари, ҳатто «юз кўрмас» бўлиб кетишлари мумкин», дейилмоқчи) «Қизил оёқ пайдо бўлса, қизил юздан айирар» (қизил оёқ — яланг оёқ. Ёш болалар кўпинча яланг оёқ юрганлари учун улар «қизил оёқ» деб ҳам аталади. «Қизил юз» дейилганда ака-укалар назарда тутилади); «Йироқдаги қишнашар, яқиндаги тишлашар»; «Эллик йилда эл янги, Қирқ йилда қозон янги». Бу мақолнинг биринчи қисмида «эллик йил ичида кекса авлод вакиллари бирин-кетин оламдан ўтади, ёш авлод бирин-кетин туғилади, ўсиб-улғаяди-да, эл, яъни авлод янгиланади», дейилмоқчи. Иккинчи қисмининг маъноси шуки, ота-боболаримиздан қолиб келаётган одатга кўра, бир отадан туғилган бир неча ўғил то уйланиб, бола чақаси кўпайгунча — бунгача катта ўғил қирқ ёшнинг нарёг-берёгига бориб қолади — ота уйида бирга яшаб, бир қозондан овқатланади. Бола-чақалари кўпайгач, бир оилага сиғмай қоладилар. Шунда ака-укалар ўзаро маслаҳатлашиб ва ота-оналарининг розилигини олиб, қозонларини бўлак қилиб, ягона оиладан ажраб чиқиб кетадилар ва ҳар қайсилари алоҳида-алоҳида оила қуриб яшай бошлайдилар. Мазкур мақол уйланган, бола-чақали бўлган ака-укаларга бир-бирларига бўлган қадр-қим-

матларини сақламоқ учун алоҳида оила қуриб яшашни маслаҳат берганда айтилади.

Бириккан куч — куч, бирикмаган куч — пуч.

Инсон — якка ўзи, жамиятдан ажралган, ҳолда яшай олмайди. Халқимиз ўзининг бир қанча мақолларида кишига жамият билан, кўпчилик билан бирга бўлиш зарурлигини уқтиради, кўпчиликнинг, коллективнинг куч-қудрати қанчалар буюклигини, коллективдан ажралиш, яккаёлғиз яшаши эса ёмон оқибатларга олиб боражагини ажойиб тамсиллар орқали кўрсатади: «Бир таёқни синдириб бўлади, ўн таёқни букиб ҳам бўлмайди»; «Бир киши — бир, Икки киши — шер»; «Ёлғиз ёғоч уй бўлмас, Ёлғиз йигит бий бўлмас, Эр бирлиги билан кучли, Шер — билаги билан»; «Иковга биров ботолмас, Отлиққа яёв етолмас»; «Бешнинг боши бўлгунча, олтининг оёғи бўл»; «Бирлашиб дарё бўлур, тарқалиб ирмоқ бўлур»; «Куч — бирликда»; «Қўшилганнинг қўли узун»; «Бирлашган куч енгар»; «Бирлашган пода бўри ҳужумин қайтарар»; «Тарқоқлик йўқ бўлса, Душманга ўқ бўлар»; «Кўп ботирдан ёв кетар, Кўп чечандан дов кетар»; «Кўк ит енгмас, Кўп ит енгар»; «Чивин бирлашса, филни ҳолдан тойдирар»; «Чумоли бирикса, шерни йиқитар»; «Уюр қўйдан бўри ҳам қўрқар»; «Тўзиган гозни тўпланган карға олар»; «Икки туйғун ёпирилса — гознинг шўри»; «Икки сиртлон бир сиртлоннинг сиртини йиртар»; «Икки сичқон бирикса, йўлбарс қуйруғин кертар»; «Қўллашиб кўтарган юк — енгил»; «Ёвга борсанг биринг бор, Овга борсанг биринг бор»; «Ҳамжиҳатлик — давлат, Ёлғизлик — кулфат»; «Озининг азончиси бўлгунча, Кўпнинг қозончиси бўл»; «Бойлик — бойлик эмас, Бирлик — бойлик»; «Бирлик бўлмай, тириклик бўлмас»; «Бирлашган ўзар, Бирлашмаган тўзар».

Бирни кессанг, ўнни эк.

Бу ва бу сингари бир туркум мақолларда кўчат экиш, боғ қилиш тарғиб этилади:«Бир дарахтдан ўн бўлур, ўнтасидан — ўрмон»; «Бир туп ток эксанг, бир туп тол эк»; «Отангдан мол қолгунча, тол қолсин»; «Боғбонниng тол эккани — ўзига пом эккани»; «Кўчат эккан кўчиб кетмас»; «Кўчатни ким экса, соясида ўша ўтиради»; «Соя экмаган салқинда ётмас»; «Ўзинг ўстирган дарахтнинг меваси ширин бўлади»; «Бўстон бўлса боғинг, Булбул бўлур қўноғинг» (маъноси: «Боғингни обод қилиб, мевазор, гулзор бир бўстонга айлантирсанг, ҳузурингга яхши дўстлар келиб, азиз меҳмонинг бўладилар, бу қилган ҳайрли ишларинг билан уларнинг олқишига сазовор бўласан»). «Бир йил тут эккан, Юз йил гавҳар терар»; «Олтмишингда олма эксанг, Етмишингда емишин ерсан».

Бирники — мингга, мингники — туманга.

(туман — ўн минг, сон-саноқсиз, ҳадди-ҳисобсиз, битмас-туганмас). Вар.: «Бирнинг касри — мингга, Мингнинг касри — туманга»; «Бирнинг касофати мингга тегар». Тегди касофати бари юртга ҳам, Борки масал: «Бирники — мингга» деган Мукимий). Лекин, бирники мингга, мингники туманга, дейдилар. Шу Раҳимга ўхшаган битта-иккита ўйин бузуқи кўпчиликнинг номини булғар экандa, ҳаммамизга ташвиш орттириб юрар экан (Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар).

Биров учун биров туш кўриб бермайди.

Мажозий маъноси: «Ҳар ким ўз тирикчилигини ўзи ўтказиш ҳаракатида бўлиши керак. Ўзи учун ўзи жон куйдирмай, бировнинг мададига умид боглаш яхши эмас, бунинг фойдаси ҳам, самараси ҳам йўқ».

Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан.

Ушбу мақолнинг келиб чиқиши диний афсонага бориб тақалади: «Ёлғондакам мусулмон бўлганлар «бу масжидга келиб-кетиш бизга узоқлик қилади» деб, ўзларига яқин ерга

масжид солган эмишлар. Кейин авлиёни ўлдириш ниятида масжиднинг эшиги олдига катта чоҳ қазиб, устини хас-пўшлаб қўйганмишлар. Буни авлиё каромат билиб, ўша куни масжидга келмаган эмиш. Ғанимларнинг ўз ичларидан бириккитаси билмасдан келиб қолиб, ўзларининг одамлари қазиган чоҳга йиқилиб ўлган эмиш». «Бировга ёмонликни раво кўрсанг, унга ўзинг гирифтор бўласан»; деган маънода қўлланиладиган бу мақол классик адабиёда кўп учрайди:

Ҳар киши ким бировга қозғай чоҳ, Тушкай ул чоҳ уза ўзи ногоҳ (Навоий). Ушбу масал бордурур эл ичра фош, Зоҳиру равшан эрур андоқ қуёш. Кимки қозар оқибат ул тушғуси. Кимки ёқар охир ўшул пишғуси (Пишотий). Вар.: «Юриб-юриб йўл оздим, Йўлларда қудуқ қоздим, Ўзим қозган қудуққа, йиқилиб ўлаёздим»; «Ёқма — пишарсан, қазима — тушарсан»; «Ўзингга яхшилик тиласанг, ўзгага ёмонлик қилма»; «Ётга соғинган — ўзига, Қошга соғинган — кўзига»; «Бировга қасд қилган — ўзини паст қилади»; «Бировга ўлим тилагунча, ўзингга умр тила»; «Бировни қарғасанг, ўзингга урар»; «Ёмон кўрганингни қарғама, яхши кўрганингга уради»; «Бировнинг бузоғи ўлсин десанг, ўзингнинг ҳўкизинг ўлади»; «Бировга шамол тиласанг, ўзингга бўрон кут»; «Қўшни деворини кавлама, ўзингникига наҳра очилади»; «Бировга бермагил озор, Хонумонингни бузар» ва ҳ. к.

Бировдан ўтганни биров билмайди.

Вар.:«Бировнинг жонидан ўтса, бировнинг ёнидан ҳам ўтмас»; «Омочнинг қийналганини тиркиш қаёқдан билсин?!« (тиркиш — хом теридан аёлларнинг сочига ўхшатиб ўрилган кайиш. У омочнинг«кулоғи» га, арава ва бошқа нарсаларга боғланади). «Бировнинг қулоғини кесган — бировга кигиз кесганча бўлмас»; «Тани бошқа дард билмас»; «Уйи бошқанинг — мунги бошқа»; «Ҳар бутага ўт тушса, ўзи куйиб, ўзи ёнар»; «Ҳар ким ўзидан ўтганни ўзи билади»; «Оғу ичганнинг ичи билади»; «Тутуннинг аччиғини мўри билади» (мўри — ошхона, ўчоқ ва шу кабиларнинг тутун чиқиб кетадиган йўли», дудбўрон, мўркон). Мажози: «Ҳар ким ўзидан ўтган қийинчиликни, азоб уқубатни ўзи билади, азобини ҳам ўзи тортади, ўзгалар буни батамом, таг-тугигача билмайдилар, ҳис этмайдилар, эгасичалик эзилмайдилар ҳам», дейилмоқчи.

Бировнинг айбини сенга айтган — сенинг айбингни ҳам бировга айтади.

Буни кўпроқ «Бировни оркасидан ёмонлайдиган одам билан дўстлашма, сирдош бўлма, ундан ҳазар қил», деган маънода қўллайдилар.

Бировнинг бергани — кўргулик, меҳнатнинг бергани — тўйгулик.

Ўзи меҳнат қилмай, ўз тирикчилиги учун зарур бўлган моддий неъматларни ўзи ишлаб топмай бировдан тама қилиш тилаш, бировга ялиниб кун кўриш, бировнинг ҳисобига яшаш — ўтакетган ёмон хислат ва текинхўрликдир. Бир туркум мақолларнинг ғоявий мазмуни ана шунга қаратилган: «Бировники — бир кунлик, ўзингники — минг кунлик»; «Биров бир кун тўйғазар, икки кун тўйгазар, токай тўйғазар?!»; «Бирни биров беради, кўпни — меҳнат»; «Биров сўз берар, бўз бермас»; «Бировнинг мис қозонидан ўзингнинг қора қозонинг яхши» (Мажозий маъноси: «Кам бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам, ўзингникига қаноат қил, бировдан тама қилма»); «Бировнинг тўрт оёқлик отидан ўзингнинг икки оёғинг яхши»; «Бировнинг ёғлиқ нонидан ўзингнинг зоғоранг яхши»; «Бировга ишонган — оч қолар»; «Тилаб олган — қорин тўйдирмас»; «Киши берган — кишига озиқ бўлмас; «Бировнинг луқмаси билан киши тўймайди»; «Бировникида еган овқатинг остонасида тушиб қолади»; «Қўлдан берганга қуш тўймас»; «Тиши чик-

қан болага чайнаб берган — ош бўлмас» (Одатда чақалоқ болага то тиши чиқиб, ўзи чайнаб ейдиган бўлгунича егулик нарсаларни аввал ўзлари чайнаб, кейин едирадилар. Мажози: «Болалигингда бировга қарам бўлсанг, бунинг айби йўқ. Аммо, катта бўлганингдан кейин бировнинг қўлига қараб ўтирувчи бўлма, ўзинг ишла, ўзинг топ, ўзинг е, тирикчилигингни мустақил кечириш ҳаракатида бўл»). «Тилаб олган тўн тиззага чиқмас»; «Кишининг моли кишига суд қилмас» (суд — фонда, наф), «Берувчининг қўли баланд, олувчининг қўли тубан» (одатда бировга бир нима бераётган кишининг қўли олаётган кишининг қўлидан баландроқ туради. Мажозий: «Бировдан бир нима сўрагудек бўлсанг, ўзингни ундан паст олишга, ялиниб-ёлворишга мажбур бўласан. Бераётган одам эса, сендан устун туради, тили узун бўлади, хоҳласа беради, хоҳламаса йўқ. Агар у бермаса, рад этса, уни-буни баҳона қилса ё сенга киноя ли гап қилса, ўзингнинг хижолат тортганинг, қизарганинг, ноқулай аҳволга тушганинг қолади. Шунинг учун, имкони борича бировдан бир нима сўрама, ўз эҳтиёжингни ўзинг таъминлашга ҳаракат қил»). «Тилаб олган иззат — ўлимдан қаттиқ» (Иззат-ҳурматни ўзгалардан тилаб олмоқ эмас, унга кишининг ўзи сазовор бўлмоғи, сазовор бўлишга лойиқ ишлар қилмоғи керак», дейилмоқчи), «Термулганинг — тиланганинг эмасму?!»; «Тилангандан — тилинган яхши» (Бировга тиланиб, қарам бўлиб, ялиниб, ўзгалар ҳисобига яшагандан — тилиниб, тилкапора бўлиб, ўлиб кетган яхши», дейилмоқчи), «Эгилмаган бошдан бурк тушмас» (одатда бош эгилсагина бош кийим тушиб кетади. Бу билан: «Бировга бош эгмай, яъни ёрдам беришини сўраб, ялиниб-ёлвормасанг, ўз тирикчилигингни ўз меҳнатинг орқасида мустақил равишда ўтказишга ҳаракат қилсанг, эл-юрт ўртасида хижолат тортмайсан, обрўйинг тушмайди, юзинг ёруғ, тилинг узун бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар).

Бировнинг иши — кўнгилнинг хуши.

Вар.: «Бировнинг ишига бировнинг қўли саратонда совқотибди»; «Бировнинг ғами кеч кирса, эрта чиқар»; «Бировга қолган кун — тонг отмаган тун». Маъноси: «Бировга орқа қилмасдан, ўз ишингни ўзинг қил. Бировнинг ғамингни емайди, ўзининг ташвишлари ҳам ўзи учун етарли. Сенинг ишингни вақт топса, ҳафсала қилса, хушига келсагина қилиб беради, бўлмаса йўқ. Бунинг учун ундан хафа бўлма, гина қилма. Ўз тирикчилигингни ўзинг ўтказиш ҳаракатида бўл».

Бировнинг уйига боқма, бемаҳал эшигин қоқма.

Вар.: «Қоқма киши қопқасин, ўз қопқангни қоқарлар»; «Кишининг қапусини қўлинг билан очсанг, сенинг қапувингни оёқ билан очарлар»; «Кишининг эшигига боқма, сенинг ҳам деворингдан боқарлар»; «Бировнинг эшигига бурун тиқма, қисилиб қолади»; «Кирма киши боғига, Кирар у ҳам боғингга»; Кишининг боғига тош отма»; Булар билан парда орасида: «Бировнинг оиласига, хотин-қизига ёмон назар билан қарама, кўз олайтирма, акс ҳолда сенинг оиланга бундан ҳам баттарроқ кўз олайтирадилар. Ўзгаларнинг оиласини ҳам ўз оилангдек бил, шунга қараб жавоб-муомалада бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Бировнинг қўли билан тикан юлиш осон.

Вар.: Бир одам бирор ишнинг қийинлигини кўра-била туриб ёхуд осон фаҳмлаб, бошқа бир одамга: «Шу ишни қилгин» деса, у одам: «Қилолмайман, бу иш менинг қўлимдан келмайди» ёхуд «Бу иш жуда ҳам мушкул-ку, ахир!» дейишига қарамай, мажбур этса, қийин-қистовга олаверса, шундай пайтда ўша иш буюрган одамга нисбатан аччиқ киноя тарзида мазкур мақолни қўллайдилар.

Бировнинг эшигин эл очар, бировнинг эшигин ел очар.

Бу мақол совчиларнинг келиш-келмаслигига тааллуқли. «Бировнинг эшигини эл очади, яъни қизига кўп совчилар келиб-кетаверади. Бировнинг қизига эса ҳеч ким совчи бўлиб келмайди, унинг эшигини фақат шамол очиб-ёпиб туради», демоқчи бўладилар.

Бит — ғамдан, бурга — намдан, пашша — димдан, кана — гўнгдан.

Вар.: «Бит босганни ғам босар, Ғам босганни бит босар». Ўтмишда, ёппасига очарчилик бўлган кезларда эл орасида бит кўпайиб кетиб, турли юқумли касалликлар тарқалиб, кўплар вафот этган. Халқ ўртасида «Бит ғамдан пайдо бўлади», деган тушунча бор эди. Яна: «Ориқ одам, шунингдек ориқ ҳайвонлар (қора мол, бузоқ, қўй, эчки, ит, мушук) кўпроқ битлаб кетади», деб ҳам ҳисоблаганлар. Очарчилик ғамидан ориқлаб, қоқсуяк бўлиб, битлаб кетадиган камбағал, бева-бечоралар оғир дардга чалинардилар. Бойларга эса шундай кезларда ҳам бало урмасди. Халқимизда «Битганга бит чиқмас, деган мақол ҳам борки, бундаги «битмоқ» сўзи «мол-дунёси кўпаймоқ, семирмоқ» маъносини англатади. Айтишларига қараганда, бит мойнинг ҳидини ёқтирмасмиш, шунинг учун ҳам семиз, яъни мой босган одам кўпда битламасмиш. «Битганга бит чиқмас» мақолини камбағаллар бойларга қарата киноя тарзида қўллаб: «Ҳар қандай оғир дамларда ҳам бойга бало урмайди, унга ҳатто бит ҳам йўламайди, урганда — камбағални уради», демоқчи бўлганлар.

Битмас ишнинг бошига, ботир келар қошига.

Вар.: «Ёқар ишнинг бошига, Яхши келур қошига»; «Бузилган ишни ботир тузар». Маъноси: «Айрим одамларга оғир, мушкул, бажаришнинг иложи йўқдай бўлиб туюлган ишни мард, ботир, ғайратчан, меҳнат машаққатидан қўрқмайдиган одам келиб, юзага чиқариб беради»,

Битта эди моям, иккита бўлди дастмоям.

Она товуққа мояк қўядилар. У шу моякни босиб ётиб, тухум тугади. Сўнг битта тухум иккита бўлади. Бу мақол ўзининг ташвиши етмай тургандай, яна бировнинг ҳам ташвишини ейишга мажбур бўладиган одам тарафидан мажозий маънода айтилади.

Биҳиштдан чиққан таёқ, югуртирар яланг оёқ.

«Бошга тушган таёқ, Югуртирар яланг оёқ» деб ҳам қўлланиладиган бу мақолнинг келиб чиқиши диний афсона билан боғлиқ: «Одам Ато билан Момо Ҳавво жаннатда шайтоннинг фирибига алданиб, ейиш ман этилган бугдойни еб қўйган эмишлар. Бу қилган гуноҳлари учун улар жаннатдан ялонғоч, яланг бош, яланг оёқ ҳолда қувилганмишлар. Ерга улар билан бир хўкиз, бир таёқ ҳам юборилганмиш. Одам Ато жаннатдан олиб тушилган бугдойни экиб, тирикчилик ўтказиш куйида ер ҳайдаб, ҳалиги таёқ билан хўкизнинг орқасидан яланг оёқ югуриб юрган эмиш...» Мажози: «Тирикчилик ташвишлари сени бир жойда бамайлихотир ўтқазиб, қўймайди, ҳоли-жонингга қарамай, ҳаракат қилишга, тиришишга, елиб-югуришга мажбур қилади».

Божа божани кўрса, тиши қичишади.

«Божа божани кўрса, боши қичийди», «Божа божани кўрса, авж олади», деб ҳам қўлланиладиган бу мақолни биргина божаларга (яъни, опа-сингилларнинг эрларига) қарата эмас, балки умуман, бировдан асло қолишгиси кемайдиган ҳол-қудрати етса-етмаса, унга тенглашишга, ҳатто ундан ўзиб кетишга (мас., бировнинг яхши кийинса ундан ҳам яхшироқ кийинишга, бировнинг тўй қилса ундан

ҳам ўтказиб тўй қилишга ва ҳ.к.) ўлиб-қутулиб интилувчи одамларга қарата киноя тарзида айтадилар.

Бозор кўрган эчкидан қўрқ.

Эчки бошқа чорва молларига қараганда анча айёр бўлади. Мабодо у бозорга олиб борилса-ю, сотилмай қолса, ўз жойига баттар айёрланиб қайтади. Чунки у шаҳарга борган, бозорни, ғала-ғовурни, одатидагидан ташқари нарсаларни кўрган. Мазкур мақол айёр одамлар устидан кулинганда ёхуд айёр одамлардан сақланиш, эҳтиёт бўлиш зарурлиги уктирилганда айтилади.

Бозордан бир бой чиқмайди, бир — гадой.

«Савдогар бой яна бирор фойда орттириш умидида кечгача бозордан чиқмайди, дўконини қош қорайгунча очиб ўтираверади. Гадой эса яна бир парча нон умидида бозордан кечгача чиқмайди», дейилмоқчи. Бойларнинг пул ва мол-дунёга харислигини ифодаловчи бу сингари мақоллар кўп: «Ой ботса ҳам, бой ётмас»; «Ит тинар, куш тинар, бой тинмас»; «Бир бойнинг уйқуси келмас, Бир — гадойнинг»; «Бой бувамнинг ўттиз ботмон ери бор, бузоқ бойлар ери йўқ» («Фойдани катта оламан деб, очкўзлик қилиб, ҳамма ерини экинзорга айлантириб, ҳатто бузоқ бойларлик ҳам жой қолдирмаган», дейилмоқчи).

Бой — бир бўронлик, ботир — бир ўқлик.

Бу мақолни «Бой: ана ундай бойман, мана бунча қўйим бор, деб мақтанади-ю, аммо бир бўрон туриб, ют бўлса, ҳамма қўйлари қирилиб кетади. Ботир ўз кучини мақтаб, довюраклигидан керилади-ю, аммо бир дайди ўқнинг ўзи уни қулата олади. Мақтанишнинг ҳожати ҳам йўқ, фойдаси ҳам йўқ», деган маънода мақтанчоқларга қарата айтадилар. Вар.: «Бойлик — бир ойлик».

Бой бойга боқар, сув сойга оқар.

«Эзувчи синф вакиллари меҳнаткаш халқни эзиб ишлатиш, талаш, қийнаш, ўзлари учун тобора яхшироқ яшаш шароитларини яратиш, кўпроқ мол-дунё орттириш йўлида бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар; бир-бирларининг ёнларини оладилар», деган маънони ифода этувчи бу мақолнинг бир неча варианти бор: «Сув сойга оқар, пул — бойга»; «Бой ҳам бойга, худой ҳам бойга»; «Бой бойга тиришар, Камбағал камбағалга бўлишар»; «Бойнинг эшигини бой очиб, бойвачча бекитади»; «Авлиё ўз ченини қўллайди» (чен — теварак-атроф, туташганлик, яқинлик). «Султон суягин хўрламас».

Бой борин бермас, йўқ қараб турмас.

Бу каби бир қанча мақолларда халқ зиқна, хасис ва бахил бойлар устидан заҳарханда билан кулади, уларнинг пасткаш одамлар эканлигини рўйи рост очиб ташлайди: «Бекники — бежоғлик, бойники — тежоғлик»; «Бойнинг ошини ейишга темирдан тиш керак»; «Бойнинг ошини бойтеват қизганади» (бойтеват — бароқ, юнги ўсиқ, кўппак ит. Бойларнинг аксарияти эшик олдига шундай қопағон ит боғлаб қўярди. Мақолда гўё ўзини бойга содиқ қилиб кўрсатадиган, бойнинг кўзига яхши кўринмоқ ниятида унинг ҳар бир нарсасини «пуф-пуфлаб» авайлайдиган лаганбардор хизматчи бойтеват итга ташбиҳ этилган). «Бой эшигин бойтеват қўргалайди»; «Бойнинг молини бойгиз қизганар»; «Бойнинг ўзидан ҳам бойтевати ёмон»: «Бойлар — бойнинг йўлдоши, Гадой — бойнинг зиёндоши»; «Бойлик десанг қоп-қоп, Бир пул десанг Аштархондан топ» (Аштархон — Астрахань). «Бойлиги шунча кўп-у, бир пул сўрасанг, бермайди, секин гойиб бўлади, ўзини (узоқ-узоқларга) олиб қочади», демоқчи бўлинган. Вар.: «Гап десанг қоп-қоп, Пул десанг Самарқанддан топ»; « ... Олатоғдан топ»; « ... Қоратоғ-

дан топ»; « ... Кўҳи Қофдан топ»; «... «Хиротдан топ»; «Бой-бой деган номи бор, Чиқар-чиқмас жони бор». Мол-дунёси кўплигидан «бой-бой деган овозаси оламга тарқалган-у, аммо ўзи ўлгудай хасис, бировга бир нима бермайди, бирор меҳмон чақиргудек ё тўй қилгудек бўлса, кетаётган сарф харажатларни кўриб, кўзи косасидан жони танасидан чиққудек бўлади», дейилмоқчи. «Ёнидан пули чиқди танидан жони чиқди» деган ибора ҳам шундай зиқна бойларга нисбатан қўлланилади. «Бой қўлида Ой бўлса, олам ёритмас»; «Тўнгизнинг семизлиги ўзига»; «Бой боёғон бўлса, ичаги тораған бўлар»; «Тухуми катталашган товуқ думини тутқизмайди».

Бой бувамнинг оши бор. Ичи тўла тоши.

Вар.: «Бой бир қўли билан ош беради, бир қўли билан тош беради»; «Бойнинг оши — кўзнинг ёши». Бу мақоллар билан: «Бой сенга бекордан-бекорга ош бермайди. Унинг берадиган оши миннатли бўлади. Ош бергач, сени ишга солиб, бирор мўлжаллаб қўйган юмушини битириб олади. Ҳа, у анойи эмас», дейилмоқчи. Халқимиз бир туркум мақолларида камбағал деҳқонлар ва хизматчиларга бой ҳамда амалдорларнинг бундай миннатли ош-нонидан ҳазар қилишни тавсия этганлар: «Бойнинг ёғлиқ паловидан ўзингни қуруқ қатирмочинг яхши»; «Бойнинг юмуртқасидан йўқнинг юдуруғи яхши» (юмуртқа — тухум; юдуруқ — муштум); «Амирнинг ошидан фақирнинг муш (т) и яхши»; «Золим оши ош бўлмас, Ёмон йигилиб бош бўлмас» (ош бўлмас — ҳазм бўлмас).

Бой бўлсанг алак кий, камбағал бўлсанг ипак кий.

Алак — бўз, оддий ипдан тўқилган мато. У чидамсиз бўлиб, бот тўзийди. Алак чопон кийган киши йилига камида иккита янги чопон сотиб олиши керак бўлади. Ипаклик кийим (масалан, беқасам тўн) чидамли бўлиб, эскирса ҳам ялтираб, янгидай кўриниб тураверади, ёзга ҳам, қишга ҳам, уйга ҳам, тўйга ҳам яраверади. Мазкур мақол билан: «Бой бўз, алак кийса ҳам бўлади, чунки унинг тез тўзийдиган кийимни тез-тез янгилаб туришга қурби етади. Камбағал эса бундай қилолмайди, шунинг учун у бира тўла яхши матодан тикилган кийим олса, уни узоқ вақат кияди, анчагача кийим ташвишидан қутилади», демоқчи бўлганлар. Шунга ўхшаш «Бой бўлсанг шолғом е, камбағал бўлсанг палов е» мақоли ҳам бор. Шолғом еган кишининг бироз туриб қорни очади, яна овқтланиши керак. Истаган нарсасини истаган маҳалида ейишга бойларнинг қурби етади. Камбағал одам бир тўйиб, олса, шу билан юраверади. Ҳалеб овқатланишга унинг қурби етмайди. Шунинг учун мақолда: «Камбағал бўлсанг, бир еганда биракайига тўядиган палов е, шундагина ортиқча сарф-харажат қилишга мажбур бўлмайсан», дейиляпти.

Бойга берсанг бўлмасин.

Маъноси: «Бойга берсанг (яъни, берадиган қарзинг) бўлса, у ҳар куни қистайверіб, ҳол-жонингга қўймайди ёхуд қарзнинг эвазига сени ўлгудай ишлатади» Вар.: «Бойдан қарзинг узилгунча, бўйнинг узилади».

Бойга сирингни бой берма.

Бу билан: «Ночор аҳволингни бойга билдириб қўйсанг, у сенинг ҳар қандай паст баҳога ҳам ишлашга мажбур бўлаётганингни фаҳмлаб, арзон-гаровга ишлатишга уринади ёхуд пул зарур бўлиб қолиб, ноилождикдан сотмоқчи бўлган молингни энг арзон баҳода олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун бойга зинҳор сирингни билдирма», демоқчи бўлганлар.

Бойлик, бойлик туби — ўғирлик.

Маъноси: «Бойнинг бойлиги асли ўғирликка бориб тақалади. У камба-

ғални алдаб, арзон-гаровга ишлатиб, унинг ҳақини еб, ҳаром-хариш йўллар, турли ҳийла-найранглар билан бойлик орттиради. «Бой бой бўлгунча мингта камбағални мутайди»; «Бирнинг манфаати — мингнинг офати».

Бойнинг божаси кўп, қулнинг — хўжаси.

Маъноси: «Бойнинг божаси, яъни кўчма маънода унинг ёнини олувчи, қўллаб-қувватловчи одамлари кўп. Қулнинг, яъни меҳнаткашнинг устидан турувчи, унинг меҳнати ҳисобига яшовчи, текинхўрлик билан кун кечирувчи хўжайинлари кўп», демоқчи бўлинган. Битта ишловчининг устидан бир неча одам хўжайинлик қилса, ишлаётган одамга раъйкорлик қилувчи, ўргатувчи одамлар кўп бўлса, киноя тарзида: «Битта-битта туяга икки-икки карвонбош, ҳо карвонбош, ҳу карвонбош»; «Саккиз эчкига — саксон така»; «Тилланчига — тўрғамчи, қўйчига — тўрт ғанчи», деган мақолларни қўллайдилар (қўйчи — бунда «қўй эгаси», «бой» деган маънода келтирилган. Ғанчи — қўйни боқиб берувчи, Бу ғанчилар бойларнинг қўйларини қишин-ёзин боқиб берадилар ва шунинг эвазига, бошида шартлашганига кўра, масалан, кирк қўйдан бир қўйни, ўн қўзидан бир қўзини олардилар. Ғанчиларнинг аксарияти ўртаҳол бой бўлиб, қўл остида бир неча қўйчивонлари бўлар, бойдан шартлашиб олган қўйларини шуларга боқтирар, ўзи эса уларнинг иши устидан назорат қилиб турарди).

Бойнинг ерин ишлаб қолдим, лабгинамни тишлаб қолдим.

«Лабни тишлаб қолмоқ» — «бир хато иш қилиб қўйиб, кейин пушаймон бўлиб қолмоқ, панд еб қолмоқ нима қилишни билмай хайрон бўлиб қолмоқ», деган маънони англатади. Юқоридаги мақол бойга ёлланиб, унинг ерини ишлаб, хирмон кўтарилганда арзимаган ҳақ олган ёхуд қуруқ қолган хизматкор тилидан айтилган. Вар.: «Бойга ёлланган — молли бўлмас, Молли бўлса ҳам, ҳолли бўлмас»; «Бойнинг туячиси бўлсанг, қув бўласан, Қўйчиси бўлсанг, қул бўласан»; «Ойга бир тўқлига ёлга юрсанг, Кунда-кунда югурарсан» (ўтмишда бой чорвадорлар ёлланиб ишлайдиганларга «пул бераман», деб эмас, «ойига ё йилига бунча мол — қўй, эчки, тўкли — бераман», деб шартлашардилар. Аммо, тўлов муддати келганда кўпинча уни-буни баҳона қилиб, мас.: «бунча қўйимни нобуд қилгансан, бунча қўйимга шикаст етказгансан, бунча қўйим семирмади», деб бермасдилар ёхуд «эрта кел, индин кел», деб галга солардилар); «Ёлланган эр ўнгалмас, Ёлланмаган — таги ўлмас». Маъноси: «Бойга ёллансанг, асло ўнгалмайсан, унга ўз кучингни сотганинг қолади. Ёлланмасанг ҳам бўлади, очликдан ўлиб қолмайсан, бир амаллаб тирикчилик ўтказа оласан».

Бойнинг мўриси қийшиқ бўлса ҳам, тутуни тўғри.

Мажозий маъноси: «Нотўғри, ноҳақ бўлса ҳам, бойнинг гапини маъқуллайдилар ва аксинча, ҳеч нимаси йўқ камбағалнинг тўғри сўзини ҳам нотўғри дейдилар. Адолатсизлик шу қадар!» Вар.: «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли гапирсин»; «Сўзласин, бойнинг ўғли сўзласин»; «Бойнинг оғзи қийшиқ бўлса ҳам, сўзи тўғри»; «Хон гапирса — хонники маъқул, бек гапирса — бекники»

Бойнинг паловидан камбағалнинг шўрваси қимматга тушади.

Бой рўзғорга керакли ҳамма нарсани — дон-дунидан тортиб, ўтин-кўмиргача, асбоб-анжомдан тортиб, кийим-кечаккача — арзон ва сероб вақтида кўтарасига олиб, ғамлаб қўяди. Чунки, унинг бунга қурби етади. Камбағал эса кундалигини, жуда нари борса ҳафталигини ғамлай олади. Қиш-қировли кунлар бошлангач, озуқа бўлсин, кийим-кечак бўлсин, икки-уч баравар қимматга олишига тўғри келади. Юқо-

ридаги мақолда мисол тариқасида кам масаллиқ кетадиган шўрва ҳам камбағал учун кўп масаллиқ кетадиган паловга нисбатан қимматга тушади, деб кўрсатилганининг боиси ана шунда.

Бол еган оғизга балиқ яраш-мас.

Одатда ширин нарса еб турганда шўр ё чучмал нарсани оғиз хохламайди. Шунингдек, ширин гаплар айтиб турилганда, аччиқ-сассиқ гаплар қулоққа ёқмайди, хурсандчилик бўлиб турган жойда киши хафачиликни хоҳламайди. Мазкур мақолни ана шундай ҳолларда қўллайдилар.

Бол тутган бармоғин ялар.

Бу — кишиларни меҳнатсеварликка чорловчи кўпдан-кўп мақолларнинг бири бўлиб, унда «меҳнат қилган одам роҳатини ҳам кўради», деган фикр яширинган.

Қилди жонимга мени ширин лабинг завқи, бале.
Бу масалдурким, «Киши бол тутса бармоғин ёлар»
Отойи.)

Бола азиз, одоби ундан азиз.

Вар.: «Боланинг ўзи азиз, ўзидан одоби азиз»; «Одобли бола — орли бола, Одобсиз бола — шўрли бола»; «Бола безори — киши озори»; «Одобли бола оламга манзур»; «Одобли ўғил — кўкдаги юлдуз, Одобли қиз — ёқадаги қундуз».

Бола баҳона дийдор ғанимат.

Киши асл ниятини яшириб, бошқа нарсани баҳона қилиб кўрсатса, шу мақолни қўллайдилар. «Элак баҳона, дийдор ғанимат», деган варианти ҳам борки, бу мақол қўни-қўшнига арзимаган бир нарсани сўраб чиқиб узоқ гаплашиб қоладиган эзма хотинларга қарата айтилган. «Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор», деган мақол ҳам шу ҳолни ифода этади.

Бола йиғлаб катта бўлади.

Бу мақол кўпинча боласининг йиғлоқлигидан нолийдиган ёхуд меҳмонлар хузурида, бирор ерга борганда боласининг йиғлаганидан хижолат тортадиган ота-онага ўзгалар тарафидан тасалли берганда айтилади. Айрим ҳолларда эса боласининг йиғлоқлигини писанда ё масхара қилган ўзга кишиларга қарата ота-она тарафидан «Ҳечқиси йўқ боланинг одати, феъл-атвори шунақа бўлади, гўдаклигида кўп йиғлайди, бундан нолишнинг ҳам, буни масхара қилишнинг ҳам ҳожати йўқ», деган маънода айтилади.

Бола йиғламаса, она сут бер-мас.

Вар.: «Бола йиғламаса, она билмайди»; «Бола йиғламаса, она сути иймас»; «Киши ўзининг бирор эҳтиёжини токи айтмагунча ё билдирмагунча, ўзга одам буни билмайди, сезмайди ва шу эҳтиёжни қондириш ҳаракатида ҳам бўлмайди». Бу — кўплаб қадимий мақолларимизнинг биридир.

Булут йиғламаса чаман кулмайди.
Бола йиғламаса она билмайди.
(Румий).

Бола соғлиғи — она бойлиги.

«Боланинг бармоғи оғриса, онанинг юраги ачийди», деган мақол ҳам бор. Дарҳақиқат, боланинг сал тоби қочса ҳам, биринчи галда онанинг юраги ачийди, куюнади, ҳаловати йўқолади, ташвиши ортади. Боланинг саломатлигига доимо синчковлик билан эътибор бериш, унинг соглиги тўғрисида қасал бўлгач эмас, соғлом юрган пайтидан ўйлаш ва қайғуриш зарурлигини тавсия этганда шу мақолларни қўллайдилар.

Бола — эр-хотин тилмочи.

Вар: «Бола — эр-хотин кавшари». Оилавий ҳаётда эр-хотин баъзан бир-биридан аразлаб, гаплашмай юради. Ана шундай пайтда ёш бола улар ўртасида тилмочлик, кавшар-

лик вазифасини ўтайди. Ота онага ёхуд она отага бирор гап айтишга мажбур бўлиб қолса, аразлашгани боисидан бевосита ўзига айтолмайди-да, «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида ўша айтмоқчи бўлган гапини болага қараб гапиради ёхуд «бор, дадангга айт, фалон қилсин...», «бор, онангга айт, фалон қилсин...» деб, бир-бирига айтмоқчи бўлган гапини бола орқали етказади. Юқоридаги мақоллар шу ҳолатга қарата айтилган.

Бола ўтирганда ўтқазади, юрганда югуртиради.

Вар.: «Бола югурса, кексанинг оёғи зиркирар»; «Бола чаққоннинг бир қўлини боғлар, Сусткашнинг — икки қўлини». Гўдак бола то оёққа бостунча, ётқизиб қўйилган жойда ётаверади, ўтқазиб қўйилган жойда ўтираверади. Она у-бу ишларини қилиб юраверади. Бола тетапоя бўлиб, юрадиган бўлгач, ҳар ёққа кетиб қолаверади. Она эса бирор жойга йиқилиб тушмасин, бирор кор-ҳол рўй бермасин, дея унинг кетидан югуриб юраверади. Натижада унинг «қўли боғланади», яъни уй юмушларини қилишга ҳам қўли тегмай қолади ёхуд елиб-югуриб ҳам болага қарашга, ҳам юмушларини қилишга мажбур бўлади. Юқоридаги мақолларда онанинг ана шу қийин ҳолати ўз аксини топган.

Болага иш буюр, кетидан ўзинг югур.

Вар.: «Бола, боланинг иши чала», «Боланинг иши — болача» (болача — бу ерда «боладек», «болага хос» маъносида келтирилган); «Боланинг иши боп бўлмас, Эчкининг шохи соп бўлмас». Одатда болага бирор иш буюрилса, ё чала қилиб келади, ё бузиб қўяди, ё тўкади, ё синдиради... Болага иш буюриб уни бирор жойга юборса, кейин кишининг ўзи тинчимай, «нима қилдийкин, нима бўлдийкин, нега кеч қолди», дея ҳавотирланиб, кетидан ўзи югуришига ёхуд чала қилиб, бузиб келган ишини қайтадан бориб, ўзи қилиб келишига тўғри келади. Мазкур мақолларни ана шундай ҳолларда қўллайдилар ёхуд бировга: «Катталар қиладиган ишни болага буюрма», демоқчи бўлганларида ишлатадилар.

Болага тегма, балоси чиқар, хотинга тегма, қалоси чиқар.

Қал (қ) — чўқморга ўхшаган ёғоч, «косов» маъносини ҳам англатади. Мазкур мақол билан: «Болани ҳам, хотинни ҳам урма — ё балосига қоласан, ё қалтак ейсан», демоқчи бўлганлар. «Хотинингни урма, Этагингни бурма», деган мақол ҳам борки, бунда: «Хотинингни асло урма, сўкма, ундан юз ўгирма, арзимаган сабаб билан ундан «этак қоқиб» кетма (яъни, тарк этма, воз кечма) деган фикр ётади.

Болага «ҳовли» дема, «ҳолва» де.

Мажози: «Болага таниш бўлган, у тушунадиган нарсани айтсанггина тушунади, акс ҳолда афтингга бақрайиб қараб тураверади. Болага муносиб сўзлар топиб, гап уқтиришнинг ўзи ҳам — бир санъат».

Болагинамнинг боласи — қандак ўрикнинг донаси.

Вар.: «Болам боласи — болам»; «Болам — болим, болам боласи — жоним»; «Данагидан магзи ширин»; «Қизгинамнинг боласи — боғимнинг гуллоласи». Яна «Болам севсин десанг, боласин сев», деган мақол ҳам борки, бу билан чол-кампирлар: «болангга боласи ширин, агар сен болангнинг боласини жон-дилинг билан севсанг, ардоқласанг, эркалатсанг, боланг бундан руҳланиб, сени янада севади, қадрлайди, иззат-ҳурматингни жойига қўяди», демоқчи бўладилар.

Болалар ширинликнинг адойи, қариялар ширин сўзнинг гадойи.

Болалар ширинликка ўч бўлишади. Кимки уларга ширинлик берса, у одамнинг кимлигидан қатъи назар унга эл бўлиб, дарҳол унга ёпишиб кетадилар. Ширин сўз эса ҳаммага ҳам ёқади. Аммо, қариялар ширин сўзга айниқса муҳтож бўладилар. Сал дағалроқ гап ҳам уларга дарҳол «тегиб» кетади, аччиқлари чиқади. Сал ширинроқ гап эса ҳаста танларига оройиш беради, чеҳраларига табассум югуради. Шунинг учун кишиларга, айниқса қарияларга нисбатан ширинсуҳан бўлиш зарурлиги уқтирилади.

Болали уй — бозор, боласиз уй — мозор.

Фарзанд — оиланинг бойлиги, кувончи, ота-онанинг таянчи. Фарзандининг дунёга келиши биргина ота-она учун эмас, балки атрофдаги кишилар — қариндош-уруғ, ёр-биродар, қўни-қўшни, таниш-билишлар учун ҳам олам-олам қувонч бахш этади. Кўпгина мақолларда шу нарса ўз аксини топган: «Болали уй — хандон, Боласиз уй — зиндон»; «Болали уй — гулистон, Боласиз уй — гўристон»; «Болали уй — гулистон, Боласиз уй — зимистон»; «Болали уй — бозор, Шовқини кўнгил ёзар»; «Бола — оиланинг ҳам гули, ҳам булбули»; «Тогнинг кўрки — лола билан, Уйнинг кўрки — бола билан»; «Боласи кўп — бой бўлур»; «Боласи кўп уйда кунда тўй»; «Болали уйда ғурбат йўқ»; «Болали уйда ғийбат йўқ» (ғийбат одатда бекорчиликдан, зерикувдан келиб чиқади, дейдилар. Оилада бола бўлмаса, эр-хотин ё оила аъзолари ўртасида ҳар хил ғийбатли гаплар келиб чиқиши мумкин. Агар бола бўлса, уни гапга солиб, ширин-ширин гаплари ва қилиқларидан завқланиб, у билан овуниб, ғийбатга ҳам эҳтиёж қолмайди. Бу эса болали уйнинг яна бир яхши фазилатидир). «Болали кўрғонга боғ етмас»; «Болали уйдан бахт аримас». Халқимиз ўртасида шундай бир олқиш сўз ҳам борки, бировга: Ризқ-насибангиз камимасин, бола-чақангиз кўпайсин», деган маънода энг яхши тилакларни тилаганларида: «Қозон тўла ош бўлсин, Ёстиқ тўла бош бўлсин!» дейдилар.

Болали уйда сир ётмас.

Вар.: «Болали уйда сир турмайди, Боласиз уйда кир турмайди»; «Болали уйда ўғрилик ётмас»; «Болага айтилган сир — бойланмаган сигир», Бу мақоллар билан: «Боланинг олдида ёхуд болага оиладан ташқарига чиқмаслиги лозим бўлган сирли гапларни гапирмаслик керак. Чунки, бола бунинг фарқига бормай, ҳар бир ерда ва ҳар бир кишига айтиб, ошкор қилиб қўйиши турган гап», дейилмоқчи.

Оразин кўрдум ниҳон ашк айлади сирримни фош,
Ёшурун қолмас уғрилуқ уй ароким бўлса ёш
(Навоий).

Болали ўрдак кўлдан кетолмас, боласи ёш элдан кетолмас.

Ёввойи ўрдак бу кўлдан у кўлга, у кўлдан бу кўлга учиб, ризқини топиб еб, тирикчилигини ўтказади. Болалаган ўрдак эса, ҳали уча олмайдиган болаларини ташлаб кетолмайди, уларни ўз паноҳига олади, тўйинтиради. Мажози:» Ота-она бола-чақани боқаман деб не-не машаққатларни чекади, унча-мунча ҳузур-ҳаловатдан, сафар-саёҳатдан ҳам кечади». Вар.: «Болали қуён кочолмас».

Болалик — подшолик.

Вар.: «Болалигим — бойлигим». Болалик — инсон умрининг энг ширин, ғам-ташвишлардан холи бўлган энг бахтли даври. Мақолда бу қимматли давр жуда катта бойликка, ҳатто подшоликка ташбиҳ этилган.

Болалилар бош бўлар, боласизлар ёш бўлар.

Болали бўлиш — Эр хотин учун қанчалик катта бахт бўлса, боласизлик — энг катта бахтсизликдир. Бир туркум мақолларнинг мазмуни ана шу фикр билан йўғрилган: «Йигит обрўси — арғумоғи, келин обрўси — чақалоғи»; «Кўй кўзичоғи билан чиройли, Хотин — чақалоғи билан»; «Сигирнинг савлати — ортидаги бузоғи»; «Болали хотин — гул хотин, Боласиз хотин — тул хотин» (аксарият ҳолларда хотин туғмаса, эр уни қўйиб юборади, хотин тул бўлиб қолади). «Туққан — тўққиз бешик қучоқлар, Туғмаган — қуруқ бешик қучоқлар»; «Ўгли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг қадри йўқ»; «Ўгли борнинг ўзи бор, Қизи борнинг изи бор»; «Ўгли йўқнинг бўғини йўқ»; «Ўғилсизнинг ўрни йўқ. Ўғилларнинг кўнгли тўқ»; «Болалининг бели тинар, Боласизнинг бели синар» (Бу билан: «Боланг бўлса, бот фурсатда ўсиб-улғаяди, қўлтиғингга тиргак бўлиб киради, юмушларингга қарашади, белинг тинади, Боланг бўлмаса, ўла-ўлгунингча ишнинг ҳаммасини ўзинг қиласан, белинг синади», демоқчи бўладилар. Тўй-хашамда ёки бирор хизматда болали хотин боласини боқиш, эмизиш, овитиш баҳонасида хизмат қилмайди, бир чеккада бели тиниб ўтиради. Боласиз хотинларнинг эса юмушдан бошлари чиқмайди. Мазкур мақолни ана шундай ҳолга қарата ҳам айтадилар); «Боласи йўқнинг — бахти йўқ»; «Хотинсизга раҳмат йўқ, ўғилсизга — давлат»; «Хотинсиз ўтиш — хато, Боласиз ўтиш жафо».

Болалининг боласини боқ-қунча, ишини қил.

Бировнинг боласини боқиш, айниқса у шўх, серҳархаша, йиғлоқ бўлса — ниҳоятда машаққатли. Ундан кўра ўша одамнинг ҳар қанча оғир ишини қилиб берган маъқул. Вар.: «Бола боққандан — олов ёққан яхши».

Боланг бўлса суйгудек бўлсин, ўлса куйгудек бўлсин.

Бунда ота-онанинг орзуси ифода этилган: «Боланг бўлганига яраша яхши, ахлоқ-одобли бўлсин. У суйсанг суйганингга, ўлиб қолган чоғда ҳам йиғлашингга, куюнишингга арзигулик бўлсин. Ахлоқсиз, беадаб, безори боланинг бўлганидан бўлмагани яхши».

Боланг бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин.

Вар.: «Йигит деган шўх бўлсин, Шўх бўлмаса йўқ бўлсин»; «Бўлсанг шўх бўл, Бўлмасанг йўқ бўл». Йигит бўлса шўх бўлса, Юрса кўчалар тўлса. Дўстлар кўриб суюнса, Душманлар куйиб ўлса (Халқ қўшиги). Булар халқ ўртасидаги «Шўх бола бот қўйилади», деган тушунчанинг маҳсулидир. «Шўх бот қўйилар, Шилқим бот суйилар» ҳам дейдилар. Ҳаётий кузатишлар кўпчиликни қуйидаги хулосага олиб келган: «Ёшлигида шўх бўлган бола тез орада қуйилади, ғайратчан, миришкор, уддабуррон, ботир киши бўлиб етишади. Ёшлигида бўшанг, сўлдим бўлганлари эса катта бўлгач ҳам шундайлигича қолади, юрагида ўти бўлмайди, ғайратсизлиги ва ялқовлиги туфайли ҳаётини қийналиб ўтказади». Буни, албатта, ҳаётий қонуният деб бўлмайди, шунчаки кўп ҳолларда тасдиқланувчи бир ҳодисадир, холос.

Боланг ёмон бўлса ҳам, омон бўлсин.

Бунда, муболаға тарзида бўлса ҳам, ота-она ўз фарзандларининг сиҳат-саломатлиги тўғрисида нечоғлик қайғуриши, уларнинг ҳамиша соғлом ва эсон-омон юришларини чин дилдан исташи, орзу қилиши ифода этилган.

Болани ёшдан ўргат, хотинни бошдан ўргат.

Вар.: «Бола тарбия — бешикдан»;

«Болани ёшидан тий, хотинни — бошидан»; «Болани — бошдан, қизни ёшдан ўргат»; «Болани ёшдан асра, ниҳолни бошдан асра»; «Дарахтдан мева оламан десанг, ниҳоллигидан парвариш қил»; «Дарахт ўз жойида эгри битса, минг эгар тобин олсанг, тўғри бўлмас»; «Қуриган ёғоч эгилмас, Қуриган тикиш тугилмас» (тикиш — хом теридан тилишлаб ясалган майин қийиш ип); «Қотган навда эгилмагандек, Қотган гавда ҳам эгилмайди»; «Бола — лой, она — кулол»; «Бола — туққанники эмас, тарбиялаганники». Бу мақолларда болани ёшлигиданоқ тарбия қила бошлаш зарурлиги, акс ҳолда тарбия таъсир қилмай қолиши кўрсатилган. Халқимиз ўртасида шундай бир ривоят ҳам бор: «Кунларнинг бирида буюк ҳаким Ибн Сино ҳузурига ёш эр-хотин келиб: «Эй донишманд, бизга фарзандимизни тарбия этиш хусусида маслаҳат берсангиз», деб мурожаат қилишади. «Болангиз қанчалик бўлди» сўради ҳаким. «Олти ойлик», «Аттанг, олти ойга кечикибсизлар!»

Болани пулли ҳам қилма, пулсиз ҳам қўйма.

Маъноси: «Ҳар иккала ҳолда ҳам бузилиб кетиши мумкин. Шунинг учун унга ҳожати учун зарур бўлган миқдордагина пул бер». Вар.: «Болани бозор томоққа ўргатма».

Боланинг эркаси — битнинг сиркаси.

Сирка — битнинг майдаси. У битдан ҳам ёмон бўлади. Кишининг ундан ариниши қийин. Бир туркум мақоллар болани асло эрка қилиб ўстирмаслик зарурлиги уқтирилади: «Қизгинамнинг эркаси — итгинамнинг сиркаси»; «Эрка қизнинг эл бўлиши қийин»; «Қизни эркалатсанг, эрнингга тегар, Ўғилни эркалатсанг, бурнингга тепар» (эрн — остки лаб, дудоқ); «Эркалатса онаси, Талтаяди боласи»; «Отаси бўлишганнинг ўғли уришқоқ бўлар, Онаси бўлишганнинг қизи йиғлоқ бўлар» (Бу билан: «Ёш болаларнинг бошқалар билан бўлган муносабатида ота-она ўз ўғил-қизи ҳақ бўлса ҳам, ноҳақ бўлса ҳам, уларга ҳадеб бўлишаверса, улар «ёнимни оларкан-ку» деб, баттароқ хатти-ҳаракатда бўлади ва енгил табиати, уришқоқ, аразчи, сал нарсага йиғлайдиган, эркатой бўлиб ўсади», дейилмоқчи): «Эрка боқилган қулун текис ерда ҳам қоқилади» (Қулун — отнинг бир яшар боласи. Одатда қулунни болаларга миндириб, паст-баланд, ўнқир-чуқур жойлардан чоптириб, ёшлигидан ўргатардилар. Шунда у агар бирор жойга қоқилса, йиқилса, бора-бора бундай қилмайдиган бўлади. Бордию, увол бўлади, чарчаб қолади, деб уни аяб, эркалатиб боқсалар, ёшлигидан чиниқиб бормайди, катта бўлганда текис ерда ҳам қоқиладиган бўлади. Мажози: «Агар бола ёшлигидан меҳнатга, қийинчиликка кўниктирилмаса, катта бўлганида турмуш кечиришда салгина қийинчиликка ҳам бардош беролмайди»); «Эрка ўғил ёвга ярамас»; «Якка — ёмон, яккадан эрка ёмон».

Боласи ўлганнинг бағри куяр.

Ота-она учун фарзанднинг ўлимидан ҳам ортиқроқ азоб, қайғу ва алам, жабру жафо бўлмаса керак. Мақолларда шу нарса ҳам ўз аксини топган: «Ота ўлиб, бола қолса — муродига етгани, Бола ўлиб, ота қолса — армон ичда кетгани»; «Бола бешикдан йиқилгунча, подшо тахтдан йиқилсин!» (бешикдан йиқилгунча» — «ўлгунча» деган маънода). «Битта ўлса, тўртта туғилади» (бу мақол билан боласи ўлган ота-онага тасалли берадилар).

Боласиз хотин сумакка тўймас.

Одатда хотинлар «кўзлари ёришидан» аввал чақалоқ учун зарур бўлган асбоб-анжомларни ҳозирлай бошлайдилар. Мазкур мақолни мажозий маънода молга харис бўлган,

ўзига керак бўлмаган нарсалар ҳам йиғаверадиган одамларга қарата киноя тарзда айтадилар.

Болта тегмаган ёғоч бўлмас.

Бировдан бирор гап эшитиб, хафа бўлаётган одамга мажозан: «Қўйинг, хафа бўлманг, оламда сўз тегмаган одам бўлмайди», деган маънода шу мақолни айтиб, тасалли берадилар.

Болта тушгунча кунда дам олар.

Вар.: «Болта келгунча тўнка дам олар, Қассоб келгунча — қўй». Мажози: «Машаққатли дамлар оралиғидаги осойишталикдагина киши нафас ростлай олади». «Бола нонсиз чидаёлмайди. Шунинг учун (Бозор), «Болта келгунча, кунда тинч туради» деган мақолни эслаб: «Бугунни кўрай, эртага нима бўлганини кўрарман», деб хат беришга рози бўлди» (С.Айний, Дохунда).

Бор борини ейди, уятсиз орини ейди.

Маъноси: «Ор-номусли одам, озми-кўпми, ўзида борини себ, шунга қаноат қилади, бировникидан тама қилмайди. Уяти йўқ беор одам эса ўзида бўлмаса ёхуд ўзида бўлса ҳам азбаройи суллоҳлигидан бировникига кўз тикади, тилаб олиб ейди ва шу билан ўз ор-номусини ерга уради».

Бор бўлиб емаганнинг ур тишига, йўқ бўлиб ейман деганнинг ур тишига!

Бу мақолда ўлган-тирилганига қарамай мол-дунё тўплашга ҳаракат қиладиган, аммо бу мол-дунёни бировдан тугал ўзидан ҳам қизғанадиган зиқна, хасис одамларнинг ҳамда ўзида бўлмаса ҳам бировникига кўз тикувчи, гоҳо сўраб, гоҳо ҳатто сўрамай сювчи беор, тамагир одамларнинг адабини бериб қўйиш зарурлиги уқтирилган. Бундайларга қарата: «Бирни топсанг кийиб ўт, Бирни топсанг ейиб ўт», «Боринда ботиб е, йўгингда сотиб е»; «Бор бўлсанг «йўқман» дема, йўқ бўлсанг «тўқман» дема», мақолларини қўллайдилар.

Бор бўлсанг кўра олмайдилар, йўқ бўлсанг бера олмайдилар.

«Оч бўлсанг бера олмайдилар, Тўқ бўлсанг кўра олмайдилар» тарзида ҳам қўлланиладиган бу мақол билан: «Одамларнинг табиати хўп қизиқда» йўқ бўлсанг сенга ёрдам бермайдилар, ўзларини сендан олиб қочишга ҳаракат қиладилар-у, бор бўлсанг кўра олмайдилар, сен ҳақингда орқаворатдан гап-сўз қиладилар, турли-туман бўлмағур бўҳтонларни тарқатадилар. Бу қанақаси, ахир шу ҳам инсофданми?!» демоқчи бўлганлар.

Бор бўлсанг ошма, йўқ бўлсанг шошма.

Ошма — бу ерда «мақтанма, шишинма, манманликка берилма» маъносида; шошма — «сабр қил, умидсизланма» маъносида келтирилган ҳамда мол-дунёси борларга ошиқмаслик, камбағалланиб қолганларга саросимага тушмаслик кераклиги уқтирилади.

Бор-йўғини билмайман, бол тилайди томоғим.

Оилавий ҳаётда баъзи эрка хотин, арзанда ўғил, тантиқ қиз уйининг аҳволини, шароитини эътиборга олмай, яхши-яхши ейишни ва кийинишни истайди, ўз айтганини бажо келтиришни талаб қилади, «бунинг имкони йўқ, ахир» деганни тушунмайди, тушуниб турса ҳам буни эшитишни хоҳламайди. Мазкур мақолни ана шундайларга қарата киноя тарзида қўллайдилар.

Бор товоғим, кел товоғим, қайтишингда қуруқ бўлсанг, ўрта йўлда син товоғим.

Вар.: «Олинг қуда, беринг қуда, Олмасангиз, бермасангиз, ўлинг қуда!» Бу ҳар иккала мақол ҳам асосан қудаларга тааллуқлидур. Одатга кўра, қадимги қудалар бирорталарининкида бир воқеа (тўй, зиёфат, туғулик ва б.) бўлса бир-бирларини тансиқ таомлар, саруполар, совғалар билан йўқлайдилар. Шунда қуда томондан келган тоғорага бу томондан ҳам бирор нарса солиб, қайтарилади. Мазкур мақоллар билан: «Қуданг сени сийлаб шунча нарса бериб юборибдими, сен ҳам уни сийла, бўш қайтарма. Кези келиб уникида бирор воқеа бўлиб қолса, сен ҳам уни йўқла. Акс ҳолда қуда-андачилик бўшашади, муносабатлар совийди», дейилмоқчи. Юқоридаги мақолларни шу хилдаги лозимомадалар қилавериб, жонига текканлар киноя тарзида ҳам айтадилар.

Борга — баковул, йўққа — ясовул.

Баковул — хон дастурхончиси. Ясовул — амалдорлар югурдаги, уларни қўриқлаб юрувчи киши (бу ҳам ўзига яраша бир амал бўлган). Мазкур мақолни бой ва амалдорларга лаганбардорлик қилувчи, уларнинг атрофида «думини ликиллатиб» юрувчи, ҳаром томогини тўйғазиш умидида уларнинг ҳар бир буйруғини бажо келтирувчи, камбағал-йўқсилларни эса назар-писанд қилмай, ясовул каби «нари тур, бери тур!» деб ҳайдовчи, уларга бирон-бир яхшиликни раво кўрмовчи ярамас шахсларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллаганлар.

Борга — бор дунё, йўққа — тор дунё.

Бир қанча мақолларда («Айшини нодон суриб, кулфатни доно тортади». Фурқат) ўтмиш замоннинг бутун кирдикорлари, иллатлари рўйи рост очиб ташланган. Мақолларда халқ ўзининг оғир социал аҳволини, камбағаллик, қашшоқлик ва буларнинг оқибатида рўй берадиган оч-яланғочлик ҳамда турли мусибатларни тасвирлар экан, қиёслаш усулидан фойдаланиб, бойларнинг турмуши билан камбағалларнинг турмуши орасида «осмон билан ерча» фарқ борлигини, замон ҳам, бахт-саодат ҳам бойларга кулиб боқишини, уларнинг ошиғи ҳамиша «олчи» туришини, шодлик устига шодлик келишини, камбағалларнинг бошига эса кетма-кет мусибат ва кулфатлар ёғилишини, қайғу келишини кўрсатади: «Борга — кунда байрам, кунда тўй, Йўққа — кунда алам, кунда ўй»; «Қўйи кўпнинг тўйи кўп»; «Бор сўйлайди, Йўқ ўйлайди»; «Бор борини айтади, йўқ — зорини»; «Борнинг бети ёруғ, Йўқнинг бети чоруғ»; «Пули борнинг юзи бор»; «Пули йўқнинг тили йўқ»; «Пули бор — йўрға-йўрға, Пули йўқ — зўрға-зўрға»; «Пули борга — икки дунё бир қадам»; «Бозор — борники»; «Пулликка — бозор, Пулсизга — мозор»; «Пули борнинг оғзи чайнар, Пули йўқнинг кўзи ўйнар»; «Қорни тўқ товоқ ялар, Қорни оч бармоқ ялар»; «Қорни тўққа — бало йўқ»; «Хивада моли борнинг Бухорода қорни тўқ»; «Бор — билимтой, Йўқ — ҳоримтой»; «Бор — борича, Йўқ — ҳолича»; «Бойнинг бир йўқлиғи — очнинг бир тўқлиги»; «Камбағал — топганда, бой — соғинганда», «Болталига сойда ўтин, Болтасизга қайда ўтин?!»; «Бойнинг пули — ўчоқнинг кули»; «Бор етти пуштини қўллар, йўқ ўзини ҳам қўллай олмас»; «Борнинг соққаси қирга қараб юмалар»; «Бойнинг мушуги қуён тутади»; «Бойнинг хўрози ўрдак олади»; (Мажози: «Бой пулнинг кучи билан иложи йўқ ишни ҳам қила олади»); «Бор бошини силайди, йўқ — ёшини»; «Борнинг қозони биқир-биқир, йўқнинг қозони тиқир-тиқир»; «Ўлим борнинг молини сочар, йўқнинг сирини очар» (маъноси: азалик уйда ўтказиладиган маъракалар учун анчамунча маблағ керак бўлади, шунда ким бой-у, ким камбағал эканлиги аниқ билиниб қолади); «Бойнинг

хотини ўлса тўшаги янгирар, Камбағалнинг хотини ўлса боши гангирар»; «Бойнинг қизи моли билан, Камбағалнинг қизи ҳусни билан» (маъноси: «Бой ҳусну-жамоли, фазлкамоли бўлмаса ҳам, моли-сепи кўп бўлганлиги учун унга совчилар келади, турмушга чиқиб кетади. Камбағалнинг қизи агар ҳуснидор бўлсагина унга совчилар келадилар, у шу ҳуси-жамоли туфайлигина турмушга чиқа олади»); «Икки бой қуда бўлса, ўртада йўрға юради, Икки камбағал қуда бўлса, ўртада тўрва юради»; «Бой боласи — бойдаккина, эгарлаган тойдаккина»; «Бой боласи гап йиғар, Йўқ боласи чўп йиғар» («Бойнинг боласи бекорчиликдан гап йиғувчи, ғийбат сотувчи бўлади. Йўқнинг боласи эса ғудаклигиданоқ тиришчилик ҳаракатига тушади: ўтин бўлсин деб, чўпчак йиғиб келади, яъни у меҳнат билан овуниб, меҳнат билан ўсади», демоқчи). «Борнинг иши — фармон билан, Йўқнинг иши — армон билан»; «Камбағалнинг минг ўйлови — бойнинг бир мўйлови»; «Булутнинг қадри йўқ Ой ёнида, фақирнинг қадри йўқ бой ёнида»; «Борнинг сўзини дерлар, Йўқнинг кўзини ерлар»; «Борнинг ошини ерлар, Йўқнинг бошини ерлар»; «Эчкиси кўпнинг сўзи жўп» (жўп — маъқул; «Ўзинг бўлсанг молдор, Сўзинг бўлар зулфиқор» (зулфиқор — эътиқодий тушунчага кўра, Ҳазрати Алининг қиличи, бир силтаганда қирқ қишини кесармиш). «Нонинг бор — номинг бор»; «Борнинг гапи — ўнг, йўқнинг гапи — тунг»; «Бой келса, қозон остир, Ярли келса, таппи бостир» (ярли — камбағал, йўқсил. Бу мақолни халқ бойларнинг тилидан айтган ва уларнинг ўзига нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллаган). «Тўнига қараб тўрга ол, Пойига қараб пастга ол»; «Бой кийса — «қутлуғ бўлсин!», Камбағал кийса — «қайдан олдинг?!»; «Тўни йўқнинг куни йўқ»; «Биров сув тополмайди ичгани, Биров кечув топмайди кечгани» (Мажози: «Биров бир бурда нонга. бир тийин пулга зор. Биров харислик билан емай-ичмай йиғиб-босган мол-дунёсининг кўплигидан, қаерга сиғдиришини билмайди, дейилмоқчи). «Топган кияр икки иштон, Топмаганнинг кети — иштон»; «Биров тўйиб сакрайди, Биров тўнгиб сакрайди» (Тўнгмоқ — совқотмоқ). «Биров зоғора нонга зор, Биров симу зардан безор» (симу-зар — олтин, кумуш). «Биров тоҳдор, биров бождор» (бождор —«қарздор» деган маънода); «Борнинг оласи кўп, Йўқнинг бераси кўп»; «Охир замон бойлари. Сувдай қаймар мойлари»; «Берганга — қўша-қўша, Бермаганга — ўша-ўша» ва б.

Бордан юқор, йўқдан нима чиқар?!

Вар.: «Бордан юқар, болдан томар»; «Бадавлатдан давлат юқар, Бедавлатдан — меҳнат»; «Тўқ чайқалмаса, оч тўймас». Бу каби мақоллар эксплуататор синф вакиллари ва уларнинг малайлари тарафидан тўқилган.

Борида чора-чора, йўғида банда бечора.

Чора — катта ёғоч тоғора (унда асосан нори қорилган). Борида озиқ-овқатни ё маблағни орқа-ўнгига қарамай, тежамай, катта-катта еб, сарфлаб, бот кунда тугаллайдиган ва бунинг оқибатида ноилож бўлиб, бечора бўлиб, бировнинг ёрдамига муҳтож бўлиб қоладиган одамни мазах қилиб кулганда шу мақолни айтадилар. Вар.: «Борида — чилиқчилиқ, Йўғида — куруқчилик»; «Борида — полдиринг-полдиринг, Йўғида — қараб ўлтиринг»; «Борида тиқа-тиқа, Йўғида — сиқа-сиқа,»; «Борида — ҳотам, Йўғида — мотам»; «Борида — бўри, Йўғида шўри»; «Борида ботиб ичган қайнотам, Йўғида сотиб ичган қайнотам».

Борсам нима берасан, Келсанг нима олиб келасан?

Бу мақолни тамагир, олғир, юлғич, суллоҳ, порахўр одамлар тилидан айтганлар ва шундайлардан ғазабланганда уларни мазах қилиб қўллайдилар.

Босган изинг орқангда қолсин.

Кишининг изи орқада қолиши табиий. Мазкур мақолни оғир аҳволга тушган, қийналаётган, бошидан бирор мушкулни кечираётган одамга: «Бу кўрган оғир кунларинг орқангда қолсин, қайтиб келмасин, келажагинг порлоқ бўлсин!» деган маънода тасалли берганда айтилади.

Ботир — ботир эмас, жон сақлаган — ботир.

Маъноси: «Ботирман, ўлимдан қўрқмайман деб, ўзини ўқ остига тутиб бериш ботирлик — ботирлик эмас. Жангда киши ўзини эҳтиёт қилиб, маҳорат кўрсатиб, жон сақлаши ҳам керак, шундагина унинг жангга фойдаси тегади». Вар.: «Ботирга ҳам жон керак»; «Сақланмаган ало жардан қулабди».

Ботирга таёқ ҳам — яроқ.

Вар.: «Ботирнинг мушти ҳам — яроқ»; «Бир парча темир — каҳрамонга қурол, эшакка тақа»; «Ура йўғида ўқ рук ҳам қурол» (йилқини тутарда икки қулочча узунликдаги ирғай ёчининг учига бир қулоч қил арқон боғлаб, сиртмоқ қилардилар-да, йилқини қувиб бориб, шу сиртмоқни унинг бўйнига ташлардилар. Ана шуни «ўқрук» деб атардилар. Қадим замонлардаги жангларда душманни тириклайин тутиб олишда ўқрукдан фойдаланганлар). «Ботир қўлидаги косов — қиличдан ўткир»; «Таёқ мард қўлида қилич бўлиб кетади»; «Ботир бўлмаганга яроқ ҳам қоргарлик қилмайди»; «Кўрқоққа қурол чикора, Кўрқмасга қурол чикора?» (сўз ўйини асосида тузилган бу мақолнинг маъноси шундай: Кўрқоққа қурол чикора — нима кераги бор, барибир ишлата олмайди, ёвни кўрса кўрқиб қочади. Кўрқмасга қуролнинг нима кераги бор?! Чунки, у қуролсиз ҳам, мушти билан, таёқ билан, қўлига дуч келган нарса билан ҳам мардонавор жанг қилиб, душманни енга олади»).

Ботирдан «ботир» чиқса, отаси билан олишар.

Қўлидан бир иш келадиган бўлганда ё пулдор бўлганда ёхуд бирор амалга минганда бошқалар тугул, ҳатто отасини ҳам менсимай, писанд қилмай қўядиган ноқобил фарзанд қораланганда, унга баҳо берилганда шу мақол айтилади.

Ботирдан ўлим ҳам қўрқади.

Вар.: «Ажал ботирга ботинолмас»; «Ажал ботирдан безади, қўрқоқни эзади»; «Ажал ботирдан қочар, Қўрқоқнинг қонин сочар»; «Ажал қувгандан қочади, қочганни қувади»; «Ботир бошга бало тегмас»; «Кўрқмаснинг қони тўкилмас»; «Кўрқмас қирқ йил қирғинда юрса ҳам қилич ўтмас».

Бош бошлайди, оёқ тишлайди.

Кишининг яхши йўлга юриши ҳам, ёмон йўлга юриши ҳам, аввало бошга, миядаги ўйловга боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам «Қадамингни билиб бос»; «Қўлинг билан қилар ишни бошинг билан ўйла», дейдилар. Орқа-ўнгини ўйламай, ножўя йўлларга юрувчи, боши оққан томонга кетиб қолувчи саёқ одамларга нисбатан «Аҳмоқ бошнинг оғирлиги икки оёққа тушади» мақолини ишлатиб, уларнинг устидан куладилар.

Бош ёрилса бўрк ичида, қўл синса енг ичида.

Бўрк — чармдан, қоракўлдан ёки шерози мўйнадан цилиндрсимон қилиб тикилган эркаклар қишлик бош кийими (М.Асомиддинова, Кийим-кечак номлари). Бу мақол сир сақлашга оид бўлиб, асосан жангда яраддор ёхуд майиб бўлиб қолганликни душманга асло бил-

дирмаслик зарурлиги уқтирилган. Вар.: «Бўри ориқлигин билдирмас».

Бош кетса ҳам бўрк қолар.

Мажози: «Киши ўлиб, тупроқ бўлиб кетса ҳам, унинг ёзган асари, яратган ёдгорлиги, одамларга қилган хайрли ишлари эл орасида абадий қолади».

Бош омон бўлса, дўппи топилар.

Бу мақолни: «Киши учун энг зарур нарса, энг катта бойлик — тани соғлиқ. Соғлиқ бўлса, бошқа ҳамма нарсани топиш мумкин, аммо ҳеч бир нарса билан соғлиқни топиб бўлмайди», деган маънода ҳам қўллайдилар, бирор нарсага мухтожликдан, етишмовчиликдан хасрат қилган одамга тасалли берганда ҳам қўллайдилар. Вар.: «Жон бўлса, жаҳон топилар, Ош бўлса — қозон»; «Омон бўлса бу бошим, Яна чиқар бу сочим»; «Боши омонининг — моли тугал». «Қўй, қўй, қизим. Жонинг саломат бўлсин. Бош омон бўлса, дўппи топилади. Мол-дунё — қўлни кири. Хаммаси топилиб кетади. Жонинг омон бўлсин қизим (С. Зуннунова, Гулхан).

Бошамаги бақувват бўлса, дардираги дариллайди.

Бошамак — болалар учирадиган варракнинг энг тепасига қўндаланг қилиб ёпиштириладиган чўп ё қамиш. У ип билан тортиб эгилади, тортилган ипнинг ўртасига эса дардирак ёпиштирилади. Бошамак қанча бақувват бўлса, ип шунча таранг тортилади ва дардирак шунча баландроқ дариллайди. Аксинча, бошамак бўш ёгоч ё ингичка қамишдан қилинса, ип ҳам бўш тортилиб, дардиракнинг овози зўр-базўр чиқади. Мазкур мақол билан мажозан: «Бели бақувват (яъни, пулдор) одамнинг тили бийрон, гапи жарангдор, димоғи чоғ бўлади. Пули йўқ одамнинг овози зўр-базўр чиқади», дейилмоқчи. Вар.: «Беламаги бекувват бўлса, бели майишар». Беламак — варракнинг ўрта белига қўндаланг қилиб ёпиштириладиган ўрта чўп ё қамиш. Агар беламак бекувват бўлса, каттиқ шамолда майишиб кетади, варрак каттиқроқ силтанса, синиб ҳам тушади. Мажози: «Бели бекувват (яъни, камбағал) одам ўз ҳолидан, ўз имкониятидан ортиқроқ сарф-харажат қиладиган бўлса, бели майишади (яъни, ҳоли хароб бўлади)».

Бошга тушганни кўз кўради.

Диний ривоятга кўра, ҳар бир кишининг тақдири (бош суягига) ёзиб қўйилган бўлар эмиш. Киши ана шу ёзувга кўра ҳаёт кечирармиш. «Пешонангга ёзилганини кўрасан», деган гап ҳам, юқоридаги мақол ҳам шу тушунчадан келиб чиққан. Бирор мушкул аҳволга тушган одамга тасалли берилганда, қийин аҳволни бошидан кечираётган одам ўзини ўзи юпатмоқчи бўлганида ва шу каби ҳолларда мазкур мақол айтилади.

Боши бош бўлсин, туёғи тош бўлсин.

Вар.: «Бошинг бош бўлсин, Бақалчоғинг тош бўлсин» (бақалчоқ — отнинг туёғи устидаги бўғими; туёғи билан тўпигининг оралиғи). Бу мақоллар халқнинг қадимий иримидан келиб чиққан: бозордан мол (от, сигир, қўй ё эчки) сотиб олиб уйга келтирилганда аёллар суюниб кетиб, уйдан югуриб чиқардилар-да, дархол молнинг олдига супра ёзиб, унинг юқи-юримига бир қайроқ тошни булаб олиб, шу тош билан отнинг (шунингдек, бошқа моллариниг) бошига уч марта уриб: «Бошинг — бош бўлсин» (яъни, молимнинг боши сен бўлгин, сенинг орқангдан молимнинг боши кўпайсин), туёғига ҳам уч марта уриб: «Туёғинг (ёки бақал-

чоғинг) тош бўлсин» (яъни, туёғинг тошдай мустаҳкам бўлсин, туёғинг йўқолмасин, туёғинг кўпайсин), деб ирим қилардилар. Қариялар янги туширган келинларга эзгу тилак билдирганларида юқоридаги мақолларни мажозий маънода айтадилар.

Бошидан ажралган сочига йиғлабди.

Бу мақолни пулга, мол-дунёга хирс қўйган, бойликдан ажраб қолишдан кўра, хатто саломатлигидан ажрашни маъқул биладиган харис одамларга нисбатан аччиқ киноя, истеҳзо тарзида айтадилар.

Бошидан ўтмаганнинг қошидан ўтма.

Вар.: «Дард тортмаган — дард билмас». Юқоридаги мақоллар билан: «Қийин аҳволинг ҳақида бировга дард-хасрат қилмоқчи бўлсанг, одамини топиб хасратлаш. Ранж-кулфат тортмаган, бошидан сенiки каби қийинчиликларни ўтказмаган одам гапингнинг асл мағзига тушуниб етмайди ҳам, сенга бирон-бир фойдали маслаҳат ёхуд ёрдам бера олмайди ҳам. Бундайларнинг яқинига ҳам йўламай қўяқол», дейилмоқчи.

Бошим тоз, кўнглим ноз.

Вар.: «Бошим кал-у, кўнглим нозик»; Буни ҳамда «Ноз-ноз — кал Ниёз» мақолини ўзининг катта айби, нуқсони бўла туриб, буни тан олмайдиган, нозу фироқ қиладиган, айбини айтганлардан ўпкалаб, гина қилиб юрадиган одамларга карата айтадилар.

Бошингни салқинда сақла, оёғингни — иссиқда.

Бу — тиббий маслаҳат берувчи мақоллардан бири. Вар.: «Бошни иссиқдан сақла, Оёқни — совуқдан»; «Юракда ўт бўлсин, мияда муз бўлсин».

Бошлиқ яхши бўлса, эл тузар, бошлиқ ёмон бўлса, эл тўзар.

Ишдаги муваффақият ҳам, муваффақиятсизлик ҳам кўп жиҳатдан бошлиққа боғлиқ. Агар у ақлли, тажрибали, ишбилармон, камтарин, оддий кишиларга яқин, сергайрат, олижаноб бўлса, иш олға босади. Агар унда бу хислатлар бўлмаса, бунинг акси бўлади. Вар.: «Бошлиқ бўлмоқ осон, Бошламоқ қийин»; «Бошлиқ юмшоқ бўлган жойда, Юлғичларнинг пичоғи мойда»; «Бошлиқ тўра бўлса, лаганбардор кўпаяр»; «Бошлиқ бўш бўлса, дангаса кўпаяр»; «Бошлиқ бўлса сербуйруқ, На мой қолур, на қуйруқ» («Ориқлаб, озиб-тўзиб кетасан», дейилмоқчи); «Бераверсанг буйруқни, Хизматчи бурар қуйруқни»; «Бошлиқ бўлсанг, бошли бўл».

Бояғи-бояғи, бой хўжанинг таёғи.

(ҳозир «бояги-бояги» деб талаффуз этадилар). Вар.: «Бояғи-бояғи, бой Хидирнинг таёғи»; «Бояғи-бояғи, Ҳасан буванинг таёғи»; «Эски ҳаммом, эски тос». Мажози: «Аҳвол илгаригидан сира ўзгармаган, ёмон ҳол яхши бўлмаган».

Боққолнинг бурни — шайин, кўзи — палла.

Боққоллар (ўтмишда асосан озиқ-овқат маҳсулотлари сотувчи майда савдогарлар)нинг аксарияти кишилар ҳақига хиёнат қиларди. Бу нарса кишиларда уларга нисбатан нафрат уйготарди. Мазкур мақолда оз бўлса ҳам тароздан уриб қолиш ниятида бурнини шайинга тўғрилаб, икки кўзини икки палладан узмаган ҳолда титраб-қақшаб нарса тортувчи боққолнинг ҳолати тасвирланган.

Боғ олсанг қишда ол, боғ сотсанг ёзда сот.

Бу — савдо-сотиқда ишнинг кўзини билиб иш кўришга ундовчи мақоллардан бири. Боғни қишда олиш, ёзда сотиш тавсия этилаётганининг боиси шундаки, боғ ёзда кўркам бўлиб, нархи қиммат юради, қишда эса кўримсиз бўлиб, нархи арзон юради. Шундай қилган одам олишда ҳам, сотишда ҳам ютади. Вар.: «Қўй олсанг ёмғирда ол, От сотсанг ёмғирда сот» (Бозорда қўй қўшоқда турганда ёмғирда қолса, жунжиб, кишининг кўзига кичик ва ориқдай бўлиб кўринади-да, арзонга кетади. От эса ёмғирда юнглари ювилиб, силлиқлашиб, ялтираб, кишининг кўзига чиройли кўриниб ва нархи қиммат юради. Шунинг учун жаллоблар отни сотишдан олдин атайлаб сувга шўнғитиб-шўнғитиб, бозорга олиб кирадилар); «Довулли кун қуш солма, Ёғинли кун от олма»; «Гилам олсанг қоронғуда ол, Гилам сотсанг ёругда сот» (Чунки, гилам қоронғуда киши кўзига гунгурт, рангсизроқ бўлиб, ёругда ёхуд чирогда ялтираб, чақнаб, «ёниб», «кўзни олгудай» бўлиб кўринади. Шунга қараб нархи ҳам қиммат ва арзон бўлади).

Боғни боқсанг боғ бўлар, ботмон даҳсар ёғ бўлар, боқимсиз боғ тоғ бўлар, юрак-бағринг доғ бўлар.

(«Даҳсар» — форсча «дахсир» — нинг туркчада ифодаси бўлиб, оғирлик ўлчови «сир»нинг ўн карра кўп миқдори. «Сир» Эронда 75 граммга тўғри келади. Бухоро, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойларида ботмоннинг тўртдан бир қисмини ташкил қилган. Хоразмда «ўнсир», «ўнсари» юритилган ва 5 килограммга тўғри келган (В.Хинц. Мусильманские меры и веса). Вар.. «Боғни боқсанг боғ бўлади, Даромадинг тоғ бўлади»; «Қарасанг — боғ, Қарамасанг — тоғ»; «Қарасанг — қанд ейсан, Қарамасанг — панд ейсан»; «Боқсанг бутун бўлур, Ёқсанг ўтин бўлур» (бунда ҳам мевали дарахт назарда тутилган). «Боғбонинг меҳнати кўп, Меваси — хўп» (хўп — хўб, «яхши», «ажойиб», «баракали», «мўл-кўл» деган маънода); «Боғ жамоли — боғбондан»; «Боғи борнинг боли бор».

Бу дунё — карвонсарой.

Вар.: «Бу дунё — эски работ» (работ — сафарда кўниб ўтиладиган, тунаб қолинадиган жой; карвонсарой). «Бу дунё каптархонадир, Бири учодир-у, бири қўнодир». Мазкур мақоллар марҳумнинг яқинларига тасалли берилганда: «Қўйинг, кўп куюнаверманг. Дунёнинг иши, табиатнинг қонуни шундай: одамлар карвонсаройга келиб — кетаверганлари, каптарлар каптархонага қўниб-учиб турганлари каби инсон ҳам дунёга келган киши — кетади ҳам», деган маънода айтилади.

Бу дунё ўтар-кетар, дўстим, бошингни кўтар.

Гирикчилик ўтказишда қийналиб, боши қотиб, маюс бўлиб юрган одамга: «Қўй, хафа бўлма, бу қийинчиликлар ҳам ўтиб кетади, бошингни эгма, каддингни букма, бардам бўл, ҳаётга тик қара!», деган маънода тасалли берганларида, уни кўнглини кўтарганларида шу мақолни айтадилар.

Бу тикилди, бало тикилмасин.

Баъзи одам хира, шилқим, суллоҳ, «елим» бўлади. Бундай одам бировдан бир нима сўраганда «йўқ» дейилишига, рад этилишига қарамай, без бўлиб тураверади, юзсизларча яна қайта сўрайверади. Шунда атрофдагилар рад этаётган одамга қараб: «Келинг энди, бериб юбора қолинг, бош-кўзингиздан садака, сизга бу одам тики-

либдими, майли, бало тикилмасин», дейдилар.

Бугунги чумчуқ кечаги чумчуққа чуғурлашни ўргатар.

Ўзидан каттага ақл ўргатувчи маҳмадоналарни мазах қилганда шундай дейдилар.

Бузоқни бўш қўйсанг, хурмачани ағдаради.

Бу — бола тарбиясига тааллуқли мақоллардан бири бўлиб, мажозан: «Болани бўш қўйсанг, ўз ҳолига ташласанг, ҳар бир босган қадамини назорат қилиб турмасанг, унинг хулқи бузилади, ҳаддидан ошиб кетади натижада ўзига ҳам сенга ҳам зиён-заҳмат етказиши мумкин», дейилмоқчи.

Вар.: Бузоқ кўп эмса бўкади, Бўш қўйсанг тўкади»; «Ўйноқи қўзичоқ ойна синдирар». Ота-боболар ўзларининг ибратли сўзларида болаларида нисбатан бир оз қаттиқроқ туриш зарурлигини уқтирганлар: «Пайғамбарда ҳам озгина пўписа бўлади»; «Мўйнанинг пардози — чивиқ» (Илгари мўйнани ачитилган кепак ва ун билан ошлардилар. Мўйначилар уни ошлагандан кейин юнгининг орасига кириб қолган кепак ва ун қолдиқларини юнг тарафдан чивиқ билан уриб-уриб тозалардилар. Шундан кейин мўйна ялтираб, кўзга чиройли кўринадиган бўларди. Бу мақол ҳам асосан бола тарбияси хусусида гап кетганда «Болани тарбиялашда сўз билан эплаб бўлмаса, чивиқ билан шикаст етмайдиган жойига уриб туриш ҳам керак бўлади», деган маънода қўлланилади. «Болани сўкаверсанг бети қотар, Ураверсанг эти қотар» (Маъноси: «Болага таъзир бериш керак, лекин эви билан. Ҳадеб жеркиб ташлайверилса, қаттиқ-қурум гапираверилса, ураверилса, бола бора-бора бунга кўникиб, унча-мунча гап-сўзни ҳам, калтакни ҳам писанд қилмайдиган бўлиб қолади»).

Бузоқни тилга олсанг, ипини узиб келади.

Мажозий маънода ўз номини узоқдан чала-ярим эшитиб қолса ҳам қулогини динг қиладиган, у одам ҳатто уни чақирмаган бўлса ҳам олдига югуриб бориб: «Мени чақирдингизми?» ёхуд «Лаббай» дейдиган одамга нисбатан истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Бузоқнинг югургани — сомонхонагача

Вар.. «Товуқнинг учгани — томгача». Бу мақолларни бировнинг имконияти, ҳол-қудрати чекланганлигини билдирмоқчи бўлганларида ёхуд бировнинг имконияти ва ҳол-қудратини менсимай, назарписанд қилмай, ерга уриб, камситганларида айтадилар.

Булбул навоси — кўнгил ҳавоси.

Булбул — инсоннинг энг севимли, энг ардоқли қушларидан бири. Унинг ёқимли овози дилни яйратади, димоғни чоғ қилади. Вар.: «Булбул гулзорда гўзал»; «Булбулнинг суйгани — қизил гул»; «Булбулни ишқи — гулда»; «Булбул гулга ошиқ, Гул — санамга» «Булбулга боғ яхши, Какликка — тоғ»; «Булбулнинг жойи — боғ»; «Булбулни каркуноққа алиштирма»; «Булбул учгандан сўнг олтин қафасни ўт олсин!».

Бултур кесилган бармоғига бу йил йиғлабди.

Куч-қуввати, маблағи, имконияти бор пайтда бир ишни қилмай, вақтини зое ўтказиб юборган, кейин кўзи очилиб, пушаймон бўлиб, илгариги даврини қўмсаб, дод-ҳасрат қилувчилар ҳамда илгари эркатой, тантиқ бўлиб ўсган, умрида «қўлини совуқ сувга урмаган», кейин бирор оғирчиликка, зиён-заҳматга, кулфатга,

қийин ишга йўлиққач, ҳасрат қилиб, «йиғлаб» юрувчилар устидан кулганларида шундай дейдилар.

Бултур ўлган япалоқни бу йил отиб олибди.

(япалоқ — бойўғли, бойқуш). Ёлғонни рост қилиб, лоф урувчи, бировнинг қилган ишини «мен қилдим» (мас, сотиб олган балигини «ўзим тутиб олдим») деб ёлғонни дўндирувчи, қуруқ мақтанчоқларга нисбатан киноя тарзида қўлланилади.

Булут йиғлайди, гул кулади.

Ёмғир ёғса, гул тобора очилиб, яшнаб, хандон бўлади. Бу мақолни ишқ-муҳаббат дардида куйиб-ёнадиган ошиқ-маъшуқларга ва умуман, биров туфайли бир нарсага етишолмай, гам-алам чекиб, куюниб юрувчи одамларга дунёнинг иши шундай — биров йиғлайди-ю, биров кулади. Бундан хафа бўлманг деб тасалли берилганда айтилади.

Кўз ёшимдин агар оғзингда эрур қулгу не тонг,
Чун бўлур неча булут йиғласа, ҳандон ғунча
(Навоий).

Боқ гулни гўзал жамолига гулшанда,
Кўргилки, булутда йиғи, гулда ҳанда
(Ҳофиз Шерозий)

Булутланган кун ёғмай қўймас, айлантирган оғриқ олмай қўймас.

Инқилобдан аввалги узоқ тарихий давр давомида халқ малакали медицина хизматидан баҳраманд бўла олмаган. Турли касалликлар, айниқса юқумли касалликлар кўп бўлган, касалга чалинган кўпчилик кишилар, шунингдек ноқулай шароитларда ва медицина ёрдамисиз туққан бир қанча оналар оламдан бевақт кўз юмганлар. Кўплаб янги туғилган ва ҳаётни эндигина кўра бошлаган болалар нобуд бўлган, беморлар ва уларни боқувчилар мислиз қийинчиликларга дучор бўлганлар. Бундай ҳоллар мақолларда ҳам акс этган: «Кунда-кунда ўлгандан — бир кунда ўлган яхшироқ» (Баъзи бир дард бедаво бўладики, бундай дард билан оғриган киши узоқ вақт соғаёлмай, ахири жонидан тўйиб, ўлимига ҳам рози бўлади. Мазкур мақол шундай бедаво дардга йўлиққан кишилар тилидан айтилган). «Касалингдан илгари кафан тайёрла»; «Жонимни олмаган оғриқ — жонимсан»; «Йўқолиб топилган мол — ўлжа, оғриб соғайган жон — ўлжа» ва б.

Буни деган оғиз яна дейди.

Бу мақол билан «Сенга бошқаларни ёмонлайдиган «дўст», сени ҳам бошқаларга ёмонлайди. Бундай оғзи бўш, садоқати йўқ одамдан эҳтиёт бўл, унга сиримни асло айта кўрма» деган маънода эҳтиёткорликка ундайдилар.

Бурга сакрайди, бит йўрғалайди.

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги диний афсона билан боғлиқ: «Кунлардан бир кун Сулаймон пайғамбарга бурга келиб арз қилибди:— Одамзод бизларга зўр азоб беради. Бизни тутиб олгач, эзғилаб-эзғилаб, кейин ўлдиради. Битни бўлса тирноқ орасига олиб, қирс эттириб осонгина ўлдирадилар-қўядилар. Бизни ҳам шундай қилсалар, деб Сизга илтимос билан келдик. Шунда Сулаймон пайғамбар:— Хўп, илтимосингни қабул қиламан. Лекин, бир шарти бор, Бит бир жойда туради. Шунинг учун уни осонгина ўлдирадилар. Сен ҳам йўрғалайсан, ҳам сакрайсан. Иккисидан бирини қил: ё йўрғала, ё сакра, дебди.— Э, бу бизга тўғри келмайди,— дебди бурга.— Бўлмаса, бизга ҳам тўғри келмайди,— дебди Сулаймон». Юқоридаги мақол мажозан, «Ҳар кимга ўзининг қилган хиёнат, жиноятига кўра жазо берадилар», деган маънода қўлланилади.

Бурга тутмоққа ҳам бармоқ ҳўлламоқ керак.

Мажози: «Меҳнатсиз, машақатсиз ҳеч бир нарсага эришиб бўлмайди. Ҳатто кичик бир мақсадга эришмоқ учун ҳам озгина бўлса-да, ҳаракат қилиш керак бўлади», Вар.: «Иштон ҳўл бўлмагунча балиқ тутилмас»; «Товуқ қувлаган қулочин ёяр»; «Тухум ейман деган киши товуқнинг қақолашига чидаши керак»; «Нон ёмоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан эринма»; «Булоқ сувин истаган — белин эгар»; «Қулон қирда бўлур, кундуз — сувда» («Қулонни овламоқ учун қирга чиқиш, кундузни овламоқ учун сувга тушиш керак бўлади. Ўлжа топиш осон эмас, бунинг учун машаққат чекиш керак», дейилмоқчи). «Майиз есанг — чўпи бор, олмурт есанг — думи бор» («Майиз ейиш учун унинг чўпини, олмурт ейиш учун унинг думини олиб ташлашинг керак бўлади», дейилмоқчи). «Туғиш тўлғоқсиз бўлмас»; «Ер қазимасанг олтин чиқмас, қармоқ солмасанг балиқ чиқмас»; «Текин ётган мол қайда, тикансиз йўл қайда?!»; «Бориб олсанг — фойда, келтириб бермак қайда?!»

Бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйма.

Вар.: «Битга аччиғланиб, тўнингни ёқма». Бу мақоллар зиён-заҳмат етказувчи арзимаган нарсани йўқотаман деб, кўп нарсадан ажраб қолмасликка; арзимаган нарсани деб, яқин кишиларни қаттиқ хафа қилмасликка, улар билан «юз кўрмас» бўлиб кетадиган даражада гап-сўз ё хатти-ҳаракат қилмасликка даъват этилганда қўлланилади.

Бурунни сассиқ деб кесиб ташламайдилар.

Вар.. «Тилини тишлаган — тишини суғуриб ташламас». Мажози: «Фарзанд ёмон қилиғи, хатти-ҳаракати, қўпол сўзи билан ота-онанинг дилини оғритса, хафа қилса, бировлардан гап эшиттирса ҳам, яхши, ақлли ота-она уни бутунлай ёмонга чиқазиб, «оқ» қилиб юбормаслиги, чидаши, сабр-тоқат қилиши керак». Биргина ота-она эмас, балки ака-ука ва опа-сингиллар ҳамда қариндош-уруғлар ҳам арзимаган нарсани деб, бир-бирларидан аразлашмасликлари, айрилмасликлари лозим. Акс ҳолда бунинг оқибати яхши бўлмайди. Мақолларда шу оқибат ҳам ўз аксини топган: «Тўнг айирган мой ер, қариндош айирган лой ер» (тўнг — муз, ях. Маъноси: «Эрта баҳорда ернинг музини кўчириб, ер чопиб, экин экқан одам кузга бориб баракали хирмон кўтаради, баҳорги қийинчилигининг роҳатини кўради. Қариндошини айирган одам эса яхши-ёмон кунларида уларнинг ёрдамидан баҳраманд бўлолмай қийналади, қилмишига ачинади, афсус қилади, панд ейди»); «Оға-инининг ёмонлаб, қани туққан топганинг, арғумоқни ёмонлаб, қани тулпор топганинг?!» (бу мақол ўз оиласини, тугишганларини, ёр-биродарларини, эл-юртини ёмон отликка чиқариб, бошқа юртларга кетиб қолган, аммо буларга тенг келадиган дўст-ёр тополмаган одамга қарата киноя тарзида айтилади). Оқ илон, оппоқ илон, Ойдинда ётганинг қани? Мен ёмондин айрилиб, Яхшини топганинг қани (Халқ қўшиғи)

Буғдой бўлса, ўлчов топилади.

Илгари деҳқонлар ё хонадонлар бир-бирларидан дон қарз олсалар, тарозига солиб эмас, ўзларига белгили бир ўлчов идишлари (халта, тўрвача, челак ва б.) билан ўлчаб берар ва шу билан ўлчаб олар эдилар. Мазкур мақол «Ҳар бир нарсанинг қийини бўлса, осони ўз-ўзидан топилади» ёхуд «қийини битса, осони ўз-ўзидан битиб кетади», деган маънода айтилади.

Буғдой эксанг кузда эк, яхши ҳайдаб, бўзга эк.

Бу билан: «Кузда бўз ерга экилган буғдойдан баракали хирмон кўтариш мумкин», деб тавсия қилганлар. «Бўлса — оби, бўлмаса — лалми» деган мақол ҳам бевосита деҳқончиликка тааллуқли. Оби — суғориладиган, лалми — суғорилмайдиган, фақат ёмғир суви билангина экин битадиган баҳорикор ер. Мақолда: «Суғориладиган еринг бўлса, экинни шунга экканинг яхши, агар бўлмаса, лалмикор ерга ҳам экавер. Умуман, бор имкониятингдан фойдаланиб қол», дейилмоқчи.

Буғдой ўрилгач, ўроқни занг босади.

Баъзи бепарво деҳқон буғдойини ўриб олгач, ўроғини ювиб, тозалаб, бир чеккага олиб қўймайди-да, келаси мавсумгача занг бостириб, ишга яроқсиз қилиб қўяди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси, мажозий маъноси шундай: баъзи одам бирор ишини битириб берадиган одамнинг атрофида иши битгунча гирдикапалак» бўлиб, ялиниб-ёлворib юради. Ишини битириб олгач, у одамга қайрилиб ҳам қарамайди, мабодо кўча-кўйда кўриб қолгудай бўлса, ўзини кўрмаганга солиб, четга қараб ўтиб кетаверади. Юқоридаги мақол ана шундай одамларга қарата айтилади.

Буғдой ҳосили бошида, сабзи ҳосили тагида.

Бу мақолнинг келиб чиқиши халқнинг қуйидаги насрий масалига боғлиқ: бир деҳқон айиқ билан шерикликка деҳқончилик қилмоқчи бўлибди-да, унга айтибди: «Айиқ-полвон, аввал бошида шартлашиб олганимиз яхши. Сен экинни боши билан бўласанми, таги биланми?!» «Албатта боши билан бўламанда», дебди айиқ. Деҳқон «хўп» деб сабзи экибди-да, ҳосил пишгач, бошини, яъни баргини айиққа бериб, тагини, яъни сабзисини ўзи олибди. Бу ҳол айиққа роса алам қилибди. Келаси йили экин экишдан олдин деҳқон ундан яна сўрабди: «Айиқ полвон, сен экиннинг боши билан бўласанми, таги биланми?» «Бултур панд едим, энди тагини оламан», дебди айиқ. Деҳқон «хўп» деб, ерга буғдой экибди-да, ҳосил пишгач, донини ўзи олиб, сомонини айиққа бериб-ди... «Бу мақолни ўта содда, ишнинг кўзини билмайдиган ҳаммадан алданиб юрадиган одамга: «Ҳой, кўзингни оч, айиқдек ишлаб-ишлаб, охири алданиб қолма тағин», деган маънода айтилади.

Бўжи келди, бўжи келди, чингиз билан жўжи келди.

Маълумки, кўҳна тарихнинг турли даврларида чет эл босқинчиларининг гоҳ униси, гоҳ буниси Ўрта Осиёга, жумладан Ўзбекистоннинг ҳозирги территориясидаги ерларга бостириб кириб, узоқ вақт мобайнида халққа ўз зулмини ўтказган. Азоб-уқубатда қолган халқимизнинг уларга бўлган муносабати, қаҳр-ғазаби мақолларда ҳам ўз инъикосини топган. XIII асрнинг биринчи чорагида Чингизхон бошлиқ мўғиллар юртимизга бостириб киради. Мўғул истилочиларининг даҳшат билан келиши, ноҳақ қон тўкиши, халқни талаши, эзиши, қул қилиб ишлатиши ўша даврда уларга қарши қаратилган, уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳажв қилувчи, улар устидан заҳарханда билан кулувчи бир қанча мақолларнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бизнинг даврimizгача бу мақолларнинг айримларигина етиб келган. Юқоридаги мақол билан халқимиз «Бошимизга тушган фалокатни, азоб-уқубатни шулар олиб келди», демоқчи бўлган. Тилимизда ҳозир ҳам мавжуд бўлган ва болаларни ухлатаётганда жим ётишга ундаб ёхуд уларни йиғидан тиндириш учун қўрқитиб айтиладиган «Ана, бўжи келди (ёхуд келяпти)» ибораси юқоридаги

мақолнинг қисқача ифодасидир. Халқимиз ўртасида ҳозир ҳам мавжуд бўлган «Бўғ» дегани бўжи йўқ» Қуркитгани Жўжи йўқ», «Ҳой, дегани ҳожи йўқ, Бўғ дегани бўжи йўқ» мақоллари ҳам ўша мўғуллар истилоси даврида пайдо бўлган. Бу мақолларни ёмон йўлдан қайтариб турадиган ота-онаси, якинлари ўлиб кетиб, бебош, тарбиясиз бўлиб кетган болаларга қарата киноя тарзида айтадилар. (бўжи — жин, ажина, шайтон; Жўжи — Чингизхоннинг тўнғич ўғли. У Ўрта Осиёга 1219 йилда хужум қилган).

Бўзни бичсанг иштон бўлур, қайишни кессанг пуштон бўлур.

Пуштон — қоринбоғ, айил. Мазкур мақол билан: «Бир нарса турса, тураверади. Уни «арзимайди» деб, бир чеккага яроқсиз қилиб ташлаб қўйма. Эвини топсанг, иложини қилсанг, бир кунингга ярайди», деган маънода ишбилармонлик ва тежамкорликка ундайдилар.

Бўзчи белбоққа ёлчимас, кулол — мўндига.

Инқилобдан аввалги ижтимоий тенгсизлик, ҳақ-ҳуқуқсизлик ҳукм сурган замонларда бевосита моддий бойликлар яратган меҳнаткашлар ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўла олмаганларки, бу ҳол юқоридаги сингари бир қанча мақолларда ўз аксини топган: «Бўзчи белбоққа ёлчимас, темирчи — тўқага» (тўқа — камарнинг тўқаси); «Кулол мўндида сув ичар» (мўнди — кўва, кувача. Ундан ёғ идиш сифатида ва сув ташишда фойдаланилган. Аммо мўндининг ўзидан зинҳор сув ичилмаган). Мақолда: «Кулол ўзи ясайдиган идиш-товоқларга азбаройи ёлчимаганидан, мўндининг ўзидан сув ичишга мажбур бўлади», дейилмоқчи. «Кулолнинг кулфатини кўр, тутгани — сопол товоқ»; «Устани уйи чил устун»; «Яхши уста чалдеворда ўлтирар»; «Игна ўз тешигини тиколмайди»; «Игна ҳаммага тўн тикади-ю, ўзи ялангоч»; «Этикдўзнинг этиги йиртиқ, темирчининг тешаси кемтик»; «Темирчи болтага ёлчимас, Тўқувчи — халтага»; «Уста пичоққа ёлчимас, Этикдўз — бигизга» ва б. Бу мақоллар ҳозир мажозий маънода қўлланилади.

Бўй-бўйлаб, тенг-тенглаб.

«Ҳар ким хоҳ дўстлашишда, хоҳ оила қуришда ҳар жиҳатдан ўз тенгини топиб олиши керак. Акс ҳолда дўстлик ҳам, турмуш ҳам бузилади», «Тенгсиз турмуш — тўйдан кейин бузилар»; «Бўйимдай бўй топдим, ўйимдай ўй топмадим».

Бўйдоқнинг ақли — икки кўзида.

Вар.: «Бўз йигит кўзи билан қиз олма»; «От олма пиёданинг маслаҳати билан, хотин олма бўйдоқнинг маслаҳати билан». Бу билан «Оти йўқ, пиёда юрган одам яхши от қандай-у, ёмон от қандайлигини билмаганидек, бўйдоқ ҳам хотиннинг яхшиси қандай-у, ёмони қандайлигини билмайди, ташқи кўринишга учиб, «шу яхши» деяверади», дейилмоқчи.

Бўйдоққа эллик қари бўз ҳам етмайди.

Ўтмишда ҳозиргидек тайёр кийимлар бўлмас эди. Бозордан эндай (бичилмаган мато) — газлама, бўз, алак олиб, бўйларига ўлчатиб, кийим тиктирардилар. Ўғил уйлантиришда келин томонга саруполар қилмоқ, куёв бўлаётган йигитга янги кийимлар тиктирмоқ учун жуда кўп мато керак бўларди. Мазкур мақол билан: «Ўғил уйлантирмоқчи бўлсанг, бўйдогингга олдиндан кўпроқ мато жамғариб бор. Акс ҳолда тўй кезлари етишмовчилик бўлса, ўзингга қийин бўлади, «чоп-чоп қилиб қоласан», деб насиҳат қилганлар. Қари —

узунлик ўлчови бирлиги, ўтмишда турли ерларда турлича бўлган. Масалан, XIX асрда Хоразмда бир қари 148 сантиметрга, Бухорода 320 сантиметрга, Тошкентда бозор «қари»си 177 сантиметрга, хон «қари»си 213 сантиметрга, Фарғонада «кулоч қари» ёхуд «узун қари» 164 сантиметрга, «калта қари» 57 сантиметрга, Ўрта Осиёда энг узун қари» 365 сантиметрга тенг бўлган (В. Хинц, Мусульманские меры и веса).

Бўйин тузалгунча: «салом алайкум, ғоз ака», бўйин тузалгач: «қоч нари тур, ғоз ака».

Ўтмишда шундай бир ирим бор эди: бўйни шамоллаб, ҳаккак бўлиб (яъни, қийшайиб, қотиб қолиб), у ёқ-бу ёққа қарай олмайдиган бўлиб қолган одам хоҳ эркагу, хоҳ аёл ғоздек кеккайиб, кўкрак кериб юрувчи одамнинг орқасидан астагина бориб, унинг ўзига билдирмай, уч марта «ассалому алайкум» дерди. Шундай қилса гўё бўйни тузалиб, ўша одамдек бўйнини тўғри тутиб, кеккайиб юрадиган бўлиб қолармиш. Юқоридаги мақол ана шу иримга асосланиб тузилган бўлиб, мажозий маънода иши битгунча иши тушадиган одамни иззат-ҳурмат қилиб, атрофида парвона бўлиб юрувчи, иши битганидан кейин эса тескари қараб кетувчи одамларга нисбатан қўлланилади. Вар.: «Сувдан ўтгунча: «Қизимни бераман», Сувдан ўтгач қайдан биламан?!»; «Сувдан кечгунча эчкига «Рустам-достон», дерлар». «Сувдан ўтгунча ё Баҳовуддин, Сувдан ўтгач қоч Баҳовуддин»

Бўйнида иллати борнинг илиги қалтирар.

(Қўл, оёқ илик дейилган). Хиёнатчи, жиноятчиларга нисбатан қўлланилади. Вар.: «Бўйнида иллати борнинг оёғи қалтирайди»; «Бўйнида гуноҳи борнинг тили қисиқ»; «Хиёнатгарнинг қўли қалтирар»; «Иштонсизнинг ҳадиги — чўпдан». Иштонсиз одам (далада юриб кетаётганда) тўнимга илашиб, айбимни очиб қўймасин, деб чўпдан — яъни, ўт-ўландан ҳадиксирайди. Худди шунингдек, бирор хиёнат-жиноят қилиб қўйган одам айбининг очилиб қолишидан қўрқиб, арзимаган нарсадан ҳам чўчиб, ҳадиксираб юради», дейилмоқчи.

Бўйрачи тўқувчи бўлса, кийишинг бордон бўлади.

Бордон — бўйранинг дағал бир тури. Ундан халта қилиб, дон-дун солиб қўярдилар. Мажози: «Ҳар бир ишни ўз устаси қилиши керак. Қўлидан келмайдиган одам бир ишни қилар бўлса қўпол, дағал, ҳунук қилиб, бузиб қўяди».

Бўлали бола бошидан маълум.

Маъноси: «Кишининг улғайганда ҳар ишга лаёқатли, истеъдодли бўлиши болалигиданоқ сезилиб туради». Вар.: «Бўладиган мева гулидан маълум»; «Бўлар от ойлигидан белгили»; «Бўладиган мева бузоқ тезагидан маълум»; «Бўладиган бузоқ бўйинчогидан белгили» (баъзи молларнинг, масалан, қўзи, бузоқнинг бўйнида битта ё иккита қўнғироқчадек осилиб турадиган ортиғи бўлади. Шуни «бўйинчоқ» дейдилар). «От бўлари қулунлигидан белгили, Эр бўлари лўлалигидан белгили» (лўла — ёш бола, гўдак); «Бола — ёшдан, иш — бошдан»; «Айёр тумшуғидан илинар, Ақлсиз ёшлигидан билинар»; «Арпа — бошдан, ўғлон — ёшдан» (арпанинг серҳосил ё камҳосил бўлиши бош олган пайтиданоқ маълум бўлади); «Қўчқор бўлар кўзининг пешонаси дўнг бўлар, одам бўлар боланинг этак-енги кенг бўлар»; «Кўчқор бўлар кўзининг пешонаси дўнг бўлар, оға бўлар йигитнинг пешонаси кенг бўлар»; «Одам бўладиган бола

олисга қарайди»; «Бўладиган бола бўркидан маълум, Бўлмайдиган бола турқидан маълум»; «Бўлар боланинг қўли чаққон, Бўлмас боланинг уни чаққон» (уни — товуши); «Бўлар бола деҳқон бўлди — Еяри бутдой нон бўлди»; «Бўлмас бола деҳқон бўлди — Ёяри зоғора нон бўлди»; «Яхши ёшидан эл бошқарар, Ёмон қариган сайин ёшарар»; «Бўлар бола ёшлигидан бошман дер, Бўлмас бола ўлгунча ёшман дер»; «Бўлар одам ўн бешида бош бўлар, Бўлмас одам ўттизида ёш бўлар» ва б.

Бўларингда бўлиб ўт, бўз йўрғадай келиб ўт.

«Айни куч-қувватга тўлишган, омадинг келган, ишинг юришган пайтда қиладиган ишларингни қилиб қол, бундай ғанимат дамларни, қулай имкониятларни бехуда ўтказиб юборма», деган маънода насиҳат қилганларида шу мақолни айтадилар.

Бўнак олган бўлинар, ёлипари юлинар.

Бу мақолда «ёли-пари юлинмоқ» ибораси ишлатилган. Ёл — отнинг ёли, пар — қушнинг пари. Мажозда «ҳоли хароб бўлди, хонавайрон бўлди» деган маънони англатади. Бўнак — ёлланган косиблар иш ҳақи устидан олдиндан оладиган пул; Бундай олганларни «бўнакчи», «бўнакдор» деб атардилар. Хўжайин хизматкорни ўзига қарам қилиб олиш, қарздор қилиб қўйиб, кейин роса ишлатиш мақсадида бўнак сўраганларнинг гапини қайтармай, бераверар эди. Вар.: «Бўнакчининг косаси оқармайди»; «Бўнакчининг боши қарздан чиқмайди»; «Бўнак кўтарган ўнгалмас».

Косибни аксаридир устосидин
бўнаҳдар,
Беҳуда ўтди авқот ҳам раъйикорон
бўлибдур
(Ҳожи Собир Самарқандий).
Топгани етмайди, доим қарз, буйнида
бўнак,
Ташлаб эрди ўзларин косибга товон
баччалар.
(Муқимий.)

Бўри билан қузғун овда ўртоқ.

Қонхўр бўри жонни бежон қилиб, ўлжасини еганича ейди-да, йўлига кетаверади. Ундан қолган ўлаксани қузғун чўқиб қорнини тўйғазади. Мазкур мақолни мажозан бўрига ўхшаш қонхўр, золимларга ҳамда уларнинг топган ўлжасидан манфаатланиб юрувчи ва шунинг эвазига улар атрофида парвона бўлиб, лаганбардорлик қилиб, оғиз-бурун ўпишиб юрувчи яловкаларга нисбатан қўллаганлар.

Бўри бойлаганга кўнмас, чўчқа — ҳайдаганга.

Бўрини уй ҳайвонлари сингари боғлаб қўйиб, ўргатиб бўлмайди. Чўчқа эса ҳайдовга юрмайди, ҳар қаёққа кетаверади. Чунки, унинг табиати шунақа. Мажозий маъноси: «Зотида бўлмаган одамни зўрлаб бир нимага ўргатиб, кўниктириб бўлмайди». Вар.: «Бўри боласини қўлга ўргатиб бўлмас»; «Бўри боласини бўркингда боқсанг ҳам турмас».

Бўри бўронда қутурар, ит — ойдинда.

Вар.: «Бўри бўронни хуш кўради»; «Бўрон бўлса — бўрига тўй». Бўри бўронда яхши ов қила олади. Чунки, бўронда мол йўл билмай, ҳар қаёққа тарқаб кетиб, унга шундоққина ем бўлади. Мажозий маъноси: Бўрисифат золим, қонхўр, иғвогар, муттаҳамларнинг тўс-тўполонда, бироз билан бировнинг иши бўлмай, ҳар ким ўз ташвишига чулғаниб қолган қора кунларда ови юради. Улар шундай кунларни кутиб ётадилар. Жуда бўлмаганда, ўзларининг манфаатлари, қора ниятлари йўлида эл ўртасида тўс-тўполон кўтариб, ғала-ғовур уйғотишга ҳаракат қиладилар.

Бўри йиғилиб, минг бўлмас.

Бўрилар одатда илиққан вақтларида тўп бўлиб юрадилар. Шундай қу-

тирган пайтларида учраган хар бир нарсани, хатто одамни ҳам бурда-бурда қилиб ташлайдилар. Аммо, улар хар қанча тўпланишмасин, 30-40 тадан ошмайдилар. Қўй сингари минг-минг бўлиб юра олмайдилар. Мажозий маъноси: «Қонхўр золимлар ўз манфаатлари йўлида вақтинча бир-бирлари билан қўшилиб, жамлашсалар ҳам, ишлари битгач яна тарқалиб кетадилар. Ҳеч вақтда улар абадий иноқ бўла олмайдилар», дейилмоқчи.

Бўри йўқ дема — бўрк остида, ёв йўқ дема — яр остида.

Яр — жар, ўйилган ер. Ота-боболар бирмунча мақолларда ташқи ва ички душманлардан ҳамиша — тинчлик пайтида ҳам, жангу жадал пайтида ҳам, ёв қувиб юборилганидан кейин ҳам хушёр, сергак, эҳтиёт бўлиб туриш зарурлигини уқдирганлар. Вар.: «Бўрини тўқ дема, Душманни йўқ дема»; «Чаён кесак тагида ётади». Мажозий маъноси: «Чаён кесак тагида биқиниб ётиб бехосдан чаққанидек, душман ҳам писиб ётади. Эҳтиёт бўл!»

Бўри орқасидан тулки тўяди.

Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, тулки бўрига думини жалпанглатиб, лаганбардорлик қилади ўзининг кучи етмайдиган овни (қўй, эчки ва б.) топиб, хабар қилади. Бўри тулки топган овга чанг солади, бурдалайди, тўйганича ейди-да, кетади. Ундан қолганини еб, тулки ҳам тўйинади. Мазкур мақол мажозан: «Баъзи тулкисифат айёр одам бирор амалдорнинг номини ёхуд унинг ўзини ўша ишга қайраб солиб, бирор фойдани қўлга киргизади», деган маънода қўлланилади.

Бўри подага чопганда итни боғлоқда боқиш пайтимас.

«Ёв бостириб келаётганда одатдагидек хотиржам бўлиб ўтириш яраймайди. Унга қарши курашиш, хужумини қайтариш, енгиш ҳаракатида бўлиш зарур», дейилмоқчи.

Бўри қариса, кучукка кулгу бўлади.

Вар.: «Бўри қариса, қуёнга ўйинчоқ бўлади»; «Мушук қариса, сичқонга ўйин бўлади»; «Қирғий қариса, чумчуққа эрмак бўлади»; «Қарчиғай қариса, чумчуққа майна бўлади». Баъзи ёшлар қарияларни ҳурмат қилмай, менсимай, уларнинг ожизликларидан кулган чоғларида киноя қилиб шу мақолларни айтадилар.

Бўри қариса ҳам, бир қўй олар кучи бор.

Бу билан: «Қонхўр, золим одам қариса ҳам, ўзининг табиатидаги хунхўрлигини қилмай қўймайди. Э бу қари-ку, қўлидан нима ҳам келарди, деб бепарво бўлиш ярамайди. У гарчи қари бўлса ҳам, кишига бирор зиён-заҳмат етказарлик ҳоли бор», деган маънода огоҳ бўлишга ундайдилар.

Бўрига раҳм қилсанг, қўйнинг шўри қурийди.

Узоқ тарихий давр давомида ҳоким синфнинг тобора тўкроқ ва шўхроқ яшаш ниятидаги ҳаракати туфайли азилган халқ уларга асло бўш келмасликни, андиша юзасидан уларга шафқат қилиб ўтирмай, адабини бериши зарурлигини тушуниб етган. Бу нарса қатор мақолларда ўз изини қолдирган: «Тулкига раҳм қилсанг, товуғингдан ажрайсан»; «Бир бўри ўлгани билан қўйлар омон яшолмас»; «Инсофсизга эрк берсанг, элни талар»; «Эркига қўйсанг хўжани, Ётиб ичар гўжани»; «Ғарибни кўрсанг — бер, Хўжани кўрсанг — ур!»; «Урсанг, бойга ҳам калтак ўтади, Юлқисанг, ёқаси ҳам йиртилади». Бу билан «Бой ҳам сенга ўхшаган бир одам. У фақат бойлиги, мол-дунёси билан донг таратган, шуниси билан керилади, шунисига орқа қи-

либ дўқ-пўписа қилади. Ундан қўрқиб ўтирма, ур, урсанг, унинг калтаги сенга қандай ўтган бўлса, сенинг калтагинг ҳам унга шундай ўтади, уни юлқи, юлқисанг, сенинг ёқангни қандай йиртган бўлса, сен ҳам унинг ёқасини шундай йиртасан», дейилмоқчи.

Бўрини бўрилиги учун эмас, қўйни еганлиги учун ўлдирадилар.

Мажози: «Одамни шунчаки одамлиги учун эмас, кишиларга зиён-заҳмат етказгани, золим, қонхўр бўлганлиги учун жазолайдилар, ҳатто ўлдирадилар».

Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади.

Бу — авлод-аждодларимизнинг ирим-сиримларига бориб тақаладиган мақоллардан. Ўтмишда кўчманчи чорвадорлар ўз қўйларига вақт-вақти билан ҳужум қилиб турадиган бўрининг номини тилга олишдан хазар қилардилар. Мажозий маъноси: «Ёмон ниятни кўнглингга ҳам келтирма, тилингга ҳам олма, зеро бу ёмон ният ўзингга уриши мумкин». Бировни йўқлаб турганда тўсатдан, кутилмаганда ўша одам кириб келганда ҳазил-мутойба йўсинида шу мақол айтилади.

Бўрининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам оғзи қон.

Бўрининг оғзи қаришқир бўлади. Шунинг учун уни «қашқир» деб ҳам атайдилар. Бўри доимо оғзини очиб, қизил тилини осилтириб юргани учун оғзи қондай бўлиб кўринади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажози: «Илгари хиёнат, жиноятлар қилиб, шунинг орқасида ёмонотлиққа чиққан одам кейинчалик бу ҳунарини ташлаган бўлса ҳам, кишилар бирор хиёнат ё жиноятни «сен қилгансан» деб унга тўнкайдилар, ноўрин айбланаётган одам ўзининг айбдор эмаслигини билдирмоқ мақсадида шу мақолни айтади.

Бўрининг тилини бўри тушунади.

Вар.: «Илоннинг сирини илон билади, Қулоннинг сирини — қулон». Мажози: «Қонхўр, золим, хиёнатчи, жиноятчининг тилини, мақсадини, сирини унинг ўзига ўхшаган одамларгина жуда яхши биладилар, бир сўзидан ё имо-ишорасиданоқ унинг нима демоқчи бўлаётганини дарҳол фаҳмлайдилар».

Бўрининг қулоғи овда.

Вар.: «Бўрининг гарази — йиртмоқ»; уйғоқ». Мажози: «Душманнинг ниятини қора. У шу ниятига эришмоқ учун доимо пайт пойлайди, қулай имконият ахтаради. Сен унга нисбатан асло бепарво бўлма, ҳамиша соқ бўл, хушёр бўл!»

Бўркни ташлаб бўридан қутулиб бўлмайди.

Вар.: «Қуён қопқони билан арслонни овлаб бўлмайди». Мажози: «Кучли душманни озгина ҳозирлик ва кам, кучсиз қурол билан енгиб бўлмайди, пухта тайёрланиш керак».

Бўрсиқни урган сари семиради.

Урган сари семириб кетаверадиган бўрсиқнинг ўзига хос хусусиятини назарда тутиб, юқоридаги мақол билан: «Харомтомоқ, текинхўр, тамаъгир одам гап эшитгани, танбеҳ егани, шарманда бўлгани сайин ўзининг ярамас одатини авжига чиқараверади», дейилмоқчи.

Бўш келганни бўри ер.

Вар.: «Алвасти бўш келганни босади». Мажози: «Бўшанг, қўрқоқ, бетадбир, ғайратсиз бўлсанг, душманнинг чангалига тушиб, йўқ бўлиб кетасан. Қўрқма, асло бўш келма, жасоратли ва довюрак бўл. Шундагина ҳеч ким сени енга олмайди, сен енгасан».

Бўш омбордан — ботмон ғалла.

Бировга қуруқ ваъдалар бераверадиган, аммо ваъдасининг устидан чиқмайдиган, бировнинг «қўйинни пуч ёнғоққа тўлдирадиган», «сувга олиб бориб, суғормай олиб келадиган» ваъдабоз, алдамчи, айёр зиқна одамларга нисбатан киноя тарзида шундай дейилади.

Бўш қоп тик турмас.

Бу —ўтмишда хизматкорлар тилидан бойларга; хўжайинларга қарата айтилган мақол бўлиб, «Қорни оч одам ишлай олмайди. Олдин унинг корнини тўйғаз, кейин иш буюр», деган маънода қўлланилган. Вар.: «Кепак еган от югурук бўлмас».

Бўялган тухумнинг таъми бир.

Бу маколнинг келиб чиқиши қуйидаги афсона билан боғлиқ: Бибихоним мадрасасини қураётган уста минора тепасида туриб, атрофга қарабди. Шунда амир Темурнинг саройига кўзи тушибди. Қараса, Бибихоним шойи-атласга беланиб, сарой ҳовлисида товусдек товланиб юрган эмиш. Устанинг кўнглига: «Оҳ, хотининг бўлса, шундай бўлса экан! Маза-маза подшоларники-да...» деган фикр келибди. Шу пайт иттифоқо Бибихонимнинг ҳам назари устага тушиб, унинг кўнглидан ўтган фикрни авзойидан фаҳмлабди. Кейин дарров ўнта тухумни пиширтириб, ўн хил рангга бўятиб, канизагидан устага чиқарипти. Уста ҳам жуда нозиктаъб, зийрак, донишманд одам экан, шу заҳоти бунинг тагига етибди: «Оббо, Бибихоним мени фаҳмлабди-ку. Бу билан у «Тухум бўялгани билан таъми бир бўлганидек, шойи-атласга белангани ё юпун кийингани билан ҳамма хотин ҳам бир-да» демоқчи. Энди мени Амир Темурга айтиб, ўлдиртиради» деб, қанот ясаб, учиб кетган ва у қилаётган иш қандай қолган бўлса, шундай чала қолган эмиш...



Ваъдага вафо — марднинг иши, ваъдасиз — субутсиз киши.

Чин инсон ҳамиша ваъдасига вафодор бўлмоги зарур. Бировга берилган ваъданинг устидан чиқмаслик — номардлик ва субутсизликнинг ўзгинасидир. Бирмунча мақоллар шу фикр билан йўғрилган. «Ваъда — олтиндан қиммат»; «Ваъда — тош девордан қаттиқ» (яъни, ваъда — тупроқ девордек ёғин-сочинга бардош беролмай, емирилиб, нураб, йиқилиб кетувчи эмас, у бамисоли тош девордек мустаҳкам, чидамли ва бузилмасдир). «Отдан отнинг неси кам, ўзи тарлон кўк бўлса, Эрдан эрнинг неси кам, ваъдасига берк бўлса», «Ваъда — вафоси билан гўзал»; «Лафзи ҳалолнинг юзи ёруғ»; «Ваъдани беришга шошилма, ваъдани бажаришга шошил»; «Ваъда — қуруқ, бажарилса — улуғ»; «Ваъдани бузган тўзар»; «Ваъдага — вафо, Вафосизга — жафо»; «Эрман деганнинг ваъдаси — туз, Ваъдаси туз бўлмаса, умидингни уз» (туз «тўғри» деган маънода); «Ваъдага вафо синоқли кунда синалади»; Ваъдабоз киши ёлғончи бўлади» («Ана уни ундай қиламан, мана буни бундай қиламан, деб кўпдан-кўп ваъда берувчи одамнинг гапига ишонма, у бари бир бу ваъдаларининг устидан чиқолмайди», дейилмоқчи). «Қуруқ ваъда — бўш омбор»; «Қуруқ ваъда — пуч ёнғоқ»; «Шўр сувда совун кўпирмас, Қуруқ ваъда қорин тўйдирмас»; «Вафосиз йигитдан вафоли ит яхши»; «Вафоли дўст йўлга солар, Вафосиз дўст пойдан олар»; «Вафосизга берилма, Вафолидан айрилма».

Вақ-вақ этар қурбақа, чумолидан дам кутиб.

Вар.: «Чумолининг уйига қурбақа чивин сўраб келибди»; «Чумолидан қўрбақа хайр сўрабди». Мақолларда ишёқмас, дангасалар кўпинча қурбақага, ишчан, меҳнатсевар эса чумолига ташбиҳ қилинади. Бу бежиз эмас, албатта. «Баъзи жондорлар қишга тайёргарлик қилмай, совуқ тушиши билан каваклларга кириб ётишади... Чумоли қишда кун кечириш учун бутун ёз бўйи инига дон-дун ташийди. Улар аҳил бўлиб меҳнат қилишади. Инни озода сақлашади. Йиққан дон-дунларининг яхши сақланишини кузатиб боришади». Юқоридаги мақолларни ишёқмаслик, дангасалик оқибатида турмуш кечиришда қийналадиган, алоҳа мажбур бўлгач, бировдан бир нима сўраб, ёлворадиган одамларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Вақт тоғни емирар, сув тошни кемирар.

Мажози: Табиат қонунига кўра ўтган вақт, ўтган умр ҳар қандай бақувват одамни ҳам қаритади, ҳолдан тойдиради».

Вақтинг кетди — нақдинг кетди.

Инсон ҳаётида вақт энг қимматли саналади. Кўпни кўрган ота-боболар мақоллар ва ҳикматли сўзлар воситаси билан вақтнинг ҳар бир дақиқасидан ниҳоятда унумли фойдаланиб қолишга, бирор дақиқани ҳам зое ўт-

казмасликка даъват этганлар: «Вақтдан ютдинг — бахтдан ютдинг»; «Вақтинг кетди — бахтинг кетди»; «Вақт кетди, вақт кетди — Тожу сари тахт кетди»; «Фурсатни ўтказдинг — ютқаздинг»; «Вақиллаган вақтин ўтказар, Қўлидаги нақдин кетказар»; «Вақт — оқчадур, Ғофил бўлсанг — қочадур»; «Вақтим бўшга кетди, Эрим гўш(т)га кетди»; «Кунниинг ғами — саҳардан, Йилнинг ғами — баҳордан»; «Саҳар турмоқ — саодатдир»; «Тонг турганга — тоза ҳаво, Кеч турганга — не раво?!»; «Эрта турмоқнинг хислати кўп»; «Баҳор келди — наҳор келди»; «Келса баҳор, тургил саҳар»; «Кун кўраман десанг, эрта тур»; «Эр киши эрта туради»; «Эрта турган эркакнинг бир ризқи ортиқ, Эрта турган аёлнинг икки ризқи ортиқ»; «Уч кун барвақт турган — бир кун ютар»; «Эрта турган — иш битирар, Кеч турган — кўп туртинар»; «Кеч ёт, эрта тур, Олти дастани ортиқ ур» (даста — ўғир дастаси). «Эрталабки иш — кўнгилни қилар хуш»; «Эрталабки муштдан ҳам қайтма» (эътиқодий тушунчага кўра, эрталаб барвақт турган одамларга фаришталар ризқ улашармиш. Шунинг учун «Эрталаб вақтли туриб, биринчи галда эшигингни очиб қўй», дея насиҳат қиладилар); «Вақт кетига қайтмас, Сув кетига оқмас»; «Вақт — учқур қуш»; «Вақт — ганимат, ўтса — надомат» (надомат — пушаймон, афсусланиш, таассуф). «Вақт кутиб турмайди»; «Кун қайтар, замон қайтмас»; «Ўтган умр — чириган кўмир»; «Ёқут билан вақт топилмас, Вақт билан ёқут топилар»; «Йўқолган олтин топилади, Йўқолган вақт топилмайди».



Гавҳар кўп бўлса, қадри бўлмайди.

Вар.: «Шакарнинг ози ширин». Мажози: «Ҳар бир яхши нарсанинг ҳам ози яхши, қадрли бўлади. Кўп бўлса кўнгилга уради, қадри кетади».

Гадой аразласа — тўрвасига зиён.

Вар.: «Ғарибнинг қаҳри — жонига бало». Мажозий маъноси: «Биров сенга бир нима бермоқчи бўлса-ю, сен у нарсани кам деб билсанг, менсимасанг, такаббурлик қилсанг, аразласанг, у одам бермайди қўяди, қайтага ўз ризқингга ўзинг зиён келтирасан холос».

Гадойга бир эшик ёпиқ бўлса, бир эшик очиқ.

Гадойни биров ҳайдаб чиқарса ёхуд бир эшик қулф бўлса, бошқа бир қанча эшик очиқ бўлади, ўшалардан ризқини топиб кетаверади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажози: «Бирор нарсага муҳтож бўлиб қолган одам сўраб борган одамидан рад жавобини олса-ю, бундан хафа бўлиб қолса, атрофдагилар унга: «Хафа бўлманг, бу бермаган бўлса, бошқа берадиганлар топилади» деб тасалли берадилар.

Гадойнинг хуржуни тўлса ҳам, кўзи тўймас.

Бунда гарчи гадой мисолга олинган бўлса ҳам, бевосита гадойларга нисбатан эмас, балки унча-бунча нарсага, фойдага, мол-дунёга қаноат қилмайдиган, яна бўлсин, яна ҳам кўпайсин, деган ниятда ўлган-тирилганига қарамай ҳаракат қилаверадиган одамларга нисбатан қўлланади. Вар.: «Гадойга чориқ берсанг, ямоқлигини ҳам тилайди»; «Гадой бир кечада неча бойир» (ҳаёли билан, дейилмоқчи). «Гадойга оқ халта ҳам бир, кўк халта ҳам бир». Мажози: «Пул, мол кўпайтириш пайига тушган одамга ҳалол ҳам бир, ҳаром ҳам бир, чўнтаги тўлса бас. «Гадой олдида ёнчиқ кавлама» («Ёнчиқ кавласанг, менга бераяптиёв деб ўйлаб, дарров сендан умидвор бўла қолади», дейилмоқчи). «Гадо гадони кўролмайди» («Менга тегадиганини у илиб кетади», деган ҳаёлга боради»; «Гадойнинг душмани — гадой»; «Гадо гадога хайр қилса, худо томоша қилар»; «Гадо — гадога, хайр қилса, худо шодиёнасини қоқар» (Илгари бирор ғалабага эришсалар, бу шодиёна шарафига ноғора-ю, карнай-сурнайлар чалинарди. Мазкур мақолда гадой дейилганда зиқна, хасис одам назарда тутилган. Бундай одам бировга ўлақолса бир нима бермайди. Агар берса эди, худо шодиёнасини қоқиб юборади, деб муболага қилинган).

Гап билмаган оғиздан, гапиролмас гунг яхши.

Вар.: «Гап билмаган маърака бузар»; «Гапи ганга ўхшамас, Оғзи гапдан бўшамас»; «Гапи тўмтоқнинг — ўзи тўмтоқ»; «Гапи сассиқнинг — ўзи сассиқ»; «Ириган оғиздан чириган гап чиқар»; «Сўз билганга — минг танга, Сўз билмаганга — хайф санга»; «Гапни гапирса, гапдон гапирсин!» Гап билмаган одам дилидаги мақсадини бировга аниқ тушунтиролмайди, натижада биров билан битадиган ишини ҳам битиролмайди.

Бундан ташқари, гап билмаган, яхши-ёмон гапнинг фарқига бормайдиган, оғзи коски одам кўпчилик ўртасида сўзлагудек бўлса, ҳамманинг энсасини қотиради, ёлиқтиради, ғазабини келтиради, кайфиятини бузади. Шу боисдан: «Гапни гапир жойи билан, Ошни ёғи жойи билан» деб насиҳат қиладилар.

Гап кўп, қўмир оз.

Ўтмишда узундан-узоқ қиш кечаларида қўни-қўшнилар, ёр-дўстлар бир уйга йиғилиб, танча атрофига ўтириб олиб, гурунглашардилар. Шунда суҳбат ҳаддан ташқари чўзилиб кетса, уй эгаси ёхуд суҳбатдошлардан бири «ярим ҳазил, ярим чин» қабилида: «Етар энди, вақт ҳам алламаҳал бўлди, уй-уйларингизга жўнангиз энди» деган маънода мазкур мақолни айтарди. Кейинчалик ҳам бу мақол гап ниҳоятда чўзилиб кетган пайтда айтиладиган бўлиб кетган. Вар.: «Иш кўп, темир оз, Гап кўп, кўмир оз»; «Қиш ўчоғи тор, Тур уйингга бор!»

Гапда қанқув ёмон, дардда санчув ёмон.

(қанқув — кесатмоқ, пичинг қилмоқ). Вар.: «Пичир — пичирдан ўт чиқар»; «Сўзнинг ёмони — пичир, Дарднинг ёмони қичир»; «Сўзнинг ёмони — санчиқ, Дарднинг ёмони — қуёнчиқ» (қуёнчиқ — тутқаноқ, эпилепсия). Халқимиз ўзининг кўпгина мақолларида сўзлаш одобига қаттиқ риоя қилиш зарурлигини уқдирган. Ўзаро пичирлашиб, ён-атрофдагилардан гап бекитиб, бировнинг орқасидан гапириш, ғийбат қилиш, шунингдек, «юзингда кўзинг борми» демай, бировга кесатиқ қилиб, пичинг қилиб, санчиб-санчиб гапириш — ўтакетган ёмон одат. Халқ «тил учи»да сўзлашни ҳам қоралайди: «Кўз учиман кўзлама, кўзингга зарар келар, Тил учиман сўзлама, ўзингга зарар келар».

Гапиргандан гапирмаган яхшироқ, гапирувдим, бошимга тегди таёқ.

Бир подшонинг гунг ўғли бўларкан. Уни ҳеч ким гапиртиролмас экан. Кунлардан бир кун подшо қаролларига: «Ўғлимни бир овга олиб чиқинглар, ёзилиб келсин. Зора шундан кейин гапирадиган бўлиб кетса»,— дебди. Қароллар соков болани олиб, овга жўнабдилар. Улар бир жойда кийикни отишаётганда, бола кийикка ачиниб: «Вой отишаяпти!»— деб юборибди. Қароллар кийикни ҳам отмай, подшо олдига суюнчига югуришибди. Уйга қайтгач, бола яна гапирмай қўйибди. Сабр косаси тўлган подшо аччиғланиб, жаҳл устида ўғлининг бошига ҳассаси билан туширириб қолибди. Шунда ўғли: «Гапиргандан гапирмаган яхшироқ, Гапирувдим, бошимга тегди таёқ», деган экан. Кейинчалик бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб кетган. Ўринсиз гапирмаслик, ҳар бир нарсага аралашавермаслик, ҳар бир гапни ўйлаб гапириш зарурлигини уқдирмоқчи бўлганда шу мақолни қўллайдилар. Вар.: «Таъбга гапирган яхши, Индамаган — ундан яхши»; «Гапириб пушаймон егандан — гапирмай доғда қолган яхши».

Гапни гапир уққанга...

Бу мақолнинг тўлиқ варианти шундай: «Гапни гапир уққанга, Жонни жонга суққанга, Гапни гапириб нетарсан, Онаси бевақт туққанга». Мазкур мақолга «Онаси бевақт туққан» ибораси сингдириб юборилган. Бунинг маъноси шундай: Одатда совлиқлар бир вақтда кочиб, бир вақтда — баҳорда қўзилайдилар. Аммо, бевақт кочиб қолган совлиқ қишда, яъни бевақт тугиб қўяди. Бу бевақт туғилган қўзини «ҳарамза», «ҳарамзода» деб атайдилар. Мажозда аҳмоқ, ярамас одамни шу ҳарамза қўзига нисбат бериб, онаси бевақт туққан, деб атайдилар. Юқоридаги мақол билан: «Гапни уқадиган, жон қулоғи билан тинглайдиган ва илтимосинг-

ни рад этмайдиган одамга гапир. Ярамас, аҳмоқларга гапириб ҳам ўтирма, барибир уқдиролмайсан, гапинг зое кетади», демоқчи бўладилар. Бу фикрни қуйидаги мақоллар қувватлайди: «Ўгит бер — ўгит олганга, Насиҳат қил — қулоқ солганга»; «Ялқовга юк юклатма, Аҳмоққа ақл ўргатма»; «Аҳмоққа ақл ўргатиб бўлмас»; «Аҳмоқ ўзи билмас, Билганнинг сўзига кирмас»; «Дала-тузни сув олса — қўнғир ғознинг тўшидан, Қулоқсизга сўз айтсанг — қулоғининг ташидан»; «Ит ялогида банд бўлмас, Аҳмоқ қулоғида панд бўлмас»; «Телба қулоғида панд бўлмас, Қўйнинг оёғида банд бўлмас» (одатда от, эшакнинг оёғини боғлайдилар-у, қўйнинг оёғига банд солмайдилар. Банд унинг бўйнида бўлади); «Аҳмоққа айтган билан гап уқмайди, Харсангга қоққан билан мих ўтмайди»; «Тошга ёмғир кор этмас, Аҳмоққа сўз кор этмас»; «Мўҳмўҳ» деса, қўй ҳам тушунади, «Қўй-қўй» деса ҳам, аҳмоқ тушунмайди»; «Бир ақлсизга ақл бергандан — Қоф тоғини эгов билан ун қилган осон»; «Ақллига сўз айтсанг, уқиб олар, Аҳмоққа сўз айтсанг, ақлинг қолар»; «Ақллига сўз айтсанг, кўп кечикмай битади, Ақлсизга сўз айтсанг, сув тагига кетади»; «Оқма қулоққа айтсанг, оқиб кетар, Қуйма қулоққа айтсанг, қуйиб олар»; «Ёмонга айтган сонсиз сўзим, Келмасга йиглаган эсиз кўзим» (келмас деганда ўлган одам назарда тутилган); «Ўликка йиғлаган эсиз кўзим, Нодонга сўзраган эсиз сўзим»; «Сангровга айтган эсиз сўзим, Ёмонга қараган эсиз кўзим» (сангров — кар қулоқ); «Уқмасга айтма, тўлмасга қуйма, тўймасга берма». Эй кўнгил, одам хаёл айлаб, дема нодонга сўз, Чунки ул инсон эмас, топсанг дегил инсонга сўз. Сўздур инин кўнглида бир гавҳари қиймат баҳо, Они хор этма, дебон ҳар хуши йўқ ҳайвонга сўз (Огаҳий).

Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла.

Қуруқ гап гапиргандан кўра амалий иш қилиш зарурлигини, бу эса кишига фойдадан ҳоли эмаслигини уқтирувчи бу сингари мақоллар кўп: «Тилинг сўзда бўлса ҳам, қўлинг ишда бўлсин»; «Тилинг сўзласин, қўлинг ишласин»; «Гап кўп жойда иш оз бўлур»; «Кўп гапиргандан кўп иш кутма»; «Қўл билан қилар ишни тил билан қилиб бўлмас»; «Гап билан шошма, иш билан шош»; «Гап билан мақтанма, Иш билан мақтан»; «Сўз тўйғизмайди, иш тўйғизади»; «Тилинг билан дов кўтаргунча, Ишинг билан донг кўтар»; «Гап билан ваъда берма, Иш билан далда бер»; «Ҳар кунги ваъзхонликдан — бир кунги жонбозлик яхши»; «Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши»; «Мингта чиройли сўздан — битта хунук иш яхши».

Гапнинг тагини гап очар.

Вар.: «Гапни кавласанг, гап чиқар»; «Гапдан гап чиқар, чўпдан — хас». Одатда кишига номаълум бўлиб, сир бўлиб келаётган нарсанинг сабабини, асл моҳиятини бирор киши атайлаб ёхуд билмасдан айтиб қўйган сўз очади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, киши сўраб-суриштириб, гапнинг «тагини кавлаб», ўзига мавҳум бўлиб келган нарсанинг тагига етиб олади. Мазкур мақоллар шундай ҳолларда қўлланилади.

Гилам сотсанг, қўшнингга сот — бир чеккасида ўзинг ўтирасан.

Мажозий маъноси: «Бирор нарсангни сотадиган ё бировга текинга берадиган бўлсанг, нотанишга, етти ёт бегонага эмас, ўз танишларингга, яқинларингга, қўни-қўшнингга сотганинг ё берганинг маъқул. Чунки улар бу нарсани ҳар кўрганда сени эслайдилар, сендан миннатдор бўладилар, вақти келиб ўша нарсангнинг фойдаси ўзингга ҳам тегиб қолади».

Гина — адоватнинг қўшниси.

«Бўлар-бўлмас нарсага бировдан гина қилиб, кек сақлаб юрма. Бундан икки ўртага совуқлик тушиши, ҳатто адоват, душманлик пайдо бўлиб,

кўнгилсиз ҳоллар юз бериши ҳам мумкин», дейилмоқчи. Вар.: «Кекчил бўлма, эпчил бўл»; «Гина қилган оғайнидан умид йўқ»; «Гинали дўст— адоватли душман».

Гоҳ пирдан, гоҳ муриддан.

Пир — эшон, диний мазҳаб бошлиғи, диний раҳбар. Мурид — пирга эшонга ихлос қўйиб, унга қўл берган одам, мухлис, шогирд. Пир. эшонлар муридларининг ҳисобига яшашар, турли йўллар билан улардан бир нима ундиришар эди. Мурид лар вақт-вақти билан пирнинг ҳузурига келиб, у-бу нарса бериб кетишарди. Баъзан мурид лар бирмунча вақт келмай, ҳаяллаб кетсалар, «ўрганган кўнгли ўртанган пирнинг ўзи уларни излаб топарди. Шунда мурид: «Ие, пирим, овора бўлибсиз-да», деса, у: «Ҳа, зиёни йўқ, келиб-кетиш навбати гоҳ пирдан, гоҳ муриддан-да» деб, хижолатини яшириб қўяколарди. Ёши катта одам ўзидан кичик одамни ёхуд юқори мартабадаги одам ўз қўл остидаги одамни бирор сабабга кўра (масалан, у сафардан қайтиб келганда; бетоб бўлиб ётганда ва ҳ.к.) кўргани келса-ю, мезбон бундан хижолат тортиб, ноқулай аҳволга тушса, мажозий маънода юқоридаги мақолни айтадилар. Вар.: «Замона охир бўлса, пир муридни ўзи излар»; «Гоҳ хўжадан, гоҳ фуқародан».

Гул бўлиб туғилиб, сассиқ алаф бўлиб яшама.

Вар.: «Каптар бўлиб туғилгансан, қарға бўлиб ўлма»; «Гўнг қарға бўлиб минг йил яшагандан шер бўлиб бир йил яшаган афзал». Булар билан: «Инсон боласи туғилганда пок бўлиб, туғилади. Аммо баъзилар ўз ҳаётлари давомида инсонийлик шаънига нолойиқ ишларни қилиб, нопок бўлиб, одамлар ўртасида ёмон аталиб, шу ёмон ном билан ўлиб кетадилар. На тирикликда ва на ўлгандан сўнг эл-юрт орасида зиғирча қадр-қимматлари бўлмайди. Сен бундай қилма, инсонийлик шаънига доғ туширма. Ҳамма қатори оқ бўлиб туғилгансан, қора бўлиб ўлма», деган маънода насиҳат қиладилар.

Гул — даста-даста, гул бермаган — нокаста.

Қадимий одамга кўра, гулзорга келиб, гул сўраган кишининг сўзини ерда қолдиришлик қаттиқ айб саналади. Мазкур мақолни бирор нарсаси ортиб-тортиб ётган бўлишига қарамай, сўраб келган одамга бермайдиган нокаста одамларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Гул тиконин заҳри ёмон, қизмонанднинг қаҳри ёмон.

Халқ назарида қиз деган ипакдай майин, иффатли, ориятли, ширинсуҳан бўлмоғи зарур. Бундай қизларни «Пардали қиз — парига тенгсиз», деган мақол билан мадҳ этадилар. Аксинча, қизларнинг қўпол муомалали, ориятсиз, шарттаки, «бетга чопар», қаҳр-ғазабли бўлишини сира-сира ёқтирмайдилар. Юқоридаги мақолда шу нарса ўз аксини топган.

Гул тиконсиз бўлмас.

Мажозий маъноси: «Ҳар қандай яхши нарсанинг ҳам бир ёмон томони бўлади, машаққатсиз роҳат йўқ«. Тиконсиз гул бўлмас, оғусиз — бол»; «Бол бор ерда — ари бор»; «Гул тиконсиз бўлмас, Сафо — жафосиз» (сафо — хурсандчилик кайфияти; ҳузур, гашт); «Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас»; «Гулга боқ — тиконни кўр, ёрга боқ — жафони кўр»; «Гулни гул дерму киши, Гулнинг тикони бўлмаса, Ёрни ёр дерму киши, Ёрнинг жафоси бўлмаса»; «Гул тилаган хор жафосин чекар, Кимки асал еса, ариси чақар» (хор — тикон); «Гулни севган — тиконига ҳам чидайди»; «Асални яхши кўрган — аридан қўрқмас»
«Жафосиз вафо йўқ»; «Жафосини тортган — вафосини топади».

Топмадуқ гулранг жоми бехумор,
эй боғбон,
Ваҳки, бу гулшан аро гул бутмас
эрмиш хорсиз
(Навоий).
Дедимки, рақибимни қошингдин
кўтар, айтур:
Бир гул кони ким, олдида юз хор
топилмас
(Лутфий).
Ҳар шакарнинг талхи бордур, ҳар
тиконда гул битар,
Ҳар ғамнинг бир шоди бор, беҳуда,
эй жон, ғам ема
(Сайёдий).
Тикансиз гул, садафсиз дур,
машққатсиз ҳунар бўлмас,
Риёзат тортмагунча ёр васлига етиб
бўлмас
(Машраб).

Гулсиз булбул — унсиз булбул.

Мажозий маъноси: «Ёрсиз киши чеҳраси очилмай, ўйнамай-кулмай, доимо ғамгин бўлиб юради», Вар.: «Гул очилмаса, булбул сайрамас»; «Ҳар ким беёрдир — бемордир».

Гумон имондан айирар.

Вар.: «Гумон дўстни дўстдан ажратар»; «Гумондор кўнгилдан гумон аримис»; «Гумонсираган — ҳадиксирар». Маъноси: «Агар киши бировдан гумонсираб қолса, унга бўлган имон-ишончини йўқотади. Шунинг учун бировдан, айниқса ўз яқинларидан, ёр-дўстларидан бўлар-бўлмасга, бесабабдан-бесабаб гумон қилавериш яхши эмас».

Эллар ҳой, мажнун тоғининг,
Бошидан туман кетмасмиш.
Шубҳага мойил бўлганнинг
Кўнглидан гумон кетмасмиш
(Махтумқули).

Гўшт олишни билмайман, ёғ-ёғидан кесиб бер.

Бу мақол айёр, аноийи, муғамбир одамлар тилидан айтилган ва шундай одамларга нисбатан истеҳзо, киноя тарзида қўлланади.

Гўшт суяксиз бўлмас, шоли — курмаксиз.

Вар.: «Бугдой ичида қорамуғи ҳам булади». Қорамуғ — бугдай орасида ўсадиган гиёҳ, унинг дони аччиқ, таҳир бўлади. Агар териб ташланмаса, уни ҳам аччиқ ва таҳир қилиб қуяди. Мазкур мақоллар: «Ҳар қандай яхши нарсанинг ҳам бир камчилиги бўлади» ёхуд одамлар орасида ёмон одамлар ҳам бўлади», деган маънода қўлланилади.



Давлат — оғиз бирликда.

Давлат — бу ерда «бойлик, омад, муваффақият, бахту иқбол» деган маънода келтирилган. Мазкур мақол билан: «Хоҳ оилада бўлсин, хоҳ жамоатда бўлсин, бир-бирини тўғри тушуниб, бир ёқадан бош чиқариб, бир оғиздан сўз чиқариб, иттифоқ бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаб, иноқликда иш кўриш — катта давлат, муваффақият негизи», демоқчи бўладилар.

Давлат қуши қўнса чивин бошига, семурғ келар кунда унинг қошига.

Афсонавий тушунчага кўра, қадим замонларда агар подшо ўлиб, юрт подшосиз қолса-ю, унинг меросхўри, яъни фарзанди бўлмаса, «давлат қуши» деб аталмиш бир қушни бирор ердан учириб юборарканлар. Бу қуш учиб бориб кимнинг бошига қўнса (у одам бойми, камбағалми, эркакми, аёлми, каттами, кичикми, кўрми, карми, соковми, чўлоқми ва ҳ. к. бундан қатъи назар), ўша одамни олиб келиб, юртга подшо қилиб кўярканлар. Семурғ — Қоф тогида яшовчи афсонавий қуш. Уни «Анқо», деб ҳам атаганлар. Юқоридаги мақол билан мажозан: Агар кимни бирор амалга минса ё катта бир бойликка эга бўлиб қолса (у жисмоний ё ақлий тарафдан заиф бўлишидан қатъи назар), ҳамма (ҳатто ундан жисмонан катта, ақлан устун бўлганлар ҳам) унга келиб бош эгади, бўйсунади, фармонига мунтазир бўлиб туради», демоқчи бўладилар. Вар.: «Олти яшар отга минса, Олтмиш яшар салом берар».

Давлат ҳам — эгиз, маҳнат ҳам — эгиз.

Бунда ҳам «давлат»— «бойлик, омад, муваффақият, бахту иқбол» маъносида, «меҳнат» эса — «машаққат, ғурбат, омадсизлик, бахти қаролик» маъносида келтирилган. Кишилар: «агар одамга бир омад келса, устма-уст (яъни, эгиз-эгиз, қўшалоқ-қўшалоқ бўлиб) келаверади, агар одам машаққат, омадсизликка бир йўлиқса, кема-кет йўлиқаверади», деган тушунчада бўлганларки, мазкур мақол ана шунинг маҳсулидир. Аслида эса, баъзи одамларда бўлиб турадиган бу ҳол — ҳаётий қонуният эмас, балки тасодифий ҳолдир.

Даврадан жим чиқиб кетишлик ҳам — донолик.

«Бирор жанжалли суҳбат даврасида гапга аралашмай, ўз бошига ўзи ғалва орттирмай, жимгина чиқиб кетган киши ақлли, доно одамнинг ишини қилган бўлади», дейилмоқчи.

Давринг кепти — сур бегим, давронинг кепти — ур бегим!

Ўтмишда бу мақолни «қамчисидан қон томадиган», қўл остидаги хизматкорларни уриб, сўкиб, қон қақшатадиган бек, ҳоким ва амалдорларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллаганлар.

Дадам беради чолларга, чоллар яхши болларга.

Инқилобдан илгари ислом таълимотининг ва шариатда қонунлаштирилган тартиб — қоидаларнинг зарарли томонларидан бири шу

эдики, қизлар жуда ёш пайтидаёқ, ҳали балоғатга етмасиданоқ эрга (кўп ҳолларда пулдор чолларга) бериб юбориларди. Шариат қизларни тўққиз ёшдан балоғатга етган деб ҳисобларди. Бу нотўғри таълимот ўта реакцион характерга эга бўлган бирмунча мақолларнинг юзага келишига сабабчи бўлган. Масалан: «Дарё тошса кенг бўлади, Қиз ўн бешдсан ошса, ҳайвон билан тенг бўлади», деган мақол ҳам мавжуд эди. Шариат қизларни сотишга ҳуқуқ бергани учун уларни ўз оталари, ака-укалари пул, мол баробарига сотиб юбораверардилар. Айрим кишилар ўз жигарбандлари бўлмиш, қизни сотиш ҳисобига баъзан катта бойликка эга бўлишни, баъзан эса кечираётган қийин турмушларини бир оз бўлса ҳам енгиллаштиришни ўйлаганлар. Улар ўзларининг бу ниятлари йўлида қизнинг хоҳиши билан ҳисоблашмаганлар, «қизлар турмушга чиқаётганда шунақа кўз ёши қилаверадилар-да» деб, уларни мажбуран узатиб юбораверган. Бу фикрга қуйидаги мақоллар далил бўла олади: «Йиғлаб-йиғлаб эрга борар, Қиздин айёр қайда бор?!»; «Туганчагин тугиб турган тайёр қиз йиғлаб-йиғлаб эрга борар, айёр қиз». Хотин-қизларга нисбатан бундай ёвузларча муносабат натижасида ҳаётда кўплаб кўнгилсиз воқеалар, фожиалар содир бўлган. Айниқса, тенгсиз, никоҳ натижасида минг-минглаб ёш қизлар майиб бўлиб, қолганлар, айримлари эса ҳар хил касалликларга мубтало бўлиб, ҳаётдан кўз юмганлар. Бундай нохаклик ва адолатсизлик дастидан зор-зор йиглаган хотин-қизлар ўз оғзаки ижодларида, айниқса қўшиқ ва мақолларида ўзларининг оғир қисматларини ёркин ифода этганлар: «Ўлганимнинг кунидан чолга тегиб бораман»; «Этагимми» енгимми, Ўша менинг тенгимми?!»; «Ўн тўртимда хотин бўлдим, Ўттизимда ўтин бўлдим»; «Аввал эдим гул тувак, Охир бўлдим ит тувак»; «Аввал эди гул тувак, Отиб урди — кул-кумак»; «Оғзимда ошим, Кўзимда ёшим»; «Сиртим бутун, Ичим тутун»; ва б. От богладим харига, Харидан ҳам нарига, Отам мени сотдилар, Ўзидан ҳам қарига; Аравaнинг тагида бир боғ похол, ёр-ёр. Куёв поччам сўрсанг, Пахмоқ соқол, ёр-ёр (Халқ қўшиғи). Қизлар ўзи тенг-тўшлари билан турмуш қуришни орзу қилганлар. «Чолнинг кулчасидан йигитнинг қамчиси яхши». Халқ оммасининг илғор дунёқарашдаги вакиллари моддий манфаат йўлида ёш қизларни сотишдек ярамас ва шармандали одатни қаттиқ қоралаганлар, унинг аянчли оқибатини кўрсатганлар: «Эрта пишган олма эрта чирийди»; «Бот очилган гул бот сўлийди».

Даланинг кўкига ишонма, одамнинг — пўкига.

Вар.: «Кўкини кўриб, кўксингни керма». «Экиним кўм-кўк бўлиб ўсаяпти-ю, деб унинг кўкига ишониб, шу билан мақтаниб юрма. Ҳосил унинг кўкига боғлиқ эмас. Бепарво бўлиб юрмай, экинингга қайта-қайта ишлов беравер, шундагина кутган ҳосилингни ола оласан», дейилмоқчи.

Дамачининг қовунини емабсиз — дунёга келмабсиз.

Дамачи — Тошкент яқинидаги (ҳозирги Қалинин районидаги) бир қишлоқ. Ҳасанбой хусайниси, Қува анори, Варганза узуми, Марғилон турпи, Оққўрғон анжири билан қадимдан машҳур бўлгани каби Дамачи шириншакар қовунлари билан машҳур эди. Юқоридаги мақолни кўпроқ дамачилик деққонлар қовун сотаётганда ёхуд ўз қовунларини бировга таърифлаганда айтардилар.

Дангасанинг иши битмас, ёз келса ҳам қиши битмас.

Халимиз ўзининг бир қанча мақолларида ишёқмаслик ва дангасаликни, ялқовлик ва эринчоқликни энг ёмон иллат сифатида қаттиқ коралайди, ишламай-кучламай, бекор лақиллаб юрувчи шахслар устидан кулади, ишёқмасликнинг оқибати ёмон бўлишини кўрсатади: «Ялқовнинг ёви — юмуш»; «Ялқовга

булут сояси ҳам — юк»; «Данғасага остона тепа бўлиб туюлади»; «Эринчоқнинг оғзини ит ялайди» («Эринчоқ овқатлангач, лаби-лунжида қолган юқи-юрумини ит келиб яласа, «Тур кет!» дейишга ҳам эринади», дейилмоқчи); «Арғумоним жиртак отди, Лойни кўриб тап-па ётди»; «Данғасанинг важи кўп, Оҳангсизнинг авжи кўп»; «Ўтлоқда бедана кўп, данғасада баҳона»; «Шотининг поғонаси кўп, Ялқовнинг баҳонаси кўп»; «Ишёқмасга — ич оғриғи баҳона»; «Ўроқчининг ёмони ўроқ танлар» («Ҳарна вақт ўтса-ю, камроқ ишласам, деган мақсадда ўроқ танлайди», дейилмоқчи). «Ишёқмас мардикор кетмон танлар»; «Ёмон косиб бигиз танлар» «Туякушга «уч» десалар, «мен туяман» дебди, «бўлмаса юк кўтар» десалар, «мен қушман» дебди»; «Ялқов хотинга боласи борлиги — баҳона» (Одатда хотинлар бирор ерга — тўйга, зиёфатга, маъракага борсалар, кўпинча (айниқса ёш болалилар) ўз болаларини ҳам бирга олиб борадилар. Агар борган ерлари қарindош-уруғлари ё яқин таниш-билишлариники бўлса, хизмат қилишлари, уй эгасига кўмаклашишлари керак бўлади. Бу мақолда: «Шундай пайтда ялқов хотин боласига қараган бўлиб, ўзини ишдан олиб қочади», дейилмоқчи. «Ишёқмасга гап юқмас»; «Эринчоқ эшикка чиқса, от ёллайди« («Яқингина ерга ҳам пиёда боргиси келмай, пул бериб, от ёллайди», дейилмоқчи).

«Эринчоқнинг дўпписи ерга тушса, пул бериб олдиради»; «Ялқовнинг қўли қўйнидан чиқмас», «Эринчоқнинг қўли етмас, Қўли етса ҳам иши битмас»; «Эринчоқнинг қўли қисқа, Эринмаганнинг — йўли», «Ялқов ётиб буюрар», «Ялқов ўтирган ерида ўтин ёради»; «Қўли билан қовға юлмаган — оғзи билан ўроқ ўради»; «Ялқов ётолмайди, Ётса туролмайди», «Эмринчак ирғаниб тургунча, сигир саккиз тўйиб, ҳўкиз тўққиз тўяди»; «Эринчоқ экинчидан — эринмаган машоқчи ўзибди» (машоқчи — ғалла ўриб-йиғиб олинган майдонда ерга тўкилиб қолган дон-дунни битталаб териб олувчи); «Қамчилатган югурук — эмас» (ўзи хоҳлаб, ўзи билиб, дарров у-бу ишга чаққонлик билан киришиб кетаколмай, ҳадеб гапиртиравердиган, «уни қилгин-буни қилгин», деб қисташга мажбур қиладиган ишловчи эмас», дейилмоқчи); «Қашангни қамчиламаса, юрмас» (қамчилаб турмаса юрмайдиган отни «қашанг дейдилар); «Эринчакнинг эртаси кўп»; «Данғасанинг гапидан бол томади»; «Гап десанг — қоп-коп. Иш десанг — олатогдан топ»; «Гап десанг — қон-коп, Иш десанг — бетоб»; «Данғасага иш буюрсанг, отангдан яхши насиҳат қилади»; «Ўтмайдиган қиш борми, Битмайдиган иш борми?!» (бу мақол данғаса тилидан айтилган бўлиб, данғасанинг ўзига қарата киноя тарзида қўлланилади); «Ёз бор, қиш бор, Данғасада на иш бор?!» «Ишликнинг иши битар, Ишсизнинг куни ўтар»; «Иши йўқ ит суғорар» (Одатда отни, эшакни, сигирни ва б. суғорадилар-у, аммо ҳеч вақтда итни суғормайдилар. Мазкур мақол билан «Фойдали иш қилишдан ўзини олиб қочадиган, эринадиган одам зерикиб, нима қиларини билмай, қа ёқдаги бўлмагур, кераксиз, фойдасиз нарсалар билан машғул бўлади», демоқчи бўлганлар). «Иши йўқ эшак ҳуркитар»; «Иши йўқ чивин тутар»; «Иши йўқ иш топар — Иштон солиб, бит боқар»; «Эрмаги йўқ энасиникида сигир соғар»; «Эринчоқ, эринчоққа отасининг соқоли — ўйинчоқ»; «Ишсиз — иягин уқалар»; «Эринмаган эринчак эгагин уқалар»; «Ишчан келса — иш битар, Ялқов келса — иш йитар»; «Ишсиз келиб, ишликни ишдан қўяр»; «Ишчан ерни яшнатар, Ялқов ерни қақшатар»; «Ишчанни ишга чақир, Ишёқмасни ошга чақир» (ишчан одамни ишга чақирсанг, у ишингни қойил қилиб бажараб беради. Бундан сен ҳам ҳурсанд бўласан, унинг ўзи ҳам. Дангаса эса ишни хушламайди, бирор иш буюрсанг, эринади, энсаси қотади, бир тўққиз баҳона қилади, қайтага ўзингнинг дилинг ғаш бўлгани қолади. Шунинг учун дангасани тайёр ошга чақирсанг чақир-у, [illegible] ишга чақира кўрма», дейилм[illegible] деса-ай-

ёр, Ош деса — тайёр»; «Тайёрга айёр»; «Иш деганда — нофармон, Ош деганда — жон қурбон» (нофармон — бўйсунмовчи, итоат қилмовчи); «Иш деса — огрийди ошиқмошиғим, Ош деса — тайёр катта қошиғим»; «Қули-қули, ош қули, Иш десанг, огрир бош-қўли»; «Ош деса — қулт-қулт, Иш деса — қилт-қилт»; «Ош деса — чопар, Иш деса — қочар»; «Ош десанг — ботир, Иш десанг — ётир»; «Ошга қўноқ, Ишга нўноқ»; «От бўлсанг-у, кишнамасанг, Одам бўлсанг-у ишламасанг» (Буни ўтакетган ялқов, ишёқмаснинг тилидан айтилган); «Ишчан тилаги — тонг ота қолса, Эринчак тилаги — кун бота қолса»; «Аҳмоқ кулгига тўймас, Ялқов — уйқуга»; «Ош бўлса-ю, иш бўлмаса, Ёз бўлса-ю, қиш бўлмаса»; «Кунда-кунда тўй бўлса, Ҳафтада ҳайит бўлса, Ўртада бир кун бўлса, У ҳам жума бўлса» (илгари жума куни дам олиш куни ҳисобланган. Бу кейинги икки мақол ҳам ялқол, дангасалар тилидан айтилган бўлиб, уларга нисбатан киноя, истеҳзо тарзида қўлланилади); «Ҳаёсизга ҳар кун — ҳайит»; «Орсизга — олти кун ҳайит»; «Ишчанга йилда байрам, ялқовга кунда байрам». «Ишчан бахтин ишидан излар, Ялқов бахтин кишидан излар»; «Ишёқмасга — ит боқмас»; «Бекорчидан ит ҳам безор»; «Бекордан худо безор»; «Хушёқмасни худо хушламас»; «Бекор, бекорнинг қилмиши — озор»; «Ялқов элга ор келтиради»; «Эринчак элга сиғмас, Пушаймон жойига тушмас»; «Эринчакни эл суймас»; «Эринчакни эр олмас»; «Эринчоқ қиз эрдан қолар»; «Қизнинг анқовидан сақласин, Ўғилнинг — ялқовидан»; «Отнинг ёмони — суринчак, Одамнинг ёмони — эринчак» (суринчак — қоқилувчан); «Ялқов — ўзига ёв»; «Ялқовнинг оши — ёвғон»; «Ётар қурсоқка — ёрти нон»; «Ётган ҳукизга ем йўқ»; «Дангасанинг косаси окармас»; «Ишёқмас — роҳат топмас»; «Эринган икки ишлар, Охири бармоғин тишлар»; «Ялқовлик хасталик келтирар»; «Ялқовликни бозор олмас, Бозор олса ҳам мозор олмас»; «Эринчоқлик — бошга бало келтирар»; «Дунёда ким ўлади — бир кўнгилчак, бир эринчак» (Кўнгилчак одам ҳар ким нима деса, шуни қилаверіб, ҳолдан тойиб ўлади. «Эринчоқ одам эса меҳнат қилмай, маблағ топмай, кишиларнинг қўлига қарам бўлиб, муҳтожликда ўлиб кетади», деган маънода муболаға қилинган); «Ишчанлик тўрга тортар, Ялқовлик гўрга тортар» (Ишчан одам эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, ҳар ерга борса, уни иззат-ҳурмат қиладилар, тўрга таклиф этадилар. Ялқов, ишёқмас, дангасалар эса эл кўзига ёмон кўриниб, хор-зорликда яшаб, дунёдан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетадилар», дейилмоқчи); «Ялқов бойимас, суқ семирмас»; «Ғайратлининг оғзи мой, Ғайратсизнинг ҳоли вой»; «Бахт ялқовга бегона»; «Дангаса дамин есин, Ишлашнинг гамин есин»; «Дангасага раҳм қилсанг, дангаса кўпаяр»; «Ишёқмасни қолдирма, Обрўйингни олдирма!»

Дарахт бир жойда кўкаради.

Бу мақол билан: «Ҳаётингни ўтказиб турган ерингнинг шарт-шароитига кўник. Агар бу шарт-шароитларни ёктирмай, иссиқ ўрнингни ташлаб, яхшироқ ерни қидириб кетсанг, барибир қадр-қиммат топа олмайсан. Ўз ерингга қаноат қилсанг, бора-бора, камолга етасан, шундайликча қолиб кетмайсан, бирнинг икки, ёмонинг яхши бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар .— Дарахт бир жойда кўкаради,— деб насиҳат қилади Олахўжа.— Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қадам жилган эмас эди. Сен дайди бўлиб қолдинг дейди. (П. Турсун, Ўқитувчи)

Дарахт кесувда арра-болта дўст бўлур.

Мажозий маъноси: «Ёмонлар бир-бирларига зид, рақиб бўлиб юрсалар ҳам, кези келиб бирор ғаним ўлжа топилиб қолса, уни ўзлаштириш мақсадида бир-бирлари билан иноқлашиб, бир-бирларига кўмаклашадилар»,

Дарахт соп бермаса, болта кесолмас.

«Дарахтнинг ўз ёғочи болтага соп бўлиб, тагидан қулатгани каби юрт ичидан чиққан сотқин душманга сир-асрорни маълум, қилиб, юртнинг душман томонидан забт этилишига кўмаклашади», дейилмоқчи. Вар.: «Ёғочнинг понаси ўзидан бўлади» (Бунинг тўғри маъноси шуки, ёғочнинг ўзидан чиққан пона ўзини ёришларига ёрдамлашади).

Дард бошқа, ажал бошқа.

Касалга чалинган одамга шу мақол билан далда ва тасалли берадилар, унга умид бахш этадилар. Вар.: «Иссиқ жон иситмасиз бўлмас»; «Дард берган — дармон ҳам беради»; «Дард — меҳмон, Тана — кўрғон».

Дарддан қутулиш осон, датдан қутулиш қийин.

Киши бирор дардга йўлиқса, дори-дармон қилиб, ундан қутулиши мумкин. Аммо кишига дат, (яъни, дог, ёмонлик доғи) тегса, ундан қутулиши қийин, аксарият ҳолларда ўла-ўлгунча қутулолмайди.

Дарди борнинг дармони йўқ.

Дардга чалинган кишининг оғир аҳволини ифода этувчи бу мақолнинг бир қанча варианти бор: «Дард келганда дармон кетар»; «Боши оғриганга — олам қоронгу»; «Дунёда ким ғариб? — Дардли ғариб»; «Дарднинг катта-кичиги бўлмайди»; «Оғриғинг қаерда бўлса, жонинг ўша ерда»; «Оғриган жойдан қўл кетмас»; «Касалга асал ҳам бемаза туюлади»; «Кексаликда ёпишса касал, На буламиқ ёқар, на асал» (буламиқ — болаларга қилиб бериладиган ним-татир ҳолвайтар); «Оғриқ атон чўктирар» (атон — бичилган туя. Бундай туя бошқа туялардан кучли бўлади. Мажози: «Касаллик ҳар қандай зўр, кучли одамнинг ҳам ҳолини танг қилиб, дармонсизлантириб қўяди»); «Дард дилни пашшадек қилар»; «Дармони йўқнинг — армони кўп»; «Дард мита еган бугдойга ўхшайди»; «Дард томирни ейди, Ҳасрат — умрни»; «Дард тортмаган — оғриқни билмас»; «Дард кетганда уйқу келади»; «Дард дармон билан тарқалади»; «Дардни бардош енгади».

Дардим бор — дардкашим йўқ, ғамим бор — ғамкашим йўқ.

Бир нарсадан қийналиб турган, аммо ёрдам қилувчиси бўлмаган одам бировга ўз аянчли ҳолидан зорланганда шу мақолни қўллайди.

Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин.

Ўзи меҳнат қилмай, ўз тирикчилиги учун зарур бўлган моддий неъматларни ўзи ишлаб топмай бировдан тама қилиш, тилаш, қарз сўраш, бировга ялиниб кун кўриш, бировнинг ҳисобига яшаш — ўтакетган ёмон хислат ва текинхўрликдир. Бирмунча мақолларнинг ғоявий мазмуни ана шунга қаратилган: «Олимсоғинг бўлса бўлсин, Беримсоғинг бўлмасин»; «Аччиқликда мурч аччиқ, Мурчдан ҳам бурч аччиқ» (бурч — «қарз, қарздорлик» маъносида ишлатилган); «Қарздорлик — қаҳри худо»; «Қарз берувчи — арслон, Қарз олувчи — сичқон» (Бу мақолда қарз берувчи одам мардлик тимсоли бўлмиш арслонга, қарз олувчи одам эса пасткашлик, тубанлик, текинхўрлик тимсоли бўлмиш сичқонга ташбиҳ қилинган); «Қарзинг кўп бўлса, мурғ мусаммо el» (Бу мақол билан ўз ҳолига, имкониятига яраша иш кўрмайдиган, қарзга ботиб кетган бўлса, ҳамки, катта-катта ейдиган одамнинг устидан: «Қарзинг кўп бўлса, парранда гўшти е, яъни яна ҳам кўпроқ харажат қилавер», деган маънода истеҳзо билан қуладилар); «Бурчи кўпнинг — бурди йўқ» (қарзи кўп одамнинг бурди бўлмайди. У ҳар кимдан озми — кўпми қарз олаверади-да, вақтида тўлай

олмай, ёлғон гапириб, важ-корсонлар қилавериб, ахири сўзининг бурди кетиб, беобрў бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Қарздорнинг чўнтаги ёлғонга тўла»; «Қарздорнинг ёлғони чўнтагида болалайди» (чунки у «бугун бераман, эрта бераман» деб алдайверади, галга солаверади); «Қарздорнинг чўнтаги тешик»; «Қарз олган қочар, Қарз берган қувар»; «Олимсоқ кечикса, оёқ чиқазади»; «Қўл билан бераман, Оёқ билан бораман»; «Қарз олмоқ осон, бермоқ қийин»; Қарзнинг учун қайгир, оладиганинг қочмас»; «Қарз, қарзни бериш — фарз»; «Қарз олиб тўйингандан, оч ётиб ухлаган яхши». Бу каби мақоллари билан ота-боболар бировдан мумкин қадар қарздор бўлмасликни, ўзига ва бола-чақасига керакли нарсаларни ўзи меҳнат қилиб топиши зарурлигини уқтирганлар.

Дардсизга дардингни айтма.

Вар.: «Бошн оғримаганнинг олдида «бошим» дема». Булар билан: «Бировга дард-ҳасратингни айтавериб, унинг тинчлигини, кайфиятини бузма. Айтганинг билан барибир фойдаси йўқ. Аксинча, унинг энсаси қотади, сендан ялқийди, ўзини олиб қочишга ҳаракат қилади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Дарё сув бўлса ҳам, ит тили билан сув ичади.

Мажози: «Бахил одам ҳар қанча бойиб, мол-дунёга мўлиқса ҳам зиқналиги қолмайди. Еса, ичса, мол-дунёси соб бўлиб қолаётгандек, ўзгалар у ёқда турсин, ўзидан ҳам қизганади, хасисона кун кечиради».

Даромадга қараб — буромад

(даромад — кирим; буромад — чиқим, сарф-харажат). Бу мақол билан: «Киримингга қараб чиқим қил, ўз ҳолингга яраша иш кўр. Киримингнинг мазаси бўлмаса-ю, чиқимни катта-катта қилиб юборсанг, кейин ўзингга қийин бўлади», деган маънода иқтисод ва тежамкорлик юзасидан таълим берадилар.

Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади.

Мақолнинг тўғри маъноси шундай: Ўз манфаати йўлида бировнинг устидан атайлаб туҳмат қилиб, қозининг олдига даъво қилиб борувчи одам унинг ғозини мойлайди-да, битишади. Қози бу муттаҳам даъвогарга шайтонатли, шаръий ҳийлаларни ўргатади. Мудофаага ўтилганда, туҳмат қилувчи даъвогар қози ўргатган гапларни айта олмай, сусткашлик қилиб қолади. Натижада сир ошкор бўлиб, қозининг ўзи уялиб, муттаҳам бўлиб қолади. Мазкур мақол мажозий маънода шунга ўхшаш ҳолларда қўлланади.

Даъвогарингг подшо бўлса, арзингни олло эшитсин.

Вар.: «Даъвогаринг қози бўлса, додингга ким етсун?!»; «Даъвогаринг қози бўлса, дардингни оллога айт». Ўтмишда ҳукмрон табақалар, айниқса порахўр ва инсофсиз қозилар ҳаддан ташқари кутурган бўлиб, меҳнаткаш халқни ҳар томонлама қаттиқ жабрлар эдилар. Жабрланувчи бечоралар эса ҳеч кимдан нажот топа олмасдилар. Юқоридаги мақолларда ана шу ҳақ-ҳуқуқсизлик ўз ифодасини топган.

Даҳсар тариқ, сисар ҳайқириқ.

(сисар — даҳсарга уч ҳисса кўп миқдор). Юқоридаги мақол эккан ғозини тариғини чумчуқлардан қўриқлаш учун ҳайқириб-чақирадиган ёхуд ғозини тариғини сотмоқ учун бутун бозорни «бошига кўтариб» харидор чақирадиган одамнинг ҳолатига нисбат бериб айтилган. Вар.: «Ўнсар унга — сисар сиёсат»; «Қилиши битта тухум-у, қақолаши оламни бузар»; «Тошбақа юзта тухум қўйса ҳам индамайди, Товуқ битта тухум тугса ҳам оламни бузади»; «Ҳайдагани икки улоғу, ҳайқириғи

тоғ-тошни бузади». Бу мақоллар озгина, арзимаган нарсаси билан мақтанувчи кишиларга қарата айтилади.

Девор қийшиқ бўлса, тез қулайди.

Мажози: «Киши эгри йўлга кирса, тезда обрў-эътибордан қолади, шарманда бўлади».

Деворда унган гиёҳнинг бир шамоллик ҳоли бор.

Деворда унган гиёҳ фақат ёмғир суви билан кўкариб, ҳар қанча бўйдор бўлмасин, бир шамол турса, қўпорилиб, агдарилиб тушади. Чунки, унинг илдизи бўш бўлади. Мазкур мақолда илмсиз уқувсиз кишини деворда унган гиёҳга ташбиҳ этганлар. Бундай кишилар иттифоқо бирор иш эгаси бўлиб қолсалар ҳам, узоққа боролмайдилар. Вар.: «Парнинг пуфлик ҳоли бор»; «Ел турса, юнг тўзғар»,

Деворнинг ҳам қулоғи бор.

Вар.: «Девор тагида гапирма, деворнинг ҳам қулоғи бор»; «Деворнинг сичқони бор, Сичқоннинг қулоғи бор»; «Ўз уйим деб гапирма, уй орқасида одам бор»; «Дўппининг тагида одам бор»; «Эшигингни бекитма, тирқишини бекит» ва б. Мазкур мақоллар эҳтиёткорлик билан сўзлаш, сир сақлаш, ҳушёр, зийрак бўлишга тааллуқлидир. «Сирингни барчага айтишдан эҳтиёт бўл, чунки ақлли бўлиш деган эҳтиёткор бўлиш деганидир. Агар сирингни сақласанг, у сенинг асирингдир, барчага ошкора қилсанг, сен сирингнинг асири бўлиб қоласан» (Абу Али ибн Сино, Китоб ул-ишорат фил мантиқ вал ҳикмат).

Буки, дерлар бордурур девор кейнида қулоқ,
Ул фазо лаврида кўз етгунча девор ўлмагай
(Навоий.)

Недин билур эл мени ул ой сўзлар деб,
Чун сўзламадим ҳеч дару девор қошинда
(Саккокий).

Деган экан, деган экан, бир қуённи бир қуён еган экан.

Бу мақолни ёлғончилар, «қуруқ аравани олиб қочувчи» мақтанчоқлар, лофчиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Деҳқон бўлсанг, ер бошида бўл, сипоҳ бўлсанг эл қошида бўл.

Вар.: «Деҳқон бўлсанг, рошида бўл, Чўпон бўлсанг — қошида» (рош — экин майдонида олинган пол); «Экинчи бўлсанг, қирда бўл, Балиқчи бўлсанг, сувда бўл». Бу мақолларда деҳқон, чўпон, сипоҳ, балиқчи, умуман ҳар бир касб эгаси ўз ишининг тепасида бўлиши, кўз-қулоқ бўлиб туриши, тирикчилигини ўтказаётган ишнинг парвонаси, жонкуяри бўлиши зарур, деган фикр илгари сурилган.

Деҳқон ёмғир тилайди, кулол аёз тилайди.

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидагича: Бир одамнинг икки қизи бўлган экан. Уларнинг бўйи етгач, бирини деҳқонга узатибди, иккинчисини кулолга. Тўйдан сўнг бир оз вақт ўтгач, қизлар оталарини кўргани келишибди. «Ҳўш қизларим, яхшимисизлар! — дебди отаси ва деҳқонга узатилган қизидан сўрабди,— Куёвнинг ишлари қалай?» «Куёвингиз айтадиларки,— деб жавоб қилибди қизи,— бу йил ёғингарчилик кўп бўлса, экин-тикинимиз яхши униб-ўсади, ҳосил мўл бўлади. Ана ундан кейин бир яхши ўй қуриб оламиз». Ота: «Хўш, сенинг-чи, қизим?» деб, кулолга узатган қизга қарабди. «Куёвингиз айтадиларки, бу йил ёғингарчилик бўлмай, ҳаво очиқ келиб, аёз бўлса, ясаган идиш-оёқларимиз яхши қурийди. Ана ундан кейин уларни бир чеккa-

дан хумдонда пиширнб, сотарамиз. Тушган пулига бир яхши уй қуриб оламиз»,— деб жавоб бериби қиз. Шунда отаси: Ҳа, деҳқон ёмғир тилар экан-у, кулол аёз тилар экан-да, дебди. Бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб кетган. Уни гап орасида келтирганларида. «Ҳар ким ўзига қулай бўлган томонни кўзлайди» деган фикрни назарда тутадилар. Вар.: «Ҳар ким ўз ўмочига кул тортади».

Деҳқон ёғса тинар, чўпон ўлса тинар.

Вар.: «Деҳқон корда тинар, Чўпон — гўрда»; «Қўйчи ёмғирда тинар, Қўйчи ўлганда тинар»; «Деҳқон ёмғирда тинар, баликчи — довулда». Мазкур мақолларда чўпоннинг меҳнати тинимсиз эканлиги кўрсатиб ўтилган. Деҳқон баҳорда экан-тиққанини кузда йиғиб олгач, тинади, янаги баҳоргача нафас ростлаб олади. Аммо, Чўпоннинг иши бундай эмас. У баҳордан туғилган қўзи-улогини ёз бўйи авайлаб боқади. Қиш киргач, баттар қийин ҳолга дуч келади. Баҳор келгач, қўйлари яна қўзилайди... Хуллас, чўпон йил айланасида бирор кун ҳам тиним билмайди.

Деҳқон тариғидан кечса ҳам, чумчуқлар чиқишолмайди.

Вар.: «Донхонада сичқон чиқишмас». Ўтмишда мазкур мақолларни жанжалкаш меросхўрларга нисбатан киноя тарзида қуллаганлар. Илгари аксарият ҳолларда шундай бўладики, давлатманд, мулкдор ота мол-мулкини ўз ҳаётлик даврида ўғил-қизларига мерос тариқасида қолдириб, тақсимлаб кетган бўлса ҳам, меросхўрлар ўз улушларига қаноат қилмай, ўзаро битишолмай, бир-бирлари билан чиқишолмай, жанжаллашиб, қозибозлик қилиб юрардилар. Юқоридаги мақолларни ўғри-қароқчиларга нисбатан ҳам қўллашган. Чунки, улар ҳам талаган, ўғирланган ўлжаларни ўзаро тақсим қилганда бир-бирлари билан чиқишолмай, жанжаллашишар, ҳатто бир-бирларини ўлдирар ҳам эдилар.

Деҳқоннинг уйи куйса-куйсин, ҳўкизи ўлмасин.

Вар.: «Деҳқоннинг ўзи касал бўлса ҳам, ҳўкизи касал бўлмасин». Ўтмишда деҳқоннинг бутун тирикчилиги унинг омочини тортиб, ерини ҳайдаб берадиган ҳўкиз билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам деҳқон ҳўкизни бениҳоя қадрлаган, ўзини сансираса ҳам, уни сизсираган. «Деҳқон кетмонини сотмайди», деган мақол ҳам бор.

Деҳқончилик — чилик-чилик, бўлмаса — қуруқчилик.

Деҳқонлар ўтмишда омадлари келиб, ҳосилга эга бўлиб қолсалар — бирор табиий офатга дучор бўлиб ҳоллари вой бўларди. Вар.: «Деҳқоннинг қопи тик турмаса, бели букилади».

Дилда бўлса, тилга келар.

Вар.: «Дилда нима бўлса, тилда ҳам — шу»; «Дилда бори тилга чиқар»; «Дил — хазина, тил — калит»; «Дилнинг калити — тил». Инсоннинг айтадиган ҳар бир сўзи аввал дилда ўйланган, дилга «тугиб қўйилган» бўлади-да, кейин кези келганда тилга чиқади. Шунинг учун ҳам тилни дилнинг таржимони деб биладилар.

Дили тўғрининг йўли тўғри.

Ота-боболар бир туркум мақолларда кишини юксак ахлоқ ва одоб эгаси бўлишга, виждонли, ор-номусли, соф кўнгилли, субутли бўлишга даъват этганлар; «Дили покнинг — йўли пок»; «Гоза қалбда доғ бўмас»; «Соф кўнгил — сўлмас гул»; «Оқ кўнгилнинг — юзи қуркам»; «Тўнинг ямоқ бўлса ҳам, дилинг ямоқ бўлмасин» («Камбағалликнинг айби йўқ, аммо ичи қоралик ёмон», дейилмоқчи). «Уйи бузук ўнгалур, Ўни бузук ўнгалмас»; «Уйингни чиройли қилгунча, Ўйингни чиройли қил».

Дилда кири борнинг — ичида сири бор.

Халқ кишиларга ёмонлик соғинувчи, уларни кўролмовчи ичи қора, дилгир одамлардан жирканади, уларнинг асл башарасини очиб ташлайди ҳамда қилмишларига яраша жазо тортажакларини таъкидлайди: «Дили қоранинг — тили ола»; «Кўнгли қоранинг — юзи қора»; «Қора — қора эмас, Кўнгли қора — қора»; «Кўнгилнинг оласи — худонинг балоси»; «Дили бирнинг — тили бир, фитначининг кўнгли кир»; «Дили қоранинг қилмиши — қийиқлик»; «Бо тирни ботир қилган — қилич билан билаги, Ёмонни ёмон қилган — қора юрак, тилаги»; «Сув ҳар нарсани пок этади, дили қорани пок этолмайди»; «Кўнгил кири етти дарёда ювса ҳам кетмас»; «Дилидаги душманлик — темир занглдек, Тилидаги дўстлик — ўсма рангидек» (Ўсма ранги дарров кетиб қолади, аммо темир занги тобора кенгайиб, қалинлашиб бораверади). «Дилидаги заҳарни тилидаги шакар юволмас» («Ҳасадчи, ғаразгўй одам ҳар қанча ширин гапириб, тилёғламалик қилмасин, бирибир унинг кимлигига афти-ангоридан, хатти-ҳаракатидан сезилиб туради, у ўзининг кимлигини яширолмайди», дейилмоқчи); «Эски тўнликни ит қопар, Ёмон феълини илон чақар»; «Тили ёмонни ит қопар, Кўнгли ёмонни худо топар» («Кунгли ёмон одам бир кунмас — бир кун албатта жазосини тортади», дейилмоқчи).

Дилни дилга тил қовуштиради.

Оилавий ҳаётда ҳам, жамоа, ёр-дўстлар орасида ҳам, севги-муҳаббатда ҳам дилни дилга боғлайдиган, кишиларни бир-бирига қовуштирадиган, ўзаро муносабатни мустаҳкамлайдиган нарса — яхши сўз, яхши муомала ва ширинсуханликдир. «Тилини билсанг, дилга йўл топасан» ҳам дейдиларки, бунда ўз эли, ўз миллати ё элатидан ташқари, ўзга миллат ва элатларнинг ҳам тилини билиш, ўрганиш зарурлиги, бу эса тил орқали уларнинг дилига йўл топиш, дўстлик ва қардошликни, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашнинг гарови эканлиги назарда тутилган.

Домланинг айтганини қил, қилганини қилма.

Илгари халқимиз бу мақолни кишиларга насиҳат тарзида эмас, балки «ундай қилманглар, бундай қилинглар», «ундай қилиш — гуноҳ, бундай қилиш — гуноҳ» деб ташвикот қиладиган, ўзлари эса айтганларининг тамоман аксини қиладиган дин арбобларига нисбатан киноя тарзида айтган. Ҳозир мажозий маънода умуман бировга панд-насиҳат қиладиган, аммо ўзи унинг зиддини қилиб юрадиган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади. Вар.: «Мулланинг қилганини қилма, айтганини қил»; «Илмига амал қилмаган мулладан — устига китоб ортилган эшак яхши»; «Мулла бўл, хўжа бўл, ўз илмингга амал қил!»; «Мулла — мулланинг иши хийла».

Дон донга ажралар, сомон — сомонга.

Бугдой, арпа ва бошқа донли экинлар ўриб-йиғилгач, дони донга, сомони сомонга ажралади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Қариндош-уруғлар ичида бегона одам дўст, оғайни бўлиб юрса ҳам, бирор оилавий жанжални бостиришда, томонларни ўзаро битиштиришда қариндош-уруғларнинг фикри бир жойдан чиқади, уларнинг гапи — гап бўлади, бегона эса бир чеккага чиқиб қолаверади. Мазкур мақол мажозий маънода ана шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўлланилади.

Донига чидаган товуқ боқар, емига чидаган — сигир.

«Даромадга қараб — буромад», яъни киримга қараб чиқим қилиш керак, дейдилар. Унинг аксича, киримга эришмоқ учун ҳам бир оз чиқим қилиш керак бўлади. Ана шу чиқимга чидаган одамгина киримга эга бўла олади.

Донога илм — илм, нодонга эсиз илм.

«Доно илми бўлса, у олган илмини яхшилик тарафга буриб, ўзига ва эл фойдасига ишлатиб, илмига илм қўшиб, иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Нодон, аҳмоқ одам иттифоқо илмли бўлиб қолса, ўз илмини аҳмоқона йўлга ишлатиб, икки гапнинг бирида илмини рукач қилиб, элни ранжитади. Бундайларга эсиз илм!», дейилмоқчи.

Донодан элчи, қил, чорводан йўлчи қил.

Қадимдан келаётган шундай мақол борки: «Аҳмоқ элчи икки тарафни бузади», дейдилар. Шунинг учун ҳам элчини ҳамавақт донишманд, сухандон, тадбиркор одамдан тайин қилиб келганлар. Йўлни танлаб, яқин ва бехавотир жойлардан юришни ҳар қандай одам ҳам билавермайди. Бундай жойларни ерли одамлар, айниқса чорвадор, чўпон ва овчилар яхши билишади. Нотаниш ерларга йўлинг тушса, йўл кўрсатувчини шундай чорва одамлар ичидан танла, деб тавсия қилинган.

Дунё йиғиб нетарсан, бир кун ташлаб кетарсан.

Вар.: «Дунё моли дунёда қолар». Бу мақоллар пул, мол-дунё тўплашга ҳирс қўйган, ўзгалар у ёқда турсин, ўзи учун ҳам сарф қилмайдиган, ёнидан пули чиққундай бўлса, танидан жони чиққундай бўладиган зиқна, хасис одамларга нисбатан қўлланади.

Дунё куйса — куйсин, девонанинг кабоби пишсин.

Вар.: «Кулбанг куйса-куйсин, кабобим пишсин»; «Гўр куйса-куйсин, қозон қайнасин»; «Шаҳар куймагунча дарвешнинг кабоби пишмас». Бу мақоллар қуйидаги афсона асосида юзага келган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас: «Шамс исмли бир одам бўлган экан. Кунларнинг бирида у дунё кезиб, бир шаҳарга бориб қолибди. Корни ниҳоятда очлигидан қассобдан бир парча гўшт олиб, кабобпазнинг олдига борибди-да; «Шуни пиширib бер», дебди. Кабобпаз уни девона фаҳмлаб, «Коч девона, пишмга халақит берма!» — деб ҳайдаб юборибди. Шундан кейин гўштни кабоб қилиб ейишдан умид узиб, Шамс новвойга бориб, «Шуни тандир кабоб қилиб бер», деб илтимос қилган экан, у ҳам рад этиб, ҳайдаб юборибди. Фиғони чиққан Шамс қуёшга илтижо қила бошлабди: «Э қуёш! Сен ҳам Шамс, мен ҳам Шамс, яқинроқ келиб, шу кабобимни пиширib бер». Шунда қуёш қуйидирар даражада яқин келган эмиш. Одамлар Шамсга: «Бу нима қилганинг?! Ахир олам куйиб кетяптику!»-- дейишибди. «Бир оз сабр қилинглар, кабобим пишсин»,— дебди Шамс». Мажозий маънода юқоридаги мақолларни фақат ўз манфаатини кўзлайдиган, бу йўлда ўзгаларнинг зиён кўриши билан иши бўлмайдиган ҳудбин одамларга нисбатан қўллайдилар.

Дунё кўрмай, дунё кишиси бўлмайсан.

Халқ мақоллар воситаси билан кишига ўз турмушини яхши ва мазмунли ўтказиши юзасидан панд-насиҳатлар бераркан, ҳаётлик даврида дунёни кўриб қолишни, бунинг учун вақт-вақти билан узоқ-яқинга саёҳат қилиб туришни тавсия этади: «Кўп кўрган — кўп билур»; «Аччиқ билан чучукни кўрган билар, Узоқ билан яқинни юрган билар»; «Ер кезган — эл кўрар»; «Эл оралаган — синчи, Тўқай оралаган — овчи» (синчи — кўп ерларни, кўп одамларни кўрган, «кўзи пишган», тажрибали одам). «Сўйлай-сўйлай чечак бўласан, кўра-кўра печан бўласан»; «Кўрганнинг кўзига фойда»; «Кўп кўрганнинг куни ортиқ»; «Саёҳат — дилга роҳат»; «Кўнгил очар сафарнинг олислиги билинмас».; «Сафар ҳам — бир илм»; «Карвон йўлида юриб тузалади»; «Тўхтаб қолса, сув ҳам сасийди». Бу мақол мажозан икки маънода қўл-

ланади: 1) «Киши саёҳат қилмай, бир ерда ётаверса, зеркиб, юраги сиқилиб, сиҳатига зарар келтиради»; 2) совчилар қизини узатишга унамаган ота-онага: «Қизни вақтида узатган яхши. У ота уйида тураверса, ҳусну жамоли тобора йўқолиб, каримсиқ бўлиб бораверади», деган маънони англатмоқчи бўлганларида: «Мусофир бўлмай, мусулмон бўлмас». Бу мақолда халқ «мусулмон бўлмас» деганда «ислом динини қабул қилган, унга бўйсунган одам», демоқчи эмас. «Мусулмон» сўзи оғзаки нутқда, ёзма адабиётда, фольклорда, жумладан мақол ва ибораларда «ҳақиқий одам», «аҳлоқли одам» деган кўчма маънода ҳам қўлланилади. Масалан, «Мусулмончилик — астачилик» мақоли «ҳақиқий одам, етук одам ҳар бир ишни қилларда шошилмайди, ҳовлиқмайди, оҳиста-лик билан, орқа-ўнгини ўйлаган ҳолда иш кўради», деган маънодадир. Юқоридаги мақолда ҳам бу сўз худди шу маънода келтирилган. Ўтмишда йироқ-ёвуқ ерларга бориб келмаган, мусофирчиликнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган йигитларни чинакам, ҳар томонлама етилмаган йигит деб ҳисоблардилар, уларни «меҳмонхона кўрмаган», деб истеҳзо қилардилар. Ўспирин мактабни битириб, ўша вақтнинг шароитига кўра саводи чиққач, кўпгина оталар уларни сафарга кетаётган бир одамга (ёр-дўст, қариндош-уруғ ёхуд таниш-билишга) атайлаб қўшиб жўнатардилар. У одам бегона шаҳарга боргач, карвонсаройга ёки меҳмонхонага қўнарди. Ўспирин бу ерда турли жойлардан келган бошқа мусофирлар билан ҳам танишар, уларнинг гап-сўзларини тинглар, расм-русмларини ўрганар, ёши кичик бўлганлиги учун одоб юзасидан уларнинг хизматини ҳам қилар яъни, чой дамлаб келар, овқат пиширар, меҳмонхонани супуриб-сидирар эди. Шу аснода унинг «кўзи мошдай очилиб», ҳаётнинг паст-баландини кўриб, ўша даврдаги йўл азобларини ва сафар машаққатларини бошидан кечириб, умуман, «одам бўлиб» қайтарди, «Ҳар ерни билган яхши, Ер кўкрагин эмган яхши»; «Кўргандан кўрмаганинг кўп, Билгандан билмаганинг кўп» («Гарчи кўп ерни кўрган, кўп нарсани билган бўлсанг ҳам, бу билан чекланиб қолма, ҳали дунёда кўрганингдан кўрмаганинг, билганингдан билмаганинг кўп, шунинг учун дунёни кўришда ва билишда давом этавер», дейилмоқчи).

Дунёга қандай келган бўлсанг, шундай кетасан.

Бу билан: «Дунёга ялангоч келгансан, аланғоч кетасан. Ҳаётлик давригда орттирган нарсаларингни олиб кета олмайсан. Модомики шундай экан, мол-дунё тўплашга хирс қўйиб нима қиласан? Ундан кўра, топганингни еб, ичиб, ўйнаб-кулиб, дунёнинг лаззатидан баҳраманд бўлиб юраверсангчи!» дейилмоқчи. Мазкур мақол кўпинча пул, мол-дунё йиғишга муккасидан кетган одамларга нисбатан қўлланилади.

Дунёни сув олса, ўрдакка нима ғам?

Бу мақол беғам, бепарво, «ўз қорним тўйса бўлди, ўзга билан нима ишим бор» деб, оила ғамини, эл-юрт ғамини емайдиган, ҳамиша-ҳамрўз ялло қилиб юришни кўзлайдиган одамларга қарата айтилади. Вар.: «Дарё тошса, қудуққа не зарар?»; «Бола ўйинга тўймас, Беғам уйқусини қўймас»; «Қайғусиз қора сувга семирар»; «Беғамликнинг вафоси бўлмас».

Дунёники — мири кам икки.

(мири — беш тийин). Бирор камчилигидан, етишмовчилигидан, ожизлигидан ўкиниб, куюниб, ҳафа бўлиб юрган одамга тасалли берганда шу мақолни айтадилар.

Дурадгорлик — маймуннинг иши эмас.

Маймун тақлидчи бўлади, биров нима қилса, шуни қилади. Халқ ҳикоятларидан бирида айтилишича, маймун дурадгорлик қиламан деб, думини ёғоч қисиб қолиб, думидан айрилган

экан. Мазкур мақол билан: «Уста кўрмай, ўқимай, ўрганмай, ҳар бир касбга уринаверма, панд ейсан, зиён-заҳмат кўрасан», дейилмоқчи.

Душман битса ҳам, душманлик битмас.

Душманни енгдим, қувиб юбордим, деб бамайлихотир юрма. Душман енгилса ҳам, душманлик алами ичида қолади, яна қайтадан ҳужум қилиш учун қулай пайт пойлайди. Шунинг учун ҳамиша хушёр ва сергак бўлиб тур, эҳтиёт чораларини кўр», дейилмоқчи. Вар.: «Арининг қаноти куйса ҳам, ниши қолади»; «Ўлик ари ҳам найзасида заҳар сақлайди»; «Сув тўхтар, душман тўхтамас»; «Ёв кетса ҳам, қиличингни занглатма».

Душман заиф жойдан ништар уради.

Эҳтиёткорликка ундовчи мақол. Вар.: «Душманнинг кулганига ишонма»; «Душманнинг кулгани — сиринги билгани»; «Душманнинг совғасидан қўрқ, Муғомбирнинг — навҳасидан» (навҳа — товуш чиқариб йиғлаш, улиш, мунгли йиғи, нола); «Душманинг маккор бўлса, заҳарни шаробдек ичиради».

Душман сени танимасдан, сен душманни тани.

Душманнинг сирини, заиф томонини, ҳарбий қудратини қандай йўллар билан бўлмасин, билиб олиш зарурлиги уқдирилади. Вар.: «Сен синамасанг, у синайди»; «Синамаган ёв ёмон, Эламаган дов ёмон» (эламаган — назар-писанд қилинмаган); «Синаган ёв урушмоққа яхши».

Душман эшигини қоққандан кўра, дўст уйини қоқлаган яхши.

Бу мақол билан «Бир нарсага ҳар қанча муҳтож бўлганинг тақдирда ҳам, душманинга ялиниб борма, ундан ёрдам, нажот кутма. Ҳар қанча ёрдам керак бўлса, дўстингга бор», деб мардликка чақирилади. Вар.: «Душман чақирса борма, Дўст чақирса — қолма»; «Дўстингнинг ошини қастингдай ич» («қастингдай, яъни ёвинг, душманингдай аямай ичавер, у буни асло кўнглига олмайди», дейилмоқчи).

Душманга берсанг ошинг, омон қолдирмас бошинг.

Вар.: «Душманга ошингни берсанг, бошингга минади»; «Душманга сотсанг донинг, Ўзингда қолмас нонинг» («Душман қимматга бўлса ҳам, жамғариб қўйган донингни сотиб олиб, ўзингни оч қолдиришга, мадорингни қуритишга ва шундай маккорлик йўли билан сени енгиб, ер билан яксон қилиб ташлашга ҳаракат қилади. Буни асло унутма!» дейилмоқчи); «Бўрини боқсанг, бўғирсоғингни ер» (бўғирсоқ — бу ерда «бағир», «жигар» маъносида келтирилган. «Бўрисифат ваҳший, қонхўр, золимни боқсанг, раҳм-шафқат қилсанг, у сенинг яхшилигингни билмайди, аксинча ёмонлик билан жавоб қайтаради, ахири бир кун сени қулфатга солади», дейилмоқчи).

Душманга омон берма!

Мазмуни: «Она-юртнинг даҳлсизлиги, тинчлиги, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш учун бор куч-қувватингни, ҳатто жонингни ҳам аяма, Ватанингга бостириб кирган душманга қарши шафқатсиз кураш!» деб мардлик ва жасоратга чақирилмоқда. Вар.: «Довул турса, булут қувар, Ёв қутурса, юрт қувар»; «Ботир бўлсанг, дов олар, Ётаверсанг, ёв олар»; «Аҳмоқ ботир олдирар, Оёгидан чалдирар»; «Ботир яркираб юради, Қўрқоқ — қалтираб»; «Довнинг йўлига тушма, Ёвнинг қўлига тушма»; «Дўстдан сирингни яширма, Душманни бошидан оширма»; «Ажал олиб келса ёв, ўлдир уни беаёв!»; «Душманни бос, зиён берса — ос!»; «Душман терисидан дўстинг учун пустин бич»; «Душманга нафрати бўлмаганнинг — Ватанга муҳаббати бўлмас»; «Душманни ўлдирмаган —

ўзига душман»; «Душман ўки кўксингни тешса ҳам, маслагингдан қайтма»; «Душманга бўйин эгма»; «Оқар ёшдан отар тош яхши» ва шу кабилар.

Душманинг бўлса ҳам, ўзидан тинчисин.

Бу мақолнинг замирида икки маъно ётади: 1. «Оламда ҳеч кимнинг бошига кулфат, ғам-ситам тушмасин, ҳар бир инсон (хоҳ дўсту, хоҳ душман) тинч ва осойишта яшасин» деган эзгу ният. 2.«Душман ўзидан тинч бўлса, сенга кўз олайтирмайди» Дўстлар, кўрсатмасун ҳаргиз жудолиг дардини, Душманинг ҳам бўлса ўз ғамхоридин айрилмасун (Мукимий).

Душманинг ожиз бўлса, дийят сўрама.

(дийят — бировни ўлдиргани учун тўланадиган қон баҳоси, хун пули). Мазкур мақолда инсонпарварлик юзасидан бировга раҳм-шафқат қилиш бениҳоя зарурлиги кучли муболаға тарзида баён қилинган. «Ожиз, бир нарсага қурби етмайдиган одам, ҳатто у душманинг бўлса ҳамки, қариндош-уруғингни, яқин одамингни ўлдиргани учун ундан хун пули сўрама, раҳм-шафқат қил, даъвосидан кеч. Шунда сен одамгарчиликнинг юксак намунасини кўрсатган бўласан», дейилмоқчи.

Душманинг сичқон бўлса ҳам, кучинг арслонча бўлсин.

Мазмуни: «Душман кичкина, кучсиз, қўлидан нима ҳам келарди, деб ғафлатда қолма. Душман устидан сўзсиз ғалаба қозонмоқ учун содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли бўлмаган урушга олдиндан пухта ҳозирлик кўр». Вар.: «Душманинг чумоли бўлса, фил ҳисобла»; «Душманинг куя бўлса ҳам, туя бил» (куя — жунли нарсага тушадиган жуда майда ҳашорот). «Душманинг мўр бўлса, мордек ҳазар қил» (мўр — чумоли, мор — илон). «Олманинг пўстлигига ишонма, Душманнинг — дўстлигига»; «Илоннинг танаси ялтироқ бўлса ҳам, ичи заҳар солмоқ»; «Илоннинг оласига ҳам ялама, қорасига ҳам»; «Бир илон бир уй одамни тинчитмайди»; «Душманнинг бири ҳам — хатар»; «Дўстинг минг бўлса ҳам — оз, Душманинг бир бўлса ҳам — кўп»; «Ёвни кичик кўрсанг, бошинг кетар»; «Душманни кучсиз дема, Кучим кўп, учсиз дема» (учсиз — чексиз, ҳадди ҳисобсиз, тенгсиз). «Томчи сув бўлмас, Душман эл бўлмас»; «Сув тухтар, Душман тўхтамас»; «Арслонни арслондан йиғит олади»; «Тирнови бўлмаса, бузбарс ҳам ожиз»; «Шерни шер йиғлай — тишни билан тирнови»; «Ўксиз жангчи — қиличсиз кин»; «Ботир милтиқсиз бўлмас, Балиқ — қилтиқсиз»; «Уруш — куён ови эмас»; Душманинг гар мўр эса сен бўлмагил андишасиз, Гарчи оғзи зарра олам қуйса сўзондир анга (Ҳамза).

Душманингга кимхоб кийгиз, дўстингга — алак.

Маълумки, кимхоб алакка нисбатан анча қиммат ва кўркам бўлади. Мазкур мақол билан: «Дўст ҳама-вақт дўстлигини қилаверади, унча-мунча нарсадан гина ҳам қилмайди, ранжимайди ҳам. Аммо, душманнинг кўнглини ол, шояд шу билан ўртадаги совуқчилик кўтарилар, алоқа тикланар, ҳатто дўстлашиб ҳам қолинар», демоқчи бўладилар. Вар.: «Дўстинг келса далонда кут, Душманинг келса айвонда кут» (далон — йўлак, дарвозахона йўлаги. «Дўстингни йўлакда кутсанг ҳам, ҳафа бўлмайди. Аммо, душманингни айвонда кутиб, яхши меҳмон қилгинки, унинг ёмон кўнгли юмшаб, зора яхшиликка айланса», дейилмоқчи). «Дўстингнинг қўлини ўп, Душманингнинг — оёғини»; «Душман қўлини тишлай олмасанг, ўп» («Агар душманни енгишга кучинг етмаса, то қурбинг етадиган бўлгунча у билан яхши муомалада бўлиб, ўзингни мудофаа қилиб тур», дейилмоқчи). «Душманинг учта бўлса, иккитаси билан дўст тутин, Душманинг иккита бўлса, биттаси билан дўст тутин»;

«Душманини дўст қилган — эр, Дўстини душман қилган ер».

Душманлик ўқини дўстлик камони билан от.

Вар.: «Душманни пахта билан бўғизла»; «Душманни шакар билан ўлдир». Булар билан «Душманингни ошкора душмани бўлиб эмас, дўсти бўлиб, ширин ва юмшоқ муомала қилиб туриб, янчиб ташла»; дейилмоқчи. «Лашкарбоши уста бўлса, душман оёғи осмонда».

Дўланани кўрганда тоғ эсингдан чиқмасин.

Тоққа чиқиб, дўлана териш — анча машаққатли иш. Мазкур мақол билан: «Меҳнат машаққат орқасида бунёдга келган нарсанинг қадр-қимматини бил, уни ардоқла, тежа, беснобуд ва оёқ ости қилма!» дейилмоқчи.

Дўст ачитиб гапирар, душман — кулдириб.

«Чин дўстдан фақат фойда тегади, у кишига ёмонлик соғинмайди, зиён-захмат етказмайди. Агар у қаттиқ қурум гапирса ҳам бундан хафа бўлмаслик керак. Чуки, у кишини нотўғри йўлдан қайтармоқ мақсадидагина, куюнганидангина шундай қилади»; дейилмоқчи. Вар.: «Дўст йиғлатар, душман кулдирар»; «Шакарли тилга ишонма»; «Кулиб гапирган эрдан қўрқ, йиғлаб гапирган — аёлдан»; «Кулдиргандан кутгунча, йиғлатгандан кут»; «Дўст жабридан ингранма, Душман бедодидан гунгранма» (гунгранмоқ — жаҳл чиққанда ўз-ўзидан гудраниб гапирмоқ); «Дўст отган тош ёрмас» (тош «аччиқ сўз» маъносида). «Аччиқ сўз — аччиқ доридай дармон»; «Дўст сўзини ташлама, Ташлаб бошинг қашлама».

Дўст бошга боқар, душман — оёққа.

Дўстнинг бошга, душманнинг оёққа қарашига сабаб шуки, бош кийими оёқ кийимига нисбатан арзонроқ бўлади. Демак, бош кийими тез-тез янгидан олиб турилади, янги, кўркам бўлади, йиртиқ-ямоқ бўлмайди. Оёқ кийими эса қимматроқ бўлгани учун бош кийимига нисбатан камроқ алмаштириб турилади, бунинг устига у бош кийимига нисбатан тезроқ эскиради, тезроқ ишдан чиқади. Бу эса кишининг кўзига хунук кўринади. «Ҳақиқий дўстинг сенинг камчилигингни кўрмасликка, кўрса ҳам бекитишга ҳаракат қилади, қалбаки дўстинг (душманинг) ютуғингдан, яхши томонингдан кўра камчилигингга кўпроқ аҳамият беради. Шунинг учун дўст-душманни яхши билиб ол ва шунга қараб муомалада бўл», дейилмоқчи. Вар.: «Дўст юзидан билинур, Душман — изидан»; «Қасдинг билан дўстингни қош-қовоғи танитар»; «Ёт ошингга қарайди, Дўст бошингга қарайди»; «Яхши дўст — бошингга дўст, Ёмон дўст — ошингга дўст»; «Дўстнинг кўзи айб кўрмас»; «Дўст олдиндан гапирар, Душман — орқадан»; «Дўст — юзингга боқар, Душман — изингга»; «Дўст куюнар, Душман суюнар»; «Душман сиринги ўғирлайди, Дўст хатоингни тўғрилайди»; «Ёмон дўстдан ёв ортиқ»; «Паст кўчадан топилган дўстдан — Рост кўчадан топилган душман ортиқ»; «Вафоли дўст йўлга солар, Иғвогар дўст пайдан олар».

Дўст қайтса берганин олади, орадагининг айтгани қолади.

(қайтса — қандай қилса ҳам). «Дўст қандай бўлмасин ўз дўстидан бир нарсасини ундириб олади, бир-бири билан битишиб кетади. Аммо ўртада нари-бери гапириб, ғийбат қилган одамнинг сўзлари унутилмайдиган бўлиб қолади. Уларнинг ўртасига нифоқ солиб нима қиласан?! Қайтага иккаласининг ҳам кўзига ёмон кўриниб қоласан», дейилмоқчи.

Дўст ҳисоби — дилида.

Вар.: «Дўстинг дўст бўлсин, Ҳисобинг дуруст бўлсин»; «Ҳисобли дўст

айрилмас, Қуш қаноти қайрилмас»; «Ҳар қанча қалин дўст бўлсанг ҳам, олди-берди муомалангни тўғрилаб юр, дўстингнинг ҳақига хиёнат қилма, токи икки ўртада кўнгил коларлик, ажралиб кетишга сабаб бўларлик иш воқе бўлмасин», дейилмоқчи.

Дўсти нодондан душмани доно яхши.

Бу мақолнинг келиб чиқиши бир ҳикоя билан боғлиқки, унинг қисқача мазмуни қуйидагича: «Бир ўғри кечаси подшонинг саройига ўғирликка тушган. Қараса, подшо тахтида ухлаб ётибди-ю, тепасида бир маймун унинг бетига қўнган пашша, чивинларни елпуғич билан қўриб ўтирибди. У пашшаларни хайдаб, елпигичини тўхтатган замони яна келиб ёпишишади. Маймуннинг жаҳли чиқиб, бир катта тошни кўтариб келди-ю, хира пашшаларни бир йўла қириб ташлаш мақсадида тошни азот кўтариб, урмоқчи бўлиб қолди. Шунда ўғри қўлига камонни олиб, бир отган эди, маймун чийиллаб ағдарилиб тушди. Унинг қаттиқ чийиллаган овозидан подшо уйғониб кетди. Қараса, сарой саҳнида қора кийимга бурканган бир нотаниш одам турибди. Подшо қўрқиб кетиб, «Кимсан?!— деб бақирган эди, дарҳол соқчилар югуриб келиб, ўғрини ушлаб олдилар. Подшо ўғрини ўлдиртирмоқ мақсадида «Жаллод!»— деб чақирди. Шунда ўғри унга таъзим қилиб: — Эй подшоҳим, мен ҳақиқатан ҳам ўғриман, саройингизга ўғриликка тушган эдим...— деб у маймун воқеасини гапириб берди. Дарҳақиқат қарашса, тахт ёнида бир катта тош турибди, унинг олдида маймун ўлиб ётибди. Шунда подшо:— Ҳа, дўсти нодондан душмани доно яхши экан,— деб ўғрини ўлимдан озод қилибди». Вар.: «Дўсти нодондан душмани зийрак яхши»; «Ақлсиз дўстдан ақлли душман афзал»; «Аҳмоқ дўст — ёвдан ёмон»; «Қозиқ устида қор турмас, Нодон киши дўст бўлмас»; «Ақлсиз душмандан бир сақлан, Ақлсиз дўстдан минг сақлан».

Дўстинг билан дилдош бўл, қилар ишига қўлдош бўл.

Мазмуни: «Дўстларга ҳамма вақт содиқ бўлиш, уларни иззат-ҳурмат қилиш, яхши-ёмон кунларида уларга кўмаклашиш зарур». Вар.: «Дўстингнинг кўзида бўлгунча кўнглида бўл» («Шунчалик кўз дўсти бўлма, унинг кўнглидан жой ол», дейилмоқчи). «Дўстингга қўшиқ айт, мехрингни қўшиб айт»; «Дўстинг учун заҳар ют»; «Сув ичсанг ҳам, дўстинг билан ич»; «Дўстингга отилган кесакнинг чанги сенинг кўзингга тушади»; «Дўстингнинг ёвига ёв бўл, Душманига ғов бўл»; «Дўстларнинг итгифоқи — душманнинг ихтилофи»; «Жонга куйган — жондай дўст, Жонга куймас — қандай дўст?; «Оро кирмаса жонингга, Шерик бўлмасин нонингга»; «Йиқилганда бўлмаса тирак, Вафосиз дўст нимага керак?»; «Гули йўқ бўстондан япроқ яхши, фойдаси йўқ йўлдошдан таёқ яхши».

Дўстинг минг бўлса ҳам оз, душманинг бир бўлса ҳам кўп.

Дўстлар кўп бўлса, турмуш яхши ўтади ва, аксинча, дўстсиз кечирилган ҳаёт бемаъни ўтади. Шунинг учун кўпроқ дўст орттиришга даъват этилади: Вар.: «Тупинг битта бўлса ҳам, шохинг мингта бўлсин»; «Бахт гарови — дўстлик»; «Дўст кидирмаган киши — ўзига душман»; «Сен ўзингга дўст қидир, душман — ўчоқ бошида»; «Умрим узоқ бўлсин десанг, душман орттирма»; Дўст — дўстнинг таянчи»; «Оз қайғуни ош босар, Кўп қайғуни дўст босар»; «Улфат қанча кўп бўлса, Кулфат шунча оз бўлади»; «Йўлдоши кўпнинг — қўлдоши кўп»; «Оши кўпнинг тани семирар, Дўсти кўпнинг жони семирар»; «Ақли кўпни доғ олмас, Дўсти кўпни ёв олмас»; «Дўсти йўқнинг душмани устун чиқади»; «Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас».

Дўстлар ўртасида «меники» деган гап бўлмас.

Мазмуни: Ҳақиқий дўстлар бир-бирларидан ҳеч нарсани аямайдилар.

Пул учун, мол учун [illegible] дўст қилиб кўрсатувчилар ҳам [illegible]. Вар.: «Яхши кўрган дўстингга яхши кўрган молинг бер кўра кўра ўғирласин», Ёмон кўрган «дўстингга» ёмон кўрган молинг бер, кўра кўра ўғирласин»; «Дўстдан ҳар нима кетса – ҳайрли»; «Дўстдан бир олма – савғот»; «Дастурхонга боққан — дўст эмас»; «Молинг борида ана дўст, Молинг йўғида қани дўст?»; «Давлат келса, йўл очар, Давлат кетса, дўст қочар»; «От етти кунда, Ит еган кунда» («Янги сотиб олинган от тез кунда кишига ўрганиб, қуникиб қолади. Аммо, ёмон одам фақат сендан манфаатланиб турган пайтдагина «дўст» бўлиб туради, кейин сени ташлаб кетади, бундай мол «дўст»ларидан кеч», дейилмоқчи). «Жон дўстинг жонидан кечса ҳам, Мол дўстинг молидан кечмас».

Дўстлашмоқ осон, ажрашмоқ қийин.

Вар.: «Дўст ўлими — мусибат, Ажралмоқ — ўта мусибат»; «Яхши дўстдан ажраш — икки кўздан ажраш»; «Жондан кечсанг ҳам дўстдан кечма», «Отангнинг азасин тут, Дўстингнинг этагин тут» («Хатто отангдан ажрасанг ҳам, дўстингдан ажрама» деган маънода муболаға қилинган). «Йўлдошини танлаган — йўлда қолар». «Ёрсиз эл оҳи ғамандуд эрур, Ёнса йиғоч ёлғуз — иши дуд эрур» (Навоий).

Дўстни дўстидан тани.

Вар.: «Одамнинг қандайлиги — дўстларидан маълум»; «Яхши (одам) йўлдошидан билинади»; «Этнинг усти пўст бўлур, Дўстнинг дўсти — дўст бўлур»; «Дўстингнинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман»; «Душманимнинг дўсти — менинг душманим»; «Душманимнинг душмани — менинг дўстим»; «Дўстинг билан дўст бўлганга шодлан, Душманинг билан дўст бўлгандан сақлан»; «Дўстингни ёмонлагандан қоч»; «Ота душмани — дўст бўмас» «Отаси бўлмаса, от бермас»; «Дўсти кўп билан сийлаш, Дўсти оз билан сирлаш»; «Сирлашувга дўст яхши, Сийлашувга — [illegible]». Бу мақолларда дўст танлашга [illegible] эҳтиёт бўлиш, аввал обдан синаб, кейин дўстлашиш зарурлиги уқтирилади.

Дўстни сўраб сина.

Мазмуни: «Дўстингнинг содиқлигини синамоқчи бўлсанг, ундан атайлаб бир нарса сўраб кўр. Хўп деб берса, чин дўстлиги, сенга содиқлиги билинади. Бултуриб бергиси келмаса, баҳона қилса, ҳақиқий дўст эмаслиги билинади. Дўст танлашда шунга қараб иш кўр». Вар.: «Ҳисобдан адашсанг ҳам, Дўстдан адашма»; «Ҳар кимни дўстим дема, Танадаги пўстим дема»; «Ҳар кимга дўст тутинган — ҳеч кимга дўст бўлолмас»; «Кўринганни дўст билма, Кенин пушаймон қилма»; «Ҳар бир одамга сунма бўйнингни, Пуч ёнғоққа тўлдиради қўйнингни»; «Ҳар очилган — гул бўлавермас, Ҳар кўринган — дўст бўлавермас»; «Ердан топсанг санаб ол, Ошна бўлсанг синаб ол» (бу мақолни «Ердан тосанг ҳам санаб ол»; «Ердан топсанг ҳам санаб ол. Орқа-ўнгингга қараб ол» тарзида айтиладиган мақолларнинг тўғри ва тўлиқ варианти деб ҳисоблаймиз). «Дўст кенгашда билинади, Семиз — товоқда» (бу мақол иккинчи компонентнинг маъноси шундай: «Гўштнинг семиз ё ориқлиги пиширибоқ, товоққа солиб келинганда билинади»). «Яхши ошни кўз танир, Яхши синани — кўнгил»; «Яхшилар дўстлашмоққа келади, Ёмонлар мушлашмоққа келади»; «Синалмаган дўстдан синалган душман яхши»; «Таниган душмандан танимаган дўст хавфли»; «Синалмаган ўртоқ — чақилмаган ёнғоқ» (Чақилмаган ёнғоқнинг тўқ ё пучлигини билиб бўлмайди, чақилгач, қандайлиги маълум бўлади. Шунингдек, синалмаган дўстнинг ҳам қандайлигини билиб бўлмайди дейилмоқчи). «От синови бир бўлар, Дўст синови минг бўлар»; «Минг йўлдошдан бир сирдош яхши»; «Янги дўстнинг ўн биридан — Эски дўстнинг бири яхши»; «Ёмон

дўст — қора булут сояси» (осмонга қора булут чиқса, ёмғир, сел, дўл ёғмай қўймайди. Мазкур мақолда ёмон дўст ана шундай кишиларнинг дилини хира қилувчи қора булутга ташбиҳ этилган). «Ғаразли дўстдан аразли душман афзал»; «Икки сўзли дўст — бир сўзли душмандан хавфли»; «Ялтоқидан дўст чиқмас» (ялтоқи — лаганбардор, хушомадгўй, икки юзламачи). «Бенуқсон дўст ахтарган — дўстсиз қолар» («Дўстни танлаш, синаш керак, аммо, унисн ундай экан, буниси бундай экан, деб ҳаммасидан ҳам юз ўгираверіш керак эмас. Ахир ҳар қандай одамда ҳам бирор нуқсон бўлади, бенуқсон одамнинг ўзи йўқ», дейилмоқчи).

Дўстнинг дўстлиги бошингга иш тушганда билинади.

Вар.: «Дўст дўстини кулфатда синар»; «Яхши дўстни ёмон кунда сина»; «Яхши дўст иш тушганда билинар»; «Уйнинг иссик-совуғин қиш тушганда биларсан, Кимнинг йироқ-ёвуғин иш тушганда биларсан»; «Дўстни фақирликда сина, ёрни — кулфатда»; «Дўст ким, душман ким — амалдан тушганда сина»; «Содиқ дўст — меҳнатда бирга, Сохта дўст роҳатда бирга»; «Пода боққанда дўст одиқ, Жийда қоққанда айрилдиқ»; «Давлат кетса, дўст қочар»; «Чин дўст фойда кўзламас». Бу мақолларни қўллаганда: «Омадинг келганда, ишинг юришиб турганда, маблағинг, қўр-қутинг, амалинг борида сенга дўстлар кўп бўлаверади. Уларнинг ҳаммаси ҳам ўзини сенга дўст қилиб кўрсатаверади. Содиғи қайси-ю, сохтаси қайси эканлигини билмайсан. Бошингга бир иш тушганда, қўлингдан маблағинг кетганда, бошинг ёстиққа етганда ёхуд амалдан тушганингда атрофдаги дўстларингнинг сараги саракка, пучаги пучакка ажралади. Содиқ дўстларинг сен билан бирга бўлади, дардингни, гамингни бирга чекади, сенга қўлидан келган ёрдамини аямайди. Сендан манфаатланиб қолиш учунгина ўзини дўст кўрсатиб юрганлар эса юз ўгириб, қораларини кўрсатмай кетадилар. Бундай «дўст»лардан кеч», дейилмоқчи.

Дўстнинг дўстлиги бошингга душманнинг бўйни узилсин.

Бу мақолда ёр-дўстларга ҳамавақт содиқ бўлиши, бир-бирларини иззат-ҳурмат қилишлари, зиҳор ёмонлик қилмаслик зарурлиги таъкидланади. «Ёрга ёлғон сўзлама, Ёмонликни кўзлама»; «Дўстга хиёнат қилма, Душманга — шафқат»; «Дўстга ҳурмат сақла, Душманга — яроғ»; «Дўстни оғритсанг,душман шод бўлар»; «Дўстингни ранжитма — душманингга дўст бўлади»; «Қай аҳмоқ душмани билан дўст бўлади, Дўсти билан қасд бўлади?!»; «Дил оғритган — дўст эмас, Ич оғритган — ош эмас»; «Дўст — зиёнкор бўлмас, Зиёнкор — дўст бўлмас», «Дўст душманлик қилса — бари бир душман»; «Дўстингдан топ!»; «Бир дўстингдан топ, Бир — қўшнингдан». Бу кейинги икки мақол кишининг дўсти ва умуман ишонган одами унга хиёнат қилса, бировга бориб чакса, бирор зиён-заҳмат етказса, шундай пайтда киноя тарзида айтилади.

Дўстсиз бошим — тузсиз ошим.

Мазмуни: дўстларсиз кечириладиган ҳаёт — бемаъни ҳаёт. Вар.: «Дўстинг бўлмаса — дунё сенга қоронғу»; «Қурдош топмаса — кол озар, Йўлдош топмаса — эр озар» (кол — хушсухан, ширин сўз). «Азобга бардош керак, Ҳамиша йўлдош керак»; «Бодом — пўсти билан, Одам — дўсти билан»; «Пул орттирма, дўст орттир»; «Пулинг мингга етгунча, Дўстинг ўнга етсин»; «Ўн сўм ақчанг бўлгунча, ўнта ўртағинг бўлсин»; «Юз сўминг бўлмасин, Юз дўстинг бўлсин»; «Ўн кунли ошинг бўлгунча, бир кунлик эшинг бўлсин» (эш — йўлдош, ўртоқ, дўст). «Арпа-бугдой бир кунингга ярайди, Содиқ дўстинг ўлгунингча ярайди»; «Дўст кўтарар

кўнглингни, Мол кўтарар ўлимингни» (бунда «Мол кўтарар ўлимингни» деганларининг маъноси шуки, мол, пул кўп бўлса, киши ўлгандан кейин қилинадиган қаъдаларнинг харажатини кўтаради. Қаъда тўкин бўлса — марҳумнинг обрўси. Шунинг учун ҳам ўғил-қизларга, қариндош-уруғларга қаъдаларни ўтказиш оғир бўлмасин, малол келмасин, деган ниятда одамлар тириклик чоғларида маълум миқдорда — ҳар ким имконига кўра — маблағ жамғариб қўядилар. Бу маблағ «ўлимлик» деб аталади). «Мингни танигунча, бирнинг отини бил»; «Мингнинг тусини билгунча, бирнинг исмини бил»; «Мингнинг зотини билгунча, бирнинг отини бил»; «Мингни чала билгандан — бирни тўла билган яхши»; «Мингга билиш бўлгунча, бирга таниш бўл»; «Дўстлик — барча бойликдан афзал»; «Қуёш ҳавони иситса, дўстлик қалбни иситади»; «Дарахтни томири сақлайди, Одамни дўсти сақлайди». «Жумла жаҳон шодлигидин ори бор, Кимки гадодур доги бир ёри бор»; «Ҳар гадоеким жаҳонда бир мувофиқ ёри бор, Хизр умрию Скандар хашматидин ори бор»; «Ҳар киши оламда эрур ёрсиз, Бир садафедур, дур-и шаҳворсиз»; «Ҳар кишиким, бор эса ёре анга, Ҳар кишиким, ёр эса боре анга» (Навоий).

Еб тўймаган — ялаб тўймас.

Бу мақол «Еб тўймаган — ялаб тўярми?!»; «Еб етти бўлмаган — ялаб етмиш бўларми?!»; «Олиб олти бўлмаган — еб етти бўларми?!»; «Мутаб тўймаган — мужиб тўярми?!» шаклида ҳам қўлланади (мутамоқ — кемирмоқ, тажимиқ, бировнинг бор-йўғини еб битирмоқ; мужимоқ — чайнаб, мазасини шиммоқ, масалан, суякнинг кўмигини). Вар.: «Қўзилигида сутга тўймаган — тўқлилигида турткисин қўймас»; «Ўғизида тўймаган — тўғизида тўймас» (ўғиз — «оғиз» ҳам дейилади), У аёллар ва сут эмизувчи ҳайвонларнинг янги туққан пайтидаги қуюқ, тўйимли сути. Кампирлар ёш оналарга: «Болани ўғизингга яхшилаб тўйғиз» деб насиҳат қиладилар. Халқимизда янги туққан сигирнинг шундай қуюқ сутини йиғиб, пиширнб, «оғиз» қилиб, тансиқ таом сифатида қўни-қўшниларга тарқатиш одати ҳам бор; тўғиз — тўққиз. Кейинги икки мақол билан «Гўдаклигида шундай қуюқ, тўйимли сутгаки тўймаган — катта бўлганида ҳам тўймайди, тўйдим ҳам демайди. Очкўз — очкўзлигини, баднафас — баднафслигини қўймайди», дейилмоқчи.

Еган билмайди, кесган билади.

Бунда гап суюқ ош (угра, лағмон ва б.) устида бораяпти. Тайёр овқатни еган одам унинг масаллиғини топиш, пиширнш (хамир қилиш, ёйиш, кесиш) қанчалик қийин эканлигини билмайди, буни масаллиқ топган ва пиширган одам билади. Мажозий маъноси: «Ҳар бир тайёр нарсадан баҳраманд бўлган одам унинг қандай қийинчилик билан бунёдга келганини билмайди, шунинг учун қадрига ҳам етмайди. Ўша нарсани не-не машаққатлар билан топган ё тайёрлаган одамгина бу қийинчиликни билади ва у нарсанинг қадрига етади, авайлайди, тежаб-тергайди».

Еган оғиз уялар.

Вар.: «Оғиз еса, кўз уялар». Мазкур мақоллар билан: «Бераверар экан, деб бировнинг овқатини ераверма, нарсасини олаверма. Оқибатини ўйла. Сени зиёфат қилса, сенга бир нима (масалан, пора, «эздалик совға» ниқоби остида бирор нарса) берса, вақти келиб сендан бир нарсани (масалан, амалга ошмай ётган, чигал ишини тўғрилаб беришингни) илтимос қилса, уялганингдан йўқ деёлмайсан (ҳатто сен хиёнат, жиноятга бошловчи ишини ҳам тўғрилаб беришга мажбур бўлиб қоласан)», дейилмоқчи. Бундан ташқари юқоридаги мақоллар бировникида меҳмон бўлган, зиёфатини еган одам у ҳам буникига келганда ўша даражага етказиб, ҳатто ундан ҳам ошириб (бор-йўғидан қатъи назар, ҳатто бировдан қарз олиб бўлса ҳам) меҳмон қилишга мажбур бўлган ҳолга нисбатан ҳам қўлланилади.

Еганни ҳам кўр, едирганни ҳам кўр.

Вар.: «Ош берганни ҳам кўр, Ош еганни ҳам кўр»; «Ош берган ҳам ўлади, Ош еган ҳам ўлади»; «Еган бўрини ҳам кўр, Едирган қўйни ҳам кўр» («Шунча егани билан бўри зо-

ти кўпайиб кетгани йўқ, шунча қурбон бергани билан қўйларнинг сони камайиб кетгани йўқ», дейилмоқчи). Мазмуни «Одамлардан юлиб-юлқиб, тама қилиб еган одамни кўр — бирор жойи ортиб қолгани йўқ, қайтага одамларнинг кўзига шумшук кўриниб юрибди. Сахийлик қилиб, кишиларга бор он-нонини едирган одамни ҳам кўр — бирор ери камайиб, бирор нарсага муҳтож бўлиб қолгани йўқ, қайтага одамлар орасида иззат-икромда, обрў-эътибор билан юрибди. Шундай экан, сен ҳам сахий бўл».

Ейишинг — кепак, кийишинг — ипак.

Вар.: «Ейишинг — шолғом-у, ётишинг — Марғилонинг сирли саройи». Бу мақоллар ейиш-ичишни чеклаб бўлса ҳамки, бор пулини яхши-яхши кийинишга сарфлайдиган ёхуд уйида ҳеч балоси бўлмаса ҳам, кийимига зеб бериб, одамларга ўзини кўз-кўз қилиб юрадиган олифта, сатангларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

Ел янтоқ қулатар, бўрон дарахт қулатар.

Маъноси: «Ел, яъни кучсиз шамол янтоқнигина қулата олади. У бўронга айланса, катта-катта дарахтларни ҳам қулатиб ташлайди». Мажози: «Халқ норозилиги кучайиб, қўзғолон кўтарса, инқилоб тўлқини катта кучга эга бўлган подшони ҳам тахтидан қулата олади».

Ел ўтар, чўққи қолар, Бош кетар, дўппи қолар.

Вар.: «Сув оқар, тош қолар, Ўсма кетар, қош қолар». «Табиат ҳодисалари, сел, бўрон шунингдек қора кунлар ўтиб кетаверади, тоғу тошлар (ва умуман, бошқа нарсалар) қолаверади», деган маънода қийинчиликларга бардош беришга ундаганда шундай дейдилар.

Елга — ярғоқ, аёзга — кигиз.

Ярғоқ — теридан тикилган либос, пўстин. «Қишнинг кунида елга (енгил изғиринга) ярғоқ кийсанг чидайсан, аммо аёз (қаттиқ қора совуқ) турса, кигиз ёпиниб жон сақлашинг мумкин», дейилмоқчи.

Елдай келиб, селдай олсин!

Душманни, ёмон кўрган одамни дуойи бад қилиб қарғаганда шундай дейдилар. Бундан ташқари, узоқ вақт оғир касал бўлиб, қийналиб ётган, на ўлиб ўлмайдиган, на қолиб қолмайдиган одамнинг аянчли ҳолини кўрган киши ўз-ўзига ё бировга: «Бунақа қийналиб ётгандан кўра, менга шундай ўлим бўлсаки, ажал елдай келиб, селдай олса»,— дейди.

Елка яғири — отга мерос, ота «яғири» ўғлига мерос.

От агар белидан ё бошқа еридан яғир бўлса, уни даволаб, тез тузатиб олса бўлади. Аммо, у елкадан (олдинги оёқлари устидан) яғир бўлса, ўла-ўлгунча тузалмайди, даволаб ҳам бўлмайди. Чунки, елка умуртқа бўғинларининг бирлашган жойи бўлиб, от ҳар оёқ кўтариб ташлаганда қимирлаб, битай деб келаётган яра яна очилиб, баттар бўлаверади. Бу отларга хос мерос — яғирдир. Мақолда «ота яғири» дейилганда отанинг ўз ўлимига қадар тўлаб улгуролмаган қарзи назарда тутилган. Халқимизнинг одати қадимларидан бири шуки, отани дафн этиб бўлгачаҳ, маҳалла оқсоқолларидан бири мозор тепасида, дафн этиш маросимига келган барча кишилар иштирокида марҳумнинг ўғлига мурожаат қилиб: «Мабодо отангизнинг бировдан қарзлари бўлса-ю, васият қилолмай вафот этган бўлсалар, шу қарзнинг эгаси келиб бирор ҳужжат кўрсатса ёхуд икки гувоҳ билан исботласа, сиз қарзни тўлайсизми?» дейди. Ўғил: «Тўлайман» дейди. Шунда оқсоқол: «Мана, отангиз эн-

ди мусаффо бўлиб, пок бўлиб кетдилар» дейди. Шундай қилиб, отанинг қарзи ўғлининг гарданига тушади. У бу қарзни (айниқса қарз катта бўлса) тўлаб қутулгунча анча қийналиб юради. Юқоридаги мақол билан оталарга: «Бола-чақанга қарз қолдирма»,— деб насиҳат қилинади.

Элнинг иши — совурмоқ, ўтнинг иши қовурмоқ.

Мазмуни: «Елдек енгил бўлма, топган мол-дунёингни, обрў-эътиборингни совурма. Ўтдек қизиб, алангаланиб, одамларни қовурма. Оғир, вазмин бўл!»

Елпуғичнинг ели далага кор қилмас.

Елпуғич бир-икки одамгагина шамолини етказа олади, даладаги деҳконнинг хирмонини елиб бера олмайди. Бу мақолни кичикроқ, аҳамиятсизроқ ишларингина қилишга қодир бўлган, аммо катта ва мураккаб ишларга қурби етмайдиган одамларга нисбатан қўллайдилар.

Ема-ичма, бўл бахил, бой бўлмасанг, мен кафил.

Халқ бу мақолни пул ва олтин-кумушлар тилидан айтган ҳамда бахил бойларга нисбатан киноя тарзида қўллаган. «Бой бўлай десанг, ўчоғингнинг кулини торт» деган мақол ҳам борки, халқ зикна, ҳасис бойлар тилидан ёхуд уларга қарата киноя тарзида айтган. Мазмуни: Бой бўлай десанг, ҳадеб овқат қилиб юраверма ва ҳадеб меҳмон чақириб, уларни зиёфат қилаверма».

Емаганингни ерлар ер.

«Топган-тутганингни ўзинг е, оила, бола-чақанга едир. Қисиб-қимтиб, пул-у, мол-дунё тўплаб нима қиласан?! Ким билади дейсан, эҳтимол емай-ичмай йиққанинг бирон-бир сабабга кўра ўзингга насиб қилмас», дейилмоқчи.

Емаганни ейдилар, тегаверсин дейдилар.

Бу мақол текинхўр, тамагир бойлар амалдорлар, руҳонийларга қарата истеҳзо билан айтилган. Вар.: «Келтир менга, юқдир менга»; «Бўрининг ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймайди.

Емасанг ҳам, паловдан гапир.

Ширин орзу-умидлар қумсалганда шундай дейилади.

Емни егандан кейин мақтайдилар, эрни — ўлгандан кейин.

«Емни, яъни овқатни ва бошқа егулик нарсаларни еб кўриб, хуштаъм, лаззатли бўлган бўлса, ана ундан кейин мақтай бошлайдилар. Эр киши мардлиги, ботирлиги билан эл-юртга танилса, довруғ қозонса, у ўлгандан кейин ҳам бу яхшилигини ёдлаб, мақтаб юрадилар»; дейилмоқчи.

Енгганнинг яраси тез битар.

«Душманни енгиб, ғалаба қозонган тараф урушда ҳар канча жароҳатланган, вайрон бўлган бўлса ҳам, енгилган тарафдан товон (контрибуция) олиб, тез орада ўзини тиклаб олади. Енгилган тарафнинг шўри қурийди», дейилмоқчи.

Енгил оёқ узоққа қўшар, енгил бош тузоққа тушар.

(қўшар-бошлар; олиб боради). Мазмуни: «Оёғи енгил, яъни чаққон одам узоққа бора олади, кўп ишларни қила олади. Боши енгил, яъни енгилтак, енгилтабиат одам эса тилини тиёлмайди, оғзига келганни ўринлими, ўринсизми, тўғрими, нотўғрими, барибир, гапириб юбораверади-да, кейин ўзи бундан панд еб қолади». Вар.: «Енгилтакнинг тили

бийрон, Тилин тишлаб қилур пушмон».

Ер — бойники, сув — сойники, осмонингни ўзинг ол!

Бу — камбағал деҳқонлар тилидан худога аччиқ қилиб айтилган. Вар.: «Ер эгаси — худо, Сув эгаси — султон». Мазмуни: «Ер ҳам, сув ҳам, мол-дунё ҳам бойлар ва амалдорларники, камбағал бечораларга эса ҳеч нима йўқ».

Ер тўймагунча эл тўймас.

Вар.: «Ер тўйса, эл тўяди»; «Еринг тўқ — элинг тўқ»; «Ери бойнинг — эли бой»; «Ерга муҳаббат элга муҳаббат»; «Ер — хамир, Ўгит — хамиртуриш» («Хамир хамиртуришсиз ошмагани каби, ер ҳам ўгитсиз мўл ҳосил бермайди», дейилмоқчи). «Ерни боқсанг, емини бер»; «Қари ернинг қорни кенг» (Қари, яъни эскидан экин экиб келинаетган ернинг «қорни» кенг бўлади, яъни кўп ўгит талаб қилади. Шунинг учун бундай ерни ўгитга роса тўлдирсангтина кутган ҳосилингни оласан», дейилмоқчи). «Тўйдирсанг мени, тўйдираман сени» (бу ер тилидан айтилган). «Сен ерни ер қилсанг, Ер сени шер қилади»; «Ерни боқсанг — боқади, Боқмай қўйсанг — қоқади» (қоқади — кам ҳосил беради, қисиб-қимтиб қолади, «уриб» қолади, деган маънода. Бу сўз «Чўмичда қоқмоқ» иборасида ҳам худди шу маънода қўлланади). «Озиқли ер оқсатмас»; «Озиқли ер ориқламас»; «Мол семирса ёғ бўлар, Ер семирса боғ бўлар», «Ерга ошатсанг ош битар, Ошатмасанг тош битар»; «Ерни боқмасанг — заранг, ҳосил беради аранг»; «Ерни боқсанг, боқади, Боқмай қўйсанг, қоқади»; «Ер боққанни ер боқар, Ер боқмаган — ерга боқар»; «Ерини алдаган — ўзини алдар».

Ер — хазина, сув — гавҳар.

Мазмуни: «Ернинг қадрига етиш, уни сотмаслик, қўлдан чиқармаслик зарур». Вар.: «Ер сув — битмас кон»; «Деҳқонинг хазинаси — ер»; «Ер — дон, деҳқон — хазинабон»; «Ер қаерда бўлса, шер панжаси ўша ерда»; «Ернинг йиртиғи йўқ, Бойнинг — тиртиғи»; «Ер — бойликнинг онаси, Меҳнат — унинг отаси»; «Ер эл билан обод, Эл ер билан обод»; «Ерли бўлмагунча, молли бўлмайсан». «Ер тўйдирар, Ўт куйдирар»; «Еринг бўлса — сиғарсан, Тоғинг бўлса — тўярсан»; «Ерли ерини мақтар, Балиқчи — кўлини»; «Ер деган — олтин қозиқ бўлур»; «Ер деган — олтин қозиқ, ғажиб есанг тугамас»; «Ер олган — эр, Ер сотган — қаро ер» (ер олган одам — эр, яъни ишбилармон, омилкор одам, арзир-арзимас пулни деб ерини сотган, қўлидан чиқариб юборган одам — қаро ер бўлади, бойлигидан ажрайди, хонавайрон бўлади, дейилмоқчи). «Ер сотган эр бўлмайди, Эр — ер сотмайди»; «Ер қадрини билмайди, Ер экмаган деҳқонлар, Эл қадрини билмайди, Эл кўрмаган нодонлар»; «Ер олган — кўкаради, Ер сотган — қурийди»; «Ерни тепма — жони бор, Уриб турган қони бор».

Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, бажараётган иш анча мушкул бўлиб, ишлаётганлар мўлжалдаги ишни қила олмайдилар, қийналадилар, асабларн бузилади, диққат бўладилар. Шунда айбни бир-бирларига қўядилар, бир-бирларидан тўнкайдилар. Ваҳолонки, сабаб у ёки бу одамда эмас, бошқа нарсада. Юқоридаги мақолни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда ишлатадилар. (Жўра:) Нима қилишимизни сен айт! Ахир, сенинг қизинг кочган. (Матқул:) Ана холос!... «Ер қаттиқ бўлса, ҳўкиз ҳўкиздан кўради» деб бекорга...» (Султон, Асарлар).

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда.

Вар.: «Деҳқон бўлсанг шудгор қил, Мулла бўлсанг такрор қил». Шудгор қилмоқ ерни кузда ҳайдамоқ, демак-

дир. Бобо деҳқонлар кўп йиллик тажрибалари натижасида ерни кузда ҳайдаш баҳорда ҳайдашга қараганда бениҳоя афзал эканлигига ишонч ҳосил қилганлар. Шунинг учун ҳам юқоридаги мақолда: «Ерни ҳайдасанг кузда ҳайда, агар кузда ҳайдамасанг, баҳорда юз марта ҳайдаганинг билан барибир кузда ҳайдагандек натижа бермайди», деган фикр илгари сурилган. Буни ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги фани ҳар тарафлама исбот этган. Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор З. С. Турсунхўжаевнинг ёзишича: «Ерни асосий ишлаш — кузги шудгорлаш баҳорда ҳайдалганидан бир қанча афзалликларга эгадир. Кузги шудгорнинг асосий афзалликлари шундан иборатки, бу усул қўлланганда ўсимлик қолдиқлари, маҳаллий ва минерал ўғитлар тупроқнинг чуқур қатламига яхши кўмилади, касаллик тарқатувчи ҳашоратлар қирилиб битади, қиш давомида атмосфера ёғинлари, яхоб сувлари ҳисобига тупроқда кўп миқдорда нам тўпланади, шунингдек тупроқнинг физик хоссалари яхшиланади. Кузги шудгор қўлланилган ерларда ҳар гектарнинг ҳосилдорлиги баҳорда ҳайдалганига қараганда 3 центнердан 6 центнергача юқори бўлади.»

Ерга киндак бўлсанг, элга тентак бўласан.

Бу мақол икки маънода қўлланади: 1. «Қанча катта ёшга кираверсанг, кичик ёшдагиларга шунча майна бўлаверасан. Ёшлар кариган қаддибастингни, афти-ангорингни, ожизлигингни кўриб, сени тентак фаҳмлайдилар ва устингдан куладилар». 2. «Мен ўлмайман, осмонга устун, ерга киндак бўламан, деб ўйлама ҳам, гапирма ҳам. Ҳали дунёда ҳеч ким бундай бўлган эмас. Агар шундай десанг, одамлар устингдан мазах қилиб куладилар, эл-юрт ўртасида масхара, тентак бўласан».

Ерга тушган — гул бўлар, ўтга тушган — кул бўлар.

Вар.: «Ер уруғ олмагунча ошлик бермас»; «Етмаганни ерга от, Ортиғини элга тарт». Буларни ерга имкони борича кўпроқ уруғ сочишга, кўпроқ экин экиб, кўпроқ ҳосил олишга даъват этганларида қўллайдилар.

Ерда ётган юмуртқа — осмонда учган қуш бўлар.

Мазмуни: «Кичкина экан, ожиз экан, деб бировни камситма, менсимай ўтирма, вақти келиб у ҳам катта бўлади, қўлидан иш келадиган бўлиб кетади. Ўшанда сен уялиб, изза бўлиб қолишинг мумкин».

Ерда ернинг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор.

Вар.: «Ердан ер қутлуғ»; «Сағиз ер — мағиз ер, Қум ер — шум ер». Мазмуни: «Ер (экин майдони)нинг ҳаммаси ҳам бир хил бўлавермайди, бир-биридан фарқ қилади, бири бўрсилдоқ, бири шўрхок, бири шўх, бири қумлоқ, бири тошлоқ ва ҳ.к. бўлади. Ер олмоқчи бўлсанг, шунинг фарқини бил, ўшанга қараб нархини келиш». Бу мақолни чорвадорлар: «Бир ер (яйлов)нинг ўт-ўлани кам, об-ҳавоси ноқулай бўлса, қўйларингни бошқа ерга ҳайда» деган маънода қўллаганлар. «Ернинг ердан, эрнинг эрдан фарқи кўп, Мушкул шуки, сўзлашганда тенг бўлар» (Махтумқули). Латифа: «Кунлардан бир кун Афанди шаҳар дарвозасидан овга чиқиб кетаётган подшога пешвоз чиқиб, эҳтиёжи учун бир тилла сўраган экан, у бермай, йўлига кетаверади. Шунда Афанди ундан илгарироқ бориб, подшони шаҳар ташқарисидаги кўприк устида кутиб олибди-да, яна бир тилла сўрабди. «Ие, бу канақаси?! — дебди подшо.— Ҳозиргина анови ерда йўқ девдим-ку!».— Ахир ердан ернинг фарқи бор-да, тақсир,— дебди, Афанди. Шунда подшо хоҳолаб кулибди-да, Афандига бир тилла бериб кетибди».

Етдим деганда йиқилма, тўлдим деганда тўкилма.

Вар.: «Бўлдим деганда бузилмасин, Тутдим деганда узилмасин»; «Етдим деганда йиқилма, Бўлдим деганда

бўлинма»; «Еганинг қуй бўлсин, Кўрганинг тўй бўлсин»; «Гупроқ олсанг, олтин бўлсин»; «Олгин-у, олдирмагин»; «Соғинчимиз қисқа бўлсин, Севинчимиз узоқ бўлсин»; «Душманнинг умри қорча бўлсин» («Қор тез эриб, йўқ бўлиб кетгани сингари душманнинг ҳам тез битсин», дейилмоқчи). Бу мақоллар билан эзгу тилаклар изҳор қилинади.

Етмаган хамир тандирда турмас.

Одатда етилмаган хамирдан ясалган нон тандирга ёпишмай, тапа-тапа ташлаб, қўрга, кулга беланиб, нес-нобуд бўлади. Мажози: «Киши ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаса, ҳаёт «мути»ни, турткисини, зарбасини емаса, яъни етилмаса, ҳаётда учрайдиган баъзи қийинчиликларга бардош бера олмайдиган бўлади. Шунинг учун болани ёшлигидан чиниқтириш, меҳнату машаққатган ўргатиш зарур».

Етим, етим демангиз, етим ҳақин емангиз.

Бир туркум мақолларда «етим» дейилганда болалик чоғидаёқ ота-онаси ўлиб кетиб, боқадиган одамидан ажраб, бировларнинг қўлига қарам бўлиб қолган, аксарияти бойлар ва амалдорларнинг эшигида хизматкор ва чўри бўлиб хизмат қиладиган болалар, ўсмирлар, йигит-қизлар назарда тутилган. Етим-есирлар, гарчи бетиним ва машаққатли меҳнатлари билан ҳалол хизмат қилсалар ҳам, бой ва амалдорлар, уларнинг оила аъзолари бу бечораларни одам ўрнида кўрмасдилар, ҳурмат қилмасдилар, паст назар билан, иҳонат кўзи билан қарардилар, камситардилар, ортиб-тортиб ётсалар ҳам уларган ёрдам қўлини чўзмасдилар, яхши сўзни ва ва умуман бирон-бир яхшиликни раво кўрмасдилар. Бу нарса ҳоким синф томонидан тўқилган ва қўлланилган бир қанча мақолларда ўз ифодасини топган: «Етим деган — бойнинг давлат шериги» («Етим, яъни хизматкор бойнинг давлатини, мол-дунёсини ейди, бойга зиёни тегади» демоқчи бўлганлар). «Етимлик — зигир ёғи» («Зигир ёғи» деганда кўнгилга урган, кишини ёлиқтирган нарсалар ва кимсаларни назарда тутадилар). «Ерсирнинг етмиш ерда касри тегар»; «Етимчадан бой чиқса, айрон бермас ичарга, Тикувчидан бой чиқса, қайчи бермас бичарга»; «Етим ўғлон ит бўлар, Ёкаси тўла бит бўлар»; «Етим ўғлон — юраксиз, Етим ўғлоқ — қуйруқсиз «(ўғлоқ — тўрт ойлик эчки боласи). «Етим бой бўлмас, Бой бўлса ҳам, бойвачча бўлмас»; «Етим кизга — елпугич чикара?» (чикора — шима кераги бор). Елпугични купрок хононим, бегойим ва бойвуччалар тутишарди. Мазкур мақол билан: «Етим қизга ким қўйибди елпугич билан елпинишни?» деб истехзо қилганлар. «Етим тўларни билмас, Ёмон ўларни билмас»; «Етимнинг етти қорни бор»; «Етим корни — етти кават болхона»; «Етимча — етти кулча» («Етимча етти кулчага ҳам тўймайди», дейилмоқчи); «Етим кўзи сутга тўймас»; «Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, Етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон этар»; «Етим ўғлоқ асрасанг, соқол-муртингни ёлар, Етим ўғлон асрасанг, юрак-бағрингни доғлар»; «Етимни сийласанг, чориғи билан тўрга чиқади»; «Оёқдаги бит бошга чиқади» (бунда «бит» деганда етимни, хизматкорни назарда тутганлар); «Чўрига чалпак берсанг, қозонингга тупуради»; «Итнинг бошини силасанг, товоққа борар» (бунда «ит» деганда етимни, хизматкорни назарда тутганлар ва «уни зинхор сийлай кўрма, сийласанг, бошингга чиқади, дейилмоқчи). «Етимни ким эрка дер — етти дакки, тепки ер»; «Раҳм қилма етимга, Етим урар кетингга». Меҳнаткаш халқ оммаси тўқиган ва қўллаган мақолларда эса, бунинг акси ўлароқ, етимларга нисбатан хайрхоҳлик, улар аҳволига ачиниш ҳис-туйғулари билдирилган ҳамда уларга раҳм-шафқат қилиш, қўлдан келган яхшиликни улардан аямаслик, уларнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, шундоқ ҳам эзилиб юрган дилларига озор бермаслик зарурлиги уқтирилган: «Етим ўз кандагини ўзи кесади» (Ўтмишда янги

туғилган боланинг киндигини доя хотини кесар, бу хизмати учун унга бир нима бериш керак бўларди. Бойлар, ўзига тўқ одамларнинг хотини тугса, дояга «киндик кесар» деб аталадиган қўйлакдик, лозимлик мато, рўмол ё пул берардилар. Камбағал, бева-бечоралар етимларнинг эса дояга бергулик нарсалари бўлмаганидан чақалоқнинг киндигини ўзлари кесиб қўя қолардилар); «Ўзинг учун ўл етим!»; «Етим ўзини ўзи боқади»; «Етим ўз этини ўзи ейди, Елкасини бити ейди» (Етимнинг алмаштирадиган қўйлаги бўлмай, биттаю битта қўйлаги узоқ вақт кийилаверганидан ғижир бўлиб, битлаб кетарди); «Етимнинг жони — етти бўлади»; «Етимнинг ёнги калтамикин десам, қўли калта экан»; «Етимнинг кўзи — ёшли»; «Етимнинг кўнгли — ярим»; «Бевага бозор бўлмас, етимга — ҳайит»; «Етим етти уйдан ош ичар»; «Етим кимники — ош берганники»; «Етимнинг отаси етти»; «Етим қизнинг етмиш онаси бор»; «Етим қизнинг яшаси кўп» (Ота-онадан ёш қолган етимларни, айниқса қизларни, маҳалладаги аёллар назорат қилиб, уларга ёрдам ва тегишли маслаҳатлар бериб, мураббий бўлиб, оналик қилардилар. Кейинги икки мақолда шу нарса ўз ифодасини топган); «Етим ҳақи етти дарёни қуритар» («Етимлар ҳақига хиёнат қилганлар қаттиқ жазога, фалокат-ҳалокатга йўликадилар», дейилмоқчи). «Сағирнинг ҳақи — тангрининг ўқи» (сағир — ота-онадан ёш қолган етим бола. Унинг отасидан қолган мол-мулкини «сағир ҳақи» дейдилар. Қадим одатимизга кўра, сағир ҳақи дахлсиз ҳисобланган. Хатто: «Сағирнинг эшигидан ўтсанг, чанг юксa, кавушингни қоқиб ўт (яъни, унинг бирон-бир нарсаси тугул, чанги ҳам сенга ўтиб қолмасин дейилмоқчи). Отаси ўлса, таъзиясига кирган одамлар «сағир ҳақи» деб, дастурхонга қўл узатмайдилар. Қачонки сағирнинг ўзи ё онаси, ё уларга қарашли одам: «Олинглар, ўз маҳри-меросимдан сарф қилаяпман», дегандан кейингина нон-чойга, овқтга қўл узатадилар. Мазкур мақолда: Сағирнинг ҳақига хиёнат қилган одам тангрининг ўқига — қаҳр-газабига дучор бўлади, дейилмоқчи, «Ердан топилган — етимники» (Қадимий одатимиздан яна бири шуки, агар кўчада бирор нарса тушиб ётган бўлса, топиб олган одам уни қўлига кўтариб, баланд овоз билан: «Бу кимники?!» деб қайта-қайта айтади. Шунда агар хеч ким «Меники» демаса, ҳалиги одам учун топилган нарса — ҳалол нарса бўлиб ҳисобланади. Лекин у ҳам бу нарсани ўзига олмай, гадойга, етим болага бериб кетади. Юқоридаги мақол шу анъанадан келиб чиққан). «Етимни йиғлатма!»; «Етим бошин силасанг, эрлар силар бошингни, Душман бошин силасанг, душман ғажир бошини»; «Етим бошин силасанг, ҳажга бормоқ на даркор?» (Эътикодий тушунчага биноан, савоб орттирмоқ ниятида Маккага бориб, ҳаж қилиб келадилар. Мазкур мақол билан: «Етимнинг кўнглини овласанг, ундан ёрдамингни аямасанг — шунинг ўзи савоб, ҳажга боришингнинг ҳам ҳожати йўқ», дейилмоқчи); «Жабр қилма етимга, учрагайсан Мустафонинг ўқига» (Мустафо — пайғамбар); «Етим бола етти йилда уялтирар» («Етим болани ёшлигида хўрлама, камситма, у йиллар ўтиши билан ета бориб, қўлидан иш келадиган, маблағ топадиган бўлади, ўшанда сен уялиб қоласан», дейилмоқчи). «Тойни той деб хўрлама, эрта-индин от бўлар»; «Етим етса, етти кўтариб урар»; «Етим юриб етилган — ўзар» (Ёшлигидан етим қолиб, ҳаётнинг азоб-уқубатлари оғушида чиниққан бола катта бўлганда, ҳаётнинг нималигини бошқалардан яхши билади ва ҳар тарафлама бошқалардан ўзиб кетади, дейилмоқчи).

Етса — мол, етмаса — жон.

Вар.: «Етса — пул, Етмаса — бул» (бул — мол). Севган ёрга, қадрдон дўстга: Сен учун хеч нарсамни, ҳатто жонимни ҳам аямайман, демоқчи бўлганларида шу мақолни қўллайдилар.

Етти ёшга етгуча ер тўқмоғин ерсан, етмиш ёшга етгунча эл тўқмоғин ерсан.

Мазмуни: «болалигингда қоқилиб, йиқилиб, ердан «тўқмоқ» ейсан. Катта бўлганингдан кейин эса, бутун умринг давомида одамларнинг аччиқ-чучук гапларини эшитасан, ҳатто уларнинг зарбини ҳам ейсан. Бундан хафа бўлма, кўник, чида».

Етти яшар отни «хушт — хушт»лаб суғорма.

Одатда отни суғораётганда «хушт-хушт» деб турадилар. Мажози «Бола вояга етгач, уни гўдаклигидаги каби пуф-пуфлама, эркалама, аяма, энди ҳар бир ишни ўзи мустақил қиладиган бўлсин».

Етти яшар сафардан келса, етмиш яшар кўргани келар.

Вар.: «Олти яшар сафардан келса, Олтмиш яшар кўргани келар». «Йўл азоби — гўр азоби» деб, бежиз айтмаганлар. Ўтмишда узоқ сафарга чиққанлар бир қанча қийинчиликларга дуч келардилар, ҳатто хавф-хатарга йўлиқардилар. Шунинг учун бўлса керак, сафардан қайтиб келган одамни (хоҳ у қари бўлсин, хоҳ ёш бўлсин, бундан қатъий назар) узоқ-яқин қариндош-уруғлар, ёр-дўстлар, таниш-билишлар, қўни-қўшнилар (ёшлар ҳам, қариялар ҳам) кўргани, ҳол-аҳвол сўрагани келиши — халқимизда азалдан одат тусига кирган.

Етти ўлчаб, бир кес.

Мазмуни: «Ҳар бир ишни обдан ўйлаб, тадбиркорлик билан пухта қил»; «Ёғоч кессанг, узун кес — кесса бўлар, Темир кессанг, калта кес — чўзса бўлар»; «Кийим бичсанг, узун бич — қийса бўлар»; «Ўймоқ бичсанг ҳам, ўйлаб бич» (ўймоқ — кийим тешиги). «... Ўйланг, ўйлаб иш қилинг. Етти ўлчаб, бир кес деганлар. Кейинги пушмон асқотмайди» (А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари)

Етти қизнинг онаси — ҳанузгача келинчак.

Ёкши анча ўтиб қолган бўлишига қарамай қизлар, келинчакларга хос кийиниб, пардоз-андоз қилиб юрувчи олифта аёлларга нисбатан киноя тарзида қўлланиладиган бу мақол қуйидаги топишмоқдан олинган (бу ўринда шуни айтиш керакки, баъзи қўшиқлар ва топишмоқларнинг бир қисмини мақол тариқасида ҳам айтиб юрадилар). «Чўпчагим чўпчак, Олтин беланчак, Етти қизнинг онаси, Ҳанузгача келинчак».

Еттининг бири — айёр.

Мазмуни: «Жамиятда ҳар хил одам бор. Биринниг дили пок, бегараз бўлса бошқа бирининг хулқи бузуқ, нияти қора бўлади. Шунинг учун ниҳоятда эҳтиёт, хушёр бўл, одамларнинг ҳаммасига ҳам ишонаверма, ҳар кимга қалбингни, сир-асрорингни очаверма». Вар.: «Дўстдан кўп — душман»; «У кўзинг бу кўзингга дўст бўлмас»; «У кўзинг бу кўзингга панд беради»; «Дўст — эгиз, Душман — саккиз».

Ечинган сувдан қайтмас, кезанган ёвдан қайтмас.

(Кезанмоқ — йўлга тушмоқ, чоғланмоқ, отланмоқ. аҳд қилмоқ, бел боғламоқ). Чўмилишга аҳд қилиб, сув ёқасига келган чўмилмай қайтиб кетмайди. Шунингдек, сен ҳам ҳамон ёвга қарши бораяпсанми энди йўлингдан (аҳдингдан) қайтма, дейилмоқчи.

Еяр оғизга ош берар, йиғлар кўзга ёш берар.

Ҳаётдан қийналган, бир нарсага муҳтож бўлиб қолган одамга тасалли берилганда шундай дейилади.

Еяр оғизни емас оғиз боғлайди.

Мазмуни: «Бир жойга борганингда сендан бошқа меҳмонлар ҳам бўлса, қорнинг тўқ бўлса ҳам овқатдан олиб-олиб ўтир, ҳаммадан бурун қўл артма»



Ё отинг чиқсин, ё ўтинг чиқсин

(Ўт жигардан чиқадиган суюқлик). Уни «ўтака», «захра» ҳам дейдилар. Ана шу ўт ёрилса, киши ҳалок бўлиши мумкин. «Ўти ёрилди», «ўтакаси ёрилди»; «Ўти учди»; «захраси учди» иборалари «ўлгудай қўрқиб кетди» деган маънодадир. «Ё номинг чиқсин, Ё жонинг чиқсин»; «Ё ловуллаб ён, Ё биратўла ўч»; «Ё чанғинг чиқсин, Ё донгинг чиқсин» деб ҳам қўлланиладиган мазкур мақол билан: «Бир ишга киришдингми, унга маҳкам ёпиш, ғайрат, жасорат, фидойилик кўрсат ва шу ишни охирига етказ токи одамлар сенга қойил қолишсин, улар ўртасида номинг чиқсин, обрў-эътибор қозон», демоқчи бўладилар. Аҳмаджон хотини, қариндошлари, ёрдўстлари билан хайрлашар экан, худди ҳозир урушга кириб кетаётгандай, «ё чанғим чиқади, ё донғим чиқади!»— деди. (А. Қаҳҳор).

Ев кетса ёвон очилар, ош пишса қозон очилар.

Мазмуни: «Ёвни қувсанг, ёвонинг — чорвангни боқиб, эканингни экиб, тирикчилик ўтказадиган даштдаланг очилади ҳаёт яна ўз изига қайтади».

Ёв кетса ҳам, қиличингни занглатма.

Мазмуни: «Ёвга нисбатан ҳечам бепарво бўлма. Ёвни енгиб, юртингдан қувиб юборгандан кейин ҳам қурол-ярогингни шайлаб, унга зарба беришга тайёр бўлиб тур. Бир бостириб келган ёв яна келиб қолиши эҳтимолини асло унутма».

Ёв кўзи ўқмордек қарар

(ўқмор — ўқ илон). Бу илон тўғрисида халқ ўртасида шундай тушунча борки, гўё у одамни, сайдини, ракибини кўриб қолгудай бўлса, бирдан сапчиб, ҳавога кўтарилиб, сайдига отилиб, уни ўқдай тешиб ўтармиш-да, ўша заҳоти ўлдирармиш. Ўқмор ҳатто темирни ҳам тешиб ўтармиш, фақат нонигина теша олмас эмиш. Мазкур мақол билан: «Кимнинг қандайлигини кўз қарашидан билиб олса бўлади. Бу фикрни «Яхшини бил ўзидан, Ёмонни бил кўзидан» мақоли ҳам англатади. Дўстнинг кўз қарашида меҳру муҳаббат, шафқату меҳрибонлик сезилиб туради. Душманнинг кўзи эса худди ўқмордек, тешиб юборгудек, еб юборгудек қарайди», дейилмоқчи бўлади ва киши сезгир, зийрак ва эҳтиёткор бўлишга даъват этилади.

Ёв макрини ёлғон яширар.

Мазмуни: «Ёвнинг тилёғламалик билан айтган ширин гапларига учма. Унинг гаплари ёлғон бўлади. У ўз макру хийласини сендан яшириш учун атрофингда парвона бўлиб, гўё кўнглингни олмоқчи бўлади. Ундан ҳамавакт эҳтиёт бўл».

Ёв яроғини ёв билмас.

Мазмуни: «Ёвнинг сир-асрорини, ҳарбий қувватини, тузиб қўйган режасини унинг ёви (рақиби) билмайди ёхуд билгани тақдирда ҳам аниқ ва тўлиқ билмайди». Вар.: «Ёв тилини ёв билмас»; «Ёв сирини ёв билмас».

Ёв қочса, ботир кўпаяр.

Вар.: «Ёв йўғида — ҳамма ботир!»; «Ёв ортидан — юдуруқ» (юдуруқ — мушт, «мушт ўқталмоқ» маъносида); «Бизнинг ака — ўзи кўркоқ, қўли ботир, Ёв қочганда — қиличини ярақлатир». Жангда мардлар, ботирлар билан бирга кўркоқлар ҳам бўлади. Бундай кўркоқларнинг аксарияти жангу жадал пайтида бирор пана жойда писиб ётади. Мардларнинг жасорати туфайли ёв қочганидан кейин эса писиб ётган жойларидан аста чиқиб келадилар. Шуида уларнинг орасидан: «Мен ана ундоқ жанг қилдим, ёвнинг мана бунчасини қириб ташладим» ёхуд «Аттанг, ёв қочиб қолди-да, бўлмаса уларни ана ундай қилардим, мана бундай қилардим», деювчи безбетлар ҳам чиқиб қолади. Юқоридаги мақоллар ана шундай «ботир»ларга ва умуман, иш ўтиб бўлганидан кейин қурқ мақтанадиган кишиларга нисбатан қўлланилади. Қуйидаги мақоллар билан эса кўркоқларни мазах қилиб кулганлар, уларни лаънатлаганлар. «Янтоқдан атир чиқмас, Кўркоқдан ботир чиқмас»; «Жангдан номард қочади»; «Мард майдон оралаб ёв чопар, Номард жар паналаб тов қочар» (шевада «тов» — тоғ); «Ёв қувса, сичқоннинг ини минг танга» (ёв қувиб, бостириб келаётганда ундан қочган кўркоқлар жон ширинлигидан кичкинагина пана жойни ҳам истаган нархга сотиб олишга тайёр бўлиб қоладилар, дейилмоқчи); «Қирғий учса, чумчуқни тирқишда кўр»; «Ёвдан қўрққан — ёвга дўст, Элни севган — элга дўст»; «Ёмон — ёвга бўлишар»; «Ёт ёғини еган йигит ёвга чопмас, Уй ялоғига тўйган ит овга чопмас»; «Ит бўрига илиқса, қўйингдан қўлингни юв» (илиқмоқ — топишмоқ, апоқ-чапоқ бўлмоқ). Маъноси: эркак ит урғочи бўри билан топишиб қолса, қўйларни қўриқламай, бўриларнинг еб кетишига йўл қўяди; мажозан, ўз эл-юртига ҳиёнат қилган душманга сотилган хоинлар тушунилади. Халқимиз нафрат билан уларни итга ташбиҳ қилади.

Ёвда бўлса, тезаги тегар.

Бу мақол билан чорва молини кўпайтиришга даъват этадилар: «Молнинг йўғидан кўра бўлгани яхши. Унинг турган-битгани фойда. Мабодо ерингга ёв бостириб кирса-ю, сен ўз ерингни, мол-ҳолингни ташлаб кетишга мажбур бўлиб қолсанг ҳам, вақти келиб ёвни қувганингдан кейин молларингнинг ҳеч бўлмаса тезаги қолади. Уни ўғитингга ёқасан, ерингга соласан». дейилмоқчи.

Ёвлашмоқ — осон, ярашмоқ — қийин.

Мазмуни: «Ёвлашмоқ — биров билан аразлашмоқ, уни ўз рақибинга, душманинг, қасдига айлантирмоқ, у билан алоқани тескари қилмоқ. «юз кўрмас» бўлиб кетмоқ — сал нарса билан бўлади қолади. Ёвлашиб қолингандан кейин эса яна ярашмоқ, илгариги яхши муносабатни тиклаимоқ анча қийин бўлади (куда-андачиликда, ошна-оғайнигарчиликда бундай ҳоллар бўлиб туради). Шундай экан, мумкин қадар ёвлашишдан, кўнгил қолардик иш қилишдан сақлан, ўзингни тий, бир-бирини тушунмаслик, англашмовчилик, келишмаслик ҳолларида жаҳлингга, тилингга ва қўлингга эрк берма».

Ёвни аяган — яра ер, калтагини сара ер.

Мазмуни: «Сенинг тинчлигингни бузиб, ер-сувингга, мол-ҳолингга кўз олайтириб, юртингга бостириб келган ёвга қақшаткич зарба бер, ундан кўркиб, раҳм-шафқат сўраб, ялиниб-ёлвориб ўтирма. Сен уни аясанг, раҳм-шафқат қилсанг, қора ниятини менсимасдан, парво қилмасанг, ўзинг ғафлатда қолиб, унинг зарбига дучор бўласан». Вар.: «Душманни аяган — даккисин ер»; «Душманга раҳм қилдинг — ўзингга захм қилдинг» (захм — яра, жароҳат; кўнгил ғашлиги); «Ётаверсанг — ёв олар, Индамасанг — дов олар»; «Ётсанг — ёвга ёқар, Ёв

сенга кулиб боқар»; «Ёли борида ялинган — ёмон отнинг белгиси, Жони борида ялинган — ёмон йигитнинг белгиси»; «Ёвга ялинма — жонингни олади, Довга ялинма — молингни олади»; «Жон аямаган — ёвни босар, Мол аямаган — довни босар» (дов — даъво, талаб қилиш); «Жангда ўлишни кутма, ўлдиришни кут»; «Ёв чопса, қўша чоп»; «Ётиб қолгунча, отиб қол»; «Ётиб ўлгунча, отиб ўл»; «Туриб ўлгунча, уриб ўл».

Ёвни ёвутмай, уясида янч.

Ота-боболар бу ва бу каби мақоллар билан аскарларга қандай жанг қилиш душманни осонроқ ва кам қурбон бериш холда енгиш учун қандай харбий усул ишлатиш йўл-йўриқларини кўрсатганлар: Вар.: «Ёвни ёвутмоқ — камалда қолмоқ» (ёвутмоқ — якинлаштирмоқ); «Ёвни ёвутмай, қуйруғин кес» («Ёвни ўз томонингга якинлаштирмай, унинг орқа томонидан ўтиб, лашкарининг «қуйруғи»ни кессанг, у орқадан келадиган ёрдамдан махрум бўлиб қолади, кейин уни осонгина енга оласан», дейилмоқчи); «Ёвни қочириб қувма»; «Йиртқични уясида янч»; «Тўнгизни ботқоқда бос»; «Ёвни қувсанг, тоғ айланиб қув, Ўғрини қувсанг, том айланиб қув» («Шундай қилсанг, ёвнинг ҳам, ўғрининг ҳам кутилмаганда олдидан чиқиб, осонгина қўлга туширасан», дейилмоқчи); «Ёвни қора қочирар». Ўтмишдаги жангларда ёвнинг кўзига аскарларни кўп қилиб кўрсатмоқ учун хийла ишлатиб, ерга қадалган ходачаларга (деҳқонларнинг «кўриқчи»сига ўхшатиб) кийим-бош кийдириб қўядилар. Шу «қора» деб аталган.

Ёвнинг «келди-келди»си ёмон.

Вар.: «Ёвнинг ўзидан ҳам ваҳмаси ёмон»; «Шайтоннинг ўзидан ҳам довруғи ёмон». Мазмуни: «Бу томон юриш бошлаган душман то етиб келиб, у билан тўқнашув бўлганига қадар ўртада тарқаладиган «душман ана ундоқ эмиш, мана бундоқ эмиш; душманнинг аскарлари, қуроляроғи ана унча эмиш, мана бунча эмиш» деган мазмундаги ваҳимали гаплар ёмон. Сен бундай ваҳимали гаплардан чўчима, дадил бўл».

Ёвнинг ташида бўлгунча, ичида бўл.

Вар.: «Қалъа ичидан олинади». Бу мақоллар билан ёвнинг ичига айғоқчи (разведкачи) юбориб, унинг сирини, ҳарбий қудратини, заиф томонини билиб олиш ва шунга қараб иш кўриш зарурлиги уқтирилган.

Ёз — ёзилмоқ, қиш — қисилмоқ.

Бу мақол хусусида Аҳмад Аҳмадий «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1926 йил 1-сонида босилиб чиққан «Туркча ой отлари» сарлавҳали мақоласида қуйидагиларни ёзган: «Туркlар (бунда Туркистон, ҳозирги Ўрта Осиё территориясида яшаган халқлар назарда тутилган — Ш. Ш.) эски замонлардан чорва боқиб, чорва ўстургон эди. Чорвани ўтладиғи томонга эркинлатиб юборишга «ёюв» ҳамда ўтлоқ ерларга «яйлов» дейиладур... Июнь, июль, август ойларида... тоғларга чиқиб, чорва боқилғонидан бу уч ойга «жой» ёки «ёз» дейиладур. Қозоқ, қирғиз, татарлар «жой, жойлиб, жайлов, жайма», ўзбеклар «ёз, ёюв, ёйилиб, ёймоқ» деб қўлланадурлар... Ноябрдан сўнг совуқ бўлиб, тирикчилик, кенгчиликлар камиб, юрт, рўзғор қисиладур. Шу муносабат билан декабрь, январь, февраль ойларига «қис» дейиладур. Қозоқдан бошқалар «с» ўрнига «ш» келтириб, «қиш» деб юргизадурлар. «Олти ой ёз, олти ой қиш» деб юритиладур. Мақол: «Ёз — ёзил, Қис (қиш) — қисил». Вар.: «Ёз — гулистон, Қиш — гўристон».

Ёз ёзиғи — қиш озиғи.

(ёзиқ — ёзда ёзиб ёйиб қуритилган мева-чева, ем-хашак, ўтин ва ш.к.). Вар.: «Ёз меваси — қиш

хазинаси»; «Ёз қоқиси — қишга дори»; «Ёз юндиси — қишга катиқ» «Ёзда пишадиган нарсаларни, ҳатто ёз тўкинчилигида назаринг илмай ташлаб юборадиган нарсаларингни (бу нарсаларни ерга тўкиб юбориладиган юндига ташбиҳ этганлар) қуритиб, қоқи қилиб олиб қўй, улар ҳеч нарса пишмайдиган ва танқислик сезиладиган қиш фаслида сенга асқотади», дейилмоқчи.

Ёз ёпинчиғингни қўйма, қиш ўзинг биласан.

(ёпинчиқ — кигизга ўхшаб бостириладиган, аммо кигиздан анча юқа бўлган матодан енгсиз қилиб тикиладиган ҳамда елкага ташлаб, ёпиниб юриладиган кийим. Уни асосан ёмғир ёққанда кийганлар). Вар.: «Тузга чиқсанг, пўстинингни ола чиқ» (туз — дашт, биёбон); «Гуппинг қалин бўлса ҳам қишдан кўрқ, Дўппинг қалин бўлса ҳам муштдан қўрқ» (гуппи — пахтаси қалин чопон). Маъноси: «Ўзингни шамоллашдан ҳамавақт (ҳатто ёзда ҳам) эҳтиёт қил. Шамоллаш — назар-писанд қилинмайдиган касаллигу, аммо унинг оқибати кўпинча ёмон касалликларни келтириб чиқариши мумкин», дейилмоқчи.

Ёз ишлаган — қишда роҳатда, ёш уйланган — қариганда роҳатда.

Мазмуни: «Ёзда эринмай ишласанг, қишлик озиқ-овқатинг, кийим-кечагинг, ўтин-чўпинг, молларинга ем-хашак жамғариб олсанг, қишда қийналмай, роҳатда яшайсан. Ёшлигингда, яъни айни етилган йигитлик чоғингда уйлансанг, болаларинг тез орада вояга етиб, қариганингда «кўлтиғингга кириб», ишончли таянчинг бўлиб, тирикчилик юкини ўз зиммаларига оладилар, сени меҳнату машаққатдан фориғ қиладилар. Шундай қилиб, қариганингда роҳатда яшайсан. Агар ёшлик даврингни ўтказиб, каттароқ ёшингда уйланадиган бўлсанг, болаларинг воясига етиб улгурмасдан сен қариб, мункиллаб қоласан, сиҳатинг, куч-кувватинг кетган чоғда ҳам тирикчилик юкини ўзинг кўтаришга мажбур бўласан».

Ёз фасли — ноз фасли.

Мазмуни: «Ёз — ноз-неъматлар пишадиган, тўкинчилик, пишиқчилик фасли». «Ёзнинг гилами кенг» деган мақол ҳам бор.

Ёз — яйловинг бор, қиш — қишловинг бор, дунёда не ғаминг бор.

Чорвадорларнинг бу мақоли билан: «Яхши яшаш учун ҳамма шарт-шароитинг бор-ку! Сенга тағин нима керак, ахир?!» деган маънода ўз ҳаётидан нолийдиган одамларга далда берилди.

Ёзга етсанг, қиш кунингни унутма.

Мазмуни: «Қишда қийинчилик кўрганингни унутма. Янаги қишда ҳам қийналмай десанг, ёзда қишлик гамингни еб қўй».

Ёзда боши қайнамаганнинг қишда оши қайнамас.

«Ёз жазирамасига бардош бериб, офатнинг тиғида тер тўкиб (яъни, бошингни«қайнатиб») ишласанг, мўл ҳосил кўтарасан, қишлик озуқангни ғамлаб оласан, қишда ҳам қозонинг қуюқ қайнайверади», дейилмоқчи. Вар.: «Ёз ишла, Қиш тишла»; «Ёзги меҳнат — қишки роҳат»; «Ёз куюнган — қиш суюнар»; «Баҳор ҳаракати — куз баракати»; «Баҳорда лой кечган — кузда мой ичади»; «Баҳорда лой чангаллаганг, кузда мой чайнарсан» («Баҳорда — ёғин-сочинли кунларда лой кечиб, лой чангаллаб, яъни қийналиб, экин экканг, кузда хирмон кўтарганингдан кейин ўша қийналиб қилган меҳнатингнинг ҳузур-ҳаловатини кўрасан», дейилмоқчи). «Баҳорги беғамлик — кузги

пушмонлик»; «Ёз ишлаган — кузда донин ташийди, Ёз ишламаган — қишда бошин қашийди».

Ёзда қўйган пойганакка қишда келиб қуш илинди.

Пойганак — қушларга қўйиладиган тузоқ. Бу шундай бўлади: бир чўпнинг қоқ ўртасидан (худди қўл тарозисининг шайини сингари) ип боғлаб, икки учига қилдан тузоқ ясаб, унга узумнинг ғужуми, олча каби меваларни қистириб, дарахтга осиб қўядилар. Қуш мевани ейман деб чўпнинг бир учига келиб қўнганда, пойганакнинг бир томони оғирлик қилиб, пастга томон огиб кетади. Натижада қуш оёгидан тузоққа илиниб қолади. Маълумки, қушлар жуда зийрак бўлади. Ёзда ҳар қаердан ўз ризкини топиб еб юраверади, сал шубҳалироқ кўринган жойдаги емишнинг якинига ҳам йўламайди. Аммо, қиш киргач, егулик нарса тополмай оч қолса, тавакқалига шубҳали жойдаги нарсаларни (масалан, пойганакка қистириб қўйилган нарсаларни) бориб еишга жазм қиладида, тузоққа тушиб қолади. Мажозан аввал бир нарсага унамай ё бўйин эгмай юрган, кейин ўша нарсага эҳтиёжи тушиб, ўзи бўйин эгиб, ялиниб келган одам устидан истеҳзо билан кулинади.

Ёзи кетиб кузи қолди, қиши кетиб музи қолди.

Бир нарсадан (масалан, мушкул аҳволдан, касалликдан) кўпдан буён қийналиб, азоб чекаётган одамга бирор одам: «Кўп ташвиш тортаверманг, тез орада бу мушкул кунларингиз ҳам ўтиб кетар» деб тасалли берганда у одам: «Шундай деяпсиз-у, аммо ҳали баттарроғи энди бўлади» ёхуд «Аҳволим борган сари баттар оғирлашаяпти» деган маънода шу мақолни келтиради.

Ёзни қўйиб, қиш дема — қишга яраша ишинг бор, қотган экан нон дема — оғиз тўла тишинг бор.

Вар.: «Ёз бор, қиш бор, Шошмай туринг, иш бор»; «Ёз кетади, қиш келади, Шошмай туринг, иш келади». Бу мақоллар билан ҳар бир ишни ўз вақтидан кечиктирмай қилиш, бугунги ишни эртага қўймаслик, «Қотган экан нон дема — оғиз тўла тишинг бор» дейиш орқали эса бор нарсага (гарчи у бир оз кўнгилдагидай бўлмаса ҳам) қаноат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, тежамкор бўлиш зарурлиги уқтирилди.

Ёзуғликка йўл борми?

(ёзуғ — гуноҳ, айб). Ўз элида ё оиласида бирор айб қилиб қўйиб, кўрққанидан ёки иснодга чидай олмаганидан бош олиб чиқиб кетган одам бир қанча вақт бошқа ерларда юриб, ахири бир кун айбини бўйнига олиб қайтиб келганда; яқин қариндош ё яқин дўст узоқ вақт кўринмай кетиб, бир кун қайтиб келиб, эшикдан кираётганда: «Айбдорни қабул қиласизларми?» ёхуд «Айбдор учун (сизлар томон) йўл очиқми?» деган мазмунда шундай дейди.

Ёли семиз эшакдан яғир бўлса ҳам от яхши, қадр билмас қариндошдан яқиндаги ёт яхши.

Вар.: «Қадр билмас қариндошдан қадр билган ёт яхши»; «Ёрдами йўқ қариндошдан етти ёт бегона яхши»; «Бемеҳр қариндошдан меҳрибон қўшни яхши»; «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши»; «Узоқдаги қариндош яқиндаги ёт яхши, Яхши югурук эшакдан ёмон бўлса ҳам от яхши». Мазмуни: «Қадрингни билмаса, бегона одам у ёқда турсин, хатто қариндошдан ҳам кеч, ундан кўра сенинг қадрингни биладиган, иззат-ҳурмат қиладиган бегона, ёт кишилар билан бирга бўлганинг маъқул».

Ёлчидан ёлиқсанг, қарздор қил.

Ёлчи — ёлворувчи, ҳадеб у-бу нарса сўраб келувчи шилқим одам. «Шундай одамдан ёлиқсанг (безор бўлсанг), унга бир нима бериб, қарздор қилиб қўй, «қарзини сўрайди» деб, келмай кетади, ўзини сендан олиб қочиб юради», дейилмоқчи.

Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас.

Халқимизнинг бир қанча мақолларида ҳамжиҳатлик ғоялари, якка-ёлғиз яшашнинг ёмон томонлари ва оқибатлари ёрқин ифода этилади. Вар.: «Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, Ёлғиз йигитнинг донги чиқмас»; «Ёлғиз йигит алп бўлар, Алп бўлса ҳам калб бўлар» (алп — ботир, паҳлавон; қалб — чинакам, ростмана эмас). «Ёлғиз йигит ёв олмас»; «Ёлғиз ботир — ёвга йўқ, Ёлғиз йигит — довга йўқ»; «Яёвнинг чанги чиқмас, Ёлғизнинг муни чиқмас» (муш — йиғи, қайғу, ғам, алам); «Ёлғиз қарганинг уни чиқмас»; «Ёлғиз ғоз товуш бермас»; «Ёлғиз ғознинг уни чиқмас, Ёлғиз қизнинг муни чиқмас»; «Якка ўтин ёлворсанг ҳам, ёнмас»; «Бир тариқдан бўтқа бўлмас»; «Ёлғиз уйнинг томоғи етса ҳам, товоғи етмас»; «Ёлғиз уйда қозон қайнамас»; «Ёлғиз ёғоч уй бўлмас»; «Ёлғиз ёғоч пана бўлмас»; «Якка ёғоч билан уй бўлмас, Якка одам билан тўй бўлмас»; «Ёлғиз дарахт ўрмон бўлмас»; «Ёлғиз ёғоч пана бўлмас, Ёлғиз бияга сава тўлмас» (сава — мол терисидан ясаладиган кимиз солиб қўйиладиган, кимиз ачитадиган идиш, мешнинг каттаси); «Ёлғиз қуйнинг териси пўстин бўлмас»; «Ёлғиз итнинг ҳурғани билинмас, Ёлғиз кишининг юрғани билинмас»; «Ёлғизга — йўл узоқ» (ҳамроҳсиз, яъни ҳамсуҳбатсиз йўл га чиққан одам учун якин йўл ҳам гўё узоқдай туюлади). «Ёлғиз юриб йўл топгандан — кўп билан адашган яхши», «Адашсанг ҳам, эл билан адаш»; «Бир ўзинг доно бўлгунча, Кўп билан девона бўл»; «Ёлғиз қўлдан товуш чиқмас» («Қарс икки қўлдан чиқади»). «Якка юриб ов отма, қуш тутма»; «Ёлғиз туя бақироқ бўлар, Ёлғиз бола йиғлоқ бўлар» («Улар ёлғиз қолиб зерикканидан, бировнинг ёрдамига муҳтож бўлганидан бақиради, йиғлайди», дейилмоқчи). «Ёлғизлик киши юртида билинади»; «Ёлғиз киши — ёрти киши»; «Ҳарна ғовга келса — кўпликдан келар. Ранжу-меҳнат — якка, йўқликдан келар».

Ёлғиз уйнинг бекаси — қурвақанинг бўкаси.

(бўка — «катта», «полвон»). Вайсақи, шанғи, шаллақи, катта гапирувчи, қуруқ мақтанчоқ одам кўпинча қурвакага ташбиҳ этилади. Овсинларини чақиртирмай, ўзи ёлғиз уйга хўжайин бўлиб олиб, ҳеч кимга гап бермайдиган, ҳеч кимни менсимайдиган келиннинг ва, умуман, шунга ўхшаш одамнинг устидан кулганларида шу мақолни айтадилар.

Ёлғиз ўғил — ёвдан қаттиқ, хотини — қалмоқдан қаттиқ

(қалмоқ — бир халқнинг номи бўлиб, бу халқ ўтмишда кўп босқинчиликлар қилиб, атрофдаги халқларга жумладан, ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаган аждодларимизга қаттиқ жабр-зулм утказган. Шу боисдан ёзма ва оғзаки адабиёт асарларида «қалмоқ» сўзи «душман», «тошкўнгил», «каҳри қаттиқ» деган маънода келтирилади). Одатда ёлғиз бола (хоҳ ўғил-у, хоҳ қиз) кўпинча эркалатиб ўстирилади. Оқибатда эрка, тантиқ бўлиб ўсган, ёшлигида нима деса ота-она томонидан бажо келтирилган болалар (ҳаммаси эмас албатта, аксарияти) ота-онани менсимайдиган, уларга ўз сўзини ўтказадиган бўлиб чиқадилар. Ўз фарзандининг жабрини чеккан ота-она, бундан бохабар бўлган, буни кўрган, кузатган атрофдаги кишилар ёлғиз ўғлини

ёвга, ота-онага ундан ҳам баттарроқ жабр-ситам ўтказадиган келинни эса баттарроқ ёв бўлмиш қалмоққа ўхшатганлар. Халқ ўртасида юқоридаги мақол билан боғлиқ бўлган бир ҳикоя ҳам борки, унинг қисқача мазмуни шундай: «Бир тул хотиннинг ёлғиз, арзанда ўғли бир бойнинг қизига уйланипти. Калондимоғ келин кампир қайнонасини «ўз ноғорасига ўйнатга бошлабди». Кунлардан бир кун у қайнонасига тухум бериб: «Шуни кўксингда олиб юриб, жўжа очтирасан», деб талаб қилибди. Шўрлик ночор келининг айтганини қилишга мажбур бўлибди-ю, аммо буни ўғлига айтмабди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, ўғли бу хотинини қўйиб, бошқасига уйланибди. Олдингисидан ҳам таниоз бўлиб чиққан иккинчи келин қайнонасини ховлидаги ғарахтларга арғамчи тортиб, устида «дор» ўйнашга мажбур қилибди. Шўрлик кампир «дор»дан йиқилиб, кун азоб-уқубат чекса ҳам, ўғлига билдирмабди. Яна орадан бирмунча вақт ўтгач, ўғли иккинчи хотинини ҳам қўйиб юборибди, бошқасига уйланибди. Учинчи келин қайнонасини ўйинга тушиб, кизиқчилик, масхарабозлик қилишга мажбур қилибди. Кампир бундай қила олмаслигини айтиб, рад этса, келин қўлига говрон олиб, уни уриб-уриб ўйинга туширибди. Қайнона калтак остида ўйинга тушаркан, шундай деб қушиқ айтибди:

Ёлғиз ёвдан қаттиқ бўларми,
Хотини қалмоқдан, ортиқ бўларми?
Болагинам, Маткосимжон, эркатой,
Хотинларинг қаттиқ зулм этди, вой-вой!
Битта хотин олдинг, килди созивор,
Иккинчиси келиб ўйнатди-ку дор.
Учинчи хотининг — ҳаммасидан «соз»,
Қилди охир, нетай, мени найрангбоз.

Вар.: «Ёлғиз бола бошга бало»; «Ёлғиз қиз — Ялама туз» (ялама тузни «харсангтуз», «тоштуз» деб ҳам атайдилар). Уни охурга ташлаб қўядилар. Моллар (от, сигир, бузоқ ва б.) вақт-вақти билан тузни ялаб-ялаб, яна ем-хашакни еяверадилар. Туз уларни хўра қилади. Ота-онаси «пуф-пуф»лаб, ардоқлаб, эркалаб устирадиган ёлғиз қизни ана шу моллар ялайдиган (яъни, хуш кўрадиган) тузга ташбиҳ этганлар.

Ёлғизликда ёр яхши

(ёр — ҳам «умр йўлдоши», ҳам «дўст-биродар» маъносида). «Ёлғизликда, яъни киши зерикканда, бирор ишга бир ўзининг қурби етмай қолганда ва б. да, унинг ёнида яқин дардкаши, кўмакдоши бўлгани яхши», дейилмоқчи.

Ёлғончининг умри қисқа.

Халқимиз ростгўйликни инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири деб, ёлғончилик, алдамчиликни эса энг ёмон иллатлардан бири деб билади. Вар.: «Ёлғончига тонг отмас» (ёлғончи «тезроқ тонг отаколса-ю, одамларни алдасам», деб уйқуси келмай, туни билан тонгни зориқиб кутади, дейилмоқчи); «Ёлғончининг гувоҳи ёнида юради» (ёлғончи гапирган гапини тасдиқлаш мақсадида: «Мана, ишонмасангиз бу кишидан сўранг»,— деб ёнидаги одамни гувоҳ қилиб кўрсатади, дейилмоқчи). «Ёлғончи ўлган кишини гувоҳ тутади» («Ишонмасангиз фалончидан сўранг» деб, у бу суҳбатда иштирок этмаётган одамни, ҳатто ўлиб кетган одамни гувоҳ қилиб кўрсатади», дейилмоқчи). «Ростга ёлғон аралашмаса, ишинг юришмайди» (Кишилар ёлғончини мазаҳ қилиб, шундай дейдилар); «Ёлғонга ё ялқов инонар, ё — аҳмоқ», «Ўтрукнинг думи — бир тутам» (ўтрук — ёлғон). «Рост билан ёлғоннинг ораси — тўрт энлик»; «Бугунги ёлғоннинг эртаги чини чиқар»; «Йиртиқ уйни ел топар, Ёлғон сўзни чин топар» («йиртиқ уй»— кигизи йиртиқ ўтов); (Кечаси) «Тонг

«отмайман» деса ҳам, кун қўймайди, юз минг ёлғон бўлса ҳам, битта чин қўймайди»; «Ёлғон етмиш йил ерда ётса ҳам, ёлини чиқади» (ёлин — ўт, чақмоқ); «Ёлғончини сўзидан эмас, кўзидан бил»; «Ёлғон сўз ёқадан чиқади»; «Ёр экансан — билмадим, Дилдор экансан — билмадим, Кашмири тилинг бирлан, алдор экансан — билмадим» (кашмири — маккора; айёра). «Ёлғончининг чини ҳам — ёлғон»; «Ёлғончининг уйи куйса ҳам, ҳеч ким инонмайди» («Ҳамавақт ёлғон гапириб, ёлғончилик билан ном чиқарган одам рост гапиргани тақдирда ҳам кишилар унинг сўзларига ишонмайдилар. Кези келганда у бундан қаттиқ панд ейди, хатто хонавайрон бўлади, фалокат-ҳалокатга йўлиқади», дейилмоқчи). «Ёлғончи тўрга бир ўтар, икки ўтмас» («Ёлғончилиги маълум бўлмагунча одамлар уни яхши одам сифатида тўрга чиқариб, иззат-ҳурмат қилишади. Ёлғончилиги маълум бўлиб қолгандан кейин эса иззат қилиш у ёқда турсин, ундан ҳазар қилишади, ҳатто башарасига тупуришади», дейилмоқчи); «Ёлғончи чин деёлмас, Чин деса ҳам эл ишонмас»; «Ёлғончининг сўзи зое бўлур»; «Ҳақ сўз йўлини топар»; «Ёлғон ёндирар, Ҳақиқат қондирар»; «Ўтрук сўз — жонга қасд, Ўткир пичоқ — қинга қасд»; «Тўмтоқ жумбоқ айтишма, Ёлғон гапга қотишма» (қотишма — қўшилмоқ, аралашмоқ); «Тилингдан ўн гапиргунча, дилингдан бир гапир»; «Чинни ёлғонга чулгама, Дурни лойга булғама»; «Ёмон кўздан сақлан, Ёлғон сўздан сақлан»; «Ёлғончининг ёнидан ўтма, Ростгўйнинг ёнидан кетма»; «Дуруғгўйнинг шаҳрида шоҳ бўлгунча, Ростгўйнинг чорбоғида гиёҳ бўл» (дуруғгўй — ёлғончи; «Қозонга яқин юрсанг, қораси юққани каби ёлғончилик «касали» ҳам юқади. Ёлғончилар орасида обрў-эътиборли бўлиб юрганингдан кўра ростгўйлар орасида назарга илинмай, хор бўлиб юрганинг афзал», деб муболаға билан айтилмоқда). «Ростлик — кордан оқ, сувдан пок, Ёлғонлик — козондан қора, юндидан нопок»; «Тилни суйсанг, рост сўйла»; «Ёлғон гапириб яшагандан — рост гапириб ўлган яхши»; «Сўзи ҳақининг — юзи оқ»; «Ёлғон айтиб фойда кўрсанг, охири зарар кўрасан, Рост айтиб зарар кўрсанг, охири фойда кўрасан». Азалдан мавжуд аньанага кўра, бир нарсани сотаётган одам олаётган одамга молининг айбини тўғридан-тўғри айтиб, олдиндан огоҳлантириб қўйиши керак бўларди. Агар у сотарда молининг айбини айтмаса, алдаса, олган одам буни кейин билиб қолса, бу воқеани оқсоқолга бориб айтарди. Илгари ҳар қайси касб-ҳунар эгаларининг ҳамда ҳар қайси бозорнинг ўз оқсоқоли бўларди. Бу оқсоқоллар агар бирор келишмовчилик, жанжалли иш чиқиб қолса, бориб, бартараф қилардилар. Молини алдаб сотганга айбона, жарима соладилар ҳамда мол олган одамга пулини қайтариб олиб берадилар. Шу ўртада кўрилган зарар (айбона, жарима ҳақи) алдамчи сотувчининг гарданига келиб тушарди. Юқоридаги мақолда шу нарса назарда тутилган. «Ёлғон гапирган — етти мазҳабда мусулмон эмас» (юқорида «Дунё кўрмай, дунё кишиси бўлмайсан» мақолининг изоҳ қисмида айтиб ўтилганидек, «мусулмон» сўзи оғзаки нутқда, ёзма ва оғзаки адабиётда «ислом динини қабул қилган, унга бўйсунган одам» маъносида эмас, балки аксарият ҳолларда «ҳақиқий одам», «аҳлоқли одам» деган кўчма маънода қўлланилади. Мазҳаб — оқим йўл, таълимот); «Ростгўй шон тутар, Дуруғгўй қон ютар» (шон — мартаба, даража, қадр); «Ёлғончидан шон қолмас, номидан нишон қолмас»; Кимсага ёлғончи дебон қолса от, Бу от ила гар десалар ўзу ёт, Сидқ хитоби яна ёнмас анга, Чин деса ҳам халқ инонмас анга (Навоий).

Ёмон даллол — ёнидан.

Ўтмишда даллоллар икки хил бўларди: биринчиси — мол (чорва моли) даллоли; иккинчиси — савдо-

гарлар даллоли. Мол бозоридаги даллол мол эгаси билан харидор ўртасида воситачилик қилиб (харидорга молни мақтаб, эгасидан эса нархни бир оз туширишни сўраб), иккаласининг ҳам ишини битириб берар ва хизмати эвазига ширинкома оларди. Мабодо харидорнинг пули етмай қолса, даллол: «Ҳеч қиси йўқ, молни олиб кетаверинг, қолган пулни келаси бозор куни келтириб берарсиз» деб, ўртада кафил бўларди ва мол эгасини бунга кўндирарди. Келаси бозор куни қарздор мабодо келмай қолса, мол эгаси ўша даллолни топиб, ундан ҳалиги пулни ё яхшиликча, ё қози орқали ундириб оларди. Мол даллоли ўз ёнидан тўлайдиган бу маблағ чакана, озгина бўлиб, унга кўпда оғир туюлмасди. Катта савдогарлар орасида воситачилик қиладиган даллоллар эса катта маблағлар билан боғлиқ бўлган мураккаб савдо муомалаларининг амалга ошишига кўмаклашар, катта маблағларга кафил бўлишар ва хизматлари эвазига муомалада бўлган пулнинг маълум миқдорини олар эдилар. Агар, юқорида айтилгандай, «чув тушиб» қолгудай бўлсалар, катта зарар кўрардилар. Мазкур мақолни дастлаб даллоллар ўз-ўзларига таъзир берганда айтган бўлсалар ҳам, кейинчалик мажозий қўлланадиган бўлиб кетган. Ҳам хизмат қилиб, ҳам туҳматга учраган, хизмати эвазига фойда кўриш ўрнига зиён кўрган, гап эшитган одам ўз-ўзига таъзир берганда, атрофдаги одамлар шундай одамнинг ҳолига ачинганларида ёхуд унинг устидан кулганларида шу мақолни ишлатадилар.

Ёмон — ёвнинг бошига.

Бир одамни бир ишдан қайтармоқчи бўлиб: «Ундай қилма, ёмон бўлади» десалар, у одам: «Э, менга бало ҳам урмайди, ёмон — ёвнинг бошига бўлсин»,— дейди.

Ёмон — ёмон, очлик — ёмон.

Тарихдан маълумки, инқилобдан илгари асрлар давомида меҳнаткаш халқ оғир мусибатларни, камбағаллик, фақирлик, қашшоқлик, йўқсиллик ва буларнинг оқибатида келиб чиқадиган оч-ялангочликни ўз бошидан кечирган. Буни ота-боболардан қолиб келаётган бир қанча мақолларнинг мазмунидан ҳам билиб олса бўлади. «Нон — авлиё, ош — пайғамбар» («авлиё» сўзининг луғавий маъноси «худонинг дўсти, яқини»; «пайғамбар» сўзининг луғавий маъноси «худодан бандаларига хабар келтирувчи» деб ҳисобланган, уларни дин йўлига солувчи зот» бўлса ҳам, мазкур мақолда бу ҳар иккала сўз топилмайдиган, нодир, камёб нарса, «анқонинг уруғи» деган маънода келтирилган ва «очарчилик йилларида ош-нон анқонинг уруғи бўлиб кетади», дейилмоқчи); «Оч ухласа, туши — нон, Уйғонса, эси — нон»; «Очнинг кўзи нонда, Тўқнинг кўзи томда»; «Оч товуқ омборга югурар»; «Оч товукнинг тушига тариқ киради»; «Кўр товуққа ҳамма нарса буғдой бўлиб кўринади»; «Оч мушукнинг кўзи — осиғлик гўштда»; «Мушукнинг тушига сичқон киради»; «Ташнанинг тушига сув киради»; «Тоғда туғилган кўзининг икки кўзи тошда бўлар, Очарчиликда туғилган боланинг икки кўзи ошда бўлади»; «Очга Ой ширмой кўринар»; «Очнинг кўзига чирманда нон бўлиб кўринар»; «Адашганга юлдуз Ойдай кўринар, Оч қолганга гўжа мойдай кўринар». Ўтмишда компас бўлмаган. Узоқ сафарга чиққан йўловчилар беноён дашт-биёбонларда кетаётганларида тун қоронғусида адашиб қолмаслик учун юлдузларга қараб йўл танлаганлар. Мазкур мақолнинг биринчи қисмида: «Адашган одамга кичкинагина юлдуз ҳам каттакон Ойдай бўлиб кўринади (яъни, сон-саноқсиз юлдузлар орасида у ўзига керакли юлдузни кўриб қолса, бу юлдуз унга халоскордай туюлади» дейилмоқчи. Гўжа — оқ жўхори ёки буғдойдан тайёрланадиган суюқ ош. Бошқа овқатларга нисбатан паст саналадиган бу таомни асосан камбағаллар истеъмол қилишарди. Мақолнинг иккинчи қисмида: «Оч одамнинг кўзига ана шу овқат ҳам

энг лаззатли овқатдай бўлиб кўринади», дейилмоқчи). «Оч қолганга зоғара ноғи — қанд бўлар» (зоғара — жухори унидан қилинадиган нон); «Ёвғон шурва — фақирларга паловдек, Зоғора — камбағалга жиззали нондек» (ёвғон — бир қошиққина ёғни пиёз билан доғлаб, сув солиб пиширилади ган шўрва. Бундай шўлдир-шўрванинг на гўшти ва на бошқа масаллиқлари бўларди). «Зоғора — зарда қайнатар, Бўлмаса — кўз ўйнатар» (зоғора нон кишига яхши ботмай, тез хазм бўлмай, зардани меъдани қайнатади). «Очлик ош танлатмас, Ошиқлик — ёш»; «Очлик кўчага чиқазар, Ялангочлик уйга киргазар» («Оч одам ғулик бирор нарса топиб келиш мақсадида кўчага чиқиб, изғиб юришга мажбур бўлади. Ялангоч — кийими йўқ ёхуд минг ямоқ одам эса кишиларнинг кўзига кўринишдан иснод қилиб, кўчага чиқмай, уйида ўтиради», дейилмоқчи). «Оч бўри йуртогон келар»; «Оч одам гуриб ўлмайди, юриб ўлади»; «Очнинг ови юрмас»; «Оч ит таёқдан қўрқмас»: «Ўлармон хўкиз белтадан тоймас»; «Оч отасин танимас» («Очлик шундай дахшатли балоки, ҳатто ўғил отани, қиз онани танимай, ўз қорнини тўйғазиш пачида бўлади», дейилмоқчи). «Бедана оч қолса, қоқисин ейди»; «Бедана оч қолса, тезагин ейди, Девона оч қолса телпагин»; «Оч бўри боласин ер»; «Қузғун оч қолса, тирикин ҳам чўқийди»; «Очқўз эшак тўрвани тешар»; «Йўлбарс оч қолса, саркит ер» (айтишларига қарағанда йўлбарс бошқа ҳайвондан қолган саркитни емас эмиш. Мазкур мақол билан муболаға тарзида: «Мард, ботир, қўрқмас одам — у кўпинча йўлбарсга ташбиҳ этилади — ҳам очарчилик азобини чеккач, ўзининг илгарига гуруриятини қўйиб, бировдан қолган саркитнинг фаркига бормай, ейишга мажбур бўлади. Очарчилик — шундай ёмон офат», дейилмоқчи); «Оч ит тандирни тешар» (оилавий ҳаётда қарияларнинг келинлар ва қизларга қиладиган насиҳатларидан бири шуки, «тандирда қолган нонининг, сомсанинг қолдиқларини капгир билан қириб ол, бўлмаса ит келиб, тандирни ялаб, макруҳ қилади», дейдилар). «Оч уйда қатиқ уймас» («Оч уйда пиширилган сут то уйиб, қатиқ бўлгунчалик сабр қилинмай, ичиб қўйилади», дейилмоқчи). «Таги йўқ пақир тўлмайди» (оч одамнинг қорни таги йўқ пақирга ташбиҳ этилган. Оч одам ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймай, олдидаги нарса тамом бўлгунча еяверади); «Оч қўйнида нон турмас» («Нонни қўйнига солиб, сақлаб юрмайди — еб қўяди», дейилмоқчи). «Оч одам рўзадан қўрқмас»; «Оши йўқ — рўза тутар, Иши йўқ — намоз ўқир; «Оғрик — оздирар, Очлик — тўздирар»; «Оч — оши билан, Тегирмон — тоши билан» (Бу мақолни хизматкорлар хўжайинларига қарата: «Тегирмон тоши билан тегирмон. Бизга ҳам олдин ош-нон бер, қорнимизни тўйгаз, ана ундан кейингина ишлай оламиз-да», деган маънода айтганлар). «Йўқсилликдан яхшиси йўқ — ётиб ичар ош бўлса»; «Уйида оши йўқнинг — кўнглида хуши йўқ»; «Отаси ўлганнинг уйқуси келар, Оч қолганнинг уйқуси келмас» («Оч одам хатто отаси ўлган қайғули кундагидан ҳам баттар изтироб чекад», дейилмоқчи). «Тўқнинг қайғуси йўқ, Очнинг — уйқуси»; «Оч ит қутурмас»; «Оч айиқ ўйнамас»; «Ориқ кўй тиришқоқ бўлади. Оч одам уришқоқ бўлади»; «Борлик хуруш келтирар, Йўқлик — уруш» (хуруш — бақириб-чақириш, ҳайқириш). «Бор одамнинг тили узун, тили бийрон бўлади, бойлигига орқа қилиб, ҳар бир одамга бақириб-чақираверади», дейилмоқчи); «Қорни очган, қорни очганнинг — ақли қочган»; «Бир қорни очганга тегма, Бир — ақли қочганга»; «Очнинг аччиғи ёмон»; «Бир куп оч қолгандан кирк кун акл сўрама»; «Очнинг онги бўлмас, Тўқнинг — мунги»; «Тўқ кекирар, Оч ўкирар»; «Оч эснар, Ошиқ керилар» (ошиқ — «бойлиги куп, бойлиги ошиб тошган одам»); «Оч олдига овқат қўйсанг — унгисўлига боқмас, Тўқ олдига тўғраб эт қўйсанг — этнинг иси ёқмас»; «Тўқни кўзғатма, Очни сўзлатма» («Ҳар иккисини ҳам қийнама: тўқни кўзғатсанг қийналади, очни сўзлатсанг», дейилмоқчи). «Очликни ёстиқ қў-

тарады» («Оч одам тинка-мадори қуриб, касалга чалиниб, ётиб қолади», дейилмоқчи). «Оч ўлдирма, тўқ ўлдир, Қиш ўлдирма, ёз ўлдир»; «Очарчиликда ўлган — ўзар» («Очлик азобидан ўлади-ю, қутулади», демоқчи). «Ориқ ўлса — мазаси йўқ, Ғариб ўлса — азаси йўқ»; «Оч ўлганнинг мозори йўқ» (Ўтмишда, айниқса экин битмаган йиллари ялпи очарчиликлар кўп бўларди. Камбағал бева-бечоралар кўча-кўйда очликдан шишиб ўлиб қолаверарди. Шундай ялпи қирғин келган кезларда сонсаноқсиз ўликларни ҳеч ким мозорга оборib кўммасди ҳам, аза очиб, каъдаларини ўтказмасди ҳам).

Ёмон ит бўлса ҳам — бир қисм жуни фойда.

Ҳар йили баҳорда ҳайвонлар тўлайди. Масалан, ит ётганда, у ёқ-бу ёққа ағанаганда жуни тўлаб тушаверади. Унинг жунини йиғиб олиб, лойга қўшиб (қуриганда ёрилиб-ёрилиб кетмасин учун), ўчоқнинг лабини, тандирнинг «оғзи»ни сувардилар, бундан лойтувоқ ясардилар. Бу ўринда: «Итнинг жунидан жирканмасмидилар?» деган савол туғилиши мумкин. Йўқ. Халқ ўртасида шундай бир тушунча бор эдики «ит жунининг ҳаромлиги, макруҳлиги йўқ, бор бўлса ҳам, барибир ўтиб тушади, тоза бўлади», деб ҳисобладилар. Юқоридаги мақол мажозан: «Ҳар қандай ёмон нарсанинг ҳам йўридан кўра бори яхши, ахир бир фойдаси тегади-ку», деган маънода қўлланади.

Ёмон кулол қўлидан яхши кўза чиқмайди.

Бу мақолни бола тарбияси хусусида гап кетганда: «Ота-онаси ёмон, ахлоқсиз бўлса, болаларини яхши, ахлоқли, одобли қилиб тарбиялай олмайди», деган маънода айтадилар. Юқоридаги мақолнинг бир қанча вариантлари ва мазмундошлари борки, уларга ҳам болаларга чинакам тарбия бериш учун тарбиячиларнинг, яъни ота-оналарнинг ўзлари ахлоқли, одобли, ибратли бўлишлари лозимлиги уқтирилади: «Тўғри дарахтдан эгри соя тушмайди» («Ота-она тўғри, ахлоқ-одобли бўлса, улар тарбия қилган болалар ҳам шундай бўлиб етишади», дейилмоқчи). «Мева ўз дарахтидан йироққа тушмайди»; «Палакдан хомак йироққа тушмайди» («Болаларнинг феъл-атвори, ташқи кўриниши ота-онасиникига ўхшаш ё ўшанга яқинроқ бўлади, бутунлай бошқача бўлмайди», дейилмоқчи); «Тарбиясиз ота-ота эмас, айғир» (бегона аёллар кетидан юриб, бутун вақтини, маблағини шунга сарфлаган-у), уй-рўзғорига, бола-чақасига қарамай қўйган, натижада болаларининг ноқобил бўлиб чиқишига сабабчи бўлган отани шу мақол билан қаттиқ қоралайдилар, лаънатлайдилар). «Ота-онанинг гуноҳи кўп бўлса, бола йиғлайди»; «Отаси ёмон — ош талашар. Яхши одам — иш талашар» (яхши инсоннинг ўнгайини, енгилини талашади, дейилмоқчи). «Мол турки эгасини билдиради» (кўпроқ озодалик, саришталик хусусида гап кетганда айтилади. Масалан, баъзи одамнинг сигирини қарасангиз ҳавасингиз келади: ўзи ҳам, турган ери ҳам, охури ҳам озода; баъзи одамнинг сигиридан жирканасиз: ҳамма ёғи шалтоққа беланган, ифлос, турган ерига кириб бўлмайди. Сигирнинг яхши ё ёмон ҳолатда бўлиши — эгасига боғлиқ. Молнинг турки эгасининг қандайлигини — озода, саранжом-саришта, дид-фаросатли ёхуд диди паст, бефарқ, бефаросат эканлигини билдиради. Шунингдек, боланинг озода ё ифлос, йиртиқ-сиртиқ кийиниб юришидан ота-онасининг қандайлигини билиб олса бўлади). «Итни копаган қилган — эгасининг ўзи» («Боланинг сўкаган, уришқоқ бўлишига аввало ота-она сабабчи. Уларнинг ўзлари сўкаган, уришқоқ бўлсалар, бу ёмон одат болаларига ҳам юқади ёинки ота-онанинг ўзи ундай бўлмаса ҳам, болада шундай ёмон одат шаклланa бошлаган пайтда олдини олишмаган» дейилмоқчи).

Ёмон кўздан йироқ бўл.

Бу мақол халқнинг дунёқарашида қадимги даврлардан буён сақланиб келган эътиқодий тушунчалар, ирим-

сирим ва расм-русмлар билан боғлиқ. Вар.: «Ёмон кўз тошни ёрар»; «Сўзлаганнинг сўзига, кўзлаганнинг кўзига, қайтиб келсин ўзига»; «Бетлаганнинг бетига (бор), Кўзлаганнинг кўзига (бор)»; «Кўнгли ёмонга бор, Кўзи ёмонга бор» (кейинги уч мақол исириқ тутатганда айтилади). Халқ ўртасида «Баъзи одамнинг кўзи тегадиган бўлади», деган эътиқодий тушунча бор. Эмиш «кўзи ёмон одам» «ў-хў, иморатингиз ҳам битиб қолибди-ку» деса, у етти қадам нари босмай, иморат ағдарилиб тушади, «Отни зап семиртириб боқибсиз-да, деса у кетгандан кейин отнинг «ёмон кўз» назар ташлаган тарафи эриб, оқиб кетади; «вой-бўй, манави боланинг кўзи қоралигини қаранг-а» деса боланинг икки кўзи оқиб тушади; «узум зап қилибди-да» деса, бутун ток сўлиб, таг-туги билан қуриб қолади; «ёмон кўзли» одам тегирмонга ҳавас билан боқиб, мақтаса, унинг тоши тарс ёрилиб, икки бўлиниб кетади ва ҳокозо. Шундай офатларга йўлиқмаслик учун, унинг олдини олиш мақсадида кишилар турли иримсиримлар қилишарди. Масалан: «ёмон кўз тегмасин» деб болаларнинг бўйнига, қўлига кўзмунчоқ тақиб қўйишар, экин-тикинга, мевали дарахтларга исириқ, чақир тиканак боғлаб ёхуд молнинг калла суягини, тапписини, отнинг тақасини осиб қўйишар; «ёмон кўзли» одамнинг кавуш патагидан кесиб олиб, уни сувга солиб, эзиб, болага, отга, сигирга ичиришар эди ва ҳокозо. «Ёмон кўздан йироқ бўл» дейилишининг боиси ана шунда.

Ёмон кўрган кишингни ё ошбоши қил, ё таванбоши.

Халқимизнинг қадимдан келаётган урф-одатига кўра, тўй, зиёфат ёки ўлганлар учун қилинадиган қазоларда эркаклардан бирини қозон бошига қўядилар. Бу одам «ошбоши» деб аталади. Хотинлардан бирини эса таванхонага (таван — хотинлар тугунга солиб келтирадиган мева-чева, семса, катлама, қовурилган чучвара, чўзма-чалпак, кийимлик мато ва ш.к.) қўядилар. Бу хотин «таванбоши» деб аталади. Ошбоши ошнинг талон-торож, несобуд бўлиб кетмаслиги учун кўзқулоқ бўлиб туради. Таванбоши эса меҳмон бўлиб келган хотинларнинг тугунидаги нарсаларни олиб, ўрнига расамади билан тегишли нарсаларни қайтариб солиб қўяди, таванхонада бор нарсаларни дастурхонга режалаб тақсимлайди. Ошбоши қозон яқинига, таванбоши эса таванхонага болаларни, алоқаси бўлмаган одамларни йўлатмайди ва шунинг учун одамларнинг кўзига шумшук кўринади, ҳатто баъзан аччиқ гап ҳам эшитади. Ҳам хизмат қилиб, ҳам туҳматга учраган ошбоши, таванбошилар: «бу вазифани бўйнимга чакки олибман» деб афсусланганларида ё уй эгасига ўз ҳолларини баён қилганларида юқоридаги мақолни айтадилар.

Ёмон отга ёл битмас, ўлармонга мол битмас.

Вар.: «Ёмон айғирга ёл битмас»; «Ёмон айғирда ёл бўлмас, Ўлармонда ҳол бўлмас». От ёлидан семиради. Унинг орик-семизлигини ёлини ушлаб кўриб биладилар. Айғирнинг ёмони биянинг кетидан чопаверіб, ўзи ўтламай, озиб-тўзиб юради. Ўлармон — зиқна, хасис одам пулини, ош-нонини ўзгалар тугул ўзига сарфлашдан ҳам қизғанади-ю, аммо барибир бойишга-бойимайди, қайтага озиб-тўзиб, тинка-мадори қуриб, ҳолдан тойиб юради. Бу нарса «Ўлармон ўз увадасига ўралиб ўлади» деган мақолда ҳам ўз ифкодасини топган. Юқоридаги мақолларни ўзи емайичмай, оила, бола-чақасидан ҳам кисиб-қимтиб, топган маблагини ёмон йўлга сарф қилувчи хотинбозларга ҳамда зиқна, хасис одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Баъзан бунинг аксича: «Ёмон отни ёл босар»; «Ёмон отга ёл битар, Хунук қизга соч битар» ҳам дейдилар. Бу мақоллар «бир нарса талаб қилган, ярашадиган одамда бўлмаса-ю ёхуд унга топилмаса-ю, аксига юриб талаб қилмаган, кераги бўлмаган одамга топилса ёхуд ярашмайдиган одамда бўлса, шунга қарата айтилади.

Ёмон оғриққа — яхши ош.

Мазмуни: «Бемор киши касали кўтарадиган озиқ-овқатларни, яхши, тансиқ таомларни егани маъқул. Оғзига ёқмайдиган, касали кўтармайдиган, ёмон хазм бўладиган, бетаъм, бемаза овқатлар унинг касалини баттар зўрайтириши мумкин». «Томоқ турган ерда дард турмас» деган мақол ҳам бор.

Ёмон ўғил — молга ўртоқ, яхши ўғил — жонга ўртоқ.

Вар.: «Яхши ота бола умрин тилар, Ёмон бола ота ўлимин тилар»; «Азроил — одамнинг жонига қасд, Ёмон ўғил — отанинг молига қасд». Эътиқодий тушунчага кўра, кишининг ажали етса, Азроил келиб, жонини олармиш. Ёмон ўғил отанинг молмулкидан, ундан қоладиган меросдан умид қилиб, ота ўлимини тилайди, унинг ўлишини кутиб ётади, ҳатто ўлдиради ҳам.

Ёмон қилиқдан кўзга ёш унар, яхши қилиқдан оғизга ош унар.

Мазмуни: ёмон йўлга кириш, одамларга ёмонлик қилиш ёмон оқибатларга олиб бориши кўрсатилиб, яхши бўлишга даъват этилган. «Ёмонликни кўп кувган — кутулмас балога йўлиқар,

Яхшиликни кўп кувган — бахт, давлатга мўлиқар»; «Ёмон йўлдан юрган туя — йўлда чўкар»; «Юриши ёмон йигитни ёв олади»; «Ёмоннинг яраси битмас» («Киши ёмонлик билан бир ном чиқардими — ўлгунча шу ёмон ном билан аталиб кетади. Ёмонлик — шундай бир мараз яраки, у сира ҳам битмайди, даволаб ҳам бўлмайди. Шундай экан, аввалambор ёмонлик қилма», дейилмоқчи). «Ёмонликни омонлик енгади» (омонлик — бу ерда «вақт». «вақтнинг ўтиши» деган маънода келтирилган бўлиб, мазкур мақол билан «Омон бўлсак, ёмонликнинг фош бўлганини, унинг ёмон оқибатини кўрамиз», демоқчи бўлинади); «Ёмон ишдан фойда йўқ, Яхши ишдан кўнгил тўқ»; «Ёмонлик йўли — енгил, Яхшилик йўли — оғир» («Ёмонлик қилиш осон, уни ҳамма ҳам қила олади, аммо яхшилик қилиш қийин, бу қийинчиликка чидаган, уни енга олган одамгина яхшилик қила олади», дейилмоқчи). «Ёмон ёмонлигини билса — олам гулистон».

Ёмон ҳўкиз шамён синдирар.

Ҳўкиз қўшга қўшилганда унинг бўйнига ёғоч бўйинтуруқ солинади. Бўйинтуруқни икки жойидан тешиб, унга иккита қозиқ тиқиб қўйилади. У «шамён» дейилади. Баъзи ҳўкиз қайсар бўлиб, ер шудгор қилинаётганда тўғри юрмай, ўзини у ёқ-бу ёққа ташлайди ё тўхтаб бўйнини бўйинтуруқдан чиқазмоқчи бўлади, шунда шамённи букиб юборади ё синдиради. Мажозан, одамнинг ишёқмас, дангаса, бадфеъл, ўжари тушунилади. Вар.: «Ёмон ит кундузи ҳурар»; «Ёмон от сувлукни маҳкам тишлаб олиб, тизгинни буришга имкон бермай, устидаги одамни олиб қочади, йиқитади, шикастлантиради); «Ёмон от билан улоқ чопиб бўлмас»; «Ёмон отни мақтаган — йўлда қолар»; «Ёмон ит кундузи ҳурар»; «Ёмон сигир ёзда бузоқлайди»; «Ёмон бузоқ ёпиғин ер» (қишда янги туғилган бузоқни совқотмасин деб, оғилхонага қўймай, ўзлари турадиган жойга олиб кириб, тагига похол солиб, устига эски кўрпачани ё шунга ўхшаш бошқа нарсани ёпиб, ўраб қўядилар. Баъзи бузоқ беқаноат бўлиб, қорни очса, онасини эмгиси келса, бесабрлик билан ёпиғини ямлай бошлайди. У катта бўлганида ҳам шу латтачайнарлиги, ямлоғичлиги қолмайди. Мажозан бесабр, беқаноат, очкўз, еб тўймас одамларга нисбатан қўлланади). «Ёмон туя ховутин ер» (ховут — туя эгари). «Ёмон буқа ўз бошига ўт уяди» («Кучини беҳудага сарфлайди», дейилмоқчи).

Ёмонга ёндашма, яхшидан адашма.

Бир туркум мақолларда ёмон одамларнинг (ҳулқи бузуқ, урушқоқ, зўравон, кишиларга озор берувчи, оғзи коски, бетамиз, шум,

хира, дилгир. нияти қора, яхшиликни билмайдиган, «қўли эгри», очкўз, суллоҳ, худбин, иккиюзламачи, сотқин, ўз манфаати йўлида хеч нарсадан қайтмайдиган ва ш.к. одамларнинг) касофати тегажаги, шунинг учун уларга зинҳор ва зинҳор ёндашмаслик; яхши одамларнинг — дили пок, камтар, сахий, ақлли, одобли, бировга қўлидан келган яхшилигини аямайдиган ва ш.к. одамларнинг хар ерда шарофати тегажаги, шунинг учун уларга яқинлашиш, улардан сира ҳам ажралмаслик зарурлиги уқтирилади: «Яхшида ётлик йўқ»; «Яхшида яроғ бўлмас»; «Яхшида хато йўқ»; «Олачини отга санама, Яхшини ётга санама» (олача — паст бўйли от); «Баланд тепага чиқсанг, кўзинг очилади, яхши билан сўзлашсанг, кўнглинг очилади»; «Ёмонда яхшилик кутма»; «Ёмондан дўст тутсанг, яхши дўстдан айирар»; «Ёмон — илон, Илоннинг феъли — аён»; «Ёмон одам овлоққа бошлар, Яхши одам — қишлоққа» («Ёмон одам кимсасиз овлоқ ерга бошлаб бориб, сени уради, бор нарсангни олади, ҳатто ўлдиради. Яхши одам эса қишлоққа, яъни хаётга, одамлар орасига бошлайди», дейилмоқчи); «Йўлдошинг қарға бўлса, ўлимтукка бошлайди»; «Улфатинг ола қарға бўлса, титишинг тўнг»; «Ўртоғинг бойўғли бўлса, масканинг — вайрона»; «Эшакка эргашган кулга ағанар»; «Ёмонни ошга чақирсанг чақир, ишга чақирма» («Ёмон одамни бирор ёрдами тегар, кўмаклашар, маслаҳат берар деган ниятда чақира кўрма. У тўғри қилинаётган ишни ҳам бузиб қўяди ёхуд тескари маслаҳат беради», дейилмоқчи); «Ёмонни ошингга йўлатсанг йўлат, қошингга йўлатма»; «Қозонга ёндашсанг — қораси юқар, Ёмонга ёндашсанг — балоси юқар»; «Ёмонга ёндошсанг — балоси юқар»; Ёмонга ёндошсанг — яраси юқар, Қозонга ёндошсанг — қораси юқар»; «Оққа қора тез юқар»; «Ёмонга суйкансанг — доғи юқар, Деворга суйкансанг — тупроғи»; «Тузлуққа тушган — туз бўлар»; «Эгри дарахтга суянсанг — белинг эгилар»; «Эгилган таёққа суянма — сени ҳам эгади»; «От билан бўлса эшакнинг охури, Ранги урмас, акси урар охири»; «Ёндашмагил ёмонга рангинг ўхшар сомонга»; «Ёмонга эл бўлгунча, Яғир отга бел бўл»; «Ёмон йўлдош ёв бўлар, Охир дов бўлар»; «Яхши билан йўлдош бўлсанг — ишинг битар, Ёмон билан йўлдош бўлсанг — бошинг кетар»; «Ёмон йўлдош бўлсанг — бошинг кетар»; «Ёмон йўлдош ёвга олдирар»; «Яхши бошлар йўлга, Ёмон туширар қўлга»; «Ёмонга ёндашган — биқилмай қолмас, Охири чуқурга тиқилмай қолмас»; «Нодонга улфат бўлган — қон ютар»; «Ёмон йўлдош ҳам ошингни ер, ҳам — бошингни»; «Ёмон ўртоқ — ошга ўртоқ, бошга — тўқмоқ»; «Яхши билан юрсанг — кунда бозор, Ёмон билан юрсанг — кунглинг озар»; «Яхши билан йўлдош бўлсанг — яхши йўлга бошлайди, Ёмон билан йўлдош бўлсанг — бор-йўғингни қашлайди»; «Йўлдош бўлсанг нафси ёмонга, Қорнинг тўймас ош билан нонга»; «Ёмон йўлдошига боқмас, Дарё юқорига оқмас»; «Ёмон йўлдош ҳамроҳини қаритар»; «Яхши билан йўлдош бўлсанг — ҳалво билан шакар, Ёмон билан йўлдош бўлсанг — обрўйинг тўкар»; «Шеригинг ёмон бўлса — шармандасан, мақсад йўлин тополмай — армондасан»; «Яхши билан юрдинг — етдинг муродга, Ёмон билан юрдинг — қолдинг уятга»; «Нодон билан юрма — номусингни букади»; «Ёмонга эл бўлдинг — охири ер бўлдинг»; «Яхши қанд едирар, Ёмон панд едирар»; «Яхши — яхшига ёндаштирар, Ёмон — йўлдан адаштирар»; «Яхши билан юрсанг — фалокатдан қутиласан, Ёмон билан юрсанг — ҳалокатга тугиласан»; «Яхши билан дўст бўлсанг — қолган ишинг битирар, Ёмон билан дўст бўлсанг — қилган ишинг йитирар»; «Ёмон йўлдошдан — таёқ яхши»; «Эгри ўртоқдан — тўғри таёқ яхши»; «Сақлай десанг ўзингни, Ёмондан юм кўзингни»; «Уйинг ис бўлмасин, Йўлдошинг пес бўлмасин» (пес — «ифлос», «ярамас» маъноси). «Ёмоннинг ёнига йўлама, Қўтирнинг — яқинига» (қўтир — юқумли касаллик.) Бу мақолда ёмон одам қўтир одамга ташбиҳ этилиб, «ёмонга яқин юрсанг, ёмонлиги сенга ҳам юқади», дейилмоқчи); «Қўтир қўшнингда бўлмасин, Ёмон —

ёнингда бўлмасин»; «Ёмонга ёй қўшни ҳам қилмасин, гўр қўшни ҳам қилмасин» (ҳатто ўлганингда ҳам ёмонга яқин бўлмаганинг маъқул деган фикр муболаға билан билдирилган). «Оғзи коскининг ертидан юрма» (оғзи коски — оғзи бузук, сўкинган). «Ёмоннинг эшиги тўғрисида ўтирма»; «Яхшини ёмонга солма, Ёмонни оғзингга олма» (солма — ёмон деб билма, ёмонга санама, ёмонга чиқарма); «Юзсиз кишига юзланма»; «Орлятсиз одамдан қоч»; «Ёмондан ё қочиб қутиласан, ё кечиб»; «Қутиргандан қутилган яхши» (қутурган — «миясн айниган, эси паст бўлиб қолган, жинни, девона одам). «Ёмондан яр бўйи қоч, Гиначидан бор бўйи қоч» (яр — жар, «йўловчи шеваларда «яр» дейилади, «узоқ жой» маъносида; Гиначидан бор бўйи, яъни унинг ҳам узокроқ, имкони борича узокроқ қоч, дейилишининг боиси шундаки, гиначи ўз гина-қудратлари билан қулоқмиянгни ейди, ёлиқтиради, кўнглингни гум-гум кетказади).

Ким кинавар ўлса, иста андин қочмоқ, Нечунки зарур дурур ёмондин қочмоқ (Навоий). (кинавар — кек сақловчи, душманлик қилувчи, ўч олувчи, кўролмовчи, қасосчи). «Ёмондан ёй бўйи қоч» (ёйнинг ўқидек тез ва узоққа кет, дейилмоқчи); «Ёмондан юз ёғоч қоч». (ёғоч — қидимги масофа ўлчови бирлиги бўлиб, уни «фарсаҳ». «фарсанг», «санг», «тош» деб ҳам юритганлар). Бу ўлчов бирлиги турли даврларда ва турли ерларда турлича бўлган. Бир ёғоч (ёки тош, санг, фарсанг, фарсаҳ) — баъзи ерларда 12 минг қадамлик (тахминан 8,5 км, баъзи ерларда эса 9 минг қадамлик) тахминан 5.6 км масофага тенг бўлган (Р. Хинц, Е. А. Давидович, Мусульманские меры и веса). Бобурнинг ёзишича, Бухоро билан Самарқанд оралиғидаги масофа — 25 ёғоч бўлган. Мақолда айтилган юз ёғочнинг қанчалик узоқлигини шундай ҳам билиб олса бўлади. «Ёмон этагингдан тутса, этагингни кесиб қоч»; «Пулнинг сийқасидан қочма, Одамнинг сийқасидан қоч»; «Яхшига ёндош бўл, Ёмонга кундош бўл» (кундош — «рақиб», адабини берувчи); «Яхшига ёпиш, Ёмонга отиш»; «Ёмондан коч, Яхшига кулоч оч»; «Ёмондан кайт, Яхшини айт» (яхшини айт — яхшини де, яхшининг тарифида бўл); «Рухсори хунук бўлса ҳам, яхшига ёндош»; «Яхшининг кетидан қолма, Ёмоннинг қизини олма»; «Яхшини ётим дема, Ёмонни дўстим дема»; «Яхшидан ўрган, Ёмондан жирг(к)ан»; «Яхшининг кавшига бўл тупроқ, Ёмоннинг кўзига ур тупроқ» (Маколнинг биринчи қисмида: «Яхшининг хоки пойи бўлсанг ҳам арзийди» деган маънода муболаға қилинган»; «Ёмонга яхши ҳурмат яраймас»; «Ёмонга яхшилик этма, Ундан яхшилик кутма»; «Ёмонга томон бўлма» (ёмоннинг ёнини, тарафини, олма). «Ёмонга ёмон бўл, Яхшига томон бўл»; «Ёмон итга эт берсанг, кўлингни тишлайди»; «Яхшини сийла, Ёмонни кувла»; «Ёмонга — ёвузлик, Яхшига — эзгулик»; «Қайрилмаганга — қайинма»; «Яхшининг қурбони бўлсанг, Ёмонни калтаклаб урсанг», «Ёмон одамга, пул берма — қочиб кетса нетарсан?»; «Ёмонга берган эсиз ошим, Уйда турса сасир ошим»; «Ёмон ёрнинг боридан йўғи, очидан тўқи»; «Ёмоннинг берган ошидан — Яхшининг урган муш(т)и яхши»; «Ёмоннинг берган ошидан — Яхшининг отган тоши яхши»; «Ёмоннинг дастурхонидан — Яхшининг устихони яхши»; «Ёмоннинг ошига боргунча, Яхшининг ишига бор»; «Корамуғ бўлгунча, Бугдойнинг сомони бўл, Ёмоннинг яхшиси бўлгунча, Яхшининг ёмони бўл»; «Ёмоннинг суюги бўлгунча, Яхшининг куюги бўл»; «Ёмоннинг тўрида бўлгунча, Яхшининг гўрида бўл» («Ёмон одамнинг уйига кириб, тўрда ўтириб, иззат-ҳурматда бўлгандан кўра, яхши билан бирга бўлиб, бирга ўлиб, бир гўрда ёнма-ён ётганинг яхши», деган маънода муболаға қилиб айтилган); «Ёмоннинг қўйнида бўлгандан — яхшининг оёғида ўлган яхши»; «Ёмоннинг хотини бўлгунча, Яхшининг беваси бўл»; «Ёмоннинг чучуги бўлгунча, Яхшининг кучуги бўл»; «Ёмоннинг оғаси бўлгунча, Яхшининг иниси бўл»; «Ёмоннинг бўзини олгунча, Яхшининг сўзини ол» (ёмондан текинга, совгага ва х.к. бир нима олиб, фойда килганингдан кўра, яхшини дўстона

берган қимматли маслаҳатига, насиҳатига қулоқ солганинг фойдалироқ, дейилмоқчи). «Ёмонга қурдош бўлгунча, Яхшига йўлдош бўл» (қурдош — тенгқур, тенг ёшдаги одам). «Ёмонга бош бўлгунча, Яхшига оёқ бўл»; «Ёмонга бошчи бўлгунча, Яхшига қўшчи бўл» (қўшчи — ер ҳайдовчи; бойнинг ёлланган хизматкори). «Ёмоннинг қўлига боргунча, Яхшининг йўлига бор» ва ҳ.к.

Ёмонни қилгил яхши, яхши — шундоқ ҳам яхши.

Вар.: «Мард киши — ёмонни яхши қилсин, Яхши — шундоқ ҳам яхши»; «Ёмонни танқид қил, Яхшига тақлид қил»; «Ёмонликни яхшилик билан енг»; «Ёмонни яхши қилиш — дононинг иши, Яхшини ёмон қилиш — нодоннинг иши»; «Ёмоннинг ози яхши, Яхшининг — кўпи» (ёмонлар қанчалик озайса-ю, яхшилар кўпайса — шунчалик яхши, дейилмоқчи).

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ.

Вар.: «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ, Устига ёқаси йиртиқ»; «Ёмоннинг нимаси ортиқ?— Ёқасидир йиртиқ!»; «Ёмоннинг ақли йиртиқ, Бир қилиғи ҳаммадан ортиқ»; «Ёмонга ҳазил қилсанг, ёқангни йиртар»; «Яхшининг хулқи ортиқ, Ёмоннинг ёқаси йиртиқ». Булар ва булар каби ўнларча мақолларда ёмон одамларнинг («ёмон» дейилганда — гоҳ ҳулқи бузуқ, гоҳ бетамиз, сурбет, гоҳ очкўз, суллоҳ, зикна, хасис, гоҳ зўравон, муштумзўр, гоҳ кўрқоқ, юраксиз, гоҳ шум, хира ва ҳ.к. одамлар назарда тутилади) хулқ-атвори, юриш-туриши, қабих ишлар тасвирланади ва ёмонликнинг оқибати ҳам ёмон бўлиши кўрсатилади: «Ёмон ер бўлмайди, Ёмон эр бўлади» («ёмон эр» деганда «ёмон йигит» умуман «ёмон одам» назарда тутилган). «Ёмон бош — ёғсиз ош»; «Ёмонга — кун ҳам қоронғу, тун ҳам қоронғу»; «Филайга чиройли чеҳра ҳам қийшиқ кўринади»; «Ёмон ўзини билмас, Ўзгани кўзга илмас»; «Таом таъмини қошиқ билмас, Яхши қадрини ёмон билмас»; «Ёмон яхши билан қотишмайди» (қотишмоқ — қўшилмоқ, аралашмоқ). «Ёмоннинг ўйини ёмон, Буқанинг бўйини ёмон» («Туянинг бўйини ёмон»; «Тўнғизнинг бўйини ёмон»; «Чўчқанинг бўйини ёмон» ҳам дейилади). «Ёмоннинг касофати ўзидан бир тош илгари юради»; «Ёмоннинг оғи — саккиз, бири тегмаса, бири тегади»; «Ёмоннинг «яхшиси» кўприк тагига кириб от ҳурқитар»; «Ёмоннинг тўқмоғи — ёнида»; «Ёмоннинг қучи япалоққа етибди» (япалоқ — бойўғлига ўхшаш бир қуш бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳамма саҳроларида Амударё этакларида, Қизилқумда, шунингдек Тошкент ва Самарқанд каби шаҳарларнинг атрофида қишлайди. Мазкур мақолда кичкина, ожиз, кучсиз одам оғирлиги бор-йўғи бир қадоқ — 300 — 400 грамм — келадиган шу кичик қушга ташбиҳ этилган ва «Ёмоннинг (зўравоннинг, муштумзўрнинг) кучи ўзидан кичик, ожиз одамга етади», дейилмоқчи; «Арчага кучинг етибди, Чинорни ҳам йиқиб кўрчи!»; «Арпанинг ичида кесак бор, Ёмоннинг ичида эшак бор» (чаённи «эшак» ҳам дейдилар. Мақолда: «Ёмоннинг ичида эшак яъни, дилида ёмонлик, тилида заҳар бор», дейилмоқчи). «Ёмоннинг тузга келгани — қизга келгани» («Ёмон, нияти қора одам бирор нарсани баҳона қилиб келиб, сенга яқинлашади, муомалада бўлади-да, бирор ерингга шикаст етказади, пулингни, мол-ҳолингни олиб кетади. Бундай одамларни пайқай бил ва улардан ниҳоятда эҳтиёт бўл», дейилмоқчи). «Ёмон чинини айтаман деб, сирини айтади»; «Ёмон лоф деса, ола қоф дейди» (Қоф — бутун ер юзини ўраб олган деб фараз қилинган афсонавий тоғ номи). Мазкур мақол билан: «Ёмон, ваҳмачи одам бир гапни ниҳоятда бўрттириб, арзимаган нарсани ваҳимали қилиб гапиради», дейилмоқчи. «Ёмон сомонхона куйди деса, Самарқанд куйди, дейди»; «Ёмоннинг отгани тегмайди, Айтгани келмайди»; «Ёмоннинг эккани битмас, адоваги битар» (адоват — душманлик, қора ният); «Ёмоннинг ишга сони йўқ, Талқоннинг ошга сони йўқ»; «Ёмон ишидан кўрмайди, кишидан кўради» (ўзи қилиб қўйган хатони бировга тўнкайди), «Ёмонни ёмон десанг — ёв, Яхшини яхши

десанг — ёг»; «Қўрқоқни коравул қўйсанг, ёв еткарур»; «Ёмондан ясовул қўйсанг, устингги ёв келтирар»; «Сўкирдан соқчи қўйсанг, элни ёвга олдиради» (сўқир — зийрак ва хушёр бўлмаган анқов одам); «Ёмон ёвга ярашмас, Яхши асло адашмас»; «Ёмон арида бол бўлмас, Сувсиз ерда тол бўлмас»; «Давлат битса ёмонга, Ўзин санар хоқонга» (хоқон — буюк подшо, шаҳаншоҳ); «Ёмонга мол битса, яқинин таниимас»; «Ёмон яқинин сийламас»; «Ёмон одам йўл юрса, йўлдошига қарамас, Ёмон қўшни мол кўрса, қуниликка ярамас»; «Ёмон отга ёл битса, ёнига тўрсиқ бойлатмас, Ёмон йигитга бол битса, ёнига қўшни кўндирмас» (тўрсиқ — хом теридан ё қаттиқ чармдан суюқлик сизмайдиган қилиб ясалган идиш). Отлиқлар йўлга чиққанда тўрсиққа қимиз солиб, уни қанжигага — эгарнинг орқасига қоқилган ҳалқачага осилтириб боғлаб оладилар-да, чанқаганларида ичиб кетардилар. Тўрсиқ от юраётганида у ёқдан-бу ёққа ликиллайвериб, унинг ғашини келтиради. Бундан зада бўлган отлар тўрсиқни боғлаётганларида бунга йўл қўймай, асовлик қилади. Мақолнинг биринчи қисми ана шу ҳолатни ифода этади. «Ёл битса» дегани — «семирса, яъни семириб (мажозда — бойиб) кетгач, босар-тусарини билмай қолса» дейилганидир. Мақолнинг иккинчи қисмида: «Ёмон одамга мол (чорва моли) битиб қолгудай бўлса, ўзини йўқотиб қўйиб, ҳеч кимни танигиси ва тан олгиси келмайди, қўнган яйлов жойида ўзини алалаким деб фаҳмлаб, ё яйловни қизғаниб, теварак-атрофига янги кўчиб келган чорвадорларни қўндирмайди, яқинига йўлатмайди», дейилмоқчи бўлган. Ёқоридаги мақолни ва унинг «Ёмон отга ёл битса, ёнига тўрсиқ бойлатмас, Ёмон қизга соч битса, ёнига йигит йўлатмас»; «Ёмон отга ёл битса, тўрсиқ остирмас, Ёмонга тил битса, оғиз очтирмас»; «Ёмон сойга сув тошса, кечув бермас кечарга» деган вариантларини — эришган озгина ютугидан ёхуд қўлига кириб қолган бойлигидан мағрурланиб, кўзини шира босиб қолган, ўзгаларни оёқ учида кўрсатадиган, ҳеч кимни назарига илмайдиган одамларга нисбатан қўллайдилар. «Ёмонга ишинг тушмасин, Қулонга хушинг тушмасин». Қулонлар сахрода яшайди. Югуришда кийикдан, тоққа чикишда ёввойи эчкидан қолишмайди. Қулонлар жуда сергак бўлади. Уларни гўшти ва юқори сифатли териси учун ов қиладилар. Юқоридаги мақолда «Қулонга хушинг тушмасин» дейиш билан «Қулонга хушинг тушиб (яъни, ҳавасинг келиб) уни овламоқчи бўлсанг, ҳаддан ташқари қийналасан, қанчадан-қанча қилган ҳаракатинг зое кетиши ҳам мумкин», демоқчи бўладилар ҳамда мажозан «Ёмон одамга бирор ишинг тушиб қолгудай бўлса, у сени тоза қийнайди, сарсон қилади, қатнатавериб овора қилади, ишингни тузатиш ўрнига бузиб, «қош қўйиш ўрнига кўзи чиқариб» беради», деган маънода қўллайдилар; «Ёмонга ишинг тушмасин, Қалинга қушинг тушмасин» (қалин — тўқайзор, чангалзор. «Отган қушинг очиқ ерга тушмай, қалинга тушса, уни оламан деб тоза овора бўласан, қийналасан. Ёмон одамга ишинг тушса ҳам шундай аҳволга дуч келасан», дейилмоқчи); «Ёмондан тўн кийсанг, тўйда «тўним бер» дейди» («Ёмон одамнинг бирор нарсаси мабодо сенга ўтиб қолган бўлса, масалан, ўзи қарзга берган бўлса, то ўзинг қайтариб бергунчалик сабр қилмай, кўпчиликнинг ўртасида сўраб,кистаб, сени шарманда қилади», дейилмоқчи); «Ёмонга ёғ ярашмас, Ҳайвонга боғ ярашмас» (бу мақолнинг иккинчи қисмини «Хиёбонга — боғ» деб ҳам қўллайдилар. «Ит қорнига сарёғ ёқмас» (сарёғ итнинг ичини суриб юборади) деган варианти ҳам бор. Бу мақолларни яхши, ҳамма суйиб, хуш кўриб ейдиган нарсани ёқтирмайдиган, емайдиган; мехмондорчиликда гарчи қорни оч бўлса ҳам, ўзини тўқ кўрсатиб, олифтагарчилик қилиб, дастурхонга қўйилган нарсаларни емай ўтирадиган одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. «Ёмондан — ёрти қошиқ». Чорва-

дорлар таомилига кўра, меҳмон (қўнок) олдига қўйилган овқатни еганда идишнинг тагида озроқ қолдириши керак бўларди. Уй эгаси бу қайтган овқатни (уни «товоқ туби» деб атаганлар) пойгакда ўтирган бола-чақасига узатар, улар олиб, охиригача еб-ичиб қўярдилар. Ўзини билган, ориятли одам гарчи чала тўйган бўлса ҳам, овқатни кўпроқ, пойгакдагилар тўядиган қилиб қолдирарди. Баднафс, суллоҳ одам эса номигагина жиндек қолдирарди. Мазкур мақолни шундай еб тўймас, очкўз, баднафс, суллоҳ одамлар устидан кулганларида қўллайдилар; «Яхши томоқ қолгунча, ёмон курсоқ ёрилсин!» (Баднафс, мечкай одамлар тилидан айтилган бу мақолни киноя ва кесатиқ тарзида «зап мазали бўлибди-да» деб овқатни мақтаб-мақтаб, пок-покиза тушрадиган, ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдиган, ёнверидагилар аллақачон кўл артган бўлсалар ҳам ейишда давом этаверадиган одамларга нисбатан қўллайдилар); «Ёмон хўкиз таналарга бош бўлур, Ёмон одам болаларга бош бўлур»; «Буқанинг харамзаси бузоқ орасида юради»; «От ёмони той билан ўйнар»; «Той яхшиси отга эргашар, От ёмони тойга эргашар»; «Атон туя маст бўлса, Тайлоқ билан дўст бўлар»; «Ёш тошни кесар, Қари ёшни бузар»; «Хўкиз бўлиб, бузоқ одатингни қўймадинг» (бу кейинги етти мақолни катта бўлганда ҳам ўйинқароқлиги, енгилтаклигини қўймаган, ёш болалар билан ўйнаб юрадиган, қариб қуйилмаган, ёшлар орасида маза-бемазз, бепарда гапларни гапирадиган, ёқимсиз қилиқлар қиладиган ва шу билан ёшларнинг ахлоқини бузадиган бадфеъл одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар); «Ёмоннинг бети курсин, Сахтиён эти курсин» (сахтиён — қалин тери, уни «сафъён ҳам дейдилар);«Ёмоннинг юзи курсин, Гапирган сўзи курсин»; «Ёндашса хира — қўймайди сира»; «Ёндашиб қолса хира, Ишинг унмайди сира» (маза-бемаза гаплари билан эзмалик қилиб, сени гапга тутиб, ишдан қўяди, дейилмоқчи). «Яхшини ялиниб топиб бўлмас, Ёмондан ялиниб қочиб бўлмас»; «Илондан қутулиш мумкин, Ёмондан қутулиш қийин»; «Ёмонга ўлим йўқ, Яхшига — кўрим»; «Ёмонга кун бор, Яхшига кун йўқ»; «Ёмон яшар, Яхши қақшар» (Бу кейинги уч мақол билан: «замонанинг, тақдирнинг носозлигини қаранглар, ёмонлар яшаб, яхши кун кечириб юраверади-ю, яхшилар жафо чекади, бевақт ўлиб кетаверади» деган маънода замонадан нолиганлар). Чархи кажрафторнинг бир шевасидин доғман, Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур» (Фурқат). Аммо, ёмонлар кези келганда ҳар қанча давр сурмасинлар, ҳар қанча қутурмасинлар, барибир келажак авлодлар уларнинг номларини ёмонлаб эслайдилар, тилга оладилар: «Яхшидан боғ қолар, Ёмондан доғ қолар»; «Яхшидан от қолади, Ёмондан дат» (от — яхши ном; дат — доғ).

Ёмғир билан ер яшарар, қўшиқ билан эр яшарар.

Маълумки, кулгу, шод-хуррамлик, куй, қўшиқ ва ш.к. кишининг вақтини чоғ қилади, бот қаритмайди, яшартирали. Юқоридаги мақол билан: «Қўшиқни сев, қўшиқ эшит, қўшиқ айт (умуман, хурсандчиликка яқин бўл, хурсандчиликни кўзла), демоқчи бўладилар.

Ёмғир ёғса, тўрғай боласин яширар, дўл ёғса, ўз бошин яширар.

Биргина тўрғай эмас, бошқа ҳайвонот ҳам, одамзод ҳам ўз боласини авайлаб, ардоқлаб ўстиради, офат-кулфатдан, бало-казодан асрайди, кўкрагини қалқон қилиб, ҳатто ўзига зиён-заҳмат етказиб, ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса ҳам, уни мудофаа қилади, энг сўнгги нуктага етгандагина (масалан, муқаррар ўлим хавфи туғилгандагина) ўзини ҳам сақлаш харакатига тушади. Мазкур мақолда ота-онанинг ана шу жасорати, олижаноб хислати ўз ифодасини топган.

Ёмғир тиласанг, момақалдироғидан қўрқма.

Мазмуни: «Бир фойдали нарсага эришиш йўлида унинг меҳнат-машаққатидан қўрқма, бардош бер».

Ён қўшним — жон қўшним.

Мазмуни: Қўшнилар яхши-ёмон кунларда бир-бирларига ҳамдам ва ҳамдард бўладилар». Вар.: «Қўшни — қўшнининг кўзгуси»; «Узоқдаги қариндошдан — яқиндаги қўшни яхши» «Қўшни келди — кўмак келди, Эт келди, суяк келди» (бу мақол кўчманчи чорвадорлик даврининг маҳсули бўлиши керак. Кўчманчи чорвадорлар кенг яйловларда яккаёлғиз яшашнинг қандай мушкуллигини билардилар. Агар ёнларига ё яқинларига бирор ёки бир неча хонадон кўчиб келгудай бўлса, бошлари осмонга етарди, қўшнигарчиликни нақадар эъзозлардилар. Қўшнилар меҳнатда ҳам, турмушда ҳам бир-бирларига кўмаклашиб яшардилар. Мақолда «Қўшни келди-кўмак келди» дейилишининг боиси ҳам ана шунда); «Қўшни келди — кўмак келди, Яхши кундан дарак келди»; «Қўшни қўшнидан таълим олар, Мулла-мулладан илм олар»; «Қўшни қўшнидан эрта туришни ўрганади»; «Қўшнида пишар, Бизга ҳам тушар» (Таомилга кўра, қўшнилар вақт-вақти билан, айниқса тансиқ таом қилинган куни, бир-бирларинникига ош-нон чиқариб, бир-бирларини сийлашар эди. Бу таомил ҳозир ҳам бор); «Қиёмат кун — қўшнидан» диний тушунчага кўра, киёмат куни жаннати қўшни дўзахи қўшнига шафоатчи бўлиб (яъни, ўртага тушиб), уни худодан тилаб олармиш-да, ўзи билан бирга жаннатга олиб кирармиш. Мазкур мақол ана шу эътикодий тушунчага асосланганидан қатъи назар, қўшничилик — демакки, дўстлик, иттифоқлик ва ҳамжиҳатликни улуғлайди, кишиларни шунга даъват этади. «Бир қўшни бўлиб сина, Бир — кула бўлиб»; «Яхши қўшнидан сўрагунча, Ёмон қўшнини шукур»; «Қўшнининг қўлтиғига тиқилма, ичи бир кун сув ичасан»; «Кийимнинг кир бўлса, Қўшнинг борида ювма»; «Гилам сотсанг, қўшнингга сот — бир чеккасида ўзинг ўтирасан»; «Қўшнинг кўр бўлса кўзингни қис, оқсоқ бўлса — ланг бўл».

Ёнидагини етти йил қидирибди.

Ўта муболага билан айтилган бу мақол анқов, овсар, ҳаёли паришон, хотираси йўқ одамларга нисбатан қўлланади. Вар.: «Олдидагини олти ой қидирибди».

Ёнмаса — ўтин ёмон, ёқолмаса — хотин ёмон.

Баъзи хотин тажрибасиз ё ношуд бўлади. Унинг камчилигини айтсалар, у ёки бу ишни уддалай олмаслигини юзига солсалар, у ўзидан кўрмайдида, «Уйин билмаган хотинга — уй торлиги баҳона» дегандек, унибуни баҳона қилади (масалан, халқ орасида юрадиган бир ҳикояда айтилганидек, «Ёлган нонинг қийшиқ бўлибди-ку» десалар, «Ўзи бугдойи қийшиқ экан», дейди). Ўтин ҳам тагига гугурт чаққан билан дарров ёниб кетавермайди. Биқсиб, тутаб ётмаслиги, тез аланга олиб кетиши учун уни қалай билиш керак бўлади. Бошқа бир мақолда айтилганидек; «Қаловини топса — қор ҳам ёнади». Мазкур мақол билан: «Эпсиз, ношуд хотин ўтинни ёқолмайди-да, ўтиннинг ўзи ёмон (ҳўл, чайир ва ҳ. к) экан, дейди. Ваҳолонки, ўтин эмас, уни ёқолмаган хотиннинг ўзи ёмон» демоқчи бўладилар ва ношуд одамларга нисбатан истеҳзо билан айтадилар.

Ёнғоқ минг яшайди, Арча билан тенг яшайди.

Мутахассисларининг аниқлашича, турли мевали ва манзарали дарахтлар турлича умр кўради. Масалан, олча бор-йўғи 15-25 йил умр кўрса, анжир ва ёнғоқ 90 – 100 йил умр кўради. Профессор М. Орифхонованинг ёзишича «Ўрикда ярьяшнинг 47 тури,

СССР да 20, Ўрта Осиёда 8, Ўзбекистонда эса 3 тури (булар «Ўрик арча» ёки «Туркистон арчаси»; «Қизил арча» ёки «Зарафшон арчаси»; «Совур арча» ёки «Ярим шарсимон арча» деб аталади). Ўрик арча минг йилгача умр кўради». Юқоридаги мақолда «Ёнғоқ — узоқ умр кўрувчи дарахт» деган фикрни муболаға билан билдиргачлар.

Ёнғоқ олсанг — чақиб ол, ип олсанг — боқиб ол.

Одатда ёнғоқнинг тўқ ё пучлигини чақиб кўрмай туриб, билиш қийин. Ипак матонинг қандайлигини (масалан, атласнинг неча «тепки» лигини синчиклаб қарамай туриб, билиш қийин. Мазкур мақол билан: «Ҳар бир нарсани сотиб олаётганда унинг сифатини обдан текшир, ўзингнинг ақлинг етмаса, биладиганлар билан маслаҳатлаш. Акс ҳолда пулинг куяди, чув тушасан, афсус ейсан» дейилмоқчи. Бу фикрни қувватловчи «Олганда якка ўзинг олган бўлсанг, Сотганда отанг билан ҳам сотолмайсан», деган мақол ҳам бор.

Ёпиғлик қозон ёпиғлик қолсин.

Мазмуни: «Бу гап шу ерда қолсин, ҳеч кимга айтма» ёхуд «Бу сир пинҳоний бўлиб қолсин, ҳеч ким ундан воқиф бўлмасин».

Ёр — ёридан хароб, ёр — мендан хароб.

Вар.: «Сан (сен) ўлганга — ман (мен) ўлган». Мазмуни: севишиб қолган ёхуд энди турмуш қурган бир-биридан баттар камбағал йигит-қиз (эр-хотин) тилидан айтилган сўнгги шундайларга нисбатан қўлланилган. Яна «у қўлим бу қўлимга қараб йиғлайди» деган мақолда ҳам қўлида ҳеч вақоси бўлмаган камбағал, йўқсил, бева-бечаралар ўзларининг аянчли ҳолларини баён қилганлар, турмуш уринишларидан ниҳоятда қийналиб кетганларида афсусланаб айтганлар.

Ёрни топганда — гап йўқ, гапни топганда — ёр йўқ.

Хотин-қизлар билан гаплашишни, уларнинг кўнглига йўл топишни билмайдиган уятчан, камсуқум, камгап йигитнинг устидан истеҳзо билан кулганларида шундай дейдилар.

Ёрнинг камчилиги хуш кўринади.

Мазмуни: «Агар ёрингни чин дилдан севсанг, унинг унча-мунча камчилиги ҳам кўзингга кўринмайди, қайтага камчилиги ҳам хуш кўриниб кетади».

Ёт ёқадан олганда — ит этакдан олади.

«Ёт, яъни душманинг, рақибинг сенга ҳужум қилганда ёхуд сенга бўлмагур туҳматлар қилиб, адабингни бермоқчи бўлиб турганда, ўз яқинларингдан, ишонган одамларингдан, қалбаки дўстларингдан бири ошкора ё пинҳона равишда сени унга «сотади», сирингдан, ожиз томонингдан уни воқиф қилади, қисқаси, унга бўлишиб, кўмаклашиб, сенга «холис хизмат» қилади. Шу боисдан, дўстлашадиган, сирдош бўладиган одамингни обдан сина, унинг қимлиги ва қандайлигини таг-туги билан билиб ол ва шунга қараб иш кўр», дейилмоқчи. «Ёт синалгач, ётсирамас» деган мақол ҳам шу кейинги фикрни билдиради.

Ёт товуқни катакка қамама катагингни бузади.

Ёт товуқ ҳадеганда катакка ўрганолмайди, типирчилаб, ўзини у ёққа-бу ёққа уриб, катакни бузиб чиқиб кетишга ҳаракат қилади, катакдаги бошқа товуқларнинг ҳам тинчлигини бузади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Синашта бўлмаган бегона одамни доим ё узоқ вақт яшаш учун уйингга кўякўрма — оиланғни бузади», деган маънода қўллайдилар.

Ёт уйида ётиқ бўл.

Ёт, бегона, сени умуман ё унчалик танимайдиган одамнинг уйига бирор сабаб билан (масалан, бир иш билан ё меҳмон бўлиб) бориб қолсанг, оғир бўл одоб сақла, уйлаб гапир. Одатда ўз яқинларинг — қариндош-уруғларинг, дўст-биродарларинг уйига борганда қиладиган ҳазил-хузулингни, енгил-елпи қилиқларингни бегонаникида асло қила кўрма», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ётар оқшоми — ёрим.

«Парда» орасида айтилган бу мақолни мажозий маънода фақат иши тушган пайтдагина ялиниб-ёлворадиган, ҳурмат қиладиган, бошқа вақт қайрилаб ҳам ҳарамайдиган одамларга нисбатан кесатиқ, қаттиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Ётган ётағон бўлар, совуққа қотағон бўлар.

Мазмуни: «Ётган, яъни ишёқмас, дангаса одам бутун ёз бўйи ишламай-кучламай ётаверади, қишлик рўзғоротини — егулик, кийгулик нарсаларини, ёқилғисини, молларининг емхашагини ва ш. к. ҳозирламайдида, қиш бўйи қийналиб, совуқ қотиб, қалтираб юради». Вар.: «Бахт — ялқовга бегона»; «Дангасанинг косаси оқармас»; «Чарви ёғи қотағон бўлар, Ишёқмас ётағон бўлар»; «Жума дедим — ётдим, Шанба дедим — ётдим, Ҳамма ҳайит кетганда, Хумга тушдим-да — ётдим». Ўтмишда ҳафтанинг ҳар бир кунида, муайян иш билан машғул бўлганлар, турли ирим-сирим ва расм-русмларни ўтказганлар. Масалан, жума куни бекор дам оладиган кун бўлиб, ҳар қандай касб эгалари ҳам ишламасдилар, ибодат қилардилар, гапгаштак, ҳалфона ош қилиб ердилар. Шанба куни — бахт-иқбол келтирадиган, толиқ синаладиган, иш бароридан келадиган кун деб ҳисобланар, кўпчилик ов (шикор)га жўнар эди. «Иримга ёмон бўлади» деб, беморларни йўқламасдилар, хотин-қизлар эса кир ювмасдилар. «Жума — бекор, Шанба — шикор» деган мақол шу одатни ифода этади. Юқорида келтирилган «Жума дедим — ётдим...» мақоли ўз қилмишидан афсусланган дангасанинг тилидан айтилган бўлиб: «Жумани - дам олиш куни дедим, ётдим, ўйнадим, кулдим, ишламадим; шанбани — шикор дедим, яна ишламадим... Шундай қилиб, ҳайитга ва янги кийим-бош қилолдим, на пул-мол йиғолдим. Энди элдан уялиб, ҳамма ҳайитга (яъни, ясаниб-тусаниб, байрам қилгани, ўйнаб-кулгани) кетганда, мен эски-туски кийимим ва қоқ қуруқ дастурхоним билан бировнинг кўзига кўринмай қўяқолай деб, хумга тушиб, ётдим», дейилмоқчи. «Ёз бўйи ётар, Қиш бўйи қотар»; «Ётганга — ёмғир юқмас» («Ишламай — кучламай, уйида бекор ётган одам ёмғирда қолиб хўл ҳам бўлмайди, яъни ҳеч бир қийналмайди, лекин шунинг эвазига ҳамма нарсадан қуруқ қолади», дейилмоқчи). «Ётар қурсоққа — ёрти нон»; «Ётар қурсоқ — ёрмадан айлансин!» (ёрма — буғдой ё арпа донидан тайёрланадиган суюқ овқат). Мазкур мақол билан: «Ишламай, бекор ётган одам шу арзонгинага тушадиган овқатга ҳам муҳтож бўлиб қолади» ёхуд «Ишёқмас, дангасага шу арзимаган овқат ҳам — ҳайф!» демоқчи бўлганлар. «Ётган ҳўкизга — ем йўқ»; «Ётган ҳўкиз сомондан қуруқ қолади» (уйида қорамол боқувчилар сомонни ювиб, унга кепак қўшиб, терт қилиб, охурга солиб қўярдилар. Оғилхонада бир неча сигир, ҳўкиз бир охурдан овқатланарди. Баъзи ҳўкиз эринчоқ бўлиб, ётган еридан тургуси келмайди. То у элан-қаран тургунча, бошқа моллар терт-сомонни еб битирадилар. Мазкур мақол ҳам кўчма маънода дангасаларга қарата айтилади). «Чимхўр ҳўкиз очидан ўлади»; «Ётган бўрига ғанимат йўлиқмас»; «Тоғ тақаси тек турса, оч қолади»; «Ётаверса, от ҳам озади»; «Етиб еганга — Турум тоғи ҳам чидамайди» (турум сўзи абадийлик, доимийлик маъноларини ифодалайди). Турум тоғи» деганда баъзилар Арабистондаги «Тури сино» деб аталмиш тоғни, баъзилар эса, денгиз тубидан туртиб, ўсиб чиқадиган батридаги

олтин, кумуш, мис, қалай ва ҳ. к. бойликлари қазиб олинавергани билан, вақт ўтгани сайин яна ўрни тўлиб тураверадиган афсонавий тоғни назарда тутадилар. Ҳар қалай. Турум тоғи,— абадийлик, битмас-туганмаслик рамзи. Юқоридаги мақол билан: «Киши инсаман борини еб ётаверса, кўр-кути, тўплаб қўйган жамғармаси ҳар қанча кўп бўлса ҳам, маълум вақтда етади, охир тугайди. Шунинг учун ишлаб, келган кўр-кутининг ўрнини тўлдириб бориш керак бўлади», дейилмоқчи. «Ит юрса — сўнгак топади».

Ётган илоннинг бошини кўзғатма.

Вар.: «Ётган илоннинг қуйругини босма»; «Ётган илоннинг думини босма, У сенга эмасдир таъма». Мазмуни: «Ўз жойида тинч ётган, сен билан иши ҳам бўлмаётган, сенга зиён-заҳмат етказмаётган душман, рақиб, бирор одам ёки ҳайвоннинг жонига тегиб, унга тегажоғлик қилма. Нима қиласан ўз бошингга ўзинг ташвиш орттириб?!» ёхуд «Аллақачон босилиб, тинчиб кетган гина-кудратни, даъво-жанжални қайтадан қўзғама. Нима қиласан ўз бошингга ўзинг ғалва орттириб?!», дейилмоқчи.

Ётдан айтиб юборсанг, четдан айтган бўласан.

Халқимиз меҳмондўстликни азалдан улуғлаб келган ва ўз меҳмондўстлиги билан қадимдан машҳур бўлган. Халқ ўртасида меҳмондўстлик, меҳмоннавозлик билан боғлиқ бўлган бир қатор таомиллар, тартиб-қоидалар мавжуд. Кишиларни меҳмонга таклиф этиш одоби ва тартиб-қоидалари ана шулар жумласидандир. Мазмуни: «Бировни меҳмондорчиликка таклиф қиладиган бўлсанг, ўзинг бориб айт ёхуд фарзандингдан, оиланг аъзоларидан, жуда бўлмаганда, энг яқин қариндошингдан бирини юбор. Бегона, ёт одамдан оғзаки айтиб юборсанг-у, у бориб: «Фалон фалончиникига борар экансиз» деса — ўрнига ўтмайди, меҳмонга таклиф қилаётган одамнинг кўнглига келади, ҳатто жаҳли чиқиб, уйингга келмайди ҳам», дейилмоқчи.

Ётдан ёруглик чиқмас, итдан — чоруғлик.

Ўтмишда чоруғни от, мол терисидан, айниқса уларнинг поча терисидан тикқанлар. Ҳеч вақт итнинг терисидан чоруғ тикмаганлар. Чунки, итнинг териси ҳам юка бўлади, ҳам чорғ учун етмайди. Мазмуни: «Итдан чоруғлик чиқмаган каби ётдан (сени танимаган, билмаган ёхуд ёт бегонадан) бекордан-бекорга, текиндан-текинга бир нима тегмайди, ундан бир нима умид ҳам қилма, сўрама ҳам, барибир бермайди, қайтага юзинг шувит бўлгани, уялганинг қолади». Вар.: «Ётнинг ёғи чиқмас»; «Ёт йўл кўрсатса — кўрсатар, ёмиш бермас»; «Ёт сени ётқизар. Ғам-кулфатга ботқизар»; «Ёт учун ён, аммо кўйлагинг йиртма».

Ётиб есанг — тегирмон, юриб есанг — майжувоз.

Ўтмишда тегирмон, мойжувоз ва обжувозлар асосан бойларга қарашли бўлган. Тегирмонга дон, мойжувозга чигит, зиғир ва ш.к., обжувозга шоли олиб келиб торттирган одамлар бажарадиган иш ҳақига унинг, гуручнинг, ёғнинг маълум бир қисмини бериб кетардилар. Ноинсоф тегирмон эгалари ҳақнинг ҳажмини анча катта белгилаб қўярди. Деҳқонлар арзимаган хизмат эвазига анчагина ҳақ олиб қоладиган бундай текинхўрларга қарата:» Буларга маза-да, ишламай-кучламай биз етиштирган ҳосилнинг роҳатини кўришади. Текиндан-текин еб ётишга тегирмон билан жувоз яхши экан-да», деган маънода киноя қилиб, мазкур мақолни айтганлар.

Ётники ёндан ўтар, ўзники жондан ўтар

Мазмуни: «Ёт, бегона киши қаттиқ-қурум гапирса, киноя, кесатиқ,

пичинг қилса, унча таъсир қилмайди. Аммо, туғишганлар ёхуд қариндош-уруғлардан бирортаси шундай қилса, жон-жонингдан, суяк-суягингдан ўтиб кетади». Вар.: «Ёт отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегади». «Хон бир бегуноҳ одамни, газабига олиб, тошбўрон қилдирибди, «тош отмаган одам қолмасин» деб ўзи тепасида турибди. Оломоннинг ичида ўша одамнинг укаси ҳам бор экан. Ука — жигар, тош отай деса жигарчилик, отмай деса хон турипти: ниҳоят, тўпидан увада олиб отипти. Шунча тош текканда вой демаган бояги одам укаси отган увада текканда «дод» деган экан. Шунақа, Тўлаган ака, душман отган тошдан жигар отган увада қаттиқ тегади!» (А. Қаҳҳор. Қўшчинор чироқлари).

Ёш келса — ишга, қари келса — ошга.

Кишини инсонпарвар бўлишга даъват этувчи кўплаб мақоллар орасида бу умуман одамларни, айниқса қарияларни, ўзидан кичикларни ҳурмат қилишдек яхши бир одатни ифода этади. Азалдан келаётган бу одатга кўра, агар кишининг уйига дафътан, кутилмаганда бирор сабаб билан ёши катта, кекса одам келиб қолса, дарҳол уни энг яхши деб билган жойларига (ёзда соя-салқинга, қишда иссиқ жойга) ўтказадилар-да, ҳол-аҳвол сўраб, дастурхон ёзиб, чой дамлаб, ошпон ва ноз-неъматлар билан меҳмон қиладилар. Агар бирор иш қилиб турган бўлсалар-у, ёш қариндош-уруғлардан, дўст-биродарлардан, қўни қўшнилардан бирортаси ёки бир нечтаси (хоҳ йигит бўлсин, хоҳ қиз) бирор сабаб билан келиб қолса, олдин уни ишга солиб, кейин меҳмон қилаверадилар. Таомилга кўра бу айбга саналмайди, келиб ишга тушиб кетган йигит-қизлар буни кўнгилларига ҳам олмайдилар. Қайтага улар келган заҳоти бирор иш қилишга ётганини кўриб қолсалар, уй эгаси «кўмаклашиб юборе»масса ҳол-ҳатто у «ўк-ўпк» ни оворя бўлмай қўяқол, ўзи арзимаган иш, барчаси қилиб қўяман» деб унмаса ҳам, ишга тушиб кетадилар. Вар.: «Ёшга — хизмат, Қарига — ҳурмат»; «Ёшлар — хизматда, Қарилар — иззатда»; «Ош — каттадан, Иш — кичикдан»; «Сен сийласанг қарини, Тангрим сийлар барини»; «Чолни кўрсанг бобом де»; «Ёшнинг ҳурмати — қарз, Қарининг ҳурмати фарз» (фарз — бажариш шарт бўлган хатти-ҳаракат), «Ёши улуғни улуғлаган — бахт топар».

Ёш кўздан чиқмайди — юракдан чиқади.

Юрак суюнса, кўздан севинч ёшлари, юрак куюнса — кўздан ғам — алам ёшлари чиқади. Шунинг учун ҳам «Чин юракдан йиғласанг, (ҳатто) сўкир (кўр) кўздан (ҳам) ёш чиқар» дейдилар.

Ёш — умрини бағишлар, қари — умрини қаришлар.

Бир донишмандан: «Энг ёмон касаллик нима?» деб сўраганларида, у: «Қарилик» деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, қарилик тобора авж олиб борувчи ожизлик, ҳасталик ва инсон умрининг поёни, демакдир, Вар: «Ёшга — кўҳистон гулистон кўринар, Қарига — гулистон гўристон кўринар» («Ёшлар тобора ҳаётга қизиқиб, ҳар бир нарсага завқ билан қарай борадилар. Қариялар эса сиҳатлари, куч-қувватлари кета борган сари кайфиятлари бузилиб, яхши нарсалар ҳам ёмондай туюлиб бораверади. Ҳаётнинг лаззати қанчалик ширин бўлса, даҳшати шунчалик аччиқ», дейилмоқчи). «Ёшлар ўйинни хуш кўрар, Қариялар уйқуни»; «Ёшлигингда кўлинг ишлар, Қариганингда тилинг ишлар»; «Ёшлик — ёшига қарамайди, Қарилик — сочга»; «Ёшликнинг авзали-ю, Қариликнинг кейини» (Охирини: «Қиши қартайиб берган сари феъли атвори ёш болаларникига ўхшаб бораверади», деган маънода қўлланилади»). «Ёш — кетаман, деб кўринмас, Қари — ўламан, деб кўринмас».

Ёшлик — бебошлик.

Мазкур мақол билан болаларнинг ҳаддан ташқари шўхлиги, қулоқсизлиги ё ношудлигидан хафа бўладиган, нолийдиган ота-оналарга «Хафа бўлманг, ҳали ёш-да ёшлигига боради. Ёши ўлғайгач, турмуш юки бўйнига тушгач, бундай қилиқларини ташлайди, қўйилади, хато-камчиликларга йўл қўймадиган бўлади», деган маънода тасалли бериб айтилади. Вар: «Ёшлик — бебошлик, йигитлик — беклик, ҳарилик — болалик»; «Бола — болалигига боради»; «Бола сўйласа — сўзи ширин, Ўйласа — ўйи кийин»; «Ўт тутунсиз бўлмас, Йигит ёзиксиз бўлмас» (ёзиқ — айб, хато) «Ўт авалига бурксиб, тутаб, кўзни ачиштириб, кейин ловуллаб ёниб кетади. Худди шунингдек, йигит ҳам ёшлигида хато-камчиликлари, нуқсонлари, шўхлиги билан ота-онани куйдиради, хафа қилади. Аммо, катта бўлгани сари эс-хушини йиғиб олиб, ота-онанинг жонига ора кира боради», дейилмоқчи. «Хўтиклигида диринглайди, Эшак бўлганда қулоғи шалпаяди»; «Бола, боланинг иши чала»; «Ёши етмай, иши битмас»; «Ёшдан — хато, Каттадан — узр» «Ёш ёшлигига бориб, хато қилиб қўйса, катта уни, албатта, бу хато устма-уст, муттасил такрорланмай, аллақайтиб бир бўлуб қолса, жуда ҳам қойиб ташламай, кечириши лозим», дейилмоқчи).

Ёшликнинг қарзини қаримасдан бурун бил.

Мазмуни: «Ёшликни сенга боғлаб бериб қўймайди, вақтида унинг қадрига ет. Ёшлигингда, яъни куч-қувватинг борида қилар ишингни қилиб қол, қариганингдан кейин, яъни куч-қувватдан қолганингдан кейин — кеч бўлади, афсус қиласан». Вар.: «Қаримагунча — йигитлик қадрини билмас»; «Олтин топилар, ёшлик топилмас»; «Ёшликда қилинган иш қариганда эгасини кутиб олади»; «Ёшликдаги ғайрат — кексаликда роҳат».

Ёқаси қолса ҳам — беқасам.

Беқасамдан ва бошқа матолардан чопон тикканларида унинг ёқасига пахта солмай ёхуд бошқа жойига нисбатан жуда юқа қилиб пахта солиб, майда қилиб қайта-қайта қавиб тикадилар-да, ёқани қотирадилар. Чопон кийилиб-кийилиб, ҳамма ёғи йиртилиб кетса ҳам, ёқаси бутун қолади. Ўтмишда баъзи илғари бой бўлган-у, кейин қўлидан мол-мулки кетиб, камбағаллашиб қолган одамларни ҳамон «бой ота», «бой бува», «бойвачча» деб, илгари бирор мансаб эгаси, масалан, мингбоши, юзбоши, элликбоши, козн, амин ва ш.к. бўлган-у, кейин мансабидан тушган баъзи одамларни ҳамон ўша ном билан атардилар. Юқоридаги мақол ана шу ҳолга қарата айтиларди ёхуд шундай одамлар ҳамон қалондимоғлигини ташламаса, собиқ бойлиги ё амали билан керилиб, мақтаниб юрса, уларни майна, мазах қилганда киноя тарзида қўлланилган.

Ёқимлининг чўтири билинмас.

Вар.: «Ёқимлининг чўтири кўзга кўринмас», Мазмуни: «Ёқимли, яъни ахлоқ-одобли, хушмуомала, ширин сўз одам, гарчи бирор айби, нуқсони (кўр, кар, соқов, дудуқ, кал, чўтир, чўлоқ ва ҳ. к.) бўлса ҳам, кишиларнинг кўзига яхши кўринади, уни иззат-ҳурмат қиладилар».

Ёғ бўлмаса, чалпак қил, ун бўлмаса — патир.

Бу мақол халқ ўртасида юрадиган бир латифадан келиб чиққан: «Бир мақтанчоқ одам ўз одатига кўра чойхонада мақтаниб ўтирган экан, боласи келиб: «Дада, уйда ёғ тамом бўлибди, ёғ олиб берармишсиз», дебди. Шунда дадаси: «Бор, ойингга бориб айт, ёғ бўлмаса, чалпак қилсин!» деган экан, ўғли «Ие дада, чалпак қилишга уйда

ун йўқ-ку» дебди. Халиги одам атрофдагиларга сир бой бермаслик, ўз мавқеини сақлаш учун: «Ун бўлмаса, патир қила қолсин» деган экан, чойхонадаги одамлар хахолаб кулиб юборишибди». Мазкур мақолни қуруқ мақтанчоқ одамларга нисбатан истеҳзо билан айтадилар.

Ёғ ёққа томар, мошовага жаз ҳам йўқ.

Мазмуни: «Берганга — қўша-қўша, Бермаганга — ўша-ўша»; «Пул пулни топади» деган мақоллар билан бир мазмунда бўлиб, «Бой одам катта дастмоя билан савдо қилиб, катта-катта фойда кўриб, борган сари бойиб бораверади. Камбағал, йўқсилларга эса ҳеч нарса йўқ». Карам аҳли, дирам аҳли дирамга сочса тонг йўққим,
Масалдур: «Ёғ агар томса, томар албатта ёғ узра»
(Огаҳий).
(карам аҳли — яхшилик, олижаноблик, эҳсон қилувчилар, дирам аҳли — пулдорлар).

Ёғ ич, яланғоч ёт.

Ёғ — тўйимли масаллиқ, кишини ичдан қиздиради. Илгари йилқибоқарлар отни сўйгач, ёғининг сардагини олиб, совутиб, сақлаб қўядилар-да, қаттиқ совуқ кунларда очиқ-яланг ерларда йилқи боқиб юрганларида совқотиб қолмаслик учун шу ёғдан вақт-вақти билан ичиб турадилар. Вар.: «Қишда пўстин кийма қази е» (Қишда қази есанг, бу кучли овқат ичингдан қиздиради, пўстин кийишнинг ҳам ҳожати қолмайди, дейилмоқчи). «Шайтондан «кесак ейсанми» деб сўрасалар, «ёғи борми?» деган экан».

Ёғ ичганда ёт яхши, қон ичганда — қариндош.

Вар.: «Еб-ичганда ёт яхши, Қайғу кунда — қариндош»; «Сийлашганда ёт яхши, Йиғлашганда яқин яхши»; «Ёт — егунча қариндош, Туғишган — ўлгунча қариндош». Мазмуни: «Баъзан бегона, ёт одам сендан манфаатланиб тургандагина ўзини сенга қалин дўст қилиб кўрсатади, атрофингда гирди-капалак бўлиб юради. Кўлингдан маблағинг кетса ё амалдан тушсанг, сенга қайрилиб ҳам қарамайди, қорасини ҳам кўрсатмайди. Туғишганларинг, қариндош-уруғларинг эса яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам сенга ҳамдам, ҳамдард бўладилар. Одамлар билан муомалада бўлганингда шунинг фарқига бора бил».

Ёғи йўқ, қаймоғи йўқ — чойи курсин, ҳайри йўқ, саховати йўқ — бойи курсин!

Ўтмишда бойларнинг аксарияти зиқна, хасис, баҳил, қурумсоқ бўлардики, меҳнаткаш халқ уларнинг устидан мазах қилиб куларди. Вар.: «Ҳайрсиз бой — тепаси очиқ уй»; «Баҳил бой гадойдан баттар»; «Баҳил бойдан саҳий гадой яхши»; «Офтобни Ой санама, Баҳилни бой санама»; «Фойдаси йўқ бойдан суви йўқ сой яхши»; «Беримсиз бойларга боргунча, Каримли тоғларга бор» («Баҳил бойлардан эҳтиёжинг учун бир нима сўраб овора ҳам бўлма, юзингни ҳам шивит қилма — барибир бермайди. Ундан кўра тоғларга чиқиб, ёввойи мева-чеваларни есанг, қорнинг беминнат тўяди», дейилмоқчи).

Ёғмай ўтган ёмғирдан ўпкалама.

Айрим пайтларда булут ола бўлади-да, ёмғир баъзи ерларга ёғиб, баъзи ерларга ёғмай ўтиб кетади. Одатда ҳеч ким бундай ёмғирдан ўпкалаб, гина қилиб юрмайди. Мазкур мақолни баъзан: «Фалончининг тўйи, зиёфатидан умидланиб юрган эдим. Нега мени айтмади-я, деб ўпкалама. Ўтган иш — ўтди-кетди», деган маънода», баъзан эса: «Аттанг, фалон нарса бошқаларга тегди-ю, менга тегмай қолди ёхуд фалон нарсадан фойдалана олма-

димда, деб афсусланма, Ўтган ишга — саловат», деган маънода қўлланилади.

Ёғочнинг бўшини қурт ейди.

Мазмуни: «Бўш-баёв, ўта муллойим, оғзи бўш, ким нима деса ўшанинг гапига кираверадиган бўлсанг, одамлар сенинг «бурнингдан ип ўтказиб, ўз йўлларига бошлаб юрадилар, ўз манфаатлари йўлида сендан осонгина фойдаланадилар, айёр, текинхўр одамлар бор-йўғингни мутаб ейдилар», Варн: «Ёғочнинг юмшоғини қурт ейди, Одамнинг юмшоғини бит ейди»; «Юмшоқ ёғоч қуртга ем, Юмшоқ одам юртга ем»; «Кана сигирнинг туёғига тушмайди, қулоғига тушади» (кана сигирнинг туёғига, яъни қаттиқ жойига эмас, балки қулоғига, яъни юмшоқ жойига ёпишиб, қонини сўради, дейилмоқчи). «Ювош туя — юлишга яхши» (қўй-эчкиларнинг жунини қирқиб оладилар, туянинг жунини эса қўл билан юлиб-юлиб оладилар). «Ювош отнинг мақтани каттиқ» (ювош отни хар ким миниб кетаверади. Мақтаган каттиқлигининг яъни ҳамавақт ҳайдаб тойиб юраверишининг боиси хам — шу ювошлигидан, дейилмоқчи); «Ювош танани подачи минади, Ювош одамни ҳар ким сўзга илади»; «Ўзинг қўй бўлганингдан кейин — чўпон ҳайдаган тарафга юрасан»; «Қўй бўлмасанг, бўри сени емайди». «Ҳа, ҳа,— деди (Олахўжа) кўзларини пирпиратиб,— улар сени дўпосласа, бўйнингни эгиб қараб турасанми? Бўш келмаслик керак. Дарахтнинг бўшини қурт ейди» (Парда Турсин, Ўқитувчи).



Жалада қолган — ёмғирдан кўрқмас.

Вар.: «Тегирмонда туғилган сичқон момақалдироқдан кўрқмайди». «Илгари қаттиқ қийинчиликлар кўрган одам унча-мунча қийинчиликдан кўрқмайди, чидайди, бардош беради».

Жаллоб — турган-битгани қаллоб.

Вар.: «Аллоп, аллопнинг иши — қаллоб» (жаллоб — қорамол, от, қўй, эчки олиб сотувчи; аллоп — ун, дон сотувчи). Ўтмишда жаллоблар мол бозорининг, олди-сотдининг паст-баландини жуда яхши биладиган айёр, «учар» одамлар бўлиб, оларда сотувчини алдаб арзонга олардилар, сотарда эса харидорни алдаб қимматга сотардилар ва шу қаллоблик орқасида кўрадиган фойдалари ҳисобига яшардилар. Қаллобликда аллоплар ҳам улардан қолишмас эдилар. Ҳозир ҳам мол бозорларда шундай жаллоблар учраб туради.

Жангал ўз жойида кун кўра олади

(жангал — тиканакли бута). Уни жангалзордан кесиб олиб келиб, экинзорни мол-ҳолдан муҳофаза қилмоқ учун ихота девор қилиб қўядилар. Аммо, жангал боғдан, ҳовлидан униб чиққудай бўлса, дарҳол уни юлиб ё чопиб ташлайдилар, чунки у ҳамма ёқни тутиб кетиб бошқа дов-дарахтни, экин-тикинларни қисиб қўяди. Мажози: тили «тиканак» ли, заҳар-заққум, жангари, жанжалкаш одамни ҳам кишилар ўз орасларига йўлатмасликка (масалан, тўй-маъракаларга иложи борича таклиф этмасликка, бундайлардан ўзларини олиб қочишга) ҳаракат қиладилар. Кишилар даврасида чекка-чеккадан гап отадилар. Гапини қиладилар тўрткилаб, хуш кўрмайдилар. Бундай одамлар фақат ўз жойида (оласида) кун кўриши мумкин-у, аммо бошқа жойларда кун кўра олмайди.

Жангал ўзин боғ айлар, кўланкасин тоғ айлар.

Вар.: «Тепа ўзин тоғ санар, жангал ўзин боғ санар», «Тепа ўзин тоғ санар. Чигалай ўзин зоғ санар» (чигалай — оғирлиги бор-йўғи 50-60 грамм келадиган кичкина баликчи қуш; зоғ — карға). «Камғоқ ўзини роғ айлар. Янтоқ ўзини боғ айлар» (камғоқ — ейилиб ўсадиган тикан; роғ — тоғ этаги, ўтлоқ сабзазор). «Ўрдак ўзин ғоз санар, Чумчуқ ўзин кўл санар»; «Така тоққа чиқиб, буюкман дер, Қулон қуйида туриб, суюкман дер»; «Кийикнинг юрган тоғи буюк бўлса, кўзи қизил бўлади» (кўзи қизил бўлади, яъни ўзини катта олади, калондимоғ бўлади). «Эшак ўзин камсинмайди бедовдан, Баҳо берар эл ўтказган сўнг синовдан» (камсинмайди). Бу мақоллар барчаси мақтанчоқ, манман, такаббур одамларга нисбатан истехзо билан айтилади.

Жанжалли жойда жағингни очма.

Мазмуни: «Олағовур, жанжал бўлиб турган, бировнинг гапи бировнинг қулоғига кирмайдиган жойда жағингни очмай, жим ўтир, гап

талашаётган, жанжалашаётган одамларнинг гапига аралашма. Акс ҳолда ўзинг улардан қаттиқ-қурум гап, сўкиниш эшитиб, ҳатто мушт еб қоласан».

Жар бошига етганда отнинг бошини тортма.

Югуриб-елиб кетаётган отни жар бошига етганда тўхтатаман деб уриниш — бефойда. У тўхташга улгуролмай, жарга аганаб кетади, ўзи ҳам, устидаги одам ҳам ҳалокатга учрайди. Мажози: «Бирор фалокатни, хавф-хатарни сезднигми, дарҳол унинг олдини олиш, олдиндан даф қилиш чорасини кўр».

Жафо чекмаган — сафо қадрини билмас

(сафо — ёруғлик, рўшнолик, равшанлик, хурсандлик). Мазмундоши: «Зимистон кўрмаган булбул — гулистон қадрини билмас». Зимистон: 1)қиш; 2) қоронғулик; мажозан: қийинчилик, қаттиқчилик. Мазкур мақолларни «Қийинчилик кўрмаган, бошига оғир кун тушмаган одам яхши кунлар қадрига етмайди, қадрини билмайди ҳам», деган маънода қўллайдилар.

Жаҳл — душман, ақл — дўст.

Ота-боболар ўзларининг бир туркум мақолларида жаҳл, ғазаб, ғам, қайғу саломатлик душмани эканлигини уқтирганлар ва кишиларга ҳуда-беҳудага ғазабланмасликни тавсия этганлар. Халқнинг бу хусусдаги қарашларини илмий медицина аллақачонлар тўла тасдиқлаган, чуқур исботлаган ва тобора ривожлантирмоқда. XVIII асрда прусс врачи Х. Гефаланд шундай ёзган эди: «Ҳаётни қисқартирувчи таъсирлар орасида кўркиш, ғам маъюслик, зерикиш, руҳий тушкунлик, ҳасад, ғазаб, нафрат асосий ўрин тутади». Машҳур рус олими И. Мечников қаттиқ ғазабланиш кўпинча томирларнинг ёрилиб кетишига, қанд касаллиги ва катаракта касаллигининг кўзгалишига олиб келишини таъкидлаган. Вар.: «Жаҳл — жоҳилнинг куроли». Жаҳл: 1)билимсизлик, нодонлик, 2) аччиқ қилиш, жоҳил, нодон, билимсиз. «Оқилнинг ақли — ўзига йўлдош, жоҳилнинг жаҳли — ўзига душдош»; «Жаҳл — пичоқ, Ақл — таёқ» (таёқ — ҳасса, яъни кишига таянч бўладиган, ёрдам берадиган нарса маъноси ифодасини берган). «Жаҳл келса — ақл қочар»; «Жаҳли чиққаннинг — ақли чиққан»; «Аччиқ— ақлни кесар»; «Ачиқ олдидан келар, Ақл — ортидан»; «Ўринсиз ғазаб — ўзингга азоб»; «Ғазаб билан қайнаган қон зарар билан тинади»; «Бугунги жаҳлни эртага қўй, Бугунги ишни эртага қўйма»; «Жаҳлни кечиктирган — ютар, Ишни кечиктирган — ютқазар»; «Мард — курашда, дўст — ташвишда, доно ғазабда синалар»; «Ким мард? — жаҳлини ютган мард»; («Жаҳлни ютиш — чўғни ютиш билан баробар» деган мақол ҳам бор. Дарҳақиқат, кишининг бир нарсадан жаҳли чиқса, ғазабланса, индамаслиги, ўзини босиши — жуда ҳам мушкул бир ҳол. Аммо, қанчалик мушкул бўлмасин, жаҳлни, қаҳру ғазабни тиймоқ — кишининг сиҳати учун ҳам, ўзаро муносабатнинг кескинлашмаслиги, аксинча қайта тикланиши ва яхшиланиши учун ҳам бениҳоя зарурдир. Мазкур мақолда бунга эришмоқлик мардлик билан тенглаштирилган). «Аччиқни ақл енгади»; «Аччиғинг чиқса, ирнингни тишла» (ирн — пастки лаб. Одатда бирор гапни гапиришдан ўзини тийган одам пастки лабини тишлайди); «Жаҳлинг чиқса сўкинма, Сўкинган сўнг ўкинма»; «Жаҳл дориси — сукут»; «Ақлингга ақл қўш, Жаҳлингга — сабр».

Жиблажибоннинг эс-хуши пашша тутишди.

Жиблажибон — чумчуқнинг бир тури, уни «Тоғ чумчуғи» деб ҳам атайдилар. У жуда серҳаракат қуш бўлиб, ерда майда-майда қадам

ташлаб, илдам йўрғалаб, ингичка ва узун думини доим ликиллатиб юради, ерда юрган, ҳатто учиб кетаётган пашшаларни осонгина тутиб ейди. Мажозан: «суюқ оёқ» аёлларга ташбиҳ этадилар. Мазмуни» Суюқ оёқ, бузуқ хотиннинг эс-хуши эркакларни, йигит-яланглари ўзига жалб этиш, ўз домига илинтиришда бўлади».

Жиннининг жиртакка тоби йўқ, шогирдининг пиртакка.

Мушт учига туфлаб жиртиллатиб чалишни «жиртак чалиш» ёхуд «жиртак отиш» дейдилар. Бирозни мазах, масхара қилганда шундай жиртак чалинади. Болалар, ёш-яланглар бирор ерда жиннини кўриб қолгудай бўлсалар, унинг орқасидан эргашиб анча жойгача боришар, унинг қилиқларига таклид қилишар, масхара қилиб жиртак чалишар эди. Бунга жиннининг баттар жини қўзиб, уларни олдига солиб қувлар, орқаларидан тош отар, тутиб олганини эса урар эди. «Жиннининг жиртакка тоби йўқ» дейилишининг боиси шу. Пиртак — асли «пиртаг» бўлиб, «пирнинг таг (яшаган) жойи» деган маънони билдиради. Баъзи жойларда (масалан, Қўқонда) якшанба кунини, баъзи жойларда (масалан, Марғилонда) пайшанба кунини «пиртак» деб атайдилар. Ўтмишда ҳар бир касб-хунарнинг эгалари ўз «пир»ларига (масалан: деҳқонлар — Бобо Деҳқонга: чорвадорлар — Қамбар ота, Занги ота, Саксак отага; пойабзал тикувчи косиблар — Бобои Пардузга; темирчилар — Хасти Довудга ва ҳ.к.) сиғиналидар, «улар яшаб ўтган» ёхуд «дафн этилган» деб ҳисобланувчи «пиртаг» жойларга пирнинг арвоҳи учун шам ёқиб кўярдилар, уларга атаб турли хайр — эҳсонлар, қурбонликлар берардилар, ҳар хил ирим-жирим қилардилар. Бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадиган баъзибир тамагир, суллоҳ одамлар ҳам бўларди. Улар «Мен фалон пирнинг авлодидан бўламан» деб, одамларни шунга ишонтириб, ўзини «улуғ пирнинг шогирди» деб, ҳисобловчи қимарманлар ҳузурига ҳар ҳафтада (пиртак куни) келиб дуофотиҳа қилиб, «пирнинг арвоҳи йўлга» бирнима ундириб кетардилар. Бундай безбет, суллоҳ одамлардан ёлқиган «шогирд»лар пиртак деса безиллаб турадилар. Мақолнинг — шогирднинг пиртакка қисмида шу парса ўз ифодасини топган.

Жиннининг қасди — ёнда.

Жинни, девоналарнинг бошқа бир қанча ёқимсиз қилиқларидан ташқари бировнинг, айниқса болаларнинг қўлидаги нонни в бошқа ейулик нарсаларни юлиб қочиш одати ҳам бор. Баъзи айёр, мугомбир одамлар бўладики, улар ўзларини атайдан жинниликка солиб, жинниларга хос қилиқлар ва гап-сўзлар қилиб, шунинг баҳонасида бирондан бир нима ундирадилар, ўзларига бирор фойдаси тегадиган, лекин ман этилган ишни қилиб оладилар. Кишилар бундай одамни «Ҳа, бир жинни-да» деб ўйлаб, унинг гап-сўзига, беъмани қилиқларига кўпда аҳамият бермайдилар. У эса худди шу имкониятдан фойдаланиб қолади. Юқоридаги мақол мажозан шундай одамларга нисбатан қўлланади.

Жой берганга — жон бер.

«Яхшилик қилган одамга сен ундан ҳам ўтказиб яхшилик қил» деган маънода муболаға билан айтилган. Вар.: «Жон берганга — жон бер. Жой берганга — жой бер».

Жойи ўзгарган товуқ кўп қақолайди.

Ўз ватанини, ўз жойини ношукурчилик, кўрнамаклик қилиб тарк этган, бундан ҳам яхшироқ ҳаёт кечириш умидида ўзга юртларга кетган одам барибир ўз мақсадига эриша олмайди, қайтага нотаниш одамлар орасида баттар аҳволга тушади, кейин афсусланиб, дод-ҳасратидан чанг чиқиб юради, ўз жойи ватанини қумсаб, ватангадолик азобини тортади. Буни кўп асрлик ҳаётнинг ўзи кўрсатган. Бинобарин, бошқа бир мақолда айтилганидек: «Хар ерни

ҳам қилмагил орзу, ҳар ерда ҳам бордир тош-тарозу». Юқоридаги фикрни қувватловчи: «Дарахтни ўзга жойга ўрнатсалар — кўкармас»; «Дарахт ўз жойини ёктирмаса, арра-тешага дучор бўлади»; «Кўчган юртнинг қадрини қўнганда биласан».

«Жон ака»га жон борми?!

Баъзи одам кўп кишиларга, бутун бир маҳаллага, қишлоқ бош-кош бўлишни орзу қилади, буни ўзи учун бир мансаб деб билади, ўз кўнглида «Ҳар ким менга келиб ялинса» деб ўйлайди ва кўпчилик ўртасида шундай одам бўлиб қолиш учун ўлиб-тирилиб ҳаракат ҳам қилади. Одамлар ундан келиб бирор маслаҳат сўрасалар, «Жон ака, жон ака» деб ялиниб, бирор ишга бош-кош бўлишни, бирор жанжалли ишни ўртада туриб бости-бости қилиб қилиб беришни илтимос қилсалар, унга жон кириб кетади-да, мағрурланиб, у одамнинг оллига тушиб, айтилган ерига бораверади. Обрў-эътиборини яна ҳам ошириш, мавқеини баландлатиш мақсадида ҳориган, чарчаган бўлишига қарамай, жонини ҳам аямай куйиб-пишиб ҳаракат қилаверади», деган маънода шундай одамлар устидан истеҳзо билан кулиб айтадилар.

Жон бор ерда — жанжал бор.

Бу мақолни жанжал билан, келишмовчилик билан ўтаётган турмушидан полийзиган одамга: «Қўйинг, хафа бўлманг, тирикчилик деган ўзи шунақа бўлади, бир-бирини тушунмаслик, англашилмовчилик ё жоҳиллик оқибатида баъзан шундай жанжал ҳам бўлиб туради-да. Бу табиий ҳол» деган маънода тасалли берганларида қўллайдилар.

Жон бор ерда — казо бор.

Вар.: «Тўйинг уй бўлар, Ўлимнинг уй бўлмас»; «Ўлмаси жонга — ўлим бор»; «Синамасин қўлни кўтармас, Ўлмасин — ҳудо»; «Синмайдиган сон бўлмас, Тирилмайдиган кон бўлмас»; «Ўтгусиз дард бўлмас, Ўлимсиз дунё бўлмас»; «Синмас темир бўлмас, Ўтмас умр бўлмас». Булар марҳумнинг яқинларига тасалли берилганда айтилади.

Жон-жон — бечорачилик.

Вар.: «Жон-жон — ўзимнинг жоним». Тирикчилик деб кўп ҳаракат қилганда, елиб-югурганда, машаққат чекканда шундай дейилади.

Жон жонга куяр, сих — кабобга.

Вар.: «Шиш кабобга куяр». Сихни илгари «ших», «шиш» дердилар (ҳозир талаффуз этиладиган «шашлик» сўзи асли «шишлик» бўлса, эҳтимол). Ўтмишда сихни ҳозиргидай металлдан эмас, дарахт шохидан, асосан беҳи ва б. қаттиқ ёғочли дарахтлар шохидан ясардилар. Кабоб пиширлаётганда агар сих тез-тез ағдариб турилмаса, куйиб тушади. «Жон жонга куяр, Бегона кимга куяр?!» варианти билан «Ҳар ким ҳам ўз яқинларининг мушкул аҳволига куюнади, бегона бегонага куюнмайди» демоқчи бўладилар.

Жон ширинми — ҳалво ширинми?

Вар.: «Ҳалво — ширин, ҳалводан — жон ширин»; «Жондан ширин нарса йўқ». Латифа: «Кунлардан бир кун Афанди саройга борса, Амир Темур бир қанча одамлар билан овқатланиб ўтирган экан, уни ҳам дастурхонга таклиф қилишибди. Овқатдан сўнг ҳалвойтар келтирилибди. Ҳамма энди бир қошиқдан олган экан, Темур: «Кимки агар ҳалвайтардан иккинчи қошиқ олса, бўйнини узаман!» деб қолибди. Ўтирганлар дарҳол қошиқларини лаган четига кўя қолибдилар. Чунки, Амирнинг ҳазилкўнгилга чиқа айланиб кетишини улар яхши билишган. Афанди ҳам истеъмолдаги қошиғини қўйибди. Ҳамма ҳам тинглаганда жим ўтираверибди. Афанди дам ҳалвайтарга, дам Амир Темурга кўз ташлаб бир оз ўтирибди-да, кейин ахири бўлма-

гач, Темурга қараб: «Эй Амирим! Бола-чақаларимни сизга, ўзимни худога топширдим! Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, оллоҳу акбар!» дебдида, ҳолвайтарни пок-покиза тушира кетибди. Афандининг топқирлигидан завқланиб ҳамма кулиб юборибди. Темур ҳам мириқиб кулиб, Афандининг гуноҳидан ўтибди.

Жондан кечмасанг — жонона қайда, тоққа чиқмасанг — дўлона қайда?!

Бу мақол билан роҳатга меҳнат-машаққатсиз эришиб бўлмаслигини уқтирувчи ва бу машаққатдан қўрқмасликка, унга бардош беришга, дадил ҳаракат қилишга даъват этилади. Вар.: «Жонингни қийнамасанг— жонона қайда, Хотин олмасанг -- қайнона қайда?!»; «Жон қийналмай юмуш битмас, Талаб бўлмай муродга етмас» (талаб — орзу-истак, интилиш). «Жондан кечмай дарё кечилмас».

«Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш, Эй Новоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анго» (Навоий).

«Тикансиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас, Риёзат тортмағунча ёр васлиға етиб бўлмас» (Машраб).

Жони ачиган — тангрисин қарғар.

Мазмуни: «Бошига кулфат тушган, оғир машаққатларни, дард-аламларни тортавериб, жони ачиб кетган одам бошқалар тугул, ҳатто тангрисидан ҳам хафа бўлиб кетиб, уни қарғаб юборади. Бундай одам сени ноҳақ койиса, қаттиқ-қурум гапирса, бунинг учун ундан ўпкалама, аччиғига аччиқ билан жавоб қайтарма, ўзингни бос, оғир бўл. Чунки, унинг аянчли аҳволи, қайнага қони шундай қилишга мажбур этган. Сен буни тушунишинг керак. Бундан одамларнинг ички кечинмаларини ҳис эта бил ва шунга қараб эҳтиёткорлик билан муомала қил. Акс ҳолда ўзинг гап эшитишинг, зиён — заҳмат кўришинг, шикаст ейишинг мумкин».

Жон борнинг — ғами бор.

Бошига тушган қийинчиликдан,ғамташвиши кўплигидан нолийдиган одамга қарата «Қўйинг, кўп азият чекаверманг, ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша ғами, ташвиши бўлади. Бусиз илож йўқ. Ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади», деб тасалли берганда айтадилар.

Жонингни фидо қилсанг қил, номусингни фидо қилма.

Номус — шундай бир муқаддас, пок, соф, олий нарсаки, уни сақлаш инсон учун беҳиҳоя зарур. Ор — номусни сақламоқ учун қанчадан-канча одамлар ҳатто жонларини ҳам фидо қилиб юборганлари — тарихдан маълум. Мазкур мақол билан номусни сақлаш нечоғлик зарур эканлигини уқтирадилар. «Жисмон азобидан — виждон азоби оғир» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Жисмонинг оғриса, жароҳатланса, дори-дармон қилиб тезда тузатиб оласан. Аммо, виждонинг оғриса, унинг азобига чидай олмайсан, бу азобдан узоқ вақт қутула олмайсан. Шундай экан, аввалambор виждонингни азоблайдиган ишни (масалан, бировга туҳмат, хиёнат, ёмонлик, эгри қўллик ва ҳ. қ.) қилма, қандай бўлмасин виждонингга содиқ бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Жўжали товуқдан дон ортмас.

Вар.: «Болали қушдан дон ортмас»; «Бузоқли сигирдан чўп ортмас» (чўп — ўт, гиёҳ); «Болали қарғадан тезак ортмас»; «Қулунлаган биядан қудуқдаги сув ортмас»; «Болали уйда қатиқ ивимас»; «Болали уйдан нон ортмас» ва б. Мазмуни: «Болачақаси кўп одамдан ҳеч нарса ортмайди, қўлида ортиқча маблағи ҳам бўлмайди. Бундай одамдан бир нима умид қилма ҳам, сўрама ҳам. Мабодо сўраб қолсанг-у, у бермаса ёхуд имкони йўқлигини айтса, бунинг учун хафа бўлма, гина қилиб, ўпкалаб юрма».

Жўжани кузда санайдилар.

Вар.: «Чучварани хомлигида санама, Жўжани каллигида санама»; «Чучварани пиширив сана, Жўжани — очириб». Жўжа баҳорда, ёзнинг бошида тухумдан чиқади. Бу пайтда ҳали унинг бошига пар чиқмаганлиги учун «кал» деб атайдилар. Жўжалар то кузга боргунча, яъни катта бўлиб, ўзини-ўзи эплаб оладиган, ўзини мудофаа қиладиган бўлгунча, қанчасини тулки, мушук, калхат ва ҳ. к. еб кетади, қанчаси бирор шикаст топиб, нобуд бўлади. Кузгача омон-эсон етиб борганларигина хақиқий жўжа, кейинчалик товуқ, хўроз бўлади. Чучварани ҳам тугилгандан кейин санаб ўтириш — бефойда. Чунки у қозонга тушгандан кейин то пишгунича қанчаси очилиб, ёрилиб, сувга чиқиб кетади. Мажозан бир ишни бошламай туриб ёхуд бир ишга эндигина қўл уриб: «Ана ундай қилиб юбораман, мана бундай қилиб юбораман», «Мана бунча уруғ экдим, ана унча ҳосил оламан» ва шу каби гапларни айтиб, мақтанувчи одамларга: Ҳали шошмай туринг, бу ёғи нима бўлади-ю, нима қўяди. Иш битгандан кейин гапиринг-да» деган маънода айтадилар.



Закотли мол ўтда куймас, сувда чўкмас.

Закот — мусулмонлардан уларнинг умумий бойликларининг қирқдан бири (масалан, ҳар қирқ қўйдан биттаси, ҳар қирқ пуд галладан бир пуди ва ҳ. к.) миқдорида ҳар йили олинадиган диний солиқ бўлиб, шариатга кўра, уни тўлаш фарз, яъни шарт, мажбурий эди. Мазкур мақолни закотчилар (закот пул ва молларни йигувчи амалдорлар) шариатнинг ана шу солигини ундиргани келганларида «Закот — фарз. Закот беришнинг савоби улуғ бўлади. Закоти берилган молдан барака учмайди, у ўтда ҳам куймайди, сувда ҳам чўкмайди» деган маънода насиҳат қилиб айтардилар. Ўтмишдаги солиқларга тааллукли бўлган «Қирқдан бири — закот-у, ўндан бири — ушрми?!» деган мақол ҳам бор (ушр — Ўрт Осиё хонликларида давлат фойдасига олинган солиқ. Закот — моли нисобига яъни, маълум бир меёрга етган бойлардан ундирилган бўлса, ушр — асосан меҳнаткаш деҳқонлардан ҳар ўн пуд ҳосилнинг бир пуди ҳисобидан ундириларди). Меҳнаткаш омма мазкур мақоли билан: Бу қанақаси бўлди?! Бойлардан олинадиган закот — қирқдан бир-у, камбағаллардан олинадиган ушр — ўндан бир экан-да! Шу ҳам инсофданми, шу ҳам адолатданми?! деган маънода ўз норозилигини билдирган.

Замон замонга ўхшамас.

Бу мақол замонанинг зайли билан кийинчиликка дуч келган, мушкул аҳволга тушган ва ўз аянчли аҳволидан нолийдиган одамларга: «Қўйинг, хафа бўлманг, бу оғир кунлар ўтиб кетади, яхши кунлар етиб келади. Замон ҳамавақт шундайлигича қолавермайди» деган маънода тасалли бериб айтилган.

Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ.

Замоннинг тартиб-қоидаларига кўникиш, замонасоз бўлишга даъват этувчи бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Замон сенга созлик қилмаса, Сен замонга созлик қил»; «Замон сенга бўйин қўймаса, Сен замонга бўйин қўй»; «Ел қаёққа эсса, елкан шу ёққа сузади»; «Шамол қаёққа эсса, бошоқ шу ёққа эгилади»; «Шамол қаёққа эсса, қамиш шу ёққа эгилади». «Сув қаёққа оқса, тош ҳам шу ёққа оқади»; «Замонанг қандай бўлса, бўркингни шундай кий» (бўрк — бош кийим); «Замонанг тулки бўлса, сен тозиси бўл» (тулки ҳар қанча айёр, эпчил, чандаст бўлмасин, барибир този уни овлай олади). Мазкур мақол билан «Замон ҳамиша бирдай турavermади, тобора ўсаверади, мураккаблашаверади. Шундай экан, сен ҳам ўз билиминг, ҳунаринг билан чегараланиб қолмай, олға томон интилавер, билимингга билим, ҳунарингга ҳунар қўшавер, шундагина замонга бас кела оласан, замондан ортда қолсанг, ўзингга қийин бўлади» дейилмоқчи; «Замон — ёмон эмас, Замонга боқмаган — ёмон».

Замон сени ўқитар, таёқ билан сўқитар, сабоғингни билмасанг, дўконида бўз тўқитар.

Мазмуни: «Жоҳиллик билан ўқимай, ҳунар ўрганмай, ишга бўйин эгмай,

ялов қилиб юрма, деганинг билан замоннинг ўзи, тирикчиликнинг ўзи бунга йўл қуймайди, сени ўқишга ҳам, ҳунар ўрганишга ҳам, ишлашга ҳам мажбур қилиб қўяди».

Замона — зўрники, томоша — кўрники.

Бу мақол инсон қадр-қиммати пул билан, бойлик билан ўлчанган, мулкий ва ҳуқуқий тенгсизлик ҳукм сурган, зўрлар (яъни, пулдорлар, амаллорлар) устун бўлган адолатсиз замондан нолиб, норози бўлиб айтилган. Вар.: «Зар ҳам — зўрники, Зан ҳам — зўрники» (зар — олтин, кумуш, бойлик: зан — хотин. Ўтмишдан маълумки, пулдорлар бир эмас, бир неча хотин олганлар, пулнинг зўри билан камбағалларнинг ёш-ёш қизларини, гўзал хотинларини тортиб олганлар. Мақолда шунга шама қилинган); «Кун — кучлиники, Қовурға — тишлиники»; «Зўрлик бор ерда зўравон кўпаяр»; «Зўрлик ерда адоват ҳам зўр бўлади»; «Зўрнинг кети тегирмон юргизибди» (Пулдор одам қилишнинг сира имкони бўлмаган унча-мунча ишни ҳам қилишга қурби етади» дейилмоқчи).

Замона охир бўлса, улоқнинг отини «абдукарим» қўядилар.

Вар.: «Қиёмат яқинлашса, эчкининг оти «мулла Абдукарим» бўлади»; «Қишлоқда одам қолмаса, эчкининг оти «мулла Норқўзи» бўлади». Халқ ўртасида мазкур мақоллар билан боғлиқ ривоя бор: «Ўтган замонда Абдукарим дейдиган бир қассоб бор экан. У қўй қўштига эчки гўштини аралаштириб қанорага осиб қўярканда, харидорларга эчки гўштини ҳам қўй гўшти деб сотаркан. Буни сезиб қолган одамлар Абдукарим қассобга «Эчки» деган лақаб қўйиб, ҳамма ерда унинг устидан куладиган, унинг шаънига лаънатлар айтадиган бўлгач эканлар...» «Эчкининг оти — Абдукарим» ибораси шундан келиб чиққан. Ана шу ибора асосида ўзбекларда юқоридаги мақол билан «Замона охир бўлса (яъни, замон бузилса) ёмон одамлар қутурадилар, яхши одамларга панд берадилар, уларни ҳар қандай йўллар билан эзишга ҳаракат қиладилар» дейилмоқчи.

Замона охир бўлса, хирс устига хирс чиққай.

(Хирс — айиқ; тўқ, бадавлат) Ўтмишда айиқ терисини пўстак қилиб, уни тўшак ўрнида ерга солиб, устига чиқиб ўтирардилар. Айиқ териси камёб ва қиммат бўлганлиги сабабли у асосан бойларда бўларди. Мазкур мақол билан: «Замона охир бўлса, бойлар, пулдорлар инсоф ва адолатдан баттар йироқлашиб, орттирган бойликларидан қутуриб, кўнгилларига келган ишни қиладилар» дейилмоқчи.

Замонани хўрлайдилар, ўтиб кетгач — мақтайдилар.

Баъзи одамлар бўладики, улар ўзлари яшаб турган замондан нолийдилар, унинг арзимаган камчиликларини деб, бутун, бир афзалликларини ҳам кўзга илмайдилар, қадрига етмайдилар. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ» деганларидай, орадан йиллар ўтиб, замон ўзгарганидан кейин ҳам бир оз қийинчиликка дуч келганларида: «Ҳўв анави замон — хўп замон эди-да», деб илгари ёмонлаган замонларини мақтайдилар. Юқоридаги мақол шундай одамларга нисбатан киноя тарзида айтилади.

Замонанинг зайли билан, дедим эшакни тоға.

Мазмуни: «Замон мажбур қилганидан, бошқа сира иложим бўлмаганидан, кун кечириш учун, ўзим битказа олмайдиган ишни битириш учун ёмон одамни ҳам яхши дейман, мақтайман, иззат-ҳурмат қиламан, унга яхшиланиб сотараман». Мазкур мақолда ҳам тенгсиз ва адолатсиз замон иллатлари ўз аксини топган.

Замонанинг зайли билан тезакфуруш подшо бўлибди.

Бу мақолнинг келиб чиқиши бирор эртак билан боғлиқ бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, ривоят қилишларича қадим замонларда бирор мамлакатнинг подшоси ўлсаю, унинг тахтига эгалик қиладиган ворис бўлмаса, «давлат қуши» учирилар экан. Бу қуш кимнинг бошига қўнса, унинг кимлигидан қатъи назар (хоҳ ёш-у, хоҳ кари бўлсин, хоҳ камбағал-у, хоҳ бой бўлсин), подшо қилиб кўтарганлар. Юқоридаги мақол мажозан ҳеч ким шундай бўлади деб ҳаёлига ҳам келтирмаган бирор нолойиқ иттифоқо бойликка эга бўлиб ёхуд бирор амалга миниб қолса-ю, ўзини катта олса, калондимоғлик қилса, ҳеч кимни менсимай қўйса, унинг устидан истеҳзо билан кулинганда қўлланади.

Замонанинг озгани — отдан эшакнинг ўзгани.

Замонанинг адолатсизлигидан, бузуқлигидан нолиб: «Бу қандай замон бўлди ўзи ёмон одамлар қадр-қамматли, обрў-эътиборли, ҳар жиҳатдан устун, қўллари баланд бўлсалар-у, яхши одамлар хўрланса ёмонларга тобе бўлса, аянчли аҳволда кун кечирса?!» деган маънода қўлланилади. Вар.: «Замона озганидан — ёкалар бўлди этак, Бўз — пайтава бўлди, бошга чиқди патак»; «Замонанинг бузғуни — Қарғага минор қузғуни» (қарғага нисбатан қузғун каттароқ, жуссалироқ бўлади. Мақолда катталар — бой ва амалдорлар қузғунга, кичиклар — камбағал меҳнаткашлар қарғага ташбиҳ этилган ҳамда: «Замонанинг бузилганини кўрингки» Ҳеч вақтда кичикнинг устига катта минадими?! Замонанинг бузилганини кўрингки, хирсдан тўқ бойлар оч-яланғоч, бечора камбағалларнинг елкасига «миниб» олиб, ўзгалай инкатиб, манфаатланиб юрибди-я!» дейилмоқчи); «Қушнинг қўни бўлганга, кўртак балиқ терак бошида сузар»; «Оқ терн — оёқ остида, Қора терн — бошар бошида» (ёмонлар хор-зор-у, ёмонлар иззат-ҳурматда» дейилмоқчи); «Туянинг буйдаси — эшакнинг бўйнида» (буйда — туянинг тумшуғидан боғлаб, эшакнинг бўйнига солиб қўйиладиган арқон. Одатда туя карвонини эшак бошлаб борган. Ўтмишдаги бузуқ, адолатсиз, тенгсиз замондан нолиган халқ бу мақол билан мажозан: «Оммага аҳмоқлар, бефаҳм-бефаросатлар йўлбошчилик қилмоқда,» демоқчи); «Ёй эгрилиги туфайли шоҳ ёнидан жой олар, Ўқ тўғрилиги туфайли узоққа бориб тушар» (ёмонлар тилёғламалик, лаганбардорлик қилишлари, «Дўпписини олиб кел» деб буюрсалар, бошини олиб келишлари туфайли баланд мартабалилар ёнидан ўрин оладилар..
шилар эса ҳақиқатни талаб қилганлари, тўғри сўз бўлганлари, бўйни эгишни ор деб билганлари учун хўрланадилар, қув гин қилинадилар», дейилмоқчи); «Лунёни аҳмоқ сурар, Оқил унинг ҳайрони».

Зар қадрини заргар билар.

Вар.: «Зар қадрини заргар билар, Чилангар нени билар?! (чилангар — косибларнинг асбоб-ангорини ясовчи темирчи уста; слесарь); «Эр қадрини эр билар, Зар қадрини — заргар»; «Зар қадрини заргар билар, Забаржад қадрини — савдогар» (забаржад — пистоқи ранг қимматбаҳо тош); «Зар қадрини заргар билар, Олтин қадрини — маҳак» (маҳак — олтин-кумушларга суртилганда улар софлигини ажратадиган тош); «Гул қадрини булбул билар, Гул қадрини билмаган — булбул қадрини не билсин?!», «Ой қадрини оч билар, Кийим қадрини — ялонғоч»; «Гавҳар қадрини кўр билмас»; «Заҳмат қадрини заҳматкаш билади». Бу мақоллар билан «Ҳар бир нарсанинг қадр-қимматини, огир-енгилини, паст-баландлигини, яхши-ёмонлигини ўша нарсага бевосита алоқадор бўлган одамларгина яхши биладилар, бевосита алоқадор бўлмаган, кўрмаган, билмаган, яни тушунмаган одамлар унинг қадрини ҳам, камбағаллигини ҳам, огир-енгиллигини ҳам билмаслар, фазилатлари ҳеч етмайди» дейилмоқчи.

Зарар кўрмай, фойда қайда?!

Ҳаётнинг қонуни шундайки, ҳар нарса — бир нарса ҳисобига бўлади. Масалан, ҳамиртуришсиз ҳамир қилиб бўлмайди, тамизгисиз қатиқ қилиб бўлмайди. Хуллас, киримга эришмоқ учун бир оз чиқим қилишга, фойдага эришмоқ учун бир оз зарар кўришга тўғри келади. Мазкур мақол билан «Ҳамонки бир нарсага эришмоқчи бўлган экансан, бу мақсад йўлида кўриладиган озгина зарардан қийинчиликдан чўчима, мард бўл, дадил ҳаракат қил, кўзлаган мақсадинг учун керак бўлса мабла-ғингни, кучингни, вақтингни ва ҳ. к. аяма», деган маънода насиҳат қиладилар. «Зарурат тушса, зар тўкилади» деган мақол ҳам шу маънода қўлланади.

Загар ишини мискар ўнгай санайди.

Баъзи кишилар ўз касбларини оғир деб, бировларга ҳасрат қилиб, айни замонда ўз кунгилларида фахрланган, мақтанган, керилган бўлиб юрадилар, бошқаларнинг касб-ҳунарини (гарчи у кишироқ бўлса ҳам) осон фаҳмлаб, менсимайдилар. Мазкур мақол шундайларга нисбатан киноя тарзида қўлланади. Ақл-идроки одамлар эса, бунинг аксича: «Сизники — сизга осон, Бизники — бизга осон», дейди.

Зарурга — зарур, нозарурга — не зарур?!

Вар.: «Зарурга — зарур, Киракашга не зарур!» (киракаш — аравасига одамларнинг ўзини ё юкини ортиб, бир манзилдан бир манзилга элтиб қўювчи. Киракаш пул топиш, тирикчилик учун ўз хоҳишидан ташқари, мажбуран шу ишни қилаётганини гарчи билиб турсалар ҳам, бу мақолни шунчаки кулги учун, жўрттага: «аравага ўтирган ё юкини ортган одамнинг-ку мўлжаллаган манзилига боришни зарур-а, аравани ғиқиллаб-сиқиллаб тортаётган ё қийналиб ҳайдаётган кучини, вақтини, асабини сарфлаётган киракашга нима зарур!» деган маънода айтганлар). Юқоридаги мақоллар кераксиз иш билан шуғлланадиган, кучини, вақтини зое кетказадиган одамларга нисбатан гоҳ ҳазил гоҳ жиддий йўсинда айтилади.

Загизгон бир қўниб, саккиз сакрайди.

Загизгон — зийрак, ҳушёр ва эҳтиёткор қушлардан бири. Шу хусусиятига кўра, бошқа кўпгина қушлар бирданига келиб қўнгани ҳолда, у олдинига омонатгина қўнади-да, оёғи ерга тегар-тегмас, бир неча марта сакраб-сакраб бориб, хавф-хатар сезмагандан кейингина чинакамига қўнади. Боғларда, тўқайзорларда, тоғ ёнбағридаги ўрмонзорларда кўпроқ учрайдиган бу қуш қунғизлар, қуртлар ва бошқа зараркунанда ҳашаротларни еб, табиатга ва одамларга фойда келтиради, айни замонда буғдой, арпа, жўхори доналарини, урик, олча, жийда, узум, тут каби меваларни еб, ковун-тарвузларни чўқиб, кишиларга зиён етказади. Келтирган фойдасидан қатъи назар, ана шу зиёнкорлиги учун уни ёмон кўрадилар. Шу туфайли унинг ҳақида: «Қушнинг қуви загизгон»; «Загизгон чўқиган билан тўқ бўлмас», деган мақоллар ҳам бор. Мажозан, айёр ўғри ва хиёнаткорларни загизгонга ташбиҳ этадилар.

Заҳар сочган илон айланиб кетолмайди.

Илоннинг бу хусусиятини хиёнатчи, жиноятчиларнинг феъл-атворига ташбиҳ этиб, мазкур мақол билан мажозан: «Хиёнат, жиноят қилган одам ўз ўзидан хавфсираб, тиқ этган товушдан чўчиб, ҳар бир нарсага «кўз-қулоқ» бўлиб, хиёнат-жиноят атрофида ўралашиб, андишаглаб юради-да, ўзини-ўзи билдириб қўйиб, қўлга тушади, бугунлай қочиб, қутулиб кета олмайди», дейилмоқчи.

Заҳарнинг ози нима-ю, кўпи нима?!

Кўпинча бу мақолни заҳар-заққум гаплари билан кишиларни хафа қи-

лувчи дилига озор берувчи одамларнинг юзига бу қилмишини солганларида: у «Бир оғизгина гапирувдим, шунга ҳам хафа бўлибдиларда», деб ўзини оқлашга тутинса, кишилар: «Ёмон гапнинг ози ҳам, кўпи ҳам киши дилини жароҳатлайди. Бу қилмишингиз яхши эмас», деган маънода эътироз билдириб айтадилар.

Зикирхона унда-ю, ҳалимхона бундами?!

Бу мақолнинг келиб чиқиши халқ ўртасида юрадиган шундай ҳикоя билан боғлиқ: «Бир эшон ўзининг мурид-мухлислари билан масжидда зикр тушиб-тушиб, чарчаб, қорни очгач, масжид яқинида яшайдиган бир мухлисиникига чиқиб, ҳамиша овқатланиб юраркан. Мухлиси камбағал косиб бўлса ҳам, эшон бир сафар унга: «Юмшоқкина ҳалим қилиб бергин» дебди (ҳалим — ёрма бугдой ва анча-мунча гўшт солиб, узоқ вақт қайнатиб, ҳил-ҳил қилиб пиширилади ган, кишини кўп овора қиладиган ва қимматга тушадиган таом). Мухлиси: «Хўп бўлади, тақсир», деб ҳалим қилиб берибди. Мазахўракка ўрганган эшон ҳар куни чиқиб: «Ҳалим қилиб бер» деяверибди. Мухлиси бир қилиб берибди, икки қилиб берибди... Ахири бор-йўғидан ажраб, бир куни хафа бўлиб ўтирган экан, эшон яна кириб келиб, ёғдек ёқиб қолган ҳалимни буюрибди. Шунда мухлиси унинг юзига тик қараб: «Тақсир, зикирхона унда-ю, ҳалимхона бундами?!» дебди-да сўкиб-сўкиб ҳайдаб чиқарибди» Ўз ихтиёридан ташқари мезбонга айланиб қолган киши киноя тарзида ёхуд ҳазил ниқоби остида юқоридаги мақолни айтади.

Зиқна бирга унамай, дуьажага тушади

«дуважа — икки баробар; икки ҳисса). Вар.: «Мумсиқнинг қаржи — икки баробар» (мумсиқ — зиқна, хасис, бақил). Мазкур мақоллар билан: «Зиқна хасис одам: «Э бўлаверади, э бўлаверади» деб, ишнинг арзон тарафини кўзлайди. Оқибатда бу арзонинг бақоси бўлмай, яна харажат қилишга мажбур бўлади», дейилмоқчи.

Золимнинг уйқуси — раиятнинг роҳати

(раият — ҳукмдорнинг қўл остидаги одамлар, тобе омма). «Золим ҳукмдор уйғоқлик пайтида устма-уст буйруқ бераверіб, бақириб-чақириб, инжиқлик қилаверіб, қўл остидаги хизматкорларини хол-жонига қўймай югуртиради. У ухлаган пайтдагина хизматкорлари бир оз нафасларини ростлаб, роҳатлангандай бўладилар», дейилмоқчи.

Зоримиз бор, зўримиз йўқ.

Бировдан бир нима сўраганларида у бўлатуриб бермаса, «Ҳа майли, ҳожатимиз тушиб, бир сўраган эдикда», деган маънода сездирмай кесатганларида ёхуд бировга унинг ўзи учун ҳам бир оз манфаати тегадиган бир ишни қилишни ё биргаликда, шериқчилик қилишни таклиф қилганларида у рад этса, унамаса, «Ҳа майли, яна ўзингиз биласиз, бир айтдик-қўйдик-да», деган маънода шундай дейдилар.

Зоғча сигирдан қўрқмайди.

Бунинг сабаби шундай: қорамол (сигир, ҳўкиз, тана, бузоқ) ларда «ўқра» деб аталмиш бир яра бўлади. Кузнинг охири, қишнинг бошларида сўна (пашша) қорамол сонининг жуни орасига уруғ қўяди. Бу уруғ аста-секин тери орасига кириб ўса бошлайди ва баҳорда қорамолнинг сағрисидан тешиб чиқади-да, жийда данагидек ва ундан ҳам каттароқ ярага айланиб кетади ҳамда қичиша бошлайди. Шунда загча сигирнинг (шунингдек бошқа қорамолларнинг ҳам) сағрисига қўниб, халиги ўқрани тумшуғи билан чўқиб олиб ейди. Унинг бу иши сигирга хуш ёқиб, жим туради, загчанинг келиб қўнишига қаршилик ҳам қилмайди, ҳайдамайди ҳам. Агар загча шу ўқрани емаса, у ёзнинг бошларига

борганда терини ёриб чиқиб, капалакка айланиб, учиб кетади. Кейин бу капалакдан сўна пайдо бўлади. Сўна ўз жойини қидириб, яна қайтиб келади-да, сигирни чақа бошлайди. Чаққанда ҳам унинг тумшуғини, лабининг гўштини қаттиқ чақади. Бундан азоб чеккан, зада бўлган сигир учиб келаётган сўнанинг қанотлари овозини эшитиши ҳамоно жон аччиғида қоча бошлайди, агар бойлоқда бўлса, ҳатто арқонни ҳам узиб, думини кўтариб қочади. Зоғчанинг сигирдан қўрқмаслигига сабаб ана шу. Юқоридаги мақолни мажозан хиёнатчи, жиноятчиларга нисбатан қўллайдилар ва у билан: «Хиёнатчи, жиноятчи қўлга тушиб қолмаслик учун бирор мансабдорни устамонлик билан қўлга олиб (масалан, пора бериб) уни манфаатлантириб туради-да, бемалол қинғир ишини қилаверади. У одам бу хиёнат, жиноятни кўра-била туриб, «еган оғиз уялгани», тили қисиқ бўлгани сабабли индамайди. Вақти келиб ҳалиги қинғир одам унга қаттиқ-қурум гапирса, дўқ-пўписа қилса ҳам, индай олмайди», дейилмоқчи.

Зулм — хўрланганни бирлаштиради.

«Зулм абад ул-абад ҳукм сура олмайди. Зулмдан хўрланган, азоб-уқубат чекканларнинг охири бир кун сабр косаси тўлиб, улар бирлашиб, ягона куч, ҳосил қилиб, золимларга қарши бош кўтарадилар, бу йўлда ҳатто жонларини қурбон қилишга ҳам тайёр турадилар ва ғалаба қозонадилар», дейилмоқчи.

Зулм эшикдан кирса, инсоф тешикдан чиқади.

Бу билан: «Зулм ҳукм сурган жойда инсоф бўлмайди. Бундай жойда золимдан (яъни, зулм қилувчидан) адолат, раҳм-шафқат кутма, тилама ҳам, барибир фойдаси йўқ», демоқчи бўлганлар. Зулмни қораловчи: «Зулм — зинодан ёмон», деган мақол ҳам бор (зино — бу ерда «хиёнат», «бевафолик» деган маънода келтирилган).

Зўр кучининг ярти қолди, шарти кетиб, парти қолди

(ярти — ярим. Бу сўз кўпинча «ёрти», баъзан «ярти» талаффуз этилади). Ёшларга: «Қариларнинг кам қувватлиги, ожизлиги устидан кулма, қайтага уларга ёрдамлаш», деган маънода шундай дейдилар.

Зўрдан зўр чиқса, зўр думини қисар.

Бу ҳол итнинг феълидан олинган. Ёмон, уришқоқ ит ўзидан кучсизроқ итлар билан олишиб, уларни осонгина қочириб юбориб, керилиб, думини ғажак қилиб юради. Борди-ю, ўзидан зўрроқ итни кўриб қолса, думини қисиб, секин қочиб қолади. Бундай ит зўравон, муштумзўр, шум, хира-хандон, доимо «қўли қичиб» турадиган ва кучини ўзидан кичикларга, ожизларга кўрсатадиган, ўзидан кучлилардан қўрқиб қочадиган ё лаганбардорлик қиладиган одамларга ташбиҳ этилган. Шундай одамларни мазах-масхара қилганларида юқоридаги мақолни ва унинг қуйидаги вариантларини айтадилар: «Зўр зўрни кўрганда — бўйнини қисади», «Югурукдан югурук чиқса, оёғи типиртипир»; «Уста устани кўрса, оёғи типирлар»; «Дуторчи дуторчини кўрса, қўли қалтирар» (дуторчи ўзидан устароқ дуторчи келиб қолса, қўли қалтираб, ўзини йўқотиб, билган нарсасини ҳам чалолмай қолади, дейилмоқчи); «Кемали келса, қайиқли кирғоққа чиқади» (кема ҳосил қилган кучли тўлқин қайиқни кирғоққа чиқазиб юборади); «Ўзингдан зўрлар чиқса, Кўзингдан шўрлар чиқар» (шўр — кўз ёши)

Зўрлик, зўрликнинг туби — хўрлик.

Халқ кўпчиликнинг манфаати билан ҳисоблашмайдиган, зулм ва зўравонлик қиладиган, кўпчиликнинг

ғазаб-нафратини қўзғатадиган хатти-ҳаракатлар қиладиган, кўпчиликнинг ҳақини ейдиган, ўзгалар меҳнати ҳисобига яшайдиган текинхўрлар бир кун хор-зорликка йўлиқишлари муқаррар, деган хулосага келган. Варақ: «Замона зулмни кўтармас»; «Зўравонлик — охири вайронлик», «Агар бўлсанг зўравон, Ишинг бўлар кўп ёмон»; «Зўрга ҳам зўрдек бало бор»; «Зўрсинганга — худо бор, Сўм темирга — бошқа бор» (сўм темир — қаттиқ темир); «Давлатни «лат»и бор» (лат емоқ — шикаст топмоқ. Бу мақол билан: «Давлатмандлар ахири бир кун зарбага учраб шикаст топади», дейилмоқчи); «Бир кулгининг — бир йиғиси бор»; «Ўта севинган — ўта қайғурар»; «Роҳатда яшаган — роҳатсиз ўлар»; «Ишламай еган — оғримай ўлар»; «Золим ҳозир — мукаррам, Борар жойи — жаҳаннам» (мукаррам — хурматли, азиз); «Золимнинг жойи — жаҳаннам»; «Золим ваҳшийлик қилса, яхшилик топмас»; «Оқибати ёмон шоҳликдан — оқибати яхши гадолик яхши».



Игна ўғирлашга журъат қилган — сигир ўғирлашга ҳам ўтади.

«Бирор одам бир нарсани ўғирлаганини билиб қолсанг, дарҳол уни бу қинғир йўлдан қайтар. Агар бошида шундай қилмасанг, у бора-бора катта ўғри бўлиб кетиши муқаррар», дейилмоқчи.

Игна қаёққа юрса, ип шу ёққа юради.

Мазмуни: «Йўлбошчи қайси йўлга бошласа (хоҳ у тўғри йўл бўлсин, хоҳ у эгри йўл бўлсин), омма ўша ёққа қараб кетаверади. Оиланинг ҳаётида ҳам болаларнинг яхши ё ёмон йўлга кириб кетиши ота-она кўрсатадиган йўл-йўриққа боғлиқ».

Игнадек тешикдан туядек совуқ киради.

Бу мақолнинг тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, «қиш-қировли кунларга олдиндан пухта ҳозирлик кўриб қўй, уйингнинг тешик-тешикларини бекитиб, совуқ кирмайдиган қилиб ол» деган маънода ҳам, мажозан: «озгина, кичкина камчиликни, хавф-хатарни назар-писанд қилмай юрма, шундан сенга катта зиён-заҳмат етиши мумкин, эҳтиёт бўл, бунинг олдини ол, деб қил» деган маънода ҳам қўллайдилар. «Ёлғиз балога индамасанг — кўпаяди» деган мақол ҳам борки, уни кейинги айтилган маънода қўллайдилар.

Игнанинг ишини найза қилолмас.

Мазмуни: «Ҳа, бу кичкинанинг қўлидан нима иш ҳам келарди?! — деб, ташқи кўринишидан кўзга илинмайдиган одамни (жумладан, болани) камситиб, менсимай ўтирма, баъзан шундай одамлар зўр ботир, паҳлавонлар ҳам уддалай олмайдиган ишни қила оладилар (масалан, қурол-яроғли жангчи душман томонга ўтиб, унинг сир-асрорини билиб келиши — анча мушкул, кўп ҳолларда имкони ҳам йўқ, чунки душман уни дарҳол пайқаб қолиши ва қўлга олиши мумкин, бола эса бу ишни силлиққина қилиб кела олади, чунки душман «ҳа, бир бола-да» деб ўйлаб, унга кўп-да аҳамият бермайди, ундан шубҳа қилмайди).

Игнанинг чизиғи бор, ипнинг узуғи бор.

Аёллар кўрпа, кўрпача қавиганда игначинг учи билан узун-узун чизиқ оладилар-да кейин шу чизиқ йўлидан игна санчиб қаттиқ бошлайдилар. Шунда калавадан чиқа-сочда ипнинг узуғи ҳам чиқиб қолади. Шу ҳолатдан олинган мазкур мақол мажозан: «Яхши деб [illegible] юрилган одам ҳам баъзан бирор айб қилиб қўйиши, кишига [illegible] етиштириши, кишини ноқулай аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунинг учун ҳам ундан хафа бўлмаслик, уни қатағон қилмаслик, у билан бутунлай алоқани узмаслик керак. Ахир бегуноҳ одамнинг ўзи бўлмайди-ку», деган маънода қўлланади.

Игначининг минг ургани — темирчининг бир ургани.

Вар.: «Игначининг минг ургани — босқончининг бир ургани» (босқончи — темирчилик устахонасида қиздирилган темирни катта болға биган урувчи); «Мискарнинг минг ургани — босқончининг бир ургани»; «Яканчининг минг ургани — темирчининг бир ургани»; «Заргарнинг минг ургани — чилангарнинг бир ургани»; «Кудунгарнинг минг ургани — босқончининг бир ургани» (кудунгар — атлас ва бекасамни кудунг — тўқмоқ уриб, силлиқловчи уста); «Омочнинг ўн боргани — моланинг бир боргани». Бу мақолларни бирор ишни узоқ вақт қийналиб, зўр-базўр амалга оширадиган одам билан худди шу ишни бирпасда, осонгина амалга ошириб қўядиган одамни бир-бирига таққослаганларида (масалан: «боланинг ўн кунда қиладиган ишини ота бир кунда қилиб қўяди»; «Боланинг ўн кун ишлаб топадиган маблағини ота бир кунда топа олади», демоқчи бўлганларида) айтадилар.

Извошга эшак қўшиб бўлмайди.

Извош отга мослаб ясалган. Шу туфайли унга эшакни қўшиб бўлмасди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Яхши (чиройли) нарсага ёмон (хунук) нарса ярашмайди. Ҳар бир нарсага — ўзига мос келадиган нарсани топиш керак», демоқчи бўладилар. Бунинг аксини қилган одамни мазах, масхара қиладилар (масалан, ўтмишда тўнининг йиртиқ жойларига дидсизлик, фаросатсизлик билан дуч келган латталуттани ямаб кийиб юрган одамни кўриб қолсалар: «Ямоғига нондан бош қасини ямабди», деб истеҳзо билан куладилар).

Излаганга — эзид ёр.

Қадимги аждодларимизнинг эътиқодий тушунчасига кўра, эзид — худо, яхшилик худоси. Мазкур мақол билан: «Изласанг, ҳаракат қилсанг, кўзлаган мақсадингга албатта етасан, шундай қилсанг, худо ҳам сенга беради», демоқчи бўлганлар (Бу ўринда шуни айтиб ўтиш керакки, зоҳиран диний кўринган, диний терминлар ишлатилган, диний ва эътиқодий тушунчалар асосига қурилган ҳамма мақолларни ҳам реакцион мақоллар жумласига киритиш ярамайди. Уларнинг кўпчилиги халқнинг ҳаётий ва ахлоқий қарашларини ифода этади. Кўпчилик мақоллар, матал, ибора ва ҳикматли сўзлар билан шуғулланувчи олимлар шундай фикрга келганлар). Вар.: «Излаганга — толе ёр»; «Из қувган — излаганин топади»; «Излаган — топар»: «Қидирган — қидирганин топар»; «Қидирган — гавҳар топар»; «Кидирганга — тошдан тулки топилар»; «Тилаган — тилагин топар» (тиламоқ — истамоқ); «Тилаган — топар, Тариган — ўрар» (таримоқ — уруғ сепмоқ, экин экмоқ); Қидирган — бўлар, Ўтирган — ўлар» (ўлмоқ — «топмоқ, қўлга киритмоқ»); «Ётган — ётар, Қидирган — топар»; «Ётган — қолар, Чопган — олар».

Икки аҳмоқ тегирмонда уришар.

Мазмуни: Тегирмон ишлаб турганда унинг шовқинидан кишилар бирбирларининг гапларини аранг эшитадилар. Тегирмонда бирор сабаб билан икки киши айтишиб қолса, ким ҳақ, ким ноҳақлигини уқтираман деб минг бақириб тушунтирса ҳам, барибир қулоқ эшитмайди. Шунда одамлар уларга қарата: «Келиб-келиб шундай ғала-ғовур жойда гап талашасанларми?! Иккаланг ҳам ғирт аҳмоқ экансанку» дейдилар. Мажозан: Шовқинсуронли жойда бировга дард-ҳасратингни айтиб, гап уқтираман, деб овора бўлма, барибир фойдаси йўқ, гапирган гапинг зое кетади», деган маънода қўлланади.

Икки ёрти — бир бутун.

Бу мақолни деҳқонлар кўпроқ туйшак қилганларида айтганлар. Туй-

шак шундай бўлади: бир деҳқоннинг бир хўкизи бор. Ер ҳайдаш учун эса икки хўкиз керак. Шунда у ўзига ўхшаган яккa хўкизлик деҳқон билан битишади-да, хўкизини жуфт қилиб, ерини ҳайдаб олади. Кейин у деҳқон ҳам бунинг хўкизидан фойдаланиб, ерини ҳайдаб олади. Шундай қилиб, иккаласининг ҳам иши битади». Мажози: бир одам муайян ишнинг бир томонини била ди-ю, бу томонини билмайди. Демак, иккаласи ҳам «ярим та» одам. Агар улар қўшилишса, бир бутун бўлиб, иши битказишади. Мақол замирида кишиларни бирлашишга даъват этувчи фикр ётади.

Икки жинни қўшилди — бўлди бир қурбон ҳайит.

Вар.: «Икки шумшук — ит-мушук»; «Олти ахмоқ йиғилса — чопқир отнинг бозори». Бу мақоллар билан: «Жиннисифат, урушқоқ, шанғи, бадфеъл, қилиғи совуқ одамларнинг иккитаси ё бир нечаси бир ерга йиғилиб қолса, ўзаро гап талашиб, можаро қилиб, шовқин-сурон кўтаради, кишиларнинг тинчлигини бузади», дейилмоқчи.

Икки игна бир ипда — икки зиқна бир ерда.

Ҳеч вақтда икки игнани бир ипга тақиб, тикмайдилар. Бу мақол билан: «Икки зиқна бир ерда бўлиб қолса, сира чиқиша олмайди. Хатто, эр билан хотиннинг иккаласи ҳам зиқна, хасис бўлса, ораларида келишув,иттифоқлик бўлмайди», дейилмоқчи.

Икки кўчиш — бир таланиш.

Бу кўчманчи чорвадорлик даврларидан қолган мақоллардан бири бўлиб, мазмуни: «Бир ердан иккинчи бир ерга кўчганингда бирмунча қўй-қўзинг йўлда шикаст топиши, нобуд бўлиши — турган гап. Бундан ташқари, бутун бошли ерга қўндириш ҳам анча-мунча ташвиш туғдиради. Шундай экан, ҳадеб кўчаверма. Аввалambор ҳар жиҳатдан қулай ва яхши бўлган ерни танлаб кўчгин-да, у ерда имкони борича муқим ўтир».

Икки мулла — бир киши, бир мулла — хотин киши.

Венгриялик олим А. Вамбери ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўлкамизга қилган сафардан қайтгач, 1885 йилда Лейпцигда чоп этилган «Туркий халқларнинг этнологик ва этнографик хусусиятлари» номли асарида ўзбеклар муллаларни қадрламасликлари, ёмон кўришлари, кўпинча уларнинг устидан истеҳзо билан кулишлари ҳақида ёзатуриб, шу мақолни келтирган. Вар.: «Икки мулла — бир киши, Бир мулла — хез киши»; «Икки мулла — бир киши, Бир мулла — ёрти киши»; «Ҳамма мулла — бир мулла, Мингта мулла — бир тилла». Бу мақоллар билан: аслида, «Муллалар дуои фотиҳа ўқиш билангина мўмай-мўмай даромад қиладилар. Ўзлари эса меҳнатга бўйин қўймай, меҳнатда чиниқмай, хотин кишидан баттар ожиз, куч қувватсиз, «пуф» деса учиб кетадиган одам бўлиб қолишган», дейилмоқчи.

Икки от тепинса, ўртада эшак ўлади.

Илгари отхоналарда «бир-бири билан тепишиб, бир-бирини майиб қилиб қўяди» деб, эхтиётқорлик юзасидан икки тепаган отни ёнмаён қўймасдилар, кўпинча бундай отларни бошқа-бошқа ерга боғлардилар ёхуд уларнинг ўртасига эшак боғлаб қўярдилар. Шунда икки от тепишиб қолса, ўртадаги эшак икки томондан ҳам тепки еб, қаттиқ шикастланар, хатто ўлар эди. Мажозан: «Икки одам урушиб қолса, ажратаман, яраштириб қўяман, деб уларнинг ўртасига тушган одамнинг шўри қурийди, у ўз бошига ўзи бало орттиради», деган маънода қўлланилади. Вар.: «От тепар, хачир тепар, Оради эшак ўлар»; «Икки тепоич отнинг ўртасида қолган

эшакнинг шўри қурийди», «Икки нор урушса, ўртада чивин ўлар»; «Икки туя суйканишса, орасида чивин ўлар»; «Қўлни қўлга суққанда, ўртада чивин ўлади»; «Икки аждар урушса, ўртада тошбақа пачоқ бўлади»; «Арслоннинг ўйнидан тулкининг бўйни узилади».

Икки ошиқ бир бўлса — қўймайди бағри қоралар.

Бу мақолни бир-бирини чин диллан севувчи, бир-бири билан иноқ турмуш кечирувчи ошиқ-мошиқларни, шунингдек қалин дўстларни кўролмайдиган, уларнинг орқасидан фисқу-фасод қузғаб, бўлмағур туҳмат-бўҳтонлар қилиб юрувчи дилғир, қора ниятли, ярамас кишиларга нисбатан каттиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Икки сигир соққаннинг айрони бор, икки хотин олганнинг вайрони бор.

Ўтмишда «Шариат» бир эркакнинг айни бир вақтда тўрттагача хотин олишга ҳақли қилиб қўйган. Халқ оммасининг илғор дунёқарашдаги вакиллари, шунингдек хотин-қизларнинг ўзлари бундай адолатсиз ҳуқуқдан қатъиян норози бўлганлар. Бу мақол билан айни бир вақтда икки ва ундан ортиқ хотин билан ҳеч бир эркак тинч-тотув яшай олмаслиги, унинг нотинч ва ноқулай аҳволга тушиб қолиши уқтирилади, кишиларни бундай шармандали йўлдан қайтишга даъват этилади. Вар.: «Бир хотинлик ситезага қолар, Икки хотинлик очдан ўлар» (ситеза — жанжал, гап талашиш, хархаша. «Бир хотини бор киши баъзан у билан жанжаллашиши мумкин, аммо икки хотини бор одам кўрадиганини кўради, у хотиннинг кўнглини оламан деб, бу хотиннинг кўнглини оламан деб, топган-тутганини уларга сарфлаб — қимматбаҳо тақинчиқлар, кийим-кечаклар олиб бериб — ўзи ҳароб бўлади», дейилмоқчи); «Ёмон хотин олганнинг ёви уйида. икки хотин олганнинг дови уйида»; «Эшак минганнинг оёғи тинмас, Қўш хотинликнинг қулоғи тинмас» (бу икки хотинли одамнинг галва-жанжалдан бўшамайдиган қулоғи эшак минган одамнинг эшакни юришига қистаб ҳамиша унинг қорнига, бақинига туртқилаб, ҳаракатдан бўшамайдиган оёғига ташбиҳ этилган); «Икки хотинлик уй — жанжалнинг уяси» (чунки, кундошлар бир-бирлари билан сира ҳам чиқиша олмай, ҳамиша ҳамрўз жанжаллашганижанжаллашган); «Икки хотинлик киши икки юзли бўлади» («У хотинининг кунглини олмоқ учун ундай деб, бу хотинининг кўнглини олмоқ учун бундай деб, ўртада икки юзли, субутсиз бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Икки хотин олибсан — бир балога қолибсан»; «Икки суюкли бир кўнгилга сиғмайди»; «Икки тарвуз бир қўлтиққа сиғмайди»; «Икки севги бир юракдан жой топмас»; «Ўтинининг яхшиси — янтоқ, Хотинининг яхшиси — қалмоқ, Қайси номарднинг иши — ёр устига ёр олмоқ?!» (қалмоқ хотинлари жуда меҳнаткаш, ишлаб чарчамайдиган, уддабурон, эпчил саналганлар).

Икки хўроз урушса, товуқлар дам олади.

Бу мақолни: «Эл орасидаги хулқи бузуқ, бадфеъл, урушқоқ, қилиғи совуқ, «текканга тегиб, тегманга кесак отиб», «ўтирганнинг ўрогини, кетганнинг кетмонини олиб» юрадиган ёмон одамлар агар бир-бирлари билан урушиб, жанжаллашиб қолсалар, ўзлари билан овора бўладилар, шунда бошқалар бир оз бўлса ҳам улардан тинчийдилар», дейилмоқчи.

Икки шунқор урушса, бир қарғага ем тушар

(шунқор — овчилар қўлга ўргатадиган ов қуши. Уни мард, ботир, довюрак одамларга ташбиҳ этадилар). Мақолнинг тўғри маъноси шуки, агар икки шунқор осмонда бир-

бири билан урушиб қолса, улар оғзида олиб келаётган ем ерга тушиб кетади-да, қарғага тайёр ўлжа бўлади. Мажозан: «Итвогар, муттаҳам одам ўз кучи етмайдиган икки одамнинг ўртасига нифоқ солиб, уруштириб, ўзлари билан ўзларини овора қилиб қўяди-да, шундан манфаатланиб қолади», дейилмоқчи. Вар.: «Икки сичқон урушди — бизга юнг тушди»; «Икки қарға урушсин, Ўртага пати тушсин»; «Икки лочин урушса, япалоққа жўн бўлар» («Икки лочин ўртадаги сайдни талашиб, бир-бири билан урушиб қолса, япалоққуш бу фурсатдан фойдаланиб, уларнинг сайдини жўнгина — осонгина илиб қочади», дейилмоқчи); «Икки яқин урушса, ўзгаларга ем булар».

Икки яхши қасд бўлмас, икки ёмон дўст бўлмас.

Мазмуни: «Яхши одамлар бир-бирларига қасд бўлиб, урушиб, жанжаллашиб, бир-бирларига ёмонлик соғиниб юрмайдилар, аксинча бир-бирларини иззат-ҳурмат қиладилар, қўллаб-қувватлайдилар, кўмаклашадилар. Ёмон одамлар эса бир-бирлари билан чин дўст бўла олмайдилар, мабодо бир-бирлари билан қўшилиб қолгудай бўлсалар, ўзаро жанжаллашиб, ёқалашиб, сўкишиб, бир-бирларини беҳурмат қиладилар». Вар.: «Икки ҳарамза дўст бўлмас»; «Итнинг ошнаси бўлмас» («Итфеъл одам билан ҳеч ким дўст тутунмайди, ҳамма ундан ўзини олиб қочади», дейилмоқчи); «Итда жиян йўқ, Букада — қайин»; «Икки яхши эрикмас, Икки ёмон бирикмас» (эрикмоқ — зерикмоқ. Мақолнинг биринчи қисмида: «Икки яхши бир-биридан зерикмайди, ёлиқмайди, бир-бирининг кўнглига урмайди»., дейилмоқчи); «Икки тентак бирикмас, Бирикса ҳам эл бўлмас»; «Икки яхши дўст бўлса — қил ўтмайди орадан, Икки ёмон дўст бўлса — кўл кетмайди ёқадан» («Бир-бирининг ёқасидан олиб, урушгани-уришган», дейилмоқчи).; «Икки яхши дўст бўлса — бир-бирига қийишмас, Икки ёмон дўст бўлса — кенг дунёга сиғишмас» («қийишмас — бир-бири билан савдолашиб, талашиб-тортишмас; «Икки яхши уяда битар, икки ёмон қияда битар («Яхши одамлар уяда, яъни тор ерда ҳам бир-бирлари билан чиқиша оладилар, ёмон одамлар эса бир-бирларига қийиқлик қилиб, «қилдан қийиқ ахтариб», арзимаган нарса учун ҳам жанжаллашадилар», дейилмоқчи); «Икки ёмон билиш бўлар, Ортидан юқуниш бўлар» (юқинмоқ — пасткашлик билан бир нима сўрамоқ).

Икки ўн беш — бир ўттиз.

Вар.: «Икки саккиз — ўн олти»; «Бири — ўн тўққиз, Бири — бир кам йигирма»; «Али Хўжа — Хўжа Али». Бу мақолларни: «Икки нарсанинг униси ҳам барибир, буниси ҳам барибир», деган маънода қўллайдилар.

Икки қуённи қувлаган — бирини ҳам тутолмас.

Бу мақол мажозан: «Бирданига катта манфаат кўриш ниятида бир йўла икки ишнинг кетига тушма. Бундай қилсанг, иккаласининг ҳам уддасидан чиқа олмайсан, иккала иш ҳам ўлда-жўлда, чала-чулпа бўлиб қолиб кетади. Оқибатда сарфлаган вақтинг ҳам, қилган ҳаракатинг ҳам зое бўлади. Олдин бир ишни батамом битириб ол, кейин иккинчисига қўл ур. Шунда ютасан», деган маънода қўллайдилар. «Икки кеманинг бошини ушлаган — ғарқ бўлади» мақоли ҳам борки, буни юқорида айтилган маънода ҳам, «сотқин, иккиюзламачи одам ўз манфаати йўлида бир-бирига рақиб бўлган икки томонга ҳам махфий равишда хизмат қилса, тез орада бу сир ошкор бўлади, унинг шармандаси чиқади, ҳатто ҳалокатга учрайди», деган маънода ҳам қўллайдилар. «Ёмон билан яхши орасида фарқдир»; «Икки кеманинг учин тутган ғарқдир».

«Дунёу уқба иккиси жамъ ўлмас,
эй рафиқ:
«Кимки икки кема учини тутар,
бўлур ғарқ»
(Навоий).

Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас.

Одатда совлиқнинг бошидан қўчқорнинг боши каттароқ бўлади. Рўзғорда ишлатиладиган қозонда бир йўла икки совлиқнинг калласини қайнатиш мумкин-у, аммо икки қўчқорнинг калласини бир қозонга сиғдириб ҳам, бир йўла қайнатиб ҳам бўлмайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Бир мамлакатда икки подшо, бир шаҳарда икки ҳоким, умуман, феъл-атвори бир-бириникига тамоман зид бўлган икки киши бир ерда ўзаро келишиб, тинч-тотув яшай олмайди», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Бир унгурга икки айиқ сиғмайди»; «Икки дарвеш бир палосга сиғмайди, Икки подшо бир мамлакатга сиғмайди»; «Икки камбағал бир капага сиғади, Икки бой бир даҳага сиғмайди» (капа — камишдан қурилган чайла, кулба, уй; даҳа — шаҳарнинг бир қисми).

Илгари туялар ёнғоқ, эшаклар танга тезакларди

Ўтмишни кўкларга кўтариб, ҳозирги ҳаётни ерга урадиган, камситадиган, менсимайдиган, унинг илгаригидан яхши томонлари ва афзалликларини кўзга илмайдиган ношукур, нонкўр одамларга қарата киноя тарзида шундай дейдилар.

Илиб-илиб ёз бўлар совуб-совуб қиш бўлар.

«Ҳаво аста-секин илиб-илиб, бора-бора ёз бўлиб кетгани, аста-секин совуб-совуб, бора-бора қиш бўлиб кетгани каби кишилар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳам яхши-яхши гапириш, ширинсуханлик, хушмуомалалик натижасида тобора яхшиланиб, мустаҳкамланиб боради, ва аксинча, ёмон, кўпол гапириш, кўрслик қилиш, бўлар-бўлмасга ўдағайлаш, жанжаллашиш натижасида тобора ёмонлашиб, «газак» олиб боради, ҳатто собиқ дўстлик душманликка ҳам айланиб кетади», дейилмоқчи.

Иликни мард қоқсин-у, номард есин.

Одатда дастурхонга таом келтирилганда, унинг ичидаги иликли суяк бир-иккитагина бўлиб, даврада ўтирганларнинг ҳаммасига етмайди. Шунда таомилга кўра, иликли суякни «сиз олинг, сиз олинг» қилиб, даврада ўтирганлар орасида ёши каттароқ бўлган одамга узатадилар. Ҳазилкашлар даврасида эса қўлига суяк тегиб қолган одам илик қоқаётиб: «Ҳаммасини ўзим ей, суякни ё қоқилган тайёр иликни бошқалар «илиб» кетмасин» деган ниятда ярим ҳазил, ярим чин қилиб, юқоридаги мақолни айтади. Бундай одамни инсофга чақирганда: «Илинган»га — илик тут!» мақолини қўллайдилар (илинган — илинжида бўлган маънода).

Иллат — ё ошда, ё мошда.

«Айб — ошдами!» деб ҳам айтиладиган бу мақолни бирор бузилган ишнинг, нарсанинг (масалан, овқатнинг) бундай бўлиб қолишига сабабчи — ўша, ишнинг, нарсанинг ноқулай, нобоплиги (овқат масаллиғининг ёмонлиги) ёки уддасидан чиқа олмаган одамнинг ношудлигаданми, шуни аниқламоқчи бўлганларида қўллайдилар.

Иллат кетар, одат кетмас.

Вар.: «Дард кетар, одат қолар»; «Оғриқ қолса ҳам, одат қолмас»; «Эл ўлар, Қаъдаси қолар»; «Мамлакат берилса ҳам, одат берилмас»; «Олтин чиримас, Қаъда қаримас» (қаъда — эскидан қолиб келаётган тартиб-қоида, удум, расм-русм). Ўлган кишининг яқинлари (масалан, ака, ука, ота, синчи) марҳумнинг хотираси учун бирмунча одамни ўз уйига таклиф этиб, уларни ошнон билан сийлаб, дуои фотиҳа ўқитишини ҳам «каъда» дейдилар. «Қаъда қаримас» дейиш билан

«Ўлган кишининг оиласига, яқинларига таъзия билдиришнинг ёхуд хотираси учун «қаъда» қилишнинг эрта-кечи йўқ. Кечикиб бўлса ҳам, шундай қилган яхши», дейилмоқчи; «Олти кун оч қолсанг ҳам — ота одатин қўйма!; «Одат — қонун эмас, лекин қонун каби ҳукми бор». Умуман, юқоридаги мақоллар билан ота-боболардан қолиб келаётган яхши, фойдали, чин инсоний урф-одатларни, тартиб-қоидаларни давом эттиришга даъват этадилар.

Илм кўп-у, умр оз, керагин ол-у, тошга ёз.

«Оламнинг кети йўқ. Билимнинг чеки йўқ»; «Илм кўп, умр оз, зарурини ўқи!» деб ҳам қўлланадиган мазкур мақол билан: «Дунёда илм ҳаддан ташқари кўп, кишининг умри эса чекланган. Шундай экан, ҳамма билимларни ҳам эгаллайман, деб овора бўлмаёқ қўя қол, бари бир бунга эриша олмайсан, бунга сабру бардошинг ҳам, вақтинг ҳам, умринг ҳам кифоя қилмайди. Илмлар орасидан ўзингга керагини, ўз ҳаётий мақсадингга мос келадиганини танлагин-да, уни пухта эгалла, токи ўқиб ўрганган, билган нарсаларинг, худди тошга ўйилган ёзувдек, миянгга абадий ўрнашиб қоладиган бўлсин», деб насиҳат қиладилар.

Илм қишда эрийди, ёзда музлайди.

Бу билан: «Илм олиш, ўқиш мутолаа қилиш, асар ёзиш, ижодий иш билан шуғулланиш қиш мавсумида унумли бўлади. Қишда хавонинг салқин, совуқ бўлиши миянинг яхши ишлашига имконият туғдиради. Ёзда эса хаво кескин эзиб-пазиб кетиб, кишининг нафаси қайтиб, лоҳас бўлиб, ақл билан бутланган иншо кўп-да унумли ишлай олмайди. Шунинг учун бизлар ёзларни шундай қиш қунларидан нарида бошқа унумли фойдалироқ ишлар қилинг», дейилмоқчи.

Илон тутувчини илон бўғиб ўлдирар.

Вар.: «Қилич тутган қиличдан ўлади». Бу мақоллар билан: «Хавф-хатарли иш қилувчи одам бир кун мас-бир кун ўзи ҳам хавф-хатарга учраб, қаттиқ шикаст ейди, ҳатто халок бўлади», дейилмоқчи.

Илон чақса, авроқчига бор.

Халқ ўртасида шундай бир гап борки, илоннинг кўзи бошқа ҳайвонларникига қараганда жуда ўткир, кучли бўлармиш. У анча вақттача кўзини юммай (мижжа қоқмай) тура олармиш. Илон кўз тикиб авраса, баланд ерда турган балапонлар (қуш болалари), ҳатто осмонда учиб кетаётган қушлар унинг олдига таппа-таппа ташлаб, тайёр ем бўлармишлар... Ўз навбатида илонни ҳам авровчи, қўлга ўргатувчи одамлар бўлади. Ўтмишда бундай авроқчилар илон, чаён, қора қурт ва бошқа газандалар чаққан одамни на туркий, на арабий, на форсий тилда, ҳеч ким тушунмайдиган аллақандай тилда (буни «жин тили» дердилар) аврардилар. Юқоридаги мақол билан мажозан: «Бирор шикаст есанг, кўнглинг озор топса, бу ҳақдаги арз-додингни тушунадиган, сенга дардкаш бўла оладиган, дардингга малҳам қўя оладиган, кўнглингни таскин топтира оладиган одамга бориб айт» ёхуд «Бировдан шикаст есанг, алам тортсанг, бу ҳақдаги арз-додингни ўша одамга кучи етадиган, сўзи ўтадиган, унинг додини, адабини бериб қўядиган одамга бориб айт», дейилмоқчи.

Илон юз яшаса, аждоҳо минг яшаса — юҳо бўлади.

Юҳо - одамлар ва ҳайвонларни тириклигин ютиб юборувчи афсонавий махлуқ. Барча афсоналарда айтилишича, юҳо ҳар хил қиёфага киролади, ҳеч қачон қариб, ўлмасдан, одамлар орасида келаверади, уларнинг бутун қонини сўриб, дармони-

ни қуритармиш. Еб тўймас, баднафс одамларни шу юҳога ташбиҳ этардилар. Мазкур мақол билан: «Бой ва амалдорлар аввалига кичикроқ миқёсда иш қилиб, текин фоида кўрадилар. Кейин тобора қутуриб, ишни катталаштириб, бойликка-бойлик қўшиш йўлида ҳеч қандай қабоҳатдан ҳам қайтмайдиган, халққа тобора зўрроқ жабр-зулм ўтказиб, унинг «қони»ни батамом сўрадиган бўлиб кетадилар», дейилмоқчи.

Илон ўз заҳридан ўлмайди.

Мазмуни: «Илондек кишига каттиқ озор берувчи, тили заҳар, дили қора одамлар канча ёмонлик қилмасинлар, барибир ўз қилмишларини кўнгилларига ҳам олмайдилар, изтироб ҳам чекмайдилар, виждонлари ҳам эзилмайди».

Илонга сут берсанг ҳам, заҳар топар.

Айтувларига қараганда, илоннинг энг хуш кўрган овқати — сут эмиш. Мазкур мақол билан: «Ёмонга қанча яхшилик қилсанг ҳам, барибир миннатдор бўлмайди, аксинча, бу қилган яхшилигингдан ҳам бирор айб топиб, ўз ёмонлигини қилаверади», дейилмоқчи.

Илонга ҳеч ким ўз кўксидан жой бермас.

Мазмуни: «Душманни юртингга, Ватанингга йўлатма, она-тупроғингнинг душмани оёғи остида топталишига йўл қўйма!» ёхуд «Ёмон, ичи қора, нияти бузуқ одамни яқинингга йўлатма, унга рўйхушлик ҳам билдирма!»

Илондан — илон, чаёндан — чаён.

Бу мақол «Ёмонлик ёмонлардан ёмонларга юқади, ҳатто наслдан наслга ўтади», деган маънода қўлланади. Вар.: «Илоннинг боласи — илон, Чаённинг боласи — чаён»; «Тўнғиздан қўнғиз туғилмас»; «Отдан — от, Эшакдан — эшак»; «От боласи — от бўлар»; «Эр ўғли — эр»; «Югурукдан югурук туғилар, Сулувдан — сулув»; «Пишакнинг боласи пишак тутади» (пишак — мушук); «Арслон боласи — арслон бўлади»; «Бўрининг боласи ҳам — бўри; «Бўри боласига калла ташлаб ўргатади»; «Ит ириллашни онасидан ўрганади»; «Мушук боласи миёвлайди, Ит боласи вовуллайди»; «Эшак хўтукка эшакликдан бошқани ўргатмайди»; «Аҳлатга ағанашни эшак эшакдан ўрганади».

Илонни тушда кўрсанг — ганж, ўнгда кўрсанг — янч!

Эътиқодий тушунчага кўра, агар киши тушида илон кўрса, ганжга, хазинага йўликармиш. Мақолнинг биринчи қисмида шунга шама қилинган. Иккинчи қисмида эса: «Душманни, қора ниятли одамни кўриб қолсанг, унга эътиборсизлик билан қарама, таъзирини бер», дейилмоқчи.

Илоннинг боши янчилса ҳам, қуйруғи қимирлайди.

Вар.: «Илонни уч кесганда кажратгулик ҳоли бор» (кажратгулик — кимирлагулик); «Илонни уч кесса ҳам, калтакесакча ҳоли бор»; «Яраланган илондан ҳазар қил»; «Ўлик ари ҳам найзасида заҳар сақлайди«; «Илон ўлса ҳам, заҳри тишида қолади»; «Илон пўстини ташласа ҳам — илон» (илон қишдан чиққач, пўстини ташлайди. Бу билан мажозан: «Душман ҳар хил киёфага кирса ҳам, ўзини ҳар хил «рангга бўяб» кўрсатса ҳам, барибир душманлигича қолади», дейилмоқчи); «Бўри тукини ташласа ҳам, феълини ташламас». Бу мақоллар билан: «Душманни енгдим, унга зарба бердим, деб бамайлихотир юрма, ундан ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб тур, ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни қўлдан берма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Илоннинг захри ёмон, золимнинг қаҳри ёмон.

Вар.: «Тиканнинг захри ёмон, Текинхўрнинг қаҳри ёмон»; «Тиканнинг захри ёмон. Бегойимнинг қаҳри ёмон» (бегойим — бекнинг хотини). «Золимнинг иши — жафодир. Мардниинг иши — вафодир».

Илоннинг пути йўқ, кампирнинг сути йўқ.

(пут — оёқ). Бу мақолни: «Зотида бўлмаган, йўқ нарсадан умид ҳам қилма, ундираман деб ҳаракат ҳам қилма. Бекорга овора бўласан», деган маънода қўллайдилар.

Илоннинг суймаган ўти ининнинг оғзида битади.

Кишининг севмаган, ёқтирмаган, ёмон кўрган одами замонанинг зайли билан қўшни, ҳамроҳ (йўлдош,) куёв, келин бўлиб қолса, туй-зиёфатда ёнма-ён ўтириб қолса ва ҳ. к., шундай пайтда мазкур мақолни айтадилар. «Илон ялпиздан қочади» деган мақол ҳам борки, бу юқоридаги мақолда «суймаган ўти» дейилганда ялпиз назарда тутилганидан далолат беради.

Им билса, эр ўлмас.

Вар.: «Им билмаган — им қоқмасдан ўлади». (Им — имо, ишора; яширин белги, пароль.). Ўтмишда аскарларга бир-бирларига дуч келганда ўзларини танитмоқ учун маълум бир белги тайин қилиб қўйиларди. Бу белги бирор нарсанинг (масалан, ҳайвоннинг, қуролнинг) номидан ёки бирор сўздан иборат бўларди. Мазкур мақоллар билан: «Шундай яширин белгини билган ё билса ҳам унутиб қўймаган аскар ўзига карашли одамлар қўлида ноҳақ ўлиб кетмайди», дейилмоқчи ва умуман, эҳтиёткорликка чақирилади.

Инган инграса, бўта бўзлайди

(инган — ургочи туя). Вар.: «Боланинг бармоғи огриса, онанинг юраги ачийди»; «Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашади»; «Тойига минсанг, бияси «белим!» дейди». Бу мақолларни: «Ота-она қийналса, азоб чекса — болаларнинг, болалар қийналса, азоб чекса — ота-онанинг, умуман, якинларнинг бир-бирига бағри ачишади, дардига шерик бўлади», деган маънода айтадилар.

«Индамас»дан — иш чиқар.

Вар.: «Ҳамма гап — писмиқдан чиқади»; «Содда сири — тилда, Писмиқ сақлар дилида»; «Индамас» дан — уйдан бало чиқади»; «Ювошдан йўғон чиқар, Чиқса ҳам ёмон чиқар»; «Ювошнинг мугузи — ичида» (мугуз — ҳайвон шохи. Маълумки, улар шохи билан сузиб, кишига зиён-заҳмат етказади. Мазкур мақол билан: «Ювошнинг, яъни «индамас», кишилар кўзига ўзини мулойим, мўмин-қобил, «қўй оғзидан чўп олмаган» қилиб кўрсатувчи, аслида эса писмиқ, ўтакетган муғомбир, ичи қора, нияти бузуқ одамнинг дилидаги заҳарли гаплари, кўнглига тугиб қўйган ёвуз ниятлари пинҳона, яширин бўлади. Бундай одамдан эҳтиёт бўл!» дейилмоқчи); «Ювош мушук қаттиқ тимдалайди»; «Индамаган ит — қопар»; «Қопоғон ит тишини кўрсатмайди»; «Ёмон ит — ҳуримай қопади»; «Тишлогич йилқи тишини кўрсатмайди»; «Кутмагандан — қилиқ чиқар» (кутмаган ёмон одам деб ҳисобланмаган, сира ҳам шубҳа қилинмаган, ёмонлик чиқиши кутилмаган одам); «Жим оқар сув — тўғон бузар»; «Ерга боқар»дан ер ҳам қўрқади» («ерга боқар» — писмиқ, муғомбир, кишилар кўзига ўзини уятчан қилиб кўрсатмоқ учун ерга қараб, «ийманиб» ўтирадиган одам); «Индамас» дан — қўрқ!» Бу мақолларни писмиқ, муғомбир одамлардан ниҳоятда эҳтиёт бўлишга даъват этганларида қўллайдилар.

Инида ётганни — эл топар.

«Хиёнатчи, жиноятчи ҳар қанча яширинмасин, барибир уни одамлар топиб оладилар ва қилмишига яраша жазосини берадилар», дейилмоқчи.

Иниси борнинг ириси бор

(ирис — бахт, иқбол, толе ризқ). Бу мақолда уканинг акага, умуман, ака-укаларнинг бир-бирига нақадар керакли, бир-бирига ҳар жиҳатдан кўмаклашувчи, бир-бирини бахтли қилувчи одамлар эканлиги, шунинг учун ҳам бир-бирини ҳурмат қилиши, қўллаб-қувватлаши зарурлиги уқтирилган.

Иноқ оилада — бешик бўшамас.

Бу мақолда: «Эр-хотинлар бир-бирлари билан иноқ бўлсалар, тинч, тотув турмуш қурсалар, кўша қарийдилар, кетма-кет фарзанд, невара-чевара кўрадилар, ували-жували бўладилар», дейилмоқчи.

Инсон — гавҳари қобил.

Вар.: «Одам — оламнинг олтин тожи».Бу билан инсоннинг нақадар бебаҳо, нақадар улуғ зот эканлиги таъкидланади.

Инсон қўли — гул.

Бу билан: «Инсон ҳар нарсага, ҳатто «қилишнинг имкони йўқ» деб ҳисобланган чексиз кийин ва мушкул ишларга ҳам қодир, унинг қўли теккан нарса, унинг қадами етган жой чирой очади, гуллаб-яшнайди», дейилмоқчи.

Инсоф сари — барака.

Халқимиз инсофлилик ва одилликни энг яхши инсоний фазилатдан деб билади, умрнинг ҳаёт моддий манфаатларнинг баракаси — аввало инсофдандир, деб ҳисобланади. Вар.: «Инсофи йўқнинг — имони йўқ» (имон — ишонч; бир нарсага қаттиқ ишониб, уни кўнгилда маҳкам тутиш. Ўтмишда имонни бир дарахтга ташбиҳ этганлар. Бу «имон дарахти»дан бешта шох: 1) инсоф; 2) ҳаё; 3) адолат; 4) шафқат; 5) марҳамат «шох»лари униб чиқади, кишида мана шу беш фазилатнинг лоақал биттаси бўлса ҳам, унинг имони бор бўлади, бирортаси ҳам бўлмаса — бу унинг имонсизлигидан далолат беради, деб ҳисоблаганлар. «Инсофли одам — ошини ер, Инсофсиз одам — бошини ер» деган мақол ҳам бор, бунда инсофлиликнинг яхши самара бериши, инсофсизликнинг эса оқибати ёмон бўлиши уқтирилган.

Интизомли лашкар енгилмас.

Асрлар давомида ўз Ватанини мудофаа қилиш мақсадида турли душманларга қарши курашиб келган халқ катта ҳарбий тажриба ҳам тўплаган. Ана шу тажрибадан келиб чиқиб, лашкарнинг енгилмаслиги, ғалаба қозониши учун биринчи галда ҳар бир аскар интизомга қаттиқ риоя қилиши зарурлиги уқтирилган.

Интизорликнинг оши — ширин.

Бу билан: «Биргина ош эмас, умуман, узоқ интизорликдан сўнг кўришга, эришишга, кўлга киритишга муяссар бўлинган ҳар бир нарса (масалан, ёр васли, яқин киши билан дийдор кўришиш, жанг давомида орзиқиб кутилган ғалаба, меҳнатдан кутилган самара ва б.) кишига бенихоя қимматли, азиз ва ардоқли бўлиб туюлади, олам-олам севинч бахш этади», дейилмоқчи.

Интилган — эгилмас.

«Ҳаёт кечириш йўлида кўзланган максад сари, илму ҳунар эгаллаш сари қатъиятлик билан дадил интилган киши меҳнатининг самарасидан бахраманд бўлиб, мустақил яшай олиш имкониятини яратади. Агар интилмаса, ҳаракат қилмаса,

ишёқмас, дангаса бўлса, турмуш кечиришда қийналади, ҳар бир нарсага муҳтож бўлиб, бировларга бўйин эгишга, эҳтиёжи тушган нарсани ялиниб-ёлвориб сўрашга мажбур бўлиб қолади», дейилмоқчи.

Ип ингичка еридан узилади.

Бу билан мазмунан яқин бўлган «Ўғри ҳам деворнинг паҳса жойидан тушади» деган мақол ҳам бор. Мазкур мақоллар билан мажозан: «Кишининг ишидаги зоҳиран кўзга илинмайдиган кичкина камчилик, нуқсон (булар юқоридаги мақолларда «ингичка», «паҳса» деб таърифланган) ҳам вақти келиб катта зарарга, хавф-хатарга олиб бориши мумкин. Ҳар бир нарсанинг ана шу ожиз еридан ишқал чиқади. Ғанимлар, нияти бузуқлар, баҳонажўй одамлар учун бу ожиз жой қулайлик туғдиради, улар кишининг шундай жойини қидириб юрадилар. Шундай экан, ҳар бир нарсанинг ҳеч бир ери «ингичка», ожиз, нуқсонли бўлиб қолишига асло йўл қўймаслик керак», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ип қанча узун бўлмасин, барибир учи топилади.

«Иш қанча чигал бўлмасин, барибир унинг ечими топилади, чигаллигича қолиб кетмайди (масалан ўғри, хиёнатчи, жиноятчи, ўз ишини қилиб бўлиб, қанчалик яширинишга, изини йўқотишга ҳаракат қилмасин, ахири бир кун қўлга тушади)» дейилмоқчи.

Ипак йўғида — бўз қиммат, йигит йўғида — чол қиммат.

Уруш пайтида ҳамма йигитлар жангга кетиб, бу ёқдаги ишлар ҳолдан тойган, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолган кексалар зиммасига тушиб, уларнинг қадр-қимматлари ортади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Ҳамма нарса йўғида ёмонроқ нарсанинг ҳам қадри ортиб, топилиши қийин бўлиб қолади», дейилмоқчи.

Ипни узун қўй, қимирлашини кўр.

Вар.: «Узун арқон — кенг тузоқ». Булар йилқичиларнинг қочқир отни тутиш тажрибасини мисолга олиб тузилган. Қочқир от сира ҳам тутқич бермайди, агар бирор кимса якинига йўлагудек бўлса, кирданкирга қочади. Бундай отларни «ертузоқ» ёрдамида тутадилар. «Ертузоқ» шундай бўлади: арқонининг учини чумоқлаб (яъни, 2 ҳалқа, 3 ҳалқа, 4 ҳалқа қилиб), ерга узун қилиб ташлаб қўядилар-да, нариги учидан ушлаб, яширинib ётадилар. Атрофида ҳеч кимни кўрмаган қочқир от бамайлихотир ўтлаб юраверади. Унинг оёғи ҳалиги ҳалқанинг ичига кирди дегунча, арқонни бирдан тортадилар. Шундай қилиб, от тузоққа илинади. Мазкур мақолларни мажозан: «Душманни, жиноятчини қўлга киритмоқчи бўлсанг, қийла билан иш кўр, у қўйган тузогингни сезмасин», деган маънода қўллайдилар.

Ипни ҳар қанча бўяган билан ипак бўлмас.

«Зотида ёмон бўлган нарсани минг уринган билан яхши қилиб бўлмайди», дейилмоқчи.

Ипор исини яшириб бўлмас.

Вар.: «Ипор иси сандиқдан кетмас». Ипор — қора тусли ва хуш исли нарса. Уни «мушк», «мушки анбар» деб ҳам атардилар. Ипор ниҳоятда хушбўй бўлганлигидан, уни сандиққа солиб қўярдилар, ҳиди кийимларга уриб қолади. Мазкур мақоллар билан мажозан: «Кишининг қилган яхшиликлари, ҳайрли ишлари, айтиб қоладиган ибратли сўзлари ҳеч қачон ном-нишонсиз бўлиб, йўқ бўлиб кетмайди. Қора кучлар уни йўқ қилиб юборишга ҳар қанча уринган чоғларида ҳам, барибир йўқ бўлмайди. Чунки, яхшиликнинг табиати — абадийликдан иборатдир».

дейилмоқчи. Мирзо Улуғбекнинг илм-фан тараққиёти йўлида қилган буюк ишлари ва уни тарих саҳифасидан ўчириб юборишга уринган кора кучларнинг хатти-ҳаракатлари зое кетганлиги — мазкур фикрнинг ёркин мисоли бўла олади. Чун масал бўлди сочинг зулм ичра ёшурмоқ на суд, «Мушк исин ёшурма бўлмас», бу масал машҳур эрур (Навоий).

Иримчи ирим этар, ирими қирин кетар.

Вар.: «Сувнинг ирини ёмон, Қарининг ирими ёмон»; «Аллоҳ хўжа ирим этди, Ирими қирин кетди» (ирин — лаб). Мақолда: «Сувнинг ирини ёмон» деганда сувнин лаби (бўйи, ёқаси, қиргоғи) ёмон (хавфли) дейилмоқчи; қирин кетмоқ — беҳуда, зое кетмоқ. Халқимиз дунёқараши ва амалиётининг кўп асрлик тарихи давомида турли хил эътиқодий тушунчалар, тасаввурлар, диний расм-русмлар, маросимлар, урф-одатлар, ирим-сиримлар (гарчи булар халқнинг дунёқараши ва амалиётини бутунлай қамраб олмаган бўлса-да) бирмунча салмоқли ўринни эгаллаб келган. Бу ўринда шуни алоҳида уқтириш лозимки, халқ оммасининг илғор дунёқарашдаги вакиллари бундай асоссиз тушунчаларга ишонмаганлар, ўз амалиётларида турли ирим- сиримларни қилмаганлар. Эътиқодий тушунчаларга ишонган, ирим-сирим ва расм-русм қиладиган кишилар ҳамда фойдасиз ташвиқотлар олиб борадиган, бемаъни хатти-ҳаракатлар қиладиган ва шунинг орқасида текинхўрлик, алдам-қалдамлик билан кун кечирадиган руҳонийлар, хурофотчилар, фолбинлар, иримчилар, таъбирчилар, азайимхонлар, кинначилар ва ҳ. к. устидан кулганлар, ана шуларга атаб мақоллар тўқиганлар. Юқорида келтирилган мақоллар — шулар жумласидандир

Ирмоқнинг қуввати — манбаида.

«Ҳар қандай нарсанинг қуввати, югуги, афзаллиги — унинг асосий таянчига, моддий ё маънавий жиҳатдан озиқ олиб турадиган манбаига (масалан, фарзандларнинг илмли-билимли, ишбилармон, уддабурон, обрў-эътиборли бўлиб юриши — ота-оналарининг, жамиятнинг берган таълим-тарбиясига) бевосита боғлиқдир», дейилмоқчи.

Исинмадим оловинга, кўр бўлдим тутунинга.

Киши бировга бир нима умидида борса, у одам бермаса, «бир тўқиз» гап қилса, «ўзинг топа олмадингми?», «Ундай қилсанг бўлмасмиди?!» «Бу кунингдан — ўлганинг яхши!» ва ҳ. к. деб, кишилар ўртасида изза қилса ёхуд беришни ваъда қилиб, шунинг эвазига «бурнини ерга ишқалаб» ишлатса-ю, арзимаган нарсани қўлига тутқазса, ҳалиги сўраб борган одам келганига, сўраганига минг пушаймонлар қилиб, «берадиган фойдангдан келтирган зиёнинг кўп бўлади-ку!» деган маънода аччиқ киноя тарзида юқоридаги мақолни айтади.

Исириқдан жин қочар, юдуруқдан — жинни

(юдуруқ — муштум). Вар.: «Исириқ исман дейдилар, Сизу бизга дейдилар, Эшикдан келган балога, Қалқон исириқ дейдилар» (Исириқ солганда шундай дер эдилар). Ўтмишда «жин» деганда жуда кичик, ҳатто кўзга кўринмайдиган нарсалар (эҳтимол, турли касалликларни келтириб чиқарувчи, ҳозирги тушунчамиздаги микроб ва бактериялар) ни назарда тутганлар. «Жиндек», «Жин кўча», «Жин чироқ» ва ҳ. к. сўзлари ҳам шундан келиб чиккан. Этнограф Г. П. Снесарёвнинг ёзишича: «Одатда «жин» деганда, худди чивинга ўхшаб, ўзига ёқадиган ерларда гала-гала бўлиб, ғужғон ўйновчи қандайдир жуда кичик ҳажмдаги нарсаларни тасаввур этадилар». Биолог олимлардан К. Ҳожиматов ва У. Пратов «Муқаддас» ўсимликлар борми?» деган китобда бу хусусда шундай ёзадилар: «Исириқ — 40-60 сантиметргача бўй

ўзиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистоннинг чўл ва адир зоналарида жуда кенг тарқалган... Халқ медицинасида исириқдан тайёрланган суюқлик билан қичима, бод ва тери касалликлари даволанган... Исириқнинг фойдали хусусиятларини билмаган кишилар унга илоҳий тус берганлар. Чунончи, уларнинг айтишича, уйда исириқ тутатилса, у барча жин ва албастиларни ҳайдаб чиқарар ва инсоннинг минг бир дардига даво бўлар эмиш. Шу сабабли исириқ болаларга қизамиқ чиққанда, янги фарзанд кўрилганда ва баъзан ўғил тўйи, мавлуд каби маросимларда, кўчириқ қилишда тутатилар экан. Булардан ташқари исириқ кўзтикан билан биргаликда шахсий уйларга ва экин экилган майдонларга уларни «кўздан» сақлаш учун осиб қўйилар, кинна солишда кулга қўшиб ишлатилар экан. Ваҳоланки, исириқда ҳеч қандай илоҳий сир йўқ. Унидаги ҳамма сир шундаки, у ёндирилганда исириқдан ажраладиган тутун дезинфекция қилиш хусусиятига эга. Чиндан ҳам исириқ тутуни ҳавони турлича зарарли микроблардан тозалайди ва ўзига хос ёқимли иси билан кўланса ҳидларни йўқотади».

Искандар хўжа, бултурги жўжа, бола очади, ташлаб қочади.

Оила, бола-чақаси билан иши бўлмай, нуқул кўча-куйда ўз маишатини кўзлаб юрадиган ёхуд бола-чақасини ташлаб, хотин қўйиб, фарзандларини тирик етим қолдириб, бошқа хотиннинг кетидан кетадиган бевафо одамга аччиқ киноя тарзида шундай дедилар.

Искартдан ортиқ гапирган — ўлади.

(искарт — мўлжал, меёр, нама). Бу мақол пойабзал тикувчи косиблар доирасидан чиққан. Улар бир ҳафтада бир-икки искартдан иш чиқарардилар. Ҳар қайси косибнинг ўз искарти бўларди: баъзисиники — 10 жуфт этик, махси, ё кавш, баъзисиники — 7, 8, 9 жуфт ва ш. к. Косиб шуни ўзига «бир искарт» деб мўлжал қилиб оларди-да, ҳафта давомида шу мўлжалдаги ишни бажариш учун астойдил ҳаракат қиларди. Агар искартнинг ҳажми каттароқ қилиб белгиланган бўлса, уни бажараман деб кеча-кундуз тинмай ишлаб, ўзини-ўзи каттиқ қийнаб қўярди. Мазкур мақол билан мажозан: «Катта гапирма, бировга бир ишни ўз ҳол-кудратингга, имкониятингга қараб ваъда қил, токи кейин ўзингни-ўзинг қийнаб қўядиган, бажара олмай субутсиз бўлиб қоладиган бўлма», деган маънода насиҳат қиладилар.

Исо ҳам ўз йўлига, Мусо ҳам ўз йўлига.

Исо — христианлар пайғамбари; Мусо — яҳудийлар пайғамбари. Ҳар иккисининг тутган йўли ўзига хос бўлган, бир-биридан фарқ қилган ва ҳар иккиси ҳам ўз йўлини тўғри деб билган. Мақур мақол билан мажозан: «Бировнинг шахсий ҳиссиётига тегма, сеники нотўғри, меники тўғри» деб баҳслашма, барибир фойдаси йўқ. Чунки, ҳар кимнинг ўз тутган йўли, ҳаётга қарашлари ўзига тўғри бўлиб туюлади», дейилмоқчи.

Иссиқ жон иситмасиз бўлмас.

Бирор касалга чалинган одамга: «Кўп ташвиш тортаверманг, тез орада тузалиб кетасиз. Иссиқ жон бўлгандан кейин кишига баъзан шунақа дард ҳам дориб турадида», деган маънода тасалли берганларида шундай дейдилар.

Иссиқ — суяк синдирмас, совуқ — жонни тиндирмас.

Мазмуни: «Ҳаво ҳар канча иссиқ бўлса ҳам суякни синдирмайди, яъни кишига кўпда зарар қилмайди. Аммо, совуқ кишининг жон-жони-

дан ўтиб кетади». Вар.: «Очликка чидаб бўлади, Совуққа чидаб бўлмайди»; «Ёз совуғи ёндан ўтар, Қиш совуғи тандан ўтар»; «Эрта баҳорнинг совуғи ёндан ўтар, Эрта кузнинг совуғи жондан ўтар»; «Кузги совуқдан кун бўйи қоч!» (Одатда куз фаслида киши енгил-елпи кийим билан юради. Бу фаслда баъзан бирдан салқин тушиб, муздек шамол келиб, кун совиб кетади. Натижада киши шамоллаши, касал бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам мақолда ҳали организм совуққа мослашмаган шундай бир пайтда киши ўзини ниҳоятда эҳтиёт қилиши уқтирилган); «Эртанги совуққа учрасанг учра, кечки совуққа учрама» (Чунки, эрталабки совуқ кун чиқа боргани сайин тобора юмшайверади, кечки совуқ эса кун бота боргани сайин тобора кучаяверади); «Қора совуқ — қордан ёмон» (қора совуқ — ҳаво очилиб турганда бўладиган аччиқ изғирин, қуруқ аёз); «Қуруқ аёз — тилсиз ёв»; «Қишнинг совуғида тўнгандан — Ёзнинг иссиғида ўлган яхши»; «Ёлқитса ҳам — ёғ яхши, Ёндирса ҳам ёз яхши» (ёлқитмоқ — кўнгилга урмоқ, меъдага тегмоқ); «Ёзга чиққан жон — ўлмас».

Ит аразлайди — эгаси билмайди.

Баъзи одам биров билан дўст бўлиб юради-да, тасодифан ундан хафа бўлиб, аразлаб, кўришмай, гаплашмай кетади. Дўстига бунинг сабабини ҳам айтмайди. Шундай пайтда унга нисбатан истеҳзо билан юқоридаги мақолни қўллайдилар.

Ит аччиғини турнадан олади, бит аччиғини бургадан олади.

Бу мақолда ов ити назарда тутилган. Ўрдак, ғоз ва бошқа паррандалар бир кўтарилишдаёқ учиб кетадилар. Турна ва лайлаклар эса бирданига уча олмайди, олдин ўн беш-йигирма қадам ҳаккалаб бориб, кейин учиб кетади. Мақолнинг биринчи қисмида: «Ов ит у қушни тутолмай, бу қушни тутолмай, бекорга овора бўлса, аламини ҳали учиб кетишга улгуролмай қолган турнадан бориб олади», дейилмоқчи. Мажозан: «Бирор мақсадига эриша олмай хуноб бўлган ёхуд бировдан дакки еган, кўпчилик ўртасида қизариб, шармандаси чиққан баъзи одам аламини ўша одамларнинг ўзидан олишга кўрқади ё қурби етмайди-да, бутунлай бу ишга алоқаси бўлмаган, бегуноҳ (ўз кучи етадиган, ўзидан ожиз) одамдан ёинки уйига келиб, хотин, бола-чақасидан олади», деган маънода шундай одамга нисбатан қўлланилади. Вар.: «Алининг аламини Балидан олибди»; «Исонинг аламини Мусодан олибди»; «Ошнинг аламини мошдан олибди».

Ит билан бўри — туғма душман.

Ёшлигида бирор нарсадан хафа бўлиб, аразлашиб қолган икки одам то қариб-картайгунича ҳам бир-бирига қаттиқ кек сақлаб, гаплашмай, зимдан бир-бирининг пайини қирқиб, «семоқ-ичмоқда» бўлиб юрса, уларга қарата юқоридаги мақолни айтадилар.

Ит билан овчи — овда ўртоқ.

Мажозан: «Овчи бўлса-ю, ит бўлмаса — ит бўлса-ю овчи бўлмаса, ов кўнгилдагидек бўлмайди, шу каби хиёнатчи, жиноятчининг ёнида итга ўхшаган югурдаги, яловкаси бўлмаса, кўзлаган мақсадига етишиши қийин. Шунинг учун улар бир ишни қилишда бир-бирлари билан танишиб, битишиб, шерик бўлиб оладилар», деган маънода қўллайдилар.

Ит бургасиз бўлмас, юрт эркасиз бўлмас.

Эрка, тантиқ одамларга нисбатан киноя тарзида шундай дейдилар.

Ит вовуллаб қарийди.

Вар.: «Ит қариса, ётган жойидан ҳурийди»; «Бир ит кўриб ҳурийди,

Бир ит кўрмай хурийди»; «Ит тушида ҳам акиллайди». Бу мақолларки дилозор, ҳар кимни бўлар-бўлмасга сўкиб, ҳақорат қиладиган, ҳатто қариганида ҳам бу иг феълларни долозор, ҳар кимни бўлар-оғзи кески одамларга нисбатан нафратланиб айтадилар.

Ит гадой билан чиқишмайди.

Бу билан мажозан: «Қизғанчиқ, бахил одам бир нима сўраб келадиган одамни ёқтирмайди, бундай одамларни асло чиқиштирмайди», дейилмоқчи.

Ит гадойдан қўрқади, гадой — итдан.

Баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир одам қандайдир сабабга кўра бир одамдан қўрқадию, уни кўриб қолса, ўзини олиб қочишга, унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилади. У одам ҳам қандайдир сабабга кўра бу одамдан кўрқади-да, унга рўпара келишга ботинолмайди. Юқоридаги мақолни онда-сонда учраб турадиган шундай ҳолга қарата айтадилар.

Ит деса — қуйруғи йўқ, сигир деса — мугузи йўқ.

Баъзи одам бўладики, кўринишдан туппа-тузук, тартиб-интизомли, одобли кишидай туюлади-ю, аммо ёмон, хира, шилқим, урағон, сўкағон одамнинг ишини қилади. Бундан таажубланган одамлар: «Ёмон деса — ёмонга ўхшамайди, яхши деса — яхшига ўхшамайди», деган маънода юқоридаги мақолни айтадилар.

Ит еганини қусади.

Бу мақолни «Ёмон одам қилган ёмонлигига яраша жазосини тортади», деган маънода қўллайдилар.

Ит: «ёзга чиқсам, суякдан сарой соламан», дер.

«Ишёқмас, дангаса ёзда (умуман, қулай имконият бор бўлган ғанимат кунларда) «қўлини совуқ сувга урмай», қиш гамини емай, тирикчилиги учун керакли бўлган нарсаларни жамғармай, ялқовланиб юради-да, қиш-қировли кунларда тирикчиликдан қийналиб, жон-жонидан ўтиб кетганда: «Энди ёзга чиқсам ана ундай қиламан, мана бундай қиламан», деб кўнглига тугиб қўяди ё атрофдагиларга шундай деб керилади. Лекин, ёз чиққач, қишда кўрга қийинчиликларини унутиб, яна ялқовланиб юраверади», деган маънода қўлланилади. Вар.: Қурвақа: «Ёзга чиқсам, оқ уй, ола боргоҳ соламан», дер (боргоҳ — сарой, қаср); Бақа: «Бошим омон бўлса, дарёда сузаман», дер; «Эшак: «Бошим омон бўлса, денгиздан сув ичаман», дер; «Ҳўкиз: «Кўкламга чиқсам, кўкат ейман», дер.

Ит ит билан қуда бўлса, ўртага суяк қўяди.

Бу билан: «Пасткаш одам ҳамма вақт ва ҳамма ерда пасткашлигини қилади, ҳатто азиз меҳмонини ҳам дурустроқ сийламайди», демоқчи бўладилар. «Ит билан қуда бўлгунча, Мушук билан қудағай бўл», деган мақол ҳам бор (қудағай — хотин қуда).

Ит ит боласини тишламайди.

Аксарият итнинг феъли шундайки, бегона одамларга, ҳайвонларга вовуллагани, ҳамла қилгани ҳолда бегона итнинг боласини тишламайди, унга ёмонлик қилмайди, аксинча ҳар хил қилиқлар қилиб, уни овутади, эркалатади. Мазкур мақолни ўзидан кичик, ожиз одамни, ёш болани урган, сўккан, ҳафа қилган дилозор, бадфеъл одамга қарата: «Итки шундай қилади, наинки сен инсон бўла туриб, бировнинг боласини, ўзингдан кучсиз одамни урасан, сўкасан, озор берасан?!» деган маънода айтадилар. Вар.: «Ит итнинг қуйруғин босмас».

Ит итга буюради, ит — қуйруғига.

Бу билан: «Ишёқмасга бирор ишни буюргудай бўлсанг, ўзи қилишга

эриниб, сен буюрган ишни ўзидан кичкина (масалан, акаси укасига, каттароқ ёшдаги дангаса ўзидан кичикроқ ёшдаги одамга) буюради», дейилмоқчи. Иш ёқмас, дангасаларга қарата аччиқ киноя тарзида айтилади. Вар.: «Иш буюрдим Алитозга, Алитоз қўйди ёзга»; «Ишонмагин Алитозга, Алитоз қуяр ёзга», «Эринчоққа иш буюрсанг, энсаси қотар» (энса — икки куракнинг ўртасидаги қисми бўлиб, шу жойи қотган киши керишади, афтини буриштиради, ғижинади. «Энсаси қотади» ибораси «айтган гапинг ёқмай, афтини бужмайтиради», деган маънода); «Ишёқмасга иш буюрсанг, отангдан яхши насиҳат қилади»; «Ишёқмасга иш буюрсанг, ўзингга ақл ўргатар»; «Ишёқмасга ўргатма, гапинг бекор кетади».

Ит итдан суяк қарздор.

«Итнинг суякдан бўлак нимаси ҳам бор бир-биридан қарздор бўлса, фақат суяк қарз бўлиши мумкин. Шунингдек, бировга бир нима бермайдиган, бирор-бир ёруглик чиқмайдиган одамнинг ўзгаларга ўтказиб қўйган ери йўқ. Кези келиб унинг бирор нарсага эҳтиёжи тушиб қолса, бошқалар ҳам унга ҳеч нимани раво кўрмайдилар», дейилмоқчи.

Ит итлигини қилмай қўймайди.

«Ёмон одам ҳар қаерда ҳам ёмонлигини қилмай қўймайди», деган маънода қўлланади. Вар.: «Ит итлигини қилади»; «Ит итлигини этади, Тўн этагинг йиртади»; «Ит итлигини қилмаса, боши оғрийди» (ёмон одам агар бирор кун ёмонлик қилмаса, бировга озор бериш хумор қилиб, ураған қўли, сўкаған тили қичиб қолади», дейилмоқчи); «Ит ҳуримаса, боши оғрийди»; «Ит итлигини қилмаса, «ит» оти қурсин» (ёмонлигини ҳеч қаерда қўймайдиган одамга нисбатан кесатиқ тарзида шундай дейдилар).

Ит, итнинг ўртоғи — бит.

Ит бошқа ҳайвонларга нисбатан кўпроқ битлайди. Доим оёғи билан баданини қашигани-қашиган. Итга битдан бўлак эрмак, ўртоқ йўқ. Итнинг шу ҳолати мисолига олиб айтилган мазкур мақол билан: «Ёмон одам ўзига ўхшаган ёмон одамлар билан ўртоқ бўлади, ўшалар билан бирга юради, ўшалар билан ҳамкорликда бир ёмонлигига ўн ёмонлик қўшади», демоқчи бўладилар. Вар.: «Итнинг ўртоғи — ит»; «Итнинг топгани бит»; «Сув пастга оқар, Паст пастга боқар» (паст — «пасткаш одам»), «Сув пастни топар, Нас насни топар» (нас — «наҳс»— «ифлос, ярамас одам»); «Аҳмоқ аҳмоқни топар».

Ит йиғини — тўп бўлмас.

Тўп — бир-бирига қўшни бўлган бир неча овул бошлиқларининг, оқсоқолларининг йиғини. Вақт-вақти билан чақирилиб турадиган бундай йиғинда кишилар ўртасидаги жанжалли масалалар ҳал этилар, айбдорлар жазоланар, улардан жарима ундирилар эди. Мазкур мақолда «тўп» деганда «яхшилик, одиллик, ҳайрлик» назарда тутилган ҳамда: «Ёмон одамлар бир ерга йиғилсалар, улар ўртасида иноқ-иттифоқлик, ўзаро келишув бўлмайди, аксинча уруш-жанжал чиқади», дейилмоқчи. Вар.: «Ит йиғини бирикмас».

Ит кийикка раҳм қилса, мушук жўжага раҳм қилармиш.

Бу мақол халқнинг қуйидаги насрий масалидан келиб чиққан: «Ит мушукка айтган эмиш: «Сен — энг раҳимсизлардансан. Бечора мургак жўжалар сенинг дастингдан бундоқ очиқ ҳавога чиқиб, бир оз сайр ҳам қилолмайдилар». «Ие, ҳали биз бераҳмлардан бўлиб қолдикми? Ўзинг-чи, ўзинг? Агар сен кийикларга раҳм қилганингда эди, мен ҳам жўжаларга раҳм қилардим», деган эмиш мушук». Ҳийнатчи, жиноятчиларнинг сири фош бўлиб, қўлга тушиб қолганларида, ҳар қайсилари ўзларини оқлашга уринсалар, ўз айбларини кичик қилиб кўрсатиб, айбнинг каттасини ше-

рикларининг бўйнига қўйишга ҳаракат қилсалар, одамлар «буларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан баттар» деган маънода юқоридаги мақолни айтадилар.

Ит кўзи тутун билмас.

Вар.: «Ит кўзи тутун кўрмас, Кўрса ҳам бутун кўрмас». Айтишларига қараганда, тутун итнинг кўзига таъсир ҳам қилмас эмиш, ёшлантирмас ҳам эмиш. Мазкур мақоллар билан мажозан: «Бети қалин, ориятсиз безбет кишилар тарафидан ўз шаънига ҳар қанча аччиқ-тиззиқ гаплар, лаънатловчи сўзлар, айбномалар айтилса ҳам — эламайди, пинагини ҳам бузмайди, без бўлиб тураверади», дейилмоқчи.

Ит ойдинда ўйнашар.

Вар.: «Ит туни билан сақиллаб, кун чиққанда ухлайди». Бу мақолларни ўзига ўхшаган аҳмоқларни топиб олиб, туни билан санғиб юриб, бўлмағур ишлар билан шуғулланиб, кўча-кўйда шовқин солиб, уришиб-сўкишиб ё бемаъни гаплардан бемаъни кулгилар чиқариб, кишиларга уйқу бермайдиган ва ҳамма туриб иш-ишига кетганда, кун тикканга чиққанда ҳам ғафлат уйқусида ётувчи аҳмоқларга нисбатан қўллайдилар.

Ит отасини танимас.

«Итнинг отаси йўқ» деб ҳам айтадилар. Бунга сабаб шуки, ит отасининг тайини бўлмайди. Уни онаси туғади, онаси бирга олиб юриб катта қилади. Шунинг учун у отасини мутлақо танимаганлиги ҳолда онасини яхши танийди ва онасининг билади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Юқоридаги мақолни бойликка эга бўлган ё бирор мансабга минган, шу туфайли кўзини шира босиб, шишиниб кеккайиб, мағрурланиб берилиб, бошқалар тутал ҳатто отасини ҳам танимай, менсимай, иззат-ҳурмат қилмай қўйган нокобил фарзандларга қарата қақинч киноя тарзида айтадилар. Мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Итнинг эгаси йўқ. Қозоннинг чегаси йўқ» (Чинни идишлар синса, дарз кетса, чегалайдилар, аммо қозонни ҳеч қачон чегалаймайдилар, синса ё дарз кетса, ташлаб юборадилар); «Ит эгасини танимайди, Мушук — бекасини»; «Эшак эгасини танимас, Пишак — бекасини» (Баъзи шеваларда мушукни «пишак» дейдилар.).

Ит похол устида ётиб, емагай, едирмагай.

Маълумки, ит похол емайди. Аммо, похол устида ётган бўлса-ю, похолни ейман деб келаётган ҳайвонларни яқинига ҳам йўлатмайди, ирилаб, итлигини қилади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан ўзига керак бўлган нарса у ёқда турсин, керак бўлмаган нарсани ҳам бировдан қизғанадиган бахил одамларга нисбатан қўллайдилар. Вар.: «Ўзи емас — итга бермас»; «Ўзи емас — кишига бермас».

Ит талашмай иши битмас.

Одатда итлар бир-бирларига дуч келганларида аввалига хўп ирилашиб-хириллашиб, талашиб-тортишиб, кейин жимиб, битишиб, бир-бирлари билан ёнма-ён юриб кетадилар. Шунингдек, баъзи ноқаста одамлар шериқчиликда бир иш қилмоқчи бўлсалар, ўзаро келишолмай, жанжал-сурон кўтариб, уришиб-сўкишиб юрадилар-да, кейин-кейин бир-бирларини тушуниб бўлиб, битишиб, тинчийдилар. Шундай одамларга қарата: «Буларга теккан касал: ҳеч бир иши уруш-жанжалсиз қилишмайди», деган маънода айтадилар.

Ит тезаги эмга дори бўлса, дарёнинг ўртасига ўтиради.

Бу мақол мажозан: «Бир одамга арзимаган бир нарса жуда зарур бўлиб қолса-ю, у нарса бахил одамнинг қўлида бўлса, сўраб келган кишига бермайди, ўзини тираб олади, нархини оширади, «Эрта келинг,

ишдин келинг» деб галга солади», деган маънода қўллайдилар.

Ит тиши ўтмаса ҳам, гадойнинг таёғини тишлайди.

Бунда ҳам итнинг ярамас феълларидан бири кўрсатилган: у ҳар кандай одамга ҳам бир ириллаб қуяди ё қопади. Шунга ўхшаш, баъзи одам ҳар кимга сабабдан-бесабаб озор берувчи, аччиқсассиқ гаплар билан «қопиб» олувчи, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарувчи, ўзининг кучи етмайдиган одамга ҳам чираниб, мушт кўтариб, зўравонлик қилувчи бўлади. Юқоридаги мақолни шундай одамларга қарата айтадилар. Тиш билан мунглуғ кўнглдин муддани чекди ўқин, Рост: «Ит янглиғки, соилнинг асосин тишлагай (Навоий). Соил — тиланчи, гадой.

Ит тумшуғига сув кетганда суза бошлайди.

Бу мақол мажозан: «Ишёқмас, данғаса олдинига ҳеч нарсадан парво қилмас, ишламай кучламай, тирикчилик ғамини емай, ялло қилиб юрадида, кейин ҳаётдан қийналиб, бирор фалокат-ҳалокатга йўликиши муқаррар бўлиб қолгани тақдирдагина мажбур бўлиб, «ўлганининг кунидан» ҳаракат кила бошлайди», деган маънода айтилади.

Ит тумшуғини тиққани билан — дарё суви ҳаром бўлмас.

Итни нопок, у теккан нарсани эса ҳаром, макруҳ деб ҳисоблайдилар. Мазкур мақолни мажозан: «Туҳмат, гийбат, фиск-фасот, ҳақорат билан пок, софдил, яхши хулқи ва яхши ишлари билан кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган одамнинг номини булғаб бўлмайди, унга карши қилинган ёмонлик тез орада маълум бўлиб, чиппакка чикиб кетади», деган маънода қўллайдилар.

Ит тумшуғини тиққан ерга сув ичгали шер келмас.

Вар.: «Ит искаган сувни йўлбарс ичмас»; «Ит саркитин йўлбарс емас»; «Тулки саркитин шер тотмас»; «Итдан қолганни мушук емас»; «Эшак билан бир турса, бедов тулпор ўтламас»... Бу мақоллар «Мард, ботир, сахий одам номард, кўрқоқ, бахил, зиқна одам билан дўст ҳам тутинмайди, ошқатиқ ҳам бўлмайди, бундай одамнинг юрган йўлидан ҳам юрмайди, ундан жирканади, ҳазар қилади, нафратланади», деган маънода қўлланади.

Ит хўра бўлса — ўғрига эшик очиқ.

Уйни қўриқлаш учун эшик олдига боглаб қўйилган ит хўра, очкўз, баднафс бўлса, келган ўғри унга егулик бир нима ташлаб, овора қилиб қўяди-да, ўзи бемалол уйга кириб, олдиганини олиб, чиқиб кетади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Шаҳар дарвозасини қўриқлаш учун қўйилган дарвозабон (ёки бирор жойнинг қоровули) порахўр, сотқин бўлса, ёв шаҳарни осонликча қўлга киритиб олади (ёки ўғри, хиёнаткар арзимаган нарсани сарфлаб ўз ниятига осонгина эришади). Шунинг учун дарвозабон ва қоровулликка тўғри, халол, содиқ одамларни тайинлаш керак», дейилмоқчи. Юқоридаги мақолга мазмунан яқин бўлган: «Итнинг аҳмоғи кундузи хуради», деган мақол ҳам борки,бу билан: «Аҳмоқ ит кундузи, яъни эгаси ва бошқа одамлар уйғоқ бўлганда хуриб ҳавф-хатардан огоҳлантиришнинг ҳожати ҳам бўлмаган пайт хурийди-да, кечаси, ҳамма ухлаб ётган пайтда хурмай жим ётади, ўғри-ўтрукдан огоҳлантирмайди», деган маънода ялқов, анқов, овсар дарвозабонлар, қоровуллар, соқчилардан нафратланганлар.

Ит чопади деб, бит чопди.

Бировга кўр-кўрона етишишга, жисмоний ақлий, молиявий ва ҳ. к.

томондан қурби етса-етмаса бировнинг қилганини (масалан, иморат қуриш, катта тўй ё зиёфат қилиш, қимматбаҳо тақинчоқлар тақиш, кўркам кийимлар кийиш ва б.) қилиш учун «Ўлиб-тирилиб» ҳаракат қилувчи одамлар устидан истеҳзо билан кулинганда шундай дейилади.

Ит чўпоннинг қўлдоши, ёлғизликда йўлдоши.

Яхши ит (айниқса чўпонлар ва овчилар ити) эгасига содиқ, вафодор бўлади. «Ит — эгаси учун, Қуш — томоғи учун» деган мақол бу фикрни қувватлайди. Ов ити сайдни олгач, ўзи эгасига келтириб беради. Бу унинг содиқлиги аломати. Ов қуши эса сайдни «ўзим ейман» деган ниятда олади. Агар овчи тезда бориб унинг чангалидан сайдни олмаса, қушнинг ўзи еб қўйиши мумкин. Шунинг учун қушни оч қўйиб, овга олиб чиқардилар, «ўз нафси учун ўзи яхшироқ ҳаракат қилсин» деб. Агар тўқ бўлса, кўп-да овга хуши бўлмайди. Бу — юқоридаги мақолнинг тўғри маъноси. Мажозий маънода эса бир одамга ё кўпчиликка, эл-юртга холис, беминнат хизмат қилувчи содиқ, вафодор кишиларга ҳамда ўз манфаати учунгина, мажбур бўлганида, истаристамас, зўрма-зўраки хизмат қилувчи бевафо кишиларга нисбатан қўллайдилар.

Ит эгасига суяниб ҳурийди.

Бу мақол бировга (жисмоний, моддий жиҳатдан бақувват бўлган ёхуд юқори мартабадаги яқин одамга) суяниб, орқа қилиб, ўз кучи етса-етмаса, ўзгаларга чиранувчи, зўравонлик қилувчи, катта-катта гапирувчи, керилувчи одамга нисбатан киноя тарзида қўлланади. Вар.: «Ит эгаси билан кучли»; «Ит ўзи уясида зўр»; «Ит ўз уйида ботир»; «Чумчуқ ўз уясида хўжайин»; «Ит уясида ўзини йўлбарс санайди»; «Чумчуқ ўз уясида ўзини қарчиғай санайди» (қарчиғай — ов қуши); «Хўроз ўз катагида ўзини хон санайди»; «Хўроз ўз ўтлоғида — Мирзо»; «Куйкунак ўз ерида ҳам гоз олар, ҳам — ўрдак» (куйкунак — майда ҳашаротларнигина тутиб ея оладиган кичкина бир қуш); «Эгалик итнинг қуйруғи — гажак» («Эгасига орқа қилиб, қуйруғини, яъни думини гажак қилиб, қуруқланиб, ўзини қўрқмас, ботир қилиб кўрсатиб юради», дейилмоқчи); «Ит хўжасининкида думини гажак қилади»; «Уйи яқин итнинг қуйруғи — қайқи» (қайқи — қайрилган, гажак); «Ёт итнинг қуйруғи қисиқ»; «Овули яқин ит қашқирдан қўрқмас»; «Бойлиқ ит — хуражон, Бойлиқ хўкиз — сузагон»; «Эшак кетига чираниб ханграйди».

Ит эгасига ҳуримас.

Одатда ит хонадонга келган ҳар қандай бегона одамга ҳам ҳурийди, агар боғлаб қўйилган бўлса, арқонни ё занжирни узгудек бўлиб унга ташланади, аммо хонадон эгаларига қараб ҳеч қачон ҳуримайди. Мазкур мақол мажозан: «Ит ҳам эгасига қараб ҳуримайди. Сен шу итчалик ҳам эмасмисан?!» деган маънода ота-онасига қаттиқ-қурум гапирган, уларнинг дилини оғритган ноқобил фарзандга, устозини ранжитган шогирдга ва б.га нисбатан киноя тарзида қўлланади.

Ит этга ўрганса,умри бойловда ўтади.

Хонадонда эркин юрган ит агар бирор ерга қўйиб қўйилган гўштни тортиб кетса, уни бойловда сақлайдилар. Мазкур мақол билан мажозан: «Порахўр, юлғич, олғир, еб тўймас одамни жамоа ўзидан четлатади, озодликдан маҳрум қилади», демоқчи бўладилар.

Ит юрган йўлда сўнгак қидиради.

Буни ҳамда «Ит ёнида сўнгак ётмас»; «Ит теккан суякда илик қолмас» деган мақолларни мажозий маънода нафс балосига йўлиққан, суллоҳ, очкўз, тамагир одамларга нисбатан қўллайдилар.

Ит ялиниса, думини ликиллатади.

Бу мақолни лаганбардор, тилёғлама, иши битгунча бировга икки букилиб қуллуқ қилувчи, ялиниб-ёлворучи, паст кетувчи одамлар устидан истеҳзо билан кулинганда айтилади.

Ит ўлса, бўри эламас.

Ит ўлса, бўри буни эламайди (парво ҳам қилмайди), қайтага: «Ҳарна ёвнинг бири — кам» деб, ўз рақибларининг биридан қутулганига суюнади. Мазкур мақол билан мажозан: «Баъзи итфеъл, урушқоқ, жанжалкаш, дилозор, қора ниятли, эгри кўл, ғийбатчи, туҳматчи, ғаламис, умуман ёмон одам ўлса, кишилар бунга заррача ҳам ачинмайдилар», дейилмоқчи.

Ит қайга ёзилар — боғи-эрамга!

Итга ёмон жой ҳам бир, яхши обод, кўркам, боғ, гулзор жойлар ҳам бир — ёзилгиси келган жойга ёзилиб, булғатиб кетаверади. Баъзи шундай одам бўладики, у ширин, бамаъни суҳбат қуриб ўтирилган ерда ҳам «тўрс» этиб бирор бемаъни гап айтиб ё ўхшовсиз қилиқ қилиб, ҳамманинг таъбини тирриқ қилади. Мазкур мақол шундай одамга нисбатан қўлланади.

Ит қариса қополмас, от қариса теполмас.

«Ёшлигида одамларни итдай қопиб, отдай тепиб, урмаганни уриб, сўкмаганни сўкиб, дилозорлик қилиб юрган одам қариб-чуриб, ҳолда тойган пайтда бундай қилишга қурби етмайди. Аммо, «Тарки одат — амри маҳол» дегандай, вақт-вақти билан шундай қилишга жазм этиб қолади-ю, ўзларидан калтак еб, сукиш эшитиб, ўзининг шармандаси чиқади», деган маънода айтилади. Вар.: «Тўнғизнинг ўзи қариса ҳам, бурни қаримас».

Ит қилганни ўтарчи қилолмас.

Ўтарчи — молларнинг, ҳайвонларнинг касалини билувчи ва даволовчи табиб. Ит бирор ери шикастланса, ўша ерини тили билан ялаб-ялаб, ўз сўлаги билан тузатади. Бундай сўлак ўтарчида бўлмайди. У ит қилган давони қила олмайди ҳам. Мазкур мақол мажозан: «Баъзи бадфеъл, баджаҳл одамнинг феълини ўзига ўхшаган ўртоғигина билади ва уни жаҳлидан тушириб, бир нарсадан қайтара олади. Яхши одамларнинг гап-сўзлари, панд-насиҳатлари бундай одамга таъсир қилмайди», деган маънода қўлланади.

Ит қутурса, эгасин қопар.

Баъзи ноқобил фарзанд ё шогирд вояга етиб, пулга, мол-дунёга, илм-ҳунарга ёхуд бирор мансабга эга бўлгач, ўзини шу даражага етказган, таълим-тарбия берган, боққан, едириб-кийдирган, касб-ҳунар ўргатган одамини менсимай, ҳурмат қилмай қўяди, ҳатто унинг «бетига чопади», ҳақорат қилади. Мазкур мақол ана шундай одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланилади. Вар.: «Ит қутурса, эгасин қопар, Чумчуқ қутурса, бургутга чопар»; «Тўрғай қутурса, бургутга чанг солади», »Ит семирса, эгасин қопар»; «Эшак семирса, эгасин тепар»; «Ёмон от охур бузар, Ёмон ит эгасин узар»; «Қорни тўйган эчки эгасини сузади»; «Кимки донодур — айбни ёпадур, Ит қутурса — эгасини қопадур»; «Ит тўйғизганини қопар».

Ит қўрқитса — ҳурийди, қўрқса — тучкиради.

(тучкирмоқ — аксирмоқ). Вар.: «Ит қўрқса, қуйруғин қисар». Бу мақоллар билан мажозан: «Ўзини зўр фаҳмлаб, кучи етадиган одамларга озор бериб юрадиган ёхуд «Фалончини ундоқ қилиб юбораман, писмадончини бундоқ қилиб юбораман» деб, керилиб юрадиган одам ўзидан зўрларга йўлиққан пайтда лом-мим деёлмай, жимиб, дами

ичига тушиб, писиб, ранги бўзариб, ичидан зил кетиб қолади», дейилмоқчи.

Ит қўрқоқни қопади.

Бу мақол билан: «Бирор безори одамга дуч келиб қолсанг, унинг ташқи важоҳатидан, дўқ-пўписасидан қўрқма, унга бўш келма. У қўрқсанггина сени уради, сўкади, Бўш келмай, дадил-дадил гапирсанг, ўзингни бардам тутсанг, сендан чўчиб, орқасига қайтади, шаштидан тушади», деган маънода насиҳат қиладилар. Ит учраса, олдинга юр, Мушук учраса, орқанга юр» деган мақол ҳам бор. Бунинг биринчи қисмида: «Ит қўрққан, ўзини кўрганда орқасига қараб қочадиган одамни талайди. Қўрқмасдан, дадил олга қараб юрадиган, ўзига тобора яқинлашиб келаверадиган одамдан қўрқиб, қочади. Безори одамларнинг феъли ҳам худди шундай бўлади. Бундайларга асло бўш келма!» деган фикр яширинган. Мақолнинг иккинчи қисми бир эътиқодий тушунча билан боғлиқки, бунга кўра; «Йўлдан мушук (айниқса, қора мушук) чиқиб қолиши — бир нохуш вокеанинг нишонаси» деб, хавотирланадилар. Мушукни бу ўринда махфий равишда, зимдан душманлик, айғоқчилик қилувчи шахсларга ташбиҳ этганлар ва бундай шахслардан эҳтиёт бўлиш зарурлигини, уларга дуч келиб қолган пайтда киши ўзини четга олиши лозимлигини уқтирганлар.

Ит ҳам ётар жойини қуйруғи билан супуради.

Ўзининг ётар-турар жойини ифлос, супуруқсиз-сидириқсиз ҳолда саклайдиган бефаҳм, бефаросат, маданиятсиз одамларга танбеҳ берганларида ёхуд шундай одамлар устидан истеҳзо билан кулганларида шу мақолни айтадилар.

Ит ҳурар,— карвон ўтар.

Вар.: «Ит хурар — карвон юрар»; «Ит ҳурар — карвон кечар»; «Ит хурар — карвон кўчар»; «Ит ҳуриса ҳам — Ой сесканмас»; «Ойдинда ит ҳураверади, Осмонда Ой ураверади»; «Ит вовуллагани билан, тоғ қуламас». Асру машҳурдур бу сўзда бали, «Ит урар — карвон кечар» масали. Боришбон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмоғум, Ўйладурким: «Ит уюб қолдию кўчти корвон» (Навоий). Кеча қулбамға келсанг муддъини эскарга, Тўлун Ой сайр этарда ит ҳурардин қайда парвойи (Нақший).

Мазкур мақоллар билан: «Аҳмоқ одамнинг сенга отган маза-бемаза гапига парво қилма, йўлингдан қолмай кетавер ё қилаётган ишингни давом эттиравер. У итга ўхшаб акиллаб қолаверади», дейилмоқчи.

Ит ҳуриса, булбул тўхтайди.

«Суҳбат даврасида оғзи шалоқ, аҳмоқ одам оғзига келганни қайтармай, ҳадеб валдирайверса, бемаъни гаплари билан ҳамманинг энсасини қотираверса, ўз иззатини билган, кўнгли юмшоқ, нозиктаъб, ширинсухан, одобли, билимдон одам гапидан тўхтаб, индамай, сукут сақлаб ўтираверади», демоқчи.

Итбалиқдан тарқаган қурбақа улғайганда ўзини унутади.

Сувда юрадиган майда-майда қора балиқчаларни «итбалиқ» деб атайдилар. Бу итбалиқ ўсиб-улғая бошлагач, думи тушиб кетиб, балиқликдан қурбақага айланиб кетади. Итбалиқнинг бундай ўзгариш ҳолати мажозий маънода одамга кўчган. Баъзи одам бирор амалга миниб, катталашса, ўзининг аввалги ҳолини унутиб, димоғи шишиб, такаббур бўлиб,ҳеч кимни менсимайдиган, ҳатто ёшлигидан бирга ўсган оғаниларини, ёр-дўстларини «оёқ учи»да кўрсатадиган бўлиб кетади. Мазкур мақолни шундайларга нисбатан киноя тарзида айтадилар.

Итдан бўлган — қурбонликка ярамас.

Вар.: «Итдан туққан қурбонликка ярамас, Эшакдан туққан — инсонликка ярамас». Қурбонлик — диний

маросим, ҳар йили бир марта қурбон ойида бўлади. Бунда «худо йўлига» деб, қўй, эчки, қорамол, туя сўйиб, гўштини хомлигича ё пиширib, халққа тарқатадилар. Молнинг ҳам қурбонликка ярайдигани ва ярамайдигани бўлади. Масалан: «Қўйнинг, эчкининг ва ҳ.к. қулоғи чиноқ бўлмасин, оёғи оқсоқ ё касал бўлмасин, салимул-аъзо бенуқсон бўлсин», деган шартлари бор. Баъзи қўй туғиб ўлади-да, боласи етим қолади. Айтувларига қараганда, шундай етим қўзини янги туққан итга эмизиқдош қилиб қўярканлар. «Мана шундай ит эмган қўзи қўй бўлгач, қурбонликка ярамайди. Ит эмган қўй агар туғса, унинг боласи ҳам (бундай қўзини «итдан тарқаган» деб атайдилар) қурбонликка ярамайди», деган тушунча ҳам бор. Баъзи қўй ё эчки ҳаддан ташқари куюккан бўлса, итдан ҳам қочиб қолармиш. Бундай қўй-эчкининг боласини ҳам «итдан тарқаган» деб атайдилар ва «қурбонликка ярамайди», дейдилар. Шунингдек, «Отдан — от, Эшакдан-эшак» дегандек, кишилар: «Ёмон ота-онанинг боласи ҳам ёмон бўлади. Ёмонлик шундай бир балоки, у насл-дан-наслга ўтади. Ёмон одамнинг боласи эл оғаси бўлишликка ярамайди», деб ҳисоблаганлар ва бундай одамлардан шубҳа қилганлар. Юқоридаги мақолни мажозий маънода ёмон одамларнинг болаларига нисбатан қўллаганлар.

Итдан ёруғлик чиқмас, битдан — чоруғлик.

Вар.: «Ит ялоғини қизғанар»; «Итдан суяк кутма»; «Ит устидан қуш учса, суягини қизғанар»; «Итнинг суягига тегсанг, ириллайди»; «Ит оғзидан суяк олиш осон эмас»; «Итдан суяк ортмас, Мушукдан — без»; «Итдан суяк ортмас, Оч кўздан — пўстак»; «Итдан суяк ортар-ортар, Бойтобдан пўстак ҳам ортмас» (Бойтоб — очкўз, суллоҳ). Бу мақоллар бахил, ноҳна, очкўз, суллоҳ, бировга бирон бир яхшиликни раво кўрмайдиган, бировга ўлаколса бир нима бермайдиган, хасис, қизғанчиқ одамларга нисбатан ачиқ киноя тарзида қўлланади.

Ити бўлмаганнинг — ялоғи бўлмас.

Ялоқ — итга овқат солиб берилади-ган идиш. Рўзғордан чиқитга чиққан, дарз кетган, бир чеккаси учган бундай идишни ҳовлининг бир чеккасига, ўтовнинг ёнига қўйиб қўядилар-да, унга вақт-вақти билан қолган-қутган овқатларни, суяк-саёқни, юндини ва ҳ.к. солиб қўядилар. Ит асрамаган хонадоннинг ялоғи ҳам бўлмайди, албатта. Юқоридаги мақолни бахил одамга қарата: «Бу бировга бир нима бериш у ёқда турсин, ҳатто итга ҳам ялоқ қўймайди», деган маънода қўллайдилар. Бахил, қизғанчиқ одамларга нисбатан айтиладиган: «Мушукка сарқит бермаган», «Итга юнди қуймаган» деган иборалар ҳам бор.

Итинг бўлса ҳам — чиройли бўлсин.

Гўзаллик — бебаҳо нарса. Ҳар бир нарсанинг ҳам гўзал, чиройли бўлгани — яхши. Кишининг ўзи ё болалари чиройли бўлса, бундан кўнгли кўтарилиб, фахрланиб юради, хунук бўлса — умр бўйи афсусланиб, ўксиниб юради. Шунинг учун ҳам гўзалликни улуғлайди: «Итинг бўлса ҳам — чиройли бўлсин экан-да. Хунуклик курсин — дилинг чиройли бўлса ҳам, сиртинг хунук бўлса, кишилар сенга паст назар билан қарайдилар», дейилади.

Итини тепсанг — эгасига тегади.

Бу мақол: «Бировга асло ёмонлик қилма, ёмонлик раво ҳам кўрма. Бировнинг ўзи тугул, ҳатто унга тегишли одамларга ва нарсаларга (масалан, боласига, хотинига, эрига, яқинларига) каттиқ-қурум гапирма, ёмонлик қилма, озор берма, товуғини «кишла», мушугини «пишт» дема», деган маънода қўлланади.

Итининг феъли эгасига маълум.

Бу мақолни: «Итининг, мушугининг, отининг, сигирининг, қўй-эчкисининг

ва ҳ.к. феъли, қилиғи, одати, ўзига хос хусусияти эгасига маълум, бошқалар билмайди, у билади», деган маънода ҳам, «Болаларининг феъли-атвори, қилиғи, одати, характери ота-онасига маълум» деган маънода ҳам қўллайдилар.

Итлик овчи овулга сиғмас.

Овчи ов қила-қила узоқ-узоқларга кетиб қолиб, қош қорайгач, уйига қайтиб кета олмай, мажбуран бирор овулда тунаб қолмоқчи бўлса, унинг бир ўзига ҳар қандай хонадон ҳам жой топиб беради. Аммо, унинг ёнида итини кўрган одам «жой йўқ» деб қўя қолади. Шунингдек, баъзи одам ўзининг ҳадди сиғмаган ерга бирор ўртоғини ҳам бошлаб боради. Бу бегона одамни кутиш мезбонга малол келади, у иккаласига ҳам рўйхушлик билдирмайди, энсаси қотади. Мазкур мақол мажозан шундай пайтда айтилади. Вар.: «Итли қўноқ овулга сиғмас».

Итни ит талаб ўлдиради.

Вар.: «Итнинг бошини ит ейди». Бу мақоллар билан мажозан: «Золим, қонхўр хону бекларнинг бошига ўзларига ўхшаган хону беклар етади. Ёмон, безори, уришқоқ, тошбағир, хиёнатчи, жиноятчилар ахири бир кун ўзларига ўхшаган одамлардан шикаст ейдилар, ҳатто уларнинг қўлида ўлиб ҳам кетадилар», дейилмоқчи.

Итни овга борганда сина, йигитни ёвга борганда сина.

«Итни яхши-ёмонлиги овга борганда билинади. Баъзи йигитлар ёв йўғида кериладилар-у, аммо уларнинг ҳақиқий ботирлиги, қўрқмаслиги ёхуд қўрқоқлиги ёв бостириб келганда, жангу-жадалда билинади», дейилмоқчи.

Итни ўлдирганнинг ўзи кўмади.

Ит ўлдирилса-ю, кўмилмай, шундай очиқ ташлаб қўйилса, унинг мурдаси тез орада сасиб, ҳаммаёққа қўланса ҳид тарата бошлайди. Уни ўлдирган одамнинг ўзи кўммаса, бошқалар бу ишни қилмайдилар, жирканганларидан ҳатто ит мурдасининг яқинига ҳам йўламайдилар. Ўлдирилган итни ўлдирган одам кўмишга мажбур бўлади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Ким ёмонлик иш қилса (масалан, бирор нарсани бузиб қўйса, бировни хафа қилган бўлса, бирор нарсага шикаст етказган, зиён кетирган бўлса ва ҳ.к.), буни унинг ўзи тузатиши, келтирган зиёнини унинг ўзи тўлаши, хафа қилган одамидан ўзи кечирим сўраши, ўзи унинг кўнглини олиши керак бўлади. Унинг учун биров тузатмайди ҳам, тўламайди ҳам, тавба-тазарру қилмайди ҳам, узр сўрамайди ҳам», деган маънода қўллайдилар.

Итни «қопди» деб, уриб бўлмас.

Бу билан: «Қопиб олган ит билан ўчакишиб, уни уриб ўтирма. Урсанг, қайтага баттар қутуриб, сенга яна ҳам қаттиқроқ шикаст етказиши мумкин. Ундан кўра ўзингни эҳтиёт қилиш чорасини кўр. Ит-да, итлигини қилади! Шунингдек, ёмон, безори одам сени урса-сўкса, унга тенг келаман деб ўтирма, қўлингни ишга солма, тилингни ҳам тий. Сукут сақласанг, шунинг ўзи аҳмоққа берган аччиқ жавобинг бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Итнинг боласи туриб озар.

Итнинг боласи кичиклигида чиройли, озода, беозор бўлгани учун, уни ҳар ким суйиб, эркалайди. У катта бўлгани сайин, бора-бора, туриб-туриб оза бошлайди, яъни феъл-атвори ўзгара боради. Итларга хос беорлик, суллоҳлик, очкўзлик, копағонлик хислатларига эга бўлади-да, кишиларнинг кўзига ёмон кўринади, ҳар ерда қувғинга учрайди. Мазкур мақолни болалигида суюкли, ёқимтой бўлган, катта бўлгач, бадфеъл, хира, безори, беор, бетга чопар, очкўз, қизғанчиқ ва ҳ.к. бўлиб кетган ўсмир ва йигитчаларга нисбатан қўллайдилар.

Итнинг дуоси қабул бўлганда — осмондан суяк ёғарди.

Бу мақол мажозан: «Ёмон, нияти бузуқ одамнинг гапи, тилаги зое кетади. Унинг гапини ҳеч ким инобатга олмайди», деган маънода қўлланади.

Итнинг ёмони тўшакдагидан умид қилади.

Оч кўз ит ўзига ташланган суякка, гўштнинг чиқиндиларига қаноат қилмайди-да, одамлар тўшагининг устида еб ўтирган гўштга кўз олайтиради, олиб қочишга интилади-да, қувғинга учрайди ё калтак ейди. Шунингдек, очкўз, суллоҳ одам ҳам ҳадди сигмаган жойдан, кишилардан бир нима тама қилса, рад жавобини олади ёхуд безбетлик қилиб, шундай жойдан манфаатланиб қолгудай бўлса, кишилар уни мазах-масхара қиладилар, шармандасини чиқарадилар, ҳатто уриб-сўкиб, ҳайдаб юборадилар. Мазкур мақол шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўлланади.

Итнинг жини — девона, келиннинг жини — қайнона.

(жин — «душман», «рақиб» маъносида). Мақолда келиннинг жини (душмани, рақиби) — қайнона дейилишига сабаб шундаки, айрим ёмон қайноналар ўз келинларига сира рўйхушлик қилмайдилар. Келин қанча елиб-югуриб, «қўлини косов, сочини супурги» қилиб ишламасин, қанча адаб сақламасин, бари бир қайнона учун ким ёмон — келин ёмон, яхши бўлса ҳам — ёмон, ёмон бўлса ҳам — ёмон. Қайнона унинг ҳар бир ҳаракатини, оғзидан чиққан ҳар бир сўзини тергайди, «ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ» дейди, қилаётган ишларини назарига илмайди, камситади, ўз қизларини ардоқлагани ҳолда келинга бирон-бир яхшилик, бирон-бир илиқ сўз айтишни раво кўрмайди. Келинлар тилидан айтилган бирмунча мақолларда уларнинг ичини ўртаб ости устига келади»; «Қайнона қўлидан ёғлиқ чўзма егандан — Она қўлидан «қулоқ чўзма» еган яхши» (болалар бирор айб иш қилиб қўйишса, бунинг жазоси сифатида уларнинг қулоғдан чўзадилар. Шунингдек, бир-бири билан аразлашган болаларни яраштирганда ҳам «қулоқ чўзма» одати бор); «Шафтолининг тагида шамоллаган қайнонам, Куни-қўшнига чиқиб, ёмонлаган қайнонам»; «Чархинг ўлсин шақилдоқ, Қайнанамдек қақилдоқ»; «Қайнанажон қайнона, тилинг сўрсин илонла!»; «Қайғум йўқ, қайнонам қайғуси — қайғу»; «Қайғу йўғида қайғу бўлди, ўгай қайнонамнинг ўлгани» (маълумки, оилада бирор киши ўлса, унинг қаъдаларини ўтказиш оила аъзоларини анча ташвишга солиб қўяди. Шунда хизматнинг энг оғири яна шу келиннинг зиммасига келиб тушади. Мазкур мақол ўзи бусиз ҳам уй ишларидан қийналиб юрган, бунинг устига-устак ўз қайнонаси эмас, ўгай қанонасининг ўлими туфайли зиммасига тағин ҳам оғирроқ вазифалар юкланган келин тилидан нолиб айтилган).

Итнинг ириллашгани — омонлашгани.

Вар.: «Ит боласин ириллаб суяди»; «Ит кет ҳидлашиб танишар». Бу мақоллар билан мажозан: «Тарбиясиз, ахлоқсиз, адабсиз одамлар бир-бирларини энг ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиб гаплашадилар. Уларнинг энг яхши гаплашганлари, омон-эсонлик сўрашганлари ҳам, бировни суйишлари ҳам беодоб сўзлар билан бўлади. Ёмон одам ёмон одам билан ёмон нарса устидангина танишади, иноқ-иттифоқ бўлади», дейилмоқчи.

Итнинг бошини лаганга солсанг, юмалаб ерга тушар.

Мақолда душманинг (хусусан, ёмоннинг) калласи итнинг калласига ташбиҳ этилган. Бу билан мажозан: «Ёмон одамни иззат-ҳурмат қилиш керак эмас. Чунки у иззатни билмайди», дейилмоқчи.

Итнинг кейинги оёғи бўлма!

Бу билан: «Ҳар бир нарсада бошқа одамлардан орқада қолиб, судралиб,

шалвираб юрма, дадил-дадил ҳаракат қил!» деган маънода насиҳат қилинади.

Итнинг кўнгли — бир суяк.

Вар.: «Итни суяк билан урсанг, ҳуримайди»; «Итдан қўрқсанг, суяк ташла»; «Ит акилласа, оғзига ур» (оғзига ур — яъни, суяк, гўшт ё бирор егулик нарса ташла); «Итни ўтовга кирмасин десанг, оғзига суяк тишлат»; «Итнинг оғзига суяк тишлат — керагадан киролмайди» (керага — ўтовнинг ёғоч панжараси. Агар ит оғзига илик суягини ё қовурға суягини тишлаб олган бўлса, ўтовнинг керагасидан киролмайди, чунки узун суяк керага ёғочига кўндаланг бўлиб қолиб, итнинг ичкари киришига тўсқинлик қилади. Бу — кейинги икки мақолнинг тўғри маъноси. Умуман, юқорида келтирилган мақоллар билан мажозан: «Тамагир, суллоҳ, юлғич одамдан йирокроқ юрай десанг, унга бир нима «тишлатиб», «Оғзини мойлаб» ё уни қарздор қилиб қўй. Шунда у сендан уялиб, ўзини олиб қочиб юради, вақтинча бўлса ҳам, ундан қутуласан. Ёмон, безори, дилозор одамнинг ҳам «оғзига урсанг» ё унга яхши гапирсанг, жўрттага уни мақтаган бўлсанг, у бунга «эриб» кетиб, сенга озор бермайди, бундай одамдан ҳам қутуласан», деган маънода насиҳат қиладилар).

Итнинг оти — бойтеват.

Вар.: «Ёмон итнинг оти — Бўрибосар; Одатда итларга «Бойтеват», «Бўрибосар», «Арслон», «Қоплон» ва ҳ.к. деб от қўядилар. Ёмон, ҳурматга нолойиқ одамни мақтасалар, уни яхши ном билан атасалар, ҳурмат-эҳтиром қилсалар, бунга гаши келган, энсаси қотган одам киноя тарзида юқоридаги маколни айтади. Бундан ташқари, бирор киши тўй қилиб, уйига ҳаддан ташқари кўп одам чақирса, бу тўйга борган одам жой торлигидан «якка кифт» бўлиб ўтириб, озиқ-овқатларга ва уйинкулгиларга мириқмай қайтса, «Тўй қандай ўтди?» деб сўраганларга: «Э қандай бўларди, итнинг ўғли — Бойтеватгача айтибди», деб киноя қилади.

Итнинг товони қичиса, карвонга эргашар.

Бу мақолда келтирилган «товони қичимоқ» ибораси халқнинг қадимий ирим-сирими, эътиқодий тушунчаси билан боғлиққи, бунга кўра, «Агар киши оёғининг таги — товони қичишса, узоқ йўл юради», «Агар кишининг ўнг қўли қичиса — қўлига пул, Маблағ тушади, чап қўли қичиса — қўлидаги пули, маблағи кетади», деб ҳисоблаганлар (Бу тушунча «Кафт қичиса — пул тушар, Пут қичиса — йўл тушар»; «Кафт қичиса, кафтингни ўп — пул тушади, Товон қичиса, ўрнингдан қўп — йўл тушади», деган мақолларда ҳам ўз ифодасини топган). Юқорида келтирилган «Итнинг товони қичиса, карвонга эргашар» маколини иши бўлса-бўлмаса санғиб, тентираб, ҳамма ёқни кезиб юрувчи, ҳудабехудага ўзини ўзи азобга, машаққатга соладиган аҳмоқ одамларга нисбатан киноя тарзида қўлайдилар.

Итнинг уяти келса, поча ташласанг ҳам емайди.

Поча — қўй-эчки, қорамол, отнинг пастки қисми. Ёмон ишларни қилиб юриб, ахири бу қилмишидан ўзининг ори келиб, уялиб, кишиларга тик қарай олмай юрган, ёмонликдан қайтиб, ўзини тийган одамга ҳазиллашиб ё жўрттага синамоқ учун бирор ножўя иш қилишни тавсия этсалар, у унамайди, қизариб, «шолғоми чиқиб кетади», Юқоридаги мақол шундай ҳолга тушган одамга нисбатан айтилади.

Итнинг юнгини силасанг — ётиғига сила.

Вар.: «Итнинг туки қаёққа ётса, шу ёққа сила». Одатда итнинг жаҳли чиқса, бўйин юнглари тикка бўлиб, ҳурпайиб кетади. Шунда юнгини тескарисига силанса, ғаши келиб

(ё танаси кичишиб), баттар жаҳли чиқиб кетади. Ётиғига силанса, аввалги ҳолига қайтиб, сиялик ёта қолади, ит ҳам газабидан тушади. Мақолнинг мажозий маъноси шундай: «Ёмон, урушқоқ одамнинг гапига тегадиган, жаҳлини чиқарадиган гап гапирма ё ҳазил қилма. Унга яхши гапир, гапи ё ҳатти-ҳаракати нотўғри бўлса ҳам, «сенинг маъқум» деб қўяқол. Бунинг аксини қиладиган бўлсанг, ўзинг балога қоласан». Шунга мазмунан яқин бўлган «Итни урсанг, алдаб ур» мақоли ҳам борки, бу билан: «Аҳмоқ, безори одамни тўғридан-тўғри койиб уришма. Унга таъзир бермоқчи бўлсанг, сиялик йўл тутиб, тагдор гап билан ур. Уни ўзингдан четлатмоқчи бўлсанг, алдаб, чалғитиб туриб узоқлаштир, токи буни унинг ўзи ҳам сезмай қолсин», дейилмоқчи.

Итолғи — қарчиғайнинг шериги.

Итолғи — йиртқич қушлар туркумининг лочинсимонлар оиласига киради. У кемирувчилар кам бўлган жойларда асосан қушлар билан овқатланади. Итолғи шундай олғир қушки, у осмонда учиб кетаётган қушни ҳам, ерда югуриб кетаётган кемирувчи ҳайвонларни ҳам ўнгайгина тута олади. Овчилар итолғини қўлга ўргатиб, ҳар хил қушлар, қуён ва ҳатто қийик ов қиладилар. Ўтмишда бу мақолни мажозан: «Бойлар, амалдорлар ва шариат пешволари, домла-имомлар халқни талашда, алдаб ейишда, юлғичлик ва олғирликда бир-бирларига шерик бўладилар, бир-бирларидан қолишмайдилар», деган маънода қўллаганлар.

Ихлос қилибсан — шифо топибсан.

Вар.: «Ихлос — халос», «Ихлос қилсанг, чўпдан топарсан» (чўп — ўт, гиёҳ), «Ихлос қилсанг, чўпдан ҳам даво топасан», дейилмоқчи. Ихлос қатъий ишонч, бир нарсага бутун вужуди билан ишонишдир. Кўп асрлик тажрибага таянган халқ медицинаси беморларнинг шифокорларга ва дори-дармонларга қаттиқ ишониши, ихлос қўйишини катта аҳамиятга эга деб билган. Халқимиз ўртасида бир ривоят ҳам юради, унинг мазмунига кўра, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино бир беморда ўзига ва дори-дармонга ихлос уйғотиб, «шуни ичсанг, соғайиб кетасан» деб, бир пиёла сув берган, бемор шундан умидланиб, «дори» (сув) ни ихлос билан ичиб, тузалиб кетган экан.

Ичкуёв — куч куёв.

Вар.: «Ичкуёв — кучук куёв»: «Кучук куёв бўлгунча, Итнинг кучуги бўл»; «Ичкуёвлик — ич оғриғи». Маълумки, ўтмишда қиз катта калим эвазига берилар, камбағал йигитларнинг аксарияти бундай калимни топа олмагани сабабли ҳадеганда уйланолмай, бўйдоқ бўлиб юрарди. Кўпгина йигитлар эса калим бера олмаганлари эвазига бўлажак қайноталарига ёлланиб ишлаб, уникида хизматининг бутун оғирини бажариб, шунинг орқасида қизига уйланиб, ичкуёв бўлиб қолардилар. Ўғил кўрмай, ёлғиз қизигина бўлган кишилар: «Қариб, ҳолдан тойиб хасталаниб қолганимда бокади, ўлсам — кўмади», деган ниятда бундай йигитларни ўз хонадонларига ичкуёв қилиб оладилар. Ичкуёв бўлган йигит қайнота-қайнона олдида ҳамма вақт одоб сақлаб, оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзни неча-неча андишага бориб айтар, номуснинг кучлилигидан — ўлган-тирилганига қарамай ишлар, чарчаганини ё тоби қочаётганини сездирмасликка ҳаракат қилар, хуллас, қисиниб-қимтиниб, эркинликдан маҳрум бўлиб яшарди. Шунинг учун ҳам ич куёви «куч куёв» (бор кучини ишлатишга мажбур бўладиган куёв), «кучук куёв» (кучукдек хор-зор бўладиган куёв)» деганлар.

Ичак — қорин гўшт бўлмас, асли душман дўст бўлмас.

Дўст ким-у, душман ким — буни фарқлай билиш, душманнинг ҳийла-найрангига алданиб қолмаслик, ундан ҳамиша ҳушёр, сергак ва эҳтиёт

бўлиб туриш зарурлигини уқтирувчи мазкур мақолнинг бир қанча вариатлари бор: «Бақа эти гўшт бўлмас, Асли душман дўст бўлмас»; «Эски пахта бўз бўлмас, Эски душман дўс (т) бўлмас» эски пахта увадаланиб, толалари узилиб, йигиришга, ип қилиб, бўз тўқишга ярамайди. Шунингдек, «эскидан душман бўлиб келган — асло дўст бўлиб кета олмайди. Дўст бўлиб келгани тақдирда ҳам, ичида душманлик нияти яширинган бўлади. Шунинг учун ундан ниҳоятда эҳтиёт бўлмоқ керак», дейилмоқчи); «Азалги душман эл бўлмас, Этакни кессанг, енг бўлмас»; «Таги душман дўст бўлмас»; «Таги душман дўст бўлмас, Қайнаса, қони қўшилмас»; «Азалги дўст ёв бўлмас — айтишган унинг сири бор, Азалги душман дўст бўлмас — кўнглида унинг кири бор»; «Азалги дўст ёв бўлмас — сарнавиштда хати бор, Азалги ёв дўст бўлмас — кўнглида унинг дати бор» (сарнивишт — тақдир, қисмат, олдиндан белгиланган, пешонага ёзилган; дат — доғ, қора ният); «Томчи сел бўлмас, Душман эл бўлмас»; «Душман дўст орасидан чиқади» («Шундай экан, ҳар кимни ҳам дўст санаб; унга сиримгни бериб юрма. Олдин уни обдан сина, кейин сирдош бўл. Акс ҳолда сенга қалбаки дўст тутиниб юрган душман сиримгни, заиф томонингни билиб олгач, кунингни кўрсатади», дейилмоқчи); «Орқангдаги душман — олдингда дўст»; «Олманинг қизиллигига ишонма, Душманнинг — дўстлига»; «Ҳавонинг пастлигига ишонма, Душманнинг дўстлигига ишонма»; «Душман келиб, дўст ишини қилмасин» («Душман дўст ниқобида келиб, ичингга кириб, ишончингни қозониб олгач, ўзининг душманлик ниятини амалга ошириб кетмасин. Огоҳ бўл!» дейилмоқчи).

Ичгани оши йўқ — итининг оти «бойтеват».

(бойтеват — уй хизматкори, чўри қиз). «Ўзининг ейдиган-ичадиган ҳеч нарсаси йўғ-у, тағин ит сақлаб, уни гўё хизматкори деб билиб, ўзини бой қилиб кўрсатмоқчи бўлади-я!» деган маънода қуруқ мақтанчоқларга қарата истеҳзо билан айтилади. Вар.: «Уйида овқати йўқ — итининг оти «Маржон».

Ичдан ўтади — иштон билади.

Вар.: «Ичимдан ўтганни сиртим на билсин?». Бу мақоллар билан: «Ҳар кимнинг ғам-ғуссаси, дард-алами ўз ичида бўлиб, буни унинг ўзигина яхши билади, бунинг ташвишини, қийинчилигини, азоб-уқубатини ўзигина тортади. Бировнинг ғамини биров ичига ютиб, уни бу ғамдан халос қила олмайди», дейилмоқчи. Бу ўринда «Тани бошқа — дард билмас» мақолини эслашнинг ўзи ҳам қифоя қилади.

Ичи торнинг — иши тор.

Вар.: «Ичи торга — дунё ҳам торлик қилади»; «Тор кўзга — жаннат ҳам торлик қилади»; «Кўзи торга — гўр ҳам торлик қилади»; «Ичи тор — итига ҳам эт бермайди»; «Ичи тор хотин бола туғмас». Бу мақоллар билан: «Ичи тор, яъни ичи қора, бировга яхшилик қилиш у ёқда турсин, яхшиликни раво ҳам кўрмайдиган, бировга ўлақолса бир нима беролмайдиган, зиқна, қизғанчиқ одамнинг кўзига кенг дунё ҳам торлик қилади. Шу ичи қоралиги, зиқналиги эвазига ўзи ҳам роҳат топмайди, бахти очилмайди (масалан, бола кўрмайди, кишиларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлмайди, қўлига маблағ тушмайди ва ҳ. к.), ҳаётда қийналиб, хор-зорликда ўлиб кетади», дейилмоқчи.

Ичиб турган ошимга, чивин етди бошимга.

Одатда кишининг ичиб турган ошига чивин (пашша) тушиб, учиб кетолмай, ўлиб қолса, у одамнинг таъби айнаб, иштаҳаси бўғилиб, овқатидан жирканиб, нари суриб қўя қолади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Киши бир нарсадан манфаатланиб турганда ёхуд бир жойда яхши ишлаб, тинчгина кунини ўтказиб тур-

ганда иттифоқо, сира кутилмаганда орага арзимаган бир нарса киради ё бир нохуш воқеа содир бўлади-да, бунинг оқибатида у одам манфаатланиб турган нарсасидан, тирикчилигини таъминлаб турган ишидан маҳрум бўлиб қолади. Мақур мақол яна шундай ҳолга тушган кишининг тилидан афсусланиб айтилади ёхуд шундай кишига нисбатан қўлланилади.

Ичигин аяган — қўлонтоёқ юрар

(ичик — махси; кўлонтоёқ юрмоқ — махси киймай, ковушнинг ўзини кийиб юрмоқ). Зиқна, хасис одамлар бировга бир нима бериш у ёқда турсин, бор нарсаларини бола-чақаларидан ва ўзларидан ҳам қизғанадилар, «соб бўлиб қолади» деб, бор озиқ-овқатларини ҳам емай-ичмай, «тишларининг кирини сўрадилар», «эскириб қолади» деб, бор кийим-кечакларини ҳам киймай, авайлаб, ўз сиҳатларига ўзлари завол бўладилар. Юқоридаги мақолни шундай одамларга қарата истезо билан айтадилар.

Ичинг кетди — кучинг кетди.

Бунда «ич кетиш» касаллиги кишининг кучини олиб, ҳолдин тойдириши ифода этилган. Мазкур мақолни: «Қорнинг очса, кучинг қочади», деган маънода ҳам қўллайдилар.

Иш бир бузилмай, тузалмас.

«Бирор ишни қилсанг-у, у кўнгилдагидек чиқмаса, «аттанг, бузилиб қолди, энди тузатиб бўлмайди», деб умидсизланиб, бутунлай ташлаб қўйма. Яна уриниб кўр, яна бўлмаса, яна уриниб кўр... Ҳар қандай иш ҳам бирданига батамом битиб кўя қолмайди, унинг дастлаб бир-икки бузилиши, кўнгилдагидай чиқмаслиги ҳам бор» деб, мазкур мақол билан ишда чидамли, саботли бўлиш зарурлиги уқтирилади.

Иш бор ерда — хато бор.

Бу мақол билан ишда бирор хато қилиб қўйиб, афсусланадиган, куюниб, ич-этини ейдиган хижолат тортадиган одамга: «Қўйинг, кўп хафа бўлаверманг, иш бўлгандан кейин бирор арзимаган хатоси, камчилиги ҳам бўлади-да, тузалиб қолар ё тузатарсиз. Шунга ҳам шунча куюнасизми?! Иш қилмаган одам хато қилмайди», деб тасалли берадилар ёки бирор хатога йўл қўйган одам ҳадеб койилаверса, унинг ёнини олганларида қўллайдилар.

Иш бошланганда мақтанма, иш битганда мақтан.

Бу билан: «Бирор ишни ҳали бошламай туриб ёхуд бирор ишга энди қўл уриб, «Ана ундоқ қилиб юбораман, мана бундоқ қилиб юбораман», «Фалон муддатда битказаман» ва ҳ. к. деб мақтанма, катта гапирма. Олдин ишни битказ, натижасини кўр, одамлар қойил қолсин, ана ундан кейин мақтансанг арзийди. Аслини олганда, шунда ҳам мақтанмаслигинг, ўзингни камтар тутишинг лозим», деган маънода насиҳат қиладилар.

Иш бўларига келганда, қулоқ боғи узилди.

Айтувларига қараганда, бир деҳқон кўш билан ер ҳайдаб, энди тугатай деб турганда, омочнинг қулоқ боғи узилиб кетиб, иши тўхтаб қолганда, афсусланиб шундай деган экан. Халқ ўртасида мақолга айланиб кетган бу сўзни фақат ер ҳайдашда эмас, умуман, бирор иш битай-битай деб қолганда бирор монелик иш воқе бўлиб, бу нарса ишнинг «бели»га тепиб, тўхтатиб қўйса, шундай пайтда айтадилар.

Иш катта — ҳамён латта

(ҳамён латта — ҳамён бўм-бўш, унда пул йўқ). Бир одам бир одамга ўзининг келажакдаги мақсадларини, тузиб қўйган режаларини, қилаятган орзу-истакларини айтиб пировардида: «Шунақа, огайни, мўлжал катта, Аммо, буни амалга ошириш учун пул йўқ», деган маънода шу мақолни ишлатади.

Иш устасидан қўрқар.

Бу мақол билан ҳунар эгаллашга, ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишишига даъват этилади. Вар.: «Иш — билганники, Қилич — тутганники»; «Темирчининг қўлида темир эриб, сув бўлар» (Темирни эритиб, сувдай суюқ қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Темирчининг ҳунари бўлгани учун ҳам мушкул иш ундан «қўрқади». Умуман, «Ҳунарни пухта эгалласанг, уста бўлсанг, ҳар қандай оғир ишни ҳам осонликча бажара оласан», дейилмоқчи); «Иш, ишинг кетига туш!»; «Ҳар ишнинг кетига тушган — қўлига олмай қолмас»; «Ишнинг ўзи — ишга ўргатади» (Бирор ишга киришсанг, тобора қизиқиб бораверасан, у ишнинг сир-асрори сенга борган сари ойдинлашиб бораверади», дейилмоқчи); «Ишлаганинг — уйингга, Ўрганганинг — ўзингга». Бу мақолни кўпинча оналар қизларига: «Уй юмушларини (супуриш-сидириш, кир ювиш, турли хил овқатлар пишириш, нон ёпиш, хамир ёйиш, бичиш-тикиш ва ҳ. к.) қилаверсанг, қилишдан эринмасанг — бу уйга фойда, шу ишларни қилиш давомида кўзингнинг пишгани, тажрибангнинг ортгани, кўникканинг, ўрганганинг — ўзингга, яъни келажакда қурадиган турмушингга фойда», деган маънода насиҳат қилганларида айтадилар); «Иш ақллини топар, Ақлли — ишни топар».

Иш юришса, шиша сандон синдирар, иш юришмаса, буламиқ дандон синдирар.

Халқнинг дунёқарашида қадимги даврлардан бўён тақдир ҳамда омад ва омадсизлик, бахт ва бахтсизлик, бахти қаролик, толиҳ ва толиҳсизлик ҳақида тушунчалар сақланиб келганки, улар юқоридаги мақолда ва бошқа бир қанча мақолларда ўз «изини» қолдирган: «Толе ёр бўлса, шиша сандон синдирар, Толе ёв бўлса, атала дандон синдирар»: «Келишмаган буламиқ дандон синдирар» (сандон — темирчиларнинг босқон урадиган темир «тўнка» си; дандон — тиш; буламиқ — атала, ҳолвайтар); «Иши илгари босганнинг — ити ўтлар» («Иши илгари босган, яъни омадли, толиҳли одамнинг ити тайёр, текиндан-текин ўсиб ётган ўтни ҳам сяверади, эгаси учун уни боқиш тўғрисида қайғуришга ҳожат ҳам қолмайди», дейилмоқчи); «Иши ўнгмаганнинг ити ўғри кетгач ҳурийди»; «Дови юрганнинг ови юради»; «Эрга давлат битар бўлса — қарға солса, ғоз олар, Эрдан давлат кетар бўлса — лочинин боз олар» (давлат битмоқ — «омад келмоқ») «Омади келган одам (овчи) ов қуши ҳисобланмаган қарғани қўлидан учириб юборса ҳам, у бориб ғоз олиб келади. Омади йўқ одамнинг эса учирган энг чапдаст ов қушини — лочинини ундан кичик ва кучсиз бўлган қуш — боз олади, нобуд қилади. Умуман, омадли одам имкони йўқ, бениҳоя мушкул ишни ҳам қила олади, омадсиз одам эса осон, жўн ишни ҳам қила олмайди, қайтага қўлидаги бор нарсадан ажралиб қолади», дейилмоқчи. «Давлат келса — қулфат қочар, Қулфат келса — давлат қочар»; «Қайғули бошга кор ёғар» («Ўзи шундоқ ҳам қайғуриб турган одамнинг бошига баттар қулфат ёғади», дейилмоқчи); «Далада бузоқ ўлса, уйдаги сутга ит тегади» («Бахтсизлик устига бахтсизлик келади», дейилмоқчи); «Ёримаганнинг қизи ёлчимаганга тушади»; «Толиҳли билан талашма, Бахтли билан бас бойлашма» («Чунки, барибир улардан енгиласан, ютқазасан», дейилмоқчи); «Ўнгмаганнинг ўнгидан ўтма». «Иши ўнгмаган (толиҳсиз) одамга якин юрма, чунки унинг касофати сенга ҳам тегади, толиҳсизлиги юқади», дейилмоқчи; «Ўрозли билан ўтдош бўл». «Ўрозли (толиҳли, бахтли, омадли) одамга ёндошсанг, якин муомалада бўлсанг, унинг омади, толиҳи бахти сенга ҳам юқади», дейилмоқчи. Бундай эътиқодий тушунчаларнинг нотўғри, асоссиз эканлигини ҳаётий тажриба ҳам, илмфан ҳам аллақачонлар исбот этган.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар.

Бу билан кишининг у ёки бу ишини битирадиган, оғирини енгил, мушку-

лини осон қиладиган иш куролларни ҳамиша шай қилиб қўйиши, иши битгач, бир чеккага улоқтириб, занг бостириб қўймаслиги, бузилса дарҳол тузатиши, ўтмас бўлиб қолса, чархлаб, ўткир қилиб қўйиши ва ҳ. к. зарурлигини уқтирадилар.

Иш қўлингдан кетмасин, ёв йўлингдан тушмасин.

Бу — кишига яхши тилаклар билдирилганда айтиладиган олкиш мақолларнинг биридир.

Ишга қўним — хирмонга уним.

Ҳар бир ишни кунт қилиб, сабр-чидам, сабот-матонат, ғайрат-шижоат билан, эринмай, ялқовликка берилмай қилсанг, маҳнатингнинг роҳатини, яхши, унумли самарасини кўрасан», дейилмоқчи. Вар.: «Иш билан кишининг мушкули битар»;«Иш фақат яхши ният билангина битмайди»; «Тилак бошқа иш бошқа»; «Иш ҳаёл билан эмас, ҳаракат билан битади»; «Иш бошланганда — эрмак, Битмай қолса — эмгак» (эмгак — меҳнат, машаққат): «Ишни совутсанг — ишдан совийсан»; «Ишланмаган ишга шайтон кулар».

Ишим битди — эшагим лойдан ўтди.

Муғомбир, айёр ва аноий одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланиладиган бу мақолнинг юзага келиши қуйидаги латифа билан боғлиқ, деб тахмин қиламиз: «Бир куни Афандининг эшаги оғир юки билан келаётган вақтда лойга ботиб қолибди. Эшакни лойдан чиқаришга Афандининг қуввати келмабди. Қараса, кўчанинг нариги бетида бир одам ўтирган экан. У ёрдам беришни ўйламабди. Афанди уни ёрдамга чақирмоқ учун бир хийла йўлини ўйлабди-да, бор овози билан: «Мен Баҳовуддинга етти танга назр атаган эдим. Кимда-ким менинг эшагимни лойдан ўтказиб қўйса, шу етти танга назрни ўша одамга бераман!» дебди. Ҳалиги одам буни эшитиб, югуриб келибди-да, эшакни лойдан чиқазиб, йўлга солиб юборибди. Афанди эшагини ҳайдаб, чурқ этмай кетаверибди. Ёрдам берган киши Афандининг орқасидан қараб: «Ҳой Афандим, Баҳовуддинга аталган етти танга назр қани!» деб сўрабди. Афанди қамчисини бошидан айлантириб: «Қоч, Баҳовуддин бўлсанг ҳам, кўзингга қамчи тегиб кетади!» деб, йўлга кетаверибди...» Вар.: «Бўларлари бўлди — тўрвалари тўлди»; «Сувдан ўтгунча: «Қизимни бераман», Сувдан ўтгач: «Сени қайдан биламан?!»; «Ёлғончининг ваъдаси — иши битгунча».

Ишлаган — тишлайди, ишламаган — кишнайди.

«Ишлаган одам ўз тирикчилигини таъминлайди. Ишламаган одам эса оч қолган отдай кишнайди, яъни дод-фарёд қилади, қийналади», дейилмоқчи. Умуман, ота-боболардан кўплаб мақолларда меҳнат — инсоннинг моддий ва маънавий бойлиги, тирикчилигининг асоси, пайдевори эканлиги таъкидланиб, ишлаганлар тўқ ва фаравон яшашлари, ишламаганлар, дангасалик қилиб, меҳнатдан оч-яланғочлик ва муҳтожликка дучор бўлишлари турли мисолларда кўрсатилади ҳамда ҳар қанча қийин бўлса ҳамки, меҳнат қилиш, меҳнатга бўйин қўйиш зарурлиги қайта-қайта уқтирилади. Вар.: «Ишлаган — тишлайди, Ишламаган — бошини қашлайди»; «Ишлаган — ош тишлар, Ишламаган — тош тишлар»; «Ишлаганнинг оғзи ошга тегар, Ишламаганнинг боши тошга тегар»; «Ишлик — иш кавлар, Ишсиз — тиш кавлар»; «Тиришқоқнинг лаби ёғлик, Эринчоқнинг ирни доғлик» (ирн — лаб). «Тиришқоқ, меҳнатсевар одам яхши-яхши ейди, мой чайнайди, лаби ёғлик бўлиб юради. Эринчоқ дангаса эса ишламай-кучламай, маблағ топмай, бировдан тиланиб, тамагир бўлиб, кези келса одамларнинг нафратига учраб, ёмон отлиққа чиқади. Доимо бир нима сўрашга ўрганиб қолган оғзидан бирор сўз чиқадиган бўлса, «Оббо, яна тиланаяпти-я!»

деб ўйлаб, унинг сўзини эшиттилари ҳам келмай, энсалари қотади», дейилмоқчи. «Ирни доғлик» деганининг маъноси — шу. «Ишлаган — сўқим ер, Ишламаган — тўқим ер» (сўқим — гўшт учун семиртирибғ боқилган қорамол. Мақолда: «Ишламаган одам муҳтожлик балосига йўлиқиб, нима дуч келса, шуни ейишга мажбур бўлади», деган фикр «тўқим — отнинг, эшакнинг тўқимини ер» деб, муболаға қилинган); «Иш ошга тортар, Ялқовлик бошга тортар»; «Ишчан — ошини ер, Дангаса — бошини ер»; «Бор, бор, ишга бор, Ишламаган — нонга зор»; «Иш қилганга — қоп-қоп, Қилмаганга — бўш қоп»; «Иш тек туролмас, Ишламаган кун кўролмас»; «Итдан оч йўқ, Итдан тинч йўқ» (ялқов, дангасаларни мазах қилиб кулганда шундай дейдилар); «Ишламаган — тишламас»; «Иш бор ерда — ош бор»; «Ишдан қочдинг — ошдан қочдинг»; «Ишдан қочдим, дема — ошдан қочдинг»; «Иши йўқнинг — оши йўқ»; «Иши йўқнинг — тиши йўқ»; «Иши йўқнинг — ризқи йўқ»; «Қўли ўйнаганнинг — оғзи ўйнар,Қўли ўйнамаганнинг — кўзи ўйнар» «Қўли ўйнаган — яъни, қўлини ҳаракатга келтириб, меҳнат қилган одам маблағ топиб, емиш ейди. Меҳнат қилмаган одам эса ҳеч нарсага эга бўлмай, оч қолиб, бошқалар еяётган овқатга ҳаваси келиб, кўзини ўйнатади», дейилмоқчи); «Ишламасанг иш куни, Не ошарсан қиш куни?»; «Ишлагин ишни — қишда киярсан кишни, Ишламасанг ишни титраб чиқарарсан қишни» (киш — сувсар мўйнасидан тикилган пўстин, енгил чиройли, иссиқ ва қимматбаҳо бўлади. «Яхши ишлаб, яхши даромад қилсанг, қишга ана шундай иссиқ кийим-кечаклар ҳозирлайсан, бутун қиш бўйиб титраб — қақшаб чиқмайсан», дейилмоқчи); «Ишни яхши ишласанг, яхши-яхши еярсан, Чала-чулпа ишласанг, қишда юпун киярсан», «Ёзда қулдек ишла, Қишда бекдек е»; «Яхши ишласанг, тўнинг битар, Ёмон ишласанг, кунинг битар»; «Яхши ишласанг, ошингни ерсан, Ёмон ишласанг, бошингни ерсан»; «Эксанг экин — Ерсан текин»; «Экин экқан — Текин ер»; «Экилганда экмаган — Ўрилганда йиғлар»; «Ҳалол ишламаган — кузакда қулмас»; «Ҳалол иш — лазатли емиш»; «Ҳалал меҳнат ҳаром томоқдан кўтқазади»; «Роҳатга ўрганган — ўнгалмас, Меҳнатга ўрганган — оч қолмас»; «Терган — термулмас» («Қийналиб машоқ терган ва дон-дун жамғариб олган одам оч қолмайди, егулик нарса сўраб бировга термулмайди», дейилмоқчи); «Қарманган — қараб қолмас» (қарманмоқ — ҳаракат қилмоқ); «Давлат қочар, меҳнат қувар; (давлат — пул, мол, бойлик) «Буларга фақат меҳнат қилсанггина эришасан», дейилмоқчи; «Дарё чопар, чаққон топар»; «Дўкон тўқисанг — бўз бўлар, Чарх йигирсанг тўн бўлар»; «Ишласанг — тиларсан, Изласанг — топарсан»; «Кўп ишлаган — кўп ошар»; «Катта ишла, катта тишла»; «Қўлинг ишласа — оғзинг тишлар»; «Оёғи тинмаган қўйнинг оғзи тинмайди»; «Оёғи тинмаган қўй — эт боғлар»; «Оёғинг толмагунча — томоғинг тўймас»; «Ишла болам, ишла, Тишла болам, тишла»; «Тишинг борида тишлаб қол, Кучинг борида ишлаб қол!» «Ишла — теринг томгунча, Тишла — қорнинг тўлгунча»; «Меҳнат қилсанг эринмай, Қорнинг тўяр тиланмай»; «Ишлашда тўлғансанг — Тишлашда хўрланасан»; «Ишлаб ҳориган — Тишлаб ҳоримас»; «Меҳнатинг қаттиқ бўлса, Тотганинг тотлиқ бўлар»; «Меҳнат қанча қийин бўлса, кети шунча ширин бўлади»; «Меҳнат қилсанг — яшарсан, Катта-катта ошарсан» ва ҳ. к.

Ишламаган ишим йўқ, раҳмат деган кишим йўқ.

Илгари вақтда бойларнинг хонадонидаги жамики оғир ишлар (ер чопиш, экин экиб ўстириш, ҳосилни йиғиштириб олиш, тегирмонга ғалла олиб бориб, ёриш, ун тортиб келиш, боғни парвариш қилиш, мол боқиш, ўтин ёриш, обкашлаб сув ташиш, қор кураш, кир ювиш, овқат пиширш, қозон-товоқ ювиш, ҳовли супуриш, молхонани тозалаш ва б.) хизматкор эркаклар ва чўри хотин-қизлар зиммасида эди. Бу шўринг

қургурлар йил — ўн икки ой бир нафас тиним билмай ишласалар ҳам, хўжайин уларга бирор нарса мурувват қилиш у ёқда турсин, қуруқ раҳматни ҳам айтмас, аксинча бақириб-чақириб, ҳақорат қилар, камситар, таҳқирлар эди. Бундай мушкул аҳволга тушган, дунёга келганидан пушаймон бўлган, ўз аянчли ҳолидан, оғир қисматидан афсусланган хизматчилар ва чўрилар юқоридаги мақолни айтиб қолдирганлар.

Ишнинг омади — ўз вақти.

Вақт — инсон учун беҳисоб бойлик. Шунинг учун ҳам «Олтин топилади, вақт топилмайди», дейдилар. Бирмунча мақолларда вақтнинг қадрига етиш, ишлаш вақти келганда ғафлатда ётмаслик, ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш, ишни асло кейинга сурмаслик зарурлиги уқтирилади, бунинг акси ёмон оқибатларга олиб бориши турли мисоллар билан кўрсатилади: «Ҳар бир ишнинг вақти бор, Вақтни билганнинг — бахти ёр»; «Ҳар юмушнинг фасли бор, Ҳар бир ишнинг асли бор»; «Ҳар нарса ҳам — ўз вақтида қизиқ»; «Ҳар нарса — ўз вақтида яхши»; «Ҳар нарса ўз вақтида ярашади»; «Вақтида пишмаган ошни бошингга ур!»; «Кечга тортган — очга тортар»; «Вақтида айтилмаган сўз тун ошса, моғор босади»; «Ўлимдан бошқасининг эрта бўлгани яхши»; «Эрта бўлмаган — кеч бўлмас, Кеч бўлмаган — ҳеч бўлмас»; «Ёзда битмаган том — қишда битмас» (том — уй) «Пайсалга тушган ишнинг битар пайти йўқ»; «Кейинга қолган иш — келтирар ташвиш»; «Иши кечнинг — куни кеч»; «Таъхир туби — офат, Таъжил туби — фалокат» (таъхир — кечикиш, кечиктириш, таъжил — ошиқиш, шошилиш); «Кечнинг хазинасидан — эртанинг насибаси яхши»; «Эртадан умид қилсанг, бугундан ҳаракат қил»; «Жумадан умидинг бўлса, пайшанбадан ҳаракат қил»; «Замона келмай қиринди, Гаминигни е бурундан»; «Сув келмай, банд ташла»; «Уйқу босмасдан бурун ўрин сол»; «Вақт билан ишингни ўлча»; «Ишни бир қатим ҳам кейинга сурма»; «Темирни қизигида бос»; «Совуқ темир чўзилмас»; »Тандирнинг қизиғида ёп»; «Ёз ўтади, қиш ўтади, Ошиқмасанг не битади?»; «Ошиқмаган — ортда қолар»; «Куннинг ғами — саҳардан, Йилнинг ғами — баҳордан»; «Бўлса баҳор, Тургил саҳар»; «Баҳор келди — наҳор келди»; «Муз кетмагунча — турмоқ йўқ, Муз кетган сўнг — ўтирмоқ йўқ»; «Кўклам — меҳнат билан кўркам»; «Ақлинг бўлса, бир кун илгари ҳаракат қил»; «Баҳорнинг бир куни — йилга татийди»; «Бир кун — бир йилни тўйдирар»; «Кундан қолсанг — ойдан қоласан, Ойдан қолсанг — йилдан қоласан»; «Бир кунликдан қолдинг — бир йилликдан қолдинг»; «Бозордан қолсанг — бир кун қоласан, Экишдан қолсанг — бир йил қоласан» (кейинги мақолларда экин экиш мавсумида фурсатнинг наҳоятда ғанимат бўлиши уқтирилган. Ота-боболаримиз экишнинг қулай пайти етгач, бу ишни сира ҳам кечиктирмасликка катта эътибор берганлар. Ҳатто халқимиз орасида шундай муболағали гап ҳам борки, сепилаётган мошнинг бирор донаси ҳўкизнинг устига тушиб қолиб, бир нафасдан сўнг ерга тушса ҳам, ҳосили камроқ бўлади, дейдилар); «Қишда бўлган тайёр ер, Эккин эрта баҳор дер»; «Эрта эккан — эрта йиғар»; «Эрта эккан — хирмон қилар, Кечга қолган — армон қилар»; «Эрта эккан — бутун олар, Кечга қолган — ўтин олар»; «Кечки экиннинг хатари кўп» («Кечга қолиб экилган экин яхши амал олмайди, мўл ҳосил тугмайди, ҳосили кеч етилади, ҳатто кеч кузга борганда хали тўла пишиб улгурмай, совуқ уриши, қор-ёмғир остида қолиб кетиши ҳам мумкин», дейилмоқчи); «Кечиккандан — кеч!» («Кечиккан экиндан кечиб, умидингни узибоқ қўяқол. Ҳар қанча уринганинг билан, барибир совуқ кунлар бошлангунига қадар ҳосилни етилтириб улгуролмайсан, меҳнатинг зое кетади», дейилмоқчи); «Куйган тери ёзилмас». Тери — молнинг, қўй — эчкининг, ҳайвоннинг териси шилиб олингач, хомлигида офтобда қолса, қизийди, сасийди, куяди. Сангобга (суюқ дори солиб, терига ишлов бериладиган чуқурчага) тушганда, ўша куйган жойлари сира ҳам ёзилмайди.

Бу — теринінг офтобга ёйиб қуритилганда ўз вақтида йиғиб олинмай, қуйдириб қўйилгани оқибати. «Уч, учдан кейин — пуч» (Бу сўз болаларнинг бекинмачоқ ўйинидан олинган: бир бола кўзини бекитиб туриб, «бир, икки, уч, учдан қолган — пуч» деб айтади. У ушгача санагунича бошқа болалар бекиниб улгурсалар — хўб-хўб, ундан кейин бекиниш ҳисобга ўтмайди, ютқазади, Мазкур мақол билан ҳам: «Ҳар бир ишни ўз вақтида, ғаниматида қилиб қол, вақтни ўтказиб юборсанг, армонда қоласан», дейилмоқчи); «Бош кетгач, сочга аза тутилмайди»; «Кеч бошлаган — кечикар»; «Қиркида қўлга соз олган — қиёматда қулоғини бурайди» (Биргина соз ўрганишни эмас, умуман ҳар бир ишни кеч, ёшни ўтиб қолганда бошлаган одам уни охирига етказиши — амримаҳол», дейилмоқчи); «Куз ғамини ёз ўйла, Ёз ўйламасанг — юз йила (Кузда баракали хирмон кўтараман десанг, ёзданоқ бунинг тараддудини кўр — экинингни яхшилаб парвариш қил. Ёзнинг ғаниматкунларида ҳаракатингни қилиб қолмасанг, ҳосил тўпламасанг, қулай фурсат ўтганидан кейин, кузда ҳар қанча қилган ҳаракатингнинг фойдаси бўлмайди», дейилмоқчи); «Ёзда ўлмаган — кузда ўлмас»; «Ҳосил пеш олгандан сўнг солинган тўғоннинг фойдаси йўқ»; «Чилла, ҳар дами — тилла» (Бунда ёз чилласи назарда тутилган ҳамда деҳқончиликда, экинларни парвариш қилиш, мўл ҳосил тўпланида ёз чилласининг ҳар бир куни, ҳар бир соати ва дақиқаси нихоятда ғанимат, нихоятда қимматлидир. Шунинг учун ҳам бу даврда фурсатни сира бой бермай, ҳаракатингни қилиб қол» дейилмоқчи); «Асад — экинингни асат» (асад куёш йили бўйича бешинчи ой бўлиб, 22 июль билан 21 август оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу даврда ҳарорат юқори бўлиб, ҳаво ғоятда кучли иссиқ берилса, экин ривожланиб, мўл ҳосил тўплади. Масалада ана шу ғанимат фурсатда истиқомат ишлаб, мўлгор ҳосил тўплашга даъват этилган); «Асад — парасад» (асад қилмоқ — кўчат ўтқазмоқ, экин экмоқ, «Экин экиш, сабзавот кўчатларини ўтқазиш шу ойдан, яъни 21 августдан кейинга қолиб кетса, ҳаво ҳарорати тобора пасая бориб, экинининг яхши амал олишига ва кутилган ҳосилни тўплашига имкон бермайди», дейилмоқчи); «Куз келди — қишнинг кўшниси келди»; «Кузнинг бир куни — қишнинг бир ойини боқади» (Пишиб етилган ҳосилни ўриб-йиғиб олишда кузнинг ҳар бир куни — ғанимат. Агар шу ғанимат фурсатдан унумли фойдаланиб қолинмаса, тез орада ёғин-сочинли ва совуқ кунлар бошланиб, ҳосилнинг бир қисми далада, дарахтларда, токларда қолиб кетиши мумкин. Кузнинг бир кунида жамғарилган ҳосил — қишнинг бир ойига татийди», дейилмоқчи); «Куз кутиб турмайди»; «Кучинг бўлса — кўрсатиб қол, Кузда ҳосил кўтариб ол!»; «Ўрилган буғдойга қиров тушмас» (Буғдойни кечикмай, ўз вақтида ўриб-йиғиб олсанг, ҳосилинг қиш-кировли кунларгача далада қолиб, нес-нобуд бўлмайди», дейилмоқчи); «Қолган ишга кор ёғар»; «Эртаги иши кечга қўйма»; «Бугунги ишни эртага қўйма»; «Эртанинг ҳам ўзига яраша иши бор»; «Ошинг қолса — қолсин, Ишинг қолмасин!»; «Ош қолса — давлат, Иш қолса — меҳнат» («Ейдиган ошинг бир оз ортиб қолса — бу сенинг нақд бойлигинг, тайёр овқатинг бўлиб тураверади. Аммо, қиладиган ишингни ўз вақтида тугатмай, чала қолдирсанг, кейин бу ишни битириш — сенга ортиқча ташвиш келтиради, ортиқча вақт сарфлашни, ортиқча ҳаракат қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳар бир ишни ўз вақтида қилиб қўй», дейилмоқчи).

Ишнинг ўзини билгунча — кўзини бил.

Бу билан ҳар бир ишда тадбиркор, ишчан, меҳнатсевар, уддабурон бўлишга даъват этилади. «Ишнинг кўзини бил, Ғўзанинг — илдизини». Ишнинг кўзи — осон, қулай, ўнғай, умумий томони; ғўзанинг — мушак-мушакларини ифорат бўлиб, бу мушакларнинг оралиғи парда билан ажралиб туради, Ана шу парда билан

ажралган жойини «жиг» деб атайдилар. Бундан ташқари, суякларнинг бир-бирига туташган ва ажраладиган жойини ҳам «жиг» дейдилар. Гўштни бузиб, яъни бўлакларга бўлиб тузлаётганда жиг-жигига ажратилмаса, пиширганда, тўғраганда, айниқса, норин тўғраганда, гўшт толалари пичоққа кўндаланг келиб, кукун бўлиб, бебарака бўлади. Шунинг учун ҳам уста тўғрамчилар ҳар бир бўлак гўштнинг жигини билиб, пичоқ солганда қийғочлаб тўғрайдилар. Натижада норин учун тўғралган гўшт талқон бўлиб кетмай, узун-узун тола бўлиб қолади, еганда мазаси оғизга уннайди. Устихоннинг жигини билган уста одамлар гўштни ҳомлигида бўлакларга ажратаётганларида болта ишлатмай, пичоқнинг учи билан иш кўрадилар. Натижада суяклар болта билан чопилгандагидек майдаланиб кетмай, бутун-бутун бўлиб чиқади. Мазур мақол билан умуман ҳар бир ишнинг ана шундай зарур томонларини билиб, ўзлаштириб, ўрганиб олишга даъват этадилар; «Ишнинг «жиги»ни билган — армонда қолмас»; «Ган билгунча — иш бил» (Бир нарсани билар-билмас маҳмадонагарчилик қилма. Ундан кўра иш ўрган, шу сенга фойда бўлади» дейилмоқчи. Кўпинча бу мақолни тескари маънода — «Иш билгунча — ган бил!» деб айтиб, у ёки бу иш ўзининг қўлидан келмайдиган ё кўлидан келса ҳам, қилишга эринадиган, аммо гапга усталиги билан енгиб чиқиб кетадиган, шу ҳислати билан пул ва обрў-эътибор топиб юрадиган устамон одамларга қочирим қиладилар); «Ишқда Тоҳир бўл, Ишда моҳир бўл» (бунда халқнинг «Тоҳир ва Зуҳра» эртагидаги Тоҳир назарда тутилган ва у чинакам севги, муҳаббат ва вафодорлик рамзи сифатида ифода этилган); «Чин моҳирга — ишнинг сири очилар»; «Қаловини топсанг, қор ёнар». Қалови топилса, чойир ўтин ҳам, ҳўл ўтин ҳам ловуллаб ёниб кетади. Бу ҳол мажозга кўчган: «Ишнинг кўзини билсанг, ҳар қандай мушкул ишни ҳам бажара оласан, удласидан чиқасан», демоқчи бўладилар; «Қаловини топсанг — қор ёнар, Қаловини топсанг — мой ҳам ёчмас»; «Йўлини топса -- сув тошни ёради»; «Эпини топган — элак билан сув ичар»; «Эпини топган — икки ошар»; «Эпини топган — Ойга учар, Эпини топмаган — сўз бичар»; «Етук киши қўли билан қуён тутади»; «Арслон билан сичқонни зўр билан тутиб бўлмайди» (Ваҳший ҳайвонларнинг энг зўри — арслон бўлиб, уни зўрлик билан, яъни куч ишлатиб тутиш — амри маҳол. Ҳийла йўли билан қопқонга туширса бўлади. Бунинг аксича, махлуқотнинг энг кичиги ва кучсизи — сичқон бўлиб, у зийрак, хушёр, чаққон чопағон бўлганлигидан, тўғридан-тўғри тутиб бўлмайди. Уни ҳам ҳийла йўли билан қопқонга туширса бўлади. Биргина ҳайвон тутишда эмас, умуман, ҳар бир нарсада ишнинг устаси бўлиш керак); «Сайёдда макр бўлмаса, домига ов илинмас»; «Чўпоннинг чаққони — такадан сут соғади» (така — эчкининг эркаги бўлиб, ҳеч вақтда сут бермайди. Муболага тарзида айтилган бу мақол билан: «Ишбилармон, уддабурон одам энг мушкул ишнинг ҳам, зоҳиран сира имкони бўлмаган ишнинг ҳам удласидан чиқади», демоқчи бўладилар. «Хўрозни соғиб, сутини олади»: «Ошковоқни қайнатиб, ёғини олади» деган ибораларни ҳам уддабурон одамларга нисбатан қўллайдилар); «Овчи уста бўлса — қарқуноғи тувалоқ олади» (Қарқунок — ов қуши эмас, у лочин, қарчигай, итолғи, бургут сингари бошқа қушларни овлай олмайди. Тувалоқ — йирик қуш бўлиб, айримларининг тирик вазни 15—20 килограммни ҳам ташкил этади, гўшти мазали бўлади); «Уддабурон ўргумчакка шойи тўқитади»; «Уддабурон қурвақага тақа қоқади»; «Уддабурон маймунга бўйра тўқитади»; «Уддабурон аждарга ер ҳайдатади»; «Топағон ойдинда игна топар, жангалда — шўрва»; «Ишнинг қийин тарафини ўйла, осон тарафини кўзла»; «Кулни туфлагунча, чўғни пуфла»; «Тошнинг кўзига ур, тиканни тубидан уз»; «Игна билан битадиган ишга жуволдиз тиқиб ўтирма»; «Чивинга чўқмор кўтармоқ на ҳожат?!»; «Чумчуқни тўп билан отиш -- ақлдан эмас»; «Бош билан битадиган ишга оёқ огритма»; «Қўл билан очиладиган

чигалга тиш синдирма»; «Туя юкка келмаса, юкни туяга элт»; «Қайиқни оқимга қараб ҳайда»; («Жисмонан ё руҳан чарчаганингни сезсанг, қилаётган ишингни вақтинча тўхтатгин-да, даминги ол. Барибир чарчаганда қилган ишинг унумли ҳам, сифати ҳам бўлади. Яхши дам олиб, ўзингга келганингдан кейин иш қилсанг, унинг унуми кўп бўлади, дам олиш учун кетказган вақтингда бажара олмаган ишингни ҳам икки-уч ҳисса қоплайди», дейилмоқчи); «Ўрмонга ўтин элтилмас, Кермонга — зира» (Кермон — хушбўй зираси билан машҳур бўлган, зира кўп ўсадиган жойнинг номи); «Тўқайга ўтин элтилмас, Денгизга — сув»; «Дарё бўйида қудуқ қазима»; (Бу кейинги уч мақол билан: «Бехуда, ҳожати бўлмаган нарсага уруниб, ўзингни бекорга овора қилма. Ишнинг кўзини бил», демоқчи бўладилар); «Асалари тўғри келган гулга қўнавермайди» («Асалари тўғри келган гулга қўнмай, шира чиқадиган гулни ахтариб топади, ундан керагини олади ва ишини битиради. Киши ҳам мўлжалланган ишининг битадиган тарафини кўзлаши, унмагандан деб овора бўлиб ўтирмай, унадиган нарсани, жойни ахтариб топиши лозим», дейилмоқчи); «Узилган гулдан яхши ари бол йиғмайди»; «Бўш тўрва билан — от тутилмас» (Емга ўрганган от агар қочиб кетса, унга тўрвани кўрсатадилар. Қочиб юриб-юриб, ахири оч қолган от тўрвага яқинлашиб келади, агар тўрванинг ичида еми бўлса, келиб сябошлайди. Шу пайт уни тутиб оладилар. Агар тўрва бўш бўлса, яқинлашиб келаётган от унинг бўшлигини фаҳмлаб, яна қочиб кетади. Шунингдек, ҳар бир ишни битказишнинг йўлини билиш керак бўлади», дейилмоқчи); «Узоққа тузоқ қўйма»; «Боқсанг — битар, Қоқсанг — йитар» («Молни боқсанг — битади, яъни семиради, сўйсанг, сўйилиб, йўқ бўлиб кетади. Кийимни авайлаб кийсанг, кўпга етади. Авайлаб, чанг-чунг қилиб, ҳадеб қоқаверсанг, йитади, яъни тезда титилиб, йўқ бўлиб кетади», дейилмоқчи); «Сомон йиғсанг — пул бўлар, Ўтин ёқсанг — кул бўлар» («Ҳар бир нарсани ҳам бордан йўқ қилиш тарафини эмас, йўқдан бор қилиш тарафини кўзла», дейилмоқчи); «Йўқни бордай қил, Борни болдай қил»; «Куч йиқмас, амал йиқар»; «Кучига ишонган — йиқилар, Ақлига ишонган — йиқитар»; «Экин эксанг илм билан, Мўлиқарсан элинг билан»; «Илмсиз тажриба — боши берк кўча» («Ҳар бир касб — ҳунарнинг ўзига хос илми, амали, усули, қулай йўл-йўриғи бўладики, буларни билмаган одам қийналиб, ишнинг уддасидан чиқа олмай, боши қотиб, иложсиз ва чорасиз бўлиб қолади», дейилмоқчи).

Ишонган тоғда кийик ётмас.

Ҳаётда баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлиб турадики, киши бир нарсани «Фалон жойда бор, у ерда албатта бўлади», деган ҳаёл билан қатъий ишониб, умид боғлаб боради. Аммо у ерда истаган нарсаси бўлмайди, илгари бор бўлса ҳам, кейин тугаб кетган бўлади. Мазкур мақолни ана шундай пайтда айтадилар. Бундан ташқари: «Бир нарсанинг бирор ерда борлигига олдин аниқ ишонч ҳосил қил-да, кейин уни истаб бор. Пухта ўйламай, аниқ билмай, хом хаёл билан бориб ҳам ўзингни-ўзинг овора қилиб ҳам юрма», деган маънода насиҳат қилганларида ҳам айтадилар.

Ишонганим сен бўлсанг, кўрган куним не бўлар?

«Қариб, ҳолдан тойганимда, бошим ёстиққа етганда мени боқади, суянчиғим бўлади» ё «Бирор мушкул аҳволга тушиб қолсам, менга кўмаклашади, огиримни енгил қилади», деган ниятлар билан бир одам бир одамга (масалан, ота-она фарзандига, киши яқин дўстига ва б.) қаттиқ ишонч боғлаб, эътиқод қўйиб юрса-ю, у одам кези келганда кутилгандек, иш қилмаса, боқмаса, қарамаса, ёрдам бермаса, унга қарата юқоридаги мақолни айтадилар.

Ишонмагин «дўстингга»— сомон тиқар пўстингга.

Қадим замонларда подшоларнинг жаллодлари айбдор одамларни «Чор

мих қилиш», «Пўст тортиш» деб аталувчи қийнов усуллари билан ҳаддан ташқари азоблаб ўлдирадилар. Бунда улар айбдорни махсус ишланган тахтага юз тубан ётқизиб, икки қўли ва икки оёғини кериб михлардилар. Шунда ҳам у ўз айбига иқрор бўлмаса, терисини (пўстини) бутун қилиб шилиб олиб, ичига сомон тиқиб, бошқаларга ибрат бўлсин учун шаҳар дарвозасининг тепасига осиб қўядилар. Мақолда шу нарсага шама қилинган ҳамда: «Ҳар кимни ҳам чин дўстим деб ўйлаб, сир-асрорингни айтаверма. «Дўст» ниқоби остида юрган душманинг сиринги билиб олгач, сени «сотиб», роса адабингни бердириши мумкин», демоқчи бўлинган. Вар.: «Ишонмагил ошнангга, Ошнанг урар пошнангга»; «Дўстларимдан ўзинг сақла, Душманларимни ўзи биламан».

Ишонч бўлмаса ўзингда, нишон қолмас сўзингда.

Бу билан: «Бирор нарсага агар ўзингда қатъий ишонч бўлмаса, бир ишни қила олишга ўзингни кўзинг етмаса ё бирор нарсанинг ҳақиқатан ҳам тўғрилигига ўзинг чин дилдан ишонмасанг, бу ҳақда айтган сўзинг ҳам ишончсиз ва шубҳали бўлиб чиқади, унга ҳеч ким ишонмайди, сенинг шамолдай беқарор сўзингдан ном-нишон ҳам қолмайди», демоқчи бўладилар.

Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди.

Ўзининг катта айби бўла туриб, ўзгаларнинг арзимаган айбига қулувчи, масхара қилувчи одамларга нисбатан киноя тарзида қўлланилади. Вар.: «Кўйлаги йўқ енги йиртиққа кулар»; «Йиртиқ оғиз тиртиқ оғизга кулибди»; «Йиқилган қоқилганга кулибди»; «Ботган тойгандан кулибди»; «Ўзининг йиртиғини кўрмаган — ўзганинг тиртиғидан кулар»; «Чиғир ғалвирга кулар»; «Эчкиники минг очилса — айби йўқ, Қўйники бир очилса — айб»; «Илон ўз эгрилигини билмай, туянинг бўйнини эгри дейди».

Иштони йўқ эл кезар.

Бу мақолни уйда ҳеч балоси йўқ, оиласига, бола-чақасига қарамай, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиб, фақат ўз роҳатини кўзлайдиган, ўз маишатини ўйлаб, кўчама-кўча, чойхонама-чойхона, шаҳарма-шаҳар тентираб юрувчи кишиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Иштонсизнинг тушига уч қари бўз кирибди.

Қари — узунлик ўлчови бирлиги бўлиб, турли географик муҳитларда ва турли даврларда турлича узунликни англатган. Масалан, Хоразмда XIX асрда бир қари 48,94 сантиметрга, Бухорода 320 сантиметрга; Тошкентда — бозор «қари» си 177,8 сантиметрга, хон «қари» си 213,36 сантиметрга; Фарғонада — узун қари (буни «қулоч қари» деб ҳам юритардилар) 164,45 сантиметрга, калта қари 265,76 сантиметрга тенг бўлган (В. Хинц, Е. А. Давидович, Мусульменские меры и веса). Маълумки, Октябрь инқилобидан илгари меҳнаткаш халқнинг социал-иқтисодий аҳволи бениҳоя оғир эди. Юқоридаги мақолда ва унинг қуйида келтирилган вариантлари ҳамда мазмундошларида халқ ўзининг шу оғир аҳволини, камбағаллик, йўқсиллик, кашшоқлик ва бунинг оқибатида рўй берадиган оч-яланғочликни турли мисоллар воситасида ёрқин ифода этган: «Оч товуқнинг тушига дон киради»; «Оч товуққа ҳамма нарса буғдой бўлиб кўринади»; «Ярли ямаганга қувонар» («Ярли — камбағал, йўқсил йиртилган кийими ямалса, шунга ҳам қувонади», дейилмоқчи); «Янги кийган бўз кўйлакнинг уч куни мастлиги бор» (Бўздан тикилган кўйлак арзон ва кўримсиз бўларди. Бу мақол билан: «Шўрлик камбағал аллайқайтиб бирор янги бўз кўйлак кийишга етишгудек бўлса, бир неча кунгача ўзида йўқ хурсанд бўлиб юради», демоқчи бўлганлар); «Камбағалнинг ҳайити — янги кўйлак кийганда» (ҳайит — бунда «байрам, шодиёна, хурсандчилик кун» деган

маънода келтирилган); «Камбағални урма-сўкма — кийимини йирт» («Камбағалнинг энг арзанда нарсасини, яъни зўрга етишадиган кийимини йиртманг, бу нарса унга ҳар қанча урган-сўккандан қаттиқ ботади», дейилмоқчи); «Беш боламизга — бир иштон, Қандай чиқамиз бу қишдан?»; «Яланғочга — ёз яхши».

Ишчаннинг ўнта қўли бўлса, ўновига ҳам иш топади.

Кишининг қўли беш бармоқдан иборат бўлиб, буни кўпинча «беш қўл» деб ҳам атайдилар. Мазкур мақол билан: «Ишчан, меҳнатсевар, сергайрат одам ҳали иккита қўли экан-ку, агар ўнта қўли бўлса, ўновига ҳам иш топади.

Ишқ демак — дунёни севмак.

Ишқ — фақат ёрга муҳаббат қўйишгина эмас, балки Ватанни, она юртни, халқни, оилани, ота-онани, болачақани, кишиларни, ҳаётни ва ҳ.к. севишдан ҳам иборат бўлган кенг маънодаги тушунчадир. Мазкур мақол билан дунёни, яъни кишини ўраб турган бутун борлиқни — ҳаётни севишга, унга меҳр-муҳаббат қўйишга, унинг равнақи йўлида тинмай ҳаракат қилишга даъват этадилар.

Ишқи борнинг — рашки бор.

Вар.: «Ишқ билан рашк — эгизак»; «Аччиғи йўқ қалампир бўлмас, Рашки йўқ хотин бўлмас»; «Севгининг рашксиз бўлиши — гулнинг тикансиз бўлиши билан баробар»; «Рашкнинг ўртоғи — шубҳа»; «Рашкнинг кўзи кўр» («Рашк қилувчи одам ўз тахминига, ўз шубҳасига шу қадар ишонган бўладики, ҳатто у айни ҳақиқат айтилса ё исбот қилинса ҳам, тан олгиси келмайди», дейилмоқчи); «Ишқи борнинг — имони бор» (имон — бирор нарсага қатъий, бутун вужуди билан ишониш. «Ёрига чинакам ишқи бор бўлган одам унинг садоқати-ю, вафодорлигига қаъий ишонади», дейилмоқчи). Умуман, юқоридаги мақолларни эринг рашк қилишидан хафа бўладиган, нолийдиган хотинга ёхуд хотинининг рашк қилишидан хафа бўладиган, нолийдиган эрга: «Қўйинг, хафа бўлманг, ҳамонки рашк қиларканми, демак сизни севаркан. Ишқ деганинг ўзи шунақа — рашксиз бўлмайди», деган маънода тасалли берганларида қўллайдилар. Шунингдек, «Эрдан ё хотиндан ҳудабехудага рашк қилиш — яхши эмас. Ишқ қўйгандан кейин унинг садоқатига, вафодорлигига ишониш ҳам керак», деб насиҳат қиладилар.

Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак.

Ишқ — юқорида айтганимиздай, кенг маънодаги тушунча бўлиб, бу ерда «бирор нарсага, бирор ишга, касб-ҳунарга чинакам меҳр-муҳаббат қўйиш, унга жон-дили билан ёпишиш, у ҳақда ўйлаш, қайғуриш, жон куйдириш, ғайрат-шижоат кўрсатиш» деган маънода келтирилган. Мазкур мақол билан: «Бирор ишга, касб-ҳунарга, машғулотга чин дилдан меҳр қўймаган, ҳаракат қилмайдиган, жон куйдирмайдиган, ҳар бир нарсага бефарқ қарайдиган, данғаса, боқи бегам одамнинг — қорнидан бошқа қайғуси бўлмаган, бефаҳм, бетамиз эшакдан ҳамда ҳеч қандай дардсиз, ҳаракатсиз, ташвишсиз ётган кесакдан фарқи йўқ», демоқчи бўладилар. Вар.: «Оғриқсиз бош — бош эмас»; «Оғриқсиз бош ер тагида керак»; «Ярим кунлик умринг бўлса, бир кунлик гаминг бўлсан».

Игвогарнинг ўзи ёмон, ўзидан ҳам сўзи ёмон.

Халқ ёлғон-яшиқ сўзлар билан, чақма-чақарлик билан кишилар орасига нифоқ солувчи, фисқ-фасод кўзғовчи игвогар, фирибгар, ғийбатчи, чақимчилардан ҳазар қилади, уларни энг тубан кишилар деб билади. Қуйидаги мақоллар ҳам шундай кишиларга нисбатан нафрат билан айтилган: «Ғийбатчи буқиб гап йиғар, Товуқ чўқиб чўп йиғар»; «Пахта ўзига нам тортар, Ғаммоз ўзига ғам тортар» (ғаммоз — сир очувчи, чақимчи. «У яна кимнинг сирини фош

килсам экан, яна кимни чақиб, унинг тортадиган азобини кўрсам экан, деб ўйлаб, ўзидан-ўзи ғам чекиб юради», демоқчи); «Уйингга кириб ошингни ер, Кўчага чиқиб бошингни ер»; «Бўрига қўшилиб қўйни ейди, Эгасига қўшилиб кўз ёши қилади» (Бу кейинги икки мақол билан: «Иғвогар, чақимчи, ҳасадчи, ғийбатчи, дилгир одамларнинг аксарияти айёр ва муғомбир бўлади: кўзингга «дўст бўлиб кўриниб, душманнинг ишини қилиб кетади», демоқчи бўладилар); «Ғийбат яқинни ёт қилар, тотувни — араз».



Йигит деган эр бўлур, меҳнат кўрса шер бўлур.

Вар.: «Марднинг марди майдонда синалар, Йигитнинг йигити — меҳнатда»; «Йигит иш бичувда билинар, Туя — сув кечувда» (туя бошқа ҳайвонларга нисбатан сувга ожиз бўлади. У сузишни билмайди. Оёғи сув тубидан кўтарилди дегунча, оқиб кетади. Шунинг учун ҳам туя саёз сувлардангина кечиб ўта олади; иш бичмоқ — ишнинг режасини билмоқ) «Йигит моли — ерда». («Агар у меҳнат қилсагина, машаққатларга чидасагина ердан бойлик ундира олади», дейилмоқчи.

Йигитнинг кучи — қуюн шамол.

(Қуюн — қаттиқ шамол, довул. Бирпасда ҳамма ёқни остин-устин қилиб, ўтиб кетади). Йигитнинг «тоғни урса талқон қиладиган» кучи ҳам шундай: доимий эмас, ўткинчи. Мазкур мақол билан: «Шу кучдан ўз вақтида фойдаланиб қолиш керак», дейилмоқчи.

Йигит ориф бўлса, аслини сўрама.

Ориф — ҳар жиҳатдан муносиб, етук, тартибли, ахлоқли, маърифатли, олим, доно, билимдон ва б.

Йигит сўзи бир бўлур, бир бўлса ҳам тинг бўлур.

(тинг-қатъий, маҳкам). «Асл йигит аввало бир гапни айтмайди, айтса, ўша сўзида қатъий туради, унга амал қилади», дейилмоқчи. Вар.: «Йигит сўзидан қайтмас, Арслон — изидан»; «Йигитни бир сўзлик безар».

Йигитга йиғи ярашмас.

Бу билан: «Эр йигит чидамли, матонатли бўлмоғи, арзимаган нарсадан қўрқиб, чўчиб, йиғлаб-сихтаб юрмаслиги лозим», дейилмоқчи.

Йигитлик — бир гулистон, қарилик — бир зимистон.

Вар.: «Йигитлик — гулистон, қарилик-гўристон»; «Йигитлик — мастлик, Қарилик — сустлик»; «Йигитлик — умр гулшанининг боғи»; «Йигитлигим елдай ўтди, Қарилигим қавсаб етди» (қавсамоқ — ўраб олмоқ, қуршаб олмоқ). Бу мақол кексайган кишининг тилидан афсусланиб айтилган бўлиб, «Йигитлигим ел каби тез ўтди-кетди, мана энди қарилигим яъни, ожизлигим, хасталигим ҳамма ёқдан ўраб, қуршаб келди. Бундан қочиб қутулишнинг имкони йўқ», дейилмоқчи; «Йигитлик елиб ўтар, Қарилик — чопиб» (умрнинг тез ўтиши отнинг елиб юришига ташбиҳ этилган); «Йигит қўлин тенги йўқ»; «Йигитга оғир нарса ҳам енгил туюлади, Кексага енгил нарса ҳам оғир туюлади». Мазкур мақоллар билан йигитликнинг, ёшликнинг қадрига ўз вақтида етиб қолиш зарурлиги, акс ҳолда қаригандан кейин ҳар қанча уриниш ҳам бефойда бўлиши уқтирилади.

Йигитлик бўстондир, қарилик хазон,
Бўстонни хазонга сотувчи бўлма
(Махтумқули).

Йигитнинг сазоси сингунча, хўкизнинг шохи синсин.

Сазо — оний истак; интилиш; шахт; илтимос, илтижо. Ота-боболаримиздан қолиб келаётган бир одат бор-

ки, йигитларни ниҳоятда ҳурмат қиладилар. Уларнинг сўзини ерда қолдирмайдилар. Агар йигитлар қариялардан бирор нарсани айтиб беришни, чалиб беришни, ижро этишни илтимос қилсалар, қариялар юқоридаги мақолни келтириб, уларнинг илтимосини бажо қиладилар. Вар.: «Йигитнинг сазоси сингунча, шайтоннинг бўйни узилсин»; «Йигитнинг сазоси ўлгандан — ўзи ўлгани ортиқ»; «Йигит кўнгли — подшо»; «Йигит — овулнинг эрки»; «Йигит кўнгли ипакдир, бир чигилса чўзилмас»; «Йигитнинг хуни — юз йилқи, ори — минг йилқи»; «Йигитнинг хўрлиги — ўлимдан қаттиқ».

Йигитнинг яхши йўлдоши — мардлик.

«Йигит ўзига энг яхши, энг содиқ йўлдош истаса, мардликни йўлдош қилсин. Мардлик уни ҳеч қачон йўлдан оздирмайди, хор-зор қилмайди», деган маъно яширинган бу мақолнинг «Йигитга мардлик яраша-ди»; «Йигитликнинг зийнати — мардлик»; «Йигитликнинг нишонаси — мардлик» каби вариантлари ҳам бор.

Йил боши — иш боши.

Ота-оналарнинг ҳисобига кўра, Ўрта Осиёда янги йил 22 мартдан — наврўздан бошланади. Деҳқонлар, боғбонлар наврўз кириши билан ўз ишларини жонлантириб, қизғин тус олдириб юборадилар.

Йилнинг ойи кўп, ойнинг куни кўп.

Бир одам бир одамга бирор нимани ваъда қилса-ю, уни вақтида бажармай, галга солиб, алдаб-судлаб юрса, ахири у одамнинг тоқати тоқ бўлиб, жаҳли чиқиб: «Ахир қачон қиласан (ё берасан), йилнинг ойи кўп, ойнинг куни кўп, бир кунни аниқ айтгин-да!» дейди.

Йилқининг минса усти, ичса сути, еса эти бор.

Вар.: «Йилқи — молнинг пошшоси, Туя — молнинг қашқаси» (қашқаси таниқлиси, кўзга кўринадигани); «Йилқининг бўзи яхши»; «Йилқининг гўштини есанг — тишингга киради, емасанг — тушингга киради» (йилқининг гўшти бошқа молларнинг гўштига нисбатан қаттиқроқ, аммо лаззатли (айниқса, қази қилинса) бўлади. «Емасанг, уни кўмсаганингдан, ҳатто тушингга ҳам кириб чиқади», дейилмоқчи); «Йилқи сўйган уйга уч кунгача бор, Сигир сўйган уйга уч кундан кейин бор» (йилқининг гўшти янгилигида сели билан юмшоқ, лаззатли бўлади. Йилқи сўйилган уйга уч кунгача борган одам унинг гўштини хуштаъмлигида еб, маза қилади. Мол гўшти нимтатир қилиб тузланса, уч кундан кейин унга тузнинг таъми сингиб, хушхўр бўлади).

Йилқичининг еганини бирда ит емайди, бирда хон емайди.

Вар.: «Йилқичининг бир кўрганин хон кўрмайди, бир кўрганин ит кўрмайди». Ўтмишда йилқибоқарларнинг меҳнати ниҳоятда оғир бўлган. Уларнинг чеккан азоблари баъзан «ит азоби»дан ўтиб кетарди. Баъзан эса, бирор сабаб билан йилқи сўйиб қолинса, улар гўштнинг энг мазали, хуштаъм жойини еб, маза қилардилар. Мазкур мақолларда шу ҳол ифода этилган.

Йитган ўқни отган ўқ топар.

Алишер Навоий севгилисининг висолига тўймаганини шу мақол воситасида қуйидагича баён этган: «Новакинг қўнглумда гар итти ҳамул андоз ила, Они топмоқ истасанг, жоно, яна бир новак от». Бу билан шоир: «Отган киприк ўқинг (новак — камоннинг ўқи, мажозда — киприк) кўнглимда йўқолди. Энди бу отган ўқингни топмоқчи бўлсанг, яна бир киприк ўқингни от, жоним», демоқчи бўлган.

Йиқил, йиқил, фақирга йиқил.

Вар.: «Қулоқ солсанг ақлга, Қуллук қилгил фақирга»; «Қулга қуллук қилмасанг, Қул сенга қуллуқ қил-

мас». Бу мақоллар билан: «Бир нимага муҳтож бўлиб, йиқиладиган (яъни, бировга ёлворадиган) бўлсанг, камбағал, фақирга йиқил. У сендан борини аямайди, холисона ёрдам қўлини чўзади. Бойга ёлвориб боргудай бўлсанг, у ҳам беради, аммо бунинг эвазига сени ўлгудай ишлатиб,«ёғингни» олади, тирноғингни ўстирмайди», дейилмоқчи.

Йиқилган курашга тўймас.

Вар.: «Тўкилган тўлмас, Йиқилган тўймас; «Ютқазган ўйинга тўймас, Йиқилган — курашга»; «Йиқилган ерга тўймас». Бу мақолларни бирор ишнинг уддасидан чиқа олмаган бўлса ҳам ҳадеб беҳуда уринаверадиган одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Бундай одамни беҳуда уринмасликка ундаганда «Йиқилсанг, ерга ёпиш» деган мақолни ишлатадилар.

Йиқилганни ер кутар.

Бу мақолни кураш тушганда йиқилган, одамлар ўртасида изза бўлган ва, умуман, бирор нарсада енгилган, мағлубиятга учраган одамнинг кўнглини кўтармоқчи, тасалли бермоқчи бўлганда айтадилар. Вар.: «Йиқилганни ер кўтарар, Қоқилганни — эл»; «Йиқитган йиқилганни суяр» (курашчи полвонларнинг таомили шундай: йиқитган одам йиқилган одамни суяб, турғазиб, қўяди); «Йиқилганни тепиб ўтма, суяб ўт» («Уни мазах қилиб, баттар уялтирма, кўнглини кўтар, тасалли бер», дейилмоқчи). «...Тағин дегин, райкомдагилар қаттиқ хафа қилишади. Шу маҳалгача қилган ҳамма тоат-ибодатларим қолиб, арзимаган бир иш учун ота гўри қозихона қилишди. Энди мана сен йиқилганнинг устига чиқиб тепяпсан» (О. Ёқубов, Қанот жуфт бўлади).

Йиққандан қўрқма, егандан қўрқ.

Бу билан: «Фарзандларингдан бири топганини тежаб-тергаб сарфлаш, иқтисод қилиш ҳисобига «бир кунимга ярар» деган ниятда маблағ йиғиб боришга одатланган бўлса, бундан сира ташвишланма, аксинча, қувон. Фарзандларингдан бошқа бири топган-тутганини нафсига урадиган, ғарра-шарра сарфлаб юбораверадиган бўлса, ана ундан ташвишлан, чунки бунинг оқибати яхшиликка олиб бормайди», дейилмоқчи.

Йиғлаб-йиғлаб марза олсанг, кулиб-кулиб суғорасан.

Экин майдонида пол олганда марзаси қанча баланда кўтарилса, шунча яхши бўлади: экин сувга обдан қонади, натижада ҳосили юқори бўлади. Ўтмишда ҳозиргидай кудратли техника бўлмаган, албатта. Деҳқонлар кетмон билан марза олганда озмунча тер тўкиб, озмунча азият чекмаганлар. Ота-боболаримиз бу мақол билан: «Марза олишда ҳар қанча қийналсанг ҳам чида, бардам бўл, эринма, кейин суғорганда қийналмайсан, кўтарадиган хирмонинг баракали бўлади», деган маънода деҳқонларга насиҳат қилганлар, тасалли берганлар. Мажозан: «Машаққат чекиб қилган меҳнатингнинг роҳатини кўрасан», деган маънода ишлатилади. Вар.: «Ўйлаб-ўйлаб жўяк очсанг, ўйнаб-ўйнаб суғорасан»; «Ариқ казимасанг, отизга сув бормас» (отиз — полиз, экин майдони); «Ариғингни новдай қилсанг, Хирмонингни товдай қиласан» (тов — тоғ).

Йиғлаган кўзга — ёш, тилаган оғизга — ош.

Бу мақолни: «Дунёда ҳар ким тилак-истагига эришмай қолмайди. Бунинг учун у курашса, интилса, ҳаракат қилса бас», деган маънода қўллайдилар. Вар.: «Йиғлаган кўзга ёш берур, Еган оғизга ош берур».

Йиғлаганга ҳам бир чалпак, йиғламаганга ҳам бир чалпак.

Бу билан: «Бир жойдан бир нимани оларда раҳмини келтираман, деб йиғласам, ялиниб-ёлворсам ё жанжаллашсам, кўпроқ ундираман, де-

ган хаёлга бориб, овора бўлмаёқ қўя қол, барибир сенга тегишлисидан ортиғини бермайдилар», дейилмоқчи.

Йиғлаганнинг олдидан инграган чиқар.

Вар.: «Йиғлаб борсам, ҳўнграб чиқди»; «Сен ўлганга — мен ўлган». Бир одам бир одамга ўз дардини айтиб, «юрагини бўшатиб олмоқчи» бўлганда, у одам ҳам ўз дардини айта кетса, «хасратидан чанг чиқса», бу ҳолга қарата юқоридаги мақоллар айтилади.

Йиғласа, кимнинг оғзи қийшаймайди!

Йиғлаган кишининг оғзи қийшайиши, афти бужмайиши, асабийланиши — табиий бир ҳол, албатта. Шундай одамни мазах-масхара қилган кишига: «Бундай қилишинг ноўрин», демоқчи бўлганларида ва йиғловчининг ёнини олганларида мазкур мақолни қўллайдилар.

Йиғласа, онам йиғлар, қолгани ёлғон йиғлар.

Бунда онанинг болага нақадар меҳрибонлиги, унинг ғам-ғуссасига шерик бўлиши, дардни баббаравар тортиши, бошқалар эса унинг кўнгли учунгина, номигагина ўзини қайғурган қилиб кўрсатиши ифода этилган.

Йиғласа — қайғуси бир, куйласа — чолғуси бир.

Буни бири қайғурганда иккинчиси ҳам чин дилдан қайғурадиган, дардаламига шерик бўладиган, бири қувонганда иккинчиси ҳам астойдил қувонадиган ҳақиқий дўстларга нисбатан қўллайдилар.

Йиғлоқи қизнинг тўйида ёмғир ёғар.

Маълумки, тўй-маъракада кишининг хонадонига тумонат одам келади. Шунда ҳаво айниб, кор-ёмғир ёғиб турса, бундан ортиқ кўнгилсиз ҳол бўлмайди. Одатда қизнинг тўйида ёмғир ёғса «қиз йиғлоқи экан», йигитнинг тўйида ёмғир ёғса «куёв бола хурмачанинг тагини ялаган экан», деб ҳазил қилиб қўядилар.

Йўл азоби — гўр азоби.

Ҳозиргидай темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти бўлмаган ўтмиш замонларда туя карвони, от, эшак билан ё пиёда узоқроқ сафарга чиққан одам бениҳоя азоб-уқубат чекади. Баъзи манзилларда (айниқса дашту биёбонларга, тоғу тошларга йўл тушганда) ҳордиқ чиқарадиган, овқатланиб оладиган, туя, от, эшакка ем-хашак топиб берадиган, тунайдиган жой, ичадиган сув топилмас эди. Бу ҳам етмагандай, сайёҳ баъзан йиртқич ҳайвонларга, йўлтўсарларга, ўғри-ўтрикка дуч келиб, бор буди-шудидан, ҳатто жонидан жудо бўларди. Бундай азоб-уқубатни ота-боболаримиз юқоридаги мақолда лўндагини қилиб ифода этганлар ҳамда бошқа бир қатор мақоллар воситаси билан авлодларга йўл юришнинг тартиб қоидаларини ўргатганлар: «Юришдан аввал йўл ахтар»; «Йўл сўрамай, йўлга тушма»; «Йўлни билган қоқилмас»; «Йўл қадрини юрган билар»; «Бозор билган оч қолмас, Йўлни билган кеч қолмас»; «Йўл кўрмаган йўл озар, Кун кўрмаган кун озар»; «Йўл билмаган манзилга етолмас»; «Йўл билмасанг, йўлчига боқ» (йўлчи — йўл биладиган одам); «Йўлчи йўлини билар, Тегирмончи — дўлини» (дўл — тегирмоннинг дон солинадиган кажаваси); «Йўлни карвондан сўра. Сўзни соилдан сўра» (соил — гадо); «Билмаган ёвуқ йўлдан — билган йироқ йўл яхши» (ёвуқ — яқин); «Синаган йўлингдан қолма, Синамаган йўлингга борма»; «Сафар борсанг сарисин сина, Сарисин синамасанг, барисин сина»; «Бир йўл бор — олис. Олис бўлса ҳам — яқин, Бир йўл бор — яқин, Яқин бўлса ҳам — олис»; «Йўлни олис тиним билмас»; «Йўлинг узоқ бўлса, отингни қийнама» (уни авайлаб, вақт-вақти билан дам бериб, ҳордиғини чиқариб, қорнини тўйғазиб бор, акс ҳолда ундан жудо

бўлиб, яёв қолсан», дейилмоқчи); «Йўлни юрган енгади»; «Йўртиб юрсанг, йўл унар»; «Йўртган ўзар, Ётган тўзар»; «Ёмон ҳавода йўл босгандан — тинч гўлахда кул босган яхши» (гўлах — ҳаммомнинг ўтхонаси). Ўтмишда яқин-йироқ сафарга юрганда бирорта ҳам бошпана топилмайдиган дашту биёбонда қорёмғир ёғиб турса, оламда бундан ортиқ машаққат бўлмасди. Мазкур мақолда сафарга чиқувчи кишиларнинг эътибори шу нарсага жалб этилиб, ёғин-сочинли кунларда яхшиси йўлга чиқмаслик кераклиги уқтирилган. «Елли кун йўрт, Ёғинли кун ёт»; «Бемаҳалда сафарга чиқма»; «Бемаҳал юрган қоқилар»; «Ўрта чиқсанг — олдингдан кун чиқади, Кеч чиқсанг — олдингдан тун чиқади»; «Озмайман деган йигитни коронғу тун оздиради»; «Йўлга чиқсанг, йўл озигинг мўл бўлсин»; «Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир хафталик озиқ ол»; «Овга чиқсанг, яроқсиз чиқма, йўлга чиқсанг, озиқсиз чиқма»; «Сафарга чиқсанг, пошинг бўлсин, Овга чиқсанг — қуролинг»; «Йўлга чиқмоқ на ҳожат, йўл яроғинг бўлмаса?!»; «Бехатар йўл турганда, хатарли йўлдан юрма»; «От минсанг ўйлаб узоқни, Билиб юр йўлдаги тузоқни»; «Йўлга чиқсанг, йўлдошли чиқ»; «Аввал йўлдош кейин йўл»; «Йўл топгунча, йўлдош топ»; «Йўлга чиқсанг, яроқли чиқ, Ёлғиз чиқмай, ҳамроҳли чиқ»; «Йўлга чиқсанг, йўлдошингни топ, Ўйда ўтирсанг, сирдошингни топ»; «Йўлдоши кўпнинг йўрғаси кўп»; «Йўлдошлининг йўли кенг»; «Йўли бўлар йигитга йўлдан йўлдош қўшилар»; «Йўлда қўшилган — йўлдош бўлмас». Мақолларда баъзан мана шундай бир-бирига зид бўлган фикрлар ҳам илгари сурилади. Аммо, ё унисини, ё бунисини хато дейиш ҳам ярамайди. Чунки, баъзи вазиятда униси тўғри бўлса, баъзи вазиятда буниси тўғри бўлади; «Кейинги икки ҳамроҳдан — олдинги битта ҳамроҳ яхши»; «Кузатган — йўлдош бўлмас» (кузатган — сафарга кузатиб қолган одам); «Йўлдош йўлда синалади»; «Йўлдош айбин йўл очар, Йигит айбин қиз очар, Этик айбин сув очар»; «Йўлдошинг ёмон бўлса, олис юриб туз тотма, Хотининг ёмон бўлса,киши олдида сўз қотма»; «Йўлдошинг яхши бўлса, йўлим узун дема, Йўлдошинг ёмон бўлса, қўлим узун дема»; «Йўл узоқ бўлса, йўлдошингдан кўр» (Чунки, йўлдошинг сени гапга солиб, зериктирмай кетса, йўлнинг узоқлиги билинмайди); «Ёмон йўлдошдан — яхши ёв ортиқ»; «Йўлдоши ёмонни ёв олар»; «Йўл ўгриси бўлсанг ҳам, йўлдош ўгриси бўлма» (Йўлдошингга асло хиёнат қила кўрма», дейилмоқчи); «Йўлдошини ташлаган — йўлда қолар»; «Йўлдошин топмаган эр озар, Йўлбошчи топмаган эл тўзар».

Йўл кишиси йўлга яхши.

Вар.: «Йўлчининг йўлда бўлгани яхши, Қирчининг — қирда»; «Йўлчи бўлсанг йўлда бўл, Қирчи бўлсанг қирда бўл («Йўлга отланган одам йўлидан қолмай, кўзлаган манзилига етиб олишнинг ҳаракатида бўлиши, қирга дон сепган деҳқон экинининг тепасида бўлиши зарур», дейилмоқчи); «Овчи овда, йўлчи йўлда бўлиши керак»; «Юрганга — йўл яхши, Қолганга — уй яхши».

Йўлбарс боласини тутмоқ учун йўлбарс уясига кирмоқ керак.

Бу мақол билан: «Душманни енгмоқ, уни ўз ичидан бузмоқ учун унинг юртига (гарчи ҳаёт учун хафли бўлса ҳам) бориб ин кўрган маъқул», дейилмоқчи. «Йиртқични уясида янч», деган мақол ҳам бор.

Йўлбарс қирққа кирса ҳам, ейиши — анг, қарға мингга кирса ҳам, ейиши — гўнг

(анг — ов, сайд). Мажозан «Мард, қалби пок, виждони тоза қисқароқ умр кўрса ҳам, ҳалол яшайди, ҳаётнинг лаззатидан баҳраманд бўлади. Номард, нопок, виждонсиз, дилгир, ниятн қора одам эса ҳар қанча узоқ умр кўрмасин, бари бир ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлолмайди, ифлос яшайди, кишилар ундан ҳазар қиладилар, жирканадилар» дейилмоқчи.

Йўли бўлар йигитнинг янгаси олдидан чиқади.

Ўтмишда «Қаллиқ ўйнаш» дейдиган бир одат бўларди. Бу одатга кўра, унашиб қўйилгандан кейин йигит қизникига яширинча келиб-кетиб туради. Бунда қизнинг янгаси икковини бир-бирига топиштириб қўярди. Агар янгаси бўлмаса, йигит қизнинг уйига кира олмас эди. Мазкур мақол шу одат билан боғлиқ бўлиб, «йўли бўлар (яъни, иши ўнгидан келган, омадли) йигитга янга ҳам осонгина топила қолади», деган маънода айтилган. Мажозан: «Омади келган, бахти чопган одамнинг иши ҳамавақт ўнгидан келаверади. Вар.: «Овчининг ови бароридан келса, ов ўз оёғи билан тузоққа илинади»; «Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади»; «Арийдиган огриқнинг дориси ўз-ўзидан топилади»; «Иш ўнгидан келса, устаси олдидан чиқади» ва б.

Йўломоннинг йўлидан йўл қидириб келаман, эломоннинг элига эл қидириб келаман.

Ўтмишда ишнинг кўзини билган подшолар, хонлар ўз мамлакатларига чет эллардан келувчи карвонлар йўлини тартибга келтириб, карвонсаройлар, сувсиз саҳроларга сардобалар қурдириб, йўлни ўғри-ўтруқдан, қароқчи, босмачилардан тозалаб, бехавотир қилиб қўядилар. Бундан мақсад — атроф мамлакатлардан савдо карвонларининг кўпроқ келиб — кетишига, хазинага кўпроқ бож тушишига, шаҳар ва қишлоқларнинг обод бўлишига эришишдан иборат эди. Тинч, бехавотир келиб-кетган карвонлар бу ҳақда бир-бирларини хабардор қилишар, натижада ўша мамлакатнинг ташқи алоқалари авж олаверар эди. Кишилар юқоридаги мақолни чет эллардан яхши ният билан келувчи карвонлар ва янги йўловчилар тилидан айтишган.

Йўмард йўқлигин билдирмас, тулпор тўқлигин билдирмас

(йўмард — жўмард, яъни саҳий, қўли очиқ одам). Маъноси «Отлар қоринлари тўқ бўлса, яхши чопа олмайдилар. Тулпор (энг асл зотли чопқир, учқур от) эса тўқлигини билдирмайди, одатда қандай чопса, тўқлигида ҳам шундай чопаверади. Саҳий, қўли очиқ ҳам йўқлигини, яъни қўлида маблағи, уйида ошнони йўқлигини (ёхуд камлигини) билдирмайди, бор пайтида қандай саҳийлик қилган бўлса, шундай саҳийлик қилаверади».

Йўрға минган йўлдошидан айрилар.

Вар.: «Арава минган сувайга йўл бермас» (сувай ёхуд субай — ёлғиз, яйдоқ, эгар-жабдуқсиз от); «Йўртоқ йўрға билан йўлдош бўлмас, Бургут қарға билан сирдош бўлмас» (йўртоқ — юриши суст, қирчанғи от); «Йўрға минган йўлдошига қарамас»; «Бўри билан қўй бир қудуқдан сув ичмас»; «Қўй билан бўри бир оғилда яшамас»; «Йўргаликка йўлдош бўлма»; Бу мақолларни: «Бойлик орттирган ё амалга минган одам манманликка, такаббурликка берилиб, унча-мунча одамни (ҳатто ёшликдан бирга ўсган тенгқурларини, дўсту биродарларини ҳам) менсимай, назар-писанд қилмай қўяди, кези келганда уларга ёрдам қўлини чўзмайди. Бундай одамга яқин юрма, ундан ҳазар қил, акс ҳолда сенга ҳам касри уриши мумкин», деган маънода қўллайдилар.

Йўрғанинг қадри елганда билинади, яхшининг қадри ўлганда билинади.

Кўп ҳолларда яхши одамнинг қадрига тириклик чоғида етмайдилар-да, ўлганидан кейин унинг яхши хислатларини қилган яхшиликларини эсга олиб, мақтаб юрадилар. Мазкур мақолни ана шундай ҳолларда қўллайдилар.

Йўқ бугдойга — йўқ тегирмон.

Вар.: «Чиқмаган бугдойга ўтмаган урок». Бу мақолларни ҳали вужудга

келмаган, вужудга келиши даргумон бўлган нарсаларни орзу қилувчи, шу ҳақда ўйлаб, шу ҳақда бош қотириб юрувчи одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Йўқ мутаҳамдан бор муттаҳам ёмон.

Йўқ (камбағал) одам бир нарса сўраганларида «Йўқ-да, бўлса жоним билан берардим», деб узрини айтса, уни асло айбга буюрмайдилар. Аммо, бор (бой) бўла туриб, ўзининг бировдан олган қарзини тўлашга тихирлик қилса, тонса ёнки қарз ёрдам сўраган одамга унибуни баҳона қилиб бермаса, уни қаттиқ қоралайдилар, лаънатлайдилар. Юқоридаги мақолни шундай бахил, ярамас, муттаҳам одамларга нисбатан қўллайдилар.

Йўқлик йўмард қўлин боғлайди.

«Йўқлик сахий одамни ҳам бировга бир нима бермасликка мажбур қилиб қўяди», дейилмоқчи. Биргина бу эмас, йўқлик кишини ҳар алпозга солади. Буни қуйидаги мақоллар ҳам ёркин ифода этган: «Аргумоқ отнинг бошини нўхта қисади, Мард йигитнинг бошини йўқлик қисади»; «Югурук чаман бўлар — бўйнидан ёл кетса, Яхши ёмон бўлар — қўлидан мол кетса» (чаман — ҳар қанча қамчиласа ҳам юрмайдиган от); «Йўқлик мард йигитга қўй боқтирар»; «Йўқлик бошга тушса, қўли билан ўт ўрар»; «Йўқлик бошга тушса, қўли билан қор курар»; «Йўқлик хўкиз бўйинтуруғини бўйинингга солади» («Йўқлик туфайли хўкиз тополмай, ерингни ўзинг ҳайдашга, омочни ўзинг тортишга мажбур бўласан», дейилмоқчи); «Йўқчилик — тошдан қаттиқ, гўнгдан сассиқ».

Йўқни бор қилган ҳам — одам, борни йўқ қилган ҳам — одам.

Бу мақол одамнинг нақадар қудратли мавжудот эканлигини ифода этади. Вар.: «Тузган ҳам — одам, Бузган ҳам — одам».

Йўқни йўндириб бўлмас, қушни қўндириб бўлмас.

Вар.: «Кенг тор бўлмас, Йўқ бор бўлмас»; «Йўқнинг жони қаттиқ, Хўкизнинг бўйни қаттиқ»; «Йўққа товон ҳам йўқ»; «Борича бозор, Йўқни каердан қозор?!»; «Йўққа юриб етолмайсан»; «Йўққа югурук етмайди, Қумга қозиқ ўтмайди»; «Ўтган бу лутдан ёмғир қутма»; «Чиқмаган офтобга исинма»; «Бўшга умсунган — очликдан ўлар» (бўшга — йўқ нарсага, бекорга, бехудага; умсунмоқ — умидланмоқ); «Йўққа югуриб, бордан ажрама!». Бу мақоллар билан: «Асли тагида йўқ нарсани, топишнинг имкони бўлмаган нарсани топаман, унмайдиган нарсани ундираман, деб бекорга овора бўлма, барибир ҳаракатинг зое кетади, вақтингни, кучингни беҳуда сарфлаганинг қолади», дейилмоқчи.

Йўқни керак топтирар, ёлғиз отни соттирар.

Бу билан: «Кишига бирор нарса жуда керак бўлиб қолган тақдирда ўша нарса ҳар қандай топилмайдиган, камёб, ҳар қанча қиммат бўлса, ҳамки, уни қандай бўлмасин ахтариб топади ёхуд ўз кунига яраб турган бирор нарсасини сотиб бўлса ҳамки, унинг пулига ўша нарсани сотиб олади», дейилмоқчи. «Йўқни керак топтирар. Ҳар томонга чоптирар».

Йўқнинг кўнгли йўрға тилар.

Қурби ҳам, маблағи ҳам етмайдиган, ўзи учун сира имкони бўлмаган нарсаларга эга бўлишни орзу қилувчи ёхуд шунга беҳуда интилувчи одамларга нисбатан киноя тарзида айтилади. Вар.: «Минтани — ҳўкиз, тилагани — тўққиз-тўққиз» (ўтмишда оти, хатто эшаги бўлмаган камбағаллар баъзан зарур бўлиб қолган тақдирда ер ҳайдайдиган ҳўкизларини минишга мажбур бўлардилар; тўққиз-тўққиз — тўй, маро-

симларда, хотинларга патнисда улашиладиган, одатда тўққиз хил нарсадан иборат тортиқ). «Ўйида йўқдир гўжалик, Кўнгли истайдур хўжалик» «Чўлқурбақанинг кўнгли оққуш гўштини тусайди»; «Ёнида бир пули йўқ, Ғирвонга ҳоким» (Ғирвон — Наманган шаҳри яқинидаги бир қишлоқнинг номи. Абдулла Қодирий «Ғирвонлик Маллабой ака» асарида шундай ёзади: «Ғирвон қишлогини эҳтимолки, Ўзбекистонда билмаган ва эшитмаган киши йўқдир. Айниқса, «Ғирвон» ёки «гирвонлик» сўзи ҳар ким учун бирмунча қизиқроқ эшитилади. Бу қизиқлик гирвонликларнинг соддаликларидан, уларнинг баъзиларининг эмас, аксариятининг қилиқ ва ҳаракатларининг ўзбеклар орасида зарбулмасал бўлиб юришидандир». Дарҳақиқат, халқ орасида гирвонликлар ҳақида жуда кўп лофлар, латифалар мавжуд. Юқоридаги мақолнинг келиб чиқиши ҳам ана шундай латифа ёхуд лофларнинг бирортасига бориб тақалса, эҳтимол); «Ҳамёнида тийини йўқ, туянинг тишини очиб кўрибди» (одатда молни сотиб олаётганда унинг ёшини билмоқ ниятида тишини очиб кўрадилар. Мазкур мақол билан ёнида пули бўлмаса ҳам, сотиб олиш кунлида бўлмаса ҳам, бозордаги ё дўкондаги нарсанинг нархини суриштирадиган, у ёқ бу ёғини кўздан кечирадиган одамнинг устидан мазах қилиб куладилар); «Белида белбоғи йўқ — тўни хайдаган, Ёнида бир пули йўқ — қиз сайлаган»; «Ароғи йўқ ичмоқда, Кумуш кўприк истар кечмоқда».

Йўқолган бузоқни гўшангадаги келиндан сўра

(Гўшанга — уйнинг келин-куёв учун парда билан ажратиб қўйилган бир бурчаги). Ҳеч ким кўрмаган нарсани биров айтиб берса, ёки ўзи кўрган нарсани бошқа одамлар кўрмаган бўлса, шундай дейдилар. Мақолнинг маъноси шундан иборат: бировнинг ишлаб ва ишлатиб қўйган нарсасини кўрган, ўзидан гўшангага кириб кетган келин йўқолган бузоқнинг қаердалигини қаёқдан билсин, ахир?». Шунингдек, «Йўқолган нинангни кундуз куни тополмасанг, кечаси шам ёқиб ахтар» деган мақолни ҳам киноя тарзида қўллайдилар.

Йўқолган пичоқнинг сопи — олтин.

Вар.: «Йўқолган болтанинг дастаси — олтин»; «Кетган балиқ — кемадек»; «Ўлган сигир сутли бўлади»; «Йўқолган бузоқнинг арқони қиммат»; «Йўқолган молнинг эгаси — вали». Бу мақоллар билан: «Аввало бировдан омонат олинган нарсани йўқотма, синдирма, узма, бузма. Акс ҳолда таомилга кўра, ўрнига ундан яхшироқ нарса беришинг керак бўлади. Чунки, эгаси ўзининг йўқолган нарсасини «ана ундоқ эди, мана бундоқ эди» деб мақтаб, баҳосини оширибоқ, ўрнига тўлаган унча-мунча нарсангни назар-писанд қилмайди», дейилмоқчи.

Йўқолганга қайғурма, топилганга қувон.

Вар.: «Кетганни қувма, келганга қувон». Булар билан: «Қўлингдан кетган, йўқолган нарсага қайғуриб, хафа бўлиб, асабингни бузиб, жонингни қийнаб юрма, барибир фойдаси йўқ. Ундан кўра топган нарсангга суюн, бундан буён топадиган нарсангнинг ҳаракатида бўл», дейилмоқчи.

Йўқолгани хўб бўлди, бошимга тор келар эрди.

Бола кипригини йўқотган ва топа олмаган маҳалларда айтилган бу мақолни маҳзуний маънода бирор нарсани қидиришга вақтинча топа олмаган, бирор ишни тезини қўлдан келмаган ва ўзини оқлаш, қийинлардан қутулиш учун бир нимани баҳона қилиб қўя қолганда кишига нисбатан қўллайдилар.

Йўқолиб топилган мол — ўлжа, ўлиб тирилган жон — ўлжа.

Вар.: «Қаттиқ қишдан мол қолса — ўлжа, Қаттиқ оғриқдан жон қолса — ўлжа». Хавф — хатардан омон-эсон қутулиб, молидан, жонидан жудо бўлмаган одамнинг суюнчига шерик бўлганда шундай дейдилар.

Йўқсилнинг уйқуси — паловдан ширин.

Вар.: «Боғбоннинг уйқуси — шинидан ширин». Бу мақолларда узоқ кун тинмай ишлаб, роса чарчаган камбағал меҳнаткаш учун оламда ётиб ухлашдан, ҳордиқ чиқаришдан яхшироқ нарса йўқлигини ифода этганлар.

Йўғон чўзилгунча, ингичка узилади.

Мажози: «Оғир кунлар келганда бойлар то қўр-қутлари тугаб, қашшоқлашиб қолганларига қадар, қўрқути, жамғармаси йўқ камбағаллар очдан ўлиб кетадилар», Вар.: «Бор чўзилар, Йўқ узилар»; «Семиз ориқлагунча, ориқ ўлади»; «Кенг кенгашиб йиртилар, Тор тортишиб йиртилар». Одатда кишига кенгроқ бўлиб турадиган кийим ҳадеганда йиртилавермайди, тор кийим эса эҳтиётсизлик билан қилинган кўполроқ ҳаракатга чоқидан сўкилиб, йиртилиб кетади. Мазкур мақол билан мажозан: «Бой бирданига камбағаллашиб, ҳоли хароб бўлиб қолмайди, камбағал эса арзимаган, кичкина муваффақиятсизлик оқибатида ҳам қаттиқ азият чекади», дейилмоқчи.



Кавланмаган чўғ кул остида қолиб кетади.

Бу мақол билан: «Ўтиб кетган эски гапни, гинахонликларни қайтиб кавламасанг, бора-бора унутилиб, ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Агар кавлайдиган бўлсанг, эски гиналар қайта қўзғаб (бамисоли кул остидаги чўғнинг бети очилгани каби) куйдиради, асабингни, кайфиятингни бузади», дейилмоқчи.

Кал тегади-ю, кўр ноз қилди.

Вар.: «Кўр тегади-ю, кал ноз қилди»; «Танлаганим — тоз, Тоз қилади ноз». Бу мақолларни ўзининг катта айби, нуқсони бўлатуриб, бировнинг арзимаган нуқсонидан кулувчи, масхара қилувчи, менсимайдиган такаббур одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар..

Калла утган қулоқ ер

(калла утмоқ — қўйнинг каллаcини куйдириб, тукини тозаламоқ). Вар.: «Туя боққанга атон йўқ, Қўй боққанга қўтон йўқ» (атон — ахта қилинган туя); «Юмуртқа келтирганга — юдуруқ» (юмуртқа — тухум; юдуруқ — мушт). Тарихдан маълумки, инқилобдан илгари бевосита моддий бойлик яратган меҳнаткашлар ўз меҳнатлари самарасидан баҳраманд бўла олмаганлар. Ана шуни ифода этувчи мазкур мақолларнинг қуйидаги маънодошлари ҳам бор: «Ўтин ёрганнинг болтаси ташқарида қолади»; «Ялабди, ялабди, ўғир дастасини ялабди» (қовун қопқисининг қуруқ ўзини ўғирда яничиб бўлмайди. Унга сўк ё нон талқонини сепиб ячадилар. Кейин уни думалоқ-думалоқ зувала қилиб, халталарга солиб қўядилар-да, қишда ейдилар. Ўтмишда қовун қопқисини бойлар хизматчиларга, чўри хотинларга янчтирардилар. Уй бекаси ўғирнинг тепасида туриб, янчилганини пешмапеш олиб турар ва охирида ҳаммасини йиғиштириб, олиб кетарди. Янчувчи одам ундан еёлмасди, бека едирмасди ҳам. Хизматкор бечора ўғир дастасига юққан ширанигина ялай оларди, холос. Шуни ҳам унинг юзига солган ноинсоф бекага одамлар ё тўғридан-тўғри, ё орқаворатдан: «Бечора ялаган бўлса, ўғир дастасини ялабди-да, шуни ҳам пеш қилиш керакми?!» деган маънода юқоридаги гапни айтганлар. Кейинчалик бу гап мажозий маънода қўлланиладиган мақолга айланиб кетган).

Каллаклаб турсанг, калладек бўлади.

Ўрик дарахтини ҳар уч йилда каллаклаб турадилар. Шунда унинг меваси йириклашиб, ҳам ширин, ҳам беғубор бўлади. Бу усул айниқса Хўжанд, Конибодом, Исфарада авж олган. Агар ўрик ўз ҳолига ташлаб қўйилса, шохлаб, меваси майдалашиб, рағадор, бемаза бўлиб, ҳосили камайиб кетади. Фақат ўрикни эмас, олма, нок, олхўри ва бошқа мевали дарахтларни ҳам каллаклаб, шохларини яганалаб, чилпиб турилса, меваси йирик ва ширин бўлади. Тажрибакор боғбонлар юқоридаги мақол билан муболага тарзида: «Дарахтни вақт-вақти билан каллаклаб турсанг, меваси калладек катта бўлади», демоқчи бўлганлар.

Кални кўрсанг пастга торт, елкасидан тасма торт.

Халқ оғзаки ижоди асарларида «кал» деганда кўпинча айёр; муғомбир, айғоқчи , кўзбўямачи, кишиларни алдаб, «чув» тушириб кетувчи одамлар назарда тутилади. Кишилар бундай одамлардан ҳазар қилганлар, кези келганда уларнинг адабини берганлар, бир-бирларига ва авлод-аждодларга улардан эҳтиёт бўлиш, алданиб қолмаслик, огоҳ бўлишлик зарурлигини уқтирганлар. Мазкур мақол ана шундай уқтиришларнинг биридир. «Елкасидан тасма торт» деганининг маъноси шуки, ўтмишда қаттиқ гуноҳ қилганларни ўз гуноҳига иқрор қилдирмоқ учун аёвсиз равишда азоблардилар. Шундай азоблаш усулларидан бирини «тасма тортиш» деб атардилар. Бунда гуноҳкорни «чормих»га (тўртга мих қоқилган тахтага) ётқизиб, қўл-оёқларини тортиб боғлаб қўярдилар-да, ўткир устара билан елкасидан қуйруғигача икки тилиб, терисини шилиб олардилар. «Кал устарага бошини бермаса, унинг жазоси қайчи бўлур»; «Кал бошини кашир, Қўтир этини қашир»; «Бир калнинг ҳийласи қирқ кишини чарчатар»; «Калнинг ярамаси кўприк тагида от ҳуркитар»; «Гоз жовул бош ёриб, кўз чиқарар»; «Тознинг ошнаси кўп, бошига фойдаси йўқ»; «Тозлигингни кўзингнинг томиридан биламан», сингари мақоллар ҳам кишиларнинг айёр, муғомбир, ахлоқсиз, одамлардан ҳазар қилганларини ифода этади. Бундай одамларни «кўса» деб ҳам атардилар. «Кўсани уйга киргизма, Кетини ерга тегизма»; «Калнинг ярамаси — кўсага устоз».

Калнинг нимаси бор — темир тароғи, кўрнинг нимаси бор — эски таёғи.

Бу мақолни ўзининг арзимаган нарсаси билан мақтаниб, керилиб юрувчи кишиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Баъзан эса, арзимаган нарсасини ҳам қизғанадиган кишиларга қарата айтадилар. «Тақир бошдан тароқ сўрама»; «Калнинг калони бор, Лофчининг — фалони».

Камбағални туянинг устида ит қопади.

Камбағаллик — инқилобдан илгари яшаган аждодларимиз асосий кўпчилигининг бошига тушган балои азим эди. Халқ ўзининг бир канча мақолларида камбағаллик, фақирлик, қашшоқлик, йўқсилликнинг бутун мусибатларини турли хил мисолларда очик-ойдин ифода этган: «Толиҳсизни туянинг устида ит қопар» (одатда ит пиёда, отда, эшакда келаётган одамни қопа олади-ю, туянинг устида кетаётган одамни қопа олмайди, чунки ҳар канча сакрагани билан ета олмайди. Мазкур мақоллар билан муболаға тарзида: «Камбағалнинг пешонаси шу қадар шўр, шу қадар пастки, унга яқиндаги фалокат у ёқда турсин йироқдаги фалокат ҳам келиб ёпиша қолади», демоқчи бўладилар); «Камбағалнинг оғзи ошга етганда бурни қонайди»; «Етим етдим деганда бури қонайди»; «Етимнинг оғзи ошга етганда боши тошга етади»; «Кўлим ошга етганда бошиб тошга етди»; «Камбағалнинг боласи етдим деганда йиқилади»; «Камбағалнинг еви юрса ҳам, дови юрмас»; «Очнинг ови юрмас, Ялангочнинг дови юрмас» (бу кейинги мақолларда шу нарса таъкидланаяптики, қўли қисиқнинг дов-даъвоси ҳеч қачон ўтмаган. Амалдорлар ҳамавақт ўзлари манфаат кўрадиганларнинг ёшини олганлар, ўшаларнинг раъйига қараб ҳукм чиқарганлар); «Камбағал тухум топса, ичидан саригини топмас»; «Камбағал ош топса, сузгани идиш топмас»; «Камбағал ер топса, уруғ топмас»; «Ярлининг ёлғиз оти — қочағон» (ярли — камбағал, йўқсил, қашшоқ); «Ярлининг ёлғиз оти — айғир, Етиб олиб қайғир»; «Отинг айғир бўлса, ётиб қайғир»; «Шўрлининг оти кунда чопувли»; «Шўрликнинг ерига шўра чиқади»; «Шўрли ерга шўр уюлар»; «Шўрликка йўл ўйилур»; «Шўрлининг қовуни оқ бўлади, Пишаман дегунча йўқ бўлади»; «Бечораниинг ҳўкизи ўлса, пичоқ топилмас» (мол бирор оғрикка ё фалокатга йўлиқиб ўлса, уни «ҳаром

ўлган» деб, гўштини емайдилар. Ўлаётганда бўғзига пичоқ тортиб, қон чиқарилсагина, гўштини ҳалол деб ҳисоблайдилар. Мазкур мақол билан: «Камбағал шу қадар шўр пешонаки, айни керак пайтида арзимаган бир пичоқ ҳам топилмай, бутун бошли хўкизи ҳаромга чиқади-я» демоқчи бўлганлар); «Камбағалнинг касали олисда бўлса, табиб ҳам бормас»; «Камбағал ўлай деса, ўлолмайди, Тириклай гўрга киролмайди»; «Камбағалнинг бир томири тортинчоқ бўлар»; «Қайғули бошга қор ёғар»; «Камбағалнинг чивиги қўғирмоч сочади» (қўғирмоч — қовурилган буғдой. Қадимдан келаётган одат юзасидан боланинг тиши энди чиққанда қўғирмоч қилиб, унинг дўпписига ё этагига солиб берардилар. Шунда баъзи болалар уни эплай олмай, сочиб юборардилар. Мазкур мақол билан: «Камбағал омади йўқлигидан кирган нарсадан ҳам маҳрум бўлиб қолади», демоқчи бўлганлар); «Камбағалнинг ёлғиз қўзисига қашқир тегар»; «Қурбақада қомат бўлмас, Камбағалда омад бўлмас»; «Камбағал бозор борса, девор таги уники» (иллари бозор оқсоқолига бир нима берилмаса, у олди-сотди ва нарсаларни қўядиган таги жой бермасди. Бундай жойларни катта олиб, катта сотадиган бойлар эгаллаб олишар, камбағал бечораларга эса харидор камдан-кам борадиган бир чеккадангина жой тегарди. Бойларнинг ҳамма ерда бўлгани каби бозорда ҳам қўли устун эканлигини билдирувчи «Бозор — бориики»; «Борнинг бозори ёнида» деган мақоллар ҳам бор); «Кабағалга бола берса, отини жойича қўяди». Қадимий одатга кўра бола туғилгандан кейин унга етти кун ичида от (ном) қўйиш лозим эди. Ўтмишда бир домлани ё табаррук одамни чақириб келиб, боланинг ўнг қулоғига азон, чап қулоғига такбир айтириб, от қўйдирардилар ва хизматя эвазига унга бир нима (кийимлик мато ё пул) берардилар. Камбағал одам бола кўрса, шу «бир нима»си бўлмаганлиги учун унинг отини жойича (яхши ниятлар, кейинроқ, «бир нима» топганда) қўярди; «Камбағал қиз қалтирайди, Пешонаси ялтирайди»; «Камбағални урма-сўкма, тўнини йирт» (Бир амаллаб, не ҳасратдан топган тўнидан ва, умуман, бошқа бирор нарсадан жудо бўлиш — унинг учун мислсиз бахтсизлик, жуда катта йўқотиш бўлиб ҳисобланарди); «Камбағал топганда, Бой соғинганда» («Камбағал пул топганда, чоғи келганда яхши кўрган, кўнгли тусаган овқатини ея олади. Бой эса соғинганда, егиси келиб қолганда еяверади, чунки унинг пули ёнида, ошхонасида ҳамма масалликлар ҳозиру нозир», дейилмоқчи); «Камбағалнинг кўзига кепчик нон бўлиб кўринар» (кепчик ғаллани елпиш, совириш учун ишлатиладиган, ёғоч ғардишга хом тери қопланган рўзғор буюми); «Камбағалнинг айрони — ўзига тотли»; «Қорнинг тўқ — қайғунг йўқ»; «Камбағалнинг бир тўйгани — чала бойигани»; «Ярлининг бойигани — чошгоҳгача»; «Камбағаллик асар қилди, Эчки гўшти касал қилди»; «Камбағаллик асар қилди, Зиғир ёғ касал қилди» (қўй ёғига кучи етмаганлар, фақат зиғир ёғидан овқат қилган); «Тўймай ичган ошинг қурсин, Хўрликда яшаган ёшинг қурсин»; «Ўлганимнинг кунидан қаҳ-қаҳ уриб куламан»; «Ўлганимдан куламан, Юзимни ерга сурамаи»; «Ўзим узун бўлсам ҳам, толеим паст»; «Оғилда хўкизим йўқ, Элимда обрўйим йўқ»; «Баҳор бўлса ҳам, йўқнинг ичи қиш»; «Йўқсил бўлгунча, йўқ бўл!»; «Камбағал тўйса, бой ухламас»; «Камбағал нон деб бош кўтаради, Бой — кон деб»; «Камбағал бош кўтарса, Бой тош кўтарар»; «Камбағал камбағалга бўлишади» (бўлишмоқ — ёрдам бермоқ, ёнини олмоқ); «Гарибнинг кўнглини ғариб билади»; «Ғариб кунига ғариб ярайди»; «Отни от сақлайди, Очни — оч»; «Қорни тўққа бало йўқ»; «Бойга бало урмайди, камбағални кутқар!» (Бу мақол куйидаги ҳикоя билан боғлиқ: «Бир отлиқ бой билан бир ғарб камбағал ҳамроҳ бўлганлар. Улар йўл юриб, бир дарёга келиб қолганлар. Мироблар: «Ўтказиб қўйилик» десалар, бой харжидан қониб уламаган, отига ишониб, сувга

тушган. Камбағалнинг пули йўқ, «бир амаллаб сузиб ўтарман», деган хаёл билан у ҳам сувга тушган. Дарёнинг тез оқар жойига келганда иккаласини ҳам сув оқизиб кета бошлаган. Мироблар шовқин-сурон кўтариб, уларни қутқазмоқ учун ўзларини дарёга отганлар. Шунда улардан бири: «Бойга бало урмайди, камбағални қутқар!» деган экан. Бу сўз кейинчалик халқ ўртасида мақолга айланиб кетган); «Камбағалнинг бойлиги — танининг соғлиги» (Камбағаллар: «Қўявер, танинг соғми, шунинг ўзи бойлигинг», деб бир-бирларига тасалли берганлар); «Камбағал бўлсанг кўчиб кўр, Бой бўлсанг ўлиб кўр» (Кўчманчи чорвадорлик давридан қолиб келаётган бу мақолни: «Уйимда ҳеч нарса йўқ, деб қайғуриб, ўксиниб юрма. Камбағал бўлсанг ҳам, ўзингга яраша рўзғоринг бор. Буни кўчганда — юкларингни туяга ортаётганда кўрасан. Ўшанда: «Э-ҳе, шунча нарсам бор экан-ку» деб суюнарсан, деган маънода тасалли бермоқ мақсадида қўллаганлар. Бу фикрни қирғизларда мавжуд бўлган «Уйингнинг бойлигини кўчганда кўрасан» деган мақол ҳам тасдиқлайди. «Бой бўлсанг ўлиб кўр, деганининг маъноси шуки, ўлган одамнинг қабрини, расм-русмларини ўтказиш, таъзия билдириб келадиган қанчадан-қанча одамларга ош-нон бериш кўп маблағ талаб этади. Шундай қилиб, мазкур мақол билан йўқсиллигидан ўксиниб юрган камбағалларга тасалли берганлар, борлигидан мағрурланиб юрган бойларга эса: «Мен бойман деб кўп керилма, бошингга бирор қора кун тушсин, бойлигингнинг тўзиб кетишини ана ўшанда кўрасан», демоқчи бўлганлар); «Камбағаллик — айб эмас, Кибирлик — айб»: «Йўқлик — уят эмас, тўқлик — мурод эмас».

Ҳар нечаки кимса фақр помоли эса,
Ғам йўқтур сафо кўнгли оли эса
(Навоий).

Камёбнинг қадри баланд.

Дунёда нима кам, нодир, «анқонинг уруғи» бўлса (масалан: олтин, дур, гавҳар, мумиёи асил ва б.) ўша нарсанинг қадр-қиммати, баҳоси баланд — табиий бир ҳол. Мақол ана шу ҳолни ифода этади.

Камзул мурсаги билан ярашиқ, лозим — кўйлаги билан

(мурсак ар. мурассаъ — зийнатланган, безатилган сўзидан олинган бўлиб, қадимий кийим номини билдиради. Кимхоб, парча, духоба, адрас, шойи каби матолардан тикилган аёлларнинг енги калта уст кийими» (М. Асомиддинова, Кийим-кечак номлари). Мажози: «Ҳар бир нарса (кийим-кечак ҳам, уй жиҳозлари ҳам ...) ўзига мос, монанд келадиган, бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирига ёрдам берадиган нарса билан бирга бўлсагина ярашиғлик, кўзга хуш кўринувчан бўлади».

Камолингни кўрай, заволингни кўрмай.

Бу — ота-онанинг болаларга билдирадиган эзгу ниятларидан, олқишларидан бири.

Кампирнинг дарди — ғўзада, сичқоннинг дарди — ёғлиқ кўзада.

Вар.: «Кампирнинг дарди — ғўзада, Йигитнинг дарди — бўзада» (бўза — оқшоқ, курмак, жўхори кабилардан тайёрланадиган ичимлик). Илгари аксарият кампирлар кунларини ғўза (кўсак) чувиш, чарх йигириш билан ўтказардилар. Мазкур мақолларни: «Ҳар ким ўзи яхши кўрадиган, ўз тириклигини таъминлайдиган, ўзига эрмак, ҳузур-ҳаловат бахш этадиган нарсалар ҳақида ўйлайди, ўшанга эришиш ҳаракатида бўлади», деган маънода қўллайдилар.

Камтарлик — катта давлат.

Инсоннинг энг олий ахлоқий хислатларидан бири — камтарлик. Мақолларда камтарликка юксак баҳо берилади, киши жамиятда ўзини

камтар тутиши, манманликка берилмаслиги лозимлиги қайта-қайта уқтирилади: «Камтарлик — жасорат тожи»; «Камтар бўлдинг — гавҳар бўлдинг»; «Камтарлик одамга ҳусн беради»; «Супурги — ернинг ҳусни, Камтарлик — эрнинг ҳусни»; «Камтарликнинг камоли бор»; «Камтарга — камол, Манманга — завол»; «Камтарлик кўкка кўтарар, Манманлик ерга киритар»; «Камтар бўлсанг обрў ортар, Манман бўлсанг энса котар»; «Камтар бўлсанг ош кўп, Манман бўлсанг тош кўп»; «Камтар керилмайди, Мол-дунёга берилмайди»; «Камтарлик аълодир, Мағрурлик балодир»; «Ўзинг осмонда бўлсанг ҳам, оёгинг ерда бўлсин»; «Бошинг осмонга етса ҳам, ерга қараб юр»; «Энг баланд минора ҳам ердан кўтарилади».

«Камтар бўлинг, мағрур бўлинг, кеккайманг,
Бир кун хижолатдан сиз қилманг аттанг
(Ҳабибий.)

Капалак гулини соғинар, булбул — куйини.

Бу билан: «Киши қаерда бўлмасин, ўз уйини, юртини, Ватанини қўмсайди, соғинади», деган маънода юртнинг. Ватаннинг қадрини билишга, уни ардоқлашга ундайдилар.

Карвон кўп, ризқи бошқа.

Бу мақолни: «Бир оила аъзолари, бир корхона ишчилари, бир маҳалла, бир даҳа, бир шаҳарда бир хил касбдаги кишилар, бозорда сотувчилар ва ҳоказо, ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ҳар бир киши ўз ризқ-насибасини топиб ея олади. Бировнинг ризқи бировнинг ризқига халал бермайди», деган маънода қўллайдилар.

Карвон ўтар, изи қолар.

Бу билан: «Дунёдан қанчадан-қанча одам ўтган, ўтаяпти ва бундан кейин ҳам ўтаверади. Улар тарихда яхшилик билан, е ёмонлик билан бир из қолдирадилар. Сен ўзингдан яхши из, яхши ном қолдиришга ҳаракат қил», дейилмоқчи.

Карнай бор-у, карнайчи йўқ.

Бу мақол бир нарса бўлса-ю, ундан фойдаланиш учун зарур бўлган бошқа бир нарсаси бўлмаса, топилмаса ишлатилади.

Карнайчидан нима кетди — бир «пуф!».

Бир одамдан бир нимани (мас.: икки ўртада воситачи бўлиб, бировдан бир нарсани ундириб беришни, бировни бир нарсага кўндиришни) илтимос қилганда: «Бу иш сиз учун ҳеч гап эмас», «Бу ишни сиз осонгина уддалай оласиз», «Бу ишга сизнинг бир оғиз сўзингизгина кифоя қилади», деган маънода қўллайдилар. «...Тавакқал-да. Сендан нима кетяпти? Карнайчидан пуф!.. Вада-вангни карнайнинг ўзи қилади (И. Раҳим, Фидойилар).

Карнайчидан қутуламан десанг, олдига бориб анор е.

«Карнайчи қулоғингни батанг келтириб, тинчлигингни бузиб, тоқатингни тоқ қилаверса, унинг олдига бориб анор есанг, огзининг сўлаги оқиб, карнайини пуфлай олмайди», дейилмоқчи. «Карнайчидан онанг бўлса, қулоғингга пахта тиқ». Бу мақоллар билан: «У ёки бу қилиғи (мас.: эзма-чуруқлиги, шилқимлиги, ҳали уни, ҳали буни сўраб келавериши ва ҳ.к.) билан сени ёлқитган одамдан қутулишнинг бирор йўлини, чорасини топ», деган маънода насиҳат берадилар.

Касал бўлиб ўлмадим, узлукиб ўлдим.

Узлукиб («узилмоқ» ҳам дейдилар) — касал қайта кўзғаб, оғирлашмоқ. Бемор агар ўзини бир оз яхши ҳис қилиб, «ҳа, энди тузалиб кетдим-ку» деб, одатдаги ҳаракатини, оғир ишларни қилаверса, қайтадан касалланиб, дарди аввалгисидан

ҳам оғирлашиши мумкин. Ҳаётда бундай воқеалар, ҳатто узлукиб ўлганлар кўп бўлган. Мазкур мақолда ва унинг қуйидаги вариантларида шу нарса эслатилиб, огоҳлантирилган: «Касални уринтирма, узилади»; «Соғ ётса, ёмон, Носоғ юрса ёмон».

Касал жоннинг ҳаракатида, табиб пулнинг ҳаракатида.

Вар.: «Касал камайса, табиб касал бўлади». Ўтмишда халқ тиббий ёрдамни табиб, азаймхон, парихон, эшон, муллалардан оларди. Енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига кириб олган бундай «шифокор»лар ҳалқнинг бор-йўғини шилиб олардилар-у, аммо дардини даволай олмасдилар. Юқоридаги мақолларда шу нарса рўйи рост очиб ташланган. Мажози: «Бир киши бирор ишнинг битиши ташвишида бўлади-ю, бошқа биров эса унинг иши битишидан бир нима тамаида бўлади».

Касал — касал эмас, касал боққан — касал.

Юқорида айтилганидек, революциядан аввалги узоқ тарихий давр давомида халқ малакали медицина хизматидан баҳраманд бўла олмаган. Омма орасида турли касалликлар, айниқса юқумли касалликлар кўп бўлган. Беморлар ва уларни боқувчилар мисли сиз қийинчиликларга дучор бўлганлар. Ҳаддан ташқари узоқ чўзилиб кетадиган касалликлар кишиларни жонидан тўйғазиб, ҳатто ўлимга ҳам рози қилиб қўйган. Қуйидаги мақоллар ана шуни ифода этади: «Касалингингдан илгари кафан тайёрла»; «Тузаладиган касалнинг тузалгани яхши, Ўладиган касалнинг ўлгани яхши»; «Ўладиган касалнинг ўлгани яхши, Уйдагиларнинг тинггани яхши».

Касални майиз эмас, аччиқ дори тузатади.

Халқ тиббиёти маслаҳатларига кўра, киши аччиқ бўлса ҳам, фойдали дори-дармонларни истеъмол қилишдан чўчимаслиги, касалликларнинг олдини олиш чораларини кўриши зарур: «Дард давоси билан тарқалади»; «Дард чекмаган дори қадрини билмас»; «Дори ширин бўлмайди»; «Дори — аччиқ, таъсири ширин»; «Заҳарни заҳар кесади»; «Жонини севган — илон этини ҳам ейди»; «Оғриқнинг олдини ол»; «Касал бўлмасдан югурмасанг, Касал бўлганда югурасан»; «Дардини яширганга дори юқмас»; «Дардингнинг вақти ўтса, табибдан ўпкалама».

Касални яширсанг, иситмаси ошкора қилади.

Мажози: «Ёмонликни, ёлғон гапни, ўғриликни, хиёнат, жиноятни ҳар қанча яширган билан бари бир бир кун эмас, бир кун ошкора бўлмай қолмайди». Вар.: «Пиёзни яширсанг, ҳиди ошкора қилади»; «Эшакни яширсанг, ҳанграши ошкора қилади» (Бу мақол Афанди латифаси билан боғлиқ: Бир одам Афандидан: «Эшагингизни пешингача бериб туринг, бир оз юким бор эди, ташиб оламан»,— деб илтимос қилиб келибди. «Эшагим йўқ, сизга ўхшаб сўраб келган бир одамга бериб юборувдим»,— дебди Афанди. Шу пайт ичкаридан эшак ҳанграб юборибди. «Ие, эшагингиз бор экан-ку, Афандим», дебди ҳалиги одам. «Нима оппоқ соқолим билан манинг гапимга ишонмайсан-у, эшакнинг гапига ишонасанми?!» деб жаҳл қилибди Афанди); «Касални яширсанг, улим ошкора қилади».

Ишқнинг ўтини ёшурдим эл аро ёди ракиб,
Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён
(Навоий).

Касалнинг келиши осон, кетиши қийин.

Вар.: «Касал бетмонлаб келади, мисколлаб кетади»; «Касал отда келиб, пиёда кетади»; «Дард бир келса, устма-уст келади»; «Оғриқ жонини танса, одам ой кишлайди»; «Касал бир айлантирмасдан чиқ

айлантиради». «Касалим чўзилиб кетди, тезроқ тузалиб кетолмаяпман», деб безовталанадиган беморга юқоридаги мақоллар билан тасалли берадилар. Мукаддас: ... Натижа кўпгилдагидек. Бир ойдан кейин гипсни олиб ташлаш мумкин. Ботиров: О-хо-хо! Яна бир ой?! Мукаддас: Касал ботмоқлаб киради, мисқоллаб чиқади (Б. Раҳмонов, Олтин одамлар).

Касбинг ҳаммол бўлгач, юк эгасининг фарқи йўқ.

Вар «Юкли ҳаммол атрофга қарай олмас». Бу мақолларда бешиқоя машаққатли меҳнат эгалари бўлмиш ҳаммоллар ўзларининг аянчли ҳолларини баён қилганлар.

Катта арава қайдан юрса, кичик арава шундан юради.

Вар.: «Олдинги арава қайдан юрса, Кейинги арава шундан юради»; «Аравани олдинги ғилдираги қайдан юрса, кейинги ғилдираги ҳам шундан юради»; «Катта кема қайдан юрса, Кичик кема шундан юрар»; «Катта карвон қай йўлдан кўчса, Кичик карвон ҳам шу йўлдан кўчар»; «Катта болалар, Кичик ташлар»; «Отасин кўриб ўғли ўсар, Онасин кўриб сингли ўсар». Бу мақолларни: «Кичиклар катталарга эргашадилар, уларнинг қилганини қиладилар, уларнинг бошлаган ишларини давом эттирадилар», деган маънода ҳам, «Кичиклар катталарнинг йўлидан боришлари, уларнинг кўрсатмасини бажаришлари, «чизган чизиғи»дан чиқмасликлари лозим», деган маънода ҳам қўллайдилар.

Катта балиқ кичкина балиқни ейди.

Дарё, денгизларда катта (зўр) балиқлар кичик (ожиз) балиқларни еб, ўз тирикчиликларини ўтказадилар. Мажози: «Катта бойлар ўзларидан кичикларни — камбағал, бева-бечораларни ишлатиб улар яратган бойликлар ҳисобига яшайди».

Катта-катта бергунча, катта-катта нон тишла.

Вар.: «Аввал ўзингни тўйдир, Кейин — ўзгани»; «Ўзинг тўй, Ўзгани кўй»; «Ма санга, ма санга, Нима қолди Ҳасанга?!». Булар билан кишини бахил ҳудбин бўлишга ундамайдилар, балки олди-кетига қарамай, катта-катта тўю зиёфатлар қиладиган, кераксиз ерзу-ҳавасларга берилган, сахийман деб ҳар кимга катта-катта маблағларни бериб юборадиган, оқибат-натижада ўзини, бола-чақасини моддий жиҳатдан қийин аҳволга солиб қўядиган кишиларга насиҳат тарзида айтадилар.

Катта кема узоққа сузади.

Вар.: «Катта дарахтнинг қўланкаси ҳам катта». Бу мақоллар: «Кучли кучлилигини қилади. Кучсиз ҳар қанча чирангани билан кучлининг қилганини қила олмайди (Масалан: Бой молни улгуржисига олиб, улгуржисига сотади-да, бир йўла катта фойда кўради; катта ерга экин экиб, катта хирмон кўтариб, катта даромад олади. Ўз тирикчилигини бир амалларб ўтказувчи камбағал эса асло бундай қила олмайди)», деган маънода қўлланилади.

Катта сув кўприксиз бўлмас.

Одатда кичкина ариқчаларга кўпда кўприк солмайдилар. Катта сувларга эса албатта кўприк соладилар. Мажозда катта одамни (юрт оғаларини, бошлиқларни) катта кўприкка ташбиҳ этадилар. Кўприкдан яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам, от ҳам, эшак ҳам ўтгани каби «катта одам» яхшилар билан ҳам, ёмонлар билан ҳам муомалада бўлади. Мазкур мақол билан «катта одам» га «Сен яхшилардан мамнун ҳолда ёмонларнинг ёмон хатти-ҳаракатидан, ёмон гап-сўзидан хафа бўлиб, гина қилиб, асабингни бузиб юрма, юрагингни кенг қил, чидамли, бардошли бўл. Жамиятнинг ўзи шунака — яхшилар ҳам кўп, ёмонлар ҳам», деган маънода насиҳат қиладилар, тасалли берадилар.

Катта хирман қизил бўлса, чори чиқмас.

Илгари ўрилган буғдойни хирмон қилиб, катта кўзлик ғалвирдан ўтказардилар-да, шамолга совурардилар. Шунда дони бир ёққа тушарди. Сомондан ажратиб олинган буғдойни «қизил» деб, унинг орасига онда-сонда аралашиб қолган бошоқ чўпакларини «чори» деб атардилар. Буғдой шамолга совурилаётган пайта «қизил» тарафга «адашиб» тушиб қоладиган чорилларни пешма-пеш қўл билан қўқилаб олиб турардилар. Бу иш қанчалик кунт қилиниб, усталик билан бажарилса, буғдой хирмони шунчалик тоза бўларди. Мажози: «Ҳар қандай катта иш ҳам пухта қилинса, унчамунча камчиликлардан ҳоли бўлади».

Катта чангал бир даста қилади, кичик чангал икки даста қилади.

Ёйилган хамирни угра қилиб кесиб бўлгач, узун-узун бўлиб қолган хамирларнинг бирмунчасини қўлга дасталаб, ёпиниб қолган унни қўл билан сидириб, супрага қоқиб-қоқиб ташлайдилар. Ана шу кесилган уграни «даста» деб атайдилар. Бир зувала хамирни катта чангалли одам бир даста қилса, кичик чангалли одам икки даста қилади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Кучли одамнинг унчалик овора бўлмай, бирпасда қилган ишини кучсиз одам уриниб, овора бўлиб қилади», деган маънода қўллайдилар. Вар.: «Темирчининг бир урганч — пичачининг минг урганч».

Катта қозонда қайнаган — хом бўлмас.

Вар.: «Дош қозонда пишган ош ҳом бўлмас». Мажози: 1. «Катта-катта ишларда қатнашган, катта-катта даврада юрган одам катта тажриба орттирган, кўпни кўрган, кўпни билган бўлади. Бундай одам агар сенга бирор маслаҳат берса, сира иккиланиб ўтирма, унинг айтган гапига амал қил, янглишмайсан». 2. Катта-катта ишларда қатнашадиган, катта-катта давраларда юрадиган, катта даргоҳда ўқийдиган, ҳунар ўрганадиган одам ҳар жиҳатдан етук бўлади.

Каттани катта бил, кичикни — кичик.

Бу мақол билан катталар билан кичиклар, яъни катта ёшдагилар билан кичик ёшдагилар, ота-оналар билан болалар, акалар билан укалар, опалар билан сингиллар ўртасидаги ўзаро муносабат қандай бўлиши лозимлиги уқтирилади.Вар.: «Каттага катталарча бўл, Кичикка — кичикларча» («Катталар орасида бўлганингда уларни иззат-ҳурмат қил, панд-насиҳатларига қулоқ ос, уларнинг ҳузурида бачкана қилиқлар қилма, тутуриқсиз гапларни гапирма, оғир-вазмин бўл. Кичиклар орасида бўлганингда эса уларнинг ўзларига яраша муомалада бўл, уларга хос гап-сўзларни топиб гапир, ўзингни катта тутма», дейилмоқчи); «Каттага тегма — йиғларсан, Кичикка тегма — уяларсан» («Каттага тегсанг, ундан кучсизлик қилиб қоласан, у сенинг адабингни беради. Ўзингдан кичикка тегсанг, зўравонлик қилсанг, одамлар сени айблайдилар, «Келиб-келиб кучинг шунга етадими?!» деб уялтирадилар», дейилмоқчи); «Каттанинг уялгиси келса, кичикка тегади»; «Катта катталигида турсин, Кичик — кичиклигида»; «Жаҳл — оғадан, узр инидан» («Ака жаҳл билан урингганда ука у билан баробар бўламан деб ўтирмаслиги, битта гапдан қолиши, ундан узр сўраши керак. Шундай қилса, олам — гулистон, икки ўртада жанжал ҳам чиқмайди, нари-бери гапга бормайди, ўртага совуқчилик ҳам тушмайди», дейилмоқчи); «Кичикдан — кусур, каттадан — узр» (кусур — камчилик, нуқсон. «Кичик, яъни ёш бирларига бериб, бирор хато иш қилиб қўйса, катта уни ҳақидан ташқари қойиб ташламасдан, маъзур кўриши, кечириши, яхши гап билан тушунтириши ло-

зим», дейилмоқчи);«Катталар айтсин, кичиклар эшитсин» (Катталар гапираётганда кичикларнинг жимгина тинглаб турмай, ўртага суқулиши — одобсизлик саналади); «Кичкинани ёш дема, Кесакни — тош»; «Кичикни мақта, Каттани сақла»; «Каттага салом бер, Кичикка —калом»; «Каттага — ҳурмат, Кичикка — шафқат».

Кимки улуғроқ — анга хизмат керак,
Улки кичикроқ — анга шафқат керак
(Навоий).

Каттани катта десанг, ўзидан кетар, кичикни катта десанг, каттага етар.

Бу билан: «Бирор одамни ҳаддан ташқари мақтаб юборма, акс ҳолда у шишиниб кетади, босар-тусарини билмай қолади, одамларни феълатворига қараб муомала қил», демоқчи бўладилар.

Кафан кийган келмайди, капанак кийган келади.

Капанак («кебанак», «кебантай» ҳам дейдилар) — чўпонлар, йилқичилар ёғин-сочинли кунларда ёпиниб юрадиган енгсиз чакмон (халат). Капанак юқа қилиб бостирилган кигиздан тикилади. Бундай кигиз намни, шамолни, изғиринни ўтказмайди. Ўтмишда йирик-йирик чорвадор бойлар молларини боқиш учун одамларни ёллаб ишлатардилар. Айниқса бойларга ёлланган йилқичи йигитларнинг меҳнати оғир эди. Улар аёзли, изғирин ва бўронли кунларда бойларнинг йилқиларини кўриқлайман деб, ҳафталаб отдан тушмас эдилар. Бирор одами (ўғли, эри, отаси, акаси ё укаси) шундай аёзли, бўронли кунларда узоқ вақт келмай кетганда уйда ҳавотир олиб ўтирганларга (отага, онага, хотинга, акага, укага, опага, сингилга) шу мақол билан: «Кафан кийган (яъни ўлган) кишигина қайтиб келмайди, капанак кийган (яъни, йилқиларни қўйларни боқиш учун кетган) киши албатта қайтиб келади. кўп ташвиш тортаверманг», деган маънода тасалли берганлар. Вар.: «Кафан кийган кетади, Қалпоқ кийган қайтади»; «Кетган келар, Кетмонлаган келмас» (кетмонлаган — тупроққа кетмонлаб кўмилган, яъни ўлган одам).

Кафил бўлма, кафансиз кетасан.

Вар.: «Кафил бўлма, сафил бўласан» (сафил — паст, тубан); «Кафил бўлсанг, кафанинг қуяди»; «Айғоқ бўлма — ўларсан, Кафил бўлма — тўларсан»; «Итолғи солма, Кафил бўлма» (итолғи — йиртқич қуш. Овчилар итолғини қўлга ўргатиб, унинг воситасида ов қиладилар. Бу қуш бошқа ов қушларга нисбатан унчалик чаққон ва олғир эмас. «Итолғи солма» деганларининг боиси ана шунда. «Итолғи чумчуқ олса, ўзини қарчигай санайди», «Итолғи қуш мақтанса, итсиз қуён олдим дер», деган мақоллар ҳам юқоридаги фикрнинг далили бўла олади); «Кафил бўлгунча, кафтинг билан чўр ушла»; «Ишинг бўлмаса вакил бўл, Қарзинг бўлмаса кафил бўл» (Вакил — қозихонада гувоҳлик берувчи одам). Бундай одамни қозихонада узоқ олиб ўтириб ё қайта-қайта чақиртириб, безор қиладилар. Шу боисдан «Ишинг бўлмаса вакил бўл», деганлар. Кафил бўлишни бундан ҳам баттарроқ деб ҳисоблаганлар. Кафил бўлмоқ — бировни мудофаа қилмоқ, ўз ҳимоясига олмоқ. Масалан, бир одам бир одамдан қарз сўраса, бошқа бир одам орага тушиб, қарз берувчига: «Ҳеч иккиланмай бераверинг, фалон пайтда қайтиб беради, бунга мана мен кафил», дейди. Қарз берилади. Борди-ю, шундан кейин бирор кор-ҳол рўй бериб қолса (масалан, қарз олган одам муттаҳамлик қилиб, «Мен бу одамдан ҳеч қанақа қарз олган эмасман», деб тонса; қарз олган одам тўлаб улгурмай ўлиб-нетиб қолса ва ҳ.к.), таомилга кўра кафил бўлган одам ўша қарзни ўз ёнидан тўлашга мажбур бўлади. Юқоридаги мақолларда «зинҳор кафил бўла кўрма!» деб қайта-қайта уқтирганларининг боиси ана шунда. «Кафансиз кетасан» дейиш билан:

«Кафил бўлсанг, бор-йўғингдан ажраб, ҳатто кафан сотиб олишга ҳам қурбинг етмай қолади», демоқчи бўлганлар.

Ҳаргиз, отанг бўлса — бўлмаганлар кафил.

Бурунгидан қолган: кафиллар — сафил.

(Махтумқули).

Кези келса, кетмон чоп.

Вар.: «Ўрни келса, ўроқ ўр». Бу мақоллар билан «Ҳаёт кечиришни осон деб ўйлама. Кези келса, бошингга бирор иш тушиб, мушкул аҳволда қолсанг, кетмон чопишдан, ўроқ ўришдан (яъни, ўзингча «қора иш» деб ҳисоблайдиган ишни қилишдан) орланма, қилавер! Бошқа бир мақолда айтилганидек: «Юмушнинг ёмони йўқ», деган маънода насиҳат қиладилар.

Кеккайганга кеккайгин бошинг кўкка етгунча, энкайганга энкайгин бошинг ерга теккунча.

Вар.: «Кеккайганга кеккай, чекчайганга чекчай»: «Қадрингни билса қирқ йил эгил». Маъноси: «Ўзини катта олиб, сени «оёқ ости»да кўрсатадиган, назар-писанд қилмайдиган, менсимайдиган одамнинг олдида сен ўзингни ночор билиб, паст тутиб, қисиниб-қимтиниб, андиша юзасидан индамай ўтирма, аксинча ўзингни ундай ҳам баландроқ тут, бўш келма, сени менсимай, киноя қилиб, мазах-масхара қилиб айтадиган гапига яраша ган қил. Сени иззат-хурмат қиладиган, қўлини кўксига қўйиб таъзим қиладиган, ҳушмуомала, одамохун, кўнгилчан кишини эса ундан ҳам ўтказиб иззат-хурмат қил, ширин сўзингни аяма, ўзингни ундан ҳам кўнгилчан тут».

Кексалик — кўприк.

Кўприкдан ҳар нарса ўтади, у барчага беради. Шунингдек, кексалар ҳам ўз умрлари давомида бошларидан кўп ширинлик-ёмонликларни ўтказганлар, бунга қўшимча ҳосил қилиб, чидамли-бардошли бўлиб қолганлар. Шу боисдан кексаликни кўприкка ташбиҳ қиладилар. Агар қарияни бирор одам ноҳақ ранжитса, ўртага тушган одам шу мақолни ишлатиб: «Сиз кечиринг, ёшлик қилибди», деб илтижо қилади.

Кексани кучидан сўрама, ишидан сўра.

Вар.: «Кексанинг ёшини суриштирма ишини суриштир»; «Кексага йўл бер, ўзинг ҳам кексаясан». «Кекса одамнинг кучсизлигидан, ожизлигидан кулма, аксинча унга ҳавас қил, унингдек бўлишга интил. Негаки, у ўзининг узоқ умри давомида кўп ишларни қилган, меҳнат билан, ҳаёт ҳаракатлари билан қартайган. Сен ҳали бу одамдек бўлиш учун кўп йиллар яшашинг, кўп иш қилишинг, кўп яхши-ёмонликларни бошингдан кечиришинг керак бўлади. Кексалик, кучсизлик, ожизлик нималигини ана ўшанда биласан», дейилмоқчи.

Келасиз деб об қўйдик, келмайсиз деб еб қўйдик.

Бу мақолни мезбон баъзи ҳадди сиғдирган, ҳазилкаш меҳмонга бирор дурустроқ нарса билан сийлай олмаган пайтида ҳазил-мутойиба тариқасида айтади.

Келин ёмон эмас, келган ери ёмон.

Маълумки, янги оилага аъзо бўлиб келган янги аъзо — келиннинг аҳволи анча мураккаб кечади. Баъзи балғачи қайноналар келин қанча сийб-югуриб, «кўлини косов, сочини супурги» қилиб ишламасин, қанча одоб сақламасин, барибир ким ёмон келин ёмон, яхши бўлса ҳам — ёмон, ёмон бўлса ҳам — ёмон, деди. Қайнона унинг ҳар бир ҳаракатини, оғзидан чиққан ҳар бир сўзини тергайди, «кўзирса ўроқ, тўғри сўзсе» дейди, қилаётган ишларини ёқтирмай, кам-

ситади, ўз қизларини ардоқлагани ҳолда келинга бирон-бир яхшиликни, бирор-бир илиқ сўз айтишни раво кўрмайди. Бу мақол келинлар ва уларнинг ҳолига ачинган, уларга ҳамдард, ҳамроз бўлган кишилар томонидан айтиб қолдирилган. «Қизимнинг қайнонаси ёмон, Ўзимнинг келиним ёмон»; «Келин бўлдим — қайнонамга ёқмадим, Қайнона бўлдим — келинимга ёқмадим»; «Келининг сўзи кетмондай ботар, Боланинг сўзи бетмондай ботар»; «Келинимнинг йиғлагани — эшагимнинг ҳанграгани»; «Куёвим яхши — қизимнинг айтганини қилади, Ўғлим ёмон келинимнинг айтганини қилади»; «Келин — қайнона супургиси» (ёмон қайноналар ўз келинларини шундай деб камситганлар, уларни ўзларининг хизматкорлари деб билганлар); «Келининг битта бўлса ўтириб ейсан, Иккита бўлса — йўргалаб ейсан»; «Бир келинли бўлсанг, белингни бир жойидан туг, Икки келинли бўлсанг, икки жойидан туг, Уч келинли бўлсанг, ҳам белингни туг, ҳам тилингни»; «Келиним бор деб керилма, Иш буюрса, эринма» (Мазкур мақолларни ҳам пеш қилиб, келинларига кесатиб, пичинг қилиб айтардилар); «Ёз офтобига келининг ўтқаз, Куз офтобига қизингни ўтқаз» (Лола-қизғалдоқ офтобини «ёз офтоби» дейдилар. Бу пайтда офтоб кишининг юзини тезда қорайтиради, хунук қилади. Куз офтоби эса мўътадил бўлиб, юзининг рангини тоза ва хушрўй қилади. Мақолда ёмон қайнонанинг келинни хунук, қизни эса чиройли қилиш нияти ўз ифодасини топган); «Келин кимхоб кияр, Қайнона қарғаб куяр»; «Келини кийсин, Қайнонаси куйсин»; «Келин янги кийса қайнона куяр, Қайнона янги кийса келин кулар»; «Қизгинамнинг боласи — қандак ўрик донаси, Ўғилгинамнинг боласи — хай-хай унинг онаси!» «Қизига жони ачиган келинини чалпир»; «Уришқоқ бўлса — ўғлинг ёв, Керишқоқ бўлса — келининг ёв»; «Келин келса, келимсак кўпаяди»; «Келининг қаерлик бўлса, меҳмонинг шу ерлик» (Бу кейинги икки мақолга фақат келининг ўзигина эмас тарафидан келган қариндош-уруғларини ҳам менсимаганлари, камситганлари, ёқтирмаганлари ўз ифодасини топган); «Келишмаганнинг келини ўғрилик қилар»; «Келин келағон бўлди, Овул кезағон бўлди». «Келин ўзин яширур, Товушин тоғдан оширур» (Бу билан: «Писмиқ келин ғарчи ўзини уялган кўрсатиб, уйга келган бегона кишилардан ўзини олиб қочса ҳам, вақти келганда арзимаган нарса учун ҳам катта жанжал кўтаради, «етти маҳалла эшитгудек» қилиб, овозининг борича шаллақилик қилади», дейилмоқчи); «Мўмин келининг супургиси хашак остида туради». Мўмин сўзи кесатиқ маъносида — мугомбир, айёр, ишёқмас келин супиргини (ва умуман, иш асбобларини) атайлаб бекитиб қўяди-да, «супургим» (ва умуман, бирор ишни қилгин) деганларида «супурги йўқ» ёхуд «у йўқ — бу йўқ» деб баҳона қилади», дейилмоқчи.

Келинни келар йилда кўр.

«Келинни янгилигида мақтама, дарҳол ёмонлашга ҳам тушма. Уни келар йилда, яъни келаси йилда кўр. Шу бир йилда феъл-атвори маълум бўлади-қўяди. «Келинни келаси йил сина»: «Терини сангобдан кейин кўр, Келинни — туққандан кейин» (қорамоқ, қўй, эчки ва бошқа хайвонларнинг териси офтобда қуритилганда куйган бўлса, ўқрали-сўқрали ёки сасиган-чириган бўлса, сангобдан — терилар махсус эритмага солиб пиширилади-да чўкурдан — бутун чиқмай, яримта юримта, бурда-бурда бўлиб кетади. Келин бўлиб тушган қизларнинг айримлари бир, икки ва ундан ортиқ туққандан кейин ҳам аввалги ҳусн-жамолини сақлаб қолади, айримлари эса хунук тортиб, қаримсиқ бўлиб кетади. Шундай экан, уларни олдиндан мактаб бўлмайди, дейилмоқчи); «Яхши қизим — бир бешик орқаси»; «Ой минмай отинг мақтама, Йил турмай хотининг мақтама».

Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр.

Тўғри маънода: «Келин ота уйидан турмуш қурадиган уйга келмасдан

илгари унинг ҳусн-жамолини, феъл-атворини ва олиб келган сепини ёймасидан илгари унинг молини мақтама» дейилмоқчи. Мажозан: «Ҳали бўлмаган, амалга ошмаган, натижаси чиқмаган, номаълум иш устидан мақтаниб юрма. Бу иш олдин бўлсин, битсин, натижаси маълум бўлсин, кўрайлик, агар ҳақиқатан ҳам мақтовга лойиқ бўлса, ана ундан кейин мақтасанг (ёхуд мақтансанг) арзийди», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Келинни келганда кўр, Гўшангага кирганда кўр»; «Келинни келганда кўр, Сочбоғини солганда кўр»; «Кулукни келганда кўр, Думини сузганда кўр» (кулук — чопқир от. Кулукни пойгага қўшар олдида чаққон қилмоқлик учун думини ўз қили билан ихчам қилиб боғлаб қўядилар. «Думини сузмоқ» дегани — шу. Бундан ташқари, махсус от бозори бўлмаган қишлоқларда сотиладиган отни бозорга солганда унинг думини ўз қили билан ўртасидан боғлаб қўядилар. Бу унинг сотилишига белги бўларди. Ана шуни ҳам «думини сузмоқ» дердилар), Бу мақол тўғри таъноа: Кулук-кулик, деб уни олдиндан кўп мақтайверма. Думини сузсинлар, майдонга кирсин, чопсин, бошқа кулуклардан ўзиб кетсин, ана ундан кейин мақтасанг арзийди»; мажозан: «Фалончи одам ундоқ, бундоқ, деб олдиндан мақтама. Унинг кимлиги, қандайлиги гапсўзидан, қиладиган ишидан маълум бўлади. Шундан кейингина у ҳақда ижобий ё салбий хулоса чиқариш мумкин», деган маънода қўлланилади.

«Дермишларки, ҳар кимни келганда кўр,
Бўлубдур масал: сўзни сўрганда сўр»
(Хиромий).

Келинчакнинг эгаси бор, қудага қатнаш на даркор?

Баъзи ота-оналар «қудага яхши кўриниб» деб, қудалари билан борди-келдига зўр берадилар, уларни тез-тез зиёфат қилиб чақирадилар, тўн кийгиздилар, сарупо-лар билан сийлайдилар, уларникига борганда эса турли совға-саломлар, кўпроқ ва лаззатлироқ пиширик нарсалар қилиб боришга ҳаракат қиладилар. Мазкур мақол билан шундай кишиларга қарата: «Бундай қилишнинг нима кераги бор?! Ундан кўра қизингининг куёвинг билан иттифоқ бўлиб, тинч-тотув турмуш кечиришини кўзла, шунинг ғамини е, чора-тадбирини кўр», дейилмоқчи.

Келса хотин уруғи, топилар унинг йўриғи, келса эрнинг уруғи, бўлар юрак буруғи.

Вар.: «Келса хотин уруғи, Бўлар йўрға йўриғи, Келса эрнинг уруғи, Бўлар юрак буруғи»; «Хотин уруғи келса — эшик очиқ, Эр уруғи келса — хотин қочиқ»; Эр уруғи — сават бош, Хотин уруғи — илон бош» (сават унча-мунча эшикдан сиғмайди, илоннинг боши эса эшик тугул тешикка ҳам сиғиб кетаверади. Мақолда шунга шама қилинаяпти); «Амманг келса, паранжисин ол, тагига эски тўқим сол, Холанг келса, паранжисин ол, тагига янги тўшак сол»; «Амманг келса, паранжисин ол, темир қозиққа ил, Холанг келса, паранжисин ол, кумуш қозиққа ил» (Амма — эр уруғи, хола — хотин уруғи). Мазкур мақоллар билан: «Ёмон, дили қора, ичи тор, худбин хотинлар уйга эрининг бирор қариндош-уруғи келиб қолгудай бўлса, уни чеҳра очиб эмас, чиройситиб қарши олади, борини дастурхонга келтириб қўймайди, ичида «тезроқ кета қолсачи!» деб ўтиради. Ўзининг қариндош-уруғлари келгудай бўлса, уларни ўтказгани жой тополмай қолади, борини дастурхонга тўкиб солади», дейилмоқчи.

Кемага тушганнинг жони бир.

Бирор фалокат-балокатнинг, хавф-хатарнинг олдини олишда, бартараф этишда ҳамма баравар ҳаракат қилиши, жон қуйдириши, бироз

ишлаб, биров четга чиқиб турмаслиги лозимлигини уқтирганда ва шунга ўхшаш ҳолларда мазкур мақолни ишлатадилар.

Кемачи хон бўлди, биз навкар бўлдик, оллонинг амридан сув тўкар бўлдик.

Навкар — 1) хизматчи; 2) аскар, йигит. Кемада кетаётганда кучли тўлқин туриб қолса, кеманинг ичига сув туша бошлайди. Шунда кемадагилар чўкиб кетмаслик учун дуч келган идиш-оёқ билан сувни олиб, кемадан ташқарига тўкиб-тўкиб турадилар. Бундай хавф-хатарли пайтда кемачининг айтгани — айтган, дегани — деган бўлади. Кемадаги ҳар бир киши (у ким бўлишидан қатъий назар) кемачининг буйруғини бажариши шарт бўлиб қолади. Ҳаётда баъзан шундай бўладики, амалдор амалдан тушиб қолади-да, замонанинг зайли билан унинг ўрнини собиқ хизматкори, қўл остида ишлаган одами эгаллайди. Унга тобе бўлиб қолган собиқ амалдор киноя, пичинг тарзида юқоридаги мақолни ишлатади ёхуд ўзгалар шундай собиқ амалдорнинг ҳолидан кулганларида истеҳзо билан қўллайдилар.

Кенг бўлсанг, кам бўлмайсан.

Вар.: «Кенг бўлган кенг яшар»; «Кенг бўлганга ғам юқмас». Бу мақоллар билан: «Юраги кенг, кўнгли очиқ, қўли очиқ, саҳий одам эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, ўзгаларнинг иззат-ҳурматига, сийловига, саховатига сазовор бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Кенг жойда тор ўтирсанг, тор жойда кенг ўтирасан.

Бу билан «Қайни бўлмаган кунларда мажбур бўлмасанг ҳам ёхуд сенга бирон мажбур қилмаса ҳам, кимгадир ўзингни-ўзинг писанд қилмасанг, кимларгадир кўпинча ёлвиравермасанг, кимларгадир бераверадиган бўласан. Натижада қийин кунлар келганда қийналмайсан», дейилмоқчи.

Кепак еган от югурук бўлмас

(кепак бошқа емларга нисбатан қувватсиз бўлади). Мажози: «Оғир меҳнат қиладиган одам қувватли овқат емаса, кучи қочиб, сиқласи қуриб, яхши ишлай олмайди». Вар.: «Бўш қоп тик турмас» (буни ўтмишда хизматкорлар хўжайинларга қарата айтганлар ва «Оғир иш қилдиргандан кейин овқатимизни ҳам тузукроқ қилиб беринг-да», демоқчи бўлганлар); «Куйсиз кулук югурмас» (куйсиз — парваришсиз); «Емсиз от югурмас»; «Кепакка семирган от пойгадан келмас»; «Кепак еган от югурук бўлмас, Лойдан ясаган — тўйнук бўлмас» (тўйнук бўлмас — ёруғ киришини, тутун чиқиб кетиши учун уйнинг, ўтовнинг тепасидан очиб қўйиладиган тешик. Тўйнукни лойдан эмас, одатда ганчдан, ёғочдан, темирдан қилганлар); «Кесак ялаган ит овга ярамас».

Керак бўлса, терак йиқилар.

Вар.: «Керакка терак йиқилар»; «Керак теракни йиқар»; «Йўқни керак топтирар, Ёлғиз отни соттирар». Синчли иморат қуриладиган бўлса, жуда кўп ёғоч керак бўлган. Шунда ёғоч етмай қолса, уй қурдираётган одам уста-мардикорларнинг қўлини ушламаслик, вақтни бой бермаслик учун узоққа бориб ўтирмасдан, кўркам бўлиб, савлат тўкиб, соя бериб, керак бўлиб турган теракни йиқитиб, ёғоч қилиб, ишлатиб юборишга мажбур бўлиб қоларди. Бу мақолларнинг тўғри маъноси. Мажозан: киши бирер нарса бениҳоя зарур бўлиб қолгани тақдирда ўзига керак бўлиб, кунига яраб турган бошқа бирор нарсасининг баҳридан ўтишга мажбур», деган маънода ишлатилади.

Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги ҳикоят билан боғлиқ: «Карвон

туяларга юк ортиб, йўлга чиқибди. Бир ерга борганда той молини сотибди. Кейин бир туянинг юки синғар (ток) бўлиб қолипти. Туяга бир синғар юкни ортиш жуда қийин. Бир амаллаб ортилган чоғида ҳам, оғирлик туянинг бир ёнбошига тушиб, уни яғир ва майиб қилиб қўйиши мумкин. Шунда карвонбоши одамларига: «Сой тошидан келтиринлар», деб буюрибди. Келтирилгач туянинг бир томонига ҳалиги синғар юкни, бир томонга эса тошни қопга солиб орттирибди. Одамлар бундан тааҗжубланиб: «Ахир бу тош туяга оғирлик қилади-ку», дейишибди. «Обқашда бир челак сувни кўтаргандан — икки челак сувни кўтарган ўнғай. Бу ҳам худди шундай гап», дебди карвонбоши. Бир ерга боришгач, ҳалиги туянинг қолган юкини ҳам сотишибди. Шундай кейин карвонбоши қопдаги тошни иккига тақсим қилиб, усти бўшаган туяга ортишни буюрибди. «Энди бу тошнинг нима кераги бор? Туяга увол-ку!» дейишибди одамлар. «Ортаверинглар, — дебди карвонбоши, — керакли тошнинг оғирлиги йўқ». Мазкур мақолнинг мажозий маънода шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда ишлатадилар. «Вой-бўў... ивиб кетибсан-ку, болам, — деди айвонда ўтирган Қутбиниса хола, — зонтикни ола кетгин десам олмадинг, Керакли тошнинг оғирлиги йўқ эди» (Мирмуҳсин, Жамила).

Кераксизни олсанг, керакли-ни сотарсан.

«Ҳадеб кераксиз нарсаларни сотиб олаверсанг, пулинг қолмай, керакли нарсаларингни сотиб пул қилишга мажбур бўласан», дейилмоқчи. «Керакли нарсани кераксизида ол»; «Керакли молнинг баҳоси йўқ»; «Борида қиммат кўринмас, Йўғида излаб топилмас».

Кессанг, кесилмайсан.

Қадим урушда асосий қурол — қилич эди. Бу мақол билан: «Ёвга қарши қўрқмай борсанг, жонингни аямай жанг қилсанг, уни қиличинг билан чопиб, кесиб ташлашга ҳаракат қилсанг, у сенга бас келолмайди, сени чопиб, кесиб ташлай олмайди, енгасан, енгилмайсан», дейилмоқчи.

Кет деса, ит ҳам кетади.

Бу билан кишини ор-номусли, ҳаёли бўлишга ундайдилар, «борма» деган жойга борма, «кирма» деган жойга кирма, сени хуш кўришмаган, ўзингнинг ҳаддинг сиғмаган ердан ўзингни олиб қоч, безбетлик билан у ерда айланишиб юрма, «хира пашша» бўлма! деган маънода насиҳат қиладилар, огоҳлантирадилар.

Кетарга келса — эл ёмон, кўчарга келса — ер ёмон.

Бу мақолни ўз киндик қони тўкилган ерини, она-тупроғини, ўз эл-юртини, Ватанини ёқтирмай, нонкўрлик қилиб, ўзга элларга ва ерларга кетиб қолувчи, оқибат-натижада ватангадолик болосига йўлиқувчи ватанфурушларга қарата аччиқ киноя тарзида айтганлар.

Кетган — кетган бўлди, кетгани недан бўлди?

Бировнинг ҳафа бўлиб кетиб қолишига сабабчи бўлган одам ўз айбдорлигини атрофдаги одамлардан яширмоқ учун ўзини билмаганга олиб: «У нимага кетиб қолди ўзи, а?» деб сўраб, айёрлик қилса, буни фаҳмлаган одамлар тўғридан-тўғри унинг бетига: «Нега бўларди?! Сен қилдинг, сен айбдорсан, ўзинг сабабчи бўлдинг. Энди нима қиласан сўраб?!» деб, ундан нафратланадилар.

Кетганнинг устига — кетган.

Бир одам тўй-зиёфат қилишга, иморат қуришга, кийим-кечак сотиб олишга ва б. бирмунча маблағ сарф қилади. Шунда у яна озроқ қўшимча маблағидан қочиб, ишни чаларок, хунукроқ, сифатсизроқ қилган ё қилаётган бўлса, бошқа бир одам унга: «Э, кетганнинг устига — кетган, яна бир оз сарфланг, яхши, чиройли,

сифатли, чидамли... бўлади», деб тавсия қилади. Ёхуд маблағ сарф қилаётган одам ишнинг яхшироқ чиқишини кўзлаб, яна бир оз маблағ сарфламоқчи бўлиб турганда, атрофдагилар унга: «Э, нима қиласиз ортиқча харажатни?!» дейишса, у: «Куяверинг, кетганнинг устига — кетган, шу арзимаган харажат билан ишнинг янаям яхшироқ бўлгани қолади», дейди.

«Хақларига оз эди ҳар қанча чакки сўз десанг,
То қиёмат кам агар ҳар қанча дашном айласанг,
Боз кетган устига кетган масал бордур десанг,
Ичкариси бирла ҳам эмзи тавакқал гап десанг,
Эрлар ўрнига шояд хотунидин тегса гап»
(Муқимий).

Кетмоннинг бошини боссанг, сопи бошингга тегади.

Бу мақол билан: «Сен билан бўлмай, ўз ҳолича кетаётган, сенга бирор-бир гап-сўз қилмаган, зиён-заҳмати тегмаган одамга ноўрин гап қилсанг, тегажўғлик қилсанг, лилини оғритсанг, ўзинг жавобини оласан, қайтага ўзинг гап (ҳақорат) эшитасан, хатто келтак ейсан», деган маънода насиҳат қиладилар. «Арининг уясига тегсанг, ўртага олиб талайди»; «Сен балога тегмасанг, балонинг сенга нима иши бор?!».

Кеча келдинг югуриб, нени берай сугуриб?

Жамиятда шундай одамлар ҳам бўладики, улар бирор ерга хизматга киришдан-да, ердан хилагина вақт ўтмасданоқ босар-тусарларини ўзгартирадилар, ҳеч кимга сўз бермайдиган, катта гапирадиган бўлиб қоладилар, ўзга-мунча одамни менсимайдилар, бериладиган хақнинг каттасини талаб қиладилар, бор имтиёзларга қаноат қилмай, йўқ имтиёзларнинг берилишини сўрайдилар. Мақкур мақолни ана шундай одамларга нисбатан қўлланадилар. Яъни: «Кеча келдинг югуриб, Кирганинг эшикни синдириб!».

Кеча-кундуз ётган ҳам бир, тонг уйқусин тотган ҳам бир.

Бунда тонг уйқуси кишига нечоғли тотли, ширин бўлиши қайд этилган.

Кеча ўлди бир товуқ, бугун ўлар курк товуқ, бўлмаса уйда бир кафт дон, қирилиб битар қирқ товуқ.

Бунга шундай бир ҳикоя келтирадилар: «Бир одамнинг қирқта товуғи бўларкан. У тухумини сотиб ейаверар экан-у, товуқларининг ҳолидан хабар олмас, дон келтирмас экан. Хотини ҳар куни жавраб: — Товуқларнинг дони соб бўлди, дон олиб келсангизчи! — деса ҳам, у парво қилмай юраверипти. Ахири товуқлар очликдан бирин-кетин ўлавергач, хотини юқоридаги сўзни айтган экан...» Бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб кетган. Уни мажозий маънода бир нарсанинг киримидан бахраманд бўлган ҳолда бир оз чиқимидан ҳам қочувчи, фойда келтириб турган нарсани сақлаб қолиш, янаям яхшилаш тўғрисида кайгурмовчи парвойи-фалак, беғам, бетадбир одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Кигиз кимники бўлса, шунинг билаги қаварур.

Илгари кигиз бостирганда жунни тўқилган чий орасига ўраб, уни билак била нари бери думалатаверардилар. Жун қаттиқ босилиб, бир-бирига илашгандан кейингина кигиз ҳолига келади. Бу иш анчоятда оғир бўлиб, билакларни қавартириб юборарди. Бундай машаққатли ишни бирор бировга ўчи қилиб бермасди (аксарият ҳолларда), ким кигиз бостирса, ўшанинг ўзи билагини қавартириб ишларди. Мажозан, ҳар ким ўз тирикчилигини ўзи ўтказиши, ўз жонини қийнаши, бирор кимга ёрдам қилиб беришга умид боғламаслик, бенарво бўлиб, ялқовлик қилиб юрмаслик лозимлигини уқтирилади.

Кийган тўнинг эскирар, кийдирганинг эскимас.

Халқимиз одатига кўра, «Куда чақириқ»да куда ва унинг бир неча яқин қариндош-уруғларига, «куёв чақириқ»да куёв ва унинг бир неча яқин қариндош-уруғларига, шунингдек тўй-зиёфатларда, маҳфазларда куда-анда, ёр-дўстларга, умуман, атоқли меҳмонларга иззат-эҳтиром юзасидан эсдалик совға сифатида тўн (баъзан дўппи ва белбоғи билан) кийдирадилар. Вақти келиб, кийганлар кийдирганларга кийдирадилар. Унинг ҳақи бунда, бунинг ҳақи унда қолиб кетмайди. Мажозан «эскимас» сўзи «эскиб кетмайди» деган тўғри маънода эмас, «унутилмайди», яъни «сенинг тўн кийдирганингни — демакки, қилган яшилигингни, иззат-ҳурматингни у одам унутмайди, кўнглида сақлаб юради, кези келганда яхшилик билан жавоб қайтаради», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Едирсанг еярсан, Кийдирсанг киярсан»; «Едирганга ем берар, Едирмаганга не берар?» (буларда «едирмоқ» деганда кўпроқ «ерга едирмоқ, яъни ерни ўгитга тўйдирмоқ» назарда тутилади).

Кийикли тоғ — суюкли тоғ.

Овчилар ов кўп учрайдиган, овлари бароридан келадиган ерни хушлайдилар, доимо ўша ерни қўмсаб турадилар. Мазкур мақол дастлаб овчилар тарафидан айтилган бўлса, ажаб эмас.

Кийимни бўйга қараб бичадилар.

Бу мақол мажозан кўпинча, бировга бирор иш топширадиган бўлсанг, унинг хол-кудратига, маҳоратига, истеъдод ва қобилиятига қараб топшир. Масалан, катта одамга бола қиладиган, боланинг ҳам кўлидан келадиган ишни топширадиган бўлсанг, унинг иззат-нафсига тегади, жаҳли чиқади... Болага катта одам қиладиган, катта одамнинггина кўлидан келадиган ишни топширсанг, аввалambор у бунинг уддасидан чиқа олмайди, гапингни ерда қолдирмай, уринганда ҳам — қийналади, азоб чекади, ҳатто шикастланади, деган маънода қўлланади.

Кийимнинг янгиси яхши, дўстнинг эскиси яхши.

Вар.: «Эски дўст эсдан кетмайди, Янги дўст қадрига етмайди»; «Эски дўст душман бўлмас, Янгисидан вафо келмас»; «Эски дўстдан жафо келмас, Янги дўстдан вафо келмас»; «Эски дўстлик зангламайди». Булар билан узоқ муддат давом этиб келаётган ҳаёт синовидан ўтган дўстлик ёқланади.

Кийсанг шойи, кимхоб, охир тушкунг ёғоч товут.

Бу мақол мол-дунёси, данғиллама уй-жойлари, кўркам ва қиммат баҳо кийим-кечаклари, тақинчоқлари ва б. билан мағрурланиб, «гар-гар» кекириб, унча-мунча одамни менсимай, «оёқ учи»да кўрсатувчиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

Кикилим кикил, бекитганнинг қўйнига тикил

(«қукул» ҳам дейилади — эчки, қўзичоқнинг ошиғи). Баъзан кичик жуссали, ушоққина одамни шу митти ошиққа ташбиҳ этиб, «кикил» деб атайдилар.

Ким гапирганига боқма, нима гапирганига боқ.

Бу билан: «Сенга гапираётган одамнинг кимлиги ва қандайлигига (у бола ё катта одам, хунук ё хушрўй, камбағал ё бадавлат, амалдор ё оддий одам эканлиги ва ҳоказога) қараб эмас, гапининг маъносига қай вазиятда ва қай йўсинда айтаётганига, ўринли ё ўринсиз гапираётганига қараб жавоб-муомала қил», деган маънода насиҳат қиладилар.

«Сенга бор эса сўз билурдин мазоқ,
Ўзим сари боқма, сўзим сари боқ»
(Навоий).

Кимга — тўй, кимга — аза.

Вар.: «Бировга — маза, Бировга — аза»; «Кимга — бармоқдай, Кимга — тирноқдай»; «Кимга туйнукнинг ёруғи, Кимга шамчироқ»; «Ким текканини ейди, Ким — суйганини»; «Ким ишлайди, ким тишлайди»; «Кимга — ҳой-ҳой, Кимга — вой-вой». Бу мақоллар билан ҳаётдаги нотенглик ижтимоий адолатсизлик устидан аччиқ кулинади.

Кимнинг ерини ерласанг, шунинг йирин йиршлайсан.

Вар.: «Кимнинг кемасига тушсанг, шунинг эшгагини эшарсан»; «Кимнинг аравасига минсанг, ўшанинг қўшигини айтасан»; «Қаерда бўлсанг, шу ернинг йирин йирла» (йир — ашула, қўшиқ; йирламоқ — ашула қилмоқ, қўшиқ айтмоқ; ерин ерламоқ — ерини ишламоқ). Бу мақоллар билан: «Ҳаётда ким билан ҳамрох, ҳамнафас бўлсанг, кимнинг ишини қилиб бераётган бўлсанг, турмушингни қаерда ўтказаётган, қаернинг нон-тузини тотаётган бўлсанг — ўшанинг ва ўша ернинг одатини қил, гапига кир, шарт-шароитига кўник», деган маънода (масалан, ота-оналар турмушга узатётган қизларига) насиҳат қиладилар.

Кимнинг талқони бўлса, шиннига ўша қоради

(шинни — узум, тут, қанд лавлаги, қовун, тарвуз, нок ва шу кабилар шарбатини қайнатиб тайёрланадиган масаллиқ). Талқон қовурилган жўхори, бугдой, сўк ва шу каби дондунни, қотган нонни ҳовонча ё ўғирда туйиб тайёрланади. Унинг қуруқ ўзи ҳам, шакарга, шиннига, сутга қориб ҳам истеъмол қилинади. Мазкур мақол мазмуни: «Ишласанг, тиришсанг, ҳаракат қилсанг — тирикчилигингни ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма нарсани (жумладан, шиннинг ҳам, талқонинг ҳам) бўлади, юзингни шувит қилиб, ялиниб — ёлвориб биревдан сўраб юрмайсан, ишлаган, ҳаракат қилган ўзгаларнинг нарсасига ҳавасинг келиб, кўзингни ўйнатиб, оғзингнинг сувини келтириб ўтирмайсан, ўз нарсангни хоҳлаганингча еб-ичаверасан», деган маънода қўлланади. Вар.: «Ишлаган тишлайди, Ишламаган кишнайди»; «Ишлаган ошини ошар, Ишламаган бошини қашир»; «Иши йўқнинг — оши йўқ»; «Иш қилганга — қоп-қоп, Қилмаганга — бўш қоп»; «Қўли ўйнамаганнинг кўзи ўйнар».

Кимнинг қўли узун бўлса, олмани ўша узади.

Ўтмишда бу мақол кимнинг амали, мартабаси баланд, пули кўп (яъни, «қўли узун») бўлса, яхши, чиройлига ўша эга бўлади, деган мажозий маънода қўлланган.

Кинначининг ковуши ўзидан илгари йўрғалар.

Ўтмишда халқ оммасининг илғор дунёқарашдаги вакиллари турли ирим-сирим ва расм-русм қилишнинг фойдаси йўқлигини тушуниб етганлар бемаъни хатти-ҳаракатлар қилиб, текинхўрлик ва алдам-қалдамлик билан кун кечирувчи фолбинлар, таъбирчилар, азаймхонлар, кинначилар устидан кулганлар, бу ҳақда латифалар, сатирик қўшиқлар, мақол ва иборалар тўқиганлар, Юқоридаги мақол ана шуларнинг бири бўлиб, у билан «Агар биров: «кинна солиб қўйинг» деб чақирса, кинна солиб, пул (ё бошқа нарса) олиб, мазахўракка ўрганиб қолган кинначи бир нима умидида «оёгини қўлига олиб» югуради», дейилмоқчи. Мажозан, бир нарса унимидан умидвор бўлиб, элбурутдан югурувчиларга нисбатан қўлланади.

Кир қўйлакка — кишан ёқа.

«... Илгари хотинларнинг қўйлак ёқаси эркаклар яхтагининг ёқасига ўхшаган бўларди... (Ана шу) яхтак ёқали қўйлак галстукка ўхшаш узун, шарфсимон бўйин ёқа тақардилар. Бунинг узунлиги бир метрча (қўш қават), эни тўрт энлик чамасида

бўлиб, ипакдан гул солиб тўқиларди (ироқи нусха). Амалдорлар, бойлар хотинларининг бўйин ёқалари заркумушдан қуббалар билан ҳашамдор қилинарди. Бўйин ёқасининг учини эса шокила қилиб қўядилар. Бўйин ёқаси янги кўйлак кийилганда, эски кўйлакдан янги кўйлакка ўтказардилар. Буни «бўйин ёқа» ва «кишан ёқа» деб атардилар. Буни қиз узатилганда, сарпода юборардилар. Бўйин ёқаси кампирлар арпоклаб сақларди. Тўйга ё бирор зиёфатга борганда, кампир бўлишига қарамай, кишан тақиб борарди. Агар кўйлаги эски ва ювилмаган бўлса ҳам, шошиб — пишиб ёқани шу кўйлакка тақиб кетаверарди. Бу кишан ёқага эски, кир кўйлак мос тушмасди, келишмасди, ҳунук кўринарди. Ана шунда хотинлар ўзаро киноя, масхара қилиб: «Кир кўйлакка — кишан ёқа», дердилар». (Ш. Шомақсудов, С. Долимов, Кенг уйнинг келинчаги). Вар.: «Мис қозонга — лой тувоқ, Зарваракка — бўз ямоқ» (зарварақ — зарли мато, зар тўн, зарбоф); «Амирхон маҳсига — укпа кавуш» (укпа — сифати паст тери); «Йиртиқ тўнга — зар ямоқ»; «Эски тўнга — сувсар ёқа, Тўрик отга — темир тақа»; «Аватига — чавати. Мис қозонга — лой тувоқ»; «Сўкир кўзга — сурма»; «Оқсоқ отга — олтин тақа»; «Олтин узукка — шиша кўз»; «Ўтмас пичоққа — олтин сап»; «Ғишт масжидга — ёғоч меҳроб»; «Эски уйга — янги зардевор»; «Эшакка думуш эгар ярашмас»;

«Кир кўйлак ўлибдилар Умаржон,
Сотмоқ учун эмди жиякга»

(Завқий).

Кир ювмоқчи бўлсанг, киндикдошингникига бор, бўз йигирмоқчи бўлсанг, эмикдошингникига бор.

Киндикдош — туғишган, қондош (опа-сингиллар, ака-укалар); эмикдош — (бир онадан) сут эмишган (опа-сингиллар, ака-укалар). Кир ювиш — хотин-қизларнинг энг оғир уй юмушларидан бири (айниқса, ҳозиргидай кир ювиш машиналари бўлмаган ўтган замонларда). Мазкур мақолда биринчидан, умуман хотин-қизларга, иккинчидан, бевосита янги келинчакларга: «Кир ювишга (ва умуман, оғир ишларга) бир ўзингнинг қурбинг етмаса, туғишган опа-сингилларингга мурожаат қил, уларга малол келмайди, қўмаклашадилар», деб маслаҳат берилган. «Бевосита келинларга» деганимизнинг боиси шуки, қадим одатга кўра, янги келин кирк кунгача кир ювмайди. Йиғилиб қолган кирларини (ўз уйидан ё яқин қариндош-уруғларининкидан келган) бирор боладан онасиникига ёхуд опа-сингилларининкига секин билдирмай бериб юборади, ёинки онаси, опа-сингилларидан бирортаси келиб қолса, уларнинг ўзларидан бериб юборади. Бўз тўқиш кир ювишга нисбатан бирмунча енгил. Чунки, бўз тўқиш билан боғлиқ бўлган оғир ишлар асосан эркаклар зиммасидан эди. Хотин-қизлар эса, чарх товлаб, ип йигириб берардилар. Мақолнинг иккинчи қисмида «Эмикдошингга бирор иш топширмоқчи бўлсанг, енгилроғини топшир, оғирроғи унга малол келиши мумкин. Чунки, у сенга киндикдош эмас, эмикдош, холос», деган фикр яширинган. «Кир ювгандан супурги ҳам қўрқади» деган мақол ҳам борки, бу ҳам кўпчилик аёллар изоҳлашларича кўра: «Кир ювган хотин ниҳоятда чарчаб, қорни очиб, кучи қочиб кетади. Супурги: «мени ҳам сб қўймасин тағин», деб ундан қўрқармиш.

Кирма санамнинг ўйига, санам солар ўз кўйига.

Бу билан: «Ох, санам, деб гўзал хотин-қизларнинг ўйига тушиб, фикру ҳаёлинг фақат ўшанда бўлиб, бошқа нарсадан кўз юмиб юрсанг, дунёвий ишларингдан қолиб, хаёлпараст, хаёлпаришон бўлиб қоласан, санам сени шу кўйга солиб қўяди. Ҳар нарсанинг ҳам ҳадди, чегараси бўлади. Бехуда хаёлларга берилгандан кўра, қиладиган ишингни, касбу корингни, турмушингни яхшилаш тўғрисида ўйла, қайғур, шунинг ҳаракатида бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Кичик ишни бажармай, катта ишга киришма.

«Ҳар бир ишни аввал кичикроғидан бошлаб, шунинг давомида уни синаб, ўзига хос томонларини ўрганиб, тажриба орттириб борсанг, катта ишни ҳам уддасидан чиқа оладиган бўласан. Бирданига катта ишни бошлаб қўйсанг, укувинг, тажрибанг, ҳол-қудратинг етмай, бузиб қўйишинг, битказилмай чала қолдиришинг, сарфлаган вақтинг, кучинг, ҳаракатинг, маблағинг зое кетиши мумкин», дейилмоқчи.

Кичиклар иши ҳеч нима бўлмас, писта пўчоғи кема бўлмас.

Бу билан: «Кичик (ёш) болалардан катталар қиладиган ишни, катталар гапирадиган гапни кутма. Ҳали улар ёш, қандай ишни қилмасин, қандай гапни гапирмасин — барибир ёшлигига боради. Шундай экан, мабодо улар бирор ишни бузиб қўйсалар, бирор сўзни ноўрин сўзлаб қўйсалар, бу айбларини кечирмоқ лозим», дейилмоқчи.

Кичикларнинг юзи очилгунча катталарнинг кети очилади.

Баъзи одам катта ёшда бўлса ҳам, кичиклар олдида беҳаё гапларни гапиради, бадхўйлик, бадҳаракатликни уларга ҳам ўргатмоқчи, уларнинг «юзини» очмоқчи бўлади. Аммо кичиклар то буни тушуниб етгунча, ўргангунча ҳалиги катта одамнинг ўзи атрофдагиларга майна — масхара бўлади, шармандаси чиқади. Мазкур мақол шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўлланилади.

Кичикни мақта, каттани сақла.

Бу билан: «Кичикни, яъни ўқитирини, ёш йигитни мактаб-мактаб ишга солсанг, у бу мактовларидан руҳланиб, ғайратга миниб кетиб, ҳар ишни ҳам бирпасда бажариб қўяди. Бундан ўзи ҳам хурсанд бўлади, сени ҳам хурсанд қилади. Каттани, яъни кексайиб қолган қарияни сақла, мабодо унга бирор иш қилдирмоқчи бўлсанг, ўзининг қувватига лойиқ, сиғатига зиён келтирмайдиган ишни қидир. Шундагина у сендан хурсанд, миннатдор бўлади, сен эса унинг ҳурматини жойига қўйган бўласан» деган маънода насиҳат қиладилар.

Кичикнинг каттаси бўлма, каттанинг кичиги бўл.

Бу билан: «Ўзингдан кичикларга қўшилиб, маза-бемаза гап-сўзлар, хатти-ҳаракатлар қилиб, уларга ва атрофдаги кишиларга мазах-масхара бўлиб юрма. Ўзингдан катталар даврасига қўшил, уларнинг бамаъни суҳбатларини тингла, сендан «бешолти қўйлакни ортиқ йиртган» катталарнинг гап-сўзлари, жавоб-муомалалари, хатти-ҳаракатлари ҳаётнинг оқ-қорасини, паст-баландини билиб олишингга, ҳаётий тажриба орттиришингга ёрдам беради», деган маънода насиҳат қиладилар. «Кичкина булут катта булутга ёлғашади» деган мақол ҳам бор. (ёлғашмоқ — қўшилмоқ). Мазкур мақолда ҳам мажозан катталарнинг кетида қолма, уларга ёндаш, қўшил, деган фикр илгари сурилган.

Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни.

Баъзилар бировнинг кичик жуссасига, кўримсизлигига қараб, уни менсимайдилар, назар-писанд қилмайдилар, эътиборга олмайдилар, камситадилар, мазах-масхара киладилар. Аслида эса у кичик, кўримсиз одам ўзини катта олган одамдан ё жисмоний жиҳатдан кучли, ёки билим жиҳатдан ўткир ёшки касб-ҳунарда моҳир, ё гап-сўзга уста ва ҳ. к. бўлиб, кези келганда уни енгиб, мот қилиб, одамлар ўртасида уялтириб қўйиши мумкин. Бари «Кичкина митти, Хонҳўжани йиқитди»; «Ёш кулининг тергама, ўзинг отган от бўлур»; «Кулун ҳам от бўлар, Пўлини топиб олар»; «Қўй олиш деманг из, Қўлга тушса соққа бўлур. Ёши кичик деманг из,

Ақли етишса оға бўлур»; «Кичкина кўринган ниҳол, Кейин бўлур баркамол»; «Биз ҳам киши бўлармиз, Отга кишан солармиз»; «Биз ҳам хотин бўлармиз, Қопга тариқ солармиз»; «Кичикни ёш дема, Кесакни — тош»; «Кичикни кичик дема — ақли расо кичик бор, Каттани катта дема — ақли расво катта бор»? «Камситмагил кўмирни, Эритади темирни».

Кичкина тош — ёради бош.

Вар.: «Кутмаган тош бош ёрар»; «Кичик душманнинг ҳам ортидан қувмоқ — ақллилар ишидир». Булар билан: «Кишига зиён-заҳмат етказиши мумкин бўлган нарса ва кимса (мас., душман) кичик, сони ким экан-ку, деб назар-писанд қилмай ўтирма, бепарво бўлма», деган маънода эҳтиёткорликка, хушёликка ундайдилар.

Кичкина юкка ҳам туя тиз чўкади.

Одатда туя юк ортмоқчи бўлганларида тиз чўкади ёхуд уни чўктирадилар. Мажозда эл-юрт оғалари, бузрукларига, шунингдек кучли, чидамли, сабот-матонатли, баъзи ҳолларда эса, такаббур кишиларга ташбиҳ этадилар. Мазкур мақол билан: «Сен ҳар қанча моддий ва маънавий бойликка эга бўлсанг ҳам, мағрурланиб кетма, ўзингни камтар тут. Шундагина эл-юрт ўртасида обрўйингга обрў қўшилади, ҳурмат-эътиборинг ортади. «Ие, мен фалончи бўлатуриб, фалончига бўйсунаманми, фалончининг айтганини қиламанми, фалончининг ишини, хизматини қилиб бераманми?!» деб ўзингни катта олсанг, такаббурлик қилсанг, эл кўзига ёмон кўринасан, обрўйинг тушади, кишиларнинг назар-эътиборидан қоласан», деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Эгил-эгил деганда — тоғ эгилибди».

Киши боласига кишмиш берсанг ҳам турмас, ўз болангнинг ўзагига урсанг ҳам кетмас.

Вар.: «Киши боласига кишмиш берсанг ҳам кишилик қилмас»; «Киши боласини эркаласанг ҳам турмас, ўз болангни тепкиласанг ҳам кетмас»; «Киши боласи фарзанд бўлмас, фарзанд бўлса ҳам хурсанд қилмас». Бу мақоллар орқали кишининг ўз фарзанди (агар у яхши таълим-тарбия олиб, ақлли, эсли-хушли, маъқул ва қобил бўлиб чиққан бўлса, албатта) ўзига қанчалик содиқ, вафодор бўлишини билдирадилар.

Киши бўлган кишининг киши бирлан иши бор, киши бўлмаган кишининг киши бирлан не иши бор?

Бунда «киши бўлган киши» деганда чин инсонни, ҳар жиҳатдан баркамол, одомохун, эсли-хушли, яхши хулқли, ахлоқ-одобли, ўзгалар қадрига етувчи, уларни иззат-ҳурмат қилувчи одамни назарда тутадилар ва бу билан: «Мана шундай яхши хислатларга эга бўлган одамгина бошқа одамларни қадрлайди, улардан яхши сўзини аямайди, лозим бўлиб қолган тақдирда уларга ёрдам қўлини чўзади. Ёмон одам эса бунинг аксини қилади», дейилмоқчи. Бу ўринда Навоийнинг қуйидаги байтини эсга олмоқ кифоя: «Одами эрсанг, демагил одами, Оники, йўқ халқ ғамию дин ғами».

Киши елкасидаги хуржуннинг олдинги кўзинигина кўра олади.

Мажозан, киши ўзгаларнинг айбини кўради-ю, ўз айбини кўрмайди, кўра олмайди ҳам, дейилмоқчи.

Киши оти терчил, киши тўни кирчил.

«Бировнинг отини авайлаб мин, тўнини авайлаб кий. Акс ҳолда роса ҳоритиб, терга ботириб келиптиш» ёхуд «тунимни кир қилиб келипти деб, сендан ўпкалаб юради», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Кетмон олсанг занглатма, эгасини қатпатма» («Бировдан вақтинча ишлатиш учун кетмонни, белни е бош-

қа бир асбоб-анжомни олган бўлсанг, уни авайлаб ишлатгин-да, артиб-суртиб, тозалаб, дарҳол олиб чиқиб бер. Ишингни битказиб олгандан кейин бировнинг асбоб-анжомини лойлигича, чанг-чунглигича бир ерга ташлаб қўйма, вақтида қайтариб бермай, эгасининг ўзини сўраб келишга мажбур қилма», дейилмоқчи); «Эшагин белин толдирма, Эгасин кўнглин қолдирма»; «Кишининг отини минсанг, кетингни қалқа тут» (қалқа тут — кетингни кўтариб юр, оғирлигини солма).

Киши юртида шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл.

Ватанни севиш, унга содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади, она юртнинг чет юртлардан ҳар тамонлама афзаллиги кўрсатилади. Вар.: «Киши юртида подшо бўлгунча, ўз юртингда подачи бўл»; «Ўзга элнинг султони бўлгунча, ўз элингнинг чўпони бўл»; Ўзга юртнинг боши бўлгунча, ўз юртингнинг тоши бўл»; «Бадавлат элнинг беги бўлгунча, Бедавлат элингнинг қули бўл»; «Узоқнинг қозиси бўлгунча, Яқиннинг тозиси бўл»; «Ёт юртнинг доноси бўлунча, Ўз юртингнинг нодони бўл»; «Чет юртнинг гулидан ўз юртингнинг тикони яхши»; «Ўзганинг тақу равоғидан ўзингнинг айвонинг яхши»; «Ўз элим ўзимга — гулистон, ўзга эли кўзимга — гўристон»; «Ўзга юртнинг юз баҳори — Ўз юртингнинг битта қори»; «Ўз элим — олтин бешик, Ўзга элнинг туби тешик».

Киши қандай бўлса, иши шундай.

«Киши яхши тарбия топган, устоз кўрган, ўқиган, ўрганган, нозик дид, нозик таъб бўлса, унинг юриш-туриши, гап-сўзи, қиладиган ишлари ҳам шунга яраша яхши, ёқимли, кўркам, умуман, ижобий бўлади. Бунинг аксича, бетаълим, бетамиз, бефаросат, бефарқ, бефаҳм, беғам, бехунар, беўқув одамнинг иши, гап-сўзи, хатти-ҳаракати ёқимсиз, беўхшов, сифатсиз, умуман, салбий бўлади», дейилмоқчи.

Кишининг зари кишини бузар, зарни кўрган занжирни узар.

Мазкур мақол билан: «Зарда, яъни олтинда шундай бир зўр қувват борки, у кишиларни шундай зўр куч билан ўзига тортадики, одамлар унга эга бўлмоқ, қандай қилиб бўлмасин уни қўлга киритмоқ ниятида ўғирлик, қароқчилик, хиёнат, жиноят, ҳатто қотиллик қиладилар», дейилмоқчи.

Кишининг қўнгли кишига қоронғи.

«Ҳар каллада — бир хаёл» деганларидек, ҳар ким ўз фикр-хаёлига эга бўладики, буни ўзгалар аниқ, таг-тубигача билиб етолмайдилар. Бировнинг миясидаги хаёли, кўнглидаги ният-мақсади токи ўзи айтмагунича бировга номаълум, ноаниқ, қоронғи бўлиб қолаверади. Мазкур мақол ана шу ҳолга қарата айтилган.

Кишининг сирин айтма, сенинг ҳам сиринг айтгувчилар бор.

Бу билан: «Бировнинг сирини бировга ёхуд кўпчиликка айтиш — одобдан эмас. Ҳамонки у нарсани ҳеч кимга айтмай, сир сақлаётган экан, сен буни билсанг ҳам бировга айтма, чақимчилик қилма, Акс ҳолда ўзингнинг ҳам сир-асрорингни, айбингни, ошкор қилиб, шармандангни чиқарувчилар топилиб қолади», дейилмоқчи.

Кишининг суйган мехнати ўзига роҳат туюлади.

Вар.: «Ишчанга иш ишқ бағишлар»; «Иш қилганнинг ўз ишига ишқи ортар»; «Ўз ишига ишқ қўйган — иш ҳиссасин орттирар»; «Суйган иш чала қолмас»; «Ишга ишқ қўйганни иш хорламас»; «Ишга ишқи йўқни иш хоҳламас»; «Кишини киш эмас, иш қиздиради» (киш — қора пўстин, қундуз пўстин).

Кишининг шодлиги — умрининг зиёдлиги.

Бу билан асабни сақлаш, бўлар-бўлмасга хафа бўлмаслик, шодон, хушчақчақ яшашга ҳаракат қилиш зарурлиги қайта-қайта уқтирилади ва бунинг қандай самара беришини турли-туман мисоллар орқали кўрсатилади. Вар. «Шодликда яшаган — ғамни унутар»; «Хушчақчақ эр бот қаримас»»; «Кўп ғамни оз қувонч қувади»; «Қизиқчи кўнган қўрага қирқ кун қувонч ёғади»; «Қизиқчининг қўшниси қаримас»; «Кулги — шифо, дардга даво»; «Кулги — соғликдан нишон»; «Қаттиқ бир кулги саккиз тухумга тенг»; «Кулги бор жойда кўнгил семирар»; «Кулги юзни гўзал, истарани иссиқ қилади»; «Кулги умрни узайтиради»; «Бир кулги кишини бир қоп семиртиради»; «Бир кулги уч ойлик умр қўшади, Бир хафалик уч ойлик умрни қирқади»; «Кулги — жонга роҳат, танга қувват»; «Кулги ёшартади, Ғам қаритади»; «Кулги — жонга роҳат, танга қувват»; «Кулги ёшартади, Ғам қаритади»; «Кулги бўй чўзади, Ғам бел букади»; «Кулги келганда кулмаган — ғам келганда ўлади»; «Кулги — кўҳликнинг гули»; «Кулмаган кун — кўрмаган кун»; «Шодлик кун қуёшли кундек, Хафалик кун булутли кундек»; «Кўнгилсиздан кулги чиқмас»; «Кўнглинг ранжиса, кулиб ўйна»; «Кўп куд, оз йиғла»; «Хафаликдан йироқ бўл, Хурсандликка қунноқ бўл»; «Ўйнаб кулсанг йигитдай, Сиқилмайсан чигитдай»; «Ашула — кишининг йўлдоши» (ашула йўлда йўлдош, ишда эрмак, тўйда завқ бўлади. Ашулани руҳий ғизо, яъни руҳий озиқ деб биладилар); «Ашула бор жойда — шодлик бор»; «Қўшиқ айтган — қаримас»; «Осойишталик — энг яхши малҳам»; «Беш куним — хуш куним» ва б.

Кишининг ҳурмати — ўз қўлида.

Бу билан: «Оилада ҳам, одамлар орасида ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб юриш — аввало ўзингга, ўзингни қандай тутишинг, гап-сўзинг, хатти-ҳаракатинг, хушмуомалалигинг, одамохунлигинг, меҳнатсеварлигинг ва бошқа яхши хислатларингга боғлиқдир. Ўзинг яхши бўлсангтина ўзгалар сени яхши одам деб биладилар, ҳурмат қиладилар», дейилмоқчи. Вар.: «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан».

Комилни комил билар.

Комил — етук тўлиқ, мукаммал, бекамикўст. «Зар қадрини заргар билади» деганларидек, етук баркамол, олиму доно, уста, моҳир, қўли гул, ақли теран, яхши тарбия кўрган, ахлоқ-одобли қадр-қимматини унинг ўзига ўхшаган кишилар яхши биладилар.

Кончи конига тушди, азроил ёнига тушди.

(Азроил — ажал фариштаси). Ўтмишда конга тушиб ишловчилар — ё маҳбуслар, ё қуллар ёинки пулга ёлланганлар бўларди. Уларнинг меҳнати мислсиз машаққатли эди. Конлар жуда хавотирли бўлиб, қулаш, босиб қолиш ҳоллари кўп бўларди. Кончилар лой, балчиқ, дим, сассиқ, қоронғу ё ғира-шира ёритиладиган жойда оддий иш қуроллари билан 16-18 соатлаб ишлардилар. Мазкур мақол мана шундай ҳар қадамда, ҳар лаҳзада ўлим хавфи туғиладиган жойда ишловчи кончилар ёхуд уларнинг аянчли ҳолига ачинган кишилар тарафидан айтилган.

Коса, косанинг тагида — нимкоса.

«Косанинг тагида нимкосаси бўлади»; «Косанг-ку — косанг, нимкосангдан қўркаман»; «Гапнинг тагида гаплар бор, Гапнинг пистокиси бор». Бу мақолларни тўғридан-тўғри айтилмай, яширин қолинган, бир гапни айтиш билан бошқа нарсага шама қилинадиган гапга нисбатан айтадилар.

Коса — товоқ эмас, токча-токчасини топиб қўйгани.

Одатда сопол товокни уйда эмас, ошхонанинг токчаларида, чинни косани эса (товоққа нисбатан кўркам, нафис ва қимматлироқ бўлганлиги учун) уйнинг токчаларига «кўз-кўз» қилиб қўйган ҳолда сақлардилар. Мазкур мақол билан мажозан: «Ҳар бир нарсанинг ўз қадри, ўз ўрни бор. Қадрли нарсани қадрсиз жойда, қадрсиз нарсани қадрли жойда сақлама», дейилмоқчи.

Косиб тикканин мактар, деҳқон — экканин.

«Ҳар ким ўз касб-корини мақтайди, шу билан фахрланиб ғурурланиб юради», дейилмоқчи.

Косиб қариса ямоқчи бўлар, отин қариса ювуқчи бўлар.

Косиб пайабзал тикувчи ҳунарманд. Отин — ўтмишда уйида мактаб тутиб, қиз болаларни ўқитган муаллима. Кўпинча отин қаригач, уни ўз маҳалласидагилар ва атроф маҳаллалардаги кишилар «табаррук аёл»га чиқазиб, ўлик ювувчи — гассол қилиб қўядилар. Мазкур мақол мажозан: «Ёшлигингда ҳунарингга ҳунар, илмингга илм қўшмасанг, қариганингда кадринг кетиб, хор-зор бўлиб қоласан», деган маънода қўлланилади.

Косибнинг қозони пайшанба куни қуюқ қайнайди.

Ўтмишда шаҳардаги майда ҳунармандлар, жумладан, косиблар камбағалона турмуш кечиришади. Илгари дам олиш куни ҳозиргидай якшанба эмас, жума куни бўларди. Косиблар чоршанба (бозор) куни тайёр бўлган кавш-махси ва этикларини, бўзчилар бўз-алақларини сотиб, бир ҳафтага етадиган рўзғорларини бозордан гамлаб чиқиб, пайшанба куни ўз оилалари ва ҳалфа-шогирдлари учун пазов (ёки бошқа бирор тансиқ овқат) қилардилар. «Қозони қуюқ қайнайди» дегани — шу. Бошқа кунлари эса мошхўрда, сўк оши, ёвғон шўрва сингари овқатлар қилинган.

Косов узун бўлса, қўл куймас.

Қўпинча қисқа қилиб шундай дейилади. Тўлиқ варн: «Косов сенинг узун бўлса, қўлинг куймас, Оға-ининг омон бўлса, одам тегмас». «Ака-укаларинг, опа-сингилларинг, ёр-дўстларинг билан иноқ бўл. Яхши-ёмон кунларингда улар сенинг кувончингга ҳам, қайғунгга ҳам шерик бўладилар, қўлдан келган ёрдамларини аямайдилар, кўплашиб, кўкракларини қалқон қилиб, сени ёвдан, хавф-хатардан ҳимоя қиладилар», дейилмоқчи.

Куёвни пайғамбарлар сийлабди.

Диний ривоятларга кўра, Муҳаммад пайғамбар ўз куёви Ҳазрати Алини сийлаган эмиш. Мазкур мақол шу асосда келиб чиққан бўлиб, уни куёвни сийлаганда ёки сийлаш зарурлигини уқтирганда айтадилар. «Куёв келди — хон келди» деган мақол ҳам борки, бунда қайнота, қайноға, қайнона, қайни, қайнисингил ва умуман куда тарафдагилар куёвни кўнгилчилик ҳурмат қилишлари, у келса, ўтказгани жой тополмай қолишлари, бамисоли хон келгандек иззат-эҳтиром қилишларида ўз ифодасини топган.

Куёвникида қуйруқ егандан — ўғилникида юдруқ еган яхши.

Варн: «Қизникида гўшт егандан, Ўғилникида мушт еган яхши»; «Куёвнинг ҳўрдасидан — ўғилнинг юндиси яхши»; «Ўғилникини ўйлаб ейсан, Қизникини ўйлаб ейсан». Буларнинг маъноси асосан шундай: «Куёвникида кисиниб-қимтиниб, ийманиб ейсан. Бундан ташқари, куёвнинг (айниқса, у тор кўнгил, бахил, зиқна бўлса) овқати миннатли. Ўғилникида эса яйраб, ҳеч нарсадан тор-

тинмай, ийманмай еяверасан, бунинг уяти ҳам, миннати ҳам бўлмайди». Халқ ўртасида: «Куёв ҳар қанча яхши бўлмасин, барибир ота-она учун ўз ўғилларидек бўлолмайди, унинг ўрнини босолмайди», деган тушунча ҳам мавжуд. Қуйидаги мақоллар ана шундай тушунчанинг маҳсулидир: «Кулдан том бўлмас, Куёв ўғил бўлмас» (том — уй); «Кулдан том бўлмас, куёв ўғил бўлмас, Қумдан қўрғон бўлмас, қулдан бек бўлмас»; «Кул оғил бўлмас», Куёв ўғил бўлмас»; «Кулдан девор бўлмас, Куёвдан — ўғил»; «Куёв-куёвча йиғилиб, ўғлинг бўлмас, Келин-кеват йиғилиб, қизинг бўлмас»; «Куёв-куёв йиғилиб, боланг бўлмас, Қўни-қўшни йиғилиб, холанг бўлмас»; «Келин қиз бўлмас, куёв-ўғил» (куёвнинг ўғилдай бўлмаслигини ифодаламоқ учун «куёв» сўзини «ку — ёв», яъни у ўғил бўлармиди, у ёв-ку, деган маънода талаффуз этиб, сўз ўйини ҳам қиладилар); «Куёв қувса эшик боғин тут, Ўғил қувса тўр бошига ўт» (бу мақол қайнона-қайнота тилидан айтилган: «Агар куёвинг сени уйидан қувса, эшик боғини (занжирини) тут-да, эшикни очиб, чиқиб кет. Аммо, ўғлинг қувса, ҳеч қаёққа кетма, аксинча уйнинг тўрроғига ўтиб ўтир. Чунки, сени қувишга ўғлингнинг ҳақи йўқ, сенинг эса унда ҳақинг бор», дейилмоқчи).

Кузги қатиқ — куёвга бергусиз.

Кузда сигирларнинг сути ёздагига нисбатан қуюқлашгани учун ундан уютилган қатиқ ҳам ёзги қатиққа нисбатан қуюқ, ёғли ва мазали бўлади. Мазкур мақол билан: «Бундай ажойиб қатиқни ҳатто ниҳоятда ҳурмат қилинадиган, ҳеч нарса аялмайдиган куёвга ҳам бергиси келмайди кишининг», деган маънода муболаға қилганлар. Вар.: «Қишки қатиқ — қизга бергусиз».

Кузнинг қозони қуюқ қайнайди.

Куз фаслини «сахий куз» деб бежиз айтмаганлар. Бу фаслда деҳқонлар ҳам, боғбонлар ҳам йил бўйи қилган меҳнатларининг мевасига эга бўладилар. Шу туфайли уларнинг «қозони қуюқ қайнайди».

Кул — ўчоққа, қўл — товоққа.

Баъзи одам бефарқ, ифлос, палид, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормайдиган, кир-ифлос нарсаларга урган қўлини ювмай-нетмай идиш-товоққа ҳам тиқиб, ош-нонни ҳам ушлаб, кишининг таъбини тирриқ қиладиган бўлади. Шундайларнинг феълидан олиб айтилган бу мақол мажозий маънода ўзининг ҳеч қандай алоқаси бўлмаса ҳам, ақл-фаросати етмаса ҳам ҳар бир нарсага, ҳар бир гапга аралашувчи, ҳатто ўзаро гаплашиб турган икки сирдошнинг ҳам орасига суқилиб кириб, уларни ранжитувчи одамга нисбатан: «Бу — сенинг ишинг эмас, бор ишингни қил!» деган маънода киноя тарзида қўллайдилар.

Кул қолдирма, гул қолдир.

Бу билан: «Элингга, ўғил-қизингга ўзингдан кулгепага айланган, вайрона уй-жой қолдирма, боғ-бўстонга айланган, обод, кўркам уй-жой (умуман, ҳаётлик чоғингда ўзингдан ёмонлик эмас, яхшилик) қолдир, токи сени ёмон одам сифатида эмас, яхши одам сифатида эслаб юрадиган бўлсинлар», деган маънода пандномиҳат қиладилар.

Кулганга кул сочма.

Вар.: «Кулганга кулма»; «Иссиқ кулиб боққанга иссиқ кул сочма»; «Кулганга кулиб эт, Орқасидан қувиб ет (эт)». Бу мақоллар билан: «Биров сенга хушмуомалалик билан кулиб туриб гапирса ё тавозе билан салом берса, сен ҳам унга хушмуомала бўл, бундай одамдан қолма, орқасидан қувиб бориб бўлса ҳам, унга қарз саломини бер. Яхшилик қилганга зинҳор ёмонлик қила кўрма!» дейилмоқчи.

Кулги — қамчи, заҳарли томчи.

Вар.: «Кулги тутун бўлмаса ҳам, кўзни ачиштиради». Буларда ғаразли, заҳарханда кулги, бировни камситадиган, масхара қиладиган, пастга урадиган кулги назарда тутилган.

Кулма қўшнингга, қайтиб келар бошингга.

Бу билан бировнинг устидан кулмаслик, бировни камситмаслик, мазахмасхара қилмаслик зарурлиги уқтирилади. Вар.: «Кишига кулмагил зинҳор, Сенга ҳам кулгувчилар бор»; «Кулма манга, Кулгим келар сенга»; «Ўзгада нуқсон кўрсанг, ўзингни бенуқсон дема»; «Кўзни ўз айбингдан олма, Ўзгалар айбига кўз солма»; «Киши айбига этак ёп».

Кулнинг ости — кул.

Бу мақол мажозан: «Гап-сўзи ёмон одамнинг ўзи ҳам, дили ҳам, нияти ҳам ёмон бўлади. Бундай одамдан эҳтиёт бўл», деган маънода қўлланади.

Кумуш кунга қўнса, олтин ўз оёғи билан келади.

Мажози: «Бирор фойдали нарсани қўлга киргизмоқчи бўлганда пулнинг бетига қарама, озгина харажатидан қочма. Шундай қилсанг, оз чиқиминг кўп киримни бошлаб келади».

Кун у ёққа, пул бу ёққа ўтса бўлди.

Ўз ишига лоқайдлик билан қарайдиган, ишни наридан-бери, «хўжа кўрсин»га бажариб, тезроқ ҳақини олишнинг пайида бўладиганлар тилидан айтилган бу мақолни шундайларга қарата аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Кун қизариб ботса — хотининг ўғил туққандек, кун қизариб чиқса — уйингга ёв киргандек.

Бу — халқимизнинг энг қадимий мақолларидан бири. Кўп йиллик кузатишлар натижасида шундай хулосага келинганки, агар эрталаб кун қизариб чиқса, шу куни ҳаво булутли бўлади ёхуд қор-ёмғир ёғади. Агар кун қизариб ботса, яъни қуёш ботаётганида уфқ алвон тусга кирса, эртасига ҳаво очиқ бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Одатда кун очиқ бўлиб турса, кишининг кўнгли ҳам очилиб, вақти чоғ бўлиб юради (бу ҳолат мақолда «хотининг ўғил туққандек» ибораси билан ифода этилган) ва, аксинча, ҳаво булутли бўлиб турса, кишининг кўнгли ёришмай, таъби хира бўлиб юради (бу ҳолат мақолда «уйингга ёв киргандек» ибораси билан ифода этилган). Вар.: «Кун қизариб ботса, қизингни узат, Тонг қизариб отса, томингни тузат».

Кунда — тутам, ойда — қулоч.

Бу — кишиларга эзгулик тиловчи олқиш мақолларидан бири. Аёллар қиз болаларнинг сочини майдалаб ўриб бўлгач, елкасига қоқиб, «сочинг кунда бир тутам (яъни, тўрт энлик), ойда бир қулоч ўссин», деган маънода яхши ният ила шундай дердилар.

Кундошлик — кўнгил ғашлик.

Кундошлар бир-бирларини кўра олмасдилар, уларнинг бир-бирларига нисбатан «кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ» эди, бир-бирини «емоқда-ичмоқда» бўлиб юрарди, ёвузлик, душманлик ниятларини амалга оширарди, ҳатто бир-бирига заҳар бериб ўлдиришгача бориб етарди. Бундай кўнгилсиз ҳоллар бир қатор мақолларда ўз изини қолдирган: «кундошлик — кунда-кунда юмдошлик» (юмдошлик — юмдалашиш); «Эшикдан кундош кирса, Тешикдан уриш киради»; «Кунда уриш бўлсин десанг,

кундош қил»; «Кундошлик бошим — заҳарли ошим»; «Кундошнинг кўрган куни қурсин!»; «Кундош — бошингда тош, кўзингда ёш»; «Кундошнинг куни ҳам кундош, кули ҳам кундош»; «Кундошинг бўлса — бўлсин, кундошваччанг бўлмасин» (кундошвачча — кундошнинг боласи. Кундошлар айниқса кундошваччани кўргани кўзлари йўқ эди. Чунки, кундошвачча бўлса, бойнинг меросхўри кўпаярди, кундош билан жанжаллашгани етмаганидек, унинг боласи билан ҳам муомала қилиши керак бўларди, агар кундоши ўлса, ундан қолган бола бунинг кўнглига сира ҳам сиғмасди); «Кундошнинг боласи — куюк»; «Ўз боласи — суюк, Ўзга боласи — куюк» (куюк — нонниг куюги) «Куним учун куламан, Кундошим боласини суяман»; «Кундошнинг оти қурсин, Саксовулнинг ўти қурсин»; «Беш бола устига борсанг бор, кундош устига борма»; «Кундошлик тўзим йўқ» (тўзим — чидам, бардош, «Кундошлар бир-бирлари билан урушмай, жанжаллашмай, тинчгина ўтира олмайдилар. Бунга сабрлари бардош бермайди», деган маънода), «Кундошликка кун йўқ»; «Кундошликка кун туғмас, Кун туғса ҳам бутун туғмас»; «Кундошлик уйга бахт боқмас»; «Ош ўрнига айрон, Кундошли уй — вайрон». Кундошликнинг ана шундай кўнгилсиз оқибатлари оғзаки ижоднинг барча турларида ўз ифодасини топган «Даладаги ғўзани, Кетмон қилди ягона. Мени севган ёримни, Кундош қилди бегона».

Зар девор, зар девор,
Зар деворнинг гарди бор.
Юрагимнинг бошида
Кундошликнинг дарди бор.
Чархим таноб тандайди,
Бир балони бошлайди.
Икки кундош бир бўлса,
Кунда уриш бошлайди.
Ғузанда ўтин,
Ачиқ экан тутун.
Хеч кимга солмасин,
Кундошликни ўтин.

(Халқ қўшиғи)

Кундуз юрган илоннинг умри қисқа.

Одатда илон қонхўр, золимларга ташбиҳ этилади. Мазкур мақол билан: «Кишилар илонни кўриб қолгудай бўлсалар, уни ўлдириш ҳаракатига тушадилар. Шунингдек, ёмон, қонхўр золим одам эл-юрт орасида очиқдан-очиқ юролмайди. Халқ уни қўймайди, тошбўрон қилиб, ўлдириб юборади», дейилмоқчи.

Кунжут ўз уруғини кўрипти-ю, тарвуз уруғини кўрмапти.

Вар.: «Зиғир ўз уруғини кўрипти-ю, қовоқ уруғини кўрмапти». Кунжутнинг, зиғирнинг уруғи майда, тарвуз, қовоқ уруғи эса йирик бўлади. Мазкур мақолларни ўзининг арзимаган нарсаси (мол-мулки, илм-билими, мансаби ва ҳ. к.) билан мақтаниб, мағрурланиб юрадиган, ўзгаларни (гарчи улар ундан ҳар тарафлама устун бўлсалар ҳам) назарга илмайдиган, менсимайдиган одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Кунига юз тулки олса ҳам, тозининг ит оти қолмайди.

Бу мақол билан мажозан: «Хизматчи ҳар қанча уддабурон, ғайратчан, меҳнатсевар бўлмасин, ҳар қандай катта ва мушкул ишларни бажармасин, барибир хўжайин уни одам ўрнида кўрмайди, камситади, назарига илмайди, ҳақоратлайди», дейилмоқчи.

Кунингдан бир кунинг қолса — палов е, пулингдан бир пулинг қолса — палов е.

Вар.: «Кунингдан бир кунинг қолса — бедов мин, Пулингдан бир пулинг қолса — палов е» (бедов — зотли, чопқир от). «Палов есанг мойи билан»; «Шўрванинг усти яхши, палов — сатҳи» (ёғ шўрванинг устида, палов — сатҳида бўлиши назарда

тутилган); «Кўрдингки — ош, кўтарма бош, Кўрдингки —ёғлиқ, уравер вақтлиқ» (палов кўпинча «ош» деб аталади); «Ош еганда от кучи бор, Гўш(т) еганда той кучи бор»; «Ўлдирса ҳам, ош ўлдирсин!»; «Паловдан қайтганнинг қўли синсин!»; «Палов — ўзбек миллий таомлари орасида энг аълоси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уйига келган меҳмонга ўзбеклар, асосан, палов дамлайди...Гуруч кимёвий томондан яхши текширилган бўлиб, таркибида 80-90 процент крахмал, 7-8 процент оқсил, 0,5 процент мой, 0,5 процент шакар, турли витаминлар ва бирмунча минераллар бор. Бошқа донга нисбатан гуручдан қилинган таомларнинг инсон организмидаги хазми 98 процентга борар экан, ғоят тўқ тутишлигига қарамай, хатто кечқурун ётар олдидан ейилган палов ҳам яхши сингиб кетади (К.Маҳмудов, Ўзбек таомлари).

Кураш билмаган отасини йиқитар.

Ҳали кураш тушишни билмайдиган кичкина бола отасига ёпишиб, «Мен сизни йиқитаман» деб, болалик мактанишини қилади. Шунда ота ҳам ёлғондакам йиқилиб беради. Мақолда шу ҳолат ифода этилган. Мажозан: Ҳаётда, тирикчиликда йигит «тирикчилик йўлини, рўзғор ишини ўргандим, билдим, уста бўлдим, отамдан ҳам ўтиб кетдим», деб ўзича фахр қилса ҳам, барибир ҳали отадек тажрибакор, тадбирли бўлганича йўқ. Шундоқ бўлса ҳам, ота «Боламнинг кўнгли чўкмасин» деб, замондан орқада қолгандек бўлиб, ўзини атайдан гўлликка, соддаликка солиб, жим қулоқ солиб туради», деган маънода қўллайдилар.

Куркурак кўрмагунча ток очма.

Одатда баҳор фаслининг охирида, беҳи гуллаганда, ҳамма қушлардан кейин кўккарға келади. Уни «қироққироқ», «куркурак» деб ҳам атайдилар. Бобо деҳқонлар, тажрибали боғбонлар то куркурак келмагунча, беҳи гулламагунча токларни очмас эдилар. Чунки, бу вақтда келиб, об-ҳавонинг ҳамма хавф-хатарлари ўтган бўлади, очилган токнинг шўраларига зиён-заҳмат етмайди. Ота-боболар бу хусусдаги насиҳатларини мазкур мақол воситасида айтиб қолдирганлар.

Кутганга — кун узоқ.

Бировни ё бир нимани кутган одамга кун ниҳоятда узайиб кетгандек, вақт имиллаб ўтаётгандек туюлади. Аслида эса куннинг, вақтнинг ўтиши кутганга ҳам, кутмаганга ҳам бир хил бўлади. Вар.: «Тикилган қозон қайнамас»; «Кутганнинг вақти ўтмас, Шошганнинг иши битмас»; «Кутган — ўлгандан ёмон»; «Куттандан — сўйган яхши».

Кутилмаган меҳмон — мезбоннинг иззати.

Меҳмондўстлик — энг яхши инсоний фазилатлардан бири. Халқимиз ўзининг олижаноб меҳмондўстлиги билан қадимдан ном чиқарган. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган одатга биноан, чақирилган, атайлаб кутилаётган меҳмонни ҳам, кутилмаган, тасодифан келиб қолган меҳмонни ҳам иззат-эҳтиром билан кутиб оламиз, ҳурматини жойига қўямиз. Мазкур мақол билан: «Меҳмон чақирмаган, кутмаган бўлсанг ҳам келибдими — демак, сени иззат қилибди, сен ҳам унинг иззатини жойига қўй», демоқчи бўладилар. Аслини олганда, меҳмон сизнинг ош-нонингизни деб эмас, ўзингизни деб, сизнинг одамохунлигингизни, яхши қилиқларингизни, хуш феълингизни кумсаб, суҳбатингиз орзусида соғиниб келади (К.Маҳмудов, Меҳмоннома.)

«Куф — суф»чига ишонсанг ҳам, «хўп — хўп»чига ишонма.

Куф-суф — кинначи, дам солувчининг «сеҳрли сўзи», Хатто «хўжа кўрсин»га дам солиб, гўё даволайди-

ган «куф-суф»чига ишонсанг ишонгинки, аммо «хўп-хўп»чига, яъни ҳар бир гапинга «хўп бўлади-хўп бўлади» деб турадиган, қуруқ ваъда берадиган одамга зинҳор ишона кўрма» дейилмоқчи.

Кучи йўқ курак синдирар.

Вар: «кучи етмаган — тўғоноқ солар» (тўғоноқ солмоқ — чалиб йиқитмоқ). Бу мақоллар «Ўтмас пичоқ қўл кесар» қабилидаги эҳтиёткорликка ундаб айтиладиган мақоллар туркумига киради ҳамда «Киши писанд қилмаган, назарига илмаган нарсадан ва кимсадан зиён кўриши, шикастланиши, эл — юрт ўртасида уялиб, бир ҳаракатда эҳтиёт чораларини кўриш керак», деган маънода қўлланилади.

Кучингни елга берма, ерга бер.

Бу — меҳнатсеварликка ундовчи мақоллардан бири бўлиб, «Айни навқиронлик, йигитлик чоғингда кучингни бўлар-бўлмасга сарфлаб, бекорга кетказма, фойдали нарсага сарф қил. Мана шу ишларинг сенга фойда ҳам беради, эл — юрт ўртасида обрў — эътиборингни ҳам оширади», дейилмоқчи.

Кучук томга чиқса ҳам, эгасидан катта бўлмас.

Мажози: «Ёмон пасткаш одам ҳар канча мартабага, бойликка эга бўлмасин, барибир эл — юрт ўртасида обрў — эътибор қозона олмайди. Кишилар ундан нафратланадилар, иззат — ҳурмат қилмайдилар», деган маънони билдиради.

Кўз ёши тошни эритар.

Кўз ёши ҳеч қачон тошни эритмайди. Бу мақол билан мажозан «Ёмон, ноилож, чорасиз аҳволга тушиб қолган, бирор нарсага, бирон-бир ёрдамга муҳтож бўлган одамнинг кўз ёши ҳар қандай қаҳри қаттиқ, тош-кўнгил одамнинг ҳам кўнглини эритиб, раҳм-шафқатини уйғота олади», дейилмоқчи. Вар.: «Кўз ёши кўнгилни эритар», «Кўз ёши меҳрни уйғотар»; «Кўз ёш — қайғуга йўлдош».

Кўз кўзга тушса,юз уялар.

Бу билан: «Аввало бировни орқасидан ёмонлама, бировнинг ҳақини ема, бир кунмас-бир кун бу нарса аён бўлиб қолади, кўзига кўзинг, тушса ўзинг уялиб қоласан», дейилмоқчи.

Кўз — кўнгил ойнаси.

Бу мақол «кўнгилда нимаки бўлса, уни кўз шундай билдириб туради; бировнинг кўнглидагини уқиб олса бўлади, деган маънони англатади. Вар.: «Кўз деган — дарё»; «Кўз — кўнгил дарчаси»; «Кўз — тарози, Кўнгил — қози» («У ёки бу нарсанинг яхши ё ёмон эканлигини кишига кўриб турган кўзининг ўзи чамалаб, ўлчаб, «айтиб» беради, у ёки бу нарсага нисбатан кўнгилнинг, виждоннинг ўзи ҳукм чиқаради», дейилмоқчи); «Кўз — кўзгу, тил — тилмоч»; «Кўз — нурнинг уяси, Кўнгил — сирнинг уяси»; «Кўнгилдаги сирни кўз билдирар»; «Кўз дарди кўринар, Кўнгил дарди кўринмас», «Кўз бўлмаса, пешона нимани кўради?!» (бирор киши шундай кўриниб турган нарсани кўрмай, қидира бошласа ёхуд яхши-ёмон нарсани ажрата олмаса, фаркига бормаса; паст, жўн нарсани алданиб қимматга олиб қўйса, унга киноя тарзида ё таъзир юзасидан шу мақолни айтадилар); «Кўз билан кўр, дил билан бил»; «Кўз бор — кўрмоқ учун, Ақл бор — билмоқ учун»; «Кўз — тан қоровули, Ақл — жон қоровули»; «Кўз кўрмагунча, кўнгил тинмас» (Баъзи вақтда кишининг кўнгли бирор нарсага илҳақ бўлиб турса, унга ҳар канча тасалли берилса ҳам, барибир кўнгли ўринида бўлиб, тинчимайди. Қачонки унга нарсани ўз кўзи билан кўрсатгунча, кўнгли тинчийди. Мазкур мақолда ана шу ҳолат ифода этилган).

Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир.

«Ҳар қандай иш ҳам аввалига оғир кўринади. Аммо, сен чўчима, ишга кўрқмасдан дадил киришавер,кейин ўзинг қизиқиб кетасан, ишинг ҳам юришгандан-юриши кетаверади», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Инсон қўли — гул»; «Одамнинг қўли — ҳаётнинг гули»; «Умид — ялтироқ, юрак — қалтироқ» («Кишн бир яхши умидни орзу қилади-ю, лекин унга киришишга, амалга оширишга дастлаб юраги дов бермай, қўрқоқлик қилиб туради» деган маънода), «Ишнинг боши — бошланғичча»; «Бошланган — битган иш».

Кўза кунда синмайди, кунида синади.

Мажози: «Ҳа, ҳеч ким кўрмаяпти-ку, билмаяпти-ку, деб ўйлаб, осонгина, мўмайгина бойлик, манфаат орттириш хуфиёна ишларни қилиб юрган одам бир кун бўлмаса, бир кун қўлга тушиши, яширинча қилиб юрган ишлари фош этилиши, шармандашармисор бўлиши муқаррар». Кишини эҳтиётқорликка ундаганда ҳам шу мақолни қўллайдилар. «Ёмон одамлар кўп. Эҳтиёт бўлинг, болам. Кўза кунда синмайди, кунида, дейдилар» (С.Зуннунова, Гулхан).

Кўзбўямачи тулки бўлар, эл ичида кулки бўлар.

Бу билан: «тулки сингари айёр, мугомбир, кўзбўямачи одам ҳамиша шундайлигича қолмайди, ахири бир кун алдам-қалдам ишлари фош бўлиб, эл-юрт ўртасида шармандаси чиқиб, кулги бўлади», дейилмоқчи. Вар.: «Тилёғламачи нима-ю, кўзбоғламачи нима?!» («Ҳар иккаласи ҳам ўз манфаати йўлида кишиларни алдаш, авраш билан шуғулланади, бир нима ундириш пайида бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқи йўқ», дейилмоқчи); «Кўзбўямачидан кўз юм» (Бу билан: «Кўзни шамғалат қилиб, чалғитиб, алдаб, панд берувчи, зиён-заҳмат келтирувчи одамдан ўзингни сақла», деб эҳтиёткорликка ундайдилар).

Кўзга ола — бошга бало.

Бу билан ҳам: «Кўзингга ола, яъни шубҳали кўринган одамдан эҳтиёт бўлиб юр, унга алданиб, сиримгни бериб қўйма. Акс ҳолда бир кунмас-бир кун бошингга бало бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Кўзгуга дам урсанг, юзингни кўролмайсан.

Одатда кўзгуга «ҳуҳ» деб дам урилса, у хиралашиб, ҳеч нима кўринмайдиган бўлиб қолади. Мажози: «Ёр-дўстларингга, якинларингга ёмон гап қилсанг, улар сендан юз ўгириб кетадилар».

Кўздаи йироқ — кўнгилдан йироқ.

Бу — халқимизнинг қадимий мақолларидан бири бўлиб, XV аср шоири Лутфий уни шундай ишлатган: «Дилбар соғинмоғон жиҳати бу фироқ эмиш, Кўздан йироқ бўлса, кўнгилдин йироқ эмиш». Мазкур мақол: «Ёр-дўстлар, қариндош-уруғлар бир-бирлари билан тез-тез учрашиб, ҳолаҳвол сўраб турсалар, бир-бирларига яна ҳам якинроқ ва қадрлироқ бўладилар. Акс ҳолда бир-бирларидан тобора узоқлашиб, меҳру оқибатлари, қадр-қимматлари сустлашиб бораверади», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Кўздан нари — кўнгилдан нари»; «Яқинликнинг белгиси — келиб-кетиб турғани, Узоқликнинг белгиси — сира келмай кетгани»; «Келиш-кетиш — тукканликнинг белгиси»; «Кўз қаерда бўлса, меҳр шу ерда бўлади»; «Кўз кўзга тушса, меҳр кўзгалар»; «Кўз кўрмаса, кўнгил севмас»; «Кўз кўрмаса, чарог ёнмас» («чарог ёнмас» — меҳр кўзгамас); «Кўзга яқин — кўнгилга яқин»; «Кўз қизиқса, кўнгил қизийди»; «Кудачиликнинг қизиғи — бориш-келиш»; «Боринг куда, келинг куда, Бормасангиз, келмасангиз, ўлинг куда»; «Кўрмаса — ёт, Кўришмаса — уят»; «Кўздан кўз тойса, Кўнгилдан сўз тояди»; «Кўздан тушган — тилдан ҳам тушар» («Кўздан тушган, яъни назардан қолган одам халқнинг

тилидан ҳам тушади, ҳеч ким уни тилга олмай кўяди, бора-бора номи ўчиб кетади», дейилмоқчи); «Яқинни олис қилма, олисни яқин қил» (Бу билан: «Яқин қариндош-уруғларингни, ёр-дўстларингни тез-тез йўқлаб тур, уларни ҳурмат қил, қаттиқ-қурум гапирма ва ўзингдан узоқлаштириб юборма. Узоқ қариндошларингни, ёр-дўстларингни ҳам йўқлаб, ҳурматлаб, яхшилик қилиб, ўзингга яқинлаштириб ол», деган маънода насиҳат қиладилар). Халқ ўртасида «Кўздан нари бўлса-да, кўнгилдан нари бўлмас» деган мақол ҳам юрадики, бу юқоридаги мақолларнинг маъносига зиддай туюлади. Аслида эса уни: «Бирор оилага тегишли бўлган одамлар (мас, ота-она, фарзанд, ака-ука, опа-сингил, келин, куёв, қуда-анда ва б.) гарчи бир-бирларидан узоқда турсалар (яшасалар) ҳам, барибир бир-бирларининг кўнгилларидан нари кетмайдилар», деган маънода қўллайдилар.

Кўзи тўқнинг ўзи тўқ.

«Кўзи тўқ» деганда борига қаноат қилувчи бировнинг ризқига кўз тикмайдиган, тама қилмайдиган, олдига қўйганини орка-ўнгига қарамай емайдиган, оч бўлса ҳам тўкман деб турадиган ориятли одамни, «оч кўз» деганда эса ана шу хислатларнинг тамомила тескарисига эга бўлган ориятсиз, суллоҳ, бети қалин, тамагир одамни назарда тутадилар. Юқоридаги мақолни «Кўзи тўйса, ўзи тўяр» деб ҳам ишлатадилар.

Кўзим очиқ деб, кўзига боқмаган — кўзасини йўқотади.

Бу билан: «Ўзига ҳаддан ташқари ишонган, ҳаммасини ўзим биламан, ҳаммаси ўзимнинг қўлимдан келади, менга жин ҳам урмайди, деб бепарво, бамайлихотир юраверадиган, Бу билан: «Ўзига ҳаддан ташқари ишонган, ҳаммасини ўзим биламан, ҳаммаси ўзимнинг қўлимдан келади, менга жин ҳам урмайди, деб бепарво, бамайлихотир юраверадиган, бировнинг маслаҳатига қулоқ солмайдиган, соқ, эҳтиётқор бўлмаган одам бирор зиён-заҳматга йўлиқиши муқаррар», деган маънода эҳтиёткорликка ундайдилар.

Кўзини юмган — тош ютар.

Одатда киши аччиқ дорини ичишда қийналса, унга: «Кўзингни чирт юмда, ютиб юбор!» деб далда берадилар. «Кўз — кўрқоқ, қўл — ботир» деганларидек, киши бир нарсани кўзи билан кўриб турса, унга ботиниб боролмайди, кўзи кўрмаса, юраги дадилроқ бўладида, ўша ишга жазм қилади. Баъзан кишини биров қаттиқ ранжитса, ҳақорат қилса, унинг ғазаби қайнаб, нак ҳалиги одамни уриб дабдала қилгиси келиб туради. Шунда у чидаб, ғазабини ичига ютса, бир гапдан қолиб тилини тийса, зарб туширишдан қўлини тийса —олам гулистон, ўртадаги бир зумлик кўнгилсиз ҳолат тинчгина ўтади-кетади. «Кўзингни юм» деганда мана шундай «чида, ғазабингни ют, тишни-тишга қўй, тилингни, қўлингни тий» демоқчи бўладилар. Зеро «кўзини юмган» одам бамисоли бир чўғни, тошни ютишдек қийин бўлган ишнинг — ғазабни ютишнинг уддасидан чиқа олади. Халқимизда бу фикрни қувватловчи «Мард ким — ғазабини ютган мард» деган мақол ҳам бор.

Кўк бедани кўрса, қари от ҳам ўйноқлайди.

Вар.: «Кўкнинг ҳидини олган сигир бойлоқда турмас». Бу мақоллар билан парда орасида: «Киши ҳар қанча кариса ҳам, кўнгли асло қаримайди. Ёшни, гўзални кўрса, ичида ёшлиги, йигитлиги қўзиб кетади», деган фикр билдирилади.

Кўк кирсин, қизил чиқсин.

Ўтмишда йигитлар ёвга қарши жангга отланганларида ота-боболар уларнинг қўлига қилич, найза тутқазиб: «Сенга мана тақдим этаётирмиз. Сен буни душман кўксига санч, токи кўк кирсин-у, қизил чиқсин!» деб, жасоратга ундаганлар. Мақол ана шуни ифода этади.

Кўкка боққан йиқилур, лойботқоққа тиқилур.

Бу мақолни қаққайиб, гердайиб, бурнини кўтариб, кўкка боқиб, ёнверидагиларни назарига илмай юрадиган мағрур, такаббур одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Кўлда юрган қўнғир ғоз, чўл қадрини биларми, чўлда юрган тувалоқ кўл қадрини биларми.

Тувалоқ — ов қилинадиган, гўшти мазали йирик қуш. Мазкур мақолни яхши-ёмоннинг фаркига бормайдиган, яхши одамлар ва яхши нарсаларнинг қадр-қимматини билмайдиган бефарқ, бефаросат одамларга нисбатан қўллайдилар.

Кўлнинг отини балиғи чиқаради.

Мажозан: «Оиланинг отини, донғини унинг яхши, одобли, билимли, ҳунарли фарзандлари; ҳар бир элнинг донғини эса унинг яхши, мард, ботир, донгдор кишилари чиқаради», дейилмоқчи.

Кўмирчи бўлсин, темирчи бўлсин, тўрт деворнинг ичида севганинг бўлсин.

Эр — хотиннинг энг яқин кишиси, сирдоши, кўмакдоши, мададкори. У яхши бўлса — нур, ҳатто ёмон бўлса ҳам, хотиннинг бир кунига ярайди. Эрсиз яшаш, бева бўлиб қолиш — хотин учун азоб-уқубатдан бошқа нарса эмас. Юқоридаги мақол бева хотинлар тилидан: «Яхши бўлса ҳам, ёмон бўлса ҳам, севганинг, эринг бўлсин экан», деган маънода айтилган. Вар.: «Сариқ эди, сурук эди, эрим эди, Ўнқир эди, чўнқир эди, уйим эди», «Ўнқир бўлсин, чўнқир бўлсин, уйинг бўлсин, Айиқ бўлсин, сариқ бўлсин, бойинг бўлсин» (ўтмишда эрни баъзи жойларда «бой» деб ҳам атаганлар); «Кампирга — чол, келинга — куёв, қизга — бўз» (бўз — навқирон йигит); «Эрим бор — эрмагим бор, Чархим бор — чалмагим бор» (чалмак — чархнинг дук ўрнатиладиган айрисимон қисми); «Жон олов — жон эр»; «Умримга умр қўшган — ёр, жонимга ҳузур қўшган — ёр».

Кўнгил кирин айтса кетар, кўйлак кирин ювса кетар.

Баъзан шундай бўладики, орқаворотдан эшитилган ёлғон, туҳмат гап туфайли икки дўст бир-бири билан аразлашиб, хафалашиб, гиналашиб, кўнглида кир сақлаб, гаплашмай юради. Шунда агар улар бир-бирлари билан бевосита учрашиб, гиналарини очиқдан-очиқ айтсалар, масала равшан бўлади, кўнгилдаги кир кетади, яна аввалгидек қадрдон бўлиб кетадилар. Юқоридаги мақол билан ана шуни ифода этадилар.

Кўнгил кўнгилдан сув ичади.

Вар.: «Кўнгилдан кўнгилга йўл бор»; «Дил — дилнинг ойнаси»; «Дил дилдан баҳра олади»; «Дил дилнинг заҳрини олади» «Дил ғуборини дил олади»; Қалб — қалбга элчи»; «Юрак юракка дарак беради». Бу мақоллар билан: «Инсон қалби шундайки, у ўзгалар қалбини сезади, тушунади, билади. Ўзга қалбни ўзига ром этмоқ учун унга йўл топмоқ — кифоя», дейилмоқчи. «Кўнгилнинг кўнгилга йўли бор. Мен севар эканман, демак у ҳам севади, фақат очиқ айта олмаяпмиз» (С.Назар, Яшил бойлик)

Кўнгил эзилмаса, кўзга ёш келмас.

Вар.: «Ёш кўздан эмас, юракдан чиқади»; «Юраги тўлганнинг йиғиси кўп». Кўзга ёш келиши (хоҳ у қайғудан бўлсин, хоҳ қувончдан) — киши кўнглининг кечинмаларига, азоб чекиши ёхуд беҳад қувонишига бевосита боғлиқ. Мазкур мақоллар билан ана шуни ифода этадилар.

Кўнгил ўйга тўймайди, бўри — қўйга.

Кишининг кўнгли шундайки, у ҳамма вақт ниманидир орзу қилади, қўпинча ёмон нарсаларнинг ва шу каби эзгу тилакларни истайди, шуларнинг умидида яшайди. Юқоридаги мақолда ана шу нарса ифода этилган. Вар.: «Кўнгил югурукми, кўк дўнан югурукми?» (дўнан — асли «дўнон» — уч ёшга тўлиб, тўртинчи ёшга қадам қўйган от ёки туя). Мазкур мақолда савол тарзида «Кўк дўнондан, яъни кучга тўлган, навқирон отдан ҳам кўнгил тезроқ югуради», дейилмоқчи. «Кўнгил дарё, кўз — найза»; «Кўнгил қаноти осмондан катта»; «Кўнгил дарвозасиз қалъа»; «Кўнгилнинг кўзи йўқ»; «Кўз кўрганни кўнгил тилайди»; «Кўнгилга келган кўлдан келганда, гадо подшо бўларди»; «Кўнгилга келган қўлдан келса, битмайдиган иш қолмас».

Кўнгил ўрнида бўлса, жон жойида бўлади.

Кишининг кўнгли ҳамма нарсадан хотиржам бўлса, жони ҳам жойида бўлади, яъни қийналмайди, азоб-уқубат чекмайди, роҳатда-фарогатда яшайди. Шунинг учун ҳам қариялар олқиш-дуоларида:«Тансиҳатлик, хотиржамлик бўлсин!» деб эзгу тилак билдирардилар.

Кўнгилсиз гапнинг кечиккани яхши.

Кўнгилсиз гап — ёмон, шум хабар (мас. ўлим, уруш, ҳалокат, фалокат тўғрисидаги хабар) бўлиб, у ҳар қандай кишининг тинчлигини бузади, ҳаловатини йўқотади, асабини қўзғайди, дард-ҳасрат келтиради, азоб-уқубатга солади. Мазкур мақол билан: «Кўнгилсиз гапни киши аввалambор эшитмагани маъқул. Эшитгани тақдирда ҳам, кечроқ, кейинроқ эшитгани маъқул, дейилмоқчи. «Вар., «Кўнгилсиз гап — юракка ҳанжар».

Кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам, соз сўзлар.

Кўп билган, яъни кўп ўқиган, кўпни кўрган, тажрибали, ақлли, доно одам одатда кўп гапиримайди, арзир-аримас гапни чўзиб, эзмачўрукли қилиб ўтирмайди, бировга айтмоқчи бўлган гапини, билдирмоқчи бўлган фикрини қисқагина қилиб, аниқ-равшан тушунтиради — қўяди. Эшитган одам ҳам бундан қаноат ҳосил қилади. Ўқимаган, кўпни кўрмаган, билмаган, ақлсиз, аҳмоқ, қалтафаҳм одам эса, бунинг аксича, ўзи билса-билмаса ҳар бир гапга аралашаверади, маҳмадоналик қилаверади, тайин-тутуруксиз, маза-бемаза гапларини «аччиқ ичакдай» чўзиб, ҳамманинг жонига тегади, энсасини котиради. Мазкур мақол шундайларга нисбатан қўлланади.

Кўп бўлса — сепла, оз бўлса — эпла.

(Эпламоқ — деярли имкони йўқ ишни, нарсани амал-тақал қилиб тўғриламоқ, мушкул ишнинг уддасидан чиқмоқ? «сепла — «эпла-сепла» қўшма сўзнинг иккинчи компаненти). Турмуш кечиришда, рўзгор юргизишда ва, умуман, ҳар бир соҳада тежамкор, омилкор бўлишга ундовчи мақол. Вар.: «Кўп бўлса — кетар, Оз бўлса — етар»; «Оз-оздан кўпаяди, Кўп-кўпдан йўқолади»; «Кўп бўлса — ошалаб е, Оз бўлса — кашилаб е» (қашилаб емоқ — оз-оздан, тежаб-тежаб емоқ); «Борида — борича. Йўгида — йигича»; «Борида ботир бўл, Йўгида шотир бўл» (шотир — подшо, хон каби олий амалдорлар отини етаклаб, тутиб юрувчи навкар; жиловдор). Бу кейинги мақол билан: «Ҳаёт, турмуш шундайки, гоҳ ундоқ, гоҳ бундоқ бўлиб туради. Масалан, пулинг, молинг, амалинг борида қандай юрган бўлсанг, йўғида юролмайсан. Шунисига ҳам кўнишинг, бўйин эгишинг, озига қаноат қилишинг, аввалидан «пасроқ, тубанроқ» бўлиб туюладиган ишларни ҳам ўзингга эп кўришинг ке-

рак бўлади. Чунки, ҳаёт қонунининг ўзи шуни тақозо қилади», дейилмоқчи.

Кўп гап — эшакка юк.

Тасаввур қилинг: эшакка миниб олган бир одам йўлда кетаётиб иккинчи бир одамни учратиб қолади-да, гапга тушиб кетади. Унинг узундан-узоқ чузилиб кетган маза-бемаза гапини деб эшак шўрлик эгасининг огирлигини кўтариб туришга мажбур бўлади. Афтидан, ана шу ҳолатни мисолга олиб, юқоридаги мақолни тўқиганлар. Маълумки, кишиларнинг жамиятдаги ўзаро муносабатлари аввало сўз билан бошланади. Халқимизнинг бошқа бир мақоли —«Адабнинг боши — тил» — бежиз айтилмаган. X-XII асрларда яшаб, ижод этган Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий ва, кейинчалик, Навоийнинг дидактик асарларида сўзлаш одобига алоҳида аҳамият берилган. Нодир адабий ёдгорликлардан бири бўлган «Кутадгу билик» достонининг «Тил ардами» (Тил одоби) деб аталган махсус бобида шундай дейилади: «Кўп сўзлашликдан ҳеч фойда кўрмадим, қайта-қайта (бир сўзни) сўзлагандан (ҳам бирор) фойда топмадим. Сўзни кўп сўзлама, (уни) киска (ва) оз (лекин, маъноли қилиб) сўзла. Узундан-узун (қилиб айтилган) гап мазмунини, ун минг сўз тугунини бир сўз билан еч...» Вар.: «Кўп қидирган кезма бўлар, Кўп гапирган эзма бўлар» (қидирмоқ — юрмоқ, кезмоқ, сафар қилмоқ); «Гапи кўпнинг — ҳасрати кўп»; «Дарс мушкул бўлса — мудроқ босар, Сўз узун бўлса — асноқ босар»; «Узун сўзнинг маъноси киска»; «Узун сўзни уқиб бўлмас, Узун қияни йиқиб бўлмас» (қия — тепалик); «Тилнинг узунлиги даллолга керак». киноя тарзида айтиладиган бу мақол билан: «Даллол икки тараф — олувчи билан сотувчи ўртасида далолат қилиб, уларни келиштирмоқ учун оғзига келган гапдан қайтмайди, бидирлаб, сергаплик қилади, не-не ёлғон-яшиқ гапларни топиб гапиради, аврайди. Бундай узун тил, гапдонлик ишламай-нетмай, бебилиска пул топувчи даллолгагина керак. Бошқаларга эса тил узунлиги зарар келтиради», дейилмоқчи. «Озма бўлсанг, иш йўқотасан»; «Кўп гап бузоқ эмизар, Бузоқ таёқ егизар»; «Сергап бўлсанг, ҳурматинг кетар»; «Кўп сўйлаган — кўпдан айрилар»; «Кўп сўзлаган — ё йўлдошидан айрилар, ё курдошидан»; «Кўп ёмғир ерни бузар, Ортиқча туз ошни бузар, Ортиқча сўз бошни узар»; «Кўп гапирган кўп янглишар»; «Кўп юрган — озар, Кўп гапирган — ёзар» (озмоқ — йўлдан адашмоқ; ёзмоқ — янглишмоқ); «Кўп гапирган — бозор, Кўп югурган — озар»; «Гап тарози босмас» (сотувчининг нарсаси тарозини канча кўп босса, унга шунча кўп фойда, пул келтиради. Гап эса, канча кўп бўлмасин, бари бир торози босмайди, яъни фойда келтирмайди. Мақолда шу нарса ифода этилган); «Йўлнинг ҳам меёри бор, Сўзнинг ҳам миқдори бор»; «Кўп сўз — кулганга яхши, Оз сўз – билганга яхши»; «Гапнинг ози — олгинниг сози»; «Жаҳлликка жаҳ бўлгунча, ақлликка қўл бўл»; «Эви билан сўзлаганнинг қурбони бўл»; «Гали билан гапирганнинг гадойи бўл» (Баъзи одам кишилар давосида, мажлисда, зиёфатда бошқаларга гал бермай, тинмай гапираверив, махмадонагарчилик қилиб, кишини ёлиқтиради. Унинг маза-бемаза гапларини деб бошқа билимдон, сухандон одамларнинг ибратли, қимматли гаплари ичларида қолиб кетади. Ақлли, доно, эсли-хушли одам эса кўрган-билганларини, билдирмоқчи бўлган фикрини қисқа, лўнда, маъноли қилиб гапиради-да, бошқаларга ҳам гал беради. Мазкур мақол билан: «Ана шундай ақли расо одамнинг гадойи, қурбони бўлсанг, арзийди», дейилмоқчи) «Кам гаплик — донолик, Сергаплик — нодонлик»; «Арғумоқнинг белгиси — оз ўтлаб, кўп ювшар, Азаматнинг белгиси — оз сўзлаб, кўп тингшар» (ювшамоқ — кавшамоқ; тингшамоқ — тинглamoқ); «Йигит гулдир, кўп йиғинда ўлтириб оз сўзласа, Йигит шумдир, оз йиғинда ўлтириб кўп сўзласа»;

«Кўп сўзнинг ози яхши, Оз сўзнинг ўзи яхши»; «Кўп сўз — кумуш, оз сўз — олтин»; «Оз сўз — соз сўз»; «Оз сўзла, соз сўзла»; «Ўн ўйла, бир сўйла»; «Кўп гапирма, оз гапир, Оз бўлса ҳам соз гапир»; «Гапнинг қискаси яхши, Қискасидан ҳиссаси яхши»; «Ипнинг узуни яхши, гапнинг — қискаси» (маълумки, игнага ип тақиш — қўлни тутади шунинг учун бир йўла узунроқ ип тақилса, мўлжалдаги жой чатиб олинади, ҳадеб ип тақаверіб, вақтни бекор кетказилмайди. Мабодо игнага ўтказилган ип ортиб қолса ҳам, зиёни йўқ, кейин қилинадиган ишга яраб беради); «Асалнинг ози яхши, Сўзнинг сози яхши»; «Шакарнинг ози ширин»; «Оз сўзлининг кўнгли — ёз»; «Сўзинг муътабар бўлса ҳам, мухтасар қил» (мухтасар — киска); «Сўзни ўлчаб, қулини мисқоллаб сот»; «Сиҳат тиласанг кўп ема, Иззат тиласанг кўп дема».

Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон!
(Навоий).

Кўп кулган — кўп йиғлар.

Вар.: «Кўп югурган — бир қоқилар, Кўп кулган — бир йиғлар»; «Бир кулгининг бир йиғиси бор». Кулги — саломатлик учун фойдали. Аммо, кулгининг ҳам вақти соати, ўз ўрни, меёри бор. Бўлар-бўлмасга кулаверадиган, бировнинг устидан мазах қилиб куладиган одам бунинг азобини ҳам тортмай қолмайди. Юқоридаги мақолларда шу фикр баён қилинган.

Кўп югурган тулки терисини олдиради.

Вар.: «Кўп югурган тулки очдан ўлади»; «Кўп югурган ит кучалага йўлиқар» (кучала — гули сариқ, кўк, сафсар ўтсимон ўсимлик ҳамда унинг тиббиётда ишлатиладиган заҳарли тутмасимон меваси. Терак, тол каби дарахтларнинг тўпгулини ҳам «кучала» деб атайдилар. Кейинги мақолда «кучала» деганда заҳарли нарса назарда тутилган). Юқоридаги мақоллар билан: «Ўз манфаатини кўзлаб, фойда, бойлик орттираман деб, ҳеч қандай йўлдан қайтмайдиган, кўп кезиб, санқиб, юрадиган, ўзини «ўтга-сувга урадиган» одам ахири бир кун панд емай, зиён заҳмат чекмай қолмайди», дейилмоқчи.

Кўпга югурган — оздан қуруқ қолар.

Бу мақол «озгина бўлса ҳам борига қаноат қилмай, кўп топаман, кўп фойда қиламан деб, шунинг кетидан қувган киши ўйлаган кўп нарсасига ё эриша олади, ё эриша олмайди. Қайтага оз бўлса ҳам нақдидан ажрагани қолади», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Кўпга югурган кишининг, Мазаси бўлмас ишининг»; «Кўп ерман деган — оз ер»; «Кўпга югурганнинг ози битмайди»; «Каттага югурган — кичикдан ҳам қуруқ қолади»; «Ёқангдагини ялагунча, қўлингдаги тўкилади»; «Инганимни қарайман деб, минганимдан айрилдим» (инган — олти ёшдан катта урғочи туя. Мақолда «кари туя» маъносида ишлатилган); «Осмондаги ўрдакка умсуниб, қўлингдаги тўрғайни учқундирма» (умсунмоқ — умид этмоқ; учқундирмоқ — учириб юбормоқ, қўлдан чиқариб юбормоқ). Мазкур мақол билан: «Ҳали қўлингга кирмаган аллақайдаги насия катта фойдани кўзлаб, ундан умидсираб оз, кичик бўлса ҳам нақдингни қўлда чиқазиб юборма», деган маънода насиҳат қиладилар; «Йўқни қувиб, бордан ажрама»; «Озга қаноат қилмаган — кўпдан қуруқ қолади»; «Оз сираган — оч қолар»; «Озни озсинган — оздан ҳам қуруқ қолади»; «Ўзиникин оз билиб, ўзганикин кўп билган — икковига ҳам эга бўлмас»; «Озни билмаган — кўпни билмас», «Озига шукр қилсанг, кўпи келар».

Кўпдан қуён қочиб қутулмас.

Ёлғиз одам қуённи қувиб етиши, тутиб олиши — амри маҳол. Аммо, кўпчилик шундай кучки қуён ҳам қочиб қутула олмайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозий маъноси

шуки, кўпчилик бирикиб, ҳамжиҳат бўлиб ишга киришса, ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам уддасидан чиқа олади. Вар.: «Кўп ёйилса, йўқ топилар»; «Ёлғизнинг ёйи йўқолса ҳам топилмайди, Кўпнинг ўқи йўқолса ҳам топилади»; «Кўпчилик тикилса тоғ қулайди»; «Халқ пуфласа бўрон бўлар, халқ тепинса — зилзила»; «Кўп тупурса, кўл бўлар», «Халқни пуч дема, ичи тўла куч», «Ўз кучингни куч дема, Халқнинг кучи — куч», «Бор қилса ҳам халқ қилади, йўқ қилса ҳам халқ қилади»; «Элнинг кучи — эллик ботмон»; «Эл кучи — сел кучи»; «Чивин кўплашса, филни йиқитади»; «Чумоли бирлашса, чаённи йиқар»; «Чумоли бирлашса, чаён пўстини йиртар», «Етти чумоли бирлашиб, бир девни йиқитади», «Кўпчилик бир бурдадан берса тўйдиради. Бир муштдан урса ўлдиради» (Бу мақолнинг биринчи қисмини: «Кўпчилик бир пулдан берса тўйдиради... «деб ҳам айтадилар. Бундаги «бир пул»— хонлар замонидаги чака пул бўлиб, тахминан ҳозирги бир тийиннинг учдан бир); «Қирқ уйдан этак тўлар», «Эл бор ерда чумчук ўлмас»; «Кўп оғиз бир бўлса, Бир оғиз ер бўлар»; «Бир товушни кўп товуш йўқ қилар», «Кўп оғиз бир оғизни боғлар», «Кўп оғиз сўзласа, бир оғиз тек турар», «Кўпнинг иши йитармн, Озниг иши битармн, Кўп ичида бир ёлғиз сўйласа, Унинг сўзи ўтармн?!» «Кўпни кўпчилик кўтаради»; «Кўпнинг қўли кўкка етар,» «Кўп адашмас, Кўл товсилмас» (товсилмоқ — камайиб қолмоқ); «Кўпдами барака, оздами?» (Бу мақол гарчи савол бериш тарзида айтилса ҳам, уни айтган одам: «Барака — озда эмас, кўпда», демоқчи); «Кўпда карам бор» (карам — марҳамат, мурувват, ҳиммат, саховат); «Кўпда Хизир бор» (Хизир — афсонавий пайғамбар. У «оби ҳаёт» сувини ичган эмиш, шунинг учун қиёматгача ҳаёт кечирармиш, одамлар орасида кўзга кўринмай юрармиш, вақт-вақти билан турли қиёфа — оппоқ соқолли мўйсафид, отлиқ қария, ок илон ва б. га кириб, дунёни кезиб, йўлиққанларни ҳалокатдан қутқазармиш. Деҳқонлар ҳосилига барака ато қилармиш; кимки уни учратиб қолса, бахтли ва бой бўлармиш. Мазкур мақол гарчи ана шу эътиқодий тушунчадан келиб чиққан бўлса ҳам, унинг замирида «кўпчиликка қўшил, кўпчилик билан бирга бўл, бахтингни кўпчилик орасидан топасан», деган ғоя ётади); «Кўп тўкилса кўл бўлар, Кўп бирикса эл бўлар»; «Кўпчилик — кўл, унуми — мўл»; «Кўпники кўл бўлар, Топгани мўл бўлар»; «Кўпнинг кучи кўлдай, Кўчиб юрган елдай»; «Кўпчиликсиз тўй бўлмас»: «Кўпчилик қайда бўлса, Тўқчилик шунда бўлар»; «Бирлик бўлмай, тириклик бўлмас»; «Бу дунё ўтар-кетар, Тотувликка не етар?!»; «Довонлардан от оширар, Аҳилларга бахт очилар»; «Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, Тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар» (Бу мақолнинг бошқа вариантларида «Тўртовлон тугал бўлса, қўқдагини ундирар... тепадагин ундирар... ҳаёлдагин ундирар... тепадагин дўндирар... тоғдагини келтирар» деб ҳам айтилади); «Болта сопидан ўзмайди, Йигит — тўпидан» (тўпидан — ўз тенгқурларидан, ўртоқларидан, деган маънода); «Бир югурган ёвушмас, Бир айрилган қовушмас» (ёвушмоқ — яқинлашмоқ, етишмоқ. Бу билан»: «Дўстдан, маҳбубидан, қариндош-уруғидан бир совиб, айрилиб кетган одам қайтиб осонликча бир-бирига қовушмайди», дейилмоқчи); «Кўпга келган — тўй»; «Кўп билан кўрган — тўй»; «Юрт билан келган аза ҳам — тўй» (Бу кейинги уч мақол билан: «Кўпчилик билан бирга кўрилган ғам-кулфат, азоб-изтироб, кайгу-алам ҳам кишига тўйдек, шодиёнадек бўлиб туюлади», дейилмоқчи ва кўпчиликнинг куч-қудрати улуғланади); «Кўпга қўмаклашганнинг кумакчиси кўп»; «Суянишган йиқилмас»; «Халққа хоннинг ҳам кучи етмайди»; «Халқ унаса, хон туясин сўяр»; «Кўп лозим кўрса, карвон туясин сўяр»; «Эл қўлласа, отингни сўй»; «Сувнинг оқишига қара, Халқнинг хоҳишига қара»; «Кўп билсанг ҳам, кўпчиликдай билмайсан»; «Кўп билсанг ҳам, кўп-

дан эшит»; «Биров билмаганни биров билади»; «Кўп билади» деган — кулади, «Ўзим биламан» деган — ўлади»; «Кўпни ёмонлаган кўмаксиз қолибди» (Одатда кўпчиликни менсимайдиган, ёмонлайдиган, маҳаллада ёхуд таниш-билишлари орасида вафот этган кишиларнинг кўмиш маросими ва таъзиясига бормайдиган кишини эл ёқтирмайди. Мабодо шу кишининг ўзи ёхуд оила аъзоларидан бири ўлиб қолса, уни кўмишга маҳалладан ва таниш-билишлардан кўпчилик бормайди. Бу мақол билан мажозан кўпчиликни ҳурмат қилишга ундайдилар); «Ёмонласанг тенгтушинг, Мушкуллашар осон ишинг»; «Кўпни сўккан кўкармас»; «Кўпга кесак отма»; «Тўпга қараб тош отма»; «Тегинмагил кўпга, Кўп аганатар чўпга»; «Кўп қўрқитар, тийран ботирар». Бу билан: «Кўпчиликка қарши ҳаракат қилган одам ўзини тийран (чуқур) сувга ташлаб, чўкиб кетган одам билан баробар», дейилмоқчи; «Кўп ўтар кўпригини бузма»; «Кўп ризқига қўл чўзсанг, ўз ризқингдан қийиласан»; «Кўпнинг ҳақи — етимнинг ҳақидан ёмон»; Кўпнинг ҳақи — тўпнинг ўқи»; «Бир қоқилган — ўлмас, Эл тақилса — қўймас» (тақилмоқ — тегмоқ, ёпишмоқ. Мазкур мақол билан: «Эл агар сенга ёпишиб қолса, қўймайди, Шунинг учун эл билан, кўпчилик билан асло ўйнаша кўрма!» демоқчи бўладилар); «Кўп кўпади, Оз чўкади», «Элга қўшилганнинг кўнгли тўқ, Элдан ажралганнинг бети йўқ»; «Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма»; «Элдан қолгунча ердан қолган яхшироқ»; «Элдан айрилгунча жондан айрил»; «Халққа суянсанг — тўласан, Халқдан чиксанг — сўласан».

Кўприк кўрингунча айиқни ака де.

Вар.: «... такани тоға де»; «... ҳукизни оға де». «Бирор фалокат, офатдан қутилгунча душманингни, рақибингни ака, оға, тоға деб ҳурматини жойига қўйиб туравер. Ишинг битгандан кейин ўз билганингни қиларасан», деган маънода шу мақолни айтадилар.

Кўприкдан от ҳам ўтади, эшак ҳам.

Вар.: «Тоғ устидан от ҳам ўтади, эшак ҳам». Одатда кўприкни, тоғни эл-юрт оғаларига, юқори мансаб эгаларига ташбиҳ этадилар. Мазкур мақоллар билан: «Киши катта (яъни, эл-юрт оғаси, мансабдор) бўлганидан кейин унинг паздидан яхши ҳам ўтади, ёмон ҳам. Бундан хафа бўлмаслик, қизишмаслик, оғир бўлиш лозим», дейилмоқчи.

Кўр бўлсанг бўл, кўрнамак бўлма!

(кўрнамак — яхшиликни қадрламайдиган, яхшиликка ёмонлик қиладиган, тузини ичиб, тузлугига тупурадиган, нонкўр одам). Жамиятда бундай ўтакетган ёмон хислатли одамлардан хазар қиладилар, нафратланадилар, уларни лаънатлайдилар.

Кўр кўрни кўролмайди.

Вар.: «Кўр кўрга «чиқ» дер» (чиқ — кет, даф бўл); «Кўр кўрга «бут» дер»; «Кўр кўрни топар, Сув — чуқурни»; «Гадо душмани — гадо». Ўтмишда кўрлар кўпроқ тиланчилик, гадолик қилганлар. Тиланчи, гадолар эса бир-бирларига ҳасад қилганлар. Чунки уларнинг сони кўпайса, ўтган-кетган одамлардан тушадиган хайр-садақа тақсимланиб, қамаяди. Юқоридаги мақолларда шу нарса ифода этилган бўлиб, мажозий маънода шунга ўхшаш ҳолларда қўлланилади.

Кўр тутганин қўймас, кар — эшитганин.

Бу мақолни қачонлардир, кимдандир чала-чулпа эшитган бир гапига асосланиб, шуни (гарчи нотўғри бўлса ҳам) ҳаммага маъқуллаб юрувчи, эътироз билдирсалар — уриб-енгувчи одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Вар.: «Кўрга кўрсатма, карга гапирма»; «Кўрга кўрсатиб қоч, Карга — гапи-

риб»; «Кўрга кун ҳам бир, тун ҳам бир». Мажози: «Нодон яхши-ёмоннинг фарқига бормайди»); «Сўқирга қуёшни мақташ — беҳуда». Сўқир — 1) кўр, ожиз, 2) ҳеч нарсани билмайдиган, сезмайдиган, қолоқ одам. «Кўр кўзга кун керакмас»; «Кўрга фонус на ҳожат?!: «Кўрга кўзгу керакмас»; «Кўрмас туяни ҳам кўрмас»; «Соғ киши куяни ҳам кўради, Кўр киши туяни ҳам кўрмайди»; «Кўр товуққа арпа ҳам бугдой кўринади»; «Кўр гадога оқ халта ҳам бир, кўк халта ҳам бир»; «Кўр товуққа курмак ҳам бугдой туюлади»; «Кўр товуқнинг кайфи — бугдойда»; «Кўр товуққа бари — тариқ»; «Кўр товуққа бари — буғдой»; «Кўр товуққа арпа ҳам бугдой кўринади»; «Кўр гадога оқ халта ҳам бир, кўк халта ҳам бир»; «Кўр билан товоқдош бўлма, Кар билан — гурунгдош»; «Кўрнинг қўлига тушма, Карнинг — остига»; «Кул ҳаммонга бормасин, Кўр — бозорга»; «Кўрнинг кўзи — бармоғининг учида»; «Кўрни кўр етакласа, гўрга олиб боради» («Ақлфаросатсиз, нодон одамга эргашсанг, у сени фалокат-ҳалокатга дучор қилади», дейилмоқчи); «Кўзи сўқирдан кўрқма, Кўнгли сўқирдан қўрқ!»; «Кўзи сўқирдан кўнгли сўқир ёмон»; «Кўзи сўқир билан йўлдош бўлсанг бўл, Кўнгли сўқир билан йўлдош бўлма!»; «Кўрники — кунда қиёмат»; «Кар бўлсанг бўл, кўр бўлма!»

Кўр қўйганни соғ топмас.

Бу мақолни биров яшириб қўйган нарсани биров тополмаганда ишлатадилар. Шунигдек, очиқдан-очиқ кўриниб турган нарсани ҳам кўрмай, ахтариб юрадиган анқов, бефаҳм одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

Бир нарсадан панд еган, зиён-заҳмат кўрган одам иккинчи марта ундан ўзини эҳтиёт қилиб юради (ёхуд юриши керак), деган маънода қўлланилади. Вар.: «Ақлли киши бир тошга икки марта тўқинмас». (Насиба) Вас! Қалбаки гапларингиз жонимга тегди! Кўр ҳассасини бир марта йўқотади (А. Қаҳҳор, Огриқ тишлар).

Кўра-кўра кўз пишар, қила-қила қўл пишар.

Бу билан: «Ҳар бир ишни кўришдан, қилишдан эринма. Билмасанг, билганларнинг қилаётган ишига қараб тур — кўраверсанг, кўраверсанг, кўзинг пишиб, ўзинг ҳам қила оладиган бўлиб бораверасан. Бир сафар бузиб қўйсанг, «э, бу иш менинг қўлимдан келмас экан» деб ташлаб кетма, қайта-қайта қилавер, қўлинг пишиб, бора-бора бинойидек қила оладиган бўлиб кетасан, деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Кўра-кўра кўзчил бўласан, Сўзлай-сўзлай сўзчил бўласан».

Кўрар кўзим кўрмас бўлди, билар билагим билмас бўлди.

Баъзи одамда ўз бойлигига, ё мансабига, ё илм-билимига ғурурияти зўр бўлади. Бундай одам босар-тусарини билмай, бошқаларни назар-писанд қилмай, кишиларнинг панд-насиҳататига қулоқ солмай кўяди. Вақти келиб, шу ғурурланиб юрган нарсасидан ажрайди-да, пушаймон қилишга тушади. Аммо, бунинг фойдаси йўқ, чунки вақт ўтган бўлади. Юқоридаги мақолни шундай пушаймон қилишга тушганлар тилидан айтганлар ва уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Кўрган кўрганин айтар, кўрмаган берганин айтар.

Бу билан: «Кўрган — яъни, дунёда кўп нарсани кўрган, билган; ўз вақтида маълум бир бойликка ё мансабга эга бўлган, маъмур-чамур турмуш кечирган одам кези келганда кишиларга ана шулар ҳақида сўзлайди. Кўрмаган — яъни, яхши таълим-тарбия кўрмаган, чин инсоний фозилатлардан йироқ бўлган, феъли тор, нокаста одам эса

аллақайтиб бировга бир нима бериб қолган бўлса, ҳамма вақт ҳаммага шуни оғиз кўпиртириб, мақтаниб айтиб юради», демоқчи бўладилар. Вар.: «Кўрган кўрганини қилади, Косов туртганини қилади»; «Кўрганни тили билдирар, Куйганни — дили».

Кўрган ҳам армонда, кўрмаган ҳам.

Маъноси: «Одамзоднинг табиати шунақа: дунёда яхши-яхшиқни, яхши жойлар ва нарсаларни, бойликни, маишатни ва ҳ. к. кўрган одам «аттанг, шуларни камроқ кўриб қолдим-да», деб афсусланади; кўрмаган одам эса «аттанг, шундай нарсаларни кўрмай дунёдан ўтиб кетаяпман-да», деб афсусланади».

Кўрганни эшитган енгар.

Баъзи шундай одам бўладики, маълум бир нарсани, воқеа-ҳодисани ўзи кўрмаган, билмаган, фақат кимдандир бу ҳақда чалакам-чатти (тўғрими, нотўғрими) эшитган бўлади-да, кези келганда шунга асосланиб, ўз гапини уриб-енгиб маъқуллашга ҳаракат қилади. Мазкур мақолни ана шундай маҳмадоналарга нисбатан киноя, истеҳзо тарзида қўллайдилар. Вар.: «Ақлли кўрганин айтар, Аҳмоқ — эшитганин»; «Минг чечанни бир довдир енгибди».

Кўрилмаган нарсанинг мақтови кўп.

Бу билан: «Одатда ҳали кўрилмаган, синалмаган кимсани ва нарсани «ана ундай-мана бундай» деб мақтайдиганлар кўп бўлади. Сен уни то ўзинг кўрмагунча, синамагунча хулоса чиқариб, шошма-шошарлик билан иш тутма (мас., қаллиқ танлашда, ишга янги хизматчи олишда, бирор нарсани харид қилишда ва ҳ. к.)»; деган маънода насиҳат қиладилар. Бу ўринда биргина «Қозон олсанг қоқиб ол. Хотин олсанг боқиб ол» деган мақолни эсга олмоқ — кифоядир.

Кўринган томнинг олислиги йўқ.

Вар.: «Кўринган тоғнинг йироғи йўқ»; «Кўринган — олис бўлмас, Кўтарган — оғир бўлмас». Ўтмишда яқин-йироқ сафарга туяда, отда, эшакда ё пиёда юриларди. Маълум-маълум ерларда йўловчилар тушланиб, ҳордиқ чиқарадиган мазгил жойлар, Кечаси тунаб қоладиган саройлар бўлардики, уларни кўпинча «том» деб атардилар. Уззу-кун йўл юриб, батамом ҳориб-чарчаган йўловчи мана шундай томни мўлжалга олар, теварак-атрофга қарайвериб, кўзлари «тўрт» бўлиб кетарди. Ниҳоят узоқдан бир нуқтадаи бўлиб том кўринади. У чарчаган кишига жуда олис бўлиб туюлади. Юқоридаги мақолни ана шундай ҳолатга нисбатан айтганлар ва бу билан йўловчига: «Ҳамонки том кўриндими, унинг олислиги йўқ, яна бир оз сабр-тоқат қилсанг етиб оласан», деган маънода далда берганлар. Бирор орзу-мақсадига етишиши анча узоқ ва мушкул бўлиб туюлаётган, натижада ҳафсаласи пир бўлиб, иккиланишга туша бошлаган одамга: «Ноумид бўлиб, йўлингдан қайтма, бардам бўл, олға бос, қатъиятли бўлсанг, орзу-мақсадингга албатта етишасан» деб насиҳат қилганларида ҳам мажозий маънода шу мақолни ишлатадилар.

Кўрк — кўз билан оғизда.

«Кўз — кўнгил ойнаси» деб бежиз айтмайдилар. Бировнинг кўнглида нимаики бўлса, уни кўз қарашлари шундай билдириб туради. Кишининг яхши ниятини ҳам, ёмон ниятини ҳам кўзидан уқиб олса бўлади. Оғиз ҳам шундай: кишининг дилида бори тилига чиқмай қолмайди. У ёки бу одамнинг кўрки, яъни яхшилиги унинг кўзидан ва сўзидан маълум бўлади. Мазкур мақолда ана шу нарса ифода этилган.

Кўрликка кўнган хўрликка кўнмас.

Вар.: «Кўрликка чидаб бўлади, хўрликка чидаб бўлмайди». Кўр-

лик — киши учун энг оғир, энг бедаво дардлардан бири. Инсон бу дард ҳар қанча оғир бўлмасин, чидай олади, аммо хўрликка — яъни, иззат-нафсининг поймол этилишига, таҳқирланишига асло чидай олмайди, руҳан қаттиқ эзилади, касалликка чалинади, ҳатто ўлиб ҳам кетади. Мазкур мақоллар билан ана шуни ифода этадилар.

Кўрмаган шаҳарнинг кўчаси кўп.

Вар.: «Кўрмаган кўчанинг чуқури кўп». Бу мақоллар билан мажозан: «Илгари кўрмаган, билмаган, сипшта бўлмаган, нотаниш жойда босган қадамингни билиб бос, бепарво бўлма, эҳтиёт бўл. Ҳар бир жойда ҳар хил одам — яхши ҳам, ёмон ҳам бўлади. Сергак, эҳтиёткор бўлмасанг, ёмон одамларнинг тузоғига тушиб қолишинг, шикаст топишинг, зиён-заҳмат кўришинг мумкин», деган маънода насиҳат қиладилар.

Кўрмаганнинг кўргани курсин.

Мажозий маънода озгина бойликка ёхуд муваффақиятга эришгач, ўзининг аввалги аянчли ҳолини унутиб, шишиниб, босар-тусарини билмай қоладиган, бошқаларни менсимай, «оёқ учи» да кўрсатадиган такаббур одамларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўлланилади. Вар.: «Кўрганнинг кўрмагани курсин, Кўрмаганнинг — кўргани»; «Кўрмаганни кўрдилар, Кўк эшакка миндилар» («Илгари хатто эшаги ҳам йўқ эди, энди эшакли бўлибди-ю, ҳеч кимни назар-писанд қилмайди-я!» дейилмоқчи); «Эшакнинг пешанасига эшакмунчоқ битибди» (баъзилар эшакни безаб, унинг пешонасига (юганига) эшакмунчоқ тақиб қўядилар); «Сон тегмасга сон тегди, Савот-савот нон тегди»; «Сон тегмаганга сон тегди, Зоғора тегмаганга нон тегди»; «Ярлининг чўнтагига акча тушса, турна бўлиб қийқиради» (ярли — қашшоқ); «Ювош йўғонласа, эшикка сигмас»; «Кун кўрмаган кун кўрса, кундуз чироқ ёндирар»; «Кўрга давлат битса, қўшчироқ ёқади»; «От минмаган от минса, чопа-чопа ўлдирар, Тўн киймаган тўн кийса, қоқа-қоқа тўздирар»; «От кўрмаган от кўрса, отхонада от чопар»; «Қўй кўрмаган қўй кўрса, қува-қува ўлдирар»; «Ёмон ҳўкизга шох битса, сузиб ўлдирар, Ёмон одамга мол битса, уриб ўлдирар».

Кўрмоқ — бор, емоқ — йўқ.

Диний тушунчага кўра, жаннатда, яъни ҳамма нарса муҳайё бўлган, роҳатбахш, хушманзара жойда жамики ноз-неъматлар, озиқ-овқатлар бўлармиш. Аммо, уларни худди тушда кўргандек кўриш мумкин эмиш-у, еб-ичиб бўлмасмиш... Шу тушунчага асосан келиб чиққан мазкур мақол мажозий маънода ишлатилади. Баъзан киши яхши бир нарсани кўриб қолади-да, ниҳоятда ҳаваси келиб, уни олгиси, унга эга бўлгиси келади, аммо бунинг иложи бўлмайди (пули, маблағи ё ҳақи бўлмайди, қўли қисқалик қилади). Ана шундай пайтда «Ҳа, кўрмоқ бор-у, емоқ йўқ» дейдилар. Вар.: «Кўз кўради-ю, қўл етмайди»; «Кўз кўради-ю, тиш ўтмайди»; «Кўрган ошнинг куюги ёмон».

Кўрни кўр билади, зўрни зўр.

Мажози: «Ҳар бир тоифадаги одамнинг феъл-атворини, сир-асрорини, кучли ё заиф томонини ва ҳ. к. ўша тоифага мансуб одамгина яхши билади».

Кўрнинг тилаги — икки кўзи.

Вар.: «Кўрнинг кўнгли — кўзида»; «Кўз қадрини кўр билади». Мажози: «Ҳар ким ўзида йўқ нарсага етиш орзусида бўлади, ҳамма вақт шу тўғрисида қайғуради, ўйлайди».

Кўрпангга қараб оёқ узат.

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги афсонага боғлиқ: «Қадим замонда бир золим подшо бўлган экан. У халқни хилма-хил йўллар билан

қийнаб, азоблаб, шундан ўзи роҳатланар экан. Кунларнинг бирида у: «Энди қандай қилсам халқни қийнаб, роҳатланаркинман» деб ўйлаб-ўйлаб, бир ҳийла топибди. Халққа: «Менинг бўйимга лойиқ кўрпа тикиб келинглар!» деб буюрибди. Эртасига одамлар подшонинг бўйига тахминан тиккан кўрпаларини кўтариб, бирин-кетин саройга кириб кела бошлашибди. Подшо кўрпаларни бирма-бир устига ёпиб кўра бошлабди. Кўрпа агар узунроқ бўлса, уни атайлаб бош томонига тортиб, оёқларини чўзиб: «Ие, бу калта-ку!» деб, агар калтароқ бўлса, жўрттага оёқларини йиғиб олиб: «Ие, бу узун-ку!» деб бақираверибди ва кўрпаларнинг эгаларига қирқ даррадан уришни буюрибди. Шунда навбат бир чолга келибди. Подшо у келтирган кўрпани устига ёпибдида, бош томонга тортиб, оёқларини тиззасигача очиб: «Ие, бу калта-ку!» деб бақирган экан, сабр косаси тўлиб турган чол қўлидаги хассаси билан подшонинг оёқларига бир туширибди. Подшо бирдан чўчиб, оёқларини йиғиб олибди-да, чолга: «Нега оёгимга урдинг?!» деб ўшқирибди. Шунда чол: «Кўрпангга қараб оёқ узат-да!» дебди. Мажозан: «Ўз ҳолингга, маблағингга, имкониятингга қараб иш кўр», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Бўйингга қараб тўн бич»; «Қўлингга қараб чўмил»; «Кулочингга қараб кетмон чоп»; «Эна, кетингга қараб чена (эна — она, чена — ўлча, чамала,); «Қўйингга қараб кўтон камчила». Илгари чорвадорларда газ, метр ўлчов бўлмасди. Ерни ёхуд бошқа нарсани қўлларидаги камчиннинг сопи-ўрами билан ўлчардилар (1 камчи — тахминан 1 метрнинг тўртдан уч қисмига тўғри келади). Юз камчинлик кўтонга тўрт юз бош қўй бемалол сиғади. Борди-ю қўйлар юз-икки юз бош бўлса, бунчалик катта кўтон қилишнинг ҳожати йўқ. Мазкур мақол билан: «Ҳожатингдан ортиқча ишга бекорга уриниб нима қиласан?» дейилмоқчи.

Қўлинг узат андозага қараброқ,
Кўрпангга қараб узутгин оёқ»
(Абушкур Балхий).

Мажлисда сина у ёғ-бу ёғни,
Кўрпангга қараб узат оёғни.
(Носир Хисрав).

Ҳар кишиким кўрпасига пой
узатмайдур қараб,
Сал вақт ўтмаски, кўзлар
жонибди Шому Ҳалиб
(Муқимий).

Кўтарса зам қил, кўтармаса кам қил

(зам қилмоқ — қўшмоқ, оширмоқ, қўпайтирмоқ). Мазкур мақол билан: «Агар бозоринг чаққан бўлса, нархини ошир. Борди-ю, молингни харидор олмаса, ё камдан-кам одам олаётган бўлса, нархни пасайтир», деган маънода насиҳат қиладилар.

Кўча хандон, хона гирён.

Вар.: «Кўча хандони, уй зиндони»; «Эшикчининг корни тўқ, Уйга борса юзи йўқ» (эшикчи — саёқ юрувчи, маъносида). Баъзи одам кўчада «ҳаҳа таралла» қилиб, ўйин-кулги билан юради-да, уйига келгач, қовоғидан қор ёғиб», хотин, бола-чақаларини уришиб, сўкиб ҳамма ёқни заҳар бостириб юборади. Юқоридаги мақолларни ана шундай кабиҳ одамларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Кўчада дакки еган — аламини хотинидан олади.

Бу мақолни ҳам феъл-атвори ёкимсиз, огзи коски, кўчада бошқа бировлар ўтказган аламни уйига келиб, бегуноҳ хотин, бола-чақаларидан оладиган эркакларга қарата айтадилар.

Кўчаримни ел билади, қўнаримни — сой.

Вар.: «Юраримни ел билади, Қўнаримни — қир». Бу мақолларни бир жойда сабр-қаноат қилиб ўтира олмайдиган, ўзини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа урадиган, у касбни ташлаб бу касбга, бу касбни ташлаб бошқа касбга ўтиб кетадиган қўнимсиз, саёқ одамларга нисбатан қўлланади.

Кўчманчини урма — сўкма, қозонин синдир.

Кўчманчилар рўзгорида қозон энг қадрли, ҳатто муқаддас буюм ҳисобланган. Биров агар кўчманчининг ўзини ҳақорат қилса, у буни кўпда эламасди-ю, аммо қозонини ҳақорат қилса, бунга асло чидай олмас, уришиб-жанжаллашар, ҳатто «тўп»га солиб, тўққиз айб жарима солдиртирар эди. Мажозан: «Бировнинг ихлос қўйган, эзозлайдиган нарсаси устидан кулма, уни мазах, масхара қилма», деган маънода ишлатадилар.



Лаззати авф интиқомда йўқ

(интиқом — ўч олиш, қасос). Бу мақол билан: «Айтиб қўйган ноўрин сўзинг ё қилиб қўйган айбинг учун бировдан узр сўрашни ўзингга эп кўрмай ўтирма, буни ўзинг учун паст кетиш деб ҳам билма, ийманма ҳам. Ўз вақтида, чин дилдан чиқариб кечирим, узр сўрасанг, сендан ўч олмайдилар, уришмайдилар, сўкмайдилар», деган маънода насиҳат қиладилар.: «Узр қилсанг, ҳузур қиласан».

Лайлакнинг кетишига боқмайдилар, келишига боқадилар.

Вар.: «Лайлакнинг кетишини эмас, келишини кутадилар». «Оқ лайлак Ўзбекистонга эрта баҳорда учиб келиб, куз кириши билан қишлаш учун иссиқ томонларга учиб кетади». Кишилар баҳорни (демакки, лайлак учиб келадиган пайтни) орзиқиб кутадилар, лайлак қайтиб учиб кетадиган пайтни кутмайдилар ҳам, бу билан кўпда қизиқмайдилар ҳам. Одатда бировнинг бирор сафарга кетгани билан одамларнинг кўпда ишлари бўлмайди. У қайтиб келганидан кейин эса «Қаерга борибди? Нима олиб келибди?» деб суриштира бошлайдилар. Юқоридаги мақолни мажозан мана шундай пайтда қўллайдилар.

Лайлакнинг юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаноғи йиртилибди.

Ҳар ким хоҳ жисмоний, хоҳ моддий, хоҳ маънавий тарафдан ўз хоҳли-қудратига қараб иш кўриши, қурби етмаган, қўлидан келмайдиган, уддалай олмайдиган ишга уринмаслиги зарурлиги уқтирилганда айтиладиган мақол. Вар.: «Ола қарғанинг юришини қиламан деб, чумчуқнинг чатаноғи йиртилибди»; «Лайлакнинг юришини қиламан деб, читтакнинг пути йиртилибди»; «Турна бўламан деб, товуқнинг пути йиртилибди»; Какликнинг юришини қиламан деб, қарға ўз юришини йўқотибди»; «Тоғи йўлига қарға юрса, ҳам чоти айрилар, ҳам пути»; «Бўйрачи ҳолвачи бўламан деб, кўзини чапоғ босибди». Одатда ҳолвачининг қўли ҳамавақт шира бўлади. Ширага чанг-чунг, қил-қилиқ ёпишиб,ифлос қилади. Бефарқ ҳолвачи қўлини ювмай, тозаламай, кўзини ишқаласа, кўзи қизариб, ёшланиб бора-бора касалга чалинади. Мана шу кўз касалини «чопоғон» дейдилар. Бу тўғрида шундай ҳикоя қиладилар: Икки дўст бўлар экан. Бири бўйрачи, иккинчиси ҳолвачи экан. Кунларнинг бирида улар ўзаро суҳбатлашаб ўтириб, бўйрачи ўз касбидан нолиб, кун кечиришда қийналаётганини айтибди. Ҳолвачи эса ўз касбидан мамнун эканлигини билдирибди. Шунда бўйрачи ҳолвачидан: «Ўртоқ, менга ҳам ҳолвачиликни ўргатиб қўй, деб илтимос қилибди. Ҳолвачи ўртоғини қайтариб: «Бу сенга тўғри келмайди, қийналасан», деса ҳам кўймабди. Ахири бўйрачи ҳолвачиликни ўрганиб олибди. Орадан бирмунча вақт ўтгач, ҳолвачи ўртоғидан хабар олгани келса, унинг кўзи чапоғ босиб кетибди. Ҳолвачи унинг шилпиқланиб қолганини кўриб: «Ҳа, бечора бўйрачи, ҳолвачи бўламан деб, кўзингни чапоғ босибди-ку», деган экан. Кейинча-

лик халқ ўртасида мақолга айланиб кетган бу гапни мажозий маънода ўз касбини ташлаб, серфойда бошқа касбга ўтиб, у касб орқасида (умуман, қўлидан келмайдиган ишга уриниб) зарар кўрган ё бирор фалокатга йўлиққан одамга нисбатан киноя тарзида айтадилар.

Лачакпўшнинг кети очиқ.

Лачак — бош узра икки чаккадан кўкракка қалар осилиб турадиган мато (сурп ё дока). Лачак дўппи — лас ёки қора сатиндан тикилиб, думалоқ шаклда тепа қисми буриб қўйиладиган камзирлар дўпписи. (М. Асомиддинова, Кийим-кечак номлари). Буни «дакана» деб ҳам атардилар. Дакана — камзир дўппи устидан бош узра яйдоқ тишлар ўраладиган дока рўмол. Мана шундай лачак ўраган аёлларни, шунингдек мўмин-қобил, содда, кўнгилчан, раҳимдил одамларни кўчма маънода «лачакпўш» деб атардилар. Халқнинг сўзлашув тилида баъзан шундай иборалар ҳам учраб туради: «... ўзиям лачакпўшгина, дарров ишга қовушиб, кириши кета қолади», «... Бунинг лачакпўшлиги курсин, ҳаммага раҳм қилиб, улашиб, ўзи қуруқ қолди» (Ш. Момақсудов, С. Долимов, Кенг уйнинг келинчаги). «Лачакпўшнинг кети очиқ» деган юқоридаги мақолни ана шундай кўнгилчан, қўли очиқ, биров бир нарса сўраса, ҳечам йўқ демайдиган, бировдан бирор нарсасини ҳам аямайдиган, ҳар кимга ҳар нарсасини бераверіб, ўзи қуруқ қоладиган, қўли очиқ кўнгилчанларга нисбатан ишлатадилар ва бу билан: «Ҳотамтойлик ҳам!» эви билан бўлиши керак-да»; дейилмоқчи. Вар.: «Кўнгилчакнинг кети очиқ»; «Кўнгилчак қўл ейди» (қўл емоқ — алданмоқ, пандемоқ, зарар кўрмоқ); «Кўнгилчакнинг оти озмас, тўни тўзмас (бу мақолни: «Кўнгилчан, кўнгли бўш одам бировдан бир нарсасини аямайди, ким нима сўраб келса, бериб юбораверади, унинг оти ориқлаб ҳам қолмайди, тўни тўзиб ҳам кетмайди»; деган маънода қўллайдилар); «Гўл, гўлнинг таги кўл»; «Кўнгли юмшоққа ишқ бермасин». Бу билан: «Кўнгилчан, кўнгли бўш одамнинг бирор нарсага ишқи тушиб қолса, у бу йўлда ҳеч нарсасини аямайди, ўлган-тирилганига қарамай ҳаракат қилади, моли тугул ҳатто жонидан ҳам ажрайди», дейилмоқчи.

Лақманинг калласи — тарозининг палласи.

Лақма — ҳар нарсага дарров ишонаверадиган, осонгина алданадиган, гўл, содда одам. Бу мақол билан: «Лақманинг калласи тарозининг палласидек оғир тарафга оғиб кетаверади, яъни у ким нима деса, шунга лаққа ишонаверади», дейилмоқчи.

Либосоро бўлгунча, мажлисоро бўл.

Баъзи одам либосига, кийимига зебу оро беради-ю, аммо ўзининг гап-сўзида бирор маъно, юриш-туришида ахлоқ-одоб бўлмайди. Мазкур мақол билан шундайларга қарата: «Кийимингга, ташқи кўринишингга зеб бергунча, одоб билан сўзлашни, юриш-туришни, кишилар билан ширин жавоб-муомала қилиши ўрган. Шундагина чин инсон қаторига кириб, эл-юртга ёқасан», деган маънода насиҳат қиладилар (мажлисоро — мажлисни, яъни тўй, зиёфат ёки бошқа муносабат билан уюштирилган ўтиришни безовчи, қизитувчи).

Лой ёриғига лой чапилади, ганч ёриғига — ганч.

Одатда лойдан қилинган деворнинг нураган, ёрилган, тешилган жойларига лой чаплайдилар, ҳеч вақт ганч чапламайдилар, ганч деворга эса лой чапламайдилар. Мажози: «Ёмонга ёмонликча, яхшига яхшиликча муомала қилинади», дейилмоқчи.

Лой ичидан дур ажрат.

Бу мақол: «Яхшини ёмондан фарқ қилабил», деган маънода қўлланилади.

Лой увоғи қовушар, тош увоғи қовушмас.

Мажозан: «Оила аъзолари, қариндош-уруғлар гарчи бир-бирлари билан гиналашиб, аразлашиб қолган бўлсалар ҳам, барибир тез орада тотувлашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар. Бегоналар эса бундай эмас», дейилмоқчи.

Лўлининг чирмандаси ёрилса, гардиши маймунга ўйинчоқ бўлади.

Ўтмишда лўлилар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, ҳар хил ўйинлар кўрсатиб, халқдан пул йиғиб олиб, шунинг орқасида кун кечирар эдилар. Эркаклари айиқ, эчки, маймунларни ўйнатар, хотин-қизлари рақсга тушар, катталари чирманда чалар, болалари умбалоқ ошарди... Мажозан: «Киши қариса, қуввати кетса, бойлигидан ажраса ё амалидан тушса, теварак-атрофидаги кишиларга, оила аъзоларига, ҳатто ёш болаларга ҳам майна бўлиб қолади», дейилмоқчи.

Майда гап катта ишни ғарқ қилади.

Бу билан: «Бирор катта, муҳим иш ҳал бўлаётганда гапни майдалаб, чувалаштириб, эзмалик қилма. Зероки бу майда гаплар ичида катта иш йўқ бўлиб, чиппакка чиқиб кетиши мумкин. Ишни рўёбга чиқаришга, тез битиришга фойда берадиган гапни бамаъни қилиб, лўндасини гапир, вассалом», деган маънода насиҳат қиладилар.

Маломат, ҳақ бўлсанг — саломат.

Маломат — айб тақиш, ёмонлаш, обрўсизлантириш. Вар.: «Эл сенга этса маломат, Дунёда туролмассан саломат»; «Элга қилма хиёнат, Туролмассан саломат». Бу мақоллар билан кишини тўғри, ҳалол, ростгўй бўлишга ундайдилар, акс ҳолда оқибати ёмон бўлишини уқтирадилар.

Манам эдим сенингдек, санам бўласан манингдек.

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги афсонага боғлиқ: «Бир одам қабристон ёқалаб кетаётса, йўлда бир калла суяги ётган экан. Ҳалиги одам уни оёғи билан тепиб, ўйнаб кетаверибди. Шунда калла тилга кириб: «Манам эдим сенингдек, санам бўласан манингдек», деганмиш». Бир киши бир кишини камситса (ё айбидан кулса), камситувчига қарата: «Менинг бу аянчли ҳолимга (масалан, қарилигимга) кулма, сен ҳам бир кунмас бир кун шундай ҳолга тушиб (масалан, қариб, ҳолдан тойиб) қоласан», деган маънода шу мақолни айтади. Бу — қадимий мақоллардан бўлиб, уни XIV асрда Ҳофиз Шерозий, XV асрда Навоий, XVI асрда Бобур ишлатган.

Эй, Навоий олам аҳлидин вафо қилдинг тамаъ,
Мен эдим сенинг киби, мен янглиғ ўлгунг сен дағи
(Навоий)

Даъвойи ишқ этиб ғайр Бобирни айб қилма,
Ким мен эдим сенингдек, сен бўлғасен манингдек
(Бобур)

Манбозорчи сўзи билан, ўз қамчиси ўзи билан.

Инқилобдан илгари давлатманд косиб ва савдогарлар майда косиб ва деҳконларни асосан буюм муносабат асосида эксплуатация қилиб, савдо-сотиқни кенгайтирар эдилар. Ишни катта ҳажмда қилувчи ана шундай давлатманд косиблар (яъни, майда бўржуазия вакиллари) бир неча шогирд, ҳалфа ёллаб ишлатардилар. Бу шогирд ва ҳалфалар ҳаёт кечиришда қийналганлари учун уларга ёлланишга мажбур бўлардилар. Бундай ёллаб ишлатишнинг ўз тартиб-қоидалари бор эди. Масалан, ёлланган одам олдинига бўнак оларди (бўнак — иш ҳаки устидан олинадиган пул). Кейин арзон-гаровга ишлаб бераверар, яна устма-уст бўнак оларверар эди. Бора-бора у хўжайиндан катта қарздор бўлиб қоларди. Ана шунда у, мавжуд тартиб-қоидага биноан, қарздан тезроқ қутилиш мақсадида уч-тўрта ҳолис устакор ҳузурида ўз хўжайинига қуйидаги мазмунда сўз берарди: мен бир ой, ё қирқ кун, ё икки ойгача манбозор ўтираман (Манбозор — асли «ман бозор» бўлиб,бозорга боришни, яъни ҳалфа бозорига бориб, бошқа устага ёлла-

нишни ўзига ўзи ман этиш, демакдир). Қарзимни батамом узмагунимча устакоримнинг уйидан остона ҳатлаб чиқмайман ё шу маҳалланинг фалон жойидан нарига ўтмайман... Шундан кейин холис устакорлар фотиҳа ўқиб, бу ваъдани қатъийлаштириб қўярдилар. Бўнақдор халфа — манбозорчи ўз сўзининг устидан чиқиш учун ва қарздан тезроқ қутилиш учун устакорникидан ҳеч қаёққа чиқмай, ўлган-тирилганига қарамай кеча-ю кундуз ишлайверарди. Унинг бундай аянчли аҳволини кўриб, ачинган кишилар устакорга: «Бечорани жуда қийнаб қўйибсиз-ку, сал аяброқ ишлатсангиз бўлмайдими?» дейишса, у ўзини ўзи оқлашга тутинади: «Уни мен бунақа қаттиқ ишлатаётганим йўқ. Ўзи ваъда бериб, ўзини ўзи қамчилаб ётибди. Менда ҳеч қандай айб йўқ». Юқоридаги мақолни халқ ана шундай айёр эксплуататорлар тилидан тўқиган ва уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўлланган.

Мани нафсим балодур, ёнар ўтга солодур.

Текинхўр, юлғич, тамагир, очкўз суқатой, суллоҳ ва нафс бандалари жамиятга доғ тушириб турадиган шахслардир. Юқоридаги мақолни халқ ана шундай шахслар тилидан айтган бўлиб, уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайди ва баднафслик ёмон оқибатларга олиб келишини уқтиради. Вар.: «Мани нафсим балодур, Ўтдан сувга солодур»; «Мани нафсим балодур, Ўтдан чўққа солодур»; «Нафснинг ёмони — балонинг кони»; «Олмани олдим — балога қолдим»; «Тотли томоқ томуққа туширади» (томуғ — дўзах). Бу мақол билан: «Тотли томоққа (овқатга) ўрганиб қолган одам арзонга тушадиган бемазароқ овқат оғзига ёқмай, доим тотли томоқ қўйида бўлиб, харом-харишлик билан пул топиш йўлига тушиб кетади. У яхши еб, яхши кийиб, довруғли тўй-зиёфатлар қилиб, данғиллама уйлар қуриб, пировардида ўғрилиги, хиёнаткорлиги очилиб, шармандайи-шармисор бўлади, тегишли жазосини олади», демоқчи бўладилар; «Туяни жардан учирган — бир тутам хашак»; «Бургут нафсидан илинар, Ҳисор қўзичоғи — оёғидан»; «Қуш тузоққа дон учун илинади»; «Нафснинг ёмонлигидан — бошим тузоқ ичида»; «Очкўз лочин тирноғидан айрилар»; «Суқлик хўрлик келтирар»; «Загизғон соқлигидан ўлмайди, суқлигидан ўлади» (соқлик — ҳушёрлик, зийраклик); «Очофат тиши билан ўзига гўр казийди»; «Очкўзни тупроқ тўйдирар»; «Мечкайнинг ичида илони бор» (мечкай — рахит касалига йўлиққан; мажозда — еб тўймас одам); «Нафснинг тергови бўлмас, Жониворнинг — гўркови»; «Нафси бузуқ — бадном, Нияти бузуқ — бесамар»; «Ёмон еганини сўзлар, Яхши — билганини», «Сайёҳ кўрганин айтар, суллоҳ — еганин»; «Нафси ёмон еганини мақтар»; «Нафси бузуқ ҳайитда ўлар». Ҳайитда ҳаммасининг, аниқса, бирор якини ўлган одамнинг, уйида дастурхон тузаб қўйилади. Одамлар тўп-тўп бўлиб юриб қўни-қўшниларни, қариндошуруғларни кўрмоқ, уларни ҳайит билан муборакбод қилмоқ ҳамда ўлганларга фотиҳа ўқимоқ мақсадида ховлима-ховли, уйма-уй кириб чиқаверадилар. Шунда нафси бузуқ, очкўз, еб тўймас одам у уйга кирганда ҳам, бу уйга кирганда ҳам дуч келган нарсани аралаш-қуралаш еяверади. Натижада ичи бузилиб, касалга чалиниши (ҳатто, ўлиши) мумкин. Мақолда шунга шама қилинган; «Тил куйдиради, ел совуради, нафс ўлдиради»; «Бол тотли деб, бармоғингни чайнама»; «Тўқай шерининг мингини енг, нафс итининг бирини енг»; «Ақлнинг кули — нафснинг тизгини». Бу билан: «Нафснинг хоҳишини ақл ёқтирмайди. Киши ақлнинг қули бўлса (яъни ақл билан иш қилган бўлса) — демак, у нафсини тийиб, тизгинлаб олган бўлади», демоқчи бўладилар; «Дон бошқа, жиғилдон бошқа»; «Оғзингга қараб озуқ ол, Томуққа қараб ёзуқ ол» (ёзуқ — гуноҳ, айб); «Олғирлик одат келтирар. Баднафслик — ҳалокат».

То хирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри баруфтод ўлмас,

То зулму ситам жонига бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас
(Навоий).

Марварид игна эмас, йўқолмайди.

Игна йўқолса, одамлар кўп ачиниб, уни қидириб ўтирмайдилар. Чунки, игна — арзимаган нарса. Аммо, марварид қўлдан тушса-ю, йўқолса, уни топмагунча қўймайдилар, кўплашиб бўлса ҳам, уни топиб олишга ҳаракат қиладилар. Чунки, марварид — қимматбаҳо, қадрли нарса. Мазкур мақол билан мажозан: «Ёмон одам бир балога йўликса (камалса, офатга учраса, ўлса, маҳв бўлса, жўйилиб кетса ва ҳ. к.), одамлар унга кўпда ачинмайдилар. Аммо, яхши одам бирор балога йўликса (тухматдан ё англашилмовчиликдан қамалса, офатга, фалокат-ҳалокатга учраса, вафот этса), одамлар қаттиқ ачиниб, уни кўп яхшиликлар билан эсга оладилар, номини ўз қалбларида абадий сақлайдилар ёхуд уни балодан қутқазиш учун кўплашиб ҳаракат қиладилар» демоқчи бўладилар.

Мард бўлсанг, Эскижўвада ҳангра.

Одатда одамлар эшакнинг ҳанграган овозини ёқтирмайдилар. Эшак ҳанграб қолгудай бўлса, дарҳол уни уриб-тепиб ҳайдай бошлайдилар. Одам гавжум бўлган жойда ҳанграган эшакнинг шўри қурийди, чунки у бир-икки одамдан эмас, кўпчиликдан калтак ейди. Мақолда Эскижўва сўзи Тошкентнинг энг катта бозори жойлашган «гавжум жой» маъносида ишлатилган бўлиб, бу билан мажозан: «Сен ўзингни зўрман деб ўйлар экансан, зўравонлигингни, ёмонлигингни одам кам, хилват жойда, кучи етмас ожизларга қилма. Зўр бўлсанг, зўравонлигингни, ёмонлигингни одам гавжум бўлган жойда қилиб кўрчи. Ана унда кўрадиганингни кўрасан, кўпчилик адабингни бериб, тавбангга таянтириб қўяди», демоқчи бўладилар.

Мард хотинин қаритмас, ботир отин ҳоритмас.

Бу мақол билан: «Ботир — оти билан ботир. От унинг қаноти, мададкори, узоғини яқин, мушкулини осон қилувчи ёрдамчиси. Шунинг учун ҳам ботир ўз ҳаётида жуда ҳам керакли бўлган отини бўлар-бўлмасга ва ҳаддан ташқари чоптириб, уни ҳоритмайди. Шунингдек, хотин ҳам эркак кишининг энг яқин йўлдоши, сирдоши, кўмакдоши, севгилисидир. Сен агар ақлли, одобли, мард эркак бўлсанг, хотинингни чин дилдан ҳурмат қил, унга ҳар жиҳатдан кўмаклаш, оғирини енгил, мушкулини осон қилиш ҳаракатида бўл, уни асло хафа қилма, урма, сўкма, хўрлама, ғам-ғуссага ботириб, бевақт қаритиб-чуритиб юборма», деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Хўрламагил хотинни, Эрлар йиртар путингни»; «Эр хўрлаган — эр куясига учрар, Хотин хўрлаган — хотин куясига учрар» (куясига — куюгига, яъни доғига, дард-аламига учрайди, деган маънода); «Ўқувнинг боши ҳарф бўлар, Ҳарфнинг боши алиф бўлар, Хотиннинг қадрин билмаганлар, Охир бориб ғариб бўлар».

Мардикорчи — бир танга, раъйикорчи — ўн танга.

Ўтмишда Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарларида (масалан, Бухорода) бошқа бир қанча касб эгалари қатори раъйикорчи — ишбоши, иш бошқарувчи, (ҳозирги тушунчамизда прораб) ҳам бўларди. Масалан: бир одам иморат қурдирадиган бўлса, раъйикорчини чақириб: «Мен иморат қурдирмоқчиман. Ички-ташқиси бўлиб шунча хона, болхона, ошхона, молхоналари ҳам бўлади дейди. Раъйикорчи: «Хўп бўлади, қуриб берамиз» деб, иморат тушадиган жойларни ўлчайди, қанча тахта, ёғоч, қанча гувала ё гишт, ганч ва бошқа қурилиш материаллари кетишини, уста ва мардикорларга қанча ҳақ тўланишини ҳисоблаб чиқиб: «Тахминан мана шунча пул кетади» дейди. Бу шартлар уй эгасига маъқул келса, улар ўзаро битишадилар-да,

ишни бошлаб юборадилар. Раъйикорчи иморат қурилишида ҳамма нарсага хўжайин бўлиб қолади. Уй эгаси эса унинг ишига аралашмай, ўз ишлар билан шуғулланиб юраверади (бу ўринда шуни айтиш керакки, раъйикорчиларни кўпроқ бойлар ва савдогарлар ёллашар эди). Раъйикорчиларнинг ўз иттифоқи бўлиб, унга ҳукумат тарафидан расмийлаштирилган оқсоқол раҳбарлик қиларди. У иттифоққа кирган ҳамма раъйикорчилар учун жавобгар шахс ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам раъйикорчи ёллайдиган уй эгалари ишониб, керакли пулни бериб тураверар эдилар. Раъйикорчилар эса пулни маҳорат ва тежамкорлик билан жой-жойига сарфлаб, ишни битириб берардилар. Улар ишбилармон, тадбиркор бўлганликлари учун ҳам оладиган ҳақлари ишнинг оғирини қиладиган мардикорларникига нисбатан бир неча баравар юқори бўларди. Ана шуни ифодалаб айтилган юқоридаги мақолни: «Бу қанақаси, ишни биз қилсак, пулнинг мўмайини раъйикорчи олса?!» демоқчи бўлганларида ҳам, «Сен ҳам уддабурон, тадбиркор, ишбилармон бўлсанг, раъйикорчига ўхшаб кўп пул топасан», деган маънода насиҳат қилганларида ҳам қўллаганлар.

Мардлик — мангулик.

Мардлик, ботирлик, қаҳрамонлик, жасурлик инсоннинг қанчалик олий фазилати бўлса, номардлик, қўрқоқлик, сотқинлик унинг шунчалик тубан фазилатидир. Халқ ўзининг кўпдан-кўп мақолларида ана шу ижобий ва салбий фазилатларни зўр маҳорат билан ифода этади: «Мардлик — кишининг ҳусни»; «Мард етмаганга енг бўлар, Бўлмаганга бўй бўлар»; «Мардлик — йиқитмоқ эмас, тургизмоқ» (Полвонларнинг одати шуки, кураш тушганда йиқитган полвон йиқилган полвонни кўтариб ўрнидан тургизади-да, елкасига қоқиб қўяди. Бу унинг мардлигини билдиради. Шу ҳол ифода этилган мазкур мақол билан мажозан:«Кийин аҳволга тушиб қолган одамга ёрдам, мадад бериш, қўллаб-қувватлаш — мардлик белгиси», демоқчи бўладилар); «Мардниинг қирқ ишидан бир иши носоз бўлса ҳам ўзи хижолат»; «Мард бир сўзида туради»; «Мард майдонда билинади»; «Мард майдонда синалади»; «Олтин ўтда билинади, Ботир — майдонда»; «От чопса гумбурлар тогнинг дараси, Майдонда билинар мардининг сараси»; «Йигитнинг зўри жангда билинар, Отнинг зўри — қияда»; «Мард майдонда билинар, Дўст — кулфатда» (бунинг «...дўст йўқликда», «...ёр машаққатда» деган вариантлари ҳам бор); «Темир сандонда чиниқар, Ботир — майдонда» (сандон — темирчи ва заргарлар ишлов бериладиган нарсани устига қўйиб, болғалайдиган темир кунда); «От кучини карвонда кўр, Мард кучини — майдонда»; «От тўдада билинар, Йигит — майдонда» (тўда — улоқчи отлар тўдаси. Бу тўдадан улоқчи отларнинг энг зўри олиб чиқиб кетади. Мақолда шунга шама қилинаяпти); «Мерган овда билинар, Ботир ёвда билинар»; «Ботир ёвда билинади, Чечан — довда»; «Эр йигитни ёв устида кўр»; «Эр йигит — эл четида, ёв бетида» («Ҳақиқий мард йигит ўзини катта олмай, эл ичида камтарлик билан четлаб юради-ю, аммо ёв келганда ўзининг кимлигини кўрсатади», дейилмоқчи); «Ўн бир ёндан, юз бир ёндан, Ботир юрар майдондан»; «Ботир ботқоқдан ҳам ўтар, қатқоқдан ҳам»; «Ботирнинг борганидан — келгани»; «Ботирлик шаҳар олар»; «Сўз ботирлиги — тилда, Эр ботирлиги — белда»; «Мард бўлсанг, майдонга чиқ!»; «Мард бўлсанг, кучингни майдонда кўрсат!»; «Бир йигит оркасидан қирқ йигит отга минади» («Мард йигит кўрқмасдан ўзини ёвга ташлаганда, бошқа жангчилар ҳам ундан ибрат олиб жангга кирадилар», дейилмоқчи); «Мард боласи йигин кўрса йўл бошлар»; «Мард йўлида ғов қолмас»; «Мард келса майдонга, номард қочар»; «Ур!» деса, номард қочар, Мард қолар майдон ичида»; «Мард йигит изини сотар, Номард йигит ўзини сотар» (Бу мақолнинг биринчи қисмида: «Мард йигит кўрқмай олга босиб, илгарилаб кетади. Ёв унинг изини излашга мажбур бўлиб қолади», дейилмок-

чи); «Бардошсиз ўз ҳалокатин ўйлар, Бардошли ёв ҳалокатин ўйлар»; «Мард элни фахрлантиради, Номард элни нафратлантиради»; «Ёвни чопмоқ — марднинг иши, Ўлимдан қўрқмоқ — номарднинг иши»; Минг қарға бир туйғунга етмайди» (туйғун — сезгир, чаққон, олғир ов қуши, киргий ё карчиғайнинг эркаги. Бу қушни мажозда ботирга, қарғани эса қўрқоқларга ташбиҳ этадилар. Мазкур мақол билан: «Минтга қўрқоқдан битта ботир эўр», демоқчи бўладилар); «Мен ўзим полвон йигит, ўлган бузоқдан қўрқаман, Кўкрагим тоғдек буюк, сичқонни кўрсам — йўртаман» (Буни қўрқоқлар тилидан айтадилар ва уларнинг ўзларига қарата истеҳзо тариқасида қўллайдилар); «Мард йигит қулида аждар ўлади, Номард йигит иини аждар билади»; «Юрак ботирда ҳам бир бўлак, қўрқоқда ҳам»; «Мард эрга эл муҳтож, Номардга эл на муҳтож?»; «Мард кийинини енгар, Номард бўйинини эгар»; «Хоин қони челакка томар, Ботир қони — юракка»; «Мардда меҳр бўлади, Номардда — қаҳр»; «Марддан от қолур, Номардан — дат» (дат — дог). «Мардни мақтамасанг ҳам — мард, Номамардни мақтасанг ҳам — дард»; «Мардлик сотиб олинмас, Номард тилга олинмас»(«Мардликни, мард деган улуғ номни бозордан сотиб олиб бўлмайди, ҳар ким мардлик кўрсатсагина, уни мард деб тилга оладилар», дейилмоқчи); «Мардлик билан гурунглашган мард бўлар, Номард билан хиринглашган — парт бўлар» (парт бўлмоқ — куймоқ); «Ботирлик билакда эмас, юракда», «Жасур жонидан қўрқмайди, Ёвдан сира ҳуркмайди»; «Ботирга баёв ботинолмас, Отлиққа яёв етишолмас» (баёв — бўш, лапашанг); «Ботир ёвдан қайтмас, Улоқчи — говдан» (Улоқчи отлар йўлда учраган гов, тўсиқларни писанд қилмай, сакраб ўтиб кетаверади); «Ботир ёлғиз қолишдан қўрқмас»; «Мард жонини ўз элидан аярми, Ўламан деб, мард йўлидан тоярми?!» (Бунинг «... Ўламан деб, мард қавлидан тоярми?!» деган варианти ҳам бор. Қавл — сўз, бу ерда «элга берилган сўз, ваъда» маъносида). «Мард келдингми, мард кет!; «Мард тугилган — мард ўлар»; «Мардни ўлдирар фироқ, Номарддан номус йироқ»; «Марднинг ўлиги — номарднинг тириги»; «Мард омадли бўлади» (Бу билан «Мард, қўрқмас жангчи унча-мунчага ўлиб кетавермайди, у омадли бўлади, ўқ ҳам ундан четлаб ўтади», демоқчи бўладилар); «Майдонга кирган — манглайин қашимас» («Жанг майдонига кирдингми, «буёғи қандай бўларкин, ўлармикинман, тирик қоламикинман» деган ҳаёлга бориб, манглайингни қашиб ўтирма, қўрқмасдан ёвга қараб тик боравер!» дейилмоқчи); «Эр кўкрагин қалқон қилур, Тогни урса, талқон қилур»; «Ботирга ўт ҳам тенг, сув ҳам тенг»; «Эл фарзанди ўлимдан ҳеч ғам емас»; «Эр йигит ўлар ерига кулиб боради»; «Сувдан тунин аямаган, Ёвдан жонин аямас»; «Сахий молидан кечар, Мард жонидан кечар»; «Ботир элин ёвга бермас, чечан сўзин довга бермас»; «Бойлик — юртнинг қозиги» (қозиги — таянчи, суянган тоғи). «Эр йигит ўзи учун туғилар, эли учун ўлар»; «Йигит уйда туғилади, ёвда ўлади», «Ўзинг учун туғилурсан, Юртинг учун ўлурсан»; «Эр йигит эл учун туғилиб, эл учун ўлади»; «Майдонда синалган — элда азиз»; «Марднинг ҳар ерда манзили бор» («Мардлик кўрсатган, мардлик билан донг чиқазган одамни ҳамма ерда танийдилар, ҳурмат-эҳтиром билан қабул қиладилар. Мард қаерга борса бир манзил топади, кўчада қолиб кетмайди», дейилмоқчи), «Маърака — марднки» (маърака — «майдон, жанг майдони» маъносида); «Эрлик кўрсатганни эл унутмас»; «Мард ўлар, номи қолар»; «Марднинг ўзи ўлса ҳам, номи ўлмайди»; «Ботир ўлса ҳам, ботирлиги ўлмас»; «Ботирнинг жисми ўлса ҳам, исми ўлмас»; «Марднинг сўнгаги чириса ҳам, номи чиримас»; «Ботирдан ном қолар, Донодан — сўз»; «От ўлар — майдон қолар, Йигит ўлар — шон қолар».

Масжидинг узоқ бўлса ҳам, мозоринг яқин бўлсин.

Бу мақолни: «Масжидга ҳафтада

бир — номоз-жумага, йилда икки — ҳайит-номозга борасан. Шунинг учун масжидинг узоқ бўлса ҳам, унчалик зиёни йўқ. Аммо, мозоринг узоқ бўлса, ўлганингда дафн этувчиларга (бирига бўлмаса, бирига) малол келиши мумкин», деган маънода айганлар. Чин инсон: «Ҳаётлик давримдагина эмас, ҳатто ўлганимдан кейин мендан одамларга малол келарлик иш қолмасин», деб ўйлайди ва шунга яраша иш кўрадики, буни юқоридаги мақолнинг мазмуни тасдиқ эта олади.

Маслаҳатли тўй тарқамас.

Биргина тўй қилишда эмас, умуман ҳар бир ишда киши бошқалар билан (айниқса, тажрибали, тадбирли, кўпни кўрган, кўпни билган, ёши улуғ кишилар билан), кўпчилик билан маслаҳатлашмоғи, кенгашмоғи зарурлигини уқтирувчи мазкур мақолнинг вариантлари ва маънодошлари кўп: «Кенгашли тўй тарқамас»; «Ўйламай қилинган тўй — тўйдан кейин бузилар»; «Маслаҳатли ош тотли бўлур»; «Маслаҳат билан отилган тош узоққа кетар»; «Кенгашиб кесилган қўл оғримас»; «Маслаҳатли тўн тор келмас»; «Кенг тўн тўзмас»; «Кенг кенгашиб йиртилар, Тор — тортишиб»; «Кенгаш қилган эл озмас, Кенг бичилган тўн тўзимас»; «Кенгашли эл камимас»; «Кенгашда кенглик кўп»; «Кенгашганга — кенг майдон, Талашганга — тор майдон»; «Кенгашли ишнинг ками бўлмас»; «Кенгашли фикр — қуйма фикр»; «Маслаҳат — зардан қиммат»; «Кенгашмай — тенглашма»; «Кенгашмаган — одам эмас»; «Ҳар иш қилсанг, эл билан кенгаш»; «Эрнинг яхшиси эли билан кенгашар, Хотиннинг яхшиси эри билан кенгашар»; «Ўз билганингда бўлма, Эл билганидан қолма»; «Кўп билсанг ҳам, кўпчиликдай билмайсан»; «Ўзим биламан» деган — ўрга босмас» (ўрга босмас — юқорига кўтарилмас, иши юришмас, деган маънода); «Ўзим биламан» деган — ўлар, «Кўп билади» деган — кулар»; «Сўзга кирган — тоғдан ошар, Сўздан чиққан — йўлдан озар»; «Ўзинг бил, билмасанг билганинг сўзига кир»; «Иков бўлсанг бирингга кенгаш, Биров бўлсанг бўркингга кенгаш»; «Кенгашаринг бўмаса, бўркинг билан кенгаш»; «Кишининг кишиси бўлмаса, дўпписин ерга қўйиб кенгашур»; «Кенгашчинг бўлмаса, қовурғанг билан кенгаш»; «Умуртканг билан йўлашиб кўр, Қовурғанг била кенгашиб кўр»; «Кўпдан кўп ақл чиқар»; «Кўпнинг фикри — кўпча, Тўғри кетган ўқча»; «Кўпнинг кенгаши кенг бўлур»; «Икки кенгаш бир бўлса, Эллик йигит юз бўлур»; «Ёлғиз ақл — ўзи яхши, Икки бўлса, яна яхши»; «Бир кишиники — маъқул, Икки кишиники — ақл»; «Бир калла — бир калла, Икки калла — икки калла»; «Икки калла ишга тушса, ҳар қандай масала ҳал»; «Бир қўл — бир кўл, Икки қўл — икки қўл»; «Бирдан икки яхши, Иккидан уч яхши»; «Икки одам — бир одамнинг худоси»; «Бир каттанинг гапига кир, Бир — кичикнинг»; «Ўзингдан бир қўйлак илгари тўздиргандан ақл сўра»; «Кўпга кенгаш, ўзингга маъқулини қил»; «Кўп билан кенгаш, Маъқулига ёндаш»; «Ҳар ким деганин қилма, Ўз билганингдан қолма»; «Кенгашли иш тузилур, Кенгашсиз иш бузулур»; «Маслаҳатли иш бузилмас, Маслаҳатсиз иш ҳеч пишмас»; «Маслаҳатсиз иш — ўринсиз ташвиш»; «Маслаҳатсиз иш — бошга ташвиш»; «Бемаслаҳат ишнинг пушаймони кўп».

Маъноси йўқ гапдан донаси бор чўп яхши.

Вар.: «Маъносиз гап — донасиз чўп»; «Маъни йўқ гап — дони йўқ чўп» (Бу мақолларда «чўп» деганда «дарахтнинг шохи», «дона» деганда «меваси» назарда тутилган). Мазкур фикрни қувватлайдиган қуйидаги мақоллар ҳам борки, уларнинг мазмуний маъноси «Бемаъни, ёқимсиз гапни ҳеч ким ёқитирмайди, уни эшитгиси ҳам келмайди» деган фикрни ифода этади: «Тузсиз ҳамир тандирда турмас»; «Тузсиз ошни ит ичмас».

Мақтанчоқнинг моти чиқар, жом қозоннинг тоти чиқар.

Ўз-ўзини мақташдан ва ўз-ўзидан мамнунликдан ҳам кўра ёмонроқ нарса йўқ. Дарҳақиқат, мақтанчоқлик — энг ёмон инсоний иллатлардан бири. Халқимиз азалдан мақтанчоқликни қоралаб келган, мақтанчоқлар устидан истеҳзо ила кулган, мақтанишнинг оқибати хунук бўлишини уқтирган. Бу нарса халқнинг бир қатор мақолларида ўз изини қолдирган: «Мақтанчоқда ақл бўлмас, Ақл бўлса ҳам, нақл бўлмас»; «Мақтанчоқнинг шошгани — ҳоври чиққунча»; «Ҳаддидан ошган киши, Мақтаниш бўлар иши»; «Мақтанишга — мусофирчилик яхши» (Бу билан: «Мусофирчиликда, яъни ўзга юртларга борганингда: «Мен ана ундоқ қилганман, мана бундоқ қилганман», деб мақтансанг, у ердаги одмлар бунга ишонишади-қўйишади. Негаки, улар сенинг кимлигингни, нималарга қодирсан-у, нималарга қодир эмассан — буни билишмайди. Шунинг учун мусафирчиликда истаганингча мақтанасан-да а?!» деган маънода мақтанчоқ одамнинг устидан мазах қилиб куладилар); «Минганинг — кишининг бияси, Эртага келар эгаси» (Тўғри маънода: «Бировнинг биясига миниб олиб, саники эмаслиги маълум бўлиб, шарманданг чиқади», демоқчи бўлинган бу мақолни бировнинг буюми билан мақтаниб юрувчи одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар); «Мақтанчоқ — бекорчига ўйинчоқ» (Бу билан: «Бекор, зерикиб ўтирган одам қуруқ мақтанчоқ одамни жўрттага гапга солиб, мақтантириб, эрмак қилиб ўтиради», демоқчи бўладилар); «Ўзини мақтаган — ўлимнинг қоровули»; «Алдамчи ахир тутилар, Мақтанчоқ ахир ютилар»; «Мақтанчоқ гапнинг таги чирик»; «Мақтанчоқ бўлма, хижолат тортмайсан»; «Боришда мақтанма, келишда мақтан» (Бир ишни қилмасдан бурун катта гапириб, мақтанма. Аввал уни бажаргин, агар жуда қойил қилиб қўйсанг, ана ундан кейин гапирсанг арзийди», дейилмоқчи); «Ошингни ичирмай мақтама, Қизингни чиқармай мақтама»; «Мақтанган қиз тўйда уялар»; «Мақталган келин тўйда уялтиради»; «Зўраки мақтанчоқ иштонини булғатар»; «Керилган кўчага сиғмас»; «Мақтанганнинг тўйига бор, Керилганнинг уйига бор»; «Донг тортганнинг тўйини кўр, Манг урганнинг уйини кўр»; «Тўйини ёмонласанг, тўй қилиб кўр!»; «Кишнаган айгирнинг уюрин кўр, Чиранган йигитнинг уйини кўр»; «Кўз-кўз қилма — кўз тегар, Мақтанчоққа сўз тегар»; «Ўзинг ўзингни мақтама, Ўзга сени мақтасин!».

Мақтов — ош билан нон бўлмас.

Бу билан: «Бировнинг бўлар-бўлмас мақтов гапларига учма ва шунга қараб иш тутма. Бу ош билан нон каби сенинг қорнингни тўйдирмайди», деган маънода насиҳат қиладилар.

Мағиз аччиқ бўлса, пўстига ҳам ўради.

Мажозий маъноси: «Киши тор юрак, тажанг, сержаҳл, тили аччиқ бўлса, буни унинг афт-ангоридан ҳам билиб олса бўлади».

Мағлубият — муваффақият гарови.

«Оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади» деганларидек, киши бирор мағлубиятга учраса, ундан ибрат олади, иккинчи бу хатони такрорламаслик ҳаракатида бўлади, ишидаги, хатти-ҳаракатидаги, гап-сўзидаги камчилик-нуқсонларни йўқотади ва шу йўсинда муваффақият қозонишга эришади. Мазкур мақолда ана шу фикрни ифода этиш билан бирга мағлубиятга учраган одамга тасалли бериб, уни руҳан тушкунликка тушмасликка, бардам бўлишга, ҳеч иккиланмай дадил ҳаракат қилаверишга ундайдилар.

Маҳмадонадан маслаҳат кутма.

Маҳмадона — ҳеч нимани билмайдиган, нодон, калтабин, аммо ўзини билағон ҳисоблаб, ҳар бир гапга билар-билмас аралашаверадиган, ўз гапини маъқуллайверадиган одам. Бундай одамдан ақлли гап чиқмаслигини, ундан маслаҳат сўраш бефойда эканлигини уқтирувчи юқоридаги мақолнинг бир неча вариантлари бор: «Ҳўкиздан сут чиқмас, Аҳмоқдан — ўгит»; «Нодондан ақл кутма, Бебурддан — номус»; «Аҳмоқ бошдан ақл чиқмас, Ақл чиқса ҳам маъқул чиқмас»; «Маслаҳат сўрасанг, марддан сўра».

Маҳмуднинг қадами етган ерда ўт ўсмас.

Бу мақолда Маҳмуд Ғазнавий назарда тутилган. Тарихдан маълумки, XI аср бошларида ашаддий қонхўр, золим, босқинчи Маҳмуд Ғазнавий Ўрта Осиё халқларини қон-қақшатган, ўз харбий ҳаракатлари билан эл-юртга қирғин-барот келтирган, ҳамма ёқни кулба-вайронага айлантирган. Юқоридаги мақолда халқ оммасининг унга нисбатан бўлган қаҳр-газаби, нафрати лаънати ўзининг кичик бир ифодасини топган.

Мева ўстирмоқ осон, мевасини сақламоқ қийин.

Бу билан мажозан: «Ўғил-қиз топиш осондек кўринса ҳам, уларни парвариш қилиб, вояга етказмоқ, замон ҳаводисларидан, ёмонлар ва ёмонликлардан муҳофаза қилмоқ қийин. Бу йўлда ота-она озмунча қийинчиликларга дуч келиб, озмунча азоб-уқубат чекмайди. Бошқа бир мақолда «Ўғил-қизнинг савдоси, Кетга тегди новдаси» дейилишининг боиси ҳам ана шунда», демоқчи бўладилар.

Мевали дарахтга тош тегар.

Вар.: «Мевали дарахтга кўп тош отилади»; «Мевасиз дарахтга тош отилмас». Жамиятда шундай одамлар оз эмаски, улар сахий, қўли очиқ, меҳмондўст, ҳаммага қўлдан келганча ёрдам берадиган бўладилар, эл-юрт ишига жон куйдириб, унинг хизматини холисанилло эдо этадилар ва шунинг орқасида обрў-эътибор қозонадилар. Буни кўролмаган баъзи бир нобоғар, мунофиқ шахслар шундай одамларга ҳар тарафдан ғиво, ҳасад тошини иргитадилар, тирноқ орасидан кир излайдилар, уларнинг қилдай айбини филдай қилиб кўрсатадилар. Юқоридаги мақолларда мажозан ана шу нарса ифода этилган.

Неча самар сочмоқ эса шох иши,
Кўпроқ отар тош анга терган киши.
(Навоий)

Сен чидам кўрсатиб бизни қабул эт,
Мевасиз дарахтга ким ҳам тош отар?
(Саъдий).

Мевали дарахтнинг боши ҳам.

Ҳам — пастга этилган, куйи солинган Вар.: «Мевали дарахт ерга энгашар, Мевасиз дарахт кўкка тармашар»; «Мевасиз дарахтнинг шохи тикка»; «Бошоқ боши қанча тиғиз бўлса, қадди шунча букилар». Бу мақоллар билан мажозан: «Ақлли, билимдон, олиму донишманд одам ўзини доимо камтар тутади, илм-билимини ўзгаларга пеш қилмайди, оз гапириб, кўп тинглайди. Билимсиз, нодон, ношуд одам эса керилиб, кеккайиб, ҳеч кимга гап бермай, ҳеч кимни менсимай юради ва бу билан ўз аҳмоқлигини, жоҳиллигини одамларга ўз-ўзидан аён қилади-кўяди», демоқчи бўладилар. Жамият бундай одамларни ўзидан четлаштиради. Мақолда айтилганидек: «Мевасиз оғоч — ўтин, Ёғинсиз булут — тутун»; «Мевасиз дарахт болтага дучор бўлади».

Мен бировни уч пулга олмайман, биров мени бир пулга олмайди.

Буни ўзини катта олиб, ўзгаларни менсимайдиган, назар-писанд қилмайдиган, шу туфайли эл-юрт ўрта-

сида тарикча обрў-эътиборга эга бўла олмаган такаббур одамлар тилидан истеҳзо тариқасида айтадилар.

Мен куярман боламга, болам куяр боласига.

Вар.: «Мен боламни дейман, болам боласини дейди». Ота-она умр бўйи болалари тўғрисида қайғуради, улар бахтли ҳаёт кечирсин, соғ-саломат бўлсин, қийналмасин, азоб-уқубат чекмасин, бошқалардан кам бўлмасин деган эзгу ниятда елиб-югуради, тунларни бедор ўтказади, топганини ўзига эмас, биринчи галда болаларига раво кўради. Ўз навбатида болалар ҳам ўз болалари тўғрисида шундай ғамхўрлик қиладилар. Мазкур мақолларда ана шу ҳолат ўз ифодасини топган.

Мен нима дейман-у, қўбизим нима дейди?!

Қўбиз — қобиз, ҳовуз — торли камонча билан чалинадиган қозоқ халқ чолғу асбоби. Ўзбекистоннинг айрим областларида ҳам учрайди. Ўйиб ишланган коса, бўгиз ва дастаси бир бутун ёғочдан ясалади; Косанинг пастки қисмига туя териси қопланади, от думидан ўралган иккита тор тақилади. Қўбиз даста ва косаси эгиб ясалгани учун чалиш вақтида бармоқлар билан торлар босилганида дастага тегмайди. Натижада дунғиллаган товуш чиқади; овоз ҳажми икки октавага яқин» (И. А. Акбаров, Музика луғати.). Тўғри маънода қўбизнинг куйи қўшиқнинг куйига аниқ жўр бўла олмаганини ифода этувчи мазкур мақол билан мажозан: «Бир одам бир одамга дард-ҳасратини айтса, ундан маслаҳат ё мадад кутса, у одам унга ёрдам бергиси келмай, ўзини гўлликка солиб, гўё унинг аслида нима демоқчи бўлаётганини фаҳмламаган бўлиб, гапни бошқа ёққа буради, фикрини чалғитади», демоқчи бўладилар. Вар.: «Мен нима дейман-у, хўжам нима дейди?!; «Мен боғдан келсам, у тоғдан келади»; «Мен Аштдан келсам, у даштдан келади» (Ашт — бир қишлоқнинг номи).

Мен ўғри бўлганда ой ойдин бўлди.

Вар.: «Қачон мен ўғриликка чиққанда Ой яқти бўлади» (яқти — ёқти, ёруғ). «Ойдин — ўғрининг душмани» деган мақол ҳам бор. Баъзан кишн бир иш қиладиган бўлганда шунга монелик бир нарса пайдо бўлади-да, иши рўёбга чиқмай қолади. Мазкур мақолни шундай пайтда ишлатадилар.

Мен қиламан ўттиз, хотиним қилади тўс-тўс.

Бу мақолнинг иккинчи компоненти «... худойим қилади тўққиз», «... тангрим қилади тўққиз» тарзида ҳам айтилади. Вар.: «Санайди — ўттиз, бўлади — тўққиз»; «Биз қиламиз ўттиз, калхат қилади тўққиз». Бу мақоллар жўжа боққан одамнинг аянчли ҳолидан олиб айтилган. Жўжа боққан одам жўжаларини энди кўпайтирганда (масалан, ўттизта қилганда) жўжага ўч бўлган калхат, мушук, тулки човут солиб уларни олиб кетади, камайтириб (тўққизта қилиб) қўяди. Мазкур мақолларни мажозан: «Бир нарсага энди етишдим деганда бирор сабабга кўра ундан маҳрум бўлиб қоламан, узимга буюрмайди, роҳатини кўролмайман», деган маънода қўллайдилар.

Мендан кетгунча, эгасига етгунча.

Вар.: «Қўлдан кетгунча, эгасига етгунча»; «Биздан кетгунча, уйига етгунча». Бу мақолларни ҳарамзалик, кўзбўямачилик, пала-партишлик билан наридан-бери иш қилиб, «усти ялтироқ, ичи қалтироқ» нарса тайёрлаб, тезроқ пулни ундириш ниятида бўлган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Меросдан мушт тегса ҳам — ол!

Бу билан: «Ота-онангдан қоладиган меросдан сенга нимаики тегадиган бўлса, ўшанга кўниб, қаноат қилиб,

олавер. Э, менга анови нарса тегмади, манови нарса тегмади, деб аразлаб, туғишганларинг билан тумшайишиб, хафалашиб, қолаверса уришиб-жанжаллашиб юрма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Меҳмон — отангдан улуғ.

Меҳмондўстлик инсоннинг олий фазилатларидан биридир. Халқимиз меҳмондўстликни азалдан улуғлаб келган ва ўзининг самимий меҳмондўстлиги билан қадимдан машҳур бўлган. «Ўзбек халқи меҳмонни шу қадар севадики, ҳатто мусичча дон ташласа, чойнинг шамаси пиёлада тик турса ёки тушда йўл-йўл нарсалар кўрилса — буларнинг ҳаммаси меҳмон келишига йўйилади» (К. Маҳмудов, Меҳмоннома). Халқимизнинг меҳмондўстликка бўлган муносабати жуда кўп мақолларда ўз аксини топган. Уларда меҳмондўстлик кишининг ажойиб хислати эканлиги кўрсатилади, меҳмон кутишга ҳозиру нозир бўлиб туриш лозимлиги уқтирилади, мезбонга меҳмонни қандай кутишнинг, меҳмонга эса борган ерида ўзини қандай тутишининг одоби ва тартиб-қоидалари ўргатилади: «Меҳмондорчилик — турмуш зийнати»; «Меҳмон келган уйдан барака аримайди»; «Қўноқ келса, кут келар»; «Қўноқ қўноқдан улуғ»; «Меҳмон — азиз, мезбон — лазиз»; «Сенинг эшигинг ҳаммага очиқ бўлса, Ҳамманинг эшиги сенга очиқ»; «Одам бор жойга одам келади» (Бу мақол: «Меҳмондўст, кишини очиқ чеҳра билан кутиб оладиган одамнинг уйига одам (меҳмон) келади. Одам иси ёқмайдиган, меҳмон келгудай бўлса қовоғидан қор ёғилиб, энсаси қотиб кетадиган одамникига ҳеч ким келмайдиган бўлиб қолади», деган маънода қўлланилади. Бундан ташқари, ўзининг келганидан ўзи хижолат торта бошлаган меҳмонни хижолатдан қутқармоқ учун мезбон тарафидан айтилади): «Жон танга меҳмон, Инсон — инсонга»; «Ўзи келган меҳмон — мезбоннинг иззати»; «Меҳмон мезбонга азиз, Мезбон — меҳмонга»; «Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин»; «Уйинг кенг бўлгунча, кўнглинг кенг бўлсин»; «Кўнглинг кенг бўлса, хужра ҳам саройдай»; «Кўнглинг кенг бўлса, жой торлик қилмайди»; «Уйинг коза бўлсин, Кўнглинг тоза бўлсин» (коза — чайла, кулба): «Ошинг оз бўлса ҳам, феълинг соз бўлсин»; «Меҳмонга кўнглинг қўрини бер, уйинг тўрини бер»; «Меҳмон жойи — кўз устида»; «Супурилмаган уйга меҳмон келар»; «Меҳмон оз ўтирар, кўп кўрар» («Меҳмон келишидан олдин ҳовлингни, уйингни супуриб-сидириб, озода ва ботартиб қилиб қўй. Чунки, ҳар қандай меҳмон ҳам ўтирган ерида ҳамма ёққа кўз югуртириб ўтиради. Ҳовлинг, уйинг бетартиб, бесаранжом бўлса, у масхара қилиб кетади», дейилмоқчи); «От боққин улоққа, Қўй боққин қўноққа»; «Меҳмон иззатда, Мезбон хизматда»; «Меҳмонни уй палоси эмас, сўз адоси хушнуд этади»; «Очиқ юз — неъматдан яхши»; «Уйингга келганга ўйлаб сўйла»; «Овулга келганни ит қопмас» (Одатда овулга — уйга уй эгаси меҳмон бошлаб келса, ит уни қопмайди). Мақолда: «Меҳмонни ҳатто ит ҳам қопмайди (яъни, келганига қаршилик қилмайди, унга йўл беради), сен ҳам биров уйингга меҳмон бўлиб келса, қўкрагидан итарма, уни ёмон сўзлар билан «қопиб» олма, очиқ чеҳра билан қарши ол», демоқчи бўлинади. «Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин»; «Буғдой нонинг бўлмаса, буғдой сўзинг йўқмиди?!»; «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, очиқ юзинг бўлсин»; «Иссиқ ошинг бўлмаса ҳам, илиқ сўзинг бўлсин»; «Сийлагани пулинг бўлмаса, сийпагани тилинг бор»; «Кўнгилни қўлинг билан овлолмасанг, тилинг билан овла»; «Ош-товоғинг керакмас, қош-қовоғинг керак»; «Меҳмон ош деб келмас»; «Меҳмон ўз ризқи билан келади»; «Меҳмоннинг ризқи — йўлда»; «Меҳмоннинг ризқи ўзидан олдин келади»; «Меҳмон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан». Фалсафа фанлари кандидати Карим Маҳмудов мазкур мақолнинг келиб чиқиши хусусида қуйидаги фикрни билдиради: «Андижонда яхши бир одат бор. Меҳмон келган

хонадонга ҳурмат юзасидан қўшнилар дастурхон чиқазишади. «Меҳмон ўз ризқ-рўзи билан келади», «Меҳмон келар эшикдан, Ризқи келар тешикдан» каби нақллар, эҳтимол, шу одатнинг таъсири туфайли пайдо бўлгандир» (К. Маҳмудов, Меҳмоннома). Халқимизда шу нарса ҳам борки, қўшнилар ўртадаги деворнинг бирор еридан тешик (баъзилар ҳатто эшик) очиқ қўядилар. Вақти-вақти билан тешикдан қараб, бир-бирларининг ҳол-аҳволларини сўрайдилар, тансиқ овқат қилганларида бир косада (ёхуд лаганда) шу тешикдан узатадилар ва ҳоказо. Юқоридаги мақолда «ризқи келар тешикдан» дейилишининг боиси ана шунда. Халқ бу мақол билан: «Меҳмон келса, уни нима билан кутаман, деб ғам емаёқ қўяқол. Меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олавер, унинг ризқи топилиб қолар, балки ўз ризқини ўзи олиб келгандир (халқимизда меҳмонга борганда нон, сомса, катлама, қовурма чучвара, «ошнинг хоми», ширинликлар ва бошқа нознеъматларни олиб бориш одати азалдан бор ва ҳозиргача сақланиб келмоқда), балки тешикдан чиқиб қолар», демоқчи бўлинади ва кишилар ни меҳмондўстликка ундайди. «Меҳмон келса чоптирар, Бой-йўғингни топтирар»; «Йўхча гуруч ош бўлур, Меҳмон кўнгли хуш бўлур» (йўхча — огирлик ўлчови бирлиги бўлиб, тарихнинг турли даврларида Ўрта Осиёнинг турли шаҳарлари ва областларида, ҳатто бир шаҳарнинг, областнинг турли бозорларида турлича миқдордаги оғирликни англатган. Ўрта Осиё метеорологияси бўйича мутахассис Е. А. Давидовичнинг ёзишича, йўхча XIX асрда Тошкентда 671,8 граммга, бошқача қилиб айтганда, ботмоннинг яъни, 10,5 пуднинг 1256 қисмини, Хоразмда эса 4,095 килограммни ташкил этган. Юқоридаги мақол билан: «Озгина гуруч билан (палов) ош бўлади, ош қилиб келсанг, меҳмонинг ғоят хурсанд бўлиб кетади. Меҳмондан шу озгина гуручингни (ва умуман, озгина нарсангни) аяма», демоқчи бўладилар. «Уйнинг кўрки — дастурхон»; «Уй нони билан чиройли, Омбор — дони билан»; «Уйинг кичик бўлса ҳам, нонинг катта бўлсин», «Жойинг капа бўлса ҳам, нонинг катта бўлсин», «Молсиз уй бўлса бўлар, нонсиз уй бўлмас», «Жойинг капа бўлса ҳам, чойинг қуюқ бўлсин; «Кутли кўноққа — тотли томоқ»: «Меҳмонни камроқ кут, қуюқ кут» («Меҳмонни кўп айтиб, «мунча меҳмон чақирдим» деб мақтангандан ва уларга тўяртўймас овқат бергандан кўра, меҳмонни камроқ айтиб, қуюқ зиёфат қилган яхши», дейилмоқчи): «Мезбон сахий бўлса — нур устига нур, Бахил бўлса — меҳмоннинг ўтиргани тўр, егани шўр»; «Борини берган уялмас»; «Қўноқ қўнса эт пишар, Эт пишмаса бет пишар»; «Эрта оссанг эт пишар, Кечга қолсанг бет пишар». Меҳмон келганда қозон эртароқ осилса яъни, овқатга эртароқ унналса, эт (гўшт) вақтлироқ пишади. Бунда меҳмон ҳам, мезбон ҳам, хурсанд бўлади. Борди-ю, қозон кеч осилса, овқат кечга қолиб, мезбон: «меҳмон оч қолди» деган ўй билан хижолат тортади, уялади, яъни «бети пишади», дейилмоқчи; «Қизил эт — кстар, Қизарган бет қолар») (Бу билан: «Меҳмон келса, унга эт гўшт ва, умуман, тансиқ таом) пиширириб келтир. Масаллиғингни аяб, овқат қилмасанг ё шунчаки номигагина бирор арзимаган овқат қилсанг, меҳмон сендан хурсанд бўлиб кетмайди. Аяган масаллиғинг барибир кетади, аммо меҳмон олдида бетингнинг қизаргани, ўзингнинг уялганинг, хижолат тортганинг қолади», демоқчи бўладилар; «Қизғанганинг — қизил итга ем бўлар»; «Оз ошини аяган кўп ошдан қуруқ қолар»; «Ойга етмас ошингни овулдошингдан аяма»; «Ош эгаси билан тотли» («Меҳмон олдига ош келтириб қўйгач, ўзинг у ёқ-буёққа чиқиб кетма, бирга ўтир, ейишни ўзинг биринчи бошлаб бер, «олинг-олинг» қилиб тур, шундагина меҳмонга ошинг тотли кўринади, иштаҳа билан ейди», дейилмоқчи); «Меҳмон сўраб емайди»; «Сўраб бергунча, уриб бер» («уйингга келган меҳмон одоб сақлаб, уялиб, ош-нонга ҳадеб қўл узатавермайди. Шунда сен «олинг-олинг» деб, уни ейишга қистаб тур. Меҳмон сендан бир нима олиб келишни сўрамайди, сен ҳам ундан «фалон нарса олиб

келайми, ейсизми» деб сўраб ўтирма. Бу одобдан эмас. Сўрасанг, у барибир «йўқ» дейди. Топган-тутганингни олиб келавер, еса ер, емаса йўқ», дейилмоқчи); «Чиройситиб ош бергунча, кулиб туриб оғу бер» (чиройситмоқ — афтни буриштирмоқ); «Меҳмонга ош қўй, Икки қўлини бўш қўй»; «Емайман деган куёв етмиш қуймоқ ебди»; «Емайман деган келин енгдек ҳасипини ебди»; «Емайман, емайман деб, енгдагини ебди»; «Таом лаззати — меҳмон иззати»; «Аввал таом, баъдаз калом» («Меҳмоннинг олдига аввал ноз-неъматлар, овқатлар қўйгин-да, кейин гапир, ҳар қанча гапинг бўлса», дейилмоқчи); «Меҳмоннинг измони бор» (изм — ихтиёр, эрк); «Келмоқ — иродат билан, кетмоқ — ижозат билан» (иродат — хоҳиш, ихтиёр); «Келиш изми меҳмонда, кетиш изми мезбонда»; «Келиш — меҳмондан, кетиш — мезбондан»; «Қўноқ ўзи келса ҳам, уй эгаси измида бўлади»; «Меҳмон — мезбоннинг қули»; «Саломсиз кирган — уят, Жавобсиз чиққан — уят»; «Меҳмоннинг кетишини сўрама, келишини сўра»; «Кел» демоқ бор, «кет» демоқ йўқ»; «Меҳмон олдида мушингингни «пишт» дема»; «Мушугингга «пишт» дема, меҳмонингга тегади», «Уйингга меҳмон келганда капгирингни тақиллатма» («Капгирингни тақиллатсанг, меҳмонинг: «Келганим ёқмади шекилли, жаҳли чиқди, асабланаяпти» деб ўйлаши мумкин). «Суҳбат севмаган тегирмон қурар, Меҳмон севмаган боласин урар»; «Келмоқ — суннат, Кетмоқ — фарз (фарз — бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч; суннат — фарзга нисбатан иккинчи даражали бўлган вазифа, бурч); «Кетувчига йўл яхши, Қолувчига уй яхши»; «Меҳмонни отқар, Бошингни қутқар» (отқармоқ — бировни отга мингазмоқ, минишига ёрдамлашмоқ. Ота-боболаримизнинг одати қадимларидан бири шу эдики, мезбон меҳмон жўнаётганида унинг отини (агар у отда келган бўлса) эгарлаб келар ва унинг кўлтиғидан олиб, отга мингазиб жўнатарди. Халқ мазкур мақоли билан: «Агар меҳмонинг кетаман деса, ҳадеб қолишга қистайверма, эҳтимол зарур иши бордир, бирор ерга кечикаётгандир. Шунинг учун унинг ихтиёрига ҳам қара. Отига мингаз-у, жўнат, токи ишидан қолмасин ё кечга қолмасин», демоқчи бўладилар; «Ўз иззатини билган меҳмон — яхши»; «Ёт уйида ётиқ бўл»; «Яхши меҳмон ош устига, Ёмон меҳмон бош устига»; «Мезбон борин қуйса, меҳмон озга санамас»; «Айтмас ерда огзингни тий, Меҳмонга борсанг — нафсингни»; «Кунда келган меҳмоннинг қадри йўқ»; «Кунда келса, куёв ёмон»; «Ойда келганга оёқ тутилади, Кунда келганга таёқ тутилади» (оёқ — идиш, заранг коса). Мақолда: «Бир жойга ондасонда борсанг, иззат-ҳурматда бўласан, уй эгаси сендан бор нарсасини аямайди. Агар ҳадеб, кунда-кунда бораверадиган бўлсанг, ҳурмат қилмайдилар, бора-бора олдингга ош-нон ҳам қўймайдиган, ҳатто қойиб ҳайдайдиган ҳам бўлиб қоладилар», дейилмоқчи; «Кунда келгач кул ейди, Ойда келган мой ейди»; «Қўноқ бир кун қўнса — кут, Икки кун қўнса — ют; «Меҳмон биринчи куни — олтин, иккинчи куни — кумуш, учинчи куни — чақа, туртинчи куни — бақа» (Бу мақолнинг «Меҳмон аввал куни — тилла, иккинчи куни — нуқра, учинчи куни — мис, тўртинчи куни — пес» деган варианти ҳам бор. Мазкур мақоллар билан халқ: «Бир жойга борсанг, иззат-ҳурмат қилаверар экан, овқат пиширио келаверар экан, деб мазахўракка ўрганиб, бир неча кун қолиб кетма. Иззатингни бил. Ҳар қандай меҳмон ҳам бора-бора мезбоннинг жонига тегади», деб таълим беради); «Яхши меҳмон — уч кунлик»; «Қўноқнинг куни — уч, Ундан кейин — кўч!»; «Ёлғиз меҳмон — атойи худо, Отлиқ меҳмон — балойи худо»; «Меҳмон келса муш(т)даккина, учиб кетса қушдаккина»; «Меҳмон келса хушдаккина, учиб кетса қушдаккина»; «Меҳмоннинг отини асл дерлар, Уч кундан кейин сасир дерлар»; «Меҳмон носи уч кундан кейин сасир» (Баъзи бефаросат меҳмон ўтирган жойида гиламнинг ё кигизнинг бир чеккасини қўтариб, носини туфлайди. Мақолда шунга шама қилинган); Бетамиз меҳмон мезбонни қистар»; «Бефаҳм меҳмон мезбонга мурувват

қилади» (Одатда меҳмонни мезбон овқат ейишга ундаб, «олинг-олинг» деб қистаб туради. Бу — меҳмоннинг ҳурмати, меҳмондорчиликнинг таомилидир. Баъзи бетамиз, бефаросат меҳмон эса, олдига овқат келиши билан, «қани, марҳамат, олинг» дейишини ҳам кутиб ўтирмай, орқа-ўнгига қарамай, пок-покиза тушира кетади, бу ҳам етмагандай, «қани олинг, ўзингиз олмайсизми, нега мазангиз йўқ, олсангизчи!» деб, мезбонни овқат ейишга қистайди. Бундай қилиши эса халқимиз ўта одобсизлик деб билади); «Иззатга арзимаган меҳмон тўшак бўлғайди» (бу билан: «Ўз иззатини билмаган бефаҳм, бефаросат меҳмон оёқ кийимини тозаламай уйга кираверади, ҳатто уни ечмай гиламга, тўшакка чиқиб кетаверади», демоқчи бўладилар ва биргина шундай оёқ кийими билан тўрга чиқиб кетаверадиган меҳмонларга эмас, умуман, меҳмонга борган ерида одоб сақламайдиган, уй эгасининг нарсасини аямайдиган, мезбонга зиён етказадиган фаросатсиз, одобсиз одамларга нисбатан қўллайдилар); «Қўноқ миқти бўлса, хўжасини бийлайди» (миқти — кучли, мустаҳкам, пишиқ; хўжа — уй хўжаси, мезбон); «Бек курсин, бек кўнган уйнинг шўри қурсин!»; «Меҳмон жабрчи бўлса, Мезбон сабрчи бўлсин». Мақоллар орасида меҳмондан нолийдиган, уни ёмонлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Бунинг боиси шундаки, «... Илгарилари меҳмонга бориш кўпинча огоҳлантирилмасдан ҳам бошланаверар ва мезбонникига хоҳлаган вақтда ташриф буюрилаверилар эди. Баъзи меҳмондорчилик жуда авжига миниб, узоқ давом этарди» (К. Маҳмудов, Меҳмоннома). Бундай ҳоллар асосан халқимизнинг бир қисми кўчманчилик тарзида ҳаёт кечириб, чорвачилик билан шуғулланган даврларда рўй беради. Бепоён яйловларда кўчманчиларнинг овуллари ва ўтов тикиб ўтирган якка хонадонлар онда-сонда учрарди. Яйловлардан, дала-даштлардан ўтиб кетаётган йўловчилар (карвонлар, от, эшак билан ёхуд пиёда юрганлар) махсус карвонсаройлар бўлмагани сабабли шундай хонадонларникида тунаб қолишга мажбур бўлардилар. Ўша даврнинг тартиб-қоидаларига кўра ва одамгарчилик юзасидан хонадонлар уларни қабул қилишга мажбур эдилар. Агар қабул қилмасалар, йўловчилар овул оқсоқолига бориб шикоят қилишга ҳақли эдилар. Шикоят тушганидан кейин эса, ўша хонадон тўпга солинар ва бўйинига тўққиз айб қўйиларди, ҳатто овулдан чиқазиб юборилиб, унинг тўй, азасига қатнашмай қўйиларди (тўп — бўлис бошлиқлари, бийлар ва овул оқсоқолларининг йиғини. Бу йиғинда жанжалли масалалар ҳал қилинади. Тўққиз айб — тўпда айбдорга солинадиган жарима, Бу жарима тўққиз турдаги уй ҳайвонларидан — улоқдан тортиб туягача — иборат бўларди). Шунинг учун хонадонлар йўловчиларни қўндирмай иложлари йўқ эди. Қўндиргандан кейин эса, уй эгаси уларга «қўнарға» деб аталадиган жой ажратиб берар, қўноқларнинг фотиҳасини олиб, бевосита уларнинг кўз ўнгида қўй, жуда бўлмаганда эчки ё улоқ сўйиб овқат тайёрлар, уларнинг от, эшак ва туяларини ем-хашак билан таъминлар эди. Баъзи меҳмонлар ўзларининг ана шу ҳуқуқларини суиистеъмол қилиб, уй эгалларини қўй сўйишга (умуман, яхши кутишга) мажбур этардилар, «тўпга соламан!» деб дағдага қиладилар, хуллас ўз жабрларини ўтказардилар. Бундан ташқари, ўтмишда (асосан кўчманчи чорвадорларда) шундай бир одат бор эдики, агар элнинг, уруғнинг оқсоқоли ё улуғларидан бири вафот этса, орадан бир йил ўтгач, «йил оши» берадилар. Шунда узоқ-яқиндан жуда кўп (мингларча) меҳмонлар келарди. Бу меҳмонларни ўз тўпи билан ҳар қайси хонадоннинг уйига жойлардилар. Уй эгаси «эрка қўноқ» деб аталмиш бу меҳмонларни қўй, йилқи сўйиб меҳмон қилиши лозим бўларди. Агар мезбон яхши илтифот кўрсатмаса, меҳмондорчиликни ўрнига қўймаса, «эрка қўноқ»ларнинг ўзлари жабран унинг қўйи ё йилқисини сўйиб сяверар эдилар. Мезбон «тўп»га тушишидан қўрқиб, уларнинг раъйига қарши боролмас, қаршилик кўрсата олмас эди. Юқорида келтирилган мақол билан: «Меҳмонинг жабр қилса, у билан тенг

келаман деб ўтирма, сабр қил, тишингни-тишингга қўй, акс ҳолда «тўп»га тушасан, ҳолинг хароб бўлади», деб таълим берганлар.

Меҳнат, меҳнатнинг таги — роҳат.

Инсоният босиб ўтган узундан-узоқ йўл меҳнат жараёнидан иборатдир. Инсон ўзининг жамики бойликларини меҳнат, фақат меҳнат туфайли яратади. Шу боисдан кишилар меҳнатни қадрлайдилар, улуғлайдилар, ёш бўғинларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялайдилар. Шу боисдан жаҳондаги барча халқларнинг мақолларида бўлгани каби ўзбек мақолларида ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик ғояси марказий ўринлардан бирини эгаллайди: «Етмиш гўзалликнинг бири — меҳнат»; «Гўзаллик ҳусида эмас, меҳнатда»; «Дарё сувини баҳор тоширар, Одам қадрини меҳнат оширар»; «Меҳнат — роҳатнинг пойдевори»; «Роҳатнинг онаси — меҳнат»; «Обрўнинг онаси — меҳнат, отаси — саъйи ҳаракат»; «Одамни иш танитади»; «Юк кўтарган — юзага чиқар»; «Юк кўтарганнинг юзи ёруғ»; Интилган — элга ёкар»; «Меҳнатдан дўст ортар, Ғийбатдан — душман»; «Ота уруғи бирлаштирмас, Меҳнат йўриғи бирлаштирар»; «Меҳнат, меҳнатнинг таги зийнат»; «Ҳалол меҳнат — ҳузур-халоват»; «Ҳалол меҳнат — мўл даромад»; «Ҳалол меҳнат — яхши одат, Берур сенга саодат»; «Ҳалол ишла, ҳалол тишла»; «Сувсиз ҳаёт бўлмас, Меҳнатсиз — роҳат»; «От суринмай йўл топмас, Йигит уринмай мол топмас»; «Меҳнатсиз роҳат йўқ»; «Заҳмат чекмай, роҳат топилмас»; «Чексанг заҳмат, ёғар роҳат»; «Меҳнат қилмай роҳат кўрмас, Уруғ сепмай экин ўрмас»; «Меҳнатсиз роҳат бўлмас, Ташвишсиз — неъмат» «Азоб кўрмай, роҳат йўқ»; «Ҳурматинг — савлатинг, Меҳнатинг — давлатинг»; «Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан»; «Меҳнат қилсанг яшарсан, Катта-катта ошарсан»; «Оз есанг кўп яшайсан, Меҳнат қилсанг кўп ошайсан»; «Эмгак этсанг — эмарсан» (эмгак — меҳнат); «Меҳнат қилган мой ошар»; «Меҳнат қилиб топганинг — қанду-асал тотганинг»; «Меҳнатдан келса бойлик, Турмуш бўлур чиройлик»; «Меҳнатнинг кўзини топган, Бойликнинг ўзини топар»; «Меҳнат қанча қийин бўлса, Кети шунча ширин бўлар»; «Меҳнати озининг — роҳати оз»; «Беташвиш бош қайда, Меҳнатсиз ош қайда?!»; «Осон ерда ош қайда?!»; «Осон ишнинг оҳи бор»; «Хирмон янчиш — саъванинг иши эмас»; «Учкундан кўрққан темирчи бўлмас»; «Сени иш енгмасин, сен ишни енг!»; «Меҳнат қилган — не яхши, Унумин еган — ундан яхши»; «Ишлаб топганнинг оши — лаззатли»; «Оламда меҳнат нонидан ширин нарса йўқ»; «Тер тўкиб топган мол — ҳуснга ҳол»; «Меҳнатнинг нони ширин»; «Текин топганга ҳолва ширин, Меҳнат билан топганга — нон ширин»; «Меҳнатсиз қўлда — муҳаббат қайда?!» (Бу билан: «Эр кишининг муҳаббати бўлса-ю, меҳнатга бўйни ёр бермаса, унинг оқибатида егуликичгулик, киядиган кийгулиги, маишати, роҳат-фароғати бўлмаса, ҳар қандай вафодор, сабр-чидамли ёр ҳам бора-бора ундан совиб, айниб кетади», демоқчи бўладилар. Шу мазмунга мос: «Пулсиз ошиқ — қанотсиз қуш» деган мақол ҳам бор); «Ер қазимасанг, олтин чиқмас, Қармоқ солмасанг — балиқ»; «Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас» (отиз — марза; бир марза ер); «Теша урмаса, ёғоч йўнилмас»; «Дўкон тўқисанг бўз бўлар, Чарх йигирсанг тўн бўлар»; «Бутамасанг — мева оз, Тарасанг, ерсан қишу ёз»; «Балиқ еган» сув — сув» дер, Қўш ҳайдаган «чув-чув» дер»; «Оёғиннг «тап тап» этмаса, оғзинг «шап-шап этмас»; «Бўрининг қорнини оёғи тўйғазади»; «Элнинг кўрки эр билан, Эрнинг кўрки тер билан»; «Бугунги қора тер — эртанги оқ дур»; «Ҳосил зўри — манглай тери остида»; «Тер тўкканга — қопқоп дон, Тўкмаганга — қайда дон?!»; «Деҳқоннинг хазинаси — ер, Ернинг калиди — тер»; «Тер чиқмаса, этак тўлмайди»; «Тер тўкканг ер тўкади»; «Тер чиққандан жон чиқмас»; «Тер чиққандан дард чиқар»; «Тер тўксанг мард бўласан, Тер тўкмасанг мўрт бўласан»; «Терга ботган — роҳатга ботар»; «Тек турмаган — тўқ турар»;

«Тинмасанг — тинарсан, Роҳат қилиб юрарсан»; «Тиришқоқнинг лаби ёғлиқ, Эринчоқнинг боши қонлиқ»; «Қуруқ кучдан кун ўтмас»; «Ҳар ишнинг кетида бўлган — олмайин қолмас»; «Тушлик умринг бўлса, чошлик ҳаракат қил»; «Ҳаракатда баракат»; «Ғайрати бор кишининг уними бор ишининг»; «Ғайрат қилган тоғни кесар»; «Ғайрат темир занжирни узади»; «Ғайратсиз билак ўринсиз тилак»; «Кўнимсиз, кўнимсизнинг иши унимсиз»; «Қўними йўқнинг уними йўқ»; «Ишлаганнинг иши битар, кишнаганнинг куни ўтар»; «Меҳнатига қараб — унуми»; «Белга ишонган — бешни топар»; «Ер — бойликнинг онаси бўлса, отаси — меҳнат»; «Омоч чиқди — кўмоч чиқди» (кўмоч, кўмач — иссиқ кулга кўмиб пишириладиган нон. «Далага омоч олиб чиқиб, ер ҳайдасанг, экин экканг, кўмочнинг ҳам, умуман, егулик-ичгулигинг ҳам бўлади», дейилмоқчи); «Омоч сени тўйдиргай, Омборингни тўлдиргай»; «Ер эгаси бўлма, меҳнат эгаси бўл!»; «Меҳнат ерда қолмас»; «Меҳнат эл бахтини тузар»; «Меҳнатига яраша — роҳати»; «Меҳнат қилсанг, қарам бўлмайсан»; «Меҳнат бахт келтирар, Ғийбат — лат»; «Меҳнатда туғилган муҳаббат вафо келтиради; «Туяли ерда тут бўлмас, Юмушли ерда ют бўлмас»; «Қилинган меҳнат — беминнат овқат»; «Меҳнат товоқ тўлдирар, Миннат томоқ куйдирар»; «Меҳнатнинг зийнати кўп, Текиннинг — миннати»; «Миннат билан ганж топгандан, Меҳнат билан ранж топган яхши»; «Меҳнат роҳатга элтар, Текин ҳалқумни йиртар»; «Меҳнат қилдим — хўп қилдим, Миннат қилдим — йўқ қилдим»; «Ема киши миннатин, Егил қўлинг меҳнатин»; «Меҳнатдан қўрқма, миннатдан қўрқ!»; «Молбоқар бўлсанг бўл, отбоқар бўлсанг бўл, тувак яловчи бўлма» (Бу билан: «Ҳар қандай касбни қилсанг қил-у, ўз тирикчилигингни ўз меҳнатинг орқасида ўтказ. Асло бировга ялиниб кун кўрувчи бўлма» деган маънода насиҳат қиладилар)»; «Ўзингда бўлса — яларсан, Оғангда бўлса — тиларсан»; «Меҳнатсиз топилган молнинг қадри бўлмас»; «Ўзинг топмаган молнинг қадри йўқ»; «Манглай терингга олинган мол — жонингга ҳол»; «Меҳнатсиз топилган ошдан — меҳнатда топилган тош яхши»; «Меҳнатли ош — ош бўлур, Меҳнатсиз ош — тош бўлур»; «Меҳнатсиз умр — чириган кўмир»; «Меҳнатсиз турмуш — умрга хиёнат»; «Меҳнатдан дўст ортар, Ғийбатдан — душман»; «Меҳнатда топишган дўст ажралмас»; «Дўст дўстни кулфатда синар, Одам одамни — меҳнатда»; «Ота уруғи бирлаштирмас, Меҳнат йўриғи бирлаштирар»; «Олтин ўтда чиниқар, Одам — меҳнатда»; «Қуш қаноти учганда чиниқади»; «Уйқу тиниқтиради, Юмуш чиниқтиради»; «Одамзодни иш овутади»; «Қуруқ сўз билан ош пишмас»; «Меҳнат қилмасанг, истеъдодинг бекор»; «Меҳнатга сабр қилган — роҳатнинг тахтига минар»; «Мардни меҳнат енголмас»; «Кўп ишлаган — кўп яшар»; «Ёшликда меҳнатга ўйранган— Кариганда роҳатга улақади» (ўйранган — ўрганган); «Ёшликдаги меҳнат қариликда давлат келтирар»; «Ёшликда ишла қатор, Кариганда асқатар»; «Меҳнат билан қарисанг, Роҳат билан яшарасан» ва ҳ. к.

Меҳр темирни эритар, қаҳр тошни ёрар.

Вар.: «Меҳр тошқини — дарёдан кучли»; «Қулф — ўгри учун, Меҳр — тўғри учун»; «Меҳр — икки кўзда»; «Юз-юзга тушар, Меҳр — кўзга»; «Умр йўлдошингнинг маҳрига боқма, меҳрига боқ» (Маҳр — никоҳ вақтида куёв томонидан келинга ажратиладиган доимий ва шахсий мулк).

Меҳроби бузилса, масжиди қолар.

Меҳроб — масжид ичида унинг қибла томонидаги тахмонга ўхшаш жойи (намоз шу томонга қараб ўқилади). Бу билан: «Дунёда ҳеч нарса изсиз, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетмайди, ҳар бир нарсадан қандай бўлмасин бирор асорат, қолдиқ қолади», демоқчи бўлганлар.

Кўнглумиз вайрону коши кўзда,
чиндур бу масал,
Ким: «Қолур масжид, агар бузулса меҳроби анинг»
(Лутфий)

Минг қўйликнинг иши бир қўйликка тушибди.

Бу мақолнинг келиб чиқишига шундай бир ҳикоя келтирадилар: Қадим замонда юз хотинлик бир подшо бўлар экан. Кунлардан бир кун у овдан қайтаётиб, бир томнинг тепасида ишлаётган чиройли бир хотинга кўзи тушибди-ю, унга ошиқ-у бекарор бўлиб қолибди. Кейин уни суриштирса, ўзининг карамоғидаги бир саркарданинг хотини экан. Подшо кўнглида маккорона режа тузиб, ҳалиги саркардани аскарлари билан кучли душман устига юборибди-да: «Агар у урушда ҳалок бўлса, хотинини оламан», деган мақсадни дилига тугиб қўйибди. Жангда саркарда ҳалок бўлмабди-ю, аммо душман қўлига асир бўлиб тушибди. Ўша замоннинг таомилига кўра, подшо унинг хунини тўлаб, асирликдан озод этиши керак экан-у, аммо: «Ўша ёқда йўқ бўлиб кетсин!» деган ниятда бундай қилмапти. Кейин саркарданинг хотинини зўрлик билан саройга келтириб олипти... Саркарда бир илож қилиб асирликдан кочиб, ўз шаҳрига келса — аҳвол шундай. Бу ҳам ўзича бир режа тузиб, икки дўстини подшо ҳузурига юборибди. Улар подшога бир-бирларидан арз қилибдилар:

— Тақсир,— дебди бири,— бизлар бир яйловда яшовчи чорвадорлармиз. Бу киши менинг хўжайиним бўладилар. Минтта қўйлари бор Мен бечораниng биттагина ёлғиз қўйим бор-у, бу киши шуни ҳам менга берасан, деб мажбур қилиб турибдилар. Ахир шу адолатданми, тақсир?

Подшо дарғазаб бўлиб, минг қўйликка қараб: — Қандай поинсофсан, минг қўйинг бўлатуриб, яна бу бечораниng бир қўйини олмоқчимисан?! — дебди.

— Тақсир,— дебди минг қўйлик,— ўзингизнинг юз хотинингиз бўлатуриб, қўл остингиздаги саркарданинг хотинига кўз олайтирсангиз тўғри-ю, бизники нотўғримп?!

Подшо аъёнлар гувоҳлигида бўлган бу ноҳуш суҳбатдан мулзам бўлиб, лабини тишлаб қолибди-да, ҳайтовур инсофга келиб, хотинини сарой тутқунлигидан бўшатиб, саркардага қайтариб берибди...

Юқоридаги мақолнинг «Қирқ отликнинг иши бир эшакликка тушибди»; «Қирқ эшакликнинг иши бир эшакликка тушибди» деган вариантлари ҳам бор. Булар билан: «Ҳаётда инсон бир-бирига вобаста (боғлиқ) дир. Бир кун эмас бир кун кишининг иши кишига тушмай қолмайди, хоҳ у шоҳ бўлсин-у, хоҳ гадо, хоҳ у бой бўлсин-у, хоҳ камбағал, хоҳ у хўжайин бўлсин-у, у хоҳ хизматкор... Шу боисдан, фақиру тобеларга иҳонат кўзи билан қараш — яхши эмас», демоқчи бўлганлар. Бу фикрни қувватлаб, бошқа бир мақолда: «Подшони ҳоли танг бўлса, гадони ахтарур, Гадони ҳоли танг бўлса, ҳидони ахтарур» (ҳидо — тўғри йўл, ҳақ йўл), деганлар.

Минг қўшчига — бир бошчи.

Қўшчи — феодал-бойларга ёлланиб ишловчи камбағал деҳқон, чоракор, батрак. Мазкур мақол билан мажозан: «Жамиятда кишилар мажмуига, гуруҳига раҳбарлик қиладиган бошлиқ, оилада бола-чақаларга бошчилик қиладиган ота-она (ё каттароқ ёшдаги одам) бўлиши керак. Акс ҳолда кишилар, бола-чақалар бошбошига қовушмайди», демоқчи бўладилар. «Миннатли илик бўғиз йиртар»; «Миннатли норидан оч турган корин яхши»; «Миннатли ош егандан, миннатсиз оч ётган яхши»; «Мойсиз бўлса ҳам, ўз дегчам яхши».

Минора солган — минора бўйи чуқур қазир.

Одатда минорани қанча баланд қилсалар, пойдеворини шунча чуқур қилганлар. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Хоҳ иморат қуришда бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин — ҳар бир нарсани, ҳар бир ишни пух-

та, чидамли, пойдеворини мустаҳкам қилиш зарур», демоқчи бўладилар.

Мирзанинг чўлига шоти эксанг, арава униб чиқади.

Бунда Мирзачўл назарда тутилган бўлиб, «унинг ери шундай кучлики, агар қуруқ ёғочни суқиб қўйсанг ҳам, кўкариб, баракали ҳосил беради», демоқчи бўлинган. Вар.: «Мирзаи азимда минг Қоруннинг хазинаси-ю, туман Жамшиднинг давлати бор» (Қорун — Мусо пайғамбар замонида яшаган афсонавий улкан хазина эгаси. У умр бўйи бойлик йиққан ва сарфламаган. Натижада шоҳ хазинасидан ҳам катта бойлик тўплаган. Қорун пайғамбар қарғишига учраб, ўзи ва бойлигини ер ютган. Жамшид — қадимги Эронда ҳукмдорлик қилган пешдодийлар сулоласининг тўринчи вакили); «Чинозга таёқ билан борган киши тойлик бўлиб келади, Мирзачўлга той билан борган киши таёқлик бўлиб келади» (Бу мақол Мирзачўл ўзлаштирилмаган, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган кимсасиз дашту биёбон бўлиб ётган замонларда тўқилганлиги ўз-ўзидан аёндир).

Митанинг ёмони тегирмондан бутун чиқади.

Мита — донга тушадиган зараркунанда қурт. Уни мажозда кишилик жамиятидаги дилгир, дилозор, айёр, зараркунанда одамларга ташбиҳ этадилар. Мазкур мақол билан: «Бундай одамлар шу қадар айёр, жони қаттиқ, яшовчан бўладиларки, ҳатто энг қаттиқ тафтишу таъқиблардан, аёвсиз қийновлардан ҳам устомонлик, муғамбирлик, қийлакорлик билан қочиб, қутулиб қоладилар», деган маънода киноя қиладилар.

Мозийга қайтиб иш кўриш — хайрли.

Мозий — ўтмиш. Хайрли — яхши хусусиятга эга, хосиятли; яхши, ижобий. Инсониятнинг кучи — ўтмишдан ўрганиб, уни ривожлантириб, келажакка мерос қолдиришдадир. Халқ мазкур мақоли билан: «Ота-боболарнинг асрлар давомида тўплаган бой ҳаётий тажрибаларига, айтиб қолдирган панд-насиҳатларига, удум ва анъаналарига амал қилиб иш кўрмоқ — фойдадан асло ҳоли эмас», демоқчи бўлинади.

Мол аччиғи — жон аччиғи.

Мол, пул топишнинг ўзи бўлмайди. Инсон ўз ҳаётий эҳтиёжларини таъминлайдиган маблағни топиш йўлида тер тўкиб, жон қойитиб меҳнат қилади, машаққатлар чекади, елиб-югуради, бир-бири билан нари-бери гапларга боради, баъзан ҳатто бир-бирини қурбон қилишдан ҳам қайтмайди. Шунинг учун ҳам «Мол жигардан бунёд бўлади», «Пул жигардан пайдо бўлади», деганлар. Агар кишининг моли ўтда ёнаётган, сувда чўкаётган бўлса, у мол аччиғида ўзини ҳатто ўтга, сувга отишдан ҳам тоймайди. Мазкур мақолни шундай ҳолларга нисбатан қўллайдилар. Мол аччиги — жон аччиги деган гап рост экан. Синамоқ учун индамай турсам, рангингиз бўздай бўлиб кетди-я! (Ш.Ризо, Қор ёгди, излар босилди).

Мол-дунё топилар, одам топилмас.

Вар.: «Мол одамни топмайди, молни одам топади»; «Мол кетса-кетсин, бош омон бўлсин». Бу мақолларни мол-дунё йиғишга ҳирс қўйиб, емай ичмай, киймай, ўзгалар тугул ҳатто ўзига ва бола-чақаларига сарфлашни ҳам қизганиб, фақат йиғаверадиган хасис, зиқна одамларга қарата: «Пул, мол-дунё топиладиган нарса. Нима қиласан «туф-гирих» қилиб йиғавериб?! Ундан кўра яхши-яхши е, ич, кий, ўйна, оилангга сарф қил, не ҳасратда топган молингнинг, пулингнинг роҳатини кўр, ўз сиҳатингни ўйла» деган маънода айтадилар.

Сувсизга сув шавқи бўлса жондин ортуқ.
Бил сифлага мол шовқи ондин ортуқ»
(Навоий)

(сифла — пасткаш, хасис).

Мол — мард, эгаси номард.

Бу мақолни: «Мол яхши бўлса, ўз қадр-қимматини ўзи топади. Сен уни мақтайман деб, жағ уришингнинг, куйиб-пишишингнинг ҳожати йўқ. Яхши мол мард бўлади. Сен унинг қадр-қимматини билмай, номардлик қилиб арзон-гаровга сотиб қўйма. Шунингдек, ўз оилангнинг, турмуш ўртоғингнинг, фарзандларингнинг, яқинларингнинг яхши хислат-фазилатларини ҳисобга олмай, ғафлат кўзи билан қараб, уларга ёмонлик нисбатини бериб, эл-юртга ёмонлаб, номардлик қилма. Уларнинг мардлигини, яхшилигини эл-юрт билади ва қадрлайди. Қайтага ўзинг ёмон отлиққа чиқиб қоласан», деган, маънода қўллайдилар.

Мол молга етгунча, азроил жонга етади

(азроил — диний ақидаларга кўра, одамлар жонини оладиган фаришта; ажал фариштаси). Мазкур мақол билан: «Молимга мол қўшиб кўпайтираман, моллик бой бўламан, дегунингча Азроил жонингга етиб қолади, яъни умринг ҳам охир бўлиб, тугаб қолади. Бас, шундай экан, мол-дунё орттираман деб уриниб, жонингга жабр қилма, кишига саломатлик керак, кўп молпараст бўлма», деган маънода насиҳат қиладилар. Шу мазмунга мос қуйидаги мақол ҳам бор: «Ёз бўйи тугдим тухум, Қиш бўйи туғдим тухум, Тўлдиролмай тухумим, Охири йиртилди бутим».

Мол оласи ташида, одам оласи ичида.

Мажозан: «Одамнинг ёмонлиги, айёр, маккорлиги, дилгирлиги (кўпинча) сиртидан (афти-ангоридан) билинмайди, (ичига) дилига яширинган бўлади. Шунинг учун уни обдан синаб, қандайлигини яхши билиб, кейин у билан муомала қил», деган маънода қўлланади. Вар.: «Киши оласи ичида, Йилқи оласи ташида»; «Ҳайвон оласи сиртида, Одам балоси ичида»; «Қарға карисин ким билар, Киши оласин ким англар»; «Ердан чиқади тилла, Одамдан чиқади ҳилла».

Мол сақлама, ор сақла.

Вар: «Молингга суянма, орингга суян»; «Мол — жоним садағаси, жон — орим садағаси». Бу мақоллар билан кишини ор-номусли бўлишга, молдунёга эга бўламан деб ор-номусдан воз кечмасликка, аксинча ор-номусни йўқотмаслик учун молини, ҳатто жонини аямасликка даъват этадилар.

Мол семирса ёғ бўлар, ер очилса боғ бўлар.

Эл-юрт фаровонлигининг, тўкинчилигининг асосий манбаи — деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликдир. Қўриқ очилиб, ерга ер қўшилса, экинзорлар, боғ-роғлар кенгаяди, хирмонга ва дастурхонга барака ёғилаверади. Чорва моллари қанча кўпайтирилса, қанча семиртириб боқилса, ҳар бир хонадон учун нечоғли зарур бўлган озиқ-овқатлар шунча кўпаяди. Бир туркум мақолларда шу нарса қайта-қайта таъкидланади: «Молинг семиз — давлатинг эгиз»; «Бойликнинг боши — совлиқ»; «Молга берсанг соз емиш, Боқар сени ёзу қиш»; «Озган от арғумоқ бўлмас»; «Озиқли от ҳоримас, Ҳориса ҳам оримас»; «От ориқласа, тувдоқ бўлар» (тувдоқ, тувалоқ — ов қилинадиган, гўшти мазали йирик қуш); «От оёғидан семирар»; «От сағридан, Қўй бағридан (семиради)»; «Мол сиртидан семиради»; «Сигирли уйда сил бўлмас»; «Сигири кўпнинг оқи кўп»; «Ўн ойлик ўздирар, Тўққиз ойлик тўйдирар»; «Чўпон бўлсанг қўйни боқ — мойи чорадан, Итни боқсанг сиртлон боқ — қўй олдирмас қўрадан» (чора — катта ёғоч тўғора).

Мол сотсанг бошоғин берма, қўй сотсанг қўшоғин берма

(бошоғ-бошбоғ; қўшоқ — бир неча қўйни ўзаро боғлашга мослаб тайёрланган узун арқон). Одатда қарамол ё қўй сотганларида ирим юзасидан:

«Яна мол олсам боғлайман. Бериб юборсам, қўлимга мол кирмайди», деган ўй-ният билан бошбоғ ва кўшоқни харидорга бермай, ўзларида олиб қоладилар. Мақолда шу нарса ўз ифодасини топган.

Мол таниганга — сўз ортиқ.

Бу билан: «Харидор агар сотаётган молингни таниса, яъни унинг яхши ё ёмонлигини билса, унга молингни мақтаб ўтиришингнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ. Молинг ёмон бўлса, минг мақтаганинг билан барибир олмайди. Молинг яхши бўлса, ўзи гап-сўзсиз ҳам олиб кетаверади», демоқчи бўладилар.

Мол чиқасига келса, эгаси сабабчи бўлади.

Кишига мол-ҳолини ва умуман ҳар бир нарсасини ўз ҳолига қаровсиз ташлаб қўймай, ўғри-ўтрукдан эҳтиёт қилиши зарурлиги уқтириладиган мақол. Вар.: «Чиқаси келса, эгаси бошлиқ»; «Чиқаси келган молга эгаси сабабчи бўлади, Чиқазишга келган қизга энаси совчи бўлади»; «Ўғрини ўғри қилган — молнинг эгаси»; «Ўғри — ўғри эмас, Мол эгаси — ўғри» («Эгаси молини бепарво ташлаб қўйса, эшик-эликни очиқ қолдирса ё экинзорининг, богининг атрофини иҳота қилиб қўймаса, ўғри тугул бошқа тўғри одамнинг ҳам «тили қичишиб», у ерга киргиси, мева-чевадан олгиси келади», дейилмоқчи); «Молга эга, эга бўлмаса — нега?» («Молингни эҳтиёт қилиб сақлай олмасанг, нега эгаман деб даъво қиласан?! Эгасиз молга ҳамма ҳам эга бўлади-да. Эга бўлсанг, эҳтиётини қил!» дейилмоқчи); «Эгасиз молнинг эгаси кўп»; «Эгасиз молга эга кўп чиқар»; «Эгасиз молни эл олур, Эл олмаса ел олур»; «Эгасиз этни ит тортар»; «Эгасиз қолган эшакни бўри ер», «Эгасиз қўйни бўри ейди»; «Қаровсиз қолган қўйни қароқ қилнинг келади»; «Ити йўқ қўйга бўри чопар»; «Кўчада ётган суякни қайси ит ғажимайди?!»; «Ғовли ерга мол кирмас» («Экин экканг, атрофини ғов қилиб ўраб қўй. Ҳайвоннинг эси борми, ўт экан деб, экинингни еяверади-да», дейилмоқчи); «Чидарли отинг — ўз отинг, Тушовли отинг — бўш отинг» (Чидар хом теридан қамчига ўхшатиб тўқилган бўлади. Унинг учи икки айри қилиб қўйилади. Шу айрининг икки учини отнинг олдинги икки оёғига, асосий учини эса орқа оёғининг сонига боғлаб қўядилар. Шунда от сакрай олмайди. Чидар чидамли бўлади, от узиб кетолмайди. Тушов эса арқондан бўлиб, уни отнинг оёғига солиб боғлаб қўядилар. От сакраганда тушов ё ечилиб кетади, ё узилиб); «Кишанли от — ўз отинг, Тушовли от — бўш отинг» (Кишан — темирдан ясалган, қулф ўрнатилган занжир. Уни отнинг оёғига солиб, қулфлаб қўядилар); «Қозиқсиз от турмас»; «Кўйини олдириб, кўрасини бекитибди» (бу мақол билан олдиндан эҳтиёт чораларини кўриб қўймай, зиён-заҳмат кўргандан кейин, яъни иш ўтгандан кейин эҳтиёт чораларини кўрадиган одамни ҳажв қиладилар); «Очиқ қолган қозонни ит ялайди»; «Очиқ қолган ошни пашша талайди»; «Олган — бир айбдор, Олдирган — икки айбдор»; «Кўрангга соқ бўл, Қўшнингни ўғри тутма»; «Ўзингни тўғри тут, Қўшнингни ўғри тутма»; «Ўзингга эҳтиёт бўл, Қўшнингни ўғри тутма!»; «Асраган тўқлини бўри емас»; «Девона ҳам хуржунини бир марта йўқотар»; «Кўр ҳассасини бир марта йўқотади»; «Оғизликка олдирма, Оёқликка тептирма» ва б.

Мол эргасига ўхшамаса, ҳақўшнисига ҳаром бўлади.

Бу мақолни бировга бирор нарсасиси ҳам бермайдиган, сўраб келган одамга турли баҳоналарни рўкач қиладиган зиқна, хасис одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Вар.: «Арқонга ун босилган, Ғалвирга сув солинган».

Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади.

Хотинда эрнинг, эрда хотиннинг, ўғил ё қизда ота-онанинг ёмон феъл-

атвори, зиқна-хасислиги, дилозорлиги, қўрслиги, баднафслиги, тамагирлиги ...бўлса, унга нисбатан шу мақолни киноя тарзида айтадилар. Вар.: «Мол эгасига тортмаса, байталмон бўлади» (бундаги «байталмон» асли «байтулмол» бўлиб, кейинчалик талаффузга мослаб шундай деб кетилган. Байтулмол — давлат хазинаси, ғазна; давлат ихтиёрига ўтган мол-мулк ва шундай мол-мулк сақланадиган махсус бино. Ўтмишда ҳукм сурган қонун-қоидалардан бири шу эдики, масалан, агар бир одам ўзга юртда ё ўз юртида ўлиб-нетиб қолса-ю, унинг меросхўри бўлмаса ёхуд топилмаса, марҳумнинг мол-мулки мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига олиб қўйилар эди. «Байталмон қолгур!» деган қарғиш сўз: «Ҳа, эганг ўлиб, эгасиз қолгур!» деган маънода) ... Чунки эрур эл аро бу хуш калом. Ўхшамаса мол эгасига — ҳаром» (Навоий).

Мол эясини топади, сўз — жўясини

(эясини — эгасини; жўясини — жойини, ўрнини) Вар.: «Гап эгасини топади». Даврада айтилган сўз (айниқса у киноялі, қочирим, мажозий бўлса) ўз эгасини топади, яъни у кимга шама қилиб айтилган бўлса, ўша одам дарҳол буни пайқаб, уялиб, қизариб-бўзариб, атрофидаги кишилардан кўзини қаёққа олиб қочишни билмай қолади ёхуд мазкур сўзни айтган одамга: «Нега бундай дейсан?! Қачон мен шундай қилибман?! Ёинки «Нега энди шундай бўларканман?!» деб дағдага қилади ва ўз айбини ўзи ошкор қилиб қўяди.

Мол ювоши йўқ, ов ювоши — куён.

Айёр, чаққон, чапдаст, бировга «думини тутқизмайдиган» одамларга нисбатан ҳазил-мутойиба тарзида қўлланилади. Вар.: «Хўрозни ювош дема, Товуқни мўмин дема».

Мол ўғрисидан қўрқма, сўз ўғрисидан қўрқ.

«Мол ўғриси у-бу нарсангни ўғирлаб кетса, бундан сен ҳалдан ташқари кўп азият чекмайсан, чунки орадан маълум бир вақт ўтгач ўғирланган молнинг ўрни тўлиб кетади. Аммо, сўз ўғрисидан ниҳоятда ва ниҳоятда эҳтиёт бўл! Кишилар орасида айтадиган ҳар бир сўзингни обдан ўйлаб, «тарозига солиб», эшитаётган одамнинг кимлигини ва қандайлигини яхши билиб айт. Жамиятда шундай ярамас, мараз одамлар ҳам борки, улар сенга ўзини дўст қилиб кўрсатиб, пинжингга кириб, айтган у ёки бу сўзингни ўғирлайди-да, унга бошқача «тўн кийгизиб», тегишли жойга етказади ё эл-юрт ўртасида ёяди. Оқибат-натижада сенинг шарманданг чиқади, ҳатто бирор балога гирифтор бўлиб кетасан. Шунинг учун сўз ўғриларидан эҳтиёт бўл, ҳар бир гапингни ҳар бир кимсага айтаверма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Молдан ажрадинг — жондан ажрадинг.

Вар.: «Мол кетса, эс кетади». Кишининг тирикчилигига яраб турган мол-ҳоли, буюми йўқолса, ўғирланса ё нобуд бўлса, эгаси нима қиларини билмай, боши гангиб, кайфияти бузилиб, хомуш бўлиб, эсанкираб, эси кетиб қолади. Мазкур маколларда шу ҳол ифода этилган.

Моли йўқ деб эрдан кечма, чўпи йўқ деб ердан кечма

(чўп — молга овқат бўладиган қуруқ ўт, хас-хашак — беда, пичан ва ш.к.). Бу билан: «Мол-дунёси, маблағи йўқ экан, деб эрдан кечиб кетма. Сабр қил. Ҳозир йўқ бўлса, вақти соати билан бўлади. Шошқалоқлик, бесабрлик, беқаноатлик қилиб, эрдан кечиб, безиб кетсанг, қайтага дилнинг бузилгани, ўзингнинг бева бўлганинг қолади. Шунингдек, «э, бу ернинг ҳосили, унуми йўқ экан» деб, ташлаб, бошқа ерни орзу қилиб кетма. Шу ернинг ўзига қара, парвариш қил, меҳнатингни сингдир, ҳосил бўлади, бўлмай иложи ҳам йўқ», деган маънода насиҳат қиладилар.

Моли кўпнинг хавфи кўп.

Вар.: «Кўп бой бўлган — кўп суринар»; «Пули кўпнинг хавфи кўп, Пули йўқнинг кўнгли тўқ»; «Бойнинг ўғридан хавфи бор, Қашшоқнинг ўғридан не ваҳми бор?!»; «Моллининг моли куяр, молсизнинг неси куяр?!»; «Пули ознинг — ғами оз»; «Киссасида пули йўқнинг кисавурдан ғами йўқ»; «Тулки билан қарсоқнинг туки етар бошига, Савдо қилган кишининг пули етар бошига» (қарсоқ — тулкига ўхшаш, лекин ундан кичикроқ йиртқич ҳайвон. Мақолда: «Тулкини ҳам, қарсоқни ҳам овчилар қимматбаҳо мўйнасига эга бўлмоқ учун отиб ўлдирадилар. Шунингдек, савдогар бойни ўғрилар пулига эга бўлмоқ ниятида талаб, ҳатто ўлдириб кетадилар», демоқчи бўлинади). Киссангда агар дирам йўқ, Кўнглингда кисавурдан ғам йўқ (Навоий).

Молимни ол, жонимни қўй.

Вар.: «Мол ўғриси келса келсин, жон ўғриси келмасин». Бу мақоллар билан молини ўғрилатиб қўйган ва қаттиқ куюниб, йиғлаб-сиктаб, ўзини қайга қўйишни билмай юрган одамга: «Қўйинг, кўп хафа бўлиб, куюнаверсанг. Мол — топиладиган нарса, жон топилмайди, жонингиз омон бўлса — шунинг ўзи катта давлат», деб тасалли берадилар.

Молинг сара бўлгунча, бозоринг сара бўлсин.

Бу мақолни ҳам тўғри маънода, ҳам мажозий маънода қўллайдилар. Баъзан шундай бўладики, мол яхши бўлгани билан савдонинг мазаси бўлмайди-да, сотилмай ётаверади, ва аксинча, молнинг унчалик мазаси бўлмаса ҳам, бозор чаққон бўлиб, бирпасда сотилиб кетади. • Шунингдек, оилавий ҳаётда баъзи қиз тараф қизнинг ҳусн-жамолига илм-билимига, бойлигига мағрурланиб, унча-мунча йигит тарафидан келган совчиларга рад жавобини бериб юбораверади. Аммо, қизнинг ё қиз тарафнинг кўнглидаги, орзусидаги йигит тарафдан ҳадеганда совчи келавермайди. Натижада йилдан-йилга қизнинг ёши ўтиб, ҳусн-жамоли, кетиб бораверди. Бунинг аксича ҳусн-жамоли, илму камоли, илм-билими, бойлиги унчалик бўлмаган қиз ўзига мағрур бўлмай, иффат, одоб сақлаб, камтар бўлиб юради-да, кутилмаганда бир яхши жазман чиқиб қолади-ю, тўй бўлиб, бахти очилиб кетади. Ана шу ҳар иккала ҳолда ҳам юқоридаги мақолни ишлатадилар.

Молингдан айрилсанг ҳам, ақлингдан айрилма.

Баъзи одам молидан айрилса (куйса, ёнса, йўқотса, ўғирлатса ва ҳ.к.), дод-фарёд қилиб, ғамга чўмиб, эс-хушини йўқотиб, иштаҳаси кетиб, уйқуси қочиб, охири чўпдай ориқлаб, касалга чалиниб қолади. Юқоридаги мақол билан шундайларга қарата: «Биродар, кўп куюниб, хафа бўлаверма. Молингдан айрилган бўлсанг ҳам, эс-хушингдан айрилма, саломат бўлсанг, йўқолган молингнинг ўрнига яна мол топиб оласан», деган маънода тасали берадилар.

Молни топар эрнинг эри, ҳузурини кўрар сўнгги эри.

Жамият ҳаётида шундай ҳоллар ҳам бўладики, бир одам кўп қийналиб мол-дунё йиғади-да, ҳузурини кўролмай, бевақт ўлиб кетади. Унинг тул қолган ёш хотини бошқа кишига тегади. Кейинги эр олдинги эрдан қолган мол-мулкни бош-кетига қарамай, ғарра-шарра сарфлаб, маишатини суриб юраверади. Шу ҳолга қарата айтилган мазкур мақолни умуман бировдан қолган, меҳнатсиз, машаққатсиз эга бўлинган мол-мулкни бефарқ сарфлаб, ўз айш-ишратини кўзлайдиган одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Молни топган боқсин, ўтинни чопган ёқсин.

Вар.: «Молнинг қадрини боққан билар, Ўтиннинг қадрини йиққан

билар»; «Ўтинни терганга ёқтир, Молни топганга боқтир»; «Кўмирни кавлаганга ёқтир, Молни миришкорга боқтир»; «Тўнгиганга ўт ёқтирма» (чунки, тўнгиган, яъни совқотган одам ўтинни аяб ўтирмайди, борини кетма-кет ўтга ташлаб, ёқиб юбораверади, дейилмоқчи); «Ўтин ёрмаганга ўт ёқтирма»; «Болни бол тутган билар, Молни мол боққан билар»; «Сув қадрини қудуқ қазиган билар». Бу мақоллар билан: «Ҳар бир нарсанинг қадрини унга меҳнати сингган, уни қийналиб топган одам яхши билади. Сарфлашга келганда, шундай одамга сарфлат. Ўзи меҳнат қилиб, қийналиб топмаган одам унинг қадрига етмайди, ғарра-шарра сарфлаб юбораверади», деган маънода иқтисод ва тежамкорликка ундайдилар.

Момақалдироқ ёмғири билан бўлса яхши.

«Мамлакатимизда (Сталиндан сўнг) узундан узун момақалдироқ бўлдию ўтди. Бу момақалдироқнинг биринчи садоси халқлар кўнглида жуда катта умид-орзулар уйғотди, халқлар бунинг кетидан оби раҳматни кутади, бироқ момақалдироқ шамол-тўполон қилди-ю, оби раҳматдан бир томчи ҳам томмади. Халқ мақоли бор: «Момақалдироқ ёмғири билан бўлса яхши бўлади» (А.Қаҳҳор, Ён дафтардан.)

Моховнинг ўғли раста бўлганда бузилади.

Ёмон одамларнинг, инсоний иллат эгаларининг характерини асрлар давомида синаган халқ «улар тузалмайдилар, уларни тузатиб ҳам бўлмайди; ёмонлик ёмонлардан ёмонларга юқади, ҳатто наслдан наслга ўтади», деган хулосага келган: «Замон тузалар, ёмон тузалмас»; «Эшак бахши бўлмас, ёмон яхши бўлмас»; «Шўр тўнгмас, аҳмоқ ўнгмас» ва ҳоказо. Юқорида келтирилган мақол ҳам ана шу хулосанинг маҳсулидир. Моховлик — наслий касаллик бўлиб, ўғил — қиз туғилганда туппа-тузук бўлади-ю, амма раста бўлганда (яъни, ўсиб-улғайганда, балоғатга етганда) моховга айланиб кетади. «Касалликларнинг баъзилари наслдан наслга кўчади. Масалан, табиий каллик, пес, сўгал, кўзга оқ тушиши, сил ва мохов каби» (Ибн Сино, Тиб қонунлари). Мақолда: «Аксарият ёмон одамларнинг болалари ҳам ёмон бўлиб чиқади», деган фикрни ифодаламоқ мақсадида моховлик касаллигининг оқибати мисолга олинган.

Мош сиғмаса, ловияни итарма.

Бу билан: «Бўлмайдиган ишга беҳуда уриниб ўтирма, фойдаси йўқ, бекорга овора бўлганинг қолади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Муздан ойна бўлмас, симобдан — кўз.

Музда гарчи кишининг акси кўринса ҳам, барибир у ойна бўла олмайди, эриб кетади. Симоб гарчи қимматбаҳо тошдек ярақлаб турса ҳам, барибир узукка кўз бўлолмайди, оқиб кетади. Шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақолни: «Бирор нарсага аслида яроқсиз бўлган нарса минг уринилгани билан бари-бир яроқсизлигича қолади», деган маънода қўллайдилар.

Муздан сув томади, сўзамолдан — бол.

Бу билан: «Ҳулқи хунук, турқи «совуқ» одамдан бемаъни, ёқимли гап кутмаёқ қўяқол. Бундай гап сўзамол, яъни сўзга уста, гапга чечан, умуман хушмуомала, хушфеъл, ҳам тили-ю, ҳам дили пок одамдан чиқади», демоқчи бўладилар.

Мулки йўқнинг милки йўқ

(мулк — ихтиёрдаги, қўлдаги бор мол-дунё, ер-сув, иморат ва б. бойликлар). Бу билан «Мол-мулки, бойлиги бўлмаган камбағал, бева-бечораларнинг ейиш-ичиши, кийиши, туриш-турмуши ҳам ўзига яраша

қашшоқ бўлади», демоқчи бўлганлар. Яна бир мақол борки: «Бева хотинниng тушига эр киради, камбағал деҳқоннинг тушига ер киради», дейдилар.

Мулла мирашир, пулига яраширр.

Бир одам бирор нарсани арзонгаровга сотиб олса-ю, кейин унинг арзимаслигини, сифатсиз, чидамсизлигини фаҳмлаб, шикоят қила бошласа, унга ҳазил-мутойиба тарзида шундай дейдилар. Мазкур мақолнинг «Мулла Мирашир, Қилмишига яраширр»; деган варианти ҳам борки, бу билан: «Ҳар ким қилмишига яраша жазосини тортади», демоқчи оуладилар.

Мулла мирашир, топганин бизга ташир.

Вар.: «Ашир, Ашир, топганини ташир». Бу мақолларни айёрлик, худбинликнинг «кўчасидан ҳам ўтмаган», ҳаддан ташқари содда ва қўли очиқ, ҳатто ўзи оч қолса ҳам борини бошқалар билан баҳам кўрадиган, бошқаларга бўлишиб берадиган одамга нисбатан истеҳзоли тарзда, ҳазилмутойиба йўсинида қўллайдилар. Ўтмишда болалар ошиқ ўйнаганда ютоғич ошиқ ҳадеб ютаверса, уни мақтаб, севинч ва гурур билан: «Ҳа, мулла Мирашир, топганин ташир» деб қўярдилар.

Мулла, мулланинг иши — ҳийла.

Дин эзувчи синфнинг манфаатлари учун хизмат қилаётганини, дин намояндалари ўз таргибот-ташвиқотлари билан золимларга «зулм пичоғи»ни қайраб бераётганларини ва улар ўзлари меҳнат қилмай, ўзгалар ҳисобига яшаётганликларини кўрган, билган, фаҳмлаган халқ асрлар бўйи катта жасорат кўрсатиб, ана шундай мунофиқ ва риёкор дин арбобларига қарши, уларнинг кирдикорларини аёвсиз равишда фош этувчи қарши фикрларни билдириб келган. Бу нарса узоқ тарихнинг турли даврларида яратилган халқ достонлари, эртаклари, латифалари, қўшиқлари ва мақолларида ўзининг ёркин ифодасини топган. Юқоридаги мақол ва унинг қуйидаги вариантлари ҳамда мазмундошлари мазкур фикримизнинг далили бўла олади: «Одамнинг ёмони — мулла, Мулланинг иши — ҳийла»; «Мулла билганин ўқир, Товуқ кўрганин чўқир»; «Бўзчи билганин тўқир, Мулла билганин ўқир» («Мулла билганинигина, яъни китобдан кўр — кўрона ёдлаб олган нарсанигина ўқийди, ундан ортиқ билмайди», дейилмоқчи); «Мулла бобдан, шак ёпдан ўтмас» (хоразмликлар мақоли: боб — китобнинг боби; шак, чек — деҳқонларга ўлчаб берилган ернинг чегараси; ёп — анҳор); «Мулла ўз фойдасига бўлса, китобнинг четидан фатво топади» (Фатво — шариат ва дин қонун-қоидалари асосида бирор ҳуқуқий масала юзасидан руҳонийлар чиқарадиган хулоса, қарор ёки бирор ишни шариат нуқтаи — назаридан амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма, буйруқ. Мазкур мақол билан: «Мулла ўз фойдасига бўлса, маълум бир ҳолга мос келадиган фатво агар китобнинг ўзида ёзилмаган бўлса, унинг четига қўшимча равишда ёзиб қўйилган фатволар орасидан бўлса ҳам топиб, хулоса чиқариб юбораверади», демоқчи бўлганлар); «Мулланинг ёмони — варақчи, Одамнинг ёмони — қароқчи» (варақчи — китоб варақловчи, деган маънода); «Мулла «бисмилло» сидан маълум» (Муллалар «бисмилло», «ассалому алайкум», «ва алайкум ассалом» ва бошқа сўзларни оддий одамларга нисбатан бошқачароқ қилиб, қироат билан айтадилар. Мазкур мақол билан: «Муллани «бисмилло» дейишиданоқ унинг ҳақиқий муллалигини ё чала муллалигини билиб олса бўлади», демоқчи бўлганлар); «Илмсиз сўфидан тухум туғар товуқ яхши», «Мулла бўлиб шайх бўлса — икки дунё чароғи, Оми бўлиб шайх бўлса — ёрғучоқни таёғи» (шайх — олий мусулмон руҳонийлари вакили; фақиҳ; мозор, қадамжо каби зиёратгоҳлар мутасаддиси, авлиёларга, худо йўли-

га аталган назр — ниёзларни қабул қилувчи руҳоний. Оми — саводсиз, ўқимаган; авом. Ёрғучоқ — дон янчиш, уни тортиш учун ишлатиладиган хонаки асбоб; қўл тегирмони. Мазкур мақол билан: «Ўқиган шайх гапдон, билағон бўлиб, унча-мунча одамга гапини ҳам, сирини ҳам бермайди. Ўқимаган, саводсиз, оми шайх эса (бамисоли ёрғучоқнинг таёғи бировнинг қўли қаёққа қараб бурса, ўша ёққа бурилгани сингари) бировнинг фикри-зикрига тобе бўлади», демоқчи бўлганлар); «Муллага бердим ўқи деб, Устага бердим тўқи деб, Сени ким хўроз қипти, Макиённи чўқи деб?!; «Мулла ўқиб ейди, Қарға чўқиб ейди»; «Муллани мозорда кўр, Даллолни бозорда кўр»; «Икки мирзо бозорда йўлиқади, Икки мулла мозорда йўлиқади»; «Ўланли ерда хўкиз семиради, Ўлимли ерда мулла семиради» (ўлан-ўт); «Бахши тўрда яйрайди, Мулла — гўрда»; «Мулланинг семизидан қўрқ, табибнинг — ориғидан» («Мулланинг семизи қўмақай, еб тўймас бўлади. Табибнинг ориғи эса ўзини-ки оздириб, яъни касалга чалинтирб қўйиптими, демак, унинг илми, ҳунари йўқ, сенинг дардингга даво топа олмайди», дейилмоқчи); «Мўлтони мулла анқов элни алдаб ер» (мўлтони — ўзини содда қилиб кўрсатувчи, аслида эса ниҳоятда муғамбир ва айёр одам); «Анқов элга — ҳарамза мулла»; «Мулла фолбинни кўролмас, Эшон иккаласини ҳам» (Бу билан: «Мулла ҳам, фолбин ҳам оддий халқни у деб, бу деб авраб, хуллас турли йўллар билан алдаб бир нимасини олади, ейди, тирикчилигини шу билан ўтказади. Эшон ҳам шу йўсинда яшайди. Улар бир-бирларининг насибаларини «илиб» кетадилар. Шунинг учун бир-бирларини кўролмайдилар», демоқчи бўлганлар); «Имомнинг қорни очса, сўфини авраб ейди», «Мулла-имом хотини билан ўйнайди, Иллатини қавми кўтаради». Ўтган асрнинг охирларидан Н. П. Остроумов бу мақолни: «Яъни, мулла-имом қавмидан келадиган даромад ҳисобига маъмур-чамур яшайди» деб изоҳлаган. Дарҳақиқат, масжидларнинг имомлари қавмларидан (яъни, ҳамиша бир масжидга келиб ибодат қиладиган, ўзларидан орқада туриб намоз ўқийдиган кишилардан) вақтивақти билан» имоматчилик ҳақи» йиғиб олардилар. Бундан ташқари, қавмлар йилига икки марта «ҳайитлик» деб, имомга ўзаро бир нима (кийимлик матолар ёхуд маблағ) йиғиб берадилар. Агар домла-имом тўй қиладиган бўлса, тўйининг ҳаражатлари ҳам қавмларга солиқ қилинади. Домла-имомнинг хотини кийинчоқ, тақинчоқ бўлса ҳам, бунинг оғирлиги қавмлар зиммасига тушади. Хуллас, домла-имомга нимаики керак бўлса, қавмлар ўзаро маблағ тўплаб, ҳожатини чиқарардилар. Мазкур мақолнинг юзага келишига ана шундай ҳолатлар сабабчи бўлганлиги шубҳасиздир. «Мулланинг нафси — тандирнинг тафти»; «Мулла паловга ўч, Банги — оловга» (ўтмишда бангиларнинг аксарияти гулханнишин бўлиб, қишин-ёзин наша чекиб, «қора дори» еб, кўкнори ичиб , кайф қилиб, ўзларини оловга товлаб, маишат қилиб ўтирардилар); «Ҳамма ҳамма билан, Мулла ғумма билан» (Ғумма — букма сомса); «Азизларнинг кўнгли қуртава тилар» (азизлар — дин пешволари, деган маънода қўлланилган; қуртава — қурт ёки сузмани қайнаган сувда эзиб тайёрланган айрондан қуюқ овқат); «Бутоқда хўроз кичқирар, Мезанада — сўфи» (мезана — масжиднинг азон айтиладиган жойи); «Сўфининг оғзи азонда, Икки кўзи қозонда» (азон — сўфининг масжидда жамоат бўлиб намоз ўқишга чақириғи); «Тилингда — олло, Дилингда — тилло»; «Бой чотини қашиса, мулла қўлини чўзади» («Чўнтагини кавлаяпти, пул беради чамаси» деган ҳаёлда дарҳол қўлини чўзади); «Худо урди муллани, Олиб қочди каллани»; «Эшон келди — тўқли кетди»; «Зиндонга тушди тўғри, Қозимуфтининг ўзи ўғри»; «Эр йигитга иярсанг, обрўйинг ортар, Домла-имомга иярсанг, бор-йўғинг кетар» (иярмоқ — эргашмоқ); «Ёмон арава йўл бузар, Чала мулла эл бузар»; «Муллали овул — қўрқоқ, Бахшили овул — ботир». ...Реакцион муллалар халқни «у дунё азоби» билан қўрқитиб, уларни дин ботқоғига, жаҳолатга етакласалар, бахшилар ўз

асарлари орқали халқни жасорат кўрсатишга, ботирликка ундаганлар (Ё. Жўраев, Ўзбек халқ оғзаки ижодида динга қарши мотивлар).

Юқоридан келаман қулло билан,

Ҳаргиз ошно бўлманглар мулло билан,
Агар ошно бўлсангиз мулло билан,
Айлантирар бошингизни ҳийло билан.

(Халқ қўшиғи).

Мулойим, мулойим, қулинг бўлойин.

«Мулойим, ёқимтой, хушфеъл, хушмуомала, ширинсўз, камтарин, камсуқум ва шу каби яхши сифатларга эга бўлсанг, сени ҳамма ерда ҳурмат қиладилар, яхши муомалада бўладилар, сазангни ўлдирмайдилар, сўзингни иккита қилмайдилар, илтимосингни рад этмайдилар, сендан хизматларини аямайдилар», деган маънода айтилади.. Вар.: «Яхши сўзга илон инидан чиқади. Ёмон сўзга қилич қинидан чиқади»; «Жўя гапга туя ҳам чўкади»; «Юмшоқ ипакни ўткир қилич ҳам кесолмас».

Мурдор сувнинг тўкиладиган жойи — хандақ.

Вар.: «Ифлос сув ўрага тушади, Тоза сув — ҳовузга»; «Ифлос сув — ботқоққа яхши». Бу мақоллар билан: «Ёмонликнинг оқибати ёмонлик билан тугайди. Яхшилар ёмонларни ўз доираларидан суриб чиқарадилар», демоқчи бўладилар.

Мурчи кўп буламиғига ҳам сепиб ейди

(буламиқ — болалар учун ун билан сутдан тайёрланадиган аталасимон овқат). Мазкур мақол билан мажозан: «Бирор нарсаси, пули, маблағи кўп бўлган одам керак-керакмас нарсага ғарра-шарра сарфлайверади», демоқчи бўладилар.

Мушт ўтмаса — яхши тикиш.

Филология фанлари доктори, профессор Ҳошимжон Раззоқов бу мақол хусусида қуйидагиларни ёзган: «...Одамзод орасида Ёдгор булоқи деган бир одам бор эрди... Пўстин тикканини кўрсангиз, чокидан бармоқ ўтар, харидор ушлаб кўриб, дер эрдики: «Бу қандай тикиш?» Ул жавобида: «Мушт ўтмаса — яхши тикиш», деб эрди». Охирги гап шундай маъноларда қўлланган: а) чокидан мушт ўтмаса, яхши-да; б) «ургани — пўстинлик яхши» мақоли мазмунига ишора — урганда мушт ўтмайди. Шу билан бирга «тикиш» сўзи ҳам кўп маънода (пайдан қилинган ип, тикмоқ).

Мушук кетини кўриб, ярам бор, деб додларкан.

Бу мақолни кичкина, арзимаган ярага ё оғриққа дод-фарёд қилиб, ҳаммани безовта қилувчи бесабр, серҳасрат одамларга нисбатан истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Мушук суйганидан ўз боласини ейди.

Жажжи, ширин-шакар боласини ҳаддан ташқари суйиб, ардоқлаб, эртаю кеч бағрига босиб, қучиб, ўпадиган онага: «Вой-бўй, памунча еб қўйгудай бўлаверасиз болангизни» деб ҳазил қилсалар, у: «Ҳа, арзимабдими?! Мушук ҳам суйганидан ўз боласини еб қўяркан-ку», деб қўяди. Мазкур мақол шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда ишлатилади.

Мушук ўзи ўйнаш топиб, ўзи жар солади.

Бу мақолни оғзи бўш, сирини ичига сиғдиролмайдиган, ўз сир-асрорини ўзи ошкор қилиб қўйиб, одамлар орасида шармандайи-шармисор бўладиган кишининг устидан истеҳзо билан кулганда айтадилар.

Мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди.

Уй мушуги одатда қорни тўқ бўлса, офтобга чиқиб яланиб ётади. Қорни оч бўлса, уйнинг у ер-бу еридан овқат

излаб, ҳар тешикнинг олдида пойлаб, кишининг оёғи тагида ўралашиб юради-ю, аммо беҳудага офтобга чиқмайди. Мушукнинг шу одати мисолга олиб айтилган мазкур мақолни мажозий маънода бирор арзимаган хизмати учун ҳам бировдан бир нима тама қилувчи одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар. Баъзи ҳолларда шундай тамагир одамнинг ўзи ҳам хизмати эвазига бир нима берилиши лозимлигини билдирмоқ ниятида мазкур мақолни айтиб, мақсадини очиқдан-очиқ тушунтирмоқчи бўлади.

Мушукка «пишт» демаган, товуққа «кишт» дермиди?!

Беозор, мулойим табиатли, камтарин, камсуқум одамнинг устидан шикоят қилиб: «Фалончини сўкди, койиди, урди» десалар, «Бўлмаган гап! У бундай одамлардан эмас» деган маънода уни ҳимоя қилиб, мазкур мақолни ишлатадилар.

Мушукка ўйин, сичқонга қийин.

Вар.: «Мушукнинг ўйини — сичқоннинг ўлими»; «Мушукка ўйин, Сичқонга — ўлим»; «Мушукнинг қаноти бўлса, чумчуқнинг зоти қурирди»; «Арслоннинг ўйинидан тулкининг бўйни узилади». Баъзи одам бировга озор бериш, азоблаш, кулфатга солиш билан лаззатланади, завқланади. Унинг учун бу бир ўйин, бир роҳат туюлади. Аммо, унинг бу қилиғидан азият чеккан одам учун бу «роҳат» қимматга тушади, ҳатто ҳаёт билан видолашишгача олиб боради. Мазкур мақолни шундай дилозор, бераҳм, бешафқат, қонхўр, золимларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Мушукнинг боласи онасига ўхшаб миёвлайди.

Бу мақолни кўпроқ ота-онасига ўхшаган дилозор, безори, жанжалкаш, уришқоқ, «ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини оладиган», «текканга тегиб, тегмаганга кесак отадиган», бадфеъл, бадхулқ одам бўлиб чиққан болаларга нисбатан ишлатадилар.

Мушукнинг ўлими — сичқонга тўй.

Шунга ўхшаш «Қашқир тумшуғидан тутилар, Бева-бечоралар қутилар» деган мақол ҳам борки, булар билан: «Қонхўр, золимларнинг ўлими мазлумлар учун хурсандчилик келтиради», демоқчи бўлганлар.

Мушукнинг қанорага бўйи етмаса, «пуф, сассиқ!» дейди.

Вар.: «Мушук илмоқдаги қуйруқни ололмай, «Пуф, сассиқ!» деган экан»; «Мушук гўштга бўйи етмаса, «Рўза тутдим» дер». Қанора — гўшт осиб қўйиладиган бир неча илгакли мослама; чангак. Мазкур мақолларни қилмаган ишига олдиндан мақтаниб юрадиган, қўлидан келмаган ишга уриниб, уддасидан чиқолмай, одамлар ўртасида шармандаси чиққанда «қуракда турмайдиган» баҳоналар кўрсатиб, ўзини оқламоқчи бўладиган ношуд, қуруқ мақтанчоқ одамларга қарата истеҳзо билан айтадилар.

Муҳаббат — бир сўз, мазмуни — дунё.

Халқ севгини, ишқ-муҳаббатни қадим-қадимдан қадрлаб, эъзозлаб, авайлаб, улуғлаб келган, ишқу вафо йўлида ҳатто жонини фидо қилган... У ўзининг асрлар давомида яратган сон-саноқсиз мақолларида ишқ-муҳаббатни мадҳ этган, ошиқ-маъшуқларга севиш ва севилишнинг ўзига хос томонларини, тартиб — қоидаларини, ахлоқ-одобини, шарт-шароитларини уқтирган, йигит-қизларга турмуш қуриш, муносиб ёр танлаш, севгини қадрлаш юзасидан панду насиҳатлар қилган: «Ишқсиз ҳаёт бўлмас, Ҳаётсиз ишқ бўлмас»; «Муҳаббатсиз умр — ўт олмас кўмир»; «Эгган бошинг керакмас, дилда севгинг бўлмаса, Тўккан ёшинг керакмас, Севган кўнгил бўлмаса»; «Муҳаббат — дилнинг меваси»; «Муҳаббат кўзда бўлмайди, юракда бўлади»;

«Ўчоқдаги ўт бошқа, Юракдаги ўт бошқа»; «Севги деган — икки кўзда»; «Ошиқликнинг кўзи кўр»; «Суйган кўзга султон кўринмас»; «Ишқ йўлида шоҳ ҳам бир, гадо ҳам»; «Қалдирғоч қаро бўлур, Қаноти ало бўлур, Ёшликда берган кўнгил, Айрилмас бало бўлур»; «Муҳаббат — бир балойи шайдир, гирифтор бўлмаган билмас»; «Ишқ ўтининг олдида дўзах ўти учқунча йўқ»; «Ҳамма дардга бор даво, Севги дарди бедаво»; «Жондан ўтмаса, жоним демас»; «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, Жондан кечмасанг жонона қайда?!»; «Куйган ўланчи бўлар, Суйган — лапарчи»; «Муҳаббат торозусини билмасанг, мисқол ҳам оғирлик қилади»; «Севги — бир, макони — икки («Севгининг ўзи битта-ю, аммо икки қалбдан ўрин олади», дейилмоқчи); «Тегирмон икки тошдан, Муҳаббат икки бошдан»; «Севгига зорлик бор, зўрлик йўқ»; «Севги пулга сотилмас, Кўнгил пулга топилмас»; «Мард йигитга севги — синоқ»; «Пўлат оловда синалса, Севги ҳижронда синалади»; «Бир нафаслик «муҳаббат», Бошга келтирар офат»; «Синалган севги букилмас, Букилса ҳам сўкилмас»; «Билиб қўйган кўнгил жудо бўлмас»; «Ўнтанинг ёрёри бўлгунча, Биттанинг вафодори бўл»; «Ишқи борнинг имони бор»; «Маъшуқ қайда бўлса, ошиқ шунда»; «Севганинг қошингда бўлса, Сенга чўл — боғи — эрам»; «Суйганинг билан бўлсанг, қора уй ҳам ола баргоҳ кўринар»; «Ишқ бошқа, Ҳавас бошқа» (Бу билан: «Бировни шунчаки яхши кўриш, унга ҳавас қилиш, майл қўйиш — бир бошқа-ю, унга ишқ қўйиш, ошиқ бўлиш, чин дилдан севиш — бир бошқа», демоқчи бўлар-лар); «Севганнинг кўзи айб кўрмас»; «Муҳаббатнинг кўзи кўр, қулоги кар»; «Уйқу жой танламас, Муҳаббат — чирой»; «Очлик ош танлатмас, Ошиқлик ёш танлатмас»; «Муҳаббат бойликка боқмас» (Муҳаббат агар ҳақиқий бўлса, ошиқнинг ё маъшуқнинг бой ёки камбағаллигига қарамайди); «Севги ёрдамчи — тиламас» («Севишганлар ўртасига бировнинг тушиши ва уларни қовуштириб қўйиши шарт эмас, улар бир-бирларини ўзлари топиб, ўзлари таниб, ўзлари қовушиб кетадилар», дейилмоқчи); «Кўнгил кимни севса, гўзал — ўша»; «Лайлини кўриш учун Мажнуннинг кўзи керак»; «Сулув — сулув эмас, Суйган — сулув»; «Ўз суйганинг — ўзингга сулув»; «Сулув бўлган билан, ёр бўла билмас, Туя бўлган билан, нор бўла билмас» (нор — бир ўркачли эркак туя; кучли, бақувват туя); «Боқмагил наслига, Боққил аслига»; «Ҳусн тўйда керак, муҳаббат кунда керак»; «Кўнгилни суратга боқиб берма, Сийратга боқиб бер» (сийрат — хулқ-атвор, хислат, одат); «Ҳар ким суйган ошини ичади» (Буни мажозан: «Ҳар ким севганига кўнгил беради, хоҳ у чиройли бўлсин, хоҳ хунук, таъбига ёқиптими — бўпти!» деган маънода айтадилар); «Ҳар ким — суйганининг қули»; «Суйганимнинг кўнгли учун, суймасимни суярман» (Буни «Севгимнинг кўнгли учун, уни хафа қилмаслик учун, ўзим аслида севмаган, ёқтирмаган нарсани ҳам мажбуран севаман, ёқтираман; кулгим келмаган нарсага ҳам, севганимнинг кўнгли учун, уни мамнун этмоқ учун куламан ва ҳ. к.» деган маънода айтганлар); «Ўзинг суйганни олгунча, ўзингни суйганни ол»; «Қозон қайда — сув шунда, Сулув қайда — кўз шунда», «Юз юзга тушар, Меҳр — кўзга»; «От туз дейди, Йигит — қиз»; «Эгри бўлса ҳам йўл яхши, Хунук бўлса ҳам қиз яхши»; «Қиз қилиғи билан иссиқ»; «Сулувидан жилуви яхши» (жилуви — илиғи; илиқ қилиғи); «Севган билан қўшилиш — дуторга тор таққандай, Севмаган билан қўшилиш — заҳарли илон чаққандай»; «Йўл йўлдошинг қистаб турса, Йўлдошим деб чоғлама, Кўнгли сенда бўлмаганга, сен ҳам кўнгил боғлама»; «Севганга — султонсан, Севмаганга — ултонсан» (ултон — қора мол терисидан тайёрланган чарм; тагчарм); «Суймаганга суйкалма!»; «Суймаганга суйканма — баҳонг кетар, Минг тиллолик бошингни бир пул этар»; «Севгининг баҳори билан шодланма, Ёзи билан қиши ҳам бор», «Йилнинг баҳорини севган, Қишини ҳам ўйлаши керак» (Бу билан «парда» орасида: «Маъшуқани ёшлигида севган киши қариганида ҳам севиши, азалий севгисига содиқ бўлиб қолиши керак», деган маънода насиҳат қилади-

лар); «Севги қаримас, Асл чиримас»; «Қалбга қаримоқ йўқ, Севгига — ўлим».

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун
(Навоий).
Кишига ишқ агар ҳамроҳ бўлса.
Гадодир ул агар шоҳ бўлса.
(Мажлисий).
(«Ойхон:) Эй азизим! Маъшуқ қайда бўлса, ошиқ шунда бўлар. Сенинг юрагинг гули қайда очилур бўлса, булбули шундагина сайрар... (Майсара:) Суйган кўзга султон кўринмас. Бутун дунё давлати суйган қошида бирмунча қиммати йўқ. Зиндондаги шириншарбатдин очиқликдаги ситам, ғурбат яхшироқмасми?» (Ҳамза, Майсаранинг иши). «Муҳаббат — дутор, эхтиёт қилиб тутмасанг, тоб ташлайди» (А. Қаҳҳор, Ён дафтардан)

Наврўздан сўнг қиш бўлмас, мезондан сўнг ёз бўлмас.

Наврўз — қуёш йили ҳисобида янги йилнинг биринчи куни (март ойининг 21 — кунидан апрель ойининг 21 — кунигача бўлган даврга тўғри келади). Мезон — йил ҳисобида сттинчи ойнинг арабча номи (23 сентябрь — 23 октябрь оралиғидаги даврга тўғри келади). Бу мақолга ва унинг қуйироқда келтириладиган бир қатор вариантларига изоҳ беришдан олдин шуни айтиш керакки, инсоннинг ҳаётида уни ўраб турган бутун борлиқнинг, айникса (ижтимоий шароитлардан ташқари) табиий шароитлар ва атмосфера ҳодисаларининг қандай бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам инсон борлиқни (жонли ва жонсиз табиатни: Қуёш, Ой, осмон ва юлдузларни, атмосфера ходисаларини, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсини ва ҳ. к.) қадимдан кузатиб келади. Кундалик ҳаётий талаблар (чорвадорлар учун молларни қачон яйловларга ҳайдаб бориш ва қишлоқ жойларга ҳайдаб келиш; деҳқонлар учун у ёки бу экинни қачон экиш ва ўриб-йиғиб олишнинг қулай муддатларини билиш, эртанги кунда нималар қила олишни билмоқ учун келажакни тасаввур эта билиш зарурати ва ҳ. к.) кишиларни астрономик ва метеорологик кузатишлар олиб боришга, вақт — йил, ой, кун — ҳисобини юритишга, бу соҳалардаги тўпланган тажрибалардан муайян хулосалар чиқариб, шунга яраша иш тутишга, шунга мослашиши ва одатланишга мажбур этган. Шу тариқа халқ астрономияси, космографияси, метеорологияси ва вақт ҳисобини юритиш системаси (яъни, халқ календари, агрометеорологик (календарь) вужудга кела бошлаган. Америкалик машҳур метеоролог Френк Форрестернинг ёзишича: «Замонлар ўтгани сайин инсон иқлим ва об-ҳавонинг ўзгариши муайян изчиллик ҳамда маром асосида содир бўлишини пайқай бошлаган. Гарчи у ҳали об-ҳавонинг ўзгариш сабаблари ва қонуниятларини аниқлай олмаган бўлса ҳам, ҳодисаларнинг такрорланиши тўғрисида баъзи бир дедуктив хулосалар чиқаришга қодир бўлган. Бу дастлабки кузатишлардан келиб чиққан хулосалар бирин-сирин кўпая борган ва... авлоддан-авлодга ўта-ўта, замонлар оша ҳикмат дурдоналарига айлана борган. Сон-саноқсиз мақол ва ибораларда ўз инъикосини топган бу фольклор бизнинг замонамизгача етиб келган. Уларнинг кўпчилиги билимсизликнинг, тасаввур ва уйдирманинг самараси бўлиб, асоссиздир. Аммо, об-ҳаво тўғрисидаги айрим мақолларда шундай боғланишлар топа олинганки, эндиликда фан уларни тасдиқламоқда» (Ф. Форрестер, Тысяча и один вопрос о погоде). Жаҳон халқларининг мақоллари каби кўпгина ўзбек мақолларида ҳам у ёки бу фаслнинг, ойнинг чинакамига қачон бошланиши ва қандай келиши олдиндан «айтиб берилади», фасллар ва ойларнинг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилади. Энди юкоридаги мақолни изоҳлашда давом этамиз. Наврўз (янги кун) кун билан тун тенглашган паллага (21 мартга) тўғри келади. Буни ўз даврида Навоий ҳам қайд қилган:

Юз очиб билдирди, қад бирла сочи тенг эрканин,
Зоҳир ўлғондек туну-кун тенглиги наврўздин.

Тожикларда «Наврўз баъд аз ба-

робараст шабу рўз» деган мақол ҳам бор. Наврўз ва мезон ҳақида Аҳмад Аҳмадий шундай ёзади: «Ёз» сўзидаги «ё» «о»га алмашиниб, «оз» бўлгонда ёз мавсумининг бошландиғи бўлғон мартга хосланиб айтилган. Мақол: «Оз бўлмай ёз бўлмас, Ёз бўлмай моз (ўт) бўлмас»... Сентябрь ойида баъзи чўпларнинг бошида момиқ пахтаға ўхшагон оқ бир нарса учиб, ерни оқ нарса босалур. Шунга эски туркчада «мезом» дейилганидан, сентябрь ойиға ҳам «мезом» дейилур. «М» «Н» га алмаштирилиб, «мезон» ҳам дейиладур» (А. Аҳмадий, Туркча ой отлари). Халқимизда яна шундай мақоллар бор: «Тўқсон тўлмай, ёз чиқмас» (Тўқсон қиш фаслининг 1 декабрдан 1 мартгача бўлган давридаги 90 куни). «Тўқсон тушганидан кейин 20 кун ўтиб, «қиш чилласи кирди», деб айтадилар. Мазкур чилла 40 кунда адо бўлиб, йилнинг энг совуқ вақти бўлур. Чилла чиққандин кейин 10 кунлик аҳмон тушиб, унинг орқасидан яна 10 кунлик даҳмон тушади. Мазкур даҳмон чиққандин кейин яна 10 кун ўтиб, тўқсон ҳам тамом бўладур» (В. Наливкин, Терма китоб). Юқоридаги мақолда (шунингдек, бошқа кўпгина мақолларда) «ёз» деганда ҳозирги тушунчамиздаги ёз фасли эмас, балки баҳор фасли назарда тутилган. Чунки, эски туркий тилларда «ёз» сўзи «баҳор» тушунчасини англатган); «Лайлак келмай ёз бўлмас, Қирғияк чопмай куз бўлмас». Қирғий (қирғияк, қийғирак ҳам дейдилар) — сунбула (23 август билан 23 сентябрь оралиғидаги давр) ойининг ўрталарида келади. Тожикларда буни ифодаловчи шундай мақол бор: «Сунбула моҳаст дарун қийғирак, Ҳафт даҳўм, нуз даҳўм, бистияк» (яъни, қирғияк сунбула ойининг 17, 19, 21-кунларида келади). Шу даврда қиргийнинг болалари камолига етиб, сайдга (чумчуқ, тўрғай ва бошқаларга) чоут сола бошлайди. Аҳмад Аҳмадий «Қиркуяк тушар, қирғий балапонин учирар» деган мақолни келтираркан, «қиркуяк» хусусида шундай дейди: «Август ойида қўй-эчкилар қочса, қиш кунида қўзиловға тўғри келадур. Август ойида қўзилар, эчкиларни кўплаб (қочиш)дан сақлаш учун қўчқор, такаларнинг белиға кигиздан куяк (тўсқоқ, буни «беллик» деб ҳам атайдилар) боғланадур. Ул куяк октябрда очилиб, қочиришга эрк бериладур, Мана шу қўчқор, такаларға қирда юрғонларида куяк боғлаш муносабати билан август ойиға «қиркуяк» дейиладур» (А. Аҳмадий, Туркча ой отлари). Ҳисобдонлар илк кузда ёмғир томчиласа, «Ана, биринчи қирғияк», кузнинг кейинги ойларида томчиласа, «иккинчи қирғияк», «учинчи қирғияк» дердилар. Биринчи қирғиякдаёқ «Қирғияк келди — куз бўлди» деган мақолни айтиб, кишиларга «экин-тикинингни йиғиб ол, қиш ғаминғни еб қол» деб насиҳат берадилар; «Ёз келганин лайлак билур, Қиш келганин — ола қарға»; «Ғоз келгани — ёз келғани»; «Қарға минг қағилласа ҳам ёз чиқмас, Ғоз бир ғағилласа — ёз»; «Ғоз келса, ёз келар, Қарға келса, қиш келар»; «Ғоз келса, ёз келар, Қарға келса, қатқоқ бўлар»; «Қарға қағилласа қишни чақиради, Ғоз ғағилласа ёзни чақиради»; «Қантар оғса қалт этар, Деҳқон кўзи ялт этар»; «Қантар оғса, қозиқ бошида қор турмас» (қантар — туркча ой номи, декабрга тўғри келади); «Қорачанинг қори турмас» (қорача — эски туркча ой номи, октябрга тўғри келади); «Қарға кетмай қор кетмас, Турна келмай муз кетмас»; «Ола қарға оғоч бошига қўнса, ёз тез келар» («Ола қарға оғоч, яъни дарахт бошиға қўниб, учиб кетишга шайланса, тез орада қиш тугаб, баҳор бошланади», дейилмоқчи); «Турна эрта келса, Кўклам эрта келади»; «Бир гул билан баҳор бўлмас», «Ёз келганни елка билур, Қиш келганни — бурун» (Бундай дейишларининг боиси шуки, ёзда елкаға офтоб тегиб қиздиради, қишда эса киши шамоллаб, тумов бўлиб, бурни оқа бошлайди); «Бир қалдирғоч келгани билан баҳор бўлмас»; «Бир қалдирғоч билан ёз бўлмас, Бир булут билан куз бўлмас»; «Савр қирмай ёз бўлмас»— (савр — йил ҳисобида иккинчи ойининг арабча номи бўлиб, 21 апрель билан 22 май оралиғидаги даврга тўғри келади); «Жавзо туғмай ёз бўлмас» (жавзо — йил ҳисобида учинчи ойининг арабча номи бўлиб, 22 май билан 22 июнь оралиғидаги

даврга тўғри келади); «Жавзо кирмай ёз бўлмас, Қавс кирмай қиш бўлмас» (қавс — йил ҳисобида тўққизинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 22 ноябрь билан 22 декабрь оралиғидаги даврга тўғри келади); «Бир қарға билан қиш келмас»; «Мезон ўтиб ақраб кирса, қиш деган сўз» (ақраб — йил ҳисобида саккизинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 23 октябрь билан 22 ноябрь оралиғидаги даврга тўғри келади); «Ақраб келди айқириб, Совуқларни чақириб»; «Ҳулкар ботди — ер қотди» (Ҳулкар — сурайё. Одатда Ҳулкар ботгани сари ҳаво совиб, ер музлай бошлайди); «Ақраб ўтди — қиш етди»; «Ҳулкарли ойнинг бари қиш»; «Ҳулкар уйдан кўринса, уч ойдан сўнг — ёз»; «Далв кирди — давр кирди» (далв — 20 январдан 20 февралгача бўлган давр, йилнинг ўн биринчи ойи); «Ҳут чиқар, ҳамал кирар» (ҳут — 20 февралдан 21 мартгача; ҳамал — 21 мартдан 21 апрелгача бўлган давр) ва б.

Нари борсам ҳўкиз ўлар, бери келсам арава синар.

Бу мақолни бировдан ҳар бир нарсасини қизғанадиган, ўла қолса бировнинг ҳожатини чиқармайдиган феъли тор одамларга нисбатан қўллайдилар.

Насия еманг этни, қизартирар бетни.

Вар.: «Насия еманг гўш (т)ни, Ёриб чиқар тишни»; «Насия еманг этни, Суяги йиртар кетни»; «Насия нонниng ҳам куюги бўлади, ҳам кесаги»; «Насия қуйруқдан нақд ўпка яхши»; «Насиянинг ўн сўмидан нақднинг бир сўми яхши»; «Насияни ўгри чиқарган»; «Насияга маймун ўйнамас»; «Насияга девона фотиҳа бермайди». Бу мақоллар билан: «Нафс йўлига кириб, биргина гўшт ё нон эмас, умуман ҳар бир нарсани бировдан насияга олиб, қарздор бўлиб қолиб, кейин уни вақтида тўлай олмай, қийналиб, хижолат чекиб, уялиб юришингнинг нима ҳожати бор?! Ундан кўра нафсингни тийсанг, хижолат ҳам тортмайсан, қийналмайсан ҳам, одамлар орасида қизариб-бўзариб юрмайсан ҳам» демоқчи бўладилар. «Насиядан унгани — тегирмондан чиққани» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Агар бировга бир нимани (пул, дон-дун ва ҳ. к.) насияга берган бўлсанг-у, у қарздор одам омонатингнинг ҳаммасини бирданига беришга қурби етмай, оз-оздан бериб турса ҳам йўқ дема, олавер, ҳарна насиядан унгани сен учун фойда. Қарздорнинг оз-оздан бўлса ҳам тўлаб туриши — тегирмондан чиққан унниng оз-оздан кўпая-кўпая, қопқоп бўлиб кетиши билан баробар. Насия олган оз-оздан бўлса ҳам қарзингни батамом тўлаб қўяди», деган маънода насия берган одамни инсоф, адолатга чақирадилар.

Насиҳат кўп чўзилса, ёмонликка айланади.

Бу билан: «Ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Масалан, бир идишга ортиқча сув қуйилса, тошиб ерга тўкилади. Гап ҳам шундай. Бировнинг юраги кенг бўлса, бировнинг юраги тор бўлади. Ҳамма ҳам кўп гапингни, кўп насиҳатингни сабр-чидам билан ичига ютавермайди, жигига тегиб, сени жеркиб ташлаши ҳам мумкин. Шундай экан, бировга насиҳат қилмоқчи бўлсанг, вақти билан, ўрни билан, меъёри билан қисқа-лўндагина насиҳат қил», демоқчи бўладилар.

Нафас кирса — бор-у, чиқса — йўқ.

«Кишининг умри бир нафаслик вақт ичида ҳал бўлади. Нафас кирса — бор-у, нафас чиқиб кетса — йўқ. Шундай бўлгач, ҳар жиҳатдан эҳтиёт чораларини кўриб, қилар ишингни, борди-келди муомаланги тўғрилаб юр», деган маънода кишини огоҳлантирмоқчи бўлганда шундай дейдилар.

Не нарса йўқ, шу танқис.

Одатда нимаики нарса (хоҳ у арзийдиган, хоҳ арзимайдиган бўлсин) йўқ

ёхуд камчил бўлса, ўша нарса таниқ, баҳоси ортиқ, қадрли бўлади. Мақолда шу ҳол ифода этилган.

Не хилда яшасанг, шу хилда ўйлайсан.

Бу мақол доноларнинг: «Онгни турмуш белгилайди» деган сўзини тасдиқловчи халқ ҳикматларидан биридир. Масалан, киши деҳқончилик билан яшаса, биринчи галда шу деҳқончиликка оид нарсалар ҳақида ўйлайди, бош қотиради, елиб-югуради; киши илм эгаси бўлса, илм йўлини қувийди ва ҳ. к.

Невараларга бувиларнинг ёнидагидек иссиқ жой йўқ.

Педагог олим М. Шербоев бу мақолни шундай изоҳлайди: «... Чунки, бувилар қаҳрамонона юришлар, ажойиб саргузаштлар ҳақидаги оддий эртаклар айтиб, болаларда қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки уларда муайян мойилликларни ҳам ўстирар эдилар».

Нимани хор тутсанг, шунга зор бўласан.

Бу — табиий ва ижтимоий қонуниятлар асосига қурилган халқ ҳикматларидан биридир. Дарҳақиқат, киши ҳар қандай нарсани ё кимсани хор тутса, қадрига етмаса, авайлаб тутмаса, тежаб-тергамаса, оқибат-натижада ундан маҳрум бўлиб, эҳтиёж сезади, зор бўлади. Масалан, нонни, озиқ-овқатни, кийим-кечакни, асбоб-анжомни ва ҳ. к. хор тутса, зор бўлади; ёр-дўстларни, хотин, бола-чақани, қариндош-уруғларни ва ҳ. к. хор қилса, улар ундан безиб, юз ўгириб кетадилар, охир-оқибат уларга зор бўлиб қолади. Мазкур мақолни шундай ёмон йўлдан қайтармоқ ниятида, панд-насиҳат тарзида қўллайдилар.

Новвой чақиришга ҳам кекирдак керак.

Ўтмишда шаҳарларнинг бозорларида новвойлар нон солинган саватни бошларига қўйиб, тумонат одам орасида баланд овоз билан: «Иссиқ нон, ширмой нон!» деб нонларини мақтаб ўтаверадилар. Оламон ичида, олағовурда кетаётган новвойнинг нонидан олишни истаган одам: «Новвой, ҳой новвой!» деб унга товуш етказиши учун баланд овоз билан чақириши, яъни «кекирдак чўзиши» керак бўларди. Шу ҳолат мисолга олиб айтилган мазкур мақолни мажозан: «Бу ишни қилиш осон эмас, кўп куч сарфлаш керак бўлади», деган маънода қўллайдилар. Масалан, тўй-зиёфатда ашуласини айтиб, бир оз нафас, ростлаш учун ўтирмоқчи бўлган ҳофиздан қўшиқ ишқибозлари: «Жуфт бўлсин, жуфт бўлсин» деб илтимос қиладилар. У яна айтади. Кейин яна: «Жуфт бўлсин» деяверишса, ҳазил-мутойиба тарзида: «Жон акалар, ахир новвой деб чақиришга ҳам кекирдак керак» деб, ўзининг чарчаганини билдиради.

Новвой ўлса, қўйнидан нон чиқар.

Бу мақол билан: «Ўзига камоли зиқналигидан тайёр нонини емай, шуни ҳам сотиб пул қилақолсам, деб юриб, очидан ўлиб кетади» деган маънода муболаға қилинган ва шундай табиатли кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади.

Нодийданинг тушига бир жуфт шафтоли данак кирибди.

Бу мақолнинг келиб чиқиши ҳалқ ўртасида айтилиб юрадиган қуйидаги ҳикоя билан боғлиқ: «Бир хасис одам тушида бир жуфт шафтоли данак ётганини кўрибди. Бундай ён-берига қараса, ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. «Ҳайрият, дебди у ўзига-ўзи,— шундай нодир нарсани ҳеч ким кўрмабди-я! Бу энг аъло нав шафтолининг данаги экан, хўб қўлимга тушдида, бировга кўрсатмай қўя қолай», деб турганда бир одам келиб қолибди-да, унинг қўлидаги данакларни шаппа олиб қўйибди. Иккови шафтоли данакни талашиб, бир-бирини босиб ура бошлабди. Шу пайт ҳалиги хасис одам уйғониб кетибди. Қараса,

хотинини бўғаётган экан...» Зотида ҳеч бир нарсани кўрмаган, молпараст, назари паст, хасис, зиқна одамни «нодийда» дейдилар. Бундай одамнинг қўлидаги арзимас нарса ҳам зўр, қиммат баҳо бўлиб туюлади ва уни бировга ўла қолса бергиси келмайди. Мазкур мақол шундай одамларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўлланилади. Вар.: «Кўрмаган нима кўрибди — тушида шафтоли данак»; «Нодийданинг кўзига ип арқон, чўп хари бўлиб кўринар»; «Чумсахга чўп хари кўринар»; «Жинкўзга чирманда чорвоқ кўринар» (чумсах, жинкўз — зиқна, хасис, бахил одам).

Нодон билан шавла есанг, оёғингнинг таги пишар.

Бу билан: «Нодон билан ўртоқ, улфат, ҳамтовоқ бўлсанг, ахири бир кун у ўзининг бадҳаракати билан сени овора қилиб, оёғингни «пиширади». Бундай нодонлар билан асло дўсту улфат бўла кўрма!» деган маънода насиҳат қиладилар. Бу фикрни қувватловчи яна шундай мақоллар ҳам бор: «Нодоннинг шакарини ютгунча, дононинг заҳарини ют»; «Ножинс билан асал егандан, заҳари-қотил ичганинг хўб»; «Нодон билан дўст бўлма» (нодон — илм-маърифатдан хабари йўқ, онги, тушунчаси паст, фаҳм-фаросатсиз, қолоқ одам; ножинс — жинси, яъни тури, хили бошқа, кишига аҳл бўлмаган, ёмон, ярамас одам); «Нодон дўст — жафо, Доно дўст — вафо»; «Доно душмандан наф имкони бор, Нодон дўстдан зарар имкони бор»; «Нодон сўзлар, доно ибрат олар»; «Нодон гапирар, доно тақкослар»: «Доно сўзини тергар, Нодон — кўзини»; «Доно — сўз билан, Нодон — мушт билан»; «Доно сўзига бино қўяр, нодон — ўзига»; «Доно ҳикмат келтирар, нодон — кулфат»; «Ўғлингнинг ёмон бўлса улфати, Эшикдан кирар кулфати»; «Нодон кўп сўзласа ҳам гож сўзлар, Доно оз сўзласа ҳам соз сўзлар» (гож — асли «каж» бўлиб, тескари, чаппа, эгри, қинғир, деган маънодадир); «Номарднинг иши миннатдир». «Миннат сўзи ҳам ижобий, ҳам салбий маъноларда қўлланади, Ижобий маънода миннат кишига қувонадиган даражада яхшилик қилишдир. Салбий маънода миннат кишига қилган яхшиликни унинг юзига солиб, таъна қилишдир. Шу маънодаги миннат номардлик аломати ҳисобланади ва «номарднинг иши миннатдир», дейилади» (А. Рустамов, Сўз хусусида сўз). «Нодон зарбоф тўнда ҳам нодон, Билимдон чурукда ҳам билимдон»; «Ножинснинг сирли меҳмонхонасидан, дўстингнинг сомонхонаси яхши» («Сенга хоҳ фикрий тарафдан, хоҳ маслак тарафдан тўғри келмайдиган, қадрингни билмайдиган, ҳурмат қилмайдиган, қилган озгина яхшилигини юзингга солиб, миннат қиладиган ножинснинг серҳашам меҳмонхонасида қуюқ зиёфатда ўтиргандан, дил дўстинг, улфатинг, тенгқурингнинг «кулбаи вайрона»сида ўтирганинг афзал», демоқчи бўладилар); «Доно билан нодон бир булоқдан сув ичмас»; «Доно билан юрсанг — узоқ йўлинг яқиндир, Нодон билан юрсанг — яқин йўлинг узоқдир»; «Доно донога ёр, Нодон дўстга зор»; «Нодон бош бўлмас, Кўпик иш бўлмас»; «Нодонга улфат бўлган қон ютар»; «Нодонга йўлдош бўлма, кейин пушаймон қилма»; «Дононинг сўзидан ҳам қолма, изидан ҳам»; «Донога эргашган — донодан ошар».

Ножўя ишдан ёш бола ҳам уялади.

Ножўя, яъни одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган, чин инсонийликка муносиб келмайдиган, чакки, қинғир ишлар билан шуғулланиб юрувчи одамга: «Наҳотки сен кап-катта одам бўла туриб, бу қилиб юрган ишларингдан уялмасанг?! Ахир бунақа ножўя ишдан ёш бола ҳам уялади-ку!» демоқчи бўлганларида шу мақолни ишлатадилар.

Ноз қизга ярашар.

Ўзи эркак киши бўла туриб, эркакларга хос бўлмаган қилиқлар, ноз-карашмалар қиладиган, ҳазалак, хотинчалиш одамнинг устидан кулганда шундай дейдилар.

Ноз қил нозбардорингга, харид қил харидорингга.

Нозбардор — нозни кўтарувчи. Бу билан: «Нозингни, эркалигингни, ҳазилмутойиба гап-сўзинг ё қилиғингни кўтарадиган, тушунадиган, ҳаддинг сиғадиган одамга қил, акс ҳолда ўзинг гап эшитишинг, ҳатто калтак ейишинг мумкин. Бирор нарсангни сотсанг, ўша нарсанинг қадрига етадиган одамга сот», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ноинсофни туз конида кўр.

Бу билан: «Ноинсоф одам туз конига бориб қолгудай бўлса, текиндан — текинга ётган тузни кўриб, кўзи очлик қилиб, тузнинг оғирлигидан бехабар қопларга тўлдириб, уловига ортаверади, ортгани кўзига кам кўриниб, яна ортаверади. Кейин йўлда улови бу ҳаддан ташқари оғир юкни кўтаролмай, чарчаб, юролмай қолади. Эгаси тузни йўл-йўлакай ташлаб-ташлаб, уйига ярим — ёртисинигина олиб келишга мажбур бўлади», демоқчи бўлганлар. Мақол мажозан шунга ўхшаш ҳолларда ва ноинсоф кишиларга нисбатан қўлланилади.

Нокастадан қарз қилма, қарз қилсанг ҳам харж қилма.

Вар.: «Нокастадан қарз олма, Олиб киссангга солма»; «Нокастадан қарз-сўрагунча, итдан суяк сўраган афзал»; «Аслнинг хатоси йўқ, Нокаснинг — атоси»; «Томеъдан карам тилама, Гадодан дирам тилама» (томье — тамагир, бировдан бирор нарса умид қилувчи, бировнинг нарсасига кўз тикувчи. Дирам — танга, пул); «Номарддан ёрдам сўрама, юзингга солади»; «Нокастадан қарздор бўлсанг, ҳам йўлда тутар, ҳам гўрда.»

Номарднинг кўпригидан ўтгандан — дарёда гарқ бўлган яхши.

Вар.: «Ўтма номард кўпригидан, сой сени оқизса ҳам»; «Кечма номард кўпригидан, сел сени оқизса ҳам»; «Номардга зор бўлгандан, қора дарёга ғарқ бўл»; «Номарднинг қўлидан зарбоф тўн кийгунча, Марднинг қўлидан заҳар ич»; «Номарддан нажот кутма, Итдан — ҳожат»; «Номардга ялинма, бир балога чалинма»; «Номардга асло сунма бўйнингни, Пуч ёнғоққа тўлдиради қўйнингни»; «Номард бўлиб кўпга киргунча, Мард бўлиб ўлган яхши»; «Номарднинг хотини бўлгунча, Марднинг беваси бўл»; «Нолиш билан иш битмас, Номардга мард тиз чўкмас»; «Номардга тиз чўкиш — ўлимдан қаттиқ»; «Номардга ёлворгунча, Йўмардга ёлвор» (йўмард — «жўмард» ҳам дейдилар — сахий, қўли очиқ одам); «Номард нон устида ҳам нолишин қўймас»; «Номард ошда билинар, Мард — ишда»; «Номардда номус бўлмас»; «Номард ишинг билмасин, Билиб багринг тилмасин»; «Номардга иши тушмаган — марднинг қадрини билмас»; «Номардга сўз бергунча, мардга кўз бер»; «Маслаҳатни марддан сўра»; «Мард бўламан десанг, мардга ҳамроҳ бўл»; «Номдор кишига номзод бўл» («Номдор, яъни эл-юрт орасида номи чиққан, обрў-эътиборли одамга номзод бўлсанг, яъни шундай одамга яқин юрсанг, изидан борсанг, сен ҳам обрў-эътиборли бўласан», дейилмоқчи).

Нон — асли дон.

Вар.: «Нон ҳам — нон, Ушоғи ҳам — нон», «Нон боласи — нонушоқ»; «Нон қон бўлса, қон — жон»; «Нон — имондан азиз»; «Нон ҳидида ҳаёт бор, Ҳар мағзида мамот бор»; «Нон бўлса бас, ўзгаси — ҳавас»; «Нон бўлса, чайнашга тиш топилар»; «Нонсиз яшаб бўлмас, Гапни ошаб бўлмас»; «Нонни уватма, қадрини отма»; «Нонга ҳурмат — элга ҳурмат»; «Нон мўллиги — эл тўклиги». Халқимиз нонни азалдан ҳурмат қилади, ҳамма нарсадан афзал, азиз ва муқаддас деб билади. Ота-боболардан қолиб келаётган удум, анъанага биноан, ҳатто нонни дастурхонга тескари қўймайдилар, нонниг устига бошқа нарсаларни қўймайдилар, нонниг устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан

ерга тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешоналарига суradилар, нон ушоқни дастурхон устида кўрсалар, бармоқни ҳўллаб, ушоқ устига босиб олиб, еб қўядилар. Юқоридаги мақоллар нонни эъзозлаш, хор қилмаслик, исроф этмасликка ундаб айтилади.

Нон ёпмай мен ўлай, хамир қилмай синглим ўлсин, унни мақтамай — эгачим.

Оилавий ҳаётда баъзан шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, нон ё хамир овқат ўхшамай қолса, эр айбни хотинга, қайнона айбни келинга қўяди. Мақолни айтган аёл: «Доим буларга мен, ё синглим, ё эгачим айбдор кўринамиз. Ҳеч ким айбни уннинг ўзида демайди-я!» демоқчи бўлади. Мақолни мажозий маънода бошқа шунга ўхшаш ҳолатларда, айбсиз айбдор бўлиб қолган чоғларида қўллайдилар.

Нон пишгунча кулча куяди.

Вар.: «Катта тўқоч пишгунча кичик тўқоч куйибди» (тўқоч — кулча нон). Тандирга ёпилган катта нонга иссиқ ўтгунча кулча қизаради, нон қизаргунча кулча куйиб кетади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозий маъноси шуки, акаси уйлангунча укаси ёхуд опаси эрга теккунча синглиси шошиб кетади. Шундай ҳолларда мазкур мақолни истеҳзо, ҳазил-мутойиба тарзида қўллайдилар.

Нон тиқилса сувга бор, сув тиқилса гўрга бор.

Вар.: «Нонга туйилсанг, сув ич, Сувга туйилсанг, кафан бич». Кишининг томоғига нон тиқилиб қолса, бунинг кўпда хавфли ери йўқ — сув ичиб юборилса, ўтиб кетади. Аммо томоққа сув тиқилиб қолгудай бўлса, кишини худди ўлмоқдан бери қилади. Мақолда шу ҳол ифода этилган.

Нон чайнамагунча ютилмас.

Киши нонни чайнамай ютмайди, ютолмайди ҳам. Шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: «Бировнинг бир гапини, маслаҳатини олдин обдон ўйлаб, мағзини чақиб, кейин қабул эт ва унга амал қил», демоқчи бўладилар.

Нонкўрга берган эсиз ошим, бевафога тўккан эсиз ёшим.

Нонкўр — бировнинг берган туз-намагини, нон-тузи қадрини билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қиладиган «тузини ичиб, тузлигига тупурадиган», кўрнамак, нонтепки одам. Бевафо — аҳд-паймонни бузувчи, садоқатсиз,, вафосиз одам. Мақолда: «Бу ҳар иккала тоифадаги одамга ҳам яхшилик қилиш, унинг ҳақида қайғуришнинг фойдаси ҳам йўқ, ҳожати ҳам йўқ. Чунки, бундай одам барибир яхшиликни билмайди», демоқчи бўлинади.

Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма.

Вар.: «Улуғ сўзлама, улуғ парча нон ерсан». Бу мақоллар билан: «Ундоқ қиламан-бундоқ қиламан, деб мақтаниб, катта гапирма. Борди-ю, ўшандай қилишга қурбинг етмаса, чоғинг келмаса, имконинг бўлмай қолса, одамлар ўртасида қизариб, хижолат тортиб, шарманда бўласан. Аксинча, катта гапирмай, мақтанмай, ўзингни қанча камтар тутсанг, шунча обрў-эътиборга сазовор бўласан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Нонниинг икки кунлигини ё, гўштнинг — бир кунлигини.

Бу — халқнинг тиббий қарашлари натижасида юзага келган мақоллардан бири. Нонни кўп ейиш кишининг сиҳат-саломатлиги учун кўпда зиён етказмайди, аммо гўштни меёридан ортиқ ейиш — зиён, умрни қисқартиради. Маълумотларга кўра, узоқ умр кўрадиганларнинг аксарият кўпчилиги умуман гўшт емас экан ёхуд жуда ҳам оз миқдорда истеъмол қиларкан.

Носни чеккан кишини, уриб синдир тишини, тамаки чеккан кишини, ўнғалтирсин ишини.

Бунда «ўнғалтирсин ишини» деганда «худо ўнғайгина, осонгина ўлдириб қўя қолсин», демоқчи бўлинган. Халқда «Ҳа, осон қилсин», «Осон бўлгур!» деган қаргиш сўзлари ҳам борки, булар ҳам юқоридаги маънода қўлланилади. Кишини ичишдан, чекишдан, қайтаришга ундаб айтилган мақоллар ҳам бор: «Носкаш — пас(т)каш» (Чунки, у ҳаммадан «бир чеким нос беринг» деб тиланаверади); «Чилимкашнинг ҳам қўли куяди, ҳам — пули»; «Йиқилган чилим бўлсин, Тўкилган — тамаки»; «Карнай — мисдан, балғам — исдан»; «Уришма, ичма, чекма, Обрўйинг ерга тўкма».

Нотавон кўнгилга — қўтир жомашов.

Ўз ҳол-қудратидан, имкониятидан баланд нарсаларни, ўзига номуносиб нарсаларни, ҳар бир нарсанинг энг яхшисини, энг зўрини истайдиган, орзу қиладиган (масалан, «Подшонинг қизини оламан» деган хом хаёл билан юрадиган) одамни «нотавон кўнгил» деб мазах қиладилар. Жомашов — кир ювадиган сопол тоғора. Ичи ғадир-будир, кир ювганда қўлни ва кийим-кечакни юлиб кетадиган шундай тоғорани «қўтир жомашов» дейдилар. Бозорда қўтир жомошовни харидорлар сийпаб кўриб, олмай ташлаб кетаверар эдилар. Мазкур мақол билан: «Ўзига номуносиб нарсаларни истовчи, орзу қилувчи нотовон, кўнгилга яроқсиз, ҳеч ким олмайдиган қўтир жомашов ҳам тегмайди», демоқчи бўладилар. Бу мақолни «Мағзава кўнгилга — қўтир жомашов» деб ҳам қўллайдилар (мағзава — кир ювилган совунли сув, кўчма маънода — эзма,шалвираган, ланж, ифлос, ярамас одам).

Нотаниш бегонадан, таниш шайтон ўнғай.

Вар.: «Нотаниш фариштадан — синашта шайтон яхши». «Кўриниб турган аждардан — буқиниб ётган илон ёмон». Кичкина илон қайда-ю, баҳайбат аждар қайда?!»; «Мол оласи ташида, Одам оласи ичида» дегандек, нотаниш, бегона одамнинг яхши ё ёмонлигини, нияти оқ ё қоралигини билмайди киши. Мазкур мақоллар билан: «Нотаниш, синашта бўлмаган дўстдан кўзга яққол кўриниб турган, зиён-заҳмат етказиши очиқдан-очиқ маълум бўлган душман яхши. Чунки, киши шуни ҳисобга олиб иш кўради, ўзини мудофаа қилиш чораларини кўради. Синалмаган дўстга ишонганида эса, ғафлатда қолиб, зиён-заҳмат кўради», демоқчи бўладилар.

Ноумид — шайтон.

Тўлиқ варианти: «Умидли — дунё, ноумид — шайтон». Эътиқодий тушунчага кўра, шайтон худога осий бўлган (исён кўтарган) эмиш-да, «барибир энди худо ярлақамайди, дўзахга солиб азоблайди, энди мен тамомий ёмонликни қилавераман», деб, ноумид бўлиб, ёмон йўлга кириб кетган эмиш. Мазкур мақол, гарчи эътиқодий тушунча асосида юзага келган бўлса-да, мажозан: «Ҳар бир нарсадан умидингни узма, ҳаракат қил, етишмаган ишингга етишасан», деган маънода қўлланилади. Бу фикрни қувватловчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Юрак умид билан яшайди»; «Умиди йўқнинг имони йўқ»; «Умидингни узма. кўнглингни бузма»; «Умид қилган етар муродга, Ҳасад қилган қолар уятга»; «Умид ўлмас, ризқ камимас» «Умидсизлик уйин бузсанг, умидингга етарсан»; «Чиқмаган жондан — умид»; «Куч — ишончда»; «Умид ўрга тортар, умидсизлик — гўрга» (ўр — баландлик, тепалик). Шундай бўлса ҳам «Чиқмаган жондан умид» деб, тик этса қўлоғи касалхонанинг эшигида, кўзи оқ ҳалат кийганларнинг юриш-туришида (Шуҳрат, Жаннат кидирганлар).

Ноҳақ қон ерда ётмас.

Бу билан: «Бировни ноҳақ ўлдирган қотил ҳеч вақтда қутулиб кета олмайди, эркинликда юра олмайди, ахири бир кунмас-бир кун қўлга тушиб, жазосини тортади», демоқчи бўладилар.

Нур ёғди — дур ёғди.

Бу мақолни: «Қуёш чарақлаб, нур ёғдириб турса, экинлар баҳра олиб, дуркун ўсиб, мўл ҳосил беради», деган маънода айтадилар.

Нўноқ мерган оқсоқ қуён излар.

Қўлидан дурустроқ бир иш келмайдиган, нўноқ, эпсиз, ношуд, бунинг устида дангаса одам чинакамига ҳаракат қилмай, ишнинг осонгина, ўнғайгина томонини кўзласа, унинг устидан истеҳзо билан кулиб, шундай дейдилар.



Обкашда бир пақир кўтариш қийин, икки пақир кўтариш осон.

Мувозанат бўлмаса, ҳар қандай иш, воқеа, ҳодиса ва ҳ.к. қийин, ноқулай, ноўнғай бўлади. Масалан, оилавий ҳаётда турмуш юритишнинг оғирлиги фақат эрнинг ё фақат хотиннинг гарданига тушса, рўзғорнинг бутун қийинчилигини ё у тортади, ё бу. Агар ҳар иккиласи ҳамжиҳат бўлиб, оғирликнинг бир тарафини буниси, бир тарафини униси кўтарса, бир-бирига ҳамкор, ҳамдард, мададкор бўлса — олам гулистон, турмуш тинч, осойишта ва саранжом-саришталик билан ўтаверади, дейилмоқчи.

Обод қилган — обод бўлади.

Бу билан: «Ҳовли-жойингни, юртингни обод қилсанг, кўркам бинолар, чиройли кўчалар, гуллаб-яшнаган боғ-роғлар барпо этсанг, турмуш шароитинг яхши, қулай, дилрабо бўлади; ўз қилган ишингнинг ажойиб мевасини, самарасини кўриб, дилинг равшан тортади, қалбингда фахру-ғурур ҳиссиётлари пайдо бўлади; эл-юрт ўртасида бош кўтариб, ёруғ юз билан, обрў-эътибор билан юрасан; ҳаётдан кўз юмган чоғингда ҳам, номинг яхшилик ила тилга олинадиган бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Обрў мисқоллаб келади, қадоқлаб кетади

(мисқол — оғирлик ўлчови бирлиги бўлиб, ўрта ҳисобда 5 граммга яқин). Қадоқ мисқолга нисбатан 100 баравар зиёд, баъзи жойларда 400 бошқа баъзи жойларда 500 — 600 грамм (В. Хинц, Е. А. Давидович, Мусульманские меры и веса). Эл-юрт ўртасида кишининг обрў-эътибор қозониши осон эмас, Одамлар бирор кишининг феъл атвори, хулқи, гап-сўзи ва хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб юрадилар, унинг кимлиги, қандайлигини яхши-ёмон кунда синайдилар. Агар у ҳар жиҳатдан баркамол инсон бўлса иззат-ҳурмат қиладилар, ундан ибрат оладилар; ёмон,бадфеъл, баднафс, дилгир, айёр, муғомбир, каллоб, ҳасадгўй, чақимчи, сотқин ва шу каби ярамас иллатлар эгаси бўлса уни асло ва асло ҳурмат қилмайдилар, аксинча, нафратланадилар, лаънатлайдилар, унга яқин юрмайдилар, ўз ораларидан четлатишга ҳаракат қиладилар, ҳатто урадилар, сўкадилар, жазолайдилар. Киши узоқ муддат давомида қилган яхшиликлар эвазига жуда аста-секинлик билан обрў қозона боради. Аммо, ножўя хатти-ҳаракатлар қилгудай бўлса, обрўйини осон йўқотади, эл-юртнинг назаридан, иззат-ҳурматдан қолади, ҳатто нафратга учрайди. Юқоридаги мақолни қўллар эканлар: «Оз-оздан йиғилиб бунёдга келган обрўйингнинг қадр-қимматини бил, ундан ажрайдиган қилиқ қила кўрма!» демоқчи бўладилар. «Обрўли обрўсидан қўрқар, Обрўсиз нимасидан қўрқар!» деган мақол ҳам бор.

Овни отсанг билиб от, дол нишонга илиб от

(дол нишон — нишоннинг қоқ ўртаси). Буни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, «Ҳар қандай ишни қилар бўлсанг, маҳорат билан қил, токи бу ишинг яхши самара берадиган бўлсин», деган мажозий маънода

ҳам қўллайдилар. Ов билан боғлиқ ҳам тўғри маънода, ҳам мажозий маънода ишлатиладиган яна бир қатор мақолар бор: «Ов бор жойда овчи ҳам бўлади»; «Милтиқ кўтарган билан овчи бўлмас, Дағдаға солган билан довчи бўлмас». Ўтмишда ҳар бир эл-уруғнинг ўз донолиги, чечанлиги ва қозонган муваффақиятлари билан донги кетган довчилари бўлади. Юзага келган можароли масалалар бир тарафли қилинадиган йиғинларга ҳар бир эл-уруғ ўзининг ана шундай донгдор довчиларини вакил қилиб юборарди. Мазкур мақолда милтиқ кўтарган ҳар бир кимса ҳам ҳақиқий овчи бўлавермагани сингари, дағдаға солиб, «баланд келмоқчи» бўладиган ҳар бир кимса ҳам ҳақиқий довчи бўлавермаслиги, бундайларга бўш келмаслик лозимлиги уқтирилган. «Кўп отган билан мерган бўлмас, Кўп айтган билан чечан бўлмас»; «Ов олган този бурнидан маълум»; «Овчи нон қидирар, Кончи — кон» (Буни мажозан: «Ҳар бир касб эгаси ўз тириклиги йўлида ҳаракат қилади», деган маънода қўллайдилар); «Овчига тулкининг эти эмас, териси керак»; «Овчи тулкининг этини емайди, терисини шилади» (Кишилик жамиятида шундай ҳоллар ҳам бўладики, бойнинг, амалдорнинг ўзи ё умр йўлдоши, фарзандлари ёхуд яқинларига бирор одам яқинлашиб, дўстлашиб, қадрдонлашиб, «борди-келди», «олди-берди» қилиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Бундай тасодифий ҳолдан таажжубланган одам бир одамга: «Нечук фалончи фалончи билан жуда» «оғиз-бурун ўпишадиган» бўлиб кетибди?» деса, у одам киноя, қочирим йўсинида мазкур мақолни айтади ва бу билан: «Ҳе, шуни ҳам билмайсанми?! Унинг бу дўстлашиб, қадрдонлашгани бежиз эмас. Асли мақсади — у билан холисанилло дўстлашишмас, балки «йўли»га шундай қилиб, қулай пайти келганда унинг воситаси билан ўзининг қўлидан келмайдиган бирор ишини битириб олиш, ёинки ундан бирор нима ундириб, моддий манфаат кўришдир», демоқчи бўладилар); «Овчи тутишда қанча ҳийлагар бўлса, Айиқ қочишда шунча ҳийлагар бўлади»; «Овчи қанча айёр бўлмасин, Тулки ундан ҳам айёр» («Билганинг билан чекланиб қолма, маҳоратингни тобора ошириб боравер. Зеро, рақибинг ҳам анойи эмас», дейилмоқчи); «Овни ё кўринмаган отади, Ё — эринмаган»; «Отилган овни кузатма, Отиладиган овни кузат» (Бу билан: «Қўлга киритган муваффақиятинг, ўлжанг билан мағрурланиб, қувониб ´эсанкираб, шу билангина қифояланиб ўтирмагинда, бундан буён қўлга киритадиган ютуқларинг ҳақида ўйла, қайғур, шунинг пайида, ҳаракатида бўл», деган маънода насиҳат қиладилар); «Овчининг кечикканига суюн»; «Йўловчининг кечикканига суюнма, Овчининг кечикканига суюн» (Одатда бирор ерга кетган одам аллақачон қайтиб келиши керак бўлган бўлса-ю, нима учундир ҳадеганда келавермаса: «Оҳ, унга бир нима бўлдимикин, ишқилиб бирор иш — ҳол содир бўлмаган бўлса яхши эди-я!» деб минг хил ҳаёлга борилади, хавотир қилинади. Ов қилгани кетган одам кечикиб, ҳадеганда келавермаса хавотирга тушмайдилар, аксинча: «Кечикяптими, демак — дурустроқ ов топган-у, ўшани қўлга киритиш ҳаракатида юрган», деган ҳаёлга бориб, суюниб ўтирадилар); «Овчи кечикса, онг келар» (онг — анг, ўлжа); «Овчининг ўлими — овда, Сувчининг ўлими — сувда»; «Овчига гўшт қаҳат эмас, Ўғрига — мол»; «Ови юрганнинг дови юради»; «Ови юрса ҳам дови юрмас».

Овсинлар иноқ бўлса, оға-инилар чиноқ бўлмас.

Бу мақол қуйидаги ҳикоя асосида юзага келган: «Ўтган замонда, Кубо деган томонда — беш оға-ини бор экан, аҳилу иноқ, ҳамдаму ҳамкор эканлар. Тўнғичлари ота ўрнини босар экан, беш хонадон битта қозон осар экан. Топганлари бир қўлга йиғилар экан-да,харжлашда ҳам шу қўлдан чиқар экан. Ҳамма уларнинг иноқлиги, апоқ-чапоқлиги, халоллигига ҳавас қилар экан. Кунлардан бир куни оға-ини-

лардан бири шундай депти: «Аҳилликка нима етсин! Мана, бизлар аҳил-иноқ яшаяпмиз, бир қозондан, бир дастурхондан таом еймиз...» Сизларни аҳил қилган биз овсинлар, депти хотини. Эр буни тан олмабди. Хотини дилига туғиб қўйибди... Ойлар ўтибди. Бир куни овсинлар калла солиб, шўрва қилишибди. Катта огалари баковуллик қилиб, гўшт бўлибди (Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, ота-боболардан қолиб келаётган одатга кўра, калла ҳурмат юзасидан оиланинг — ота-она ёхуд катта ўғил олдига қўйилади. У калланинг икки кўзини бир ўзи олиб ейди-да, бошқа жойларини қолганларга кесиб-кесиб улашади). Дастурхон йиғиштирилгач, овсинлардан бири эрига сўз қотиб, таъна тошларини отибди: «Бефаросатсиз, акам-акам дейсизда, нима берса шуни ейсиз!» «Нима бўлди?» дебди ҳайрон бўлиб эри. «Ие, акангиз гўшт бўлганда қарамадингизми? Тили узун бўлсин деб, тилни ўз хотинига берди, олғир бўлсин деб, олдинги оёқларини ўз болаларига берди. Сизнинг болаларингизга кейинги туёқни, манга фақат кемичак қулоқни берди. Қуруқ жағни ўзингиз ғажидингиз!» «Э, ҳа-а, шунақами ҳали!» дебди эр ғазаби қайнаб. Жанжал чиқибди. Шундай қилиб, ога-инилар ораси бузилибди, аҳилликнинг олтин ипи узилибди, беш оға-ини бош-бошига якка рўзғор тузишибди. ...Шундай буён элда масалдирким: «Овсинлар иноқ бўлса, Оға-инилар чиноқ бўлмас» («Гулистон» журнали, 1969 йил, 8-сон.). Овсинлар тилидан айтилган «Биз иттифоқ — сиз иттифоқ, Биз бўлмасак бир иттифоқ, Бир кундаёқ қир-пичоқ» деган варианти ҳам бор. Аксарият овсинларнинг бир-бирларини «кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ»лиги, улар ҳатто бир-бирининг ашаддий душмани бўлган кундошлардан ҳам баттар эканлиги, уларнинг бундай ярамас феъл-атвори оқибатида эрлари бўлмиш ака-укалар ўртасига нифоқ тушиши, уриш-жанжал кўтарилиши, ҳатто улар бир-бирлари билан «юз кўрмас» бўлиб кетишлари — ҳаётда кўп кузатилган ҳол бўлиб, бу ҳол халқнинг бирмунча мақолларида ўз ифодасини топган: «Оға-ининг бор бўлса, душманим йўқ дема, Овсининг бор бўлса, кундошим йўқ дема»; «Кундош кундошга пахта отади, Овсин овсинга тош отади»; «Кундошлар кул отишар, Овсинлар игна отишар»; «Икки овсиннинг кавуши кавшандозда чандишади»; «Овсин-ажин йиғилса, ажина базми қурилар»; «Овсин-ажиним, Кўрганда келар ғижиним».

Овчи чумчуқ тутибди.

Қўлидан катта ишлар келадиган одам кичик, арзимаган бир иш қилиб қўйиб, шуни мақтаниб юрса, тўғридан-тўғри унинг ўзига ёхуд орқаворотдан мазкур мақолни киноя тарзида айтадилар.

Овчининг зўри шер отар, эрнинг зўри ер очар.

«Қўриқ ва бўз ерларни, ишга яроқсиз бўлиб ётган ташландиқ, сизот, шўрхок, тошлоқ, чангалзор, чимзор ерларни очиб, ўзлаштириб, ҳосилдор қилиб, экинзорларга, боғ-роғларга, гуллаб-яшнаган масканга айлантириш — мард, меҳнатсевар, иродаси кучли, ғайратчан, олижаноб кишиларгагина хосдир», деган маънони ифода этувчи мазкур мақолни қувватлайдиган, тўлдирадиган қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Отнинг зўри қия ошганда билинади, Эрнинг зўри қўриқ очганда билинади»; «Мол семирса ёғ бўлур, Ер очилса боғ бўлур»; «Сен ерни ер қилсанг, Ер сени шер қилар»; «Тер тўкмаса — эр эмас, Қўл тегмаса — ер эмас»; «Ер бетини эр очар, Эр бетини ер очар» («Янги ерлар очиб, обод қилган эр йигитни шу қилган хайрли иши юзага чиқазади, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонтиради», дейилмоқчи); «Ер очганнинг бахти очилар».

Одам билан одам тенгму, арис билан бодом тенгму?!

(Арис — Чимкент шаҳри яқинидан ўтадиган кичик бир да[illegible] — Сирдарёнинг ирмоғи, Бодом — Чимкент шаҳрининг ичидан ўтадиган анҳор). Вар.: «Киши билан киши тенгму,

Чийки билан пишиқ тенгму?!» (чийки — хом); «Одамийнинг насли бирдир, Бир-биридан фарқи бордир»; «Одамдан одамнинг фарқи бор, Юз икки хил нархи бор», «Одам борки, одамларнинг нақшидир, Одам борки, ҳайвон ундан яхшидур». Бу мақоллар билан: «Ҳаётда дўсту биродар, умр йўлдоши танлайдиган, биров билан яқин муносабатда бўладиган бўлсанг, у одамнинг кимлигини, қандайлигини яхши ё ёмонлигини обдан суриштир, бил, сина. Негаки, одамларнинг ҳаммаси ҳам бирдай бўлавермайди: бири яхши бўлса, бири ёмон бўлади», деган маънода насиҳат қилиб, огоҳлантирадилар.

Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин

(одамий — ҳақиқий одам, чин инсон, тамомий яхши хислатларни ўзида мужассамлаштирган киши). Бу ёруғ дунёда ҳар бир кимсани одамий бўлишга даъват этувчи мақол. Вар.: «Одамгарчилик осон, Одмигарчилик қийин» (одмигарчилик — соддалик, камтарлик, одамийлик); «Одам туғилиб ёмон бўлмайди, улгайиб ёмон бўлади»; «Одам туғилганда ёмон бўлмас, Ёмонга ёндошиб ёмон бўлар»; «Одам бўлмоқ — аста-аста, Ҳайвон бўлмоқ — бирпасда» (Бу мақолда «Одам бўлмоқ — аста-аста» дейилганда: «Кишининг жамиятда чин инсон бўлиб етишмоғи жараёни аста-секинлик билан бўлади», «Ҳайвон бўлмоқ — бирпасда» дейилганда эса: «Киши ёмон хатти-ҳаракатлари билан эл-юрт ўртасида обрўсини, одамгарчилигини бирпасдаёқ йўқотиб, «ҳайвон» — яъни, мажозан «Ярамас одам» номини олади», дейилмоқчи); «Одам дунёга чўчқадай семириш-у, итдай болалаш учун келмайди» (Бу билан: «Дунёга келибсанми, фақат ўз манфаатингни, майшатингни, ҳузур-ҳаловатингни ўйлайдиган ва кўзлайдиган худбин бўлма, атрофингдаги одамлар тўғрисида ҳам ўйла, қайғур», деган маънода насиҳат қиладилар); «Одамнинг куюги бўлгунча, Ўрмоннинг қийиғи бўл!» (Одатда поннинг, овқатнинг ва бошқа таомларнинг куюгини емай, чиқитга чиқарадилар. Мақолда: «Сен ҳам жамиятда ўз ёмон хулқ-атворинг билан хатти-ҳаракат қиладиган бўлсанг, одамлар сени шундай куюк сингари чиқитга чиқариб, ўзларидан четлаштириб қўядилар», дейилмоқчи); «Эр ўғлиман де»; «Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл!». Бу кейинги мақоллар билан: «Мен фалончининг ўғлиман» деб, яхши, обрў-эътиборли бўлган отангнинг номи билан фахрланиб, мағрурланиб юрма. Ҳаётинг давомида ўз одамийлигингни эл-юртга қиладиган яхшиликларинг, яхши хулқ феъл-атвор, ширин каломинг билан амалда кўрсат. Шундагина кишилар сени ҳақиқий одам сифатида тан оладилар, иззат-ҳурмат қиладилар», дейилмоқчи. Боболарнинг ҳикмати ҳаётга ёруғ йўлдир:

Отанг боласи бўлма, Одам боласи бўл дер.

(Эркин Воҳидов).

Одам дунёга бир марта келади.

Вар.: «Одам онадан икки марта туғилмайди». Мазкур мақолларни бахил, хасис, зикна, қурумсоқ, топган-тутганини ўзгалар тугул ўзига сарфлашдан ҳам қизғанадиган, «тишининг кирини сўриб» юрса-юрадиган-у, аммо бир оз ортиқча чиқим қилиб, бирор тансиқ таом қилиб емайдиган, буди-шуди бўлатуриб дурустроқ кийим киймайдиган, қисқаси, ўз сиҳати, роҳати маишати тўғрисида ўйламай, ўзини ўзи қийнаб, азоб-уқубатга солиб юрадиган одамга «Сен дунёга бир марта келасан, икки марта келмайсан-ку! Топган-тутганингни «тўп — гирих» қилиб йиғиб, «босиб» ётавермасдан, зарур сарф-харажатингни қил, еб-ич, кий, кул, ўйна!» деган маънода насиҳат қилганларида айтадилар. Мақол бошқа шунга ўхшаш баъзи ҳолларда ҳам мажозий маънода ишлатилади.

Одам еганини ҳўкиз еса, ёрилиб ўлади, одам қилганини шайтон қилса, уялиб ўлади.

Бу мақолни еб тўймас, очкўз, бадхўр, баднафс одамларга ва шайтон-

дан ҳам баттар айёр, муғомбир, алдамчи, кўзбўямачи, қаллоб одамларга нисбатан аччиқ киноя, қочириқ, истеҳзо тарзида қўллайдилар. «Одамнинг шайтони — одам» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Шайтонсифат ёмон одам яхши одамларни ҳам ўз кўйига солади, тўғри йўлдан оздиради, бузади. Бундай «шайтон» одамлардан ҳазар қилмоқ, эҳтиёт бўлмоқ лозим», демоқчи бўладилар.

Одам — олтиндан азиз..

Халқимиз ўзининг бир талай мақолларида дунёда одамдан ҳам азизроқ нарса йўқлигини, одамни эъзозлаш, қадр-қимматига етиш, одамларга ҳамкор, ҳамдард, ҳамнафас, ҳамроз, ҳамроҳ, мададкор, вафодор, садоқатли бўлиш зарурлигини турли тамсиллар воситаси ила қайта-қайта уқтиради: «Одам боласи — элнинг лоласи»; «Одам одам билан азиз»; «Одам одамга керак»; «Одам одамга кунда керак бўлмайди, кунида керак бўлади»; «Одамзоднинг саккизда тиши тушар, саксонида бир-бирига иши тушар»; «Одам одам билан тўқчиликда бир учрашади, йўқчиликда бир учрашади»; «Одам одамга муҳтож» (Бу кейинги мақоллар билан: «Одамлар бир-бирларига яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам керак бўладилар, ҳар қайсилари алоҳида-алоҳида, ўз ҳолларича чинакам ҳаёт кечира олмайдилар, бир-бирларининг ҳар томонлама берадиган ёрдамларига, маслаҳатларига, тез-тез дийдор кўришиб, дилкаш, кўмакдош бўлиб туришларига муҳтождирлар», демоқчи бўладилар); «Одам одамга ёт эмас»; «Одам — одам билан одам»; «Одам одам билан тирик»; «Балиқнинг тириклиги сув билан, Одамнинг тириклиги одам билан»; «Балиқнинг куни кўл билан, Йигитнинг куни эл билан»; «Балиқ сувсиз яшай олмас, Одам — одамнинг ойнаси»; «Йигит — йигитнинг кўзгуси»; «Дил — дилнинг ойнаси»; «Одам одам соясида одам бўлур» («одам бўлур» дейилганда «чин инсон бўлиб етишади» деган фикр назарда тутилган); «Одамнинг кимматини одам билади»; «Одам — одамга қувват»; «Одам одамнинг дардини олади»; «Одамнинг ҳовурини одам кўтаради»; «Одамнинг тафтини одам кўтаради»; «Одам бор дарахтнинг шохини синдирма» («Одамларга каттами, кичикми, бирор зиён келтирадиган иш хатти-ҳаракат, гап-сўз қила кўрма!» дейилмоқчи); «Отга боқма, тўнга боқ, Ичидаги жонга боқ»; «Одамни сина, юлдузни санама»; «Одам — одамга ғанимат»; «Бу дунёда одам — одамга меҳмон»; «Жон — танга меҳмон, Инсон — инсонга»; «Одам — омонат, Дийдор — ғанимат»; «Одамни одам йўқламаса, Қисир қўйнинг туёғидан ҳам қадрсиз бўлади»; «Одамнинг афтига, ҳавонинг тафтига қара»; «Одамнинг юзи — офтобдан иссиқ»; «Одамнинг юзи — олмосдан ўткир» (Бу кейинги икки мақол билан: «Одамларга бақраядиган, бетига чопадиган, «юзингда кўзинг борми» демай, бўлар-бўлмаси қаттиқ ботадиган гапларни гапирма», дейилмоқчи) «Одамнинг чиқити бўлмайди»; «Одамнинг чиқиндиси бўлмас, Чўванинг тиқиндиси бўлмас» (чўва — кунжарадан ясалган, обдастага ўхшаган жўмракли ёғ соладиган идиш. Унинг «оғзи» каттароқ бўлиб, махсус тиқини бўлмасди. Шунинг учун латта-луттани думалоқлаб, тиқиб қўяверадилар. Унча-мунча сиғмайдиган бу идишга ёғ солиб, отнинг қанжирғасига боғлаб, узоқ-узоқ йўлларга ҳам юраверар эдилар). Мақолда «Одамнинг чиқити, чиқиндиси бўлмайди» деганда; «Ҳамма одам ҳам — одам, ҳамма одамда ҳам иззат-нафс бор. Шунинг учун уларнинг нафсониятига тегма, иҳонат кўзи билан, паст назар билан қарама, хор кўрма, одам ўрнида кўр, иззат-ҳурмат қил», демоқчи бўладилар. «Одамни қувиш осон, Ёрдам қилиш қийин» («Гарчи бировга ёрдам қилиш қанчалик қийин бўлса ҳам, бари бир ёрдамлашишга ҳаракат қил, уларга қўлингдан келганини аяма», дейилмоқчи); «Одам қулоқдан озар, Кўнгилдан семирар»; «Оримоқ, семирмоқ — кўнгилдан»; «Одам иззатга семирар»; «Одам курсоғидан орикламайди, қулоғидан орикламайди» (Бу кейинги мақоллар билан: «Одамлар билан ҳамиша яхши, хуш муомалада

бўл, уларнинг кўнглини ранжитадиган эмас, кўнглини кўтарадиган гап-сўз қил», деган маънода насиҳат қиладилар). «(Ачахон:) ...Одам — одам билан, писта-бодом билан, ҳар ким ўз тенгини топиб кетади» (У. Исмоилов, Пьесалар).

Одам она қорнидан қон чангаллаб тушган.

Бу мақолни золим, қонхўр, қотилларга қарата ўта даражадаги кескатиқ тарзида айтадилар.

Одам пўлатдан қаттиқ, гулдан нозик.

Вар.: «Одам тошдан қаттиқ, гулдан нозик» (Бунда «тошдан қаттиқ» деганда одамнинг иродаси, куч-қудрати, сабр-чидами; «гулдан нозик» деганда эса, кўнгли, дили назарда тутилган ва «Одам ҳар канча гавдали, кучли, бақувват бўлса ҳам, кўнглини ола билишга, дилини оғритмасликка ҳаракат қил», демоқчи бўладилар); «Тош қаттиқми, бош қаттиқми!; «Тошми қаттиқ, бошми қаттиқ?»; «Тош қаттиқ, тошдан ҳам бош қаттиқ»; «Одамнинг боши — сойнинг тоши»; «Одамнинг боши ҳар куюкка кўнади» (куюк — дард, ғам, алам, азоб-уқубат, доғ, айрилиқ, жудолик ва ҳ.к.); «Одам бошига тушганни тоғ ҳам кўтаролмайди»; «Одам меҳнатин қилса, пўлат ҳам ейилиб кетади».

Одам сўзлашиб танишар, ҳайвон — ҳидлашиб.

Вар.: «Ҳайвон искаша-искаша, Инсон сўраша-сўраша»; «От кишнашиб топишар, Одам — эслашиб»; «От кишнашиб қулунин топар»; «Одам сўзлашгунча, Йилқи қашишгунча»; «Одам сўзлашар, Ҳайвон ялашар»; «Одам сўйлашиб танишар, Мол — маърашиб»; «От тортишиб от танийди, Эл тортишиб эл танийди».

Одамга — лафз, гўсалага — дум

(лафз — берилган ваъда, сўз, аҳд; гўсала — бузоқ). Бу билан: «Одам бировга, кўпчиликка берган сўзининг, ваъдасининг устидан чиқиши, аҳдига вафодор бўлиши, шу йўлда астойдил ҳаракат қилиши, лафзи ҳалол бўлиши зарур», деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Лафз — пулдан қиммат».

Одамга — либос, эшакка — тўқим.

Вар.: «Уйга жиҳоз, одамга либос ярашар»; «Одамга — либос, уйга — палос»; «Хонага — палос, хотинга — либос»; «Отга — жабдуқ, одамга — либос»; «Ёғоч кўрки — яппоқ, Киши кўрки — чупрак» (ёғоч — дарахт; чўпрак, чупарак — латта, мато). Бу мақоллар билан: «Ҳар ким ўзига ярашадиган кийимкечак кийиши, озода, покиза кийиниб юриши, одамлар назарида ўзини фақир кўрсатмасликка ҳаракат қилиши лозим», деган маънода насиҳат қиладилар. Айрим ҳолларда эса, ўзига мутлақо ярашмайдиган, бачки кийим киядиган одамнинг устидан кулганларида, мазах-масхара қилганларида шу мақолларни айтадилар.

Одамга — сўз, ҳайвонга — говрон.

Бу мақолни: «Одамни сўз билан ахлоқ-одобга, илм-билимга, касб-ҳунарга ўргатадилар. Хайвонни эса говрон (таёқ, қалтак) зарби билан ўз измларига соладилар», деган маънода айтадилар. Шунингдек, баъзи гап-сўз кор қилмайдиган, «қулоқсиз», бетаъсир, «териси қалин» одамларга нисбатан кескатиқ тарзида қўллайдилар.

Одамдан ҳийла қочиб қутулмас.

«Ҳийла — олти, ақл — етти»; «Тулки тулкилигини қилгунча, териси қўлдан-қўлга ўтади». Бу мақоллар билан: «Одамнинг ақли шундай ўткирки, ҳар қандай ҳийла-найрангни, айёрлик, муғомбирлик, қаллобликни очиб, фош этиб ташлай олади. Ҳийлагарлар бир кун бўлмаса,

бир кун қўлга тушиб, қилмишларига яраша жазосини тортишлари муқаррар», демоқчи бўладилар.

Одамнинг тўраси хушмас, отдан тушса ҳам, эгардан тушмас

(тўра — юқори табақага мансуб киши; зодагон, оқсуяк, аристократ; ҳоким; мажозда: расмиятчи, расмиятпараст, бюрократ). Мазкур мақолнинг маъносига мос «Баланд охурдан ем еган от ердагини еёлмас» деган мақол ҳам борки, бунинг маъноси шундай: «Хон, бекларнинг арғумоқ отларини отбоқарлар тойлигиданоқ ўзига охурча қилиб, шунда ем, хашакларини берадилар, ҳатто ичадиган сувларини ҳам пақирга солиб, шу охурда ичирардилар. Той катта бўлган сари охурнинг деворини бир ғишт, икки ғиштдан кўтара борадилар. Той от бўлгунча шу ҳол давом этарди, охур ҳам от бўйи баланд бўларди, бўйини ҳеч бир энгаштирмасдилар. Мана шундай тарбия натижасида отнинг бўйни қотиб қолади. Бундай от далага чиқса, ердан ўт узиб олиб еёлмасди... Арғумоқнинг мана шу ҳоли одамга кўчирилган: революциядан илгари бойлар синиб, хонавайрон бўлар эдилар. Ҳунар билмасдилар, оғир меҳнатга бўйинлари ёр бермасди, аммо ҳеч кимни назар-писанд қилмас, такаббурлик қилаверардилар» (Ш. Шомақсудов, С. Долимов, Кенг уйнинг келинчаги). Халқ «Баланд охурдан сув ичган» иборасини ҳам, юқоридаги мақолларни ҳам шундайларга қарата истеҳзо ила қўллаган.

Одамнинг қўли — гул.

Вар.: «Одам қўли — гул, Манглай теридур»; «Инсон қилолмайдиган иш йўқ»; «Одам қилган ишни одам қилади»; «Доно ҳам онадан туғилади»; «Алп онадан туғилар, Арғумоқ — биядан». Бу кейинги икки мақол билан: «Шундай ўткир ақл соҳиби бўлмиш доно ҳам, шундай кучли алп баҳодир, паҳлавон ҳам ҳамма одамлар қатори онадан, шундай кучли от — арғумоқ ҳам ҳамма отлар қатори биядан туғилган, осмондан тушганмас. Бас шундай экан, сен: «Ў-ҳў, унга тенглашиб, унинг билганини билиб, қилганини қилиб бўлармиди?!» деб ўтирма. «Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир», ўқисанг, ўргансанг, ҳаракат қилсанг, ҳар қандай одамга тенглашасан деган маънода кишига далда берадилар, ғайратлантирадилар.

Одил киши ойдай, оқиб турган сойдай.

«Оқиб турган сойнинг суви қанчалар мусаффо, тиниқ, кўзни ва дилни қувонтиргувчи бўлса, одил киши, яъни адолатга садоқатли, бирор томонга ён босмай, адолат юзасидан холисона, ҳаққоний иш тутгувчи, гўғри, беғараз одам ҳам шунчалар ёқимли, «фариштали», ибратли, обрў-эътиборли, иззат-ҳурматга сазовор бўлади», дейилмоқчи.

Одобинг — обрўйинг.

Вар.: «Одоб — олтиндан қиммат»; «Осмон — офтоби билан, Одам — одоби билан»; «Яхши фазилатинг — зебу зийнатинг»; «Одоб — кишининг зеб-зийнати»; «Одобли киши — зийнатли, Зийнатли киши — иззатли»; «Ақл — ёшдан, одоб — бошдан»; «Бола азиз, одоби ундан азиз»; «Одобли бола оламга манзур»;» «Одобли — элда азиз»; «Одоб бозорда сотилмас» («Тап-тайёр одобни бозордан пулга сотиб олиб бўлмайди. Одобга ёшликданоқ ўрганиб, кўникиб, уни улғайган сари камол топтириб бориш керак», дейилмоқчи).

Айш, Навоий, неча дилкашдурур,
Лек адаб бирла ҳаё хушдурур;
Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош!
Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук борсанг, тутқил ул сори йўл!
(Навоий).

Одоқда ерим бор дема, чўлда — қўйим

(одоқ — оёқ, этак сўзининг қадимий шакли). Одоқдаги экинни сув олиб кетиши мумкин, чўлдаги қўйга

ҳам ишониб бўлмайди — бўри олиши, бўрон, сувсизликдан нобуд бўлиши мумкин. Мазкур мақол билан юз фоиз ишонч бўлмаганда бирор нарса, воқеа, ҳодиса хусусида қатъий қилиб гапирма дейилмоқчи.

Оёқ ерга тегмаса — улов, тиш тишга тегмаса — овқат.

Бирор яхши нарсанинг ўрнини ёмонроқ, сифатсизроқ бўлса ҳам, тўла-тўкис бўлмаса ҳам, боса оладиган нарсани менсимай, назарписанд қилмай, ундан воз кечиб ўтирмасликка, қаноатли бўлишга ундовчи мақол. Вар.: «Томоқдан ўтганнинг бари — томоқ»; «Ёлли бўлса — от, Ёкали бўлса — тўн»; «Эшак минган от сўрамас, Балиқ еган эт сўрамас»; «Битта нон билан тўядиган қорин яримта нон билан ҳам тўяди»; «Нон бўлса бас, ўзгаси — ҳавас».

Оёқ чарчаса, таёқ ярайди.

Вар.: «Таёқда той кучи бор»; «Болта билан иш қилсанг, эҳтиёт қил оёқни. Кексаликда йўл юрсанг, қўйма таёқни».

Оёқ қайда бўлса, бош шунда.

Бу — халқимизнинг қадимий мақолларидан бири бўлиб, уни Отойи қуйидагича ишлатган:

Э ҳаёлинг то адаб ҳамроз йўлдошим менинг,
Қайдаким бўлса аёгинг, андадур бошим манинг.

Оёқдан кўтарилган чанг оғизга киради.

Бу мақолни: «Сенга халал бермай, тинч ётган нарсани қўзғаб, «чангитиб» нима қиласан, қайтага ўзингга зарар бўлади», деган маънода қўллайдилар.

Оз бўлсин-у, соз бўлсин.

Вар.: «Оз бўлсин, оз бўлса ҳам соз бўлсин»; «Оз бўлсин — соз бўлсин, Бедана бўлсин — ёғ бўлсин». Бу мақоллар билан: «Ҳар бир нарса — хоҳ озиқ-овқат бўлсин, хоҳ кийим-кечак, уй жиҳозлари, асбоб-анжомлар, хоҳ бажариладиган иш бўлсин — сони кўп бўлиб, сифатсиз бўлганидан кўра, оз бўлиб, сифатли, кўркам, чидамли бўлгани маъқул», дейилмоқчи.

Оз ошаган мой ошар, кўп ошаган лой ошар.

Халқ медицинаси қарашларини ифода этувчи мақолларнинг бир қанчасида озиқ-овқатни оз, яъни киши вужудининг эҳтиёжига яраша истеъмол қилиш бениҳоя зарурлиги уқтирилади, кўп, яъни керагидан ортиқча емоқ-ичмоқнинг келтирадиган зарари ва ёмон оқибатлари кўрсатилади: «Оз емак — соз емак»; «Оз емоқ — тани соғлиқ, Оз демоқ — ҳикматга боғлиқ»; «Оз демоқ — ҳикматга лозим, Оз емоқ — сиҳатга лозим»; «Оз еган оз йиқилур, Оз деган оз янгилур» (йиқилур — касал бўлиб ётиб қолур; янгилур — янглишар); «Кўп демак — сўзга магрурлик, Кўп емак — нафсга маъмурлик»; «Иззат тиласанг оз де, Сиҳат тиласанг оз ё» (Булар — А.Навоий ҳикматлари бўлиб, халқ ўртасида мақолга айланиб кетган); «Қорнинг очмасдан овқат егил; Қорнинг тўймасдан қўлингни артгил»; «Оғизга солар ошни оғзига сиғарича ол»; «Оғзинг улкан бўлса, қошиқдан ўпкалама»; «Ақлли одам қиш гамини ёз ер, Кеча бўлса, хўрагини оз ер»; «Эртаги насибдан қолма, Кечки насибга борма». Бу кейинги икки мақолда халқ эрталаб ва кундузи овқатни тўйиб ейиш мумкин-у, аммо кечқурун, ухлашга яқин тўйиб овқат емаслик зарурлигини уқтирган. «Еяр ошингдан емас ошинг кўп бўлсин» («Ҳар нарсани еяверма, ейдиган озиқ-овқатларингдан емайдиган, яъни хом, яхши пишмаган ёхуд мижозингга ёқмайдиган озиқ-овқатларинг кўп бўлсин», дейилмоқчи); «Оғзимга келди деб, дема, Олдимга келди деб, ема»; «Оғзига келганни демак — нодоннинг иши, Олдига келганни емак — ҳайвоннинг иши»;

«Кўп демак бирлан бўлмагил нодон, Кўп емак бирлан бўлмагил ҳайвон»; «Оз есанг асал бўлади, Кўп есанг касал қилади»; «Лойқа — бошдан, оғриқ — ошдан»; «Кўп еган — катта зиён»; «Оз-оз еган мазадур, Кўп-кўп еган озадур»; «Кўзинг оғриса, қўлингни тий, Қорнинг оғриса, нафсингни тий». Медицина фанлари доктори, профессор Ҳаким Зоҳидий бу мақол хусусида шундай ёзади: «Бу ниҳоятда тўғри фикр. Кўз касалликларининг кўпчилиги кўзни ҳадеб қўл билан ишқайверишдан пайдо бўлади, бошқаларга юқади, оғир оқибатларга олиб келади. Нафси бузуқ одамларнинг доимо ичак ва қорин касалликларига дучор бўлиши қадимдан маълум. Демак, бу мақол асрлар давомида ҳаёт тажрибасида пишиб етилган» (Донолар саломатлик ҳақида); «Ҳар нарсанинг ози — дори»; «Оз еган — осон соғаяр»; «Кам-кам е, доим е»; «Кам-кам есанг, доим ерсан, Кўп-кўп, есанг, нени ерсан?!; «Оз еган — кўп ер, Кўп еган — оз ер» (Бу билан: «Озроқ еб, иқтисод, тежамкорликка риоя қиладиган одамнинг маблағи, жамғармаси тобора ортиб бораверади, натижада у кўп вақт ейди; бунинг аксича, топган-тутганини катта-катта ейдиган, ғарра-шарра сарфлайдиган одам бир нима жамғара олмайди, бор «буди-шуди»дан айрилади, натижада оз вақт еб, оч қолишга мажбур бўлади», дейилмоқчи); «Оз еганга бор даво, Кўп еганга не даво?!»; «Кўп ошовдан ўлганлар — очликдан ўлганлардан кўпроқ»; «Кам емоқ тўрга элтар, Кўп емоқ — гўрга»; «Камхўрлик тўрга элтар, Пурхўрлик — гўрга». Навоиё, ортуқ емоқу ичмоқдин кўра, Йилон этини ебон заҳрин айламак ошом.

Оз ошга индов йўқ.

Бу билан: «Арзимаган нарсага данғу-дароз қилма; кўрган кичик бир тайёргарлигингга кўп меҳмон чақириб, уларни ҳам, ўзингни ҳам хижолатга қўйма», деган маънода насиҳат қиладилар.

Оздами барака, кўпдами?

Кўпинча: «Барака кўпда эмас, қайтага озда бўлади. Бойнинг молдунёси кўп бўлгани билан, на баракаси бор, на — хайру эҳсони. Камбағалда маблағ, егулик-ичгулик оз бўлса ҳам, баракаси бор, қайтага бойдан кўра камбағал сахийроқ», демоқчи бўлганларида шу мақолни қўллайдилар.

Озодлик — ободлик.

Инсоният қадим-қадимдан озодликни улуғлаб, эъзозлаб, озодлик, мустақиллик учун курашиб келган, ажнабийлар зулмидан, тутқунлигидан озод бўлган, мустақилликка эришган эл-юртларнинг гуллаб-яшнагани, обод бўлгани тарихдан маълум. Мазкур мақол билан шуни қисқагина, аммо ниҳоятда чуқур маъноли қилиб ифода этганлар. Вар.: «Зиндондаги ширин-шарбатдан очиқликдаги ситам-ғурбат яхши».

Ой — ошиқнинг йўлдоши.

Вар.: «Ой — ёлғизнинг сирдоши, ўйчиларнинг ўйдоши, ошиқларнинг мунгдоши, йўлчиларнинг йўлдоши»; «Ойдинда оқсоқ ҳам сайр қилгиси келади»; «Ойдинда ит пўстак талашар»; «Ой-у юлдуз кўкка ярашар»; «Ой сулуви — нур, Сой сулуви — сув»; «Ойнинг тўлиқлигидан офтобнинг зарраси ўткир»; «Ой бўлмаса, ақл озади. Кун бўлмаса, кўнгилни кир босади».

Ой тўлганин билмас, йигит бўлганин билмас.

Вар.: «Той от бўлганин сезмас, Йигит ота бўлганин сезмас». Баъзи йигитлар улғайиб, ҳатто уйланиб, фарзандли бўлганларида ҳам болаликдаги енгилтаклик, бир ишни ўйлаб-нетиб ўтирмай қилиб юбораверадиган, орқа-ўнгини ўйламай гапирадиган ва ҳ.к. одатларини қўймайдилар. Мазкур мақолларни шундайларга қарата

киноя ва истеҳзо тарзда қўллайдилар.

Ой қўтонласа ойда ёғар, кун қўтонласа кунда ёғар.

Халқимиз ўзининг астрономик ва метеорологик кузатишлари натижасида яратган бир қанча мақолларида фасллар ва ойларнинг ўзига хос хусусиятларини кўрсатади, қачон, қай ҳолларда ҳаво айниши, ёғингарчилик бўлиши, ёғингарчиликнинг тиниши, ҳавонинг исиши, ё совушини бирмунча муддат олдиндан «айтиб беради».

Юқоридаги мақолда «қўтонласа» (бошқа айрим мақолларда «ўтовласа») деганда Ой ё Қуёшнинг атрофида нур (шуъла)дан доира (қўтон ё ўтов сингари) ҳалқа ҳосил бўлиши назарда тутилган. Ой ё Қуёшнинг бундай «қўтонлаши», «ўтовлаши»ни одамлар ёмғир ёғишига йўядилар. Бу — халқнинг кўп йиллик кузатишлари натижаси, яқин орада ёғин бўлишидан дарак берадиган атмосферадаги оптик ҳодисалардандир. Ҳозирги фанний китобларда ҳам буни тўғри деб ҳисоблайдилар. (Қаранг: Ҳ.Ҳасанов, Маҳмуд Қошғарий. Ҳаёти ва географик мероси). Об-ҳавони Ой ва Қуёшнинг ҳолатига қараб олдиндан аниқлашга доир қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Ой ўтовласа, ойлик ғамингни е, Кун ўтовласа, кунлик ғамингни е». «Деҳқонларнинг об-ҳаво ўзгаришини олдиндан айтишлари баъзан тўғри чиқиб қоларди. Қиш қаттиқ келса, ёз иссиқ ўтади ёки аксинча; қуёшнинг қизариб ботиши — эртаси куннинг очиқ бўлишидан нишона; «Ой ўтовласа — ойлик, кун ўтовласа — кунлик ғамингни қил», «Булутли кунда қушлар паст учса, қор ёғади» деганга ўхшаш гаплар эл орасида ҳозир ҳам юради. Неча минг йиллар мобайнида халқнинг турмуш тажрибасидан ўтиб келган бу ибратли нақлларга амал қилиб келишган» (Қ.Қорабоев. Қуёш ва... илонлар, «Фан ва турмуш» журнали); «Ой қуланса, оёғингни узат, Кун қуланса, курагингни тузат» (қуланса — қўтонласа, ўтовласа). «Оёғингни узат» дейиш билан: «Ёмғир ёғади, барибир ҳеч бир иш қилолмайсан, оёғингни узатиб ётавер»; «курагингни тузат» дейиш билан эса: «Қор ёғади, курагингни тузатиб, тайёр қилиб қўявер», дейилмоқчи; «Жума ёғса, шанба тинар, Шанба ёғса қачон тинар?»;«Йил бошидан қўрқма, Ой бошидан қўрқ»; «Ойнинг бешидан қўрқма, бошидан қўрқ» (Кўп йиллик кузатишлар натижасида «халқ ҳар ойнинг бошида ҳаво бир айниши, бемаҳал ёғингарчилик ё совуқ бўлиши мумкин, деган хулосага келган. Шунинг учун ҳам кишилар, айниқса экин экқан деҳқонлар, «ой боши»дан қўрқардилар. Агар «ой боши» ҳаво кескин ўзгармай, ишлар одатдагидек бўлса, «бир хатар ўтди» дердилар); «Ой бошида кун ё тузалар, ё бузилар»; «Ой ўзига тинч, одамларга нотич»; «Ой чалқанча тугса — ой бўйи аёз» (Халқ ўртасидаги тушунчага кўра, агар янги Ой «туғилганда» унинг «ўроғи» тик бўлса — уни «Ой ўзига нотинч» дейдилар — об-ҳаво қулай келади; агар янги Ой туғилганда унинг «ўртоғи» чалқанча ётган бўлса — уни «Ой ўзига тинч» дейдилар — об-ҳаво ноқулай келади, кутилмаган совуқлар ва ёғингарчиликлар бўлади); Ой чиқишидан маълум, Одам — юришидан»; «Янги Ойдан — яхшилик».

Ойга қараб адашсанг, отингни «олтин қозиқ»қа боғла.

Бу мақоли билан халқ қоронғу тунда кетган йўловчиларга адашмасликнинг йўлини ўргатган. Ўтмишда компас бўлмаган. Узоқ сафарга чиққан йўловчилар бепоён дашт-биёбонларда келаётганларида тун қоронғусида адашиб қолмаслик учун юлдузларга қараб йўл танлаганлар. Айниқса, Қутб юлдузи (буни «Олтин қозиқ», «Темир қозиқ» деб атаганлар) йўлчи юлдуз вазифасини ўтаган»... Қутб юлдузини кўкдаги барча юлдузлар орасида энг муҳими деса бўлади. У оламнинг

шимолий қутбига жуда яқин тураркан, ҳамавақт шимол томонни кўрсатиб туради. Шунинг учун ҳам энг яхши йўл кўрсаткич вазифасини ўтайди. Қадимги халқлар ундан шимолнинг кўрсаткичи сифатида фойдаланганлар... Хўш, бу юлдузни нима учун қозиққа ўхшатганлар? Қутб юлдузи Ернинг ҳаёлий ўқи ўтадиган нуқтага яқин турганлиги учун киши назарида худди қоққан қозиқдай қимирламай туради. Шунинг учун ота-боболаримиз уни «Темир қозиқ», «Олтин қозиқ» деб атаганлар. Ой бир жойда барқарор турмаганлиги учун, кишини адаштиради. Халқимиз мазкур мақоли билан: «Ойга қараб юриб адашиб қолсанг, отингни «Олтин қозиқ»қа қаратиб («боғлаб») юр, адашмайсан, олдинга юрсанг — шимол томонга, орқага юрсанг — жануб томонга, ўнгга юрсанг — шарқ томонга, чапга юрсанг — ғарб томонга борасан», демоқчи бўлган. Бундан ташқари «Қароқчининг суянгани — Олтин қозиқ», «Қароқчининг суянгани — Етти қароқчи» деган мақоллар ҳам бор.

Ойда еган тўқ бўлур, кунда еган суқ бўлур.

Бу мақолда «ойда еган» деганда камбағаллар, «кунда еган» деганда бойлар назарда тутилган. Дарҳақиқат, одатда камбағал ор-номусли, уятчан, ийманчоқ, ўзи тўқ бўлмаса ҳам «кўзи тўқ» бўлади, гарчи тансиқ таомларни деярли емаса ҳам ёхуд онда-сонда, ойда-йилда бир еб қолса ҳам, бирор ерга бориб қолганда дастурхондаги лаззатли таомларни апил-тапил «тушира» кетмайди, одоб сақлайди. Бой эса, аксини қилади: гарчи бундай таомларни кунда еса ҳам, ҳадди сиққан-сиғмаган ерга борганда нафси «ҳаккалак отиб туради», ўзини тийиб, одоб сақлаб ўтира олмайди. Негаки, «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас» дегандек, катта-катта ейишга ўрганган нафси бунга йўл қўймайди. Мазкур фикрни қувватловчи «Очнинг боши — тош, Тўқнинг таши — оч», «Озига чидаб турмаган — кўпига тўймас», деган мақоллар ҳам бор.

Ойда келсин, омон келсин.

Бу мақолни кўпроқ қариялар ишлатишади. Уларга биров: «Ўғил-қизларингиз (узатилган қизлар, уйланиб, алоҳида рўзғор қилиб чиқиб кетган ўғиллар) сизларни кўргани, ҳол-хабар олгани камроқ келадиган бўлиб қолишдими, а?» деса, улар шу мақолни айтадилар ва бу билан: «Бизларнинг улардан гинамиз йўқ. Онда-сонда келишса ҳам майлига, ишқилиб омон бўлишса, ўзларидан тинчиб ўтиришса, шунинг ўзи бизлар учун катта давлат», демоқчи бўладилар.

Ойда ҳам доғ бор.

«Тун қоронғусини ёритиб турадиган шундай ёруғ, тиниқ, чароғон Ойнинг ҳам бетида доғ бўлгани сингари, яхши деб ҳисобланган, ном олган, тан олинган ҳар қандай кимсанинг ва нарсанинг ҳам бирор жузъий камчилиги, нуқсони, айби бўлади, бўлмаслиги мумкин ҳам эмас, чунки табиий ва ижтимоий қонуниятларнинг ўзи шуни тақозо этади. Бас шундай экан, бунинг учун хафа бўлиш, куюниш керак эмас», деган маънода айтилади, кўпгина ҳолларда ўзининг табиий айби, камчилиги ва нуқсонидан куюнадиганларга тасалли бермоқ, юпатмоқ мақсадида қўлланилади. Вар.: «Инсон нуқсонсиз бўлмас»; «Ҳар яхшининг бир ёмони бўлади»; «Ҳар яхшида бир«аммо бор, Ҳар ёмонда — бир» лекин»; «Ҳар зоғда — бир доғ»; «Тунсиз кун йўқ, Доғсиз лола»; «Ҳар тўкисда — бир нуқс»; «Ҳар тўкиснинг бир айби бор»; «Тўкисники — тўққиз кам»; «Бир камчиликсиз гўзал бўлмас»; «Шакар пашшасиз бўлмас, Арпа — кесаксиз»; «Олмурутнинг сопи бор, Узумнинг чўпи бор» (олмурут — нок); «Туёғи бутун тулпор йўқ, Қиёғи бутун шунқор йўқ» (Буни ... қаноти бутун шунқор йўқ» деб ҳам қўллайдилар); «Теран

тикилсанг, сутда ҳам қон кўрасан»; «Билгандан ҳам ўтади, билмагандан ҳам»; «Бир ёзиқдан эр ўлмас, Бир ёзиқсиз эр бўлмас» (ёзиқ — айб, камчилик). Тўғонбекнинг кўзлари чарақлаб кетди.— Таксир,— деди у кўзларини айёрча қисиб,— бу беадаб қулингиздан бир айб содир бўлдики, айтмоққа тил ҳам бормайди...— Тунсиз қун йўқ, дағсиз лола йўқ. Не экан? (Ойбек. «Навоий»).

Ойдинда оқ кийган — кўланкада кўк кияр.

Бу мақол — ота-боболарнинг душман билан қандай жанг қилиш, қандай харбий усул (тактика), хийла-найранг ишлатиш лозимлиги юзасидан жангчиларга маслаҳат бериб, насиҳат қилиб айтилган. Вар.: «Орқа» сиз эр саф ёролмас»; «Олишган ёвга орқангни кўрсатма»; «Эгри от, тўғри тегиз»; «Ётиб-ётиб, ёнбошга от»; «Хийласиз боғир ўзини ёвга олдирар».

Ойим-ойимга бокар, қўлига хина ёкар

(ёкмоқ — қўймоқ, бўямоқ). Мазкур мақол билан халқимиз ўзига зеб берадиган, бир-биридан ошириб кийинишни, зеб-зийнат тақиш ва парвоз-андоз қилишга «ўлиб-тирилиб» интилаётганлар устидан кулади. «Остида хинаси бор ерни босиб юролмас,» «Оқсоқ қўй ўр талашар, Ойимлар тўр талашар» сингари мақоллар билан ҳам таниқсиз, олифта, сатанг, ичи қоралигидан бир-бирини асло кўролмайдиган, бир-биридан қолишмасликка, балки ўзиб кетишга тиш-тирноғи билан тиришадиган аёл мазах-масхара қилинади.

«Ойни олиб бераман»га бола ишонар.

Бу мақол билан: Сенинг агар ақлинг бўлса, бировнинг «фалон қилиб бераман, писмадон қилиб бераман» деган қуруқ гапига, айёрона ваъдасига, лақиллатишига «учма», ишонма. Бундай гапларга ҳали эси кирмаган болаларгина ишонади. Сен ҳар бир ишни ўз ақлинг тарози билан ўлчаб қил», демоқчи бўладилар.

Ойни этак билан ёпиб бўлмас.

Мажозан: «Хиёнат, жиноят, айб, гуноҳ қилиб қўйган одам буни яширишга ҳар қанча уринмасин, бари-бир бир кунмас-бир кун ошкор бўлмай қолмайди, қўлга тушиб, жазосини тортади», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Ойни этак билан ёпиб бўлмас, Ёмон от билан улоқ чопиб бўлмас»; «Чўпни ўраб, бекитиб бўлмас»; «Сояни чопиб, йўқотиб бўлмайди»; «Ялғони зар тўқим яшириолмас» (ялғир – от, эшак, туя сингари ҳайвонлар устида теринниг оғир юкдан эзилиши, ишқаланиши туфайли юз берадиган йирингли яра, жароҳат; кўчма маънода — айб, ифлос иш, хиёнат, жиноят); «Ғалвирда сув турмас»; «Туя минган бўйин яшириолмас»; «Туя минган кўй орасига яшириолмас»; «Туякуш бошин кумга тиқиб, «мени ҳеч ким кўрмас» дер»; «Қасални яширсанг, ичгинаси ошкор қилади»; «Қозонг ишини кишини кирқ йилдан кейин ҳам чиқади».

Эл юзига боқсалар ўлармен.
Хурлигидин, нетай, ёпуруса бўлмас
(Лутфий)

Нега бой йўқ, камбағал йўқ дейсиз? Тўғри, ҳаммамиз мусулмонмиз, бир юртда яшаймиз. Аммо, Мирзакаримбой бошқа, мен бошқа! Хўжайинлар бор, малайлар бор. Ойни этак билан яшириб бўларми? (Ойбек, Кутлуғ кон).

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ.

Мушкул аҳволга тушиб қолган кишиларга тасалли берганда, уларни юпатганда, сабр-тоқатга ундаганда қўлланиладиган мақол. Вар.: «Гадонга бир эшак ёпуғ бўлса, бир эшак очуғ, Ойни(нг) беши қоронғу бўлса, беши ёруғ»; «Ҳар субҳнинг бир сеҳри бор, Ҳар оқшомнинг бир субҳи бор»; «Кўр ойдинининг очик ойдини ҳам бор» (Ой тамом бўлар олдида ўзи

кўринмаса ҳам, хира ёруғ бўлиб, тонг отганга ўхшаган бўлиб туради. Шуни «Кўр ойдин» дейдилар); «Ўчар чироқ яна ёнар»; «Ботир куннинг отар тонги бор»; «Коронғу тун мангу бўлмас»; «Қора кузнинг қори турмас» (Одатда қор кузда ёғмайди, ёққан тақдирда ҳам, тезда эриб, йўқ бўлиб кетади. Шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан: «Сенинг бошингга тушган бу қора кунлар тезда ўтиб ҳам кетар, ёруғ кунлар етиб ҳам келар, кўп қайғуравермa», деган маънода тасалли берадилар); «Тошқин сувнинг кечиги ҳам бўлади» («Ҳар қандай тўлиб-тошиб, ҳайқариб оқаётган сувнинг албатта бир кечиб ўтадиган жойи бўлади. Худди шунингдек, киши бошидан ўтаётган ташвишни, машаққатли кунларнинг роҳатли кунлари ҳам бўлади», дейилмоқчи); «Бир йиғининг бир кулгиси бор»; «Очилган сўлар, йиғлаган кулар»; «Бир кун хафа бўлсанг, яна куни суюнарсан»; «Бир хор бўлган — бир азиз бўлмай қолмас».

Ҳар тарафга бўлмағил ўзни уриб бетоблар,
Ойни ўн беши коронғу, ўн беши моҳтоблар,
(Муқимий)

— Сабот қилинг, биродар Ойнинг ярми коронғу бўлса, ярми ёруғдур (О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси).

Ола булут — бало булут.

Вар.: «Булут ола — ер чала»; «Булут ола бўлса, Ёмғир чала бўлар». Агар булут ола, яъни парча-парча бўлса, баъзи жойга ёғиб, баъзи жойга ёғмайди. Аксинча, булутлар туташ, яхлит, осмонни батамом қоплаб олган бўлса, ёмғир текис ёғиб, ерни намга қондиради. Мазкур мақоллар дон сепиб, ёмғирдан умид этиб турган деҳқонлар тилидан айтилган. «Ола яхоб — бало яхоб» деган мақол ҳам борки, бунда яхоб суви берганда ишни наридан-бери, чала-чулпа қилиш — экин майдонининг чалакам-чатти намланишига, оқибат-натижада эса ҳосилнинг паст бўлишига олиб келиши уқтирилган.

Ола тозининг овидан ҳам кеч, довидан ҳам кеч.

(ола този — ола кўз, чағир кўз този). Бундай итнинг кўзи хира бўлиб, узоқроқдаги овни яхши пайқай олмайди. Баъзи този ит қорни тўйгач, овга яхши ҳафсала қилмайди, эгасига эътибор ҳам бермай, ўз эркича тентиб кетади. Овчилар таъбири билан айтганда: «овга ола қарайдиган» бундай този ит ҳам «ола този» дейилади. Мазкур мақол билан: «Бундай ола тозининг баҳридан ўт, сени бекорга овора қилади», демоқчи бўлганлар. «Овга ола қарайдиган» ов қушлари тўғрисида ҳам шунга ўхшаш мақоллар бор: «Олса — қушим, олмаса — елпуғичим»; «Ололмаган қушдан ола бўйин чумчуқ ортиқ»,

Олатўғаноқ олғир бўлса ҳам, қарчиғай бўлмас.

«Олатўғаноқ чумчуқсимонлар туркумининг қарқиноқлар уруғига киради. Ўзбекистонда чўл, сахро каби очиқ ерларда, тўқай ва дарё водийларида, боғ ва дарахтларда, тоғларда яшайди. Олатўғаноқ ҳар хил ҳашаротлар, майда қушлар, сичқонлар, бақа ва калтакесаклар билан овқатланади... Олатўғаноқнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. У фойдали майда қушларни кўплаб қиради, уяларини вайрон этади» (Т.З.Зоҳидов, Зоология энциклопедияси). Баъзи одам ўзининг зотида истеъдод — қобилияти бўлмаса ҳам, ҳар нарсага уриниб, гўё ўзини олим, доно, билимдон, уддабурон, уста, миришкор, паҳлавон ва ҳ.к. қилиб кўрсатмоқчи бўлади. Аммо, одамлар унинг аслида кимлигини, қандайлигини қўлидан ҳеч нарса келмаслигини яхши биладилар ва истеҳзо билан масхаралаб мазкур мақолни айтадилар. Вар.: «Қарға қанот ёйгани билан, қарчиғай бўлмас»; «Қарға лочин бўлмас, лочин — қарға»;

«Қарғани боқсанг, қуш бўлмас» (қуш — ов қуши) «Эшакни минг мақтаган билан, от бўлмайди»; «Эшак мақтаниб тулпор бўлмас, Қарға мақтаниб шунқор бўлмас»; «Эшак югуруги от бўлмас»; «Эшак бахши бўлмас»; «Эчки югуриб, кийик бўлмас»; «Юмронқозиқ югуриб бийик бўлмас» (бийик — буюк улуғ); «Юмрук букилиб санг бўлмас, Эчки югуриб ланг бўлмас» (юмрук — юдрук — мушт; санг — тош; ланг — кийикка ўхшаш тез югурувчан, чаккон, эпчил ҳайвон); «Юз ҳунар ўрганиб билак бўлмас, Эчки югуриб кийик бўлмас» (билак — билимдон, олим, донишманд. «Киши ҳар қанча ҳунар ўрганғани билан, олим бўлавермайди. Илм — бошқа, ҳунар — бошқа», дейилмоқчи); «Эчки туққан қўй бўлмас»; «Отмиш қулон от бўлмас»; «Олтмиш қарсоқ от бўлмас»; «Кўппак югургани билан, този бўлмас»; «Олақўзан ола бўлса ҳам, арслон бўлмас» (олақўзан — унча катта бўлмаган хушбичим ҳайвон. Ўзбекистоннинг чўли, саҳро ва чала саҳроларида, шунингдек сувли ерларда, полиз, сабзавот ва пахта майдонларининг четларида учрайди. Бу ҳайвоннинг ранги оламчипор бўлади. Олақўзан кўпинча майда кемирувчилар, баъзан қуён болалари ва майда қушлар билан овқатланади); «Ўрдак ўзига оро берса ҳам, оққуш бўлолмас»; «Сасиган кўлнинг ўрдак-този бўлмас, Ёмон одамнинг яхши рози бўлмас» (роз — орзу, тилак, мақсад). Қадимдан қолган бир гап бор, жияк: «Олатўғанок олғир бўлса ҳам қарғигайдек бўлмас»— заҳарханда билан сўзлади, чол.— Унинг қўли қаерга етади! (Ойбек, Қутлуғ қон.).

Ола эккан оз олур, роса эккан соз олур.

Буни қувватловчи «Ачаси кўп бўлса, бочаси кўп бўлади (ачаси — онаси; бачаси — баччаси — боласи). Кўчма маънода: ачаси деганда экининг тупи, кўчати; бачаси деганда ҳосили, меваси назарда тутилган. «Ҳосил кўчатдан олинади», деган мақоллар ҳам бор. Бобо деҳқонлар бу каби мақоллари билан ҳар бир экинни ола, яккам-дуккам қилиб эмас, тўла экиш, тўлиқ кўчат олишга эришиш заруроитини уқтирганлар.

Олақарғада оларинг бўлса, ёз бор, қиш бор, оларсан.

Вар.: «Олақарғада оларинг бўлса, Қиш тегмаса, ёз тегар»; «Олақарғада оласанг бўлса, кузда ол»; «Олақарғада унумнинг бўлсин»; «Олақарғада оларинг бўлсин», Бу мақоллар билан: «Ол қарғадай ҳар замонда, ойда-йилда бир келадиган, бир кўзга кўриниб қоладиган одамга бирор нима (пул, маблағ, нарса) насия қилиб қўйган бўлсанг-у, у ҳалеганда бермаётган бўлса, «бермаяпти» деб зарланиб юрма. Бу ой бермаса, янаги ойга, бу йил бермаса, янаги йилга бериб қолади. Аввалambор бундай бетайин одамга насия қилмаслигинг керак эди. Ҳамонки бўлар иш бўлибдими, энди ҳасрат-надоматингдан ҳеч қандай фойда йўқ», деган маънода таъзирона тасалли берадилар. Баъзан эса, бундай алданиб қолган, «лаққа тушган» одамнинг устидан кулганларида ҳазил-мутойиба айтадилар.

Олам тинч — хонам тинч.

Бу мақолда уруш қораланиб, тинчлик улугланади. «Юрт тинч»; «Тинчлигинг — хурлигинг»; «Тинчлигинг — тўкчилигинг»; «Осойишталик — энг яхши малҳам»; «Тинч элнинг боғи гуллар»; «Тинчлик бўлса — олам гулистон», «Ҳаёт — булоқ, тинчлик — унга кўз»; «Тинчлик роҳат келтирар, Уруш қаҳат келтирар»; «Тинчлик — баҳордай мавзун, Уруш — куз япроғидай маҳзун», ҳазин, мунгли, ғамгин); «Уруш айиради, тинчлик топиштиради»; «Олов куйдирар тушган ерини, Душман куйдирар тутган ерини»; «Тинчлик бўлса эл кўпаяр, Уруш бўлса сел кўпаяр»; «Ёмғир билан ер қўкарар, Тинчлиб билан эл кўкарар»; «Она ортинг омон бўлса, Ранги рўйинг сомон

бўлмас» (сомон бўлмас — сомондек саргаймас, яъни касал бўлмайсан, омон-эсон бўласан); «Ол қуримаса, ер қуримас»; «Оқ кунда оқарсан, Қора кунда қораярсан»; «Яхши кунлар оқартар, Ёмон кунлар қаритар»; «Одам бўлиб юрганинг — омонликда, Тўнинг таниаб қочарсан — ёмонликда».

Оларда ёлғиз олган бўлсанг, сотарда отанг билан ҳам сотолмайсан.

«Савдо-сотиқда пишиқ-пухта бўл. Бирор нарсани сотиб оладиган бўлсанг, кўзинг билан кўриб, ақлинг билан ўлчаб, бошқалар билан маслаҳатлашиб, танлаб ол», деган маънода насиҳат қилувчи мақол. Вар.: «Сотиш — ҳунар эмас, олиш — ҳунар»; «Олиш ўргатмас, сотиш ўргатар»; «Сотганда бир кўзинг бўлса, олганда икки кўзинг бўлсин»; «Ўнни кўр, бирни ол».

Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним.

Тамагир, очкўз, суллоҳ, бахил кишиларга нисбатан киноя, кочирим, истеҳзоли кулги ва заҳарханда тарзида қўлланади. Вар.: «Оларда оромижоним, Берарда чиқадур жоним»; «Ол» десанг суюнар, «Бер» десанг куюнар»; «Ол» десанг — «хиринг-хиринг», «Бер» десанг — «жиринг-жиринг» (жиринг-жиринг — жирилламоқ, гирромлик қилмоқ маъносида); «Олишда — «хой-хой», Беришда — «вой-вой»; «Олишда — лочин, Беришда — қамчин» (Олармон, тамагир, юлғич одам олишда лочиндек чанг солиб, эпчиллик билан олади, «фалон куни қайтиб бераман» деб алдайди, аврайди. Беришга келганда эса важ кўрсатади, гирромлик қилади, тонади. Берган одам жуда қистаб, қўймагани тақдирда, муштг кўрсатиб, қамчин кўтариб, зўравонлик йўлига ўтади. Хуллас, бермай, «еб кетади», дейилмоқчи); «Олишда — бисмилло, Беришда — астағфурилло» (астағфурилло — ажабланиш, газабланиш, аччиғланиш сингари ҳолатларни билдирадиган сўз); «Оларда — олмон, Берарда — безиак»; «Оларда — ёг, Берарда — дог»; «Оладиган мол олтин бўлиб кўринар»; «Олмоқ осон, бермоқ қийин»; «Олармонга олтов оз, Берармонга бешов кўп»; «Олганда — ота молидай, Берганда — бешта тўккандай» «Ол-ол» деганда — ҳароми йўқ эшоним, «Бер-бер» деганда — ороми йўқ эшоним»; «Оларга келганда олмон бўл, Бераргa келганда мўлтон бўл» (олмон — олармон, олғир; мўлтон — фирибгар, муттаҳам, айёр); «Оларингга келганда олмон бўл-у, чулғон бўл, Бераринггa келганда мулло бўл-у, эшон бўл» (чулғон — чулғатувчи, чувалантириб юборувчи, кўзбўямачи, айёр). Кейинги икки мақолни гарчи олғир, олғич, тамагир одамлар тилидан айтсалар ҳам, ўшаларнинг ўзларига нисбатан кесатиқ, киноя тарзида қўллайдилар. «Олишда ҳамчунон олдинг, хамиридан қил сугургандек, Беришда юнг еган итдек тиришганингга салламан». (Халқ қўшиғи).

Оларда саноғи тўққиз, берарда саноғи ўттиз.

Бу билан: «Қаллоб, алдамчи, кўзбўямачи одам бировдан бир нарсани насияга олишда, сотиб олишда шошилмай, ҳовликмай, эс-хушини жойига қўйиб, янглишмай, битта-битталаб санаб олади, токи «ҳақим кетиб қолмасин» деб. Бундай одам бировга бир нарсани насияга бериб турадиган ё сотадиган бўлса, қандай бўлмасин шундан ҳам фойдаланиб қолишга, берастган нарсасини атайлаб тез-тез санаб, олувчининг кўзини шамғалат қилиб, ҳисобни жўртага янглиштириб, кўпайтириб юборади-да, кейин «мана бунча берган эдим», деб даъво қилиб юради», дейилмоқчи.

Оларнинг қилган —қўлидаги санади.

Бу билан «Ўғри, қароқчи биров-нинг пулини, мол-мулкини олиб, қилиб ушлаб, қўлидан е ўзларидан олади. Оларнинг қилган, одамга хавф бўлган ишлари «қилган» ёзилган ёзув ҳужжати санадланиб, Ўзимизга ортмасин, ҳисобланиб қолган ёзилган ёзув ҳужжати бўлиши билан ёзилган ёзув ҳужжати бўлиши билан ёзилган ёзув ҳужжати бўлиши билан

доимий дўст, саёҳатда йўлдош, гапирганда сирдош танлашда ёхуд бирор нарсани сотиб олишда унинг кимлигини, нималигини, қандайлигини обдан суриштириб бил, ўрган, кузат, у ҳақда ўйла, ақлинг билан англа, мушоҳада қил-да, кейин қатъий қарорга кел», деган маънода насиҳат қиладилар.

Олдин кулган — кейин йиглар.

Вар.: «Олдин кулган — кейин уйлар». Буни. «Бировга ноўрин таъна қилган одам иттифоқо ўзи ҳам ўшандай ҳолга тушиб қолиши мумкин. Шунда у ўз ҳолига ўзи уялади, кизариб-бўзариб, изза бўлади, хижолат чекади, қилмишини бетига солсалар, ҳатто йиғлашгача бориб етади. Шундай экан, зинҳор бировнинг устидан, бировнинг ҳолига таъна қилиб кулма, кейин ўзинг уялиб қоласан», деган маънода айтадилар.

Олдин эдим ноғорачи, энди бўлдим тоғорачи.

Вар.: «Олдин эдик карнайчи, Энди бўлдик сурнайчи». Бу мақоллар аввалларн катта-катта ишларда ишлаб, босар-тусарини билмай қолган, ҳеч кимни назар-писанд қилмай қўйган, кейин урилиб-сурилиб, пасайиб қолган ёхуд аввалларн бой бўлган, мол-дунёсини бўлар-бўлмас нарсаларга гарра-шарра сарфлаб, маишатга, айш-ишратга берилиб, оқибат-натижада «синиб», камбагаллашиб қолган одамлар тилидан айтилган бўлиб, кўп ҳолларда шундайларнинг ўзига қарата киноя тарзида қўлланилади. Баъзи ҳолларда эса, ўшандай одамнинг ўзи «фалон ишни амалга оширишимда менга кўмаклашиб, қўллаб қўлтиқлаб юборсангиз. Бу — сиз учун ҳеч гап эмас, қўлингиздан келади-ку, ахир» ёхуд «Менга мунча сўм қарз бериб турсангиз». деб илтимос қилган кишига жавобан: «Э биродар, бизнинг сиз ўйлаган даврларимиз ўтиб кетган», «Сиз кўрган тераклар кесилиб кетган», «Сиз кўрган уйлар айвонга айланиб кетган», деган маънода юқоридаги мақолни айтади.

Олдин ютганнинг бурни қонар.

Бу мақол болаларнинг ошиқ, ёнғоқ, данак ўйинларида рўй берадиган ҳолдан олинган: агар бирор бола биринчи талда ютиб қолса-ю, «эндиги сафар ютқазиб қўяман», деган хавф билан ютуғини қўйнига уриб, қочиб бошласа, қолган болалар унинг орқасидан югуриб бориб, тутиб, қайтадан ўйинга мажбур қилардилар. Агар у унамаса, ўртага олиб, дўппислаб, енги-бурнини қира қонга белардилар. Мажозан бирор катта ютуққа эришган, бирор нарсадан каттарок фойдага эга бўлиб қолган одам ҳавлиқиб, мақтаниб, ҳеч кимни менсимай, назар-писанд қилмай юрса, одамлар: «Ҳали шошмай тур, охири ишма бўларкан. Бурнинг қонаб қолмасин тағин!» деган маънода унинг «ютуғини пасайтириб қўймоқ» ҳовуридан туширмоқ, тилини тийиб қўймоқ мақсадида унга қарата шундай дейдилар. Вар.: «Бошида ютган бейимайди, Кейин ютган қойимайди».

Олдин ўзингга боқ, кейин ноғара қоқ.

Вар.: «Ҳамёнга боқ, Ноғора қоқ»; «Чўтингга боқ, Ноғора қоқ» (чўт — мўлжал, ҳисоб; мавжуд маблағ, имконият); «Оз ошга ясовул бўлма» (ясовул — Ўрта Осиё хонликлари даврида юқори мансабдаги амалдорларга хизмат қилувчи қуролли соқчи, посбон; шунингдек, амалдор, мансабдорларга бошқа турдаги хизмат кўрсатувчи: бирор ерга хат-хабар ё бирор нарса элтиб берувчи, тўй-зиёфатларда кўпчиликка ош-нон тарқатиш ишига бошчилик қилувчи шахсни ҳам «ясовул» деб атаганлар); «Озгина элга оға бўлма, Озгина ошга бўлувчи бўлма». Ўтмишда тўй-зиёфатларга, томоша-базмларга ёпиқи бошқа маракаларга эл-юртни ноғора қоқиб, карнай чалиб

чорлардилар. Мазкур мақоллар билан: «Ўз ҳолингга, моддий куч-қудратингга, чоғингга, чўнтагингдаги пулингга, имкониятингга қараб иш тут, тўй-зиёфат қил, иморат қур; ҳолингга яраша ташир, жар сол, овоза қил. Кучинг етмаган, қўлингдан келмайдиган иш устидан катта ташириб, ҳамма ёққа овоза қилиб юрадиган бўлсанг, одамлар ўртасида уялиб, қизариб, шармандашармисор бўлиб қоласан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ.

Вар.: «Ариқда оққан сувнинг қадри йўқ»; «Гулнинг битган ерида қадри йўқ»; «Қўлда бор олтиннинг қадри йўқ»; «Ҳар нарса ўз ерида қадрсиз». Ҳаётда баъзан шундай бўладики, киши бирор эҳтиёжи чиқиб қолса, ўз яқинларига мурожаат қилмайди-да, бегонага, узоқдаги кишига мурожаат қилади. Бу — унинг ўз яқинларига ишонмаган, ё уларнинг қадрига етмагани оқибатидир. Мазкур мақолларни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўллайдилар.

Олдинги кўчнинг адашганини кейинги кўч билади

(кўч — уй-рўзғор буюмлари ортилган ва бир ердан иккинчи ерга йўл олган туялар, от-уловлар, карвон). Мазкур мақол билан: «Кўпинча киши ўзининг янглишаётганини, нотўғри йўлдан юраётганини ўзи билмайди, сезмайди, фаҳмламайди. Аммо, унинг бу янглишганини, адашаётганини четдан қараб, кузатиб турган кишилар рўй-рост кўриб, билиб, сезиб турадилар. Модомики шундай экан, бир одам ёки бир неча одам: «Биродар, бу қилаётган ишингиз тўғри эмас, Сиз янглишаяпсиз, нотўғри йўл тутаяпсиз» дегудай бўлса, «Йўқ, нима қилаётганимни, нима деяётганимни ўзим биламан!» деб, ўз билганидан қолмай, гоҳлиқ қилиб, «тутган ерингни кесиб» ўтирма, бошқаларнинг ҳам гапига қулоқ сол», деган маънода насиҳат қиладилар.

Олдирган — отасин қўйнин ахтарар.

Вар.: «Олдирган — онасин кўйнин очибди»; «Олдирганнинг кўнгли гумонда»; «Кавушимни олган — бир киши, Гумондорим — минг киши»; «Туя ўғирлатган игна ўғирлагандан гумонсирайди». Ҳар кимдан гумонсираш одобдан эмас. Шу боисдан халқимиз орасида азалдан мавжуд бўлган таомилга кўра, бирор нарсани йўқотган одам ўзи билан алоқадор бўлган кишиларни бир ерга тўплаб, биринчи галда ўз ота-онасининг кўйни-кўнжини титкилиб кўра бошларди (Бу, албатта, сиёсат ва одоб юзасидан бўлиб, бошқалар: «Ўз яқинларидан кўрмай, бизлардан гумонсираяпти-я!» деган ҳаёлга боришмасин, деб шундай қилинарди), кейин бошқаларни бирма-бир текшириб кўриб., ҳақиқий ўғрини топиб оларди. Юқоридаги мақолда «ота-онаси кўйнин ахтарар», деганда шу ҳол назарда тутилган. «Олган — ўғри, Кўрган — тангри»; «Олган — бир ёзиғлик, Олдирган — минг ёзиғлик» (ёзиғлик — айбдор, гуноҳкор); «Ўзингга эҳтиёт бўл, Қўшнингни ўғри тутма» деган мақоллар ҳам кишини эҳтиёткорликка ундайди.

Олим бўлсанг — олам сеники.

Кишини илм эгалланга даъват этувчи, илмли одамнинг беқиёс имкониятларга, афзалликларга эга эканлигини таъкидловчи мақол. Вар.: «Олимга ўлим йўқ»; «Олим айтгани — олам айтгани»; «Олим бузилса, олам бузилар» (Кейинги мақолда: «Шундай ўқимишли, доно, закий бўла туриб, олимки бузилибдими, олам албатта бузилади-да!» деган маънода муболаға қилинган). Ки ҳар ишики қилди одамийзод, Тафаккур бирла билди одамийзод. Олим агар қатъий амал айласа, Илмига шойиста амал айласа, Ани шараф гавҳарининг кони бил,

Гавҳару кон, не десанг они бил! (Навоий).

Олисининг оти ўзгунча, яқинининг тойи ўзсин.

Вар.: «Олисдагининг оти ўзгунча, Қурадошингнинг қўйи ўзсин»; «Элдошингнинг оти ўзгунча, Қурдошингнинг ити ўзсин»; «Оталашнинг оти ўзгунча, Овулдошнинг тойи ўзсин (Бир отадан, аммо бошқа-бошқа онадан туғилган болалар бир-бирларига «оталаш» бўлиб ҳисобланадилар). Юқоридаги мақоллар «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги ёт яхши» мақолига мазмунан яқин бўлиб, «Узоқдаги қариндошинг келиб, то сенга ёрдам беришча, яқиндаги қўни-қўшниларинг ишингни битказиб берадилар, мушкулингни осон қиладилар», деган маънода қўлланилади.

Олма еб оғригандан — ўрик еб ўлган яхши.

Вар.: «Олмани е, сувни ич, Оғримасанг, менга кел». Бу мақолларни фақат ҳўл меваларнигина эмас, умуман егулик-ичгуликдан нафсини тиёлмайдиган, озиқ-овқатни кератидан ортиқча еб қўйиб, оғриб шикоят қилиб юрувчи кишиларга нисбатан истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Олма пиш, оғзимга туш.

Буни ишёкмас, дангаса, ўзи меҳнат қилиб бир нима топиб еишга ялқовлик қиладиган, бировдан бир нима тегишни умид боғлаб ётирадиган, «гайёрга — айёр» отамларга нисбатан тоҳ кулги тарзида, тоҳ киноя тарзида қўллайдилар.

Олма тагидан йироққа тушмас.

Вар.: «Олмурт оғочидан олиста тушмас». Бу мақолларни: «Ўғил-қизнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати, гап-сўзи хоҳ ижобий жиҳатдан бўлсин, хоҳ салбий жиҳатдан бўлсин, ота-онасиникидан кескин фарқ қилмаяли, ўхшаш ё яқин бўлади», деган маънода айтадилар.

Олмаган хотининг туғмаган боласининг тиши оғрибди.

Буни ҳаёлпараст, ҳамма нарсага таажжубланаверадиган, ҳатто ҳали бўлмаган воқеа-ҳодисанинг ҳам ташвишини тортиб юрадиган одамга нисбатан истеҳзо тариқасида қўллайдилар.

Олмоқнинг бермоғи ҳам бор.

Халқимиз ҳалоллик ва тўғриликни, бировнинг ҳақига хиёнат қилмасликни энг яхши инсоний фазилатлардан деб билади. Вар.: «Омонат — кимга зар»; «Омонат, омонатга қилма хиёнат»; «Олма омонат, қилма хиёнат»; (Аввал бировдан омонатга бирор нарса олмасликка ҳаракат қил. Ҳамонки олибсанми, «еб кетмай», ғирромлик қилмай, вақтида қайтариб бер», дейилмоқчи). «Олмоқнинг кўрки — бермоқ»; «Олмоқнинг солмоғи бор»; «Ол қулим, Бер қўлим»; «Берсанг оласа узади»; «Берасанг бўлса, қайтариб бер, Оласанг бўлса, қайтариб ол»; «Олгани унар берганнинг, Оттани унар мерганнинг»; «Совға совға сўраган»; «Олмоқнинг бермоғи бор. Емоқнинг — қусмоғи»; «Чу-чук-чучук емоқнинг аччик-аччик кекириги ҳам бўлади»; «Товуқ берган ғоз кутар, Тухум берган — хўроз»; «Дўстингнинг товуғини олсанг, Қанжигасига ғоз боғла»; «Ўрлак есанг, ғоз боғла». Кейинги мақоллар билан: «Бировникига борганингда сени ўрлак (ё товук) сўйиб меҳмон қилган бўлса, у сенникига келганда ғоз сўйиб меҳмон қил ёхуд жунаштанида қанжигасига ғоз боғлаб жўнат. Умуман, бировнинг озгина сийловига сен кўп сийлов билан жавоб қайтар», дейилмоқчи; «Товоқ синдирган — коса тўлайди»; «Арқон узган — қайиш тўлар» («Бировнинг

бирор буюмини омонатга тақтинча фойдаланишга олган бўлсанг-у, у нарса кўкидан синса, узилса, бузилса, эгасига ундан яхшироқ буюм қайтариб бер. Акс ҳолда эътибор тортиб юрасан, кулогинг тинчимайди, эгаси ҳар бир жойда ўзининг ўша буюмини мақтаб: «Фалон эди, писмадон эди» деб, одамлар олдида сени уялтиради, нокулай аҳволга солиб қўяди», дейилмоқда); «Қўлинг билан берасан, Оғзинг билан берасан»; «Олимсоқ кечикса, эсак чиқар» («Бировдан қарз ёхуд бирор нарса олган бўлсанг, кечиктирмай оберib бер. Агар кечиктирсанг, у одамнинг ўзи сўраб келади, сен хижолат бўлиб қолсанг», дейилмоқда); «Қарз, қарзни бериш — фарз».

Олов деган билан оғиз куймас.

Бу мақол «ҳолва» деган билан оғиз чучимас» мақолининг акси бўлиб, Ҳаёл ҳар канча ширин бўлса-да ўзингга етказа олмаганни сингари, қўркинчли, ваҳимали гаплар ҳам кишини маҳв эта олмайди. Бундай гаплар фақат гаплигича қолаверади, сен бундан кўркма ҳам, чўчима ҳам, деган маънода кишига далда берадилар, дадил ва жасоратли бўлишга ундайдилар.

Дерларки, оғиз ўт деса куймас вале бу оҳ.

Чун сабт бўлса, хомаю дафтарни куйдурур.

(Навоий).

Олов сўнса совийди, гиёҳ сўлиса курийди.

Бу билан кариялар ёшларга «Илм-билим олишни, ҳунар эгаллашни тўхтатмай, тобора ошираверинг; бошлаган ишингизни совитмай, қизғин давом эттиринг. Бир совитсангиз, сўнган ўтдай ўчиб, сўлиган гиёҳдай қуриб қолади, кейин хафсаланғизни қайта тиклаб олишингиз қийин бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Оловнинг тиши йўқ, ҳўл-қуруққа иши йўқ.

Варс: «Тегирмоннинг тиши йўқ, Ҳўл-қуруққа иши йўқ». Бу мақолларни яхшими, ёмонми барибир ҳар бир кимнинг дилига озор берувчи, ранжитувчи, асабига тегувчи, кайфиятини бузувчи, «текканга тегиб, тегмаганга кесак отувчи», «утганнинг ўрғизи, кетганнинг кетмонини олувчи» хира-хандон, дилгир, дилозор, бадфъел одамларга нисбатан заҳарханда билан қўлланадилар.

Одамондан қочган — қутулмас.

Бу билан: «Кўпчиликка асло ёмонлик қила кўрма, жиғига тегма, ранжитма! Акс ҳолда кўпчиликдан, халойиқдан сира қочиб қутулолмайсан, тутиб олиб адабингни беради, «тавбангга таянтириб қўяди», хатто «одамон қилиб» ўлдириб юбориши ҳам ҳеч гап эмас», деган маънода насиҳат қилганлар.

Олтин балчиққа тушса ҳам — олтин.

Варс: «Марварид лойга қорилса ҳам — марварид»; «Дур балчиққа тушса ҳам — дур»; «Олмосни лойга ётсанг ҳам — олмос»; «Олмос ерда қолмас»; «Гавҳар балчиққа тушган билан, баҳоси ушалмас»; «Гавҳар кул ичида ҳам билинар»; «Қуёш булут ортида ҳам ёруг туради»; «Гулнинг тўнини қирқ парча бўлса ҳам — гул»; «Ўққа чўлғов қилсанг ҳам, асил пиак бўз бўлмас»; «Яхши одам йиртиқ тўнда ҳам — яхши»; «Яхши ҳунук либос билан ҳам яхши». Бу мақолларни: «Яхши одам бошига бирор мусибат тушиб ё туҳматга йўлиқиб, амалидан ёинки мол-ҳолидан ажраб, ночор аҳволга тушиб қолгани тақдирда ҳам, унинг яхшилигини билган, тан олган, қадрлайдиган одамлар ўртасида аввалги обрў-эътиборини, қадр-қимматини, иззат-ҳурматини

йўқотмайди», деган маънода қўллайдилар.

Юз аёғи туфроғидан олмон ушбу важҳ ила
Ким неча туфроғинда турса олтун суд эрур
(Навоий)

Олтин олма, олқиш ол, олқиш олтин эмасми?!

«Кишиларга яхшилик қил. Яхшилик қилсанг, эл орасида номинг қолади. Яхшилик қилиб, кўпчиликнинг олқишини олсанг, бу сенга олтиндан ҳам яхши фойдали бўлади», деган маънода айтилади. Вар.: «Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?!» (дуо — бу ўринда «олқиш» сўзининг синоними сифатида «кимсага тиланадиган яхши тилак, яхши ният» маъносида ишлатилган); «Ёғиш билан ер кўкарар, Олқиш билан эр кўкарар»; «Олқиш олган — оримас, Қарғиш олган — ёримас»; «Олқиш олган — омондир, Қарғиш олган — ёмондир» (Бу кейинги мақолларда кишиларга яхшилик қилиш қанчалик яхши оқибатларга, ёмонлик қилиб, қарғиш, лаънатлар эшитиш эса қанчалик ёмон оқибатларга олиб бориши қайта-қайта уқтирилган), «Балли,— қовоғини солиб, дейди Ёрмат,— олтин олма, дуо ол, деган қадимиларнинг сўзи бор. Лекин дуо оламан деб хўжайинга зарар етказиш ярамайди» (Ойбек, Кутлуғ қон).

Олтиндан омоч бўлмас мисдан — пичоқ.

(тарёк — заҳарга қарши дори; афюн). «Шундай қимматбаҳо олтин ҳам кора тупроқдан олинади, заҳарланган кишини ўлимдан қутқарувчи шундай ноёб, қадрли дори — тарёк ҳам киши ҳазар қиладиган илондан олинади. Бас шундай экан, сен зоҳиран кўримсиз бўлган, хароб кийинган одамларга паст назар билан қарама, таҳқирлама. Зеро шундай одамлардан ҳам сен кутмаган ақл-фаросат, фойдали маслаҳат, фойдали иш чиқиши мумкин», деган маънода айтилади. Вар.: «Олтин харобадан чиқади»; «Олтин мисдан чиқади»; «Олтин чиққан ер — қадрли»; «Олтиннинг битган ерда қадри бор»; «Олтин чиққан жойни одам бўйи қази» («Унум, фойда, самара берадиган ҳар бир ишга қаттиқ кириш, унинг заҳматларидан эринма, чида», дейилмоқчи); «Олтинни ола билган — бўла билади».

Олтин узукка — ёқут кўз.

Вар.: «Гулни гулга қўш». Бу мақоллар билан «Қизингни муносиб қуёвга узат, ўғлингни муносиб келинга уйлантир», дейилмоқчи.

Олтин чиримас, даъво қаримас.

Буни: «Даъво қаримайди, яъни сира ҳам эскирмайди. Орадан кўп йиллар ўтиб кетса ҳам, даъвогарнинг сенга ўз даъвосини пеш қилади, гина-кудратини қўзғайди, сенга ўтиб қолган ҳақини қайтаришингни талаб қилиб туриб олади. Шундай экан, аввалambор даъво-жанжалларга сабабчи бўладиган иш, хатти-ҳаракат, гап-сўз қилма», деган маънода қўллайдилар.

Олтин ҳалқадан кеч — қулоқ оғритса, зардўзи этикдан кеч — оёқ оғритса.

Бу билан: «Агар сенинг қадрингга етмаса, жонингга оро кирмаса, дилингга озор берса, вафодорлик қилмаса, олдингда «дўст» кўриниб, орқангдан душманнинг ишини қилиб юрса — ҳар қанча яқин, азалий, қадрдон бўлмасин, барибир бундай ёр-дўстингнинг бахридан ўт», демоқчи бўлганлар. Вар.: «Олтин эгаринг отга ботса, олтинни олда, ўтга ёқ.»

Олтиндан омоч бўлмас мисдан — пичоқ.

Олтин шундай қадрли, қимматли бўлгани билан, бари бир омоч

бўлиб, ерни ҳайдай олмайди. Мис ҳам темирга қараганда қимматбаҳо бўлгани билан, пичоқни ундан эмас, темирдан ясайдилар. Чунки, пичоқ мисдан ясалса, тезда ўтмас бўлиб, ейилиб кетади. Мазкур мақолни мажозан: «Ҳар бир нарса ва кимса ҳар қанча баланд ё паст саналмасин, кучини, фойдасини, самарасини, афзаллигини ўз ўрнида, ўз жабҳасидагина кўрсата олади», деган маънода қўллайдилар.

Олтмиш кун атон бўлгунча, олти кун буғра бўл

(атон — ахта туя; буғра — бели ёпиқдан оққан, кучли, бақувват, икки ўркачли айғир туя). Мазкур мақол билан мажозан: «Кўпдан бир иш келмайдиган ожиз, заиф одам бўлиб узоқ яшагунингдан кўра, кучли, серғайрат, серҳаракат, шиддатли, жўшқин, жасур одам бўлиб қисқароқ умр кўрганинг афзал», дейилмоқчи.

Олтмишгача ошир, етмишдан сўнг яшир.

Бунда гап кишининг ёши тўғрисида кетяпти. Бурунгилар «ўзгаларнинг кўзи тегмасин» деган ирим юзасидан: «Ёшингни сўраганларга олтмишгача ошириб, яъни ҳақиқий ёшингни каттароқ қилиб айтсанг майли-ю, аммо етмишдан юқорисини яшириб, яъни ҳақиқий ёшингни кичрайтириб, камайтириб айт», деб насиҳат қилганлар.

Олкишлама, олқишла!

Итни итга уруштирганда «Ол киш-ол киш!» деб жадаллаб, тезлаб, «ғуғуслаб» турадилар. Мақолдаги «Олкишлама» сўзи шундан олинган бўлиб: «Сен кишиларни бир-бирига ёмонлаб, чақиб, «гиж-гижлаб», олкишлаб, уриштиришнинг пайида бўлма, аксинча уларга яхшилик қил, яхши ниятлар тилаб, олқишла», деган маънода насиҳат қиладилар.

Омонат иш овора қилар.

«Ҳар бир ишни бошидан пухта қил. Шошма-пошма, хом-хатала, омонатгина қиладиган бўлсанг, кейин унинг камчилигини тузатаман деб, тоза овора бўласан», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Тез битган ишнинг бақоси бўлмас»; «Тез битган — тез йитар»; «Пухтанинг иши — «беш», Шошманинг иши — бўш»; «Лойни чала тепсанг, кўза бўлади, Роса тепсанг — жонон» (жонон — энг тоза, энг нафис чинни); «Пишган лойнинг чинниси тоза бўлади»; «Ўлимни ўйлаган — уй қурмас»; «Уй қурсанг, ўлимингни ўйлама»; «Хайр қил ўладигандек, Иморат қур ўлмайдигандек» (Бу кейинги мақоллар билан: «Иморат қурадиган бўлсанг, фақат ўзингнигина ўйлама, ўзингдан кейин яшайдиган авлод-аждодларингга ҳам қолишини ўйлаб, пишиқ-пухта қур», дейилмоқчи); «Уй қурсанг, пойдеворини пухта қур»; «Пойдеворинг тагига ишла»; «Деворнинг тагини қийиқ урсанг, усти ҳам қийиқ бўлади»; «Сизотга қурилган том тубанлик бўлмас» (сизот — ер ости суви сизиб чиқиб турадиган зах ер; том — уй, ҳовли-жой; тубанлик — доимий, абадий турадиган, чидамли); «Сизотда қозиқ турмас, музда — ёзиқ» (ёзиқ — ёзув) «Зўрлаб тикланган бинонинг охири — «вой»; «Умрим узун бўлсин десанг; ўз ишингга пухта бўл!; «Ишни ғўр қилма, Ўзингга оғир қилма»; «Зўрма-зўракига иш қилсанг, йиқиласан»; «Ола ишга ўрин йўқ, Роса ишга кўнгил тўқ»; «Қилдинг — қилдинг тоза қил»; «Иш аввали жойли бўлса, Охир бориб мойли бўлар».

Она еса, болага сут бўлади.

«Эмизикли хотиннинг иштаҳаси зўр бўлар» деган мақол ҳам бор. Одатда эмизикли хотиннинг истаган, кўнгли тусаган овқатини топиб беришга ҳаракат қиладилар. Халқимизда ҳатто шундай қадимий одат бор: қўшнилар бирор таомни пиширсалар, шуни озгина бўлса

хам эмизикли хотин бўлган кўшнисикига узатадилар. «... Она овкатлантирмасдан илгари, наҳорга эмизмасдан сут керак ... Эмизувчининг овкатини яхшилаш керак» (Ибн Сино, Тиб конунлари).

Она сути билан кирмаган акл тана сути билан кирмас.

(тана икки ёшли ургочи бузок). Вар.: «Туғма акл бўлмаса, Турмакл кор қилмас»; «Сўрғма акл бўлмаса, Туртма акл ва қилсин?»; «Куйма қулоқ бўлмаса, Тўрмак акл ҳам бермас»; «Зотида бўлмағанни зотли қилиб бўлмас»; «Асилда бўлмаган — асил бўлмас». Бу мақоллар билан: «Зотида, асилда кишининг акли, фаҳм-фаросати бўлмаса, унга миллат ўргатганни билан фойдаси йўқ, барибир кор қилмайди. Бундай туғма акли бўлмаган одамнинг онида қанчалик ҳаракат қилиб, кези келганда астойдил туртиб «буни бундай қил», «уни ундай қил» деб, ақл ўргатиб турасан?» дейилмоқда.

Она юртинг — олтин бешигинг.

Мақолларимизда ўзбек халқининг она-Ватанига бўлган чексиз муҳаббати, ҳурмати, садоқати ўз ифодасини топган. Уларда Ватан — ялпи юрт улуғланади, ҳар бир ўз она ерини нафас олиши, иззат-ҳурматда яшаши кўрсатилиб, Ватанни севиш, унга ҳамиша содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади: «Булбул ҳамманинг сеғир, одам — Ватанини»; «Онага бўлган муҳаббат — Ватанга бўлган муҳаббатнинг кўрғони»; Ким онасин аймаган, кат Ватанин севмаган?»; «Ҳар кимнинг ўз оласи ўзига кирин»; «Тўғилган жойинг кўзингга ўлек кўринсин»; «Тўғилган элингга тўғрини ҳам ёмон гуринада», «Ҳар куш ўз уясида ёрлар»; «Ҳар куш ўз уясига қараб учади»; «Ҳар тойча сув ичган булоғини мактайди»; «Ҳар кўкатнинг ўз сўйган тўпроғи бор»; «Товушкона — тўғилган тепаси азиз»; «Ҳар кимнинг ўз юрти — ўзига Миср» (ўтмишда Шарқ ёзма, оғзаки адабиётида Миср кишилар бир бориб кўришни орзу қиладиган, тараққий этган, гуллаб-яшнаган, бой мамлакат сифатида тасаввур этилган, таърифу тавсиф қилинган. Мазкур мақолда ҳам Миср сўзи шу маънода келтирилган); «Ҳар кимнинг ўз тўғилган ери, юрти. Ватани, у қаерда ва қандай бўлишидан қатъий назар, уни улуғ, ниҳоятда қадрли, гўзал ва азиз деб ардоқлайди», дейилмоқда; «Туркистоннинг тўби — жанубда»; «Тошкентнинг тарихини ёзиш керак. Маккадан келдим»; «Карвондан орқада етган эшак Самаркандман ҳайраб келдим» (Бу каби мақолларда ўз она-юртларини, унинг об-ҳавоси, бог-бўстонлари, иншоотларини ва б. ўзга юртларникига нисбатан гўзал, ажабтовур, ажойиб, ажабланарли яхши эканлигини фахр ва ғурур ила баён этишади); «Бака кўлни севади, Эр йигит — элни»; «Юртим — кўрғоним, элим — қалқоним»; «Эси бутун — элдан адашмас»; «Ер тўғрининг тўғрида ўтлоқи ҳосил»; «Тўқдан ерлан ёмон, кўнгил ўлмас»; «Шукур қилсак сочилар, Ўғрлан — ўлсин»; «Ўлгандан ўлган ер ёмон. Элдан кетган ер ёмон»; «Олдан ўғри пирса ҳам, ҳора булут босмаса, Одамни тўғри пирса ҳам, ёлғон тўғри тегмаса»; «Жойи ўзгарган тоғлук кўй қалоғайди»; «Ажралган — қатракка зор»; «Ватан қадри — ватан қадоғи»; «Ватансизга Ватан бўк» (Бу каби мақолларда уйи-бўстан юртни пешқурчилик қилиб талаб кетиш жуда ёмон ва ҳунук «қибатлатга олиб борилиб таъкидланади); «Тўқдан ерга тўғинг яхши» (тўғ — байроқ); «Ўлсанг ўз Ватанингда бўл»; «Ватанинг тинч — сен тинч»; «Элинг омон бўлса — сен омон»; «Ватанга фалокат — ўзингга халокат»; «Ватанингни ҳимоя қилиш — умрингни ҳимоя қилиш»; «Онангнинг омон бўлса, рангу-рўйинг сомон бўлмас» Бу каби бир туркум мақолларда Ватаннинг тинчлигини сақлаш, унинг даҳлсизлигини, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, она тупроқни душман оёғи остида топтатмаслик, ғанимга бўлишига йўл қўймаслик — олий бурч эканлиги ук-

тирилади) «Туғилган элнинг тўрғайи ҳам яхши кўринади, дейдилар. Ўғлим Қаландар ўз юртини согинибди. Унга ижозат беринг, мавлоно!» «(О. Ёқубов, Улуғбек хазинаси).

Онали етим — гул етим, отали етим — шум етим.

Бу мақол «Онаган етим қолиб, она қўлида тарбия топадиган бола ҳар жиҳатдан тартибли, интизомли, одобли, илм-билимли, ҳунарли, гулдай кўркам, покиза, кийим-кечаги озода, ўзгаларнинг ҳавасини келтирадиган ажойиб инсон бўлиб етишади. Негаки, отага қараганда болага она меҳрибонроқ бўлади, уни ҳамавақт кўз қорачиғидай асраш, авайлаш, ювиб-тараш, эъзозлаш, атрофида парвона бўлиш, эркалаш, ўқитиш, ўргатиш ҳаракатида бўлади, нафсиламрини айтганда, ўзининг бутун вужудини, қалб кўрини, меҳрини, вақтини, эътиборини унга бахшида этади. Онадан етим қолиб, ота қўлида тарбия топадиган бола эса бунинг деярли акси бўлади. Негаки, ота ўз боласини севгани билан, унга онадек ҳамавақт парвона бўлолмайди, кўпроқ кучада бўлгани учун, унинг ҳол-аҳволидан доимо хабар ололмай қолади, кийим-кечагини ювиб, тикиб, ямаб беролмайди. Натижада бола кўп ҳолларда назоратсиз қолади, ахлоқсиз болаларга қўшилиб, охири шум, безори, «кулоқсиз», уятсиз, ориятсиз, кир-чирлигича юрадиган бўлиб кетади», деган маънода айтилади. Вар.: «Отали етим — кул етим, Онали етим — гул етим»; «Отали етим — орсиз етим, Онали етим — орли етим»; «Отасиз ўғлон — етим, Онасиз ўғлон — есир» (есир бахтсиз, бечора, бенасиб); «Отасиз ўғил — бир етим, Онасиз ўғил — икки етим»; «Отасиз ўғилнинг оғзи катта»; «Онали боланинг оғзи ўйнар, Онасиз боланинг кўзи ўйнар» (оғзи ўйнар — ўзи ер; кўзи ўйнар — ўзгаларнинг ейишини кузатиб, ҳаваси келар). «Онасини эмиб тўймаган — отасини бармоғини сўрар»; «Отаси бир отишар, Онаси бир топишар» («Бир отадан вояга етган фарзандлар оилавий ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари юзасидан ва ота меросини талашиб, бир-бирлари билан уришиб, жанжаллашиб, «кирпичоқ» бўлиб юрадиларки, бундай воқеалар тарихда кўп бўлган. Отаси бошқа-ю, онаси бир бўлган фарзандлар — хотинининг аввалги эридан ва кейинги эридан кўрган болалари — эса бир-бирлари билан тотишиб, аҳиллиқда, иноқликда яшайдилар. Негаки, она уларни бир-бирларига қозуштириб, ўгайлаштирмай тарбиялайди, қалб ҳарорати, меҳр-муҳаббати, нафосати, панд-насиҳатлари билан ўз измига солади», дейилмоқчи); «Оталашдан олтов бўлгунча, Оналашдан иков бўл» (оталаш — отаси бир-у онаси бошқа болалар»; оналаш — онаси бир-у, отаси бошқа болалар); «Отанинг бой давлати билан қолгандан — Онанинг пилта савати билан қолган яхши» (пилта — чархда ип йигириш учун пилтакачда юмалоқлаган бир бўлак пахта, пағ. Бундай пилталарни саватга солиб қўйиб, бирма-бир олиб ишлатардилар); «Отангнинг чорбоғида қолгунча, Онангнинг ўймоғида қол» (чорбоғ — шаҳардан ташқарилаги ховли-жойли, кўргонли боғ; ўймоқ — анғишвона); «Отангнинг боғу бўстони билан қолгунча, Онангнинг чарх қалаваси билан қол»; «Ўроқ тутиб отанг қолгунча, Ўймоқ тутиб онанг қолсин»; «Олтин бошли отанг билан қолгунча, Пахмоқ бошли онанг билан қол» (бу кейинги мақоллар билан: «Отадан мерос бўлиб қолган давлат, мол-мулк меҳнатсиз, текинхўрга бўлганлиги учун ўғлини дарров қутуртириб, бойвачча қилиб қўяди, у боши-кетига қарамай, ғарра-шарра сарфлаб, бот кунда тамомлаб юборади. Онаси билан қолган бола эса унга чарх йигириб, мато тўқиб, кийим-кечак тикиб тирикчилик ўтказишда кўмакланади, меҳнатда чиниқади, ҳаётий тажрибаси ортади, меҳнатнинг оркасида топилган ошнонинг, мол-мулкнинг қадрига етадиган, тежаб-тергаб сарфлайдиган, ахлоқ-одобли, миришкор, тадбиркор ва умуман, чин инсон бўлиб етишади», демоқчи бўлганлар).

Онамнинг ўлишини билсам, бир қоп кепакка сотиб ердим.

Вар.: «Отамнинг ўлишини билсам, йўҳча кепакка сотиб ердим» (йўҳча — ҳозирги ҳисобга айлантирганда 671 грамм); «Отамнинг ўлишини билсам, чакса канакка сотиб ердим». Чакса — баъзи ерларда 1 килограммдан ортикроқ, баъзи ерларда эса 4-5 килограмм атрофида бўлган оғирлик ўлчови бирлиги (В. Хинц, Е. А, Давидович, Мусульманские меры и веса); «Отимнинг ўлишини билсам, тузга алмашардим». Мазкур мақолларнинг дастлабкилари кейинчалик бузиб айтиладиган бўлиб кетган, мазмунан ва мантикан нотўғри деб, туркманлар орасида сақланиб қолган кейинги вариантини эса ҳар жиҳатдан тўғри деб ҳисоблаймиз. Негаки, отаси ё онасининг ўлишини билган ҳар қандай тошбағир одам ҳам уларни арзимаган нарсага, алмашиб, сотиб емайди. Бу — ҳар қанақа ахлоқий нормага зид бўлган бир ҳолдир. Отининг ўлишиши билган одам уни арзимаган бирор нарсага алмаштириб ё бениҳоя арзон-гаровга сотиб, лоақал озгина бўлса, ҳам фойдаланиб қолиши эса — табиий. Юқоридаги фикрлардан қатъи назар, мазкур мақолларни мажозан: «Дурустроқ нарсамдан ажраб қолишимни олдиндан билганимда, уни озгина, арзимаган бошқа бирор нарсага бўлса, хамки алмашиб, бир оз бўлса ҳам фойдаланиб қолардим», деган маънода афсусланиб қўллайдилар.

Онанг ўғай бўлса, отанг ўзингники эмас.

Вар.: «Эр хотининг тахти-занжирида бўлади», яъни у ҳар қандай қаттиққўл, ўз гапида, дунёқарашида, нуқтаи назарида қаттиқ турадиган, ўз мавқеини сақлай биладиган бўлмасин, барибир кези келганда хотининг айтганини қилишга, унинг «чизган чизиги»дан чиқмасликка мажбур бўлади, бундай қилмасликка иложи ҳам қолмайди, чунки, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этади. Эр киши хотини ўлса ё ундан ажралишса-ю, бошқа хотинга уйланса, ўшанинг раъйига юради, аввалги хотинидан қолган болаларига илгаригидек меҳр-муҳаббат билан қарай олмай қолади, негаки ўғай она — минг яхши бўлмасин, барибир болаларининг ўз туққан онасидек бўлолмайди. Юқоридаги мақол куни ўғай онага қолган болаларнинг мазкур ҳолати назарда тутилган ҳолда айтиб қолдирилган.

Онангни кифтингда тутсанг, синглингни бошингда тут.

«Ҳокимникидан ҳам синглимники зўр» деган мақол ҳам бор. Бу мақоллари билан халқ сингилни ниҳоятда ҳурмат қилиш зарурлигини уқтиради, «онангдан юқори тут» деб муболаға қилади, ҳатто «ҳокимнинг буйруғидан ҳам сингилнинг сўзи зўр, унинг сўзини, илтимосини ерда қолдирма», деб насиҳат қилинади.

Онангни отангга бепардоз кўрсатма.

Бу мақол косиб ва ҳунармандлар орасидан чиққан бўлиб, мажозан: «Тикқан, ясаган, тайёрлаган буюмингнинг сифатли, чидамли, пишиқ-пухта бўлишидан ташқари пардозига, яъни ташқи кўринишини яхшилашга, безагига ҳам зўр бер, молингни харидорга бепардоз кўрсатма, шундагина ютасан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада.

Вар.: «Боласи кўча кезар, Онаси бағрин эзар»; «Даладагилар ёғ ичар, Уйдагилар қон ичар». Одатда ўғил-қизини тўй-зиёфатга, бирор томоша жойга ё сафарга юборган ота-она улар ҳадеганда келавермаса, ҳаяллаб қолса, вақт бемаҳал бўлганда ҳам қайтавермаса, хавотирланишга тушади. Уйдан чиқиб кетган болаларнинг эса парвойи фалак: бепарво бўлиб, «уйдагилар хавотир олаётгандир» деган гапни хаёлига ҳам келтирмай, маишатини, томошасини қилиб юра-

веради. Юқоридаги мақолларни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда айтадилар. (Ҳалима:)... Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада., дегандек, укангнинг кўнгли пахтада бўлади, айланай Раҳбархон! (О. Ёқубов, Чин муҳаббат).

Онасиз келин — ювош, онали келин — бебош.

Одатда онаси ҳаёт бўлган келинларнинг аксарияти онасининг яхши-ёмон насиҳатларига, ўргатадиган гаплари ва йўл-йўриқларига берилиб, тушган ерида қайнота-қайнонасига, эрига, эрининг қариндош-уруғларига тўғрими-нотўғрими — ўз гап-сўзини, ўз сиёсатини ўтказишга ҳаракат қилади. Шу боисдан бундай келинни «бебош» дейдилар. Ўргатадиган онаси йўқ келин эса тушган еридагилар нима деса, рад этмай, «хўп бўлади» деб, қилаверади. Шу боисдан бундай келинни «ювош» дейдилар.

Орачига — олти таёқ.

Орачи — уришаётган, жанжаллашаётган икки кишининг ё бир неча кишининг орасига тушиб, бости-бости қилиб, тинчлантириб, келиштириб, яраштириб қўювчи одам. Кўп ҳолларда бундай одамнинг ўзи сўкиш эшитиши, ҳатто ё у тарафдагилардан, ё бу тарафдагилардан, ёхуд иккала тарафдагилардан калтак еб қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун «Яхшиси, орачи бўлмаганинг маъқул» деган маънода маслаҳат берадилар. Вар.: «Урушганга — бир ўлим, Орачига — икки ўлим»; «Ора турдинг — бера турдинг» («Жанжалли ишда даъволашаётган икки тарафнинг орасида туриб, кафил бўлсанг, масала сен ўйлаганчалик бўлиб чиқмаслиги, оқибатда ўзинг ёнингдан бирор маблағ тўлашга мажбур бўлиб қолишинг мумкин», дейилмоқчи); «Орачилик осон эмас»; «Аразчига рачи бўлма»; «Аразчининг ўртасига яқли кетган тушади», «Ўртага тушма, ўртанасан»; «Ўртага тушгандан — ўт ушлаган яхши»; «Жанжалли жойда жағингни очма».

Орзуга айб йўқ.

Ота-боболар бу ва бу каби бир турқум мақолларида кишига турмушни мазмунли ўтказиш юзасидан панд-насиҳат қиларканлар, ҳаётдан умидсизланмаслик, руҳини тетик тутиб, кўнгилга яхши ниятларни, орзу-истакларни жо қилган ҳолда келажак сари дадил, комил ишонч билан олға интилиш зарурлигини уқтирганлар. Юқоридаги мақол билан: «Бирор нарсани орзу қилишнинг ҳеч қандай айби йўқ, орзу қилсанг ва унга томон интилсанг, у рўёбга чиқадими, чиқмайдими — қатъи назар, бунинг учун одамлар сенинг устингдан кулмайдилар, кўркмаёқ қўя қол!» демоқчи бўладилар. Вар.: «Орзу қанот бағишлайди»; «Орзу қушдир, ирода — мадад»; «Орзунинг ниҳояти бўлмас»; «Бир орзу ўн орзу болалайди»; «Одам ўйга тўймас, Бўри қўйга тўймас»; «Орзусиз кўнгил — булбулсиз чаман»; «Сулувни кўрсанг, кўзинг қонар, Орзунгни кўрсанг, кўнглинг қонар».

Орик отга қамчи оғир, йиртиқ уйга томчи оғир.

Бунда «йиртиқ уй» деганда устига ёпилган кигизи йиртилган ўтов назарда тутилган. Вар.: «Орик отга қамчи — ёв, Тешик томга томчи — ёв». Мазкур мақолларда отга нисбатан ишлатилган «орик» сўзи «хорик, ҳориган, чарчаган, ҳолдан тойган» маъносини ҳам англатади. Чопавериб ё юравериб чарчаган, ҳолдан тойган отни юришга ундаб, яна қамчи урилса, унга оғир ботади, малол келади. Тепаси йиртиқ ўтовга, томи тешик уйга шаррос қуядиган ёмғир тугул томчилаб турган ёмғир ёгса ҳам, унинг ичи шилтаю шалаббо бўлиб кетади. Мажозий маъноси: ишлаб, чарчаган одамга яна: «Мана бу ишни қил» десанг, оғир ботади, малол келади. Ожиз, ногирон, заиф, тани носоғ одамга қаттиқ-қурум гапирсанг, оғир ботади, асаблантиради. Камқувват, камдаромад одамга, хонадонга, хўжаликка ўз ҳолидан бир оз ортиқчароқ бўлган сарф-харажат қилиш ҳам анча оғирлик қилади. Юқорида-

ги мақоллари шундай ҳолларга нисбатан қўллайдилар.

Орқадиги гап — оҳурдаги нишҳўрд.

Бу мақол билан «Сенинг бирор камчилигингни тўғридан-тўғри ўзингга, юзингга айтмай, орқангдан бошқаларга «пичир-пичир», «шивир-шивир» қилиб, бирга ўзинг қўшиб, оширib-тошириб, муболаға қилиб сўзлаган аслида бўлмаган нарса, гап-сўзни «шундай бўлди, шундай қилди, шундай деди» деб тўқиб қўшиб гапирсалар-у, буни эшитиб, ғазаб келсин, ҳафа ҳам бўлма, парво ҳам қилма, асабингни ҳам бузма. Негаки, орқадан гапирилган кўпинг сенинг ҳеч қанақа қадр-қимматга, ғанимтўнгроғи бўлмайди. Бундай ҳаракат эркаклик, тухмат, қўшиб-чатиб гап ёлғонни бир қунмас-бир кун чиқмасдан, айтган одам шарманда бўлмасдан, сенинг эса ҳақ бўлиб чиқишинг — мумкинлиги, деган маънода тасалли бериб, насиҳат қиладилар. Ёки: «Орқадаги гап — оғизлаги тезак». Бировни ёмонлаб, орқаворотдан бўлар-бўлмас, ёлғон тухмат гапларни тарқатиб юрувчи ярамас шахсларни эса «Бировнинг изидан гапирма, юзига гапир»; «Ортида гапиргунча, олдида гапир»; «Ҳуфия гапдан — очиқ гап яхши» («Орқасидан гапиргандан кўра, юзига гапларни тўғри юборганинг яхши», дейилмоқда) сингари мақоллар билан инсофга чақирадилар.

Орқасиз эр саф ёролмас.

Варн: «Арқасиз от тез юролмас. Орқасиз ари ёв босолмас»; «Таянчсиз ботир ботинолмас»; «Тоғдан орқаси бўлганнинг, тошдан юраги бўлар»; «Орқалик орқаланиб сўзлар, орқасиз кўркиб сўзлар»; «Орқали кўпак бўри олар». Одатда бўрини ва бошқа ов ўлжаларини кучли, чаққаст, чиниққан, ўргатилган този ололади. Кўпак эса — итларнинг кўрикловчи хашаки бир зоти. Мақолда: «Агар орқа таянчи бўлса, бўрини (яъни, ёвни) този (яъни, кучли, абжир жангчи) тугул, ҳатто кўппак (яъни, унчалик куч-қудрати, маҳорати, тажрибаси бўлмаган жангчи) ҳам енга олади», дейилмоқчи. «Олинган ёвга орқангни кўрсатма». Ота-боболарнинг жангчиларга душман билан курашганда қандай ҳарбий усул ишлатиш зарурлигини уқтириб айтган бу мақолларида «орқа» деганида «жанг ҳаракатлари кетаётган ернинг орқа томони; орқада, қарор топиб олинган тақдирда жангга киришилаётган, шитирмага қўйилган қўшин ёки лашкар» назарда тутилган.

Осилмаган қозонга отилмаган қўй тушибди.

Бахтли ҳаётда ҳам бўладики, ҳеч бир ўйламасдан, ҳеч ёқда келтирилмаган, кутилмаган пайтда бирор фойдали нарса чиқиб қолади. Бу нарсани тасодиф бўлиб, ҳамманга ҳам шундай бўлавермайди, албатта. Мазкур мақолни мана шундай тасодифни ёмғир келиб қолганда ажабланиш, қувонишга тенглаштириб ёки ҳазил-мутойиба тарзида айтадилар.

Осилсанг, балоғи дорга осил.

Варн: «Осилсанг, балоғи дорга осил, ёғдир ерга тегмасин»; «Осилсанг, осил «қўлга осил» (қўл — дарахт); «Осилсанг ҳам, балоғи пишиқ осил»; «Осилсанг, балоғи дорга осил — ёки ерга тегмайди, Турроқ кўтарсанг, балоғи тепадан кўтар — бел букилмасин»; «Йиқилсанг, юздан йиқил» (юз — бир ўрдагина эркак туя. У бошқа хонзодаларга нисбатан балоғи бўлишни узоқ мақолда баландлик унга тайёқ этилган); «Осилсанг — баландга, йиқилсанг — майдонга». Бунда «йиқилсанг — майдонга» деганда яралар бўлиб йиқилсанг ёки халок бўлсанг ҳам жанг майдонида мардларча қол» дейилмоқчи. Умуман, мазкур мақоллар билан: «Киришган бир иш қиладиган бўлсанг, осон, ўнгай, енгил-елпи, меҳнату машаққатсиз, тезгина битиб кетадиган тарафини кўзлама; ишни бирваракайига қил, яхши, пишиқ-пухта, кўп, мўл-кўл бўлишини ўйла, бу йўлда ҳар қандай қийинчиликдан қўрқма!» деган маънода насиҳат қиладилар. (Эргаш):

Э, ойижон, Жамилахон баланд дор. (Салтанат) Осмонга бир туп балдирга осил, Остин ерга тегмайди» (Б. Рахмонов, Мардлар киссаси).

Осмон узок, ер катик.

Вар.: «Осмон пирок, ер катик. Ўлай десам, жон тегмас»; «Кукка бокаман, кўк пирок. Ерга бокаман, ер катик»; «Кирдим ер катик. Кияга кам тегмас»; «Ўлай десам, ўлолмайман. Тирик ерга кароволмайман. Бу мақолдаги халқнинг тилаги ер юзидаги, ноилож, холатга тушиб қолган кишилар томонидан айтилади. Классик адабиётда ҳам кўпгина мақоллар ҳусни ният маъносини ифодалайди.

«Ерга кирган кетди унун етмас ул ойга тенг.
Мунисга ахволе тушубдур ер билан, кўк ўртада».
(Лутфий)

Ерни деса кетиб оқаран, ер дер менинг.
Кўк менинг деса ом олиб, кўк дерок ерга».
(Навоий).

Осмонда бир кандуз бор — ейдан ҳам, ўлганида кора сув майдан ҳали.

Кора сув — шўр кон, шўрлитган киши тирилмайди, унинг ҳам ери ҳаммага. Аммо, кони пиконга чўлаштирса, таъна бўлишда шунга кора қўнғир ҳам ишга яроқлилигидан мақтовга бўлади, ишлаган одамга шу шўр сув ҳам бемисли мойдек ёқимли туюлади. Мазкур мақолда шу ҳолни ифода этганлар.

Осон ерда ош қайда?!

«Ош-нон, мол-мулк, пулу маблағ, умуман ҳар қандай моддий бойлик ҳам кишининг қўлига осонгина, ўз-ўзидан, текинидан-текинга кирмайди. Уларга эришмоқ учун ҳаракат қилиш, меҳнат машаққатларини тортиш, елиб-югуриш, жон қойитиш керак бўлади», деган маънода айтилади. Вар.: «Осон ош қайда?!» «Осмондан чалпак ёғмас» (чалпак — хамирни юпқа ёйиб, ёғда пиширилади ган овқат); «Осмондан жиззали нон ёғмас»; «От сурилмай бўз топмас, Эр сурилмай мол топмас» (сурилмоқ — қийналиб, муҳлиб-суҳлиб, қоқилиб-суқилиб, тортиниб кирмоқ); «Офтоб тегмай, олма пишмас»; «Осон ишда лаззат йўқ»; «Меҳнатнинг нони — ширин»; «Ҳалол иш — лаззатли емиш»; «Тоқ ҳам тегмасдан тушмайди»; «Ёзда бошни қайғмаганнинг, қишда оши қайнамас»; «Бахорда ҳеч кечган — кузда мой ичади»; «Меҳнатни қаттиқ бўлса, натижаси тотлик бўлар» ва б.

От айланиб келгани — тепар, эр айланиб ёнгани — тепар.

Кўпинча бу мақолнинг биринчи қисмининг ўзини қўллайверадилар. Унинг тўғри маъноси шуки, отни бошқа уй ҳайвонларини ҳам) палага, яхлаб жойга боғлаш керак, ўлаб ерини леб, уни ўзи яхшига боғлаб, қозиқ қоқиб қўядилар. От ён-атрофни ўлаб кемиради-ю, аммо қозиққа келгандан кейин ирғиқа кетиб қолаверади, пастиниб-айланиб яна шу ерга келиб қолаверади. Мақолда ана шу ҳол мисолга олинган ва мазмани: «Бирор сабаб билан (арзимас, кифа бўлиб, келишмай, тушунмовчилик, ноғора бўлиб, бирор айб қилиб ва ҳ.к.) ўз юртидан, оиласидан ё иш жойидан бошқа ерларга кетиб қолган одам бир кунмас-бир кун қайтиб келади, яна ўз туғилиб-ўсган жойида, ўз ишида муқим қолиб, тинаб-тинчиб, тўқин бўлиб кетади», демоқчи бўлинади. Мақолнинг иккинчи қисмини қўшиб айтганларида эса: «Интит ёшлигида, тажрибасизлигида бориб, бирор ёзиқ (айб, гунох) қилиб қўйса-ю, бу айбини, хатосини тан олмай, ўзгаларнинг панд-насиҳатига кирмай, ўз айтганидан қолмай, ўжарлик, тожик қилиб ҳар қанча юраверсин, бари бир ёши улғайиб, яхши-ёмонни кўриб, «ок-қорани таниб», эс-ҳушини йиғиб олгач, бир кунмас-бир кун ўз ёзигини тонади, яъни айбига иқрор бўлиб, хатосини тан олиб, одамлар-

дан узр сўрайди», демоқчи бўладилар. Юқоридаги мақолни «От айланиб қозиғини топар, Сув айланиб ёриғини топар»; «От айланиб қозиғидан кетмайди»; «От айланиб қозиғига қайтади» деб ҳам ишлатадилар. Мана бу кун, эй юртим, ғоз турибман қошингда,
От айланиб жойини топар,
деганлар доим
(А. Орипов).

От аяган ерга қарар, қуш аяган — кўкка қарар.

Бу билан: «Бир одам бир одамдан: «Отингизни бериб турсангиз, фалон жойга бориб келсам» деб илтимос қилиб борса, эгаси бир оз оғринади, отини аяб, неча томонни мулоҳаза қилади, «бориб келадиган жойи лойми, ботқоқми, сирғанчиқми, қирликми, сойликми...» деган ҳаёлларга бориб, ерга бир қараб олади-да, кейин «майли» ё «йўқ» деб жавоб беради. Ов қушини бериб туришни сўраб борган одамга ҳам эгаси шу алпозда иш тутади: «Ҳаво қандай экан, шамолми, бўронми, қорми, ёмғирми», деган ҳаёлга бориб, кўкка бир қараб олди-да, кейин «ҳа» ё «йўқ» дейди, бергиси келмаса, бирор нарсани баҳона қилади. Ҳар кимга ҳам ўз нарсаси қадрли, аёвли бўлади. Шунинг учун сен аввало бировдан бирор нарса сўраб борма, ўзингга керакли нарсани ўзинг топишга, имкони борича ўзинг эга бўлишга ҳаракат қил», деган маънода насиҳат қиладилар.

От билан тепишган тойнинг энгаги синади.

Халқ бу мақоли билан: «Ўзингдан катта, ўзингдан зўр, кучинг етмаган одам билан олишма, ўзингга бирор шикаст етказасан, зиён-заҳмат кўрасан», деб таълим беради.

От билан эшакка тўқимнинг фарқи йўқ.

(Тўқим — жазлиқ ёки эгар остига қўйилади, одатда кигиз бўлади). Мазкур мақолни: «Тўқим янгими, эскими, яхшими, ёмонми — бунинг от ё эшак учун фарқи йўқ, фақат у эгасининг кимлигини, қандайлигини, бой ё камбмғаллигини, фаросатли ё фаросатсизлигини билдиради», деган маънода ҳам; «Тўқим табиат», яъни ҳеч нарсанинг маъносига, фарқига бормайдиган, дидсиз, фаросатсиз одамларга нисбатан киная, қочирим маъносида ҳам қўллайдилар. Бундай одамларга нисбатан: «Эшакка пашмакдан хашак яхши» деган мақолни ҳам қўллайдилар. (пашмак — шўрадошлар оиласига мансуб ўсимлик).

От билан қурол эга танламас.

Бу мақол билан: «От учун ҳам, қурол учун ҳам эгаси ким бўлишлигининг фарқи йўқ. Ҳар иккаласи ҳам бутун сенга хизмат қилаётган бўлса, эртага душман қўлига ўтиб колса, унга хизмат қилаверади. Тутуриқсиз, беқарор, иккиюзламачи, сотқин одам ҳам шундай: хоҳ моддий-маънавий, хоҳ жисмоний тарафдан ё бошқа бирор жиҳатдан сендан фойдаланиб тургани учун дўст бўлиб, хизмат қилиб, яхши муомалада бўлиб юради-да, сендан фойда тегмай қолса ё бошқа бировдан дурустроқ фойда тегадиган бўлиб қолса, сени тарк этиб, юз ўгириб, унинг тарафига ўтиб олади, унинг хизматида бўлиб, ҳатто сенга қарши хатти-ҳаракатлар қилади. Шунинг учун, жамиятда, яшаяпсанми, дўст ким-у, душман ким — яхши билиб, ажратиб ол», деб зийраклик, ҳушёрликка ундайдилар.

От босмайман деган ерини уч босар.

Вар.: «От босмаган жойини уч босар»; «От босмайман деган ерини минг босар»; «От бир босган ерини уч босар». Бу мақоллар билан: «Энди асло бундай қилмайман» деб, қатъий ваъда берма, тавба-тазарру қилма, қасам ичма, катта гапирма. Чунки, бир кун бўлмаса, бир кун яна ўша аҳмоқона ишни, айб-гуноҳни қилиб қўйишинг мумкин. Зеро, тақдир шундай нарсаки, баъзан кишини хоҳиш-их-

тиёридан, истагидан ташқари, унга тамоман зид бўлган ишни қилишга мажбур этиб қўяди», демоқчи бўладилар.

От бошига иш тушса, сувлуги билан сув ичар, эр бошига иш тушса, этиги билан сув кечар

(сувлуқ — юганнинг от оғзига солинадиган металл қисми). Вар.: «Бошига кун тушса, хонойим хам зогора ёпар»; «Бошига тушса, байтал хам йўрга бўлади» (байтал тулпор отлар сингари тез югура олмайди). Вар.: «Байтал югуриб, пойга ололмас»; «Бошингга кун тушса, бошмоқчи хам бўласан» (бошмоқчи — бошмоқ, яъни кигиз этик, чорик, умуман қадр-қимматсиз, кўримсиз оёқ кийимларини тикувчи косиб, Буни паст, тубан касб хисоблаганлар). Юқоридаги мақоллар билан: «Ҳаётда учрайдиган қийинчиликларга бардош берадиган, сабрли, чидамли, матонатли, мустаҳкам иродали бўл, турмуш кечиришда хар қандай «қора» ишни (яъни, «паст» ишни) қилишдан хам орланма», деган маънода насиҳат қиладилар.

От ёввойиси — қулон, эчки ёввойиси — қуралай, одам ёввойиси — барзанги

(барзанги — даврангирдай, ҳайбатли, бесўнақай, қоп-қора, суяги бузуқ одам). Барзанги деганда, кўп ҳолларда гавдаси катта, ҳайбати зўр, кучи кўп-у, аммо бирор ишга бўйни ёр бермайдиган, қайишмайдиган, «бу ердаги чўпни у ерга олиб қўймайдиган», «қўлини совуқ сувга урмайдиган», ўта дангаса, «тўнка», «ҳўкиз» деб лаънатланадиган одам назарда тутилди. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан аччиқ киноя, заҳарханда билан айтадилар.

От — йигитнинг қаноти.

(От қадим-қдимдан инсонга хизмат қилиб келади. Илмий маълумотларга кўра, отлар милоддан тахминан уч минг йил илгари хонакилаштирилган (Ўзбек Совет Энциклопедияси, 8-том). Уни машқ қилдириш, ҳар хил ишларга, ҳаракатларга ўргатиш — бошқа хайвонларга нисбатан анча осон ва қулай. От кучли, сабр-чидамли, кўркам, покиза, зийрак, хушёр, бирор нарсани дарҳол пайқаш, кўриш, ҳис билиш, тезлиги, ҳатто билинар-билинмас шарпани эшитиш, сезиш қобилияти кучли. Бу фазилатларидан ташқари, от инсоннинг содиқ дўсти, вафодори, оғир ишларда маддакори, сафарларда ҳамроҳи, жангу жадалда, бошқа хавф-хатарли ҳолатларда кўпинча кишини ўлимдан сақлаб қолувчи ажойиб бир жонивордир. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз от ҳақида кўплаб мақоллар яратишган. Уларда отнинг инсон ҳаётидаги беқиёс аҳамияти, унинг ўзига хос ажойиб хислатлари ва фазилатлари кўрсатилади; отни танлашда, олардасотарда нималарга эътибор бериш зарурлиги уқтирилади; уни ҳамавакт асраб-авайлаш, яхшилаб боқиш, даволаб туриш лозимлиги таъкидланади ва шулар юзасидан тегишли маслаҳатлар берилади: «Оти борнинг қаноти бор»; «Отинг — қанотинг»; «Эр қаноти — от»; «От битди — қанот битди»; «От тегди — қанот тегди»; «Ош — одамнинг қуввати, От — одамнинг қаноти»; «Оти борнинг — қаноти бор, Сигири борнинг сийи бор» (сийи бор — хурмат-эътибори бор). Сигири бор уйдан инсон сломатлиги учун фойдали бўлган «оқлиқ»— сут, қатиқ, қаймоқ ва ш.к. чиқади. Шунинг учун одамлар сигир боқиб, теварак-атрофга оқлиқ тарқатадиган кишини сийлайдилар, иззат-хурмат қиладилар. «От дўсти — ота дўсти» (Бу билан: «Сенга от совға қилган ёки сотиб олишда отнинг энг сарасини танлаб берадиган киши худди отанингнинг дўстидек қадр-қимматлидир», дейилмоқчи); «Яхши от — ярим ризқ»; «Отлининг насибаси — олтов, Туялининг насибаси — тўртов»; «Отим бор кўрамда, Қайғум йўқ бўроида»; «Минганинг яхши от бўлса, олисни яқин бил»; «От ушлаган — азобидан қу-

тулар» (ушлаган — бу ерда «боққан, асраган» маъносида ишлатилган); «Отли йигит — бахтли йигит»; «От чопмайди — бахт чопади» «Отинг югурук бўлса, юзинг ёруғ бўлади»; «Тойни боқсанг, от бўлур, Ёвни қувсанг, мот бўлур»; «От ёвни қувсанг, етқазар, Ёвдан қочсанг, қутқазар»; «Яхши от — жонга шерик, Яхши иг — молга шерик»; «От қадрини чопган билар, Милтиқ қадрини отган билар»; «От қадрини оти йўқ билмас, Ови қадрини қорни тўқ билмас», «Оч қолмагунча оч қадрини билмас, Яёв қолмагунча от қадрини билмас»; «Эрнинг оти — эрга тенг» («Жангчи ботирнинг, яъни эр йигитнинг танидаги оти ҳам бир ботирчалик куч-қувватга эга», дейилмоқчи); «Оти бор — Алпомиш» («Оти бор йигит Алпомишдек тенгсиз куч-қудратга эга», деб отнинг аҳамияти муболага қилиб кўрсатилган); «Чопқир от — ўткир пичоқ»; «Йигит кўрки — от-яроғи» (Бунда жангчи йигит назарда тутилган); «От бўлса, майдон топилади, От бўлмаса, майдон чопилади» («Майдон чопилади» — майдонда отсиз жанг қиладиган аскарлар отлиқ аскарлар томонидан чопиб, босиб-янчиб ташланади, деган маънода); «Бошсиз бўрк бўлмас, Тотусиз турк бўлмас» (бўрк — қишлоқи калпоқ, телпак; тоту, тоти — кичкина, мўъжаз от. Қашқар оти, «тог оти» ҳам дейдилар, у тоққа худди такадек сакраб-сакраб, бемалол чиқиб кетаверади). Қадимги туркилар асосан кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланганлар. Уларнинг у ердан-бу ерга кўчиб юришлари учун от-улов бениҳоя зарур эди. Шунинг учун ҳам ҳар бир оила ўз отига эга бўларди. Отсиз турк деярли бўлмасди. Мақолда шу нарса эслатиб ўтилган. «Оти бор — ботир, Оти йўқ — ётир»; «От, отдан кейин ёт» (бу кейинги икки мақол билан: «Отинг бўлса — ёв билан олишганда ботирсан, қўлинг баланд келади, енгасан. Отинг бўлмаса ё ундан ажраб қолсанг, ётасан-оласан, чунки отсиз жангчининг ҳоли ўз-ўзидан маълум», дейилмоқчи); «Отсиз оламон — сувсиз тегирмон»; «Оти йўқнинг — бути йўқ» (бут — оёқ). «Оти йўқ одам пиёда юраверіб, ҳорибчарчаб, оёқдан қолади», дейилмоқчи; «Отсиз эр — қанотсиз қуш»; «От кўрганнинг оёғи оқсар» («Отда юришга ўрганиб қолган одам пиёда юргиси келмайди, эринади», дейилмоқчи); «Отлиқ одамни кўрса, пиёданинг оёги толади» (Пиёда кетаётган одам отлиқни кўрса, унга ҳавоси келиб, чарчамаган бўлса ҳам, ўзини чарчагандек, оёқдан қолгандек ҳис этади», дейилмоқчи); «Отлиқ отини йўртар, Отсиз кетини йўртар»; «Отликка яёв етолмас»; «Отга ўрганган оёқ яёв юролмас, Охурга ўрганган аргумоқ ердан ёмас» (қ. *Отдан тушса ҳам эгардан тушмас*) «Отга ўрганган кишининг тонга тақими толмас» (тақим-ёқанинг тизза ости букиладиган жойи); «Огил тўла эшакдан, ориқ бўлса ҳам от яхши»; «Ёли қуюқ эшакдан, ягир бўлса ҳам от яхши»; «Эшакнинг югурити — отнинг оқсоғи»; «От турганда, эшак миниламас»; «От отлантирар, эшак эндирар»; «Отмиш қулондан от бўлмас» (қулон — отдан кичикроқ, эшакдан каттарок, отдан кўра кўпроқ эшакка ўхшаш кетадиган ёввойи ҳайвон, ёввойи хачир); «Отнинг одими катта, туянинг товони катта»; «Отнинг туёғи туяникидек бўлса, тоғни кўтарарди»; «Отим чаман бўлса ҳам, усти омон» (чаман — секин юрадиган, ялқов от); «От олсанг, уйинг билан кенгаш, От сотсанг, овулинг билан кенгаш»; «От олсанг ой кенгаш, Хотин олсанг — йил»; «От бозори — бахт бозори» («Бахтингдан кўрасан: олган отинг ё яхши чиқиб қолади, ё ёмон», дейилмоқчи); «От олсанг, отасини суриштир»; «Чачаси узун от — зотли бўлар» (чача — от туёкларининг тепарогидан ўсиб чиққан соч, ёлча. Одатда бакувват, кучли, зотли отларнинг чачаси узун бўлади); «Одам бўлар йигит одатидан маълум, Тулпор бўлар қулун — мучасидан» (Муча — одам ва ҳайвонларнинг аъзолари: қўл, оёқ, кўз, қулоқ ва ш.к.); «От сағридан билинар, Қўй — бағридан» «Отнинг феъли минганда билинади»; «От кучини карвонда кўр, Мард кучини — майдонда»;

«От улоқ ортганда билинади» (улоқ, кўкари пайғарда тутилган бўлиб, отнинг кучли-кучсизлиги, оғир-енгиллиги шунда маълум бўлади); «От яхшиси орқасида билинар. Йигит яхшиси гапида билинар» («Гапда-жағжағли жойда сипил табиат тажанг, балжоҳл, сўкинчоқ, уришқоқ, хар кандай гапни ўзлаштиролмай, иккита гапирио юборгандан кейин хаммасини кўра қўяқолган одатдан, ёмон-ахмоқ кўради, ҳатто калтак ейди. Онаси, бечора, тилини тиш орасига олиб ўз болаларини жонидан ортиқ кўриб-ардоқлаган-кўкаган. обрўлиқ кўпчиликни ҳеч қачон ҳақорат, доғламаган; «От яхшиси ортида кўринар» «Яхши от бир фурсатда аниқланмаган, ёмон тортинчоқлиги билан ажралиб туради. Яхшиси ҳам шундай, ёмони ҳам шундай. Яхшиси ҳамма нарсага қизиқиб, «ёпишқоқ» бўлади. Ёмони ҳамма нарсага ўзини тортмайди»; «Отнинг яхшиси тилдан маълум, Одамнинг яхшиси — сўздан»; «Хурмачанинг яхшиси тепса — кўзга, ёмон — пешонага» (кўзлик — от чақирғ, хурмак — от); «Отнинг бари тулпор бўлмас. Кишининг бари ботир бўлмас» (тулпор — афсонавий қанотли, учар от; ботир, эпчил, жасур от. Ботир — ёлғиз, ёлғиз, ёлғиз от ҳам); «Яхшининг ёмонга бериб шунчаки бўлмас. Ёмон отни яхшига билан ўзгартириб бўлмас» (ёмонлик — бефарқлик, лоқайдлик); «Отни минган биларкан. Ёлғон отни минган бўлмас» (ёлғон

кўзинг ёш»; «От қадрини билмасанг, яёвлик берар жазонгни, Ош қадрини билмасанг, очлик берар жазонгни, Ҳеч нарсани билмасанг, худо олсин сазонгни» (сазо — қилмишига яраша танбеҳ, таъзир); «Ёмон отни яхши боқсанг, тулпор бўлар, Ёмон қушнинг тобин топсанг, шунқор бўлар»; «От боққанинг — улоққа, Қўй боққанинг — қўноққа»; От қулун туғар, одам уни от қилар»; «От боққунча той боқ»; «Отга дўст каби боқ, душман каби мин» («Яхшилаб боқсанг, хар канча аёвсиз минсанг ҳам писанд қилмайдиган, чидайдиган бўлади», дейилмоқчи); «От олмай, охур тузат» («От олишдан аввал уни боқадиган жойингни, ем-хашагини ҳозирлаб қўй», дейилмоқчи); «От топгунча, эгар топ»; «Отни топиш — бир кунлик, Абзал, топиш минг кунлик»; «Озиқли от ҳоримас, Ҳориса ҳам оримас» (оримас — орикламас, озмас); «Боқ отингни арпа билан, Боқар қази-карта билан»; «Аравани от эмас, арпа тортар»; «Отни боксанг, кашиб боқ, Емни емга қўшиб боқ» (Отни пойгага, улоққа боққанларида унга емни кунига олдин бир ҳовучдан, кейин икки ҳовучдан, кейин уч ҳовучдан ва ҳ.к. охири қирқ ҳовучдан берардилар. Шундан сўнг кунига ўттиз тўққиз ҳовучдан, ўттиз саккиз ҳовучдан ва ҳ. к. охири бир ҳовучдан бериб, совутардилар. Шунингдек, отни ҳар куни қашлоғич билан қашиб, гард юқтирмай парвариш қиладилар); «От бойловда семирар, қўй — яйловда»; «Ем бериб боққан отга қамчининг кераги йўқ»; «Куйсиз кулук югурмас» (куйсиз — паваришсиз; кулук — пойга оти); «Кепак еган от югурук бўлмас»; «От тўрвадан қарийди»; «Отбоши, Арпа еринда ҳориди от, От отанг бўлса, қозиқни қоқ-да, ёт» (Ҳозирги Қирғизистон территориясида Отбоши, Норин, Арпа деган жойлар бор. Арпа яйловида битадиган ёввойи арпа сердон ва тўйимли бўлиб, молларни тез семиртириб юбориш хусусиятига эга экан. Бу ҳақда халқ ўртасида юрадиган шундай бир ривоят бор: Бир йўловчининг оти Арпа яйловга келганда, ниҳоятда ҳориб, юрарга мадори келмай қолибди. Эгаси: «Бир оз ўтлаб, ҳордиқ чиқарсин, кейин миниб кетарман», деган ҳаёл билан унинг оёғини тушовламасдан, ўз ҳолига яйдоқ қўйиб юборибди. Ўзи эса ёнбошлаб ётиб, уйқуга кетиб қолибди... Бир вақт уйғонса, оти гижинглаб, ўйноқилаб, ғайратига сиғмай юрганмиш. «Ҳа, ҳайрият, ўзига келибди» деб, уни ушламоқчи бўлиб борса, от сира тутқич бермасмиш, қирдан-қирга қочармиш. Эгаси қувлаб-қувлаб тоза овора бўлибди, ҳориб-чарчаб, «оёқларида оёқ қолмабди». Ахири бир вақт уни тутиб олибди-да, жаҳлига чидай олмай, шартта сўйиб, калласини бир теракнинг шохига илиб, гўштини орқалаб, яна йўлига равона бўлибди... Бир жойга бориб, қозон осиб, гўштини пиширибди, норин қилиб ебди-да, отидан ажраб қолганидан афсусланиб, одамларга юқоридаги гапни айтиб юрадиган бўлибди. Кейинчалик бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб; «От агар отанг бўлса ҳам, Отбоши, Арпа ерида қозиқ қоқиб, тушовлаб, кейин ётгин», деган маънода қўлланадиган бўлиб кетган. Ҳалиги йўловчи отнинг бошини дарахтга илиб кетган жой кейинчалик «Отбоши» деб, норин қилиб еган жой «Норин» деб аталадиган бўлганмиш); «Отинг хўра бўлса — берди худо, Хотининг хўра бўлса — урди худо»; «Озган от арғумоқ бўлмас»; «Орик отга қамчи — юк»; «От орикласа, тувлоқ бўлар» (тувлоқ — тувалоқ, тувдоқ ҳам дейдилар — ов қилинадиган, гўшти мазали йирик қуш); «Орик отнинг ичаги кенг бўлади» («Орик от тўқ отдек озгина ем егани билан қорни тўя қолмайди, овқатни кўп талаб қилади). «Анғизли ерда от ўлмас, Ийирли ерда — эр» (анғиз — экини ўриб-йигиб олинган, экин поялари қолган ер; ийир — шифобахш гиёҳ); «От чанқаса икки кудуқдан сув ичар»; «Отда қуйруқ бўлмаса, ёлдан не фойда?!; «От оч қолса, ёлини ер, Қуш оч қолса, патини ер» (отнинг семиз-ориклигини билмоқчи бўлганда, биринчи галда ёлини ушлаб кўрадилар. Чунки, от семирса, ёлининг тагига ёғ йигилади. Агар у узоқ вақт

оч қолса, шу ёғи камайиб кетади, яъни от «ўз ёғини ўзи ейди». Қуш оч қолганда эса ўз патини ўзи еябошлайди. Тилимизда мавжуд бўлган «Ёлу патини емоқ» ибораси шундан олинган бўлиб, «бор-йўғини емоқ, еб битирмоқ», деган маънода ишлатилади); «Отинг ориқ бўлса, тўрвадан кўр»; «Ориқ отга мингунча, оёғингга мин!»; «Той озғини — йўрға бўлар»; «Той тўйса, уюрдан чиқмас» («Қорни тўйса, ўз уюридан ташқарига чиқишга ҳам эриниб, ялқовланиб қолади», дейилмоқчи); «Оч отим — бор отим, Тўқ отим — йўқ отим» (бу кейинги уч мақол билан: «Тойни ҳам, отни ҳам ҳаддан ташқари тўйғазиб, семиртириб юбориш ярамайди. Чунки, тўқ, семиз от на пойгага, на улоққа, на узоқроқ сафарга ярайди, на юк тортишга», демоқчи бўладилар); «Отни яхши кўрсатган — тўёқдаги тақаси, Тўнни яхши кўрсатган — енги билан ёқаси»; «Тақасиз от йўлга ярамас» (булар билан отининг тақасини вақти-вақти билан янгилаб туришни тавсия қилганлар); «Отингни яхши кўрсанг, айилини маҳкам торт»; «От сирини ўтарчи билади» (ўтарчи — мол табиби. «Отинг касал бўлиб қолса, дуч келган одамга кўрсатиб, билар-билмас давосини қилма-да, унинг дардини биладиган ўтарчига кўрсат, даволат», дейилмоқчи).

От минган отасин танимас.

Иттифоқо бирор бойликка ё мансабга эга бўлиб қолиб, ҳеч кимни, ҳатто отасини ҳам менсимай қўядиган, манман, мағрур, такаббур одамга нисбатан киноя тарзида айтиладиган мақол. Вар.: «Отланган отасин билмас»; «От минган отасин унутибди»; «Аҳмоқ отга минса, отасин танимас»; «Тентак отга минса, тангрисин танимас»; «От орқасига эгасин миндирмас» (Буни ўсиб-улғайиб, вояга етиб, бойликка ё мансабга эга бўлиб қолган, шишиниб, гуруриятга берилиб, ҳатто ота-онасини, тарбия қилиб ўстирган кишиларини танимай, назар-писанд қилмай кетадиган баъзи ноқобил, нонкўр фарзандларга нисбатан аччиқ киноя тарзида айтадилар). Шундай гуруриятга, такаббурликка берилиб кетган одамларга қуйидаги мақоллар билан насиҳат қилиб, уларни инсофга, адолатга, камтарликка, енгилтак бўлмай, оғир-босиқ бўлишга даъват этадилар: «Отлиққа салом бериб, эшакликдан умид кутма»; «Отлиқ бўлсанг, эшакликка салом бер»; «Улуқликка етишсанг, енгилтак бўлма»; «элликбоши бўлсанг, кетингга бир ботмон тош боғла, Юзбоши бўлсанг — минг ботмон тош боғла» (элликбоши, юзбоши — Ўрта Осиё хонликларида эллиқта, юзта отлиқ аскарга қўмондонлик қилувчи ҳарбий бошлиқ; қишлоқ ёки маҳалла оқсоқоли. Мазкур мақол билан: «Мансабинг қанча катталашса, шунча оғир-босиқ бўл», дейилмоқчи). «Улуғ бўлсанг, кеккайма, Ўз элингга чекчайма».

От ойлигин ўйлар, туя — йиллигин.

Вар.: «От ойлигин ўйлайди, Туя йиллигин ўйлайди, Эшак оёқ остин ўйлайди». Бу мақолларни узоқни кўра олмайдиган, эртанги куни, келажаги ҳақида ўйлаб, бош қотириб ҳам ўтирмайдиган, калтабин, калтафаҳм, дангаса, ялқовларга нисбатан қўллайдилар.

От ориқликда, йигит ғариблиқда.

Вар.: «Отни ориганда кўр, Йигитни — қариганда»; «От ориқликда кўримсиз, Қиз — етимликда»; «Отни ориқликда сина, Қизни — етимликда»; «Ориқ отга чўп илашмас» (чўп — ўт, хас-хашак); «Ориқ отга чанг юқар». Бу мақолларни: «Камбағал, ғариб, бева-бечоралар, етим-есирлар озғин, ҳорғин, касалманд, хунук, кўримсиз бўлади, уларга бирор фойда йўлиқмайди, бор бўлса ҳам юқмайди, бахт-иқбол қулиб боқмайди, ҳол-аҳволи баттар бўлгандан баттар бўлиб бораверади», деган маънода, уларнинг аянчли аҳволига ачиниш мақомида қўллаганлар.

От сафарда билинар, ёт — сафарда.

Бу билан: «Отнинг яхши — ёмонлиги сафарда билинади. Сенга ёт, бегона, нотанин, йўлда қўшилиб ҳамроҳ бўлган одам егулик-ичгулигини бориданина (умуман, бирор фойдаси тегиб турганидагина) яхши гапириб, ҳамроҳ бўлиб юради, фойдани тегмаб қолди дегунча, сендан юз ўгириб кетади, хеч вактда сенга содиқ, вафодор дўсту биродар бўлмайди. Шунинг учун кимнинг кандайлигини билиб, синаб, ундан кейин у билан тегишли муомалада бўл», деган маънода насиҳат қиладилар. Мазкур фикрни ва юкоридаги маколни қувватловчи: «Ёт ичганда ёт, яхши. Кон ичганда — қариндош» деган мақол хам бор.

От тепкисини от кўтаради.

Вар.: «От тепкисини от кўтаради, Той тепкисини той кўтаради»; «От тепкиси отга ўтмас». Бу маколларнинг мажозий маъноси шундан: «Тенгкурлар, дўстлар бир-бирларининг каттик-курум гапларини кўтарадилар (ёхуд кўтаришлари керак)». (Матқул) «Дўстингман деган одам энди каттик-курук гапни хам кўтаради-да. От тепкисини от кўтаради...» (И. Султон, Асарлар).

От топади, эшак ейди.

Вар.: «От йиғар, эшак еяр»; «Бир от оркасидан мингэшак ер»; «Бўри ёрди, кузғун гўнгин»; «Мард топади, номард ейди». Бу маколларни ўзи ишламай-кучламай, ўзгалар меҳнати хисобига яшайдиган, текинхўрлик, тамагирликка ружу қўйган ноинсоф шахсларга нисбатан киноя тарзида айтадилар.

От чачаси узунлиги — ўзига зарар.

Юкорида айтиб ўтилганидек, чача — от туёкларининг тепасидан ўсиб чиққан соч, ёлча. Одатда бакувват, кучли, зотли отларнинг чачаси узун бўлади. От юрганда, олдинги оёкларининг чачасини орка оёклари билан босиб олиши, натижада от бехосдан мункайиб кетиб, йиқилиб, ёпкастланиши мумкин. Шунинг учун хам ценкир отларнинг олдинги оёкларидаги чачани чармдан ясалган «оёқлик» билан бекитиб, боғлаб қўядилар. Мазкур маколни мажозан: «Кишилик жамиятида баъзан шундай ҳоллар хам бўладики, ақлий жиҳатдан ўткир, жисмоний жиҳатдан кучли, пеша хунар соҳиби ва х.к. бўлган одамни кўролмайдилар, чиқиштирмайдилар, «тухмат тоши» ни отадилар, пайини қиркиш, охири бирор бало-каззога гирифтор қилиш, ўз орасларидан четлатиш, йўқотиш харакатида бўладилар. У одамнинг ўткирлиги, кучлилиги, бошқалардан устунлиги ўзига зиён-захмат келтиради», деган маънода айтиб қолдирганлар. Вар.: «Булбул овозининг хунлигидан — кафасга гирифтор»; «Тулун туки — жонига ола, Кўккарға пати — ўзига бало».

От ўйини қирқ йилда бир бўлади.

Замонанинг зайли билан, кутилмаганда, олдиндан маълум бўлмаган бир тарзда бир жойда кўпчилик одам йиғилиб қолиб, хурсандчилик, ўйин-кулги, дилни хушнуд этувчи воқеа, меҳмондорчилик ва х.к. бошланиб кетса, бундан кўнгли яйраб, хурсанд бўлиб кетган одамлар бир-бирларига: «Э, ўйна, ўйнайвер!» ёхуд (гаюму ноз-неъматларни) «Ол, оладвер! Бунақа «от ўйини» қирқ йилда бир бўлади» (яъни, кунда-кунда бўлавермайди, аллакайтиб бир бўлиб колади, шу ганимат фурсатдан фойдаланиб, еб, ичиб ўйнаб, кулиб қол!) дейдилар.

От ўлади, куш қочади.

Бу билан: Учкур отим ё олгир ов кушим бор, деб мақтаниб, керилиб юрма. Камтар бўл, магрурланма. Дунёда деярли хеч бир нарсанинг бакоси йўк, хеч бир нарса (на бойлик, на амалу мансаб, на жисмоний кудрат) кишига «боглаб бериб қўйилган эмас». Маса-

лан, отинг бир кунмас-бир куни ўлади, кушинг бир кунмас-бир куни кочиб кетади. Ана ундан кейин мактанганинг қаёқда қолади-ю, ўзинг ким деган одам бўласан?! Бас шундай экан, зинхор ҳеч бир нарсани билан мактанма, мағрурланма, керилма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

От ўлими — итга тўй.

Варн.: «Отнинг ўлими — итнинг байрами»; «Эшак ўлса — итга тўй»; «От ўлса, ит кутурар, Эшак ўлса — бўри». Бу мақоллар билан: «Яхши одамларнинг ўлим-йитими, мағлубияти, муваффақиятсизлиги ёмон, кунли қора, дилхир одамларни қувонтиради. Улар бу ҳодиса туфайли бирор моддий ёки маънавий фойда кўрсалар ҳам, ҳеч бир фойда кўрмаслар ҳам, барибир шодланаверадилар. Зеро, ичи қора одамларнинг табиати ўзи шунақа», демоқчи бўладилар.

От ўрнини той босар, ота ўрнини — ўғил.

Варн.: «Кун ҳисобин Ой олар, Бедов ўрнин той олар»; «От босмаган ерни той босар»; «От изини той босар»; «Той босмаган ерни тойчоқ босар»; «Нор изини перча босар»; «Отдан той ўзади, Отадан — бола»; «Ота кўрганни бола кўрмас, Бола кўрганни ота кўрмас»; «Ота кўрмаганни бола кўради»; «Отаси урмаган қўнизни, Боласи урар тўнғизни»; «Кўён отолмаганнинг боласи арслон отибди»; «Отаси девор минмаганнинг ўғли эг минибди»; «Отаси шаҳар кўрмаганнинг боласи Шанхай кўрибди» (Шанхай — Хитойдаги йирик шаҳар); «Отаси гарнн, Ўғил — фаранг» (Фаранг — Франция, французлик, француз сўзининг талаффузга мослаб айтиладиган шакли бўлиб, кучма маънода «ҳар бир иш қўлидан келадиган, моҳир, уста, уддабурон» маъноларини англатгиради); «Оти улса, тойи бор — Нўхтаси ерда қолмайди, Отаси ўлса, ўғли бор — Юрти вайрон бўлмайди»; «Қўй ўлса, кўзи қолар, Келар йили ўзи бўлар»; «Отаси ўлгурмаганни ўғли тугатар»; «Ота бузганни ўғил тузади»; «Олти кун оч колсанг ҳам, Отанг одатин қўйма!»; «Отадан ўғил туғмасму, Ота йўлини қувмасму?!» (туғмасму — туғилмасдими); «Отадан ўғил туғса экан, Ота йўлини қувса экан!»; «Отадан бола туғар, Отанинг йўлин қувар»; «Ота касби — давлат касби»; «Ота касби — отгин касб»; «Ота касби корин тўйғазар»; «Ота касби — ўғилга халол»; «Ота касби — болага ҳаром эмас»; «Ота билак бўл. Она юрак бўл!» («Отангдек ғайратли, жасоратли, толмас билакли, турмушни яхши ўтказиш ўгрисида доимо қайгурувчи, елиб-югурувчи; онангдек пок юракли, меҳрибон, мунис, мулойим, мураббий бўл!» демоқчи); «Отанг эрдир, сен ҳам эрдек қилиқ қил!»; «Отанг эр бўлса, сен шер бўл!»; «Ота-бобонг хунари — отмоқ, чопмоқ. Сенга ким кўпди — кўп ҳайдамоқ, тупроқ яламоқ?!» (бу билан: «Ота-боболарнинг ғайратли, жасоратли, довюрак, катта-катта ишларга қўл урадиган, ҳеч нарсадан қайтмайдиган, эринмайдиган одамлар эди-ку, нега энди сен ундай қилмаяпсан?! Эринаяпсанми, ё кўркаяпсанми; Кўркма ҳам, эринма ҳам! Енгил-елпи ишлар билан шуғулланиб, турмушимни бир амаллаб ўтказсам бўлди-да, менга нима, жон қойғизиб?!» — деган фикрни ҳаёлингга ҳам келтирма, оғирроқ, каттароқ ишларни кўзла, шунинг ҳаракатида бўл!», деган маънода насиҳат қиладилар).

От қариса — охурда, ит қариса — чуқурда.

Бу мақолнинг «Умри давомида кишиларга яхшилик ниятн ва ҳаракати билан яшаган кишини одамлар қариган чогида ҳам иззат-ҳурмат қиладилар», «бошларига кўтариб юрадилар», ёмонлик қилган, одамларга озор етказган, кўпинчиликнинг лаънатига, қаҳр-газабига учраган одам ёшлиги тугул, қариганида ҳам иззат-икромдан маҳрум бўлади, ҳаммасининг эътиборидан, яхши жавоб-муомаласи ва марҳаматидан четда қолади, бир ўзи «яккамохов» бўлиб юриб-юриб, охири бир куп хор-зорликда улиб кетади», деган маънода қуллайдилар.

От қуроли — қамчи, ит қуроли — таёқ.

Бу билан: «Беш қўл баравар бўлмаганни сингари, жамиятдаги одамлар ҳам бир хил эмас: бирининг феълатвори ундай бўлса, биринники — бундай, бири юмшоқкина қилиб, оҳиста айтган гапингга тушуна қолади, бири эса то бақирув-чақирувга бормагунингча, асабингни бузиб, уришиб-сўкиб гапирмагунингча гапингни қулоғига ҳам илмайди, пинагини ҳам бузмайди, айтганингни ҳар кимнинг қандайлигини билиб, шунга яраша иш тут», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ота-она — олтин қанот.

Жаҳоннинг ҳамма халқлари каби ўзбек халқи ҳам қадим-қадимдан ота-онани оламда энг улуғ, энг мўътабар, энг муқаддас зот деб билади ва ўз дунёқарашида, ёзма ва оғзаки адабиётида, санъатида, кундалик гап-сўзию, жавоб-муомаласида, жумладан, сон-саноқсиз мақоллари ва ибратли сўзларида ота-онанинг фарзанд учун қанчалар қадр-қиммати, меҳрибон, вафодор, содиқ, ғамхўр, мададкор, мураббий, моддий ва маънавий таянч ва ҳ.к. эканлигини қайд этиб, уларни умрбод эъзозлаш, иззат-ҳурмат қилиш, қадрига етиш, «бошига кўтариб юриш», «қўлтиғига кириб» суянч, таянч, мададкор, ҳамкор, ҳамдард, ҳамнафас бўлиш, уларнинг гапини ерда қолдирмаслик, айтганини қилиш, панд-насиҳатларига қулоқ солиш ва амал қилиш, зинҳор ва зинҳор уларнинг «чизган чизиғидан чиқмаслик», смонликни раво кўрмаслик, каттиқ-қурум гапирмаслик, дилини оғритмаслик, лаънату қарғишига қолмаслик, аксинча, яхшилик ва фақат яхшилик қилиб, берган туз-насибасини, оқ сутини оқлаб, ҳар жиҳатдан рози қилиб, олқишу дуосига сазовор бўлиш, уларнинг бошлаган ишларини, анъаналарини давом эттириш ва ҳ.к.— ниҳоятда зарур, энг муқаддас бурч эканлигини қайта-қайта уқдирилади: «Давлатинг — ота-онанг, Савлатинг — ўғил-қизинг»; «Олтин-кумушнинг эскиси бўлмас, Ота-онанинг баҳоси бўлмас»; «Ота-онанг — чин дўстинг, Ошна-оғайнинг — йўл дўстинг»; «Дунёда ҳар нарса топилар, ота-она топилмас»; «Ота-она эқилиб бунёдга келмайди»; «Ёмғир ёғса, тўнинг ҳўл бўлади, Отанг ўлса, уйинг чўл бўлади»; «Ота доғи куйдирар, Она доғи ўлдирар»; «Бузоқ-тана йиғилиб сигир бўлмас, Ота-нни йиғилиб ота-она бўлмас»; «Олти ога йиғилиб ота бўлмас, Ётти янга йиғилиб она бўлмас»; «Минг игнани йиғсанг таман бўлмас, Минг аммани йиғсанг онанг бўлмас» (таман — жуволдиз); «Амма-хола йиғилиб она бўлмас, Ўзинг қийналиб туғмагунча бола бўлмас»; «Ойим кетди, ойдини — ундан нари» («Ойинг — онанг кетгач, яъни вафот этгач, унинг ойдини, яъни опа-сингиллари, ака-укалари, яқин уруғ-аймоқлари сенга онангдек чинакам меҳрибон, ғамхўр, ғамгузор, дилкаш, дилбар, дилафруз, дилдор, дилнавоз ва ҳ.к. бўла олармиди?!» дейилмоқчи); «Отанинг очган йўли бор, Онанинг бичган тўни бор»; «Ота кўрган — ўқ йўнар, Она кўрган — тўн бичар»; «Отаси ёй отганнинг боласи ўқ йўнар» («Ота-она ўз фарзандларини боқиб, вояга етказар экан, уларга турмуш кечиришнинг йўл-йўриқларини, касб-ҳунарларни ўргатади. «Қуш уясида кўрганини қилади» дегандек, фарзандлар ҳам ота-она багрида ўсиб-улғаярканлар, уларнинг юриш-туришидан, гап-сўзидан, хатти-ҳаракатидан, касбу коридан ибрат олиб, тажриба ва ҳунар орттириб, «кўзлари пишиб» борадн», дейилмоқчи); «Отаси борнинг уними бор, Онаси борнинг тиними бор»; «Отаси бор отланмас, Онаси бор тебранмас» (Бу кейинги икки мақол билан: «Ота-онаси бор фарзандлар ҳеч нарсанинг ғам-ташвишини қилмай, уриниб-суринмай, бамайлихотир, кўнгиллари тўқ, «суяклари тинч» бўлиб юраверадилар. Чунки, улар тўғрисида қайғурадиган, ғамхўрлик қиладиган, зарур нарсаларини ҳозиру нозир қиладиган қудратли таянчлари — яъни, ота-оналари бор», дейилмоқчи. Кейинги мақолдаги «Отланмас» сўзи «отга миниб, узоқ-яқинга бориб, елиб-югуриб, ўзини «ўтга-чўққа уриб», тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларни топиб келишга ҳаракат қилмайди, чунки бу-

ни унинг ўрнига отаси қилади», деган маънода ишлатилган); «Устун қуласа, устунга зўр келади»; «Болага ота — кўрғон, она — қурбон»; «Ота болага — орқа таянч»; «Ота моли қўшилмаса, бола боимас»; «Она — меҳрибон, Ота — ғамгузор»; «Ота — ақл, она — идрок»; «Ота — оламнинг фахри»; «Она — олам қувончи»; «Онали бола — тарғил лола» (тарғил — саргиш ва қорамтир йўлли лола. Бундай лола қизил лолага қараганда кўркамроқ бўлиб, камроқ, ноёброқ бўлади. Мазкур мақол билан: «Онаси боласини ювиб-тараб, озодапокиза қилиб, чиройли кийинтириб, «қўғирчоқдай қилиб», кўрса-кўргудай, суйса-суйгулай қилиб кўяди», дейилмоқчи); «Она — ҳаётнинг гули, Бола — унинг булбули»; «Онасининг боласи — қанғак ўрик донаси, Отасининг боласи — наиватининг сараси» (қанта кўрикнинг; навшати — нокнинг энг ширин тури, нави); «Овул — аймоғи билан, Туя — тайлоғи билан» (аймоғи — аҳли). «Овул одам билан, ота-она эса болалари билан кўркам, файзли, кўнгли тўқ», дейилмоқчи. «Онанинг бир қўли бешикни, бир қўли дунёни тебратади»; «Она оёғи билан бешик тебратар, қўли билан рўзғор тебратар» («Она болаларини тарбиялаб, вояга етказиш билан бир қатордa чарх йигириб, мато тўқиб, тўн, дўппи, белбоғ ва ш.к. тикиб, рўзғорнинг эҳтиёжлари учун маблағ ҳам топади», дейилмоқчи); «Бола — лой, она — кулол»; «Онага боланинг олалиги йўқ»; «Ўнг қўлим, сўл қўлим, Иккови ҳам ўз қўлим» (Бу кейинги икки мақол билан: «Она болаларининг бирини яхши, бирини ёмон кўрмайди, ҳаммасини ҳам бирдай яхши кўради, эъзозлайди», дейилмоқчи), «Онанинг меҳри ҳам зўр, қаҳри ҳам»; «Онанинг болага бўлган меҳри беқиёсдир, айни чоқда у болани чин инсон қилиб вояга етказиш, ҳар тарафлама аъло даражада тарбия бериш, уни одобли, ор-номусли, инсофу имонли, иффатли ва ҳ. к. қилиш йўлида баъзан қаттиқ-қурум гапиради, уради, уришади, қаҳр-ғазабини ўтказали ҳам. Фарзанд бунинг учун ундан хафа бўлмаслиги керак», дейилмоқчи); «Она меҳридан ота қаҳри ортиқ»; «Отанинг сўккани — севиш, Онанинг ургани — ўпиш»; «Ота қарғиши — ўқ, Она қарғиши — дўк»; «Урганлари — угра оши, Сўкканлари — сўк оши»; «Оқ» деганлари — олқиш, «Қора» деганлари — қарғиш»; «Ўгир тариқни туйиб сўк этар, Ота ўғлини сўкиб соқ атар» (ўгир — донни уриб туйиш, эзиб майдалаш учун ишлатиладиган ўйиқ ғўладан иборат рўзғор буюми, уни «кели» ҳам дейдилар; соқ — хушёр, зийрак). «Ота ўғлини ёмон йўлдан, ёмон ишлардан қайтариб, тийиб туради. Ўғил қулоқ солмаса, ўз билганидан қолмаса, ота уни хатто уриб-суқиб бўлса ҳам, соқ, хушёр қилиш, чин инсон қилиб вояга етказиш ҳаракатида бўлади», дейилмоқчи; «Эноси тенган қулунинг эти оғримас» (она — она); «От тепкисини от кўтаради»; «Ўз говроннинг ўзингга қаттиқ тегмайди» (Бу кейинги уч мақоли билан халқ фарзандларга: «Ота-онанг сени урса, сўкса, койиса, бундан хафа бўлма, уларга қирин қарама, бунинг учун уларни қойиб ташлама. Негаки, улар сенинг ноўрин, номуносиб нотўғри хатти-ҳаракатингдан азбаройи куюнганларидан шундай қиладилар, тузалгин, одам бўлгин, дейдилар», деган маънода нисиҳат қилади); «Бақироқ туянинг бори яхши, Бақириб тургани — ундан яхши»; «Қари бор уйнинг зари бор»; «Онали уйнинг ори бор, Отали уйнинг — зари»; «Қарига — ҳурмат, Баврига — раҳмат»; «Қарини сийла, ўзинг ҳам қартаярсан»; «Бола ҳам она дейди, Она ҳам она дейди»; «Бола ҳам она дейди, Бобо ҳам она дейди»; «Онаси қимизак еса, қизининг тиши қамашади» (қимизак — нордон ҳўл мева). «Онаси бирор нарсадан қийналса, азоб чекса, зиён-заҳмат кўрса, қизининг (умуман боласининг) ичи ачишади, юраги эзилади, у ҳам онаси билан баб-баравар қайғуради, азият чекади. Бу — унинг онасига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати, вафодорлиги рамзидир», дейилмоқчи); «Отаси аччиқ олма еса, ўғлининг тиши қамашар»; «Отасини урганинг — боласини урганинг»; «Онасин суйганнинг боласинг суй»; «Онангни

уч марта Маккага опичиб оборсанг ҳам, ок сутини оқолмайсан» (ислом таълимотига кўра, Маккага бориб, ҳаж килган одам «савобнинг тагида» қолармиш, бутун гуноҳларидан ҳориж бўлармиш. Ҳаж килиш — Макка шаҳрига бориб, зулҳиждда ойида белгиланган қоида ва одатларга амал килган ҳолда Каъбани зиёрат этиш. Мазкур мақол билан: «Онанинг сенга шунчалик кўп хаки борки, сен унга ҳар канча яхшилик килсанг ҳам, камлик киласан», деган маънода муболага йўсинида насихат килганлар); «Онангга бошингни ҳам кил, Отангга ёмонингни ҳам кил»; «Амри падар — аршдан устун»; «Урғочига сўз айтсанг, эркагини ўзинг айт, Отанг ишга бўлгса, намозингни бузиб айт». Мусулмонлар эътикодига кўра, ҳар бир намознинг қоидаларига қатъий амал килиш талаб этилади. Беш вақт намозини бир-биртасини ишда килиш ёки уни ўзгалик гуноҳ хисобланади. Бу мақолда ҳам фарзандининг отага бўлган хурмати унинг эътикодидан устун эканлиги девонлик билан ифода этилган (Ё. Жўраев, Ўзбек халк оғзаки ижодида ишга доир мотивлар): «Ўрта тур, отангни кур, отангдан сўнг отангни кўр»; «Отангни кўрсанг, онангни кўр»; «Ота олдида кек урма, Ойдинига кек урма»; «Ота олдидан утма, Одоб олдидан кетма»; «Отга мин ок келсанг ҳам, отангни меҳмон кыл»; «От озигини той кутарар» (Узокка узок сафарга чиккалар отнинг кундалик емини тенга юклаб кетардилар. От сафар давомида кул-дукай об бердиган ем-хашакни нисбатан енгил булгани учун тенга ортардилар. Шу хол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: «Отанинг меҳнатига утган мададкор булади, унинг оғирини енгил, йўлини якин килишга кумаклашади. Шундай килишни ҳам керак!» демокчи булади-лар); «Ота олкиши олтин»; «Ота ризоси — олло ризоси»; «Ота рози — худо рози»; «Ота-онанинг дуоси ўтга-сувга ботирмас» (Бу мақолни фольклоршунос М. И. Афзалов шундай изоҳлаган: Ота-онангга ўла-улгунча хизмат кил, берган сути, тузи, тарбиясини окла, улардан ҳеч качон юз ўгирма, рози кил, деган маънода». Шундай килсанг, сени ота-онанг олкишлайди, уларнинг олкишидан рухланасан, барака топасан», деган маънода насихат ҳам мазкур мақолга жо бўлган); «Отанга нима килсанг, боландан шуни кўрасан»; «Отанга нима килсанг, олдингга шу келади» (Булар билан «Отанга яхшилик е ёмонлик килаётганингни болаларинг кўриб, билиб, эшитиб, фахмлаб юрадилар. Яхшиликнинг хуб-хуб-у, аммо ёмонликнинг болаларинг олиб юрасидан сенга тўғрисини-тўғри айтман, «юзингга солмай» юрадилар. Лекин, бу шундайлигича колиб кетмайди: улар вояга етиб, кун-кудратга, ақл-идрокка тўлиб, турмушни мустакил кечира бошлаганларида болаларинг ўша хилдаги ёмонликни ёхуд сенга ўхшаган кала бошлайдилар. Бу — конун. Нотаки, улар ёшлигидан шуни кўникма хосил килиб килган. Буни бошка бир мақол таъбири билан айтганда: «Куш уясига қўрғанини килади», демокчи булади-лар); «Отангга берганингни болангдан оласан»; «Ота-онасин хурмат килган — бола-чакасидан хурмат кўради»; «Отасин сийламаганни боласи сийламас»; «Нодон ўғил отасига карамас»; «Отанг кариса, кул олма, Онанг кариса, чўри олма»; «Уйинсиз кампир булса, от арзамас»; «Кампири бор уйнинг кофири бор»; «Отанг тўниз булса, бойлаб бок»; «Ота-онанг булса-булсин, юзи-бурни булмасин»; «Тўйдиришнинг — корнинг»; «Ота-онадан мол тотлик, Олтин уйдан жон тотлик» (Бу кейинги саккиз мақол ҳар турлича-турли англанилади-ган маъно эмас, аксинча нокобил, бевафо, тошбўғил, ношўр, ношукур, нобакор, нолоч, нежинс, нокас, немард, номаъкул, беор, бенамус ва шу каби ярамас иллатлар эгаси булган баъзи бир фарзандлар «тили»дан айтилган бўлиб, шундай фарзандларнинг узларига карата ачиқ киноя, кахру газаб, лаънату каргиш мақомида кўлланилади); «Отаси туриб, боласи сўйлагандан кеч, Онаси туриб, киниси сўйлагандан кеч!»; «Отадан илгари

сўзлаган боладан қўнглингни уз!»; «Ота қарғиши — отилган ўқ» («Ота қарғиши ўқ каби орқага қайтмайди, Кечирги авфу узрлар, тавба-тазаррулар, пушаймон-у, ачиниш-укиниш-лар ҳам бу қарғишни багамом ювиб, йўқ қилиб юбора олмайди, у қалбга кон-кора доғ бўлиб, абад ул-абад ўрнашиб қолади», дейилмоқчи); «Ота сўзи — олмас. Оттани ерда қолмас»; «Отанинг сўзи — семсернинг юзи»; «Ота сўзи — пичок, Она сўзи — кумалоқ» (Анвармат) Бундай номард бўлма. Бу ишда ота сўзи — пичоқ, Она сўзи — қумалоқ. Менга ота раъйи керак» (Ойбек, Олтин водийдан шабадалар); «Қарининг қарғиши — қаттиқ»; «Отасининг қарғишини олган — аравакаш бўлади (аравакашлик — ўтмишда энг мушкул, энг азоб-уқубатли ва энг «паст» саналган касблардан бири бўлган. Маколда шунга шама қилинган); «Ота тилин олмаган — омон бўлиб кўп юрмас» (тилин олмаган — гапига кирмаган, қарғишга учраган, маънода); «Ота-онасин танимаган — тангрисин танимас» («Ота-онасиники танимаган, яъни тан олмаган, менсимаган, хўрлаган нокобил фарзанд бошка одамларни, хатто тангрини ҳам, умуман танимайди, танишни ҳам хохламайди», дейилмоқчи); «Ўлчамай тўн бичган ёмон, Ота-онадан кечган ёмон»; «Отасин огритган — муродига етмас»; «Отасин огритган — эл ичида хор бўлур, Онасин (огритган — дилини огритган, озор берган, хакорат килган, маъносида); «Отанг таъзирини олмай десанг, одам таъсирини ол» (одам таъсирини ол — том маънодаги одамларнинг яхши феъл-атворларин кузат, ибрат ол, ушандан таъсирлан ва ўзингга тегишли хулосалар чиқариб, шунга яраша иш тут, деган маънода); «Оганинг қадрини балоли бўлганда биларсан, Ота-онанг қадрини болали бўлганда биларсан» (Балоли бўлганда — бало-қазога йўликканда, мушкул аҳволга тушганда); «Ога қадрини ота бўлганда биласан»; «Эмизганнинг қадрини эмизганда биласан»; «Ота-она қадрини ота-она бўлганда биласан»; «Она кулфатин она билар, Ота кулфатин ота билар»; «Ота бўлмай, ота қадрини билмас, Она бўлмай — она қадрини»; «Ота бўлмаган — ота қадрига етмас»; «Онангнинг яхшилигини бемор бўлсанг биларсан»; «Ота-она тахт берса ҳам, бахт бермас»; «Ота-она тахт этар, Бахт этолмас» (Булар билан: «Ота-она болаларини уйли-жойли, молли-холли қилади, аммо уларнинг келгусидаги бахту иқбол йўлини ҳам тай-тайёр қилиб, қўлига бериб қўя олмайди. Бунисн энди болаларнинг ўзига, ўқиш-ўрганишига хатти-ҳаракатига, турмуш кечиришда истиқболини, бахту иқболини топиш сари интилишига, елиб-югуришига, жон қойгишига, халол меҳнат қилишига боғлиқдир», демоқчи бўладилар); «Ота тахтидан — бола бахти ортиқ» («Отанинг болага берган тахти, яъни мол-мулки бог кунда йўқ бўлиб кетади, боланинг ўзи меҳнат қилиб, тиришиб эришган бахти эса боқий бўлади», дейилмоқчи); «Отадан мол қолар, камол колмас»; («Отанинг «кўзи тириклиги» даврида унга, ота-инилларингга «орқа қилиб», турмуш кечириш тўғрисида кўпда кайгурмай, танвиш тортмай, бамайлихотир юраверасан-у, амме кейинчалик оилали, бола-чакали бўлиб, мустақил турмуш кечиришга ўтганингдан кейин бу ёлғизлик сени энди чинакамига ҳаракат қилишга, елиб-югуришга, пешона тери билан нон топиб ейишга мажбур қилиб қўяди», дейилмоқчи); «Ота бойлиги ерга сингар, Меҳнат бойлиги эрга сингар»; Ота бойлиги — минг доғлиқ, Ўзининг моли — серёғлик»; «Ота молига ишонма, Ота сўзига ишон»; «Ота бойлиги ўғилга юқмас, Она бойлиги қизга юқмас»; «Отангда бўлгунча, олақонингда бўлсинг» (олақон — кафт); «Отадаги мол — осмондаги мол»; «Отанинг амалига суянма, Отанг тойса, сен — йиқиласан»; «Отмишга кирган отадан ош сўрама»; «Ота сўраб нетарсан, Эршинг ўзи бўлган сўнг, Йўлни сўраб нетарсан, От устига минган сўнг» ва б.

Бошни фидо айла ато қошиға!
Жисмни қил садқа ано бошиға!
Тун-кунунга айлагали нур фош!
Бирисин ой анғла, бирисин қуёш!

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,
Қуллуқ анога имкон қилмоқ,
Зухри абад истасанг фаровон қилмоқ,
Бил ани ато-анога эҳсон қилмоқ.

Фарзанд ато қуллугин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки, атога кўп риоят қилғай
Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай.

Навоий

Ота ғайратли бўлса, бола ибратли бўлар.

Халқимизнинг бир туркум мақолларида ота-онанинг болаларга муносабати хусусида фикр юритиларкан, болаларнинг қандай инсон бўлиб вояга етиши ва турмушини қай даражада ўтказиши — ота-онанинг ўзи қандай одам бўлишлигига, ўзини қандай тутишлигига, қандай мураббийлик қилишлигига бевосита боғлиқ эканлиги турли-туман тамсиллар воситасидан уқдирилади; «Ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин»; «Ота бўлиш осон, одоб бериш қийин»; «Ота қалби — бола қалбидан кучли»; «Отанг ким бўлса, шунинг ўғлисан» («Отанг яхши одам бўлса, одамлар: «Бу — фалончининг ўғли» деб сени ҳам иззат-ҳурмат қиладилар; отанг ёмон одам бўлса ҳам шундай деб, хоҳ яхши бўлгин, хоҳ ёмон бўлгин, бари бир сени кўп-да иззат-ҳурмат қилмайдилар, сенга шубҳа билан қарайдилар. Мазкур мақол билан оталарни яхши одам бўлишга, одамлар орасида ўз яхшиликлари билан обрў-эътибор қозонишга даъват этадилар); «Ота — болага синчи» (синчи — пойга отларининг, ов итлари, ов қушлари ва шу кабиларнинг зотини, ёшини, феъл-атворини, хислату фазилатини, сифати, маҳорати ва қудратини аниқлай оладиган билағон одам. Ўтмишда синчиликни касб қилиб олган махсус одамлар бўлган. Мазкур мақол билан мажозан: «Ота ҳар бир боласининг феъл-атворини яхши билиши, ўрганиши ва шунга кўра уларни тарбиялашда ўзига хос йўл тутиши зарур», дейилмоқчи); «Отали ўғил — эгали қул»; «Отали ўғил — хўжали қул»; «Ўғлингни севсанг, қулингдек ишлат»; «Отингни яхши кўрсанг, айилини маҳкам торт» (айил — эгарнинг усти билан отнинг қорнидан айлантириб боғланадиган тўқали қайиш. Кейинги тўрт мақол билан мажозан: «Фарзандларингни меҳнатга ўргат, меҳнатсевар қилиб тарбияла, уларни аяб, «пуф-пуф»лаб ўтирмай, қаттиқ ишлат, токи меҳнат машаққатларига чидайдиган, қўникадиган бўлиб вояга етсин», деган маънода насиҳат қиладилар); «Отанинг ювоши — боланинг роҳати»; «Отанинг қунгли бўшлиги — болага қўл келади» («Болангга нисбатан ҳаддан ташқари қунгилчан, уни аёвчан, керагидан ортиқча раҳмдил бўлиб, уни ўз билганига, ўз ҳолига қўйиб қўйсанг, нима қилса, нима деса — индамасанг, ахири бориб-бориб у сенга «бўй бермайдиган», сўзингга кирмайдиган, ўзбошимча бўлиб кетади. Шунинг учун болага қаттиқроқ туриш керак», дейилмоқчи); «Отаси қулон отолмаганнинг боласи қуён отолмас»; «От кифтининг яғири боласига мерос қолади» (яғир кўчма маънода айб, камчилик. Мақолда шу кўчма маъно назарда тутилган ва: «Тўғри йўлни кўйиб, эгри йўлдан юрадиган, айб-гуноҳ ишларни қиладиган, баджаҳл ва ҳ.к. отанинг касри болага ҳам уради», дейилмоқчи); «Ота харид қилганни, бола фуруш қилади» (фуруш қилмоқ — сотмоқ). Мақолнинг тўғри маъноси: «Ота билмай-нетмай, фаркига бормай, тажрибасизлик, қалтабинлик, нодонлик оқибатида бирор ёмон сифатсиз яроқсиз, кераксиз нарсани бекордан-бекорга пул сарфлаб, сотиб олган бўлса, уни боласи сотиб, пул қилишга мажбур бўлади». Мажозий маъноси: «Ота қилиб кетган хатони бола тузатишга мажбур бўлади. Бас шундай экан, аввалambор отанинг ўзи хато-камчиликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилмоги керак». «Ошхона мойли бўлса, меросхўр мойсиз бўлар» (Бу билан: ўз тириклигида топган-тутганини фақат ўз «жигилдонига

ураверса» ё дўст-улфатларига устмаюст зиёфатлар қилиб бераверса, умуман, ўзинигина ўйласа, ундан ўғилқизига ҳеч қандай мерос қолмайди. Натижада улар то ўзларини ўнглаб олгунларича анча қийналадилар», дейилмоқчи; «Отам олган йўқ, кўмирга кўмган йўқ, Менга мерос қолди ўлган ачамдан қизил қайроқ» (Бу мақолнинг келиб чиқишига сабаб бирор ривоя ёки ҳикоя бўлса керак-у, аммо ҳозирча бизга номаълум. Мақол болаларга ота-онадан мерос қолмаган тақдирда айтилади. Масалан, бир киши бир кишидан: «Бу мол-дунёнг отангдан қолган бўлса керак-а?» деб сўраса, ёхуд: «Отангдан қолган молдунёга нега бунча кериласан?!» деб таъна қилса, у одам: «Бе, отамдан менга ҳеч вақо қолгани йўқ, ҳаммасини ўзим ишлаб топганман», деган маънода юқоридаги мақолни ишлатади); «Ота моли қўшилмаса, бола бойимас», «Ота-онадан қолган — кўр-қут» (кўр-моя, бисот; қут — барака); «Ота моли — болага уютқи»; «Уютқисиз қатиқ уюмас, Ачитқисиз — қимиз» (Бу кейинги тўрт мақол билан: «Ота моли болага «уютқи» бўлиб кирмаса, бола ўнгала олмайди. Ота болага уй-жой солиб берса, уйлантириб қўйса, даставвалига рўзғоротига қарашса, ўзидан бир парча бўлса ҳам экин экадиган ер, битта бўлса ҳам чорва — мол қолдирса ва ҳ.к., бола аста-секин «оёққа туриб», ўзини ўнглаб олиб, турмуш «аравасини» мустақил тортиб кетадиган бўлади. Шунинг учун ота болага озми-кўпми мерос қолдириши лозим», дейилмоқчи); «Ота тўни болага лойиқ келса, ота тўнинг тилайди» (Бола вояга етиб, куч-қувватга тўлишиб, озми-кўпми ҳаётий тажриба ортириб, «оқ-қорани таниб», «кўзи пишиб», уйланиб-жойланиб, бола-чақа орттира бошлагач, одатда илгариги феълатвори, гап-сўзи, дунёқараши сезиларли даражада ўзгара бошлайди. У дунёга келиб, эсини таниганидан буён ота-онасидан ийманиб, андиша қилиб айтмай юрган гапларини энди аста-секин айта бошлайди, турмушини мустақил бошқаришга майл қўя бошлайди. Мазкур мақол билан: «Боланг катта бўлиб, «ўз аравасини ўзи тортиш»га қурби етадиган бўлгач, унга энчисини бер-у, ишонч билдириб, ўз ҳолига қўйиб қўй, токи у мустақилликка ўргансин, кўниксин, ҳаёт кечиришнинг масъулиятини сезиб, шунга яраша иш тутадиган бўлсин», демоқчи бўладилар. Энчи — ота қартайгач, ҳаётлик вақтида фарзандларига тақсимлаб берадиган мероси: мол-мулки, уй-жой, экин майдони, чорва моллари, асбоб-анжом ва б).

Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.

«Оталар сўзи» деганда, биринчи галда мақоллар, ибратли ва ҳикматли сўзлар минг йиллар давомида доно фикрни, ўткир ҳақиқатни, теран мазмунни, сўз хазинасининг гавҳарларини ўзида мужассамлаштирган сонсаноқсиз ва ранг-баранг мақоллар яратган. Уларнинг кишилик жамияти ва ҳар бир инсон ҳаёти учун нақадир қимматли аҳамиятга эга эканлигини жаҳон донишмандлари қадим-қадимдан эътироф этиб, уқтириб келганлар. Милоддан аввалги IX асрда яшаган буюк мутафаккир Арасту (Аристотель) ҳикматларни юксак баҳолаган: «Барча кишининг кучи овқатдандир, ақлнинг кучи эса, ҳикматдандир». Бундан тўққиз аср муқаддам Унсур ал-Маолий Кайковус бинни Искандар бинни Қобус бинни Вушмагир шундай деган: «Эй фарзанд, умидим шуки, сен шу пандларни қабул қилгайсан. (Бу билан) мен оталик вазифасин бажо келтирган бўлурман. Билгилки, халқнинг расми-одати шундайки, югуриб-елиб, қидириб-ахтариб, дунёдан бирор нарса ҳосил қиладилар ва (бу топган) нарсаларини ўзларининг яхши кўрган кишисига қолдириб кетадилар» (Кайковус, Қобуснома). Кишини ҳайратлантирадиган ери шундаки, халқимиз ўзи яратган мақолларни улуғловчи, уларнинг қадр-қиммати, тарбиявий аҳамияти беқиёс эканлигини, улар бежизга айтилмагани ва асло нотўғри, ёлғон фикрни билдирмаслигини таъкидловчи бир қатор мақоллар тўқиб, бу тафаккур дурдоналарига асрлар оша юксак баҳо бериб келган: «Эл сўзи — дил сўзи»; «Элнинг сўзи — ақлнинг кўзи»; «Яхши нақл, томири — ақл»; «Нақл, нақл таги — ақл»; «Нақл-ко-

ни ақл»; «Нақл — ибрат ўчоғи, Ақл — фикр пичоғи»; «Нақл қайдан чиқади — ўй бўлмаса, Кигиз қайдан чиқади — қўй бўлмаса?!» «Каттанинг нақли — кичикнинг ақли»; «Чол, чолнинг сўзи — бол»; «Отангнинг соқолига қарама, Айтган мақолига қара»; «Оғадан — ақл, Отадан — нақл»; «Силаб, тараб соқолни, Карилар айтар мақолни»; «Оталар сўзи — болалар хазинаси», «Эр газнаси — эски сўз, Эл газнаси — эски сўз»; «Тил газнаси — эски сўз»; «Билим билан ҳикмат — олтиндан қимматроқ»; «Халқ сўзи — денгиз тўлқини»; «Ҳар афсона, тагида — бир ривоят»; «Қисса, қиссадан — мақсад»; «Сўз тўрки — мақол, Юз кўрки — соқол»; «Сўз кўрки — мақол, Эр кўрки — соқол»; «Сўзга мақол ярашар, Нақл — соқол»; «Сўз кўрки — мақол, Гузар кўрки — боққол» (гузар — кенглик ёки шаҳар маҳаллаларида ўзаро кўчаларнинг кесишган ери, нодирхаларда жойлашган, чойхоналари, қассоб, боққоллик каби дўконлари бўлган обод, гавжум ва серқатнов жой); «Гапнинг қанғари — мақол» (қанғар — металл буюм, деталь ва шу каби ларни бирбирига улаш учун ишлатиладиган металл қисм ёпинчиқ; кўчма маъноси — гап, суҳбатни бирбирига улаш, қовуштириш ва гапни эттириш учун сабаб, восита); «Мақол — гулдир, сўз — чечак»; «Мақол отаси — сўз, Мато отаси — бўз»; «Мақол — сўзнинг бобоси, Мато — бўзнинг бобоси» «Нурчақсиз уй бўлмас, Мақолсиз сўз бўлмас»; «Ишонмагил соқолга, Кулоқ солгил мақолга» (Бу билан: «Мен қариб, соқолим оқарди, ҳайдаган катта тажриба орттирганман, билмаган нарсам қолмаган, деб ўтирмагилки, мақолга — ғилай, ўзингдан илгари ўтган ва сендан кўпроқ нарсаларни кўриб, билиб, ибратли хикматлар қолдириб кетган ота-боболарнинг сўзига қулоқ сол, амал қил», дейилмоқда); «Ақлинг бўлса, ақлга эргаш, Ақлинг бўлмаса, нақлга эргаш»; «Ўтган бўлса ҳам отангдан, Сабоқ ола бил ундан»; «Ўтганлардан сабоқ ол, Келажакка сабоқ бер»; «Ўтганлардан ибрат ол, Келажакка ибрат бўл»; «Ўтгандан улуғ ол, Келажакка улуғ сол» (улуғ, улуғи — бошқалар ҳавас қиладиган, таклид қиладиган ҳаракат, ўрнак, намуна). «Ақл ўргатгунча, Нақл ўргат»; «Халқ айтгани — ҳақ айтгани»; «Халқ сўзи — ҳақ сўзи»; «Эл сўзи — эзид сўзи» (эзид — этикодий тушунчага кўра яҳшилик маъбуди); «Халқ овози — ҳақ нидоси»; «Халқ садоси — ҳақ нидоси» (ҳақ — ҳудо; нидо — бирор кайфиятни, ҳис-туйғуни ифодаловчи овоз; чиқириқ, даъват, ундов); «Халқ айтгани — хакликка чиқар»; «Халқ айтмас, халқ айтса — ҳато айтмас»; «Халқ айтмас, халқ айтса — калб айтмас» (калб — ёлғон); «Халқ айтса, эдой айтар, Ҳак сўзни билиб айтар» (эдмоқ — англамоқ, фаҳмламоқ, аҳамият бермоқ); «Мақолнинг боши оғиз» (боши оғиз — ҳали унлаштирилмаган, никоҳ қилинмаган қиз (ҳаёли); бировга қарамлиги йўқ эрқи, ҳукуки ўзида, деган маънода. Мазкур мақол билан: «Мақолнинг эрки — ўзида, бировга карамлиги, мустақиллиги йўқ. Шунинг учун ҳам ҳеч нарсадан кўрқмай, тап тортмай, андиша, истихола, ноз, ҳотир қилиб ўтирмай, бор ҳақиқатни тўғридан-тўғри, очиқдан-очиқ айтади-қўяди», дейилмоқда); «Мақолда хато бўлмас»; «Мақолга маънодин бўлмас» (маънодин — англашилган, яъни ҳаёти бола-чақалари, танши кўришишларнинг чиройли кўринуши, деган маънода); «Ёлғон мақол тўрмас»; «Ёлғон мақол ёпишмас» («Ёлғон, нотўғри, мантиқсиз, уринсиз айтилган мақол — мақол бўлиб турган гапга, суҳбатга ёпишиб, мос бўлиб, айни муддао бўлиб тушмаган, қовушмаган, типтемасининг дилига кириб боролмаган, акснча онгсизни қотирган», дейилмоқда); «Мақол — ўрнига бокар»; «Нақлни бир айтмаса — ақлсиз айтмас, Ақлни сўзни нақлсиз айтмас»; «Ақлли нақлиб сўзлар, Ақлсиз лақиллаб сўзлар»; «Саксон саккиз минг сарвар, Тўксон тўккиз минг машойих» (Халқимиз ўртасида шундай бир тушунча бор: «Оламдан саксон саккиз минг сарвар-у, тўксон тўққиз минг машойих ўтган. Уларнинг ҳар бири хикматли сўз айтиб қолдирган. Мазкур гапни: «Оламда нима кўп — мақол кўп» деган маънода айтадилар. Сарвар — йўлбошчи, раҳнамо; машойих — ҳикматли сўзларни айтиб ўтган улуғ ота-боболар); «Ёзган би-

лан мақол битмас, Кўса юзига соқол битмас»; «Оталар сўзи — китоб эмас, Китобдан холи эмас»; «Оталар сўзи хитоб бўлур, Ани йиғсанг китоб бўллур». Халқона ўткир иборалар, чуқур ҳикматли мақоллар — нутқнинг жонли, ёркин безакларидир» (Ойбек, Нур қидириб).

Отанг — бозор, онанг — бозор.

Бу мақолни бирор нарсани қўни-қўшнидан, таниш-билишдан ва ҳ.к. тополмай, овора бўлиб, бу ҳақда ҳасрат қилиб юрган одамга: «Бозорга боринг, топасиз. Бозорда йўқ нарсанинг ўзи йўқ», деган маънода айтадилар.

Отанг ким — ошқовоқ, онанг ким — носқовоқ, Сенга ким қўйипти ноз-фироқ?!

Вар.: «Отанг нечилик — игначилик, Сенга ким қўйипти темирчилик?! «Отанг — қузғун, онанг — қузғун, Сен кимдан ўзғун?!»-(«Сенинг бирор одамдан ўзғунлик, яъни ортиқдик еринг борми, нега бунча керилиб, ўзингни баланд оласан?!», дейилмоқчи). Бу мақолларни такаббур, манман, ўзини ўзгалардан устун деб билувчи, мағрур одамларга нисбатан киноя ва истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Отанг мироб бўлса ҳам, ариқни тозалаб сув ич.

Бобо деҳқонларимизнинг ибратли, олижаноб қадимий одатларидан бири шу эдики, ҳар йили эрта баҳорда каттаю-кичик ҳамма анҳору ариқларнинг лойқа олган, бегона ўт босган, хас-хашак, чўп-чўлан йиғилиб, тўсиқ-тўсиқчалар ҳосил бўлган ерларини бошдан-оёқ тозалаб, кириб, чопиб, кавлаб, сув тиниқ ва равон оқадиган ҳолга келтириб қўядилар. Бу иш зарурий, мажбурий ва хайрли ҳисобланиб, унга ҳамма баравариға ёпишар, катта ҳашар сифати ўтказилар. муайян анҳору ариқнинг бошидан одоғигача яшаб, деҳқончилик қиладиган аҳолининг етти яшаридан етмиш яшаригача» қўлига бел, кетмон, ўроқ, хасқаш ва ш.к. кўтариб, ишга чиқарди. Ишлашга қурби етмайдиган кексалар, беморлар, эмизикли оналар ва б. ҳашарга қўшила олмаганлари учун узр сўраб, баҳоли қудрат бирор нима билан ёрдам беришга ҳаракат қиладилар, жуда бўлмаганда ҳашарчиларга овқат пишириб, нон ёпиб, чой дамлаб чиқазардилар. Кишилар бу зарур ва хайрли ишдан ўзини четга тортадиган дангаса, айёр, мугомбир, амалига ё бойлигига инониб, бундай «қора« ишни ўзига эп кўрмайдиган, бўйни ёр бермайдиган одамларни асло ёқтирмасдилар, юзхотир қилиб ўтирмай, айтадиганларини дангал бетига айтардилар, ҳатто қойиб, уришиб, сўкиб ташлардилар. Юқоридаги мақол билан: «Отанг агар мироббоши бўлса ҳам, унинг амалига орқа қилиб, ҳашарга чиқмай ўтирмагин-да, эл қатори ишла, тер тўк, ҳалоллаб ич!» демоқчи бўлганлар. Вар:. «Ариқ қазимасанг, отизга сув чиқмас» (Отиз — дала, экин майдони); «Дарё чучук — ариқ чучук, Дарё аччиқ — ариқ аччиқ»; «Дарёга хизмат қилсанг, фойдаси биёбондан келади».

Отанг мироббоши бўлгунча, еринг қулоқ бошида бўлсин.

Вар.: «Отингни сот, тўнингни сот — қулоқбоши бўл»; «Сув кам бўлса, мироб подшо бўлур»; «Сувнинг оёғида бўлма, қулоғида бўл»; «Кулоқдаги сув ичади, Оёқдаги ув ичади» (оёқдаги — сувнинг «оёғи» даги, одоғидаги; ув-огу, заҳар); «Кулоқдаги сув ичади, оёқдаги чув тушади»; «Ё еринг сероб бўлсин, Ё отанг мироб бўлсин»; «Аввал сувга боқ, Кейин ерга боқ» (Бу билан: «Бирор жойга чиқиб деҳқончилик қиладиган ё бирор жойдан ер сотиб оладиган бўлсанг, энг биринчи галда у ернинг сувн борми ё йўқми, камми ё кўпми, қулоғининг бошидами ё оёғидами — ана шу томонига эътибор бер. Чунки, деҳқончинг пирикписи — сув билан, сув бор ерга хаёт бўлади. Ана ундан кейин ернинг қандайли-

гига — унумдорми ё унимсизми, текисми ё нотекисми, қумлоқми, тошлоқми, ўтлоқми ва ҳ.к. эътибор берсанг ҳам бўлаверади», дейилмоқчи). Мироб — катта ариқдан, анҳордан сув тақсимлаш вазифасини бажарувчи киши, уни «арбоб» деб ҳам атаганлар. Мироббоши — миробларга бошлиқ бўлган мансабдор. Қулоқ — катта анҳор-ариқлардан бир неча тарафга тармоқланиб кетадиган кичик сув шохобчаси, шу шохобчанинг бошланиш жойи; буни «даҳана» ҳам дейдилар (Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, халқнинг сўзлашув тилида тез-тез учраб турадиган »Даханаки жанг» иборасн ўтмишда шу «даҳана»да, яъни қулоқ бошида кишилар кўпинча сув талашиб, бир-бирлари билан жанжаллашиб, «жанг» қилиб турганлари муносабати билан юзага келган бўлиши — эҳтимолдан ҳоли эмас). Қулоқбоши — сувнинг «қулоғи» да туриб, тақсимловчи, Юқорида келтирилган мақолларни филология фанлари доктори, профессор Ҳошимжон Раззоқов шундай изоҳлаган: «Ўрта Осиё, айниқса Қўқон хонлиги (шунингдек, Бухоро, Хева хонликлари — Ш.Ш) шароитида деҳқонларнинг тириклиги сувга боғлиқ эди. Феодаллар, амал мансаб эгалари ариқ, канал қазишда халқни мажбурий равишда ишлатиб, меҳнаткашларнинг манглай тери эвазига келган сувни ўз хусусий мулкига айлантирар ёки даромад манбаи қилиб олар эдилар. Сув тақсимловчи мироблар эса феодал ҳукмдорлар, бойларнинг «ўз кишилари» бўлиб, улардан ортиб қолсагина, пора эвазига халққа сув берардилар. Экинлари сувсизликдан қуриб кетса ҳам, камбағалларнинг арз-додини бироз эшитмас эди (Х.Раззоқов, Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор). Халқ ана шундай тенгсизлик ва ҳақ-ҳуқуқсизликларни назарда тутиб, мазкур мақолларни яратган.

Отанг ўлса, юзини ёп.

Бу мақол билан: «Отанг оламдан ўтса, албатта, руҳий ғам-аламга биноан азасини тут-у, аммо кеча-кундуз «куйиб-ёниб», «кўксингни захга бериб ётиб», бетиним йиғлаб-сиктаб, бошингни тошга ургудай бўлиб, асабингга захм етадиган даражада қайғу зулмати ичра чуқур кириб кетма. Ўз сиҳатингни ҳам ўйла. Соғлигинг — ўзинг учун, оиланг, бола-чақаларинг учун, жамият учун, келажагинг учун энг бебаҳо бўлган бойликдир. Ўлган одам эса, минг оҳ-воҳ қилганинг билан, қайтадан тирилиб келмайди. Нима ҳам қила олардинг, ўлим — табиий қонуниятнинг раҳм-шафқатсиз, аёвсиз ҳукмидир. Бас шундай экан, хафагарчиликка ўз вақтида чек қўйиб, бу ёқдаги тирикчилигингни ўтказиш ҳаракатида бўл», деган маънода тасалли бериб, насиҳат қиладилар.

Отаси бошқа, отдан туш, оталашим, отга мин.

Оталаш — эски туркий сўзлардан бири бўлиб, маъноси шундай: хотин биринчи эри ўлиб ё талоқ қилиниб, ундан қолган бир-икки боласи билан бошқа эрга тегади. Бу эридан ҳам бола кўради. Эрининг ҳам аввалги хотинидан қолган боласи бўлади. Бу хотинидан бўлган бола билан аввалги хотинидан қолган боланинг иккаласини (ота бир, она бошқани) «оталаш» деб атайдилар. Она эргаштириб келган болалар билан эрнинг аввалги хотинидан қолган болаларни бир-бирига «ўгай» деб атайдилар. Мазкур мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги ҳикоя билан боғлиқ: «Бир замонларда қабила-уруғлар бир-бирларига ёв бўлиб қоладилар. Ўртада уруш чиқади. Шунда бир одамнинг иккинчи хотинидан бўлган паҳлавон йигит жанг майдонида юрган экан, ёв орасида қолиб кетган ўгай укаси уни кўриб қолиб: «Акажон, мени қутқазиб, олиб кетинг», деб ёлворибди. Акаси унинг қўлидан олиб, отига миндаштириб, жанг майдонидан олиб чиқиб кетаётса, иттифоқо олдидан оталаши чиқиб қолибди-да, у ҳам «қутқазинг», деб ёлворибди. Отга бир йўла икки кишини миндаштириб бўлмайди. Акаси нима қилишини

билмай, ҳалиги мингаштириб келаётган ўгай укасига қараб: «Отаси бошқа, отдан туш!» дебди-да, туғишган укасининг қўлидан ола туриб: «Оталашим, отга мин» дебди. Шундай қилиб, ўгай укасини жанг майдонида қолдириб, оталашини қутқазиб кетибди...» Халқ юқоридаги мақоли билан: »Ҳар қандай бўлса ҳам, туғишган туғишганлиғини қилади, ўгай — ўгайлигини», демоқчи бўлади. Вар.: »Киндикдошим, бери келл, Томирдошим, нари тур!» (киндикдош — бир оназан туғилган болалар; томирингни мақтама, Ёмон чиқса қайтасан?!» (қайтасан — нима қиласан); «Киндикдошга кек тутма, Этакдошдан эт кутма» (этакдош — бировнинг «этагини тутган», яъни бировга таяниб, суяниб, унинг ёрдамига муҳтож бўлиб қолган одам. Сўзнинг тўғри маъноси шуки, эндигина «атак-чечак» қилиб юра бошлаган гўдак бировнинг этагидан тутқилагина, бирмунча жойгача юриб бора олиши мумкин, бўлмаса дарров оёғи чалишиб йиқилиб тушади. «Этагини тутмоқ» иборасининг мажозий маъноси, юқорида айтганимиздай, бировга суяниб,ёрдамига муҳтож бўлиб қолмоқ, демакдир. Бундай одам суянган одамидан ажраб қолса, мушкул аҳволга тушади. Қисқаси, мазкур мақол билан: «Киндикдошингдан бўлар-бўлмас нарса учун кек сақлаб, гина, қилиб юрма. У сенга бирор ёмонлик қилган, «ундан ўтган» бўлса ҳам, сен бундан хафа бўлма, ундан бутунлай юз ўгирма. Негаки, киндикдошинг — минг қилса ҳам туғишганинг, яқинингдир. Аммо, этакдошингга бунчалик қатъий ишонч ҳам билдирма, бутунлай суяниб ҳам олма. Негаки, этакдош минг қилса ҳам сенга бегона, ёт одам, хушига келса ёрдам қилади, хушига келмаса, сўзингни ерда қолдириб, сазонгни ўлдириб, обрўйингни бир пақир қилиб кетиши ҳам ҳеч гам эмас. Бас шундай экан, ўз тирикчилигингни бировларга суяниб, улардан «дам кутиб», умид боғлаб ўтказма, ўзинг мустақил ҳаёт кечиришга, ўз меҳнатинг ва ҳаракатинг орқасида яшаш пайида бўл! »деган маънода насиҳат қиладилар; «Оталашнинг совғаси ойида қайтади» («Оталашингга, яъни туғишган яқинингга ишонавер: мабодо сендан (масалан, тўёна, совға, ҳадя ва б.) ўтиб қолган бўлса, у бу омонатингни «еб кетмайди», вақти соати, ой-куни келганда албатта қайтариб беради», дейилмоқчи); «Отаси бошқа билан қуён овлама» (қуён овлама — умуман, бирор нозик, мураккаб, қийин ишни биргаликда, ҳамкорликда қилма). У бундай қийинчиликда сенга охиригача чинакам мададкор, ҳамкор, ҳамрад, содиқ, вафодор бўлмай, ёлғизлатиб ташлаб кетиши мумкин», дейилмоқчи); «Отаси бошқа эл бўлмас».

Отасини айтма, бўтасини айт.

Одатда бу мақолни: «Агар бирор одам ўз ақл-заковати, илми, билими, маҳорати туфайли эл-юрт орасида алоҳида эътибор топиб, «кўзга кўриниб», танилиб қолган бўлса, сен унинг отаси кимлигини сўраб-суриштириб ўтирма, ўзининг кимлиги ва қандайлигини суриштир; ёхуд: «Ҳа, фалончими?! Унинг отаси аравакаш эзи, ё қиморбоз, беданавоз, кўкнори, ўғри, қоровул ва ҳ.к. эди, дейишинг — яхши эмас. Отасининг ким бўлгани билан сенинг нима ишинг бор?! Ундан кўра, обрў-эътибор топган фарзандниинг оқилу донолигига, моҳирлигига холисона, беғараз, ҳақиқат ва адолат юзасидан баҳо бер, вассалом!» деган маънода айтадилар.

Отга тақа қоққанда, қурбақа оёғини кўтарар.

Вар.: «Отга тақа қоққанда, эшак оёғини кўтарибди»; «Отга тақа қоққанда, той оёғини кўтарар»; «От арпа еса, эшак қулоғин солади». Бу мақолларни биров нима қилса, шуни қилгиси, биров нима кийса, шуни кийгиси ва ҳ.к. келадиган, бировга кўр-кўрона эргашишга «ўлиб-тирилиб» ҳаракат қилувчи, ичида: «Ҳаи сенимн, шошмайтур! Сендан ўзмасам, отимни бошқа қўяман!» деювчи ва шунга монанд

хатти-ҳаракатлар қилувчи одамларга нисбатан киноя, истеҳзо тарзида қўллайдилар. ...Хон Ашур маҳрамга қараб кўз қисиб қўйди. Маҳрам товозе билан бош қимирлатди. Кекса сардор руҳияси хонни кулишга мажбур этди. Хон хириллаб кулди-да, одатдагидек аччиқ ҳазил қилди — Отга тақа кокса бурок ҳам оёқ кўтарар экан». (Мирмуҳсин, Чўри)

Отган ўқ тошдан қайтмас, элчи хондан тилин тортмас.

Бизнингча, бу мақол — кўпинча қисқагина қилиб айтиб юриладиган «Отган ўқ қайтмас»; «Отган ўқ орқага қайтмас»; «Йўлга чиққан — йўлдан қайтмас, Отилган ўқ тошдан қайтмас» мақолларининг тўлиқ ва тўғри варианти бўлиб, у билан: «Элчи ўз ваколатига, яъни ўз давлати номидан қатъий бир сўз айтиш, иш кўриш учун ўзига берилган ҳуқуққа биноан, ўзга давлатнинг бошлиғига бор гапни, бор ҳақиқатни очиқдан-очиқ, тўғридан-тўғри айтади. Бунда у ҳеч нарсадан қўрқмай, андиша, истиҳола қилиб ўтирмайди. Аслида ҳам, шундай қилиш элчининг вазифаси ва бурчидир», дейилмоқчи.

Отдан айрилсанг ҳам, эгар-тўқимидан айрилма.

Вар.: «Отдан айрилсанг айрил, тўқимидан айрилма». Бу билан: «Отинг йўқолса, ўлса, бундан ҳафсаланг пир бўлиб, унинг эгар-жабдугини, тўқимини ва ш.к. абзалларини бир чеккага улоқтирма, ё сотиб, бировга бериб юборма, эҳтиёт қилиб, олиб қўй — бошқа отга эга бўлганингда керак бўлади. Умуман, биргина от абзали эмас, ҳар бир нарсани эҳтиёт қил, сақла — бир кун бўлмаса, бир кун керак бўлиб қолади», деган маънода насиҳат қиладилар. «Кетаман деб, ўтингни ўчирма» деган мақол ҳам борки, бу билан ҳам кишини ҳар бир нарсадан умид узмасликка, умидсизланмасликка даъват этадилар. Мақолда «ўтингни ўчирма» дейилиши — унинг қадимийлигидан далолат беради. Негаки, гугурт ва шунга ўхшаш дарров олов ҳосил қиладиган воситалар бўлмаган узоқ ўтмишда одамлар чақмоқ тош чақиб ва бошқа шу каби ибтидоий усулларни қўллаб, машаққат билан ўт, олов ҳосил қилганлар ва уни ўчириб қўймаслик чораларини кўрганлар. Ўтни муқаддас деб билиш, унга сиғиниш, оташпарастликнинг замини ана шу ҳолга бориб тақалади.

Отдан отнинг чопиши ортиқ, эрдан эрнинг топиши ортиқ.

Бу билан: «Дунёда ҳамма бир хил одам эмас: биров ҳар бир ишга моҳир, уддабурон, чаққон, топармон-тутармон бўлса, бошқа биров эпсиз, бўшашган, лапашанг, қўлидан бир пақирлик иш келмайдиган, ношуд бўлади», дейилмоқчи.

Оти бирнинг — жони бир.

Бу мақол «Кемага тушганнинг жони бир» маколи билан маънодош бўлиб, «бир отга мингашиб олган ҳар иккала одам ҳам: «олиб қочмасмикин, ерга кўтариб урмасмикин» деган ҳаёлга бориб, ҳавфсираб, «жон ҳовучлаб» туради», деган маънода қўлланилади.

Оти ёмон — ойпора.

Халқ ўртасида бу мақолнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган шундай бир ҳикоя бор: «Ўтган замонда Чиркиной деган чиройли бир қиз бўлар экан. Уни бир бойга икки хотин устига узатганлар. Эр бу ёш хотин билан бўлиб кетиб, бошқа хотинларига камроқ қарайдиган бўлиб қолган. Кундошлар бу ҳолга чидай олмай, кенжа хотинни ҳар тарафлама камситиб, «нинадай айбини туядай қилиб кўрсатиб», эртаю-кеч ёмонлашга тушганлар. Ҳатто унинг исми Чиркин, яъни «чирк босган, ифлос, жирканч, тубан» деган маънода бўлганлигини бетига солиб, камсита бошлаганлар. «Бу яшамагурнинг оти зотида

Чиркиной эди-ю, бу ерга келиб Ойпора бўлиб қолдими энди?!» деган сўзлар билан ҳақоратлаб, унга «Оти ёмон Ойпора» деб лақаб қўйилар... «Бу ган кейинчалик халқ ўртасида маколга айланиб кетган бўлиб, ҳозир ҳам овсин-ажинлар, келин-кеватлар ўртасида жанжал-низолар чиққан пайтдаги асабий ҳолатда мажозан, кесатиқ тарзида айтиб қолинадиган ҳоллар ҳам аҳён-аҳёнда учраб туради. Юқорида келтирилган ҳикояда кундошлар кенжа хотини «Чиркиной» «Ойпора» бўлади, деб кесатганларида шуни назарда тутганлар: Ойпора - осмондаги «гўзаллик рамзи» бўлмиш сулув Ойнинг пораси, яъни бир парчаси, деган маънони англатади. Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, ҳаддан ташқари яхши кўрган, жон-дилларидан суйган одамларини, айниқса кичкинтой болаларни эркалаш, эъзозлаш маъносида, гарчи уларнинг бурни пучук бўлмаса ҳам, жўрттага «Вой пучугей!» гарчи айёр, шум бўлмай, мўмин-қобил, ювош бўлса ҳам, «Ҳа, шайтон!» «Ҳа, шумтака!» деб қўядилар. Бундай аксинча иш тутиш ҳолини болаларга исм қўйишда ҳам кўриш мумкин; масалан, агар қиз бола сулув, жуда чиройли бўлса, уни суйиш, эркалаш ёхуд «ёмон кўз»дан асраш мақсадида «Чиркиной» деб от қўядилар. Аксини атамай, тўғридан-тўғри аташни лозим кўрганларида эса, бундай сулув қизга «Ойпора», «Ойпарча», «Барчиной» (бу асли —«Парчиной», яъни Ой парчини, парчаси, деган сўзнинг талаффузда бузиб айтиладиган кўринишидир, деган тахмин, бизнингча, ҳақиқатдан йироқ эмас) исмини берадилар.

Оти йўқ — арпа тамин емас.

Бу билан: «Болаларкаси йўқ (ё кам бўлган) одам уларни боқиш, ош-нони, кийим-кечагини топиб бериш тўғрисида қайғуриб, елиб-югуриб юрмайди; умуман, кишини ҳеч нарсага-ҳеч нарсага тиришишга мажбур этмайди, бир нима беришни, бир нима қилишни талаб этадиган нарсаси ё кимсаси бўлмаган одам кўп-да ғам емай, бамайлихотир юраверади», демоқчи бўладилар.

Оти йўқ — охир тузар.

Бу мақолнинг маъносига мос келадиган, «Узукка кўз қўйгандай» ёпиниб тушадиган бир латифа бор: «Машина олдингизларми, дугонажон?» деб сўрабди дугонаси бир ўртоғидан. «Йўқ ҳали, энди олмоқчимиз», дебди буниси. «О, жуда яхши! Ундай бўлса, эрингиз гараж қураётгандирлар?» дебди униси. «Гаражни аллақачон қуриб қўйганлар. Энди машинани ремонт қилиш тўғрисидаги китобларни мук тушиб ўқияптилар, дугонажон. Эр-хотин, бола-чақа — ҳаммамиз ҳаётимизни суғурта қилдириб ҳам олдик...» Ҳали мавжуд бўлмаган, қўлга кирмаган, юзага келмаган, рўй бермаган, бўлиш-бўлмаслиги ҳали номаълум, ноаниқ бўлган нарса, воқеа ва ҳодисага олдиндан шов-шув кўтарадиган, «подадан олдин чанг чиқарадиган», керилиб-мақтанадиган, данғу дароз қиладиган, ҳовлиқиб, кераксиз сарф-харажатлар қилиб тараддуд кўриб, ўзини ўзи бехудага овора қилиб юрадиган ҳовлиқма, енгилтак одамларга нисбатан истеҳзо оҳангида айтиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Боласи йўқ — бешик тузар»; «Туғилмаган болага — тилло бешик»; «Туғилмаган Тиловга — тилло бешик»; «Туғилмаган тойга — темир инғирчоқ» (инғирчоқ — болаларга мўжалланган эгар. Унинг олди ва кети баланд бўлади. Болани тойга «урилган» инғирчоққа ўтказиб, йиқилиб тушмаслиги учун унинг икки оёғини тойнинг қоридан ўтказилган айилга қўша боғлаб қўядилар); «Эқилмаган теракка лайлак уя қурибди»; «Эқилмаган теракка лайлак келиб қўнибди»; «Пуди йўқ - ҳамён тикар». Юқоридаги баён этилган қиликлари, хатти-ҳаракатлари туфайли одамлар ўртасида кулгига қоладиган, масҳара бўладиган кишиларга: «Туғилмаган тишини санама»; «Туғилмаган бузоққа эҳур солма»;

«Подадан один чанг чиқарма» ва б. мақоллар билан насиҳат қиладилар.

Оти — улуғ, супраси — қуруғ.

Вар.: «Оти улуғ — қовурғаси қуруғ». Бу мақоллар кўпинча ўзи донги кетган бой бўла туриб, зиқналик қиладиган, «тўртта» одамни бундоқ уйига чақириб, дастурхон ёзмайдиган, фақат ўзининг «фалончи»лигидан керилиб, мағрурланиб юрадиган одамларга нисбатан киноя тариқасида қўлланади.

Отига кучи етмаган — шотини тепкилайди.

Буни мажозий маънода ўзидан зўрларга гапини ўтказа олмаган, улардан гап эшитган ё зарб еган одам бунинг аламини ўзидан кичик, ожиз бўлган одамлардан олса, уларнинг айби бўлмаса ҳам сўкса, койиса, урса аччиқ киноя тарзида қўллайдилар. Яна «Исони аламини Мусодан олади» ҳам дейдилар.

Отим — овул, ҳар не десанг — қовул.

Халқимизда ўғил болаларга «Овул», «Овулбой» деб исм қўйиш одати ҳам бўлган. Қовул қофиялашган қабул. Бу мақолни ниҳоятда камтарин, одобли, ҳар кимнинг ҳар қандай гапини маъқуллаб турадиган, ким нима деса — йўқ демайдиган, ким нима иш буюрса, «хўп бўлади» деб, дарров бажара қоладиган мўминқобил одам тилидан ва шундай тоифадаги одамларга нисбатан қўллайдилар.

Отинг борида ер тани, ошинг борида эл тани.

Вар.: «Ошинг борида эл тани, Кучинг борида ер тани»; «Отанг борида эр тани, Отинг борида ер тани»; «Отинг борида йўл тани, Эсинг борида эл тани»; «Ошинг борида эр тани, бериб бориб, Отинг борида ер тани, елиб юриб»; «Ўз кучингни елга берма, ерга бер, Жамғармани селга берма, элга бер». Бу мақоллар билан: «Умр — ўткинчи. Унинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзаси-ю фурсати ганимат. Шунинг учун умрингни беҳуда, зое ўтказиб юборма. Куч-имкониятинг бор пайтда уларни ишга солиб қол: узоқ-яқинга сафар қил, дунёни кўр, ошна-оғайни, дўст-ёр орттир», деган маънода насиҳат қиладилар.

Отинг хўра бўлса — берди худо, хотининг хўра бўлса — урди худо.

Бу билан ҳазил-мутойиба тарзида: «Отинг хўра, яъни серовқат бўлса — яхши, чунки, семириб, тўлишиб, кўркам ва кучли бўлади. Аммо хотининг хўра бўлса, топган-тутганингни «еб қўяди», биринг икки бўлмайди», дейилмоқчи. Вар.: «Яхши келин келса — берди худо, Ёмон келин келса — урди худо».

Отлиққа салом бериб, эшакликдан дам кутма.

Бу мақолни бой, амалдорларга хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилиб, улардан озми-кўпми манфаатланиб юрган, шундай «омади юришиб турган» пайтларида ўз тенгқурларини, амал-мансаби, пул-маблағи бўлмаган оддий одамларни менсимай, «оёқ учи»да кўрсатиб юрган; вақти келиб, бой, амалдорларнинг қаҳр-ғазабига учраган, уларнинг даврасидан четлатилган ва илгари менсимай юрган одамларидан ёрдам, нажот сўраб келган кишига нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллаганлар. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш ҳолларда ишлатилади.

Отни кўрса — оқсайди, сувни кўрса — сувсайди.

Буни дангаса, ялқов, ишга бўйни ёр бермайдиган, аммо ўз манфаати йўлида ҳар қандай хийла-найрангдан, айёрликдан, «паст кетиш» дан

қайтмайдиган ярамас шахсларга нисбатан киноя, истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Отни тепмайди дема, итни қопмайди дема.

Вар.: «Итнинг аччиғи қуйруғидан билинар, Отнинг аччиғи қулоғидан билинар» («Итнинг аччиғи келиб, нияти бузилиб, кишини қопмоқчи бўлса, думини гажак қилади. Отнинг аччиғи келиб, кишини темпоқчи бўлса қулоқларини дингайтиради. Бу ҳол — сенинг улардан эҳтиёт бўлиш, сақланиш чораларини кўришинг учун белги бўлмоғи керак», дейилмоқчи); «Ювош отнинг тепкиси қаттиқ бўлади»; «Ювош мушук қаттиқ тимдалайди» (Булар билан: «Э, у от, ит, мушук ва умуман, ҳар бир нарса ва кимса (ювош, мўмин-қобил, бировга озор бермайдиган-ку, деб ишониб, бамайлихотир яқинлашиб, истаган гап-сўзингни, жавоб-муомалангни қилиб юраверма. Ҳар бир нарса ва кимсадан доимо огоҳ, соқ-хушёр, эҳтиёт бўлиб юр», деб таълим берадилар).

Отнинг аччиғи — тизгинига.

Тизгин — от, эшак ва бошқа ҳайвонларни боғлаш ёки қантариб қўйиш учун хизмат қиладиган, учи сувлуққа ёки бошвоққа бириктирилган узун тасма ёки чизимча; жилов. Отни, эшакни ва бошқа ҳайвонларни юргизмоқчи ё тўхтатмоқчи бўлсалар, тизгинни тортиб, силтаб қўядилар. Бу ҳол кўчма маънода «ўз амрига, иродасига бўйсундирмоқ, итоат қилдирмоқ, жиловлаб олиб бошқармоқ»ни англатади. Тизгин ҳадеб тортилавергач, силтанавергач, бундай ҳайвонга огриқ, азоб етади. Шунинг учун ҳам у тизгиндан «аччиғланади». Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Биров бировдан беҳудага хафа бўлса, аслида эса бу хафаликнинг сабабчиси у эмас, бошқа одам бўлса, шундай ҳолда ва шунга ўхшаш ҳолларда юқоридаги мақол мажозан қўлланади.

Отнинг думи — ўзига қўрғич.

Бу мақолни: «Бировда бир нима кўриб қолсанг, «Э, унга бунинг нима кераги бор, ортиқча бўлиб, бекордан-бекорга ётибди-ку, ундан кўра менга бера қолмайдими?!» деб ўйлама ҳам, сўраб юзингни шувит қилиб ҳам ўтирма. Берса — хўб-хўб, бермаса, уни-буни баҳона қилиб рад этса — икки ўртада ўзингнинг уялганинг, қизарганинг, хижолат тортганинг қолади», деган маънода насиҳат қилмоқчи бўлганларида қўллайдилар. Мақолда «думи ўзига қўрғич» деганда шуни назарда тутганларки, от баданига ёпишадиган «хира» пашша, сўна каби ҳашаротларни думи билан уриб, елиб ҳайдаб, ўзини улардан қўриқлаб туради. Демак, унинг думи — ўзига керак бўлган нарса.

Отолмаганнинг ўқи олти қулочдан ошмас.

Бу мақол камон отувчининг ҳолатидан олинган бўлиб, мажозий маънода эпсиз, гап ва иш билмайдиган одамларга нисбатан қўлланилади. Мақолнинг «Отолмаганнинг сопқони ҳам бетга тегар, ҳам — кетга» деган варианти ҳам борки, уни Завқий қуйидагича ишлатган: «Бу масалким, отолмаган сопқон — Бошу кетга тегар отган он».

Отхонада айвон бўлмас, болхонада — ҳайвон.

Ўз-ўзидан маълумки, кишилар ҳеч қачон отхонага айвон қуриб, унда ўтирмайдилар ва болхонада ҳайвон боқмайдилар (болхона, болохона — юқори хона). Мазкур мақол билан мажозан: «Ҳар бир нарса ўз жойига ярашади, ўз жойида «узукка кўз қўйгандай» мос, монанд, кўркам бўлиб туради. Жойига тушмаган нарса эса беўхшов, бежо, ноўрин, номувофиқ, хунук, кишининг гашига тегадиган бўлиб кўринади ва туюлади», демоқчи бўладилар ва уни шундай ҳолларда қўллайдилар.

Офтоб кирмаган уйга табиб киради.

Бу халқ — табобати қарашларидан келиб чиққан мақоллардан бири. Кишилар ўз ҳаётий тажрибаларида қуёш нурининг, шунингдек соф ҳаво ва пок сувнинг инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур эканлигини пайқаб, синаб келганлар ва ўз мақоллари, ибратли, ҳикматли сўзлари воситасида қуёш, ҳаво ва сувдан имкони борича кўпроқ баҳраманд бўлиш зарурлигини уқтирганлар: «Қуёш, сув, ҳаво — энг яхши даво»; «Қуёш, ҳаво — танга даво»; «Соф ҳаво — танга даво»; «Тоғ ҳавоси — дард давоси»; «Қавс суви — дардга даво, қуёши, ҳавоси — танга даво» (кавс — қуёш йили ҳисобида тўққизинчи ой, 22 ноябрь билан 22 декабрь орасидаги даврга тўғри келади); Қуёш, ҳаво ва сувдан баҳраманд бўлиб қолиш зарурлигини таъкидлабгина қолмай, бунинг амалий тадбирларини ҳам кўрганлар. Масалан, уй-жой қурганда иморатни «кунгай» қилиб, яъни эшик-деразалардан уйнинг ичига қуёш нури тушиб турадиган қилиб қурганлар. Чунки, халқимиз меъморчилигидан маълумки, «терскай» қилиб қурилган уй зах, ҳавоси бузуқ бўлади ва кишини касалга чалинтиради.

Офтобда оқ айнайди, сариқ қайнайди.

Кўпинча ҳазил-мутойиба тарзида қўлланиладиган бу мақол одамнинг рангига нисбатан айтилган, ҳамда: «Офтобда оппоқ одам (бундайларни баъзан истеҳзо йўсинида «нозик ниҳол» деб атайдилар) айнийди, яъни қорайиб, хунуклашади. Сариқ (яъни, буғдойранг) одам эса қайнайди, яъни ранги янаям »пишийди», кўркамлашади», дейилмоқчи.

Оч итнинг кетини тўқ ит ялайди.

Вар.: «Оч ўлганнинг қўйнидан тўқ тўқоч қидирар» (тўқоч — кулча нон); «Оч итга ош берсанг, тўқ ит гингшийди»; «Туя сўйган — эчки сўйгандан эт сўрабди»; «Оч бўридан тўқ бўри ёмон». Бу мақолларни ўтмишда «ўзи бой бўлса ҳам, мол-мулки ортиб-тортиб ётса ҳам, шўринг қурғур камбағалдан тама қилади, юлиб-юлқийди, талайди-я, поинсоф!» деган маънода аччиқ, киноя, заҳарханда кулги ва қаҳр-ғазаб билан айтганлар. Ҳозир ҳам «ўзига тўқ», бировга ҳеч қандай муҳтожлик жойи бўлмаган аммо ўзидан моддий, маънавий, жисмоний ва ҳ. к. жиҳатдан кучсиз, ожиз бўлган одамлардан бир нима умид этувчи, тама қилувчи, ҳар қандай йўллар билан, ҳатто насткашликка бориб бўлса ҳам, улардан бир нима ундириш, манфаат кўриш мақсадида ва ҳаракатида бўладиган айрим шахсларга нисбатан мажозий маънода қўллайдилар.

Оч қорингга — аччиқ саримсоқ.

Вар.: «Оч қорингга — сассиқ саримсоқ»; «Оч қорингга — аччиқ айрон»; «Оч қорингга — аччиқ сув»; «Оч қорингга — намакоб»; «Оч қорингга гап ёқмас». Бу мақолларни кишининг қорни очиб, кучи қочиб, жаҳли чиқиб турганида олдига ош-нон ё бирор егулик нарса қўймай, ҳадеб қуруқ чойнинг ўзини узатавериб, ичишга қистайверсалар; қорни «сурнай чалиб», қулоғига гап ёқмай турган одамга қаёқдаги бўлмагур гапларни эзмалик қилиб гапираверсалар, ё жиддий, ё ҳазил-мутойиба мақомида айтадилар.

Оч қорним, тинч қулоғим.

Вар.: «Оз томоғим, тинч қулоғим»; «Оз ошим, ғавғосиз бошим»; «Ёвғон ошим, бегалва бошим» (ёвғон — гўштсиз, ёғсиз тайёрланган суюқ овқат); «Ёвғон ошим, олтин бошим»; «Ғамсиз ошим, даъвосиз бошим»; «Яримта ноним — ороми жоним»; «Яримта нон — роҳати жон, Бутун нон — балойи жон»;

«Қора ноша — қорним тўқ»; «Камбағалнинг айрони — ўзига тотли»; «Қайноқ сув ич, Қулоғинг тинч»; «Очлик — ялинишдан яхши» «Оч юрсанг ҳам, тинч юр!». Бу мақоллар билан: «Ҳаётингда ҳар қанча стишмовчилик сезганинг, қийналганинг тақдирда ҳам бировдан ҳадеб сўрайверма, тиланма. Негаки, бировнинг нарсаси миннатли бўлади, ўзингга айтолмаса ҳам, орқаворатдан ҳаммага гапириб, обрўйингни тўкади. Оз бўлса ҳам, ўз меҳнатинг, пешона терииг билан топилган ҳалол, беминнат нарсанга қаноат қил. «Озимни кўпайтираман, ошириб-тошираман» деб, »беш панжангни огзингга тиқсанг», одамлар ўртасида шармандайи-шармисор бўлишинг, уларнинг қаҳр-газабига, лаънатига, таъна маломатига қолишинг, ҳатто бирор бало-қазога йўлиқишинг — турган гап», деган маънода насиҳат қиладилар. Нафиса даъво қилиб борган эди, биттаси «Оч қорним, тинч қулоғим» деб юриб турсангиз-чи, дея унга меҳрибонлик қилган булди (Шуҳрат, Жаннат қидирганлар). Қаерда галва кўпса қочаверинг: оч қорним, тинч қулоғим. Кимни ҳимоя қиласиз (Ойбек, Қутлуг қон).

Очилмас омборнинг калити — осмонда.

Бу мақолни киноя, кочирим мақомида зиқна, ҳасис, бировга бир нима бергудай бўлса худди танидан жони чиқиб кетаётгандай бўлиб туюладиган, «томса ялайдиган», қаттиқ кўл, биров бир нима сўраб келса, минг хил баҳонани рўкач қиладиган одамларга қарата айтадилар.

Очиқ дил — гулистон, ёпиқ дил — зимистон.

Бу мақолда очиқ дил — яъни, кўнгли очик, дилида кири йўқ, хушчақчақ, оладовур, бегараз, бекудур одамни — кўзларга нур ва сурур, кўнгилларга олам-олам севинч ва шодлик бахш этгувчи гулистонга; ёпиқ дил — яъни, доимо «ковогидан қор ёғиб», тилидан заҳар томиб турадиган, дилгир, дилозор, «шўр гумпуқ», гумгайган, индамас, «ичимдагини топ» дейдиган, кўрс, бадфеъл, жавоб-муомалада бўладиган ҳар бир одамининг дилини «хуфтон» қиладиган ярамас одамни — аччиқ аёзи билан кишининг жонига азоб берғувчи совуқ қишга — яъни зимистонга ташбиҳ этганлар.

Очкўз лочин тирноғидан айрилар, танобчига тил теккизган — чорбоғидан айрилар.

Танобчи — таноб, яъни ер ўлчашда ишлатилган узун чилвир, режа ип тортиб, экин майдонларини ўлчовчи; солиқ олиш учун ер ўлчовчи лавозимига эга бўлган киши. Инқилобдан илгари деҳқонлар ва боғбонлардан турли-туман солиқлар, шу жумладан ернинг неча танобликига қараб, «танобона», «пақдина» деб аталмиш пул ҳамда ҳосил билан тўланадиган ер солиқлари мажбурий равишда ундириб олинарди (Қаранг: М. Абдураимов, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI— первой половине XIX века). Бундай солиқларнинг ҳажми ер ўлчаган танобчилар чиқарган хулосага қараб белгиланарди. Мазкур мақол билан: «Танобчи — «нозик» одам. У билан ўчакишиб, талашиб, алик-бадик айтишиб, ўзгаларнинг маъқуллайман, ўзинг ҳақлигингни исботлайман, деб овора бўлиб ўтирмаёқ кўяқол. Чунки, бунинг бари-бир фойдаси йўқ. Унинг сенга ўз ҳукмини, зуғумини ўтказишга, «танобингни тортиб қўйишга» (яъни, адабингни бериб қўйишга), солиқ миқдорини атайлиб ошириб юборишга қурби етади. Натижада ўзинг зиён-заҳмат чекиб, катта солиққа гирифтор бўлиб, мол-мулкингдан ажраб, хонавайрон бўлишинг — ҳеч гап эмас», деган маънода огоҳлантирганлар.

Очкўзнинг ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймас.

Вар.: «Очнинг қорни тўйса ҳам, кўзи тўймас»; «Ўзи туймасининг кўзи тўймас»; «Очтўяди, сук тўймайди»; «Жўхорипоя ук бўлмас, Кўзи оч тук бўлмас»; «Сўзига қарасанг — тўқ кўри-

нар, Кўзига қарасанг — очкўринар»; «Очнинг кўзи — «емоқда», «ичмоқда»; «Атон юки озиқ бўлса ҳам, очкўзга оз кўринур» («Очкўз одамнинг кўзига бир туя озиқ-овқат ҳам оздай бўлиб кўринади», дейилмоқчи); «Очган чирманда нон бўлиб кўринар»; «Ит ялогин яламагунча, ёлчимас»; «Нон кўрмаганнинг жағи тинмас»; «Нон кўрмаганнинг қўли билан жағи тинмас»; «Балиқнинг сувга тўйганини ким кўрган?!» «Балиқнинг ўзи сувда, кўзи кўкда» («Балиқ ўзи сув ичида юрса ҳам, ёмғир томчисини қумсаб, кўзини кўкка тикади. Шунинг дек, ўзининг катта мол-мулки бўлса ҳам, очкўз, суллоҳ, юлғич, тамагир одам бировнинг озгина молига, бир парчагина ерига ва ҳ.к. кўз тикиб, «Шу ҳам мениқи бўла қолсайди», деган ниятда бўлади», дейилмоқчи); «Бақанинг ўзи чўлда бўлса ҳам, кўзи — кўлда»; «Ғознинг ўзи чўлда бўлса ҳам, кўзи — кўлда»; «Ўзи — эгарнинг қошида, Кўзи — қозоннинг бошида» («Суллоҳ одам бирор жойга отлиқ борса, ҳали эгардан тушмай турибоқ, «Қани, нима овқати бор экан?», «Нима овқат қилаётган экан?» деган ҳаёлда икки кўзини ўчоқ бошидан узмайди»; дейилмоқчи); «Ақлли ўтга қарар, Аҳмоқ қозонга қарар» «Ақлли, сабр-қаноатли одам нафсини тийиб, овқат қилаётган одамга қарашади, ўтинини ёриб, ўтини ёқиб беради. Аҳмоқ, очкўз, суллоҳ одам эса «тайёрга айёр» дейилмоқчи); «Очатқи кўз ош ахтарар, Ишчан қўл иш ахтарар»; «Очнинг кўзи экмакда, Тўқнинг кўзи ҳикматда» (экмак — хамирни суюқ қилиб, қозонга солиб, димлаб, ғуппак қилиб пиширилган нон. «Тўқ, маиший тарафи таъминланган одам бу ёғидан хотиржам бўлиб, маънавий тарафни кўзлайди. Оч одамнинг эса доимо эс-хуши бирор егулик нарсада бўлади», демоқчи); «Очнинг кўзи нонда, Тўқнинг кўзи томда»; «Ош бор жойда бош бор« (бош-одам маъносида); «ош» деган жойга қоқвош югурар»; «Ош» деганда, қуруқ калла югурар» (уйланмай, дунёдан сўққа бош бўлиб ўтиб кетаётган одамни «қуруқ калла», «қоқвош, «қоқ бош» деб атайдилар). Бундай одамнинг уйида овқат пиширадиган аёли йўқ, доим кўча томоғидан тама қилади. тўй ё маъракага ошга айтилса, ҳаммадан бурун югуриб қолади. Кейинги икки мақолда шунга шама қилинган. «Тўй бўлса, мечкайнинг куни туғди» (мечкай — еб тўймас, юҳо); «Ош ҳар ерда, Бош бир ерда»; «Ош кўп бўлса, ит кўп бўлур»; «Ош келса, имон кетар»; »Очкўз эшак тўрвани тешади» (Ем солинган тўрвани бандидан отнинг, эшакнинг бошиган илиб, оғиз-тумшуғини тўрванинг ичига тиқиб қўядилар. Шунда очкўз, еб тўймас ҳайвон тўрвага солинган емнинг ҳаммасини еб бўлганидан кейин ҳам, бунга қаноат қилмай, тўрванинг тагини ғажиб, тешиб қўяди. Бу ҳолни мажозан еб тўймас, очкўз, суллоҳ кишиларнинг феъл-атворига ташбиҳ этганлар); «Очарчиликда бой боласи бурун ўлади» (бойларнинг ўзлари бўлгани каби, болалари ҳам ҳар қанча «ошиб-тошиб» ётмасинлар, барибир зиқна, хасис бўлиб, бор нарсаларини ўзгалар тугул, ўзларига сарфлашдан ҳам қизғанадилар. «Очарчилик бошланса, ҳаммадан бурун бойнинг боласи ўлади», деганларининг боиси ана шунда); «Ойда еган — тўқ бўлур, Кунда еган — суқ бўлур» (Бунда «ойда еган» деганда қорни ҳар замонда бир тўйиб қоладиган камбағал, бева-бечоралар; «кунда еган» деганда бойлар назарда тутилган ҳамда: «Камбағаллар ойда есалар ҳам, бирор жойга борганларида, таниш ё нотанишлар дастурхони устида нафсларини тийиб, гарчанд оч бўлсалар ҳам ўзларини тутиб, одоб сақлаб ўтира оладилар. Аммо, кунда-кунда лаззатли таомларни истаганларича ейдиган бойлар эса бундай қила олмайдилар, уларнинг «ўрганган кўнгиллари ўртаниб», — емасликка, нафсни тийишга, одоб сақлаб ўтиришга йўл қўймайди», дейилмоқчи); «Оч ит кезағон бўлур, Очиққан — ўғри бўлур» («Очиққан, очкўз одам нафсини тийиб, одоб сақлаб ўтириш у ёқда турсин, бировнинг нарсасини ўғирлаб бўлса, ҳамки, қорин тўйдириш пайида бўлади», дейилмоқчи); «Ошга — ўртоқ, Бошга — тўқмоқ» («Нафс бандаси, айёр, очкўз, суллоҳ одам сенинг егулик-ичгулигинг бор бўлгандагина »хўжа кўрсин»га сен билан дўст, ўртоқ бўлиб юради-да, орқангдан барибир ўша ёмонлиғини

қилаверади: сени одамларга ёмонлаб, оз айбингни ошириб, устингдан чақимчилик қилиб юради», дейилмоқчи); «Ош» деганда — оч бикинига, «Гўш(т) деганда — тўқ бикинига» («Сендан манфаатланиб тургандагина номинга «дўст» бўлиб юрадиган, сендан манфаат тегмай қолганда, хар қандай ёмонликни ҳам раво кўрадиган одамни яхши билиб, синаб, таниб ол-да, бирор нима умидида яна сенга суйкалиб кела бошлаганида бошлаб адабини бер, «оч бикин»ига ҳам, «тўқ бикин»ига ҳам ўхшатиб ур!», дейилмоқчи); «Қорнини тўйғазиш осон, Кўзни тўйғазиш қийин»; «Очофат тиши билан ўзига гўр қазийди»; «Одамнинг кўзи тупроққа тўяди» (Бунда на очуплик-ичгуликка, на мол-дунёга тўядиган одамларга қочирим қилинган ҳамда: «Бундай одамларнинг кўзи тупроққагина «тўяди», яъни ўлиб, гўрга киргандагина кафси тийилади», дейилмоқчи); «Оч бўлсанг ҳам тўқдай бўл, Йўқ бўлсанг ҳам бордай бўл!»; «Бол тотли деб, бармоғингни чайнама!»

Ош берганга бош берсин, қозон тўла ош берсин, кетмас давлат, кенг феъл, ёстиқ тўла бош берсин

(бош берсин — бола берсин). Бу — ота-боболаримизнинг кишиларга яхши ният, изгу тилак билдирганда айтадиган олқиш мақомидаги мақолларидан биридир.

Ош — каттадан, сув — кичикдан.

Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, хоҳ оила даврасида бўлсин, хоҳ тўй-зиёфатларда бўлсин, дастурхонга ош ёки бошқа овқат келтириб қўйилса, уни ейишни энг биринчи бўлиб тўрда ўтирган ё бошқалардан ёши катта одам бошлаб беради, кичиклар одоб сақлаб ўтириб, ундан кейин ошга қўл узатадилар. Шунингдек, халқимизда меҳмондорчиликка кириб келганда ва овқатланиб бўлиб чиқиб кетаётганда меҳмонларнинг қўлига сув қўйиб туриш одати ҳам бор. Бу хизмат кичиклардан бўлади. Мазкур мақолни айтиш билан ёшларга шу тартиб, удум эслатилади ва унга амал қилишга даъват этилади.

Ош кўп бўлса, қаъда кўп

(қаъда — вафот этган одамни эслаб, қариндош-уруғларни, ёр-биродарларни, қўни-қўшниларни, маҳалла-кўйдаги қарияларни уйга таклиф этиб, меҳмон қилиш одати; марҳумнинг таъзиясини у вафот этган уйдан бирор яқин қариндошлариникига ўтказиш маросими). Мазкур мақол билан: «Тинчлик-омонлик, тўқлик-фаровонлик бўлса, бундай қаъдалар ҳам кўп бўлаверади, вафот этган одамнинг хотираси учун яқин қариндошлардан ташқари узоқроқ қариндошлар ҳам қаъда қилаверадилар», дейилмоқчи.

Ош — отлиники, тўй — тўнлиники.

Бунда «ош» деганда, вафот этган одамнинг «йигирма»си, «йил»и муносабати билан кўпчиликка бериладиган катта маърака оши назарда тутилган. Бундай маъракага узоқ-яқиндан, камбағаллар эмас албатта, бой ва амалдорлар отга миниб, қимматбаҳо ва кўркам кийимлар кийиб, савлат тўкиб келардилар. Алоҳида иззат-икром ҳам, жойнинг тўри ҳам, ошнинг сергўшт, серёғи ҳам ўшаларга раво кўринарди. Камбағал, йўқсилларга эса паст назар билан, қараларди. Мазкур мақолни шу тенгсиз ҳолатга нисбатан аччиқ киноя тарзида айтганлар.

Ош ошлигини қилсин, чой — чойлигини.

«Палов ош сяётганда ва еб бўлгандан кейин дарров чой ичмаслик керак, токи ош ўз «кучи»ни кўрсатсин. Чой орадан бир оз вақт ўтгандан кейин ичилса, у ҳамўз «кучи»ни кўрсатади», деган маънони билдирувчи бу мақолни одатда ош сяётган пайтда ё еб бўлинган заҳоти кетма-кет чой

қуйиб узатадиган, ҳадеб чой ичишга қистайверадиган одамга ярим ҳазил, ярим насиҳат тарзида айтадилар.

Ошга борган — отидан қўнгли қолар, тўйга борган — хотинидан.

Ҳазил-мутойиба тарзида айтиладиган бу мақол билан «Қўнғироқка, юртга бериладиган ошга от минib борган одам бошқаларнинг яхши-яхши, эътиборли, кўркам отларини кўриб, ўз отидан кўнгли қолади. Тўйга борган одам ясан-тусанни, пардоз-андозни жойига қўйган, «ялтир-юлтир» кийинган, гўзал хотин-қизларни кўриб, ўз хотинидан кўнгли қолади», дейилмоқчи.

Ошган бўлсанг — осарлар, юмшоқ бўлсанг — босарлар, ўрта бўлсанг — эл оғаси ясарлар.

Вар.: «Ёмон бўлсанг — осарлар, Ювош бўлсанг — босарлар, Яхши бўлсанг, агарда, Эл оғаси ясарлар»; «Осмон бўлсанг — осарлар, Пас(т)мон бўлсанг — босарлар»; «Кўп эгилма — босарлар, Кўп бўй чўзма — осарлар»; «Энгашсанг — иладилар, Чалқайсанг — чаладилар». Бу мақоллар билан: «Жамиятда яшаётган экансан, босар қадамингни билиб бос, айтар сўзингни билиб айт! Ўзингни ҳаммадан баланд олиб, кеккайиб, такаббурлик қиладиган бўлсанг — «попугингни пасайтириб», «ўпкангни босиб», «тавбангга таянтириб», адабингни бериб қўядилар. Ҳаддан ташқари юмшоқ, ювош, кўнгилчан, бўшанг бўлсанг, ким нима деса «лаққа» тушадиган бўлсанг, сени менсимай, «оёқ ости» қилиб, «босиб-янчиб», ҳўрлаб қўядилар. Ўртамиёна бўлсанг, сени иззат-ҳурмат қиладилар, ҳатто ўзларига оға — яъни, бошлиқ, сардор, саркор қилиб сайлайдилар», дейилмоқчи.

Оши йўқ ошавасига зўр беради, лачаги йўқ қасавасига зўр беради.

Вар.: «Иштони йўқ қасавага зўрлар, Оши йўқ мошовага зўрлар» сайлаш, ошова, ошоба — суюқ ош; лачак — бош узра икки чеккадан кўкракка қадар осилиб турадиган мато — сурп ё дока). Қасава — К. Шониёзовнинг маълум қилишича: «Шарқи районидаги қарлуқ қизларининг қадимий бош кийимларидан бири. Коллективлаштириш даврigача мавжуд бўлган, ҳозир ҳам онда-сонда учрайди. Қасава картондан ёхуд эски матодан цилиндрсимон қилиб ясалади-да, сиртига шоҳи ёки оддий мато қопланади ва устидан рўмол ўраб юрилади. Қасаванинг олд томонига турли тақинчоқлар тақиб қўйилади. Бош кийимнинг бу тури Бухоро атрофида яшовчи аҳоли орасида, шунингдек Амударёнинг қуйилиш ерида яшовчи ўзбеклар орасида ҳам мавжуд бўлган» (К. Шаниязов, Узбеки-карлуки. Историко-этнографический очерк), «Қасава (арабча «қасоба») — картонёки қалин матодан цилиндр шаклида тайёрланиб, атрофини узун оқ ёки оқ шойи бўлаги билан ўраб-ўраб ҳосил қилинган; пешона томонига турли безаклар тақилган, устидан яна бир бор оқ дока ёки шойи рўмол ташланиб ўраладиган, никоҳ тўйи маросимида никоҳланаётган қизнинг бошига кийдириладиган бош кийими (буни «шоҳкулоҳ» деб ҳам атаганлар)». (М. Асомиддинова, Кийим-кечак номлари). Юқоридаги мақолларни ейишга ош-нони бўлмаса ҳамки, олифта кийиниб, кишиларнинг кўзига ўзини яхши кўрсатишга; суюқдан-суюқ, «шўлдир-шўлдир» овқат қилиб беришгагина қурби етса ҳамки, уйига кўп меҳмон чақирувчи, тўйига «эшак минib» хабарловчи ва шу билан тўё ўзининг «кимлигини кўрсатиб қўйиш»га зўр бериб уринувчи одамларга қарата айтилади. Кочирим, истеҳзо тарзида қўлланилади.

Отнинг ҳалол бўлса, кўчада ич.

Вар.: «Иши тўғри бўлган — отини минбарларда» ёки Минбарларда отини билан «Ҳеч кимдан яширмай-нетмай, ҳаммадинг кўз олдингда юрарди», дейилмоқчи); «Эр моли ҳалол бўлса, ичида ер»; «Ҳалол ошга ит тегса ҳам — тегмаганмас, Олинса ҳам —

эликмагандай» (эликмоқ — ёпишмоқ, илакишмоқ, эргашиб юрмоқ); «Савдогар моли бешубҳа бўлса, йўл устида ёяди»; «Чолвори бутун хоҳлаганча ўтира олади». Чолвор — шолвар — сидирға сатин, шойи матодан тикиладиган почаси бўғиқ кенг лозим (М. Асомиддинова, Кийим-кечак номлари). Мазкур мақоллар билан: «Тўғри, ҳалол одам бўлсанг, беҳавотир бўласан, ҳар бир кимдан чўчиб, ҳадиксираб юрмайсан», дейилмоқчи.— Хўп, гапингиз тўғри, лекин бу ерда эмас-да.— Ие, ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич» (Шуҳрат, Жаннат қидиргандар).

Ошингни бермасанг берма, тошинг билан урма!

Вар.: «Ошингга тўйғазмасанг ҳам, оқ ниятингга тўйғаз!»; «Бугдой поянинг бўлмасин, «Бугдой» сўзинг бўлсин!». Бу мақоллар билан: «Бировга яхшилик қилсанг — нур устига нур. Яхшилик қилмасанг ҳам майли-ю, аммо зинҳор ёмонлик қилма, ёмонликни раво ҳам кўрма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Ошингни е, ишингни қил.

Бу билан: «Сенга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ишга «бош суқиб», сенга тегишли бўлган-бўлмаган гап-сўзга аралашиб нима қиласан?! Қайтага ўз бошингни ўзинг галвага солиб қўйган бўласан. Ундан кўра, топган-тутганингни еб, тинчгина ўз ишингни қилиб юравер! Дунёда сенга шундан яхши, шундан хотиржам нарса йўқ», демоқчи бўладилар.

Ошиқ ўйнаган озар, тўпиқ ўйнаган тўзар, ҳаммадан ҳам қўй боқиб, қуйруқ еган ўзар

(ошиқ — қўй, эчки, туя ва ш. к. ҳайвонларнинг орқа оёғи тизза бўғимидаги бириктирувчи чорқирра суякча). Ошиқ ўйини — шундай суякча (одатда қўй ошиғи) воситасида йўналадиган (баъзан пул ёки буюм тикиб, киморга айлантириб юбориладиган) ўйин. Тўпиқ — болдир суягининг пастки учидаги ён томонга туртиб чиққан дўмбоқ қисми. Тўпиқ ўйини — тўпиқ суягини ўйинчилардан бирига, сўралганда дарҳол кўрсатиш, акс ҳолда ўйиновчиларнинг истакларини бажариш (масалан, зиёфат қилиб бериш) шарти билан бериб ўйналадиган писандали ўйин. Мақол: «Бундай бемаъни, ҳар жиҳатдан зарарли ўйинларни ўйнаш билан шуғулланган одам тўғри йўлдан озади, ёмон йўлга кириб кетади. Қўй боқиб, қуйруқ еган — яъни, меҳнат қилиб, унинг орқасида қўлга киритилган моддий неъматлардан баҳраманд бўлган одам эса, ҳар жиҳатдан ютиб чиқади», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Қиморнинг пули — ўчоқнинг кули»; «Қимордан келган қиморга кетар»; «Қиморбознинг омади чўнтагига ўхшар»; «Қиморбоз ҳам ютар, ҳам ютқазар»; «Қиморбозга дўст бўлма — кўрган ерда пул сўрар»; «Қиморбоз бой берганда Жамшидни ёдлар, бой бўлганда — кочишни».

Ошиқнинг дарди — маъшуқнинг васли.

Вар.: «Ошиққа икки дунё — бир қадам» («Унга маъшуқаси билан дийдор кўришмоқ учун ҳар қанча узоқ ернинг ҳам олислиги билинмайди, кетаверади», дейилмоқчи); «Ошиққа таёқ ўтмас» («Севгилисининг васлига етишмоқ йўлида уни ҳар қанча урмасинлар: сўқмасинлар, барибир писанд қилмаиди ва ўз мақсадидан қайтмайди», дейилмоқчи); «Ошиқлик — шармандалик» («Ошиқ маъшуқасига етишмоқлик ниятида ҳаракат қиларкан, ҳеч кимдан уялмайди ҳам, ҳеч нарсадан тап тортмайди ҳам», дейилмоқчи); «Маъшуққа қайда бўлса, Ошиқ шунда бўлар»; «Қичиган ердан кўл кетмас, Суйган ёрдан кўз кетмас»; «Кўз қарашин қўймас, Кўнгил дийдорга тўймас»; «Ўрдак билан суқсурнинг сув кечишгани — хўбдир. Ошиқ билан маъшуқанинг кўз боқишгани — хўбдир» (суқсур — суқсуқ, суқсун деб ҳам атайдилар. Ўрдаклар оиласига мансуб, ёввойи ўрдакдан кўра кичикроқ қуш; хўб — яхши); «Муҳаббат — бир балойи шайдир, гирифтор бўлмаган билмас»; «Севгиси бўл-

са бировни (иг), Кулга тўлар ўтови» («Ишқ-муҳаббат «оташи» кишини «куйдириб, кул қилиб» юборади, дейилмоқчи); «Ошиқ билан ўйнасанг, ошиғингга ўт тушар, маъшуқ билан ўйнасанг, қошиғингга тут тушар» (бундаги биринчи «ошиқ» — ўйналадиган ошиқ; иккинчи «ошиқ» — кишининг оёқ тўпиғи; киши қошиқни тутиб турса-ю, унга тут тушса — бу катта бахт, омад ҳисобланади); «Ҳамма дардга бор даво, Ишқ дарди — бедаво»; «Ҳамма дардга бор даво, Менинг дардим — бедаво» (Кейинги мақол ошиқнинг тилидан айтилган); «Висол қанчалик яхши бўлса, видо шунчалик ёмон» (видо — айрилиш, маҳрум бўлиш); «Пўлат оловда синалса, севги ҳижронда синалади»; «Мард йигитга севги — синов».

Ошни хўрлама — қустирар, эрни хўрлама — сустирар.

Бу билан: «Эр йигитни хўрласанг, хор билсанг, у газабига чидай олмай, сени сустиради, яъни сусайтириб, кучсилантириб, ҳолдан тойдириб, «адабингни бериб» қўяди», демоқчи бўлганлар.

Ошнинг «сочиғи» — нон.

(Одатда ош (палов) ни еб бўлгач, лаганнинг тагида қолган ёғни бир бурда нонга суркаб олиб ейдилар, токи исроф бўлмасин учун. Қўлнинг ёғини сочиқ билан артадилар, оғиз бўшлиғидаги ёғ юқини кетказмоқ учун эса, бир тишлам нонни чайнаб, еб юборадилар. Буни «суннати» деб атайдилар. Маколда шу ҳол ифода этилган ҳамда исроф қилмасликка даъват қилинган.

Ошсиз уй бор, уришсиз уй йўқ.

«Ошсиз уй бўлса бўлар, уришсиз уй бўлмас», «Уришсиз уй йўқ, Азобсиз гўр йўқ» деб ҳам қўлланиладиган мазкур мақол билан: «Тирикчиликда ҳар қандай уйда ҳам унча-мунча уриш-жанжал гинахонлик бўлиб туради. Бу — табиий бир ҳол. Шунинг учун вақтинча бўладиган ва тез ўтиб, унутилиб кетадиган бундай келишмовчиликни деб турмушни, бузиш, юзкўрмас бўлиб кетиш ярамайди», деган маънода эр-хотинга тасалли берадилар.

Ошхонадан айвон яхши, дангасадан ҳайвон яхши.

Бу мақолни фақат дангасаларнигина эмас, балки айнан такрорлаган ва «дангаса» сўзининг ўрнига «чақимчи», «виждонсиз», «ноинсоф», «нокас», «сахройи», «беномус», «кўрнамак», «бевафо», «беадаб», «безори», «бетамиз», «алдамчи» ва б. сўзларни ишлатган ҳолда салбий иллат эгаларини қоралайдилар, лаънатлайдилар, улар устидан заҳарханда билан куладилар.

Оқ бадан, қора бадан — сувга тушганда маълум.

Бу мақолни мажозан: «Ҳар нарса ва кимса асли зотига тортади» деган маънода ҳам, «Кимнинг қандайлиги — кўнгли оқ ё қоралиги, вафодор ё бевафолиги, сахий ё бахиллиги, феъли кенг ё торлиги, иродали ё иродасизлиги ва ҳ. к. — кези келганда маълум бўлади» деган маънода ҳам қўллайдилар.

Оқ дарёнинг ул юзида бир игнага — бир сигир.

Бу мақолга қуйидаги ҳикояни келтирадилар: «Қадим замонда бир алдамчи ўғри бўларкан. Шу ўғри бир қанча вақт ўз юртидан йўқ бўлиб кетибди-да, бир кун битта сигир етаклаб келибди. Одамлар: «Бу сигирни қаёқдан олдийкин?» деб ҳайрон бўлишибди. Ўғридан сўрашган экан, у шундай деб жавоб қилибди: «Бир сотимда йиртиқ-ямоқ тикиб юрадиган биттагина игнам бўларди. Иттифоқо Оқ дарёнинг у юзига бориб қолдим. У ерда игна деган нарса бўлмас экан. Ҳамма жуволдизда тикаркан. Бир ку-

ни мендан халиги игнамни сўраб қолишди. «Майли, сотаман-у, лекин баҳоси қиммат-да», дедим мен. «Канчага сотасан?» дейишди улар. «Бир сигирга алишаман» дедим мен. Улар рози бўлишди. Шундай қилиб, бир игнага мана шу сигирни алишиб келдим». Ўша вақтнинг содда одамлари бу гапга ишона қолишибди. Кейин улар ҳам қизиқиб кетиб, аллақанча игна харид қилиб, Оқ дарёнинг у юзига равона бўлишибди. Боришса, иш бутунлай тескари: игна у ерда ҳам кўп, сигирнинг баҳоси бўлса, худди ўзларининг юртларидаги баҳо билан баравар экан. Улар алданганларини билиб, қарғай-қарғай қайтиб келишибди... Шундан кейин ўша юртда «Оқ дарёнинг у юзида бир игнага — бир сигир» деган киноялн гап тарқалиб кетибди. Шу йўсинда бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб кетган экан». Бу мақолни мажозий маънода ишлатадилар. Масалан, баъзи одам хиёнатлар қилиб, катта маблағ тўплаб олади. Кейин ҳовлиқиб кетиб, серҳашам иморатлар қуради, машина сотиб олади, бутун шаҳарга довруғ солиб катта-катта тўйлар қилади ва ҳоказо. Одамлар унга шубҳа кўзи билан қарай бошлайдилар. Шунда у хиёнатгар: «Заёмдан ютдим», «Лотереядан ютдим», «фалон нарсадан бунча фойда кўрдим, писмадон нарсадан бунча фойда кўрдим...» деган важларини тўқиб, ўзини «кўй оғзидан чўп олмаган» киши қилиб кўрсатади. Ана шундай муғамбир, айёр, «ичидан пишган», ўгри, хиёнатгар эгри қўл одамга нисбатан киноя тарзида юқоридаги мақолни айтадилар.

«Оқ» деса — оқ, «кўк» деса — кўк.

Буни лаганбардор одам тилидан: «Хўжайин мени «яхшисан» десалар ҳам, «ёмонсан» десалар ҳам, «маъқул» дейман», деган маънода киноя ва истеҳзо тарзида айтадилар. «Ҳўк» деса — ҳўк, «Чўк» деса — чўк» мақолни ҳам лаганбардор одам тилидан: «Хўжайин «Тур!» десалар — турамиз, «Юр! десалар — юрамиз, «Ўтир!» десалар — ўтирамиз. Хуллас, у киши нима десалар, шуни бажо келтирамиз», деган маънода айтадилар.

Оқ иштоннинг балоғи қора иштонга ярашмас

(балоғ, болог — иштон почаси). Мазкур мақол билан мажозан: «Яхши одамнинг ёмон одамга ҳамроҳ, ҳамкор, ҳамтовоқ ва ҳ.к. бўлиши — тўғри эмас», демоқчи бўладилар.

Оқ танга — қора кунга.

«Қора кунингни — яъни, оғир, йўқчилик бўладиган ёхуд кўп сарф-харажатлар қилишга тўғри келадиган кунингни ўйлаб, олдиндан пул, маблағ ва бошқа зарур нарсаларни жамғариб қўй», деган маънода маслаҳат бериб айтилади. Вар.: «Оқ танганг ортиқ бўлса, келар кунингга сақла»; «Эҳтиётинг» бўлса — эҳтиёжинг бўлмас (эҳтиёт — жамғарма); «Ўзингда бўлса, кунингга ярар»; «Тўқликда очликни ўйла»; «Оч бўлсанг — тўярингни ўйла, Тўқ бўлсанг — очарингни ўйла»; «Бугун ўтди овқатим, Эртага керак сарқитим»; «Кузда йиғсанг, қишда ейсан»; «Ёз қоқиси — қишга дори»; «Чўпчак деган — чўп бўлар, Тераверсанг кўп бўлар» (бунда қишга эринмасдан, битта-битталаб бўлса ҳам, ўтин ғамлаб қўйиш лозимлиги уқтирилган); «Сақла самонни, келар замонни»; «Керагингни кунда йиғ — ҳеч кимга зорланмайсан»; «Керакли нарсани кераксизида ол»; «Керакли тошнинг оғирлиги йўқ»; «Ортиқча давлат бош ёрмас»; «Бўйра чўп-ла тишларингни кавлама, Калтак олиб, давлатингни қувлама»; «Огизга солган ошни юта билмоқ керак, Қўлга кирган давлатни тута билмоқ керак!»

Оқ товуқ сомон сочар, ўз кетини ўзи очар.

Вар.: «Икки хўроз хирмон сочар, Ўз кетини ўзи очар»; «Сариқ товуқ сомон сочар, Ўз айбини ўзи очар». Одатда сомон ичига тухум туғиб, бе-

китиб юрган товуқ шу сомонни ўзи титкилаб, сочиб, тухумини очиб қўяди. Мақолда шу ҳолни мисолга келтириш билан, мажозий маънода: «Айёр, муғомбир: «Сиримни ҳеч ким билмасин» деб, уни бошқалардан ўз кўнглида бекитиб юрган бўлади-да, бир кунмас-бир кун оғзи бўшлик қилиб, ўз сирини ўзи очиб қўяди. Барибир унинг «ёпиқлик қозони ёпиқлигича» қолиб кетмайди — қилмиши фош бўлиб, шармандаси чиқади», дейилмоқчи. «Туякуш бошини қумга тиқиб, мени ҳеч ким кўрмаяпти, дермиш» деган мақол ҳам шунга ўхшаш маънода қўлланилади.

Оқ уйда бўлган киши олачиқда ҳам бўлади

(оқ уй — устига оқ кигиз ёпилган ўтов). Бундай ўтов одатдаги ўтовлардан катта (тўрт, беш, олти, ҳатто етти «қанот»ли — яъни, керакали) бўлар ва унда хону беклар, кўчманчи чорвадорларнинг катта бойлари имтиқомат қиладилар. Олачиқ — олди очиқ — энг кичик (икки «қанот» ли) ва энг кўримсиз, ҳатто олдида эшиги, чийи ҳам бўлмаган ўтов; капа; кулба. Мазкур мақол билан: «Ҳар қанча бойиб, давлатманд бўлиб кетган бўлсанг ҳам, бойлигингга керилма, мағрурланма, шишинма! Бойликни кишига боғлаб бериб қўйган эмас. Бир кунмас-бир кун бойлигингдан ажраб, ночор аҳволга тушиб қолсанг, унда ким деган одам бўласан-у, кишиларнинг юзига қандай қарай оласан?!» демоқчи бўлганлар.

Оқ уйим, қоқ уйим, теварак четига боқ уйим.

Халқ бу мақолни «оқ уй»да истиқомат қиладиган, меҳмонни хушламайдиган зикна бойлар тилидан айтган ва: «Мана, менинг оқ (яъни, чиройли, кўркам) уйим. Ичига кирмагин-у (яъни, меҳмон бўлиб келмагин-у), теварак-четига боқиб, томоша қилиб кетавер!» демоқчи бўлган. Вар.: «Оқ уйим, боқ уйим, Гар боқмасанг — қоқ уйим»; «Оппоқ бўлган оқ уйим, Ош-нони йўқ қоқ уйим».

Оқ шунқорнинг боласи емлигига қарамас, емлигига қараса, шунқорликка ярамас.

Вар.: «Оқ шунқорнинг боласи, Олдига қўймай ем емас» («олдига қўймас»— олдига қўймагунча); «Оқ шунқорнинг боласи, Саркит бермай ем емас». Одатда мард, ботир, ор-номусли одамни эпчи, чапдастов қушлари бўлмиш лочинга, шунқорга ташбих этадилар. Мазкур мақоллар билан: «Оқ шунқорнинг — яъни, асл шунқорнинг боласи эгаси қўлдан берадиган емга қараб, ундан умид қилиб ўтирмайди-да, ўзи парвоз этиб, ўз чангали билан сайд овлаб ейди. Шунингдек, мард ор-номусли одам ҳам бировдан бир нима умид қилиб ўтирмайди, ўзи ҳаракат қилиб, елиб-югуриб, ҳалол меҳнати, пешона тери эвазига ўз эҳтиёжини қондиради», дейилмоқчи.

Оқ қоптол от отбоши ўтин ўтламас.

(Отбоши — жой номи). Отнинг эгар, жазлиқ (эгарнинг икки қаноти) турар ерини — елкасини «қоптол» деб атайдилар. От агар яғир бўлса-ю, яғири битса, шу битган ўрнининг жуни одатда оқ бўлиб чиқади. Шунга кўра, бундай отни «оқ қоптол» деб атайдилар. Бундай яғир бўлиб тузалган (яъни, азоб кўрган) от «юрак олдирган», ўзини аяйдиган, безанглайдиган, устига одам миндирмайдиган, юк орттирмайдиган бўлиб қолади. Оқ қоптол от бирор ерда задаланган, шикастланган бўлса, ўша ернинг ўтини емайди; бирор арикка ботиб тикилиб қолган бўлса, ўша арикнинг сувини ичмайди. Отнинг бу ҳолатини мажозан одамга кўчирганлар: дунёнинг «аччиқ-чучугини» кўп тотган, «пих ёрган», «ичидан пишган», ўзига пухта, тадбиркор, ҳеч кимга алданмайдиган, «бир чўкиб, уч карайдиган», соқ, ҳушёр, зийрак, ўз жонини койитмасликка ҳаракат қиладиган, «жон-жон — ўзимнинг жоним» дейдиган. Юқоридаги мақолни шундай одамларга нисбатан киноявий истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Оқ қўйини ҳам ўз оёғидан осадилар, қора қўйини ҳам ўз оёғидан осадилар.

Вар.: «Қўйини ҳам ўз оёғидан осадилар, Эчкини ҳам ўз оёғидан осадилар»; «Окни ҳам қора тупроққа кўмадилар, Қорани ҳам қора тупроққа кўмадилар»; «Оққа қора йўқ, Қорага чора йўқ» («Оқ, яъни айбсиз одамни ҳар қанча қоралашга уринмасинлар, бари бир у оқибат-натижада оқ бўлиб чиқади ва оқлигича қолади; яъни айб қилиб қўйган одам ўзини ҳар қанча оқлашга уринмасин ё уни оқлашга, айбини яширишга ҳар қанча уринмасинлар, бари бир у «қоралигича», айбдорлигича қолади, уни бутунлай оқлаб юборишнинг чораси, имкони ҳам йўқ», дейилмоқчи); «Ҳар ким қилмишига қараб топади». Халқ ўртасида оқ қўй ва қора қўй мисолга олиб айтилган юқоридаги мақолнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги ҳикоя бор: «Бир ака-ука бўларкан. Акаси золим ҳоким, укаси эса динга қаттиқ ишонган мутаассиб экан. Укаси акасининг конхўр-золимлиги туфайли у дунёда иккаламиз ҳам бунинг жазосини тортамиз деб қўрқиб, ҳамиша хавотирда бўлиб, сира чеҳраси очилмай, кўнгли ёришмай, еган-ичгани татимай юраркан. Кунлардан бир кун у иттифоқо кушхонага кириб қолади-да, сўйилган оқ қўйларни ҳам, қора қўйларни ҳам ўз оёғидан осиб қўйганларини кўриб, севиниб кетибди ва бирдан баланд овоз билан: «Оқ қўйини ҳам ўз оёғидан осарканлар, қора қўйини ҳам ўз оёғидан осарканлар!» деб юборибди». Кейинчалик бу сўз халқ ўртасида мақолга айланиб, мажозан: «Бировнинг қилмиши учун бировни жазоламайдилар, ҳар ким ўз қилмишига яраша жазосини тортади», деган маънода қўлланиладиган бўлиб кетган. Мазкур мақолни XV асрда Навоий ишлатганки, бу — унинг қадимийлигидан далолат беради:

Рони эсанг, тут бу нафсе яхши пес,
Ҳар қўйини ўз ёғидин ос.

Оқар ёшдан — отар тош яхши.

Бу билан: «Ёв агар юртингга бостириб кириб, ўз зулмини ўтказаётган бўлса, сенинг қўркиб-писиб, йиғлаб-сиктаб, кўз ёши қилиб ўтиришингдан нима фойда?! Ундан кўра, ёвга қарши тик чиқиб, қўлингга битта тош олиб отсанг ҳам — ўша фойда», деган маънода далда берадилар, жасоратга даъват этадилар.

Оқбошдан ўтин бўлмас, ўйнашдан — хотин

(оқбош — бўйи ярим метрча келадиган, сербарг, майда оқ тўпгулли ёввойи ўт). Яна бир мақол борки: «Ўйнашга ишониб, эрсиз қолдим», дейдилар. Бу мақоллар билан хоҳ эрга бўлсин, хоҳ хотинга: «Кўнгилхушлик йўлига кириб, ўз оилангга, турмуш ўртоғингга, бола-чақангга бевафолик қилма! Бундай дилхушлик — боқий эмас, бот фурсатда, елдай ўтиб кетадиган нарса; ўйнаш эса қачон «жуфти-ҳалолинг»дек сенга умрбод содиқ, вафодор, чинакам дўст, «ҳам суяринг, ҳам куяринг» бўла олмайди. Бас шундай экан, бу омонат, бебақо, нопок, ножўя, гуноҳ, айб, бешарм, беҳаё, уятли, қолаверса — шармандали йўлга асло ва асло қадам қўя кўрма! Бу ифлос йўлда сен ҳамма нарсадан — ор-номусдан, виждондан, вафо ва садоқатдан, одамийликдан, обрў-эътибордан, бор буди-шудингдан, ўла-ўлгунча ҳамроҳинг, ҳамкоринг, ҳамдардинг, ҳамнафасинг бўладиган турмуш йўлдошингдан, оила, бола-чақангдан, умуман чин инсонлик бахтидан жудо бўлишинг — ҳеч гап эмас!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Оки — оқ, қизили — қизил.

Қадди-басти келишган, хушрўй, ранги тоза, соғлом, чеҳраси очиқ, «юзидан фариштa ёғилиб турадиган» ва ҳ. к. бирор кишини (хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл) таърифлаганда қисқагина қилиб шундай дейдилар.

Оқин сув ҳаром бўлмас.

Вар.: «Сув етти юмаласа — ҳалол». Оқмай, туриб қолган сувни — масалан, нотаниш ердаги синашта бўлмаган кўлнинг, ҳовузнинг, қудуқнинг ва ш. к. сувини ичиш киши саломатлиги учун хавфлидир. Ким билсин, балки у узоқ вақтлардан буён «туриб» қолгандир, ичига бирор жонивор тушиб, ўлиб қолгандир, сасигандир, ачигандир, макруҳ бўлгандир, заҳарлангандир ва ҳ. к. Бундай сувни аввал обдан текшириб, билиб, сўраб-суриштириб, синаб кўриб, тозалиги ва ҳалоллигига тўла ишонч ҳосил қилгандан кейингина ичиш керак. Зеро, сувдан заҳарланиб ўлиш ҳоллари ҳаётда кўп бўлган. Оқадиган сувдан — дарё, анҳор, ариқ булоқ сувларидан кўпда шубҳаланиб ўтирмай, қўрқмасдан ичаверса бўлади. Негаки, одатда оқар сув тоза, пок, ҳалол бўлади. Мазкур мақоллар билан шуни ифода этганлар.

Оққўнгилнинг юзи — кўркам.

Киши оқ кўнгил, дилида «кир»и йўқ, беғараз, белгидир (бекудур), бўлар-бўлмасга кек сақламайдиган, очиқ кўнгил, яхши ниятли, ҳар бир нарса ва кимсага, ҳар бир ҳолатга холисона (объектив) муносабатда бўладиган ва ҳ.к. бўлса, ўзи ҳам ҳамиша руҳан енгил тортиб, ўзини «қушдай енгил» сезиб, «кўнгли семириб», ҳеч нарсанинг ғам-ташвишини тортмай, ҳеч кимдан ва ҳеч нарсадан қўрқмай, ҳадиксирамай, ёруғ юз билан юради, одамлар ҳам уни иззат-ҳурмат киладилар, қадрлайдилар, ундан ибрат олишга ҳаракат қиладилар. Юқоридаги мақолни айтганда, ана шу фикрни билдирмоқчи бўладилар. «Оққўнгилли одамга бировнинг сиркови ботади» деган мақол ҳам бор (сирков — оғрик). Бунинг маъноси шуки, мевали дарахтга кўп тош отганлари каби, оқ кўнгил, ювош, кўнгли юмшоқ, бировга қаттиқ-қуруқ гапирмайдиган, бировни уриб-туртмайдиган, юксак ахлоқ ва маданият эгаси бўлган кишини ноҳақ ранжитувчи, айтган гапини рад этувчи, унга туҳмат «тош»ини ирғитувчи, жўрттага жиғига тегиб, асабини бузувчи, унинг «пайини» қирқувчи ва ҳ. к. қора ниятли, дилгир, ахлоқ-одобсиз жоҳил одамлар ҳам кўплаб топилади. Улардан кишига зиён-заҳмат етиши — табиий ҳол. Мазкур мақол билан: «Гарчанд шундай бўлса ҳам, сен кўнглингни оқ, ниятингни пок қилавер! Бургага аччиқ қилиб, кўрпангни куйдирма. Чумчуқдан қўрққан — тариқ экмас», деган маънода насиҳат қиладилар.

Оқлиқ бор уйга оғриқ доримас.

Вар.: «Оқлиқ бўлса, очлик йўқ»; «Оқлигим — тўқлигим»; «Оқлиқ истасанг, шохлик иста». Шохлик ҳайвонга (масалан, сигирга) эга бўл, дейилмоқчи: «Сигири кўпнинг — оқи кўп»; «Сигири бор — оч ўлмас»; «Сигири бор — касал бўлмас»; «Сигирли уйда сил бўлмас» (Шунинг учун ҳам сигирни етти хазинанинг бири, деб ҳисоблаганлар); «Агар бўлса оқлигинг, Билинмайди йўқлиғинг». Оқлиқ — сут, қатиқ, пишлоқ, қаймоқ, сузма, чалоб, айрон, қимрон, қимиз, қурт ва б. Бу маҳсулотларнинг киши саломатлигига фойдаси катта. Буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг ёзишича, турли ҳайвонлар (қўй, эчки, туя, бия, айниқса сигир)нинг сути хилтларни муътадиллаштиради, баданни бақувват қилади, семиртиради, ... ички яраларни қуюқ хилтлардан тозалайди, уларни етилтиради ва ювади, ... теридаги хунук изларни кетказади, терининг рангини яхшилайди, ... юзнинг рангини, айниқса хотинларни чиройли қилади, ... кўз оғриғига, ... йўталга, сил ва қон туфуришга, ... астма ва нафас қисишга, ... сариқ касалига, ... талоқ ва жигардаги кўп касалликларга ... қарши фойда қилади. (Ибн Сино, Тиб қонунлари). Халқ ўртасида «Оқлиқ сотган — окармас» деган мақол ҳам борки,

бунинг келиб чиқиши ота-боболаримизнинг бир қадимий одатларига бориб тақалади: ўтмишда деярли ҳар бир хонадонда (айниқса кўчманчи чорвадорлар хонадонида) сигир, қўй, эчки, туя, бия ва шу каби сут берувчи ҳайвонлар боқиларди. Сутни, қатиқни, қимизни ... умуман «оқлиқ»ни бировга пулга сотмас эдилар ё бирор нарса эвазига бермасдилар, текинга, ё жуда бўлмаганда қарзга берардилар. Қарзга вақтинча оқлиқ бериб туриш ҳолатини «новадор» деб атардилар. Бу шундай: бир идишга сутни (ва бошқа оқлиқни) қуядилар-да, ичига бир чўпни тиккасига солиб, сут қаергача келса, ўша ерини бирор нарса (ип, латта ва ш. к.) билан ўраб, белги қилиб қўярдилар. Қайтиб оларда шу «ўлчов» билан ўлчаб олардилар. Натижада ҳар икки томоннинг ҳам бир-бирига ҳақи кетмас, бир-бирининг кўнглида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмас эди. Ўтмиш авлод-аждодларимиз: «Оқлиқ сотган одамнинг» косаси оқармайди» (яъни, «бири икки бўлмайди»), уйидан барака қочади», деб, қаттиқ ирим қилардилар. Ҳатто, бирор одамнинг оқлиқ сотганини билиб қолгудай бўлсалар, ундан ҳазар қилиб, «борди-келди», «олди-берди»ни узиб, уни яккалаб қўярдилар, қабила-уруғ бошлиқлари бундай одамга «тўққиз айб» қўйиб, жарима солардилар.

Оқсоқ қўй тушдан кейин маърайди.

Вар.: «Оқсоқ қўзи тушдан кейин маърайди» (Одатда эрталаб қўзиларни онасига эмизиб, тўйғазиб олгач, қўйларни бир ёққа, қўзиларни бир ёққа ҳайдаб кетардилар-да, тушда яна олиб келиб эмизадилар. Шунда оқсоқ (ношудлигидан, оёғини бирор жойга тиқиб, оқсоқ бўлиб қолган) қўзи онасини эмадиган ерига вақтида етиб келолмайди, то у етиб келгунича онасини бошқа қўйларга қўшиб, яна яйловга ҳайдаб кетадилар. Натижада қорни очган, онасини қўмсаган оқсоқ қўзи тушдан кейин маърай бошлайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозда ношуд, қўлидан бир иш келмайдиган, бунинг устига эринчоқ бўлган одамни оқсоқ қўй-қўзига ташбиҳ этадилар. Бундай одам бир ишнинг уддасидан чиқолмай, азбаройи қийналиб кетганидан кейин «уҳ тортади», дод-фарёд қилади, «ҳасратидан чанг чиқади». Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан қўллайдилар); «Оқсоқ қўй — овул қошида ё қудуқ бошида»; «Оқсоқ қўй ётиб семирар»; «Оқсоқдан — ҳазар, Кўрдан — офат»; «Оқсоқнинг охирига боқ» («Охири вой!» дейилмоқчи).

Оққан ариқ оқмай қолмас.

Вар.: «Оққан ариқ оқмай қолмас, Оқмай қолса, икки кўзинг боқмай қолмас»; «Оққан ариқдан яна сув оқар» (Бу билан мажозан: «Пул пулдорга қараб «оқади», демоқчи бўладилар); «Оқар ариққа сув келади»; «Оқар сув ўзига йўл топиб олади»; «Оққан ариқ қуримас»; «Оқар сувнинг тўхтагани — тингани»; «Оққан ариқни қуритган — қурийди».

Тутармен кўзга, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: «оққан ориққа оқар су» (Лутфий).

Оға-ининг тотув бўлса — от кўп, опа-сингнинг тотув бўлса — ош кўп.

Ота-боболаримиз ўзларининг бир туркум мақолларида фарзандларнинг бир-бирлари билан иноқ, тотув, чинакам дўст, меҳрибон, ҳамкор, ҳамнафас, ҳамдард, ҳамроҳ, меҳри-оқибатли бўлиб яшашлари — ҳаётда қанчалик муҳим, қанчалик самарадор эканлигини уқтирганлар; турмуш тақозоси туфайли ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида баъзан «нари-бери гап»лар, келишмовчилик, англашилмовчилик, ҳатто уриш-жанжал бўлиб туриши — табиий бир ҳол эканлигини, аммо бу ҳол вақтинчалик, юзаки, «чуқур илдиз отмаган» бўлишини, туғишганлар бир-бирларига қадрдонлик қилишлари, кези келганда бир-бирларига ҳар жиҳатдан қўмаклашишларини қайд этганлар ва ҳамавақт тотув

бўлишга, бир-бирини иззат-ҳурмат қилишга даъват этганлар: «Ота-ини тотув бўлса, тоғни талқон қилар, Опасингил тотув бўлса, уйни бўстон қилар»; «Оғриқ — ошдан, дов — қариндошдан» (дов — даъво). «Ёмон овқат меъдани бузиб, кишини касалга чалинтиргани каби, ёмон қариндош ҳам бир нарсадан (масалан: ота-боболардан қолган мол-мулкда, меросда менинг ҳам ҳақим бор, деб) жанжал чиқариб, даъво қилиб, сени қозихонага судрайди», дейилмоқчи. Мазкур мақолнинг «Ётдан ёв чиқади, Қариндошдан — дов»; «Томир таги — дов, Қариндош таги — ёв»; «Оғриқ — ошдан, Дов — қариндошдан, Тоз — танишдан, Қўтир — қамишдан» деган вариантлари ҳам бор. «Ота-ининг бўлса — душманим йўқ дема, Овсининг бўлса — кундошим йўқ дема»; «Оға-ини — аччиқ, мол — чучук»; «Ота-бола уришар, ога-ини юлишар»; «Ака қадрини ука билмас, то камолга етмагунча»; «Овулни олалик бузади, Орани қоралик бузади»; «Ортқи айилнинг ботганини эгаси билмас, от билар, Оға-ининг озганини ўзлари билмас, ёт билар»; «Қозилашган — қариндош бўлмас»; «Ёмон қариндошнинг қорнига — қора дасталик пичоқ!»; «Жон қариндош — мол қариндош эмас»; «Меҳр билмас қариндошдан — меҳр билган ёт яхши»; «Оға-ининг ёмонлаб, қани туққан топганинг, Арғумоқни ёмонлаб, қани тулпор топганинг?!» (Бу мақол ўз оиласини, туғишганларини, ёр-биродарларини, эл-юртини «ёмон отлиқ»қа чиқариб, бошқа юртларга кетиб қолган, аммо буларга тенг келадиган ёр дўст тополмаган одамга қарата киноя тарзида айтилади. Худди шу мазмунни ўзбек халқ қўшиқларидан бири қуйидагича қад этади:

Оқ илон, оппоқ илон,
Ойдинда ётганинг қани?
Мен ёмондин айрилиб, Яхшини топганинг қани?!);

«Ака-ука кимда йўқ, Сийлашмаса — ётча йўқ»; «Яхши бўлса оғаси, иниси кўнглин қолдирмас»; «Оға-иним оқариб олдимда бўлмасин, қорайиб ортимда қолмасин»; «Оғани кўриб ини усар, Опани кўриб син(гл)и усар»; «Оға-инига қараб мол усар, Қарағайга қараб тол усар»; «Ота-ини араз(ли) бўлса ҳам, ғараз(ли) бўлмас»; «Олишмоқ — бор, отишмоқ — йўқ»; «Туққан жигарнинг озори бор, безори йўқ»; «Оға-ини талашса, ёв чопганда ярашар»; «Тулпорнинг туёғи — ўзига дори» («Тулпор отнинг туёқлари тақа-тақ, тақа-тақ қилиб чопгани билан, бир-бирига халақит ҳам бермайди, зиён ҳам келтирмайди. Шунингдек, туғишган яқин қариндошлар, гарчанд бир-бирлари билан баъзан «нари-бери гап» га борсалар ҳам, гезда яна ярашиб, ҳеч нима кўрмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетадилар», дейилмоқчи); «Овул ити ола бўлса ҳам, бўри келса — бирлашар»; «Овул ити талашар, Бўри келса ярашар»; «Бўри кўрган итнинг оғзи бир бўлар»; «Терак томирларига суянар, Одам — туғишганларига»; «Туққан туққандан умид тутар»; «Туғилмаган тутишмас»; «Туғишмаганнинг туби — тош»; «Туғишганнинг қадри омонликда эмас, ёмонликда билинар»; «Қариндош қора кунда маълум «бўлар»; «Қорнингда қичқирсанг, қариндошинг товуш берар»; «Қайрағоч қалин бўлса, ёмғир ўтмас, Оға-ини тотув бўлса, хўрлик етмас»; «Олтовлон ола бўлса, оғзидагин олдирар, Тўртовлон тугал бўлса, унмаганни ундирар»; «Уйда кишиси борни, Тузда киши уролмас» (туз — дала); «Косовинг узун бўлса, қўлинг куймас, Оға-ининг омон бўлса, ҳеч ким тегмас»; «Йиртиқ уйни томчи ейди, Оғасиз эрни қамчи «ейди» (Бунда «йиртиқ уй деганда, тепаси йиртиқ кигиз ўтов назарда тутилган; «ейди»— киймайди, азоблайди, адойи тамом қилади деган маънода); «Тоғдан орқаси бўлганнинг — тоғдай юраги бўлар»; «Озиқли от хоримас, Қариндошли — қаримас»; «Оз ҳам бигар, кўп ҳам битар, Тотувликка не етар?!»

Оғзи ботирнинг ўзи ботир бўлмас.

Варн.: «Оғзи ола элга ёв келар» («оғзи ола» — бир-бири билан келишмаган, аҳил, тотув бўлмаган, бирининг гапига бири кирмаган, деган маънода); «Кўп гапирган —

душмага кўл келади» (Чунки, «Оғиз оғиздан ел олади» деганларидек ҳар нарсани ҳар кимга тапираверса, оғиздан-оғизга ўтиб, қулоқдан қулоққа етиб, эл-юртнинг сир-асрори ҳатто душманининг ҳам қулоғига етиб боради, бу эса унга кўл келади», дейилмоқчи); «Сўз билмаган эр — Эл бошига ёв келтирар»; «Оғизда — бийрон, Амалда — хайрон»; «Оғзи билан «ўрок ўрган»— Оёғи билан «машоқ тера!»; «Данғаса сўзга моҳир, Ишга — коҳил» (коҳил — сустқаш, ялқов, ишёқмас); «Оғзингни очгунча, Кўзингни оч!»; «Оғиз бўлма, оёқ бўл!»; «Оғиз югуруги — бошга, Оёқ югуруги — ошга» («Кўп гапирган одам бошига бало орттиради, кўп юрган, кезган одам ошга етишади, ошнинг устидан чиқиб қолади», дейилмоқчи); «Оғизликка — сўз, оёқликка — йўл»; «Сўз отаси — қулоқ, Йўл отаси — туёқ»; «Сув онаси — булоқ, Сўз онаси — қулоқ»; «Оғиз — бир, қулоқ — икки, Бир сўзлаб, тингла қирқ икки»; «Бир сўзла, қирқ тингла»; «Оз сўзла, кўп тингла»;

Оғзи куйган — қатиқни ҳам пуфлаб ичади.

Бу мақол эҳтиётсизлик ё ношудлик билан бир иш қилиб ё гапириб қўйиб, панд еб қолган ё зиён-заҳмат кўрган, кейин ҳар бир ишда ниҳоятда эҳтиёткорлик қиладиган одамнинг ҳолатини ифода этади ва шундай одамга нисбатан қўлланилади. Варн.: «Сутдан оғзи куйган — совуқ сувни ҳам пуфлаб ичади»; «Оғзинг куйган сочни пуфлаб ич»; «Тикан босган — қадамни билиб танлар»; «Тиканнинг заҳарини тиккан — ўсинни билиб босди»; «Илон чақкан — ола арқонидан қўрқар»; «Илонни кўрккан — ола арқонидан хатламас»; «Отилдан қўрққан — тутилган ҳам қочар»; «Ари чаққан — пашшадан ҳам қўрқар»; «Темирчига қилғанок кетса, апронни ҳам чаплаб кетар»; «От ҳуркқан сридан ўтмас, Эр — қўрққан сридан»; «Тузоқдан бир марта қўрққан қуш, қирқ йилгача айри ёғочга қўнмас» ва б.

Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг қизи куёв танлайди.

Варн.: «Тиртиқ бўлса ҳам, бойнинг қизи чиройли». Ўтмишда бу мақоллар билан бойларнинг эрка, тантиқ, инжиқ, «қўлини совуқ сувга урмайдиган», «бу ердаги чўпни у ерга олиб қўймайдиган», жиндеккина ишини ҳам чўриларга қилдирадиган, нозикойим, ялтир-юлтир кийинишга, пардоз-андоз қилишга «муккасидан кетган», турмушга чиқарга келганда у йигитни «ўпоқ», бу йигитни «сўпоқ» деб, куёв танлайдиган (бу ўринда «Хўжанинг қизи эрга теккунча, Туянинг думи ерга тегади» мақолини эсга олмоқ — кифоя), ҳунук бўлса ҳам — ўзини аллаким деб билувчи ва ўзгаларни назар-писанд қилмовчи қизларни орқаваратдан мазах қилганлар, уларнинг устидан киноялы истеҳзо ва заҳарханда билан кулганлар.

Оғилда ҳўкизим йўқ, элимда обрўйим йўқ.

Бу мақолни ўтмишда ҳеч вакоси бўлмаган, шу боисдан ҳеч кимга ҳеч бир гапи ўтмаган, иззат-ҳурмат қилинмаган, паст назар билан қаралган, ҳар жиҳатдан камситилган камбағал, бева-бечоралар тилидан афсуслашни мақомида айтганлар.

Оғир гапни эшитгандан — кутган ёмон.

Варн.: «Отнинг ёли йўғон камчидан ҳуркади, Одам кулоғи — ёмон хабардан». Одатда ҳушхабар келтирган, яхши гапни айтган одамни чин юракдан севадилар, мунтазир-лик билан кутадилар. «Оғзингизга — шакар!» деб елкиладилар,

ҳатто кучиб, ўпиб-ўпиб оладилар, «суюнчи» берадилар. Нохуш (масалан: ўлим-йитим тўғрисидаги) хабардан эса қаттиқ изтироб чекадилар, қайғурадилар, йиғлайдилар, асабланадилар, ҳатто бирор касалга ҳам чалинадилар. Бундай хабарни келтирган кишига одатда ҳеч ким ҳеч қачон раҳмат демайди. Аксинча, бундай одам киши кўзига «бало қазодай» кўринади. Ирим юзасидан бундай одамлан четланадилар. Нохуш хабарни келтирган, маълум қилган одамнинг ўзи ҳам хижолат тортади, қандайдир ноқулай аҳволга тушиб қолади, ўзини катта гуноҳ қилиб қўйган одамдек ҳис этади. Мазкур мақолларда шу ҳолни ифода этганлар.

Оғир тошни сув оқизмас.

Вар.: «Оғир тошни сув элтмас»; «Пишган қовун палакда ётмас, Оғир тошни сув олиб кетмас»; «Оғир босилгунча, енгил кўрарилади» (бу мақолда тарози мисолга олинган: унинг оғир палласи босилганда, енгил палласи кўтарилади. Оғир, босиқ, чуқур мулоҳаза билан иш кўрадиган, ўйламасдан сўйламайдиган, «етти ўлчаб, бир кесадиган», тилини тия биладиган, сир сақлай оладиган, «оғзига мақкам» одам билан енгилтак, сал нарсага «пов этиб ёнадиган», ҳар қандай гапни ҳам ўйламай-нетмай гапириб юраверадиган, сирини сақлай олмайдиган, «оғзи бўш», бемулоҳаза одам тарозининг оғир ва енгил палласига ташбиҳ этилган); «Оғир ботгунча, енгил қалқади»; «Оғир карвон — оғир кўчар»; «Йигитликка етишсанг, енгилтак бўлма»; «Оғирлик — ҳаё пардаси»; «Оғирлик — донолик, енгиллик — нодонлик»; «Оғирлик — раҳмонлик, енгиллик — шайтонлик»; «Оғир бўлсанг, ютасан»; «Дунёда ким енгади! Оғир енгади!»

Оғримаган бошга — олтин таёқ.

Вар.: «Оғримаган бошимга оғир таёқ»; «Оғримаган бошимга олтин таёқ орттирдим»; «Оғримаган бошимга олтин таёқни на қилай?!»; «Оғримаган қулоққа — олтин исирға». Баъзи одам ўзининг типчигина, бегалва-беташвишгина шуғулланиб турган касб-корига қаноат қилмай, уни ташлаб, баландроқ мартабага «минмоқ» ё кўпроқ фойда орттирмоқ ниятида бошқа ишларининг кетига тушиб кетади. Аммо, кўзлаган мақсадига эриша олмайди, қайтага баттар аҳволга тушиб, урилиб-сурилиб, чекка-чекқадан туртки еб, гап-сўзга қолиб, ўз бошини ўзи ғам-ташвишга солиб қўяди. Мазкур мақолларни шундай одам ўз қилмишидан афсусланганда, бировга ҳасрат қилганда айтади ёхуд бошқалар шундай одамларга қарата киноя қилиб айтадилар. «Дардсиз бошингни дардга солма!» деган мақол ҳам борки, бу билан ўшандай одамларни нотўғри йўлдан қайтармоқ мақсадида насиҳат қиладилар.

Оғриқ кўпайса, эмчи кўпаяр

(эмчи — эмловчи, даволовчи, табиб). Бу билан: «Одатда киши касал бўлса, ё фалон ерим оғрияпти, писмадон ерим оғрияпти» деб унга-бунга дардини айтиб, шикоят қилиб юрса, «ундай қилинг, бундай қилинг», «уни енг, буни енг», «уни ичинг, буни ичинг» ва ҳ. к. деб билар-билмас маслаҳат берувчилар кўп бўлади. Сен ҳар кимнинг маслаҳатига кириб, касалингнинг ҳар хил эмини қилмагин-да, биладиган одамга кўрсат, даволат», деган маънода насиҳат қиладилар.

Оғриқ тишнинг давоси — омбир.

Одатда кишининг тиши оғриса, аввало даволашга ҳаракат қиладилар, агар даволашнинг имкони бўлмаса, омбир билан шартта суғуриб ташлайдилар. Шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: «Агар ёр-дўстинг ёмонлик тарафига бурилса, зиёи-заҳмат етказа бошла-

са, аввало уни бу йўлдан қайтаришга, тартибга чақиришга ҳаракат қилиб кўр. Бунинг уддасидан чиқолмасанг, унга гап-сўзинг, ҳаракатинг кор қилмаса, аввалгидек ёмонлигини қилаверса, ҳар қанча қадрдонинг, кўп йиллик дўсту қадрдонинг бўлган бўлса хамки, ундан юзингни ўгир, алоқангни уз, воз кеч!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Пайти келганда дарахт гуллайди.

Бу билан: «Дарахт ёзин-кишин гуллайвермайди, гуллаш пайти келгандагина гуллайди. Шунингдек, ҳаётда ҳар бир нарса ўз вақти соати етганда бўлади. Сабр қил, шошма, ҳовлиқма!» дейилмоқчи.

Пайшанбанинг келиши — чоршанбадан белгили.

Бу мақолни: «Келгусида бўладиган (хоҳ яхши-ю, хоҳ ёмон) воқеалар (тўла бўлмаса ҳам, қисман) олдинроқ маълум бўлиб боради», деган маънода қўллайдилар.

Пакана фитна бўлур, новча — аҳмоқ.

Вар.: «Найновнинг ақли товонида бўлади»; «Новчанинг ақли кеч кирар»; «Ўта овсар — бўйига ўсар». Булар, албатта, ҳаётий ҳақиқатдан бирмунча йирок бўлган хулосалардир. Зеро, жамиятда не-не бўйи паст одамлар борки, улар — «фитна» одамлар эмас; не-не бўйи баланд одамлар борки, улар – ахмоқ, овсар, эси паст, тентак одамлар эмас. Мазкур мақолларни «туядай бўй бериб, тутмадай уй бермаган» айрим ўйламай сўйлайдиган, юзаки фикр-мулоҳаза қиладиган, бирор нарсани обдан ўйлаб кўрмасдан, шошилинч равишда, енгилтаклик билан хулоса чиқариб юбораверадиган «найнов» одамларнинг устидан кулганда, мазах-масхара қилганда истеҳзо тариқасида айтадилар.

Палахмон тоши — тушган ерига оғир.

Бу мақолни қисқароқ қилиб: «Тош тушган ерига оғир» деб ҳам ишлатадилар. Палахмон, фалохмон — тош отиш учун ишлатилган қадимий, ибтидоий уруш қуроли. «Палахмондан отилган тош бориб тушган ерини хонавайрон қилади, у ердаги одамлар бошига оғир мусибатлар келтиради, бирор одамнинг, бирор оиланинг бошига кулфат, мусибат тушса, ўша одамнинг ўша оиланинг ўзигагина оғир бўлади, ўзгаларга бунинг кўпда оғирлиги тушмайди, улар чинакамига кайгуриб, азият чекмайдилар», дейилмоқчи.

Палла-палла — шу палла, адолатда — бир калла.

Адолат — одилона ва холисона иш тутиш, ҳаққонийлик, ҳаққоният, одиллик. Мазкур мақол билан кишини ҳар бир нарса ва кимсага нисбатан одилона муносабатда бўлишга, ҳар бир ишни адолат юзасидан қилишга даъват этадилар.

«Палов» деса — пайшанбага чопади, «дўлма» деса — душанбага

(Пайшанба, Душанба — Тожикистондаги шахарлар номи; дўлма — гўшт киймасини ток, карам баргига ўраб ёки помидор, бақлажон ва шу кабиларнинг ичига солиб пиширилган овқат). Бу мақолни текинтомоқ, очкўз, ҳамагир, суллоҳ, «тутун чиққан ердан қурук қолмайдиган, туй, зиёфат ё маъракани деса — «Хирот»га бўлса ҳам бораверадиган

одамларга нисбатан киноя ва истеҳзо тарикасида қўллайдилар. Бундай одамларга қарата: «Эшонбозорда ит ўлса, «йигирма»сидан қуруқ қолмайди» деган гапни ҳаим ҳазил-мутойиба тарзида айтадилар (Эшонбозор — Жанубий Қозоғистондаги катта бир қишлоқнинг номи).

Паловнинг камчиси — чой.

Палов — миллий таомлар орасида энг тўйимли, кишини узоқ вақт тўқ тутадиган, чанқатадиган овқатлардан бири. Мазкур мақолни кўпинча паловни еб бўлганларидан кейин, чой қуяётган одамга: «Чойнинг кетини узмай қуяверинг, ука, бу паловнинг дамини чой қайтармаса, бошқа нарса қайтара олмайди, қуяверинг!» деган маънода ҳазил аралаш гап қилганларида айтадилар.

Пардали қиз — парига тенгсиз

(пардали ҳаёли, иффатли; пари — гўё нурдан яратилган, кишиларни нис-жинслардан сақлайдиган афсонавий сулув. Гўзаллик, позанинлик, поклик, нафосат рамзи). Мазкур мақолда фарзандларнинг, айниқса қизларнинг юксак одоби, ҳаёли, иффатли бўлиши — энг яхши ва энг зарур фазилат эканлиги таъкидланади. Вар.: »Қиз — қилиғи билан иссиқ»; «Қизнинг қилиғи яхши, Сутнинг — илиғи»; «Сулувидан жилуви яхши» (жилув — «ж» ловчи шевада гапланувчилар сўзи бўлиб, илиқ демакдир). Бу мақол билан: «Қизнонандининг ҳусн-жамолидан ҳам кўра кўпроқ одоби, илиқ қилиғи, фазли-камоли, ёқимли феъл-атвори яхши», дейилмоқчи. «Мевани пардаси сақлайди». Маълумки, меванинг (олма, нок, беҳи, анор, узум ва ш. к.) устки пўсти, пардаси захланса, задаланса, у ердан ҳаво кириб, мевани бузади, ачитади, чиритади, Прадаси бутун, шикаст емаган мева эса узоқ вақт — бутун кун бўйи, ҳатто у пишиқчиликдан бу пишиқчиликкача бузилмай, яхши сақланади. Кишининг юз, ҳаё «парда»си ана шу мева пардасига ташбиҳ этилиб: «Иффат, ҳаё пардасини кўз қорачиғидек асраш, авайлаш, асло ва асло шикастлантирмаслик — кишининг энг бирламчи вазифаси, олий бурчидир», дейилмоқчи. «Қизини урмаган — тизини урар» (Баъзи одамларда айниқса аёлларда, бошга бирор мусибат, ғам-алам, қулфат, айрилиқ, жудолик, «фарзанд доғи» ва ҳ. к. тушганда, бирор жойга ўтириб олиб, икки қўли билан икки тиззасига уриб-уриб, ҳасрат-надоматини айтиб, афсусланиб, йиғлаш одати бор. Мазкур мақолда шу ҳол мисолга олиниб, «Қизни ўз вақтида тийиб, йўлга солиб, юриш-туришини назорат қилиб, ёмон «дугона»лардан қайтариб, керак бўлса хатто уриб-сўкиб турмаган ота-она кейин беҳаё, бешарм, беандиша, юзсиз, уятсиз одобсиз бўлиб кетган қизидан «куйиб», пушаймон бўлиб, афсусланиб, йиғлаб-сиктаб юриши мумкин», дейилмоқчи); «Ҳаё кетди — бало етди» («Кишидан ҳаё кетса, унга ҳамма бало келиб ёпишаверади», дейилмоқчи).

Баҳор, баҳор, дейдилар,
Баҳор шамоли яхши.
Қизни ҳаёси бирла,
Фазли-камоли яхши.
Ҳусну жамоли бирла,
Меҳру вафоси яхши...

(Халқ қўшиғи).

Пардозчини уйида кўр, хотинингни тўйда кўр.

Бу билан: «Кўча-кўйда зиёфату тўйда ясаниб-тусаниб, пардоз-андоз қилиб юрган бегона хотин-қизларни кўриб, «Оҳ, қандай кўркам, қандай гўзал, қандай чиройли экан-а!» деб, ўз хотинингдан кўнглинг совиб юрмасин. Ўша «пардозчи» ларни ҳам ўз уйида кўргин, биласан аслида қандай эканлигини! Ўз хотининг ҳам «уйчи кийимда», пардоз-андоз қилмай юрганда сенга кўримсиз бўлиб туюлади. Аммо,

уни ҳам кийиниб-тараниб, тўйга борганда кўрсанг, биласан қандай гўзаллигини!» деган маънода хотинни қадрлаш, иззат-ҳурмат қилишга даъват этадилар. «Пардозни пардоз бузар» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Пардоз ҳаддан ташқари, ортиқча бўлса, кишининг асл ҳуснини бузиб кўяди қайтага», дейилмоқчи.

«Паст» билан бўлган ишнинг охири ҳам пастлик билан тугайди.

«Паст»— яъни, пасткаш, кўнгли, феъли тор, зиқна, хасис, «таг кўрмаган» ва х. к. одам билан муносабатда, муомалада бўлсанг, ҳеч қачон обрў-эътибор тополмайсан, қайтага бор обрўйингни ҳам йўқотиб, эларо шармандайи-шармисор бўлишинг — турган гап. Шунинг учун бундай «паст» одамларга зинҳор ёндаша кўрма!»— деган маънода насиҳат қиладилар.

Пахмоқ қизнинг бахтини берсин.

Пахмоқ қиз — сочини ювмай, тарамай, тўзитиб, ҳурпайтириб юрадиган, умуман, бефаҳм, бефаросат, бетартиб, беадаб, кир-чир бўлиб юрадиган, покизаликка риоя қилмайдиган қиз. Одатда бундай қизлар «кўзга яқин» бўлмайди, эшигини тақиллатиб совчилар ҳам келмайди. Мазкур мақолни шундай қизларга нисбатан киноя ва истеҳзо тарзида қўллайдилар. «Девонанинг ишини ўзи ўнгласин» деган мақолни ҳам шунга яқин маънода ишлатадилар.

Паша «ғинг-ғинг» этади, Марғилонга етади.

Вар.: «Пашшанинг маҳмадонаси (чечани) ахлатга қўнар». Маълумки, пашша (айниқса ёз кезларида) кишининг у ер-бу ерига ёпишаверіб, ҳайдаганга қарамай, яна қайтиб қўнаверіб, халоватини бузади, ором бермайди, уялагани қўймайди, безорижон қилади, ичиб турган овқатга ё чойга тушиб, таъбни хира қилади, ғашга тегади, асабни, кайфиятни бузади. Мажозда хира, безбет, бефарқ, бефаросат, бировнинг уйига ҳадеб бетакаллуф кириб бораверадиган, шилқим, ориятсиз, «бети қалин» одамларни пашшага ташбиҳ этадилар ва уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида юқоридаги мақолларни, шунингдек «Хирапашша», «Пашшахўрда», »Ошга пашша тушди» сингари ибораларни қўллайдилар. Куракда турмайдиган гапларни гапирманг! «Пашшанинг маҳмадонаси ахлатга қўнади» (Мирмуҳсин, Жамила).

Пес пес билан қоронғида топишар.

Пес — пигмент етишмаслиги натижасида киши терисида пайдо бўладиган оқ доғ. Мажозда ўғри, муттаҳам, юлғич, тамагир, «қўли эгри», нияти қора, дилгир, туҳматчи, иғвогар, ҳасадгўй, фитначи, бузғунчи... умуман, ярамас одамларни «пес» га ташбиҳ этадилар. Бундай одамлар одатда ўзларининг ярамас ишларини кишилардан бекитиқча, қоронғида, пасқам жойларда қиладилар, бир-бирлари билан тунда ва шундай кимсасиз жойларда учрашиб, ўз ниятларини амалга ошириш ҳаракатида бўладилар. Мазкур мақолда шу ҳол ифода этилган. Вар.: «Икки ялангоч ҳаммомда топишар»; «Сўқир отга — қўтир от уюр» (сўқир — кўр, қўтир — баданда пуфакчалар ҳосил қилиб, қаттиқ қичиштирадиган юқумли тери касаллиги). Мажозда «сўқир», «қўтир» сўзлари ёмон, ярамас одамларга нисбат бериб айтилади. (уюр — орасида бир айғири бўлган биялар тўдаси); «Песнинг чекига мохов тушибди».

Пешонасини силасанг, бўйи ўсади.

Вар.: «Бошни силовчи бўлса, бўй ўсар». Бу мақоллар бола тарбияси ҳақида бўлиб, «Болани ота-она авайлаб, ардоқлаб, аъзозлаб, «си-

лаб-сийпаб», эркин ўстирса, у соглом, дуркин, бўлали, норғул, барваста, бақувват, кўркам, асаблари мустаҳкам, хушчақчақ инсон бўлиб етишади», деган маънода насиҳат қилинади.

Пиёз сотганнинг мурч сотгандан хабари бор.

Буни: «Қийинчилик кўрган одам қийинчилик кўраётган одамнинг аҳволини билади, тушунади, ҳис этади», деган маънода қўллайдилар.

Пиёзни мард артсин, сабзини — номард.

Вар.: «Пиёзни бой боласи артсин, Сабзини — камбағал боласи» (Бой боласи иқтисод қилишни, тежашни кўпда билмайди, орқа-ўнгига қарамай, «гарра-шарра» сарфлаб юбораверади. Камбағал боласи эса ҳар бир нарсанинг қадр-қимматини билади ва шунга кўра, тежамкор бўлади. Мазкур мақолда шунга ишора қилинган) Пиёзнинг боши каттароқ олиниб, пўсти ҳам бир-икки қават ортиқроқ ташланиши керак. Бу — биринчи галда ҳифзисиҳат учун, қолаверса таомнинг таъми учун фойдали. Сабзининг пўстини ниҳоятда юқа қилиб артса ҳам бўлаверади, қалин артилганда эса, кўпи чиқитга чиқиб кетади. Мақолда «мард артсин», »номард артсин» деганда »пиёзни аяб ўтиришни билмайдиган одам артсин», «сабзини тежамкор одам артсин», демоқчи бўлганлар.

Пиёзнинг пўсти кўп, ёмоннинг дўсти кўп.

«Ёмон, беадаб, бемаъни, дайди, саёқ, «кўча — хандон, уй — зиндон», «рост кўчани қўйиб паст кўчадан юрадиган» одамнинг ўзига ўхшаган дўстлари, улфатлари, шериклари, ҳамтовоқлари, ҳамниятлари ҳам кўп бўлади», дейилмоқчи. «Бемаза қовуннинг уруғи кўп» деган мақолни ҳам шу маънода қўллайдилар. Вар.: «Бемаза қовуннинг уруғи кўп, Қув одамнинг йўриғи кўп»; «Қув — яъни, айёр, муғомбир, устомон, кўзбўямачи одам бировни алдаб, «чув тушириш»га ниҳоятда уста бўлади. Бундай одам бировнинг ҳақини ейиш, бировдан бир нима ундириш мақсадида турли хийла-найранглар ишлатади, турли йўл-йўриқларни ишга солади-да, бир нимани «хамирдан қил сугургандай» осонгина, жўнгина, сездирмайгина олади-кетади», дейилмоқчи.

Пичан пишгунча от ўлиб бўлади.

Ҳаётда баъзан шундай ҳодисалар ҳам рўй бериб турадики, масалан: ўт ўчирувчилар то етиб келгунча, ўт тушган уй ёниб тамом бўлади; ваъда қилинган нарса етиб келгунча, бу ёқдаги иш тамом бўлади ва ҳ.к. Мазкур мақолни шунга ўхшаш ҳолларга нисбатан айтадилар.

Пичоқ ўткир бўлса ҳам, ўз сопини кесмайди.

Бу мақол билан мажозан: «Кучинг ҳар қанча ошиб-тошиб кетган бўлса ҳам, ўз яқинларингга, ёр-биродарларингга, ватандошларингга кучингни кўрсатма; ҳар қанча гапга чечан бўлсанг ҳам, ўз яқинларингнинг дилини оғритадиган, ранжитадиган, кўпчилик олдида обрўйини тўкадиган, гап-сўз қилма. Ҳар қанча кучинг, гап-сўзинг бўлса, душманга ишлат!» деган маънода насиҳат қиладилар. «Минг қилса ҳам қайнатам-да, деб қўйдим. Ахир, оғангиз менга ёмонлик кўзламас, ё пичоқ ўз сопини кесадими?» (Шуҳрат, Балоғат).

Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса — бировга!

Вар.: «Бировга жўволдиз суқмоқчи бўлсанг, олдин ўзингга ишга ур»; «Ўтни ўзингга бос, ўтмаса — ўзгага». Бу мақоллар билан кишини одамларга зинҳор ёмонлик қилмаслик, ёмонлик соғинмасликка даъват этадилар.— Оҳо! Оҳ! Қалай экан-

сиз? Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур» (Ҳамза, Бой ила хизматчи).

Пиширгулигинг бўлмаса ҳам, куйдиргулигинг бўлсин.

Бу мақол билан, худди «Бугдой нонинг бўлмасин, «бугдой» сўзинг бўлсин!» дегандек, меҳмонни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, уни лаззатли, тансиқ таомлар ёхуд одатдаги ош-нон билан меҳмон қилишдан қатъи назар, хушмуомала, ёқимли, ширин гап сўзлар билан иззат-хурматини жойига қўйиш зарурлигини уқтирадилар.

Пода боқишига қараганда ҳақ олишига қара!

(қараганда — «нисбатан» маъносида). Бу мақолни қилган арзимас ишига кўп ҳақ олувчи ё кўп ҳақ талаб қилувчи дангаса, ишёқмас, аммо айёр, ўз манфаатини яхши билувчи одамларга нисбатан киноя ва истеҳзо тарзида айтадилар.

Подачига — ёрдамчи, темирчига — босқончи

(босқончи — темирчининг босқон — катта, оғир болға билан ишлайдиган ёрдамчиси) Бу мақол билан: «Ҳар бир касб эгасига ёрдамчи, ҳамкор, мададкор, кўмакдош одам керак, шундагина унинг иши осон кўчади», дейилмоқчи.

Подачининг қизи пода кайтарда гайратга минади.

(пода кайтар — кеч соат олтиларни билдиради). Подачилар одатда шу вақтда молларни ҳайлаб, даладан қайтиб келар эдилар. Мақолнинг тўғри маъноси шуки, подани эртадан далага кетаётганида қизига у — бу ишни тайинлаб кетади. Киз ўзининг қизиқиб кетиб ё хафсаласи келмаси, отаси айтиб кетган ишларни кун бўйи қилмаганида, пода қайтар маҳалида бирдан эсига тушиб, ё ҳам эзиштишдан қўрқиб ёнини отасининг кўзига яхши кўриниш учун алир-талир ишга киришиб кетади... Мазкур мақолни ва унинг «Подачининг қизини кўр, Аяб босган изини кўр»; «Қўйчининг қизи қўй келганда иш қилади» каби вариантини шунга ўхшаш ҳолларда киноя ва истеҳзо тарзида қуллайдилар.

Подшо золим бўлса, юрт тўзар, подшо одил бўлса, юрт ўзар.

Асрлар давомида подшолар, хон, беклар зулмидан азият чеккан халқ оммаси асосий кўпчилигининг онги тарихан чекланганлиги сабабли, улар тенгсизлик, адолатсизлик ва ҳақ-ҳуқуқсизлик асосига қурилган ижтимоий тузумни таг-туги билан қўпориб ташлаб, унинг ўрнига ўзлари орзу қилган бахтиёр турмушга кенг йўл очиб берувчи бошқача ижтимоий тузум ўрнатиш зарур, деган фикрга кела олмаган эдилар. Халқ ўзининг бирмунча мақолларида эксплуататорларни адолатли ва шафқатли бўлишга чақирганлигининг, одил шоҳларни орзу қилганлигининг, ҳоким синф вакилларига қарама-қарши ҳаракатда бўлмаслик лозим, акс ҳолда зиён-заҳмат етиши мумкин, деган фикрни илгари сурганлигининг боиси ҳам ана шундадир. Аммо, халқ оммасининг ҳаммаси ҳам шундай фикрда эмас эди. Эзилувчи синфнинг илғор дунёқарашдаги вакиллари мавжуд ижтимоий тузумнинг бузуқлигига сабаб — биринчи галда, мамлакатни бошқариб турганларнинг ўзи бузуқлиги, адолатсизлиги, калтабинлиги, порахўрлиги ҳамда халқни нотўғри йўлга бошланлигида эканлигини бир қадар тушуниб етганлар ва улардан шафқат кутиб ўтиришнинг сира фойдаси йўқ эканлигини уқтирганлар, эзувчи синф вакилларининг кирдикорларини очиб ташлаганлар, уларни мазах-масхара қилганлар. Буни кўпгина мақоллар мисолида ҳам кўриш мумкин: «Хон яхши бўлса — эл яхши»; «Подшо — фуқаро билан подшо» (фуқаро — мамлакат аҳолиси, халқ); «Хоким бўлсанг,

халқни билгин!»; «Подшо келар-кетар, омма қолар»; «Пода адашмас, подачи адаштирар» («Халқ оммасининг ўзи адашмайди, уни бошлаб бораётган одам адаштиради», демоқчи бўлганлар); «Подшонинг амри — вожиб» (вожиб — бажарилиши зарур, мажбурий); «Подшо боласин босиб ўтма»; «Подшонинг қўлтиги кенг, қураги узун» («Подшонинг кучи кўп, қудрати зўр. Шундай экан, у билан олишиш — ҳалокатдан бошқа нарсага олиб бормайди», дейилмоқчи). «Подшонинг моли — денгиз, Емаган — тўнгиз»; «Замонанинг зиндони — подшонинг «адолати»; «Подшолик — қонхўрлик»; «Хон-хонлик — хунрезлик»; »Хон бор срда — кон бор»; «Асфандиёр хон бўлди, Оғзибурнимиз қон бўлди». Асфандиёр — Хива хонларидан бири. У хукмронлик қилган давр (1623—1643) да туркманларга ён босиб, ўзбек уруғларига асло кун бермаган. Тарихчиларнинг ёзишича, унинг хонлик даврида қариқартанглар, хотин-халажлар, хатто бешикдаги гўдаклар бўлар-бўлмасга вахшиёна азобланганлар. Ўзбек уруғлари Асфандиёр дастидан ҳар тарафга — баъзилари Мовароуннаҳрга, баъзилари Мангишлоққа, баъзилари қозоқ даштларига бошпана излаб, қочиб кетганлар. Орадан бир оз вақт ўтиб, ўз юртига қайтиб келган ва Амударёнинг Орол денгизига қуйилиш еридаги соҳилда истиқомат қила бошлаган ўзбек уруғларидан 300 хонадонни Асфандиёр батамом қириб ташлаган...; «Хонни одил дедилар, Хонунмондан айрилдик, Бойни хайрли дедилар, Бору йўқдан айрилдик» (хонумон — уйдаги мол-мулк, бор бисот, бойлик), «Ҳолини ҳокимга айтган — Бор-йўғини ташлаб кетар»; «Подшо тахтидан тойса, вазири бўлгай гадо». «Подшонинг ҳоли танг бўлса, гадони ахтарур, Гар гадонинг ҳоли танг бўлса, худони ахтарур» («Гадонинг ҳоли танг бўлса, унинг бошқа таянадиган, умид қиладиган одами йўқ. шу боисдан у худодан нажот тилайди, холос», дейилмоқчи); «Подшо гадо бўлса, подшолигини қўймас»; («Отдан тушса ҳам, эгардан тушмайди», дейилмоқчи); «Подшонинг кети чопилди — калпинг кўнгли очилди» (Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги афсонага боғлиқ: «Қадим замонда бир подшонинг бир қизиқчиси бўларкан. У яхши хизматлар қилиб, доим кулдириб юрса ҳам, подшо уни «кал, кал» деб хўрлаб, мазах-масхара қилаверар экан. Калининг бундан кўнгли ранжиса ҳам, подшога ҳеч нима деёлмай, аламини ичига ютиб юравераркан... Кунлардан бир кун подшо боғдаги оромгоҳида оғзини катта очиб, хуррак отиб ухлаб ётган экан, бир қуш боласи «пирр» этиб учиб келибди-ю, унинг оғзини ин фахмлаб, кириб кетибди. Подшо бирдан чўчиб уйғониб кетибди. Ичида бир нима гимирлайвергани дан безовта бўлиб, у ёқдан-бу ёққа югуриб, дод-фарёд сола бошлабди. Чор атрофдан аъёнлари югуриб келишибди. Улар нима гап бўлганлигини билишгач, подшога шундай маслаҳат солишибди: «Энди, тақсир, бу баччагар қушнинг боласи оғзингиздан чиқиб кетмайди, аммо, орқангиздан чиқиб кетса, эҳтимол...» Шундай деб, подшони кетини очиб ётишга кундиришибди-да, тепасида ойболта кўтариб, қушчанинг учиб чиқишини кутиб туришибди... Бир вақт қушча «вирр» этиб учиб чиққан экан, ўша заҳоти ойболтани тушириб қолишибди. Қушча қутулиб кетибди, подшонинг эса кети чопилибди. Шунда бу воқеани кузатиб ўтирган кал қизиқчи бирдан чанак чалиб, хахолаб кулиб юборган экан...» Ҳаётда баъзан шундай ҳоллар хам бўладики, бир кишининг ёмон кўрган одами иттифоқо бирор мувaффақиятсизликка, фалокат-ҳалокатга учраса, у киши хурсанд бўлиб кетади. Юқоридаги мақолни ана шундай ҳолга нисбатан мажозий маънода қўллайдилар).

Пойга олмаган кулукдан, бели йўғон бия яхши.

(кулук — пойга оти; чопқир, кучли, бақувват от). Бу мақолни «катта» тапиришдан ва ташқи кўринишидан — кишига бақувват, полвон одамдан туюладиган, аслида эса «чурт қадамда югурса ҳарсиллаб

қоладиган, биров бир урса гуппа ағдариладиган, «пўк», «хомсемиз» одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Пойгачининг кўзи — ғовда.

Пойгачи йўлдаги ғов, тўсиқларни ўз вақтида, тўғри мўлжалга олиб, отини омон-эсон сакратиб ўтиш пайида бўлади. Шу мақсадда у кўп машқ қилади, маҳоратини ошира боради. Ана шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: «Сен ҳам ҳар бир ишни қиларда пойгачи сингари зийрак, хушёр, эпчил, чапдаст, тадбиркор бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Поклигинг — соғлиғинг.

Кишини доимо покиза, озода бўлиб юришга даъват этувчи мақол. Вар.: «Тозалик — соғлик гарови»; «Соғ юрай десанг, озода бўл!», «Оқ бўлмаса бўлмасин, пок бўлсин», «Жанда бўлса бўлсин, ганда бўлмасин» (Бу кейинги икки мақол кийим-кечакни озода тутиш ҳақида айтилган. Жанда — дарвеш ва қаландарларнинг улоқ-қуроқ тўни; ганда — ифлос, нажас), «Қарамаган бошни бит ейди»; «Қўлинг терли бўлса, қўл олишиб кўришма!» (Ўтмишда ота-боболаримиз бир-бирлари билан қўлларини кўксиларига қўйиб кўришганларининг боиси ҳам шунда).

Пора еган — пона ер.

(пора — лавозимли кишига қонунга хилоф тарзда бирор ишни битириб бергани учун берилган буюм ёки пул; пона — ёриш, кериш ёки бириктириш учун ишлатиладиган бир учи тиғли ёғоч ёки темир парчаси). Пона емоқ — кунини кўрмоқ, адабини емоқ, тавбасига таянмоқ, жазосини тортмоқ деган маънода. «Пора дўзах эшигини очади» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Пора олган одам гуноҳга ботади, «у дунё»да дўзахга тушиб, азобланади», дейилмоқчи.

Пул бўлди — кул бўлди.

Бу билан: «Ўзингга керак бўлиб, бир кунингга яраб турган ёки ҳозирча керак бўлмаётган, аммо бир кунмас-бир кун керак бўлиб қоладиган нарсанг (буюмнинг, кийим-кечагинг, асбоб-анжоминг ва б. ни) сотиб, «пул қилиб» юборма. Чунки, ундан орттирган пулинг унга-бунга сарфланиб, бот кунда йўқ бўлади-кетади, икки орада сотилган нарсангдан ажраганинг қолади», деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Олдинг — битдинг, Сотдинг — йитдинг»; «Пул тўпласанг — кул бўлар, Сомон тўпласанг — пул бўлар». (Мирзакаримбой:) Чакки бўлибди, жиян, Ер сотган эр бўлмайди, эр ер сотмайди. Тўғри, ерни пулга сотадилар, нақд пулни жарақ-жарақ санаб оладилар. Пул ҳамма нарсанинг отаси. Пул белга қувват, бошга тож. Пулдор одам — қанотли одам. Бу қанот билан магрибдан машриққа учасан, ҳар ерда ошна-оғайни, дўст-ёр топасан... Пул асов қушга ўхшайди. Сал бўш тутдингми, қўлингдан учади-кетади. Ер ҳам туғади, ҳам пулга кишан солади. Ер олган кўкаради, ер сотган қурийди. Мана бу гапнинг мағзини чақ, жиян!» (Ойбек, Қутлуғ қон).

«Пул бўлса — чангалда шўрва.

«Пул бўлса — чангал бошида шўрва»; деб ҳам қўлланиладиган бу мақолдаги «чангал» сўзи «одамнинг ё ҳайвонотнинг чангали, яъни панжалари ораси» маъносида эмас, балки «чангалзор — тиканакли буталар билан қоплаган майдон» маъносида келтирилган ҳамда: «Агар пул бўлса, кимсасиз чангалзорда ҳам шўрва топиб ичса бўлади»; мажозан эса: «Агар пул бўлса, «йўқни йўндириш», топишнинг имкони бўлмаган нарсани ҳам топиш мумкин ва ҳ. к.» деган маънода муболаға қилинган. Мазкур мақолнинг бир талай вариантлари ва маънодошлари борки, уларда кишиларнинг пулга нисбатан бўлган

объектив ва субъектив қарашлари, муносабатлари ҳамда тушунчалари ўз ифодасини топган: «Пул — белга қувват, бошга — тож»; «Гавҳар белни бақувват қилади»; «Пул тилни бийрон, дастни дароз қилади» («дастни дароз қилади»— «қўлни узун, яъни узатган ерга етадиган қилади», деган маънода); «Нақд пул — қарчиғай». Қўлдаги қарчиғай (ов қуши) ни бирор сайдга солинса, бирпасда олади-келади. Қўлдаги нақд пул ҳам шунақа: бирор нарса учрса, шартта олаган-қўяман, дейилмоқчи. «Давлат келса — ақл келар, Давлат кетса ақл кетар» (давлат — пул, мол-дунё маъносида); «Пулликка — бозор, пулсизга — мозор»; «Пулсиз бозорга боргунча, Кафансиз мозорга бор»; «Пули борнинг юзи бор» («Кимга нима деса, сўзи ўта қолади; одамлар ўртасида обрў-эътибори бор», дейилмоқчи); «Пули борлар — йўрға-йўрға, Пули йўқлар — зўрға-зўрға», «Пули борнинг оғзи ўйнар, Пули йўқнинг кўзи ўйнар», «Пул замбурнинг нишини қайтарар» (замбур — қовоғари); «Пуллик — ботур, пулсиз — ётур» («Пуллик одам мол-дунёга ботади, пулсиз одам эса егулик нарса ҳам тополмай, очдан-оч ётаверади», дейилмоқчи); «Пуллик битар, Пулсиз йитар» (битар — мол-дунёси тобора ортиб, мўлиқиб, «битиб» кетади, деган маънода); «Пулим, пулим бўлса — кимлар бўлмайди қулим?!»; «Ҳамма нарсанинг отаси — пул»; «Пулдорнинг ота-онаси — пул»; «Пулнинг кўзи йўқ»; «Пули қўпнинг — кўзи кўр» (Бу билан: «Аксарият пули кўп одам кишилар кўзига ўзини мард, саҳий қилиб кўрсатмоқ, «обрў-эътибори»ни йўқотмаслик мақсадида пулни «пучақча» билмай, гарра-шарра сарфлаб юбораверади, бирор нарсанинг нархини кўпда суриштириб, савдолашиб ўтирмай, сотувчининг айтганига олиб кетаверади», дейилмоқчи); «Пул жигардан бунёд бўлади»; «Пулнинг бир учи — билакда, Бир учи — юракда»; «Пул дарди — кабоб» «Пул топиш дардида киши не ишларни қилмайди, не кулларга тушмайди, ўзини «ўтга-чўлга уриб» бамисоли кабобдай қовурилиб, «жизғинаги чиқиб» кетади», дейилмоқчи.»— Қадимгилар дердики, Гавҳар белни бақувват қилади. Ҳатто бир ҳикоя ҳам бор бу тўғрида.

— Қани эшитайлик.

— Мирзо Улуғбек бир мадрасами, сароймми қуришга фармон берибди. Жамики машҳур усталар йиғилиб, ишга тушибдилар. Мирзо Улуғбекнинг ўзи ҳар куни у ерга борар экан, олтин қурсида ўтириб ишни томоша қилар экан. Бир вақт унинг кўзи бир кишига тушибди — ишда у ҳаммадан чаққон, ҳаммадан бақувват. Мирзо Улуғбек тажжубланибди-ю, ёнидагилардан бунинг сабабини сўрабди: «Тақсир, бу одамнинг белида гавҳар тугуқлик бўлса керак». Мирзо Улуғбек ҳалиги чарчамасни ўз қошига чақиради, дарров унинг белини пайпаслайдилар. Дарвоқе белидан бир тугунчада гавҳар топишибдилар» (Ойбек, Олтин водийдан шабадалар).

Пул топгунча, ҳисоб топ!

Иқтисод ва тежамкорликка даъват этиб айтилувчи мақол. Вар.: «Пул топгунча, ақл топ!»; «Пулни берсанг, пулга бер — пулинг куймас» («Пулингни сарфлайдиган бўлсанг, беҳуда, зое кетадиган, ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган нарсаларга эмас, бирор ҳожатингни чиқарадиган, эҳтиёжингни қондирадиган, фойда келтирадиган нарсаларга сарфла», дейилмоқчи); «Пули куйган — қалампир чайнар» (Бу мақолнинг келиб чиқиши халқ ўртасида юрадиган қуйидаги бир ҳикоя билан боғлиқ: «Бир ношуд, тажрибасиз, «бозор кўрмаган» сахроий одам бозорга кириб қолибди-да, айланиб юриб, бир жойга келса, бир одам қип-қизил, ялтироқ-ялтироқ нарсаларни сотиб ўтирган экан. Ҳалиги одамнинг ҳаваси келиб, иштахаси кўзғаб: «Шундан олиб, тўйгунча еб, бир маза қилай!» деган ҳаёлга борибдида, «дунё»нинг қалампирини сотиб олибди. Кейин иккита нон билан чойхонага олиб кириб, бир чеккадан ея бошлабди. Бирдан оғзи ловуллаб, кўзларининг «олови» чиқиб кета бошлабди. Яна еяй деса —

олган нарсаси нақ заҳри қотилнинг ўзгинаси, емай деса — пули куйган. «Э, нима бўлса-бўлсин!» деб, қалампирни чайнаб-чайнаб, пок-покиза тушира бошлабди. Унинг бу ҳолатини кузатиб турган одамларнинг кулгидан «ичаклари узила-ёзибди...» Мазкур мақолни мажозий маънода шунга ўхшаш ношуд, бетамиз, бефаросат, яхши нарса нима-ю, ёмон нарса нима — фаркига бормайдиган, пул-маблағини қаёқдаги бўлмағур нарсаларга сарфлаб қўйиб, кейин ҳасрат қилиб, афсусланиб юрадиган одамларга нисбатан истеҳзо ва киноя тарзида қўллайдилар. Бундай одамларга: «Ўзинг пиширган ош, Айланиб ич, чайналиб ич!» деган мақол билан ҳам танбеҳ берадилар); «Пул тугамай, ақл кирмас» (Баъзи одам пули борида «қўли очиқ»лик қилиб, керак-керакмас нарсаларга каттакатта сарфлаб юбораверади. Пули тугаб, арзимаган, арзонгина нарсани ҳам сотиб олишга қурби етмай, қийналиб, ноилож бўлиб, бировдан қарз сўрашга, ёлворишга, ҳатто тиланчилик қилишга мажбур бўлиб қолганидан кейингина «кўзи очилади», ақли киради, пул-маблағнинг қадрига етадиган, тежайдиган бўлиб қолади. Мазкур мақолни одамларга нисбатан ишлатадилар); «Пул топиш ўнғай, Тута билиш қийин»; «Ҳисобини билмаган — ҳамёнидан айрилар»; «Санамаган ёлчимас»; «Пулнинг онаси — тийин»; «Тома-тома кўл бўлур, Тийинлардан сўм бўлур» (Бу мақоллар билан: «Тийинни — яъни, озгина пулни назар-писанд қилмай, ҳуда-беҳудага сарф қилиб юбораверма, тежаб қол ва жамғара бор. Ҳар нарса ҳам оз-оздан кўпаяди», деган маънода насиҳат қиладилар).

Пул — қўлнинг кири, ювса кетади.

«Пул, мол — бокий нарса эмас, кишининг қўлига келаверадиган-кетаверадиган нарса, Шундай экан, пулни ўзгалар у ёқда турсин, ҳатто ўзингдан ҳам қизғаниб, «тўп-тирих» қилиб, «ҳамат тагига босиб» ётмасин-да, зарур-зарур нарсаларга (тежаб-тергаб, албатта) сарфлайвер. Пулим тамом бўлиб, «икки қўлимни бурнимга тиқиб» қоламан, деган ҳаёлга бориб, қўрқмай қўяқол, пул, мол — топиладиган нарса. Одамийликни, сиҳат-саломатликни эса ҳар қанча пулга ҳам топиб бўлмайди!» деган маънода насиҳат қилиб айтилади. Вар.: «Мол деган — қўлнинг кири, ювса кетади»; «Мол — хас»; «Дунё моли дунёда қолар»; «Тирик қўлга мол битар, ўлган — кетар»; «Мол битарига келганда — ошиқ бўлган қиздай, Кетарига келганда — қўлга ушлаган муздай»; «Камбағалнинг пули — пешона тери»; «Пулни сен топасан, Пул сени топмас» (Пул топаман деб, ҳаддан ташқари кўп уриниб, ўзингни «ўққа-чўққа» уриб юрма, бу йўлда касалга чалинишинг, зиён-заҳмат кўришинг, бирор балоказога йўлиқишинг — ҳеч гап эмас! Шундай экан, аввало ўз таниси-ҳатингни, хотиржамлигингни ўйла!» деган маънода ҳам, «ўз тирикчилигинг, ўз сиҳатинг учун сарф бўладиган пулингни, мол маблағингни кўп қизғанма, зиқна, ҳасис бўлма!» деган маънода ҳам шу мақолни айтадилар); «Пишиқ бўлиб нетарсан, Содда етар бошингга»

Қизларжон, қайнар булоққа
бошламанг,
Моли кўп деб, бой боласин
хушламанг.
Мол деган — қўлнинг кири,
ювса кетар.
Тирик қўлга мол битар, ўлган
кетар.

(Халқ қўшиғи)

Пулига яраша — дуоси.

Вар.: «Фатво ҳам пулингга яраша берилади». Фатво — шариат ва дин қонун-қоидалари асосида руҳонийлар томонидан бирор ҳуқуқий масала юзасидан чиқариладиган хулоса, қарор ёки бирор ишнинг шундан назардан амалга оширии мумкинлиги ҳақидаги кўрсатма, буйруқ. Ўтмишда руҳонийлар ана шу фатво бериш ҳуқуқидан ўз шахсий ман-

фаатлари йўлида фойдаланганлар; бирор жанжалли масалани ҳақ-қонийлик билан, одилона ҳал этмай, «бир нима» беришга қурби етмайдиган камбағал, бева-бечоралар фойдасига эмас, «бир нима» бериб «рози» қиладиган бой ва амалдорлар фойдасига ноҳақ бўлса ҳам, ҳал этиб юборавераг эдилар. Бу мақсадда шариатдан «йўл» ҳам топа қолардилар. Халқимиз «Пул пулни топар, Шариат — йўлни»; «Пул пулни топади, Мулла йўлни топади» деган мақолларини ҳам шундай ноҳақлик, ноинсофликка қарата айтган.



Ражаб «тулки» қоровул бўлди, хотини эровул бўлди.

Вар.: «Ражаб туллак тегирмончи бўлди, Хотини ўмармончи бўлди». Эровул — бирор ерга қўшинлардан олдин бориб, жой тайёрлаб турувчи; илғорбоши; отлиқ разведкачи: лашкарнинг олдинги қисмларидан илгари борувчи отлиқ аскар. Умармончи — тегирмонда ғаллани тортиб берганлиги эвазига чиққан унинг маълум қисмини ўзига олиб (умариб) қолувчи. Бу мақолларни мажозий маънода ўзини эридан ҳам ортиқ деб билувчи, эридан ошириб иш ва гап-сўз қилувчи, эрининг бойлигига ё амалига керилиб, катта гапирувчи ва унча-мунча одамни менсимовчи хотинларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Ранг кўр, ҳол сўр.

«Биров билан муомала қиладиган бўлсанг, унинг ранги-рўйига — яъни, соғ ё носоғлигига, кайфиятининг яхши ё ёмонлигига, унга айтадиган гап-сўзингнинг ўрними ё ўрни эмаслигига, вақтими ё вақти эмаслигига ва ҳ. к. қараб иш кўр. Масалан, сухбатдошинг носоғ бўлса, ундан шунга яраша ҳол-аҳвол сўра, унга тасалли берувчи, кўнглини кўтарувчи гап-сўз қил, юрагига ваҳима соладиган, асабини бузадиган гапларни, хабарларни айтиб, унинг касалига баттар касал қўшма!» деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Тоби қочганнинг тафтини кўр». Соат тўққизларда Расулжон кириб келди. «Ранг кўр, ҳол сўр» дегандек, Роҳат унга бир қаради-ю, раҳми келди, ўйлаб қўйган гапини унутди (Ё. Шукуров, Гунча гуллаганда).

Раҳмат олган омондир, лаънат олган ёмондир.

Буни тасдиқловчи ва қувватловчи «Раҳматнинг ҳам чеки йўқ, Лаънатнинг ҳам чеки йўқ», «Бир раҳмат минг заҳматдан қутқазади» деган мақоллар ҳам борки, булар билан: «Кишиларга яхшилик қилиб, ўзининг хушхабиати, ёқимли феъл-атвори, ширинсуҳани, умуман, яхши ахлоқ-одоби билан улардан раҳмат эшитган, уларнинг миннатдорчилигига, иззат-эҳтиромига сазовор бўлган киши эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, доимо унинг номи яхшилик билан тилга олинади. Бунинг аксича, бадфеъл, қўпол, қўрс, дилгир, чақимчи, тухматчи, сотқин, бебурд, бехаё, бевафо ва ҳ.к., кишиларга ёмонлик соғинувчи ва ёмонлик қилувчи одам уларнинг лаънатига қолади, хақорат эшитади, ҳамавақт (хатто ўлганидан кейин ҳам) номи ёмонлик билан тилга олинади», дейилмоқчи.

Режасиз иш — қолипсиз ғишт.

Вар.: «Режасиз дарахтзор — чангалзор»; «Режали иш — ҳамиша беш»; «Қолипсиз ғиш(т) битмас, Режасиз иш битмас». Булар билан: «Ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйланган режа асосида қилмоқ зарур, акс ҳолда у иш кўнгилдагидек бўлиб чиқмайди, «хом», сифатсиз, муваффақиятсиз, чидамсиз бўлади, кўп ҳолларда бузиб, қайтадан қилишга тўғри келади», демоқчи бўладилар.

Ризқим — манглайим.

Вар.: «Ризқим — манглайим, Ошнам — белбоғим»; «Улфатим — белбоғим»; «Ризқ камимас, Банда очи-

дан ўлмас»; «Қул ўлмас, ризқи камимас»; «Карвон кўп, Ризқи бошқа»; «Ризқ камимас, Олтин чиримас». Ризқ — ҳаёт учун бўлган озуқа, овқат; бирор иш, ҳаракат ва ш.к. учун асос бўлган нарса; диний эътиқодларга кўра, худо ҳар бир кишн, жонивор учун атаган насиба. Мангілай — пешона — юзининг қошдан сочгача бўлган қисми: диний-хурофий тушунчага кўра — қисмат, тақдир, ёзмиш, пешонага худо томонидан олдиндан «ёзиб қўйилган» тақдир. Белбоғ — бу ерда «пул», «маблағ» маъносида (Ўтмишда аксарият кийим-кечакнинг чўнтаги бўлмасди. Пулни, маблағни, қимматбаҳо нарсалар бўлмиш олтин, дур, гавҳар ва шу кабиларни, баъзилар хатто нонни белбоққа чигиб (тугиб), белбоғ қатига ўраб, белларига боғлаб юрардилар. «Ошнам — белбоғим», «Улфатим — белбоғим» деган маколларни пул, мол-дунёга ҳирс қўйган, уни ҳамма нарсадан бирламчи, ҳамма нарсадан афзал деб билувчи, уни бошқалардан қизганувчи; пул, молдунё деганда ҳар қандай разилликдан қайтмовчи шахсларга нисбатан аччиқ киноя, кесатиқ тарзида қўлланганлар). Умуман, юқоридаги мақоллар гарчи диний-эътиқодий тушунчалар асосида юзага келган бўлсада, аксарият ҳолларда кишига, айниқса моддий жиҳатдан қийналаётган кишига: «Кўп хафа бўлаверманг, ризқингиз топилади, топилмай иложи ҳам йўқ», деган маънода тасалли берганда қўлланилади.

Ризқли меҳмон ош устидан чиқар.

Халқимизнинг кўпдан-кўп одатларидан бири шуки, яхши бир лаззатли таом (айниқса палов ош) ни тайёрлаб, энди сузай деб турганларида ё эндигина сузиб, дастурхонга келтириб қўйганларида, қутилмаганда бирор меҳмон келиб қолса, суюниб кетиб: «Э, келинг-келинг, қайнонангиз суяр экан, мана ошнинг устидан чиқдингиз», деб очиқ чеҳра билан қабул қиладилар. Мазкур мақол билан шу ҳолни ифода этганлар.

Руҳи тетикнинг — иши тетик.

Вар.: «Руҳи сўлғиннинг — иши сўлғин». Бу билан: «Ҳамавақт руҳингни тетик, кайфиятингни яхши тутиб, ўйнаб-кулиб, хушчақчақ бўлиб юришга ҳаракат қилсанг, ҳам ишинг юришгандан-юришиб кетаверади, ҳам сиҳат-саломатлигинг жойида бўлади, ҳам ҳамманинг кўзига яхши кўринасан. Бўлар-бўлмас нарсага хафа бўлаверсанг, тажанг бўлиб, асабингни бузаверсанг, қиладиган ишинг ҳам «олдинга босмайди», юришмайди, унуми ва сифати бўлмайди, ўзингнинг эса саломатлигингга зарар бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Рўзингни сот, рўшнолик ол.

Вар.: «Ризқингни сот, рўшнолик ол, Қолганига совун ол» (рўшнолик — ёруғлик, равшанлик, оқлик, поклик, бахтли, фаровон ҳаёт). Бундан ташқари, мазкур сўз «бировга яхшилик қилиб, ўз кўнглини равшан қилиш; бировга қилган яхшилигидан ўзи шодланиб, «кўнгли семириб», ич-ичидан қувониб, фахрланиб юриш», деган маънони ҳам англатади. Юқоридаги мақол билан: «Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, хатто ўзингнинг кундалик ризқ-насибангдан кечиб ё турмушингга яраб турган маблағингни сарф қилиб бўлса ҳамки, рўшноликка эришиш, бировга қўлингдан келганча яхшилик қилиб, унинг раҳматини, миннатдорчилигини олиш ҳаракатида бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Рўзғор тушди бошга, қўл тегмади ошга.

Вар.: «Рўзғор — ғор»; «Рўзғорнинг нимаси йўқ — бўздан халтаси»; «Уйга уй бўйи уйсанг ҳам оз», «Рўзғори катганинг — ташвиши ҳам катта». Булар билан рўзғор «тебратиш» осон эмаслигини қайд этиб, чидамли, бардошли бўлишга даъват этадилар ва бу борада қийналаётган одамга тасалли берадилар.



Сабабсиз оёққа тикан кирмас.

Вар.: «Сабабдан сабаб, балчиқдан иморат»; «Сабаб билан зиёрат, Балчиқ билан иморат»; «Сабаб билан савват аравага минар»; «Сабаби бўлмаса, тентак теракдан тушмайди»; «Сабабсиз қуш ҳам учмас». Булар — халқимизнинг фалсафий дунёқарашини акс эттирувчи мақоллардан бўлиб, табиатда ҳам, жамиятда ҳам рўй берадиган ҳар бир воқеа-ҳодиса у ёки бу объектив сабабга бевосита ёхуд билвосита боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Сабзи тўғрашни билмасанг, ўтни пуфла.

Вар.: «Ош қилишни билмасанг, олов ёқ». Сабзини палов ош учун сомон шаклида тўғраш, ош қилиш — ўзига хос бир ҳунар. Буни биров билади, биров билмайди. Айниқса, юртга бериладиган «катта ош»лар (тўй ва маъракa ошлари) учун қоп-қоп сабзи тўғраш керак бўлади. Бунинг учун эса кўп одам, «кўп қўл» бўлиши талаб этилади. Шу боисдан, халқимизда тўй ва маърака бўладиган хонадонда ош тортилишидан бир кун аввал «қозон қурар», «сабзи тўғрар» деб аталмиш ҳашар бўлади. Бунда маҳалла-куйдаги қўни-қўшнилар, қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар йиғилиб, кўплашиб сабзи тўғрайдилар, ўчоқ кавлаб, қозон қурадилар, асбоб-анжомларни ташиб келтирадилар, меҳмонлар учун жой ҳозирлайдилар ва ҳ.к. Юқоридаги мақолларни кўпчилик иштирок этаётган ва ҳамма бирон-бир иш билан шуғулланиб турганда бирор одам: «Бу иш менинг қўлимдан келмайди», деган баҳона билан ўзини четга тортса ё дангасалик қилса, унга: «Фалон иш қўлингдан келмаса, фалон ишни қил. Ишқилиб бекор турма, жамоатга қўлингдан келганча ёрдамлаш», деган маънода айтадилар.

Сабзининг фойдаси шолғомнинг кетига кетди.

Вар.: «Тегирмон, обжувоз қизнинг сепига кетди». Бир нарсадан фойда қилинса-ю, бошқа бир нарсадан зиён кўрилса, фойда зиённи қоплаб кетса ва кишининг ўзига ҳеч нима қолмаса, шундай ҳолда мазкур мақолларни қўллайдилар.

Сабр таги — сари олтин.

Ота-боболар бу ва бу каби бир талай мақолларида кишининг ҳаётда сабр-тоқатли, чидамли, қаноатли бўлиши-нақадар яхши, нақадар қимматли фазилат эканлигини таъкидлаб, бунинг акси ёмон оқибатларга олиб келишини уқтирганлар. «Сабр — умр ҳазинаси»; «Ақл — одамнинг кўрки, Сабр — унинг шериги»; «Ақлнинг кўрки — сабр»; «Ақл сабрни сақлар»; «Камоли имон — сабр»; «Сабр сўнги — соф олтин»; «Қаноат қизил олтин»; «Сабр туби — сариқ олтин, Сарғайиб турсанг — бари олтин»; «Сабр туби — сари олтин, сарғайган — етар муродга, сабрсиз қолар уятга» (сарғаймоқ — бу ерда «зориқиб кутмоқ, маҳтал бўлмоқ» маъносида келтирилган); «Сабр таги — сарёғ»; «Сабр этган — муродга етган»; «Сабр — шодлик калити»; «Одоб билан бахт топилар, «Сабр — аччиқ, меваси — ширин»; «Сабр таги — раҳмон, Шошган иши — шайтон» (раҳмон — худонинг сифатларидан бири; шайтон — одамларни

йўлдан оздирувчи афсонавий махлуқ); «Сабрлилик — худонинг ояти, Сабрсизлик — шайтоннинг сифати»; «Сабр — раҳмондан, куфр — шайтондан»; «Таанний — раҳмондан, таъжил — шайтондан» (таанний — шошмаслик; таъжил — шошилиш); «Сабр тоғни йиқитар»; «Тоқатлига тоғлар эгар бошини, Тоқатсизнинг итлар еяр лошини» (лош — ўликнинг жасади; ўлакса); «Биров жабр, этса, сен сабр эт»; «Борига — қаноат, Йўғига — сабр»; «Озига шукр қилсанг, кўпи келур»; «Қаноат қорин тўйдирар, Беқаноат ёлғиз кўзисин сўйдирар»; «Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, Сабр қилмасанг, ғўра тагидан йитар» (ғўра — хом мева; ҳалво — ширин-шакар, мева. «Мевасининг пишиб етилгунича сабр қилмай, хомлигидаёқ еб қўядиган бўлсанг, келгусида «ҳалво»га айланадиган ғўраси йўқ бўлади-қолади», дейилмоқчи); «Сабр қилсанг, ғўрадан ҳалво битар, Бесабрлар ўз аёгидан йитар»; «Сабр қилсанг ғўрадан халво пишар, Япроқдан — ипак»; «Бесабрнинг нафси шошар, Тусагани кузда пишар»; «Сабр қилсанг, туянинг юкини бўта кўтаради»; «Оғирига чидасанг, енгилини кўрасан»; «Сабр — аччиқ, меваси — чучук»; «Сабр қилган мой ошар, Олқиш олган кўп яшар»; «Бардошлига — ёғлиқ ош, Сабрсизга ош ҳам — тош»; «Сабр қилсанг, бой бўларсан»; «Сабрли бўлсанг — ўзарсан, Сабрсиз бўлсанг — ўсалсан» (ўсал — тузалишига умид қолмаган оғир касал); «Сабрлининг бошига олма битар, Сабрсизнинг бошига ғовға битар»; «Сабрли минг яшар, Сабрсиз оз яшар»; «Сабрли — чидар, Сабрсиз — ёнар»; «Сабрли қул муродга етар»; «Куити йўқ кўра ҳам қуролмайди» (кўра — ёғоч, шох-шабба, панжара ва шу кабилардан қилинган тўсиқ, девор; шундай девор билан ўралган, чорва моллари сақланадиган жой); «Бесабр — ўзига жабр»; «Совун кирни очади, Сабрсиз сирни очади»; «Сабрсиз балиқ сағасидан илинар»; «Сабрли — чидар, сабрсиз — йитар» ва ҳ.к. Кишини сабр қаноатли бўлишга даъват этувчи мақоллар бундан юзларча, мингларча йиллар мукаддам яшаб, ижод этган шоирлар томонидан зўр маҳорат билан қўлланилганки, бу — уларнинг қадимийлигидан далолат беради:

Аччиқдир «Сабр қил» деган панд,
Аммо сабр қилсанг, бўлур қанд.

(Носир Хиров)

Сабр билан тенгри берур коми дил,
Сабр қилу сабр қилу сабр қил.

(Дурбек)

Тааммул била ком пайдо бўлур,
Таҳаммул била ғўра ҳалво бўлур.
Кимки, бир шиддат аро сабру
таҳаммул айлади,
Бахт анинг нишони нўшу хорини
гул айлади.

(Навоий).

Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,
Нафис кўйина юруб соил бўлур.
Сабр қилсанг ғўрадан ҳалво битар,
Сабрсизлар ўз оёғидан йитар.

(Абдулла Авлоний)

Савалаб ёққан ёмғир ёндан ўтар, севалаб ёққан ёмғир жондан ўтар.

Бундай деганларига сабаб шуки, савалаб (шиддат билан) ёққан ёмғир узоққа чўзилмай, тезда тугайди. Аммо, севалаб (шивалаб, майдалаб, симиллаб, «эзиб») ёққан ёмғир ҳадеганда тинмай, ҳамма ёқни ивитиб, (тупроқ томли) уйлардан чакка ўтказиб, кийим-кечакнинг чок-чокигача ўтиб, кишини безорижон қилиб юборади. Вар.: «Севалаб ёққан ёмғир ёмон, Майдалаб ёққан қор ёмон».

Савдо ғавғосиз бўлмас.

Бу ва бу каби бир туркум мақолларида халқ савдо-сотиққа, сотувчи билан олувчига, савдогарлар ва уларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатига нисбатан бўлган ўз муносабатини билдиради, олди-сотдида қандай иш тутиш, нималарга аҳамият бериш

зарурлиги юзасидан кишига тегишли маслаҳатлар берилади: «Савдо гавғосиз бўлмас, Полвон гавдасиз бўлмас»; «Савдо кўп ерда гавғо кўп»; «Савдогарнинг шуҳрати — чўнтагида»; «Савдогарнинг ўзи бунда, хуржуни унда»; «Савдогар, иши доим ҳийлагар»; «Савдогарнинг ёмон моли йўқ» («Яхши молини ҳам, ёмон молини ҳам мактаб сотади», дейилмоқчи); «Сотмаснинг моли қиммат»; «Туркистонда кўп бир сўм, Келакела ўи бир сўм» (Туркистон — Жанубий Қозогистондаги шаҳар номи); «Савдогарнинг ошнаси бўлмас» («У иложи борича кўпроқ фойда орттириш йўлида ҳеч кимни, ҳатто энг яқин одамларини ҳам «танимайди», уларга бир тийинини ҳам ўтказмайди, кўзига фақат пул, мол-дунё кўринади», дейилмоқчи); «Савдогарга сунма бўйнингни, Пуч ёнғоққа тўлдиради қўйнингни» («Ундан бир нима сўраб, илтимос қилиб ё ялиниб-ёлвориб ўтирма — барибир бунинг фойдаси йўқ, у «хўп-хўп» деяверади, қуруқ ваъда қилаверади-ю, аммо ўла қолса сенга бир нимасини текинтекинга ўтказиб қўймайди», дейилмоқчи. Бу ўринда Алишер Навоийнинг савдогар, олибсотарлар тўғрисида ёзган қуйидаги сўзларини келтирмоқ — жоиздир: «... Саёҳатчи савдогар ўлкалар ва шаҳарлар ҳолидан хабардор бўлади... Бундай кишининг мақсади-буткул фойда бўлмаса, савдо учун денгизга кема сурмаса, инжу учун наҳанг оғзига қадам қўймаса, мол ва ақчани улуғлигига сабаб қилмаса, ...лаззатли овқатни кўзи қиймай қуруқ нон емаса, ...кимки, молини азиз асраб ўзини хор этса ...бундай киши савдогар эмас, мардикордир, ўзининг ҳасис ва пасткашлигидан ҳамиша қийноқдадир... Шаҳар олибсотари — хиёнатчи, ўзига фойда ва мусулмонларга кахат истовчи. Халққа зиён — унинг фойдаси, арзон олиб, қиммат сотмоқ — унинг орзуси» (Маҳбуб ул-қулуб; ҳозирги адабий тилимизга якинлаштирилган тексти); «Савдо — соқол сийпагунча» (Бу билан: «Савдо бирпасда ўтиб кетадиган нарса. Керакли нарсангни учраганида олиб кол. «Э, кейинроқ оларман, турибди-ку» деган хаёлга бориб, олмай ўтиб кетсанг, бир айланиб келгунингча қолмаган, сотилиб кетган бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар); «Савдолашув — савдонинг ярми» («Бирор нарсани бозордан сотиб оларда сотувчи билан савдолаш, нархини камроқ сўра, бунинг учун уялиб ҳам ўтирма, эриниб ҳам. Ҳамма нарсани айтганига олиб кетаверсанг, чўнтагингдан барака қочади. Харид қилган ҳар бир нарсангдан оз-оздан бўлса ҳам пулингни тежаб қоладиган бўлсанг, бу тежаминг йиғилиб-йиғилиб, анчамунча маблағ бўлади ва ўзингнинг бирор кор-ҳолингга ярайди», дейилмоқчи); «Сотувчи «саккиз»га ҳам сотмайди, Олувчи «олти»га ҳам олмайди»; «Бозордан нарх қочса, Харидордан инсоф қочади» (Бу маколни асосан сотувчилар: «Тавба! Мол ўтмай, нархи одатдагидан анча-мунча пасайиб турган бўлса ҳам, харидорлар савдолашиб, бир оз пасайтиришни сўрайдилар-а!» деган маънода айтадилар); «Мол арзон бўлса олувчидан инсоф кетади, Қиммат бўлса — сотувчидан» («Арзон бўлса, олувчи яна ҳам арзонроқ қилишни сўрайди; қиммат бўлса, яъни сотувчи ўзининг сотаётган моли бозорда камроқ, «бозоргир», «харидоргир», «чаққон» бўлиб, одатдагидан юқорироқ нархда «кетиб турган» бўлса, яна ҳам устига нарх қўяверади, инсоф деган нарсани билмайди», дейилмоқчи); «Саломга бўшлик йўқ, Савдога дўс(т)лик йўқ» («Бировга салом беришда уялиб, бўшлик қилиб ўтирма. Бирор нарса сотаётганда пишиқ-пухта бўл, ҳатто дўстинг харидор бўлиб келса ҳам, ҳаммага сотаётган нархингда сот», деган маънода насиҳат қиладилар).

Савобнинг таги тешик.

Савоб — 1) диний эътиқодга кўра, худонинг марҳаматига лойиқ иш ва шундай иш учун худонинг марҳамати; 2) эзгу иш, эзгулик, яхшилик. Ҳаётда баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, бир одам бир одамга холис яхшилик қилади. Аммо, у одам

нодонлигидан, «нонкўр»лигидан, бадфеъллигидан, дилгирлигидан вақти келиб, бу яхшилик қилган одамга ёмонлик қилади. Шунда мазкур мақолни аччиқ киноя тарзида айтадилар. Вар.: «Савобга қорин тўймас». Бир одам бир одамга: «Фалончига ёрдам бер» ёхуд «У фалон ишни қил, савоб бўлади, раҳмат эшитасан» деса, у одам (агар илгари қилган яхшилиги зое кетио, «ога кўйган» бўлса) «Э, менга бундан нима фойда?! Қуруқ «раҳмат»дан кўра, озгина бўлса ҳам «бир нима» бергани яхши!» деган маънода шу мақолни айтади; «Савоби ошкорадан — гуноҳи пинҳоний яхши». «Хўжа кўрсин»га «савоб»ли ишлар қилган бўлиб, кишилар кўзига ўзини одамохун, одамшавандa, кўнгилчан, сахий ва ҳ. к. қилиб кўрсатиб, обру-эътибор қозонишга «ўлиб-кутулиб» интилувчи ва қилган «яхшилиги»ни «икки гапнинг бири» да пеш қилувчи, ҳамма ерда, ҳаммага айтиб, мақтаниб, керилиб юрувчи одамларга нисбатан: «Бундан кўра, ҳеч кимга билдирмай, пинҳоний равишда гуноҳ ишлар қилган яхши!» деган маънода муболаға қилиб, заҳарханда билан айтадилар.

Савр кирди — экинларга давр кирди.

Савр — қуёш йили ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 24 апрель билан 21 май оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу ойда экинлар авж олиб ўсиш ва ҳосил тугиш даврига киради. Савр ойининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Саврнинг ўтидан — ҳамалнинг тафти яхши» (ҳамал — қуёш йили ҳисобида биринчи ойининг арабча номи бўлиб, 21 март билан 21 апрел оралиғадаги даврга тўғри келади). Ҳамал киргач, ҳаво кундан-кун исий бориб, ер юзидан тафт кела бошлайди. Бу ойдан кейин келадиган савр ойида (уни «ёмғир ойи» деб ҳам атайдилар) эса ҳаво дам исиб, дам совиб, момакалдироқ бўлиб, чақмоқ чақиб, кучли шамол-бўронлар туриб, ёмғир, жала, ҳатто дўл ёғади, сел келади. Бу ҳолни «Саврнинг саноғида қишнинг ёғини бор», «Савр деган — сонли қиш, Мен жавзонгдан қўрқаман» деган мақоллар билан ифода этганлар (жавзо — саврдан кейин келадиган учинчи ойнинг номи бўлиб, 22 май билан 22 июнь оралиғидаги даврга тўғри келади. Мақолда: «Саврни-ку қўяверв, хатто жавзо ҳам хатарли кунлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин», дейилган) «Савр ёмғири — сари(қ) олтин» (Бу ойда ёғадиган ёмғирни олтинга тенглаштирганларига сабаб шуки, савр ёмғири деярли ҳамма экинларга, айниқса ғаллага, ўт-ўланга айни керак пайтида фойдаси тегиб, деҳқонлар ва чорвадорларга аскотади); «Савр келса, кун гуркирар, Кун гуркираса, кўк дуркирар» (кўк — ўт-ўлан, экин-тикин); «Савр бўлмай, тавр бўлмас» (тавр — яхши, дуруст); «Савр бўлмай, сайрон бўлмас, Сайрон бўлмай, айрон бўлмас» (сайрон — сайр қилиш, яйраш. «Савр ойи кирмагунча чорва моллари яйловда чинакамига яйрай олмайди», дейилмоқчи); «савр туғса, сайр туғади».

Саёқ юрган таёқ ер.

Вар.: «Саёқ юрсанг, таёқ ерсан»; «Юрсанг саёқ, ерсан таёқ»; «Саёқ кетди, саёқ кетди, Саёқ кетидан таёқ кетди»; «Чакки юрсанг, дакки ерсан»; «Чаккига — дакки», «Шалп юрсанг, Шаппаки ерсан». Саёқ, чакки, шалп юрмоқ — ёмон йўлларга юрмоқ, бежо қадам ташламоқ, ножўя хатти-ҳаракатлар қилмоқ. Мазкур мақоллар билан бундай қилишнинг оқибати ёмон бўлишини уқтириб, кишини огоҳлантирадилар ва ёмон йўлдан, ёмон ишлардан қайтарадилар.

Саёхат — дилга роҳат.

Ота-боболар фарзандларга ўз турмушларини яхши, мазмунли кечириш учун нималар қилиш юзасидан панд-насиҳатлар берарканлар, ҳаётлик даврида дунёни кўриб қолишни, вақти-вақти билан узоқ-яқинга саёҳ

қилиб туришни тавсия этганлар ва сафар-саёҳатнинг қанчалар фойдали эканлигини таъкидлаганлар. «Сафар айриликка учраганларни матлабга етказувчи ва маҳрумларни мурод уйига киргизувчидир, хомларни пиширувчи ва овқатларни сингдирувчидир. Ажойиботлар дунёсидан баҳра етказувчи ва дунё ажойиботларидан хабардор қилувчидир. Сафар кўнгилни ҳар томонга майл қилишдан ором бергувчидир. Мусофирни турли жойлардан хабардор қилувчи ул ва йўлларга йўллагувчи ул. Иссиқ-совуқдан жонга қўзғалиш берувчи ул, аччиқ-чучукдан кўнгилни огоҳ қилувчи ул. Сафар водийсида мусофир оёғига дард-бало тикани кўп санчилади, лекин ҳар тикандан мақсад гули очилади (А.Навоий, Маҳбуб ул-қулуб. Ҳозирги адабий тилимизга яқинлаштирилган матни). Шунга ўхшаш фикрлар халқимизнинг бир туркум мақолларида билдирилган: «Юрган — дарё, Ўтирган — бўрё»; «Юрган йўл кезар, Ўтирган ер чизар»; «Юрган ўзар, Юрмаган тўзар», «Сув бир жойда тураверса, сасийди»; «Олти яшар йўлда бўлса, Олтмиш яшар йўлдан чиқсин» («Сафар қилишга чоғланган одамга ҳеч ким тўсқинлик қилмай, йўл бермоғи лозим», дейилмоқчи); «Олти яшар йўлдан келса, Олтмиш яшар кўргани келар». Саёҳатдан қайтган одамни (гарчи у ёш бўлса ҳам) ёшлар у ёқда турсин, ҳатто кексалар ҳам келиб кўриши қайд этилган.

Сайр қил, сайр ичра ширин комлиғ ҳосил бўлур.
Талҳ ўлур бир ерда гар макс айласа бисёр сув
(Мунис Хоразмий).

Сайёҳнинг орзуси — довон ошмоқ.

Бу билан мажозан:«Сен ҳам бирор мақсадни мўлжаллаяпсанми, қандай бўлмасин, унга албатта эришишга ҳаракат қил, бу йўлда учрайдиган қийинчиликлардан чўчима ҳам, қўрқма ҳам!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Сайил ҳам — сайил, саргардон ҳам — сайил.

Сайил хусусида филология фанлари доктори, профессор Ҳошимжон Раззоқов шундай ёзади: «Сайил-томошалар йилнинг тўрттала фаслида баробар ўтказилиши мумкин бўлган оммавий кўнгил очиш маросимидир. Сайил—томошаларда халқнинг ҳамма табақадаги кишилари, ҳамма синф, ижтимоий гуруҳ вакиллари баробар иштирок этади... Сайил-томошалар вақтида бозорлар ёпилиб, халқнинг бозор-ўчар, олди-сотди муомалалари сайилгоҳларга кўчирилган. Сайил-томошалар рамазон, қурбон ҳайитларида ўтказилганидан ташқари, ҳукмдорлар, катта бой, савдогарларнинг «келин тушди»,бешик, суннат тўйлари муносабати билан ҳам чақирилган». (Ҳ. Раззоқов, Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор).

« ...Бизлар Шайхантовурдан йўлга тушдик. Сарт эркаклари ва аёлари кўчаларни тулдириб, ҳар тарафдан сайилга ошиқишади. Баъзи аёллар эмизикли болаларини қулларида кўтариб, баъзилар эса гўдакларни орқаларига опичиб кетишяпти. Ана, қаранг,-деди менинг ҳамроҳим,- ҳасса таянган кампир ҳам сайилга кетаяпти!...Биз бутун йўл бўйи ясанибтусаниб сайилга кетаётган кишиларни кўрдик. Турли-туман чопонлар кийиб, оқ, қизил, ҳаворанг саллалар ўраб олган эркаклар-у, паранжи ёпинган аёлларнинг ўзаро гап-сўзлари, сотувчиларнинг бақир-чақири, девоналарнинг қий-чуви...— буларнинг ҳаммаси ниҳоятда ўзига хос бўлган бир манзара касб этарди ...» А.П.Хорошхин, Сборник статей, касающихся до Туркестанского края). Сайилгоҳда ҳофизлар, машшоқлар, аскиячилар, масхарабозлар, полвонлар, дорбозлар ва бошқа ҳар хил ўйин кўрсатувчилар халққа ўз ҳунарларини намойиш этганлар, сотувчилар турли-туман моллар ва озиқ-овқатлар билан савдо қилардилар. Киши буларнинг ҳаммасини кўриб, томоша қилиб, сайилгоҳни бир айланиб чиққунича кун чошгоҳ бўлиб, қайтгунича кеч бў-

ларди. Сайилдан очиқиб, ҳориб-чарчаб қайтаётган одамлар бирор одам: «Ҳа,биродар, ҳорғин кўринасиз, қаёқлардан келаяпсиз!» деб сўраб қолса,у:«Э,нимасини айтасиз?! Сайил ҳам — сайил, бизга ўхшаган сарғардонлар ҳам — «сайил» экан!» дейди у бу кейинги «сайил» сўзини «сайилни томоша қиламиз деб, ўзимиз сайилбоп, яъни томошабоп бўлиб қолдик» деган маънода айтади. Кейинчалик бу мақол мажозий маънода шунга ўхшаш ҳолларда қўлланиладиган бўлиб кетган.

Саксовул ёниб қизигунча, саксондаги чол ўлар, саксовул ёниб қизигач, қизивуга қиз ўлар.

Саксовул бошқа ўтинларга нисбатан «оғир»роқ, секинроқ ёниб чўғ бўлади. Аммо, чўғининг тафти ниҳоятда иссиқ бўлади. Мазкур мақолда шуни ифода этиб, «Саксовул то ёниб қизигунча, саксон яшар чол ўлиб қолиши; бир қизиб олганидан кейин эса, унинг иссиғига қизнинг ўз «иссиғи» қўшилиб ҳаддан ташқари иссиқдан у ҳам ўлиб қолиши мумкин», деган маънода муболаға қилганлар.

Саксон кун—саноқда, тўқсон кун—товоқда.

Бу—бобо-деҳқонлар бугдой экининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, айтган мақолдир.«Бугдой эрта баҳорда ерга тушганидан бошлаб, саксон кунни «санайди»-да, «ўроққа келади». Кейин ўн кун ичида ўрилиб, янчилиб, тегирмонда тортилиб, ун бўлиб, ош-нон бўлиб,«товоққа тушади»-яъни, егулик таомга айланади», дейилмоқчи. Буни қувватловчи «Саломатлик бўлса, саксон кунда юз кўришамиз» деган мақол ҳам бор. Бу сўзни гўё бугдой уруғи ерга сепилаётганда деҳқон билан ҳайрлаша туриб айтар эмиш.

Салобатли бўлгунча, саботли бўл

(салобат — улуғвор кўриниш, савлат; сабот — ўз сўзида, маслагида мустаҳкам туриш, букилмас ирода, чидам, қунт. Вар.:«Қуруқ савлатдан — қуруқ сават яхши»;«Савлат десанг менда бор, Аммо жаҳон менга тор» Бу мақолни савлатига мағрурланиб юрадиган, шунга ишониб, орқа қилиб, ўқимайдиган, ўрганмайдиган, бирор нарсага эришмоқ учун астойдил ҳаракат қилмайдиган, бунинг натижасида эса қўлидан бирор иш келмайдиган, ҳар жиҳатдан «қуруқ» одамнинг ўзига қарата аччиқ киноя тарзида қўллайдилар; Савлатидан сабли зўр»;«Чидамли эр лочин тутар». Бошқа қушларга нисбатан лочинни тутиш анча қийин. Лочин тутишнинг «йўл»ларидан бири шундай: сайёд узун тўрнинг икки бошини омонатгина ўрнатилган, салга ағанаб кетадиган узун қозиқларга боғлаб, унинг у ер-бу ерига чумчук, чуғурчуқ сингари қушчаларни тириклайин бир оёгидан боғлаб, осиб қўяди. Лочин типирчилаб ётган бу қушчаларга човут солмоқ ниятида бирдан отилиб келиб, тўрга урилади. Шунда омонат қозиқлар ағанаб тушиб, лочин тўрга ўралашиб қолади-да, сайёд уни тутиб олади. Аммо, бунинг учун сайёд анча вақт кутиб ётиши, «тишини тишига қўйиб» сабр-тоқат қилиши керак бўлади. Мақолда шу ҳол ифода этилган; «Дала ичинда ҳут кирмайин ют кирди, Чидами йўқ икки кўзга қурт кирди» (Қуёш йили ҳисобида далв — ўн биринчи ой бўлиб, 22 январь билан 21 февраль оралиғидаги даврга тўғри келади; Ҳут — иккинчи ойнинг номи, 21 февраль билан 21 март оралиғидаги давр; Ют — дон-ғалла унмаган йил, очарчилик, қаҳатчилик; чорва молларининг очарчилиги, ўлат; «Кун кўришда қийинчиликни енгмай, тирикчиликни эплаб бўлмас».

Салом ҳам — фарз, алик ҳам — фарз.

Вар.:«Салом ҳам — қарз, Алик ҳам — қарз»; «Ассалому алайкумга-Ваалай-

кум ассалом»; «Салом бермоқлик — катта-кичикка баробар»; «Аввал — ассалом, Бўлмаса — вассалом» (вассалом — гап тамом, бошқа гап йўқ, бошқа гап бўлиши мумкин эмас; «Одоблилик белгиси — эгилиб салом бергани, Яқинлилик белгиси — келиб — кетиб тургани». Фарз — бажарилиши зарур бўлган вазифа, бурч. Бировга салом бериш уни холис ҳурмат қилиш, демакдир. Халқимизнинг қадимий одатларидан бири шуки, болани ёшлигиданоқ, тили чиққанданоқ салом беришга ўргатадилар. Одоб юзасидан, ёшлар ўзларидан катта ёшдагиларга аввал салом беришлари, улар алик олишлари лозим. Ўзидан катта ёшдагиларни қаерда бўлмасин, кўрганда салом бермай, индамай ўтиб кетиш — хоҳ ўғил учун, хоҳ қиз учун ниҳоятда нохуш ҳисобланади. Мазкур мақолларни айтиш билан ана шу тартиб-қоидалар юзасидан таълим берадилар. Одатда офтоб ҳам, Саломдан бошлар йўлин. Салом янграган ердан, Узоққа қочар ўлим (Мирмуҳсин).

Сан — солор, ман — солор, отга чўпни ким солар?!

Бу мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги ҳикоя билан боғлиқ: «Хонлар замонида икки сипоҳ-солор (аскар бошлиғи) бўлган экан. Иттифоқо улар йигитсиз (яъни, адъютантсиз) сафарга чиққанлар (одатда солорлар «йигит»сиз юрмас эдилар). Бир манзилга етиб келгач, тушланмоқчи бўладилар. Ҳар иккиси қанжиғасидаги пиширилган овқатларни, нонларни ўртага қўйиб, еябошлаган. Қоринлари тўйгач, ёнбошлаб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ётишган. Бир маҳал отларининг оч қолгани эсларига тушиб қолади. Ҳозир йўлга тушишлари керак. отларга хашак солмаса бўлмайди. Лекин ким солади? Иккови ҳам аскар бошлиғи — ҳукуки бир. Улар сипоҳлик қилиб, отга қарашни ўзларига ор билиб, жим ўтираверганлар. Агар йигитлари бўлганда, одатлари бўйича: «Тур отга чўп (беда, хашак) сол!» деб буйруқ берардилар. Энди отга чўпни ким солади? Ахири биттаси чидаёлмай, ҳамроҳига: «Сан (сен) — солор, Ман (мен) — солор, отга чўпни ким солар?!» деган... «Бу гап халқимиз ўртасида мақолга айланиб кетган. Агар икки киши манманликни ташламай, «Мен фалончи бўлатуриб шуни қиламанми?!» деса, иккинчиси ҳам шундай деса, ишлар «сансолорлик»да қолиб кетади. Мана шундайларга юқоридаги мақолни ишлатадилар ёки қисқача қилиб: «Сан солор, ман солор қилмаларинг!» деб қўядилр. «Сиз турибсиз тиккайиб, Биз турибмиз тиккайиб, Ерга тушган қамчини, Ким олади энкайиб?!» деган мақолни ҳам синойи ман-ман, бир ишга бўйни ёр бермайдиган, бир ишга дарров эгилиб-букилиб, қовушиб кета қолмайдиган, «дўпписи ерга тушса, пул бериб олдирадиган» одамларга нисбатан истеҳзо ва киноя тарзида қўллайдилар.

Санамай саккиз дема.

Бу мақол Афанди латифасидан олинган: «Афандига ҳамқишлоқлари: «Сиз шаҳарга кетаётирсиз, биратўла бизларнинг ҳам ҳожатимизни чиқазиб келинг» деб, еттита эшакка дон-дун ва мева-чеваларни юклаб, қўша бериб юборишибди. Афанди бир жойга келиб, тушланиб олибди-да, «қани, бир санаб кўрайчи, тугалми, йўқми?» деб, эшакларни санабди: саккизга. Кўнгли ҳотиржам бўлиб, яна йўлга тушибди. Анча юргач, йўлда кетатуриб яна санаса, еттита чиқибди. Афанди бирдан ҳовликиб кетиб, у ёқ-бу ёққа аланглаб турган экан, бир йўловчи сўраб қолибди: «Ҳа Афандим, безовта кўринасиз?». «Э, бородар, битта эшагимни йўқотиб турибман. Саккизта эди, еттита бўлиб қолибди». Халиги йўловчи эшакларни санаб кўриб: «Ие, саккизта-ку. Тагингиздаги эшакни санамайсизми?» дебди. «Ха, дарвоқе...» деб хижолат тортибди Афанди. У шаҳарга бориб, молларни эгаларига омон-эсон топширибди-ю, кўнгли жойига тушибди. Шу-ну бўпти-ю, ялқиб қолиб, ҳар бир нарсани кўли

билан бирма-бир санашга одатланибди... Бир куни ҳазилкаш ўртоғи: «Афандим, эшагингизнинг оёғи нечта?» деб сўраб қолибди. Афанди эшагидан сакраб тушиб, қўлидаги таёғи билан эшакнинг оёқларига бир-бир уриб: «Бир, икки, уч, тўрт. Тўртта!» дебди. Одамлар бирдан кулиб юборишибди: «Э, Афандим тушмагур-эй! Ахир ҳамма биладики, эшакнинг оёғи тўртта бўлади». «Санамасдан «саккиз» деб қўйиб, ялқиб қолганман. Айбга қўшмайсизлар», дебди Афанди...» Мазкур мақол мажози: «Ҳар бир ишни аниқ, равшан билиб, ундан кейин қилиш керак. Бир нарсани гапиришдан олдин олди-кетини бундоқ ўйлаб олиш лозим ва ҳ.к. маънода айтилади. Вар.: «Санамай саккиз дема, Ўйламай ўттиз дема»; «Санамай саккиз дема — санаб кўрган эмассан, Мен биламан дема — синаб кўрган эмассан», «Санасанг, савоб кўп».

Саратон — сара экиш, қолаверса — тари(қ) экиш.

Саратон — қуёш йили ҳисобида тўртинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 22 июнь билан 22 июль оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу ой — экин экишнинг кечки, сўнгги муддати ҳисобланади. Чунки, кунлар исиб кетган бўлиб, янги экилган экиннинг нозик ниҳоллари то «ўзини тутиб олиб», илдиз отиб кетгунча иссиқ ҳарорат таъсирида қуриб, қовжираб қолиши мумкин. Шу боисдан, мазкур мақол билан саратон ойида экин экишга тўғри келса, иссиққа чидамли, ёш ниҳоли иссиқ ҳароратда ҳам «тутиб» кетадиган экинни танлаб экиш зарурлигини уқтирганлар. Тариқ — шундай экинлардан бири эканлиги қайд этилган. Саратондан кейин келадиган асад ойида эса экин экиш муддати аллақачон ўтиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳам «Асад — нарасад». Асадда расад қилиб, яъни экин экиб бўлмайди», деганлар. «Саратонда сув қуй, Асадда тек қўй» деган мақол ҳам деҳқонларнинг тажрибага асосланган, насиҳатомуз мақолларидан бири бўлиб: «Экинни саратон ойида қондириб суғориш ва бўйига ўстириш керак-у, аммо асад ойида сув қуйишга эҳтиёт бўлиш керак. Чунки, экин говлаб кетиб, камҳосил бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун экинни сувдан «тийиб», тагига яхшилаб ишлов бериш, «Асад — экинингни ясат» дегандек, уни ҳосил билан бойитиш, ҳосилини «семиртириш», пишириш тадбирларини кўрмоқ зарур», деган маънода насиҳат қилганларида қўлланилади.

Саримсоқ, саримсоқ еганнинг тани соғ.

Саримсоқ пиёзда кўпгина шифобахш моддалар бўлиб, у антибиотик вазифасини ўтайди, кишининг иштаҳасини очади, ичак-қорин фаолиятининг нормал ишлашини таъминлайди. Халқ медицинасида саримсоқдан тайёрланган дорилармонлар меъда-ичак, нафас олиш йўллари, ўпка, жигар, бошмия, кўкрак қафаси касалликларини, ҳатто илон, чаён чаққан кишини даволашда ишлатилади. Мазкур мақол билан саримсоқнинг киши саломатлиги учун нақадар фойдали эканлиги эслатилади.

Сариштали уй — фариштали уй.

«Қизи бор уй — доим саришта»; «Хотиннинг сариштаси — Одамнинг фариштаси» деган мақоллар ҳам бор (фаришта — малак; асосан яхши хулқ-атворга эга бўлган ва гўзал аёллар тушунилади). Яхши, хушмуомала, хушгабиат, ширин-сухан, халол, покиза, қолаверса кўркам, хосиятли, киши эътиборини ўзига жалб қилувчи одамни «фариштали», «юзидан фариштa ёғилиб турадиган одам» деган иборалар билан таъриф қиладилар, бундай фазилатларга эга бўлмаган одамни эса «фариштасиз», «фариштаси йўқ» дейдилар. Мазкур ибораларни уй-жойга нисбатан ҳам ишлатадилар. Юқоридаги мақол билан: «Уйингни,

ҳовли-жойингни доимо супуриб-сидириб, ювиб, артиб, «ёғ томса, ялагудай» қилиб, покиза, озода сақласанг, жиҳозларни, асбоб-анжомларни жой-жойига қўйиб, «чумчақирдай», саранжом-сариштa қилиб қўйсанг, ўзингнинг ҳам, хонадонингга ташриф буюрадиган меҳмонларнинг ҳам дили равшан тортади, ҳамма сенга: «Баракалла, қўлинг дард кўрмасин?» дейди, деган маънода насиҳат қиладилар.

Сариқ ит совга тилар.

Вар.: «Оқсоқ ит соғ итдан совга тилар». Бу мақолларни ҳадди сиққан-сиғмаган одамдан уялмай-нетмай «бир нима» сўрайверадиган, умидвор бўлаверадиган, тама қиладиган, «борсам нима берасан, келсанг нима олиб келасан? қабилида иш тутадиган, «ўрганган кўнгил ўртанса қўймайдиган» тамагир, юлғич, пораҳўр одамларга нисбатан мажозий маънода аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Сариғим — саймоқ, егани — қаймоқ.

Бу мақол болалар ошиқ ўйнаганда кўпинча ютуқ келтирадиган сариқ ошиғини мақтаб айтадиган гапидан олинган бўлиб, мажозий маънода кишига омад келтирадиган ҳар бир нарсага ва кимсага нисбатан қўлланилади.

Саройбонга йўловчининг нишхўрди қолса ҳам — бас

(саройбон — савдо карвонлари қўнадиган сарой эгаси; нишхўрд — мол ем-хашагининг чиқиндиси). Саройбонлар одатда йўловчиларнинг от-уловидан қолган нишхўрдларни йиғиб-йиғиб, қуритиб қўяверардилар. Карвонсарой хоналаридан бирининг таги тўрт тарафга ариқча қилиб кавланган ва унинг усти тахта-ёғочлар билан бекитилиб, супа қилиниб, суваб қўйилган бўларди. Қишда ўша йиғиб, қуритиб қўйилган нишхўрд, хазон, тезакларни бир чеккадан ёқардилар. Унинг тутуни ҳалиги «ариқча»лардан айланиб чиқиб кетаверар ва супани иситиб турар, устида эса ўзлари ўтирар эдилар. Демак, улар арзимаган нишхўрддан ҳам самарали фойдаланганлар. Мазкур мақол билан: «Озгина, арзимайдиган, бир қарашда назарга илинмайдиган нарса бўлса ҳам, зое кетказмай, ундан имкони борича фойдаланиб қол», деган маънода насиҳат қиладилар.

Сафар ойи — хатар ойи.

Вар.: «Сафар ойи — сариқ кун». Ой йили ҳисоби бўйича иккинчи ой. Бу ой хусусида Абу Райҳон Беруний қуйидагиларни ёзган: «Сафарнинг «сафар» деб аталишига сабаб, уларда (арабларда — Ш.Ш.) шу ой вабо пайдо бўлиб, касал бўлганлар ва ранглари саргайган. Бу ойнинг биринчи кунида Ҳусайн алайҳиссаломнинг калласи Дамашқ шаҳрига келтирилди. Шунда язид (ибн Муовия) уни олдига қўйди ва қўлидаги таёқ билан озиқ тишларига туртиб, (бир) шеърни айтди... (Шу куни) имом Зайд ибн Али ўлдирилиб, Фурот соҳилида дорга осиб қўйилди, кейин танаси куйдирилди ва кули сувга сочиб юборилди. Ўн олтинчида — расулуллоҳнинг... вафот этишига сабаб бўлган касаллиги бошланди... Йигирма тўртинчида — пайғамбар алайҳиссалом Маккадан ҳижрат қилиб, Абу Бакр Сиддиқ... билан биргаликда кофирлардан яшириниб ғорга кирди... (А.Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар). Мусулмон халқлар, жумладан ўзбекларнинг «ёмонлик келтирувчи ой» деб турли ирим-сирим қилганларининг боиси бир жиҳатдан ана шунда бўлса керак. «Ўзбеклар эътиқоди бўйича сафар ойида тўй қилмайдилар. Тўйни мумкин қадар бошқа ойларда, хусусан, муҳаррам ойида ўтказадилар. Ҳатто тўй учун баъзи нарсалар етмай қолса, етишмаган нарсани сафар ойида олмай, раби ул-аввал ойида шу камчиликларни тўлдирадилар. Сафар ойининг тезроқ кетишини орзу қилиб,

мана шу ойда бир итни тутиб, думига эски челак ёки латта боғлаб, унга ўт тутатиб, итни қўрқитардилар ва орқасидан калтак кўтариб, хой-хой сурон солишиб, итни қувлайдилар. Ит қўрқиб, қоча бошлайди. Мана шу воқеани «сафар қочди» дейдилар. Ёв қочса ёки бирор амалдор ўрнидан қувилса, «сафар қочди» иборасини ишлатадилар» (Ш. Шомақсудов, С.Долимов, Кенг ўйнинг келинчаги). Худди ана шу ирим тўғрисида этнограф Г.П.Снесарев қуйидагича ёзади: «Ислом кириб келгач, янги диннинг руҳонийлари аввалги диннинг маросимларини, жумладан, зардуштийликнинг урф-одатларида кенг ўринни эгаллаган ит билан боғлиқ барча расм-русмларни таг-туги билан йўқотишга ҳаракат қилдилар. Хивада мусулмонликнинг мазкур реакциясидан қолган шундай одат эдики, сафар ойининг сўнгги чоршанбасида шаҳарда итлар оммавий суратда калтакланарди. Шаҳар ёшлари бунинг учун олдиндан махсус қурол — учи думалоқ таёқлар ҳозирлаб қўйишарди. Айтишларича, итлар ҳам гўё буни фаҳмлагандек ўша куни ҳар тарафга қочиб кетишаркан. Кишилар анъанага кўра гулхан ёқабошлашлари ва идиш-товоқларни чала бошлашларининг ўзи ҳам итларнинг қочиб кетиши учун кифоя қиларкан» (Г.П.Снесарев, Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма). Халқимизда юқоридагидан ташқари, «Сафар ойида берсанг, топар ойида оласан» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Сафар (яъни, ёмонлик) ойида бировга бир нимани қарзга берсанг, кейин ундиролмайсан, у киши ўша нарсани топар (топган) ойидагина сенга қайтариб берса, эҳтимол», демоқчи бўлганлар.

Сахий топса, бўлиб ер, бахил топса, босиб ер.

Юқорида — «Бахилнинг боғи кўкармас» мақолига ва унинг бир ойидагина сенга қайтариб берса, эҳтимол», демоқчи бўлганлар. халқ ўзининг кўпгина мақолларида сахийлик, жўмардлик, очиқ кўллик — нақадар олижаноб фазилат бўлса, бунинг акси бўлмиш бахиллик, зиқналик, хасислик, қизғанчиқлик шу қадар тубан, ифлос, ярамас иллат эканлигини турли тамсиллар воситасида ифода этиб, сахийликни улуглайди, бахилликни қоралайди, ҳар иккисининг яхши ва ёмон оқибатларини кўрсатади: «Ботир топса, барча ер, Бахил топса, босиб ер»; «Бахилда бор бўлса ҳам — йўқ, Сахийда йўқ бўлса ҳам — тўк»; «Ботир топади, ботмон ейди» («Ботир, мард, сахий одам меҳнат ва ҳаракати эвазига кўп топади ҳам, кўп ейди ва едиради ҳам», дейилмоқчи); «Сахий булут боғга ёмғир қуяди», «Мард бир ўйлар, Номард юз ўйлар» («Мард, яъни сахий, қўли очиқ одам бировга бир нимани берарда кўп ўйлаб ўтирмайди-да, шартта беради-қўяди. Номард, яъни бахил, зиқна, хасис одам эса «берсаммикин, бермасаммикин?» деб, кўп ўйлайди, орқага суради, пайсалга солади бермасликнинг турли-туман баҳоналарини излайди», дейилмоқчи); «Пайсалга соладиган сахийдан — тез жавоб берадиган бахил яхши»; «Сўрамай берганни — йўмард деса бўлади, Ҳайдамай юргани — югурук деса бўлади» (йўмард — жўмард, сахий, қўли очиқ одам); «Мард бериб хурсанд бўлади, Номард — олиб»; «Сахий берганин айтмас, Эр айтганидан қайтмас»; «Сахийнинг ўнг қўли берса, чап қўли билмас» («Сахий одам бировга берган нарсасини одамларга гапириб, мақтаниб юрмайди, миннат ҳам қилмайди», дейилмоқчи); «Қўли очиқнинг — йўли очиқ»; «Сахий билан бахил бир булоқдан сув ичмас», «Тошни тошга урса, ўт чиқади, Бахил сахийга қўшилса, ўти чиқади» (Бундаги «ўти чиқади» ибораси «юраги ёрилади», деган маънодадир. Киши организмида бир парда орасида ўткир заҳар бўлади. Уни «ўт», «ўтака», «заҳра» деб атайдилар. Шу «ўт» ёрилса киши қаттиқ азоб тортади, ҳатто ўлади ҳам. Тилимиздаги «ўтакаси ёрилади», «заҳраси учди» ибора-

лари шундан келиб чиққан. Мазкур мақол билан: «Агар бахил сахийга қўшилиб, шериклик иш қилса-ю, сахий ўртадаги нарса устидан саховат қилиб қўйса, буни кўриб, бахилнинг ўти чиқади»; «Сахий билан бахилни эшагининг тўқими билдиради» (Сахий одам қўлидаги маблағни эшагига қимматроқ баҳода сотиладиган яхши тўқим сотиб олиб ёпишга аямайди. Бахил одам эса, маблағи бўла туриб, уни ўз эшагига сарфлашдан ҳам қизғанади-да, қаёқдаги жулдур тўқимни ёпиб юради. Эгасининг сахий ё бахиллигини эшагининг тўқимидан ҳам билиб олса бўлади», дейилмоқчи); «Сахийнинг хайрига бахилнинг боши оғрир», «Сахийнинг ишига бахилнинг тиши қамашар», «Биров қимизак ейди-ю, Бировнинг тиши қамашади» (қимизак — нордон, тишни қамаштирувчи, хом, ғўр мева). Мазкур мақол билан мажозан: «Сахий бировга хайр-эҳсон қилса, бунга бахилнинг юраги ачишади», дейилмоқчи); «Қизғанчиқ бузоқ улоқ эмганини кўролмас», «Қизғанчиқ қийиқча боғлаганни кўролмас», «Бер-бер» дейди раҳмон, «берма» дейди шайтон»; «Тангрининг берганига шайтоннинг бахиллиги келибди»; «Тангрининг молини султон қизғанар»; «Бер» дер эди субҳон, Берар эди султон, «Бер» демаса субҳон, Нечук берсин султон?!»; «Бор нарсани йўқ дема!»; «Бор нарссани йўқ демоқ — қабоҳат»; «Айрон сўраб келгандан челагингни қизганма»; «Сеники-меники»— кўнгил торлиги, «Нари ёт-бери ёт»— тўшак торлиги»; «Тўшак торлиги — торлик, Кўнгил торлиги — хорлик»; «Сув қаттиқ ерда тўхтайди» (Мажозий маъноси: «Сув қаттиқ ерга сингиб кетмай, туриб қолганидек, мол-дунё ҳам бировга бир нима бермайдиган, ҳатто ўзидан ҳам қизганадиган зиқна одамларнинг қўлида тўпланади»); «Ёмоннинг моли уйинда куяр, Яхшининг моли йиғинда куяр»; «Бир танга — бия бўлмас, Икки танга — туя бўлмас, Биров молин қизганган — Ўз молига эя бўлмас» (эя — эга); «Сафарда йўлдошларинг оёғи бўл, Сарфда тенгдошларинг олдоғи бўл» («Сафарда йўлдошларинг орасида ўзингни ниҳоятда камтар тут. Тенгдошлар ўртасида бир нимани сарф қилишга тўғри келиб қолса, сен ҳамманинг олдоғи (яъни, олди, олдингиси, илғори, биринчи бўлиб сарфлайдигани, бошқалардан кўпроқ сарфлайдигани бўл», дейилмоқчи); «Сахий бўлмаса, бахил ҳаром ўлар»; «Сахий хор бўлмас, Бахил бихиштга кирмас» (биҳишт — жаннат); «Сахийнинг қўли очиқ, Қўли очиқнинг — йўли очиқ» («Қўли очиқ, сахий одам бошқалардан бор нарсасини аямайди, мардлик қилиб сарфлаб юбораверади. Бошқалар эса буни эътиборга олиб қўядилар, ҳеч қачон унутмайдилар, кези келганда улар ҳам сахий одамдан ўз нарсаларини аямайдилар, уни ҳурмат-эҳтиром қиладилар, ўз давраларига тортадилар. Шунинг учун ҳам қўли очиқ одамнинг йўли очиқ бўлади, яъни бировларга «ўтказиб» қўйганлиги туфайли, бировлардан бир нима сўрашга, бировларнинг ҳузурига кириб бораверишга ҳадди сиғади», дейилмоқчи). Одамлар тўрт хил бўлади: очкўз, бахил, олижаноб, сахий. Очкўз ўзи ҳам емайди, бировга ҳам бермайди. Бахил ўзи ейди, бировларга бермайди. Олижаноб ҳам ўзи ейди, ҳам ўзгага беради. Сахий ўзи емай, ўзгага беради. (Юсуфий).

Бахил кўп йиғди ҳаромдин олтину кумуш,
Қарғиш олиб юрди, устига эшитди сўкиш.
Ўзи ўлди, тақсим бўлди моли душманлар аро,
Бахил ҳисса олди: кишилардан сўкиш.
Бахиллик дори билан даволаб бўлмас касалликдир,
Бахилнинг қўли саховат, ҳадя учун бутунлай ёпиқдир.

(Аҳмад Югнакий).

Саъва иши — сайрамоқ, ҳўкиз иши — хирмон янчмоқ.

Бу мақол билан: «Ҳар ким ўзи билган, ўзининг ақли, кучи етган

ишни қила олади. Кучлининг ишини кучсиз одам, ҳунарлининг ишини ҳунарсиз одам ва б. қиламан, деб уринса, бари бир қилолмайди, икки ўртада хижолат тортгани, шарманда бўлгани қолади. Шундай экан, қўлингдан келмайдиган ишга уринмаёқ қўякол!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Сақлансанг — сақлайман, сақланмасанг, ўтга қоқлайман.

Кишини ҳаётда ҳамиша хушёр, сергак, эҳтиёткор бўлишга, ўзини бало-қазолардан, замонанинг турли ҳаводисларидан, мол-ҳолини эса ўғри-ўтрукдан сақлашга даъват этиб айтиладиган мақол. Вар.: «Сақланганни худо сақлар»; «Соқликда хўрлик йўқ, Сақлансанг — сақларман»; «Соқ бўлсанг, сақлайман»; «Офат кўрмай десанг, хушёр бўл!»; «Соғликка шошил, Соқликка шошилма» («Тансиҳатингни сақлашга, касалликнинг олдини олиш, касалингни даволашга шошил-у, аммо соқлик, хушёрлик, эҳтиёткорликда зинҳор шошилма, ҳар тарафини агрофлича ўйлаб иш кўр», дейилмоқчи); «Сақлансанг, соғ қоларсан»; «Сақланган — соғлом бўлар»; «Сен балога тегмасанг, Балонинг сенда не иши бор?!»; «Бўладиган балога — эгасининг ўзи сабабчи»; Сақланган — соғ, Сақланмаганнинг юраги доғ»

Саҳрода янтоқ ҳам дарахт бўлиб кўринади.

Бунинг мажози: «Қаерда бирор нарса йўқ ё камёб бўлса, ўша ерда аслида ёмон, кўримсиз, сифатсиз, қадрсиз нарса ҳам яхши, қуркам, қадр-қимматли бўлиб туюлади», деган маънода қўллайдилар. Вар.: «Сувсаганга сароб сув кўринар». Сароб — атмосферанинг турли қатламлари турлича қизиган, ҳаво очиқ ва тиниқ кунларда уфқ ортидаги кўзга кўринмайдиган нарсаларнинг ҳавода акс этиб кўринишидан иборат ҳодиса.

Секин эшсанг, боғ бўлур, от-эшагинг соғ бўлур.

Ўтмишда «ярим чорва», деҳқон, боғдор шаҳарликлар ўзларининг шаҳар чеккасидаги боғларига чиқиб, кун бўйи ишлаб, кечқурун от, эшакларига озуқа бўладиган ўт-ўланларни ўриб, ўша уловларининг ўзига ортиб, уйларига қайтардилар. Шунда ўт-ўланни боғламоқ учун ўтнинг ўзидан «арқон» қилиб эшардилар. Агар ўтлар шошилмай, аста-секин эшилса, маҳкам бир арқондек бўлиб, ўт-ўланни боғлашга ярар эди. Агар шошқоқлик ё укувсизлик билан эшилса, ўтлар бир-бирига илашмай, қовушмай, «хом» бўлиб қолиб, боғлашга ярамас эди. Ундай «арқон» билан боғланган ўт-ўлан боғларини от-эшакка ортиш ҳам ноқулай, «шода-шўнғула» бўлиб, йўл-йўлакай ечилиб кетиб, кишини овора қиларди. «Арқон»ни яхши эшиб, ўт-ўланни пишиқ боғлаб, нес-нобуд қилмай уйга келтирилса, от, эшак уни еб, тўйиниб, эртасига яна ишга ярарди, соғ-саломат бўларди... Мазкур мақол билан: «Ўмуман, ҳар бир ишни шошилмай, пишиқ-пухта қилсанг, ниятингга етарсан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Семиз қўйнинг умри қисқа.

Вар.: «Орик боқилар, семиз сўйилар»; «Семиз қўй пичоққа бот учрайди»; «Семиз қўй ўзини қанорада кўради». Одатда қўй семирди дегунча, дарҳол уни сўядилар, умри қисқа бўлади. Орик бўлса, яна бир оз боқиб, семиртириб, кейин сўядилар. Юқоридаги мақолларнинг тўғри маъноси шуни ифода этади. Мажозан эса: «Хиёнаткорлик, жиноятқорлик, «эгри қўл»лик, юлғичлик, порахўрлик ва шу каби нопок, харом-хариш йўллар билан топилган «бебилиска» пуллар ҳисобига бот фурсатда бойиб, «ошиб-тошиб», «семириб», «битиб кетиб», босар-тусарини билмай қоладиган одамнинг бу «даври-даврони» узоққа чўзилмайди, қилмишлари ошкор

бўлиб, қўлга тушиб, шармандаси чиқиб, тегишли жазосини олади», деган маънода қўллайдилар.

Семизликни қўй кўтарар.

Вар.: «Семизликни қўй кўтарар, Ориқликни — булбул»; «Семизликни қўй кўтарар, Оғирликни — ер»; «Ўланни тўй кўтарар, Семизликни қўй кўтарар»; «Мол семирса — фойда, Одам семирса — зиён»; «Мол семирса эгиз топар, Одам семирса зиёнга чопар»; «Тўла йўғон пўла бўлар»; «Семизлик — ҳаммоллик» («Ҳаддан ташқари семириб кетган одам ўзининг оғир вазнини ўзи ҳаммолга ўхшаб кўтариб юради», дейилмоқчи). Қўй ҳар қанча семирса ҳам, бу семизликни кўтаради. Ҳатто думбаси 2-2,5 пуд бўлса ҳам, кўтариб юравераді. Бундай қўйни «кетмон қуйруқ» дейилади. Юқоридаги мақоллар: «Семизликни қўй кўтара олади, аммо одам кўтара олмайди. Ҳаддан ташқари семириб кетган одам касалга тез чалинадиган ва унча-мунча касалликни кўтара олмайдиган бўлади», деган маънода қўлланилади. «Семизлик инфаркт хавфини икки марта оширади» (Донолар саломатлик ҳақида, Афоризмлар тўплами).

Семизнинг оёғи — саккиз.

Вар.: «Семиз, семизнинг оёғи — саккиз»; «Семизнинг оёғи — сегиз, Қўзиси — эгиз»; «Семизнинг оёғи — саккиз, Ҳуркканнинг туёғи — тўққиз». Бу мақоллар кўпроқ қўйга нисбат бериб айтилган. Оёғи саккиз» деганларининг боиси биринчидан шуки, битта (тўрт оёқли) семиз қўй иккита (яъни, саккиз оёқли) қўйнинг ўрнини босади; иккинчидан, одатда семиз қўй эгиз (яъни, «саккиз оёқли» иккита қўзи) туғади. Мажозда бойлар «семиз»га, камбағаллар «ориқ»қа ташбиҳ этилади. Юқоридаги мақоллар билан кўчма маънода: «Бойларнинг оёғи чаққон, қўли узун, гапи чечан, омади юришган, «айтгани-айтган, дегандеган» бўлади, деб қочирим қиладилар. Бу фикрни қувватловчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Дунёда ким чиройли? Семиз чиройли!»; «Ким кўркам! Семиз кўркам!»; «Семиз — кўркам, Бой — чечан»; «Семизнинг сирти — силлиқ» (Семиз отнинг, молнинг сирти силлиқ бўлиб, ялтираб туради. Бу билан мажозан: «Ортиб-тортиб, «битиб кетган» бой ва бойваччалар ташқи кўринишидан, кийган кийим-кечагидан ҳам маълум бўлиб туради», дейилмоқчи); «Семиз қуртнинг уяси — ёнғоқнинг каваги» («Бойлар ҳузур-ҳаловатда, роҳат-фарағатда яшайди, маишат қилишни кўзлайдилар ва шунинг ҳаракатида бўладилар», дейилмоқчи).

Сен ҳам дерсан: «гаримдори», мен ҳам дерман: «гардим — дори».

Халқ бу мақолни гармдори (қалампир) тилидан айтган. Мақолнинг кенгроқ мазмуни шундай: Гаримдори айтаяпти — «Сен (одам) мени «гаримдори» (яъни, аччиқ нарса) деб мазах қиласан-у, аммо менинг гардим (яъни, жуда озгина миқдорим) ҳам сенга дори бўлади». Дарҳақиқат, халқ медицинасида баъзи касалликларни даволашда гаримдоридан фойдаланганлар. Вар.: «Нортуя-туяларнинг нори, Вақти келса, гаримдори ҳамдори».

Сендан ҳам ўтар бу бойлик, мендан ҳам кетар бу йўқлик.

Вар.: «Чорванинг ҳам моли туғар, Бир қораси икки бўлар». Бу мақолларни ўз бойлигидан мағрурланиб, ўзгаларни назар-писанд қилмайдиган, камситадиган, одам ўрнида кўрмайдиган, «оёқ учида кўрсатадиган» одамга қарата: «Сен бу бойлигингга ишониб, кўп керилаверма, уни сенга «боғлаб» бериб қўйган эмас, бир кунмас-бир кун ажраб ҳам қоларсан, бу дабдабангдан ҳам тушарсан. Ме-

нинг бу йўқлигим, муҳтожлигим ҳам мангу эмасдир, ахир. Кези келиб, менинг ҳам «кўчамда байрам бўлиб қолар». Ўшанда сен ким деган одам бўласан?! Бас шундай экан, бойлигингга керилма!» деган маънода киноя тарзида қўллайдилар.

Серваъда киши ёлғончи бўлади.

Бу билан: «Жамиятда яшаяпсанми, кимнинг қандайлигини кўра бил ва шунга қараб жавоб-муомала қил! Одамлар орасида айёрлар, муғомбирлар, «туллак»лар, «пихини ёрган»лар, «илоннинг ёғини ялаган» лар оз эмас. Агар хушёр, эҳтиёткор бўлмасанг, бундай одамлар сени алдаб, «чалиб йиқитиб», «чув тушириб» кетиши, панд бериши, зиён-заҳмат етказиш ҳеч гап эмас! Жумладан, кўп ваъдалар бериб, сени бирор нарсага кўндирмоқчи бўладиган одамга кўпда ишонма, бундай одамларнинг аксарияти ёлғончи, фирибгар бўлади!» деган маънода огоҳлантириб, насиҳат қиладилар.

Сигир сув ичгунча, бузоқ муз ялайди.

Одатда қиш кунларида сигирга сувни бир идишда (челакда) олиб келиб ичирадилар. Сигир сув ичиб бўлгунча бузоқ интилаверса, уни тинчитмоқ учун челак бетидаги музни ташлайдилар. Бузоқ шу музни ялаб, овуниб туради. Сигир ичиб бўлгандан кейин бузоққа ҳам сув олиб келиб ичирадилар. Вар.: «Бузоқ муз ялайди, Тўрпоқ туз ялайди» (тўрпоқ — олти оиликдан бир ёшгача бўлган бузоқ). Булар билан мажозан: «Ош-нон, иззат-икром, ҳурмат-эътибор олдин катталарга (яъни қарияларга), қолаверса ёшларга», деган маънода насиҳат қиладилар.

Сигир ҳам ўз охурини танийди, эшак ҳам.

Бу мақолни мажозан: «Ҳар ким қорни тўядиган, бирор фойда кўрадиган жойини яхши билади», деган маънода қўллайдилар.

Сиз буғдо-ю, биз сомон, сиз яхши-ю, биз ёмон.

Баъзи одам ўзини яхши, ўзгаларни эса ёмон деб ҳисоблайди; ўзини бошқалардан баланд олиб, ўзгаларни паст кўради. Мазкур мақолни ана шундай такаббурликка, мағрурликка берилиб кетган, шу ярамас феъли туфайли эл кўзига ниҳоятда хунук кўринадиган одамнинг тўғидан-тўғри юзига ёхуд орқаворатдан киноя, кесатиқ тарзда айтадилар.

Агарчи мен ёмон, сен яхшидурсан,
муътариф дурмен.
Ўзини яхши тасаввур айлагон
мендин ёмон эрмиш
(Навоий).

Сиз кўрган катта толлар кесилиб кетган.

Вар.: «Сиз кўрган айвон уйга айланиб кетган»; «Сиз ўтган кечувларни сув олиб кетган». Бу мақоллар илгариги яхши аҳволи кейинчалик ёмонлашиб қолган (масалан: илгари бадавлат бўлиб, кейин камбағаллашиб қолган; оиласидаги илгариги хушчақчақлик ўрнини ғам-ғусса эгаллаган ва ҳ.к.) одам томонидан суҳбадошининг: «Фалон нарса ҳалиям ўшандайми?» деган мазмундаги саволига жавобан айтилади.

Сиздан — угина, биздан — бугина.

Ё ошкора, ё хуфиёна ёинки шама қилиб: «Аввал сиз «бир нима» берсангизгина (ёки «фалон ишимни битириб берсангизгина») иккинчи ишингизни битказиб бераман», деювчи пораҳўр, юлғич, тамагир одамлар тилидан айтилган бу мақолни шундай

одамларининг ўзига нисбатан ички киноя ва кесатик мақомида қўллайдилар.

Сийлаган сигимли бўлар.

Вар.: «Сийласанг, сий қўрасанг».
Бу мақоллар билан: «Сен бошқаларни сийласанг, яъни иззат-эҳтиром қилсанг, уйингга меҳмон қилиб чақирсанг, бирор вокеа муносабати билан совға-салом берсанг, йўқлаб турсанг ва ҳ.к., улар ҳам сени сийлайдилар, иззат-ҳурмат қиладилар, уйларига меҳмон қилиб чақирадилар ё уларнинг хонадонига вақт-бемахал боришга ҳаддини сиғдиради, улардан совға-салом оласан ва ҳ.к.» деган маънода кишиларга яхшилик қилишга даъват этадилар.

Силаганни сигир билмас, сийлаганни — хўкиз.

Вар.: «Сийлаганни сигир билмас, «Хўкиз» деганни — ўгиз»; «Сигир сийлаганни билмас, Ёмон — сийлаганни»; «Эшак сийлаганни билмас, Ёмон — силаганни»; «Ит иззатни билмас, Хўкиз — хурматни». Бу мақолларни ўз иззатини билмайдиган, биров томонидан ўзига қилинган яхшиликни билмайдиган, қадрламайдиган, яхшиликка жавобан яхшилик қилиш у ёқда турсин, ҳатто ёмонлик билан жавоб қайтарадиган ярамас, балфеъл, бадхулқ, ношўр, игвогар, туҳматчи, чақимчи, дилгир ва ҳ.к. шу каби жирканч иллат эгаларига нисбатан қўллайдилар.

Силасанг — сирт ялоғи, силамасанг — ит ялоғи.

Бу билан: «Уй-рўзғор асбобларини, идиш-аёқни эҳтиётлаб, озода, тоза-за тутиб борсанг, уйинг ичи тутул, сиртини ҳам ялаган бўлади. Аксинча, вақтида ювиб, артиб, тозалаб турмасанг, бора-бора ифлос, иркит, жирканч бўлиб, унга солинган нарсани егинг, ичинг келмайди, ирганасан, у бамисоли ит ялағидай бир нарса бўлиб қолади», деган маънода озодаликка, покизаликка даъват этадилар.

Синамаган отнинг сиртидан ўтма.

Киши ўзини бало-қазодан, замонанинг турли хавфисларидан эҳтиёт қилиши, ҳамавақт, сок, зийрак, ҳушёр бўлиб юриши зарурлигини уқтирувчи мақол. Вар.: «От, бир қилиги ёт»; «Тишлоғич от тишини кўрсатмас»; «Отни тепмайди, дема. Итни қопмайди, дема»; «Итни қопмас деб бўлмас, Отни тепмас деб бўлмас»; «Тепмас от бўлмас, Қопмас ит бўлмас»; «Синалмаган фариштадан, синалган шайтон яхши» (Бунда яхши нарса ва кимса фариштага, ёмон нарса ва кимса шайтонга ташбих этилган бўлиб, «Ёмон деб ҳисоблайдиган нарса ва кимсалар билан қандай муносабатда бўлишни ўзингиз биласиз, албатта. Аммо, яхши деб ҳисоблайдиган нарса ва кимсаларга нисбатан ҳам ортиқча ишонган ҳолда бепарво бўлманг, уларни ҳам аввал синаб кўринг-да, кейин ўзингга яраша муомала қилинг», деган маънода огоҳлантирилади); «Синалмаган қаимоқдан, синалган қатиқ афзал»; «Сафар борсанг, сарисин сина. Сарисин синамасанг, барисин сина»; «Йўлдошинг «ит» бўлса, таёғингни берк тут»; «Бўри билан дўст бўлсанг, итинг ёнингда бўлсин»; «Аниқни йўқласанг, таёқни қўлга ол»; «Айиқдан ошнанг бўлса, ёнингда ойболтанг бўлсин»; «Арслонни минсанг, қамчининг қилич бўлсин»; «Бетида туки бор нарса кишига дўст бўлмас» (Бетида туки бор нарса, яъни ҳайвон ҳар қанча қўлга ўргатилган бўлса ҳам, барибир одамга дўст бўлмайди, бир кунмас-бир кун зиён-заҳмат етказиши мумкин. Шунинг учун ундан ҳамавақт эҳтиёт бўлиб юр», дейилмоқчи).
Кимники айлай дер эсанг маҳрамингни,
Кўп синамай айламагил ҳамдамингни.

(Навоий).

Чап бериб, пойлаб тегарга ўлтирган йўқ этида,
Ёпланиб бермай йирок тур охунинг четида

Дуст бўлмайдур — масал — туклук нимарса бетида,
Олдидин келсанг оғиз солғай, мабодо кетида —
Тепадур хоҳи чукурлиқ хоҳ том, ўлсун бу от

(*Муқимий*).

Синган — кулолнинг кўзаси, тўкилган — бўза гарнинг бўзаси.

Бу билан: «Ҳа синган бўлса — кулолнинг кўзаси синибди, тўкилган бўлса — бўзагарнинг бўзаси тўкилибди. Шунга ҳам хафа бўлиб, қайгуриб, изтироб чекиб ўтирасанми?! Бўлар-бўлмасга қайгуриб, ташвишланиб юрма, асабингни бузма, ўз сиҳатингни ҳам ўйла», деган маънода насиҳат қиладилар. «Қўшнимнинг сигири думсиз туғди, деб ғам ема!» деган мақолни ҳам шу маънода қўллайдилар.

Синган қўлнинг оғирлиги бўйинга тушади.

Одатда кишининг қўли синса, уни боғлаб, бўйинига осиб қўядилар. Демак, ўз қўлининг оғирлиги ўз бўйинига тушади. Мазкур мақол билан мажозан: «Бировнинг дарди учун биров кўнда азият чекмайди. Ҳар ким ўз дардининг (ўз мувафақиятсизлигининг) азобини, зиён-захматини ўзи тортади», дейилмоқчи.

— Шуни унутманки, Абулбарака, синган қўлнинг оғирлиги бўйинга тушади. Менинг бўйним сенинг дардингни энди кўтаролмайди» (Шуҳрат, Жаннат қидирганлар).

Синиқ кўзани синдирганга бер.

Бу билан: «Бирор одам бирор нарсангни синдириб, бузиб, яроқсиз қилиб қўйса, уни ўша одамнинг ўзига бер, токи ўзи зиён келтирибдими, захматини ҳам ўзи тортсин!» дейилмоқчи. «Кизингни ўйнашганга бер», деган маънода ҳам қўллайдилар.

Синиқдан бошқасининг бари юқади.

Маълумки, касалликларнинг ҳаммаси ҳам юқумли эмас. Аммо, санитария ва гигиена қоидаларига риоя қилинмаган, касалликларнинг олди олинмаган, бунинг натижасида кўп касалликлар кишидан кишига юқиб, оммавий тус олиб кетган замонларда одамлар: «Суяк сингандан бошқа касалликнинг ҳаммаси юқади», деган тушунчалар бўлган. Мазкур мақол шундай тушунча натижасида юзага келган. «Синиққа силтов топилмас» деган мақол ҳам борки, бу билан: «Суяк синганнинг «иши» қийин. Суяк «чиқса»-ку, уни табиб ё бирор биладиган одам бир силтаб, жойига солиб қўяди-я, аммо синган суякни ҳар қанча силтаган билан асли ҳолига келтириб бўлмайди. Умуман, бутунлай ишга яроқсиз бўлиб қолган нарсани қайтиб яроқли қилиш — амри маҳол», дейилмоқчи.

Синмасни кулол ясамас, ўлмасни худо яратмас.

Вар.: «Ўтмас умр бўлмас, Синмас темир бўлмас»; «Ўлим — шоҳу гадога баробар»; «Ўлим — ҳақ, мерос — ҳалол»; «Ўлган келмас, Ўчган ёнмас»; «Кафан кийган қайтмайди, Капанак кийган қайтади»; «Кетган келар, Кетмонлаган келмас»; «Сувга кирган қуруқ чиқмас, Гўрга кирган тирик чиқмас»; «Ўлмак, ўлмакнинг иши — кўммак»; «Қари ўлса, ҳафта сақла, Ўлигини қонда сақла»; «Ўлган учун ўртанма»; «Ўлганга ўкинма, Қолганга барака берсин»; «Йиглаган билан ўлик тирилмас, Ямаган билан чўрик тикилмас». Бу мақоллар билан бирор яқини вафот этган кишига: «Дунёга келган одам дунёдан кетади ҳам. Бу — табиат қонуни. Бас шундай экан, ўлган учун кўп қайгуриб, кўз ёши қилиб, ғам-ғуссага ботиб, куйиб-ёнишнинг фойда-

си йўқ. Бундай қилган билан барибир ўлган одам қайтадан тирилиб келмайди. Киши ўз сиҳатини ҳам ўйлаши керак» деб тасалли бериб, юпатадилар.

Синч уйим — тинч уйим.

Вар.: «Уйим синч — кўнглим тинч». Биология фанлари кандидати А. Усмонов бу мақоллар хусусида шундай ёзади: «Тарихий манбалардан маълум бўлишича, аждодларимиз неча-неча зилзилаларнинг шоҳиди бўлишган ва, натижада, улар уйларни зил-зилага бардош берадиган қилиб қуриш — синчли уй солишни кашф этишган. Тошкентда бўлиб ўтган зилзилада (муаллиф 1966 йил 26 апрелда бўлган зилзилани назарда тутган — Ш. Ш)... ҳатто зилзила ўчоғи устидаги синчли уйлар ҳам кулаб тушгани йўқ, фақат деворларида ёриқлар пайдо бўлди холос. «Синч уйим — тинч уйим» халқ мақолининг ҳаққонийлиги яна бир бор исботланди. Демак, синчли уйларни кўпроқ қуриш лозим» (Фан ва турмуш», 1967 йил, 2-сон.)

Сипоҳ сирин яширолмас, пучуқ — бурнин

(сипоҳ — хон, амир саройида узоқ хизмат қилган лавозимли киши; амалдор; кўчма маънода — ўзини катта олиб юрувчи, такаббур, мағрур, манман, олифта одам). Юқоридаги мақол билан: «Бурни пучуқ одамнинг пучуқлиги шундай кўриниб турғани, у бу айбини яширолмагани каби сипойи ҳам ўзини катта олишини, кибри, ғуруриятини ҳар қанча сездирмасликка ҳаракат қилмасин, барибир аторофдаги кишилар буни шундай сезиб, фаҳмлаб турадилар, у сирини яширолмайди» демоқчи бўладилар. Сипойи одамларнинг қандайлигини ифода этувчи ва улар билан қандай муомалада бўлиш лозимлигини уқтирувчи бошқа бирмунча мақоллар ҳам бор: «Сипоҳ сирин бермас, Аҳмоқ тўрин бермас» («Аҳмоқ уйнинг тўрида ўтирган бўлса-ю, ўзидан катта ёшдаги одам келиб қолса, унга ҳурмат юзасидан ўз ўрнини бўшатиб бермайди. Аҳмоқлигидан, бунинг фаркига ҳам бормайди. Сипойи эса ҳар қандай вазиятда ҳам сипоҳгарчилик, бировга — хоҳ таниш бўлсин, хоҳ нотаниш — сирини бермасликка ҳаракат қилади», дейилмоқчи), «Сипойи совқотмас, қалтирар», У камоли такаббурлиги ва олифталигидан, гарчи совқотса ҳам (яъни, қийналса, ўзганинг ёрдамига муҳтож бўлса ҳам) буни сездирмасликка ҳаракат қилади. Лекин барибир атрофдаги одамлар унинг қалтираётганидан — совқотаётганини фаҳмлайдилар», дейилмоқчи; »Йўқсиллигидан тегирмончилик қилади-ю, Такаббурлигидан ҳақ олмайди»; «Сипойини уйда кўрма, тузда кўр» (туз — дала; бу мақолда «кўча-кўй» маъносига ҳам тўғри келади. »Сипойи ўз уйида одатдаги одамлардек юрса ҳам, бутун «ҳунари»ни, сипоҳгарчилиги-ю, олифтагарчилигини кўча-кўйда, яъни одамлар орасида кўрсатади», дейилмоқчи); «Сипоҳнинг савлати — савсар телпаги»; «Сен» деган — сипойига ўлим»; «Ер ёмони — бозор жой, Чўп ёмони — қовға, Одам ёмони — сипойи» (бозор жойнинг ҳамма ёғи банд бўлиб, «тиқилиб» ётади. Бундай жойда яшайдиган одам ортиқча уй сололмайди, ҳовлисини, томорқасини бирор карич ҳам кенгайтира олмайди. Шунинг учун бундай ерни «ёмон ер» деганлар; қовға, қўрға — ичи ковак ва юмшоқ, бардига ўхшаш узун бўлиб ўсадиган кўп йиллик ўсимлик. Бундай чўпни — ўтни моллар суйиб емайди); «Сипойининг қариси, аргумоқ отнинг қариси»; «Нор туянинг қариси шумшук бўлар»; «Қорин гўшт бўлмас, Сипоҳ дўст бўлмас»; «Сипоҳнинг ошнаси бўлмас»; «Сипоҳидан ошнанг бўлса, Ёнингда болтанг бўлсин»; «Сипоҳнинг боши кўприк бўлса ҳам, босиб ўтма» («Сипоҳ, яъни юқори мартабали амалдор гарчанд ўзини ҳамма босиб ўтадиган кўприк мисоли хоксор қилиб кўрсатишга уринса ҳам, сен уни босиб ўтма, яъни унинг бу найрангига учма. Чунки, у ўзининг бирор мақсадини кўзлаб, атайдан ўзини шундай қилиб кўрсатади», деган маънода огоҳлантир-

ганлар); «Сувга суянма, сипойига ишонма!»

Сирка сўрашга ҳам силиқа керак.

(силиқа, силиқ — юмшоқ маъносини билдиради). Мазкур мақолнинг келиб чиқиши қуйидаги ҳикояга боғлиқ: «Бир деҳқон бўлар экан. Деҳқон ўзини табибларга кўрсатибди. Табиблар етти йиллик сиркани истеъмол қилишни буюрибдилар. Деҳқоннинг икки ўғли бор экан. У катта ўғлига: «Сен фалон қишлоққа боргин, у ерда менинг бир ўртоғим бор, шундан сирка олиб кел», деб буюрибди. Катта ўғли қишлоққа борибди, дадасининг ўртоғини топибди. Бу кекса одам ер ҳайдаётган экан. Деҳқоннинг катта ўғли салом ҳам бермабди, ҳол-аҳвол ҳам сўрамабди. Тўғридан-тўғри: «Бобо, отам сизда етти йиллик сирка бор, шундан олиб кел, деб айтдилар», дебди. Бобонинг энсаси қотиб, жаҳли чиқиб, «Менда бундай сирка йўқ», деб қайтариб юборибди. Деҳқоннинг кичик ўғли: «Қани, мен ҳам бориб кўрайчи, зора олиб келсам», деб жўнаб кетибди. У тўғри бобонинг олдига борибди. Бобо ер ҳайдаётган экан. «Ассалому алайкум, бобо, хормант! Сиз бир оз дам олинг, мен қўш ҳайдаи» деб, ерини ҳайдаб берибди ва дам олгани бобонинг ёнига бориб ўтирибди. Бобо сўрабди: «Болам, нима қилиб юрибсан, кимнинг ўғлисан?». Бола: «Ўртоғингиз фалончи деҳқоннинг ўғлиман. Отам бетоб бўлиб ётибдилар. У кишининг касалларига сирка дори экан. Ҳаммадан сўрадим. Сизнинг қўш ҳайдаётганингизни кўриб, раҳмим келди, қарашиб юборай, деб ўйладим. Мен сиркани тез топиб, отамнинг ҳузурига боришим керак. Отам бечора йўлимга тикилиб ўтиргандир».— деб ўрнидан кўзғалган экан, бобо: «Сен бирпас қўш ҳайдаб тур, мен уйга бориб, сирка олиб келаман», деб жўнаб кетибди. Бир оздан сўнг чол бир шишада сирка келтириб берибди. Кичик ўғил сиркани олиб, бобога раҳмат айтиб, отасининг олдига жўнабди. Отаси кичик ўғлидан хурсанд бўлибди ва катта ўғлига қараб: «Сирка сўрашга ҳам силиқа керак, ўғлим», дебди...» Вар.: «Сирка тиламакка ҳам усул керак».

Сирка хом бўлса, идишни Ёради

Вар.: «Сирка ўткир бўлса, шишани синдиради». Сирканинг хусусияти шундайки, хом (яъни, ҳали етилмаган) бўлса ҳам, ўткир (яъни, обдан етилган) бўлса ҳам, солинган идишни ёриб юборади. Мазкур мақоллар билан мажозан: «Киши «хом» бўлса (яъни, хоҳ касб-ҳунарда, хоҳ илмда, хоҳ бирор ишни бошқаришда билмсиз, тажрибасиз, укувсиз бўлса), ишни бузади, «кош кўяман деб, кўз чиқазади». Шунингдек, киши «ўткир» яъни, ўта «пишиқ», ўта тажрибали) бўлса ҳам, ўз манфаати йўлида одамларга бирор зиён-заҳмат етказиши мумкин», дейилмоқчи.

Сирингни сиртга чиқарма.

Бу мақол билан ички сирни сақлаш бениҳоя зарурлиги, бировга айтилмаслиги керак бўлган сирни ошкор қилиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги уқтирилган. Вар.: «Темирнинг кичиги ҳам — темир, Сирнинг кичиги ҳам — сир» («Ҳа, шуни айтсам нима қиларди, деб кичик сирингни ҳам бировга айта кўрма!» дейилмоқчи); «Сиринг — сенинг асиринг» (сир — қаттиқ туриб сақланадиган, қўлдан чиқариб юбормасликка ҳаракат қилинадиган асирга ташбиҳ этилган); «Юрак дастурхон эмаски, ҳамманинг олдига ёзилаверса»; «Уй сири — ёпиғлиқ қозон»; «Эр йигитнинг ичида эгарлоғлиқ от ётар». Бу билан мажозан: «Ақлли, эҳтиётқор одам юрагини кенг қилиб, «оғзига маҳкам» бўлиб, ҳар қандай катта сирни ҳам сиртга чиқармай, ичида сақлай олади», дейилмоқчи; «Туяни ют, думи огзингдан кўринмасин»; «Қулон бошига иш тушса, қуйругига сир айтмас»; «Сирни сукут сақлайди»; «Сир учини сўз очар, Сир очгандан эл қочар»; «Содда сири — тилида, Писмиқ сақлар дилида»; «Кўнгилдаги сирни

эмас»; «Уч киши билан сир — сир эмас»; «Енилган тан олмас»; «Ўз юрагингга сиғмаган сир — ўзганинг юрагинга сиғмаган сир — ўзганинг юрагингга сиғмас»; «Ўтган-кетган оғзидан чиққан сўз уттиз ерўқа етилади»; «Томоғи томоғи бўлмоқда, Дард ёлиб битади, Ёт кишига сир айтма, Ҳар томонга етади»; «Ёмонга айтсанг сиринги, Минтақа қилар бирингни»; «Овулга айтсанг ошар, Қўшнига айтсанг қўшар»; «Қўшнининг билгани — оламнинг билгани»; «Ич сиринги отанга ҳам айтма»; «Синамаган дўстингга сир айтма»; «Ўз дустим деб сир айтма, Дустингнинг ҳам дусти бор»; «Дўстга айтдим сўзимни, Душман билди сиримни»; «Сиртинг синса ҳам, Сиринги ева берма»; «Сар берсанг бер, сир берма!» («Душман билан олишувда бошингни берсанг ҳам, яъни ҳалок бўлсанг ҳам, унга асло сиринги бера қурма», дейилмокчи); «Оғзинг тула қон бўлса ҳам, Душман олдида тупурма»; «Зиён-заҳмат кўрганингни, зарба еганингни душманга асло билдирма, бу нарса сирлигича қолсин», дейилмокчи); «Ёвга сўзинг чин айтма. Чин айтсанг ҳам, сир айтма», «Номард сиринг билмасин, Билиб бағринг тилмасин»; «Ёмон билан иуллош бўлма, Нодон билан сирдош бўлма», «Ёмон билан бўлсанг сирдош, Бошга тушар оғир тош»; «Сир берувчи бўлма, Сир олувчи бўл»; «Сир сақлаганга бало йўқ, Сақламаганга даво йўқ». Яширмокчи бўлган сиринги энг якин дўстингга ҳам айтма, чунки ҳар бир дўстингнинг дусти ва дустининг ҳам дусти бордир» (Саъдий, Гулистон).

Сирти ялтироқнинг ичи калтирок.

Бу мақолни ташқи кўринишига зеб бериб, бақалоқ кининиб, ярақлаб-яйдоқ килиб, бўяниб, тараниб, «қиёфасини» оғзидан чиққанлар бўлиб, ўзини кишиларга кўз-кўз қилиб юрадиган, «қулини совук сувга урмаган» келмаклигини, меҳнатга бўйин қўймаган, ўз илм-билимини, касб-ҳунарини оширишга ҳаракат қилмайдиган олифта, сатанг, тақинчоқларга ўралган кинояли ва истеҳзоли тарзида айтилади.

Сичкон-мушук дўст бўлса, омборни худо урди.

Бу билан «Юлиш, ўғри, хиёнаткорлар бир-бирлари билан дуст бўлиб, тил бириктириб, ҳамкорликда иш қилсалар, эл-юртнинг мол-мулки талон-торож бўлади», дейилмокчи.

Сичкон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига.

Вар.: «Ўзи бозорга сиғмаган туя қўшани кирибди». Бу мақолларни (аксарият ҳолларда) айтилмаган ёхуд ҳадди сиғмаган ерга бир ўзини эмас, бола-чақасини ёки ўртоқларини ҳам бошлаб келувчи «меҳмон»ларга нисбатан айтадилар. Тор иии сичконга солиб эрди ҳам, Куйрукига боғлади ғирбол ҳам (Навоий).

У тилагига етган бир кимсадек қувоч ичида отлиқ кишилокка кириб келади. Ҳамлари дустлари унинг қувончига шерик бўлишади. Унинг қучалаи отлиқ ўтганини кўрган Одамўғлу хайрон бўлади: — Ўзи сиғмас инига, ғалвир боғлар думига ... Қанда бу отни қаерда сақлаб, нима билан бокар экан?.. Бостирмаси, пичани бўлмаса (П. Турсун, Ўқитувчи)

Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади.

«Бўладиган балога аксарият ҳолларда кишининг ўзи сабабчи бўлади: ўзидан жисмонии, моддий с мавжс жиҳатидан кучли бўлган, юқори турадиган одам билан ўйнашади, унинг жаҳлини чиқазади, «ғайратга тегади ва ҳ. к.», деган маънода қўлланади. Вар.: «Сичқоннинг ўлгиси келса, мушукнинг чотини ушлайди»; «Ўғри бўлган сичқон мушукка ҳанг солади»; «Ажали етган сичқон мушукка ҳамла қилар»; «Ажали етган сичқон мушукнинг думини тишлайди»; «Ажали етган барга бўғуз билан ўйнайди»; «Эшагини қалтак еган келса, қўшнисининг тайини сўрайди»; «Эчкининг ёрдами қанча, Чўпонинг ёшини ейди»; «Эчкининг ажали етса, кассобни қўяди»; «Ажали етган киник ғорга

қочади»; «Ажали етган кийик мерганга дуч келади»; «Ажали етган тулки овчининг олдидан чиқади»; «Илоннинг ажали етса, катта кўчага чиқиб ётади»; «Илоннинг ўлгиси келса, шигирда ётар» (шигир — арава ғилдирагининг изи). Одатда кишилар илонни кўрганлари замони ўлдириш ҳаракатига тушадилар. Йўл юзига чиқиб ётган илон ўзини ўзи ўлимга маҳкум этган бўлади. Кейинги икки мақолда шунга шама қилинган); «Йиғлагиси келган бола дадасининг соқолини ўйнайди»; «Ўлгиси келган чивин болга қўнади»; «Парвонанинг ўлгиси келса, шам билан ўйнашади».

Совуқдан қўрққан — қишни ёқтирмас.

Буни тўғридан-тўғри шу маънода ҳам, «қийинчиликка чидамайдиган, енгил-елпи ҳаёт кечиришга одатланган одам қийин ишдан қочади», деган маънода ҳам қўллайдилар.

Совуғинг ошса — бўстон, иссиғинг ошса — гўристон.

Вари: «Совуғинг ошса не давлатдур, Иссиғинг ошса — қиёматдур». Ота-боболар ўзларининг тиббий қараишларида: «Кишининг «совуғи» ошса, сал нарса билан (масалан, асал еса, новвот чой ичса) тўғри бўлиб кетади. Аммо «иссиғи» ошиб кетса, уни тўғрилаш анча мушкул ва оқибати ёмон бўлади», деган хулосага келганларки, юқоридаги мақоллар ана шу хулосанинг маҳсулидир.

Созли тордан нозли садо чиқади.

Тор ва умуман ҳар қандай чолғу асбоби яхши созлансагина ундан яхши, ёқимли садо чиқади. Мазкур мақол билан мажозан: «Тирикчилигинг учун керакли бўлган ҳар бир асбоб-анжом, иш қуроллари ва бли яхши сақлаб, яхши созлашга одатлансанг, ишинг унумли ва сифатли бўлади, қийналмайсан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Сочганда сўзлашмасанг, хирмонда хириллашасан.

Бу мақол деҳқонлар ҳаётидан олинган. Тўғри маъноси: «Бирор киши билан шериклашиб деҳқончилик қиладиган бўлсанг, у билан бошида, экин экилаётганда (уруғ сочаётганда) ҳамма шартларни келишиб ол. Агар бошида шартлашмасанг ёки пухта келишиб олмасанг, ҳосил пишиб, хирмон кўтарилгач, уни бўлиб олишда шеригинг билан гапинг бир жойдан чиқмайди-да, жанжаллашиб қоласан». Мажозий маъноси: «Умуман, ҳар бир ишни, биров билан бирор нарса хусусида келишув, битишувни ва ҳ. к. бошидан пухта қилмоқ керак».

Сочиб мақтанма, йиғиб мақтан.

Тўғри маъноси: «Ана унча уруғ сочдим (экдим), мана бунча ҳосил оламан, деб олдиндан мақтанма. Кўтарган ҳосилинг кўтганингдек бўлмаса, кўнгилсиз олдида уялиб қолишинг мумкин. Олдин ҳосилни кўтар, дуруст бўлса, ана ундан кейин бу ҳақда гапирсанг, хатто мақтансанг арзийди». Мажозий маъноси: Умуман, ҳар бир ишни қиларда олдиндан катта гапирма, аввал уни ниҳоясига етказ, натижаси гапиришга арзигулик бўлса, ана ундан кейин гапирсанг бўлади».

Сояга қараб тўн бичма.

Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, ўтмишда ислом хотин-қизларнинг бегоналарга, яъни «номаҳрам»ларга кўринишни қатъий ман этган. Кийим бичувчи-тикувчиларнинг аксарияти эркаклардан бўлган. Хўш, хотин-қизларга тикиладиган кийимни қандай ўлчаб, бичиб олиш керак? Бунинг чорасини топганлар: хотинни ё қизни парда орқасига қўйиб, шу пардага тушган сояга қараб, ёхуд баланд жойга чиқазиб, ерга ё сувга тушган сояга қараб кийим бичганлар. Бунда, албатта, кийим қоматга жуда мос бўлиб, ёпишиб тушмаган. Бу ҳол юқоридаги мақолнинг туғилишга сабабчи

бўлган. Мақол мажозан: «Ҳар қандай ишни ҳам пухта аниқламай, ҳар тарафини ҳисобга олмай, тахминлаб, қиёслаб, тавакkалига қилма», деган маънода қўлланилади.

Соғ олма шохидан тушмас.

Олмага касал тегсагина, қурт есагина, «огриб», тўкилиб тушади. Соғ олма шохида туриб, обдан пишганидан кейингина узилиб тушади ёки узиб олинади. Мазкур мақолни мажозан: «Бирор одам «қўлга» тушибдими ё амалидан кетибдими — демак, унинг бирор сабаби, хиёнати, жинояти бор. «Соғ» бўлса, тўғри бўлса, ҳақ бўлса, бундай бўлмас эди», деган маънода қўллайдилар.

Сув бир лойқамай тинимас.

Бу мақол асосан эр-хотин муносабатига тааллукли бўлиб, «Сув янги ариққа келганда олдинига лойқаб, кейин тиниб оққанидек, янги турмуш қурган эр-хотин ҳам дастлаб бир-бирининг феъл-атворига, келин янги келган уйининг шарт-шароитларига кўниколмайди. Натижада ари-бери гап-сўзлар, аччиқ-аразлар бўлиши мумкин. Аммо, бу вақтинча ҳодисага бардош бериш керак. Тез орада ҳаммаси изига тушиб кетади», деган маънода қўлланилади.

Сув бор ерда ҳаёт бор.

Ота-боболар бир туркум мақолларда «ҳаёт суви» деб эъзозлангувчи сув инсоният ва табиат ҳаёти учун нақадар зарур, нақадар қимматли нарса эканлигини турли тамсиллар воситаси ила уқтириб, унинг қадрига етиш, тежаб-тергаш, ифлослантирмай, тоза, покиза сақлаш лозимлиги юзасидан насиҳат қиладилар: «Сув — олтиндан азиз»; «Сув — зар, Сувчи — заргар»; «Ой сулуви — нур, Сой сулуви — сув»; «Сув келди — нур келди»; «Сув келди, сув келди, Ариқ тўла нур келди»; «Сувнинг қатраси — офтобнинг зарраси»; «Сув — ёруғлик»; «Эл ҳаёти ер билан, Ер ҳаёти сув билан»; «Ариқдан сув узилмаса, сават дан нон аримас»; «Сув йил оқар, Оламга гул тақар»; «Сув таралар тупроққа, Оро берар янроққа»; «Томчи сувда тол кўкарар»; «Сувсиз ерда тол бўлмас, Қовоғарида бол бўлмас»; «Сувсиз ер — мозор, Сувли ер — гулзор»; «Сувсиз ер — жонсиз жасад»; «Сувсиз ерга қуш қўнмас, Ўтсиз ерга юрт қўнмас» (Бунда «юрт қўнмас» деганда, ўтмишдаги кўчманчи чорвадорлар назарда тутилган); «Сувсиз ер — етим, Молсиз эр — етим»; «Сувсокнинг уйи — сувда»; «Ташнанинг тушига сув кирар»; «Сувни қум тагидан қидир»; «Қум бор жойда сув бор, Сув бор жойда жон бор» (Дашту биёбонларда, қум сахроларида юрганларга сувсизлик, ташналик балосидан қутулиш юзасидан шундай деб насиҳат қилганлар); «Сув тиласанг, Сулаймондан тила». Хоразм воҳасининг хўжалик ҳаётида катта роль ўйнайдиган барча асосий каналлар у ёки бу авлиёнинг номи билан боғланган. Бундай авлиё гоҳо каналнинг ҳомийси сифатида қадрланса, гоҳо Амударёдан мўъжизавий равишда сув чиқариб, каналнинг бевосита асосчиси бўлган киши сифатида қадрланган ... Авлиё Сулаймонни Хонқанинг жануб томонидаги каналлар тармоғининг ҳомийси деб ҳисоблаганлар (Модира яқинидаги мозор), шу каналларда сув камайиб қолган пайтларда унинг мозорига сиғинганлар. «Сув диласанг, Сулаймондан дила» деган мақол ҳам мавжуд эди» (Г. П. Снесарев, Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма); «Сув — султонники, Ер — худоники, Осмонингни ўзинг ол!» (Ўтмишда ерсиз, сувсиз камбағал деҳқонлар азоб-уқубатли ҳаёт жон-жонларидан ўтиб кетганидан, шундай дея аччиқ киноя билан нола қилганлар); «Сувга — ариқ, йўлга — чорик»;

«Экин экмоқ — осон, Сув келтирмоқ қийин» (Илгариги замонларда канал қазиб, сув келтиришдан оғир парса йўқ эди. Мақолда шу ҳол ифода этилган); «Сув келтирар мард киши, Экин экар ҳар киши»; «Сув келтирган мард, сув бермаган — номард»; «Сув қадрини қудуқ қазиган билади»; «Сув ичсанг, қудуқ қазиганни унутма»; «Сувни севган сув келтирар, Сўзни

севган сўз келтирар»; «Сув берган — савоб, Ўт берган — кавоб»; «Сув ичаётганга илон хам тегмас»; «Сув одаси — булок, Сўз одаси — тулок»; «Сувни ич, чашмани булгатма!»; «Сув ичадиган кудугингга тупурма»; «Сувга тупурган — кески, Кудукка тупурган — кофир» (кески — девона, телба; кофир — гайри дин; «Куфрона ишларни қилувчи, неъмат қадрини билмовчи,! кўрнамак, ношукр); «Кудукка тупурма, қайтиб ичаринг бор» (Бу кейинги мақолларни тўғридан-тўғри ўз маъносида хам, мажозан: «Ҳаёт кечиришингда манфаати тегиб турган нарса ва кимсанинг қадрига ет, уни хор қилма», деган маънода хам қўллайдилар).

Сув йўғида — таяммум.

Ислом динининг шартига кўра, намоз ўқишдан олдин тахорат қилмоқ лозим. Сув йўқ жойда икки кафтни тупрокка уриб, бетларига суртадилар. «Туяммум» деб аталмиш бу тадбир гўё сув билан қилган тахоратнинг ўрнига ўтар эмиш. Мазкур мақолнинг тўғри маъноси гарчи ана шу ҳолни ифода этса-да, ота-боболаримиз уни ва унинг мажозий маъносига мос келадиган қуйидаги бир қатор мақолларни кишига турмуш кечириш юзасидан панд-насиҳат қилганда: «Яхшироқ нарса топилгунча ёмонроқ нарсанинг қадрига етиш, ундан фойдаланиб туриш лозим», деган маънода қўллаганлар: «Офтоб чиққунча ойдиндан фойдалан»; «Эти бўлмаса, шўрваси» («Шўрванинг эти — гўшти ейилиб, тамом бўлган бўлса, Шўрвасига нон тўғраб бўлса хам қорнингни тўйғазиб олавер. Э, бунинг гўшти йўқ экан, деб аччиқ-араз қилиб, оч ўтирма», дейилмоқчи); «Қори бўлмаса, ёмгири»; «Суви бўлмаса, шудринги»; «Челак тешик бўлса хам, сув сепишга ярайди»; «Болта ўтмас бўлса хам, суяк синдиришга ярайди»; «Қозон йўқ жойда ёриқ қозон хам — қозон»; «Ўтин йўғида тезак хам — ўтин»; «Хўкизинг бўлмаса, ўзинг чоп, Омочинг бўлмаса, кетмон топ»; «Хўкизга пар топилмаса, эшакни пар қил» («Ер хайдаганда хўкизинг жуфт бўлмаса, бир тақасига эшакни қўшиб бўлса хам ишингни битириб ол. Ўзингдан, яхши нарса топилгунча бекор қараб ўтирма, ёмон нарсадан бўлса хам фойдаланиб тур», дейилмоқчи) «Сигир йўғида эчки хам — сигир»; «От топилгунча оёқ хам улов» (улов — миниб юриладиган хайвон); «Яхши уловнинг йўғидан, Ёмон уловнинг бори яхши»; «Йўғинг топилгунча боринг йўқотма»; «Бўлмагандан бўлгани яхши, Ўлганидан қолгани яхши».

Сув келтирган — хор-зор, кўза синдирган — азиз.

Классик шоирларимиз асарларида фойдаланилганлиги мазкур мақолнинг қадимийлигидан далолат беради:

Рақиби синдуруб кўнглину мен йиғлаб анга, лекин
Сув келтурмак хамону кўза синдурмак хамон эрмиш,
(Навоий)

Кимга дод айлай бориб, шум толеимни дастидин,
Кўза синдирган азиз-у, сув келтирган хор-зор.
(Муқимий)

Сув кетар, тош қолар, ўсма кетар, қош қолар.

Вар.: «Ўсма кетар, қош қолар, Сурма кетар, кўз қолар». Ўсма — узун чўзинчоқ тўқ яшил баргли икки йиллик ўтсимон ўсимлик баргидан сиқиб олиниб, қош ва киприкларни бўяш учун ишлатиладиган қора-яшил рангли суюқ бўёқ. Сурма — кимёвий элемент, кумушсимон оқ мўрт металл; таркибида шу элемент бўлган қорамтир пардоз бўёғи (қош, киприкларни бўяш учун ишлатилади). Мазкур мақоллар билан мажозан: «Бу сураётган давру давронинг, амалу мартабанг ё мол-дунёнг, ёинки хусну жамолинг хам ўтар-кетар, оддий одамлар қаторига тушиб хам қоларсан. Бас шундай экан, Бу бақоси бўлмаган, ўткинчи устунликларинг билан

керилма, мағрурланма, бошқаларга паст назар билан қарама, камтар бўл», дейилмоқчи.

Сув — тилсиз ёв.

Вар.: «Ўт билан сув — тилсиз ёв»; «Сувнинг иши — ўпирмоқ, Ўтнинг иши — куйдирмоқ»; «Сув бузади ҳам, Тузади ҳам»; «Сувнинг кўриниши мулойим, бағри — тош» («Сув гарчи секин, мулойим, беозор оққани билан, сузишни билмаган ё эҳтиёт бўлмаган кишини ғарқ қилади», дейилмоқчи); «Сувнинг ози ҳам бир бало, Кўпи ҳам бир бало»; «Даройи ола бўлди. Даре бир бало бўлди» (даройи — узум). Сувнинг, утнинг ана шундай хавфлилигини таъкидлаб, ундан сақланиш чораларини кўриш зарурлигини уқтирганлар: «Овчининг ўлими — овда. Сувчининг ўлими сувда»; «Денгиздан ўтиб, сойда чўкма!»; «Ўт балосидан, сув балосидан ўзинг сақла»; «Сув ўпириб кетган тўғонни дўппи билан бекитиб бўлмас»; «Сув келмай, банд ташла», «Сердарахт қишлоқни сел олмас».

Сувга солсанг, сув кўтармас мисқол темирни, олтин билан олиб бўлмас, қолган кўнгилни.

Бу билан кишининг кўнгли ниҳоятда нозик бўлади. Бировга қаттиқ-қурум гапириб ё ёмонлик қилиб, унинг кўнглини ранжитсанг, жароҳатласанг, кўнглини совутсанг, кейин ундан ҳар қанча узр сўрасанг-да, кўнглини овламоқчи бўлганинг билан бари-бир илгариги ҳолига қайтара олмайсан, кўнгил доги бутунлай йўқ бўлиб кетмайди» дейилмоқчи. Вар.: «Зарра билан кўнгил олинади, Зарра билан кўнгил қолади»; «Қолган кўнгил — чиққан жон»; «Қолган кўнгил — отган ўқ» («Отилган ўқни орқага қайтариб бўлмагани каби, қолган кўнгилни ҳам қайтиб олиб бўлмайди», дейилмоқчи); «Очарчиликда еган қуйқанинг дами кетмас, Қора қайишда суққан туянинг доги кетмас» (қуйқа — қўй ё эчкининг қуйдирилган калла териси; қора қайиш — хом қайишдан тўқилган йўғон қамчи). Туя кек сақлайдиган ҳайвон. Бир марта қаттиқ урилса, у узоқ вақтгача буни эсидан чиқармай, кек сақлаб юради. Ҳатто калтаклаган кишини халок қилиши ҳам мумкин. «Бир марта тупурсанг, уч марта юйсан» («Бировнинг кўнглини қолдирсанг, олиш учун кўп овора бўласан»; дейилмоқчи»; «Киши кўнгли — бир шиша, Тош отма — қилма пеша» (пеша қилмоқ — одат қилмоқ); «Бурдаланган нон бирикмас»; «Синган қўл ишлар, Парчаланган юрак ишламас».

Чун Навоий кўнгли синди эмди
лутфунг не асиг,
Ким ушатса шишани бутмас яна
пайванд ила

Синса кўнгул шишаси, тадбир ила
бўлмас бутун
Устихон эрмаски, они рост қилса мумиё
(Фазлий Намангоний).

Сувни кўрмай, этик ечма.

Бу — қадимий мақолларимиздан бири бўлиб, уни XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Маҳмуд Қошғарий шундай изоҳлаган:»... Бу мақол ишларда мулоҳазали бўлишга ундалган кишиларга нисбатан қўлланади» («Девону луғотит турк», 3-том). Ҳозир ҳам мазкур мақолни: «Ҳар бир ишни аниқ-равшан билмай туриб, унга уринма, қадам қўйма, бир соҳада мулоҳаза билан, пухта ўйлаган ҳолда иш тут», деган маънода насиҳат қилганларида айтадилар.

Сувнинг секин оққанидан қўрқ, одамнинг ерга боққанидан қўрқ.

Бунда «Ерга боққан одам» деганда писмиқ, айёр, муғомбир одамни назарда тутадилар. Вар.: «Писмиқ — телба фарқ қилар, Тинч оққан сув ғарқ қилар»; «Хамма гап писмиқдан чиқади»; «Писмиқдан ҳамма нарса чиқади»; «Писмиқдан йўғон чиқар»; «Секин ёққан ёмғирдан қўрқ, Кулиб боққан ҳокимдан қўрқ»; «Кулиб-кулиб ноним олдинг, Суриб-суриб қоним олдинг».

Сузоғич сигирга мугузининг ҳожати йўқ.

Сигир зотида сузоғич бўлса, мугузи (шохи) бўлмаса ҳам, бошқа билан сузаверади. Шунинглек, ортиқча одамга арзимаган бир нарса ҳам бахона. Бўлмаган бир бахонани топиб, у одамнинг айби-айбсизлигидан қатъи назар, кучи бўлса-бўлмаса уринаверади. Мазкур маколни ва унинг қуйидаги вариантларини шундан одамларга қарата ачиқ киноя тарзида айтадилар: «Тўкол сигир — сузоғич. Оқсоқ бия — тепоғич» (тўкол — шохсиз); «Сузадиган сигирга тангри мугуз бермас»; «Эшакнинг феълини билиб, унга шох ато қилмаган»; «Ҳўкизни сузишга ўргатмайдилар». «Сузиш — ҳўкизнинг табиатида бор бўлиб, у ўзининг бу феълини бировдан ўрганмасдан қилаверади», дейилмоқда»; «Сузагон сигир шохидан айрилади» (Бу кейинги мақол билан: «Бировга ёмонлик қилувчи, зиён-заҳмат етказувчи одамнинг ўзи оқибат-натижада зиён-заҳмат кўриши мукаррар», демоқчи бўладилар).

Сулаймон ўлди, девлар қутулди.

Бу мақол диний афсонага асосланган. Сулаймон пайғамбар «Байтул мукаддас»ни қурдирганда девларни мажбур қилиб ишлатган эмиш. У то иморат битгунича қадар ҳеч каёққа кимирламай, ҳассасига таяниб турганмиш. Девлар Сулаймондан қўрқканларидан ҳеч каёққа кетмай, ойлаб ишлайверишибди. Сулаймон турган жойида ўлиб қолибди. Девлар буни пайқамай, ишлайверишибди. Ниҳоят, жасади бир ёққа ағдарилиб тушган, девлар ҳар тарафга қочиб кетишибди... Мазкур мақол мажозий маънода қўлланади: бирор вақт ё оила бошлиғи ўз ўрни ё оиласини қаттиққўллик билан маҳкам ушлаб, тинчитиб турган вақти ҳозир етиб келганда ўғли, юрт ёмонлари ёхуд нокобил одамлар ўз ёмонликларини қила бошлашади, одамлар ularга қарата: «Ҳа, Сулаймон ўлиб, девлар қутулибди-да», деб қўядилар.

Султон суянни хўрламас.

Варн. «Султон суянни хор қилмас». Султонлар, подшолар, хонлар, беклар тарих тириклигида бир-бирлари билан тахт талашиб, юрт, мол-мулк, мерос талашиб, ўзаро урушиб, ачиқ-ораз бўлишиб, «юз қурмас» бўлиб кетишган, хатто бир-бирларини катл этишган ҳам кайтмаган бўлсалар-да, ўлгандан кейин жасадини хор қилиб қўймас, иззат-икром билан, тантанали равишда ўз хилхоналарига, яъни ота-боболари дафн этилган махсус мақбарага кўмганлар. Ана шу ҳол мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан мажозан: «Ҳоким синф вакиллари бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, ўз якинларини асло хорвор қилиб қўймайдилар», демоқчи бўладилар. Ҳозир ҳам бу мақолни ўз манфаатини суиистеъмол қилиб, ўзга қатлидан-уруғларини ҳимоя қилаётганларга (у ёқда қонунсизлик, поракорлик — бундан қатъи назар) жонкуярлик қилинган ва ёпирча, уқувли, ишбилармон, ишда ижобий ўзгаришлар қила оладиганларни («бегоналигини учун») якинига йўлатмаётганларга нисбатан ачиқ киноя тарзида қўлладилар.

Сунбуланинг кўраги — гўсаланинг хўраги.

(сунбула — қуёш йили ҳисобида олтинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 23 август билан 23 сентябрь оралиғидаги даврга тўғри келади; гўсала — бузоқ). Бу мақол деҳқончиликнинг кўп йиллик тажрибалари, кузатишлари натижасида келиб чиққан мақоллардан бири. «Сунбула ойида, яъни муддатидан олдинроқ ёки кечроқ бўлиб қолган ҳолларда ҳам пичан ва мавсумнинг энг охиригача ҳам пичан етилмайди, пахтаси очилмайди. У фақат ўзига хос бўлишлигича қолаверади. Шунинг учун ҳосилни ўрта муддатларда етилишини чоралашни кўрмоқ керак», демоқчи.

Сунбуланинг туққанини сув билади.

Вар.: «Сунбуланинг суви тиниқ, ўзи совуқ»; «Сунбула туғса, сув совир, Тарози туғса, тонг совир» (тарози — мезон, яъни сунбуладан кейинги еттинчи ой бўлиб, 23 сентябрь билан 23 октябрь оралиғидаги даврга тўғри келади); «Сунбулада сув совийди, Мезонда — кун». Сунбула ойи туғса, яъни бошланса, ариқлардаги сув тиниб, тагида нимаики бўлса, ҳаммаси аниқ-равшан кўринадиган бўлади. Шунингдек, сув совий бошлайди, кўл тиқилса совқотади, баданга тегса кишини сескантиради. Ариқларнинг чети захлайди, кунлар ҳам тобора совий бошлайди. Бу — куз фаслининг бошланаётганидан нишона. Мазкур мақоллар билан шу ҳолни ифода этганлар. Сунбуланинг ўзига хос хусусиятларини билдирувчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Сунбула туғса, от семирар». Бу мақолнинг вариантлари бошқа туркий халқларда ҳам мавжуд. Масалан, қозоқлар: «Сунбула туғар сумпайиб, От семирар қампайиб», дейдилар. Қозоғистонлик мақолшунос Х.Абишев буни шундай изоҳлайди». «Бу мақол шуни англатадики, жазирама ёз ўтади, отларни қийнайдиган сўна ва бошқа хашаротлар йўқолади, кунлар салқин бўлади, ўтлар пишиб етилади, тўйимлилиги ортади, натижада моллар семиради, уларнинг жуни силлиқ бўлади» (Х.Абишев, Элементы астрономии и погода в устном народном творчестве казахов); «Сунбула — думбула» Сунбула ойида ҳамма экинларнинг ҳосили пишади. Жўхори ва кунжут эса думбул бўлади. Шунда думбул сўталарни кўрга тоблаб ё кўмиб, «жўхори кабоб» қилиб ейдилар.

Сут билан кирган — жон билан чиқар.

Вар.: «Қон билан кирган — Жон билан чиқади»; «Қоринда пайдо бўлган қилиқ, Қора ерда қолади»; «Йўргакда теккан касал ўлганда ҳам кетмайди»; «Сут билан кирган мижоз — Суяк билан бирга кетар» (мижоз — кишининг ўзига хос табиати, хулқ-атвори; киши организмининг ўзига хос талаби — масалан, иссиқ мизож организмга «иссиқлик» ёқади; совуқ мизож — организга «совуқлик» ёқади); «Сут билан кирган яхши қилиқ — Ўлгунча ҳам айнамас»; «Она сути билан кирмаса, Тана сути билан кирмас» (тана — бир-икки ёшли ургочи бузоқ. Мақолда «сигир» маъносида келтирилган); «Тўққизида бўлмаган ақл, Тўқсонида таги бўлмас». Инсоний иллат эгаларининг характерини асрлар давомида синаган халқ: «Улар тузалмайдилар, уларни тузатиб ҳам бўлмайди», деган хулосага келиб, мазкур мақолларни тўқиган. Булар ҳам қадимий мақолларимиздан бўлиб, XI аср мутафаккири Юсуф Хос Ҳожиб қуйидагича ишлатган:

Ўрунг сут била кирса адгу қилиқ,
Ўлум тутмоғинча овурмас йўрик.

Мазмуни: соф сут билан кирган яхши қилиқ, ўлгунча ҳам айнимайди.

Қаринда турумиш қилинж ўрратик,
Яғиз ер қатинда кетар, ай тетик.

Мазмуни: она қорнида пайдо бўлган қилиқ, эй тетик (киши), фақат қора ер остида йўқолади (Н.М. Маллаев, Ўзбек адабиёти тарихи).

(Мастура:) Бир оёғи гўрда-ю, ҳалиям паранжи ёпиниб хотин-қиз ахтаради. (Гулжон:) Сут билан кирган жон билан чиқади, болам» (Ҳамза, Паранжи сирлари).

«Махдум... Анварнинг бирор камбағал билан «эзилишиб» ўтирганини кўрса, «... сут билан кирган, жон билан чиқар» мақоли кўп тўғри сўз, деб ўйлар ва энсаси қотиб, четга кетар эди» (А. Қодирий, Мехробдан чаён).

Сутсиз сигир кўп маърайди.

Илм-билими кам, қўлидан бирор дурустроқ иш келмайдиган, аммо ҳеч кимга гап бермайдиган, маҳмадоналик қиладиган, катта гапирадиган, мақтанадиган кишиларга нисбатан киноя тарзида айтиладиган мақол. Вар.: «Қисир сигир кўп маърайди»; «Сутсиз сигир сузағон келар»; «Тухум

туғмас товуқ кўп қаколар»; «Маъроқи сигир сут бермас»; «Сут бермаган сигирни этга сўядилар» («Ишламайдиган-кучламайдиган, бирор фойдаси тегмайдиган, дангаса, ишёқмас кишини одамлар ёқтирмайдилар, уни «тирик товон» деб, бир ўлик жасад ҳисоблаб, ўз ораларидан четлаштиришга ҳаракат қиладилар», дейилмоқчи); «Ноғаранинг ичи пўк, овози баланд»; «Сурнай чалишни билмаганнинг оҳанги кўп»; «Эпсиз созанда созин чўзар»; «Саёз дарё шовқин оқар, Чуқур дарё сокин оқар»; «Тийран дарё тин оқар»; «Дарё қанча чуқур бўлса, шунча жим оқади»; «Тинч оқар сувнинг таги тийран бўлади» (Бу кейинги мақоллар билан: «Ақлли, илм-билимли одам ўзини оғир-вазмин, камтар тутади, кўп тинглаб, кам гапиради, бўлар-бўлмасга вайсақилик қилавермайди, мақтанмайди, керилмайди», демоқчи бўладилар). Сатторқул чиқиб «ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз деб аравани қуруқ олиб қоча берган эди. Охунбобоев «Қиср сигир кўп маърайди» дедилар. (А. Қаҳҳор, Қўшчинор чироқлари).

Суяк бутун бўлса, эт битиб кетар.

Йиқилиб, мертилиб, эти узилган-у, аммо суяги синмай, омон қолган одамга, шунингдек бирор зиён-заҳмат кўрган, муваффақиятсизликка учраган одамга: «Бу дардингиз, бу қийинчилигингиз узоққа чўзилмайди, тез орада ҳаммаси яхши бўлиб кетади», деган маънода тасалли берганда шу мақолни айтадилар.

Сўз қадрини билмаган — ўз қадрини билмас.

Кишилик жимиятида сўз, сўзлаш ва қандай сўзлаш жуда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ота-боболар ана шунинг учун ҳам ўзларининг кўпдан-кўп мақоллари орқали авлодларга сўзлаш одоби юзасидан қимматли маслаҳатлар, насиҳатлар айтиб қолдиришган: «Сўз — кишининг ўзаги, Одоб — унинг безаги»; «Сўзнинг бойлиги — Одамнинг чиройлиги»; «Таом лаззати — ўзида, одам лаззати — сўзида»; «Ошнинг таъми туз билан, одамнинг «таъми» сўз билан»; «Ҳуснн — сўзда, уят — кўзда»; «Юзинг чиройли бўлгунча, Сўзинг чиройли бўлсин»; «Эрнинг эрдан неси ортиқ, Эплаб айтган сўзи ортиқ»; Сўзнинг магзига боқ, Магзи бўлмаса, этак коқ»; «Сўз — қиличдан ўткир»; «Куч эгмаганни сўз эгар»; «Сўзни коғозга ёзгунча мияга ёз»; «Сўз эшитсанг уқиб ол, Ҳалқа қилиб тақиб ол»; «Сўзнинг Луқмон тилидан айтилгани — хўб» (хўб — яхши). «Сўз чимилдиқдаги келин» («Чимилдиқдаги келин ўзини ниҳоятда одобли, ҳаёли, иффатли, уятчан тутгани каби, киши ҳам айтадиган гапини, ҳар бир сўзини ўйлаб, одобли, «пардали» қилиб айтмоғи, «бепарда», уятсиз сўзларни айтишдан ўзини тийиши керак», дейилмоқчи). «Сўз маъкулдан ошмас, Девор сархокдан» (сархок — деворни ёғиндан сақлаш учун устига қўйиладиган серсомон лўмбоз); «Сўз — бир, сайқал қирқ»; »Сўздан сўзнинг фарқи бор, Ўттиз икки нархи бор»; «Сўзга тушмаган сўзни айтма, Созга тушмаган — ғазални»; «Сўгат толга қуш қўнар, Сўзамолга сўз қўнар» («Сербарг, салқин сугат толга ҳар тарафдан қушлар келиб қўниб, салқинида сайраб, ором оладилар. Шунингдек, сўзамол, гапдон одамга сўзнинг ўзи қуйилиб келаверади. Одамлар унинг маънили, қизиқ сўзларидан баҳра оладилар», дейилмоқчи); »Сўздан сўз чиқар, Сўзламасанг не чиқар» («Бирор жойга борган вақтингда ён-веринггаги одамлар билан у-бу хусусда гаплашиб ўтирсанг, гапдан гап чиқиб, суҳбат тобора қизиб бораверади. Гаплашмай-нетмай ўтирсанг, орага сукунат чўкади, ноқулай ҳолат туғилади, ўтириш хунук бўлади», дейилмоқчи); «Сўзни сўрагандан сўра»; «Сўзлаганга қарама, Сўзлатганга қара»; «Сўз берганга эргашма. Бўз берганга эргаш» («Сўз берганга, яъни қуруқ ваъда бериб, қўйинингни пуч ёнғоққа тўлдирадиган одамга эмас, сенга бирор фойдаси тегадиган одамга эргаш», дейилмоқчи); «Сен гапир-у, биров кулсин» («Ўзинг гапириб, ўзинг хиринг-хиринг кулма, эшитаётганларнинг энсаси қотади», дейилмоқчи); «Сўзни ўл-

чаб, кулгини мисқоллаб сот»; «Сўзи ўлганнинг ўзи ўлар»; «Сузинг қайтар сўрдан ўзинг қайт»; «Сувни сеп сингар ерга, Сўзни қил сигар ерга»; «Сув ўз йўлин топар, Сўз ўз эгасин топар»; «Жўяли сўз жўясин топар, Жўясиз сўз иясин топар» (жўяли — ўринли, бамаъни, маъқул; жўясиз — ўринсиз, бемаъни, ножўя, номаъқул; ияси — эгаси). Бирор суҳбат давраси̇да киноялы, қочирим сўз бевосита бирор одамнинг афтига қараб айтилмаса ҳам, бу сўз кимга тааллуқли эканлигини одамлар дарҳол фаҳмлаб оладилар. Кейинги икки мақолда шу ҳол ифода этилган; »Сузига эга турмаган — ўзига эга турмас»; «Сўзининг боши қаттиқ бўлса, Охири тотлиқ бўлар» (бунда «Танқид — келгусининг меваси» деган маъно яширинган); «Сўз — эмгак бўлар, Бўз — кўйлак бўлар» (эмгак — меҳнат, машаққат, қийинчилик). «Ўйламай-нетмай айтилган, ноўрин, ножўя сўз кишига зиён-заҳмат келтиради», дейилмоқчи. «Сўз ёқмаса, эснок келар, Дарс ёқмаса — уйқу»; «Сўзинг кумуш бўлса, Тингловчи тилла бўлсин» («Гапни шундай одамга гапиргинки, у сўзингнинг маъносини ўзингдан ҳам яхшироқ биладиган бўлсин. Гапингнинг маъносини билмайдиган одамга нима қиласан бекорга ўзингни чарчатиб гапириб! дейилмоқчи); «Сўзлагувчи нодон бўлса, Тинглагувчи доно бўлсин»; «Нодон сўйлар, доно тинглар»; «Нодон сўзлар, доно ибрат олар»; «Соқов сўзининг сўнгини кут» («Соқов қийналиб, тутилиб-тутилиб сўзлайди. У сўзини тугатгунча сабр-чидам билан тингла, қани нима демоқчи экан. Умуман, ҳар бир ишда ҳам шошқалоқлик қилмай, узоқни кўзла», дейилмоқчи); «Сўз — яхши одам тилида қундан ёруғ, ёмон одам тилида тундан қора»; «Яхши гап ҳам бир оғиздан чиқади, Ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади» («Модомики шундан экан, ёмон гапни гапиргандан кўра, яхши гапни гапир, бу сендан «ош-нон сўрамайди», ҳақинг ҳам кетиб қолмайди», дейилмоқчи); «Сен» ҳам бир оғиздан чиқади, «Сиз» ҳам»; «Сиз» деган — сипойилик, «Сен» деган — анойилик»; «Сиз» деган — одоб, «Биз» деган — кўмак»; «Сиз» дан «Сиз» чиқади, «Сен» дан — «Сен» («Ўзгаларни ҳурмат қилсанг, ўзинг ҳам ҳурмат кўрасан, бунинг аксини қисанг, аксини кўрасан», дейилмоқчи); «Сўкишдан сўқиш чиқар, Уришдан — уриш» («Сўкишдан тилингни, уришдан қўлингни тий», дейилмоқчи); «Тоққа нима деб қичқирсанг, шуни эшитасан»; «Ҳа»га »ҳа» келади, «Ҳў»га — «ҳу»; «Сўзи нодуруствинг ўзи нодуруст»; «Сўзи тўмтоқнинг ўзи тўмтоқ»; «Сўзи тўнгнинг ўзи тўнғ». Мазкур мақол «сўзи совуқнинг — ўзи совуқ» деб ҳам қўлланилади. «Сўзлагани — сўккандай, Елпигани — тўккандай»; «Сўзи сўзга ўхшамас, Оғзи сўздан бўшамас»; «Оғзини бекитсанг, Қўлтиғи билан гапиради»; «Босиб турсанг бопиллайди, Қисиб турсанг қимирлайди»; «Сўзласам, шақ-шақ дейди, Сўзламайсам, аҳмоқ дейди»; »Сенинг гапинг — шўрва, Менинг қулоғим — тўрва»; «Сахройини урма — сўкма, сўзлат»; «Сахройининг хушомадидан дашном чиқар» (сахройи — тарбия кўрмаган, қўрс, тунг, деган маънода); «Сўзли шаллақидан-сўзсиз писмиқ ёмон»; «Сўз билан аққа-баққа, Иш билан ҳеч ёққа»; «Сўз билмасанг, сўзлама!» «Оғиздан сўзи тушганнинг — қўлидан бузи тушар»; «Сўз билмаган кишидан — ҳура билган ит яхши»; «Сўз ожизи бўлгунча, Кўз ожизи бўл!» ва б.

Билмаган ўз қадрини не билгуси сўз қадрини,
Ҳайфдур доно земак нодону беинсафонға сўз.

(*Огаҳий*).

Сўйма саккизни, сўйгил семизни.

Бу билан: «Саккизта орик молни сўйгандан битта семизини сўйган яхши», деб чорва молларни ҳуда-беҳудага сўйиб юборавермаслик, яхшилаб боқиб семиртириш, тежамкор бўлиш зарурлиги уқтирилади.

Сўк ошига — сурнай, ун ошига — карнай.

(сўк — тахлаштан тарик). Ўзини эл кўзига боп қилиб кўрсатмоқ учун зураки қучанувчи, ҳол-қудрати етмаса ҳам лаънати-дароз билан тўй ва эҳсфатлар қилиб, кўп одамларни таклиф этувчи кўрук мақтанчоқларга киноя тарзида айтиладиган мақол. Варс: «Тор кўчага — кўп сурнай»; «Уйида чекса ун йўк. Том бошида қуш тандир» (чекса — ўтмишдаги ўлчов бирлиги бўлиб, турли жойда турлича миқдорни англатган. Масалан, Фарғонада уч чекса бир пудга тенг бўлган); «Тўйингдан ҳам карнайингга завқ қилдим».

Сўнгги пушаймон — ўзингга душман.

Варс: «Сунги пушаймондан наф чиқмас»; «Пушмаймондан фойда йўқ»; «Кейинги аттанги мол ейди»; «Сув пешонадан ошган сўнг, хоҳ бир карич-у, хоҳ ўн қулоч»; «Сув пешанага чиққандан кейин, пушаймондан фойда йўқ»; «Иш ўтади, бошни тошга ур, ё тошни бошга ур». Бу мақоллар билан «Қиладиган ишингни, тавирадиган тавирингни олдин обдон ўйлаб ол, бешкалар билан маслаҳатлаш, билмаганингни сўра. Акс ҳолда оқибати чакки бўлиб чиқади. Кейин аттанг деб, пушаймон бўлиб ўтиришнинг ҳеч бир фойдаси йўқ», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ҳар иш аларда аввал эҳтиёт айлаб тафаккур қил,
Кўлингдин ўтса вақти, сунгра суд этмас пушаймонлик.
(Шавкий).

„Ўйланг, ўйлаб иш қилинг. Етти ўлчаб, бир кес деганлар. Кейини пушаймон аскотмайди (А. Каҳҳор, Кўшчинор чироқлари.)


Сўраганнинг айби йўқ.

Варс: «Бузганнинг айби бор, Сўраганнинг айби йўқ»; «Сўрагандан сўрамаган ёмон»; «Сўраб билган — камтарлик. Сўрамаган — хумпарлик»; «Билмаганин сўраб билса — уяти йўқ»; «Билгандан сўра»; «Сўраб-сўраб, Маккани топибди»; «Сўраи-сўраи билиб олибди, Уяла-уяла кейин колибди»; «Кун юрганга эргашма. Кўп билганга эргаш». Бу хусусда Шайх Саъдий ўзининг машҳур «Гулистон» асарида шундай ёзади: «Имом Газзолийдан: «Илмда бундан юксак даражага қандай етишдинг?» деб сўрадилар. У: «Билмаган нарсамни сўраб ўрганишдан уялмадим», деди. Навоийнинг қуйидаги сўзлари эса халқимиз ўртасида мақолга айланиб кетган:

Билмаганни сўраб ўрганган — олим,
Ўрганиб сурамаган — ўзига золим.

Сўраганнинг бир бети кора, бермаганнинг икки бети кора.

Варс: «Сўраган бир қизарар, Бермаган икки қизарар». Булар билан: «Бирор сендан хожати учун бирор нарса сўрагудек бўлса, неча хижолатлар тортади, уялади, «бормикин, йўқмикин, берармикин, бермасмикин, нима деркин...» деган ҳаёлларга боради. Шундан ҳолатдаги одамнинг хожатини имконинг борича чиқар. Йўк бўлса, афв мақомида йўк дегин. Бор бўлатуриб бермасанг, бу сенинг қизғанчиклигинг, зикналигинг, бети қоралигинг аломати бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.



Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб.

Ўтмишда азайимхон, парихон, мулла, эшон ва б. табиблик ниқоби остида касалга чалинганларнинг борйўғини шилиб олардилар-у, аммо дардини даволай олмасдилар. Хавфли юқумли касалликлар (вабо ва б. ёш болаларнинг кўплаб нобуд бўлишига сабаб бўлган чечак, қизамиқлар)ни олдини олиш, даволашни билмаганлар. «... Саводсиз табиб жаллод шогирдидир, у тиғ билан, бу заҳар билан азобловчидир. У шубҳасиз бундан яхшироқдир: у гуноҳкорларни ўлдирур, бу бегуноҳларни. Ҳеч гуноҳкор унинг қўлида хорланмасин ва ҳеч бегуноҳ бунинг қўлига касал бўлиб тушмасин» (А. Навоий, Маҳбуб ул-қулуб). Юқоридаги мақол нодон табибларга нисбатан бўлган ана шундай муносабатнинг маҳсулидир. Халқ мазкур мақоли ва унинг қуйидаги вариантлари ҳамда мазмундошлари билан: «Нодон табиблар сенинг дардингни чинакамига билмайдилар ва бутунлай тузатиб юбора олмайдилар. Қайтага ўз дардингни ўзинг яхши биласан, уни ўзинг бартараф қилиш ҳаракатида бўл. Агар ўз ақлинг етмаса, биладиган, ўз бошидан кечирган одамлардан сўра», деган маънода насиҳат қилган: «Тани бошқа — дард билмас»; «Ош қадрини тўқ билмас, Огриқ қадрини — соғ»; «Дардни дард чеккандан сўра»; «Дардни дардкаш билади»; «Дардлиларнинг дардини дардлилар англади»; «Боши оғриганнинг дардини боши оғриган тушунади»; «Қўли синганнинг дардини қўли синган билади»; «Ҳар ким ўзидан ўтганни ўзи билади»; «Ўзингдан ўтганни ўзгаинг билади»; «Ҳар ким қичишган ерини ўзи билади»; «Дардни дардингдан сўра»; «Дардини яширган ўлмас»; «Дардини яширганга дори юқмас»; «Куф-суф» билан касал тузалмас»; «Эмини қилгунча, эвини қил» (эм — иримсирим, яъни дардга даво топиш мақсадида дам солиш, кўчириқ қилиш, чиллаёсин ўқитиш, кинна солиш, суқлаш, тумор тақиш, шам ёқиш, «худойи» қилиш ва ҳ. к. Мазкур мақолда шундай «эм-димини қилгунча, эвини қил, яъни касалингни биладиган одамга қарат, дори-дармон қил, умуман, тузатишнинг амалий чора-тадбирини кўр», демоқчи бўлинган); «Оғриққа эмчи кўп» (бу мақолни: «Фалон ерим оғрияпти» десанг, «ундай қилинг, бундай қилинг» дейдиганлар кўп бўлади, ҳамманинг ҳам гапига кираверма, биладиган одамга қарат» деган маънода қўллайдилар); «Дарднинг катта-кичиги бўлмайди»; «Дард бир хил, Даво минг хил»; «Авом табиб офати жон»; «Оғриқни отини топганга боқтир» («Касал бўлсанг, касалингнинг нималигини биладиган, даволаш қўлидан келадиган одамга ўзингни қарат», дейилмоқчи); «Касални табиб эмас, ҳабиб тузатар» (ҳабиб — дўст, қадрдон); «Ҳамдарди бор дард — ярим дард»; «Дардни бардош енгади»; «Дард топ, лекин дармон топ»; «Дард даволаш билан тарқалади».

Таваккални тошга ур, бахтингдан кўр.

Вар.: «Таваккал тоғни йиқар»; «Таваккал қил, тош ют»; «Таваккалчининг кемаси ботмас»; «Таваккал андиша билмас»; «Таваккал — нар, Андиша — мода»; «Андиша қозон қайнатмас» (андиша — кетини, оқибатини ўйлаб юритилган мулоҳаза; бунда «ўта даражада мулоҳазага бориб, бирор ишга «юрак ютиб» ботинмаслик, қўрқоқлик қилиш» деган маънода

ишлатилган); «Иккиланиш ҳам — ўлим»; «Таваккал — эрнинг йўлдоши»; «Ўйчи ўйлагунча, таваккалчи ишини битиради»; «Ўйчи ўйига етгунча, Таваккалчи бориб келибди»; «Ўйчининг ўйи битгунча, Таваккалчининг тўйи битар»; «Ўйчи ўйига етгунча, Ўн ёрғучоқ ун тортдим» (ёрғучоқ — қўл тегирмони). Бу мақоллар билан ҳар бир ишни қиларда иккиланиб ўтирмай, дадил ҳаракат қилиш кераклигини уқтирадилар. Лекин, ҳамма нарсанинг меъёри бўлгани каби, таваккалнинг ҳам меъёри бор. Ҳар бир ишда таваккал қилавериш, орқа-ўнгини обдан ўйламаслик яхши оқибатга олиб бормайди, албатта. Буни «Таваккалнинг таги тахир»; «Таваккалнинг таги вой»; «Таваккалнинг туби тош, Бошингни урсанг ёрилади» деган мақоллар билан ифода этадилар. (Гулжон:) О, болам, юраксизнинг ўйи кўраксиз бўларкан. Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи уйига етибди. Имонинг комил бўлгандан кейин, худодан қўрқма... (Ҳамза, Паранжи сирлари).

Така бўлсин, сути бўлсин.

Вар.: «Эчки бўлсин, така бўлсин, сути бўлсин»; «Така бўлса ҳам сути бўлсин, Қуён бўлса ҳам эти бўлсин»; «Эшак бўлсин, хайри бўлсин». Бу мақолларни фойдани ниҳоятда яхши кўрадиган, фойда деса ҳаром-харишни, яхши-ёмонни фарқ қилмай иш кўраверадиган, «фойдаси тегса — бас» дейдиган одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Тани соғлик — туман бойлик

(туман — ўн минг; ҳад-ҳисобсиз). Вар.: «Соғлигинг — бойлигинг»; «Кимхоб тўнинг бўлгунча, Олтин бошинг бўлсин»; «Соғлик бўлса, беклик бўлар»; «Соғликда хўрлик йўқ»; «Тани соғнинг — жони соғ»; «Тан саломати — жон роҳати»; «Соғлом танда — соғ ақл»; «Соғ юрак — тоғ юрак»; «Тотли ҳаёт — тани соғликда»; «Тани соққа — кунда тўй»; «Соғ одамга Сукротнинг кераги йўқ» (Сукрот — қадимги юнон файласуфи); «Соқ қуш донин топиб ер, Соғ эр нонин топиб ер»; «Совлиқ тўйда керак, Соғлиқ кунда керак»; «Тегара-тошинг ёв бўлсин, Уйинг ичи сов бўлсин» (сов бўлсин — соғ бўлсин; тегара-тошинг — теварак-атрофинг) Тани-жонинг соғ бўлса, теварак-атрофинг ёв бўлса ҳам писанд қилмайсан, қийналмайсан, турмушингни ўтказаверасан», дейилмоқчи. «Соғ бўлсин, ўчоғидан ўт бермасин» («Сенга бирор фойдаси тегмаса ҳам майли, ишқилиб соғ бўлса бас», дейилмоқчи); «Душманинг бўлса ҳам, дард кўрмасин»; «Соғлигим — бойлигим, Хасталигим — манглай қоралигим»; «Оч бўл, ялангоч бўл, Соғусаломат бўл»; «Мол кетсин, пул кетсин, эсон-соғлиққа не етсин?!»; «Молинг кетса-кетсин жонинг кетмасин»; «Молга баломат, Бошга саломат» («Молга бало урса-урсин, бош омон бўлсин», дейилмоқчи); «Молингга ачинма, Жонингга ачин»; «Касалнинг яхши-ёмони йўқ»; «Оғриқда кўз оғриғи ёмон, Ҳар кимнинг ўз оғриғи ёмон»; «Тан оғриса, жон сезар»; «Оғриқ қаерда бўлса, жон ўша ерда»; «Дард келар-у, дард кетар, Жон қадрини англатар»; «Дард филни пашшадек қилади»; «Дард томирни ейди, Ҳасрат — умрни»; «Дарди борнинг дармони йўқ»; «Сўнган кўзга султон кўринмас»; «Кун кўрайин десанг, сиҳатинг сақла!».

Тарбия тақани тўғирлайди.

Тақани оддий қўл билан тўғрилаб бўлмайди. Бунинг учун махсус асбоб-ускуна ва тадбир керак бўлади. Мазкур мақол билан: «Чинакам тарбия билан «тузалмас» одамни ҳам, жумладан «қулоқсиз» ўжар, гож, ўта шўх болани ҳам тузатиб, одобли қилиш мумкин», дейилмоқчи. Ота-боболар бола тарбиясида агар сўзнинг, панд-насиҳатнинг ўзигина кор қилмайдиган бўлса, дўқ пўписа қилиш, калтакни ишга солиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деган фикрни илгари сурганлар: «Пайғамбарда ҳам озгина пўписа бўлади». Мақолнинг тўғри маъноси шундай: «Пайғамбар ҳам ҳадеб юмшоқ гапириб, «сени жаннатга киргизаман» деявермайди, дўзах билан ҳам қўрқитиб, пўписа

қилади». Мазкур мақолни қўпинча мажозан: «Бировни, айниқса болаларни тарбиялашда ҳам жуда юмшоқлик қўл келавермайди, бир оз қаттиқлик ҳам керак», деган маънода қўллайдилар. «Таёқ айиқни ҳам мулла қилади»: «Тоқни «так» демасанг, Қашқарга етади» (Отни «так, так!» деб тўхтатадилар. Шунингдек, тоқни ҳам «так» демаса, яъни вақти-вақти билан қиркиб, ҳомток қилиб турилмаса, тўхтовсиз ўсиб кетаверади, бўйига зўр беради-ю, хосилига куч бера олмайди. Мазкур мақол билан ҳам мажозан: «Болани яхши парвариш қилмасанг, ҳаддидан ошганда қайтариб турмасанг, бора-бора ҳеч тузатиб бўлмайдиган безори, беодоб бўлиб кетади», дейилмоқчи). «Болани сўкаверсанг бети қотар. Ураверсанг эти қотар» («Болага таъзир бериш керак, лекин эви билан. Ҳадеб жеркиб ташлайверилса, сўкаверилса, қаттиқ гапираверилса, ураверилса, бола бора-бора бунга кўникиб, унча-мунча гап-сўзни ҳам, калтакни ҳам писанд қилмайдиган бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Отаси қилса зўрлиқни, Боласи кўрар хўрлиқни».

Тарёкингга инониб, заҳар ичма.

Тарёк — заҳарга қарши тайёрланган махсус маъжун (ҳар хил дорилардан таркиб топган) дори. Мазкур мақолни мажозан: «Ўз кучингга, имкониятингга инониб, хавфли, хатарли ишга қўл урма. Балки кучинг етмай ё инонган имкониятинг ишбермай қолар-да, сен зиён-заҳмат кўрарсан», деган маънода қўллайдилар.

Тариғи пишганнинг товуғи бўлгинг келади.

Бу мақолни ўзи ишламай-қуламай, ўз ғулик-ичгулигини ўзи топмай, ўзгаларнинг топганидан умид қилувчи дангаса, тамагир одам тилидан айтганлар ва шундай одамларнинг ўзларига нисбатан киноя ва истеҳзо тарзида қўллайдилар.

Тарки одат — амри маҳол.

Амри маҳол — амалга оширилиши гумон, жуда қийин, имкони бўлмаган иш. Бу мақолни қўпинча: «Ёмон одам ўзининг ярамас, ёқимсиз, беўхшов қилиқларини, одатини ташламайди, ташлай олмайди ҳам», деган маънода айтадилар.

Тарозига қараб тош қўйган яхши.

Тарози ҳар хил бўлади: баъзиси пуд-пуд тошни кўтара олади, баъзиси (масалан, заргарлар тарозиси) бир қадоқ тошни ҳам кўтара олмайди. Шунингдек, баъзи одам ҳар қанча оғир гапни, қаттиқ ҳазилни ҳам кўтара олади, баъзи одам эса нозик таъб бўлиб, унча-мунча гапни кўтара олмайди, дарров хафа бўлиб, ўпкаланиб, гина қилиб юради. Мазкур мақол билан: «Ҳар кимга ўз табиати, феъл-атворига қараб жавоб-муомалада бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Таъна йўли тордир, тайғалари бордир.

Вар.: «Таъна йўли тайғанок, Тайғана бетманг жон келин, Бизники ҳали бўқачок, Бу ҳам бўлар моячок». Бировнинг устидан ва бировнинг айбига кулмасликка, бировни камситмасликка даъват этувчи бу мақолларни кўпинча аёллар қўллашади. Масалан, болалари улғаниб қолган аёл боласи (ё болалари) ҳали гўдак, йўртмоқчиқликдан чиқмаган аёлга: «Болангиз мунча йиғлайди-я?!», «Болангиз намунча хархаша қилади-я?!, «Э, болангиз бўлганди!».. сингари сўзлар билан таъна қилса, у аёл бунга жавобан мазкур мақолларни айтади. Қўшнинг боласи тухумдан янги очиб чиққанда кетида бўқачоғи бўлади. То шу бўқачоғи тушмагунча, ёнир бўлиб, ўчолмайди. Гўдак, йўртмачок (яъни, ҳали ўтирган, ётган ўрнини бўлғаб қўядиган) болани «бўқачок» деб ҳам атайдилар. Таъналга учраган аёл юқоридаги мақол билан: «Боламнинг бундайлигидан

таъна қилманг. Таънанинг йўли тайғаноқ бўлади, тойиб кетасиз (яъни, кейин уялиб қоласиз). Бизнинг боламиз ҳали бўкачоқ, ўзини эплай олмайдиган вақти. Бу ҳам улғайиб, моячоқ бўлиб қолар» (моячоқ — туяниинг уч яшар боласи) демоқчи. Вар.: «Таъначининг ёғидан — дўстингнинг таёғи яхши»; «Таъна қилма, тавба қил!»

Тақлид билан тонг отмас.

Тақлид қилмоқ — иш-ҳаракатда, юриш-туришда, гап-сўзда ва ҳ. к. бировга ўхшаш, бировникига ўхшатиш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқ. Мазкур мақол билан: «Бировга тақлиб қиламан, деб, вақтингни зое ўтказма, ўзинг ўрган, ўзинг ҳаракат қил» деган маънода насиҳат қиладилар. Вар.: «Тақлидчи тилдан тушмас, Ҳасадчи ҳузур кўрмас».

Тегиб турса — «мўҳ-мўҳ», тегмай қолса —«ҳўк-ҳўк!»

Бу мақол молни чақириш ва ҳайдаш ҳолатини мисолга олиб айтилган. Одатда молни уиллайдиган бўлсалар, унинг кўзига ем ё ҳашакни кўрсатиб, «мўҳ-мўҳ» деб чақирадилар. Мол агар экин экилган ерга ё ғарамга яқин келадиган бўлса, қўлларига говрон олиб, «ҳўк-ҳўк!» деб ҳайдайдилар. Мазкур мақолни ва унинг «Томиб турса — қулингман, Томмай қолса — қулимсан» деган вариантини мажозий маънода фойдаси тегиб турган одамни иззат-ҳурмат қилувчи, зиёфатлар қилиб чақирувчи, фойдаси тегмай қолганда эса, уни ҳайдовчи ва унга тескари қараб кетувчи одамларга нисбатан қўллайдилар.

Тегирмон — навбати билан.

Вар.: «Обжувознинг навбатига қара». Тегирмонга ғалла олиб борган киши навбат кутади. Навбатига қарамай, тегирмон бўшаши билан донни дўлга солиб юборса, ўртада жанжал кўтарилади. Мазкур мақоллар билан мажозан: «Ҳар бир ишда агар навбат кутиш керак бўладиган бўлса, навбатинг келишини кут. Навбатдан ташқари иш қилсанг, гап гапирсанг, атрофдагилардан гап эшитасан», дейилмоқчи.

Текин еган — кўзга тикан,

«Ўзи ишламай-кучламай, ўзи топмай, ўзгалар топганини безбетларча текиндан-текин еяверадиган одам бошқаларнинг кўзига шумшук кўринади, бамисоли тикандек қадалади», дейилмоқчи. Вар.: «Текин томоқ танни тоза қилади» (Буни киноя, кесатиқ мақомида қўллайдилар); «Тушнинг оши — тишга дори»; «Тушлик ошга тушлик ердан киши келур» (тушлик ер — ярим кун йўл юриб келинадиган жой; бу ерда «узоқ жой» маъносида келтирилган. Одатда кечқурун ҳамма хонадонда қозон қайнайди, аммо тушда (пешинда) ҳамманикида ҳам қайнайвермайди. Шунинг учун ҳам тушки овқат тансиқ туюлади. Тушлик ошга таклиф этилган одам (айниқса у текин томоққа ўрганган бўлса) ҳар қанча узоқ жойдан бўлса ҳам етиб келади, дейилмоқчи). «Кўрдингки ош, Кўтарма бош»; «Кўрдингки текин, Уравер секин»; «Мохов қошдан гапирар, Мечкай ошдан гапирар»; «Текин томоқ тотлиқ келар»; «Текин сирка болдан тотлиқ» (мазкур мақолларни текинхўр, тамагир, очкўз, баднафс одамлар тилидан айтганлар ва шуидай одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар); «Текин шаробни қози ҳам ичар»; «Шароб текин бўлса, ҳамма ичар, Текинхўр виждонидан кечар»; «Итнинг дарди — суякда»; «Тамагин — кунда гамгин» (тамагин — тамагир). «Тамагир одам қаердан бир текин овқат ё текин ўлжа чиқиб қоларкин, деб кунига ғам тортгани-тортган», дейилмоқчи. «Тўймас, одатин қўймас»; «Текин томоқ топилганда емоқ керак, Текин кафан топилганда ўлмоқ керак» (Буни киноя тарзида айтадилар); «Текинхўр — харомхўр», «Текин томоқ — одамнинг тузоғи, Едирилиб айтади: аммамнинг бузоғи»; «Текин томоқнинг тиканаги тиқилади»; «Текин томоқ ичагингни тешади»; «Текин гўштнинг суяги бурун

йиртар»; «Текин томоқ тиш синдирар»; «Текин томоқнинг таъми бошқа, Еганларнинг боши қашқа»; «Текин еган — кетга зиён». Бу кейинги мақоллар билан: «Текин томоқ миннатли бўлади. Миннати эса кишига қаттиқ ботади», дейилмоқчи. «Текиннинг миннати кўп, Меҳнатнинг зийнати»; «Текин тўн қимматга тушар» («Олмоқнинг бермоғи бор» дегандек, халқнинг урф-одатига кўра, бировдан бир нима олинган бўлса, ундан кўпроқ, ундан яхшироқ қилиб қайтариш керак бўлади. Мазкур мақолда шунга шама қилинган); «Олғирлик одат келтирар, Баднафс — ҳалокат»; «Суяк ғажиган кучук қассоб болтасининг тагида ўлар»; «Тама нонига кўл очгандан — ўл оч!»; «Текин егунча, экиб е!».

Текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди.

Вар.: «Насияга маймун ўйнамайди»; «Қўл билан қуш тутилмас»; «Қуруқ кўлга қуш қўнмас». Бу мақолларни «Сиздан утина, биздан бугина» қабилида иш кўрувчи порахўр, тамагир одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Текканга — туя боши, тегмаганга — қуён боши.

Вар.: «Кимга бармоқдай, Кимга тирноқдай». Бирор нарса ҳаммага баравар тақсимланиши шарт бўлсаю, тақсимловчи ўз манфаатини кўзлаб ё таниш билишликка бориб, бировга кўп, бировга эса турли баҳоналар билан кам берса, шундай пайтда юқоридаги мақолларни кесатиқ мақомида айтадилар. «Баробарлик — биродарлик»; «Тенглик — кенглик»; «Тенг еганни тангри суйибди, Ортиқ еганни арвоҳ урибди» деган мақоллар ҳам борки, булар билан ноинсоф, олғир, юлғич одамлар инсофга, адолатга чақирилади.

Тенг тенги билан, тезак қопи билан.

Мазкур мақол халқ ўртасида: «Ҳар ким ўз тенг-туши билан мулокотда бўлиши (масалан: дўстлашиши, улфатчилик қилиши, ҳазиллашиши, қуда-анда бўлиши ва ҳ. к.) лозим. Акс ҳолда (масалан: қариялар ёшлар билан, ёшлар қариялар билан улфатчилик қилса, ҳазил-ҳузул қилишса) ярашмайди, қовушмайди, кулги бўлади», деган маънода қўлланилади. Вар.: «Тенг тенги билан, Тўн енги билан»; «Одам одам билан, Писта бодом билан»; «Бош — бошга, Ёрғучоқ — тошга»; «Тезакчининг тенги бор, Ўроқчининг ўрни бор». «Бу ҳилакор қиз жуда қув қиз... Унга ўйин керак. Тенг тенги билан, тезак қопи билан. Мирзакаримбойнинг қизи билан менинг ошиқ машуқлигим эртакка ҳам сиғмайди». «— Ота, бу синглим,— табассум билан деди Йўлчи,— Қишлоқдан олиб кеганимни эшитгандингиз. Бойникида яшашни маъқул кўрмадим.— Яхши қилибсан. «Кабутар бо кабутар, жинс бо жинс». Маъносини тушунасанми? Тўғри, улар қариндошинг. Лекин улар сани ўз жинсига қўшмайди» (Ойбек, Қутлуғ қон).

Терга ботган — зарга ботар.

Халқ ўзининг жуда кўп мақолларида «Тер тўккан — демакки, қийналиб, машаққат чекиб меҳнат қилган одам асло кам бўлмайди, ўзининг ҳаётий эҳтиёжларини таъминлайди. Меҳнат қилмаган одам эса хор-зорликда яшайди», деган фикрни илгари суради: «Ерга томган тер — гавҳар»; «Кумушдек тер тўксанг, Гавҳардек дур олурсан»; «Ернинг қаймоғи — меҳнат қилганники»; «Тўкилса манглай теринг, Унимли бўлар еринг»; «Тер тўкиб сочсанг уруғ, Ер сени қўймас қуруғ»; «Тер тўкмаса, эр эмас, қўл тегмаса, ер эмас»; «Тер тўкканга ер тўкади»; «Тер тўксанг, дон тўкасан, Дон тўксанг, нон тўкасан»; «Бирни берсанг менга, Мингни бераман сенга» (Бу мақолни ернинг тилидан: «Агар бир дона дон эксанг, минг дона қи-

либ оласан, яъни менга озгина меҳнатингни аямасанг, мен сендан кўп нсъматимни аямайман», деган маънода айтганлар); «Тани — тупроқдан, Ҳосили — кетмондан» («Экин қувватни тупроқдан олса, ҳосилини кетмон чопиғидан, яъни меҳнатдан олади», дейилмоқчи); «Тўқсон кун лой кечасан, Тўққиз ой мой ичасан». Гўё шоли деҳқонга шундай дер эмиш. Мазкур мақолни қувватловчи қуйидаги халқ қўшиғи бор:

От кетидан эргашганни той дейдилар,
Шоли эккан эр йигитни бой дейдилар.
Тўқсон уч кун ботқоқ кечиб лой тепганни
Тиззасидан бўйнигача мой дейдилар.

«Тиндим тунда, тинмадим кундузи, Бўлди кўй телпагим кундузи»; «Тинмасанг тинарсан» (Тинмай ҳаракатда бўлиб турсанг, меҳнат қилсанг, қорнинг тўқ, устинг бут, рўзғоринг фаровон бўлади, натижада тиниб-тинчиб, роҳат-фароғатда яшайсан, дейилмоқчи); «Тиришган тоғдан ошар, Тер тўккан бахтли яшар»; «Тиришган — оч қолмас»; «Тиришдим, тоғдан ошдим, Асир эдим, қутулиб қочдим»; «Тиришдим, тумандан қочдим, Ёруғлик сари йўл очдим»; «Тиришган — эр, Тиришмаган — қора ер»; «Жадалсиз эр — қора ер»; «Тиришган ер устида яшайди, Тиришмаган — ер остида»; «Тер тўкканга — беш ёнғоқ, Тўкмаганга пуч ёнғоқ»; «Эр толиқмай, мўлиқмас» («Эр киши меҳнат қилиб толиқмаса, бойликка мўлиқмайди», дейилмоқчи»); «Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан»; «Хурматинг — савлатинг, Меҳнатинг — давлатинг»; «Тирикликда шуҳрат билан кун кечириб бўлмайди» (Кишининг бир вақтлари шуҳрати кетган бўлса ҳам кейинчалик аввалги шуҳрати орқасида тирикчилигини ўтказа олмайди, ўзи меҳнат қилиши, ҳаракат қилиши керак бўлади, дейилмоқчи); «От оёғидан топади, Одам — қўлидан»; «Товуқ ҳам тирмалаб тўйинади»; «Арслон ўз кучи билан тўйинади»; «Бўрининг қорнини оёғи тўйғазади»; «Бўрининг ризқи — оёғида»; «Тинмас кампирнинг оёғи ойдинда чарх йигирар»; «Эрнинг ғайрати тоғни кўзғатар»; «Эр тоғни урса, талқон қилади»; «Ғайрат қилган — тоғни тешар»; «Тиришган — тошга мис қоқар» (Мис бошқа баъзи металларга — пўлатга, чўянга, темирга нисбатан юмшоқроқ бўлади. Мисдан ясалган михни тошга қоқиб, киргазиб бўлмайди. Мақолда: «Тиришган, астойдил ҳаракат қилган одам имкони бўлмаган мушкул ишнинг ҳам уддасидан чиқа олади», дейилмоқчи); «Тиришганнинг тўқмоғи тошга чега қоқади»; «Тўқмоғи кучли бўлса, юнг қозиқ ерга кирар»; «Тиришмаган — улғаймас»; «Тиришқоқликни чумолидан ўрган, Дангасаликни — қурбақадан»; «Тиришқоқнинг тери чиққунча, Ишёқмаснинг жони чиқар»; «Меҳнатнинг нони ширин, Ялқовнинг жони ширин»; «Таралла бедод, Жон ғанимат» (Меҳнатга бўйин эгмай, ўз ҳузур-ҳаловатини кўзловчи, «дўпписини яримта қилиб юрувчи» ишёқмас, дангасаларга нисбатан киноя қилиб шундай дейдилар); «Созанда созини созлар, Ишёқмас ўзини созлар»; «Тек турганга шайтон таёқ тутқазар» (ҳамма ишлаб, ҳаракат қилиб юрган жойда тек турадиган, яъни ишламай-кучламай, бировга ёрдамлашмай, томошабин бўлиб, бир чеккада қаққайиб турадиган ишёқмас-хушёқмасга шайтон ҳам «меҳрибонлик» қилган бўлиб: «Тик тураверіб, белинг қотиб кетди. Ма, мана бунга таяниб, ишлаётганларга қараб, томоша қилиб тураверг!» деб, қўлига таёқ тутқазиб кетади, дейилмоқчи); «Тер тагида дард қолмас»; «Тер чиққандан жон чиқмас» («Ишласанг, меҳнат қилиб машаққат чексанг, ўлиб қолмайсан, қўрқмаёқ қўяқол», дейилмоқчи); «Одам ишдан чиқмайди, Одамдан иш чиқади»; «Тилак бўлса, билак чидайди» («Кишида яхши тилак, умид, орзу-ҳавас бўлса, шунинг ўзи унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, чарчатмайди, саботли, матонатли қилади», дейилмоқчи); «Интилган

эрга денгиз тўшигидан келади»; «Тиканни боғлаб тикиб бўлгунча, гулни боғида ишлаб кетиб...

Тешик мунчоқ ерда қолмас.

Одатда буни етган киши ҳаётларида совуқ келавермаса, уларнинг ёши катталашиб боравереса, бундан отаона ташвишлана бошлайди. Шунда мазкур маколни айтиб, уларга: «Кўп ташвишланаверманг, қизингиз ёлғиз қолиб кетмас, бирор муносиби топилиб қолар», деган маънода тасалли берадилар. Ёки: «Қизга эр топилади, йигитга ер топилади»; «Тирик илон инсиз қолмас, Пўлат пичоқ қинсиз қолмас»; «Ҳар нимани ҳам вақти бор, Ҳар қизнинг ҳам бахти бор»; «Қиз боланинг бахти кулнинг тагида ётади» (Бунда қизнинг бахти кул остида ётган пухта таъбирга этилади); «Йиғлама, қиз, йиғлама, тўнинг бўлар, Олтин бешик, гўшанга, унинг бўлар»; «Тўй бўлса яхши бўлар, Йигит-қизнинг бахти кулар».

Тешик қулоқ нелар эшитмас.

Бевосита биродан с оркасидаратдан ўзи ҳақида ёмон гап, туҳматли сўз, ҳақорат эшитиб ҳафа бўлган, газабланган одамга тасалли берганда шу маколни қўллайдилар.

Тиз чўкиб яшагандан — тик туриб ўлган яхши.

Бу мақол «Душманга бўйсуниб, бош эгиб, итоат қилиб, ялиниб-ёлворибхор-зорликда, тутқунликда, «оёқ остида» бўлиб яшагандан кўра, унга қарши курашиб, мардонавор ўлган афзал», деган маънода қўлланилади. Ёки: «Ер бўлиб яшагандан — Шер бўлиб ўлган яхши»; «Ют ери қул бўлиб яшагандан — Бир кун ҳур бўлиб яшаган яхши»; «Тутқунлик — турмушмас»; «Жамила, тиз чўкиб яшагунча тик туриб ўлган яхшироқ» Ношукурлик ҳайвондан пастдир, ўлим инсоннинг мартабасини оширади» «Ҳамза, Бой ила хизматчи».

Тикан бўлиб оёққа қадалгунча, гул бўлиб чаккага қадал.

Бу билан «Ёмон сўзинг, қўпол муомалангиз, хатти-ҳаракатингиз билан кишилар дилига озор бергувчи бўлма, яхши гап-сўзинг, ҳароб-муомаланг, ёқимли хулқ-атворинг билан эл-юртнинг иззат-ҳурматига сазовор бўл», деган маънода насиҳат қиладилар.

Тикан заҳри учида, Душман заҳри ичида.

Бу билан ташқи ва ички душманлардан ҳамиша — тинчлик пайтида ҳам, жанг жадал пайтида ҳам, ёв қўлга юборилганидан кейин ҳам ҳушёр, сергак, эҳтиёт бўлиб туриш, душманнинг ҳийла-найрангига алданмасликни уқтирганлар. «Тузокни сен унутсанг ҳам, тузок сени унутмас» деган мақол билан ҳам ҳушёрлик, сергаклик, эҳтиёткорликка даъват этадилар.

Тиккан чевар эмас, бичган — чевар.

Ҳар қандай кийим ҳам аниқ ўлчаб, ўйлаб, маҳорат билан бичилса, тикилгандан кейин кишининг жумласига лойиқ ярашиқ, кўркам ва бежирим бўлиб чиқади. Шунингдек, ҳар бир иш бошидан пухта ўйлаб қилинса, натижада кўнгилдагидек бўлиб чиқади. Мазкур мақол билан шунга шама қиладилар.

Тил билан тикан тортиб бўлмас.

Тил билан тиканни тортиб олиб бўлмайди. Мазкур мақол билан мақсадки: «Дўст биродаринг билан бирор кулфат, мусибат, машаққат тушгудек бўлса, ўша тил учида, оғзаки ваъдаб, далда беришинг кифоя қилмайди, унга амалий моддий ёрдам беришингга даркор. малҳам бўлиб, муштқлигини осон қила олсанг», деган маънода насиҳат қиладилар.

Тил — қиличдан ўткир.

Ота-боболар: «Кишн жамиятда яшаркан, сўзлаш одобига ниҳоятда қаттиқ риоя қилиши, ҳамма нарсани гап деб гапиравермаслиги, ўйлаб гапириши, бўлар-бўлмасга сўз қотмаслиги, тилини тийиб юриши зарур. Акс ҳолда бошига бало орттиради, ўзига зиён-заҳмат етказади», деган фикрни билдирганлар. Вар.: «Қилич кесолмаганни сўз кесади»; «Тил тиғи қилич тиғидан ўткир»; «Тиғ жароҳати битар, Тил жароҳати битмас» (тиғ — пичоқ, қилич ва б. кесган яра тезда битиб кетади, аммо тилинг билан бировнинг дилини яраласанг, бу жароҳат сира ҳам тузалмайди. Кейин у одамнинг кўнглини олишинг жуда қийин бўлади. Шунинг учун аввало ёмон сўзлама, дейилмоқчи); «Тил билан тугилган тугун тиш билан ечилмас»; «Кўз етмаган ерга сўз етади»; «Кишининг ўзи етмаган ерга сўзи етади»; «Ел киролмаган ерга сўз киради»; «Куч эголмаганни сўз эгади»; «Фил кўтармаганни тил кўтаради»; «Фил кучли, филдан ҳам тил кучли»; «Тил кичик бўлса ҳам, дунёни бузиб, тузатади»; «Тог-тошни сув бузар, Эл орасни сўз бузар»; «Тилга ихтиёрсиз — Элга эътиборсиз»; «Бошга бало недан келур? — Икки энлик тилдан келур»; «Ўн балонинг тўққизи тилдан тугар»; «Бахтли қиладиган ҳам — тил, Бахтсиз қиладиган ҳам — тил»; «Севдирган ҳам — тил, Бездирган ҳам — тил»; «Тил бор — бол келтиради, Тил бор — бало келтиради»; «Тилдан бол ҳам томади, оғу ҳам»; «Шакар ҳам — тилда, Заҳар ҳам — тилда»; «Дунёда энг чучук нарса ҳам — тил, Энг аччиқ нарса ҳам — тил»; «Тил эрни гўрга солар. Норни — қозонга»; «Бир сўз тўрга олтар, Бир сўз — гўрга»; «Бир сўз кулдиради, Бир сўз ўлдиради»; «Кулдирадиган ҳам — тил, Ўлдирадиган ҳам — тил»; «Йиғлатадиган ҳам — тил, Юпатадиган ҳам — тил»; «Суйдирган ҳам — тил, Куйдирган ҳам — тил»; «Дўстинг ҳам — тил, Душманинг ҳам — тил»; «Ўқ бирни ўлдиради, Сўз — мингни»; «Сув тошни ёради, Сўз — бошни»; «Таёқ этдан ўтади, Сўз суякдан»; «Оёқ югуруги ошга, Тил югуруги бошга»; «Очиқ тил ош едирар, Аччиқ тил тош едирар»; «Сигир ўз тилидан кирчанги бўлади» (сигирнинг одати шуки, тили билан танасининг у ер-бу ерини ҳадеб ялайверади. Унинг кирчанги (кўтир) бўлишига ўз тили сабабчи бўлади. Мақолнинг мажозий маъноси шуки, одам ҳам тилига эҳтиёт бўлмаса, ахири бир кун ўз бошига бир бало орттиради); «Одам сўзидан ушланади, Мол — мугузидан»; «Эл лафзидан, Қўй бўғизидан (кесилади).; «Кўтир қўлдан юқар, Бало — тилдан»; «Тилнинг бўшлиги бошга етади»; «Узун тил — бошга тўқмоқ, бўйинга сиртмоқ»; «Тили узунининг умри қисқа»; «Тили узуннинг — иши хуржун»; «Оёғидан қулаган — туради, Оғзидан «қулаган» — турмайди»; «Оёқ тойса тузалар, Тил тойса тузалмас»; «Тоқка нима деб қичқирсанг, шуни эшитасан» («Бировга яхши гап гапирсанг, ундан ҳам яхши гап эшитасан, ёмон гапирсанг, қўпол муомала қилсанг, ҳақоратласанг, сўксанг, шунга яраша жавобини оласан. Шунинг учун бировга гапирадиган гапингни билиб, ўйлаб, ақл тарозусида ўлчаб, ана ундан кейин гапир», дейилмоқчи). «Ҳа» га «ҳа» келади, «ҳу» га — «ҳу»; «Аччиқ савол бериб, ширин жавоб кутма»; «Ғаразли савол берсанг, Ғазабли жавоб оласан»; «Ёмон сўз эгасига қайтар»; «Туянинг буйдаси ўз чуйдасидан» (Буйда — туянинг чилвири, бурундуғига тақиладиган тизимча арқон. Чуйда — туянинг бўйни ва тиззасидаги ўсиқ юнглар. Уни кирқиб, эшиб, арқон қиладилар). Мақолнинг тўғри маъноси: «Туянинг ўз чуйдасини олиб, ўзининг бурнига тиқиб, судраб юрадилар. Туя ўзини ўзи боғлаб беради». Мажозий маъноси: «Киши ўйлаб сўйламаса, тилини тийиб юрмаса, ўз тили ўзини боғлаб беради»; «Саодат бахш руҳ зулолиға манбаъ ҳам тил, шаҳоват наҳс кавкабига матлаъ ҳам тил ...Тилингни ихтиёрингда асрагил, сўзингни эҳтиёт била дагил!... Ҳусну жамолсиз киши ширинкалом эса, Сайд айлар элни, нуқта фасоҳат била деса... Не сирфа деган киши тили қотим-

лидур, Алқиссаки, кимсанинг балоси тилидур... Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот, Ҳам сўз ила топиб ўлуг тан ҳаёт»; «Тил илдамидин тўлур ғаромат ҳосил, Юз навъ маломату надомат ҳосил» (Навоий). «Тилнинг суяги йўқ». Вар.: «Тил — суяксиз»; «Тилнинг суяги йўқ, Оғизнинг жияги йўқ»; «Филнинг ияги йўқ, Тилнинг суяги йўқ»; «Дарвозасиз — оғиз, Суяксиз — тил»; «Оғиз — айғоқ, Тил — тайғоқ»; «Тил — бўғимсиз, Ўй — тубсиз», «Тил кетидан от билан ҳам етиб бўмас»; «Оёққа кишан солиб бўлади, Оғизга кишан солиб бўлмайди»; «Тилга тиргак йўқ». Мазкур мақолларнинг вариантлари бошқа халқларда ҳам бор. Ҳаммасида ҳам айтилмоқчи бўлган гап битта: «Тилнинг суяги йўқ, қаёққа бурсанг, шу ёққа бурилаверади. Шунинг учун тилингга эрк берма, эҳтиёт бўлиб, атрофлича ўйлаб сўзла»); «Суяксиз тил суяк синдирар»; «Тилини тийган — бошини қуткарар»; «Тилингни тия тут — тишинг синмасин, бу юрган халойиқ сенга кулмасин»; «Қўлингни ювиб юр, нима еяринг билмайсан, Тилингни тийиб юр, нима деяринг билмайсан»; «Тек юрган — тўқ юрар»; «Индамаган — уйдай балодан қутилади»; «Юмуқ оғизга пашша кирмайди»; «Тилга — тиш қалъа, Кўзга — қош»; «Тил — бало, Тиш — қалъа»; «Бир энлик оғизга — икки энлик қопқоқ»; «Тилни боғла дил билан, Дилни боғла тил билан»; «Фойдасиз сўзни айтма, фойдали сўздан қайтма»; «Тилингни ботир қилмай, Ўзингни ботил қилма» (ботил — буш-баёв, сохта); «Юрганда оёғингни эҳтиёт қил, Гапирганда — тилингни»; Кишининг ҳурмати — тилида, Қудрати — қўлида»; «Тил сақлаган ўйланар, Тилдан озган бойланар»; Оғиз билан ҳамённи ёпиқ тут»; «Оғзи «қулоқ» қанд ейди, Оғзи шалоқ панд ейди».

Тилаб олган боламни туя тепиб ўлдирди.

Вар.: «Тилаб олган боламни така тепиб ўлдирди»; «Тилаб олган боламни эчки сузиб ўлдирди»; «Тилаб олган эримни эчки тепиб ўлдирди»; «Қараб турган ёримни қарокчига олдирдим». Бу мақоллар аранг етишган нарсасидан ажраб, маҳрум бўлиб қолган одам тилидан нолиш мақомида айтилади.

Тилаб олган ёмғир — бошга бало.

Одатда кишилар (айниқса деҳқонлар) ҳаво қуруқ келган пайтларда: «Бир ёмғир ёғса яхши бўларди-да», деб орзу-умид қиладилар. Ёмғир ёғади ҳам, аммо, баъзан бир бошлаган ёмғир ҳадеганда тинмай, ҳадлан ташқари кўп ёғиб, ерни захлатиб, пилчиратиб, ишни орқага суриб юборади ё экин-тикинга зиён-заҳмат етказади. Шунингдек, киши «фарзанд кўрсам», «келин кўрсам», «куёв кўрсам»... деб орзу қилиб юради. Вақти-соати келиб, кўради ҳам. Аммо, бу «тилаб олган» фарзанди, келини ё куёви қўнғиллагидай бўлмай, номаъқул, беодоб, дилозор... бўлиб чиқади-да, уни «куидиради», дилини ранжатади, эл-юрт ўртасида гап-сўзга қолдириб, шарманда қилади. Мазкур мақолни ана шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда айтадилар.

Тилинг билан дилингни бир тут.

Вар.: «Тил — дил калити»; «Дилда нима бўлса, тилга шу келади»; «Тилдан чиққан — дилдан чиққани»; «Дили қинғирнинг — тили қинғир»; «тилни боғла дил билан, Дилни боғла тил билан»; «Тилинг билан дилингни бир тут — сенга ўлим йўқ»; Булар билан: «Дилингда бошқа нарсани ўйлаб, тилингда бошқа нарсани гапирма, айёр, муғамбир, тилёғламачи, ёлғончи, юккиюзламачи бўлма, тўғри ўйла, тўғри сўйла, ростгўй бўл!» деган маънода насиҳат қиладилар. Ёр улдурким тилию кўнгли оның бўлса бир, Ким тили ўзгаю кўнгли ўзгадур ул ёр эмас. (Навоий).

Тилини билсанг, дилига йўл топасан.

Вар.: «Тилни билиш — дилни билиш»; «Тилни бил, дилни билишга йўл очилади»; «Тил топилса, душман ҳам дўст бўлар»; «Тил — дил тилмочи»; «Тил билган навкар — бол билан шакар, Тил билмас навкар обрўни тўкар»; «Тил билган йўлда қолмас»; «Қардош тилин билмоқ — қадрдонлик белгиси». Булар билан ота-боболаримиз киши ўз она тилисини яхши билишидан ташқари ўзга эллар тилини ҳам ўрганиши лозимлигини уқтириб, бунинг аҳамияти катталигини, ўзга эллар тилини билиш — уларнинг дилини билишга, улар билан жавоб-муомала, бордикелди қилиш, дўстона алоқалар ўрнатиш сари йўл очиб беришини қайд этганлар.

Тириклигимда қилмадинг шод, ўлганимдан кейин хоҳ қил-у, хоҳ қилмагил ёд.

Вар.: «Борида қилмадинг шод, Ўлгандан кейин хоҳ қил ёд, хоҳ қил фарёд»; «Боринғда қадринг билмадим, йўғингда излаб топмадим»; «Ўлгандан кейин — раҳматлик»; «Тиригимнинг сардори, Ўлигимнинг ҳардори»; «Тирикликда сийлашган яхши, Фарибликда — мунглашган»; «Тиригини сийлаган бий бўлар, Ўлигини сийлаган бой бўлар» (бий — қабила ёки қабилалар иттифоқининг бошлиғи); «Тириклигида сийламасанг, ўлганида йиғлама». Бу каби мақоллари билан халқ фарзандларга ота-онани кўз тириклигида иззат-ҳурмат қилиш, асло ранжитмаслик, дилини огритмаслик зарурлигини уқтиради. Ҳоликим, жондан асар бордур, соғинғил бандани, Мен чу ўлсам хоҳ унутғил, анда хоҳу ёд қил. (Лутфий).

Тирикчилик — тирриқчилик.

Тирикчилик ўтказиш йўлида тирриқчилик қиладиган, ҳаром-ҳариш ишларга қўл уришдан ҳазар қилмайдиган, ёлғон-яшиқ гапиришдан, туҳмат қилишдан ва ҳ. к. тоймайдиган одамлар устидан заҳарханда билан кулганда, аччиқ киноя қилганда, масхаралаганда шундай дейдилар.

Тирикчилик шерни ҳам тулки қилади.

Вар.: «Тирикчилик тошни ҳам ёради»; «Тириклик — тошдан қаттиқ»; булар билан: «Дунёда тирикчилик ўтказиш осон эмас. Тирикчилик кишини ҳар кўйга солади, меҳнат қилиб, машаққат чекишга, хоҳлаган ишини ҳам, хоҳламаган ишини ҳам қилишга, баъзан «катта бошини кичик қилишга», яъни ўз мавқеидан паст одамларга бўйсунишга, ялиниб-ёлворишга мажбур этади. Тирикчилик — ана шунақа. Бундан хафа бўлиб, ўпкаланиб, ҳафсалани пир қилиб, тушкунликка тушиб юрмасдан, яшаш учун курашиш керак», демоқчи бўладилар.

Тирноқни этдан айириб бўлмайди.

Астойдил айираман дейилса, тирноқни этдан айириш мумкин, лекин ҳеч ким ўлақолса бундай қилмайди. Чунки, тирноқни этдан айиргандан ортиқ оғриқ дунёда бўлмаса керак. Мақолда ота-онани болалардан, болаларни ота-онадан, туғишганлар ва яқин қариндош-уруғларни, чин дўсту қадрдонларни бир-биридан айириб бўлмаслиги, айириш қийинлиги, айирилган тақдирда эса уларнинг қаттиқ изтироб чекишларини мажозий маънода ифодаламоқ учун шундай дейилган.

Тирноғи бўлмаса, йўлбарс ҳам ожиз.

Ота-боболар бу ва бу каби бир қатор мақоллар воситасида эл-юртни душмандан мудофаа қилиш, бунинг учун эса ҳамиша ҳушёр ва сергак бўлиб, ёвнинг ҳужумини даф қилишга пухта шайланиб туриш зарурлигини уқтирганлар: «Қуролсиз, яроқсиз сарбоз — Думсиз, оёқсиз ғоз»; «Оти йўқ той

қўшар. Қуроли йўқ асир тушар»; «Қуроли бор қулон топар, Қуроли йўқ булон бўлар» (булон бўлмоқ — асир тушмоқ); «Тўқол така сузишса, енгилади» (тўқол — шохи йўқ, шохи синган); «Ботир милтиқсиз бўлмас, Балиқ — қилтиқсиз»; «Темир таққан — термулмас» (темир — қурол-яроғ); «Қуроллансанг, қуролинг шай, бекаму-кўст бўлса, ёвга термулмайсан, яъни унга асир тушиб, қарам бўлиб қолмайсан, дейилмоқчи); «Найзанг узун бўлса, ёв йироқдан ўтади»; «Ёвга яроғим бор, Не ғамим бор?!»; «Курода қирқ кишининг кучи бор»; «Таёқ топилгунча — юдуруқ» (юдуруқ — мушт); «Ёв кетса ҳам, қиличингни занглатма»; «Тоғдаги тулкини тобидаги този олар» (бу билан мажозан: «Аскар обдан ўқитиб-ўргатилса, машқ қилдирилса, чиниқтирилса, ҳар қандай кучли ва айёр душманни ҳам енга оладиган бўлади», дейилмоқчи); «Чиниқмаган хўроз бир чўқишда қочади»; «Тегирмонда туғилган сичқон момақалдироқдан қўрқмайди» («Ёшлигидан чиниқтирилиб, қийинчиликларга кўникма ҳосил қилдириб борилган фарзандлар оғир, мусибатли, жанг-жадалли кунларда кўрқиб-писиб, пана жойга бўкиниб ўтирмай, мардонавор ҳаракат қиладилар», дейилмоқчи).

Тирсак яқин бўлса ҳам, тишлаб бўлмас.

Яқин қариндош-уруғдан ҳеч қандай фойда тегмаса, ёрдам сўралганда у ёрдам бермаса, мажозан шу мақолни қўллайдилар.

Товус танасига қараб яйрайди, оёғига қараб йиғлайди.

Товуснинг парлари ва патлари ниҳоятда чиройли бўлиб, ранг-баранг товланиб туради, ҳамманинг ҳавасини келтиради. Аммо, унинг оёқлари ола-пес бўлиб, кўрган кишини жиркантиради. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Баъзи одам юқори мартабали, давлатманд, «егани — олдида, емагани кетида» бўлиб, ҳеч бир нарсага муҳтожлик сезмайди. У бу жиҳатдан мамнун, хурсанд бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилиб юради. Аммо, бошқа бир жиҳатдан камчилик-нуқсони бўлади (масалан: бефарзанд бўлади, фарзанди жисмоний нуқсонли ё номаъқул бўлиб чиқади; хотини ё эри ёмон бўлади; ўзи бедаво дардга чалинган бўлади ва ҳ. к.); у бу жиҳатдан доимо ҳафа бўлиб, изтироб чекиб, асабланиб, афсусланиб юради. Мазкур мақолни мажозий маънода ана шундай кишиларга нисбатан айтадилар.

Тоза ҳаво — дардга даво.

Вар.: «Тоғ ҳавоси — дард давоси», «Ҳавоси қандай бўлса, навоси шундай»; «Яхши хордиқ — танга озиқ». Ота-боболар тансоғли юзасидан таълим берарканлар, бу ва бу каби мақолларда киши вақти-вақти билан ҳаво алмаштириб туриши, соф, мусаффо, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиши, яхшилаб хордиқ чиқариши зарурлигини уқтирганлар.

Тойлигида туёғи синган — узоққа чополмас.

Бу билан: «Ёшлигида ёмон йўлларга кириб, ёмонлар билан дустлашиб, номаъқул ишлар қилиб, уришиб, жанжаллашиб, ёқаланиб, бирор ерини шикастлаб олган одам умрбод касалманд, ногирон бўлиб, қулидан дурустроқ бир иш келмайдиган бўлиб қолади: ёшлигида ёмон йўлга кириб, ёмонлик қилиб, қўлга тушиб, камалиб, номи булғанган одам эл-юрт ичида умрбод юзи кора бўлиб юради, ҳамма ундан нафратланади, жирканади, ўзини олиб қочади, бирор яхши сўз ва яхшиликни унга раво кўрмайди, натижада у одам яккамохов бўлиб, хорзорликда кун кечириб, дунёдан ўтиб кетади», демоқчи бўладилар.

Тойни от қилгунча, эгаси «ит» бўлади.

Болани боқиб ўстириш, тарбиялаб, одам қилиш — осон эмас. Бу йўлда ота-она катта қийинчиликларга дуч

келади. Бир: «Чоғи ўтирган — тоғи кемитмас»; «Ўғлим бир кулни ўлтирувмас, ер тишин шохини тортишга»; «Тоғлилар от бўлгунча, ерликлар ... бўлади»; «Тун қотиб, кундуз бўлмас» «Тумон ўтинга ота тошиб кетилар. Маъносида: «Ота бола-чақанг бошин, ошиқ эҳтиёжини тилмоқлаш йўлида турмуш уринишларидан, машаққатлардан, елиб-югуришдан қочиб қутулолмайсан». Белимовчиқ: «Авлоғи ёк остига кирди»; «Тоғ от бўлгач, От ... бўлади»; «Тоғ улашса от тишар, Ўғил улашса ота тишар»; «Ўғил ўғил кирса, Ота совға киради»; «Бола бола бўлгунча, Ота мола бўлади»; «Яхши ёк яр келим, Қизил ёк кар келдим»; «Сув келса кемирдим, Тоғ келса кемирдим»; «Бўлмаса барлар бўлди. Елкамда ... бўлди»; «Қарталикка қонмадим, Чумтуликка ўқитмадим»; «Тўлалика қонтирмадим. Итлика қонтирмадим» (Бу қанотли сўз маъносини ота-оналар покобил бўлиб чиқиб, вояга етган болаларига қарамай қўйган фарзандларидан бирини ихтиёрлаганда, уларга айтади: «Ҳозир сўзи катта қилгунча озмунча харажат қилиб, озмунча қийналганмидим?» деган маънода айтадилар); «Тўққан хлеб эмас, боққан хлеб»; «Тўққан — ота эмас, Боққан — ота»; «Тайёгим — таянчоғим» (Ота-оналар: «Жоним, сен — кўзимнинг нури, белимнинг қувватисан, катта бўлганингда таянчоғим, суянчоғим бўласан» дея кичкинтойларини севиб, ўпиб, эркалаб, яхши орзу-умидлар қиладилар).

Тома-тома кўл бўлар, тийинлардан сўм бўлар.

«Қийин тирикчилик учун зарур бўлган нарсалар ва маблағларни оз-оздан бўлса ҳам жамғариб бориш, тежаб-тергаб тарфини лозим», деган маънода ишлатилади. Бир: «Тома-тома кўл бўлар. Бирибирини мисс бўлар»; «Тома-тома кўл бўлар. Кема юрар, кўл бўлар»; «Тома-тома кўл бўлар. Ока-ока сел бўлар»; «Тома-тома кўл бўлар, Хеч томмаси кўл бўлар»; «Кўл томчидан кўл бўлар»; «Сомонинг боши — кўр. Бегмонинг боши — миясиз»; «Тийинлардан сўм бўлар, Мисколлардан — бегмон»; «Танга тийиндан устар, Йилки кулундан устар»; «Мол зулдан усади»; «Той ота етказар. От — мардикор»; «Ўтин деган — чўп бўлар. Тераверсанг кўп бўлар»; «Чумилласанг кўп бўлар, Арқонга солсанг кул бўлар»; «Ўтин йиғсанг кул бўлар. Ўтга ёқсанг кул бўлар»; «Чорақлаб яшиладиган, Бегмонлаб яшилади» (чорак — баъзи жойларда беш пудга, баъзи жойларда беш келовка, яъни икки килограммга тенг бўлган оғирлик ўлчови бирлиги; В. Хинц, Е. А. Давидович, Мукаддимавий меры и веса. Мазкур мақолда «чорақ» сўзи «оз», «жуда оз» маъносида ишлатилган); «Тийин қарини билмаган — Сўм қарини билмас»; «Тийин қанаси сақлайди»; «Тийин, тийининг ини қизиқ»; «Кўр бўлмас, кут бўлмас»; «Кўр кетди — кут келди» (кўр — камчилик, кут — барака).

Томдан тараша тушди, бўйимга яраша тушди.

Қилмишига яраша ҳақ этилган ё жазосини тортган одам ўз ақбига иқрор бўлиб, пушаймон қилиб шундай дейди.

Томчи тошни тешади.

Бир: «Томчи тошни ёрар. Қизғина тоғ белини»; «Тукалгандан томчилаган ёмон»; «Томчига тош чидамас»; «Томчи томчи тешар»; «Ёмғирдан чаккан ёмон». Бундан бундан: «Ғаму-ташвишнинг катта-кичиги бўлмайди. Одамдан бошқа ҳам кимнинг ғамбоши бўлиб, унинг кемириб, уларни «ғажлаб», охири адойи-тамом қилади, дейилмоқда. «Фалак пайсага ўхшаб, ҳаққи-ноҳақни ҳаста қилмоқда. Нечоғлик томчи оғир ер ўрса, шу томчи маъқул эмиш» (Навоий).

Топган гул келтирар, топмаган — бир боғ пиёз, топган қўй келтирар, топмаган — жўжа хўроз.

«Биров сени сийлаб, бир нима совға қилса, у каттами, кичикми, яхшими, ёмонми — олавер, рад этма, арзимаслигидан хафа бўлма, келтирган одамни ранжитма ҳам. Негаки, ҳар ким ҳол-қудратига яраша совға, ҳадя қила олади», деган маънода айтилади. Вар.: «Топган — ниёз, Топмаган — пиёз», (ниёз — хайр-садақа); «Чумолининг совғаси — чигиртканинг оёғи»; «Совғанинг катта-кичиги бўлмас»; «Игна ҳам — ниёз, Инган ҳам — ниёз» (инган — она туя); «Туя ҳам — совға, Тугма ҳам — совға»; «Дўстдан ҳар нима тегса — савғот»; «Сийлаб сув берса ҳам — ич».

Тор жойда ош егандан — кенг жойда муш(т) еган яхши.

Вар.: «Тор ерга тана боши сиғмас» (тана — икки ёшли бузоқ); «Ошхонанг кенг гўрхонанг кенг». Булар билан: «Ҳар бир нарсанинг — уйнинг, ҳовли-жойнинг, кийим-кечакнинг, киши феълининг ва ҳ. к. кенглиги, мўл-кўллиги, бемалоллиги яхши. Қисилиб-қимтиниб яшаш курсин!» дейилмоқчи.

Тотув турмуш — узоқ умр.

Вар.: «Ёринг билан аҳил бўлсанг — ошингинг олчи»; «Оила аҳил бўлса, битмайдиган иш қолмас»; «Яхши кўрсанг боласин, Иззат қилгин онасин»; «Қозонда — жиз-биз, Кўрпада — сиз-биз» («Рўзғорингни бут, егулик-ичгулик нарсаларни бисёр қилиб қўйсанг, хотининг сени янаям яхши кўради, иззат-ҳурмат қилади», дейилмоқчи); «Темирнинг бир боши иссиқ бўлса, Бир боши — совуқ» (Асли темирчилар тарафидан тузилган бу мақол мажозий маънода хотинларга тасалли берганда айтадилар. Масалан: хотин эридан шикоят қилиб бировга гапирса, кекса аёллар унга: «Эркак деган кўчадан хафа бўлиб, жаҳли чиқиб келса, бирпасдан кейин жаҳлидан тушади, хафалиги тарқайди. Шундай қизиб турган вақтида сен унинг баттар жаҳлини чиқазиб, қизитиб юборма, ўзингни бос, сабр қил, тишингни тишингга қўй, бу асабий ҳолат тезда ўтадикетади. Эркакнинг бир тарафи ёмонлик бўлса, бир тарафи — яхшилик» деган маънода тасалли бериб, муроса-мадора йўлини кўрсатадилар); «Оилангнинг иззати — Ҳаётингнинг лаззати»; «Турмуш фаровон бўлса, Кўнгил — чароғон»; «Яхши рўзғор — жаннат, Ёмон рўзғор — дўзах»; «Ёмон турмуш яшатмас»; «Эрда вафо бўлса, хотинда жафо бўлмас»; Эрдан — садоқат, хотиндан — итоат»; «Эрдан хато, хотиндан узр, Хотиндан хато, эрдан узр»; «Эринга ёқсанг, элингга ёқасан»; «Бирлик бўлмаган ерда барака бўлмас»; «Тотув элнинг томоғи тавсилмас» (томоғи — озиқ-овқати); «Оз ҳам битар, кўп ҳам битар, Тотувликка не етар?!» «Бу дунё ўтар-кетар, Тотувликка не етар?!».

Тоғ тоғ билан қовушмас, одам одам билан қовушар.

Вар.: «Икки эл қўшилар, Икки тоғ қўшилмас». Мазкур мақолни XI асрнинг машҳур олими, тилшунос Маҳмуд Қошғарий шундай изоҳлаган: «Икки тоғ бир-бирига қовушмайди, чунки улар жойларида турғундирлар. Одамлар, кўп вақт ўтиб кетса ҳам, бир-бирларига қовушадилар. Бу мақол узоқ вақтдан сўнг дўстини кўрган одам ҳақида айтилади» («Девону луғотит турк», 3- том, 167- бет).

Тоғни баланд дема, талаб қилсанг чиқарсан, ёвни кучли дема, ғайрат қилсанг йиқарсан.

Ота-боболар бу ва бу каби кўпгина мақолларда она-тупроқни душман оёғи остида топтатмаслик, ёвга қарши шафқатсиз кураш олиб бориш, ундан асло қўрқмаслик, юрт-

нинг дахлсизлиги, озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, бу олижаноб йўлда ҳатто жонни ҳам аямасликка даъват этганлар: «Юртни кўри, элинг ўсар, Кўримасанг, уйинг тўзар»; «Ватанга фалокат — ўзингга ҳалокат»; «Она-юртинг омон бўлса, Ранг-рўйинг сомон бўлмас»; «Ажал олиб келса ёв, Ўлдир уни беаёв»; «Душманга омон берма!»; «Тушга нималар кирмас, Душман нималар демас» (бу билан: «Тушга ҳар нарса кирганидек, душман ҳам «ундоқ қилодурман-бундоқ қилодурман» деб, оғизига келганини валдирайверади. Сен бундан чўчима, жангга қўрқмасдан киравер», деб далда берганлар); «Душманнинг гавғоси — эшакнинг савдоси» (эшакнинг савдоси бошқа молларнинг савдосига нисбатан осонгина битади). Мазкур мақол билан «Душманнинг кўтариб келаётган гавғоси — эшакнинг савдосидай аҳамиятсиз, арзимаган бир нарса, қўрқмай, мардонавор ҳаракат қилсанг, уни даф этиш — ҳеч гап эмас», деган маънода жангчиларга далда берганлар. «Тўнгизни боткоқда бос»; «Йиртқични уясида янч»; «Тирик бўлсак — бир ерда, Ўлик бўлсак — бир гўрда»; «Ўлсак — гўримиз бир, Чиқсак — тўримиз бир»; «Дўстлар билан бирга ўлиш — тўй»; «Эл нима бўлса, сен ҳам шу»; «Тортишган — эр, Тортишмаган — қора ер».

Тузоқ қўйдим пиёзга, илинса — шу ёзга, илинмаса янаги ёзга.

Пиёз уруғи қуруқ тупроқда бир йил қолиб кетса ҳам чиримайди, кейинги йилда униб чиқаверади. Деҳқонлар шунга асосланиб, юқоридаги мақолни тўқишган ва мажозан: «Сен бирор хайрли иш қилсанг-у, ўз даврида одамлар унинг қадрига етмасалар, ҳеч ўксинмай яхшилигингни қилавер. Ахири бир кун ажрини топасан», дейилмоқчи.

Тузсиз хамир тандирда турмас.

Вар.: «Тузсиз қази тез сасир»; «Тузсизни кўзсиз ҳам билади»; «Тузсиз ошни ит ичмас»; «Тузсиз ошнинг эпи осон, Тузсиз гапнинг эпи қийин». Бу мақоллар бемаъни, бемаза, «куракда турмайдиган» гапга ва шундай гапларни гапирувчиларга нисбатан қўлланилади.

Тулки инига қараб ҳурса, қўтир бўлади.

Вар.: «Тулки инидан нолиса, ўзига номус». Булар билан: «Ўзининг униб-ўсган ерини, элини, Ватанини ёмонлайдиган, ношукурчилик қилиб ташлаб кетадиган одам ўнгалмайди, хор-зорликка учрайди», демоқчи бўладилар.

Тулки тулкилигини қилгунча, териси қўлдан-қўлга ўтади.

Халқ бу ва бу каби бир қатор мақолларида айёр, муғамбир, ҳийлагар, қаллоб, хиёнаткор шахслар ҳар қанча усталик, уддабуронлик, эҳтиёткорлик билан иш кўрмасинлар, барибир бир кунмас-бир кун қўлга тушиб, тегишли жазоларини олишлари муқаррар эканлигини уқтиради: «Тулкининг касби — туллаклик»; «Тулкиниг ўттиз икки найранги бор, энг яхшиси — кўринмаслик»; «Тулки тулкилигини тунда кўрсатар»; «Тулкининг ҳийласи кўп, яхшиси — қочмоқ»; «Тулки қанчалар қочмасин, борар жойи — мўйнадўзнинг дўкони»; «Тулки тулки билан мўйнадўзнинг дўконида топишади»; «Тозининг бу келиши бор, Тулкини пўстин бозоридан топ»; «Тулки тумшуғидан илинар»; «Бурунги тулки — бугунги кулки»; «Ўхшамагил тулкига, Қоларсан кўп кулкига»; «Туллакни тузоққа тушириш осон эмас» (туллак — бултурги, қари, икки, уч йиллик туллаган бедана; кўчма маънода — айёр, маккор, фирибгар одам. Мақолда: «Бундай одамлар ниҳотда айёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш кўрадилар. Уларни

қўлга тушириш осон эмас. Лекин, бири бир вақти-соати келиб, қўлга тушмай қолмайди», дейилмоқчи); «Туллак тилидан илинар»; «Зийрак қуш тумшугидан илинар»; «Тулкининг тавбасидан кўрк, Муғамбирнинг — навҳасидан» (навҳа — йиғи. «Айёр, муғамбир одам кўз ёши қилиб, ялиниб-ёлворганига раҳм қилиб, айбини кечирсанг, ўз вақтида адабини бермасанг, кейин ўзингга қийин бўлади», дейилмоқчи); «Кулли муғамбир — пандхўр» («Ҳамма муғамбирлар ахири бориб панд ейдилар», дейилмоқчи).

Тулки ўз қуйругин мақтар.

Тулкининг қуйруғи (думи) бошқа ҳайвонларникига нисбатан чиройли ва баҳоси юқори бўлади. Мажозий маънода мазкур мақолни ўзининг арзиган-арзимаган нарсаси билан ҳамма ерда мақтаниб юрувчи одамларга нисбатан истеҳзо тарзида қўллайдилар. Вар.: «Тулки қуйругин мақтар, Аҳмоқ — уруғин»; «Калининг нимаси бор — Темир тароғи бор»; «Тозининг нимаси бор — темир тароғи. Гадойнинг нимаси бор — хуржун, таёғи»; «Лўли эшагин мақтар, Гадой — тўрвасин».

Тулкининг тушига товуқ киради, товуқнинг тушига тариқ киради.

Одатда киши бирор нарсани ўйгида кўп кўрса, кўп ўйласа, шу нарса унинг тушига ҳам киради. Мазкур мақолни: «Ҳар ким ўз нияти, мақсадига етишиш орзусида бўлади, шу ҳақда ўйлайди, қайғуради, шунинг ғамида юради», деган маънода қўллайдилар.

Тулкининг ўзига қараб эмас, терисига қараб баҳолайдилар.

Вар.: «Тулкининг ўзи эмас, териси пул». Булар билан: «Кишини афти-ангорига, ҳуси-жамолига, кийиб олган қимматбоҳо кийим-кечагига қараб эмас, ахлоқ-одобига, гап-сўзига, илм-билимига, қилган ишларига қараб баҳолайдилар», дейилмоқчи.

Туманда бурган санаб бўлмас

(бурган — бир йиллик ўсимлик; ундан катта супурги қилинади). Мазкур мақол билан мажозан: «Ҳали ноаниқ, туманли, ғойибона, «узун қулоқ» гапларга кўра иш кўриш, бир хулосага келиш керак эмас», деган маънода насиҳат қиладилар.

Турки бузуқдан хулқи бузуқ ёмон.

Бу билан: «Кишининг турқи, яъни ташқи қиёфаси, афт-ангори хунук, кўримсиз бўлса-ю, ўзи олижаноб, камтар, камсуқум, дилкаш, сахий, очиқ кўнгил, ширинсуҳан ва ҳоказо шу каби ижобий хусусиятларга эга бўлса — бу яхши, уни ҳамма иззат-ҳурмат қилади, қадрига етади. Аммо, ўзи чиройли бўлгани билан хулқи бузуқ, ахлоқ-одобсиз, дилгир, кўрс, айёр, муғамбир, эгриқўл, тамагир, очкўз, баҳил, бетамиз, безори, урушқоқ, беҳаё ва ҳоказо шу каби иллатларга эга бўлган кишини эса ёқтирмайдилар, иззат-ҳурмат қилмайдилар, ўзларини ундан олиб қочадилар, ўрни келганда, адабини бериб ҳам қўядилар», дейилмоқчи. Вар.: «Турқ бошқа-ю, кўрк бошқа».

Тухумнинг оқини оқлаб е, сариғини сақлаб е.

«Оқлаб е дегани ҳам, «сақлаб е» дегани ҳам — «кўп е» демакдир. Чунки, тухумнинг оқи ҳам, сариғи ҳам киши организмига, кўпгина касалликларга фойдалидир. Ибн Синонинг ёзишича, тухумнинг «энг яхшиси — товуқ тухумининг янгисидир. Ундаги нарсаларнинг энг яхшиси — мағзи (ичидаги сариғи) дир... Тухумнинг мижози муътадилга яқин. Оқи — совуққа ва сариғи — иссиққа мойилдир... Оқи елимлаш хусусияти билан ачитадиган огриқларни боса-

да... Тухумининг оқи ва сариғи пардаларини юмшатади, бутун оғриқларининг ҳаммасида... тумовда... сариғи кулоқдаги йиринглар фойда қилади... оқи кўздаги оғрикни босади, сариғи... кўзнинг лўқиллашида фойда қилади. Тухумининг сариғини аталаб, илиқ ҳолида ичини йўтал, ковурга плевраси, зотилжам, сил, иссиқлаш овоз бўғилиши, дик-қинафас ва қон туфлашда... буйрак ва ковуқ яраларига фойда қилади» (Ибн Сино, Тиб қонунлари).

Тушга ишонганнинг умри уйқуда ўтар.

Ўтмишда кишилар (ҳозир эса баъзилар) тушга ва туш таъбирига қаттиқ ишонганлар. «Одамнинг тақдири, яхши ва узоқ келажаги унинг кўрадиган яхши ё ёмон тушига боғлиқ», деб ҳисоблардилар. XIX асрда Ўрта Осиё бўйлаб сафҳат қилган рус саёҳи А. П. Хорошхин бу хусусда шундай ёзади: «Тушда қон кўрса — қариндошидан айрилади; эгарланмаган отда юрса, лойқа сувда сузса, ковуш еса — ёмон, тиниқ сувда сузса — эркинлик; эгарланган отда юрса — яхши... (А. П. Хорошхин, Сборник статей касающихся до Туркестанского края). Эл орасида айтиб юриладиган қуйидаги мақоллар ана шундай тушунчалар маҳсулидир: «Мусулмоннинг туши — нисоф каромат» (нисоф — ярим); «Туши ўнгининг иши ўнг»; «Яхши-яхши ерга ётсанг, Яхши-яхши туш кўрарсан, Ёмон-ёмон ерга ётсанг, Ёмон-ёмон туш кўрарсан»; «Яхши тушга ҳам — садақа, Ёмон тушга ҳам — садақа» (Халқда шундай бир одати-қадима ҳам бор эдики, яхши туш кўрсалар, буни яхшиликка йўяиб, суюнчисига гадоларга садақа берардилар. Ёмон туш кўрсалар, буни ёмонликка йўяиб, шу ёмонликка йўлиқмаслик учун садақа берардилар. Мазкур мақолда шу одат ўз аксини топган); «Тушингни сувга айт!» (Бировга: «Бу гапинг билан мени» лақиллатиб бўбсан! Бувака гапингни бориб кимга айтсанг айт-у, лекин менга эмас», деган маънода қўллайдилар): «Тушингни ҳазилкашга айтма» (Бу билан: «Тушингни ҳазилкаш кишиига айтакўрма, у одатдаги ҳазилига кўра тушиигта тескари таъбир берса, ёмонликка йўйса, ёмонликка йўлиқасан», демоқчи бўлганлар). Илғор фикрли кишилар бундай эътиқодий тушунчаларга, сафсаталарга ишонмаганлар ва тушга нисбатан ўз муносабатларини билдирганлар: «Ақлли ишига ишонади, Аҳмоқ тушига ишонади».

Туя бўйига иноииб, йилдан қуруқ қолибди.

Маълумки, Осиё халқларида қадимдан ўн икки ҳайвон (сичқон, сигир, йўлбарс, қуён, балиқ, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, тўнғиз)нинг номи билан аталадиган ва ҳар ўн икки йилда янгидан такрорланадиган йил ҳисобини юритиш системаси (мучал) қўлланиб келинган. Кишилар туғилиш, ўлиш, жанглар, буюк воқеалар, йилнинг яхши ё ёмон келиши ва бошқаларни шу мучал асосида «йил аглариб» ҳисоблаганлар. Мазкур мақолнинг келиб чиқиши мучал билан боғлиқ бўлган халқ афсоналарининг бирига бориб тақалади. Унинг қисқача мазмуни шундай: «Ўн икки йилни бир мучал деб атаб, шу йилларнинг ҳар бирига бирор ҳайвоннинг номини қўймоқчи бўладилар-да, ҳамма турдаги ҳайвонларни бир дарё бўйига ҳайдаб келишни буюрадилар. Қайси ҳайвон кўзга биринчи кўринса, мучалнинг йили ўшанинг номи билан аталади, деб шарт қуйганлар. Шунда туя бўйига иноииб: «Биринчи йил бизнинг номимиз билан аталади-да!», деган ғурурият билан бўйнини чўзиб келаверган. Сичқон бундоқ қараса, ҳамма ҳайвонларнинг оёғи остида кўринмай колиб кетадиган. У эпчиллик билан бир сакраб, туянинг устига чиқиб олади-да, қулоғининг учига ўтириб кетаверади... Манзилга яқинлашгач, ҳаммадан баланд бўлиб келаётган сичқон биринчи бўлиб кўринади. Шартга мувофиқ мучалнинг биринчи йили «сичқон» деб аталади. Туя эса йилдан қуруқ колади...» Шундек, баъзи одам ўзининг бой-

лигига, кучига, савлатига, амал-мансабига ва ҳ. к. ишониб, мағрурланиб: «Фалон нарса менга тегмай, кимга тегарди?!», «Фалон жойга мен айтилмай, ким айтиларди?!» деган ҳаёл билан ўзини катта олиб, ўзгаларни менсимай юрадида, бирдан айтиладиган жойга айтилмай қолади ё бериладиган нарса берилмай қолади-да, мулзам бўлиб, шармандаси чиқади. Юқоридаги мақолни мажозий маънода шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда мағрур, манман одамга нисбатан истеҳзо тариқасида айтадилар. «Буйига ишониб, қамиш бўйра бўлибди» деган мақол ҳам шу маънода қўлланади.

Туя — минг танга, мана минг танга! Туя — бир танга, қани бир танга?

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, кишининг ёнида пул бўлмаганда, аксига юриб, бирор керакли нарса арзон нархда сотилаётган бўлади. Ёнда пул бўлганда эса, қидириб юрилган зарур нарса қиммат баҳога ҳам топилмайди. Агар топилгудек бўлса, камоли зарурлигидан, ҳар қанча баланд нархга ҳам сотиб олинади. Мазкур мақолни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўллайдилар.

Туя минган узоқни кўзлар, эшак минган — яқинни.

Бу билан мажозан: «Ақл-идроки баланд, мулоҳазали, кўп ўқиган, кўпни кўрган одам бирор ишни қиларда, бирор гапни гапирарда узоқни кўзлаб, орқа-ўнгини ўйлаб, ақл-фаросати билан билиб иш тутади, сўз қотади. Ақли калта, фаросати йўқ одам эса иш қилишда ҳам, гап гапиришда ҳам атрофлича мулоҳаза қилиб ўтирмай, оқибати нима бўлишини ўйламай, калтабинлик билан иш кўради», демоқчи бўладилар. Вар.: «Туя манзил кўрар, Эшак — оёғин остини»; «Туяга минсанг, узокка кўз ташлаб юр»; «Туяга мингач, узоқни ўйла»; «Эшак миниб туёқ тагини кўрма, Туя миниб олис-олисни кўзла».

Туя тўпиғи ҳам — тўпиқ, қўй тўпиғи ҳам — тўпиқ.

Ҳар иккиси ҳам «тўпиқ» деб аталади-ю, аммо катта-кичикликда фарқи бор. Бу билан мажозан: «Ҳамма одам ҳам «одам» деб аталаверади-ю, аммо одамда ҳам одам бор — бири яхши, бири ёмон; бири ақлли, бири аҳмоқ; бири дилкаш, бири дилгир; бири саҳий, бири бахил; бири дўст, бири душман ва ҳ. к. дейилмоқчи.

Туя устида қатиқ уймас.

Қатиқ бир жойда қимирламай турсагина уйийди. Шунингдек, киши гинч, осойишта, хотиржам бўлсагина қиладиган иши унумли, сифатли бўлади, ўйлайдиган фикр ҳам, гапириладиган гап ҳам тайинли бўлмайди. Мазкур мақол билан мажозан шуни ифода этадилар.

Туя элакка қолганда бўкиribди.

Вар.: «Туя элакка қолганда «вой белим!» дебди»; «Бутун рўзғорни кўтарган туяга битта элак оғирлик қилибди»; «Туя элакка қолганда оқсар». Бу мақоллар билан: «Киши ишлаб, чарчаб турган пайтда енгил, арзимаган иш ҳам оғир ва мушкул бўлиб туюлади, «қилмайман!» деб рад этади ё оғриниб, малол келиб, зарда қилиб, жаҳл билан қилади»; «Кишининг ўз иши, ғам-ташвиши етиб ортиб турганда бировнинг кичкина, арзимаган, енгилгина ишини ҳам кўша қилиш, ғам-ташвишини кўша тортиш унга малол келади, оғирлик қилади, рад этади ё зарда-писанда билан қилади», дейилмоқчи. Баъзи ҳолларда шундай одамга нисбатан истеҳзо а киноя гарзида айтадилар.

Туя ўйин тушса, қор ёғади.

Бу — халқнинг асрлар давомида олиб борган кузатишларидан, ҳаётий тажрибасидан, халқ астрономияси, космографияси, метеорологияси қарашларидан келиб чиққан кўпдан-кўп мақоллар ва аломатларнинг биридир. Ота-боболар ўзларининг бундай мақоллари ва аломатларида қачон, қай ҳолларда ҳаво айниши, ёғингарчилик бўлиши, ёғингарчиликнинг тиниши, ҳавонинг исиши ё совишини бирмунча олдиндан «айтиб берганлар»ки, бу фикрлари қунинча тўғри бўлиб, чиқади. Жумлада, бу хилдаги мақоллар ва аломатларда қайд қилинишича: бурга кўтурса, асалари уясидан чиқмаса, қалдирғоч паст учса, қора карға ўйнаса, от хирилласа ва ҳ. к. — ҳаво айниши; ҳавода чивин ўйнаса, қумурсқа қанотланса, ўргумчак тўр тўқиса, чувалчанг ер юзига чиқса, кисқичбақа қуруққа чиқса, қурбақа қаттиқ қурилласа, илон исиниса, қалдирғоч чўмилса, карға паст учса, турна сайраса, мушук эшик тимдаласа, от тепинса, сигир сутини тортса, тутун ҳавога кўтарилмаса, бутлой ўтганда ўроқ кўкарса, ўримдан кейин анғиздан сув чиқса, сув қуюқланиб оқса, шудрини тушмаса, сув чиқар тарафдан ел эсса, ведуллар кичкина кўринса, камалакнинг икки боши сувга ботиб турса, сув қаттиқ қисиса ва ҳ. к. — ёмғир ёғади; камалак кўринмаса — ёмғир тинади; булутлар кўтарилиб кетса — ҳаво очилиб кетади; қумурсқа паст учса, карға қалқиб учса, ит ўзини тушса ва ҳ. к. — қор ёғади; ит қорга ушалиса, от ўзини ёта ва ҳ. к. — бўрон бўлади; чувалчанг ерга кирса, қалдирғоч баланд учса, ўргумчак тўр тўқиса, урлак қумурсқа тез бошлаб кетса, турнурлар тақалиб қуришни ва бир ёққа кетаётган қушлар тўхтаб, ер қарай бошласа, сигир ўзи ётган жойини ковлаб ётса, қалтакесак кўринмаса, қалдирғоч паст учса, ҳаво очилиб кетади; ит

Туяга янтоқ керак бўлса, бўйнини чўзади.

Вар.: «Булоқ сувини истаган — белини букар»; «Шунқор овни кўрса, ерга шўнғийди»; «Эшак — иши билан, Тўнғиз — тиши билан» («тирикчилигини ўтказади, дейилмоқчи): «Бора билсанг, ола биласан»; «Бориб олсанг — фойда, Келтириб бермоқ — қайда?!» Бу мақоллар билан: «Ҳар ким ўз тирикчилигини ўтказиш учун ўзи меҳнат қилиши лозим. Бировнинг тирикчилигини биров ўтказиб бермайди», дейилмоқчи.

Туядан: «нега бўйнинг эгри» деб сўрасалар, «қаерим тўғри?» деган экан.

Вар.: «Туяда тўғри жой бўлмас». Мажозан, ёмон одамнинг қай бир қилган иши яхши бўларди, деган маънода киноя қиладилар.

Туяни чўмич билан сугориб бўлмайди.

Вар.: «Чанқоқни томчи билан кондириб, бўлмас». Булар билан: «Катта еб, катта ичиб, ўрганиб қолган одамни озгина, арзимаган нарса билан қаноатлантириб, кўнглини олиб бўлмайди», дейилмоқчи ва кўпинча порахўр, олғир, юлғич, тамагир одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр.

Вар.: «Қўтонга бўри дориса, бир қўйликнинг шўри қурийди»; «Ел турса, юнг тўзийди»; «Парнинг бир «пуф»лик ҳоли бор». «Буларда эчки, бир қўйлик», юнг, пар — камбағал, бева-бечораларга, ожизларга, тирикчилигини зўрга «қўл учида», бир амаллаб ўтказадиган одамларга ташбиҳ этилган ва «Замона нотинч бўлса, офат юз берса, очарчилик, қийинчиликлар бошланса, ўзига тўқ, «қўли узун», эътибори катта бой ва амалдорлар бир оз қийинчиликка йўликишлари мумкин-у, аммо камбағал, бева-бечораларнинг шўри қурийди», демоқчи бўлинган.

Туянинг думи калта бўлса ҳам, тулкидан дум сўрамайди.

Бу билан кишини ор-номусли, чидамли қаноатли бўлишга, ҳар қандай эҳтиёж туғилган чоғида ҳам бировдан, айниқса пасткаш, берган арзимас нарсасини ҳам ҳар ерда миннат қилиб юрувчи одамдан бир нима сўрамасликка даъват этадилар.

Туянинг ҳазили ботмон ғўзани ебди.

Ботмон — тахминан бир гектарга тенг ўлчов. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати», 1-том, 135-бет. Вар.: «Туяга «ноз қил» деса, бир таноб ғўзани ебди» (таноб — Ўрта Осиёнинг турли область ва районларида турлича бўлган ўлчов бирлиги). Бир таноб — 1707 квадрат метрдан тортиб 4097 квадрат метрга тенг бўлган (В. Хинц, Е. А. Давидович, Мусульманские меры и веса). «Такага: «ноз қил» деса, тол шохига осилибди»; «Туянинг ҳазили бир тахта ғўзани ебди» (тахта — марза билан ажратилган ер бўлаги; карта); «Туянинг ҳазили ботмон кўзани бузар»; «Қўполдан тўнгак айлансин»: «Қўполнинг ўпганидан — тўқолнинг тепгани яхши» (тўқол — шохи синиқ ё шохи йўқ ҳайвон). Бу мақолларни ўзи ва сўзи қўпол, дағал, қилиғи совуқ, гап-сўзи ва хатти-ҳаракати билан кишиларга озор берувчи, ёқимсиз одамларга нисбатан истеҳзо ва киноя тарзида қўллайдилар.

Туққанига суюнма, турганига суюн.

Вар.: «Туққани ҳисоб эмас, тургани ҳисоб». Бу мақолни халқимиз янги туғилган болаларнинг кўпи узоқ яшамай, гўдаклигидаёқ бирор касалга чалиниб, ўлиб кетишлиги туфайли аччиқ истироб билан айтган. Гуё бунинг олдини оладигандек халқ бола туғилгач, турли прим-

сиримлар қилар, ҳатто «ўлмай, соғ-саломат ўссин» деган ниятда болаларига Тўхтасин, Тўхтамурод, Тўхтанибой, Турсун, Турсунбой, Турғун, Турғуной, Ҳаёт сингари исмлар қўярди. «Туғиб қутилиш — ўлиб тирилиш» деган мақолда аёлларнинг туғишидаги азоб-уқубатлари чексиз эканлиги ифода этилган. «Боланинг боши — бойлик»; «Тўнғич бола — туғ бўлур» деган мақолларда аёллар аёлларга (айниқса, янги келинларга): «Биринчи туғиладиган (яъни тўнғич) болани аёл ҳар қанча қийналса ҳам, яхши сақлаши зарур. Агар аёл (айниқса, биринчи болага) ҳомиладорлик даврида ўзини яхши сақламаса, ҳолидан ташқари ишларга уриниб қўйса, натижада бола қорнида ўлиб қолса ё чала туғилса, келинги бола (ё болалар) ҳам қорнида ўлиб қолиши, чала, носоғ ё нуқсонли туғилиши, касалманд бўлиши, кўп яшамай улиб қолиши мумкин», деган маънода насиҳат тарзида айтганлар. Туғиш билан боғлиқ бўлган кўпгина урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар халқ ўртасида азалдан, мавжудки, айрим мақолларда шулар ҳам ўз ифодасини топган: «Туккан уй — тўй»; «Туғулик сўрамоқнинг ҳам аломати бор» (аъмоли — амаллар, ишлар, тадбирлар. Урф-одатга кура, туккан хотинининг ҳузурига «Эсон-омон кутлаб олишдими?» деб кунига сурашни карашми-урушлар, кўни-қўшнилар, танини-билишлар, асосан, хотин-кизлар келишади. Шунга анъанага кура, улар «узунги», «соҳиб», «ошнинг хами», чакалокка кийимкечак, пон шарфилар ва х. к. келтирадиларки, буни «аъмол» ё «лозим емади» дейишлар); «Туккани сурамасанг, ўлганда сурама!» (Бунда туккан хотинни ардаб бориб, кунига сурат — бешихон зарур эканлиги уктирилган).

Тухмат тош ёради, тош ёрмаса — бош ёради.

Бу ва бу каби бир турум мақолларда халқ тухматнинг инсон учун никобир хавфли эканлигини таъкидлаган, тухматчиларни ажрата-

нади, уларнинг асл башарасини очиб ташлайди ва улар оқибат-натижада тегишлича жазоларини олмай қолмасликларини уктиради: «Тухмат — аршдан улуғ»; «Сув тоғни емиради, Тухмат — одамни»; «Ошкора дўқ-ниқдан қўрқма, Яширин тўҳматдан қўрқ»; «Тухматнинг тоши ёмон, Ғийбатчининг — ғилофи»; «Бўҳтоннинг қолипи йўқ, Ёлғоннинг — толиби» (толиб — талаб қилувчи, хоҳловчи, изловчи). «Бировга тухмат, бўҳтон қилувчи одам қандай бўлмасин, бировга бир нарсани олиб келиб «ёпиштиради». Ёлғоннинг эса кимга ҳам кераги бор, уни ким ҳам талаб қиларди, изларди?!» дейилмоқчи. «Тухматчи ўликни гувоҳ тугади»; «Бўҳтоннинг эги йўқ, Макрнинг — чеки» (эг — яхшилик, эзгулик); «Жала ёпган жалага йўликар» (жала ёпмоқ — тухмат қилмоқ); «Тухматнинг умри қисқа»; «Тухматчи тухмат билан ўлади».

Тўйга борсанг тўйиб бор, ёмонлигинг қўйиб бор.

Бу мақол «Жамоат йиғиладиган жойга — тўйга, меҳмондорчиликка «алмоии-алжоии» бўлиб борма, дурустрок кийимингни кийиб бор; жамоат йиғилган жойда ёмонлик қилма, ичкиликка етиб сакла; тўй-зиёфатда овкатни бўктирмасдан орқа-ўнгингга қарамай ема» деб насиҳат қилинганда айтилади. Қар.: «Тўйга борсанг тўйиб бор, Тўрка тўнни кийиб бор» (тўрка тўн — шоҳи матодан тикилган). «Тўйга борсанг бурун бор, Бурун борсанг ўрин бор», «Тўя, чўкса, жой топар» (Бу билан кўпинча «Тўй-зиёфатларда йиғилларга жой тор» бўлиб, одам кўпрок бўлса, ўтирмай, тикка-тик қараб турма, бошкаларнинг кўзига ўтиб кетмасин, оғамлар бир оз сурилишса, сенга ҳам жой топилади, дейилади»). «Тўйга борсанг тўйиб бор, Бўк қалтанни кўйиб бор» «Тўя тенг — ўзидан ошар». Тўй-зиёфатларда тавсия-ланадиган ушбу мақолдан бирок яхшиликка ёрдам берадиган, ёмонликдан қайтарадиган кўприк сифатида ҳам фойдаланиш мумкин. Шундай тўрт-тўрмас бўлиб

қолсанг, бундан хафа бўлма, гина ҳам қилиб юрма», дейилмоқчи. «Тўйдан — тўпиқча — («Тўйдан сенга тўпиқча, яъни озгина, кичкина нарса тегиб қолгудай бўлса, бундан ўпкаланиб юрма Тўйчилик-да», дейилмоқчи); «Тўйган ҳам — бир, Тотган ҳам — бир» («Олдимга ош келди деб, орқа-ўнгингга қарамай еяверма, одоб сақла. Тотиб кўрсанг ҳам тўйгандек бўласан», дейилмоқчи); «Тўйганга — тўй, тўймаганга — томоша»; «Тўйда сўз бер бахшига, Харидор бўл яхшига».

Тўйдан олдин ноғора қоқма.

Вар.: «Подадан олдин чанг чиқарма»; «Ҳамир қормасдан бўрон тандирга ўт ёқма»; «(Уруғни) сочиб мақтанма, йиғиб мақтан»; «Кораси кўрингандан қолдим дема, Қўлингга тегмаганни олдим дема». Бу каби мақоллар билан: «Бир ишни бошламасдан, у иш ҳали бир ёқлик бўлмасдан туриб мақтанма, кейин мақтовингга лойиқ бўлмай қолса, кўпчилик ўртасида шарманда бўлиб қоласан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Тўйдирганнинг — қорнига.

Баъзи ноқобил фарзанд, ноинқўр, кўрнамак, ноинсоф одам ўсиб-улғайиб, илмли, ҳунарли бўлиб, қўлидан бир иш келадиган бўлиб, топармон-тутармон бўлганидан кейин ота-онасини, мураббийини, устозини қийналиб, мушкул аҳволга тушиб юрган пайтларида ёрдам қўлини чўзган одамини ва ҳ. к. назар-писанд қилмай, менсимай, ҳурмат қилмай, тескари қараб кетади, кези келганда унга ҳам ёрдам қўлини чўзиш у ёқда турсин, ранжитиб, хафа қилади, ҳатто уриб-сўкиш даражасига ҳам бориб етади. Мазкур мақолнинг «Томогини еб, товоғини теп» деган вариантини ҳам ана шундай ярамасларга қарата аччиқ киноя ва заҳарханда тариқасида айтилади.

Ки бордур эшит дарҳ эли ҳолига,
Масал бор: кимки тўлдирди —
қурсоқига
(хиромий).

Тўйнинг боши — бошланғунча.

Одатда тўй қиладиган одам каттик ташвишга тушиб, «қандай ўтаркин, етишмовчилик бўлиб, уялиб қолмасмикинман...» деган хаёлларга бориб, «ич-этини еб» юради. Мазкур мақоли билан халқ тўй қилувчи одамга; «Кўп ташвиш тортманг, тўй то бошланғунча шундай огир туюлади, бошланғандан кейин ишлар ўз-ўзидан юришиб кетади, қариндош-уруғлар, қўни қўшнилар, ёрдўстлар қўл қовуштириб турмайдилар, сенга ҳар томонлама кўмаклашадилар», деган маънода тасалли беради ва уни дадил бўлишга даъват этади. Шунингдек, тўй ва тўй қилиш, унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган, тўй эгаларига ва меҳмонларига насиҳат қилувчи қўйидаги мақоллар ҳам бор: «Тўйнинг бўлганидан — «бўлади-бўлади»си қизиқ»; «Тўйнинг «бўлди-бўлди»си қизиқ, Келининг «келди-келди»си қизиқ»; «Тўйликнинг тўйича ташвиши бор, Уйликнинг уйича ташвиши бор»; «Тўй қистови билан тўй битар». «Ў-ҳў, ҳали канчадан-канча ишим битмаган», деб кўп ташвишланаверма. Тўйнинг қистови, тиғизлаб келиши баҳонаси билан битмаган чала ишларинг битиб кетади, дейилмоқчи. Бу мақолни биргина тўй эмас, умуман бир катта воқеа баҳонаси билан анча вақтдан бери битмай келаётган ё қаралмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган иш (масалан: янги уй солиш, уй-жойни таъмир қилиш, янги кийим-кечаклар, жиҳозлар, асбоб-анжомлар сотиб олиш ва ҳ. к.) юришиб кетганда ё битиб қолганда ҳам ишлатадилар. «Қўй семизи — қўйчидан, Тўй тамизи — тўйчидан»; «Тўйнинг овозаси карнайдан маълум»; «Тўйи бор уй тутунидан маълум»; «Ўлганига чидасанг қўй қил, Еганига чидасанг тўй қил»; «Ҳар ким тўйган тўйини мақтар»; «Тўй кимники — тегишлиники»; «Тўй — тегишликини, Ҳайит — ҳамманики» («Ҳайитга ҳамма бораверади. Аммо, тўйга таклиф этилган бўлсанг, ўзингнинг у ерга ҳаддинг

сиғадиган бўлса бор, айтилмаган бўлсанг, тўй эгасининг сенга тегишли жойи бўлмаса, борма», дейилмоқчи); «Тўйинг бўлса, томошагўй топилар»; «Бол бўлса — чивин, Тўй бўлса — йиғин»; «Тўй — худонинг хазинаси»; «Тўй ўғилнинг ўғлидан, Қизлининг қизидан қайтар» (бу мақол — тўёна ҳақида). Бошқаларнинг тўйига тўёналар қилиб борган одамнинг ўзи ўғил уйлантирса, қиз узатса, урф-одатга кўра у одамлар ҳам тўёна қилиб келадилар. Бир вақтлар қилинган тўёна ўғил-қизнинг тўйида қайтиб келади, дейилмоқчи. «Тўйим ўзди, Тўним тўзди»; «Қоққанда қозиқ, Осганда хурмача қолмади» (Бу мақолларни ўзининг ҳол-қудратига қарамай, «ном чиқар» га тўй-зиёфатлар қилиб, охири бор буди-шудидан ажраб, қийналиб қоладиган одамларга нисбатан истеҳзо ва киноя тарзида айтадилар); «Туядай қиз узатиб, Тугмадай жаз емадим» (Бу мақол қиз узатганларга тааллукли. Ҳар қандай «дасти қиска» одам ҳам: «Қизим хурсанд бўлсин, қудам, куёвим ранжимасин» деб, қўлидан келганча, борини аямай сарф-харажатлар қилиб, очиғи — тошган-тутганидан ажрайди. Лекин, баъзи қудалар икки ўртади бўладиган харажатларга унча бош қўшмайдилар. Қиз узатган одам бундан хафа бўлади, лекин дамини чиқармай, аламини ичига ютиб юради. Шунда ундан: «Қалай, тўй ташвишларидан омон-эсон қутулиб олдингизми? Куёв болалаш хурсандмисиз? Тўйда кўнглингиз сизиб толиқтирмаганмир, кўп кўнгилдаги ўтказганмисиз?» деб сўраб қолган одамга у: «Ё, қайда? Туядай қиз узатиб, тугмадай жаз емадим» дейди); «Тўй уйласин ўтмас». Тўй — қўшничилик билан битадиган маросим. Унга хар хил одамлар келишади, улар билан бўладиган муомалада хар хил гап-сўзлар бўлиши, дастурхонга у — бу нарса етишмай қолиши, нотекислик чиқиш каби ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин. Бу — табиий бир ҳол. Шунинг учун бундан хафа бўлма, деб тўй эгасини ҳам, меҳмонларни ҳам насиҳат қиладилар, тасалли берадилар. «Тўлиқ ой тўлин ўтар. Тўйсизнинг — кўп»; «Тўй бўлса яхши бўлар, Йигит-қизнинг бахти кулар»; «Тўй устига тўй бўлсин, Бало-қазо йўқ бўлсин».

Тўкилмаган ким бор, сўкилмаган ким бор?

Мушкул аҳволга тушиб қолган, оғир дамларни бошидан кечираётган, бирор яқини вафот этган ва ҳ. к. кишиларга тасалли берганда юпатганда, сабр-тоқатга ундаганда шундай дейдилар.

Тўкисники — тўққиз кам.

Ўзи тўкис, бой бўла туриб, камоли зиқналигидан тўй, зиёфат ва маъракаларни суптагина қилиб, ноз-неъматлар, егулик-ичгуликларни етмайдиган қилиб ўтказадиган кишиларга нисбатан киноя тарзида қўлланади. Вар.: «Камбағалнинг тўйи тўкис бўлур, Бойнинг тўйи юпун бўлур»; «Камбағалнинг тўйида яйрайсан, Бойнинг тўйида чарчайсан»; «Камбағалникида интилиб ейсан, Бойникида — қимтиниб»; «Судхўрнинг тўйидан — камбағалнинг маъракаси яхши»; «Қўй семирса, туғиши қийин бўлади» (қўйнинг ва товуқнинг бу ҳолати бойиган сари пулни яхши кўрадиган уни қўлида маҳкам саклаб, бировга бир тийин бергиси келмайдиган бахил, хасис кишиларга танбеҳ этилган); «Бой боёғон бўлса, Итлари тороғон бўлар».

Тўнғиздан — бир тук.

Вар.: «Лаҳтдан — бир томчи, Тўнғиздан бир тук»; «Тўнғиздан бир тук узган нафс: «Тўнғизни бир тукимча халол». Ислом қонунида ҳўл тўнғиз (чўчқа) нинг бутун эгони ҳаром ҳисобланади. Аммо, ҳимоя ўлчамида майдо кийимни кийимга тўнғизнинг бирор тўки ёпишиб келган бўлса ва бунга намозхон пайқамаган бўлса, ўқилган намози жоиз бўлаверармиш. Пойабзал тикувчи косиблар шарият қонунининг ана шу нуқтасидан фойдаланиб, тўнғизнинг тукини сўзи (игна) ўрнида ишлатардилар. Тўнғизнинг кийган ошиган тукининг ўчи айри бўлади. Гиёҳдан-

ган ипни шу айрининг орасига кистариб, кейин уни тиззага қўйиб, қўл билан ҳимариб, чийирадилар. Шунда тук билан ип чирмашиб, битта бўлиб қолади ва бигиз урилган тешикдан равон ўтади. Юқоридаги мақол билан мажозан бировдан (айниқса, ҳеч нарса чиқмайдиган кишидан) нимаики унадиган бўлса ундириб қол; ҳар бир ғанимат нарсадан имкони борича фойдаланиб қол, дейилмоқчи.

Тўрамга салом бердим, тўрт танга товон бердим.

Ўтмишдаги амалдор, тўраларнинг мағрур ва манманлигини, инсофсизлигини, каҳри каттиқлигини, маиший бузуқлигини ва ҳ. к. фош этувчи мазкур мақолнинг қуйидаги маъноларидан ҳам бор: «Тўрага ишинг тушди — Ўрага путинг тушди»; «Тўрага ишинг тушса, чайнамай ютади» «Муттаҳамдан гап сўрасанг — бермаси кўп, Тўрадан гап сўрасанг — эртаси кўп»; «Тўрадан чўп сўрасанг, эртаси кўп»; «Тўрага яқин юрсанг, тўрвасин орқалайсан» («Тўрага яқин йўлагудек бўлсанг, сени ишлатиб, текин кучингдан фойдаланади», дейилмоқчи).

Тўрга тушган балиқ қармоқдан қўрқмас.

Бу билан: «Бирор айб билан қўлга тушиб, қамалиб чиққан одам қаттиқроқ жазодан қўрқмайди, айб-гуноҳнинг баттарроғини қилаверади», дейилмоқчи, жамиятда буни тасдиқловчи воқеа-ҳодисалар тез-тез учраб туради.

Тўрт оёқли от ҳам қоқилади.

Турмуш кечиришда янглишиб, хатога йўл қўйиб, суриниб, зиён-заҳмат кўрган, мушкул аҳволга тушиб қолган одамни юпатганда, тасалли берганда, сабр-токат қилиб, келажакка умид боғлаш зарурлигини уқтирганда шундай дейдилар.

Тўқайга ўт кетса, хўлу қуруқ баравар ёнади.

Вар.: «Қурукнинг ўтига ҳўл куяр»; «Қуруқ шохнинг оловига хўл шох ҳам ёнар»; «Гуноҳлининг ўтига бегуноҳ ёнар». Булар билан: «Замона нотинч бўлса, уруш бошланса офат-фалокат рўй берса ва ҳ. к. хамма баравар азият чекади, зиён-заҳмат кўради, бало-казога гирифтор бўлади», демоқчи бўлганлар.

Ўқларинг қўнглумга тушгач қуйди
ҳам кўз, ҳам бадан,
Ким куяр ўлу куруг чун найистонга
тушти ўт
(Навоий)

Тўқлик, тўқликдан чиқар шўхлик.

Вар.: «Тўқлик — шўхлик», «Тўқликка — шўхлик»; «Қорин тўқлиги — кутуртиради»; «Тўқликдан шўхлик чикади, Очликдан — олов»; «Тўқлик нелар дедирмас, Очлик нелар едирмас»; «Тўқлик ишрат кидирар. Очлик ўлан едирар»; «Тўқлик сўкиштирар, Йўқлик сўкиштирар»; «Тўқлик — шўхлик, Йўқлик — сўқлик»; «Имон-ислом — тўқликда, Имон кетар йўқликда»; «Жангу гавго келса тўқликда келар, Ранжу-меҳнат якка йўқликдан келар». Халқ бу мақолларида пули, мол-дунёси кутуртирганларнинг инсонийлик чегарасидан чиқиб кетадиган бузуқ ахлоқи, хатти-ҳаракати, феъл-атвори, маишитпарастлиги ва ҳ. к. устидан заҳарханда билан кулган, камбағал, бева-бечораларнинг эса аянчли аҳволини ифода этган. Тўқлук хирсин кўнгулдин йўқ қил, Ўзинг оч бўлиб, бир очни тўқ қил!» (Навоий). — «Тўқлик — шўхлик» деган бир гап бор. — деди Навоий ўз ҳақиқатига ишонган товуш билан. — Баъзан ортиқча тўқлик ва бекорчилик янги орзулар, ҳавас-лар тугдирур. Сиз йигитларингизга кенгаш беринг, улар ифрат мой ичмасунлар, айш-ишратга ифрат шўнгимасунлар (Ойбек, Навоий).

Тўғри сўзнинг заҳри йўқ.

Халқимиз ростгўйликни инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири деб, ёлғончилик, алдамчиликни эса энг ёмон иллатлардан бири деб биладики, бу нарса бир қатор мақолларда ўз аксини топган: «Ҳақ гап — ҳақиқатдан қиммат»; «Чин сўз чинни-дай жаранглайди»; «Чиройимдир чиним, Нуримдир куним»; «Сувни чим тўхтатар, Сўзни чин тўхтатар»; «Туянинг бувраси яхши, Сўзнинг тувраси яхши» (бувра — эркак туя, беш ёшдан ошгандан кейин шундай деб атайдилар; тувра — «тўғри» сўзининг шевага мослангани): «Ширин ёлғондан — аччиқ ҳақиқат яхши»; «Тўғри сўз — қиличдан ўткир»; «Тўғри сўз аччиқ бўлади»; «Рост гап — шафтолининг данагидан аччиқ»; «Тўғри сўзнинг тўкмоғи бор»; «Тўғри сўз тутоқтиради»; «Тўғри сўз қулоққа ёқмас»; «Тўғри сўз туққанингга ёқмас» (туққан — туғишган қариндош); «Тўғри тилим тиёлмадим, Туққаним билан туролмадим»; «Тўғри сўз куз ўяр»; «Тўғри сўзнинг тўни йиртиқ» («Тўғри сўзли одамни баъзилар ёқтирмайдилар, унинг гапини рад этадилар, хатто уриб-сўкиб, тўнини йиртишгача бориб етадилар», дейилмоқчи); «Бошингда тегирмон тоши айлантирса ҳам, тўғрисини гапир»; «Бошингга қилич келса, ҳам, тўғри сўзла»; «Бош кесмоқ — бор, Тил кесмоқ — йўқ» («Одатда бошни кесадилар, тилни кесмайдилар. Шундай экан, тўғри гапир», дейилмоқчи); «Рост гапга завол йўқ»; «Чин сўзни ёлғонга ўхшатма, Чин айтар тилни ёлғонга бўғизлама»; «Эгри ўтирсанг ҳам, тўғри гапир»; «Тўғри сўзга туганок бўлма»; «Тўғри сўзга тан бер»; «Тўғри сўзга тан бермаган — номард».

Гар қилич бошимга ҳам келса нагаймам ростин,
Сўзни ҳақ бўлса қачонимда жавобдим, ким дегуй"
(Мухаммас).

(Раъно:) Қўяверинг, кеннойи. Тўғри гап туққанингга ёқмайди, дейдилар. Юринг, анор еймиз (О. Ёқубов, Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим).

Тўғри — ўзар, эгри — тўзар.

Бу ва бу каби бир туркум мақолларида халқ ҳалоллик ва тўғриликни улғайди, эгриликни қоралайди, уларнинг яхши-ёмон оқибатларини кўрсатади: «Тўғри — мақсадига етар, Эгри — мақсадсиз йитар»; «Тўғри юк манзилга етар, Эгри юк йўлда битар»; «Ҳалол мол зое бўлмас, Ноҳақ мол зое бўлур»; «Тўғрилик нажот йўлига бошлар, Эгрилик ҳалок чоҳига ташлар», «Тўғри юрдим — етдим муродга, Эгри юрдим — қолдим уятга»; «Тўғри таёқ билан эгри таёқ кўтарганни ур!» «Тўғри таёқ — балога тўганок»; «Тўғри ҳар офатдан қутулиб кетар»; «Тўғриликдан йўқолган киши йўқ»; «Тўғриликка ўлим йўқ»; «Тўғри бошни эгри қилич кесмас»; «Тўғрилик ҳақликка олиб борар»; «Тўғри ўсган — гул бўлар, Эгри ўсган — кул бўлар»; «Ёғоч тўғри бўлса, тўсин бўлар, Эгри бўлса, ўтин бўлар»; «Тўғри девор узокка чидайди, Эгри девор тезда қулайди»; «Тўғри бўлса ўзига, Чивин қўймас кўзига»; «Тўғри бўлса ошин ер, Эгри бўлса бошин ер»; «Тўғрига дуо ёғилур, Эгрига бало ёғилур»; «Адолат енгмас, адолат енгар» (адолат — ўзаро низо, душманлик, хусумат; адолат — одиллик, ҳаққонийлик, тўғрилик); «Адолат қиличи кескир бўлур»; «Адолат қиличи кесган қул қонамас»; «Тўғрига завол йўқ»; «Тўғрилик тўғри тортар, Ўғрилик — ғўрга»; «Тўғри йўл — эл йўлдошин»; «Рост кучини қўниб, паст кўчадан юрма»; «Эгри йўллан юрсанг ҳам, тўғри юр»; «Тўғри юрсанг, чанг чиқмас»; «Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ».

Тўғрилигини билмаган ҳамма яхши от,
Эгрилигидан фойда кўрмаган бир зот
(Фирдавсий).

Узоқ чайнасанг, узоқ яшайсан.

Бу — халқнинг тиббий маслаҳат берувчи мақолларидан бири бўлиб, озиқ-овқатни наридан-бери, чалакам-чатти чайнаб, ютиб юбормаслик зарурлигини уқтиради. Акс ҳолда ошқозонга ва умуман саломатликка путур етади. Халқимизнинг баъзи мақолларида киши ҳаёти учун тишнинг аҳамияти катта эканлиги кайд этилиб, уни эҳтиёт қилиш, даволаб туриш лозимлиги уқтирилади: «Тишингнинг бутунида бутун тишла»; «Тиши бутуннинг — ризқи бутун»; «Тиши йўқнинг — ризқи йўқ»; «Тишсиз оғиз — тишсиз тегирмон» (Бу мақолни қариялар тишсизликларидан нолиб айтадилар. Тегирмон тоши ғадир-будир бўлади. Агар унинг «тиши» ейилиб, силлиқроқ бўлиб қолса, донни эзиб-янчолмайди. Шунинг учун махсус тишовчи усталар тегирмон тошларини ой сайин пўла қалам (зубила) билан тишаб турадилар); «Тишинг огриса тилингни тий, Кўзинг оғриса — қўлингни»; «Тишинг огриса, оғзингга сўк сол» (Ўтмишда болаларнинг (баъзан катталарнинг ҳам) тиши оғриса, оғзига бир кафт сўк солиб: «Оғзингни очма, чайнама, ютма, бирпас жим ўтир», деб олдиларида қимирлатмай олиб ўтирардилар. Кўп ҳолларда бу тадбир тиш оғриғини босарди. Бунинг сабаби — сўк солинганч оғиз очилмай, унга ҳаво кирмай, тиш оғриғи ўзўзидан босилиб қолганида бўлса эҳтимол); «Тиш йилда бир марта сув ичади»; «Меҳмон жойи — тўр, Жавзо келмай, ровоч сўр» (жавзо қуёш йили бўйича учинчи ойи, 22 май билан 22 июнь оралиғидаги даврга тўғри келади). Ровоч — ривоч — йирик баргли, илдизи йўғон ўтсимон кўп йиллик ўсимлик. Барги пордон, ейишли, илдизидан дори сифатида фойдаланилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 1- том) Ота-боболар ровоч ейиш — тишни «суғориш» демакдир, деб ҳисоблаганлар.

Узоқдаги қуйруқдан — яқиндаги ўпка яхши.

Бу ва бу каби бир туркум мақолларида ота-боболар нақднинг насиядан афзал эканлигини уқтириб, киши унмайдиган нарсани ундираман деб, асли тагида йўқ ё бор-йўқлиги даргумон бўлган нарсани, топишнинг имкони бўлмаган кўп нарсани топаман деб бекорга овора бўлмаслиги, озроқ ва ёмонроқ бўлса ҳам, нақдга, бор нарсага қаноат қилиши лозимлиги юзасидан панд-насиҳат қилиб қолдирганлар: «Қачонги қўйруқдан — ҳозирги ўпка яхши»; «Бугунги нақд ўпка — эртанги қуйруқдан яхши»; «Эртанги думбадан — бугунги шалҳак яхши»; «Насия сариёғдан — нақд ўпка яхши»; «Қачонги товуқдан — ҳозирги тухум яхши»; «Йўқ товуқдан — бор тухум яхши»; «Бугунги товуқ — эртанги ғоздан яхши»; «Уйдаги товуқ — осмондаги ўрдакдан ортиқ»; «Кўкдаги турнадан — қўлдаги чумчуқ яхши»; «Осмондаги шунқордан — қўлдаги турумтой яхши»; «Қачонги қизил паловдан — ҳозирги қуюқ қулча яхши»; «Пишмаган олдан — хом ошковоқ яхши»; «Узоқнинг ҳонидан — яқиннинг сомони яхши»; «Қор остидаги дондан — ер устидаги сомон яхши»; «Тотилмаган бўзадан — мирикиб ичган гўжа яхши» (бўза — оқишок, тариқ, арпа ва шу кабилардан

солинадиган кайф берувчи ичимлик; гўжа — ўғирда туйиб оқланган жўхори ёки бўғдойдан тайёрланган суюқ овқат); «Йироқдаги сув билан сувсоқлик қонмас»; «Узоқдаги сув билан яқиндаги ўтни ўчириб бўлмайди»; «Узоққа тузоқ қўйма!»; «Фалон ерда олтин бор, Борсанг бақир топилмас» (бақир — қизил мис); «Насия тилладан — нақд чақа яхши», «У дунёнинг ҳуридан — ўзимизнинг хўримиз яхши» (ҳур — афсонавий гўзал қиз. Мақолда: «У дунёнинг ҳуридан — хўрлайдиган бўлса ҳам, ўзимизнинг хотинимиз яхши», демоқчи бўлинган); «Кечнинг хазинасидан — эртанинг насибаси яхши»; «Узоқнинг узунидан — яқиннинг калтаси яхши»; «Олисдан аравалагунча, Яқиндан тўрвала» («Бирор нарсани олисдан аравалаб, яъни кўп ташиб келтиргандан - яқиндан тўрвалаб, яъни кам ташиб келтирган яхши», деймоқчи); «Узоқдан орқалагунча, яқиндан этакла».

Навоийё, бу эмас насия нақд бирлан тенг,
Беҳишт воиз бергунгау Ҳирот манго (Навоий).

Узум оламан десанг, узун кес.

Бу билан токни кўмишда узун кесиш тавсия этилган. «Тўрт занг — қирқ маданг» деган мақол ҳам соҳиб-корлардан чиққан. Токнинг йўғон танасини «занг», ундан ўсиб чиққан ва қаттиқлашгани «маданг», ундан ўсиб чиққан новдалар эса «панжа» деб аталади. Маданг ҳар йили қайтариқ қилиб турилса, занга айланади. Мақолда токни кесаётганда ҳар тўртта занга кирқта маданг қолдириш тавсия этилган.

Узумини егин-у, боғини суриштирма.

Ўтмишда боғдорларнинг узумини ўғирловчилар бўларди. Узумни кўпроқ мусаллассўлар ўғирлашарди. Улар ўғирлаган узумларини қопга солиб олиб келишарди-да, яхшисини еб, эзилганларини мусаллас қилишарди. Мусаллассўр улфатлар мезбоннинг ўз токзори йўқлигини билишар ва ундан киноя тарзида: «Бу узум қаердан келди?» деб сўраб қолишарди. Шунда уй эгаси: «Э, узумини егин-у, боғини суриштирма», деб қўярди... Мазкур мақолнинг мажозий маъноси шундай: Ўғритабиат бир одам хиёнат билан тонган карохатли молини бировнинг олдига қўйганда, у одам: «Буни қаердан олдинг?» деса, у ўз хиёнатининг очилиб кетишидан қўрқиб, шундай деб қўяқолади. Қуйидаги мақолларни ҳам шу маънода қўллайдилар: «Мевасини е, эгасини сўрама»; «Сутини ич-у, сигирини суриштирма»; «Болини е, арисини сўрама»; «Балигини е, дарёсини суриштирма»; «Тухумини е, товугини суриштирма».— Бизнинг фермада дарахт ўсмаса керак;— деди Баринов, лекин ўзи биринчи бўлиб машинага чиқиб, кўчатларни тушира бошлади,— Барака бобо, буларни қаердан олиб келдингиз? — Узумини ею, боғини суриштирма, дурустми! — деди кабинадан чиққан Барака бобо (С. Абдукаххор, Ҳаётнинг бошланиши).

Узумнинг яхшисини ит ейди.

Вар.: «Меванинг яхшисини қурт ейди»; «Қовуннинг сарасини ит ейди, Олманинг сарасини қурт ейди»; «Темир қармоққа олтин балиқ илинибди»; «Тут яхшиси — ерга, Қиз яхшиси — кўрга». Ҳаётда баъзан шундай бўладики, яхши, ақл-камолли, ҳусн-жамолли қиз ёмон, бадфеъл, бадбашара, нобоп, пасткаш, аҳмоқ одамнинг хотини бўлиб қолади. Мазкур мақолларни шундай ҳолга нисбатан ярим ҳазил-ярим чин тариқасида айтадилар.

Уй оладиган киши уйни минорадан туриб кўрмайди.

Бирор нарсани сотиб олишда ва бошқа шу каби ишларда кишини пишиқпухта бўлишга, ўз кўзи билан кўриб, қўли билан ушлаб, обдан суриштириб иш кўришга, шошма-шошарлик,

пала-партишлик билан иш қилмасликка ундаганда шундай дейдилар.

Уй сири — ёпиқлик қозон.

Бу билан: «Хар қандай уйнинг, оиланинг ҳам ўзига яраша — сир-асрори бўлади. Уни ташқарига чиқармаслик, дуч келган одамга гапиравермаслик зарур. Акс ҳолда оиланинг шаънига дог тушади, киши шарманда бўлиб, одамлар ўртасида кулгига қолиши мумкин», дейилмоқчи. Вар.: «Уй ўзимники дема, Уй оркасида киши бор», «Уйдаги сирни кўчада айтма, Кўчада айтиб, ғамини тортма».

Уй тўла нон — оч-наҳорим болам, ариқ тўла сув — ташна-зорим болам.

Баъзи болалар уйда бор бўлган унча-мунча егулик-ичгулик нарсани менсимай, назар-писанд қилмай, қадрига етмай: «Нима бало, уйда ҳеч вақо йўқ!» деб ноланишлар. Шунда ота-оналар: «Э боламей, бу бор нарсалар егулик-ичгулик эмасми?! Одам деган борига қаноат, йўғига сабр қилади-да», деган маънода юқоридаги мақолни айтадилар.

Уйдаги гап кўчага тўғри келмайди.

Вар.: «Уйдаги гап бозорга рост келмас»; «Уйдаги хисобни бозордаги нарх бузади»; «Уйдаги нархни бозордаги баҳо бузади». Бирор иш кутилгандек, уйлангандек, ойдинлаш тасаввур этилгандек бўлиб чиқмаган ҳолларда шу мақолларни қўлланишлар.

Уйида угра кесмаган — кўчада даста кесади.

Вар.: «Уйида ўнта кесмаган — Кўчада угра кесибди»; «Даста-даста — уйида бошлаб, даста-даста қилиб, майдалаб тўғралган қайла хамирга: умоч — қўлда увалаб, уқалаб майдаланган хамир; угра — юпқа ёйилиб, узун ва майда қилиб кесилган хамир); «Уйда иштон бичолмаган — Кўчада тўн бичар». Бу мақолларни ўз уйида ғўдайиб, бир ишни «қотириб» қўймайдиган, аммо бегона жойда ўзини кишилар кўзига яхши, ғайратли, уддабурон, ишбилармон қилиб кўрсатмоқ мақсадида оғир, мураккаб ишларга ҳам уринадиган одамга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Уйида уни йўқ угралик, ўзганикида қилар тўралик.

Вар.: «Ўзиникида жинчироқ ёқмаган — Бировникида шамчироқ ёқади»; «Бировникига борса, ўзи чойхўр бўлади, оти — емхўр». Ўзиникида ҳамма нарсани аяб, бировникида ғарра-шарра сарфлайверадиган, ўзиникида ҳеч вақоси бўлмаса ҳам, бировникига борганда унча-мунча нарсани назар-писанд қилмайдиган одамни мазах-масхара қилганда шундай дейдилар.

Улоққа бостириб бормасанг, босилиб кетасан.

«Ёвга қарши курашганда ва умуман, ҳар бир ишни қилганда мард, ғайратли, ҳаракатчан бўлсанг — ютасан; бўш-баёв, лапашанг, сусткаш бўлсанг — ютқазасан», дейилмоқчи.

Улфатинг новча бўлса, сен паст бўл.

Вар.: «Улфатинг новча бўлса — паст бўл, Пакат бўлса — хас бўл». «Ёрдўстлар ва умуман, одамлар орасида ўзингни ихтиёрда камтар олиб юр, бошқалар ўзини катта олиб, мақтаниб, керилиб, «бўғинни бўғиб» юрса ҳам, сен камтар бўл. Шундай қилсанг — ютасан, ютқазмайсан», дейилмоқчи. «Тенгсиз новча инсонлар улфат тортмоқлик, фикр юритиш билан хавфсизлик» (Навоий).

Умр савдоси — қийин савдо.

Уйланаётган йигитга, турмушга чиқаётган қизга ёхуд ўғил уйлантираётган, қиз чиқазаётган ота-онага: «Келин ё куёв танлашда шошмашошарлик қилманг, ўйламай-нетмай, орқа-ўнгини суриштирмай, таваккалига иш қилманг. Ҳар тарафлама мос келадиганини танланг, қандайлигини ўз кўзингиз билан кўринг, билинг, синанг, таги-тахтини, «етти пуштини» сўраб-суриштиринг. Ахир икки ёшни бир-бирига қўшиш — хазилакам иш эмас, бир умрга кетадиган иш» деган маънода маслаҳат берадилар, насиҳат қиладилар.

Умр ўзади, ҳуси тўзади.

Бу билан: «Умр — бамисоли оқар сув, ана-мана деганча ўтади-кетади. Ҳуснинг ҳам умр каби бақоси йўқ: ёшинг улғайган сари соч-соқолинг оқаради, тишинг тушади, қаддикоматинг букилади, афтингни ажин босади. Бас шундай экан, буларга ишониб, мағрурланиб юрма!» дейилмоқчи.

Урвоғига чидаган юпқа қилсин

(урвоқ — хамир муштлаётганда, ёйиладиган хамирнинг тахта ёки супрага ёпишиб қолмаслиги учун сепиладиган ун). Айниқса, «юпқа» деб аталувчи таом тайёрланаётганда урвоқ учун нисбатан кўпроқ ун сарф бўлади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Бирор иш қилмоқчи бўлсанг, чиқимидан қочма, чўчима, қадил қилавер!» дейилмоқчи. Вар.: «Чиқим чиқмагунча, кирим кирмайди»; «Чиқимдан қочган — киримдан қолар»; «Озни аяган кўпдан қуруқ қолади»; «Зарар кўрмай, фойда кўрилмас».

Ургандан туртган ёмон.

«Ҳой, менга қара...», деб бировнинг эътиборини ўзига жалб этмоқ мақсадида елкасига ё бошқа бирор ерига туртиш, «Хей, тур ўрнингдан, фалон ишни қилиб кел...» деб буюрганда уни қўл ё ёстиқ билан туртиб гапириш — у одамни менсимаслик, назар-писанд қилмаслик, пастга уриш ва ҳақоратлаш аломати бўлиб, энг ёмон одатлардан бири ҳисобланади ҳамда у одамга ёмон ботади, каттик таъсир қилади», деган маънода кишини бундай қилмасликка даъват этадилар. «Ўринсиз қилиқдан — урилди юмрук яхши» (юмрук — мушт) деган маколни ҳам шунга ўхшаш маънода қўлланадилар.

Уришсанг, мард билан уриш.

«Ҳар қандай муомала, мулоқот ва муносабатда бўладиган бўлсанг — мард одам билан бўл, номард, кўрқоқ, қочоқ, пасткаш одамлар билан алоқа қилма, яқинига ҳам йўлама», деган маънода қўлланиладиган бу мақолни мазмунан давом эттирадиган қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Енгилгандан бўлгунча, Енгилмагандан бўл»; «Йиқилсанг, [illegible]дан йиқил»; «Шақалга ем бўлгандан — Бўрининг озиғи тушган яхши»; «Ит еганидан кура, бўри егани яхши»; «Бўктаргининг соясида бўлгандан — Бургутнинг панжасида ўлган яхши» (бўктарги — қарғиш, айсимонлар оиласига мансуб қўшқанотли йирткич қуш; мажозда номардларга ташбиҳ этилади. «Ана шундай номарднинг соясида, яъни паноҳида, ҳимоясида бўлиб тирик қолгандан — мард билан олишиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган афзалроқ», дейилмоқчи); «Ўлдирса ҳам, мард ўлдирсин».

Кишига бахт эмас номард ила дўсту биродарлик,
Саодат шул эрур мард олдида мардона жон берса
(Чархий).

Уришқоқ хўроз семирмас.

Вар.: «Уришқоқ хўрозга жир битмас»; «Сузаган сигир шохидан айрилади». Булар билан: «Уришқоқ, жанжалкаш, текканга тегиб, тегманга кесак отадиган», «ўтганнинг ўрогини, кетганнинг кетмонини оладиган» безори, шум, хира одам кўзга ёмон кўриниб, ҳамманинг

ғашига тегиб юради», дейилмоқчи. «Уришмоқ итга яхши» («...одамга эмас», дейилмоқчи); «Уришма, ичма, чекма, Обрўйинг ерга тўкма».

Уруш — хунрезлик

(хунрезлик — қонли тўқнашув, қирғин). Халқларимиз доимо урушни қоралаган, эл-юртга уруш, хунрезлик, қирғин-барот, вайронгарчилик ва нотинчлик олиб келган ёвга қарши қаттиқ туриб курашиш, бу йўлда ҳатто жонни ҳам аямаслик зарурлигини уқтирган: «Уруш урушни келтириб чиқаради»; «Урушнинг кенгаши йўқ» («Уруш кенгашиб, маслаҳатлашиб, розиликни олиб, огоҳлантириб ўтирмайди, дабдурустдан ёпирилиб келаверади», дейилмоқчи); «Эл омонлик тилар, Ев — ёмонлик»; «Хавфинг қайдан бўлса, хатаринг шундан»; «Олов куйдирар тушган ерини, Душман куйдирар тутган ерини»; «Уруш бўлса, туриш йўқ» («Уруш бўлиб турган жойда, жанг майдонида, ҳамма жон олиб-жон бераётган бир пайтда бир чеккада қўл қовуштириб қараб туриш, панага биқиниб ётиш — ўтакетган номардлик ҳисобланади. Қараб турма, жангга кир, душманнинг адабини бер!» дейилмоқчи); «Эр юраги пок бўлса, Ёв ҳийласи хок бўлар»; «Отдан йиқилсин, ёв ўлсин!»; «Кирган қолсин кирилиб, Кир тенгга шилинсин» (Иллари асосан шилиб, тешилиб ерлар мозор қилинарди. Халқ бу мақоли билан: «Уруш бошланишлар, босқинчилар, кон тўкишлар кириб битсин, уларнинг ўлими кир тешга (лаш, мозорга) шилинсин!» дейилмоқчи); «Урушнинг боши — ўлим, Охири — ўлим»; «Ўлим кўчасийдан»; «Ажал эсон-соғлиқ сўрашгирмайди», «Ўлган ўлгани яхши» («Бу кишини ич мақол билан: «Урушмоқ, урушганда ҳам чегарасидан урушмоқ керак», яъни шунда ҳеч ким ўзини ўлдан, ўлимдан сақлаш чораларини ҳам кўриши керак», дейилмоқчи); «Хар курашда курбон мухлисинг (мухлисинг — тарафдорларинг, ўғирлиги пебот ўғлингдан, рост, аниқ); «Уруш курбонсиз бўлмас»» «Бу кейинги икки мақол билан ўғирандлари ёхуд эгалари урушда ҳалок бўлган кишиларга, шунингдек, урушдан яраdор бўлиб (қўл ё оёғидан ажраб) қайтганларга тасалли берганлар); «Уруш айиради, Тинчлик топиштиради»; «Тинчлик бўлса, эл кўпаяр, уруш бўлса, сел кўпаяр»; Тинчлик — роҳат, уруш — офат»; «Қилич билан қазиган ерда гул унмас»; «Урушнинг оти ўчсин!». Балки катта курашда Сўнагулга ўхшаган баъзилар қурбон бўлиши табиийдир. Кураш қурбонсиз бўлмайди, дейдилар (А. Мухтор, Давр менинг тақдиримда).

Уруғ ташласанг — намга ташла, намга ташламасанг — томга ташла.

Бу билан: «Ҳар қандай экин уруғини нами қочмаган ерга эк. Уруғни қуп-қуруқ тупроққа ташласанг, ҳосил ололмайсан», деган маънода насиҳат қиладилар.

Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар.

Бу мақол ўзбек мақоллари манбаларининг деярли ҳаммасида, жонли ва адабий тилда учрайди. Чуқуррок ўйлаб қараганда, бу гап мантиққа тўғри келмайди: нега энди уста кўрмаган, унинг таълимини олмаган одам ҳар қандай мақом (куй, оҳанг) чалиши ҳам йўрғалаб (ўйнаб, рақсга тушиб) кета олармиш? Ўтмишда истеъдодли ва доирагилар шогирд тушган раққос ва раққосаларни ногаронинг таъб-тумор, доирасининг «ғиж-ғижи»га ўргатарлар. Орадан маълум вақт ўтгач, шогирдлар ҳар бир мақомнинг ўзига хос оҳангига мослаб ҳаракатлар қилиб рақсга тушадиган бўлиб етказишарди. Мазкур мақолнинг тўғри ва мантиққа тўғри келмаган вариати ўтган асрда Ўрта Осиёга келган европалик олим А. Вамберининг 1867 йилда Лейпцигда нашр этилган «Чигатой грамматикаси» номли китобида учрайди: «Уста кўрган шогирд ҳар мақомга йўрғалар. Уста кўрмаган шогирд ғилдиракмуюлни қирмалар». Архимед II. II. Остроумов фонида

сақланаётган мақоллар қўлёзмалари орасида ҳам шу вариант бор, аммо унинг биринчи қисми сал бузилган: «Уста кўрган шогирд ҳар ерга борса овқат қилади, Уста кўрмаган шогирд ундан-мундан қармалади». Бу мақолнинг А. Вамбери ёзган вариантини тўла ва мантиқан тўғри деб биламиз. Дарҳақиқат, уста кўрган шогирдларгина ҳар мақомга йўргалай оладилар, уста кўрмаган шогирдлар эса бирон-бир мақом чалинадиган бўлса, унинг ўзига хос йўлини билмай, унда-мунда бир қармалиб (яъни, ҳаракат билан доира ясаб) қўяди (ёхуд аҳён-аҳёнда мақомга монанд бир ҳаракат қилиб қолади). Хуллас, ота-боболар бу ва бу куби мақоллар воситаси билан авлодларга турмушни яхши ўтказмоқ учун илм-ҳунар эгалламоқ, уни имли-билимли, тажрибали устозлардан ўрганмоқ, бундай одамларнинг қадрига етмоқ ва иззат-ҳурмат қилмоқ зарурлиги юзасидан насиҳат қилиб қолдирганлар: «Отбоз кўрган от танир, Устоз кўрган — хат танир»; «Ўргатилмаган айиқ ўйнай олмас», «Шогирд бўлмай уста бўлмас»; «Дарахтига қараб — меваси, Устасига қараб — шогирди»; «Доно устоздан аъло шогирд чиқади»; «Шогирдинг оқил бўлса — бошингдаги тож»; «Устаси қандай — Шогирди шундай»; «Ишини кўриб устасига баҳо бер, Устасини кўриб — шогирдига»; «Иш ўргансанг, ишчан устадан ўрган»; «Шогирд устасидан ўзмаса, кор йитар»; «Устасидан шогирди ўзибди»; «Қобил шогирд уста бўлур устадан»; «Устаси — гаранг, Шогирди — фаранг» (Фаранг — француз; кўчма маънода — ҳар бир иш қўлидан келадиган, моҳир, уста), «Устаси — салмоқчи, Шогирди — сайроқчи»; «Устаси вавақласа, Шогирдлари битбилиқлайди» (Шогирдлар устадан ҳам ўзиб, моҳирроқ бўлиб кетадилар, дейилмоқчи); «Бурун чиққан қулоқдан, Кейин чиққан мугуз ўзади»; «Халқ кўзида — мен уста, Иков қолсак — у уста» (Баъзи одам устанинг ёнида шогирд бўлиб юради-да, бошқа жойда кишилар кўзига ўзини уста қилиб кўрсатиб, «мен — устаман» деб, мақтанади. Устасининг ҳузурида эса «попуги пасайиб», тилини тийиб, айтганини чаққон-чаққон қилиб юради. Ана шундай қуруқ мақтанчоқларни мазах-масхара қилганда, мазкур мақолни ишлатадилар); «Шогирднинг бефаросати устозни муттаҳам қилар»; «Шогирдинг эрка бўлса — бошга таёқ»; «Шогирдига тош берган тош олар, Бош берган бош олар»; «Илм устози — ота мақомида, Ҳунар устози — она мақомида» («Илм-ҳунар ўргатган одамни ота-онангдек иззат-ҳурмат қил», дейилмоқчи); «Устоз меҳри, она меҳри — эгизак»; «Устоз кўрибсан — сенга пир йўлиқибди». Диний тушунчага кўра, пирга йўлиққан одам кўнглида нимаики мурод-мақсади бўлса, шунга етишар эмиш. «Уста борида қўлингни тий, Устоз борида — тилингни» («Илм ва ҳунар ўргатган ё ўргатаётган уста-устозларинг олдида бошқаларга илмингни, ҳунарингни кўрсатмоқчи бўлиб, ишбилармонлик, гапбилармонлик қилма. Бу — одобдан эмас», дейилмоқчи); «Ота меҳридан — устоз жабри афзал» («Агар устозинг: «Мана буни бундоқ қилибсан» деб койиса, бундан хафа ҳам бўлма, устозингдан воз ҳам кечма. У сени «одам бўлсин, илм-ҳунарни пухта эгалласин», деган ниятда шундай қилади», дейилмоқчи); «Уста бўлсанг, устозингни унутма». «Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила, Айламак бўлмас ҳаққин адо юз ганж ила» (Навоий). «Саодатхон битта-битта қадам ташлаб борар экан, ўйчан сўзлай кетди: «Отанинг меҳридан устознинг жабри афзал, деганлари жуда тўғри. Баъзи ота-оналар болаларни аяган бўладилар-да, уларни ҳаёт учун яроқсиз, жисмоний заиф қилиб қўяётганликларини билмай қоладилар» (С. Зуннунова, Повесть ва ҳикоялар).

Уста овчи бекорга ўқ отмас.

Вар.: «Уста овчи чумчуққа ўқ отмас». Уста овчи арзимаган нарсага ўқни сарф қилиб отавермайди, арзийдиган ов учраганда, қулай пайти келганда отади. Мажозан: «Ишнинг кўзиви бил, тежамкор бўл» деган

маънода ҳам, «Ақлли киши бўлар-бўлмас, қадр билмас, гап уқмас, нодон одамларга гап қотиб, ўзига гап орттирмайди, обрўйини тўкмайди», деган маънода қўллайдилар.

Ухлаганга улуш йўқ.

Киши ҳадеб ғафлат уйқусида ётаверса, умри вақти зое ўтади, қиладиган ишлари қолиб кетади ё кейинга сурилади ва оқибатда ўзига тегадиган улушдан, ризқ-насибасидан қуруқ қолади. Вар.: «Уйқу уйқу келтирар»; «Уйқу — уйқунинг шериги»; «Уйқу — уйқунинг мояги» «Уйқу ўрин танламас»; «Уйқу қисса, ёстиқ ҳам керак эмас»; «Уйқу ёстиқ тагида»; «Уйқу касал чақирар»; «Уйқу арслонни ҳам йиқитади»; «Уйқу — ўлим билан тенг»; «Уйқу — ўлимнинг қардоши»; «Ухласанг уйқу оларсан, Ухламасанг йилқи оларсан»; «Уйқунинг ози ҳам — чакса, Кўпи ҳам — чакса» (Чакса — оғирлк ўлчови бирлиги. Турли ерларда турлича вазини англатган. Масалан, Фарғонада уч чакса бир пудга тенг бўлган. Мазкур мақол билан: «Уйқунинг ози ҳам, кўпи ҳам — барибир», дейилмоқчи); «Уч кун барвақт турган — бир кун ютар»; «Эрта тур. Бир пишмакни ортиқ ур» (пишмак — уй-рўзғор асбоби); «Уйқу ғафлатдир, меҳнат роҳатдир».

Кўз очмасам, дебон — келган қулумдур,
Масал чин бўлдиким: «Уйқу — ўлумдур».
(Навоий).

«Эй фарзанд, билгилки, донишмандлар уйқуни кичик ўлим деганлар... Кун ухламоқ ёмон одатдирки, баданни ғуруг, табиатни ғайрон қилади, ҳозир касалга ўхшатиб қўяди». (Кайковус, Кобусномa).

Уч ойлик — кўкча бойлик

(кўкча — полизчи. Деҳқон полиз экинларининг уруғини танлаганидан кейин орадан уч ой ўтиб, қовун-тарвуз пишиб, ҳосилга келган бойлигига эга бўлади. Мазкур мақол билан: «О, бунинг уруғини экиб, ҳосили қачон бўлиб, бирор фойда кўрарканг?! — деб эринма ҳам, ишсиз ҳам бўлма. Эй, ғофил, ҳозир қил, сабр-тоқат қил — бўлади, тез фурсатда бўлади!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Уч пулим — куч пулим, бир фақир — жоним фақир

(уч пул — бир тийин; бир фақир — икки тийин). Бу мақолни зиқна, хасис, бировга бир тийини ўтиб қолгундек бўлса, нақ, жони ҳалқумига келадиган ҳарис одам тилидан айтганлар ва шундай одамларга нисбатан истеҳзо, киноя тарзида қўллайдилар.

Учқундан қўрққан — темирчи бўлмас.

Биргина темирчиликда эмас, умуман ҳар бир соҳада ҳам киши унинг қийин, оғир, мушкул, хавфли, нокулай тарафларидан қўрқса, чўчиса, ёлиқса, ўрганмоқчи бўлган касбини эгаллай олмайди ҳам, иши унмайди ҳам, дейилмоқчи.

Уюрма шамол учирса, дўппингни осмонда кўр

(уюрма — ўралиб ҳаракат қилувчи кучли шамол; бўрон). Уюрма шамол қум-тупроқни, хас-чўпни, унча-мунча енгил-елпи нарсаларни (ҳатто кўзи, улоқ сингарларни) ўраб учириб, осмонга олиб чиқиб кетади. «Туяни шамол учирса, Эчкини осмонда кўр», деган мақолда шундай уюрма шамолни назарда тутганлар. Юқоридаги мақол билан мажозан: «Уруш, жанг-жадал бошланса, замонанинг гирдобига бузилса, табиий офат, зилзила, сув тошқини, ёнғин рўй берса ва ҳ.к. ҳолнинг хароб бўлади», дейилмоқчи.

Уялган — буюргандан қуруқ қолибди.

Вар.: «Уялган нинг қилдан қуруқ қолибди»; «Уялмай деб ўтирган — бошни қилай қолтирадилар»; «Юзи қизил — ризқи зарир». «Ор этган — ўргимчак қатар». Булар билан: «Уялчан, ориятли, тортинчи, ком-

тар-камсуқум бўлиш кераг-у, лекин эви билан. Ўта уятчанлик, тортинчоқлик кишини кўп нарсадан маҳрум қилади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Уят — ўлимдан қаттиқ.

Ота-боболар бу ва бу каби бир катор мақоллари билан: «Жамиятда яшаётган экансан, аввалambор кейин кишилар ўртасида уялиб, шармандаи-шармисор бўлиб қоладиган иш, хатти-харакат ва гап-сўз қилма. Агар шундай қиладиган бўлсанг, ёмон уялиб, қизариб, шармандинг чиқиб, бенихоя ноқулай аҳволга тушиб, кўзингни ва ўзингни олиб қочгани жой тополмай қоласан. Бу эса — киши учун ўлимдан ҳам баттар!» деган маънода насиҳат қилиб қолдирганлар: «Эман дарахтининг эгилгани — сингани, Эр йигитнинг уялгани — ўлгани» (Эман — ёғочи оқиш ва жуда қаттиқ, кенг япроқли, жигарранг узунчоқ ҳосилали дарахт; дуб); «Оқар сувнинг тўхтагани — тингани, Эр йигитнинг уялгани — ўлгани»; «Эр йигитнинг бош солгани — ўлгани»; «Қизил юзли йигитнинг қизаргани — ўлгани»; «Эр йигитга икки номус — бир ўлим»; «Қуённи қамиш ўлдирар, Эрни — номус» (қуён — ҳайвонот оламида энг кўрқоқ, энг сезгир, шарпани сезди дегунча қирдан-қирга қочадиган ҳайвонлардан биридир. Мақолда: «Қуён қамишнинг шитирлашини эшитса ҳам, юраги ёрилиб ўлади», деган маънода маболаға қилинган ва «Номус — ҳамма нарсадан, ҳатто ўлимдан ҳам кучли. Эр йигит — яъни, ҳақиқий инсон номусининг букилгани унинг ўлгани билан баробар», дейилмоқчи); «Номус — ярим ўлим»; «Номус — ўлимдан ёмон»; «Номус — балодур, Ўтга-сувга солодир»; «Одамни очлик эмас, ор ўлдирар»; «Йигитни ор ўлдирар, Туяни — сарвар» (сарвар — оғир юк); «Майна бўлмоқ — тирик ўлмоқ»; «Ўлимдан ҳам уят ёмон»; «Не ёмон — ор-номус ёмон»; «Изза — бир қозон жизза»; «Ўсал бўлганинг — ярим ўлганинг»; «Уят юзда бўлади, Меҳр — кўзда», «Кўз кўзга тушса, юз уялар» («Аввало бировни орқасидан ёмонлама, бировнинг ҳақини ема. Бир кунмас-бир кун бу нарса аён бўлиб қолади, иттифоқо у одамга рўбарў келиб, кўзинг кўзига тушса, ўзинг уялиб қоласан», дейилмоқчи); «Юз юзга тушар, Уят — ичга» («Уят, хижолат кишини қаттиқ эзади, киши ич-этини еб юборади», дейилмоқчи); «Юз қизили кетар, Юз хижили кетмас» (Уялганда кишининг юзи қизаради. Юзнинг қизили тезда кетади, аммо кейин қоладиган хижили кетмайди); «Уяти йўқ ўғил ёмон, Қилиғи бузуқ қиз ёмон»; «Юзи қизилни уялтириб бўлмас»; «Юз қизарса, қоронғу тўсар» (Уялганидан бетини қўли билан тўсувчи, ўзини панага олиб қочувчи одамга киноя қилганда, унинг устидан қулганда шундай дейдилар); «Уялмагандан — уял»; «Тоғ бошида қор бўлар, Эр кишида ор бўлар»; «Ярли бўлсанг ҳам, орли бўл» (ярли — камбағал); «Мол учун талашма, Ор учун талаш»; «Орим куйгунча, Имоним куйсин!»; «Жигилдонни ошдан сақла, виждонни — бошдан»; «Кийимни янгилигидан сақла, Обрўни — ёшликдан»; «Номусни йўқотгандан — Бошни йўқотган яхши».

Тешимки, мабодо хижолат этар,
Хижолат эрур юз ўлимдан батар
(Хиромий).

(Майсара») Бошингни кўтар! Эр йигитнинг бош солгани — ўлганидир (Ҳамза, Танланган асарлар). — Қизаришдан ўлим афзал,— деди раис оғир сўлиш олиб,— аммо санамай саккиз дейишдан кўрқаман. Бироқ хотиринг жам бўлсин, мақсадга етиш учун қўлимдан келганини аямайман. Мабодо қизаришга тўғри келса, иккимиз баравар қизарамиз-да, шундай эмасми! (Ойбек, Олтин водийдан шабадалар).

Фарзанд — жонга пайванд.

Фарзандинг оила кувончи, ота-она таянчи, бахти, иқболи, бебаҳо бойлиги эканлиги тараннум этилади. Вар.: «Фарзанд — белнинг қуввати»; «Фарзандим — асал-қандим»; «Одамнинг меваси — бола»; «Она билан бола — Гул билан лола»; «Хотинни яхши кўрсатган — қўлидаги боласи, Дарахтни яхши кўрсатган — шохидаги меваси»; «Фарзандга отанинг меҳри кетмонча бўлса, онанинг меҳри осмонча бўлади»; «Қиз — лола — гул-лола»; «Бола — кўнгилнинг гули, кўзнинг нури»; «Бола — гул, Тили — булбул» («Ҳар бир ота-онанинг боласи, ўзига бамисоли гуллек, ширин тили эса булбулнинг сайрашидек завқ-шавқ бағишлайди», дейилмоқчи); «Бол — ширин, Болдан — бола ширин»; «Йигитнинг чироғи — қизи билан ўғли»; «Давлатнинг боши — фарзанд»; «Фарзандинг — давлатинг. Фарзандинг — зийнатинг»; «Давлатинг — ўғил-қизинг»; «Давлатинг — ота-онанг. Саодатинг — ўғил-қизинг»; «Қизи борнинг бахти бор. Ўғли борнинг тахти бор»; «Ўғлинга берган йигитинг ўғли олгудан ўғли бўлсин»; «Ўғил билан қизни — миссоли икки кўзим»; «Ўғил — уйнинг булбули, Қиз — уйнинг гули»; «Ўғил қанотли от бўлса, қиз қанотли қушлар».

Фаросат — нисф карамат

«Фаросат — ақл-заковат, дил, фикр, қилининг бир парчаси дарров сезиб, билиб, фаҳмлаш олиш қобилияти. Нисф — ярим. Карамат — бирор воқеа-ҳодисанинг ҳамма ва ҳамма бўлишини олдиндан билиш, олдиндан айтиб бериш, башорат қилиш; кишининг ақли бовар қилмайдиган, мўъжизавий ишларни қилиш). Мазкур мақол билан: «Илмни, касб-ҳунарни ўқиб-ўргансанг, ақлли, фаросатли, моҳир, уддабурон, салкам мўъжизакор одам бўлиб етишасан», демоқчи бўладилар. Бошқа баъзи мақолларда фаросатсизликнинг оқибати ёмон бўлиши уқтирилади: «Фаросатсиз одамдан — тил билмас ҳайвон яхши, Эшитги йўқ уйдан — уч ёғоч айвон яхши»; «Фаросатсиз фалокатга йўлиқар».

Фақир киши панада.

Вар.: «Фақир киши панада, Пўстини — сомонхонада»; «Фақир киши панада, Сўқир киши далада»; «Фақир киши панада, Қилар иши далада»; «Фақир киши панада, Қўтир эчки далада»; «Фақирчилик — фойдачилик, Синоҳилик — қоидачилик». Бу мақолларни: «Биз — бир фақир, кишкина, камтар, камсуқум одаммиз, «катта»ларнинг ишига аралашиб нима ҳам қиларди?! Ҳеч ким билан ишимиз бўлмаб, бир чеккада хурсандмиз маъқул», деган маънода ишлатадилар, шунингдек уни-муни ҳеч нарсага аралашавермайдиган, бўлар-бўлмасга бошини суқавермайдиган, кўпинча ўзини четга олиб юрадиган шахсларга камтар, камсуқум, тортинчоқ, ювган одамларга қарата айтадилар.

Фил ўчмайди, мулла ўчиради.

Бу билан: «Ўқимишли, илмли-билимли, олим одам оғир ишсиз ўқадай бўлиб турибди, кишининг ақли бовар қилмайдиган жуда мушкул ва мураккаб ишларини ҳам уддалаши

чиқа олади», деб илм-ҳунар эгаллашга даъват этадилар.

Фил ўлса, тиши ўлмас.

Филнинг тиши қимматбаҳо бўлади. Ундан турли ёдгорлик бўюмлари ясаб, узоқ вақт сақлайдилар, ҳатто авлоддан-авлодга қолади. Мазкур мақол билан мажозан: «Киши ўз ҳаёти давомида одамларга яхшиликлар қилса, китоб ёзса, иморат-иншоотлар қурса ва ҳ.к., унинг ўзи оламдан ўтиб кетса ҳам, бу қолдирган ёдгорликлари эл-юрт орасида абадий яшайди», дейилмоқчи.

Фирибгарга шайтоннинг ҳам ҳаваси келади.

Фирибгар — алдамчилик, товламачилик, хийлагарлик, кўзбўямачилик билан шуғулланувчи ва шунинг орқасида одамларни «чувтушириб», бир нима ундирувчи «устаси фаранг» шахс. «Бундайларга ҳатто шайтоннинг ҳам ҳаваси келади; уларнинг олдида ҳатто шайтон ҳам «ин эполмай» қолади.

Фойдаси йўқ фариштадан — ошна дев яхши.

Варн: «Фойдаси йўқ ёрдан — Исёнкор ўғил яхши»; «Фойдасиз дўстдан — тоғ яхши, фойдасиз шунқордан — тўрғай»; «Фойдасиз фойда чиқмаса, қора сичқон ҳайда!»; «Хира ёлғиз чўпондан — эгиз қорони яхши»; «Фойдаси йўқ бойдан қоч, Нафаси йўқ сойдан қоч». Агар сойга сел келиб қолса, унинг ҳаёти бўлмаса, киши ҳаётдан кетиши мумкин. Мазкур мақоллар билан «Ноёб улуғ, кўркам, қимматбаҳо бўлгани билан бирор фойдали нарсага ярамаса, кишига нафи тегмаса, ундай нарсадан оддий, содда, арзон, кўримсиз-у, аммо ишга яроқли, кишига фойдаси тегадиган нарса яхшироқ», дейилмоқчи.

Фолга инонма, сувга суянма.

Варн: «Маддоҳнинг ваъзига ишонма, фолбиннинг — сўзига», «Фолчи билан қончининг гапига ишонма»; «Фолчи ёлғончи»; «Фолбиннинг сўзига аҳмоқ ишонар»; «Ромчининг ромидан — ўзингнинг хом хаёлинг яхши» (фолбин — бирор нарсага: қўлга, китобга, майда тошларга, ойнага, ўйнайдиган картага ва ҳ.к. қараб, киши билишга қизиққан нарса ё ҳодисаларни гўё олдиндан «айтиб берувчи», «башорат» қилувчи ва шунинг эвазига одамлардан у-бу нарса олиб, кун кечирувчи шахс; ромчи ҳам худди шундай шахс). Диний таълимотлар, ирим-сирим, расм-русм ва эътиқодий тушунчалар таъсири кучли бўлган ўтмиш замонларда ҳам илғор фикрли кишилар юқоридаги каби мақоллар тўқиб, бемаъни гап-сўзлар, хатти-ҳаракатлар қилиб, алдам-қалдамлик билан тижорат қилиб кун кечираётган фолбинлар, ромчилар, таъбирчилар, азаймхонлар, кўзбўямачиларга ишонмаслик, уларга алданиб қолмаслик зарурлигини уқтирганлар.

Фосиқдан ҳаё тилама, золимдан — вафо.

Варн: «Золимдан адолат тилама, Фосиқдан — вафо» (фосиқ — ёмон нулга юрган; ахлоқи бузуқ, ярамас одам).



Хайр ҳам — хайр, далолат ҳам — хайр

(хайр — бировга қилинадиган холис ёрдам, яхшилик, саховат; далолат — бирор ишга ундаб бериладиган маслаҳат). «Бировга моддий ёрдам бериш — яхши. Унга руҳий ёрдам бериш, маънавий жиҳатдан кўнглини кўтариш, далда ва тасалли бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш, маслаҳат бериш ҳам яхши. Ишқилиб, қандай бўлмасин одамларга яхшилик қилган — яхши», деган маънода айтилади. Вар.: «Қўлингдан келса — қўлла, Қўлингдан келмаса — йўлла»; «Қўлингдан бермасанг,йўлингдан бер, Йўлингдан бермасанг, сўзингдан бер»; «Сийлагани пулинг бўлмаса, Сийпагани тилинг бор».

Хайрли ишга жарчи бўлсанг, хафа бўлма.

Жарчи — ўтмишда одамлар кўп бўладиган жойларда — кўча-кўйларда, гузар-бозорларда отга, туяга миниб ё пиёда юриб, баланд овоз билан ҳукуматнинг амр-фармонларини, расмий хабарлар ва эълонларни халққа маълум қилувчи шахс. «Хайрли ишга — яъни, одамларга яхшилик қиладиган, фойдаси тегадиган ишга қўл урган, жалб этилган бўлсанг, «чарчадим, қийналиб кетдим» ва ҳ.к. деб хафа бўлма, бировга нолима, қийналсанг ҳам қилавер», дейилмоқчи. Кишини хайрли ишлар қилишга ундовчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Хайр ишига истиҳола ҳожат эмас» (истиҳола — андиша, мулоҳаза, иккиланиш, тортиниш); «Хайрли ишнинг кечи йўқ»; «Хайрли ишнинг хайрихоҳи кўп» (хайрихоҳ — истовчи, қўллаб-қувватловчи, тарафдор); «Хайр қилсанг, бутун қил»; «Хайрли қўл қайрилмас»; «Хайр қил ўладигандек, Иморат қур ўлмайдигандек». «Ибодат қил ўладигандек, Иморат қил минг йил турадигандек».

Халқ бор ҳақлик бор.

Ота-боболар бу ва бу каби кўплаб мақолларида халқнинг, кўпчиликнинг куч-қудрати бениҳоя буюк, элнинг иши, фикру қарори қанчалар тўғри эканлигини кўрсатиб, халқ билан бирга бўлиш, ундан асло ажралмаслик, унинг иродасига қарши юрмаслик, унга хизмат қилиш ва содиқ бўлиш зарурлигини уқтирганлар, акс ҳолда оқибати ёмон бўлишини таъкидлаганлар: «Халқ иши — ҳақ иши»; «Халқ сўзи — ҳақ сўз»; «Халқ ҳукми — ҳақ ҳукми»; «Халқ пуфласа, бўрон бўлар, Халқ тепинса — зилзила», «Халқ нурғуни — денгиз тўлқини» (нурғун — жуда кўп, беҳисоб); «Эл кучи — сел кучи»; «Халқ кучига тўғон йўқ»; «Халқни хон ҳам енголмас»; «Халқ унаса, хон туясин сўяр»; «Халқ хоҳласа, хон қийинсин беради»; «Хон халқдан катта эмас»; «Халқ меники дема, Сен — халқники»; «Халққа суянсанг — бўларсан, халқдан чиқсанг — сўларсан», «Яланишган очиқмас, Суянишган йиқилмас»; «Халқдан қочма — яккалик курсин, Ондан қочма — очлик қурсин»; «Халққа ишонган — ҳақлиққа чиқар»; «Йўлдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма»; «Халқ қарғаса, хор бўласан, Халқ қўлласа, бор бўласан»; «Эл сенга этса надомат, Дунёда туролмассан саломат» (надомат — ёмонлаб айтилган, тарқатилган гап, маломат); «Элнинг назаридан қолма»; «Эл назаридан қолганнинг эси кетар»; «Элдан ҳазар қилсанг, Кимса сенга назар қилмас» (ҳазар қилмоқ — бу ерда «ўзини тортмоқ» маъносида кел-

тирилган); «Халққа нима десанг, шуни эшитасан, Халққа нима қилсанг, шуни кўрасан»: «Эл сени қўлламаса, ўзингдан кўр»; «Дунёда нима оғир? — Эл таънази оғир»; «Халқ хохласа тузишни, Ҳожати йўқ чўзишни ва б.

Халқ молини еган — ҳалкумидан илинар.

Вар.: «Халққа хиёнат қилдинг — Ўзингга жиюят қилдинг»; «Кўпнинг ҳақи — камоннинг ўқи» («Камоннинг ўқидай бу ёғингдан кириб, нарёғингдан тешиб чиқади», дейилмоқчи).

Хамир етилса, кўпчийди.

Одатда хамир ошса, яъни етилса — кўпчиб тоғорадан ошиб-тошиб кетади. Мазкур мақол билан мажозан: «Кишининг бойлиги, амалмансаби меъёрига, яъни юкори нуқтасига бориб етса, унинг «Айтгани — айтган, дегани — деган» бўлиб қолса, ишшайиб, бесар-тусарини билмай, хеч кимни менсимай кўяди», дейилмоқчи. Вар.: «Сув кўпайса, дарё тошар»; «Сув кўп келса, ариқни бузади». Хас кам-у, жахон пок. «Булбул кўтарур-да ашёни. Гул дедики: «Хас кам-у, жахон пок...» — У нима деганинг? — Жалилов ҳумрайиб қарали. Кечиресиз, ҳужайин, кофия келиб колди. Булбул гулдан аразлаб ўз уясини кўтариб кетаётган вактда, гул: «Майлы бизга хас кам-у, жахон пок» деган (С. Назар, Ялил бойлик).

Хасни хор кўрма, кўзингга тушса, кўр қилади

(Хас — арзимас, кичик, жуда майда нарса бўлгани билан, шамол турса, ушоқ хезиб кўзга тушади, шикастлайди, хатто кўр қилади). Мазмунан: «Душманнинг кичиги ҳам — душман, кучли хам — душман». «Э, кичик экан, хам экан, кучсиз экан» деб уни назар-писанд қилмасанг, унга кирим тарқатсангни кўрмасанг, бехабар қарасанг, шикаст етказиб қолишинг ҳеч гап эмас» маъносида ишлатилади. Вар.: «Хасм қанча ҳақир бўлса, кўнгил кўзғатур, Хас қанча ушоқ бўлса, кўз булғатур» (хасм — рақиб, ғаним, душман); «Ҳасан кўрсанг, Хизр бил» (хизр, афсонавий пайғамбар: у ҳаёт булоғидан «оби ҳаёт» ичган ва умри боқий бўлган: оғир аҳволда қолган кишининг мушкулини осон қилар эмиш; у билан учрашган, кўришган одам бахтли бўлар эмиш. Мазкур мақол билан: «Мен — фалончиман» деб, ғурурланиб кетма, ўзингни ниҳоятда камтар тут, ўзингдан кичик, кучсиз, ожиз одамга ҳам паст назар билан қарама, уни улуғ деб бил, иззат-ҳурмат қил», деган маънода насиҳат қиладилар ва ҳамиша камтар бўлишга ундайдилар.

Хатга тушдинг — ўтга тушдинг.

Ҳозир ҳазил йўсинида қўлланадиган мақол ўтмишда нима муносабат билан пайдо бўлган ва қандай ҳолатга нисбатан қўлланилган? Бу муаммо хусусида биз учта фараз билдирмоқчимиз: 1. Хонлар замонида маҳалла элликбошилари, танобчилар ва х. к. уйма-уй юриб, аҳолини хатга (рўйхатга) олардилар-да, улардан «хонпули», «закот», «кансан» (деҳқонлардан олинадиган маҳсулот солиқ), «ушр» (давлат ҳисобига ҳосилнинг ўндан бир қисми миқдорида тўланадиган солиқ), «ҳосил пули», «ўлпон пули», «ховлиёна», «кўприк пули», «корсон пули» ва б. ундирардилар. Солиқ остида қолган халқ ўз меҳнати самарасидан тўла баҳраманд бўлмай, моддий жиҳатдан ожизлашиб, фақирликда кун кечирарди. Мазкур мақол солиқлар ундириш масаласида хатга олиш муносабати билан юзага келган бўлиши мумкин. 2. Хонлар ёзиб ишлатаётган хизматкорларига вақти-вақти билан бўнак берганларида, буни бир дафтарга ёзиб борганлар. Хизмат ҳақини тўлаш муддати келганда, ўша дафтардаги ёзувни пеш қилиб, «фалон пайтда фалон кўй олгансан», «фалон пайтда фалон нарсани берганмиз» деб

бериладиган ҳақдан чиқариб ташлардилар. Дафтарга алдам-қалдамлик билан кўпайтириб ёзиш ҳоллари ҳам бўларди, албатта. Аксарияти саводсиз бўлган шўрлик меҳнаткашлар бойнинг гапига ишонишга ва аслида тегиши керак бўлган ҳақнинг озгина қисмини олишга мажбур бўлардилар. Мазкур мақол шу муносабат билан юзага келган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу тахминий мулоҳазамизга мақолнинг «Чўтга тушдинг — ўтга тушдинг» деган варианти бир қадар асос бўла олади. 3. Юқоридаги мақол 1916 йилги воқеалар муносабати билан юзага келган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. «1916 йил 25 июнь куни подшонинг маҳаллий аҳолини фронт орқасидаги ишларга чақириш тўғрисидаги махсус фармони чиқди. Бу фармонга мувофиқ, 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркак аҳоли(ни) ... рўйхатга олиш бошланди ...Маҳаллий аҳоли қаттиқ норозилик билдирди, чунки ҳарбий хизматдан озод қилинганлиги учун ундан махсус ҳарбий солиқ олинмоқда эди... Бунинг устига, шу вақтгача маҳаллий халқ ўртасида аҳоли рўйхати яхши йўлга қўйилмаган эди, унинг ёши аниқ ифода қилинган ҳужжатлар — метрика, паспорт, уй дафтари жорий қилинмаган эди. Шу сабабли кишиларни рўйхатга олиш вақтида маҳаллий маъмурлар жуда катта тартибсизликка йўл қўйдилар — пора берган кишиларнинг ёшини ўзгартирдилар ёки рўйхатга олмадилар ...Шундай қилиб, маҳаллий меҳнаткашларнинг кўпдан бери тўпланиб қолган ғазаби мардикорликка чақириш тўғрисидаги фармон туфайли очиқ қўзғолонга айланди ... Қўзғолончиларнинг шиорларидан бири — мардикорликка олинган кишиларнинг рўйхатини йўқотишдан иборат эди. халқ бу рўйхатда барча адолатсизлик ва зулм ифодасини кўрди. Одатда, халқнинг чиқиши рўйхатни йиртиб ташлаш ёки куйдириб юбориш билан тугарди. Рўйхатни беришдан бош тортган маҳаллий амалорларни халқ калтаклар ва хатто ўлдирарди... (М. Ваҳобов, Ўзбек социалистик миллати).

Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик — ордир.

Ота-боболар бу каби мақолларида киши йўл қўйган хато ва камчиликларини тезда тузатиш ҳаракатида бўлмоғи зарурлигини уқтирганлар: «Инсон хатодан ҳоли эмас»; «Билимсиздан ҳам бир иш ўтар, Билимлидан ҳам бир иш ўтар»; «Хатосиз мерган бўлмас»; «Баъзан донодан ҳам хатолик ўтади»; «Илинмаган ияк йўқ, Туртинмаган туёқ йўқ»; «Ҳар тўқисда — бир нуқс»; «Хатонинг йўлдоши — жазо»; «Хато мендан, Ато сендан» (ато — бахшиш, инъом, ҳадя, хайр-эҳсон, саховат); «Адашганни орқадаги билади, Янглишганни — ёнидаги» («Агар биров сенинг адашганингни, янглишганингни айтса, ундан хафа бўлма, кўнглингга қаттиқ ҳам олма. Чунки, кишининг янглишганини, хатога йўл қўйганлигини ўзидан кўра атрофдаги кишилар тезроқ ва аниқроқ кўрадилар, пайқайдилар. Шунинг учун уларнинг айтганини назаръатиборга ол-у, камчилигингни тузатишга ҳаракат қил», дейилмоқчи); «Адашганнинг айби йўқ, сўраб йўлини топса, Очилганнинг айби йўқ, билиб этагин ёпса»; «Кишининг янглишгани — қоқилгани, Янглишганни тузатмаса — йиқилгани».

Хашакдан ҳашам бичма, ёлғондан қасам ичма.

Ўз-ўзидан маълумки, хашакдан ҳашаматли бино қуриб бўлмайди. Мазкур мақол билан: «Амалга оширишнинг асло имкони бўлмаган ишга уринсанг, қўлингдан келмайдиган ишни «ундоқ қиламан-бундоқ қиламан» деб ваъда берсанг, кейин қилолмай, одамлар олдида уялиб, қизариб-бўзариб қолсанг», деган маънода насиҳат қиладилар.

Хашаки отни емга ўргатсанг, тўрванинг тагини тешади.

Хашаки от — (буни «қозоқи от» ҳам дейдилар) паст зотли, жайдари

от. «Дунё кўрмаган, яхши-ёмонни фарқ қилмайдиган, ўз иззатини билмайдиган ахлоқсиз, пасткаш, еб тўймас, тамагир одамни сийлаб, зиёфат қилсанг, ҳадя совғалар берсанг, у бунга ўрганиб қолиб, ҳадеб келаверади, сени ёлқитиб, безорижон қилади, одамлар олдида уятга қўяди», деган маънода айтилади. Вар.: «Тўнгизни мошга ўргатма, Қўшнини — ошга» (тўнгиз мошга бир ўрганса, ҳадеб келавериб, экинзорингни пайхон қилиб юборади). Қўшнингни ҳам ҳадеб ошга чақираверсанг (айниқса у беорроқ бўлса), мазахўракка ўрганиб қолиб, чақирмаганингда ҳам чиқаверадиган бўлиб қолади», дейилмоқчи. «Харишни ҳарига боғласанг, огилни йиқитади» (хариш — қичима касалига мубтало бўлган, ҳар нарсага сурканаверадиган қирчанги от). Мазкур мақол билан мажозан: «Хира, шилқим, суйкалғич одамни ўзингга ўргатсанг, сени ҳонавайрон қилади», дейилмоқчи. «Тўлмасга қуйма, Тўймасга берма».

Хизматга — туҳмат.

Вар.: «Ҳам хизмат, ҳам туҳмат». Бу мақолларни кишининг қилган хизматини, яхшиликларини тақдирламайдиган, дарҳол унутадиган, уни одамларга орқаворатдан ёмонлаб юрадиган, унга елғон туҳматларни ёпиштирадиган нейнсоф, дилгир, ношукур, ярамас одамларга қарата аччиқ кесатма тарзида айтадилар.

Ҳол жойида азиз.

Бу билан: «Ҳар ким ўз ҳолича, ўзига яраша инсон азиз ва қадрли, ҳеч ким ҳеч кимдан иззат-ҳурматга эга бўлмаслиги» дейилмоқчи.

Ҳомган, пишарсан, дабдабаган тушарсан.

Вар.: «Олма ҳомлар, пишмас. Пишса, пастга тушади». Бу мақолларни: «Сен тўгрисанмисан-у, аммо ҳали дўппоч» деган-нуқтани тотиб кўрганинг йўқ, тотиб кўрганингдан кейин ҳузурбахшлигга мағрурланмайдиган, умрини ҳамтар оладиган бўлиб қоласан», деган маънода кўпинча ёшлик ғуруриятига кетганларга қарата айтадилар.

Хон кийими ҳам ўлчаб бичилади.

Бу билан: «Кимсан — хоннинг қимматбаҳо матолик кийими ҳам ўзингга лойиқлаб, ўлчаб бичилади. «Ҳа, хонники-ку, кетса-кетибди-да», деб ортиқча исроф қилиб, бўй-бастингга нисбатан катта қилиб тикилмайди. Шундай экан, мол-дунёнг ҳар қанча ортиб-тортиб ётган бўлса ҳам, ҳар бир нарсанинг ўзингга яраша сарф-харажат қил, орқа-ўнгингга қарамай, ғарра-шарра сарфлаб юбораверма», деган маънода тежамкорликка даъват этадилар.

Хон — хонлик — хунрезлик.

Узоқ тарихий давр давомида подшолар, амирлар, хон, бекларнинг зулми остида эзилиб, ҳадсиз азоб-уқубатларни бошидан кечирган халқ ўзининг бир қатор мақолларида уларнинг золимлиги, тошбағирлиги, ноҳақ қон тукиши, оммага ҳукм ўтказишда ҳар қандай қабоҳатлардан ҳам қайтмаслигини ва умуман, бутун кирдикорларини фош этган: «Хон йўли — қон йўли»; «Хон бор ерда қон бор»; Подшолик — қонхўрлик»; «Хон кўп бўлса — ёв кўп бўлади, Бек кўп бўлса — дов кўп бўлади»; «Хонни одил дедилар, Хонумондан айрилдик, Бойни хайрли дедилар, Бори-йўқдан айрилдик»; «Кўр бошига кўр етади, Хон бошига хон етади». Кўр эрий бошласа, сувга айланиб, уймак бўлиб ётган ва кечроқ эрийдиган қорларнинг ҳам тагидан оқиб ута бошлайди-да, эратиб, йўқ қилиб юборади. Мазкур мақолда хонларнинг, умуман, шоҳлар, подшолар, амирлар, бекларнинг кўпроқ ерларга ҳоким бўлиш мақсадида бир-бирлари (хатто тутишган аёлларини, оталари, укаларини) билан тинимсиз урушиб, бир-бирларининг бошини еганлари — ана шу табиий ҳолга тамбалқ этилган. «Хон хонлан кўрмас. Хон — хотиндан». «Хотин — эр ораслидан хотин. Хоним — хон ораслидан хоним»; «Бегимдан ҳам бегойим зур»; «Хон тахтига тўймас,

Хоним — бахтига»; «Хон одиллик килмаса, хонумонидан айрилар, Бой хайри килмаса, бор молидан айрилар».

Хотинли рўзғор гулдир, хотинсиз рўзғор чўлдир.

Бир туркум маколларда хотинларнинг оила хаётида канчалик катта роль ўйнаши, уй-рузгор юмушларини бажаришда, болаларни тарбиялаб ўстиришда уларга осон эмаслиги кайд этилиб, уларнинг кадрига етиш, изват-хурмат килишдасло ва асло хўрламаслик уктирилади, хотинсизликнинг мушкулотлари кўрсатилади: «Ўтинсиз козон кайнамас. Хотинсиз уй яйрамас»; «Рўзғор зийнати — ўтин, Уй зийнати — хотин»; «Уйни кирк эркак тўлдиролмайди. Бир аёл тўлдиради»; «Хотин — уйнинг чироғи»; «Уйни бекаси безайди»; «Бекасиз уйнинг баракаси йўк»; «Хотинли уй тўлдир. Хотинсиз уй чўлдир»; «Аёлинг бўлмаса уйда, Хузур-халоватинг кайда?!»; «Хотин — умр йўлдоши»; «Гонинг кўрки кор билан, Эрнинг кўрки ёр билан»; «Хотиннинг чироғи — эрдан» («Эр яхши, вафодор, кадрдон, ширин сухан, оиланинг гамхўри булса, хотин бог каримайди, чироғи тобора очила бораверади», дейилмокчи); «Эр яхши — хотин яхши, Хотин яхши — эр яхши»; «Хотининг ёмон булса, айб узингда» («Узинг бегам, бепарво булсанг, уй-рузгор ишларига карамасанг, дангасалик килсанг, кўрс ва бадфеъл булсанг, ўз машгатингни унлаб кучадан бери келмасанг, хотин, бола-чаканг билан бундок очиккўнгил булиб гаплашмасанг ва х. к. албатта хотининг хам «тунини тескари кийиб олади», арзимаган нарсага уриш-жанжал чикаради, сени койиб-койиб ташлайди-да!» дейилмокчи); «Келининг ёмон бўлса — углингдан кўр, Куёвинг ёмон бўлса — кизингдан кўр»; «Хотинга бўздан сўз яхши» («Хотинга яхши кийим-кечаклару, зеб-зийнатлар олиб бериб, буни икки гапнинг бирида миннат килиб, юзига солиб, кўнгилни огритганингдан кура, хеч нима олиб бермасанг хам, яхши-яхши гапириб, кўнглини кўтариб юрганинг маъкул», дейилмокчи); «Хотинга мол бермa, кол бер» (Кол — «ширин сўз, илтифот» маъносида); «Хотин-кизнинг ишини товук чўкиб битиролмас» («Хотин-кизларнинг уй-рузгор юмушлари нихоятда кўп, бамисоли товук олдига сочиб куйиладиган тариқдан бехисоб. Шуни дай экан, уларнинг ишини назарписанд килмай утирма, кадрига ет», дейилмокчи); «Кетмон чопмок — олмок, солмок, Куш хайдамок — бормок, келмок, Хай-хай хамир килиб, олов ёкиб, томок килмок» (Бу макол хотинлар тилидан: «Эркакларнинг иши осон, хотинларники кийин», деган маънода айтилган); «Хотин — камчи эмас, Қўлдан ташламассан»; «Янги ёр топилганда, эскисидан кечмок керак!» (буни хотинлар бевафо эрларга нисбатан аччик киноя тарзида айтадилар); «Хотинсиз уйни кўр — Каро ерни кўр»; «Ўрта йўлда отинг ўлмасин, Ўрта ёшда — хотининг»; «Хотини ўлганнинг хонаси куяр»; «Хотин ўлди — камчининг сопи синди»; «Хотини ўлган — кизли овулга караб йиглайди»; «Хотинсизлик — мехнат, Хотинбозлик — лаънат»; «Хотинсиз ўтиш — хато, Боласиз ўтиш — жафо». Уйда аёлинг бўлмаса, хузур-халоватинг хам булмайди, дейишади. Туй килиш ниятида эдим, бу хам унганмаянти (С. Назар, Яшил бойлик). «Уйинг ачгага бориб колган булишига карамай хали тетик ва ёш куринишини эрига жуйди (Шухрат, Жаннат кизирганлар).

Хушёрлик — мустаҳкам кўрғон.

Бу ва бу каби маколларда ташки ва ички душмандан хамиша хушёр, сергак бўлиб туриш зарурлиги уктирилади: «Хавфли ит хуримай копади»; «Ит уйини билан, Курт кўйини билан» (бу макол хоразмликлар орасидан (бу макол хотинлар тилидан: «Эрчиккан булиб, улар бўриши «курт» дейдилар. Тўғри маъноси: «Агар чўпоннинг қўриқчи ити ўйинга берилиб кетса, бепарво бўлса, қўйни бўри еб

кетади, чўпон бехабар қолади». Мажозий маъноси: «Қўргон соқчилари бепарво бўлса, эл душман бостириб келганини пайқамай, ғафлатда қолади»); «Хавфинг қайдан бўлса, хатаринг шундан»; «Ўнг кўзинг сўл кўзингга соқчи бўлсин»; «Синамаса эр алданур, Соқинмаса эл алданур» (соқинмоқ — сақ, хушёр, эҳтиёт бўлмоқ).

Хушомад сўзлаган тил ялаб-ялаб яра этади.

Халқ ўртасида шундай бир ҳикматли сўз бор: «Агар хушомад кишини хароб қилишини билганимда, душманимга хушомад қилган бўлар эдим». Дарҳақиқат, хушомадгўй, тилёғламачи, лаганбардорлар ўз манфаатлари йўлида бирор фойдаси тегадиган одамга чунонам яхши, иликиссиқ муомалада бўладилар, чунонам ширинсуханлик қилиб, унинг оёғини ўпгундек бўладиларки, киши бундай сехталик, қалбакиликдан «эриб» кетиб, алданиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади. Бирмунча мақолларда шундай ҳолдан эҳтиёт бўлишга даъват этилади: «Хушомадгўйнинг саломи тамасиз бўлмас»; «Хом кишини хушомад хароб қилади» (хом киши — ҳаётий тажрибаси йўқ, яхши-ёмоннинг фаркига бормайдиган, ким нима деса, шунга лаққа тушаверадиган, инонаверадиган, сезгир, кузатувчан бўлмаган одам); «Хушомадгўйга қўй суйдирма» (у сенга лаганбардорлик қилиб, кузингга яхши кўриниш мақсадида ҳали сўйиш мўлжалланмаган ортиқча қўйларингни ҳам сўйиб юбораверади, дейилмоқчи); «Ширин гапга учма. Мақтаганни қучма»; «Чиройли мактовдан — хунук ҳақиқат яхши».

Хушхабарнинг қаноти бор, Бир — нохуш хабарнинг қаноти бор.

Кишини қувонтирадиган, мамнун этадиган, кўнглини хушнуд қиладиган ҳар бир яхши гап, яъни хушхабар эл орасида қулоқдан қулоққа ўтиб, оғиздан-оғизга ўтиб, тез тарқалади. Демак, инсонни ранжитадиган, изтиробга соладиган мақолнинг ҳам ўзига хос вариантлари бор. «Хушхабар қаноти учади», «Хабар — шамолдан тез»; «Сўз оёқдан илгари боради»; «Бир — хушхабарнинг қаноти бор, Бир — нохуш хабарнинг» (хушхабар каби нохуш хабар ҳам тез тарқалади).

Хўжанинг қизи эрга теккунча, туянинг думи ерга тегади.

Туянинг ўзи катта бўлса ҳам, думи калта бўлади, ҳеч қачон ўсиб бориб ерга тегмайди. Академик Яҳё Ғуломовнинг ёзишича: «Хўжалар жамиятнинг оқсуяк ва имтиёзли табақаси бўлгани учун оддий фуқаролар хўжа қизига уйланиш ҳуқуқига эга эмас эди» (Я. Ғуломов, «Хўжа» сўзи қаердан келиб чиққан? «Фан ва турмуш», 1970 й., 1-сон). Хўжалар оддий фуқаролар, яъни «қорача»лардан келган совчиларга рад жавобини берадилар. Шу туфайли ҳамда хўжалардан ҳадеганда совчилар келавермагани оқибатида хўжа қизлари вақтида турмушга чиқолмай, ота уйида «кари қиз» бўлиб, «ўтириб» қолардилар... «қорача»ларда кари қиз бўлиб қолиш ҳоллари кам учрайди. Кари қизлар асосан хўжаларнинг қизлари орасида учрайди. Хўжалар ўзлари қорачаларнинг қизлари ва аёлларига уйланаверадилар, аммо ўз қизларини фақат хўжаларга берадилар» (В. Наливкин и М. Наливкина, Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы). Халқ бу ҳол устидан қуйидаги мақолларни билан ҳам кулган: «Хўжадан қиз олиш — Натирдан кил олиш» (натир оддий ипга нисбатан қаттиқ бўлганлиги сабабли, унинг ичига қилиб кетган қилни сугуриб олиб бўлмайди, сугурганга уриниб кўрилса, узилиб қолаверади); «Туянинг думи ерга тегар. Хўжанинг қизи эрга тегар» (бу билан «Бир куни бир куни тегарди», деган маънони ифода ва ишорат қиладилар).

«Хўб бўлганини еб бўладими?!

«Лаънат, мухаммар, ваҳобоз, сен билан битадиган ишни битириб

олгунча сенга кўпдан-кўп қуруқ ваъдалар бераверадиган, иши битгач, ваъдасини бажариш у ёқда турсин, тескари қараб бадар кетадиган одамлардан эҳтиёт бўл, уларга алданиб қолма», деган маънода насиҳат қилганларида шундай дейдилар.

Хўроз қичқирмаса ҳам тонг отаверади.

Вар.: «Хўроз: «Мен қичқирмасам, тонг отмайди», деркан»; «Хўроз йўқ жойда ҳам офат чиқаверади». Бу мақоллар билан «Мен аралашмасам, ёрдам бермасам, маслаҳат бермасам фалон иш битмайди, бошқалар унинг уддасидан чика олмайдилар» деб кериладиган манман одамга: «Кўп керилмай, ўз баҳонгни оширмай қўяқол. Бу иш сенсиз ҳам битиб кетади», деган маънода таъзир берадилар ё у одамнинг устидан мазах қилиб куладилар.

Хўтиклигида савағич тақилади, эшак бўлганда юк ортилади.

Бу мақол, гарчи кўпол ташбиҳ қилинган бўлса ҳам, болага тааллуқли. Хўтикни эркалатиб, унинг бўйнига бир қарич-бир қарич қилиб кесилган савағичларни ипга тақиб боғлаб қўярдилар. Савағичлар бир-бирига тегиб, шилдираган сайин хўтикнинг завқи келиб, диринглаб ўйнай бошларди. Катта бўлганда эса, уни аяб, эркалатиб ўтирмасдан, кўтарганича юк ортадилар. Мазкур мақол билан: «Болани ёшлигида эркалатиш, аяш кераг-у, аммо вояга етгач, унинг зиммасига тирикчилик «юки»ни юклаш керак. Шундай қилинмаса, у ҳаётда масъулият сезадиган ва тирикчилик утказишга тиришадиган бўлмайди», деган маънода насиҳат қиладилар.



Чаённинг касби — чақиш.

Вар.: «Чаённинг касби — ниш урмоқ, Хоҳ душман-у, хоҳ ўртоқ». Булар билан: «Ёмон, бадфеъл, бадхўй, безори, дилозор, дилгир, ичи кора, фиску фасодчи, туҳматчи, чақимчи ва ҳ. к. одамнинг қиладиган иши ҳам, ўйлайдиган ўйи ҳам, мақсаду муддаоси ҳам — кишиларга ёмонлик қилиш, озор бериш, зиён-заҳмат етказишдан иборат», демоқчи бўладилар.

Чама чамадан ўзмас, қимиз — савадан.

(сава — катта меш). Бия сути пишитилаётган пайтда тошиб кетмасин учун, сава жуда лиммо-лим қилиб тўлдирилмайди. Бия сути шу савада пишитиб, ачитилгандан кейингина қимиз бўлади. Юқоридаги мақол билан: «Қимиз савадан ошиб-тошиб кетмаганидек, бир кишининг чамаси (мўлжали) бошқа бир кишининг чамасидан жуда ҳам ўзиб кетолмайди. Сен билганни бошқа ҳам билади, ўзингни жуда билағон олма», дейилмоқчи.

Чақимчига — чорак ўқ, қайтиб келса у ҳам йўқ.

Халқимиз чақимчиларни ниҳоятда кабиҳ одам санайди ва уларни очиқдан-очиқ нафратлайди. Бу мақол билан: «Сен чақимчига чорак ўқ ҳам — хайф!» демоқчи. Ўқ — бу ерда «тақсим», «улуш» деган маънода келтирилган. Маълумки, жуфтни тоққа, тоқни жуфтга тақсимлаганда каср келади. Ана шу касрни яна булакларга бўладилар. Охирида қолган энг кичик бўлакни «ўқ» деб атайдилар. Масалан, 11 та нарса 4 кишига тақсим қилинадиган бўлса, олдин икки яримтадан ўнтаси берилади. Қолган биттаси яна тўртга тақсимланади. Ана шу кейинги тўртдан бирини «чорак ўқ» деб атайдилар. Чақимчиликни ва чақимчиларни қоралайдиган, улар устидан заҳарханда билан кулинадиган қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Мақтов ўздирар, Чақув тўздирар»; «Чақимчи — чипор илон. Заҳри — илондан ёмон»; «Чақмачақуви ва фисқ-фасоди билан одамни боқар» («Чақмачақар, иғвогар чақуви ва фисқ-фасоди билан одамлар ўртасига нифоқ солиб қўйиб, ўзи билмаган киши бўлиб, четга чиқиб томоша қилиб туради», дейилмоқчи); «Чақимчининг афти — чориқ»; «Чақимчи — ниҳўрд киши»; «Чақимчи — бир гувала, Ерга қўйиб увала»; «Чақимчи — тухум пўчоқ, Унинг жойи — пакир ўчоқ»; «Чақимчининг жойи — жаҳаннам». Чақимчидан қўрққил, чунки унинг бир соатда бузган ишини бир йилда тузатиб бўлмайди (Қобуснома).

Чақиниб турган чаёндан — буқиниб ётган ёмон.

Ота-боболар бир туркум мақолларда «дўст» ниқоби остида юрган ички душмандан сақланиш, эҳтиёт бўлиш зарурлигини уқтирганлар: «Бўкириб турган арслондан — Буқиниб ётган илон ёмон»; «Олисдаги душмандан — ангзиб юрган «дўст» ёмон» (ангзимоқ — изидан тушмоқ, зимдан кузатиб юрмоқ, пайт пойламоқ); «Олисдаги душмандан — қошингдаги қасд ёмон»; «Ошкора душман — яширин «дўст» дан яхши»; «Ташдаги душмандан — ичдаги душман ёмон»; «Ҳурпичак ит тишламас»; «Хавфли ит ҳури-

май қопади»; «Ҳуриган итдан кўркма, Ҳуримаганидан кўрк»; «Қовун ичидан ирийди»; «Ёғочни ўз ичидаги қурт ейди»; «Қор ўз ичидан эриб битади»; «Қалъа ичидан олинади»; «Ичдан бузилмаса қўшин енгилмас» (Бу кейинги мақолларнинг ҳаммаси ҳам ички душмандан, соткинлар, хоинлар ва айғоқчилардан эҳтиёт бўлиш, уларни фош этиш ва йўқотиш зарурлигини уқтиради).

Чақмоқ, чақмоқни отга алишган — аҳмоқ.

Вар.:«Эр кишига — пичоғу чақмоқ, Чақмоқни отга алишган — аҳмоқ». Халқ ўртасида бир овчи йўловчининг отига ҳаваси келиб қолиб, чақмоғини шу отга алишгани, кейин эса ут ёқолмай, отган овини пиширib ейолмай, оч қолгани ва минганининг пушаймонлар қилгани тўғрисида ҳикоя бор. Мазкур мақолнинг шу ҳикоя асосида пайдо бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Бу билан: «Кунингга яраб турган нарсангни сира қўлдан чиқарма, ҳар қандай қимматбаҳо нарсага ҳам сотма, ҳар қанча қадрдонинг бўлса ҳам ҳаля этма», дейилмоқчи.

Чекингга тушганга чекчайма.

Илгари замонда ҳоким, бек, амин сингари амалдорлар ҳеч қачон бирор фойдали хизмат кўрсатиб, ёхуд қолган бўлсалар, ҳеч қачон халқ олдида ташкари ерларни бир ёки икки чек инъом қилардилар. Бу чек минг ботмон, икки минг ботмон ёхуд уч минг ботмон; беш минг, ўн минг, йигирма минг танноб бўларди. Табиий, бунча ерни уларнинг ўзлари ишлаб олишмас, шунинг учун ҳар-икки йил ерни деҳқонни ёллаб, бўлиб беришарди. Албатта, бу ерлар бир текисда бўлмай, ширин-койим, сувли, сувсиз, шўрхок, сизот, тепалик, чуқурликлардан иборат. Шундан бўлгандан кейин, ер олувчилар текис ва сувли ерларни талашиб, ажралишлашишлари турган гап. Шунинг учун танобни ўн, йигирма ё ундан кишини мўлжаллаб эркин тортишарди. Бир парча-бир парча қоғозга одамларнинг номини алоҳида-алоҳида ёзиб, бирма-бир ўраб, калпоққа соларди. Кейин ёш бола ё холис бир одам ҳалиги ўроғлиқ қоғозларни бирма-бир олиб, одамларнинг номини айтаверар, шунга қараб танобчи ерни бир чеккадан бўлиб бераверар эди. Кимга текис ва сувли, кимга қирли, сойли ер тушгани билан унинг иши йўқ. Чекига тушган ерни ўша одамнинг номига ёзиб, васиқа қилиб берарди. Шунда ҳар ким ўз чекига тушганга рози бўлмай, жанжал кўтаргудай бўлса, атрофдагилар: «Чекингга тушганга чекчайма!» (яъни, чақчайма, кўзингни олакула қилма) дер эдилар. Бу гап мажозга ҳам кучган. Масалан, учтўрт одам шериқчилик бир иш қилади-да, чиққан фойдани бўлиб олади. Агар уларнинг бирортаси текkан улушидан норози бўлса, шериклари шу мақолни айтиб, танбеҳ берадилар. «Чекингга тушибди бир тоғ, Тойга минган-да, тиртой» деган мақолни ҳам шундай ва шунга ухшаш ҳолларда ишлатадилар.

Чивиннинг чечани ахлатга кўнади.

Вар.: «Пашшанинг махмалюнаси ахлатга қўнади». Бу мақолларни ўзини билмаган, чечан, ҳаммма нарсадан хабардор деб биладиган ва ҳар ерда ҳар бир гапга билса-билмаса аралашиб кетаверадиган, тўғрими-нотўғрими ўз гапини маъқуллайверадиган, «суриб» сингаверадиган махмадона одамларга нисбатан истеҳзоли киноя тарзида қўлтайлилар.

Чивиқ тутган еридан синмайди, эгилган еридан синади.

Чивиқ — сурх новда): Мақолнинг тури маъноси: «Чивиқ қўлинг билан тутиб турган еридан синмайди, ўзинг эгилган, синадиган еридан синади». Мажозий маъноси: «Бир сўзли тоғ, бировнинг гапига унамайдиган, «тутган ерини кесадиган» одамни ўзингга маъқул бўлган сўз билан индириб, ўзингга олмайсан, унинг ўзи

мойилланган тарафини тепа билсанг-гина кундира ёпасан».

Чийки эт эт келтирар, чийки хамир дард келтирар

(чийки — хом). Бу — халкнинг ибратли маслахат берувчи мақолларидан бўлиб, кундаги барчанинг хам бор. «Пишмаган эчки сўгим бўлмас, Қайнамаган ёғини — ичилар».

Чилла суви — тилла суви.

Бу мақолда ез чилласида (яъни, 25 июнь билан 5 август оралигидаги даврда) экинларни кондириб сугориш, қиш чилласида (яъни, 25 декабрь билан 5 февраль оралигидаги даврда) эса ерга яхоб сувн бериш тавсия этилган. Бобо дехконларнинг кўп йиллик тажрибаларига кура, бу хар иккала тадбир хам мол хосил етишгиришда мухим ахамият касб этади. Бари «Чилла қори — сўнгги кепш»; «Чиллада сугорилган бог чил ботмон узум берар».

Чиллаки чиллакини кўриб,чумак уради.

Чиллаки — эрта пишар узум, чумак урмоқ — ранг олиб, кизариб пиша бошламок. Одатда кизил чиллакининг бир белгиси (хусусияти) бир-эрта тўкумга кизил хол тушса, яъни у чумак урса, бошка тўкумлар хам кетма-кет чумак ура бошлайди ёки бир тун токдаги чиллаки бир кун ичари чумак урса, эртасига бошка тупларлаги чиллакилар хам чумак ура бошлайди. Бу — мақолнинг тўгри маъноси. Мажозан: «Одамлар хам бир-бирларидан акл ўрганиб, илму хунар ўрганиб бир-бирларидан ибрат, ўрнак олиб, камолотга эришиб борадилар», деган маънода айтилади. Бари: «Ковун ковунидан ис олар»; «Олма олмани кўриб, ранг олади»; «Ўрик ўрикни кўриб, оқаради»; «Ўрик ўрикни кўриб ола бўлади, Одам одамни кўриб бало бўлади» (бало — уста, уддабурон, мохир, ўз ишига пухта деган маънода). «Шароб узумдан ранг олади, Одам — одамдан ақл олади»; «Ақл ақлдан кувват олади.

Чилласи чирок кўрмаган — мум шамни камситар.

Ўзимизда халкимиз бола туғилгач, кирк кунгача (яъни, чилласи чиккунча) тепасига чирок ёкиб кўярдилар. Иккинчи кўнни «кичик чилла», кирк кунни «катта чилла» деб атардилар. Кирк кунгача шам ёкиб кўйишга бой ва узига тўк одамларимизгина курби етарди, албатта. Камбагалликда кирк кунгача шам ёкиб кўйиш кайда?! Мана шундай камбагал оилада туғилган, чилласида чирок ёкилмаган одам катта бўлиб сал бошиб колса-ю, шу бойлигидан мағрурланиб, кишиларни назар-писанд килмай, менсимай кўйса, бировникида ёкиб кўйилган жиччирокни кўриб: «Бунн каранг, мум шам ёкмабди» деб камситса, уни кората иччи киноя тарзида мазкур мақолни кўлланадилар. Хозир хам шунга ухшаш холларда кўлланилади.

Чин дўст — туғинганинг билан тенг.

Дўстлик — инсоннинг кучига куч, ғурурига ғурур кўшадиган, кишини бахти билан бирлаштирувчи, хаётнинг безавол энг мухим омилларидан бири. Шунинг учун хам инсоният дўстликни кадим кадимдан улуғлаб келади. Бу нарса кўплаб мақолларда ўз аксини топган: «Калин — ўртоқ – каридонидан ортик»; «Яхши дўст — давлат»; «Яхши либос - танга оройиш, Яхши йўлдош — жонга осойиш»; «Яхши бўлса ўртогинг — Доим ёнда пичогинг»; «Улфат канча кўп бўлса, Кулфат шунча оз бўлади»; «Акли кўпни дов олмас, Дўсти кўпни ёв олмас»; «Яхшилар бўлса ўртоқ, Кунда бўлурлар қунок»; «Чин дўст чин юракдан сўзлайди»; «Яхши билан дўстлансанг, Ўлгунингча хушлашар»; «Арпа бугдой бир кунингга ярайди, Содик дўстинг ўлгунингча ярайди» ва х. к.

Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар.

Бу мақол билан: «Ишга жону дилинг билан киришсанг, энг мушкул, қилиб бўлмайдигандай туюладиган ишнинг ҳам уддасидан чиқасан», деган маънода насиҳат қиладилар.— Чет тили ўқитувчиси келди,— деди Нишонов Саодатхонга ўгрилиб,— юборишибди. Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, деганлар. Қийин-қистовга олганингиз учун, мана, ўқитувчи ҳам топилди (С. Зуннунова, Повесть ва ҳикоялар). Вар.: «Хавас бўлса, анқонинг уруғи ҳам топилади» (анқо — гўё Қоф тоғида яшаган афсонавий катта қуш. Унинг узи ва уруғи (тухуми) йўқ, сира топилмайдиган ёки ғоят кам учрайдиган нарсанинг рамзи сифатида ишлатилади).

Чиниққанга чанг юқмас.

Киши ўзини ёшлигиданоқ ҳар тарафлама чиниқтириб бориши зарурлиги уқтириладиган, чиниқишнинг, пишик-пухта бўлишнинг фойдаси ю, чиниқмай, бўш-баёв бўлиб қолишнинг зиёни кўрсатиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Чиниққанга дард юқмас, Тиниққанга — дард» (Бунда чиниқишдан ташқари, ўз вақтида тинкиб ухлаш — киши саломатлиги учун фойдали эканлиги таъкидланган); «Қуш қаноти учганда чиниқади»; «Тоқа чиқса йиқилмаган — ерга юрса қоқилмайди»; «Том бостириш бўғоз туртмас»; «Пишган лойнинг чиниғи тоза бўлади»; «Чиниқ терини ит тортар, Чиниқ ўзни ёв тортар» (чийиқ — ҳом). Бу мақол билан: «Ҳом терини ит тортиб кетгандек, сен ҳам пишиқ-пухта бўлмасанг, бўш, лақма, ишсиз, ҳафсаласиз бўлсанг, ёвга ем бўласан», дейилмоқда. «Чиниқмаган хўроз бир кўчанда қолади». «Ит ғажиган шунақа қилиб пишади». Пишган лойнинг чиниғи тоза бўлади. Уларнинг «ёқ ялаш лой хоҳиб, колхознинг хизматини қиладиган пайти» (Шуҳрат, Бағоят).

Чиранма ғоз, ҳунаринг оз.

Вар.: «Керилма товуқ, Кетингдан урар совуқ». Товуқ кулга, иссиқ тупроққа ўтириб, ағанаб, кетидан чиққан ва патларига ёпишган ифлосларни қуритиб тушириб юборади-да, озода бўлиб, ўзига зеб бериб юради. Қишда эса бундай кул ва иссиқ тупроқ йўқ, одатига кўра ерга ўтириб, ағанаб, баттар ифлосланади. Мазкур мақоллар мажозий маънода вақтинча эришган муваффақиятларига керилувчи, ховлиқувчи одамларга нисбатан қўлланилади.

Чиройинг борида чинорингни топ.

(чинор — абадийлик ва қудратли таянч рамзи). Кўпинча қизларга насиҳат тарзида айтиладиган мазкур мақол билан: «Чиройинг борида, яхши ҳусн-жамолга тўлишган даврингда умр бўйи сенга ҳамроҳлик ва суянчиқлик қиладиган чинакам, вафодор ёрингни топиб ол, вақтни ғанимат бил», дейилмоқчи.

Чиройли қизнинг нози бор.

Бу билан мажозан: «Қўлидан иш келадиган одамнинг нози, инжиклиги, кўнгилдаги оғирроқ шартлари ва ҳ.к. бўлади. Сен бундан хафа бўлма, хафсалангни пир қилмай, қўлингни совутмай, ундан «қўлбола»ни ювиб қўлтиғингга урмай-ровийга кириб, фойдаланиб кол», дейилмоқчи.

Чиқарга келса — эр ёмон, кўйга келса — хотин ёмон.

Оилада эр-хотиннинг ўртасидан гўла ғурук ўтса — яъни, бирининг гапи бирига тўғри келмай, ирғишиб, жанжалланиб, арзлашиб колса, ҳар қайсисининг ўз айби кўзига кўринмаган, эр хотинининг, хотин эрининг яхши томонларини унутиб, ёмон томонларини бўрттириб, «юзига солаверади». Оқибатда иш

«кўйди-чиқди»га ҳам бориб етиши мумкин. Мазкур мақолда шу ҳол ифода этилиб, эр-хотинга: «Бундай қилиш яхши эмас. Бир-бирини тушунмоқ, иззат-ҳурмат қилмоқ, қизишган чоқларда жаҳлга эрк бермай, «тишни тишга қўйиб», оғирроқ бўлмоқ керак. Икки ўртада турмуш бузилгудек бўлса, ундан ёмони йўқ», деган маънода насиҳат қилинади. Ушбу фикрни қувватловчи «Узилган ип қайта уланса, тугуни қолади» деган мақол ҳам борки, буни: «Бир бузилиб, қайта тикланган турмуш аввалгисидек бўлиб кетиши қийин, шунинг учун аввало турмушнинг бузилишига олиб борадиган хатти-ҳаракатлар, гап-сўзлар қилмаслик керак», деган маънода қўллайдилар.

Чиққан қиз — чийдан ташқари.

Этнограф Б.Х. Карминева бу мақолни Самарқанд вилоятидаги Намозгоҳ қишлоғида ёзиб олганлигини маълум қилади ва кишиларнинг тушунтирувига асосланиб, қуйидагича изоҳлайди: «...Модомики эркак уйга ва уйдагиларга хўжайин экан, хотиннинг қариндошлари айрим ҳоллардагина унинг турмушига аралашадилар. Чий — ўтовга ташқари томондан қопланадиган қамиш тўсиқ» (Қаранг: «Этнографические очерки узбекского сельского населения»). Мазкур мақолни: «Турмушга чиқарилган қиз чийдан (яъни, ўтовдан демак, оиланинг аъзолигидан) ташқарига чиққан, шунинг учун у ўз тақдирини ўзи ва борган оиласидагилари ҳал қилсин. Бўлар-бўлмасга унинг турмушига аралашавериш керак эмас», деган маънода қўллайдилар. «Қайта чопган ёв ёмон, Қайта келган қиз ёмон; «Чиққан қиздан ота уйидаги супурги ҳам қўрқади»; «Қулунли бия овулга сиғмас» деган мақоллар ҳам борки, буларда, турмушга чиқазилган қиз у ердагилар билан уришиб, жанжаллашиб, аразлашиб, ота уйига вақтинча келиб ўтирса ёки эридан ажралишиб, кўч-кўлани ва бола-чақаси билан бутунлай қайтиб келса — бундан ҳунук воқеа бўлмайди. Аксарият оилаларда қайтиб келган қиз ҳамманинг кўзига ёмон кўринади, уни чиқиштирмайдилар, хуллас, «ота уйига сиғмайди», дейилмоқчи.

Чорикор чораклаб олар, бой акам — ботмонлаб

(чорак — ботмоннинг 64 дан бир қисми). «Ўрта Осиёнинг турли ерларида ва турли даврларда турлича миқдордаги оғирлик ўлчови бирлигини англатган». (В. Хинц, Е.А. Давидович, Мусульманские меры и веса). XIX асрнинг сўнгги чорагида В. Наливкин ва М. Наливкиннинг ёзишича, Фарғонада «кўпчилик ер эгаларининг ерини вақтинча, бир йилга ёлланган ишчилар — корандалар ишлаб берадилар... Чоракор ўз меҳнати эвазига ғалла ҳосилининг тўртдан бир қисмини, пахта ва жўхори ҳосилининг учдан бир қисмини олади, бунинг ҳам бешдан бир қисми соликка ва ўрокчиларнинг иш ҳақига тўланади» (В.Наливкин и М.Наливкина, Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы). К.Шониёзов ўзбек-қарлукларнинг ўтмиши тўғрисида ёзаркан, чоракорлар хусусида шундай дейди: «Чоракорлар ўзининг ери бўлмаган ёхуд бир озгина ери бўлган камбағал деҳқонлардан дала ишлари бажариладиган бутун давр учун ёллаб олинарди. Ёлланишнинг шартлари турлича бўларди: агар чоракор бойнинг ўз ҳўкизи ё оти иш асбоблари билан ишлаб берса, ҳосилнинг тўртдан биридан тортиб, олтидан биригача оларди; агар у бойнинг ҳўкизидан ё отидан, иш асбобларидан ва унинг хизматкорлари кучидан фойдаланса, ҳосилнинг еттидан биридан тортиб, ўндан биригача оларди» (К. Шаниязов, Узбеки-карлуки). Р. Я. Рассудова эса ерли кишиларнинг (кексаларнинг) ҳикояларига асосланиб, Зарафшон водийсида XIX асрнинг иккинчи ярмида чоракорлар ҳосилнинг олтидан биридан то ўндан биригача олганлари, бойларнинг уларга нисбатан турли ҳийла-найранглар ишлатганлари, атайлиб уларни қарз-

дор қилиб қўйганлари ва хирмон кўтарилгач, қарзнинг бирини икки қилиб ундириб олганлари, токзор ва полизларда ишлаган чоракорларга «узум, қовун, тарвузларни еганинг оладиган ҳақингни қоплаб кетди» деб, ҳақ бермаганлари тўғрисида ёзади (Қаранг: «Этнографические очерки узбекского сельского населения»). Бундай ҳоллар чоракорларнинг бойлардан норози бўлишига, улардан ғазабланишига, қолаверса юқоридаги сингари мақолларнинг юзага келишига сабабчи бўлган.

Чорвага бўл миришкор, топарсан кушойишкор

(кушойиш — бирор қийин ишнинг осон ҳал бўлиши, муваффақият). Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бир туркум мақолларда ота-боболаримизнинг чорвачиликка доир панд-насиҳатлари ўз ифодасини топган: «Молли уй — мойли уй»; «Молнинг эти — томоғингга бот, Териси — оёғингга кот, Мугузи — пичоғингга сот, Ичаги — қўбузингга таноб»; «Йилқининг мичса усти, ичса сути, еса эти бор»; «Молни зотли бўлса, Рўзғоринг тотли бўлар»; «Чорванинг иги ҳам ургочи бўлсин» («Ургочи мол қанча кўп бўлса, чорва туёғи шунча кўпаяди», дейилмоқчи); «Ачаси кўп бўлса — бачаси кўп (ачаси — онаси; бачаси — боласи); «Молнинг боши — товуқ» («Қўй, сигир, от, туяга етишмоқчи бўлсанг, аввал арзон ва бокиш осонликка товуқ ол. Уникан жўжа очириб, кўпайтириб сотиб, бошқа молларни олишга маблағ жамгарасан», дейилмоқчи). «Бир товуқ, бир эчкини сақлаган» («Агар товуғинг бўлса, кунига тухум берадиган тухумлик бахромандг бўласан, жуда зарур бўлганида уларни сўйиб есанг, натижада эчкинг умуман, каттарок молни қишлоқ сотишга эҳтиж колмайди», дейилмоқчи); «Қўнинг етса сигир бок, Қўнинг етмаса товуқ бок»; «Ҳеч хазинанинг бари — товуқ, бари — сигир» (Ота-боболар «сигир, товуқ, асаларн, ишк қурти, ўрмон, тегирмон ва обдурозни «уч хазина» деб билганлар); «Мол бокканга битади»; «Чорва тўк — ташвиш йўк»; «Чорва мадори — ўт»; «Чорвани чоптирган ҳам — ўт, Қўйини қўндирган ҳам — ўт»; «Мол йигсанг — қўнишини топ, Ош есанг — ишини топ» («Яйловнинг серўт, сершув жонини топиб қўнсанг, молларинг семиради, кўпаяди», дейилмоқчи); «Ер қутли бўлса, Мол сутли бўлар»; «Ёзнинг ўти — қишга ем»; «Бўрон бўрайди, Мол ўпп сўрайди»; «Шувоқ бор жойда — туёк бор» (шувоқ — майда оқиш барглн, ўзига хос хилли кўп йиллик ёввоий ўсимлик, уни мол хуш кўриб еили); «Молни қишда кумга ҳайда, Ёзда чимга ҳайда»; «Молга берсанг соз емин, Боқар сени ёз кин»; «Сигирнинг сути — тилла»; «Охурга нени солсанг, Хурмачадан шуни оласан»; «Ёрига караб тол ўсар, Емига караб мол ўсар»; «Озиқли от хоримас»; «Бок отингни арпа билан, Боқар кази-карта билан»; «Отни камчи билан ҳайлама, Ем билан ҳайла»; «Отни камчи билан ҳайласанг, либка қоларсан»; «Отинг ерик бўлса, туясини кўр»; «От тўрвадан карийди»; «Отни боқсанг қашиб бок, Емни олиб қуйиб бок»; «Арпа етса от улгаяди»; «Қунин ўт ичидан ўтказма, Ўтни қўй ичидан ўтказ» («Қўйларингни парпаклаб-бодиб ўтлатиб, майда-чуйда ветмас, яхши ўтли ерда бўлиб тўядирий, ўзлаи-ўзини парвариш қилади», дейилмоқчи); «Қўйнинг ози — ўлмас, қорни тўймайди»; «Ўлсанг ҳашак — сенга ҳўрак»

(«Хашак гулсиз бўлса, қўйининг таносига юкмайди. Гулли бўлса, дони бўлиб, қўйга ем ҳисобида юқиб, семиртиради», дейилмоқчи): «Қўй туз билан тирик»; «Ёмон қўйчи яйловни бир кун ейди, Яхши қўйчи яйловни минг кун ейди»; «Шафтолидан боғ қилма, Эчкидан мол қилма». Бошқа мева дарахтларига қараганда шафтолининг умри жуда қиска бўлади, узоғи билан етти йилда қурийди (Қаранг: «Табиат ва инсон». Тошкент, 1965). «Шафтолидан боғ қилма» деганининг боиси ана шунда. Эчкининг «капалак» деб аталмиш ўлат касаллиги бор. Агар бу касаллик бит-тасига дориса, биридан-бирига юқиб, ҳаммаси қирилиб битади. «Эчкидан мол қилма» деганининг боиси ана шунда. «Эчки юзга борса ҳам, Кузга бормас»; «Эчки юзга етганда, Териси мингга етар»; «Эси кетган эчки йиғар, Эчки билан эсин еяр».

Чумсахдан чигит чиқмас.

Вар.: «Чумсахдан чигит кутма»; «Чумсахга чўмич тегса, чумичда кокади» (чўмичда кокмок — бировнинг хакини, тегишини қокиб «уриб» қолмоқ). Чумсах — зикна, хасис, бахил, қурумсоқ, арзимаган нарсаси ҳам кўзга жуда керакли бўлиб кўринадиган ва хеч кимга хеч нима бермайдиган, қизганчиқ одам. «Бундай одамдан хеч нима, хатто кичик, арзимаган нарсани ҳам кутма, умид этма, сўрама — барибир бермайди», дейилмоқчи. Халқ тилида шундай иборалар ҳам бор: «У шундай чумсахки, шишага қатиқ солиб, сиртидан ялайди»; «Чумсахлигидан битта қуртни ўн кун шимади» ва б.

Чумчуқ семирса, чакса келмас.

Вар.: «Чумчуқ ҳам ўз тошича ботмон»; «Чумчуқ семириб, ботмон бўлмас, Теша ўсиб, кетмон бўлмас». Буларни кўпинча ўз ҳол-кудрати йўқ бўлатуриб, «мен ундайман, мен бундайман» деб мактанувчиларга қарата истехзо билан айтадилар.

Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин.

«Бировга бир ишни қилдирадиган бўлсанг, у иш арзимаган, кичкина бўлса ҳам — устасига, қўлидан келадиган одамга мурожаат қил», деган маънода айтиладиган бу мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Қўйни қассоб сўйсин, Ошни ошпаз пиширсин», «Қўйни қассоб сўйсин, Олтинни заргар сўксин»; «Қўйни қассоб сўйсин, Ўликни гассол ювсин»; «Қўйингни қассобга сўйдир, Ўлигингни ювғучига ювдир»; «Ямокчининг ишини сувокчи билмас»; «Подачи ношуд бўлса, соғ отни чўлоқ қилади»; «Хар ким ўз касбига омил».— Хўжайин турганда пулнинг менинг қўлимда тўпланиши муносиб эмас,— деди оқсокол,— чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, деганлар. Сарф ва харж йўлини хўжайин бошқалардан яхшироқ биладилар, кам-кўстини ҳам тўлдирадилар» (С. Айний, Дохунда).

Чумчуққа қўйсам кўзанак, илинди унга сўзанак

(кўзанак — қуш тутиш учун қўйиладиган қил тузоқ; сўзанак — ниначи). Вар.: «Тузоқ қўйсам лочинга, Кузгун тушар бахтимга»; «Баликка қўйган домига қурбақа илинибди». Бу мақоллар кутган, умид қилган нарсаси тескари бўлиб чиққан, омади юришмаган одам тилидан нолиш мақомида айтилади.

«Чўк!» деса, туя ҳам чўкади.

Буни: «Ўзингга етганча ўжар, гож бўлма. Бундоқ ўзингдан катталарнинг гапига ҳам киргин-да!» деган маънода айтадилар.

Чўкаётган — чўпга ёпишар.

«Ҳалокатга учраётган одам ҳар бир кичик нарсадан ҳам нажот кутади», дейилмоқчи. Худди: «Чў-

каётган чўпга тирмашар» деганларидек, шошма-шошар ўзимни оқлайдиган фактлар қидира бошладим» (О.Ёқубов, Бир фельетон қиссаси).

Чўпоннинг таёғидан, келиннинг оёғидан.

Ўтмишда янги чўпон келгач қўйлар кўпайиб кетса, буни чўпоннинг қутли таёғидан деб; янги келин келган уйга қут-барака кирса, буни келиннинг қутли қадамидан деб билардилар. Аксинча, агар қўйлар камайиб ё (бирор касалга чалиниб, ют бўлиб) қирилиб кетса, буни ҳам чўпондан кўрардилар; уйдан қут-барака учса, «шум қадам экан» деб, келиндан норози бўлардилар. Юқоридаги мақол ана шундай тушунчанинг самарасидир.

Чўтирнинг ҳам ўз ҳусни бор.

Бу билан: «У ери ундай экан, бу ери бундай экан, деб бировнинг устидан кулма, мазах-масхара қилма. Ҳар кимнинг ҳам ўзига яраша ҳусни бор», дейилмоқчи.



Шайтоннинг оздиргани — ўзиники.

Бу билан: «Жамиятда не-не айёр, мугомбир, алдамчи, қаллоб, фирибгар, кўзбўямачи, маккор одамлар борки, улар кишини турли гап-сўзлар, ҳийла-найранглар билан авраб, алдаб, йўлдан оздириб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланадилар. Шундай экан, сен ҳар кимнинг ҳам гапига лақ этиб тушаверадиган бўлма, ақл-идрокинг тарозиси билан ўлчаб кўриб, шунга яраша иш тут», деган маънода эҳтиёткорликка ундайдилар.

Шам ёруғи тубига тушмас.

Вар.: «Чироқ туби — қоронғу», «Теракнинг сояси тубига тушмас»; «Чироқ тубига зиё бермас». Бу мақолларни бойликка ё амал-мансабга эга бўлган одам кези келганда ўз яқинларига қўлидан келадиган ёрдамни бермаганида аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Аёғиға тушар ҳар лаҳза гису
Масалдурким: «Чироғ туби қоронғу»
(Лутфий)

Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди.

Вар.: «Елсиз терак тебранмас»; «Ўт бўлмаса, тутун бўлмас»; «Ит қора кўрмаса, ҳуримас»; «Сабабсиз қуш ҳам учмас»; «Бесабаб оёққа тикан кирмас»; «Булут бўлмаса, чақмоқ чақмас»; «Энгак қимирламаса, соқол ликилламайди»; «Чопган ердан чанг чиқар»; «Тагсиз хабар тарқамас». Бу мақоллар халқнинг фалсафий қарашлари маҳсули бўлиб, «Табиатда ҳам, жамиятда ҳам рўй берадиган ҳар бир воқеа-ҳодисанинг муайян сабаби бор. Сабабсиз ҳеч қандай оқибат бўлмайди. Масалан, халқ орасида бир гап тарқалибдими — демак, бир иш бор», деган маънода қўлланилади.

Шарманда — охир қолур армонда.

Шарманда — шарму ҳаёни йўқотган, ҳаёсиз, уятсиз, номуссиз, расво одам. «Жамият бундай одамларни ўз ҳолига қўйиб қўймайди, ахири бир кун адабини беради», деган маънода айтиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги мазмундошлари бор: «Шармсизлик — шармандалик нишони»; «Шармандага — шаҳар кенг»; «Яхши алжимас, Ёмон ёлчимас»; «Ёмоннинг охирини кўр»; «Ёмонни худо топар»; «Товлаб бўйин қашолмади. Ёмонликдан яшолмади»; «Шарму ҳаёсиз бўлсанг, Ҳар сарда ерсан шатта, Маъқул, билимдон бўлсанг, Иззат-ҳурматинг катта».

Шаробнинг ози — дори, кўпи — оғу.

«Ичкиликни кўп ичадиган, унинг «кетидан қувадиган» одам ҳам аъзойи баданини, ҳам турмушини заҳарлайди, эл-юрт ичида обрў-эътиборини, иззат-ҳурматини йўқотади, шармандаи шармисор бўлади», дейилмоқчи. Май мастга душману, ҳушёрга ёрдир,
Ози тарёк, кўпи бир заҳри мордир.
(Абу Али ибн Сино)

Шаф-шаф деган билан шафтоли огизга тушмас.

Бу билан: «Роҳатга эришмоқ учун фақат истакнинг, орзу-хавасинг ўзигина кифоя қилмайди, меҳнат, саъй-ҳаракат қилиш керак», дейилмоқчи.

Шаҳарда «қуён қочди» бўлса, далада «туя қочди» бўлади.

«Кўпчилик орасида арзимаган бир гап тарқалгудек бўлса ҳам, одамлар уни бўрттириб, қўшиб-чатиб, лоф қилиб, қатъий ишонч ҳосил қилмагунча, бундай овоза гапларга ишонма ҳам, қўшилма ҳам», дейилмоқчи.

Шер қутурса, ойга сапчир.

«Мол-дунё ғуруриятига, амал-мансаб ғуруриятига ва бошқа шу каби ғуруриятларга берилиб кетган одам ҳаддидан ошиб, қутуриб, қўлидан келмайдиган ишларни ҳам қилгиси, имкони йўқ нарсаларга эга бўлгиси келиб, беҳуда уринишлар қилади-да, охири фалокат-ҳалокатга йўлиқади, ўзини нобуд қилади», деган маънода айтилувчи бу мақолнинг қуйидаги мазмундоши ҳам бор: «Чумоли ажали етганда қанот чиқаради» (Одатда чумолига қанот битса, учади-да, қушларга ем бўлиб, ўлиб кетади. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан юқоридаги маънода қўллайдилар).

Шериклик ошни ит ичмас.

Одатда икки ит бир ялоғдан овқат еб қолгудек бўлса, бир-бири билан талашиб, ириллашиб, уруши кетади. Бу мақолни шериклик иш қилиб, ўзаро битишолмай, чиқишолмай, уришиб, жанжаллашадиган одамларга қарата истеҳзо ва киноя тарзида қўллайдилар. Шериклик ишларга доир яна шундай мақоллар ҳам бор: «Шериклик товуқдан — ёлғиз тухум яхши»; «Шериклашиб ишлаганнинг юраги шердай бўлади»; «Шерингинг ёмон бўлса шармадасан, Мақсад йўлин тополмай, армондасан»; «Аввалambор мингашма, Мингашган сўнг индашма» (Бу мақолда бир отга икки кишининг мингашиб кетиши мисолга олинган. Олдинги одам эгарга минади ва қулай ўтириб, қийналмай кетади. Мингашган кейинги одам эса эгарнинг орқасида ноқулай ўтириб, қийналиб кетади. Мажозан: «Аввалambор биров билан шериклашиб иш қилма. Ҳамонки шериклашдингми, энди чида, аразлашиб, жанжаллашиб, бировга ҳасрат қилиб, нолиб юрма», дейилмоқчи).

Шернинг ўлиги ҳам от ҳуркитади.

«Қўрқоқ, «юраги йўқ» одам мард, ботир, жасур, қўрқмас одамнинг ўзи тугул ўлигидан ҳам қўрқади, ҳайикади», дейилмоқчи.

Шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичади.

Вар.. «Буғдойнинг баҳонасида қорамуғ ҳам сув ичибди»; «Гул туфайли тикан сув ичар»; «Кўлнинг орқасидан кўлмак ҳам сув ичади». Бу мақолларни бир одам туфайли ёмон одам ҳам (гарчи унинг бир нимани олишга, еб-ичишга, фойдаланишга ҳаки бўлмаса, ҳадди сиғмаса ҳам) фойдаланиб, манфаатланиб қолса ва б. шу каби ҳолларда ё жиддий, ё ҳазил-мутойиба тарзида айтадилар.

Шошқоқлик — аҳмоқлик.

Ота-боболар бу ва бу каби бир қатор мақолларида ҳар бир ишда ва ҳар бир парсада асло шошмашошарлик қилмаслик зарурлигини уқтирганлар, ошиқиш, ҳовлиқиш, шошилишнинг оқибати ёмон бўлишини турли-туман мисоллар орқали кўрсатганлар: «Шошган — шамол билан беробар»; «Шошган — шайтоннинг иши»; «Шошган ишга шайтон қўшилар»; «Шошганнинг иши унмас»; «Ошиққан ишини битирмас Ақлли эр отини йитирмас»; «Ажалулим қайда йўқ, Шошган ишдан фой-

да йўқ»; «Ошиққаннинг оёғи этагига ўралади»; «Ошиққан — қоқилар, Қоқилган — йиқилар»; «Қўрққандан ҳовлиққан ёмон»; «Шошган ўрдак ҳам боши билан шўнғийди, ҳам думи билан»; «Шошган зулук япроқка ёпишади»; «Шошган зулук шоли поясини тишлайди»; «Ошиққаннинг оғзи куяр»; «Ошиққан — ошга пишган» («Ошиққан одам қайноқ овқатни у ер-бу ерига тўкиб юбориб, куйиб қолган», дейилмоқчи); «Шошган пашша сутга тушар»; «Шошилган — лойга ботган»; «Шошганнинг кўзи тинар»; «Шошқалоқ тўғрамчи қўлини кесар» (тўғрамчи — нонининг гўштини, кулчатойини, сабзи-пиёзини ва б. тўғровчи); «Ошиққан ошга етгунча, Боши тошга етади»; «Ошиққаннинг ови юрмас»; «Қистанмаган қуёнга етар»; «Ошиқмаган аравали қуёнга етибди»; «Ошиқмаган овчи ҳумо овлар» (Ҳумо, Ҳумой — афсонавий қуш, гўё бу қушнинг сояси кимнинг бошига тушса, бахтли бўлар эмиш); «Шошмаган эр оққуш тутар»; «Шошганда «лаббай» топилмас», «Шошган эр уйига етолмас»; «Шошган келин эрини «ойи» дебди»; «Шошган қиз эрга ёлчимас» («Қиз ўзига ёр танлашда шошма-шошарлик қилса, қуёвнинг кимлигини, қандайлигини, феъл-атворини яхши суриштирмай, кўрмай, билмай, синамай, унинг чиройига, кийим-кечагига, топар-тутарига қизиқиб, ясама ширин гапларига, ваъдаларига «учиб», дархол розилик берса, кейин унинг асли кимлиги билингач, ўртага совуқчилик тушиб, уриш-жанжал чиқиб, ажралишга тўғри келади», дейилмоқчи); «Ошиққан қиз эрга етмайди, Эрга етса, этаги етмайди»; «Ошиққан — озар, Тўймаган — тўзар»; «Кутганнинг куни ўтмас, Шошганнинг иши битмас»; «Ошиққан — етмас, Буюрган — кетмас»; «Ошиққан сув денгизга етмас»; «Аста юрсанг, тез борарсан»; «Ошиқиб борган, ерга оҳиста борса ҳам бўлади»; «Чопсанг — чарчарсан, Елсанг — етарсан»; «Шошмасанг — тез етарсан, Шошгандан ўзиб кетарсан»; «Тез юрган — йўлда ҳордир, Тин юрган — Теловга борур» (Телов — Оҳангарон якинидаги бир кишлоқ); «Мусулмончилик — астачилик»; «Яхши от кейин чопади» (Бу мақол от пойгасини назарда тутиб айтилган. Пойгада баъзи отлар олдинига тез чопади-да, кейин тез ҳориб, аста-секин орқада кола бошлайди. Яхши, асл пойгачи от эса олдинига секин-секин чопиб, кейин тобора тезлаша бошлайди ва ҳамма отлардан ўзиб кетиб, маррага биринчи бўлиб етиб келади ҳамда совринни олади. Мажозан: «Ҳар бир ишни шошмасдан, ҳовликмасдан, кучни бехуда сарфламасдан қил», демоқчи бўладилар); «Асл қуш туриб учар» (туриб учмоқ — шошилмасдан, сабр қилиб, қулай пайти келишини кутиб туриб, кейин учмоқ); «Бир кун ошиққаннинг кирк кун ақли қочар»; «Бир кун ошиққандан кирк кун ақл сўрама»; «Очиққан ўлмас, Ошиққан ўлар»; «Шошилган ишнинг пушаймони кўп»;

«Ҳар кимсаки, айламас ошиқмоқни ҳаёл,
Ёфрокни ифак қилур, чечак баргини бол»

(Навоий)



Эғасини сийлаган — итига суяк ташлар.

Баъзи «пихини ёрган» хушомадгўй, лаганбардор бевосита тегишли одамнинг ўзига эмас, унинг хотин, болачақаларига хушомад қилиб, совға-саломлар бериб, шу йўл билан у одамнинг кўнглини ўзига мойиллантирмоқчи, ўз манфаатини кўзлаб илтимос қилиб борган ишини битирмоқчи бўлади. Мазкур мақолни кўпинча шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда истеҳзо билан айтадилар.

Севса агар Отойи рақибин ажаб эрмас
Ким иясин огизлар, итига сўнгак солур.

(Отойи).

Эгачим элакли бўлди, элаги тилакли бўлди.

Вар.: «Лўли элакли бўлди, Элаги керакли бўлди»; «Тоз тароқли бўлди, Тароғи яроқли бўлди». Бу мақолларни бирор нарсани (масалан, асбоб-анжомни) вақтинча фойдаланиш учун сўраб келган одамга бор бўлатуриб йўқ дейдиган, уни-буни баҳона қилиб, қуруқ қайтарадиган қизғанчиқ, зиқна одамларга нисбатан киноя тарзида қўллайдилар.

Эгачим эрга тегди, эскиси менга тегди.

Қиз турмушга чиққанда эски кийим-кечакларини ота уйига ташлаб кетади. Бу эски кийимлар эгачидан сингилга қолади. Мазкур мақолни дастлаб опаси турмушга чиқиб кетган, ўзи эса ҳали ҳам уйда ўтирган, бунинг устига эгачисидан қолган эски кийим-кечакларни эгнига илиб юрган, дилида эгачисига нисбатан аллақандай ғараз пайдо бўлган сингил айтган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Вар.: «Эгачили қизга тўн қайда, Эчкили қўйга сув қайда?!» (Одатда олдин опасининг сепини ҳозирлайдилар, уни узатиб, хотиржам бўлганларидан кейингина сингилнинг ҳаракатига тушадилар); «Эгачим эрга тегди, Чўмичи менга тегди» (Бу мақолда сингил опаси эрга тегиб кетгач, уй ишларининг ҳаммаси — овқат пиширш, кир ювиш, уй супуриш ва ҳ. к. бир ўзига қолганини маълум қилмоқчи бўлган); «Эгачимга ишониб, эрсиз қолдим». Опаси турмушга узатилмагунига қадар сингил совчилар устма-уст келавериб, қистаган чоғларида ҳам узатилмайди. Ўзига совчилар келаверган сингил совчи келмаётган опасини кўролмаслиги, ундан ғойибона хафа бўлиб юриши — табиий бир ҳол. Мазкур мақол тўғри маънода шуни ифода этса, мажозан шунга ўхшаш ҳолларда ишлатилади.

Эгилган бошни қилич кесмас.

Вар.: «Сунган буйинни суғурилган қилич кесмас». Булар билан: «Киши мағрурлик, такаббурлик билан кекайиб, «айтганим — айтган, деганим — деган» деб, ўжарлик, гожлик қилмай, бундоқ «пастроққа тушса», ўзини нечоғли камтар тутса, ширинсуҳан бўлса, бировнинг айтганига кўнса, ҳар қандай каҳри қаттиқ одамнинг ҳам кўнглини ўзига нисбатан ийдира олади ва ҳар қандай хавфли, мушкул ҳолатдан ҳам омон эсон, бешикаст, бенуқсон қутулиб кета олади», дейилмоқчи.

Эгри от, тўғри тегиз.

Вар.: «Ётиб-ётиб, ёнбошга от»; «Ҳийла билан кучли арслон тутилар, Ҳаёл

билан қўриқчи ҳам тутилмас» (қўриқчи — экинни чумчуқлар ва бошқа зараркунандалардан қўриқламоқ мақсадида бир ёғочнинг бошига қалпоқ, «эгнига» чопон кийдирилиб, экинзорга ўрнатиб қўйиладиган ясама «одам»); «Ҳийласиз ботир ўзини ёвга олдирар». Бу мақоллар билан: «Душман билан олишганда ҳарбий усул, ҳийла ишлат, унинг кўзини чалғитиб, ғафлатда қолдириб зарба бер. Акс ҳолда ўзинг ундан зарба еб қолишинг мумкин», деган маънода насиҳат қилганлар.

Эгри қозиққа — эгри тўқмоқ.

Бир туркум мақолларда ёмон одамларнинг қандай бўлиши, ўзига хос хусусиятлари кўрсатилиб, улар билан ўзига яраша жавоб-муомалада бўлиш лозимлиги уқтирилади: «Эгарининг сояси ҳам — эгри»; «Қийшиқ дарахтнинг кўланкаси ҳам — қийшиқ»; «Эгри таёқнинг бутоғи бурун йиртар»; «Эгрибосар оёқ кавушни ҳам эгри қилади» («Ёмон одамнинг касри бошқаларга ҳам уради; ёмон одам яхшиларни ҳам ёмон йўлга бошлайди», дейилмоқчи); «Қилиғи қийшиқнинг қилмиши ҳам — қийшиқ»; «Қийиқ — қилдан қийиқ топади». Қийиқ (одам) — ўжар, қайсар, гапга кўнмайдиган, «тутган ерини кесадиган»; қилдан қийиқ топмоқ — тўғри гапдан, тўғри ишдан ҳам атайлаб бирор камчилик ва нуқсон қидириб топмоқ, тўғрини жўрттага эгрига бурмоқ. «Эгри таёқ кўтарганни эгри таёқ билан ур»; «Калтак кўтарганга чўқмор кўтар» (чўқмор — тўқмоқ шаклидаги қадимий уруш қуроли; гурзи, шашпар; тош кесадиган оғир тўқмоқ); «Ўқлоқ ўқталганга тўқмоқ ўқтал» (ўқлоқ — ўқлов, ўқлоғи). «Аҳмоққа — тўқмоқ»; «Эгри битганни — эл тўғрилар».

Эзгуликнинг кечи йўқ.

Вар.: «Эгриликнинг эрта-кечи йўқ»; «Ҳеч бўлмагандан — кеч бўлган яхши». «Одамларга яхшилик қилишнинг, эзгу, хайрли ишлар қилишнинг эрта-кечи йўқ. «Э аттанг, энди вақти ўтиб қолди-да», деб ўтирма, кейин бўлса ҳам, кечроқ бўлса ҳам, яхшилигингни, яхши ишларингни қилавер!» дейилмоқчи.

Экин эккан — текин ўрар.

«Деҳқончилик қилган, ердан меҳнатини аямаган одам роҳатини ҳам кўради» деган маънодаги мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Эксанг экин, ерсан текин»; «Эксанг — ўрасан, ҳузурини кўрасан» «Эккан — ўрар, тиккан — терар» (эккан — дон эккан; тиккан — дарахт ўтқазган); «Сепган хирмон қилур, Сепмаган армон қилур»; «Экмагунча унмас»; «Бир кун бурун сочсанг, Ҳафта бурун ўрасан»; «Эрта эккан бутун олур, Кечга қолган ўтин олур»; «Эрта эккан хирмон қилур, Кеч эккан — армон қилур»; «Кечки экиннинг хатари кўп» («Кеч қолиб экилган экин айни ўсиш, ривожланиш, ҳосил тугиш пайтига келганда ҳаво ҳарорати кундан-кунга пасая боради, қуёшдан етарли ҳарорат ололмайди. Натижада ҳосили кам ва кечки бўлиб, пишар-пишмас совуқ уради, қорёмғир остида қолиб кетади», дейилмоқчи); «Экинни «эркалатсанг», эрта пишади»; «Эмгак экинда қолмас» (эмгак — меҳнат); «Миннат ерда қолса ҳам, Меҳнат ерда қолмас».

Эл овлоқ бўлса, тўнғиз тоғага чиқади.

(овлоқ — одамлардан ҳоли, кимсасиз, чет, хилват жой). Вар.: «Қуш йўқ жойда қурбақа — булбул»; «Мушук йўғида сичқон тоғага чиқади»; «Мирза йўғида қул киради қўрага, Ит йўғида чўчқа ҳуради қарғага»; «Ғоз учса, кўлни ўрдак эгаллайди»; «Ўрдак йўқ кўлда — лойхўрак хон»; «Овлоқ кўлда — бақа хон»; «Балиқ йўғида бақа ҳам — балиқ»; «Қоронғи қолган юртга қорашақшақ подшо бўлибди». Бу мақолларни мазмун: «Олим, оқил, билимдон, сухандонлар йўқ жойда илмсиз, билимсиз, ношуд, нодонлар; мард, ботир, паҳлавонлар йўқ жойда номард, қўрқоқлар ва ҳ.к. ўзларини аллақим деб биладилар, мақтанадилар, кериладилар, ҳаммага бош-қош бўлмоқчи бўлади-

лар», деган маънода қўллайдилар. «— Гижинглаган йигитлар турганда шу қизни секретарь қилиб юбораман деб ўтирибди! Қишлоқда одам қолмаса, эчкининг оти мулла Норқўзи бўлади» (А. Қаҳҳор, Синчалак).

Эл оғзига элак тутиб бўлмас.

Мажозан: «Сенинг қилмишингни одамлар гапириб, мазах қилиб юришса, «гапирманглар, айтманглар» деб, уларнинг оғзини тия олмайсан, эл-юрт ўртасида «отнинг қашқасидек» маълум бўлиб қоласан, шармандашармисор бўласан. Шунинг учун аввало кўпчиликнинг оғзига тушадиган ёмон иш, хатти-ҳаракат ва гап-сўз қилма», деган маънода насиҳат қилиб айтилади. Вар.: «Юз қопнинг оғзини боғлаб бўлса ҳам, Юз одамнинг оғзини боғлаб бўлмас»; «Эл оғзини йиғиб, Челак оғзини бўғиб бўлмас»; «Эл оғзини ёпмоққа эллик қари бўз керак»; «Кўп оғзига қалқон тутиб бўлмас»; Бировнинг оғзига тугма қадаб бўлмайди»; «Эл кулоғи — эллик», «Юзта кўз бўлса, мингта қулоқ»; «Икки одам эшитса, етти иқлимга етади» (етти иқлим — шарқ географларининг қарашларига кўра, Ернинг етти минтақасидан ҳар бири); «Ўттиз тишнинг орасидан чиққан гап ўттиз уруғ элга тарқалар»; «Эл бор ерда сўз бор»; «Одамларнинг оғзига тушсанг, чақич бўлиб чайналасан». Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан, ўйланмай босилган қадам шармандачилиги одам орасида анчагина гап-сўзга сабаб бўлади (М. Исмоилий, Ода мийлик қиссаси). Ўттиз икки тишли оғиздан чиққан гап қирқ элатли юртга тарқалгандек, Умматали билан Нафиса ўртасидаги муносабат ҳам албатта бунинг (Азимхўжаевнинг) қулоғига етган» (Шухрат, Жаннат қидирганлар).

Эл қўзғалса, тахт қўзғалар.

Вар.. «Камбағалнинг бахти бойнинг тахтини йиқар». Оламда элнинг, халқнинг кучидан ҳам қудратлироқ куч йўқ. Ота-боболар буни кўплаб мақолларда, масалан: «Элнинг кучи — эллик ботмон» деган мақолда ёркин ифода этганлар. Модомики шундай экан, эл билан, кўпчилик билан ўйнашиб бўлмайди. Унга зулм қилаверилса, жабр-ситамлар ўтказаверилса, ахири бир кун сабр косаси тўлиб, қўзғолон кўтариб, золимларнинг адабини бериб, тахтидан ағдариб ташлайди.

Элакка кирган хотиннинг эллик оғиз гапи бор.

Вар.: «Ўтга келган хотиннинг ўттиз гапи бор»; «Икки хотин бош қўшса, бозор бўлади». Бу мақолларда аёлларга хос бўлган одат ифода этилган. В.Наливкин ва М.Наливкина бу хусусда ўтган асрнинг охирги чорагида шундай деб ёзишган: «Сарт аёллари, ҳатто иш билан банд бўлганларида ҳам, бир жойда бир неча соат ҳеч ким билан гаплашмай, жим ўтира олмайдилар. Агар аёлнинг олдига бирор одам келмаса, унинг ўзи қўшнисиникига чиқиб, бирпасгина бўлса ҳам, у ёк-бу ёқдан гаплашиб қайтади... Уларнинг гапи мақоллар, иборалар, қочириқлар, баъзан эса ўйноқи мазмунли эртак ва латифаларга бой бўлади. Буларни гап орасида едириб юборишга уларнинг ҳаммаси уста бўлади. Гапни топиб, гапириш, берилган саволларга ёки ташланган луқмаларга ўринли жавоб қайтариш ва суҳбатдошни гапга солиб қўйишни улар ўзлари учун фахр деб биладилар... «Шунингдек, «Хотин еттига чиқса, етти уйнинг калитини ола чиқади» деган мақол ҳам борки, бу билан «Ҳар бир хотин еттига борса (ва умуман, бир кўчага чиққудай бўлса), шу баҳонада бир йўла неча жойларни ҳам айланиб, қўни-қўшнилари, таниш-билишлари билан бирпас-бирпас бўлса ҳам гаплашиб, кўнглини ёзиб келади», дейилмоқчи. Аксарият аёлларнинг бундай қилишлари — ўтмишда уйдан ташқарига деярли чиқмаганлари, сиқилиб кетганлари натижасидир, албатта.

Элга қўшилсанг эр бўласан, элдан ажралсанг ер бўласан.

Инсоннинг якка ўзи, жамиятдан ажралган, жамият билан алоқа қилмаган ҳолда яшамаган ва яшай олмайди ҳам. Шунинг учун ҳам шахснинг жамиятга, жамиятнинг шахсга муносабати ва таъсири масаласига инсоният қадимдан алоҳида аҳамият бериб келади. Халқимиз кўпдан-кўп мақолларида шахсга жамиятнинг, эл-юртнинг қанчалар қадр-қимматли, қудратли эканлигини уқтириб, у билан бирга бўлиш, унга хизмат қилиш зарурлиги юзасидан панд-насихат қилганлар. «Отанг — эл, Онанг — эл»; «Элли ер — бозор, Элсиз ер — мозор»; «Эр элида азиз, Гул — ерида»; «Туғилган жойинг кўзингга ўтдек кўринади»; «Ойдан ёруғ нарса йўқ, қора булут бўлмаса, Одамдан ғариб кимса йўқ, қайтиб юртин топмаса»; «Ҳар ким — элига, Ўрдак — кўлига»; «Ҳар қуш ўз уясига қараб учади»; «Турна ҳам қиблани ташлаб, қирига қайтади»; Булбул қафасда ўз қора толин қўмсаб сайрайди»; «Товушқонга — туғилган тепаси»; «Тўйган ердан — туққан ер яхши»; «Эр — туққан ерига, Ит — тўйган ерига»; «Элга қўшилган — оройиш топар»; «Элга эл қайрилса — қут, Элдан эл айрилса — ют» (қут — барака; ют — йўқчилик, очарчилик, ёппасига қирилиш, чексиз фалокат); «Элга эл қўшилса — қут, Елга сел қўшилса — ют»; «Эл билан довлашма, Эр билан ёвлашма»; «Зўрлик кўрсанг, эрга бор, Хўрлик кўрсанг элга бор»; «Юрт билан юрган — ютамас» (ютамас — ютоқмас, оч қолмас); «Эли кучлининг — бели кучли»; «Элда юрган — эл танир, Қирда юрган — ер танир»; «Элга киргил элингча, Сувга киргил белингча»; «Элнинг этаги кенг» («Унинг бағрига кўплар қатори сен ҳам кириб, сиғиб кетасан», дейилмоқчи); «Элга қўшилган мой ютар, Элдан айрилган қон ютар»; «Элдан айрилган — озар, Элга қўшилган — ўзар»; «Ўпкадан урган ел ёмон, Элидан безган эр ёмон»; «Элидан безган эр ўнгмас, Кўлидан безган гоз ўнгмас», «Халққа суянсанг — бўласан, Халқдан чиқсанг — сўласан»; «Элатингдан ажрама — ёт домига тушарсан» (дом — тузоқ); «Эл билан бўлган — ютар, Элдан ажраган — нетар?!»; «Ердан айрилсанг ҳам, элдан айрилма»; «Йўлдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма»; «Тўпдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма»; «Отасидан айрилган — олти куи йиғлар, Элидан айрилган эллик йил йиғлар»; «Элдан айрилгунча, жондан айрил!»; «Ўлсанг ўл, Ватанингда бўл»; «Эл бўлмаса, эр бўлмас»; «Эрнинг куни — эл билан, Элнинг куни — эр билан»; «Элим — куним бўлмаса, Ойим-куним бўлмасин»; «Элнинг бахти — эрнинг бахти»; «Эр туғилса — элнинг бахти, Ёмғир ёғса — ернинг бахти»; «Эрлик бор ерда ҳўрлик йўқ»; «Ёрингни гул орасидан изла, Эркингни эл орасидан изла»; «Элдан — вафо, Захардан — шифо»; «Эл бор бўлса, эр хор бўлмас, Эр бор бўлса, эл хор бўлмас»; «Экин ерида кўкарар, Эр элида кўкарар»; «Эр қадрини эл билар»; «Қимматингни эл белгилар»; «Ҳақиқий обрўни халқ беради»; «Эрнинг обрўйи — элнинг обрўйи»; «Элда обрўйинг бўлса, Чўлда юкинг қолмайди»; «Эл сийлаган — эшикда ўтирмас»; «Эр қариса — эл ичида, Шер қариса — гор ичида»; «Элга боққан — ерга боқмас, Кукка боққан — элга ёқмас» (кўкка боққан — ўзини катта олган, бурни кўтарилган, мағрурланган, манманликка берилган) «Эл яхшиликни унутмас»; «Бел боғлагил белингга, Хизмат қилгил элингга»; «Элга хизмат — олий ҳиммат»; «Эр номуси — эл номуси»; «Элнинг гами — эрнинг гами»; «Эр йигит — эл гамида»; «Булоқ суви сойга оқар, Эр ўғлони элга боқар»; «Эл бошига тушгани — Эр бошига тушгани»; «Эл бошига кун тушса, Эл яратган эр келар»; «Элни кўрғар эр бўлса, Элга ёвлар ёвушмас» (ёвушмас — яқинлашмас, доримас); «Элга вафо қилган — ёвига жафо қилар»; «Эрнинг эри бор, Ернинг — ери»; «Эр йигит эл айбин очмас»; «Ботир элим дер, Кўрқоқ белим дер»; «Эр бўлганнинг иши бўлур эл билан, Эр бўлмаганнинг не иши бор эл билан?!»; «Эл қуюнида қуюнган — ботир, Эл суюнганда суюнган — ботир»; «Йўлда юрсанг тут [illegible], Эл юрсанг мия ишлат»; «Эрнинг иши — элнинг бўйида, Элнинг иши

— эрнинг бўйнида»; Юк оғирин нор кўтарар, Эл оғирин эр кўтарар»; «Ернинг шўрин сел ювар, Элнинг шўрин эр ювар»; «Эрнинг сўзи — элнинг сўзи»; «Элга маъқул — сенга маъқул»; «Эл тутганни — эр тутар» («Элнинг эскидан тутиб келаётган удумини, урф-одатини, анъаналарини эр киши ҳам тутади, амал қилади, давом эттиради», дейилмоқчи); «Эл тилагин тилагил, Синиқ кўнгил силагил»; «Элнинг йиртиғига ямоқ бўл, Узуғига улоқ бўл» («Элнинг камчилигини тўлдиришга ўз ҳиссангни қўш, кўмаклаш», дейилмоқчи); «Элингнинг эгаси бўл, Тобутининг чегаси бўл» (чега — темир ё ёғоч мих); «Элда бори — сенда бори»; «Эл тўқ — сен тўқ»; «Эрнинг моли — элнинг моли»; «Сенда бўлса — элга ўтади, Элда бўлса — сенга ўтади»; «Элли ерда элак бор» («Эл бор ерда ҳамма нарса топилади», дейилмоқчи); «Эл фойдасин кўзласанг, Зарарингни кўзда тут»; «Халқ билан ғазот борсанг, ўлсанг пушаймони йўқ»; «Бор қилса ҳам халқ қилади, Йўқ қилса ҳам халқ қилади»; «Халқни деган бўлар, Якка қолган сўлар»; «Ҳалқумингни дема, халқингни де!». Одами эрсанг, демагил одамий, Оники, йўқ халқ ғамидин ғами. (Навоий).—... Сенга ҳозир хеч ҳам рўйхуш бермас... эски ўртоқларингдан айрилгансан, янги ўртоқ орттиролмадинг... Элдан қолгунча эрдан қолган яхшироқ, деб шуни айтса керак-да (А.Қаххор, Қўшчинор чироқлари).

Элдан ошма, элдан қолишма.

Кишини мағруриятга берилмасликка, камтар, камсуқум бўлишга, аммо камтар бўламан деб ўзини жуда «ерга уриб» ҳам юбормасликка, ҳамма қатори бўлиб юришга даъват этувчи бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Эрдан ошмоқ — бор, Элдан ошмоқ — йўқ»; «Қозиқнинг боши бўлма — тўқмоқ еярсан, Учи бўлма — ерга кирарсан, Ўртаси бўл — кўриниб турарсан»; «Ошган бўлсанг — осарлар, ювош бўлсанг — босарлар, Ўрта бўлсанг — эл оғаси ясарлар».— Отам... қозиқнинг учи ҳам бўлма, боши ҳам бўлма, ўртаси бўл, учи бўлсанг ерга кирасан, боши бўлсанг тўқмоқ ейсан, деганлар» (А.Қаххор, Синчалак).

Элчига ўлим йўқ.

Элчини ўлдирмаслик кераклиги қадимдан халқаро қонун ҳукмига кирган. Мазкур мақол билан: «Сулҳ тузиш, бирор масалада келишиб олиш ё бирор хабарни маълум қилиш мақсадида қурол-яроғсиз, аскар-лашкарсиз келган элчини (ҳаттоки у энг ашаддий душман тарафдан келган, ҳар қанча оғир шартларни қўйган бўлса ҳам) ўлдириш — аввалambор қонунга, қолаверса инсофга, виждонга, инсонийликка хилофдир», демоқчи бўлганлар. Халқимизда элчиларга ва элчиликка доир яна шундай мақоллар ҳам бор: «Эллаштирмоқ — элчидан, Ёвлаштирмоқ — ёвчидан»; «Донодан элчи қил, Чорводан йўлчи қил» (Бу мақолнинг биринчи қисми ўз-ўзидан маълум. Иккинчи қисмининг мазмуни шундай: «Кўрмаган-билмаган ерингга борадиган бўлсанг, йўл кўрсатувчини чорводан яъни, чўпондан, йилқи боқардан, молбоқардан танла, у якин ёхуд бехавотир йўлларни яхши билади»); «Элчининг кечикканидан суюн» («Бирор масалада душман ҳузурига юборилган элчи кечикса, ҳадеганда келавермаса, бундан суюнавер, чунки уни қабул қилган ва маслаҳатлашаётган бўладилар. Агар элчи дарров орқасига қайтса, у қабул қилинмаган булади», дейилмоқчи).

Эма билган қўзи икки онани эмар.

Вар.: «Эма билган қўзи икки онани эмар, Эма билмаган қўзи ўз онасини ҳам эмолмас»; «Яхши бузоқ икки онани эмади». Бу мақоллар билан: «Эпчил, ишбилармон, уддабурон, ширинсухан, хушмуомала, хушгавоз, ёқимтой одам ҳар қандай кишининг ҳам кўнглига йўл топиб, ийдириб, унда ўзига нисбатан иззат-ҳурмат, ишонч ҳиссини уйғотиб, у билан битадиган ишини битириб кета олади; бир эмас, бир неча одамдан, бир неча жойдан фойдалана олади; унмайди-

ган нарсани ҳам ундира олади. Эпсиз, ношуд, гап-сўзга, жавоб-муомалага нўноқ, ўта ийманчоқ ва ҳ.к. одам эса оддий ишнинг ҳам уддасидан чиқа олмайди, ҳатто ўзига тегиши керак бўлган нарсани ҳам ундиролмай, қуруқ қолади», дейилмоқчи.

Эр бўл, эр бўлмасанг қаро ер бўл.

Вар.: «Эр бўлсанг шер бўл, Шер бўлмасанг ер бўл»; «Эрнинг юраги — шернинг юраги»; «Эрга навбат — шерга навбат»; «Эрнинг кучин эл синайди»; «Эрликда хўрлик йўқ». Бу мақоллари билан ота-боболар йигитларни мард, ботир, жасур, қўрқмас бўлишга даъват этганлар.

Эр сўзидан қайтмас, шер — изидан.

Вар.: «Йигит сўзидан қайтмас, Арслон — изидан»; «Эр айтмас, айтса қайтмас»; «Ким мард бўлса сўзига, Ойдир она кўзига»; «Тупурилган тупук қайтиб оғизга олинмас» (Бу мақолни бир одам бир нарсани қилмайман деб аҳд қилган, қасам ичган, сўз берган бўлса-ю, яна ўшани такрорласа, шунда унга аччиқ киноя тарзида айтадилар. Шунингдек, фалон ишни энди қилмайман, деб ваъда бераётган, қасам ичаётган одам бу аҳдида қатъиян туражаклигига, сўзини асло ерда қолдирмаяжаклигига кишини ё кишиларни қатъий ишонтирмоқ мақсадида шундай дейилади); «Турсанг сўзингда — хурмат юзингда».

Эр-хотин — қўш ҳўкиз.

Бу мақол гарчи кўполроқ ўхшатиш қилинган бўлса ҳам, айтилмоқчи бўлган фикр теран: «Қўш ҳўкиз омочни баравар тортгани сингари, эр-хотин ҳам уй-рўзғор ишларини баравар қилиши, тирикчилик «юки» ни баравар тортиши, бир-бирига кўмаклашиши, ҳамкорлик қилиши керак». Бу фикрни тўлдирувчи ва қувватловчи, қуйидаги мақоллар ҳам бор: ««Эр-хотин — қўш қанот»; «Оила — қўш устунли айвон» (Бу билан мажозан: «Қўш устуннинг бири олиб ташланса айвон қулаб тушгани каби, эрсиз ё хотинсиз рўзғор ҳам, рўзғор бўлмай қолади», дейилмоқчи); «Хотин — бўйин, эр — бош» Бўйинни бошдан, бошни бўйиндан жудо қилинса, киши ҳаёти тугагани каби, эр хотиндан, хотин эрдан ажраса, оила инқирозга юз тутади», дейилмоқчи. Шунигдек, бу мақолни: «Бошни бўйин у ёқ — бу ёққа буриб тургани каби, эрнинг хатти-ҳаракатини ҳам (аксарият ҳолларда) хотин бошқариб туради», деган маънода ҳам қўллайдилар. Мазкур фикрни «Эр хотиннинг тахти-занжирида бўлади» деган мақол ҳам қувватлай олади. «Эр — авра, Хотин — астар». Бу билан мажозан: «Кийим-кечакнинг, кўрпа-кўрпачанинг авраси сиртда, астари ичда бўлгани каби, уй-рўзғор эҳтиёжларини эр сиртдан, яъни кўчадан ташиб-ташмалаб келтириб, хотин эса ичдан (яъни уй-рўзғор юмушларини қилиб, «пул қилмоқ» мақсадида чарх йигириб, мато тўқиб, кийим-кечак тикиб, у-бу нарса ясаб, нон ёпиб, таом пишириб ва ҳ.к.) таъминлайди, дейилмоқчи; «Эр вазири — хотин, Рўзғор оғири — ўтин»; «Уйни уй қилган — эрнинг топиши-ю, хотиннинг кўрпа тикиши»; «Эрнинг топганига хотинники қўр бўлар»; «Хотин — уй безакчиси, Эр — уй кўмакчиси»; «Эр — даладан, Хотин — уйдан»; «Эр қоплар, Хотин сақлар»; «Хотин қизғанса, уй тузалар, Эркак қизғанса, уй бузилар» («Чунки, нарсани уйга эр келтиради. У қизғанмай, сахийлик қилиб олиб келаверса, уй бой ва обод бўлади. Хотин қизғанса, яъни режали, тежамкор бўлса, уй-рўзғор қутли, баракали бўлади», дейилмоқчи); «Икки қўл қилган ишни бир қўл қилолмас»; «Хотин эри билан, Деҳқон ери билан» (...тирик, қудратли ва ҳ.к. дейилмоқчи).

Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши.

Вар.: «Эр-хотиннинг уриши — ёз кунининг ёғиши»; «Эр-хотиннинг ури-

ши — жўжа хўроз уриши (дока — юпқа, ҳарир ип газлама бўлганлиги учун бирпасда қурийди. Ёз ёмғири «эзиб» ёғмайди, бирпасда ўтади-кетади. Жўжа хўрозлар бир-бирлари билан чўқишиб, уришишади, аммо бирпасдан кейин қарабсизки, тағин бир-бирлари билан донлашиб кетаверишади. Мазкур мақолларда аксарият эр-хотиннинг бир-бири билан тез-тез уришиб, жанжаллашиб туриши ва бирпасдан кейин ярашиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетиши — ана шу тез тугайдиган ҳолатларга ташбиҳ этилган); «Икки ёрнинг уришгани — ўйнашгани»; «Эр-хотиннинг уришига уй остонаси қулади» (бу билан «Эр хотининг уришганини кўриб-билиб турган остона: «Ҳаҳ, буларнинг уришишгани нимаси-я! Бари-бир тез орада ярашиб кетишади-ку», деб уларнинг устидан кулади», дейилмоқчи); «Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушад» («Эр-хотин бир-бири билан уришиб, жанжаллашган вақтда уларнинг ўртасига тушиб, панд-насиҳатлар қилиб, яраштириб қўйишга ҳаракат қилган одамнинг ўзи қайтага уялиб, улар кўзига шумшук кўриниб қолади, негаки эр-хотин уришгани билан, тез орада тил топишиб, ярашиб кетади», дейилмоқчи). Булардан ташқари, эр-хотинга бир-бири билан тотув, иноқ бўлиб яшади, бирбирини иззат-ҳурмат қилиши, арзимаган нарсага аразлашиб, хафалашиб юрмаслиги, оила ҳаётини шод-хуррамлик билан ўтказиши зарурлигини уқтирувчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Эр қайнайди, Хотин айнайди»; «Хотин авжийди, Эр алжийди» (булар билан: «Ё эр, ё хотин арзимаган нарсадан жанжал чиқазиб, «тирноқ орасидан кир излаб», бўлар-бўлмасга қаттиқ-қурум гапириб, шанғиллаб, асабни бузаверса, уларнинг униси ё буниси ҳар қанча оғир, босиқ бўлгани тақдирда ҳам, одатидан ташқари қаттиқ гапириб юборишга, уришиб-жеркиб ташлашга мажбур бўлади», дейилмоқчи бўладилар); «Эри ўлиб, эрга борган — эл тўраси, Эри бўлиб, эрга борган — бет кораси»; «Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар»; «Эримга ёқдим — элимга ёқдим»; «Эр севса — эл севади».

Эрга берсанг ошингни — эрлар силар бошингни, итга берсанг ошингни — итлар тортар лошингни

(лош — жасад). Вар.: «Эр бўйнида қил арқон чиримас»; «Эр луқмаси эр қорнида қолмас». Бу мақоллар билан: «Яхши, мард, сахий, соф кўнгил, содиқ, вафодор одамларга яхшилик қилсанг, улар буни унутмайдилар, сенга ҳам яхшилик билан жавоб қайтарадилар. Ёмон, итфеъл, нонкўр, бевафо, «тузингни ичиб, тузлиғингга тупурадиган» одамларга яхшилик қилсанг, улар бунга яхшилик билан жавоб қайтариш у ёқда турсин, аксинча сенга ёмонлик қиладилар. Шундай экан, одамлар билан жавоб-муомала қиладиган бўлсанг, аввало уларнинг кимлигини, қандайлигини фарқлай бил», дейилмоқчи.

Эрга тегиш осон этик тортиш қийин.

Ўтмишда эрнинг (шунингдек, қайнота-қайнонанинг) этиги ва маҳсисини тортиб ечиб қўйиш — келиннинг вазифаси эди. Ана шу бирмунча қийин, баъзан кишига малол келувчи иш бўлган «этик тортиш» маколда умуман уй-рўзгор ишларининг кўплиги ва оғирлигини билдирмоқ мақсадида кўчма маънода қўлланилган ҳамда; «Эрга тегиш осон, келинлик вазифасини бажариш (уй ишларини қилиш, эр, қайнота, қайнона ва оиланинг бошқа аъзолари билан ҳар томонлама муомалада бўлиш, бола туғиб ўстириш ва х.к.) осон эмас. Келинлик — сенинг кизлик давринг эмас. Шундай экан, энди бундай қийинчиликларга кўник, чида», дейилмоқчи. Мазкур мақолни маълум қийинчиликларни бошидан кечираётган келинлар эрга тегишнинг ширин орзусида юрган қизларга: «Орзу қилаяпсан-у, аммо келин бўлганингдан кейин кўрасан, осон эмаслигини», деган маънода ҳам айтадилар. «Келинлик — Бедилхонликдан қийин»; «Эрга бордим, эмгак олдим» (эмгак — меҳнат, заҳмат, машаққат); «Эшикли бўлдинг — бешикли бўлдинг» (эшикли — уй-жойли) деган

мақолларни ҳам шунга яқин маънода қўллайдилар. Яна шундай баъзи мақоллар борки, уларда халқ эркатой, олифта, танноз, эринчак қизлар ва келинлар устидан истеҳзо билан кулади ҳамда бундай бўлмасликка, турмуш қийинчиликларига чидамли, саботли, матонатли бўлишга даъват этади: «Эрга мен тегсам-у, Тугишни онам туғса», «Эрга мен тегсам-у, Боламни онам бокса»; «Эринчак қизни эрга бер, Эр олмаса ерга бер», «Эринчак қизни эр олмас, Эр олса ҳам, кўп қолмас» (кўп қолмас — «эри бот кунда уни қўйиб юборади», деган маънода); «Яхши бўлсанг келинчак, Бўлакўрма эринчак!».

Эрманлик уйда эр ўлмас, дарманлик уйда дард бўлмас.

Баъзи мақолларда дори-дармон ўсимликларининг, табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари кўрсатилиб, у ёки бу касаллик билан оғриган беморларга тавсия этилган. Юқоридаги мақолда тилга олинган эрман ва дарман (а) — ана шундай дори-дармон ўсимликларидан бўлиб, олимлар уларни шундай таърифлайдилар: «Эрман — кумушсимон рангли туклар билан қопланган...кўп йиллик ўтдир ...Ўрта Осиёда, Кавказда, Ғарбий Сибирда, СССРнинг Европа қисмида тарқалган. Ўзбекистонда, ариқ бўйларида, йўл четларида, ялангликларда, тўкайларда, тоғ ёнбағирларида ўсади» (С. Саҳобиддинов, Ўсимликлар систематикаси). «...Меваси — ўткир учли, чўзинчоқ, қўнғир рангли писта. Июль-август ойларида гуллайди ...Эрман ўсимлиги иштаҳа очадиган ва овқат ҳазм қилишга ёрдам берувчи дори сифатида ишлатилади. Ўсимликдан олинган хамазулен бронхиал астма, ревматизм, экзема касалликлари ва рентген нури таъсирида куйган ерларни даволашда қўлланади». (Ҳ. Ҳолматов, З. Ҳабибов, Фармакогнозия). Эрманда «...шимдириш ва эритиш хусусияти ҳам бор...(Эрман) рангни яхшилайди. «Тулки касаллиги» ва «Илон касалли фойда қилади. Кўз ости ва бошқа ерларда бўладиган гунафша рангли изларни йўқотади...Суви билан хамир қилинса, ем (шаро)га фойда қилади...Қайнатилгандаги буғи қулоқ оғриғига фойда қилади ...Эрман, айниқса унинг нобатий хили, эскирган кўз оғригида ва кўзга тушган пардага қўйиб боғланса, фойда қилади ...(Йўқолган) иштаҳани қайтаради...Шароби меъдага қувват беради...Эрманни айниқса ясмиқ ёки гуруг билан қайнатилиб ейилса, гижжаларни ўлдиради...Уни меъда, жигар ва белга қўйиб боғланса, уларнинг оғриқларини қолдиради...Эскирган иситмага фойда қилади ...Денгиз аждаҳоси, чиён ва росу чаққанига қарши шароб билан ичилса ...фойда қилади (Ибн Сино, Тиб қонунлари). «Дармана — бўйи 40-70 сантиметргача етадиган ярим бута ...Меваси — кулранг, тухумсимон писта ...Бу ўсимлик ёввойи ҳолда фақат Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент областида ҳамда Тожикистоннинг баъзи районларида текис ва тоғли ерларда ўсади...Гул ғунчаси ва унинг препарати думалоқ гижжаларни (айниқса, аскаридаларни) ҳайдаш учун ишлатилади. Маҳсулотидан олинган эфир мойи — дарминол бактерицид таъсирига эга, у антисептик дори сифатида ҳамда бод, невралгия ва бошқа касалликларни даволашда қўлланади». (Ҳ. Ҳолматов, З. Ҳабибов, Фармакогнозия)»; «Дармананинг ҳамма хиллари парчаловчи ва ел ларни тарқатувчидир ...Унинг кулини зайтун ёғи, бодом ёғи билан қўшиб, «тулки касаллиги»га суртиш фойдалидир. Унинг ёғи секин ўсадиган ва тўкилиб кетаётган соқолни ўстиради...Шиш ва чипқонларни қайтаради...Кўз оғриғини қайтаради...Нафас олиши қийин бўлган кишига фойда қилади ...Чиён, қоракурт чаққанида ва умуман заҳарларга (қарши ишлатилса) фойда қилади» (Ибн Сино, Тиб қонунлари). Халқ эрман ва дармананинг ана шундай мўъжизавий хусусиятларидан келиб чиқиб, юқоридаги мақолни тўқиган. «Бўз ўтим бўлганда, Бўз болам ўлмасди» деган мақол ҳам борки, бунда «бўз ўт» деганда «бўзноч» ёхуд «бўзтикон» ўтлари назарда тутилган бўлса, эҳтимол,

Чунки, бу ўтлар ҳам доривор ўсимликлардандир.

Эрнинг боши нелар кўрмас?

Мушкул аҳволга тушиб қолган, моддий ё маънавий жиҳатдан қийналаётган ва ҳ.к. одамни юпатиш, тасалли бериш, чидашга, сабр-токат қилишга ундаш маъносида шу мақолни ишлатадилар.

Эртага қайғу келтирадиган шодликдан қоч.

Вар.: «Қайғу келтирар шодликдан — Ёмғир келтирар момақалдироқ яхши». Одатда дабдурустдан, кутилмаганда гулдурос соладиган момақалдироқнинг даҳшатли овозидан киши бир сесканиб, чўчиб тушади. Аммо, кейин ёмғир кўнгилни шодлантиради. Ҳаётда шундай шодликлар бўладики (масалан, бебилиска топилган пуллар ҳисобига қилинадиган кайфу сафо, маишат, хотинбозлик; ўғирлик ё порахўрлик эвазига келган маблӑглар ҳисобига данғиллама уй-жойлар қуриш, «доврути довон ошадиган» тўй-зиёфатлар қилиш; «Кўча хандон» бўлиб, нуқул ошхўрлик, ичкиликбозлик қилиб юриш ва ҳ.к.), кетидан ғам, алам, қайғу, хафагарчилик, зиён-заҳмат, кулфат келтиради. Мазкур мақоллар билан кишини ана шундан сақланишга, ўзини тийиб юришга ундайдилар.

Эсинг борида этагингни ёп.

Одатда ёш болаларга иштон кийдирмайдилар, яланғоч ё битта кўйлакда чопқиллаб, «шаталоқ отиб» юраверади, катталар буни айбга ҳам санамайдилар. Гўдак каттароқ бўлиб, эси кира бошлагандан кейин ҳам шундай юраверса, энди буни айбга санайдилар ва уни мазах-масхара қиладилар, «энди эсинг кириб қолди, бундоқ этагингни ёпиб юрмасанг, уят бўлади», деб насиҳат киладилар. Бу — мазкур мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Ёшлигингда уятли, айбли ишларни қилган эдинг, майли, унинг кўпда айби йўқ. Энди катта бўлдинг, эс-хушинг жойида, мустақил ҳаёт кечириш йўлига кирдинг. Бундан буён уят бўладиган, одамлар устингдан кулади-ган, ҳаммага мазах-масхара бўладиган ишларни, гап-сўзларни қилма. Айбингни, камчилигингни сездингми ё сенга сездирдиларми — дарҳол унинг олдини ол, бартараф эт», деган маънода насиҳат қиладилар.

Эски йилнинг ҳисоби — янги йилнинг сабоғи.

Бу билан: «Эски йилда (умуман, ўтмишда) нимаки иш қилган бўлсанг, хоҳ у яхши бўлсин, хоҳ ёмон — сен учун сабоқ бўлади. Янги йилда (умуман, келгусида) йўл қўйган хато-камчиликларингни тузатишга, яхши ишларингни эса яна ҳам яхшилашга ҳаракат қиласан», демоқчи бўладилар.

Эт бор ердан ит кетмас.

Вар.: «Калла солган жойдан ит аримас»; «Қозондан қопқоқ кетса, Итдан уят кетади»; «Эт» деганда — бет борми?!»; «Эт тотлилигини қўйса, Мен ўгрилигимни қўярдим»; «Итнинг ёмони тўшакдагидан умид қилади» («Очкўз ит ўз овқатига ё олдига ташланган суякка қаноат қилмай, одамлар тўшакнинг устида еб ўтирган гўштдан ҳам умид қилади», дейилмоқчи); «Ёмон ит яйловдаги ёрмадан умид қилади» (ёрма — оқлаб, туйилган дондан тайёрланган овқат); «Ит ичмас ошидан умид қилади»; «Ёмон ит ёзги томоқдан тама қилади»; «Итнинг дарди — суякда»; «Дон бор жойда — сичқон бор»; «Ёғлиқ нарсани қумурсқа босади». Бу мақоллар текинхўр, юлғич, тамагир, очкўз, суқатой, суллоҳ ва нафс бандаларига, шунингдек бирор фойда чиқарадиган жойда айланишиб, ўралишиб юрадиган олибсотар, чайқовчиларга қарата киноя тарзида айтилади.

Эчки эгиз туғиб қўйдан ошмас, ит эгиз туғиб элдан ошмас.

Бу билан мажозан: «Ёмонлар, ўғирлик, порахўрлик, алдам-калдамлик, ҳаром-харишлик билан пул, мол-дунё топадиганлар ҳар қанча бойимасинлар, барибир ҳалол меҳнати орқасида озроқ бўлса ҳам маблағ топадиган одамлар сингари барака топмайдилар», дейилмоқчи.

Эшагига яраша — тушови.

Эшакларни тушовлашнинг бир неча хил усуллари бўларди. Қиммат эшакларни ҳалқали занжир тушов билан тушовлаб, қулфлаб, калитини чўнтакларига солиб кетардилар. «Бундоқроқ» эшакларни ҳом теридан қамчига ўхшатиб тўқилган тушов билан тушовлардилар. Арзон, арзимаган (буни ким олиб кетарди, деб ҳисобланадиган) эшакларнинг олдинги оёқларини тизимча ё аркон билан боғлаб қўя қолардилар. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозий маънода арзимаган нарсага арзимаган ҳаракат, тараддуд қилинганда ё шундай қилиниши кераклиги уқтирилганда; иззат-ҳурматга арзимайдиган ёмон одам иззат-ҳурмат қилинмаганда ё шундай қилиш кераклиги уқтирилганда ва шунга ўхшаш ҳолларда қўлланади. Вар.: «Қозонга яраша — қопқоғи»; «Қозонига яраша — ўчоғи, Қизига ярша — мунчоғи»; «Ёриқ ҳовончага — синиқ сопи»; «Бўлмаган буғдойга — ўтмаган ўрок».

Эшагидан тўқими қиммат.

Вар.: «Эшаги — уч танга, тўқими — беш танга»; «Эшагидан тушови қиммат»; «Эшаги — бир танга, тушови — ўн танга»; «Туясидан қўнғироғи қиммат»; «Бошоғидан сомони қиммат». У ёки бу нарсанинг ўзидан ҳам бирор абзали, қисми, анжоми, сақлаб туришга, тузатиб беришга ва ҳ. к. тўланадиган хизмат ҳақи қиммат бўлса, шундай ҳолларда мазкур мақолларни қўллайдилар.

Эшак бахши бўлмас, ёмон яхши бўлмас.

Ота-боболар ёмон одамларнинг феъл-атворини, юриш-туришини, қилиш-қилмишини, гап-сўзини ва ҳ.к. асрлар давомида кўриб, билиб, синаб, «улар тузалмайдилар, уларни тузатиб ҳам бўлмайди», деган хулосага келганларки, бу нарса бир қанча мақолларда ўз аксини топган: «Эшакни урган билан от бўлмас»; «Эшак Маккага бориб ҳалол бўлмас, Яхши сўз кўп айтилса ҳам малол бўлмас»; «Эшакка атлас тўқим урсанг ҳам — барибир эшак»; «Кучук боқсанг ит бўлур, Хўтик боқсанг — эшак»; «Илон пўстини ташласа ҳам, қилиғини ташламас»; «Ит ҳар қанча ўргатилгани билан, итлигича қолади»; «Ола оққа бўялса ҳам итлигича қолади»; «Ёмон ҳаргиз яхши бўлмас, Қорани ювсанг, оқ бўлмас»; «Қора кигиз ювган билан оқармас»; «Сувни минг қайнатсанг ҳам қуюлмас» («Асли «суюқ» одамни ҳар қанча ҳаракат қилган билан «қуюлтириб» бўлмайди», дейилмоқчи); «Янтоқдан ёг чиқмас, жангалдан — боғ»; «Бир туп жангални минг йил боқсанг ҳам, боғи чорбог бўлмайди»; «Бир синаган ёмонни яна қайта синама, юрмайдиган чаманни юргизмоққа қийнама» (чаман — ўзи хоҳласа юрадиган, хоҳламаса юрмайдиган, ялқов от). Ёмонлиги синалган одамни бирмунча вақт ўтганидан кейин: «Ҳа, энди тузалиб қолгандир», деб қайта синамаёқ қўя қол, бари бир тузалмаган, ўша юмонлигича қолган бўлади, дейилмоқчи; «Яхшининг ёмон бўлиши осон, Ёмоннинг яхши бўлиши қийин»; «Яхшидан ёмон чиқди деб куюнма, Ёмондан яхши чиқди деб суюнма»; «Тагида бўлмаган одамга минг қилсанг ҳам нам ўтказолмайсан», «Қобилга тарбият қилмоқ — айбдир, Ноқобилга тарбият қилмоқ — ҳайфдир»; «Эгри битган дарахт тўғри ўсмас»; «Бўлимсиздан улги чиқмас, Кўнгилсиздан кулги чиқмас» (улги бошқалар ҳавас қиладиган, тақлид қиладиган ҳаракат; ўрнак, намуна); «Бўлимсизни бўлдиролмадим, Хуржунини тўлди-

ролмадим» (бўлимсиз — теитак, ландавур); «Ёмон одам тўймас, ёмонлигини қўймас»; «Замон тузалар, Ёмон тузалмас»; «Шўр тўнгмас, Аҳмоқ ўнгмас» (тўнгмас — музламас). «Шўр сув ҳеч қачон музламагани каби аҳмоқ одам ҳам ҳеч қачон ўнгалмайди», дейилмоқчи. «Қариб қуюлмаган — ачиб суюлмас»; «Ҳўкиз ўлса ҳам, кўзининг олалиги қолмас»; «Ёмонни ўлипти деса — ишон, Ёмонлигини қўйипти деса — ишонма». «Ким кучук бирла хўдукка неча қилсанг тарбият, Ит бўлур, доғи эшак, бўлмаслар асло одами» (Навоий). «Атолур ҳожи, кофир Маккa бориб ҳаж қилиб келса, Ки ҳаргиз ўзга бўлмас, ҳақ йўлин юрган билан эшшак» (Турди)

Эшак эти гўшт бўлмас, савдогар ҳеч дўст бўлмас.

Вар.: «Шиканба гўшт бўлмас, Савдогар дўст бўлмас» (шиканба — қорин; туя, қорамол, қўй, эчки ва бошқа ҳайвонларнинг қорин гўшти); «Юлғуннинг ўти бўлмас, Савдогарнинг — дўсти» (юлғун — гули майда оқиш, майди барғли бута. Мақолнинг биринчи қисмида: «Юлғун ўтинликка ярамайди, чунки яхши ўт бермайди», дейилмоқчи); «Саломга бўшлик йўқ, Савдога дўстлик йўқ» (Савдогарлар ўз фарзандларига, шогирдларига: «Савдо қилишда, пул топишда, фойда кўришда ҳеч кимни дўст билиб, аяб, ўтиб турган нархни пасайтириб ё молни ортиқча бериб, сахийлик, бўшлик қила кўрма!» деган маънода насиҳат қилиб, шундай деганлар); «Савдогарнинг моли бешубҳа бўлса, пул устида ёзди» (Одатда савдогарлар, олибсотар, чайқовчилар бир нимани сотаётганда теварак-атрофга олазарак бўлиб, нимадандир ҳавфсираб, олувчини олдашга, авраштга, кўзини шамғалат қилишга, унга молни тезроқ ўтказиб, тезроқ пулни чўнтакка уришга ҳаракат қиладилар. Мазкур мақол билан: «У шундан қилаётими — демак, моли ўтрипча, шубҳали. Агар тўғри, шубҳасиз мол бўлганда очиқдан-очиқ, ҳеч нимадан ҳайиқмай сотаверади-да!» демоқчи бўлганлар); «Қароқчи йўлни овлар, Савдогар гўлни товлар» (гўл — ҳар нарсага ишонаверадиган, содда одам). Мазкур мақол билан: «Бирор нарсани сотиб олардa пишиқ-пухта бўл. Соддалик, гўллик, лақмалик қиладиган, сотувчининг молни мақтаб айтадиган гапларига «учсанг», у сени «чув туширибо» кетади», деган маънода кишини огоҳлантирадилар; «Савдогарда имон йўқ — орин сотар, Ёлғончида имон йўқ — жонин сотар».

Эшак эшакдан қолса, қулоғини кесади.

Халқимиз ўртасида шундай деб қўлланиб кетилган бу мақол шу ҳолида мантиққа тўғри келмайди: ҳеч вақтда эшакдан орқада қолган эшак ўз қулоғини ўзи кесмайди, кеса олмайди ҳам. Мақолнинг: «Эшак эшакдан қолса, қулоғини кесадилар», деган варианти борки, шуни тўғри деб биламиз. Туркман халқида: «Эшак эшакдан қолса — қулоғин кес, бурнин тил», деган мақолнинг мавжудлиги — мазкур вариантнинг тўғрилигидан далолат бера олади. Ўтмишда бедана уриштириш, хўроз уриштириш, қўчқор уриштириш, от пойгаси сингарилар билан бир қаторда эшак пойгаси ҳам бўларди. Бунда ўзгон эшакка тарафдорлар ҳатто пул тикиб гаров бойлашардилар. «Эшак пойгаси»да бир йўла йигирма-ўттиз эшак саф қилиниб, бирдан қўйиб ҳам юборилардн, яккама-якка эшак билан «кимнинг эшаги ўзарга» ҳам ўйналарди. Бундай пул тикиб ўйналадиган пойгада ўзолмай қолган эшакнинг эгаси жаҳл устида унинг қулоғини шартта кесиб ташлашдан ҳам тоймаслиги — табиий бир ҳол, албатта. Юқоридаги мақол шундай ва шунга ўхшаш ҳолдан келиб чиққан бўлса — ажаб эмас. Ҳаркалай, бу мақолни мажозий маънода (кишишида, юриш-туришда ва ҳ. к.) чоғи келса-келмаса бировдан қолишмасликка, унга кўр-кўрона етишишга «ўлиб-тирилиб» ҳаракат қилувчи, тиришувчи, бировдан (орқада) қолиб кетгудай бўлса, «ич-этини еювчи» одамларга нисбатан

қўллайдилар. Бу мақолнинг «Эшак эшакдан қолса қулоғини кесар, Хотин хотиндан қолса оёғин кесар»; «Эшак эшакдан қолса (ҳам), Одам одамдан қолмайди»; «Эшак эшакдан қолса, қулоғи қамир»; «Той тойдан қолса, қулоғини тишлайди», «Югурукдан югурук чиқса, оёғи типир-типир қилади» каби мазмундагилари ҳам бор.

Эшак юрар қатқоқда, маълум бўлар ботқоқда.

Бу мақолни осон вақтларда ва осон ишларда эришган ютуқларига қарилиб, мақтаниб юрадиган, аммо қийинроқ пайтлар ва ишларга дуч келганда бардош беролмай, ҳасрат-надомат қилиб юрадиган одамларга нисбатан истеҳзоли киноя тарзида қўллайдилар.

Эшак қирққа кирганда қилиқ чиқаради.

Вар.: «Эшак уйини — қирқ йилда, Ит уйини — ҳар кунда»; «Эшак қирққа кирганда ёли оқаради»; «Қари бўз қартайганда йўрға чиқаради». Баъзи одам ёши улғайиб, соч-соқоли оқарганидан кейин ҳам «қуюлмайди», ёшлигидаги енгилтаклигини, безорилигини, уйинқаролигини, уришқоқлигини, сўкағонлигини, «куракда турмайдиган» бемаъни гап-сўзини ташламайди, аксинча баттар айниди, хунук, ёқимиз қиликларини авжига чиқаради. Мазкур мақолларни ана шундай «кариб қуюлмаган» одамларга қарата аччиқ кесатиқ тарзида айтадилар.

Эшак ҳанграмаса, «ҳанги» демаслар.

Вар.: «Эшакни бетамизлигидан — «эшак» дейдилар». Булар билан: «Кишининг ўзи ёмон бўлсагина, ёмонликлар қилсагина, уни ёмон одам деб ҳисоблайдилар, иззат-ҳурмат қилмайдилар, нафратланадилар, лаънатлайдилар, адабини берадилар», дейилмоқчи. Умуман, бир туркум мақолларда халқ ёмон одамларнинг (хулқи бузуқ, шум, хира, безори, бетамиз, бефаросат, кал-тафаҳм, яхши-ёмоннинг фаркига бормайдиган, бекордан-бекорга сангиб юрувчи, «кариб қуюлмаган» ва ҳоказоларнинг) хулқ-атворини, юриш-туришини, кишиларга келтирадиган зиён-заҳматини турли тамсиллар воситасида ифода этади: «Эшакнинг танлагани — шўра»; «Эшак ўтда турмайди, шўрада туради» (шўра — говлаб ўсадиган ёввойи ўт, таъми аччиқ, таҳир бўлади. Мазкур мақоллар билан: «Ёмон одам яхши ишлар турганда ёмон ишлар билан шугулланади; яхши одамлар турганда ёмон одамларга бориб кўшилади»; дейилмоқчи); «Эшакка хашакдан пашмак яхши» (пашмак — шўралар оиласига мансуб, танаси қалин тук ва тангачалар билан қопланган бир йиллик ўсимлик. Бу билан ҳам: «Ёмон одам яхшидан кўра ёмонни маъқул кўради», дейилмоқчи); «Эшак тўким танламас»; «Эшакка гажимдан не фойда?!» (гажим — шокила: пошук. Баъзилар кўркам кўринсин деб, тўқимга ипакдан ё юнгдан гажим қиладилар. Бефаҳм, бефаросат одамга — кўркам нарса ҳам, хунук нарса ҳам барибир», дейилмоқчи); «Эшакка гилам тўким ҳам бир, жулдур тўким ҳам бир»; «Эшак ўтга аганамайди, кулга аганайди» (Бетамизлиги, искирт-ифлослиги туфайли яхши, озода, покиза жойларни қўйиб, ёмон, ифлос жойларда юради», дейилмоқчи); «Эшак эшакнинг ҳидини билади»; «Эшак эшакнинг ҳидини олса, ҳанграйди» (Ёмон одам ўзига ўхшаган, хулқи атвори, гап-сўзи, қилиги ва ҳ.к. тўғри келадиган одам билан учрашиб, қўшилиб қолса, хурсанд бўлиб, «очилиб» кетади, дейилмоқчи); «Эшак маслаҳатлашиб ҳанграмайди» (Ёмон одам ёмонлигини қилади, бирор билан маслаҳатлашиб ўтирмайди, қўнглига келдими — қилаверади, дейилмоқчи); «Эшакнинг ҳанграши тўйда авжига чиқади» («Ёмон одам ёқимсиз қиликларини айниқса жамоат йиғилган жойларда, умуман «нозик» жойларда ва пайтларда авжига чиқариб, ҳамманинг энсасини қотиради, таъбини хира қилади», дейилмоқчи); «Ёмон йигит

тўй бузар, Ёмон хотин уй бузар», «Ёмон — жойни билмас, Сўқир сойни билмас»; «Эшакнинг ёмони қозиқни булғар, Отнинг ёмони — охурни»; «Ёмон от охур бузар, Ёмон ит оёқ узар»; «Итнинг иши — узмоқ, Ёмоннинг иши —бузмоқ»; «Эшак булоқни булғатиб сув ичади» (Эшакнинг одати — сувни кўрди дегунча, аввал олдинги икки оёгини тиқадида, кейин тумшуғини тиқиб, тиниқ, зилол сувни лойқатиб ичади. Бу билан мажозан: «Бефаҳм, бефаросат одам ҳаром-харишнинг фарқига бормайди. Нима бўлса ҳам, қорним тўйса, бирор фойда кўрсам бас, деб ҳисоблайди ва шунга кўра иш тутади», дейилмоқчи); «Эшак бир-бири билан бекорга қашишмайди» («Ёмон одам ўла қолса бировга холисона яхшилик қилмайди», дейилмоқчи); «Фоҳиш ота — ота эмас, айғир»; «Айғирнинг ўзи кариса ҳам ғамзаси қаримас» (ғамза — ноз-карашма, ишва); «Эшак мугуз истаб, қулоқдан ажрабди» (бу мақолнинг келиб чиқиши халқ ўртасида айтиб юриладиган қуйидаги ҳикояга боғлиқ: «Эмиш, кунлардан бир кун эшак бир ҳўкиз билан учрашиб қолибди. Қараса, у ҳўкиз истаган жойида ўтлаб, истаган жойидан сув ичиб, маза қилиб юрган эмиш. Эшакнинг унга ҳаваси келиб, сўрабди: «Оғайни, сен бундай эркинликка қандай қилиб эришдинг?». Шунда ҳўкиз: «Бу — жуда осон. Агар одамлар келиб, мени тутмоқчи, ишлатмоқчи бўлсалар, бунга йўл бермайман. Орқамдан келсалар тепаман, олдимдан келсалар сузаман. Шунинг учун менга бетлаб келолмайдилар. Бу эркинликка, бу ҳузур-ҳаловатга шундай қилиб эришганман. Сен бўлсанг индамай, бўйсуниб тураверасан. Сенда бирор қурол йўққи, ўзингни мудофаа қила олсанг ва бошқаларни қўркита олсанг. Мана шундан фойдаланиб, сени ўлгудай ишлатадилар-да», дебди. «Ҳа-ҳа, шундай дегин-а,— дебди эшак,— Тепиш бўлса-ку сенчалик тепа оламан, аммо дўқ қилиб, қўрқитишга менда мугуз йўқ. Шуни қаёқдан топсам бўларкин? Мугуз бозори борми ўзи?» «Бозори йўқ, ўзинг қидириб, топиб оласан, Кичкина бўлса ҳам майли, бошингга ёпиштириб қўйсанг, аста-секин ўзи эт олиб, пайванд бўлиб, катта шох бўлиб ўсиб кетади. Ана ундан кейин сен менга ўхшаб маза қилиб юраверасан...» Эшак берган маслаҳати учун ҳўкизга раҳматлар айтиб, муғуз қидира кетибди. Қирма-қир, сойма-сой юриб, ҳориб-чарчаб, қорни очиб, бир деҳқоннинг буғдойзорига кирибди-да, етилиб турган буғдойнинг пайхонини чиқазиб, ея бошлабди. Бирдан деҳқоннинг бунга кўзи тушиб қолиб, эшакни тутиб олибди-да, ўлгудек калтаклабди. Бу ҳам етмагандай, ёнидан пичоғини олиб, жаҳл устида эшакнинг икки қулоғини шартта кесиб ташлабди. Эшак ҳанграб, жон аччиғида унинг қўлидан бир амаллаб қочиб қолибди... Бир ерга борса, ҳалиги ҳўкиз маза қилиб ўтлаб юрганмиш. У эшакнинг ҳолини кўриб, роса мазах қилиб кулибди: «Э, эшагей, эшак! Эшаксан-да! Ҳеч вақтда сенга мугуз битармиди?!». Мажозий маънода мазкур мақолни ўзида йўқ ва эришишнинг имкони бўлмаган нарсаларни орзу-ҳавас қилиб, беҳудага уринувчи ўз касби-корига, амал-мансабига ва ҳ.к. қаноат қилмай, тағин ҳам фойдалироқ, баландроқ нарсаларни орзу қилиб, шунга сари интилувчи ва оқибат-натижада мақсадига эришиш у ёқда турсин, бор буди-шудидан ҳам ажраб, зиён-заҳмат кўриб, одамларга кулги бўлиб қоладиган кишиларга нисбатан истеҳзо тарзида қўллайдилар. «Эшак борга саналса ҳам, молга саналмас» («Ёмон одамлар билан шунчалик жавоб-муомалада бўлганлари билан, бари бир уларни одам қаторига қўшмайдилар, одам ўринда кўрмайдилар, иззат-хурмат қилмайдилар», дейилмоқчи); «Ёмонни жонга санама, Эшакни — молга»; «Яхшининг иши — сано, Ёмоннинг иши — ғовғо» (сано — мақтовга лойиқ, деган маънода).

Эшакнинг кучи — ҳалол, гўши — ҳаром.

Вар.: «Ўтин айирган болта майдонда қолади». Баъзи одам бировнинг

кучидан, берган ёрдамидан, маблағидан,у ё бу нарсасидан ва х.к. фойдаланади-ю, аммо ўзини иззат-ҳурмат қилиш у ёқда турсин, менсимайди, одам ўрнида кўрмайди, ҳатто хўрлайди, ҳақорат қилади. Мазкур мақолни шундай одамларга нисбатан кесатиқ мақомида айтадилар. Эшак бечора гарчанд бетамиздир, Оғир юклар кўтарганчун азиздир (Саъдий Шерозий).

Эшакнинг орқасига офтоб тушса, қўлингни иситиб қол.

Маълумки, офтоб бир жойда турмайди: ҳозир офтоб тушиб турган ерга бироздан кейин қарасангиз, соя тушиб қолган бўлади. Мажозан: «Ҳар бир ғанимат фурсатдан, ғанимат нарсадан ва имкониятдан ўз вақтида фойдаланиб қол», деган маънода насиҳат қилиб айтиладиган мазкур мақолнинг «Тўкилгандан ялаб қол» деган варианти ҳам бор.

Эшакнинг феълини билиб, унга шох ато қилмаган.

Вар.: «Эшакка мугуз битса, эгасини сузади, Туяга қанот битса, томингни бузади»; «Эшакка мугуз битса, ҳўкизнинг шўри қурирди», «Эшакка мугуз битса, от қорнини ёрарди»; «Ҳўкизнинг шохи эшакда бўлса, тирик зотни қўймасди»; «Эшакнинг туёғи туяникидек бўлса, тоғни кўтарарди»; «Сузаған сигирга шох битмас»; «Сузаған сигирга тангри мугуз бермас»; «Мушукка қанот битса, чумуқ зоти қурирди»; «Худойим билиб бақага қуйруқ бермаган». Бу мақолларни ёмон, ўз иззатини билмаган, бировни бир пакирга олмайдиган, назар-писанд қилмайдиган, такаббур, мағрур, манман, бошқалардан бирор-бир ортиқрор жойи бўлиб қолгудай бўлса, нақ ўзини қўярга жой топа олмайдиган, босар-тусарини билмай қоладиган одамларга қарата: «Яхшиямки, унга мансаб-мартаба тегмаган. Бўлмаса кунингни кўрсатарди. Мансаб-мартабаси йўғида қилаётган қилиғи ҳали бу!» деган маънода аччиқ киноя, заҳарханда тарзида айтадилар.

Эшакнинг юки енгил бўлса, ётаған бўлади.

Эшакнинг одати шунақа: юки енгил ё йўқ бўлса, ҳадеб ётаверади, тупроққа ағанайверади. Юки оғир бўлса, дингиллаб юриб кетади. Уйғурларда: «Юки оғир эшак йўрғалайди» деган мақол ҳам бор. Юқоридаги мақол билан: «Ишёқмас, дангасанинг иши енгил ё кам бўлса, баттар эринчоқлик қилаверади. Шунинг учун унинг ишини қалаштириб ташлаб, зиммасига оғир-оғир вазифалар юклаш керак, шундагина елиб-югуриб ишлайди», дейилмоқчи. — Бола қалай экан? Оёқ-қўли чақконми? — деди эшон. — Дуруст. Ҳозирча билиб бўлмайди,— деди отинойи.— Яхши бўлса ошини ер, ёмон бўлса бошини. Бизга унинг хизмати керак. Сира аяманг. Эшакнинг юки енгил бўлса, ҳаромзодалик қилади,— деб уқтиради Эшон (П. Турсун, Ўқитувчи).

Эшоним деб, эшагимдан айрилдим.

«Ўтмишда тамагир пир ва эшонларнинг «мурид овлаб»дайдиб юришлари — табиий ҳол эди. Чунки улар борган ерларида назр-ниёз баҳонаси билан динга ишонувчи нодон кишиларнинг бор-йўғини шилиб олардилар» (Ё. Жўраев, Ўзбек халқ оғзаки ижодида динга қарши мотивлар). Уларнинг айёрлиги, тамагирлиги ва текин томоқлигини тушуниб етган илғор фикрли кишилар юқоридаги каби бир қанча мақолларни яратганлар: «Эшоним деб эшагимдан айрилдим, Тўрам деб тўрвамдан айрилдим, Хўжам деб хуржунимдан айрилдим»; «Мулла кўп бўлса, тўқли ҳаромга чиқар»; «Муриднинг ихлоси назиридан маълум» (бу мақол тамагир пир-эшонлар тилидан айтилган); «Эшон чиқса далага, Мурид қолар балога» (мурид — руҳоний, эшон, пирнинг шо-

гирди, мухлиси. «Эшон «мурид овлаш», улардан назр-ниёз ундириш мақсадида қишлоқма-қишлоқ юриб, бирор муридиникига «қўнса», уй эгаси уни кўй сўйиб, катта сарф-харажатлар қилиб кутиб олишга мажбур бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Қор ёғди деб қувонма — аёзлари бор, Эшон келди деб қувонма — ниёзлари бор»; «Қор ёғди деб суюнма — қирови ҳам бор, Сўфи келди деб суюнма — сўрови ҳам бор»; «Эшон топар олтинни, Назрга олар хотинни»; «Пирим, пиримда қолди бир мирим» (бир мири — беш тийин); «Эшонга берар назрингга эшак олиб мин!».

Эҳтиёт — шарт!

Ҳаёт — жуда мураккаб. Унинг сонсаноқсиз «сўқмоқ»ларида киши адашиши, янглишиши, жиддий қийинчиликларга, ҳатто фалокат-ҳалокатларга дуч келиши мумкин. Катта ҳаётий тажриба орттирган халқ шу боисдан ўзининг бир туркум мақолларида кишининг ҳамавакт ва ҳамма ерда зийрак, хушёр, эҳтиёткор бўлиб юриши зарурлигини қайта-қайта уқтиради: «Арслондай олғир бўл, Сичқондай — зийрак»; «Офат кўрмай десанг, хушёр бўл»; «Кўринмас бало — оёқ остида» (Диний таълимотга кўра, гўё бало, қазо, офат осмондан ёғармиш, яъни худо юборармиш. Мазкур мақолида халқ бундай идеалистик тушунчани рад этади ва материалистик фикрни илгари суради: «Фалокат, ҳалокат, кўзга кўринмаган бало-қазолар оёғингнинг остида туради. Шунинг учун қадамингни билиб бос»); «Болаларнинг энг ёмони — қутилмагани»; «Бўладиган балога — эгасининг ўзи сабабчи»; «Қўрали мол — элники, Қўрасиз мол — елники»; «Билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини»; «Ўйламай сойга тушдим, Энди менга қир қайда?!»; «Нега едим багирди, Емай ичим оғирди» (багир — жигар; оғирди — оғриди); «Оёғи куйган товуқ зир югуради» (Одатда ўчоқнинг кулини кўпинча совимасдан, кўри билан култепага олиб чиқиб ағдарадилар. Товуқнинг ахлат титиш одати бор. У билмай қўр аралаш кулни титади-да, оёғи куйиб, қийқириб зир югуриб юради...Бу мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Баъзи киши зарарли оқибатини билмай, ўйламай-нетмай бир иш қилиб ё гап гапириб қўяди-да, кейин ўзи азобини тортиб, изтироб чекиб, ҳар тарафга елиб-югуриб, ҳар кимга ялиниб-ёлвориб, ҳасрат-надоматлар қилиб юради. Ваҳоланки, бунга ўзи сабабчи, ўзи эҳтиёт, хушёр бўлмаган», деган маънода айтадилар); «Авайлаб учмаган қуш қанотидан ажрайди»; «Олдингга бир қарасанг, орқангга ўн қара»; «Бир чўқиб, икки қара» (Бу мақолнинг келиб чиқиши халқ ўртасида айтиб юриладиган қуйидаги масал билан боғлиқ: Қарға боласига: «Бир чўқиб, икки қара», деб насиҳат қилибди. Шунда боласи: «Бир чўқиб, ўн қарасам қандай бўлади? деб сўрабди. Онаси суюниб: «Баракалла, болам! Жуда яхши бўлади. Одамлар тош олиш учун ерга энгашгандаёқ учиб кет», дебди. «Энгашмасданоқ, кўнглига келган вақтдаёқ учиб кетсамчи?» дебди боласи. «О-о... Баракалла, зийрагим!» деган экан қарға); «Нарвонга чиқсанг шошмай чиқ, Ўз ҳаддингдан ошмай чиқ»; «Нарвонга чиқар бўлсанг, тушарингни ўйлаб чиқ»; «Кадам тўғри ташланса, қингир кетмайди»; «Тоққа чиқсанг, товонингга қараб чиқ»; «Босган изингни кўриб бос»; «Ҳар ким юрса йўлини билиб, Кетмас оёғи тойилиб»; «Оёқ остига қарамаган — жарга қулар»; «Ҳар на кўрсанг айта бор, Ёмон йўлдан қайта бор»; «Қиш куни қирга қўима, Ёз куни — сойга»; «Сойда ётма — сел олади, Қирда ётма — ел олади»; «Далада тунагунча, мўлада туна» (мўла — гўр, мозор); «Муздан ўтсанг, олдин ўт — ўйлагунча ўтарсан, Сувдан ўтсанг, кейин ўт — оққанини кўрарсан»; «Денгиздан ўтиб, сойда чўккалар кўп» («Сойни кичик деб писанд қилмай ўтирма, ундан кечишда ё чўмилишда эҳтиёт бўл», дейилмоқчи); «Эшишни билмасанг, қайиққа ўтирма»; «Қибланоманг бўлмаса, кема бошин ушлама» (қибланома — компас); «Сузишни

билмасанг, сувга тушма»; «Сувга билмаган — ўз ҳовузида ҳам тарқ бўлади»; «Ўлчамасдан тўн бичма, Бўйламасдан сув кечма» (бўйламоқ — сувнинг чуқур ё саёзлигини билмоқ учун сувга тушиб, ўз бўйи билан ўлчаб кўрмоқ); «Сув бошдан оша — хоҳ бир қарич бўлсин, хоҳ минг қулоч»; «Сув пешанага чиққандан кейин пушаймондай фойда йўқ»; «Ингга кирсанг, чиқар еринг билиб кир»; «Туя қувса ўрга қоч, Илон қувса — шудгорга» (туя ўрга — теналикка томон тез чопа олмайди, илон эса шудгор ўпирларидан тез югура олмайди); «Оғизликка олдирма, оёқликка тептирма» (бу билан: «Ўзингни, оилангни бола-чақангни, мол-ҳолингни ва ҳ.к. ёвдан, ўғри-ўтрукдан, ёмон одамлардан эҳтиёт қил», деган маънода эҳтиёткор, ҳушёр бўлишга даъват этадилар); «Дўстинг берган ошни пуфлаб ич»; «Сўл кўзинг ўнг кўзингга соқчи бўлсин»; «Соқликни сўкирдан ўрган»; «Амалин топган — ажалдан қутулар»; «Бир эҳтиёткор — ўн одамга тенг»; «Эҳтиётинг бўлса, эҳтиёжинг бўлмас» («Ўзингни эҳтиёт қилсанг, бало-қазога йўлиқмайсан, қийин аҳволга тушиб қолмайсан, бировдан пажот сўрашга эҳтиёжинг ҳам бўлмайди», дейилмоқчи).



Югурганники эмас, буюрганники.

Халқимизнинг қадимдан тақдирга ҳамда омад ва омадсизлик, бахт ва бахтсизлик, толиҳ ва толиҳсизликка ишониб, бу юқоридаги каби бир қанча мақолларда ўз аксини топган: «Буюрган олур, Югурган қолур»; «Ҳасип — қилганники эмас, насиб қилганники »; «Насиб қилса — келур Шому Ироқдин, Насиб қилмаса — кетур қошу қовоқдин (бу билан: «Агар бахт-иқбол ато қилган булса Шом (Сурия)дан ва Ироқдан ҳам келади, ато қилмаган бўлса, хатто қўлга киритган, эришган бахт-иқболинг ҳам сендан (қошу қовоғингдан) кетиб қолади», дейилмоқчи); «Берайин деган қулига, Чиқариб қўяр йўлига»; «Берайин деган қулиға, Ундан-бундан еткарур, Бермайин деган қулига, Қўлидагин кеткарур»; «Бераман деган қулига, Элтиб қўяр йўлига, Бермайман деган қулига, Излаб топмас пулига»; «Ўлмасин деган қулига ўлик балиқ йўлиқар»; «Буюрмаган ош огиздан тушиб кетади»; «Буюрган ошга тиш тегар, Ёз тегмаса, қиш тегар»; «Буюрганга — қуйрук, Буюрмаганга — юмрук» (юмрук — мушт); «Маҳаллақозон ярлақаганникига киради»; «Қутлуққа қуша ёғар» (қутлуг — толиҳли, бахтли); «Берганга — беш қўллаб беради, Бермаганни қўш қўллаб уради»; «Берганга — қуша-қуша, Бермаганга — қуруқ хурмача»; «Берганга — қуша-қуша, Бермаганга — ўша-ўша». (Очил:) Фалакнинг иши доим галвасозлик. Лекин мақол борки, буюрган ошга тиш тегар, ёз тегмаса қиш тегар. Замон ўзгариб туради. Камбағаллар, очлар, қашшоқлар бир кун келарки, албатта ёруғликка чиқар (Ойбек, Болалик). — Қизи бор ҳовлини дарвозаси йўқ сарой дейдилар, униси келади, буниси келади, биронтасининг кўкрагидан итариб бўларканми, овсин, ҳаммасини қўлингни қўксингга қўйиб кутиб оласан-у, охири насиб қилгани илиб кетади. Югурганникимас — буюрганники, деб шуни айтадилар-да (Ж. Абдуллахонов, Тўфон).

Югурук тозини тулки суймас, оғриқ одам кулки суймас.

Баъзи «ичи қора» одамлар зеҳни ўткир, ишбилармон, ҳунари зўр, қўлоёғи чаққон ва ҳ.к. одамни ёктирмайдилар, кўролмайдилар, чиқиштирмайдилар, ғайирлик қиладилар. Бу мақолни шундайларга карата айтадилар.

Юз амри — ширин.

Баъзи одам бировга қаттиқ ботадиган гап гапиради, зиён келтирувчи, дилини огритувчи иш қилади, бирор керакли нарсасини сўраб олади-да, ҳадеганда беравермайди ва б. Шундай бўлса ҳам андишали одам юзхотир қилиб, тўғридан-тўғри юзига айтишга уялиб, орланиб, ичидан эзилиб юради ё бошқаларга бу ҳақда ҳасрат қилади. Шунда улар: «Ие, айтавермайсизми?!» дейишса, у: «Қандай қилиб айтаман, юз амри ширин-да», дейди.

Юздаги яра ямоғини яшириш қийин.

Бу билан: «Кишининг қилган ёмонликлари доғини бутунлай яшириб бўлмайди. Ҳар қанча яширишга ҳаракат қилингани билан, барибир

буни одамлар кўрадилар, биладилар, эшитадилар ва шунга яраша жавоб-муомалада бўладилар. Шунинг учун, кишининг шахсига доғ туширувчи ёмонликни авваламбор қилмаслик керак», деган маънода насиҳат қиладилар.

Юзта «сиз-биздан битта «жизбиз» яхши.

Вар.: «Ўнта «ҳап-ҳап»дан битта чап-чап яхши» («Жиз-биз»— қозонда овқат қовурилаётганда ҳосил бўладиган овоз; «ҳап-ҳап»— оғиздан чиқадиган товуш, бу ерда «қуруқ гап» маъносида келтирилган; «чап-чап»— жуда юқа нон, шапарак). Мазкур мақолларни: «Уйингга келган меҳмонга қуруқ мулозаматлар қилгунча, олдига топган-тутган ошпонингни, ноз-неъматингни қўй — кўнглини овлайсан, сендан миннатдор бўлиб кетади» деган маънода ҳам; «Қуруқ гап — қулоққа ёқмас» дегандек, бировдан бир нимани илтимос қилганда, унинг воситасида бирор ишингни битирмоқчи бўлганингда оғзаки илтимос қилганингдан, ўтиниб сўраганингдан, ялиниб-ёлворганингдан кўра, уни меҳмон қил, «оғзини мойла» деган маънода ҳам; «кўп насиядан — оз бўлса ҳам нақд яхши» деган маънода ҳам қўллайдилар.

Юк йиғилиб, тойлоққа қолди

(тойлоқ — бўталоқ). Ҳаётда баъзан шундай бўладики, оилани боқиш, тебратиш ҳали вояга етмаган бола ски қиз зиммасига тушади. Мазкур мақолни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўлланади.

Юкни эшакка элт, ё эшакни — юкка.

Вар.: «Юкни эшакка орт, Ё эшакни юкка торт»; «Эшак юкка келмаса, Юкни эшакка элт»; «Юк туяга бормайди, Туя юкка келади». Булар билан: «Бирор ишни қилмоқчи бўлганингда бунга бирор нарса монелик қилса, бошқа тарафдан ёндаш, бошқа имкониятни ишга сол, ишқилиб мақсадингга эришиш ҳаракатитида бўл», дейилмоқчи).

Юлғич юлиб тўймайди.

Юлғич — ўзгаларнинг, жамоатнинг мол-мулкини ўзлаштиришга, шу йўл билан бойлик орттиришга, қандай қилиб бўлмасин, бировдан бир нима ундириб, шундан фойдаланиб қолишга уринувчи, ҳаракат қилувчи, фақат шунинг фикру хаёлида яшовчи шахс. Бундай шахсларни қораловчи ва уларнинг қилмиши ёмон оқибатларга олиб боражагини уқтирувчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Ютоғич туяни юнги билан ютади»; «Отганин урар, Тутганин юлар»; «Юлғич боринг молин юлқар, Йўқинг номин булғар»; «Олғирлик офат келтирар, Баднафслик — ҳалокат».

Юмсам — муштимда, очсам — кафтимда.

Баъзи тошқўнгил, қаттиққўл, муштумзўр, урағон, сўкағон, берахм эркаклар бўладики, улар ошнаоғайниларига: «Мен хотинимни шундай қатиқ тутаманки, кўзимга тик қаролмайди, «гаҳ, десам қўлимга қўнади, чизган чизигимдан чиқмайди, гапимни иккита қилмайди, юмсам — муштимда, очсам — кафтимда туради...» деб мақтаниб, керилиб, ўзларини аллақим қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Мазкур мақолни шундайлар тилидан айтишган ва уларнинг ўзларига қарата аччиқ киноя, кесатиқ тарзида қўллайдилар.

Юмушнинг ёмони йўқ.

Бу билан: «Ўз юмушингдан, касбкорингдан нолима, кўнглингни совитма, унча-бунча қийинчилиги бўлса чида, сабр-тоқат қил. Сен яхши, осон, қулай деб ўйлаган бошқа касбларнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари, ноқулайликлари бор, бўлмасдан иложи ҳам йўқ», деган маънода тасалли берадилар, панд-насиҳат қиладилар.

Юрган — дарё, ўтирган — бўрё.

(бўрё, бўйра — тозаланган қамиш чўпидан тўқилган тўшама). Ота-боболар ёш бўғинларга ўз турмушини яхши кечириш юзасидан панд-насиҳат қиларканлар, ҳаётлик давримда дунёни кўриб қолишни, вақт-вақти билан узоқ-яқинга сафар қилиб туришни тавсия этганлар: «Юрган оёққа — йўл нима?!» (Бирор ерга бормоқчи булсанг, ё боришингга тўғри келиб қолса, «Ў-хў, жуда узоқ-ку» деб, иккиланиб ўтирма, дадил йўлга тушавер, юриб турсанг ҳар қанча олис йўлни ҳам енгасан», дейилмоқчи); «Йўлни юрган енгар»; «Илигинг куриса ҳам, илдам юр!» «Йўртиб юрсанг, йўл унар»; «Йўртган — ўзар, Ётган — тўзар»; «Қимирлаган — қир ошар, Тиғизлаган — тоғ ошар»; «Юрганнинг йўли ўтар, Ўтирганнинг куни ўтар»; «Юрганнинг йўли кўпаяр, Ўтирганнинг — ўйи»; «Юрган — йўл кезар, Ўтирган — ер чизар» (ер чизмоқ — зерикканидан нима қиларини билмай, ерга қараб, кўзини бир нуқтага қадаб, хаёл суриб ўтирмоқ, деган маънода); «Юрган — йўлдан топади. Ўтирган — қайдан топади?!»; «Йўловчининг озиғи — йўлида»; «Йигитни йўл боқади»; «Йигит моли — йўлда»; «Юрган — ютоқмас», «Кўп излаган — кўмма устидан чиқади» (кўмма — қўрга кўмиб пиширилади-ган таом); «Юрганга йўргам йўлиқар». Шоир Сидқий Хондайлиқий бу мақолни қуйидагича изоҳлаган: «Йўргам — энг лаззатли бир турли ош эрурким, эчкининг ё қўйнинг чарвисини ёғиб, мурч, зира, зирк, турли дориворларни қиймага қўшиб, қиймани мазкур чарви билан ўрайдилар. Сўнгра чарвини тозаланган ичак билан ҳам ўраб пиширадилар, ейдилар. Бу ош энг қимматли кўрилган бир ош эрурким, бу кунларда барҳам топган (йўқолган) эрур. Бу — азиз меҳмонлар учун тортиб берилур. Халқ мақолида келурким: «Юргонга йўргам илинур». Халқимиз бу мақолда ва умуман, юқорида келтирилган мақолларда сафарнинг маънавий жиҳатидангина эмас, моддий жиҳатидан ҳам фойдали эканлигини кўрсатиб, кишини сафар қилишга, дунёни кўришга, йўлга чорлайди.

Юрибсан бу сўқмоққа, чидарсан бу тўқмоққа.

Баъзи одам орқа-ўнгини ўйламай ёмон йўлларга юради, ман этилган ишлар билан шуғулланади, айб-гуноҳ қилиб қўяди-да, унинг ёмон оқибатлари бошига тушиб азоб-укубатини торта бошлагач, дод-вой солиб, оҳ-воҳ уриб, ҳаммага «ҳасратидан чанг чиқазиб» юради. Шундай одамга танбеҳ берганда, койиганда: «Ажаб бўпти! Айб — ўзингда. Аввало бундай ишларни қилмаслигинг керак эди. Ҳамонки қилибсанми, энди азобига ҳам чидайсан-да!» деган маънода юқоридаги мақолни қўллайдилар.

Юртда ўғри топилмаса, заргарни дорга ос!

Халқ заргарларни ҳам кишининг ҳақига хиёнат қилувчи ўғрилар қаторига киритган ва уларга ёмон назар билан қараган, иззат-ҳурмат қилмаган. Этнограф Г. П. Снесарев Хоразм воҳасининг ўтмиши ҳақида ёзаркан, бу хусусда шундай дейди: «Ҳамма информаторлар (маълумот берувчилар — Ш. Ш.) бу касб эгаларининг «гуноҳкор» эканликларини тушунтирадилар. Чунки, заргарлар буюртмачиларнинг тилласини «уриб» қоладилар... Қачонлардир заргарларни эл-юртдан ажратиб, яккалаб қўйиш, улар ўлганда эса умумий мозордан чекка жойга кўмиш одати мавжуд бўлганлигини маълум қилувчи далиллар кўп... Заргарлар тўғрисидаги бундай гапларни бизга воҳанинг ҳамма ерида маълум қилишди...Қипчоқда ва бошқа жойларда ҳатто «Заргарнинг мозоридек айрилиб қолсин» ибораси ҳам сақланиб қолган» (Г. П. Снесарёв, Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма) «Заргар фирибгар бўлса олтин ҳам зангланар»; «Ер юзида бир хотин бўлса, заргарга иш топилади»; хотин бўлса, заргарга иш [illegible]



Янгамнинг шўрвасини ширин қилган — акамнинг масаллиғи.

Келинлар ҳақидаги мақолларга берилган изоҳларда айтиб ўтганимиздек, ўтмишда қайнона, қайнота, эр билан бир қаторда оиланинг бошқа аъзолари ҳам, айниқса қайнэгачи ва қайнсингиллар келинга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлардилар, унга ўз зуғумларини ўтказардилар, доим нордан ва таглор гаплар, қилардилар, унинг ҳар бир ҳаракати ва гап-сўзини тергардилар, хатто унинг кўзга яққол кўриниб турган яхшиликлари (чеварлиги, пазандалиги, билимдонлиги, гўзаллиги ва ҳ.к.) ни ҳам назарга илмасдилар, кўра-билатуриб, атай камситардилар (афсуски, бу ҳол бирмунча оилаларда ҳануз сақланиб келмоқда). Мазкур мақол ҳам қайнсингил тилидан келинни камситиб айтилган. Вар.: «Янгамсану янгамсан, Иштон бичар билмайсан» («Оддий, осонгина иш ҳам қўлингдан келмайди, уддалай олмайсан», дейилмоқчи); «Янгам санчади, мен тортаман»; «Акам кимни олса, янгам — шу». Халқнинг «Ғоз аччиғи қаргага бўлади. Қиз аччиғи янгага бўлади» деган мақолларида ҳам келинга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлган қайнсингил ва қайнэгачилар устидан кулинган, захарханда қилинган.

Янгини эски сақлар.

Бу мақол — кийим-кечакни асраб, авайлаб кийиш ҳақида. «Эскириб қолган кийим-кечагингни назарингга илмай ташлаб юбориб, янгисини бўлар-бўлмасга кияверсанг, у ҳам тез орада эскириб, ишдан чиқади. Эскисидан имкони борича фойдалансанг, янгисини фақат зарур-зарур жойларга киясан ва у узоқ сақланади», деган маънода иқтисод-тежамкорликка ундаб айтиладиган мазкур мақолни тўлдирадиган қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Эскиси бўлмаганнинг — янгиси бўлмас»; «Уйлигини топмаган — кўчалигин тўздирар»; «Уйлиги йўқ — Тўйлигидан ажралар»; «Эскини ямагунча, эсинг кетади»; «Эскини эплаб кий» (Бу кейинги икки мақол билан: «Эски кийим-кечакни ямаб-ясқаб, эпақага келтириб кийиш қийин, албатта. Лекин шундай бўлса ҳам, бундан эринма, бир амаллаб, эплаб кийишга ҳаракат қил», дейилмоқчи); «Ямасанг — янги бўлади, Янгининг тенги бўлади».

Ясанчоқ мардона бўлмас, капалак парвона бўлмас.

Бу билан: «Капалак озода, танноз бўлиб, оловга (ўтга) ўзини парвонадек урмагани сингари, ясанчоқ олифталар «кийимим кир бўлиб қолади» деб бир ишга қовушмайдилар», дейилмоқчи.

Яхши бўлса — бола, ёмон бўлса — бало.

Бу ва шу каби мақолларда яхши ва ёмон фарзандларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи, қиликлари, ота-онага ва бошқаларга тегадиган фойдаси ҳамда зиёни ҳар томонлама ифода этилади: «Яхши қиз — ёқадаги қундуз, Яхши йигит — қўқдаги юлдуз»; «Яхши ўғил — эл обрўси, Яхши қиз — уй обрўси»; «Боланинг ювваши — онанинг хуш боши»; «Боланинг ювваши — отанинг роҳати»; «Қобил фарзанд — жонга пайванд»;

«Яхши қиз эрта туриб соч тарар, Ёмон қиз эрта туриб нон сўрар»; «Яхши ўғил уй тузар, Ёмон ўғил тўй бузар»; «Бўлғули бола рўзғор тебратар, Бўлғусиз бола рўзғор тўзғатар»; «Яхши бола нон келтирар, Ёмон бола ғам келтирар»; «Яхши бола шон келтирар, Ёмон бола қон келтирар»; «Яхши бола ёғ келтирар, Ёмон бола доғ келтирар»; «Яхши ўғил боғ қилур, Ёмон ўғил доғ қилур»; «Яхши ўғилга мол чикора, Ёмон ўғилга мол чикора?» (чикора — нимага керак, нима ҳожати бор. Бу мақол ота-она тарафидан ёхуд бошқалар тарафидан ота-онага қарата: «Яхши, ақлли, эсли-хушли ўғилга мол-дунё, мерос қолдиришнинг нима кераги бор, унинг ўзи топиб олади. Ёмон, аҳмоқ ўғлига мол-дунё, мерос қолдиришнинг нима кераги бор, у мол-дунёларни ёмон йўлга сарфлайди, қадрига етмайди, бадхаржлик билан бот фурсатда туғатиб юборади», деган маънода айтилади); «Яхши ўғил молга ўртоқ, Ёмон ўғил — жонга»; «Яхши фарзанд — ота-она чароғи, Ёмон фарзанд — ота-онанинг доғи»; «Яхши бола — отага қувват, Ёмон бола — отага уқубат»; «Яхши ўғилдан раҳмат етар, Ёмон ўғилдан лаънат етар»; «Қобил ўғил отга миндирар, Ноқобил ўғил отдан индирар» (индирар — пастга туширмоқ); «Ёмон бўлса боласи, Камон бўлар отаси» («Ёмон фарзанд ота-ни, онани, қаритиб, қаддини камондек букчайтириб қўяди», дейилмоқчи); «Бола алжийди, ота ранжийди»; «Яхши бола тўрга тортар, Ёмон бола — гўрга»; «Яхши ўғил тиндирар, Ёмон ўғил ўлдирар»; «Яхши ўғил отадан олти ботмон зиёд бўлар, Ёмон ўғил отадан олти ботмон кам бўлар»; «Яхши бола — суюк, Ёмон бола — куюк»; «Ёмон ўғил боққунча, этагингни қок, Ёмон қизни боққунча, дўппингни қок»; «Яхши фарзанд — гул, Ёмони — бир пул»; «Ёмон боладан фойда йўқ, Яхши боладан кўнгил тўқ»; «Яхшидан ёмон тугилса — эми топилмас, Ёмондан яхши туғилса — тенги топилмас».

Яхши йил баҳоридан маълум.

Вар.: «Баҳор яхши келса, қари терак ҳам куртак отади». Булар — ота-боболарнинг ҳаётий тажрибаси ва кўп йиллик кузатишлари натижасида келиб чиққан хулосаларни ифодаловчи мақоллардан бўлиб, аксарият ҳолларда тўғри бўлиб чиқади.

Улус чеҳраси олам афрўзидин.
Билур йил келишин наврўзидин (Навоий).

Киши яхшилиги ишидан маълум,
Яхши йил баҳору қишидан маълум (Биноий).

Яхши ният — ярим давлат.

Ота-боболар кишига турмуш кечириш юзасидан панд-насиҳат қиларканлар, ҳаётда умидсизланмаслик, руҳни тетик тутиб, кўнгилга яхши ниятларни, орзу-истакларни жо қилган ҳолда келажак сари дадил бориш зарурлигини уқтирадилар: «Яхши ният — ярим мол» («...ёрти мол» ҳам дейдилар); «Яхши нафас — ярим мол» (нафас — ният); «Ниятинг — йўлдошинг»; «Бугунги ният — эртанги ҳақиқат»; «Кечани сўзлама, бугунни сўзла, Бугун ҳам ўтар, эртани кўзла»; «Эскини сўзлагунча, янгини кўзла»; «Кам сўзла, кўп кўзла»; «Бугунни бир ўйласанг, эртани икки ўйла»; «Хаёлга келмаса, вужудга келмас»; «Юракда бўлса, билакда билинади»; «Ҳавас билан гайрат ўлчанади»; «Ҳавас бўлса, анқонинг уруғи ҳам топилади»; «Талабли эрга нур ёғар»; «Тоғни тиласанг, тепадек беради»; «Қаноти синиқ мусича ҳам — баланд уя орзусида»; «Яхши ният билан бирор нарсага етишмоқни орзу қилмоқ — яхши». Аммо, «Бир орзу ўн орзу болалайди» дегандек, орзунинг ҳадди, чегараси бўлмайди. Кўнгилнинг хохишига берилиб, ҳар нарсани орзу-ҳавас қилиб, ҳар нарсанинг кетидан кетавериш — яхши эмас», дейилмоқчи. «Икки орзу бир топилмас» («Икки қуённи қувлаган — бирин ҳам тутолмас» дегандек, киши бир йўла икки ё бир неча орзу-ҳавасниг кетидан кетадиган бўлса, уларнинг ҳеч қайсисига эриша

олмайди); «Мақсадсиз ҳаёт — қуши беқанот».

Яхши сўз — жон озиғи, ёмон сўз — бош қозиғи.

Ота-боболар сўзлаш одобига қатъий риоя қилиш зарурлигини уқтириб, кўпдан-кўп мақоллар яратишган. Қуйида келтириладиган бир туркум мақолларда яхши сўз билан ёмон сўз орасида «осмон билан ерча фарқ бор»лиги, яхши сўзнинг кишига тегадиган шарофати-ю, ёмон сўзнинг касофати турли хил мисолларда кўрсатилади: «Яхши сўз — кўнгил подшоси»; «Яхши гап — дил давоси»; «Яхши гап — юрак дармони»; «Ширин сўзим — ризқ-рўзим»; «Яхши сўзга жон семиради»; «Жоним» деса, жон семирар»; «Иссиқ, кийим танни илитар, Иссиқ сўз жонни илитар»; «Ширин сўз — шакардан ширин»; «Ширин сўз — шифо»; «Ширин сўз ўликни ҳам тирилтиради»; «Иссиқ сўз — шакар, Совуқ сўз — заҳар»; «Суйдирадиган ҳам — тил, Куйдирадиган ҳам — тил»; «Яхши сўз суюнтирар, Ёмон сўз куюнтирар»; «Мазали сўзга қулоқ чарчамас»; «Холис гап ҳаммага ёқар»; «Яхши сўз ерда қолмас»; «Иссиқ сўзим — иситма, Совуқ сўзим—совутма» («Иссиқ сўзим ўзгаларнинг менга нисбатан бўлган кўнглини иситади, меҳрини оширади, муносабатларини яхшилайди. Совуқ сўзим эса, уларнинг кўнглини мендан совутади, меҳру муҳаббатини ғазаб-нафратга айлантиради», дейилмоқчи); «Яхши сўзинг эсимга тушса, Бўйинингни қучгим келар, Ёмон сўзинг эсимга тушса, Гўрингни бузгим келар»;«Яхши сўзга учар қушлар эл бўлар, Ёмон сўзга паншша кучи фил бўлар»; «Тилингда бўлса болинг, Кулиб турар иқболинг»; «Ширин сўзли — шоҳ косасида сув ичар»; «Аччиқ тил — заҳри илон, Чучук тилга жон қурбон»; «Яхши сўздан мой эрийди, Ёмон сўздан сой қурийди»; «Яхши оғизга ош келар, Ёмон оғизга — тош»; «Яхши сўз тош эритар, Ёмон сўз бош чиритар»; «Яхши сўз тўрга элтар, Ёмон сўз — гўрга»; «Тўғри сўз туриб келар, Эгри сўз — туртиб»; «Ёмон сўз — пичоқдан ўткир»; «Ўринсиз сўз — ўқдан ўткир» («кишининг нарёғ-берёғидан ўтиб кетади», дейилмоқчи); «Кўзнинг оласидан — сўзнинг оласи ёмон»; «Сўзнинг оласи ёмон, Ўтнинг — чаласи» (Ўтнинг чаласи бурқсиб, аччиқ тутаб, кўзни ёшлантиради); «Ёмон тил ё жонга ургай, ё — имонга»; «Ёмон гап қулоққа яқин бўлади» («Ёмон гапни ҳамма дарров эшита қолади», дейилмоқчи); «Ёмон гапнинг оёғи олти»; «Ёмон гапни ёпиб бўлмас, Сояни қириб, чопиб бўлмас»; «Қаҳрли сўз қамал бузар»; «Ўткир сўз ўмганни тешар» (ўмган — кўкрак, тўш); «Ёмон гап — юзга тарсақ»; «Тикон кирса, заҳри қолар, Аччиқ гапнинг қаҳри қолар»; «Қулоқдан кирган совуқ сўз, Юракка бориб муз бўлади» (Бировга совуқ гап қиладиган бўлсанг, сендан кўнгли совийди, қайтиб уни илитишинг қийин бўлади, дейилмоқчи); «Муз эриса — сув бўлур, Сув совиса — муз бўлур» (Бу билан мажозан: «Яхши гапирсанг — қаҳри қаттиқ одамнинг ҳам кўнглини овлай оласан, ёмон гапирсанг — сени севган, хуш кўрган, иззат-ҳурмат қиладиган одамнинг ҳам кўнглини совитиб, ўзингдан бездириб юборасан», дейилмоқчи); «Чилланинг қори кетса ҳам, музи кетмас» («Бировга айтган ёмон сўзинг унинг кўнглидан узоқ вақтгача кетмайди, ҳатто умрбод сақланиб қолади ва сен билан шунга яраша муносабатда бўладиган бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Саратонда сув босар сувсираш, ташналикни, Битта совуқ сўз бузар, қадрдон-ошналикни»; «Жўяга туя ҳам чўкади» (жўя — ўринли, маъқул, хуш ёқадиган, бамаъни); «Ўринли сўзга туя чўкади, Ўринсиз сўзга ҳамма сўкади»; «Илиқ-илиқ сўзласанг, илон инидан чиқар, Совуқ-совуқ сўзласанг, қилич қинидан чиқар». Бу мақолнинг иккинчи қисми: «Совуқ-совуқ сўзасанг, мусулмон динидан чиқар», «...ҳар ким динидан чиқар» деб айтиладиган вариантлари ҳам бор. «Яхши гап яхши қилар, Ёмон гап ваҳши(й) қилар»; «Оғриган жойга қўл югурар, Оғритар сўзга тил

югурар»; «Тоққа нима деб қичқирсанг, шуни эшитасан»; «Садақасига қараб — савоби, сўзига қараб — жавоби»; «Тил ёмони — бўйинга сиртмоқ солар»; «Яхши сўзга қулоқ сол, Ёмон сўзга улоқ сол!» («Яхши сўздан қочма, жон қулоғинг билан эшит-у, аммо ёмон, дилга озор берувчи, асабни бузувчи, фисқ-фасод, ғийбат, иғво қўзғовчи сўзларни айтадиган одамга асло раҳм-шафқат қилиб ўтирма, дарҳол унинг «оғзига коқиб», тешигли жавобини бер ёхуд унинг тилини тийиб, овозини ўчиришга ҳаракат қил», дейилмоқчи).

Яхши топиб гапирар, ёмон қопиб гапирар.

Вар.: «Билган топиб гапирар, Билмаган — қопиб»; «Яхши пайқаб гапирар, Ёмон чайқаб гапирар» (чайқаб — булғаб, «лойқатиб», бошқа томонга буриб, деган маънода); «Биров гапни ёглаб гапиради, Биров тикан боғлаб гапиради»; «Бировнинг ўзи сийловли, Бировнинг сўзи сийловли»; «Бировнинг от кўтармас бўзи бор, Бировнинг от кўтармас сўзи бор»; «Бировнинг ўзи ғар, Бировнинг сўзи ғар»; «Ялоқ қуш мақтанса: «Жардан қуён олдим» дер, Ёмон киши мақтанса: «Яхшининг ёқасидан олдим» дер»; «Созандалар созин чертар қўл билан, Ёмон одам қуйдиради тил билан»; «Ақлли нақллаб сўзлар, Ақлсиз лақиллаб сўзлар» (нақллаб сўзламоқ — нақллар, ҳикоят-ривоятлар, далиллар келтириб сўзламоқ); «Доно айтса — эл айтгани, Эл ғамини еб айтгани»; «Доно билиб сўзлайди, Ҳам узоқни кўзлайди»; «Доно сўзи — дурдан ортиқ»; «Яхшининг гапи — мой, Ёмоннинг гапи — лой»; «Яхшининг сўзи — каймоқ, Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ»; «Ўзи юзсизнинг — сўзи тузсиз»; «Ўзи совуқнинг — сўзи совуқ»; «Ириган оғиздан чириган сўз чиқар»; «Ачиган оғиздан сасиган гап чиқади»; «Касрли оғиздан касофатли сўз чиқар»; «Ёмон оғиздан ёлиндай сўз чиқади» (ёлин — чақмоқ); «Булутдан чиққан куни аччиқ, Ёмондан чиққан сўз аччиқ»; «Эски чопоннинг бити аччиқ, Ёмон одамнинг тили аччиқ»; «Илон захри — тишида, Ёмон захри — тилида»; «Илон иши — заҳар солмоқ»; «Чаённинг касби — чақиш»; «Илон гоҳ-гоҳ чақади, Ёмон доим «чақади»; «Ёмон тил эл бузар, Ёмон оёқ йўл бузар»; «Сўз билмаган кишидан ҳура билган ит яхши»; «Ёмоннинг юзи қурсин, Сўзлаган сўзи қурсин!»; «Қопиб гапирма, топиб гапир»; «Ширин юзингдан — ширин сўзинг аъло».

Яхши хотин — умр боли, ёмон хотин — жон заволи.

Халқ ўзининг бир туркум мақолларида яхши ва ёмон хотинларнинг феъл-атворини, хусусиятларини, юриш-туришини тасвирлаган, эрга ва бошқаларга тегадиган фойдаси ё зиёнини кўрсатиб, уларга баҳо берган: «Яхши хотин — уй бўстони, Ёмон хотин — зимистони»; «Яхши хотин — уй эгаси, Ёмон хотин — йўл эгаси»; «Яхши тўн — тўй савлати, Яхши хотин — уй давлати»; «Яхши чопон — тўй зийнати, Яхши хотин — уй зийнати»; «Яхши хотин — хазина»; «Яхши хотин — ярим ризқ»; рар, Ёмон хотин ёлғиз отни сўйди-«Яхши хотин йўкни йўмзаб тўйдирар», «Яхши хотин йўқ нарсангни бор этар, Ёмон хотин кенг уйингни тор этар»; «Эпчил хотин қор қалаб, қозон қайнатар»; «Яхши хотин гўшт қуритар, Ёмон хотин гўшт саситар» (Кўчманчи чорвадорлик даврларида хонадонда мол сўйилса, хотинлар гўштни тилишлаб, тузлаб, тортилган тизимчага осиб қўйиб, офтобда қуритиб оладилар-да, анча вақтгача ишлатардилар. Шунда ёмон хотин ҳафсаласизлик, дангасалик қилиб, гўштни вақтида қуритиб олмай, саситиб, ҳеч нарсага яроқсиз қилиб қўяди); «Хотин борки, арпа ундан ош қилар, Хотин борки, буғдой унни тош қилар»; «Яхши хотин арпа унни кабоб қилар, Ёмон хотин буғдой унни хароб қилар»; «Яхши хотин сахар туриб чарх товлар, Ёмон хотин сахар туриб ўчоқ ковлар»; «Миришкор хотиннинг қўли чарх йигирар, оёғи бешик тебратар» («Бир вақтнинг ўзида ҳам

ишини қилади, ҳам боласини боқади. Чаққонлигидан, миришикорлигидан — ҳамма нарсага улгуради», дейилмоқчи); «Яхши хотин жун қарз олар, Ёмон хотин ун қарз олар» (Бу ҳам кўчманчи чорвадорлик даврларидан қолган мақоллардан биридир. Яхши хотин рўзғор тебратишда эрига кўмаклашади. Агар ўз уйида бўлмаса, қўшнисидан қарзга бўлса ҳам жун олиб, уни эшиб, йигириб, шолча, гилам чакмон қилиб сотиб, рўзғорни яхшилайди. Ёмон хотин эса хушёкмас, дангаса бўлиб, то эри топиб келмагунча ўзи ишламайди, уйида бўлмаса, қўшнидан тайёр озиқ-овқатларни, масалан унни қарзга олиб, оиланинг обрўсини туширади. Мазкур мақолда шу ҳол ифода этилган); «Яхши хотин белгиси — хирмон қилар терини, Ёмон хотин белгиси — ерга букар эрини»; «Яхши хотин бетидан семирар, Ёмон хотин — кетидан»; «Шалтоқ хотин уй чангитар»; «Хотиннинг сариштаси — одамнинг фариштаси»; «Саришта бўлса хотининг, Ширин ўтар кун-тунинг»; «Олис йўлда от синалар, Оғир кунда — хотин»; «Хотининг ишчан бўлса, сафарда хатар бўлмас»; «Хотиннинг яхши-ёмони меҳмон келганда билинади»; «Ой минмай отингни мақтама, Йил турмай — хотинингни»; «Билимли аёл бошингга қарайди, Билимсиз аёл ёшингга қарайди»; «Сени севган — йўлингга қарар, Севмайдиган — кўлингга қарар» («Қўлингга қарар — олиб келадиган нарсангга, топар-тутарингга караб сен билан ё яхши, ё ёмон жавоб-муомалада бўлади», деган маънода); «Эр топувчан бўлса, Хотин тақувчан бўлади» («Эр кўп пул топувчи бўлса, унинг олифта, танноз хотини қимматбаҳо тақинчоқларни ҳадеб сотиб олаверади ва яна сотиб олгиси келаверади», дейилмоқчи); «Ёғмас бўлут ерни алдар, Ёмон хотин эрни алдар»; «Ёмон хотин эри кетса куйинади, эри кайтса куйинади» («Ёмон хотин эри бирор ерга кетди дегунча куйиниб, кўчага чикиш пайига тушади», дейилмоқчи); «Ақлли хотин — уй кўрки, Ақлсиз хотин — кўча кўрки»; «Ёмон эркак тўй бузар, Ёмон хотин уй бузар»; «Ёмон хотин ҳайитда эрдан чиқар»; «Нозсиз хотин — ёлкинсиз ўтин»; «Хотин эрка бўлса, Эрига серка бўлади» (серка қўйларнинг олдига тушиб, уларни ўзи юрган йўлдан бошлаб кетгани каби, эрка хотин ҳам эрининг «бурнидан ип ўтказиб», уни ўз йўригидан олиб юради, дейилмоқчи); «Ёмон дехқон ер кўрир, Ёмон хотин эр кўрир»; «Хотиннинг зўри — эрнинг шўри»; «Яхши хотин ишли бўлур, Ёмон хотин тишли бўлур»; «Яхши хотиннинг қўли узун, Ёмон хотиннинг тили узун»; «Ўтарчининг ништари — енг ичида, Заҳар хотин «ништари» — тил учида» (Ўтарчи — от, мол табиби. Мол, отнинг «бадном» деган касали бўлади. Ўтарчи шуни ништар билан ёриб, ичидан безини олиб ташлайди. Шунда у от, молни ҳуркитиб, қочириб юбормаслик учун унга хийлакорлик билан ништарини енгининг ичига бекитиб олиб яқинлашади); «Ўтиннинг ёмони — ширшер, Хотиннинг ёмони — вит-вит»; «Хотиннинг қақилдоғи — тегирмонинг шақилдоғи»; «Уришқоқ хотин бор қишлоққа кўриқчининг ҳожати йўқ» (кўриқчи — сопқон отиб, жом чалиб, шовқин солиб, қушларни экинга қўндирмайдиган киши); «Эрни эр қиладиган ҳам — хотин, Қора ер қиладиган ҳам — хотин»; «Яхши хотин ёмон эрни эр қилар, Ёмон хотин яхши эрни ер қилар», «Бир нўноқни бир эпчил эплайди» (Бунда кўпинча «нўноқ» деганда — эрни, «эпчил» деганда — хотинни назарда тутадилар); «Бўз яхтак қичитар, Яхши хотин тинчитар»; «Хотин яхши — эр яхши»; «Эрнинг отини хотин чиқазар, Хотиннинг отини ўтин чиқазар»; «Яхши хотин кўпга кўшар, Ёмон хотин кўпдан чиқарар»; «Хотин сўзини қондирар, Эрни уруғидан тондирар» (Ёмон, айёр, ичи қора, «одам иси ёкмаган» хотин эрининг бошини айлантириб, ўз сўзини қондириб (маъқул қилиб), унинг уруғ-аймогини (ота-онасини, ака-укаларини, опа-сингилларини ва ҳ.к) турли тухматлар, ёлғон-яшиқ гаплар билан ёмонлаб, ёмон қилиб кўрсатиб, уни улардан бездиради», дейилмоқчи); «Бўлдирадиган ҳам — хотин, Ўлдирадиган ҳам — хотин»; «Ёмон хотин олганнинг ёви уйида,

Икки хотин олганнинг дови уйида» (дов — даъво, жанжал); «Хотининг яхши бўлса, тўйга бормоқ — на ҳожат, Хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ — на ҳожат?!»; «Йўлдаги бўронга чидаб бўлади, Уйдаги «бўрон»га чидаб бўлмайди» (Мақолнинг иккинчи қисмидаги «бўрон» ёмон хотиннинг бўлар-бўлмасга уриш-жанжал чиқариши, ҳархашаси, «минг-минги», деган маънода); «Жон нима керак — жонона бўлмаса, уй нима керак — ғамхона бўлса»; «Уйинг тор бўлса, жаҳонинг кенглиги билинмас» («тор уй» — уриш-жанжал аримайдиган, бирининг гапи бирига тўғри келмайдиган, бирини бири ҳурмат қилмаидиган, хуллас ғамхонага айланган уй, деган маънода); «Уйда ҳаловати йўқнинг, тузда фароғати йўқ» (туз — кўча-кўй); «Хотининг яхши бўлса ёқанг оқаради, Хотининг ёмон бўлса соқолинг оқаради»; Яхши хотин эрининг киймидан маълум»; «Яхши йигит минган отни ҳоритмас, Яхши хотин теккан эрни қаритмас»; «Яхши хотин қари эрни ёшартар, Ёмон хотин ёш эрни қаритар»; «Ёмон от бел қаритар, Ёмон хотин эр қаритар»; «Отнинг ёмони — ола, Хотининг ёмони — бало»; «Хотининг ёмони — эрнинг заволи, Хотининг яхшиси — эрнинг камоли»; «Хотининг ёмони — тўғизнинг қабони»; «Хотининг ёмони — умрнинг эгови»; «Яхши хотин — жаннати, Ёмон хотин — дўзахи»; «Яхши бўлса хотининг — ёруғ дунё жаннати, Ёмон бўлса хотининг — икки дунё дўзахи»; «Хотин азоби дўзах азобидан ёмон»; «Яхши келин — келин, Ёмон келин — ўлим»; «Отинг хўра бўлса — берди худо, Хотининг хўра бўлса — урди худо»; «Отинг ёмон бўлса, армонинг кетар, Хотининг ёмон бўлса, дармонинг кетар»; «Боланг ёмон бўлса, дармонинг кетар, Хотининг ёмон бўлса, меҳмонинг кетар»; «Яхши хотин кулмасдан бурун кулдирар, Ёмон хотин ўлмасдан бурун ўлдиради»; «Севимсиз» ердан — кезимлик от авло»; «Отинг ёмон бўлса, сотиб кутуласан, Хотининг ёмон бўлса, қайтиб кутуласан?» (қайтиб — қандай қилиб); «Ёмон хотин ўлса, кенг тушак қолар, Яхши хотин ўлса гам-меҳнат қолар»; «Қиш кунининг ҳузури — қурук бўлса ўтини, Эр кишининг ҳузури — яхши бўлса хотини»; «Яхши ёр ёддан чиқмас»; «Отинг яхши бўлса — бу дунёнинг фароғи, Хотининг яхши бўлса — бу дунёнинг чароғи». Қарғама, юрса тирикчиликнинг ғамида юрибди, сенинг, менинг болаларимнинг ташвишида юрибди, ўйнаб юргани йўқ. Қаноат қил, яхши хотин сув келса симиради, тош келса кемиради (Ойбек, Болалик)

Яхши қўшнингдан сўрагунча, ёмон уйингдан ахтар.

Вар.: «Қудангдан қўй сўрама, Қўшнингдан ун сўрама»; «Ўз уйингда ошинг бўлса, Киши уйида қас(д)инг борми?!»; «Ёмонга ялингунча, Ётиб ёнингни кавла». Бу мақоллар билан: «Ўз тирикчилигинг учун зарур бўлган нарсаларни ўзинг ишлаб топ. Бировдан тама қилиш, тилаш, бировга ялиниб кун кўриш, бировнинг ҳисобига яшаш — ўтакетган ёмон хислат ва текинхўрликдир», деган маънода насиҳат қиладилар.

Яхшидан — вафо, Ёмондан — жафо.

Бу ва бу каби бир туркум мақолларида халқ яхши одамлардан кишига ва жамиятга фойда тегишини, ёмон одамлардан эса зиён-заҳмат етишини таъкидлайди: «Яхшидан жафо келмас, Ёмондан — вафо»; «Яхшидан — шарофат, Ёмондан — касофат»; «Яхши чечакка болари қўпади» (Бу билан мажозан: «Яхши одамнинг ҳузурига яхши одамлар кўмсаб келадилар, унинг ширин-ширин гап-сўзидан, ёқимли феъл-атворидан, саховатидан баҳра оладилар», демоқчи бўлинади); «Яхшига гул — соя»; «Яхшиларда димоғ бўлмас»; «Яхниса пичоқ кесади, Ялинса яхши кечади»; «Яхшидан ботир чиқса — тегиб бўлмас»; «Яхшининг яхшига бордур ҳиммати, Ёмоннинг яхшига ортур иллати»; «Яхшига айтсанг — битирар, Ёмонга айтсанг — ер титрар»; «Яхши келар иш қошига, Ёмон келар ош бошига»; «Яхши — жонингга ўрток, Ёмон — понингга»; «Яхшининг ёти бўлмас, Ёмоннинг-

уёти»; «Яхшида гина бўлмас, Ёмондан гина кетмас»; «Яхши киши — тегчил, Ёмон киши — кекчил» (тегчил — тегли-тахтли); «Яхшининг ёмондан ортиғи — ори»; «Яхшининг иши — сано, Ёмоннинг иши — гавго»; «Яхшига гап гапирсанг, нинадек бўлар, Ёмонга гап гапирсанг, туядек бўлар»; «Яхшига айтсанг — билар, Ёмонга айтсанг — кулар»; «Яхши отга — бир қамчи, Ёмон отга — минг қамчи»; «Ақллига — ишорат, Аҳмоққа — тўқмоқ»; «Билганга — сўз оғир, Билмаганга — таёқ енгил»; «Яхшини сўксанг — суягидан ўтар, Ёмонни урсанг — терисидан ўтар»; «Ақллига бир сўз басдир, Ақлсизга минг сўз оздир»; «Яхшининг ўзи ҳам яхши, сўзи ҳам яхши»; «Яхшининг сўзи кафил, Ёмоннинг ўзи кафил» («Эл-юрт ўртасида яхшилик билан ном чиқазган одамга ишонадилар, унинг бир оғизгина сўзига хўп дея қоладилар, ундан тилхат, кафолат талаб қилмайдилар. Ёмон одам эса берган ваъдасида турмайди, алдайди, айтган гапидан тонади. Шунинг учун унга асло ишонмайдилар, тилхат талаб қиладилар, бировнинг ўртада кафил туришини сўрайдилар», дейилмоқчи); «Яхшининг сўзи — қаймоқ, Ёмоннинг сўзи — тўқмоқ»; «Яхши отнинг тишин кўрма, Яхши одамнинг ёшин сўрма»; «Яхши қариса — ёзиб қўйган хатидай, Ёмон қариса — бурқсиб ёнган ўтдай»; «Яхши йигит — давранинг боши»; «Яхши йигит билан яхши от — кўпники»; «Яхшининг қалби — қуёш, Ёмоннинг бағри — тош»; «Яхши — Ой билан кундай, Оламга бирдай»; «Яхшини кўрмоқ — жаннат»; «Яхши келди дегунча, ёруглик келди десангчи, Яхшиликнинг хабарин олиб келди десангчи»; «Яхши — яхшиликни кўзлар, Ёмон — ёмонликни»; «Яхшининг шарофати тегар тор ерда, Ёмоннинг касофати тегар ҳар ерда»; «Қора итнинг уяти оқ итга тегар»; «Яхшидан — назар, Ёмондан — ҳазар»; «Яхши юрган ерига, Тинчлик солар элига, Ёмон юрган ерига, Ўт қўяди элига»; «Яхши одам ўйнаб-кулиб кечирар, Ёмон одам қону зардоб ичирар»; «Яхши ўз бошидан кўради, Ёмон йўлдошидан кўради»; «Ёмон бойиса, яқинин танимас»; «Яхши бўлиб ер, Ёмон ўлиб ер»; «Яхши одам ой бўлар, Қайга борса жой бўлар» (жой бўлар — жойлашиб, сиғиб кетар, деган маънода); «Яхши одам юрт тузар, Ёмон одам юрт бузар».

Яхшилик тўрга элтар, ёмонлик — гўрга.

Халқимиз бу каби бир туркум мақолларида киши жамиятда ўзини қандай тутиши лозимлиги юзасидан таълим берар экан, одамларга яхшилик қилиш зарурлигини қайта-қайта уқтиради, яхшилик яхши самаралар беражагини кўрсатади ва аксинча, одамларга қилинган ёмонлик ёмон оқибатларга олиб боражагини таъкидлаш орқали кишини ёмонликдан қайтаради: «Яхшилик икки жаҳонни орттирур»; «Яхшилик нур келтирар, Ёмонлик — зулмат»; «Яхши олқиш олур, Ёмон қарғишга қолур»; «Яхшилик қилсанг яшарсан, Ёмонлик қилсанг қақшарсан»; «Яхши бўлсанг яшарсан, Насибангни ошарсан»; «Яхши ошини ер, Ёмон — бошини»; «Яхши яхшига боқар, ёмон дарёга оқар»; «Яхшига қора юқмас, Ёмонга эл боқмас»; «Яхшига бош бераралар, Ёмонга тош бераралар» («Яхши одамга жонларини ҳам аямайдилар, ёмон одамнинг гўрига тош терадилар (қалайдилар) — яъни, унинг тириклигидаёқ ўлимини тилайдилар», дейилмоқчи), «Яхшига ипак илашур, Ёмонга — тикан»; «Яхшига — ёйдек, Ёмонга — доғдек»; «Яхши етар, Ёмон йитар»; «Яхши иш битирур, Ёмон иш йитирур»; «Яхшиликни унутма, Ёмонликни кўнгилда тутма»; «Яхшининг кўнглини қолдиргунча, Ёмондан мушт е»; «Яхшини мақтасанг ярашар, Ёмонни мақтаган адашар»; «Яхшининг қўли узун, Яхшиликнинг йўли узун»; «Яхшига ҳарна ярашар»; «Яхши бўлсанг, яқин кўп»; «Яхшининг касали — тўйга боргани, Ёмоннинг касали — гўрга боргани» («Яхши одам касал бўлса, уни йўқлаб, кўнгил сўраб келувчилар кўп бўлиб, уй тўйдек гавжум бўлиб кетади. Ёмон одам

касал бўлса, уни ҳеч ким келиб кўрмайди, бир ўзи гўрда ётгандек ёлғиз ётаверади», дейилмоқчи); «Қадр билмасанг қадри йўқ»; «Ўжар ўзидан топар»; «Яхши иззат қилинар, Ёмон изза қилинар»; «Ортиқ деган ёмон той, Ёзга чиқиб от бўлур, Ёмонликни кўп қилсанг, Яқин киши ёт бўлур»; «Яхши бўлсанг отинг чиқар, Ёмон бўлсанг хотининг чиқар»; «Ёмон қарасанг, кўрандаги мол қочар, Ёмон юрсанг, кўйингдаги ёр қочар»; «Ёмонлик қилиб нетарсан, Обрўингдан кетарсан»; «Яхшилик кўзга кўринмас, Ёмонлик кўмиб қўйилмас» («Қилган ёмонлигингни кишилар кўмиб қўймайдилар, яъни унутиб юбормайдилар, ахири бир кун жазоингни тортарсан», дейилмоқчи); «Яхшилик — оғоч бошида, Ёмонлик — оёқ остида» («Яхшилик кишини юқорига кўтаради, ёмонлик пастга тушириб, ер билан яксон қилади», дейилмоқчи); «Бир — яхшилик унутилмас, Бир — ёмонлик»; «Мушт урсанг, шапалоқ кут»; «Ҳар ким ҳимматига яраша топади»; «Бугун қилганингни эртага кўрасан»; «Олмос ерда қолмас, Яхшилик — йўлда»; «Эрга қилинган яхшилик — ерда қолмайди»; «Кишига қилган — кишида қолмас»; «Яхшилик бировдан қайтмаса, бировдан қайтади»; «Ёшлигингда бер, қариганингда оласан»; «Ёшлигида яхшилик қилмаган — Қариганида каттиқлик кўрар»; «Яхшидан ёд қолади, Ёмондан дод қолади»; «Яхши боғ қолдирар, Ёмон доғ қолдирар»; «Тулпордан туёқ қолар, Шунқордан — қиёқ»; «Суяк синса ҳам от қолар, Жасад чирисе ҳам от қолар»; «Яхшининг ўзи ўлса ҳам, сўзи ўлмас»; «Яхшининг қадри ўлганда билинар, Йўрғанинг қадри елганда билинар»; «Одамдан яхши ном қолсин!»; «Ёмон от билан тирилгандан — Яхши от билан ўлган яхши»:

Ўзинг эзгу бўлсанг, отинг мактовга лойиқдир,
Агар ёмон бўлсанг, таҳқирга маҳкумсан эй латиф
(А. Югнакий).

Агар кимсадин зоҳир ўлса ёмон,
Кўрар ҳарнеким, зоҳир этди ҳамон
(Навоий).

Одам қаерда, кимлар орасида экани назардан қочирмаслиги, ўзининг хулқ-атвори, яхши фазилати билан бошқаларга ибрат бўлиши зарур. Тўғри-да: Яхшидан от қолади, ёмондан дод қолади (М.Исмоилий, Одамийлик қиссаси).

Яхшилик қилсанг яшир, яхшилик кўрсанг ошир.

Бир донишмандан: «Нимани эсда сақлаб қолиб, нимани унутмоқ керак?» — деб сўрабдилар. У: «Агар кишилар сенга яхшилик қилган бўлсалар — уларни унутма, агар сен бировга яхшилик қилган бўлсанг — унут», деб жавоб берибди... «Берганингни озга сана, Олганингни кўпга сана»; «Ўнг қўлинг берсин, Чап қўлинг билмасин»; «Яхшилик қил, уйингга айтма»; «Яхшилик қил, дарёга от, Балиқ билар, балиқ билмаса, холиқ билар»; «Яхшилик қил, сувга сол, Сув билмаса, балиқ билар. Балиқ билмаса, холиқ билар» (холиқ — яратувчи); «Яхшиликни дарёга қил, биёбондан топ»; «Ғараз билан қилинган яхшиликнинг ёмонликдан фарқи йўқ».

Қил яхшилику демакни дохил қилма.
Миннат била яхшиликни ботил қилма
(Навоий)

Бўлди бағрим сув ғамингдин, яхшилик, сол сувга.
Охир, эй гул, хирманни албатта ҳар эккан ўрар
(Отойи)

Яхшиликка яхшилик — ҳар кишининг иши, ёмонликка яхшилик — эр кишининг иши.

Ота-боболар бу каби мақолларида кишига яхшилик қилиш, яхшилик қилганларга ундан ҳам ошириб яхшилик қилиш, хатто ёмонлик қилганларга ҳам яхшилик қилавериш лозимлигини уқтириб, чин инсонийликка даъват этадилар: «Ёмонлик — ҳар кишидан, Яхшилик — эр кишидан» (эр киши — чин инсон, мард, сахий, очиқ кўнгил, вафодор, содиқ дўст); «Ёмонлик қилганни яхшилик қилиб уялтир»; «Жафо қилганга ва-

фо қил»; «Йўл берганга қўл бер»; «Жон берганга жой бер, Жой берганга жон бер»; «Ош берганга бош бер»; «Сув ичирмаганга сут ичир»; «Тош отганга ош от»; «Отангни ўлдирганга онангни бер» (Бу мақолда бенихоя ёмонлик қилган одамга ҳам яхшилик қилиш лозимлиги муболаға билан билдирилган); «Яхшидан ёмонлар ҳам ёмонликни кўз тутмас, Яхши ёмонларга ҳам яхшиликни унутмас»; «Яхшиликни билмасанг, яхшиларга қўшил».

Яхшини бил ўзидан, ёмонни бил кўзидан.

Бир туркум мақоллар кишилик жамиятидаги ўзаро муносабатларда яхши одамларни ёмон одамлардан фарқлай билиш ва шунга яраша иш тутиш лозимлиги юзасидан таълим беради: «Офтобнинг тафтига қара, Одамнинг афтига қара»; «Туси яхшидан тунгилма» (тунгилмоқ — шубҳаланмоқ); «Ёғ чўва сиртидан маълум» (чўва — кунжарадан ясалган ёғ идиш. Обдастага ўхшаган бандлик ва жўмраклик бўлади, сиғмайди. Мазкур мақол билан: «Яхши ва ёмон одам ташқи кўринишиданоқ маълум бўлиб туради», дейилмоқчи); «Ой тугишидан белгили, Одам — юришидан»; «Яхши ўзини ёмоннинг ёнида танитар»; «Қораниғ қарнисида оқ яна ҳам оқроқ кўринади»; «Яхши олур сўзингни, лаб демишнинг бўлганда, Ёмон олур сўзингни, қўй емишнинг бўлганда» («Яхши одам лабинг қимирлашн, яъни айтишинг биланоқ сўзингни қулоғига олади, илтимосингни бажо келтиради. Ёмон одам эса қўй-қўй емишинг бўлсагина яъни, сендан моддий манфаат кўрсагина, сўзингни эшитади, акс ҳолда сенга қайрилиб ҳам қарамайди. Яхши ким-у, ёмон ким — шундан ҳам билиб олсанг бўлади», дейилмоқчи); «Ёмоннинг ҳаммаси бузуқ бўлмас, Яхшининг ҳаммаси тузук бўлмас» (Зоҳиран ёмон кўринган одамларнинг ҳаммаси ҳам ёмон, зоҳиран яхши кўринган одамларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлавермайди. Алданиб, «чув тушиб» қолишинг мумкин. Ўзаро муносабатда бўлишдан аввал уни обдан сина, сўра, суриштир, дейилмоқчи); «Қалпоғига қараб, қадамига баҳо берма»; «Яхши қадрини яхши билар»; «Яхши кўз мардни номарддан ажратар, яхшини ёмондан»; «Арзон билан қимматнинг бозорда чиққан нархи бор, Яхши билан ёмоннинг осмон — ерча фарқи бор»; «Яхши-ёмоннинг фарқини билмаган — Арзон-қимматнинг нархини билмас»; «Ана-мана дегунча, яхши-ёмонни бил».

Яхшини кўриб фикр қил, ёмонни кўриб шукур ҳил.

Вар.. «Бирни кўриб фикр қил, Бирни кўриб шукр қил»; «Олдингдагини кўриб фикр қил, Оркангдагини кўриб шукр қил»; «Кавшсизликдан хафа бўлмагил, Оёқсизларга боқиб шукр қил». Бу мақоллар билан: «Ҳаётда сендан ўзиб кетган, сендан яхши яшаётган одамларни кўриб фикр қил (яъни уларга етиб олишга, улардан ибрат олишга ҳаракат қил, шу ҳақда ўйла), ҳаётда сендан ортда қолганларнинг, сендан ёмонроқ яшаётганларнинг ҳолини кўр-у, ўз турмуш-турмушингга шукр қил, ундан ноliб, хафа бўлиб, қаноат қилмай юрма», деган маънода насиҳат қиладилар.



Ўз кўзинг ўлик тиргизар.

Киши бировлардан эшитган чалакам-чатти, «узунқулоқ» гапларга кўпда ишонмаслиги, бундан қатъий хулоса чиқариб иш кўрмаслиги, бу ҳақда ҳаммага гапириб юравермаслиги, ўз кўзи билан кўриб, тўғрилигига ишониб ҳосил қилганидан кейингина бир хулосага келиб, иш кўриши ё гапириши лозим дейишмоқчи. «Ўз кўзинг ўлик тиргизур, Ўлик тиргизмаса, ётганни тургазур»; «Кўз билан кўр, Дил билан бил»; «Кўнглинг билан эшит — қулоқ алдайди, Ақлинг билан кўр — кўз алдайди»; «Чап кўз билан инон, Ўнг кўз билан текшир»; «Қулоқдан — кўз ҳақ»; «Эгасининг кўзи — дори»; «Кўз — ўзингники, Қулоқ — ўзганики»; Эшитганга ишониб айтма, ёлғончи буласан»; «Эшитган кўргандек бўлмас»; «Кўз кўрмай, кўнгил ишонмас»; «Қулоқ эшитса — кўнгил билар, Кўз кўрса — завқин берар»; «Икки қулоқ билан эшитгандан — бир кўз билан кўрган яхши»; «Юз марта эшитгандан — бир марта кўрган афзал».— Ерларингизку, чорикорлар қўлида. Яна нега ўзингиз югурасиз? — деди Рустам. — Тўғри,— деди оқсоқол,— менинг суғориладиган ерларимнинг кўпида чорикорлар ишлайди, шундай бўлса ҳам ўзим хабардор бўлиб турмасам, иш олдинга бормайди. «Эгасининг кўзи — дори», деганлари бежиз эмас (С.Айний, Дохунда).

Ўз уйим — ўлан тўшагим.

Ўтмишда (баъзилар) қовғадан (гиёҳ, ўт, ўландан) бўйра, бордонга ўхшатиб тўқиб, ундан кўрпа-кўрпача ўрнида фойдаланиб, тагларига тўшаб ўтирардилар. Мазкур мақол билан: «Бировнинг уйида, юртида юмшоқ тўшакда ўтирганингдан кўра, тап-тақир ўлан тўшакда ўтирсанг ҳам, ўз уйинг яхши», демоқчи бўлганлар. Ҳар кимга ўз уй-жойи, ўз она-юрти нақадар қадр-қимматли эканлигини ифодаловчи куйидаги мақоллар ҳам бор: «Исли уйим — ризқли уйим»; «Ўз уйимнинг хушлиги — Оёқ-қўлимнинг бўшлиги»; «Ўз юртингнинг қадри ўзга юртда билинади»; «Бир яхшининг қадрин билмас, бир ёмонга тушмагунча, Шоҳлар юртнинг қадрин билмас, юрдан-юртга ошмагунча»; «Туққан ерга туғинг тик»; «Ўлсанг ўл, Ватанингда бўл!» (Чўпон:) Нима бўлса ҳамки жоним Ойхон, чет юртнинг шоҳи бўлгунча, ўз юртингнинг гадоси бўл, дегандек, йўлдошим кўмилган тупроқ, ёш кучим синган боғ-роғ, ёш ўйнаб ўсган жўра, ўртоқларнинг доғ-ҳасрати ҳеч бир юрагимнинг очилишига қўймайдир... (Ҳамза, Майсаранинг иши).

Ўз қадрини билмаган — эл қадрини билмас.

Вар.: «Ўз қадрини билмаган — ўзга қадрини билмас»; «Ўзига бахиллик қилган — Ўзгага сахийлик қилмас»; «Ўзига енг бўлмаган — Ўзгага эн бўлмас»; «Ўзига ёл бўлмаган — Ўзгага қуйруқ бўлмас» (Бунда отнинг ёли ва қуйруғи (думи) мисолга олинган ва мажозан: «Ўзининг арзимаган, кичик ишини қилиш қўлидан келмайдиган ё қурби етмайдиган одам бировнинг катта ишини қилиб бермайди, қилиб бера олмайди ҳам», демоқчи бўлинган); «Ўз уйин ёритмаган чироқ ўзганикида машъал бўлармиди?!»; «Ўзи учун қайғурмаган — ўзга учун қайғурмас»; «Ўз юзини аямаган — киши юзини чия қилур» (чия — олча, тог олчаси). Бу мақолда» юзини чия қилмоқ»

деганда, болаларнинг бир ўйини назарда тутилган: лола очилганда ва олча пишганда болалар бир-бирларини масхара қилиб, кулмоқ мақсадида лолани ёхуд олчани газаб, бир-бирларининг юзларига, пешона ва бурунларига суртиб қочардилар. Мақолда: «Юзсиз, ориятсиз одам ўзининг бемаза, ҳақоратли сўзлари билан бировни кишилар олдида уялтириб, қизартириб, хижолат қилиб қўяди», дейилмоқчи. «Ўз бошини аямаган — Киши бошини дабдала қилади»; «Ҳар ким ўзини аяса, бировни аяйди»; «Ўзингдан кечмасанг, Ўзганинг кўнглини ололмайсан»; «Ўзига боқмаган — Ўзгага ёқмас»; «Қадр билмасанг — қадри йўқ».

Ўзи бемалолнинг сўзи бемалол.

Бу билан: «Бировнинг хизматини ўзига малол олмай, бажонидил, холисона бажарадиган, бировнинг сўзини ерда қолдирмайдиган одам бировга бирор хизмат буюрса, бирор нарсани илтимос қилса, унинг ҳам сўзи унга малол келмайди. Яхшилик қилган одам яхшилик кўради ҳам», демоқчи бўладилар. «Ўзинг ётиқ бўлсанг, Ичганинг қатиқ бўлар»; «Ўзи саховатли бўлган одам ўзганинг ҳам саховатини қозона олади», деган мақолларни ҳам шунга ўхшаш маънода айтадилар.

Ўзи йўқнинг — кўзи йўқ.

Вар.: «Кўзи йўқнинг — юзи йўқ», «Ўзи борнинг — юзи бор»; «Ҳозирга — бор, Ғойибга — йўқ». Одатда тўй, маросимларда ва бошқа тақсимот, улуш, ҳисса тақсимланадиган пайтларда ўзи ўша ерда бор бўлган, ҳозир бўлган одамларга тегишли улушни берадилар-у, аммо ўзи йўқ бўлган одамга тегажак улушни «Ҳа, ўзи йўқ-ку, буни кўриб, билиб турибдими?!» деб, озроқ қолдирадилар ёки бутунлай қолдирмай, ўзаро бўлишиб оладилар. Мазкур мақолларни шу каби ҳолларга нисбатан киноя, гина қилиш, ўпкаланиш тарзида қўллайдилар. (Шокир ота:)... Тўғри, улар қариндошинг. Лекин улар сани ўз жинсига қўшмайди. Улар пул жинсида... Ундай қариндошлардан етти ёт бегона яхши. Ўзи йўқнинг кўзи йўқ. Сен йўқсан — бу қизни хўрлайдилар» (Ойбек, Қутлуғ қон).

«Ўзим» деган — ўзаксиз кетади.

Бу билан: «Фақат ўзинигина ўйлайдиган, ўз манфаатинигина кўзлайдиган, бошқалар тўғрисида ўлақолса қайғурмайдиган худбин одам ўзаксиз — яъни, томирсиз, ёр-дўст, таниш-билиш орттирмай, «якка мохов» бўлиб яшаб, шундайлигича оламдан ўтиб кетади», демоқчи бўладилар. Ана шундай худбин одамлар тилидан айтилган қуйидаги мақолларни уларнинг ўзларига қарата аччиқ киноя тарзида қўллайдилар: «Мен учун қайнамаган қозонда итнинг калласи қайнасин!»; «Мени чақмаган илон минг йил яшасин»; «У эшакда юким йўқ, Йиқилса — хабарим йўқ»; «Мешки битсин, Сеники йитсин»; «Жон-жон — ўзимнинг жоним»; «Ўзини «ака» дер, Эчкисини «така» дер». Қуйидаги мақоллар билан эса худбинликнинг оқибати ёмон бўлажагини уқтириб, бу ёмон йўлдан қайтишга даъват этадилар: «Ўзинг ўзингга қарасанг, Ўзга сенга қарамас»; «Ўзингга қарама, Оламга қара!»

Ўзимдан чиққан балога, қайга борай даъвога?

Бу мақол ота-оналар тарафидан ноқобил фарзандлардан шикоят қилиб айтилади. «Ўзакдан чиққан ўт ёмон, Ўзингдан чиққан ёт ёмон»; «Ўзингники ўзагингни узади»; «Яхши ота — ёмон болага қирқ йил озиқ»; «Бир ота ўн ўғилни боқа олади, Ўн ўғил бир отани боқа олмайди»; «Ўглимнинг суюқ оши, Ичида қайроқ тоши». Халқ ўртасида бу мақолнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги ҳикоя бор: «Икки кўзи кўр бўлиб қолган бир кампир бўларкан. Келинининг феъли ёмон, кўнгли тор экан. Қайнонасига доим овқатни озгина ва суп-суюқ қилиб сузаркан-да, тўлиқ турсин деб, косасига бир япалоқ

қайроқ тош солиб келаркан. Кампир буни сезса ҳам, «Агар айтсам, бундан ҳам баттар қилади», деб ўйлаб, ўзини сезмаганга олиб, индамай овқатини ичаверарқан. Бир куни келини одати бўйича ичига қайроқ тош солинган косадаги овқатни кампирнинг олдига дўқ этиб қўйиб кетибди. Кампир озгинагина сузилган бу овқатни ичиб корни тўймабди-да, коса тагидаги қайроқ тошнинг юқи-юрумини тозалаб емоқ ниятида уни қошиқ билан у ёқдан — бу ёққа айлантириб, тақирлата бошлабди. Шунда ўғли хотинига қараб: «Ойимнинг қоринлари тўймаганга ўхшайди, яна сузиб олиб келиб бер», дебди. «Вой, оқи косани лиммо-лим қилиб берганман, шунга ҳам тўймабдилар-да, тавба!» деб хотини эринибгина ўрнидан турибди-да, қайнонасининг олдига бориб, секин қулоғига шивирлабди: «Ойи, ўсма қўясизми?» «Йўқ, болам, йўқ», дебди кампир овозини пасайтирмасдан. «Бўлмаса, сурма қўясизми?» дебди келини. «Вой, болам, йўқ дедим-ку». Шунда келин эрига қараб: «Ана, эшитдингизми, йўқ деяптилар», дебди. Келиннинг бу найрангини фаҳмлаган ва унинг икки юзламалигини, тилёғламалиги, айёрлигидан ҳайрон бўлиб ёқасини ушлаган кампир: «Ўғлимнинг суюқ оши, Ичида қайроқ тоши» деган экан...» Бу сўз халқ ўртасида мақолга айланиб кетган. Уни қайнона ўз бошига шундай ва шунга ўхшаш ҳоллар тушганда келинидан шикоят қилган тарзда қўллайди. Қарға айтган эмиш: «Бола-чақам ўсганда иссиқ гўнгга зор бўлдим» Мажозий маънода ўғил-қизлари катта бўлгач, қарамай қўйган ота-она томонидан нолиш мақомида айтилади. «Дарёнинг ирмоғи кўп, ўзига фойдаси йўқ»; «Эримнинг топганини ўйнаб ейман, Ўғлимнинг топганини ўйлаб ейман»; «Эримникига ҳокимман, Ўғлимникига боқимман» «Ўғлимнинг илик ошидан — Эримнинг урган тоши яхши», «Ўнта ўғлим бўлгунча, Битта чолим бўлсин» «Ўғилсиз ҳам йиғлайди, Ўғилли ҳам йиғлайди»; «Қарғай десам — ёлғизим, Қарғамай десам — ялмоғизим» (ялмоғиз — афсонавий махлуқ) У кишига назар ташласа, гўё кўзи билан еб қўйгудек бўлармиш. Бу сўзнинг кўчма маъноси — ёвуз ниятли, қаҳрли, шум, жуда зарарди одам, демакдир. Мақолда бу сўз шу кўчма маъносида келтирилган ва ноқобил фарзандга қаратилган. «Ердан чиққан ҳосилни копга солиб сотарсан, Ёмон чиққан ўғилни қайга бориб айтарсан?!»; «Дўстинг ёмон бўлса, кечиб кутуласан, Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб кутуласан, Хотининг ёмон бўлса, қўйиб кутуласан, Эчкинг ёмон бўлса, сўйиб кутиласан, Боланг ёмон бўлса, нетиб кутуласан?!» «Гўрингда сув чиқмасин, Уйингда қув чиқмасин». Дарди сирринг лоақал қилма вужудингга аён, Ўз вужудингдин чиқон душман иши душвор экан (Ҳамза)

Ўзинг кесган угра ош, айланиб ич, чайналиб ич!

Одатда бирор одам шўр ё бемаза овқат пиширсе келса-ю, уни ейишичишнинг иложи бўлмаса, пиширган одамга зарда қилиб: «Ма, ўзинг пиширган овқатни ўзинг ич!» дейдилар. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозда эса ёмон хатти-ҳаракати, гап-сўзи ёхуд ўзбошимчалиги окибатида бир ишнинг пачавасини чиқариб қўйган одамга қарата: «Буни ўзинг буздингми, энди ўзинг тузат!» деган маънода айтадилар. «Ўзинг ёққан ўтга ўзинг исин!» мақолини ҳам шунга ўхшаш маънода қўллайдилар. «— Кимларга ёрилай, кимга дардим сўзлай! Кимдан маслаҳат олай? Ким менга сирдош ҳам йўлдош бўла олади? Ўзинг пиширган ошни айланиб ҳам ичасан, ўргилиб ҳам ичасан, Сурмахон, ўзингдан ўтди, ўзингдан. Энди на тиним, на уйқу бор» (Б. Раҳмонов, Сурмахон)

Ўзинг ўйинда бўлсанг ҳам, ўйинг уйингда бўлсин.

Сўз ўйини асосида яратилган бу мақол билан: «Ўзинг ўйнаб юрсанг ҳам майли, ўйнайвер-у, аммо уйингни, оилангни, ота-она, хотин, болачақангни эсдан чиқарма, уларни

боқиш ҳамиша ёдингда бўлсин», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ўзингга раво кўрмаганни ўзгага ҳам раво кўрма.

Вар.: «Ўзингга соғинмаганни ўзгага соғинма»; «Ўзингга яхшилик тиласанг, кишига ёмонлик қилма». Халойиққа кўрма, қилиб бенаво, Ўзингга раво кўрмаганни раво (Навоий).

Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма.

Бу билан: «Ҳар бир нарсангни аввало ўзинг эҳтиёт қил. Бирор нарсангни йўқотсанг ё қўйган жойингни эслолмасанг-у, «Сен олгансан!» деб бировдан кўрсанг, бу туҳмат унга қаттиқ ботади, хижолатпазлик бўлади, ўртага совуқчилик тушади», демоқчи бўладилар. «— У ҳолда эшакнинг баҳосини биз тўлаймиз,— деди Навоий.— Лекин бундан кейин эҳтиёт бўлмоқ керак. Элнинг бир сўзи бор: ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма» (Ойбек, Навоий).

Ўзингда йўқ — оламда йўқ.

Кўпинча киши ўзида йўқ нарсани кимдан сўраса ҳам, йўқ бўлиб чиқаверади. Бу мақолда шу нарса уқтириладики, киши ўз эҳтиёжларини ўз меҳнати, ҳаракати, маблағи ҳисобига жамғариб, ҳозиру нозир қилиб қўйиши, бировдан ҳадеб ҳар бир нарсани сўрайвермаслиги, камроқ ва ёмонроқ бўлса ҳам, ўзида бор бўлган нарсадан имкони борича фойдаланиши лозим. Вар.: «Ўзингда бўлса эски элак, Ўзгадан сўрамоқ не керак?!»; «Бировнинг мис қозонидан — ўзингнинг қора қозонинг яхши»; «Қариндошимда бўлгунча, Чиғирдонимда бўлсин» (Бунда гап ёғ ҳақида кетяпти. Ўтмишда чўяндан қуйилган, сополдан, мисдан ясалган чиғирдонлар бўларди. Унга зигир ёғи солиб, ёғнинг ичига эса эшилган пахтадан ясалган пилта солиб, ёқардилар. Рўзғорда мабодо ёғ тақа-тақ тугаб қолгудай бўлса, бировдан «сарғайиб» сўраб ўтирмай, пиёздоғликка зарур бўлган бирикки қошиқ ёғни шу чиғирдондан олиб, ишлатиб турардилар. Мазкур мақол билан: «Ўзгина бўлса ҳам ўзингда бўлгани яхши. Бировлар, бегоналар тугул, хатто қариндошингдан ҳам арзимаган бир нарсани сўрасанг, аввало ўзинг хижолат тортасан, уяласан. Шунинг учун ўз эҳтиёжингни ўзинг таъминлаш ҳаракатида бўл», дейилмоқчи); «Ўзингда бўлса, тўрва кўтариб кўй кезма» (кўй — кўча, маҳалла); «Яхши қўшнингдан сўрагунча, Ёмон уйингдан қидир»; «Ўзингда бўлса — ошайсан, Қўшнингда бўлса — тилайсан»; «Ётга ялингунча, қора ерни тирмала» («Йўқ нарсангни ўзинг топишга ҳаракат қил, ер тирмалаб экин эк — қорнинг тўяди, нима қиласан бировга ялиниб?! дейилмоқчи); «Меҳнат қилсанг қирга, Қарам бўлмассан қўлга»; «Меҳнат қилсанг эринмай, Қорнинг тўяр тиланмай».

Ўзингдан ўтган айб, қаерга борсанг — ҳайб

(ҳайб — хайф, суф, эссиз). «Айбни ўзинг қилиб қўйсанг, додингни қаерга бориб айтсанг ҳам, жон қулоқлари билан тингламайдилар, шикоятингни инобатга олмайдилар, сени ёқлаб, бошингни силамайдилар. Негаки, айб ўзингда! Қилмишингга афсусланиб, пушаймон бўлиб, ўзўзингдан қийналиб, «ич-этингни еб» юраверасан. Шундай экан, аввало ўзинг айб қилма!» дейилмоқчи.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

Кишини камтар бўлишга даъват этувчи бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ва мазмундошлари бор: «Ўзгани бугдой бил, Ўзингни — сомон»; «Ўзга муштини емаган — ўз муштини ботмон дер»; «Тош тошдан баланд, Бош — бошдан»; «Ўзингни доно санама — сендан ҳам донолар бор, Ўзингни нодон санама — сендан ҳам нодонлар бор». Дали бўш келмади:— Сайрасин булбул, ўзингни эр билсанг, [illegible] шер бил,

Сен билан эртага беллашаман! (Ҳ. Ғулом, Танланган асарлар).

Ўйин билмаганга уй торлиги — баҳона.

Баъзи ношуд, нодон, бетамиз, бефаросат, қўлидан бир иш келмайдиган одам ўз айбини бўйнига олгиси келмай, ўзини оқламоқ учун турли хил «куракда турмайдиган» баҳоналар келтиради ё муваффақиятсизлигининг сабабини бировга тўнкайди. «Ўйин билмаганга этик қўнжи — баҳона» («Этикнинг қўнжи тор экан, оёғимни қисди, шунинг учун ўйнай олмадим, деб баҳона қилади», демоқчи); «Ўзолмаган отга узанги — баҳона»; «Отга минолмаган — узангидан ўпка қилган экан»; «Шайхнинг ҳунари бўлмаса — хонақоҳ танг» (хонақоҳ — масжиднинг намоз ўқиладиган кенг катта хонаси); «Қофия тор келса — хонақоҳ танг»; «Отолмаган овчи ёйидан кўради»; «Отолмаган — ёй танлар»; «Нон қийшиқ эмас, буғдойи қийшиқ» (Бунга шундай бир ҳикоя келтирадилар: «Бир ношуд хотин нон ёпган экан, нонлари тандирда турмай, бирин-кетин «оқиб» тушаверибди. Хотин уларни кул орасидан олиб, у ер-бу ерини тўғрилаб, тандирга қайта ёпиб, бир амаллаб пиширib келибди. Эри: «Ие, ёпган нонлариигнинг нега ҳаммаси қийшиқ?!» деса, у: «Нон қийшиқ эмас, дадаси, буғдойи қийшиқ экан», деб баҳона қилибди...»), «Ёколмаган — ўтинидан кўради, Қайтиб келиб хотинидан кўради». Биздаям... сув шараклаб оқиб ётгани йўқ. Лекин фермада ҳар йили дарахт ўтказилади! Отга минолмаган ношуд, узангидан ўпка қилган экан!... (С.Абдукаххор, Ҳаётнинг бошланиши).

Ўйиндан ўқ чиқади.

Вар.: «Ўйин туби — ўт бўлур»; «Ел сўнги — ёниш, ўйин сўнги — уруш»; «Ўйиндан ўймоқ чиқар, Қозондан — қуймоқ» (ўймоқ-ангишвона); «Ўлимнинг чочвоғи — ўйин»; «Ножўя ўйин синдирар бўйин». Бу мақоллар билан: «Бировга ҳазил-мазахни, қочирим гап-сўзни, ёлғондакам уриш-туртишни ҳам эви билан қилиш керак. Акс ҳолда бу ҳазилнинг таги зил бўлиб, уриш-жанжалга айланиб кетиши мумкин», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ўйламаган — ўкинар.

Мақолларда шу нарса такрор ва такрор уқтириладики, киши турмуш кечиришда ҳар бир ишни обдан ўйлаб, тадбиркорлик, омилкорлик билан бошидан пухта қилиши зарур, акс ҳолда оқибати яхши бўлмайди, ўзи пушаймон еб, аттанг деб қолади: «Кун ишини тун ўйла»; «Иш аввалин бир ўйласанг, Охирини беш ўйла»; «Бир соатлик тафаккур — Бир йиллик тоатдан афзал»; «Қўлинг билан қилар ишни бошинг билан ўйла»; «Ақлли иш — қанотли қўш»; «Қолипсиз ғиш(т) битмас, Режасиз иш битмас»; «Режали иш бузилмас»; «Етти ўлчаб, бир кес»; «Ўлчаган — ишин битказар, Ўлчамаган — кучин кетказар»; «Ҳар дарёнинг кемаси бор, Ҳар бир ишнинг чамаси бор»; «Улгусиз иш ўнгалмас» (ўлгу, улгу — намуна, андаза, мезон, ўлчам, вази, режа); «Улгусиз иш битмайди», Эринчоқнинг қўли етмайди»; «Ўйламай уринмоқ — мияга тўқмоқ»; «Ўйлаб қилинган иш битар, Ўйламай қилинган иш йитар»; «Ўйламай қилган ишингда, Кунда ғавғо бошингда»; «Ўйламай қилинган иш, Бошга келтирар ташвиш»; «Ўй ўйласанг, кенг ўйла, Олди-кетин тенг ўйла»; «Кенг ўйлаган кам бўлмас»; «Кўп ўйнасанг бола бўласан, Кўп ўйласанг доно бўласан»; Кўп ўйнасанг — кўп куюнарсан, Кўп ўйласанг — кўп суюнарсан»; «Кўп сўйлаган — ўлар, Кўп ўйлаган — бўлар»; «Ўйна болам, ўйна, Ўйла болам, ўйла!» (Бу билан ота-она тилидан: «Болам, майли ўйнасанг ўйнайвергин-у, аммо айни чоғда уй-жойинг, турмушинг, келажагинг ҳақида ҳам ўйла, бош қотир, қайғур!» дейилмоқчи).

Ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан.

«...Арбоб сўзи илгари бошқача маънода бўлган: Бухоро хонлигининг

сугорма жойларида бутун бир райондаги суғориш ишларини назорат қилиб турган мансабдор шахс арбоб дейилган; мироблар ва сув ишлари билан машғул бўлган бошқа шахслар арбобга бўйсунган. Тоғли районларда эса, сайлаб қўйилган қишлоқ оқсоқоллари арбоб деб аталган. Судлов, ясовулчилик (полиция) ишларини амалга ошириш, аҳолига маъмурий йўл билан таъсир кўрсатиш арбобнинг ихтиёрида бўлган. Арбоблар ер сотиш, мерос бўлиш пайтида «инъомлар» олиб турган» (С. Қораев, География номлар маъносини биласизми?). Қишлоқда корандалар — яъни ҳосилнинг чорагидан тортиб ярмигача бўлган қисминигина олишга, қолган қисмини ер-сув эгасига (арбобга) бериш шарти билан байлашиб ишловчи деҳқон ҳосилнинг тегишли қисмини, турли хил солиқларни ўз вақтида тўламаса, тўлашдан бош тортса ё арбобга қарши хатти-ҳаракат қилса, қаттиқ-қурм гапирса ва ҳ.к.— ҳоли харобе бўларди: ер-сувдан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этилар, хонавайрон қилинар, бало-казоларга гирифтор этилар эди (М. А. Абдураимов, Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI — первой половине XIX века). Мазкур мақол дастлаб шунга қарата айтилган бўлса ҳам, кейинчалик: «Умуман ўзингдан хоҳ моддий, хоҳ жисмоний, хоҳ маънавий жиҳатдан кучли бўлган, амалмартабаси сендан юқори турадиган кишилар билан асло олишиб-тортишма. Акс ҳолда ўзингга чатоқ бўлади. Улар сени ҳар қандай йўл билан эзиб-янчиб, пачавангни чиқариб ташлайдилар», деган маънода қўлланадиган бўлиб кетган. Вар.: маънодошлари: «Кучли билан курашма»; «Кучли киши чалиб ҳам йиқади, олиб ҳам йиқади»; «Тиғ бетига мушт урма»; «Елга қарши тупурма — ўзингга қайтади»; «Осмонга тупурсанг, юзингга тушар»; «Осмонга отган тошинг, Қайтиб тушиб ёрар бошинг».

Ўлармон ҳўкиз болтадан тоймас.

Нафси бузуқ, очкўз, суқатой, сулло̆қ, шунингдек бир нарсага ўта берилган, муккасидан кетган одамларни «ўлармон» дейдилар. Мақолда: «Очкўз ҳўкиз ўлдираман деб болта кўтариб борсанг ҳам, емга интилишини қўймайди», дейилмоқчи. Мажозий маъноси: «Ўлармон одам ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди, уятни, ор-номусни билмайди, ўлган-тирилганига қарамай ҳаракат қилаверади». Шунга ўхшаш маъноларда қўлланиладиган қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Ўлар тўнғиз қайноқ сувдан тап тортмас»; «Ўлармоннинг кўзи ёмон»; «Ўлармоннинг ўзидан қўрқма, кўзидан қўрқ»; «Ўлармоннинг жони — савил» (савил — қаттиқ); «Ўлармон ўз увадасига ўралиб ўлади» (бу мақолда «ўлармон» деганда ута зиқна, хасис, бор нарсасини ўзгалар тугул ўзидан ҳам қизганадиган, «тишининг кирини сўриб тирикчилик қиладиган» одам назарда тутилган ва: «бундай ўлармон емай, ичмай, киймай, қўлидаги бор маблағини яхши овқат ейишга, яхши кийим кийишга сарфлашга кўзи қиймай, жулдирвоқи кийим-кечагида исқирт бўлиб, увадасига ўралиб, ахири бир кун ўлиб кетади», демоқчи бўлинган)

Ўлганнинг устига — тепган.

Ҳаётда баъзан шундай ҳоллар бўладики, киши ўлгудай қийналиб, ҳорибчарчаб, танг ҳолга тушиб турган бир пайтда бошқа бир одам келиб, уни баттар қийинроқ бир ҳолга солиб қўяди, уни юпатиш, ҳамдард бўлиш, кўнглини овлаш, ёрдам қўлини чўзиш ўрнига дилига озор беради, сўкади, ҳақоратлайди, асабини бузади. Шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда айтиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ва маънодошлари бор: «Ўлдирганнинг устига — ўн таёқ»; «Ўлдиргани — бир сари, Тепгани — бир сари»; «Ўлганнинг устига — кўмган»; «Ўлгани — ўлгани, кўзини қарға чўқигани»; «Йиқилганнинг устига — юдурук»; «Ўлгандан — хўрланган ёмон»; «Кўрликка тузиб бўлади, Хўрликка тузиб бўлмайди» (тузмоқ — бу ерда «чидамоқ» маъносида).

Ўлик бўлиб гўрда йўқ, тирик бўлиб тўрда йўқ.

Вар.: «На дон, на сомон»; Хеч бир ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган, ношуд, эпсиз, оиласи у ёқда турсин, ҳатто ўз томоғини ҳам тоиб ея олмайдиган одамни мазах-масхара қилганда шундай дейдилар. (Абдураҳмонбой:) «Ўлик бўлиб гўрда, тирик бўлиб сонда йўқ, деб шуни айтар экан, Мирзақул. Икки жаҳон овораси бўлиб қолдик» (Н. Сафаров, Танланган асарлар).

Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи.

Фарзанд — оиланинг қувончи, ота-онанинг таянчи. Шунинг учун ота-боболар ўз мақолларида эр-хотинга фарзандларни кўпайтиришни ва бу билан жамиятнинг тараққиётига ҳисса қўшишни тавсия этганлар: «Давлатнинг боши — фарзанд»; «Кўй қўзичоқ билан чиройли, Хотин — чақалоғи билан»; «Хотинни яхши кўрсатган — қўлидаги боласи, Дарахтни яхши кўрсатган шоҳидаги меваси»; «Йигитнинг чироғи — ўғил билан қиз»; «Ўттизга кирган йигитнинг ўтин олгудай ўғли бўлсин»; «Қизи борнинг бахти бор, Ўғли борнинг тахти бор»; «Ўғилли уй — фариштa, Қизли уй — сариштa»; «Ўғил билан қизинг — бамисоли икки кўзинг»; «Ўғил — уйнинг булбули, Қиз — уйнинг гули»; «Ўғил — қанотли от бўлса, Қиз — қанотли қуш»; «Боласи кўп — буюк бой, Боласи йўқ — қуруқ сой»; «Боласизнинг моли увол, Имонсизнинг — жони»; «Қулунли бия — бўтасиз туядан яхши»; «Боланинг йўғидан бори яхши, Очидан тўқи яхши»; «Хотинсиз ўтиш — хато, Боласиз ўтиш — жафо»; «Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, Қизи йўқнинг қадри йўқ»; «Ўрада ёт-да, ўғил туғ» (ўрада — ёмон, хароб уй-жой, кулба); «Ўғлинг тентак бўлса ҳам, омон бўлсин»; «Кийимнинг ёмон-бўлса ҳам ёгингга ярайди, Боланг ёмон бўлса ҳам бир кунингга ярайди»; «Қийшиқ бўлса ҳам йўл яхши, ёмон бўлса қам — ўғил»; «Туғиладиган болага тўғоноқ бўлма»; «Болали уйдан бахт аримас»; «Болали уйдан ризқ аримас»; «Тўрт ўғилли — тўра хотин»; «Олти ўғилнинг — олти аршда моли бор»; «Бола бўлса, бешик топилар»; »Қўй эгиз тугса, чўпнинг боши айри тушади» (чўп — ўт-ўлан); «Оғилда ўғлоқ туғилса, адрда ўти униб чиқади» (ўғлоқ — эчкининг эмизикли боласи). Халқимизнинг бу уч мақолида «Болам кўпайиб кетса, уларни боқишга қийналиб қоламан, деб қайгуриб юрма, ҳар бир боланинг ўз ризқи бор», дейилмоқчи. «Ғам емагил бешикдан, Ризқи келар тешикдан».

Ўрганган кўнгил қўймас.

Вар.: «Ўрганиб қолсанг бегонанинг ошига, Кунда борурсан анинг қошига»; «Тегирмонни ялашга ўрганган ит одатини ташлаши қийин». Бу мақолларни тамагир, юлғич, очкўз, суллоҳ, ҳамиша бировдан бир нима ундиришнинг ўйида ва қўйида юрувчи одамларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўллайдилар.

Ўрганиш осон, ўргатиш қийин.

Вар.: «Ўрганиш яхши, ўргатиш ундан яхши»; «Ўрганиш — бир ҳунар»; «Аввал ўрган, кейин ўргат»; «Билдириш учун билган бўлиш керак»; «Таълим бериш учун таълим керак»; «Билимлининг билими юқар, Билимсизнинг ирини юқар» (ирин — жирканч, расво, хунук сўз, қилиқ, одат, хатти-ҳаракат). Мазкур мақоллар билан: «Ўқитувчи, устоз, мураббий бошқаларга бир нимани чинакамига ўргатмоғи учун аввало ўзи ўқиб-ўрганмоғи, ўзи ибратли бўлмоғи, таълим-тарбия беришда, ўқитиш-ўргатишда сабр-чидамли бўлмоғи зарур», демоқчи бўладилар.

Ўрдак билан топишган хўрознинг катагини сув босади.

Бу тамсилий мақолни мажозан қуйидаги маънода айтадилар: «Хўроз қуруқликда яшайди, ўрдак — сувда. Агар хўроз товуқни қўйиб, ўрдак

билан топишиб қолса, унинг раъйига юриши, унинг кўнглини оламан, уни сув билан хурсанд қиламан деб, катагини кўл қилиб қўйиши керак бўлади. Шунингдек, эр киши ҳам ўз тенг-тушини қўйиб, олифта, сатанг, ойимтилла, пардоз-андозга берилган, «қўлини совуқ сувга урмаси келмайдиган», «пух-пух», эркатой хотин-қизга кўнгил қўйиб, унинг «отагини ушлаб» кетгудай бўлса, холи хароб бўлади, бор буди-шудидан айрилади». «Ўз товуғим чақирса, қайга қараб қичқирай?» деган мақол ҳам борки, унинг келиб чиқиши халқ ўртасида айтиб юриладиган қуйидаги насрий масалга боғлиқ: «Эмиш, бир тўп ўрдак, ғоз, хўроз, товуқлар бир хонадон қўлида боқилар экан. Улар бир-бирлари билан тотув яшар эканлар. Бир кун бир мода ўрдак хўрозни имлаб чақирибди. Буни фаҳмлаган товуқ хўрозни «бу ёққа кел!» деб, зарда билан чақира бошлабди. Шунда икки ўртада ҳайроналикда қолган хўроз: «Ўз товуғим чақирса, қайга қараб қичқирай?» деган экан...» Бу мақолнинг замирида ҳам, «пардали сўз» бўлиб: «Киши ўзининг жуфти-ҳалоли бўлатуриб, бошқа ножинсларга кўз ташламаслиги, кўнгил қўймаслиги даркор», дейилмоқчи.

Ўт билан ўйнашган — ёнар.

Вар.: «Ўтни ким тутса, ўша куяди»; «Ўт билан ўйнашма — ёнарсан, Қуён билан қувлашма — толарсан»; «Ўт билан ўйнашма, Шамол билан муштлашма»; «Ўт билан ўйнашмоқ — тентакнинг иши, Юрт билан ўйнашмоқ — ахмоқнинг иши»; «Халқ тинчлигин бузган — омон қолмас»; «Қилич кўтарган — қиличдан ўлади ҳам»; «Наизагирнинг ўлими — наизадан»; «Бало қувган — балога йўликади». Ота-боболар бу мақоллари билан уруш бошлаганларнинг ўзи ўлимга юз тутиши мукаррарлигини уқтирганлар. «(Маткул):.. Булар халқ билан ўйнашади. Ўт билан ўйнашади. Ўт билан ўйнашган ёнади» (И. Султон, Асарлар).

Ўтган ишга ўкинма.

«Ўтганга ўкинма, Келажакдан чекинма»; «Ўтиб кетган умрнинг кетидан ўпкалама»; «Ўтган ишдан тузи яхши»; «Бўлар иш бўлди, Бўёқ хуми синди»; «Ўтган ишга — салавот»; «Қолган ишга — баракот» (салавот — кечириш, гуноҳидан ўтиш). Бу мақоллар билан: «Киши ҳаёт кечираркан, ҳар бир нарса учун куйиб-пишиб, ўкиниб, афсусланиб, қайғуриб, «ич-этини еб», пушаймон бўлиб, асабланиб юрмаслиги лозим. Аниқса, ўтиб кетган нохуш, кўнгилсиз воқеа-ҳодисалар, гап-сўзларни деб ич-ичидан эзилиб, ўкиниб, ўз-ўзини қийнаб юрмай, уларни унутишга ҳаракат қилиши ва энди бундан буён бўладиган ишлар тўғрисида ўйлаши, шунга қараб интилиши, унинг яхши, кўнгилдагидек бўлишини кўзлаб иш юритиши зарур», деган маънода насиҳат қиладилар. — Ўрмонжон, ўғлим, бола бечорага бир ёрдам қилгин, ўтган гапга салавот (А. Қаҳҳор, Қўпчинор чироқлари).

— Ке, қўй, Қаршивой! Ўтган гапга салавот. Бўлар иш бўлди, бўёғи синди — деди Ҳаққул ота қўл силтаб (Ҳ. Назир, Сув гадоси).

Ўтган умр — куйган кўмир.

Вар.: «Ҳаёт ялтироқ, умр қалтироқ»; «Ўтган умр — отилган ўқ»; «Умр — ариқдан оққан сув»; «Ариқ бўйида ўтириб, умрнинг ўтишини кўр»; «Томчининг ҳар «чиқ» этгани — Бир кунлик умрнинг кетгани»; «Умрим умр бўлди, Соқолим кўмир бўлди»; «Умр ўткинчи меҳмон, Семизлик — одамга душман» (булар билан: «Кишининг ўтган умрини асло орқасига қайтариб бўлмайди, бамисоли куйиб кул бўлган кўмирни асли ҳолига қайтариб бўлмаганидек ёхуд отилган ўқни, оқиб ўтган сувни орқасига қайтариб бўлмагандек. Бас шундай экан, умрнинг ҳар бир куни, ҳар бир лаҳзасидан имкони борича унумли фойдаланиб қолиш, уни асло ва асло зое ўтказмаслик зарур», деган маънода насиҳат қиладилар); «Туғилган ой — тўғрал-

ган мой («Тўғралган мой иссиқ кунда ёхуд қозонда тез эриб кетгани каби, туғилган ой (яъни, энди бошланган ой) ҳам тезда ўтади-кетади. Шунинг учун вақтни ниҳоятда ғанимат бил», дейилмоқчи); «Умр темир бўлса ҳам, бир кун эрийди»; «Синмаган соп қолмас, Йиртилмаган қоп қолмас»; «Ўтганни қайтариб бўлмас, Ўлганни — тиргизиб»; «Ўлган келмас, Ўчган ёнмас»; «Ўтган куни эртан топиб бўлмас»; «Ўтган кун топилмас, Келар кун сотилмас»; «Умр қарзга берилмас, Олтинга сотилмас»; «Вақт билан умр — эгизак»; «Вақт қадрин билмаган — умр қадрин билмас»; «Дам — бу дамдир, Ўзга дамни дам дема»; «Ғанимат тут бу дамни, Яна бу дам топилмас». «Эй Навоий: «Дам бу дамдур — тут ғанимат, бода ич, Ўзга бир дамга етар-етмаска чун воқиф эманг» (Навоий). «Ғанимат тут жамоли ҳусни даврин Масалдурким: «яна бу дам топилмас» (Отойи).

Ўтмас пичоқ қўл кесар.

Бу мақол мажозан: «Киши писанд қилмаган, назарига илмаган, «ҳа, бу нима ҳам қила оларди?!» деб ўйлайдиган нарсадан ё кимсадан кутилмаганда зиён-заҳмат кўради, шикастланади», деган маънода қўлланилади. Мақол кўпинча эҳтиёткорликка ундаб айтилади.

Ўттиз икки тишда —ўттиз икки иш бор.

Бу билан: «Гўдаклик давридан ўтиб, катта бўлиб, ўттиз икки тишинг бутун чиқиб бўлганидан кейин, анча-мунча нарсага ақлинг етадиган бўлиб қолади. Энди ёш бола эмассан, энди турмуш тўғрисида, уни яхши кечириш ҳақида ўйла, бош қотир, шунга кўра иш юрит», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ўхшатмасдан учратмас.

Эр билан хотиннинг (шунингдек, қудаларнинг, икки дўстнинг ва ҳ.к.) характери ҳар жиҳатдан бир-бирига мос тушса, яъни уларнинг иккаласи ҳам хушфеъл, хушмуомала, сахий ё бахил, очкўз, уришқоқ, ичи тор, қўполсўз, ғийбатчи, ғаразгўй ва ҳ.к. бўлса. шу мақолни истеҳзо билан айтадилар. Вар.: «Тенг этмай, дуч этмас»; «Эр-хотиннинг лойи бир ердан олинади»; «Бир ошганга — бир тошган» (Бу кейинги мақолни эр-хотиннинг иккаласи ҳам ҳовлиқма, тез, мақтанчоқ, «қуруқ аравани олиб қочадиган» ва ҳ.к. бўлса, уларга қарата истеҳзо тариқасида қўллайдилар). «Ўхшатмагунча учратмас, дегандек, хотини ҳам худди ўзига ўхшаш узун бўй қотмадан келган, қорачагина жувон» (С.Абдуқаҳҳор, Санамай саккиз дема).

Ўқи ўзганнинг уни ўзар

(ун — товуш, овоз). Бу мақолнинг келиб чиқиши ўқ отиш ўйини билан боғлиқ. Ўтмишда болалар тол ё олча новдасини оқлаб, учига қуш патини ёпиштириб, ўқ ясаб, «кимнинг ўқи ўзар»га ўйнардилар. Бунда беш-ўн бола ўз ўқини қўл билан силтаб ё камон билан отарди. Кейин ҳаммалари ўқ тушган ерга югуриб бориб, қарардилар. Ўқи энг олдинга ўзиб тушган бола кейинда қолган бошқа ўқларнинг ҳаммасини йиғиштириб, ўзиники қилиб оларди. Бунга ютқазган болалар бир нима деёлмай, тан берардилар... Шунингдек, ўтмишда шоҳлар, хону-беклар иштирокида мерганларнинг ўқ отиш ўйинлари ҳам бўларди. Бунда кимнинг ўқи ўзган бўлса, унга инъом ва «Ўқи ўзган» деган ёрлиқ бериларди. Бундан мерган бошқалар орасида имтиёзли бўлиб, ҳар бир кимса унинг ҳурматини бажо келтиришга мажбур бўларди. «Ўқи ўзган» мерганнинг кўпчилик ўртасида юзи ёруғ, эътибори баланд, «тили узун» бўларди... Шундан келиб чиққан мазкур мақол кейинчалик мажозий

маънода қўлланадиган бўлиб кетган. Одатда бирор ишни қойил қилиб қўйган одам кўпчилик ўртасида бош кўтариб, ёруғ юз билан, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиб юради, гапирадиган гапини ҳам дадил-дадил айтади. Унинг айтган сўзини ерда қолдирмайдилар, рад этмайдилар, бажо келтирадилар, қисқаси унинг «тили узун» бўлади. Юқоридаги мақолни шундай ҳолга қарата айтадилар, шунингдек: «Ҳар бир ишни қойил қилсанг, эл-юрт ичида обрў-эътибор қозонасан, юзинг ёруғ тилинг узун, қўлинг баланд бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ўқиган ўқдан ошар, ўқимаган турткидан шошар.

Инсон ўз умрини мазмунли ва маъмур-чамур ўтказиши учун аввало ўзини ўраб турган борликни била билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши даркор. Бунинг учун эса илм олиши, ҳунар эгаллаши зарур. Оламда илмдан қудратлироқ куч йўқ. Халқ илмнинг куч-қудрати нақадар буюк эканлигини асрлар оша ўз тажрибасидан ўтказиб келган. Илм зиёси сари интилган, жаҳон маданиятининг равнақи учун олам ичра донг таратган буюк олим ва мутафаккирлар етиштириб чиқарган ўзбек халқи ўзининг кўпдан-кўп мақолларида илмни ва илм эгаларини, ақлни ва ақл эгаларини юксак даражада мадҳ этади; уларнинг ҳаётдаги ютуқларини кўрсатади; илмсизлик, жоҳиллик, ақлсизлик, фаросатсизлик, нодонликни қоралайди; буларнинг ҳунук оқибатларини тасвирлайди ва кишини илм олишга, бу йўлда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликларга бардош беришга даъват этади: «Илм — ақл чироғи»; «Илм бахт келтирар, Билим тахт келтирар»; «Ўқиган ўғил — отадан улуғ»; «Олим бўлсанг — олам сеники»; «Олимга олам ёруғ»; «Доно ҳар ерда ҳурматда, Нодон ўз элида кулфатда»; «Мулла бўлдинг — тилла бўлдинг»; «Ўқиган ўқдан ўзар, Ўқимаган кулдек тўзар»; «Ўқиганнинг ошиғи — олчи»; «Билимлидан ақл чиқар, Ақллидан нақл чиқар»; «Олтин — илм олдида дарёдан томчи»; «Олтин ерда қолса ҳам, Билимли ерда қолмас»; «Билим — булоқ»; «Билим — давлатдан қиммат»; «Давлат тугар, билим тугамас» (давлат — бу ерда «мол-дунё, бойлик» маъносида келтирилган); «Севинмагил мол-таварингга, Севингил билим-ҳунарингга» (Тавар — қадимий туркий сўз — мато, мол) (Маҳмуд Қошғарий, Девону луғотит турк). «Куч — билимда, Билим — кучда»; «Эр кўрки — билик, Суяк кўрки — илик»; «Билармоннинг мушкули ечилмай қолмас»; «Билаги зўр бирни йиқар, Билими зўр мингни йиқар»; «Билимли аёл — эр, Билимсиз эр — аёл»; «Билишим, билишимга тушар бир ишим»; «Билимликнинг билими юқар, Билимсизнинг нимаси юқар?!»; «Билак билан битмаган — билим билан битар»; «Билимли — олим, Билимсиз — золим»; «Илми йўқнинг — кўзи юмуқ»; «Билимлининг йўли нур, Билимсизнинг кўзи кўр»; «Билган билганин сўзлар, Билмаган ёлғонни кўзлар»; «Илмсиз бир яшар, илмли минг яшар»; «Илмсиз киши ўлимга яқин»; «Ўқимаган — яланг оёқ, Баайни бир қуруқ таёқ»; «Ўқиганнинг тили икки»; «Билимсиз тўлиб сўзлар, Билимли кулиб сўзлар»; «Фил учмайди, мулла учиради»; «Илми ҳикмат сувни ёндирар»; «Одамга — ўқимоқ, уқмоқ, эртангини тўқимоқ, Ҳайвонга — емоқ, ичмоқ, подага бормоқ, келмоқ»; «Киши кийими билан эмас, билими билан — киши»; «Илм-ҳунарнинг пушаймонлиги йўқ»; «Илм ҳам бил, Билим ҳам бил»; «Олимлик ҳам — ошиқлик» (Бу билан: «Тоққа чиқмасанг — Дўлона қайда, Жондан кечмасанг — жонона қайда» дегандек, илм олишга ҳам киши ишқу ҳавас қўймаса, жону дили билан берилмаса — фойдаси йўқ», дейилмоқчи); «Ўқиш — жафоли, кети вафоли»; «Учишга қанот керак, Ўқишга — тоқат»; «Илм олмоқ — игна билан қудуқ қазимоқ»; «Ҳар кимнинг иши эмас улоқ уламоқ, Мадрасага бориб тупроқ яламоқ» («Ўқиш, илм олиш — осон эмас, унга ҳар ким ҳам чидайвермайди», дейилмоқчи); «Ўқимай мулла бўл-

мас, Чўқимай қарға бўлмас»; «Илгинг қуриса ҳам, илм йўлидан қолма»; «Илм ҳазинни ёктирмайди»; «Ўқиган — ўқиган эмас, Уққан — ўқиган»; «Ўқиган — яхши, Уққан — ундан ҳам яхши»; «Ўқиб билмаганни уқиб билса бўлади»; «Ўқиш билмасанг — уқиб ол, Кулоғингга тақиб ол»; «Уқмаган — уятга қолар»; «Уқуви бор улғаяр, Уқуви йўқ сарғаяр»; «Илм — қоғоз ҳатида эмас, Мия қатида»; «Деҳқон бўлсанг шудгор қил, Мулла бўлсанг такрор қил»; «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур»; «Билимли ўлмас, Билимсиз кулмас»; «Билими бор ҳар балодан қутилар, Билими йўқ минг балога тутилар»; «Ўқисанг — ўзарсан, Ўқимасанг — тўзарсан»; «Ўқиш хомни пиширар»; «Билимлининг гапи ўнг, Билимсизнинг гапи тўнг»; «Ёшли бўлса — йўлдан адашмас, Улги бўлса — сўздан адашмас» (улги — кишининг бошқалар ўрнак оладиган, бошқаларга ибрат, намуна бўладиган ижобий хусусияти); «Билган — янглишар, Билмаган — адашар»; «Торсиз дуторнинг уни чиқмас» (Бу мақолни кўпинча: «Зотида илм-билими йўқ одам билимдонлар даврасида гапиролмай, гапга аралаша олмай, жим ўтиради, деган маънода қўллайдилар); «Тўқиган билмас, уқиган билар»; «Ўқиган — нур, Ўқимаган — кўр»; «Ўқиган — гулистон, Ўқимаган — гўристон»; «Ўқиган — ёруғ, Ўқимаган — чоруғ»; «Оз билганнинг чаласи кўп»; «Чаласаводнинг тагидан чириги чиқади»; «Чаласавод — чирик равот» (равот, работ — соқчилар турадиган мустаҳкамланган кўрғонлар; бир-биридан маълум масофада жойлашган истеҳком, кўрғон; савдо йўлларидаги мустаҳкамланган мазгил, карвонсарой); «Тешик идиш сувда билинар» (Бу билан мажозан: «Илм-билими йўқ одам кези келганда маълум бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Пилиги йўқ чирок ёримайди, Билиги йўқ йигит ярамайди»; «Жоҳиллик — жон азоби»; «Жоҳилликдан жон чиқар, Кобилликдан донг чиқар» (жоҳил — жаҳолатда қолган, илм-маърифатдан маҳрум, маданиятсиз, нодон; кобил — қобилиятли, лаёқатли); «Билган — ўқир, Билмаган — тўқир»; «Билмаган — айб эмас, Билишга тиришмаган айб»; «Билмаганни сўраб ўрганган — олим, Орланиб сўрамаган — ўзига золим»; «Ўрдак бўлмай гоз бўл, Билим олиб соз бўл»; «Илм олишнинг эрта-кечи йўқ»; «Бешикдан чиқиб, тешикка киргунча илм ол» (тешик — гўр). «Таълим — йўлга юргунча эмас, Гўрга киргунча»; «Юз йил яшасанг юз йил ўқи!».

Ўғлинг гап уқмаса, келинингга уқтир.

Халқимизда «Эр хотинининг тахт-занжирида бўлади» деган гап ҳам бор. Хотининг сўзи эрга таъсирчан бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур мақолда: «Келинингга уқтир, келининг ўғлингга уқтира олади, гапини ўтказа олади ҳам», дейилмоқчи.

Ўғил бўлсин, қиз бўлсин, қўлоёғи тез бўлсин.

Бу билан: «Фарзандинг хоҳ ўғил бўлсин, хоҳ қиз бўлсин — бундан қатъи назар, чаққон, эпчил, ҳаракатчан, меҳнатсевар, сергайрат, уддабурон, зеҳни ўткир ва ҳ. к. бўлса — қандай яхши! Ўғил-қизинг бўш-баёв, ишёкмас, дангаса, эпсиз, «тепса тебранмас», сўтак ва ҳ. к. бўлса — бундан ёмони йўқ», дейилмоқчи.

Ўғил еб ўрға кетар, қиз еб кирга кетар.

Бу мақоли билан халқ: «Ўғил-қизингни боқиб катта қиласан, улар ейди-ичади-да, воясига етгач, уйлангач, турмушга чиққач, ўзича алоҳида турмуш қуриб кетади, сен қолаверасан. Тўғри, ўғил-қизни боқиш, уларга қалб ҳароратингни, меҳринг бўлоғини, кўзинг нурини, диққат-эътиборингни, тонган-тутганингни бахш этиш — сенинг муқаддас бурчинг. Аммо, бир марта

кечирадиган умрингни батамом уларга бағишлаб, фақат уларни деб ўтказиб юборма, ўзингни ҳам бундоқ ўйла, сиҳатингга қара», деган маънода ота-онага насиҳат қилади. Вар.: «Ўғил — уйлангунча ўғил, қиз — чиққунча қиз»; «Палапом воясига етгач, уясини ташлаб кетади» (палапом — учирма қанот бўлган қуш боласи. У учиш қобилиятига эга бўлгач, тухумдан очиб чиқиб воясига етган уясини тарк этиб, бошқа ёққа бориб уя қуради ва мустақил ҳаёт кечира бошлайди. Мазкур мақолда шу ҳол мажозан ўғил-қизнинг келгусидаги хатти-ҳаракатига ташбиҳ этилган); «Қиз етилиб, қирғоққа кетар, Ўғил етилиб, йирокка кетар»;

Ўзунг сизғирурсан ўғил-қиз тею,
Бу эмгак билигли ўғил-қиз қаю,
Терирсан ҳарамиғ, барирсан қалир,
Сан инжик лю бар, ул арзу ею.

Мазмуни:

Ўғил-қиз дея қийналар эр жони,
Бу кулфатни билган ўғил-қиз қани,
Тарарсан ҳаромни, ўларсан, қолар,
Фароғатда ўтсин ҳаётинг куни.

Ўғил-қизнинг савдоси, кетга тегди новдаси

(савдо — совдо — ўғил-қиз туфайли бошга тушган ташвиш, ғам-ғусса). Бу мақолни ота-оналар: «Ўғил-қизингни не-не машаққатлар билан боқиб ўстирасан. Бу ҳам етмагандай, улар катта бўлганидан кейин ҳам уйли-жойли қилиш, мустақил ҳаёт кечиришнинг чинакам йўлига киргизиб юбориш, ўглинг билан келининг, қизинг билан куёвинг ўртасида бўлиб турадиган англашилмовчилик, келишмовчилик, гинахонлик, кўнгил совушлик, низо ва уриш-жанжалларни бартараф этиб, яраштириб, келиштириб қўйиш ва ҳ.к. йўлида қанчадан-қанча машаққатлар, изтироблар чекасан, ҳатто бундай қиламан деб одамлардан таъна-тазаррулар ҳам эшитасан, уятли, шармандали ҳолларга ҳам дуч келасан...» деган маънода айтадилар.

Ўғрилик, ўғирлик туби — хўрлик.

Бир туркум мақолларда ўғрилар жамиятнинг ашаддий душмани сифатида қораланади, уларнинг бутун кирдикорлари, хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори ёвуз нияти очиб ташланади ҳамда улар айрим шахсларнинг ва жамиятнинг мол-мулкини талон-торож қилганлари билан, барибир барака топмасликлари, бойиб кетмасликлари, аксинча бир кунмас-бир кун қилмишларига яраша жазосини тортажаклари кўрсатилади: «Ўғирликка қўл ўрганса, Ақл унга йўл ўргатар»; «Ўғирликнинг боши — бир тухум»; «Тухум ўғирлаган — товуқ ҳам ўғирлар»; «Бузоқ ўғирлаган — сигир ҳам ўғирлар»; «Ўғирлик кўздан бошланар, Тўғрилик — сўздан»; «Ўғрининг кўзи — ўлжада»; «Ўғри кўзига ўзга моли олтин уймак кўринар»; «Ўғри кирар жойини эмас, Қочар жойини кўзлайди»; «Айёр сичқон икки тешик тешар» (Бу билан: «У шунчалик айёрки, «кирган жойимни кўриб колган бўлсалар, донни ўғирлаб қайтиб чикаримда ушлаб оладилар, деган хаёлга бориб, қочиб кетиши учун бошқа тешик тешади», демоқчи бўладилар); «Уста ўғри ҳам, копини ола қочади»; «Ўғрининг кўнгли гумонда»; «Ўғри итнинг куйруғи қисиқ бўлади»; «Ўғри — тун ошгунча, Бўри — дўнг ошгунча»; «Тун ўғрисиз бўлмас, Тоғ — бўрисиз»; «Тоғ бўрисиз бўлмас, Эл ўғрисиз бўлмас»; «Ой ёруғи ўғрига ёқмас»; «Ўғри ойдиндан қўрқади»; «Кўршапалак ёрғликни ёктирмас» (Бунда ишини тун қоронғисида битирадиган ўғри ўз тирикчилигини қоронғида ўтказадиган кўршапалакка ташбиҳ этилган); «Сенгаменга кун ботса, Кўршапалакка кун туғар»; «Япалоққа кундан тун ёруғ» (япалоқ — бойўғли, бойқуш). Ўғри, қароқчи, хиёнатчи, жиноятчи, қора ниятли одамларни шу қушга ташбиҳ этадилар. «Ўғри мушук кунда ухлаб, тунда кезар»; «Ўғри ўғри билан қоронғи кечада топишади»; «Ўғри

ўғрини қоронғида танийди»; «Песпес билан қоронғида топишади» (Бунда «пес» деганда ўғри, қароқчи, хиёнатчи, жиноятчи, хуфёна иш кўрувчи, ярамас шахслар назарда тутилади); «Икки кирчанғи бир тўқайда топишар» (кирчанғи — кўтир, дирдон от). Мажозда ифлос, ярамас шахсларга ташбиҳ этадилар; «Шум шумни намозшомда топади» (намозшом — қуёш ботиб, қоронғу тушган пайт); «Ит ошиндда топишар»; «Қора бўлмаган киши қоронғида юрмас»; «Ўғри бекитиб олар, Қароқчи — қўрқитиб»; «Ўғри том тешади, Қароқчи йўл тўсади»; «Ўғри ўғрига — холаванча» (холаванча — бир-бирига шерик, бир-бирини қўллаб-қувватловчи маъносида); «Тулки, қарсоқ ини бир, Ғар-ўғрининг тили бир»; «Ғийбатчининг дили кир, Ғар-ўғрининг тили бир»; «Ўғрининг хотини ўзига лойиқ»; «Ёмон ўғри ёнидагин қармалар» (қарналамоқ — чўнтак кавламоқ); «Ўғридан ботир чиқса, чодирга қараб от қўяди»; «Осилган ўғри олмагунча қўймас» (осилган — бир нарсани ўғрилашга аҳд қилган, кўз тиккан, дилига туккан); «Эгаси минг пойласин, Ўғриси бир пойласин» (Буни: «Ўғри шунчалик уста, айёр, кузатувчи, чаққон, ишбилармон бўладики, эгаси ўз мол-ҳолини, пулини ва ҳ. к. ҳар қанча пойлаб, қўриқламасин, у нарсанинг пайига тушган ва зимдан кузатиб, пайт пойлаб юрган ўғри, бир лаҳзагина бўлса ҳам қулай пайтини топади-да, ўғирлайди-кетади», деган маънода айтадилар); «Ўғри бир тунда бой, Бир тунда — гадой»; «Ўғрига мол қаҳатми?!» (Одатда ўғрилар ўлжаларини йиғиб, сақлаб ўтирмайдилар, бот фурсатда ғарра-шарра сарфлаб, катта-катта еб, маишат қилиб, қимор ўйнаб, йўқ қилиб юборадилар. Мабодо шериклари унга: «Нега бундай қилаяпсан, ахир сал йиғиб, сақлаб, авайлаб ишлатсанг бўлмайдими!» деса, у: «Э, менга пулу-мол қаҳатми?! Бугун буни йўқотсам, ортага бошқасини топиб олавераман», деб керилади. Мазкур мақол билан шуни ифода этадилар); «Ўғрига ўғирликдан мол кирмаса, ўз бўркини ўзи ўғирлайди»; «Ўғрини қароқчи урибди». Ўғри пулни, молни эгасига билдирмасдан, хуфёна равишда ниҳоятда эҳтиётқорлик билан ўғирлайди. Қароқчи эса дангал бостириб кириб ё йўлни тўсиб, қўрқитиб, қурол ўқталиб, ё уриб ё биратўла ўлдириб олади. У бошқалар тугул ўғрининг ўғрлаб келаётган нарсасини ҳам олдидан тўсиб чиқиб, шартта олади-қўяди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Бирор шахс хиёнатгарлик, муттаҳамлик, порахўрлик ва ҳ.к. йўли билан қўлга киритган маблағни ундан зўрроқ одам қўрқитиб, алдаб ва ҳ.к. олиб қўйса, бу ҳолга қарата мазкур мақолни мажозий маънода айтадилар. «Ўғридан қолгани — қароқчиники»; «Томоқ есанг тўйгунча, Ўғрилик қилсанг ўлгунча» (Буни ўғри, «қўли эгри» одамлар айтганлар ва шундай одамларнинг ўзларига қарата киноя, қочирим, кесатиқ тариқасида қўллайдилар); «Эт тотлилигин қўйса, Мен ўғрилигим қўярдим» (Буни ҳам киноя ва қочирим тарзида қўллайдилар): «Гўшт ширинлигини қўйса, Бўри бўрилигини қўярмиш»; «Ўғрилик ош баданга юқмас»; «Ўғрининг ишига тўғри уялади»; «Ўғри ўғрининг молини ўғирласа, тангрининг кулгиси келар»; «Ўзи ўғри ҳаммани ўғри билади»; «Ўғри ҳам нолийди, Ўғрилатган ҳам» (Бу билан: «Ўғри бирор жойни ўмариб қайтгач, «нафси ҳаккалак отиб» кетади-да: «Эҳ аттанг, яна фалон-фалон нарсаларни ҳам олиб кела олмадим-да», деб ўз-ўзидан нолийди. Нарсасини ўғирлатган одам эса: «Эх аттанг, нарсаларимни ўғирлатиб қўйдим-а! Ҳушёрроқ, зийракроқ бўлишим керак экан-да асли...» деб, ўз-ўзидан нолийди, ўз-ўзини койийди», демоқчи бўладилар); «Ўғри зўр бўлса, даъвогар жавобгар бўлар»; «Ўғриси кучли бўлса, Эгаси айбдор чиқади». Мазкур мақол билан: «Қўлга тушиб қолган жиноятчи ҳукм қилувчини «оғзини мойлаб» қўйса, жабрланган одамга йўқ ердаги тўҳматлар «ёпиштирилади, унинг ўзи айбдорга чиқарилиб қолади», дейилмоқчи; «Қарға чўқиб тезак ер. Тумшуғин артиб, емадим дер»; «Ўзи ўғри-ю, ҳисоби тўғри»; «Қизилиштон тумшуғи оғри-

гач, «Энди чўқимайман» дейди» (Қизилиштон — боши катта, тумшуғи узун ўрмон қуши); «Ўғрининг бош эгиши — айбига иқрор бўлиши»; «Ўғрининг ўзи тавба қилса ҳам, қўли тавба қилмайди»; «Ўғри қўли кесилмагунча ўғрилигин қўймас» (Ўтмишда ўғрини тутиб олсалар, бир қўлини шартта кесиб, билагини ёг доғ қилиб турилган қозонга тиқиб олардилар. Шунда ҳам ўғирлигини қўймаса-ю, иккинчи марта ушланиб қолса, иккинчи қўлини ҳам кесардилар. Бундай қўли кесилган одамни кишилар ўз давраларига қўшмас, тўй-зиёфатларга таклиф қилмас эдилар, уни одам ўрнида кўрмай, яккалаб қўярдилар. Ўғри хор-зорликда ўлиб кетарди); «Ўғри ўрганганин ўлгунча қўймас»; «Ўғри кариса сўфи бўлур, Ғар қариса — отин». Мазкур мақол билан: «Ўғри ҳам, ғар ҳам ёшлигида не-не номаъқулгарчиликларни қилади-да, картая бошлагач ўзини эл кўзига «қўй оғзидан чўп олмаган», сутдай оқ, бегуноҳ, оқилу доно қилиб кўрсатмоқчи бўлади», дейилмоқчи. «Ўғри ўғрилигини қўйса ҳам, ўғри оти қолмайди»; «Игна ўғирлагандан сигир йўқотган гумонсирайди»; «Ўғри битта, гумон мингта»; «Ўғрининг ўзи битта, кўзи — юзта»; «Ўғрининг кўзи умочда»; «Ўғрининг уйи бўлмас, Уйида сири бўлмас»; «Ўғри кулиб енгар, Ғар — йиғлаб»; «Ўғри ўла-ўлгунча «оқман» дейди»; «Ғарни ғар десанг, ори келар»; «Ғар бўл, ўғри бўл — инсоф билан бўл, Қозонни ол, чўмични қўй»; «Суқ тўймас, Ўғри бойимас»; «Ёз ёмғири лой бўлмас, Ўғри асло бой бўлмас»; «Ўғрини уйга киргизма, Оёғин ерга тегизма»; «Ўғрига раҳм қилиш — тўғрининг шўрини куритиш»; «Ўғри ўғирлаб йўлга тушар, Охир бориб қўлга тушар»; «Ўғрилик қилиб ош есанг, Бир кун бориб тош ейсан»; «Ўғрилик солсанг қўйнингга, Сиртмоқ тушар бўйнингга»; «Тўғрилик тўрга тортар, Ўғрилик — гўрга».



Қадрли нарсанинг қадри қўлдан кетгач билинади.

Бу билан: «Ҳар бир нарсани қўлингдан кетмасидан олдин, ҳар бир кимсани ундан жудо бўлмасингдан олдин қадрла, қадрига ет. Улардан ажралганингдан кейин аттанг деб, пушаймон бўлиб, оҳ-воҳ урганинг-нинг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди», деган маънода насиҳат қиладилар.

Қазисан, қартасан, асли зотингга тортасан.

Вар.: «Қазидур, қартадур, Асолатига тортадур»; «Отнинг ичи қартадур, Ўз тагига тортадур»; «От қартаси ортади, Асл тагига тортади»; «Эт яхшиси қартадур, Ахир аслига тортадур». Бу мақолларнинг тўғри маъноси шуки, қази, айниқса қарта ҳар қанча тотли таом бўлгани билан, барибир қандайдир ҳиди келиб туради. Мажозан: «Ёмондан туғилган, ёмонлар даврасидан чиққан одам минг яхши бўлиб кетгани билан, барибир асли зотига тортади (яъни, унинг хатти-ҳаракатида, юриш-туришида, гап сўзида аслинаслидаги одамларга ёқмайдиган, улар дилини ранжитадиган ўша ёмонликдан қандайдир бир асорат сақланиб қолади)», деган маънода қўлланиладиган мазкур мақолларнинг қуйидаги маънодошлари ҳам бор: «Отдан — от, Эшакдан — эшак»; «Тулпор тубига тортар»; «Сувнинг боши булоқ бўлса ҳам, Оёғи қуяр денгизга, Ёмондан яхши туғилса ҳам, Тортмай қолмас негизга»; «Олмадан олма бўлмас, Таги паст одам бўлмас». Қазисан, қартасан, аҳмоқ [illegible] тортасан!— деди ка[illegible] қулфлаётиб. — Энди жир битди-да! Битта қўйлак иккита бўлди! Увада, ислиқи тўн, чилвир белбогнинг хумориси тутгандир! ...» (А. Каххор, Қўшчинор чироқлари).

Қайнона қайнайди, келини айнайди.

Ўтмишда ҳам, шу кунларда ҳам келинга нисбатан паст назар билан қараш, камситиш учраб туради. Айниқса қайнона (ёмон қайнона, албатта) келинга «куя бермайди», унинг «кўзини очирмайди», ҳар бир ҳаракатини, оғзидан чиққан ҳар бир сўзини тергайди, «ўтирса ўпоқ, турса супоқ» дейди, келин қанча сидиб-югурмасин, «қўлини косов, сочини супурги қилиб» ишламасин, қанча адаб сақламасин, барибир қайнона уни назарига илмайди, камситади, асабига тегади, унга бирор-бир яхшиликни, бирор-бир илиқ сўз айтишни раво кўрмайди. Бир туркум мақолларида халқ шу ҳолни ифода этган ҳамда ёмон қайноналарни инсофга, адолатга чақирган, келинларга эса муроса қилиш, сабр-тоқатли бўлиш юзасидан панд-насиҳатлар берган: «Итнинг ёви — девона, Келиннинг ёви — қайнона»; «Қайнона — ғамхона»; «Қайғум йўқ, қайнонам — қайғу»; Кора товуқ қақиллайди, Оқ товуқ шақиллайди» (Бунда «кора товуқ» деганда кўпинча қайнона, «оқ товуқ» деганда келин назарда тутилади); «Яширик нарса келинда бўлади»; «Қизига жони ачиган — келинини қаргайди»; «Қарға келса карамадим, Загизғон келса санамадим, Қўлдан келганни аямадим, Ҳеч қайнонамга ярамадим»; «Қиз чо-

ғим — султон, Келин чоғим — султон» (султон — тағчарм); «Отам уйи — майдон, Қайи уйи — зиндон»; «Қайнонали келин — қарқара келин, Қайнонасиз келин — масхара келин» (қарқара — баланд бўйли, кадди тик, қомати келишган, ўсиқ парли, узун тожли, турнани эслатувчи оппоқ, чиройли қуш). Ўтмишда унинг патини шоҳлар ва келинлар (қизлар) бош кийимларига сайчиб, юрардилар. Умуман, кадди тик, қомати келишган, кишининг кўзига чиройли кўринадиган ҳар бир нарсани (жумладан, одамни, айниқса тик қомат, хушрўй хотин-қизларни, оқ теракни ва ҳ. к.) ташбиҳан «қарқара» дердилар. Мақолда: «Сен (келин) қайнонанг туфайли шундай уддабурон, чевар, моҳир бўлиб юрибсан. Чунки, у сенга уй ишларини, бола боқишни (уни бешикка белаш, овқатлантириш ва ҳ. к.) ва умуман, турмуш юргизишни ўргатган (ёхуд буларни сен асосан ундан ўргангансан), Қайнонанг уй пойлаб, болаларингни боқиб қолгани учун сен ясаниб-тусаниб кўчага чиқиб (бирор ерга меҳмондорчиликка бориб), бош кўтариб, каддингни кериб, (худди қарқарадай) кишиларнинг ҳавасини келтирадиган бўлиб юрибсан. Агар қайнонанг бўлмаса, бундай ҳар бир ишга моҳир бўлолмасдинг ҳам, кўчага чиқиб бундай юролмасдинг ҳам. Аксинча, ҳеч балонинг уддасидан чиқолмай, ҳаммага масхара бўлиб, уй ишларидан ортмай, болалар билан ўралашиб ўтираверардинг. Шундай экан, қайнонангнинг қадрини бил, уни ҳурмат қил», деган маъно яширинган; «Келинлик — Бедилхонликдан қийин»; «Қайнонага тош отсанг, тош оласан, Ош берсанг, ош оласан»; Кўркли келин, кўркли келин, Битта боланг бўлсин, кўрай, Ишли келин, ишли келин, Қайнонанг ўлсин, кўрай»; «Қайнота — ота бўлур, Қайнона — она бўлур»; «Эшикдан келин келди, Тешикдан — давлат»; «Келин кирган уйга нур кирар»; «Уришмайдиган ўғил йўқ, Келишмайдиган келин йўқ»; «Келинингни қарғама — ўғлингга тегар, Куёвингни қарғама — қизингга тегар».

Қайнсингил — қайнона сингил.

Ўтмишда (қисман ҳозир ҳам) оилавий ҳаётда келинни биринчи қайнона эмас, балки оиланинг бошқа аъзолари ҳам, айниқса қайнэгачи ва қайнсингиллар ҳам камситадилар, хатто, келин, ҳар жиҳатдан – ахлоқ-одобда ҳам, фазлу камолда ҳам анча юқори бўлса-да, унга пардон ва тагдор гаплар қиладилар, атайлаб асабига тегадилар, атайин унинг кўзга яққол кўриниб турган яхши томонларини (чеварлиги, пазандалиги, билимдонлиги, гўзаллиги ва ҳ. к.) ҳам назарга илмайдилар, ерга урадилар. Шунга кўра, келинларнинг ҳам уларга нисбатан бўлган қарашлари бирмунча мақолларда ўз ифодасини топган: «Қайнсингил — ярим қайнона, Қанэгачи — бутун қайнона»; «Қайнонам — қайнонам, Қайнэгачимдан кўркаман»; «Қайнэгачим — пилтакачим» (пилтакач — қоғоздан пилта ўраб, уни дўппининг тепчиги орасига тиқиш учун ишлатиладиган дастали ингичка сим); «Қайнэгачининг супургиси ҳам туртади»; «Қайнсингил — ярим кундош»; «Қайнсингил — чақмоқ тош» («У чақув гаплари билан келин ва куёв, қайнона ва келин ўртасида «ўт» чиқазади», дейилмоқчи); «Қайним — қаймоқ ёғим, Қайнсинглим — юрак доғим»; «Қайнога қайин бўлур, Қайини майин бўлур» (Қайин дарахт каттиқлик тимсоли. Қайноғаларнинг аксарияти келинга нисбатан ўзини худди қайнотадек каттиқ тутади. Қайниларнинг аксарияти эса, келиндан ёши кичик бўлгани учунми, ҳали ҳаётнинг пасти-баландини яхши билмагани учунми ё акаларига нисбатан кўнгилчанроқ бўлгани учунми, ҳарқалай келинга қаттиқ-қурум гапирмайди, юмшоқ муносабатда бўлади, агар келинойиси бирор иш буюрса ё бирор нарсани илтимос қилса, бажонидил бажаради. Мақолда шунга шама қилинган); «Келинэйинг — кейинги ойинг» (Бу билан қайинсингилларни келинни иззат-ҳурмат қилишга даъват этадилар).

Қайтиб очар қопқанғни қаттиқ ёпма.

Вар.: «Кирар қопқанғни қаттиқ қоқма»; «Борадиган ерингга тош отма». Булар билан: «Одамларга, кундалик жавоб-муомалада бўлиб турадиган, ишинг тушиб турадиган одамларга зинҳор ёмонлик қилма, ёмонлик согинма, қаттиқ-қурум гапирма, уришма, сўкма! Акс ҳолда ўзингга яхши бўлмайди», деган маънода насиҳат қиладилар.

Қайғу қаритар, ғам ўлдирар.

Халқнинг тиббий қарашларини ифода этувчи бу каби мақолларда уқтирилишича, киши асабини сақлаши, бўлар-бўлмасга қайғуриб, куюниб, хафа бўлавермаслиги, хушчақчақ яшашга ҳаракат қилиши зарур. Негаки, ғам, қайғу, хафалик — умрнинг заволи, турли касалликларнинг сабабчисидир: «Умрни иш эмас, ғам емиради»; «Элни ихтилоф бузар, Дилни — изтироб»; «Дард томирни ейди, Ҳасрат — умрни»; «Одамни ғам чиритар, Темирни — нам»; «Темирни занг ейди, Эрни — ғам»; «Куя кийимни ейди, Ғам — одамни»; «Кўп қайғурган — зил бўлур»; «Кўп қайғурдим — сил бўлдим, Кўп ялиндим — қул бўлдим»; «Ўринсиз ғазаб — ўзингга азоб»; «Ғам юки тоғдан оғир»; «Қаҳри борнинг — заҳри бор»; «Кишини ёши қаритмайди, ваҳм қаритади»; «Иссиқ чўпни қуритар, Қайғу эрни қаритар»; «Ўтда ёнган — куяди, Ғамда ёнган — ўлади»; «Ўйласанг — қайғу кўп, Ўйламасанг — қайғу йўқ»; «Кўп учун йиғласанг, Кўздан ажрайсан»; «Қайғуни кўз ёши юволмас»; «Кўз учун йиғласанг, Кўздан ажрайсан»; «Қайғуни кўз ёши юволмас»; «Кўз ёш — қайғуга йўлдош»; «Қайғу — фойдасиз, Йиғи — ёрдамсиз»; «Беҳуда ўйларга йиғламоқ — Соғ юракни доғламоқ»; «Беҳудага йиғлаганинг — юрагингни доғлаганинг»; «Бекорга кўз ёшламоқ — Жафо билан ўйнашмоқ»; «Куйганга куйма»; «Қайғуни қайғурувчига бер»; «Ғамингни дўстингга айтма — куюнади, Душманингга айтма — суюнади»; «Одамни умид ёшартади, ғам қақшатади»; «Жаҳл қаритар, кулги ёшартар»; «Жаҳл — душман, Ақл — дўст»; «Жоҳилликдан жон чиқар, Қотилликдан — донг»; «Бугунги жаҳлингни эртага қўй»; «Ғам ортидан ғам юради»; «Ғам келдими эшигингни оч!»; «Ғам егунча, нон е»; «Бу дунё ғамхонадур, Ғам еган — девонадур»; «Ғам ема, Беғам бў(л)ма!»; «Чап кўзинг йиғлаганда, ўнг кўзинг кулиб турсин»; «Табассум тошни эритади»; «Кўнгил яйраса, кавурғага жир битади»; «Айиқни енган чала ботир, Аччиқни енган — тўла ботир». — «Садир ака, ўзингизни бундай қийнамаганг, занг — темирни, қайғу, армон — кишини адо-ю тамом қилади» (Шуҳрат, Балоғат). «Ғам ортидан ғам юради» дегандек бўлди. Мирҳожибой қочиб кетгандан кейин Дилдор билан бувиси негадир ётиб қолишди»; «— Отамнинг мазаси йўқ, ўсаллаяпти,— деди Эрали ух тортиб...— Ғамни оҳ-воҳ билан енгиб бўлмайди, ука!»— деди Меликул насиҳат қилиб (Ё. Шукуров, Қасос).

Бу дунёнинг Қувончи кам, Дарду ғами — Зиёда.
Аммо Ғамдан қочмоқнинг ҳам тадбири кўп дунёда.

(Э. Воҳидов, Руҳлар исёни).

Қаламнинг учи — қиличнинг кучи.

Вар.: «Қилич кесмаганни қалам кесади»; «Қалам қиличдан ўткир»; «Қалам кучи фармон билан, Қилич кучи дармон билан»; «Қалам ёзганни қилич ўчиролмас»; «Қаламнинг ишини қилич қилолмас». Қалам билан ёзилган нарса абадий асарга айланиб, неча-неча асрлар, неча-неча минг йиллар оша инсониятнинг нодир мулки бўлиб қолади. Қора кучлар уларни йўқотмоқ ниятида ҳар қанча уринмасинлар, ҳар қанча зўрлик ва зўравонлик қилмасинлар, бирибир батамом йўқ қилиб юбора олмайдилар. Кўҳна тарих бунинг

гувоҳидир. Мазкур мақолларда шуни ифода этганлар.

Қалб қозони қайнамас, қайнаси ҳам қуюлмас.

Вар.: «Қалбнинг қадами қисқа»; «Қаллобнинг юзи қора». Қалб, қаллоб — қалбаки ишлар билан шуғулланувчи, алдамчи, сохтагар. Мазкур мақоллар билан: «Бундай одамлар ҳеч қачон барака топмайдилар, қилмишлари тез орада фош бўлиб, эл-юртнинг ғазаб-нафратига учрайдилар, тегишли жазоларини тортадилар», дейилмоқчи.

Қамишни бўш ушласанг, қўлингни қияди.

Бу билан: «Ҳар бир ишни қиларда пишиқ-пухта бўлмасанг, маҳкам ёпишмасанг, астойдил ҳаракат қилмасанг, мақсадингга эришолмайсан, аксинча ўзинг шикаст еб, зиён-заҳмат кўриб қолишинг мумкин», деган насиҳат қиладилар.

Қаноат қорин тўйдирар, беканоат ёлғиз отни сўйдирар.

Вар.: «Қаноат қорин тўйдирар, Беканоат ўзин ўлдирар»; «Қаноатчи доим тўқ, Беканоат доим оч»; «Борига қаноат қилмаган — бордан ҳам ажрайди»; «Борига — қаноат, Йўғига — сабр»; Борига — барака»; «Қора қозон қайнаб турса, Қизил ўнгач қуриб қолмас»; «Қаноат — зўр бойлик». Булар билан кишини турмуш кечиришда қаноатли, сабот-матонатли, чидамли бўлишга, нисбатан озроқ ва ёмонроқ бўлса ҳам, қўлда бор бўлган нарсага қаноат қилишга ундайдилар. «Қаноат булоқдур — суви олган билан қуримайди», хазинадир-накдинаси сочган билан камаймайди; экинзордир — уруғи иззат ва шавкат меваси беради; дарахтдир — шохи тортинчоқлик ва ҳурмат меваси етказади... Қаноатли дарвишнинг қуруқ нони тамагир шоҳнинг хитойча дастурхонидан яхшироқ... Кимки қаноатга одатланса, шоҳ ва гадой борди-келдисидан озод бўлади... Қаноат қўрғондир — у ерга кирсанг, нафс ёмонлигидин қутуларсан, тоғликдир — у ерга чиқсанг душман ва дўстга қарамликдин холос бўларсан» (Навоий, Маҳбуб ул-қулуб. Ҳозирги адабий тилимизга яқинлаштирилган текст).

Қари бор уйнинг зари бор.

Бу мақолда қарияларнинг оқил донолиги, тажрибакорлиги, меҳрибонлиги, адолат юзасидан иш кўриши ва б. қайд этилиб, уларни ҳурматлаш, қўлдан келган яхшиликни улардан аямаслик, айтган сўзларига қулоқ солиб, берган панд-насиҳатларига амал қилиш зарурлиги уқтирилади: «Қариси бор уйнинг париси бор»; «Қари билганни пари билмас». Бу мақолнинг келиб чиқиши халқнинг қуйидаги бир афсонаси билан боғлиқ: «Қадим замонда қариларни ўлим тоғига олиб бориб ташлаш одати бўлган экан. Шунда отасини жуда яхши кўрадиган бир йигит уни ўлим тоғига олиб бормай яширган... Кунлардан бир кун подшо кема билан дарё саёҳатига чиқибди. Иттифоқо кучли пўртана бошланиб, кемани дарёнинг чеккасига чиқариб ташлабди. Подшо ва унинг хизматкор йигитлари қирғоққа тушишибди. Бу ер парилар юрти экан. Улар атрофни айланиб юриб, дарё ёқасидаги бир тепаликка келиб қолишибди. Подшо дарёга қараса, тухумдай бир гавҳар ярақлаб турган эмуш. Дарҳол йигитларга шу гавҳарни олиб чиқишни буюрибди. Йигитлар бирин-кетин сув остига шўнғиб, гавҳарни тополмай, қуруқ қайтиб чиқаверишибди. Подшонинг жаҳли чиқиб, бошқаларни туширса, улар ҳам тополмай чиқишибди. Бу сирли гавҳарга қизиқиб қолган подшо: «Бу гавҳарни кимда ким топиб чиқса, унга катта бойлик инъом қиламан. Топа олмай чиққанларни ўлимга маҳкум этаман!» деб шарт қўйибди. Навбат ҳалиги отасини яширган йигитга келибди. У: «Оҳ, энди

куним битди» деб, отасининг олдига кириб, видолаша бошлади. Шунда отаси: «Дарёга тушмасдан бурун тепани бир қарагин. Хеч вақтда гавҳар дарёнинг ичида бўлмайди. Қирғоқдаги дарахт шохида бир қушнинг ини бўлса керагу, гавҳар ўша инда бўлса керак. Шунинг шуъласи дарёга тушиб тургандир. Ўша дарахтга чиқиб қидир», деб маслаҳат берибди. Йигит отаси айтгандек қилиб, дарахтнинг дарёга эгилган шохига эҳтиётқорлик билан чиқиб борибди. Қараса, ҳақи қатан ҳам пастга энгашган бир инда гавҳар ярақлаб турган эмиш. Дарҳол қўйнига солиб, олиб тушибди. Инда гавҳар борлигини шу юртнинг эгалари бўлмиш парилар ҳам билмас эканлар... Подшо йигитдан: «Буни қандай қилиб билдинг?» деб сўрабди. Йигит отаси ўргатганлигини айтишга мажбур бўлибди. Шунда подшо ўша чолнигина тирик олиб қолмай, умуман қарияларни ўлдириш тўғрисидаги қонунни бекор қилган экан». (Бу ривоят илмий манбаларда ҳам учрайди. Масалан, қаранг: Сб. — «Фольклор и этнография». Ленинград, изд. «Наука», 1970, 73-бет); Ҳар кексадан — бир нақл»; «Қарида хислат кўп»; «Қарияли уй — мактаб»; «Бир қариянинг фикри — бир ёшнинг терисидан яхши»; «Ақлли қария — оқиб турган дарё»; «Отанг ўргатса, доно бўласан»; «Катталар айтсин, Кичиклар эшитсин»; «Қарияли уйда қўй ҳам омон, бўри ҳам тўқ» (одатда бир оила фарзандларининг феъл-атвори турлича бўлади: бири ювош, мулойим табиатли бўлса, бири баджаҳл, бадфеъл, қаттиқ кўнгил бўлади. Ота-она уларни бир-бирига қовуштириб, ўртада келишмовчилик, жанжал-сурон кўтарилгудек бўлса, бости-бости қилиб, яраштириб, келиштириб қўяди. Мақолда шу ҳол тамсил билан ифода этилган); «Қария — қариндошлар мойтуғи» (мойтуғ — туғ, яъни байроқ ўрнатиладиган жой; мажозда: ҳамма йиғиладиган марказий жой). Қадимий одатимизга кўра, узоқ-яқин қариндош-уруғлар қария яшаб турган уйга вақти-вақти билан келиб, унинг ҳол-аҳволидан хабар олиб турадилар ва шу баҳонада бир-бирлари билан ҳам учрашадилар. Мақолда шу нарса ифода этилган. «Қариянг бор — бараканг бор»; «Қарияда илоннинг шохидан бошқа ҳамма нарса топилади» (одатда қариялар: «Бир кунмас-бир кун керак бўлиб қолар» деб, ҳар бир нарсани авайлаб, эҳтиётлаб, сақлаб юрадилар. Улардан қачон нимани сўрасанг, топиб беришади. Мақолда шу нарса тамсил билан ифода этилган); «Қарга учиб гоз бўлмас, Бошликсиз уй соз бўлмас»; «Ёш келса — ишга, Кари келса — ошга»; «Қарини томоқ сақлайди» (томоқ — овқат, егулик-ичгулик); «Кичикни мақта, каттани сақла»; «Қариларни қарғатма, Ёш жонингни оғритма»; «Қарини кафтда сақла, Ўлигини ҳафта сақла»; «Қарини «қари» десанг, Қариликдан қарийди»; «Сен сийласанг карини, Тангрим сийлар барини»; «Чолни кўрсанг, «бобом» де!»; «Ёшнинг ҳармати — қарз, Қарининг ҳурмати — фарз»; «Қарияни ҳурмат қилган — бахтли бўлур». «Кексалик — донишмандлик, Кексаларга зўр ҳурмат. Кексалар қилса фикр — Афлотунлар бўлар мот» (Мирмуҳсин).

Қари ўлса — не давлатдир, ёш ўлса — қиёматдир.

Киши «ёшини яшаб, ошини ошаб», дунёдан кўз юмса, ўзига ҳам, яқинларига ҳам кўп-да алам қилмайди. Аммо, ҳали дунё лаззатларидан тўла баҳраманд бўлмаган одам гўдаклигида, ўспиринлигида, йигитлиги ё қизлигида, ўрта яшарлигида бирор оғир касалликка чалиниб ёки бирор офат-фалокатга йўликиб ўлиб қолгудай бўлса, бу ўта аянчли ҳол унинг яқинлари тугул йироқларига ҳам, танишлари тугул нотанишларига ҳам қаттиқ таъсир этади, уларни ҳаддан ташқари хафа қилади, қайғуртиради, ғам-алам гирдобига ташлайди. Мазкур мақолда шу ҳолни ифода этганлар. Вар.: «Ўлим — барчага навбатдур, Қари ўлса — не давлатдур, Ёш ўлса — қиёматдур»; «Бия ўлса — қулун ёш, Қулун ўлса — кўзинг ёш» (Қулун — бир ёшга тўлмаган тойча); «Гўдак жон бераётганда, алвасти ҳам қайғуради»;

«Гўдак бешикдан қулагунча, подшо тахтдан қуласин!».

Қарилик — хасталик.

Бир донишмандан дунёда энг оғир дард нима? — деб сўраганларида, у қарилик деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, қарилик — бедаво «дард» бўлиб, халқ уни қуйидагича ифодалайди: «Қарши келса қарилик, Кора норни чўктирар» (қора нор — кучлилик тимсоли); «Эр қариса эрки кетар, Хотин қариса — кўрки кетар»; «От қариса сўқим бўлар» (сўқим — чопишга, юк тортишга ярамай қолган, сўйиш учун боқиб семиртирилган мол). «Қарилик — қайғу»; «Қари суякда мой бўлмас»; «Қариган дорбозни киндикка чиққанда уйқу босади» (киндик — дорбоз юрадиган арқонни ўртароқ жойидан кўтариб турувчи икки ёғоч учларининг бир-бири билан, шунингдек арқон билан туташган, кесишган жойи. Мазкур мақолни мажозан: «Қариган одам ёшлик даврида бемалол қила оладиган ишларини қилишга энди қурби етмай қолади», деган маънода қўллайдилар); «Қариганда қилга қоқиласан»; «От қариса эшак билан дустлашади, Одам қариса — тўшак билан» («Одам қаригач, кўп юролмай, салга чарчаб, дарҳол ёнбошлай қолгиси, ёта қолгиси, ухлай қолгиси келади. Бундан ташқари, қари одам дардчил, касалманд бўлиб, кўрпа-тўшакдан бош кўтара олмай қолади», дейилмоқчи); «Ит қариса, қополмас. От қариса, теполмас»; «Туя қариса, бўтасига эргашади»; «Қарилик — болалик» (киши қаригач, феъл-атвори, юриш-туриши, куч-қуввати, фикрлаш қобилияти ёш болаларникидай бўлиб қолади, дейилмоқчи); «Ёшлик бир марта келади, Гўдаклик — икки марта» («Киши умри давомида гўдакликдан ўтгач, ёшлик даврини сурадида, картайгач, яна гўдакдай бўлиб қолади», дейилмоқчи); «Қарилик даври — қишдай, Ёшлик даври — ёздай», «Нодон бош бўлмас, кўпик ош бўлмас, Қарилик каттик, қайта ёш бўлмас»; «Йигитлик елиб ўтар, қарилик — чопиб»; «Ёш кетаман деб қўрқитар, Қари — ўламан деб»; «Кампир ўламан деб қўрқитар, Келин — кетаман деб»; «Етмиш, етмишдан кейин кетмиш»; «Саксонер билан яксон»; «Саксон, тўксон, Бир кун йўқсан».

Қариндошинг ўлса-ўлсин, қадирдонинг ўлмасин.

Қадирдон — кўпдан бери таниш бўлган, ҳурматли, якин киши, қалин, жонажон, бегараз дўст, ёр, биродар. Халкимиз бундай қадирдонларга юксак баҳо беради, муболага тарзида уларни қариндош-уруғлардан, ҳатто ота-онадан ҳам юқори қўяди ва уларни ниҳоятда иззат-ҳурмат қилиш зарурлигини уқтиради: «Ота-онанг ўлса-ўлсин, Қадирдонинг ўлмасин»; «Қадрдон — қирк йиллик, Қимматдон — қирк кунлик» (қимматдон — иши битгунча, манфаатланиб қолгунча сени мактаб, ширин муомалада бўлиб, лаганбардорлик қилиб, атрофингда «гирди капалак» бўлиб юрувчи, иши битгандан кейин эса тескари қараб, «ипини узиб» кетадиган сохта «дўст». Мақолда «кирк йиллик, қирк кунлик» деганда «энг узоқ, энг қиска давр» назарда тутилган): «Қадрдон билан кўрпсанг, қадринг ошади»; «Қадрингни қадрдонинг билади»; «Қадринг билганнинг қадрин бил»; «Қадрингга етганни бил, Қадрлабди, ҳурмат қил»; «Қадрласанг — қадринг ошар, Қадрсиздан ҳамма қочар».

Қариндошинг — қариндош эмас, касбдошинг — қариндош.

Бу мақолда ҳам кишига касбдоши қанчалик якин ва қимматли эканлигини билдирмоқ мақсадида касбдош муболаға тарзида қариндошдан юқори қўйилган.

Қарс икки қўлдан чиқади.

Вар.: «Бир қўлдан товуш чиқмас». Икки киши уришиб, жанжаллашиб қолса, «Айб — фақат унда ё бунда

эмас, ҳар иккисида ҳам бор. Бўлмаса, бунақа келишмовчилик, уриш, жанжал чиқмасди», деган маънода шу мақолларни айтадилар, шунингдек уларнинг орасига тушиб, келиштириб, яраштириб қўймоқчи бўлганларида, бир тарафга ён босмай, икки тарафни ҳам баравар кўриб, адолат юзасидан иш тутганларида ҳам қўллайдилар.

«Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо»
(Навоий)

Қарға бўлма — қайриласан, иссиқ жойдан айриласан.

Қарға қишда яйраб юради-да, кунлар исий бошлагач, совуқ жойларга қараб кетади. Унинг бу одатини мажозан инсонга ташбиҳ этадилар. Баъзи одам ўзининг қадрдон шаҳрини, қишлоғини, эл-юртини ташлаб, фойда, манфаат орқасидан ҳали у шаҳарга, ҳали бу шаҳарга, ҳали у жойга, ҳали бу жойга кўчиб, умрини дарбадарликда ўтказади, ўзининг «иссиқ» жойидан маҳрум бўлади. Мазкур мақолни шундайларга қарата ҳам насиҳат, ҳам кесатиқ тарзида қўллайдилар.

Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди.

Жаҳоннинг кўпгина халқлари орасида тарқалган бу мақол инсоният яратган энг қадимий мақоллардан биридир. Уни милодий V асрдаёқ лотин адиби ва тилшуноси А. Ф. Макробий ўз «Грамматика»сида келтирган. Мақолнинг тўғри маъноси шуки, қарға-қузғунлар одамнинг ё бирор ҳайвоннинг очиқ ерда қолиб кетган мурдасини кўриб қолса, аввал унинг кўзини чўқиб еркан-да, кейин гўштини ея бошларкан. Аммо, тирик қарға ва қузғун ўлик қарға ва қузғуннинг кўзини чўқимас экан. Мажозий маъноси: «Золим, қонхўрлар бошқаларга ҳар қанча жабр-ситам ўтказсалар ҳам, бир-бирларига ёмонлик соғинмайдилар, бир-бирларининг ёнларини олиб, қўллаб-қувватлайдилар». Мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам мажозан шундай маънода қўлланилади: «Ит итнинг қуйруғин босмас»; «Илон илоннинг қуйруғин босмас»; «Ит итнинг этини емайди»; «Тўнғиз тўнғизни ёрмайди».

Қарғани қафасда боқмайдилар.

Баъзи қушларнинг сайраши ва чиройли кўриниши кишига роҳат бахш этади. Шунинг учун кишилар бундай қушларни қафасга солиб боқадилар ва улардан баҳра оладилар. Қарға, бойўғли сингари нохуш сайрайдиган ва кўзга хунук кўринадиган қушларни шунинг учун ҳам кўрган ерларида қувиб ҳайдайдилар. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан: «Кишилар бемаъни, бемаза, бадфеъл, оғзи коски, сўзи ва турқи совуқ одамни хушламайдилар, ўз хонадонларига, давраларига яқин йўлатмайдилар, ундан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қиладилар», деган маънода қўллайдилар.

Қасд қилган — ўзар, ҳасад қилган — тўзар

(қасд — албатта амалга ошириш кўзда тутилган, жазм этилган қатий ният, азм-карор, аҳд; ҳасад — кишининг муваффақиятини, устунлигини кўролмаслик туйғуси, ғайирлик, бахиллик). Вар.: «Таассуф қилсанг — битарсан, Ҳасад қилсанг — йитарсан»; «Таассуф қилган — муродига етар, Ҳасад қилган — ўз оёғидан йитар». (Таассуф — бировнинг аянчли аҳволига ачиниш, афсусланиш, куйиниш); «Қасд қилган — Қоф тоғига етар, Ҳасад қилган — ўз оёғидан йитар»; «Ҳасад кўчатини эккан — бало мевасини ер»; «Ёмон одам ўзи қилолмайди, қилганни кўролмайди»; «Кунчи қуйиб ўлар» (Кунчи — бировни кўролмайдиган, ҳасадчи, рашкчи одам); «Боскинчи ўлжани деб ўлади, Кунчи кунда минг бир ўлади»; «Ғараз — мараздан ёмон» (ғараз — қасд, ёмон ният; мараз — ҳеч тузалмайдиган эски яра, кейинчалик қичимага айланиб кетади); «Ҳасадчининг иши қасод бўлса, фасод қўзғайди» (фасод — ғирво, фитна); «Хашак ўти хонани куйди-

рар, Ҳасад ўти танани куйдирар»; «Ҳавас қилган — етар муродга, Ҳасад қилган — қолур уятга» «Ҳасад қилма, Ҳавас қил!».

Қассоб онасига ҳам суяк сотади.

Қассобларнинг аксарияти қаллоблик билан иш кўргани, гўштга суяк қўшиб сотгани, тарозидан «уриб» қолгани учун кишилар уларни азалдан бировнинг ҳакига хиёнат қилувчи, ноинсоф шахслар деб билганлар ва бу хусусдаги фикрларини мақоллар ва иборалар орқали ифода этганлар: «Бесуяк — одамнинг тили» (Қассоблар харидорларнинг: «Нима мунча серсуяк қилиб бердингиз?! деган эътирозига қарши: «Гўшт суяксиз бўлмайди. Бесуяк (фақат) одамнинг тили!» деб, ўзларини оқлайдилар. Бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб кетган ва уни қассобларнинг ўзларига қарата киноя, кесатиқ тарзида қўллайдилар): «Қассоб танишини тузлар» (тузламоқ — боплаб алдамоқ, «чув» туширмоқ): «Қассобнинг ошнаси бўлмас» (у ўз фойдаси йўлида ўзининг энг яқин одамларига, ошна-оғайниларига ҳам суяк сотади, дейилмоқчи).

Қассобга мой қайғу, эчкига жон қайғу.

Вар.: «Қассобнинг тушига эчки киради»; «Қассобнинг кўзи — семизда, Чанқоқнинг кўзи қимизда»; «Қассобга оқ қўй ҳам бир, Қора қўй ҳам»; «Бўрининг ўйлагани — ҳаромлик, Қўйнинг ўйлагани — омонлик»; «Қашқирнинг ўйи ёмонлик, Қўйнинг ўйи — омонлик». Бу мақолларни «Золимлар ўз манфаатлари йўлида мазлумларни ҳар тарафлама эзадилар, бутун жабру-зулмларини ўтказадилар, ҳатто уларнинг ўлиб кетгани билан ҳам ишлари бўлмайди» деган маънода пул, мол-дунё орттиришга ҳирс қўйган одам ўз фойдаси йўлида ҳар қандай қабоҳат ишлардан ҳам қайтмайди, инсофу-имонни унутади, одамларни — улар танишми ё бегона, барибир «чув» тушириш, қандай бўлмасин улардан бирор фойда кўриб қолиш фикрида бўлади деган маънода ишлатадилар. «Эчкига жон қайғуси, қассобга — ёг, деганидек, Жангариларга даво-ю, роҳати жондур уруш» (Анбар Отин).

Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди.

«Чипакам дўстларинг, ёр-биродарларинг бўлса, ҳаётда қийналмайсан, улар сенга ҳар тарафлама кўмаклашадилар, қўллаб-қувватлайдилар, мушкулингни осон қиладилар», деган маънода қўлланувчи мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ва маънодошлари бор: «Нори бор, нори борнинг моли бор»; «Нор йўлида юк қолмас»; «Қуш қаноти билан, Эр оти билан (кучли)»; «Қуш қанотсиз бўлмас»; «Қушни қаноти учирар»; «Қушни осмонда тутиб турадиган — қаноти билан қуйруғи»; «Қуш қаноти билан учади, Қуйруғи билан тушади» (Қушни қаноти учиради, пастга тушаётганида эса қуйруғи (думи) ёрдам беради. Юқоридаги мақоллар билан ҳам: «Кишига ҳаёт кечиришда, мушкул ишларни бажаришда дўстлар асқотади, кўмаклашади», дейилмоқчи).

«Қизил»ни кўрса хизр ҳам йўлдан озади.

(қизил — олтин, тилла танга); хизр — афсонавий ҳомий, у ҳаёт булогидан «оби ҳаёт» ичган ва умри боқий бўлган; огир аҳволда қолган кишининг мушкулини осон қилар эмиш; у билан учрашган, кўришган одам бахтли бўлар эмиш... «Олтин — пул, мол-дунё, пора шундай қудратга эгаки, ҳар қандай «мана — ман» деган, «қўй оғзидан чўп олмаган», «бузоқнинг ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ичмайдиган», тўғри, ҳалол одамни ҳам йўлдан оздиради, тўғри ниятини эгриликка буриб юборади, адолат юзасидан иш кўриши лозим бўлган одамни хиёнат, жиноят ва ноҳақлик йўлига киритади, деган маънода айтиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ва маънодошлари

бор: «Қизил» Хизрни айнатур»; «Молни кўриб, пайғамбар йўлдан чиқибди»; «Олтинни кўрса, фариштa ҳам йўлдан тояди»; «Олтин йиғар сариштa, Йўлдан озар фариштa»; «Тилингда — олло, Дилингда — тилло»; «Қизил дан қози ҳам уялади»; «Кози ришватсиз бўлмас, Қиз ишвасиз бўлмас» (ришват — пора, бир ишни битириш учун амалдорнинг яширин ва ноҳақ равишда оладиган мулк ва ашёси); «Одамнинг бузуғи ҳам — қози, Бузғунчиси ҳам»; «Қийшиқ арава йўл бузар, Қозикалон эл бузар»; «Қозига берсанг, суяди, Бермасанг, сўяди»; «Қозининг қошида қорнинг қашима» («Негаки, қорнингни қашисанг, у: «Ҳамёнини кавлаб, менга бир нима бермоқчи шекилли» деб, сендан умидвор бўлади», дейилмоқчи); »Қози — пора билан рози»; «Қозига бора берма, пора бер»; «Қора булутни бурон очади, Қози эшигини пора очади»; «Томизғисиз қатиқ уюмас, Тотимсиз қози ийимас» (тотими — мазаси тотиб кўриладиган нарса; кўчма маънода: пора, ишини битказиб бериш эвазига бериладиган «бир нима»); «Овқат қошиқ билан силлиқ ўтади, Даъво пора билан силлиқ битади»; «Ақлли пора берар, Ақлсиз боraберар»; «Қозига борсанг, қази пулин тугиб бор»; «Сенинг эллигингдан ўтолмайман, Сенинг юзингга иложим йўқ». Қози (эллик сўм пора берган одамга қараб): «Сенинг эллигингдан ўтолмайману, (юз сўм берганга қараб): аммо, сенинг «юз» инга иложим йўқ», деган); «Чиннини буқа босиб кетди» (бу ҳам қозининг тилидан айтилган бўлиб, халқ ўртасида мавжуд бўлган бир ҳикоятдан келиб чиққан. Бу ҳикоятнинг қисқача мазмуни шуки, даъвогар қозига бир жуфт чинни лаган олиб келиб: «Фалончи менга туҳмат қиляпти, шуни тўғрилайсиз-да, тақсир», деб кетади. Ундан кейин даъволанувчи қозига бир буқача етаклаб келиб, шу даъводан қутултиришни сўрайди. Қози масалани буқача берган киши фойдасига ҳал қилади. Чинни келтирган киши: «Бу қандай бўлди?!» деган мазмунда берган нарсасига шама қилганда, қози: «Э биродар, чиннини буқа босиб кетди», деб жавоб беради. Кейинчалик унинг бу гапи халқ ўртасида мақолга айланиб кетган); «Оллога ёқайин десанг, азонинг бўлсин, Қозига ёқайин десанг, қозонинг бўлсин»; «Тозини оч қўйиб ўргат, Қозини тўқ қилиб ўргат»; «Хоннинг иши қорага тушади, Бекнинг иши порага тушади»; «Хонни худо ургани — халкига ёв бўлгани»; «Мингбошига мингни берсанг, минғиллар, юзбошига юзни берсанг, юз урар». («Уларда инсоф йўқ, ҳар канча берсанг ҳам кам туюлади», дейилмоқчи); «Берган — бекка ёкар»; «Арава мойсиз юрмайди»; «Қўрғошинга мой қуйилса, тез эрийди»; «Кети мойланган эшак ҳанграй олмас» (халқ бу мақоли билан мажозан: «Пора еган, «оғзи мойланган» қози бир нима деёлмайди», деган маънода истеҳзо билан кулган); «Тегирмон бўшга айланмайди» («Тегирмончи дон бўлмаса, тегирмонини бекордан-бекорга айлантириб қўймагани каби, қози ва амалдорлар ҳам қуруқдан-қуруққа ишингни битказиб бермайдилар, бекорга овора ҳам бўлмайдилар», дейилмоқчи); «Йўққа қалам юрмайди» (илгари қозихона, маҳкамаларда саводсиз авомга ариза ёзиб берувчи муфтилар, мирзалар бўларди. Улар ўз хизматлари эвазига «қалам учи», «қалам ҳақи» талаб қилардилар. Акс ҳолда қаламни беҳудага тебратмас эдилар. Мақолда шу ҳол ифода этилган); «Қуруқ қўлни ит талайди»; «Игна ўтган жойдан ип ҳам ўтади» («Даъвогарнинг сўзини, илтимосини қозига, амалдорга берган пораси ўтказа олади, инобатга олдиртира олади», дейилмоқчи); «Тангалик ерда тенглик йўқ»; «Оқча очмайдиган қулф йўқ»; «Ош тошни эритар» («Пора, зиёфат ҳар қандай тошкўнгил, унча-мунчага унамайдиган одамнинг ҳам кўнглини юмшатиб, «эритиб» юборади», дейилмоқчи); «Пора, пора олганнинг икки бети қора»; «Пора берганнинг бир бети қора, Пора олганнинг икки бети қора»; «Пора еган — пона ер») пона — ўтин ёрганда қоқиладиган қозиқча. Бу мақол билан: «Пора еганлар ахири

бир кун жазосини тортади», дейилмоқчи). «Қози беш бодиринг еса гар пора, Юз полиз ҳукмига топади чора» (Саъдий Шерозий).

Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит.

Баъзан шундай бўладики, бир гапни (турли сабабларга кўра) тегишли одамнинг юзига бевосита айтмайдилар-да, унинг иштирокида (ёхуд у йўғида) бошқа бировга айтадилар. Тегишли одам зийрак, укувли бўлса, бу гап унинг ўзига тегишли эканини дарҳол фаҳмлаб олади ва шунга кўра иш тутади (йўл қўйган камчилигини тузатади; ноўрин гапириб қўйган бўлса, узр сўрайди; қочирим гап ноҳақ айтилган бўлса, шунга яраша тегишли жавоб қайтаради; ўзи айбдор бўлса, айтилган қочирим гап келиб етса ва таъсир қилса — қизариб-бўзариб ва ҳ.к.). Юқоридаги мақол билан ана шундай ҳолни ифода этадилар. «(Жабборов:) Хомсан, сингилим, хомсан! «Қизим сенга айтаман, келиним, сен эшит!» деган мақол бор. Армияда биттасини газаблайди, мингтаси зириллайди (И.Раҳим. Фидойилар).

Қизли уй — файзли уй.

Маълумки, бола туғилиши оилага катта қувонч бахш этади. Аммо ўтмишда ҳадеб қиз туғилишини баъзилар хуш кўрмаганлар, қиз туққан аёллар камситилган. Ўғил туғилганда қўй, ҳатто қорамол сўйиб зиёфат берганлар. Қиз туғилганида бундай қилмайдилар. Қуйидаги мақолларда шундай муносабат ўз ифодасини топган: «Қиз туғилди — гам туғилди»; «Қиз туққанга муз туғар, Ўғил туққанга кун туғар»; «Қиз туққунча, қуз туғ!» (қуз — «луғати Чиғатой»да «ғуз, соя, кўланка, моя, урвоқ» деган маъноларни ифодалайди дейилган); «Қиз боққунча, қисир боқ»; «Япалоқ-япалоқ қор ёғар, Ёмон хотин қиз туғар»; «Ўғил туғмаган хотиндан — ўғлоқлаган эчки ортиқ» ва б. Аммо халқимиз қизни ҳам ўғил каби тўлақонли фарзанд деб хисоблаганлар, қизларининг ўзига хос фазилатларини мадҳ этганлар, қиз кўрган ота-оналар келажакда эл-юрт ўртасида қадрли ва эътиборли бўлажакларини қайд қилганлар: «Мол топмас йигит бўлмас, Ўғил топмас аёл бўлмас» («Хотининг қиз туғса, кўп хафа бўлма. Бу сафар қиз туққан бўлса, янаги сафар ўғил ҳам туғиб қолар. Ўғил туғмайдиган хотин бўлмайди», деган маънода юпатганлар); «Хотиним қиз туғди деб ўпкалама, Шернинг эркак-урғочиси баравар»; «Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқади». Мазкур мақол билан: «Қизим бор-у, аммо ўғлим йўқ-да! Тириклигимни бир амаллаб ўтказарман-у, аммо ўлганимдан кейин мени эсга олиб, қабримни зиёрат қиладиган кимсам йўқ, деб ўксинмаёқ қўяқол. Ўғил сени хотирлаб ёқадиган чироқни қиз ҳам ёқади» деган маънода тасалли берганлар «Қиз билагин шимирар, Турли ипак ҳимирур»; «Тўнғич қиз бўлса — бир давлат, Ўғил бўлса — қўйна давлат»; «Қизли киши қир ошар»; «Ўғил — уйнинг булбули, Қиз — уйнинг гули»; «Қизли уй — қизил гул»; «Қизнинг иси — гулнинг иси»; «Гул ўсса — ернинг кўрки, Қиз ўсса — элнинг кўрки»; «Қиз — овулнинг кўрки, Йигит — овулнинг эрки»; «Қизни ким суймайди, Қимизни ким ичмайди?!»; «Қиз бола — уй зийнати»; «Қизи бор уй доим сариштa»; «Қизли уй — кимизли уй»; «Қизли уй — бўстон, Қизсиз уй — гўристон». Ота-боболар ўз мақолларида қизларнинг бундай ажойиб хусусиятларини кўрсатарканлар, ота-оналарга қизни ахлоқли, одобли, ҳар ишга моҳир ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, бўйига етгач уйда «қари қиз» қилиб сақлаб ўтирмай, тезини, севганини, ҳар жиҳатдан мос оилани топиб, узатиб, уйли-жойли ва бахтли-саодатли қилиш чора-тадбирларини кўрмоқ юзасидан панд-насиҳат қилганлар: «Қизни тийманг — тизин кучоқлар» («Ота-она қизни тиймаса, унинг юриш-туришини назорат қилиб, ёмон «дугона»ларидан қайтариб турмаса, қиз бузилиб кетиши мумкин. Кейин ота-она тиззасини кучоқлаб, яъни нима қиларини билмай, афсус еб қолади», дейилмоқчи); «Қиз сақласанг туз сақла, Туз сақламасанг юз сақла» (туз — тўғри); «Қиз сақлай билма-

ган гунг этар, Ипак сақлай билмаган юнг этар» (гунг — чўри); «Қиз асролмаган тул этар, Ўғил асролмаган қул этар»; «Қизни онаси тийсин, Ўғилни — отаси». Бу хусусда педагогика фанлари кандидати О.Тўраева шундай ёзади: «Доно халқимиз турмуш тажрибаларига таяниб, қиз боланинг бахти — кўп жиҳатдан она тарбиясига боғлиқ эканини уқтиради. Қиз боланинг бахти унинг ақл-идрокида, ҳар ишга эпчил, лобарлигида, одобида, ҳаё-ибосидадир. Бу бахт йўлига қизни даставвал она етаклайди, ўз кетидан эргаштириб, уни ҳаёт сўқмоқларидан чиниқтириб, авайлаб, ёруғ йўлга олиб чиқади» (О. Тўраева, Қиз бола — гул-лола. «Тошкент оқшоми). «Яхши отга қамчи керакмас, Яхши қизга совчи керакмас» («Қиз одобли, ҳаёли, иффатли қилиб тарбияланса, кишиларнинг меҳрини қозонади, унга турмуш йўли ўз-ўзидан очилади», дейилмоқчи); «Қизнинг қилиғи кўчада билинади»; «Қизим уйда, Қилиғи тузда» (туз — дала); «Қиз бола ҳар жойда қиз болалигига боради»; «Қиз бор — нап(ф) тегизар, Қиз бор — гап тегизар»; «Қиз бола — бировнинг хасми» (хасм — бировнинг ихтиёридаги нарса ёки кимса; шаръий хотин); «Қиз — қўноқ («Қиз — ота уйида вақтинчалик меҳмон. Жойи чиқса, ота уйини тарк этиб, турмуш қуриб кетади», дейилмоқчи); «Қиз бола — қуш, Эр бола — туғ» (туғ — байроқ, яъни бир жойда барқарор турадиган нарса); «Қизнинг боши — палахмон тоши» (палахмон — тош отиш учун ишлатилган қадимий, ибтидоий қурол); «Бўйга етган қиз — учирма бўлган қуш» («Бўйи етган, болиға бўлган қиз вақтида узатилмаса, ёши катта бўлиб кетгунча ота уйида туриб қолса, ҳусн-жамоли қайтиб, қаримсиқ бўлиб, феъли-атвори айниб, ҳатто жаҳлдор бўлиб қолади», дейилмоқчи. Бу мақол ҳам ота-оналарга қизни вақтида узатишни маслаҳат беради, шунингдек, қизини узатишга ҳадеганда унайвермайдиган ота-оналарга қарата совчилар томонидан айтилади); «Тўйи бўлмас қиз бўлмас»; «Қизли уй қудасиз бўлмас»; «Савр келса, муз турмас, Куда келса, қиз турмас»; «Пишган овқатнинг умри қисқа» («Пишган овқат лаганда, товоқда кўп сақлаб ўтирилмай, узатиб юборилиши керак», дейилмоқчи); «Етилган олма ўз саваргида турмас»; «Пишган қовун палакда ётмас, Оғир тошни сув олиб кетмас»; «Қиз — меники, Бахти ўзганики»; «Ҳар бир ишнинг вақти бор, Ҳар бир қизнинг бахти бор»; «Кал қизнинг бахтини кўр, Ўтирган тахтини кўр»; «Тешик мунчоқ ерда қолмас»; «Қизил юзли йигитга қизил юзли қиз битар»; «Қизли уй — юзли уй»; «Қизи борнинг — нози бор» («Қизи бор одам келган совчиларга ҳадеганда унайвермайди, ноз қилади, «икки оёғини бир этикка тиқиб олади», дейилмоқчи); «Қизли уй — қилиқли уй»; «Қизли уйнинг тили бийрон, Совчиларнинг тили тийрон»; «Қизли уй — карвонсарой». Карвонсаройга ҳар тарафдан турли йўловчилар келиб-кетиб тургани каби, қизли уйга ҳам турли оилалардан совчилар келиб туради. Карвон саройнинг эшиги ҳар қандай йўловчилар учун доим очиқ бўлгани каби, қизли уйнинг эшиги ҳам ҳар қандай (хоҳ яхши, хоҳ ёмон) оиладан келган совчилар учун очиқ бўлиши керак. Қиз берилмаган тақдирда ҳам, уларнинг кўксидан итармаслик, аксинча хуш қабул қилиш лозим, дейилмоқчи; «Қизли уйга қирқ от боғланади» («Қирқ от» деганда совчиларнинг оти назарда тутилган); «Қизим — қизим — Қиз киши, Қизимга келар юз киши»; «Қизли уйни шоҳ ҳам сўратади, Гадо ҳам»; «Қиз сочи сайин совчи келтирар, Эшикни бой очиб, бойвучча бекитар» («Қиз сочининг толасидек кўп совчи келтиради», дейилмоқчи); «Ўғилга ўттиз уйдан тилов бор, Қизга қирқ уйдан тилов бор»; «Қизли уйга отликлар кулиб боқадилар, Туяликлар букилиб боқадилар»; «Қайрағоч қаттиқ бўлур — ёриб бўлмас, Қиз отаси қаттиқ бўлса — бориб бўлмас»; «Қиз кўнгли — қизиган тандир»; «Шошган қиз эрга ёлчимас»; «Ўтирган қиз ўрнини топар»; «Қизни эркига қўйсанг, ўйинчига тегади» (Бу билан: «Қизни ҳар тарафлама назорат қилиб туришликка тўғри келади. Негаки, ҳали у ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрмаган, «оғзи куймаган», оқ-қорани танимаган, ҳаётий тажриба орттирмаган. Ўз эркига

ташлаб қўйсанг, кўнглининг хоҳишига юриб, кўр-кўрона ҳавас оғушига чулганиб, шартта бир нобоп йигитга кўнгил бериб қўяди-да, кейин ўзи ҳам «бармоқ тишлаб», догда қолади, ота-онани ҳам догда қолдиради», деган маънода насиҳат қиладилар); «Қизил этикликдан келмайди, Кўн этикликка бермайди» (Ўтмишда ўзига тўқ одамлар, бойлар нархи қиммат юрадиган ва кўркам бўлган қизил чармдан тикилган этик, камбағаллар эса нархи арзон ва кўримсиз кўн (хом тери)дан тикилган этик кийиб юрардилар. Бу мақол билан камбагал йигитлардан келган совчиларни қайтариб юборадиган, аммо бой кишилар томонидан ҳадеганда совчи келавермайдиган, натижада қизнинг ёши ўтиб кетаётган бўлса ҳам уйда олиб ўтираверадиган ота-оналарни мазах қилиб кулганлар). «Давлат учун эрга текқандан — ерга теккан яхшироқ»; «Ёмон отни ёвга минма — ёли бор деб, Ёмон билан қуда бўлма — моли бор деб»; «Қуданинг моли бўлгунча, ори бўлсин»; «Тенгини топсанг, текин бер»; «Қизни ошиғига бер»; «Қизни сўраганга бер, Қимизни — сувсаганга»; «Қизни танлаганга бер»; «Қизинг кимни севса — куёвинг шу»; «Гулни гулга қўш»; «Беда берсанг тойга бер — Касир-кусир чайнасин, Қизни берсанг ёшга бер — Ишқи билан ўйнасин» (халқимиз бу каби мақоллар билан қизларни ота-онанинг ихтиёри билан, улар кимни лозим кўрсалар, шунга турмушга бериш одатига қарши чиққанлар ва ота-оналарга ҳар тарафини пухта ўйлаб, ақл билан ва адолат юзасидан иш кўриш зарурлигини уқтирганлар); «Қизга олтиндан тахт эмас, Бармоқлай бахт керак»; «Қиз қариса қози бўлур, Қари чолга рози бўлур» (бу мақолнинг иккинчи қисми»... Қари итга рози бўлур» (мазкур мақолбор); «Ит қариса този бўлур, Қиз қариса қози бўлур» (Мазкур мақолларда «қози бўлур» дейиш билан: «инжиқ, унча-мунчани ёктирмайдиган, ўз айтганидан қайтмайдиган, ҳаммани тергайдиган бўлиб қолади, демоқчи бўладилар); «Қари қиз эр танламас, Ўлган одам ер танламас»; «Оч киши мой танламас, Кари қиз бой танламас» (ўтмишда баъзи жойларда эрни «бой» деб ҳам атаганлар); «Ҳар кимнинг ҳар дарди бор, Қари қизнинг эр дарди бор»; «Эриккан қиз энагаси билан ўйнашар» (эриқмоқ — эрсираган. Энага — бировнинг қизини тарбиялаб, катта қиладиган мураббий аёл); «Қари қизга тонг отмас»; «Қари қиз овға чиқар, Кетидан говға чиқар» (Мақолда: «Вақтида узатилмай, уйда «қари қиз» бўлиб ўтириб қолган қиз мабода бирор ерга бориб келмоқ мақсадида кўчага чиқса, уйдагилар — ота-она, ака-укалар: «Ёмон йўлга юрмадимикин?» деб, ундан шубҳаланадилар ва хоҳ асосли, хоҳ асоссиз равишда уни қойийдилар, говға кўтарадилар», демоқчи бўлинган); «Пишган қовун палагида тураверса, чирийди»; «Туз сақлама — сув бўлур, Қиз сақлама — қув бўлур»; «Қори бўлмаса — қиш хунук, Ёри бўлмаса — қиз хунук»; «Ёмон бўлса, яқининг — ёв, Чаман бўлса, отинг — ёв, Тил олмаса, ўғлинг — ёв, Эр олмаса, қизинг — ёв» (чаман — секин, имиллаб юрадиган, ялқов от. Тил олмаса — гапингга кирмаса, айтганингни қилмаса, «Қулоқсиз» бўлса, деган маънода); «Қиз бола эрда яхши, Эр олмаса — гўрда яхши». Қиз совчи келмаганлиги ёхуд ўзининг бирор айби, ёмон хулқ-атвори туфайли турмушга чиқазилмай қолиб кетса, ота уйига сиғмайдиган, оила аъзоларининг (шунингдек, қўни-қўшнилар ва қариндош-уруғларнинг) кўзига шумшук кўринадиган бўлиб қолади. Кейинги мақолларда шунга шама қилинган. Қиз деган ном — чиройли «муқова». Унинг ичида қиздан ҳам чиройли мазмун бўлиши, мутлақо ҳеч қанақа — мазмун бўлмаслиги ҳам мумкин (А.Қаххор, Ён дафтаридан). (Ачахон:) ўтирган қиз ўрнини топар.

(У. Исмоилов, Пъсалар).

Қизники қийин билан битар, Ўғилники ўйин билан битар.

Халқимиз турмушида қадимдан ҳукм суриб келаётган урф-одатлар, расм-русмлар, тартиб-қоидаларга биноан, қиз узатиш — ўғил уйлантиришга нисбатар анча мушкул ва кўп маб-

лаг талаб қилади. Бу ҳолни ифода этувчи мақоллар талайгина: «Ўғилнинг тўйи — ўйин, Қизнинг тўйи — қийин»; «Ўғилга бир керак бўлса, Қизга минг керак»; «Қумга сепган билинмас, Қизга берган кўринмас»; «Катта қиз чўнтак кавлар, Кичик қиз бурун кавлар»; «Тўнгичники — ташвиш, Кенжаники — ҳашам»; «Сепли қизим керилар, Сепсиз қизим серилар» (серилар — ўксинар маъносида); «Қизни бешикка сол, Сепини сандиққа сол»; «Олтида йиғсанг ошади, Еттида йиғсанг етади» (бунда «Қизинг олти ёшга киргунанок унинг сепини жамғара бошласанг, то узатилгунга қадар сепи мўл-кўл бўлади, ҳатто керагидан ортиқча ҳам бўлиб кетади; етти ёшидан жамғара бошласанг, узатилгунча ошиб-тошиб кетмаса ҳам, ҳар ҳолда лозим бўлган даражага етади», дейилмоқчи). «Қизли уй қизилга тўймас»; «Қизнинг кўзи қизилда, Ёшнинг кўзи яшилда» (Одатда қизлар қизил рангли матолар ва бошқа нарсаларга ўчоқ бўладилар. Илгари қизлар сидирға қизил алвон, қизил шойи, қизил атласдан кўйлак киядилар. Ҳатто, паранжилари, саллача ва рўмолчалари ҳам қизил рангли бўларди); «Қиз деса қизиқасан, Хайҳай унинг қалини!» А.Вамбери 1868 йилда Хоразм ўзбекларининг ҳаётини тасвирлаб ёзганда шуни маълум қилганки, қишлоқ жойларда қалин «тўққиз-тўққиз» ҳисобида тўланган. Туялар, отлар, сигирлар, қўйлар ҳам шу ҳисобга кирган. Бойлар «тўққиз-тўққиз»ни олти карра кўп миқдорда тўлаганлар, яъни, қалинга эллик бошдан ортиқ қорамол берганлар. Шаҳарларда эса қалин пул билан тўланган (А. Вамбери, Очерки Средней Азии). «Саксон бия, саккиз туя — Сепли қизнинг қалини» (Муболага тарзида шундай деганлар); «Қиз қалини — қирқ йилқи»; «Қалин бергандан кейин ўлик куёв ҳам тобутда ётолмас»; «Қиз қалинсиз бўлса ҳам, қаъдасиз бўлмайди» (қаъда — урф-одат, тартиб-қоида расм-русм); «Балиқ тутмоққа тўр керак, Хотин олмоққа қўр керак» (қўр — жамғарма); «Қалам йўнсанг узун йўнгил учини, Хотин олсанг тўлдир қути ичини»; «Хотин олмоққа чўт керак, Ботмон даҳсар эт керак» (ботмон даҳсар — жуда кўп); «Йигитга ё зар керак, ё зўр»; «Ё зўринг бўлсин, ё заринг»; «Ё зўр, ё зар, Ё шаҳардан сафар»; «Пулсиз ошиқ — қанотсиз қуш»; «Емига чидасанг от ол, Сарфига чидасанг хотин ол»; «Қарз узилиб кетар, Хотин ёнга қолар» (қалиннинг дастидан ёши бир жойга бориб қолганида ҳам уйланолмай, боши гаранг бўлиб, «юрагига қил сиғмай» юрган йигитга: «Уйланишга қурбинг етмаётган бўлса, қарз ол, кейин бир амаллаб узарсан, икки ўртада хотинли бўлганинг қолади», деган маънода далда берганларида, шунингдек, қарз олиб уйланган ва энди қарзни узиш ваҳмига тушиб юрган йигитга тасалли берганларида мазкур мақолни қўллаганлар); «Қизли уй — қирон, Ўгилли уй — даврон» «Қизинг ўсса — уйга ют келади, Ўғил ўсса — уйга қут келади»; «Қизнинг бўйи етди — бошингга ёв етди»; «Мол ҳам ғарот, Жон ҳам ғарот» (ғарот, ғорат — талонторож қилиш, бетириш, маҳрум қилиш); «Буғдойинг бор бўлса, молим бор дема, Азроил бор бўлса, жоним бор дема»; «Қиз чиқарган уй масжидга ўхшаб қолади». (бунда ота-онанинг топган-тутгани, бор буди-шуди узатилган қизнинг сепига кетадиган уй деярли ҳеч қандай жиҳозли, асбоб-анжоми бўлмаган, бўмбўш, ҳувиллаб ётадиган масжидга ташбих этилган); «Ўғил уйлантирганга ўн йил ёндошма, Қиз чиқарганга қирқ йил ёндошма»; «Ўғилли ўн йил оч, Қизли қирқ йил оч».

Қинғир ишнинг қирқ йилдан кейин ҳам қийиғи чиқар.

Вар.: «Эгри иш эллик йилдан кейин ҳам эланар» (эланмоқ — «элак-элак қилинмоқ», миридан-сиригача текшириб фош этмоқ); «Яширин нарса етмиш йилда топилади»; «Қор қанча қалин ёғмасин, барибир ёзга етмас» (буни аниқроқ англамоқ учун «Қор ёғди, излар босилди» иборасини эсга олмоқ кифоя. Мазкур мақол билан мажозан: «Ўғри, хиёнатчи, жиноятчи қилар ишини қилиб, «изи»ни йўқотиш чора-тадбирларини ҳар қан-

ча пухталик ва усталик билан қўриб қўйган бўлмасин, барибир орадан кўп вақт ўтмай фош этилиб, тегишли жазосини тортади», дейилмоқчи); «Қилмиш — қидирмиш»; «Қинғир иш — кирғин иш»; «Қинғирлик — тириклик гўри, Эгрилик — умрнинг шўри»; «Бурунғининг мазасин, Сўнги берур жазосин» («Хиёнат, жиноятлар қилиб, мўмай даромадга эга бўлиб, аввалига катта-катта еб-ичиб, яхши-яхши кийиниб, зеб-зийнатларга безаниб, дангу-дароз тўй-зиёфатлар қилиб, данғиллама уй-жойлар солиб, машинатини суриб, маза қилиб юрадиган одам охир-оқибатда қўлга тушиб, жазосини тортади ҳам» дейилмоқчи); «Найранг билан иш кўрган, Кўп қийналиб жон берар»; «Қилмишини бекитган — охир бир кун вайрондир»; «Қинғир иш қилиб, сойда юргандан — тўғри иш қилиб, қирда юрган яхшироқ» («Сойда, «Қирда» дейишдан мурод — яхши, тўқ, тўкин-сочин яшагандан — ёмонроқ, қийналиброқ бўлса ҳам, ҳалол, пок, виждонан яшаган яхши, деган маънони англатишдир).

Қирқ киши ҳам бир, қинғир киши ҳам бир.

Бу мақол ўзи билмаса ҳам, кўпчилик маъқуллаб турган гапни рад этиб, «ундай эмас, бундай» деб, қийиқлик, маҳмадоналик қилувчиларга қарата айтилади.

Қирқига чидаган — қирқ бирига ҳам чидайди.

Ўтмишда подшолар, хону беклар гуноҳкор одамга таъзир бермоқчи бўлганларида шариат пешволарининг фатвосига биноан, уни 40 дарра урдирардилар. Халқ ҳикоятларидан бирида айтилишича: «Бир одамга бўҳтон қилиб, бўйнига гуноҳ қўйиб, 40 дарра уришга маҳкум этадилар. У «тишини тишига қўйиб», ғинг демай, дод-фарёд қилмай, 40 даррани ичида санаб туради. Аммо, даррачи ҳисобдан янглишиб, унга бир даррани ортиқ уриб юборади. Шунда у одам «дод!» деб юборади. Жазолаш жараёнини томоша қилиб ўтирган хон: «Нега дод дейсан?! Нима, хон ҳукмига қаршимисан?!» деб ўшқиради. «Қарши эмасман-у, тақсир, аммо даррачингиз битта ортиқ уриб юборди-да», дейди шунда «гуноҳкор». «Ахир қирқига чилаганингдан кейин, қирқ бирига ҳам чида-да!» дейди хон...» Бу гап кейинчалик халқ ўртасида мақолга айланиб кетган бўлиб, уни мажозан қийинчиликларга чидамли, бардошли, сабот-матонатли бўлишга даъват этганда, бир нимадан қийналиб, изтироб чекаётган одамни юпатиб, унга далда ва тасалли берганда қўллайдилар. Вар.: «Киши кетиб, ёзи қолди, Кўпи кетиб, ози қолди».

Қирқингга — бир қозон!

Бу мақолни XIX асрнинг иккинчи ярмида юзага келган, дейиш мумкин. Халқ ривоятларидан бирида ҳикоя қилинишича, қўқонлик Ёқуббек (тахаллуси Бадавлат) Қашқарни олгач, тунганларни батамом тормор қилиш мақсадида зўр бериб уруш тараддудини кўра бошлайди. Қурол-аслаҳа, айниқса, тўп-замбараклар етишмасди. Уларни ясаш учун эса бу ерларда темир ва чўян танқислик қиларди. Шунда Ёқуббек халқнинг қозонларини йиғиб олиб, уларни эритиб, тўп-замбараклар ясашга қарор қилади ва шаҳар-қишлоқлардаги ҳар қирқ хонадонда битта қозон қолдириб, қолганларини йиғиб олиб эритиш тўғрисида буйруқ беради. Бунга қаршилик кўрсатганларни қаттиқ жазолайди, ҳатто ўлимга ҳукм қилади. Бу тадбир халқ бошига катта уқубат келтиради. Дарҳақиқат, қирқта хонадонга биттагина қозон қолдирилса, нима бўлишини бир тасаввур қилинг-а! Кўпгина тарихчиларнинг асарларида, Ёқуббекни кўрган, унинг қўл остида хизмат қилган кишиларнинг эсдаликларида ҳикоя қилинишича, у ўз ҳокимлиги даврида (1863 йилдан 1878 йилгача) халқни ҳар томонлама эзган. Ёқуббек бадавлат деҳқонлардан етиштирилган ҳосилнинг тўққиздан бир қисмини натура ҳисобида эмас пул ҳисобида тўлашни талаб қилган. Хирмон кўтарилган пайтда эса, улардан ҳам ўша қийматдаги

пулни ундирган; ҳам ўша миқдордаги ҳосилни. Натижада солиқлар икки баравар қилиб олинган. Ёқуббек ерларнинг ҳаммасини «давлат мулки» деб эълон қилиб, эгаларидан тортиб олган ва яна шу эгаларининг ўзига сотиб, пул қилган. Фуркатнинг ёзишича: «Ёқуббек хон бўлганидан сўнгра... фуқароларнинг хоҳ ёш, хоҳ қариси бўлсин, борин олиб ва аларнинг авқотига ҳам юк юкламоққа галлаларини ва ҳайвонотларини олди..» (Туркистон вилоятининг газетаси», 1897 йил, 13 декабрь). Илгари очиқ юрган хотин-қизлар Ёқуббек давлат тепасига келгач, паранжи-чимматга ўранишга мажбур этилганлар. Унинг ҳарамида 300 канизак бўлган. Бундан ташқари, ҳар куни унинг ҳузурига Қашқарнинг энг гўзал қизларидан 15-20 таси келтирилган. У буларнинг ичидан биттасини танлаб олиб қолган. Ёқуббекнинг рухсатисиз бирорта қизнинг ҳам турмушга чиқишга ҳақи бўлмаган. Шу каби ҳаддан ташқари зулм-ситамлари учун халқ уни бениҳоя ёмон кўрган. Юқоридаги мақолни халқ унинг тилидан заҳарханда ва аччиқ киноя тарзида «адабингни бераман!», «мендан омонлик кўрмайсан!» «тавбангга таянтираман!», «кунингни кўрсатаман!» деган маъноларда қўллайди. Гарчи мен олиму шайхи замон, Қирқингизга эмди берай бир қозон (Муқимий).

Қирғиякда қиндаги ҳам пишади.

Бу билан: «Қирғиякда (яъни, август ойида) жамики экиннинг ҳосили пишади», дейилмоқчи. Мазкур мақолнинг «Қирғиякда етти сариқ пишади» деган варианти ҳам борки, бунда «етти сариқ» деганда, буғдой, арпа, тариқ, ўрик, анжир, жийда ва беҳи назарда тутилган.

Қисқа ип қамровга келмас.

Одатда ипни бармоққа қамраб (ўраб) тугадилар. Қисқа ипни қамраб ҳам бўлмайди, тугиб ҳам. Мажозан: «Кишининг «қўли қисқа» бўлса, пули, маблаги бўлмаса, дурустроқ бирон-бир ишга қурби етмайди, на ўзига, на ўзгага ёрдам бера олади», деган маънода айтилади. Вар.: «Калта ип боғловга етмас»; «Оз йиртиққа ямоқ бўлмас, тешикка — тиқин».

Қиш қишлигини қилади.

Вар.: «Қишнинг куни қирқ турли, Қирқови ҳам қилиқли»; «Қиш қилиғин қилмай, Ёз йўригин йўймай қўймас»; «Қиш қишлигини қилмаса, Ёз ёзлигини қилмас»; «Кўлиги қараб гози, Қишига қараб ёзи»; «Ёз етса қуёш қиздирар, Қиш етса бўров тўздирар»; «Қиш келади, қиличин олиб»; «Қишнинг қаҳри қаттиқ»; «Қиш кунининг илиганига инома»; «Қиш кетди деб, тўн сотма»; «Ёз: ёпинчигингни қўйма, Қиш: ўзинг биласан»; «Гуппинг қалин бўлса ҳам қишдан қўрқ, Дўппинг қалин бўлса ҳам муш(т)дан қўрқ» (гуппи — қалин пахтали чопон, тўн); «Қиш кўноғи — ўт»; «Қишнинг зиёфати — олов»; «Қишнинг гули олов, меваси — палов»; «Қишда ўчоқ ўзига тортар»; «Қиш ўчоғи тор, Тур уйингга бор!» (қишда кенг уй, кенг хонадон ҳам тор бўлиб кетади). «Қиш — қисилмоқ, Ёз — ёзилмоқ» деганларидай, қиш кунида хонадонлар оила, бола-чақалари билан иситиладиган жойга, уйга йиғилишиб, қисиниб-қимтинибяшайдилар. Шундай пайтларда ортиқча одам ортиқчалик қилиб қолади. Мазкур мақол билан: «Модомики шундай экан, қиш кунида ҳудабехудага бировникига бораверма. Борган чоғингда ҳам, ҳаддан ташқари узоқ ўтириб қолмай, ё ётиб қолмай, ўз уйингга жўна», деган маънода насиҳат қилганлар.

Қовун деб экканим таррак бўлиб чиқди.

Вар.: «Қўйнимга тасбеҳ деб солганим — илон бўлиб чиқди». Ҳаётда баъзан шундай ҳам бўладики, киши у ёки бу одамни яхши деб ўйлаб, ўзига яқин олиб, ҳурматлаб, эъзозлаб, кези келганда ёр-

дам бериб юради. Аммо, оқибатнатижади у одам киши ўйлагандек бўлиб чиқмайди: «тузини ичиб, тузлуғига тупуради», ҳурмат ва садоқатга хиёнат қилади, сирингни билиб олиб, сиртга чиқариб, шармандайи-шармисор қилади, ўзгалардан гап эшиттиради, зиён-заҳмат етказади ва ҳ. к. Юқоридаги мақолларни ана шундай ҳолларда ишлатадилар.

Қозон олсанг қоқиб ол, хотин олсанг боқиб ол

(Қозон қоқиб олинса, унинг дарз ё дарз эмаслиги билинади). Бу каби бир қанча мақолларида халқ кишига турмуш қуриш, муносиб ёр танлаш юзасидан насиҳат қилиб, бу ишда тажрибасизлик, шошма-шошарлик қилмаслик, бир умрга ёр, ҳамкор ва ҳамроҳ бўлгувчи маҳбубани сўраб-суриштириб, ўз кўзи билан кўриб, феъл-атворини билиб, синаб кўриш, ҳар жиҳатдан мос келгани тақдирдагина, унга кўнгил бериш ва ёр қилиш зарурлигини уқтиради: «Аркогини кўр, бўзини ол, Онасини кўр, қизини ол»; «Қирғогини кўр, бўзини ол...», «Милкини кўр, бўзини ол»..., «Карисини кўр, бўзини ол...» деган вариантлари ҳам бор. «Қиз берсанг, отасига қараб бер, Қиз олсанг, онасига қараб ол»; «Семиз кўзининг гўшти яхши, Оқил онанинг — қизи»; «Яхшининг кетидан қолма, Ёмоннинг қизини олма»; «Эшиги ёмоннинг уйига борма, Онаси ёмоннинг қизини олма»; «Қундош кўрганнинг қизини олма» (Одатда бир ё бир неча кундоши бўлган хотин уларга бас келаман деб, уришқоқ, жанжалкаш, «бетга чопар» бўлиб қоларди. Турган гапки, унинг қизи ҳам ўсиб-улғайгач, шундай феъл-атворга эга бўларди); «Теракка қараб тол ўсар, Онага қараб қиз ўсар»; «Она ўтган кўприкдан қиз ҳам ўтади»; «Ёталоқ туянинг бўталоғи ҳам ёталоқ бўлади»; «Онаси сувга чўккан туянинг боласин олма»; «Синамасдан ёр қилма»; «Бўй-бўйлаб, Тенг-тенглаб»; «От олма ниёданинг маслаҳати билан, Хотин олма бўйдоқнинг маслаҳати билан»; «От олсанг овулинг билан кенгаш, Хотин олсанг уруғинг билан кенгаш»; «От олсанг, ой кенгаш, Хотин олсанг — йил»; «Синамай қилинган турмуш саккиз кундан ошмайди»; «Маслаҳатсиз турмуш тўйдан кейин бузилар»; «Боқмагил наслига, Боққил аслига» (Бу билан: «Хотин оларда унинг наслига — яъни, эшонзода, хўжазода ё саидзодалигига қарама. Чунки, «насли тоза» деб ҳисобланган оилалардан ёмон, бадфеъл фарзандлар ҳам чиқиб қолгани каби, «таги паст» деб ҳисобланган оилалардан яхши, хушфеъл, ахлоқ-одобли, фазли-камолли фарзандлар ҳам чиқиб қолади. Одам танлаганда, унинг аслига — яъни, хусусий ҳулқ-атворига, феъл-кирдикорига, юриш-туриши, гап-сўзи ва ҳоказо шу каби томонларига қара», деган маънода насиҳат қиладилар); «Ўтиннинг яхшиси янтоқ, Хотиннинг яхшиси қалмоқ, Қайси номарднинг иши, Ёр устига ёр олмоқ?!». Мақолда уйланмоқчи бўлган кишига: «Агар от оладиган бўлсанг, арғумоқ (яъни, энг кучли от) ол — ҳоримайсан; хотин оладиган бўлсанг, қалмоқдан ол — у ҳамма ишларни тинчитади, сени қаритмайди», деб маслаҳат берилган. «Умр йўлдошингнинг маҳрига боқма, меҳрига бок». Арабларда исломдан олдин ҳам қиз эвазига бериладиган тўловни «меҳр» дейилган, бу одат исломга кирган. Қуръонда тилга олинган, шариатда ҳам маҳр бериш белгиланган. Амалда бу ҳар кимнинг ҳоли қудратига қараб, қиз учун тўланадиган пул, мулк, ҳайвон, кийим, безаклар ва бошқаларнинг мажмуасидан иборат бўлган. Арабларнинг исломда қонунлаштирилган бу одати Ўрта Осиё халқларида амалда бўлган «қолим» билан аралашиб кетган. Шунинг учун ўзбеклар, қирғизлар, туркманлар, қозоқлар буни «қалин», тожиклар, афғонлар, форслар, араблар «маҳр» дейди... Бу меҳрга шариатда фақат аёлнинг ўзи эга ҳисобланган, маҳрга тушган мулкнинг (ер, тегирмон, ҳовли, боғ ва ҳ. к.) даромади унинг ўз мулки ҳисобланган, аёлнинг розилигиси ҳатто унинг эри ҳам харажат қи.шга ҳақи йўқ ҳисобланган» (М. Усмонов, Даҳрийлик ва қадрият, «Ёш ленинчи»). «Сеплини

олма, Эплини ол» (сеп — узатилаётган қиз момоли, бисот). «Сандиги тўла сепи бўлгунча, Юраги тўла эпи бўлсин»; «Қиз ҳусни — юрагида»; «Эшик кўрганни олма, Бешик кўргандан қолма» (Бу билан уйланадиган йигитга: «Эшик кўрган, яъни кўча-кўйга ўрганган, юрумсоқ, олифта, уй ишига хуши йўқ қизни олма; бешик кўрган, яъни бола боққан, уй ишига ўрганган қизни ол», деб маслаҳат берганлар); «Эшик кўрган — юрт бузар, Бешик кўрган — юрт тузар»; «Онаси мактаган қизни олма, Янгаси мактаган қиздан қолма». Одатда янга (келинойи) билан қиз (янгага нисбатан — қайнсингил) бир бирини хуш кўрмайди. Мақолда: «Хуш кўрмайдиган янгасини мактаган экан, демак қиз ҳақиқатан ҳам яхши экан. Ҳеч шубҳаланиб, иккиланиб ўтирмай, олавер», дейилмоқчи; «Ўзинг суйганни олгунча, Ўзингни суйганни ол»; «Сулув — сулув эмас, Суйган — сулув»; «Сулув бўлган билан ёр бўла билмас, Туя бўлган билан нор бўла билмас»; «Кўнгилни сўратга боқиб берма, Сийратга боқиб бер» (Сийрат — хулқ-атвор, хислат, одат, ҳолат); «Яхши қизга эш бўлганинг — Кундан-кунга ёш бўлганинг» (Эш — ўртоқ, ҳамдам, йўлдош). «Қирма юз, терма қошга йўлама» («Уйланадиган бўлсанг, серпардозларга йўлама, чунки улар ўзига зеб беришдан бўшамайди, ишга бўйни ёр бермайди», дейилмоқчи); «Чиройидан ҳам чиммати керак» (чиммат — парда. Бу ерда — юз пардаси, ҳаё пардаси, пок иффат маъносида келтирилган); «Чиройга нон ботириб еб бўлмас»; «Чирой — ҳусни-жамолда эмас, фазли-камолда»; «От олсанг юришлигин ол, Хотин олсанг эс-хушлигин ол»; «От олсанг, ориқдан ол, Қиз олсанг, Қаллочдан ол» (қаллоч — қаллош — фақир; камбағал); «Ҳайитда хотин олма, Ёмғирда йилқи олма» (Ёмғирда йилқининг чанг-чунги ювилиб териси ялтираб, гарчи ўзи ёмон бўлса ҳам, киши кўзига кўркам бўлиб кўринади. Ҳайитда хотин-қизлар пардоз-андозни, ясан-тусанни роса маромига етказадилар. Танлаган киши алданиб қолиши мумкин); «От олсанг яқиндан ол, Хотин олсанг йироқдан ол» («Чунки, ота уйи яқин бўлган хотин ҳуда-беҳудага «ғир этиб» уйига бориб келаверади, ҳеб борғиси келаверади, кўнглининг бир чеккаси ўша ёқда бўлади», дейилмоқчи. Бу фикрни кувватловчи «Тўркини яқинининг тўшаги йиғилмас», деган мақол ҳам бор. Тўркин — тўрмушга чиққан қизнинг ота уйи), «Яраб турар деб том солма, Яраб турар деб хотин олма»; «Ўтмас пичоқ таққунча, Тишлаб егин тўйгунча, Ёмон хотин олгунча, Бўйдоқ юргин ўлгунча»; «Бўлғусизни олгунча, Бўйдоқ ўтир ўлганча».

Қозон ҳам — мой, чўмич ҳам — мой.

Тўкин-сочинлик, мўл-кўлчилик бўлганда шундай дейдилар.

Қозонда бўлса, чўмичга чиқади.

Бу билан мажозан: «Ҳар ким илмбилими, касб-ҳунарига яраша гапира олади, ёза олади, иш қила олади», демоқчи бўладилар. Вар.: «Ҳар идиш ўз ичидагини тўкади». (Нафиса:) Ўқитувчи ўзингнинг келин ойинг бўлгандан кейин, сен кеккаймай, ким кеккайсин?! (Олим:) Кўп жиғимга тегавермангларинг. Қозонда бўлмаса, чўмичга нима чиқади?! (Б. Раҳмонов, Қилмиш-қидирмиш).

Қозони бошқанинг — қайғуси бошқа.

Вар.: «Тутуни бошқанинг — туйшаги бошқа» (туйшак — гам, қайғу, қийинчилик, азоб-уқубат, ташвиш). Булар билан: «Ҳар ким ўз тирикчилиги, гами, ташвиши тўғрисида қайғуради, елиб-югуради. Бировнинг қайғусини биров тортмайди», дейилмоқчи.

Қулоқдан — чўлоқ яхши.

Ишёқмас, дангаса, боки бегам, имиллаб юрадиган ва ишлайдиган, камоли сусткорлигидан ҳаммадан орқада қо-

либ, «итнинг кейинги оёғи» бўлиб юрадиган, лапашанг одамларни мазах қилувчи, уларнинг устидан истеҳзо билан кулувчи мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Қўли суст косибдан — Оёғи илдам гадо яхши» («Қўли суст — яъни, сустқашлик, эринчоқлик билан ишлаб, кам маҳсулот тайёрлайдиган косиб на ўзини, на оиласини дуруствроқ таъминлай олади. Унга қарагада оёғи илдам, чаққон, елиб-югурадиган, ғайратли гадо тиланчилик қилиб бўлса ҳамки, ўзини ва оила, бола-чақасини дуруствроқ таъминлай олади», дейилмоқчи)· «Қўнимсиз, қўнимсизнинг иши — унумсиз» (қўнимсиз — бир ерда узоқ, муқим тура олмайдиган; бекарор, бардошсиз, сабр-чидамсиз одам).

Қон-қариндош — жон қариндош.

Бу каби бир туркум мақолларда кишига қариндош-уруғларнинг нақадар яқин, ҳамроҳ, ҳамнафас, ҳамкор, ҳамдард бўлиши, яхши-ёмон кунларда ёрдами тегиши кўрсатилиб, уларни қадрлаш, иззат-ҳурмат қилиш, ўзига яқин олиб юриш, ўзидан йироқлаштириб юбормаслик, яхшилигига ортиқроқ яхшилик билан жавоб қайтариш, асло ёмонликни раво кўрмаслик, қаттиқ-қурм гапирмаслик, уришиб-жанжаллашмаслик, кўнглини ранжитмаслик зарурлиги уқтирилади: «Уруғ-аймоғим — қуюқ қаймоғим»; «Қариндошим — қора қозоним, Уруғим-унли чуволим» (чувол — катта қоп); «Қилдай томир бўлса, туққанига тортади»; «Жон тортмаса ҳам, қон тортади»; «Туғишган омонликда эмас, ёмонликда билинар»; «Туққан туққандан тутар»; «Қариндошингни қоронғи кунда сина»; «Қариндошнинг уни қоронғида ҳам билинади»; «Қоронғида қичқирсанг, қариндошинг товуш берар» («Бошингга бирор фалокат туғилганда ёрдам сўраб қичқирсанг, биринчи галда қариндошинг ёрдамга келади», дейилмоқчи); «Ёғ ичганда ёт яхши, Қон ичганда — қариндош»; «Сопол чинни бўлмас, Бегона — ини бўлмас»; «Тод ёғоч маданг бўлмас, Бегона даданг бўлмас» (маданг — тут, қайрағоч каби дарахтларнинг қаттиқ ёғочи); «Жар йўл бўлмас, Бегона — эл»; «Бегона сўз беради, бўз бермайди»; «Ёт сени ётқизар, Ғамкулфатга ботқизар»; «Туққан-туққан топишар, Ётга бало ёпишар»; «Эшак минчоқ тож бўлмас, Ит узуми ток бўлмас, Эшак ингилиб от бўлмас, Ўз уруғинг ёт бўлмас»; «Олтмиш қулон от бўлмас, Туғишганинг ёт бўлмас»; «Туққан жигарнинг озори бўлса ҳам, безори йўқ»; «Ўзга ўзингдек бўлмас, Ёт — яқинингдек»; «Манглайингга урадиган тошинг ҳам ўзингдан бўлсин»; «Ўзингникини ёмонласанг, ўзгадан меҳр кўтарилар»; «Қаттиқ гапирсанг, қариндошингга ёқмайсан»; «Қариндошингни ошга чақир, чошга чақирма» (чош — хирмон, уймак). «Қариндошингни ошга (яъни, зиёфатга, меҳмондорчиликка) чақир-у, аммо чошга (яъни, хирмон ҳашарига ва умуман, ишга) чақирма, кўнглига келиши мумкин», дейилмоқчи); «Қариндошинг келса-келсин, Бўз халтаси келмасин» (Бу мақол тамагир, ҳадеб бир умидида бетакаллуф келаверадиган, ҳали уни ҳали буни сўрайверадиган қариндошларга қарата айтилган); «Бор қариндош — қариндош, Йўқ қариндош — зиёндош»; «Қариндошингда кайғу бўлмасин»;

Қонни қон билан ювиб бўлмайди.

Вар.. «Ўтни ўт билан ўчириб бўлмас». Бу мақолларни: «Урушни уруш қилиб бостириб бўлмайди, сулҳ тузиб, тинчлик ўрнатиш керак» деган маънода қўллайдилар. Ҳар иккала мақол ҳам халқимизнинг энг қадимий мақолларидан бўлиб, XI аср олими Маҳмуд Қошқарийнинг «Девону луғотит турк» асарида, шунингдек ўрта аср шоирлари ижодида учрайди: «Жафо қилда жингга янут қил вафо, Аримас неча юса қон бирла қон». (Аҳмад Югнакий) «Лаълидин бағринг қоним ҳар дам Отойи сўрмаким, Чун аримас ҳар нечаким ювсалар қон бирла қон».

Қор ёғди — зар ёғди.

Бир туркум мақолларда ота-боболар ёғингарчиликка ўз муносабатларини билдириб, вақтида ёққан қор-ёмғирнинг фойдали, бевақт ёққан қор-ёмғирнинг эса зарарли эканлигини қайд этганлар: «Тоққа ёғса, чўл обод, Чўлга ёғса, эл обод»; «Тоққа қалин қор тушгани — Ернинг қониб сув ичгани»; «Чилла қори — ернинг қони»; «Эр туғилса — элнинг бахти, Ёмғир ёғса — ернинг бахти»; «Қор ёғди — нон ёғди»; «Қор — ош билан нон»; «Қишки қори безайди, Яйловни — отари»; «Қор — ернинг кўрпаси, Ёмғир — ернинг шўрваси»; «Ёмғир ёғса — ернинг ризқи»; «Нон — новвойда, Калити — осмонда»; «Савол — осмондан, Жавоб — тегирмондан» (Бу мақолни: «Ош-нонннинг кўп ё кам бўлиши осмонга) яъни, осмондан ёғадиган қор-ёмғирга) боғлик», деган маънода қўллайдилар); «Қори қалин қишнинг ўлани ҳам қалин бўлади»; «Қора ерга қор ёғса, Қорни кўрган — не яхши, Қора ердан қор кетса, Ерни кўрган — на яхши»; «Қишда қор кўп бўлса, Ёзда ёмғир кўп бўлади»; «Яшин яшнаса, ер яшнар»; «Қиш қорли бўлса, Ёз ярли бўлмас» (ярли — йўқсил, камбағал); «Қишнинг қори — ёзга дори»; «Ёз ёмғири — қиш озиғи»; «Ёмғир ёғиб ёз бўлмаса, Бутун ёзинг хазон бўлар»; «Савр ёмғири — сари олтин» (Савр — қуёш йили ҳисобида иккинчи ойнинг арабча номи бўлиб, 21 апрель билан 21 май оралиғидаги даврга тўғри келади. Бу ойни «ёмғир ойи» деб ҳам атайдилар); «Қирқ кун сирғоқ, Қирқ кун қургоқ» (Бунда баҳорги ёғингарчилик ва ёзги қуруқчилик назарда тутилган), «Баҳор ёмғири — деҳқон ғамхўри»; «Вақтида ёққан ёмғир — ош билан нон, Вақтсиз ёққан ёмғир — илон билан чаён»; «Қишдаги ёмғирдан — илон-чаён ёққани яхши», «Жавзодаги ёмғирдан илон ёғса яхши» (жавзо — қуёш йилининг учинчи ойи, 22 май билан 22июнь оралиғидаги давр); «Ёз ёмғири — илон билан чаён, Гармсел ундан ҳам ёмон»; «Ёзнинг ёмғиридан қўрқ, Қишнинг — қировидан»; «Кичик чиллада бол бўлса ҳам ёғмасин, Катта чиллада заҳар бўлса ҳам ёғсин»; «Қирғиякда қирқ томгунча, Мезонда бир томсин»; «Бевақт ёққан ёмғир, Деҳқон ичига ёғур».

Қора кўнгил — яра кўнгил.

Халқимиз ичи қора, дилгир, кўнгли ёмон, нияти бузуқ одамлардан жирканади, уларнинг асл башарасини очиб ташлайди ва қилмишарига яраша жазоларини тортажаклари муқаррар эканлигини уқтиради: «Қорадан ортиқ бўёқ бўлмас»; «Қиш ўтар, қоралик кўмирга қолар»; «Қиш ўтар, қоралик қарғага қолар»; «Қудуқ тубига қуёш тушмас» («Ёмоннинг, дилгир одамнинг қоронғи, қора дилига яхшилик нури тушмайди, унга яхши гап, панд-насиҳат таъсир ҳам қилмайди», дейилмоқчи); «Қорасувда қор турмас» (корасув — шўр сув. Бундай сув қишда музламайди, устига ёққан қор турмай эриб кетаверади. Бу ташбиҳ билан ҳам: «Қора кўнгил одамга кордек оппоқ, тўғри сўз, панд-насиҳат кор қилмайди», демоқчи бўладилар); «Кўнгил кири етти марёда ювса кетмас»; «Тўни ёмонни ит қопар, Кўн(гл)и ёмонни худо топар».

Қора товуқ ҳам оқ тухум қилади.

Ота-боболар киши жамиятда яшарканн, у кимга қандай муносабатда бўлиши лозимлиги юзасидан таълим берарканлар, у ёки бу одамнинг ташқи кўринишига: чиройли ё хунуклигига, басавлат, келишган ё кўримсиз, ногиронлигига ва ҳ. к. қараб хулоса чиқариши, шунга кўра жавоб-муамала қилиши керак эмаслигини, аксинча ҳар одамнинг ақлу-заковатига, фазли-камолига, маъноли ва ёқимли гап-сўзига, қилган ва қилаётган хайрли ишларига,

жамиятда қозонган ҳурмат-эътиборига, тутган мавқеига қараб муносабатда бўлиши лозимлигини уқтирганлар: «Қора сигир ҳам оқ сут беради»; «Қоҳати елин сутли бўлар» (қоҳати — кичик); Бу ташбиҳ билан мажозан: «Баъзи назарга илинмайдиган, кўришишидан ёмондек туюладиган одамдан кўп фойдали ишлар ва маънили гаплар чиқади. Шунинг учун кишининг кўринишига қараб баҳо берма, шунга қараб у билан муомала қилма», демоқчи бўладилар. «Қора булутдан тиниқ сув томар»; «Қозондан қора нарса йўқ, Очсанг қорнинг тўйдирар, Қордан оппоқ нарса йўқ, Тегсанг қўлинг тўнгдирар» (тўнгдирмоқ — музлатмоқ); «Тикандан — гул, Заҳардан — бол»; «Қийшиқ бутоқда ҳам қизил жийда битади»; «Қобиғи қаттиқ ёнғоқнинг магзи ширин»; «Сиртин кўриб, ичидан тўнгилма, Қорасин кўриб, кучидан тўнгилма» (тўнгилмоқ — бировдан совимоқ, ҳафсаласи пир бўлмоқ, умид узмоқ): «Ташига қарама, ичига қара»; «Ҳар юзи оқнинг кўнгли оқ бўлавермас, Ҳар юзи қоранинг кўнгли қора бўлавермас».

Қоракурумга борсанг ҳам, қора қонингни тўкаман!

Бу мақол «Жангомаи Амир Темур Кўрагон» асари муаллифининг фикрича, XIV асрнинг охирги ўн йиллигида юзага келган. Тарихдан маълумки, Амир Темур 1395 йилда Олтин Ўрда хони Тўхтамишга иккинчи бор ҳужум қилади. Бу курашда тор-мор этилган Тўхтамиш қочади. Юқоридаги «Жангнома» муаллифининг тасвирлашича, Темурнинг ўғли Мирзо Шоҳрух тўра Тўхтамишни яккама-якка қувиб кетади. У «неча-неча элатлардан ўтиб, Қоракурум даштига етди. Унга яқин бир шаҳарни қўрғони кўринди. Ул шаҳарни отини Узоққалъа дер эрдилар. Ул шаҳарга Залатовус хоким эрди... Залатовус ул ерда ов қилиб юрир эрди. Ногоҳ бир тарафдан чанг-тўзон пайдо бўлиб, кўрсаким, бир одам келадур. Ҳануз сўзга лаб очмай, орқасидан аслаҳа яроғ бирла яна бир йигит келур.. Хон анда тўрани кўриб, отини қамчилаб, ҳарчанд ҳаракат қилиб урди, бечора кўп чарчаб, югурарға мадори қолмади. Тўрани иккала кўзи ўтдек ёниб филҳол югуриб бориб, Тўхтамишхонни белига қилич бирла андоқ урдиким, Тўхтамишхон икки бўлиниб, ерга тушиб, шаҳид бўлди... «Сан қочиб Қоракурумга борсанг ҳам, қора қонингни тўкаман, узоққа бориб етолмайсан» деган мисол Тўхтамишхон била Мирзо Шоҳрух тўрадан қолди». («Жангномаи Амир Темур Кўрагон». Форси забонидан турк тилига таржима. Тошкент, типолитогр. В. М. Ильин, 1328 ҳижрий таржима. Тошкент, типо-литогр. В. М. Ильин, 1328 ҳижрий — 1909 мелодий, 247-бет). Кейинчалик бу мақол»: «Мендан қочиб, қутулиб бўпсан, қаерга борсанг ҳам қўлимга тушасан, адабингни бериб қўяман!» деган маънода қўлланадиган бўлиб кетган.

Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.

«Бойлар ва амалдорлар моддий жиҳатдан ортиб-тортиб ётсалар ҳам, камбағал бева-бечораларга, оч-яланғочларга ёрдам қўлини чўзмайдилар, уларнинг ўлган-тирилгани билан ишлари ҳам бўлмайди, парво ҳам қилмайдилар», деган маънода айтилувчи мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ва мазмундошлари бор.: «Қорни очдан қорни тўқнинг не парвойи бор?!». «Оч қайғусин тўқ билмас»; «Очлик зорини чекмаган, Тўқлик қадрини на билсин?!»; «Оч қадрини тўқ билмас, Оғриқ қадрини соғ билмас»; «Бир уйнинг ёруғи бир уйга тушмайди» («Биров яхши, маъмур чамур кун кечираётгани билан, бунинг бировга фойдаси йўқ», дейилмоқчи); «Ётган устига турган келмас»; «Сувсизликдан балиқ ўлса,

дарёга нима ғам?!»; «Хўжамизнинг қорни тўқ, Қули билан иши йўқ»; «Оч баччағар, оч баччағардан қоч, баччағар!»; «Оч тўнғиздан қоч, тўнғиз!»; «Оч офатдан қоч, офат!»; «Оч ёнидан қоч»; «Йўқдан қочарлар, Ёмондан тонарлар»; «Қўйнинг кўз ёшидан қўрққан бўри очдан ўлади» (Ҳукмрон синф дунёқараши акс эттирилади, уларга нисбатан аччиқ киноя тарзида қўлланади). «Қўй қарғиши бўрига ўтмас»; «Сичқоннинг қарғиши мушукка ўтмайди»; «Итнинг улиганини бўри эшитмас, Бўрининг улиганини тангри эшитмас». Кимки, неъмат ичра айлайди умр, Ундай одам очлар ҳолин не билур; Ожиз аҳволин тушунгай шул одам, Гар ўзи ҳам бўлса ҳайрон дам-бадам (Саъдий Шерозий). Аҳбоб топди васлину ёд этмади мени, Чиндур бу сўзки, йўқ хабари тўқнинг очдин (Мунис). (Йўлчи:) Нега булар ўзи билганларича бермайдилар? Қорни очдан қорни тўқни нима парвойи бор, деган гап — ҳақ экан-да. Қишлоқда ўз жиянларининг оч, ялангочлигини билсалар керак эди (Ойбек, Қутлуғ қон).

Қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман.

Вар.: «Қорнимнинг очганига йиғламайман, Қадримнинг қочганига йиғлайман»; «Киши очдан ўлмайди ордан ўлади». Баъзан шундай бўладики, киши елиб-югуриб ҳаракат қилади, имкони борича, қўлидан келганча ишлайди, шунга қарамай, унга раҳмат дейиш, миннатдорчилик билдириш у ёқда турсин, ҳатто қадрига етмайдилар, назарга илмайдилар, менсимайдилар, ҳатто ноҳақ уришадилар, қаттиқ-қурум гапирадилар, асабига тегадилар, ё кўролмайдилар. Мазкур мақолларни ана шундай аҳволга тушиб қолган одам ўз ҳолидан нолиганда айтади.

Қош қўяман деб, кўз чиқазибди.

Вар.: «Ортиқ қиламан деб, тиртиқ қилипти»; «Шапогини оламан деб, кўр қилибди»; «Қилган ишинг ғар бўлди, Шилпиқ эди, кўр бўлди». Бу мақолларни қўлидан келса-келмаса ҳар бир ишга аралашувчи, яхшилаш, тузатиш ўрнига бузиб, ишнинг баттар пачавасини чиқарувчи ношуд, бефаросат, тажрибасиз, «уста-бузармон» одамларга истеҳзоли киноя тарзида айтадилар.

Қошинг қора, кўзинг қора, ўз ишингга ўзинг қара.

Вар.: «Буғдойингни ўзинг ўр, Тегирмонингни ўзинг торт»; «Бозорингни ўзинг қил, Тегирмонингни ўзинг торт»; «Қуш ҳам уясини ўзи қуради». Бу мақоллар билан: «Ўз зиммангга юкланган, ўзинг қилишинг зарур бўлган ишни, шунингдек, ўз турмушинг, тирикчилигинг учун керак бўлган ишларни ўзинг бажар, эринма, бировга орқа қилма!» деган маънода насиҳат қиладилар.

Қошиқ билан ош бериб, сопи билан кўз чиқазма.

Вар.: «Бошида — неъмат, Кетидан — миннат»; «Отингни берма, бергандан кейин: «Минди» дема!». Бу мақоллар билан: «Бировга қилган яхшилигингни миннат қилиб, кези келганда «юзига солиб» юрма!» дейилмоқчи.

Қоқилсанг, тошдан ўпкалама.

«Бирор ишда ўзинг хато қилиб қўйиб, бошқа бировга тўнкама, сабабини бошқа бировдан кўрма; айбни ўзинг қилиб қўйиб, ўзгалардан ўпкаланиб юрма! дейилмоқчи.

Қуда бўлгунча кўп синаш, қуда бўлгач кўп сийлаш.

Бу каби бир туркум мақолларда қуда-андачилик муносабатлари ўз ифъикосини топган: «Қуданг қул бўлса-да, уни сийла, Қуданг келса,

унга қилмагил хийла»; «Қуданг қул бўлса, қулдек бўл»; «Қудангдан қўй сўрама, Қўшнингдан уй сўрама». Халқимизда тўй қилаётган киши агар ўз уйлари етишмай қолса, қўшнининг уйини сўраб, унга меҳмонларни ўтказиш одати бор. Мақолда: «Иложи борича қўшнингдан уй сўрама, қудангдан — қўй (ва умуман, бирор нарса) сўрама, ҳар иккисининг ҳам кўнглига келиши, ранжиши мумкин», дейилмоқчи; «Қудалашмоқ — қийин, Айрилишмоқ осон»; «Қуда бўлмоқ — қийин, Жудо бўлмоқ — осон». «Ўғлига муносиб қиз ахтариб топгунча, қизга муносиб куёв танлангунча, тўйни ўтказгунча, умуман биров билан қуда бўлгунча, ота-оналар кўп қийналадилар. Агар улар келинни бўлар-бўлмасга хафа қилаверсалар, унга ёмон муносабатда бўладиган ўғилларини тийсалар, тартибга чақирмасалар, бора-бора келиннинг сабр косаси тўлади, оилада келишмовчиликлар бошланади, бу эса қудаларнинг қулоғига ҳам бориб етади, натижада улар ўртасида совуқчилик тушиб, бир-бирлари билан хафалашиб қолишлари, ҳатто ажралишиб кетишлари мумкин. Шунинг учун аввало бундай оқибатларга олиб келадиган хатти-ҳаракатлар қилмаслик керак», демоқчи бўладилар. «Шерикчилик — бир йилчилик, Қудачилик — минг йилчилик». Илгари деҳқонлар кўпинча бир-бирлари билан шериклашиб экин экиб, парвариш қилиб, кузда ҳосилини бўлиб олардилар. Шу билан бир йилги шерикчилик тугарди. Келаси йили яна бошқатдан (ё ўша одам билан, ё бошқа одам билан) келишиб, шартлашиб, шерик бўлардилар. Мақолда: «Қудачилик — бунақа шерикчилик сингари эмас. Ҳамон қуда бўлиндими, энди ўртадаги яхши муносабатларни умрбод бузмаслик, алоқани узмаслик керак», дейилмоқчи. «Қудамнинг қудаси — юмуртқамнинг шўрваси» (юмуртқа — тухум). Одатда шўрва гўшт, ёғ ва турли масаллиқлар билан мазали бўлади. Гўшт йўқ бўлгани тақдирда, иложсиздан тухум солиб шўрва қиладилар. Бундай шўрва шўлдир-шўлдир, унча мазаси йўқ бўлади. Мазкур мақолда қуданинг ўзи гўштли (лаззатли) шўрвага, қуданинг қудаси эса тухумли (мазасиз) шўрвага ташбиҳ этилган ва: «Қуданинг қудаси анча узоқроқ ва қадрсизроқ бўлади», дейилмоқчи. «Қирқ уй қуда бўлса, Қирқ йил қирғин келмас» (ўтмишда қабила-уруғлар ер, яйлов талашиб, бир-бирлари билан уруши, ёвлашиб юрардилар. Бир элатнинг одамлари иккинчи бир элатнинг юртига тўсатдан бостириб келиб, ҳамма нарсани талон-торож қилиб кетардилар. Шунда агар элатнинг одамлари уюшган, бир-бирларига қадрдон, қариндош, қуда-анда бўлиб, чатишиб кетган бўлсалар, ёв келганда бир ёқадан бош чиқариб жанг қиладилар, бир-бирларини қўллаб-қувватлардилар ва ҳимоя қилардилар. Бундан ташқари, хонлар, беклар ё қабилалар бир-бирлари билан ёвлашиб юрган бўлсалар, ўртага аҳли оварлар тушиб, бир-бирларига қиз бериб, қиз олишни, қудалашишни таклиф этардилар. Агар улар бу таклифга кўнсалар, қудалашгач, бир-бирлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетардилар, элларда тинчлик ўрнатиларди. Тарихда бундай воқеалар кўп учрайди. Бу нарса юқоридаги мақолда ҳам ўз изини қолдирган).

Қуданинг оши билан қудағайни сийлабди.

(қудағай хотин қуда, эр ва хотинининг ота-оналари ва уларнинг яқин қариндошларининг ҳаммаси). Мазкур мақолни айёр, маккор, ҳийлагар, устомон, «бировнинг дўпписини бировга», «бировнинг ўз тўнини айлантириб келиб ўзига» кийгизадиган, бировларнинг нарсаси ва маблағи билан бировларни сийлаб, кўнглини олиб, ўзини яхши, саҳий одам қилиб кўрсатувчи, шунинг эвазига обрў-эътибор қозонувчи ва ҳ. к. «учар» одамларга нисбатан аччиқ киноя, истеҳзо ёки ҳазил-мутойиба тарзида қўллайдилар.

Қулон қудуққа қуласа, қулоғида қурбақа қуриллар.

Вар.: «Қулон қудуққа қуласа, Чўл бақаси айғир бўлади»; «Арслон ўлса, озиқ тишини сичқон кемиради». Ботирлар майдонда ҳалок бўлсалар-у, қўрқоқлар ўзларини ботир ҳисобласалар; эл ичидаги яхши, эътиборли одам орадан кетса-ю (вафот этса, ноҳақ камалса ҳ. к.) ёмон одам ўзини бек, ҳоким, ҳўжайин, олим, доно, мўътабар ҳисобласа; амалдор бирор сабаб билан амалидан тушса-ю, илгари ундан ҳайиқадиган, унга бўйсунган, уни ҳурмат қилган одам энди унга таъна тошини иргита бошласа, унинг ўтмишдаги айбини бетига ошкора айтиб, мазах қилса, уни ҳурмат қилмай, беҳурмат қила бошласа ва б. шундай ҳолларда мазкур мақолни қўллайдилар.

Қурбақа ҳам вақти билан вақиллайди.

Бу мақол билан одамлар орасида бўлар-бўлмас, маза-бемаза гапларни ўрни бўлса-бўлмаса гапираверадиган, огзи коски, эзма-чурук, ҳаммани ялқитиб, энсасини котирадиган кишига танбеҳ, таъзир берганда айтадилар.

Қуруқ гап қулоққа ёқмас.

«Бировдан бирор манфаат кўрмоқ учун уни ҳам бирор нима билан манфаатдор қилиш, киримга эришмоқ учун чиқимдан қочмаслик керак бўлади. Акс ҳолда мақсадга эришиш — амри-маҳол», деган маънода айтилувчи бу мақолнинг бир қанча вариантлари ва маънодошлари бор: «Қуруқ қошиқ огиз йиртар» (бу ўринда шуни айтиш керакки, кўпинча шундай деб айтиб юриладиган мазкур мақол — асл мақолнинг бузилган, мантиққа тўғри келмайдиган вариантидир. Қуруқ қошиқ оғиз йиртмайди-ку, ахир. XI аср олими Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида бу мақол «Қуруқ қошиқ оғизга ярамас, Қуруқ сўз қулоққа ёқмас» тарзида учрайди. Бундаги ярамас сўзининг ўрнини ҳозир баъзи кишилар айтиб юрадиган варианти «йиртар», сўзи эгаллаган. 1933 йилда Тошкент яқинидаги Янгибозор қишлоғида истиқомат қилувчи Х. Аминов тилидан ёзиб олинган вариант эса мана бундай: «Қуруқ сўз бош огритар, Ёриқ қошиқ оғиз йиртар». Кўриниб турибдики, мақолнинг шу варианти поэтик жиҳатдан пишиқ, мантиқан тўғри. Дарҳақиқат, (ёғоч) қошиқ агар ёриқ бўлса, кишининг огзини йиртиши мумкин); Ошу-нонсиз яшаб бўлмас, Қуруқ гапни ошаб бўлмас»; «Қуруқ нафас найдан наво чиқармас»; «Қуруқ қўлга қуш қўнмас» (Бунда қўлга ўргатилган ов қуши назарда тутилган. Овчилар қушнинг кўзига егулик бир нима (буни «талп» деб атайдилар) кўрсатиб туриб, қўлларига қундириб оладилар. Қуш қуруқ қўлга келиб қўнмайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозан юқорида айтилган маънода қўлланилади); «Дон сепмаса, қуш тушмас» (бунда эса ов қуши эмас, балки бошқа ҳар қандай қуш назарда тутилган); «Қуруқ суякни ит ҳам ғажимайди»; «Оши йўқ уйни ит ҳам суймайди»; «Мевасиз дарахтга маймун ҳам чиқмайди»; «Фойдасиз маслаҳат — эчкининг қулоғига танбур чертгандек гап»; «Қуруқ товоққа фотиҳа юрмас»; «Қуруқ супрага дуо йўқ, Сендан менга наво йўқ» (наво — наф, фойда, манфаат. (Мула Рўзи:)... Тангрининг биҳиштига ҳам қуруқ кириб бўлмайди, денг. (Мулладўст:) Тўғри-да, тақсир. Эшакка шўра бўлмаса, ётиб олади-ю, қуруқ сўз қулоққа ёқсинми?» (Ҳамза, Танланган асарлар).

Сув оқару, сув оқар,
Қуруқ сўз кимга ёқар.
Севганимга боқ десанг,

Уялиб ерга боқар.
Сув оқардан сув оқмас,
Қуруқ сўз қулоққа ёқмас.
Сўлиб қолган гулим бор,
Булбулим унга боқмас.
(Халқ қўшиғи).

Қуруқ савлатдан — қуруқ сават яхши.

Вар.: «Қуруқ ердан ел чиқар»; «Қуруқ ёғочга япроқ битмас»; «Қуруқ ёғоч ёнар, сўнар, Ҳўл ёғочдан ҳосил унар». Бу мақоллар билан: «Киши илм-ҳунар эгалламай, ҳаётий тажриба орттирмай, нодон, ношуд, бефаҳм, бефаросат, қўлидан бир иш келмайдиган бўлиб, қуруқ «савлат тўкиб» юраверса, на ўз яқинларига ёқади, на ўзгаларга, на ўзини ва оила, бола-чақасини таъминлаб, наф келтира олмайди, на ўзгаларни», демоқчи бўладилар ва шундай одамларга нисбатан аччиқ киноя, заҳарханда тарзида қўллайдилар.

Қутурган итнинг жазоси — ўлим.

(Халқ ўртасида «Қутурган ит қопса, одамни ҳам қутуртириб юборади деган гап ҳам юради). Қутарган ит агар бировни қопса, у одамнинг организмини заҳарлаб, қаттиқ дардга гирифтор қилади. Шунинг учун одамлар қутурган итни дарҳол йўқ қилиш пайига тушадилар. Мақолда ёмон одамлар қутурган итга ташбиҳ этилган ва уларнинг жазосини бериш зарурлиги уқтирилган. Вар.: «Қутурган итнинг умри қисқа»; «Қопағон итнинг умри занжирда ўтади» («Дилозор, безори, хиёнатчи, жиноятчилар жамиятда эркин қўйилмайди, одамлардан ажратиб, ҳибсга олинади дейилмоқчи); «Булонғи ёғочнинг жасоси — ўтин» (Булонғи ёғоч — қинғир-қийшиқ ёғоч. У ўтин қилиб ёришдан ва ёқиб юборишдан бошқа нарсага ярамайди. Бундай ёғоч мажозда эгри, сира тузалмайдиган, ярамас одамларга ташбиҳ этилган ва уларнинг жазосини бериш зарурлиги уқтирилган); «Қуртнинг давоси — қайноқ сув»; «Ўлмоқнинг жазоси — кўммоқ, Ёмоннинг жазоси — урмоқ».

Қуш тилини қуш билади.

Вар.: «Туя тилини туякаш билур»; «Балиқ тилини бақа билади»; «Гунг боланинг тапини кар онаси тушунар»; «Гунг қизнинг тилини энаси тушунар»; «Аёл сирини аёлдан сўра». Ҳаёт қонунияти шундаки, ҳар бир касб эгасининг «тили»ни — яъни унинг ҳол-аҳволини, сир-асрорини, ички кечинмаларини, ният-мақсадини, нуқсон-камчилигини, хуллас, жамики ўзига хос хусусиятларини ўша касб эгалари; қариянинг тилини қариялар, аёлнинг тилини аёллар, боланинг тилини болалар ва ҳ. к. бошқаларга нисбатан яхши биладилар, яхши тушунадилар, ҳис этадилар.

Қуш уясида кўрганини қилади.

Вар.: «Қуш уясида нимани кўрса, учганида шуни олади». Бу мақоллар билан: «Болаларнинг қандай ўсиб, вояга етиши, феъл-атворининг қандай бўлиб шаклланиши — биринчи галда ота-онанинг қандай тарбиялашига, ота-она уларнинг олдида ўзини қандай тутишига, ибрат кўрсатишига, ижобий ё салбий таъсир этишига бевосита боғлиқ», дейилмоқчи.

«Чумчуқвой билан Чумчуқхон уришиб қолди,
Бу ҳолни Чумчуқчалар кўришиб қолди...
Эртаси улар ҳам бир-бирин юлар,
Чунки, қуш уяда кўрганин қилар!»
(О. Қучқорбеков, Куйларим ва ўйларим).

Қўй бир терининг ичида неча озиб, неча семиради.

Бу мушкул аҳволга тушиб қолган, моддий ва маънавий қийинчиликларга дучор бўлган, оғир дамларни бошидан кечираётган кишиларга тасалли берилганда, улар сабр-тоқатга ундалганда, ҳаётдан умидсизланмай, истиқбол сари дадил қадам ташлашга

даъват этилганда айтиладиган мақоллардан биридир.

— Бир теринг ичида қўй неча озиб, неча семиради,— деб қўшиб қўйди Қутбиниса хола,—... Гапнинг мазмуни шуки, сен ўз ишингга қайтиб борасан. Ишни яна бошидан бошлайсан. Сенга маслаҳат шу, болам (Мирмуҳсин, Жамила).

Қўй семизи — қўйчидан.

Вар.: «Қўйни боқса, қўй туёғидан қатиқ чўпон боқсин» («Қўй туёғи қаттиқ бўлади. Чўпон ҳам шундай қаттиқ, яъни меҳнат машаққатларига чидамли, матонатли, чиниққан, ёз жазирамалари-ю, қиш изғиринларига бардош берадиган бўлиши керак. Шундагина иши юришади, қўйлари кўпаяди, семиради», дейилмоқчи); «Қўйга чўпон қарамоғи — эм бўлур, Қарамаса, бўриларга ем бўлур»; «Қалпоғингни қайтоқи қилгунча, Қўйларингни бўрдоқи қил» (қайтоқи қилмоқ — қалпоқнинг, дўппининг бир томонини тепага қайтариб букиб, бошга қингир қўйиб юрмоқ. Одатда олифта-сатанглар, чапанилар, данга-са-ялқовлар дўппи ё қалпоқларини шундай қайтоқи қилиб, ишламай-кучламай, беғам, бепарво бўлиб, мол-ҳолларига, рўзғорига қарамай, ҳеч бир ишга қайишмай, таралла-белод» қилиб, қуруқ гап сотиб, ўз маишатларини кўзлаб юрардилар. Ота-боболар мазкур мақол билан уларни фойдали иш қилишга даъват этганлар).

Қўйнидан тўкилса — қўнжига.

Кишининг мол-мулки, маблағи, жиҳоз-ажноми ва б. қўлидан кетса-ю аммо беҳудага кетмаса — ўғил-қизига, ўз яқинларига насиб қилса, бу ҳолни мазкур мақол билан ифода этадилар. Шунингдек, фойдали, манфаатли нарсаларни «бегона» қилмай, «ўз одамларига»— хотин, бола-чақаларига, қариндош-уруғларига, оппа-оғайниларига таниш-билишларига «буриб» юборадиган ноҳақ, инсофсиз одамларга нисбатан киноя тарзида айтадилар. (Эргаш:) Менга қара, сени ўз ателъемга шогирд қилиб олиб қўя қолай. Қўйнидан тўкилса, қўнжига деганларидек, даромад бекорга кетмайди (Б.Раҳмонов, Қилмиш қидирмиш).

Қўйчивон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлар.

Вар.: «Эрлар кўп бўлса — ўтин йўқ, Хотинлар кўп бўлса — сув йўқ»; «Хотин кўп бўлса, чўмични ит ялайди»; «Ишбоши кўп бўлса, иш кетига кетади». Агар кишилар бирор ишни кишлига эринсалар, «э, ман қилмасам, фалончи қилар» деган хаёлда бамайлихотир юраверсалар, ишни сансалорликка солсалар, оқибат-натижада ўша иш бажарилмай қолиб кетади ё пачаваси чиқади, зиён-заҳмат кўрилади. Мазкур мақолларни шундай ҳолга нисбатан қўллайдилар.

Хўблар тийғи егишмастин бурун бу зор ўлар,
Чин эмишким, бўлса кўп қассоб, қўй мурдор ўлар
(Навоий).

Қўл етмасга бўй чўзма.

Ота-боболар фарзандларрга турмуш кечиришнинг йўл-йўриқлари юзасидан панд-насиҳат қиларканлар, киши хоҳ жисмоний, хоҳ моддий, хоҳ маънавий жиҳатдан ҳол-қудратига қараб иш кўриши, қурби етмаган ишга уринмаслиги зарурлигини, акс ҳолда бунинг оқибати ёмон бўлишини уқтирадилар: «Бўйинг етмаган ерга осилма»; «Бўйингни етмаган ерга чўзма»; «Ойни қўл билан узиб олиб бўлмас»; «Тоғ арқон билан эгилмас, Денгиз қайиқ билан бекилмас»; «Қуюшқондан ташқари кучанма» (қуюшқон — эгар силжимаслиги учун отнинг, эшакнинг думи остидан айлантириб эгарга бириктириладиган қайиш). Мазкур мақол билан: «Ҳар бир ишни қиларда белгиланган чегарадан, ҳаддан ташқари чиқма, беҳудага уринма, кучанма, чиранма. Акс ҳолда ўзингга бирор шикаст етказишини мумкин» деган маънода огоҳлантирадилар. «Қўлинг кўтара олмаган чўқморни бошингга бойлама»; «Беҳуда ҳаракат белни синдирар»; «Ҳолини билмаган — ҳалок

бўлади»; «Ҳолини билган — ҳоримас, Ҳориса ҳам, оримас» (оримас — орикламас, озмас): «Қўлинг етган шохнинг шафтолиси — ширин»; «Йигит яхши сўзга қилсин амал, Қўлдан келмас ишга қилмасин жадал».

Отойи, сен киму, ул сарв қомат ким,
Илик етмаса на ҳосил қўлни сунмоқ.

Қўл-қўлни ювар, икки қўл — бетни.

Бу билан кишига якка-ёлғиз яшамаслик, кўпчиликка қўшилиш, улар билан ҳамкорликда иш кўриш, ўзаро ёрдам бериш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш зарурлигини уқтирадилар.

Қўлдан берганда қуш тўймас.

Бу билан: «Қафасдаги эгаси бир нима берса ейдиган, бермаса оч қолаверадиган қуш тўймайди. Шунингдек, бировнинг қўлига қарам бўлиб қолган одам ҳам қисиниб-қимтиниб ейди, озиқ-овқатга мирикмайди. Шунинг учун бировнинг берадиган луқмасини кутиб ўтирма, ўзинг меҳнат қилиб топ, шундагина яйраб ейсан, тўйинасан», демоқчи бўладилар. Вар.: «Тенг бўлмай туш бўлмас, Киши қўлига қуш тўймас»; «Қўлга ўрганган қуш қирда адашади» (бу билан мажозан: «Бирор одамга суяниб, унинг орқасида кун кечиришга ўрганиб қолган киши бирор-бир сабабга кўра бу «суянган тоғи»дан маҳрум бўлса (у одам вафот этса; у билан муросаси тўгри келмай, ажралишиб кетса ва ҳ.к.), кейин ўзи мустақил ҳаёт кечириш йўлини билмай, адашиб, туртиниб-суртиниб, кўп қийинчиликларга дучор бўлади. Шунинг учун киши ёшлигиданоқ мустақил ҳаёт кечиришга ўрганиб бориши ва ўргатила борини зарур», дейилмоқчи).

Қўли очиқнинг — йўли очиқ.

Сахийликни мадҳ этувчи, унинг мод-дии ва маънавий афзалликлари ҳамда самарасини кўрсатувчи мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари бор: «Кўнгли очиқнинг — қўли очиқ, Қўли очиқнинг — йўли очиқ»; «Қўлим очиқ — юзим оқ»; «Ҳиммати йўқнинг — ҳурмати йўқ»; «Ҳимматли одам эл қайғусин ер, Ҳимматсиз одам, ўз қайғусин ер»; «Ҳимматли — ҳимматдан топар»; «Ҳимматли кўкка кўтарилар, Ҳимматсиз — ерга кўмилар»; «Қўлинг мойли бўлса, қўнжингга сурт» (баъзи одамлар овқат еб бўлгач, қўлларининг мойини «юмшоқ бўлсин» деб, махси ё этикларининг қўнжига суртадилар. Шу ҳолат мисолга олиб айтилган мазкур мақол билан: «Ортиқча маблагинг, ош-нонинг бўлса, ўз яқинларинг — қариндош-уруғларинг, дўсту биродарларинг билан бирга баҳам кўр. Шунда улар сенга яна ҳам яқинроқ ва қадрдонроқ бўладилар», деган маънода насиҳат қилганлар).

Одамий бадандур, ҳиммат анга руҳ,
Ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футуҳ;
Ҳимматсиз киши эр сонида эмас,
Руҳсиз баданни киши тириг демас;
Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига моя-йи дармон бўлгил.
Ани анга муфлиски, йўқ ҳиммати,
Чу йўқ ҳиммати, йўқ анинг ҳурмати;
Бийлик келди ҳимматдин нишона,
Ки ҳимматсизни паст этди замона (Навоий).

Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер, йўлингдан бермасанг, сўзингдан бер.

Вар.: «Қўлингдан келса — қўлла, Қўлингдан келмаса — йўлла»; «Сийлагани пулинг бўлмаса, Сийлагани тилинг бор»; «Қоқилса — суя, Йиқилса — кўтар»; «Қайғурганга қайрилган — яхши». Бу мақоллар билан: «Киши жамиятда яшаркан, одамларга қўлидан келганча, озми-кўпми яхшилик қилиши лозим ва зинҳор ёмонлик қилмаслиги, ёмонликни согинмаслиги зарур», деган маънода насиҳат қиладилар.

Қўрққанга қўш кўринар.

Қўрқоқлик — шахснинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам энг ёмон, за-

рарли иллат. Шунинг учун ҳам халқ ўзининг кўпдан-кўп мақолларида қўрқоқликни қоралайди, қўрқоқлар устидан заҳарханда ва киноя истеҳзо билан кулади, турли мисоллар ва тамсиллар воситасида қўрқоқликнинг ёмон оқибатларини кўрсатади: «Қўрқоққа қўй боши қўш кўринар, Қўшмоғи билан беш кўринар»; «Қўрқанга қўш кўринар, Кўланкаси билан беш кўринар»; «Қўрқмас келин қўй бошидан қўркади»; «Қўрқанга — сичқон фил кўринар»; «Сичқонга мушук-арслон», «Сичқон назарида мушукдан зўр махлуқ йўқ»; «Қўрқоққа арқон илон кўринар»; «Қўрқоққа кўланкаси — Азроил»; «Қўрқоқ от ўз соясидан ҳуркар»; «Куён ўз кўланкасидан ҳам қўрқади»; «Бир қўрққан қуённинг қирқ кунгача ранги кирмайди»; «Хўрознинг сути йўқ, Қўрқоқнинг қути йўқ»; «Қуён кўрқмайди, ўзини сақлайди» (Бу билан қўрқоқлар устидан истеҳзо ила куладилар); «Кўкдаги турна «турр...» этса, қўлдаги ғоз «пирр...» этади»; «Чумчуқ «пирр» этса, Қўрқоқ юраги «ширр» этади»; «Оловдан қўрққан — тутундан ҳам қочади»; «Қўрқоқ кўзидан маълум»; «Қўрқоқни кўзи белги беради»; «Қўрқоқнинг кўзи тўртта» (у қўркув билан олазарак бўлиб туради); «Қўрқоқ итнинг қуйруғи қисиқ»; «Қўрқоқнинг кўзи катта, Аҳмоқнинг сўзи катта»; «Қўрқоқнинг одати — мақтанмоқ»; «Қўрқоқ кета туриб мақтанар, Ботир келатуриб мақтанар»; «Қўрқоқ бурун юлдуз урар»; «Қуюн ўзин сел санар, Қўрқоқ ўзин эр санар»; «Қўрқоқ уятни билмас»; «Қўрқоқ қўрқоқлигини обрў санайди»; «Қўрқоқ олдин мушт кўтарар»; «Кучи етмаган — калтак кўтарар»; «Сўқолмаган — сўйил кўтарар» «Чўчиган — чўқмор кўтарар»; «Ура билмаган — ўқлов кўтарар»; «Ураман, десанг — қочади, Тек турсанг — ошади»; «Шарпадан қўрққан қоровул шақилдоқ чалар» (ўгри-ўтрук қоровулнинг ухлашини пойлар, қоровул эса ухламаганини билдирмоқ учун шақилдоқ чалиб юради); «Бир қўрққан ит уч кун ҳурар»; «Қўрқиш — енгилишнинг чопари»; «Қорғили ит овга ярамас, Юраги йўқ ёвга ярамас» (корги — қайиш бўйинбоғ); «Қўрқоқни курка талаб ўлдирибди»; «Арслоннинг бўкиргани-сичқоннинг ўлгани»; «Қийғирнинг қийқиргани — тулкининг ўлгани»; «Беш қўрқоққа — бир қарға»; «Қўрқоқ аввал тилдан қолади»; «Қўрқоқнинг бошида калтак синади»; «Ялинган қўрқоқ эмас, Ёқалашган — қўрқоқ»; «Янтоқдан атир чиқмас, Қўрқоқдан ботир чиқмас»; «Тулкидан шер чиқмас, Қўрқоқдан эр чиқмас»; «Қўрқоқ, қўрқоқнинг оёғи чўлоқ»; «Қўрқоқнинг қўли қисқа»; «Қўрқоқнинг ўз қуроли — ўзига ёв»; «Қўрқоқнинг қони чиққани — жон чиққани»; «Қўрқоқнинг бошидан мушт кетмас»; «Қўрқоққа кун йўқ»; «Қўрқоқни ажал қувлар»; «Қўркув ўлимдан қутқармас»; «Қўрқса ҳам қўй ўлади, Қўрқмаса ҳам қўй ўлади»; «Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлади»; «Ўлимдан қўрққан — умр кўрмас»; «Ўлимдан қўрққан — ўлади»; «Қўрқоқ ўлмасдан бурун ўлар, Ўликдан нима кутиб бўлар?!»; «Ботир бир марта ўлар, Қўрқоқ — юз марта»; «Ўлгандан — қўрққан ёмон»; «Қўрққандан — ҳовлиққан ёмон»; «Ўти чиққан аскарнинг оти юрмас»; «Қўрқоқ кўрғон ололмас»; «Қўрқмас қийинни енгар, Қўрқоқ бўйинни эгар»; «Қўркдинг — тутилдинг, Қўрқмадинг — қутилдинг»; «Қўрқоқ қочиб қутулмас»; «Ур!» деганда, номард қочар»; «Қочган йўл танламас»; «Қўрқоқ қўрқоққа ўртоқ»; «Қочган қуён ётган қуённи ола қочади»; «Қочган қўшин ёвни кўп деб ўйлайди»; «Ўнта қочоқ битта қувучидан қочади»; «Қочқинга бир «Ҳой!» кифоя»; «Бир қамчи минг хачирни ҳуркитади»; «Қўрқоқ қўрқоқлик қилиб қўрқоқ бўлади»; «Қўрқоққа ўр хам — тор, Қир ҳам — тор»; «Қочқинга сичқоннинг ини — минг танга»; «Қўрқоқни қувсанг, ботир бўлади»; «Қўрқмас қутилар, Қўрқоқ тутилар»; «Қочоққа шафқат йўқ, Қўрқоққа — ҳурмат»; «Ёвдан қочганга гўр йўқ». «Юзта қўрқоқдан — битта ботир ортиқ»; «Юз номард — бир марддан садақа»; «Юз номарддан юз қайтар, Бир мардни ҳар ким мақтар»; «Бир қўрққанга бир қўрқмас керак»; «Эрлик — билакда эмас, юракда»; «Қуён билан бўлсанг ҳам, қуён юрак бўлма!». Қўрққанга сичқон фил кўринар дегандек, қарганинг тарнов тепасида ўтириб ташлаган кичкина суяги бун-

га ўқ тушгандек бўлиб кетади» (Ойдин, Ҳикоялар).

Қўя-қўя есанг, қўй ортар, торта-торта есанг, той ортар.

Ота-боболар кишига турмушни яхши ўтказиш юзасидан таълим берар эканлар, ҳар бир нарсада, ҳар бир соҳада тежамкорликка риоя қилиш зарурлигини, акс ҳолда моддий қийинчиликларга, дучор бўлиб қолиши муқаррарлигини уқтирганлар: «Қириб есанг, қирқ кунга етади, Ўйиб есанг, ўн кунга етади». Бунда озиқ-овқатлар, овқатга солинадиган масаллиқлар (масалан, оқ ёғ) назарда тутилган «Товуғини есанг, бир ейсан, Тухумини есанг, минг ейсан» («Тухум қилиб турган товуғингни бесабрлик, беқаноатлик билан сўйиб есанг, бирпасда тамом бўлади-қўяди. Ана ундан кейин товуғинг ҳам бўлмайди, тухуминг ҳам. Гўшт тақчил бўлганда бир оз сабру қаноат қилиб, товуқни асраб қолсанг, яна анча вақтгача унинг тухумидан баҳраманд бўлиб юраверасан», дейилмоқчи); «Согиб ичсанг, минг кунлик, Сўйиб есанг, бир кунлик» (бунда сигир, эчки, бия, туя назарда тутилган); «Каллаклаб боқсанг, қирқ йилга етади, Кўмариб ёксанг — бир йилга» (қ. *Қаллаклаб турсанг, калланғдай бўлади»*). «Сақласанг, минг кунлик, Сақламасанг, бир кунлик» (Бунда ҳар бир нарса — хоҳ кийим-кечак бўлсин, хоҳ асбоб-анжом бўлсин, хоҳ мол-ҳол бўлсин ва ҳ.к. назарда тутилган); «Йўғонни йўнғиз е, Ингичкани чўзиб е»; «Қарадингки кўп — қашлаб е, Қарадингки оз — ошалаб е»; «Кўп бўлса, кетар, Оз бўлса, етар»; «Ошни аясанг — ошга, Нонни аясанг — нонга» (ошга ҳам, нонга ҳам зор бўлмайсан», дейилмоқчи). «Тежаб еган — дармонда, тежалмаган — армонда»; «Тежаб еган оч қолмас»; «Тежаган терга тушмас» («Тамом бўлгач, яна топиш учун ҳаракат қилиб, терлаб-пишиб меҳнат қилиб ўтирмайди», дейилмоқчи); «Тежамаганнинг таги — танг»; «Ҳар куни ема паловни, Ҳар куни ёққил оловни» (палов яхши-ю аммо бошқа овқатларга нисбатан кўпроқ масаллиқ талаб қиладиган таом. Ҳар куни палов қилиб еяверсанг, ошхонангдан ҳам, чўнтагингдан ҳам барака учади. Паловни сал оралатиб қилсанг, бошқа кунлари «бундайроқ» овқатлар қилиб турсанг ҳам бўлаверади», дейилмоқчи); «Қозонга тушган — қопга тушмас»; «Кам-кам есанг, доим ейсан, Кўп-кўп есанг, нима ейсан?! «Озни бежа, кўпни тежа»; Оз билан кўпни сақла»; «Отини аяган — от минар, Тўнини аяган — тўн кияр»; «Беҳисоб дунё йўқ»; «Таом туз билан, Туз ўлчам билан»; «Тежамкор зориқмас, Тежамсиз бойиқмас»;



Ғайратлининг юраги қайнар, Ғайратсизнинг юраги ўйнар.

Халқ ўзининг бу каби бир қатор мақолларида меҳнатсеварлик, ғайратчанликни улуғларкан, айни пайтда бунинг акси бўлган ишёқмаслик, ғайратсизлик, сусткашликни энг ёмон иллат сифатида қоралайди, ишламай-кучламай, бекор лақиллаб юрувчи шахслардан ҳазар қилади ҳамда ишёқмас-дангасаликнинг оқибати ёмон бўлишини уқтиради: «Ер бойлиги юзида, Эр ғайрати кўзида»; «Ғайратлидан имон қочиб қутулмас» (Имон — бир нарсага бўлган қатъий ишонч, интилиш, эътиқод); «Ғайратсизнинг ғайрати иш битганда кўзийди»; «Ялқовнинг мақтаниши — иш бошига боргунча»; «Ғайратсиз билак — ўринсиз тилак»; «Ғайрати бор кишининг, Баракати бор ишининг, Ғайрати йўқ кишининг, Баракати йўқ ишининг»; «Ғайратлига — буюк ўлжа, Ғайратсизга — куюк кулча».

«Ғат-ғат» келганда — «ғум-ғум».

Халқ ўртасида бу мақолнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган қуйидаги ҳикоя бор: «Бир кампир қизини узатадиган бўлибди-да, чарх йигириб, сепини тайёрлай бошлабди. Куёв тарафдан тўйни тезлатиш учун тиқилинч қилинаверипти. Кампир: «Манинг ҳали кам-кўстим кўп, тўйни ёзда қиламиз», депти... Ёз ҳам ўтиб кетибди. Кеч куз келиб, қор учқунлай бошлайди ҳамки, кампирнинг «кам-кўсти» битмасмиш. Куёв тараф қўярда-қўймай, тўйни бошлаттириб юборибди. Куёв жўралари билан карнай-сурнай садолари остида келинникига яқинлашиб келаётган эмиш ҳамки, кампирнинг «ғум-ғум» қилиб чарх йигириши тамом бўлмасмиш. Шунда бир одам: «Ҳой кампир, «ғат-ғат» келганда ҳам «гум-ғум»ми?!», деган экан». Бу гап халқ ўртасида мақолга айланиб кетган бўлиб, вақтнинг қадрига етиш, ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш зарурлигини уқтирганда қўллайдилар. «Товуқ тухуми тиқилганда жой қидиради»; «Том сувоғи қор ёққанда авжига чиқади», деган мақоллар билан ҳам: «Олдинига вақтнинг қадрига етмаган одам кейин вақт тиғиз келганда типирчилаб қолади», дейилмоқчи.

«Ғат-ғат» этган — карнайчи, балога қолган — сурнайчи.

Бу мақолнинг келиб чиқиши халқ ўртасида айтиб юриладиган қуйидаги ҳикояга боғлиқ: «Қадим замонда бир карнайчи билан сурнайчи бўлар экан. Кунлардан бир кун улар подшонинг тўйига таклиф қилинибдилар. Карнай-сурнайнинг шарофати билан тўй кўтаринки руҳ билан, шодиёна ва тантанали бир кайфиятда ўтибди. Подшо карнайчи-сурнайчиларнинг хизматидан ғоят мамнун бўлиб, уларнинг ҳар қайсисига ўз чолғу асбобига сиққанча тилла беришни буюрибди. Мукофотни олиб, уйга қайтишаётганида сурнайчи карнайчидан гина қилиб қолибди: «Дўстим, тўйда иккаламиз ҳам баравар хизмат қилдик. Шундайми? Берилган инъом эса тенг бўлмади: сенинг карнайингга кетган тиллаларни қара-ю, менинг сурнайимга кетганини қара! Ахир шу инсофданми? Кел, ҳамма тилларни ўртага қўйиб, баб-баравар бўлишиб олайлик». Шунда карнайчи сурнайчига дебди»: Э, оғайни, шунгаям «ота гўри — қозихона» қилиб ўтирамизми?! Нима кўп — подшонинг тўй-зиёфати кўп. Бу сафар менга кўп-

роқ теккан экан, янаги сафар сен карнай,мен сурнай чаламиз — сенга кўпроқ тегади...«Улар келгуси сафар ўз чолғу асбобларини алмашиб чалишибди. Бир вақт подшо бундай қараса, карнай-сурнайлардан беўхшов овозлар чиқиб, тўйдан файз кўтарилиб, ҳамма ғовур-ғувур қилаётган эмиш. У дарғазаб бўлиб, ким нима чалган бўлса, шу билан кетига уриб адабини беришни буюрибди... Шундай қилиб, ҳар иккала ҳолда ҳам сурнайчи бечора ютқазган экан». Мазкур мақол айбни биров қилиб, азобини бошқа биров тортадиган ноҳақ ҳолларда қўлланилади. Тарихдан маълумки, инсоннинг қадр-қиммати пул билан, бойлик билан ўлчанадиган, мулкий ва ҳуқуқий тенгсизлик ҳукм сурган, ёмонлар, зўравонлар устун бўлган, яхшилар, тўғрилар ва ҳалоллар оёқ ости қилинган. «Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортади» (Фурқат) ган замонларда адолатсизлик, шафқатсизлик, нописофлик, оқни қора, қорани оқ дейишлик, ҳақни ноҳаққа,ноҳақни эса ҳаққа чиқаришлик — ҳаётий қонуният касб этган. Бу нарса халқнинг юқоридаги каби бир қатор мақолларида ўз инъикосини топган. Вар.: «Тариқни еган — чумчук, Балога қолган — бедана»; «Ғўзани туя ейди-ю, Бўзчи балога қолади»; «Ғўзани туя еди-ю, Бўзчининг кўли кесилди!»; «Қатиқ ичган қутилди, Хурмача ялаган тутилди»; «Сигир ўгирлаган қутилди, Бошоқ ушлаган тутилди»; «Қозон ўгирлаган қутилди, Чўмич ушлаган тутилди»; «Кўмирни ўгирлаган — темирчи, Балога қолган — кўмирчи»; «Бурга кетди саёққа, Битни қўйди таёққа» (бу таъбиҳ билан: «Катта гуноҳ қилган, аммо айёрлик, эпчиллик хусусиятига эга бўлган одам қутилиб кетади-ю, ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, аммо ўзининг табиати ёвир, содда эпсиз одам туҳматга учрайди, айбсиз айбдор бўлади ва азобини тортади», дейилади. «Айб — бизда, Аравакаш гуноҳ кор»; «Отган қолмас балога, Айтган қолар балога»; «Ўғри кутилар, Тўғри тутилар»; «Сув келтирган — хор-зор, кўза синдирган — азиз»; «Бермаган бой олади, Балосига гадой қолади» (баъземта — илгари етказилган зиён-заҳмат, жабр-ситам эвазига зўравонлик билан босиб олиб келтириладиган мол-мулк); «Ҳолвани ҳоким ер, Калтакни — етим». «Ишни сен қилдинг, балоға қолдилар бечора халқ, Ғўзани сен еб, кесилди бўзчиники, ё эшон!» Завқий. (Матқул:) Буни қаранг-а! Ўғлинг қилар ишни қилиб қўйгандан кейин айбни бечора қизимга ағдармоқчимисан ҳали! «Ғат-ғат этган карнайчи-ю, балога қолган сурнайчи» экан-да» (И. Султон, Асарлар).

Ғунажин кўзини сузар, буқача ипини узар

(ғунажин — икки ёшдан ошган урғочи бузоқ).

Вар.: «Сигир қуюкса, ҳўкизга чопар». Мазкур мақоллар билан «парда» орасида эркакларни, йигит-йигитчаларни йўлдан урадиган бузуқ, суюқ оёқ аёлларга қочирим қиладилар ҳамда содир бўлган нохуш, шармандали, ғайри қонуний воқеанинг бирламчи сабабчиси — уларнинг ўзи эканлигини қайд этадилар.

Ғурурлик ғурбатга солар

Халқ ўзининг бир туркум мақолларида мағрур ва манман, такаббур, ўзини катта олувчи ва ўзгаларни мансимовчи шахслар устидан кулади ҳамда бундай ярамас феъл-атворнинг оқибати ёмон бўлишини уқтиради: «Сурур — бир бошқа, Кибригурур — бир бошқа» (сурур — шодлик, хурсандлик); «Димоғдорға бир ган озлик қилади, Икки гап — кўплик»; «Амал оздирар, амалга мағрурлик — тўздирар»; «Ишингга бўлма мағрур, Охири бўлар оғур»; «Бошинг осмонга етса, Бўйнингни ҳам қил» (ҳам қилмоқ — пастга эгмоқ, куйи солмоқ); «Бошинг осмонга етса ҳам, кеккайма!»; Кеккайиш тепакка яраша ди»; «Гердайган дарахтни довул синдирар»; «Қамиш бош кўтарди — бўриё бўлди, Тупроқ бош эди — тўтиё бўлди» (бўриё — бурё — бўйра; тўтиё — илгари вақтларда кўз огриғига қарши ёки кўзни равшан қилиш учун кўзга

суртилган дори; мажозда — жуда азиз, муқаддас нарса. Мазкур мақол билан: «Такаббур, мағрур ва манман бўлсанг, одамлар сени ўз ҳолингга ташлаб қўймайдилар; «попугингни пасайтириб», ўпкангни босиб, тавбангга таянтириб, бир поғона пастга тушириб, «мулла минган эшакдай» ювошгина, мулойимгина қилиб қўядилар. Камтарин бўлсанг, одамлар сени қадрлайдилар, эъзозлайдилар, иззату ҳурмат қиладилар, «бошларига кўтариб» юрадилар», демоқчи бўлганлар. «Манманлик — худо урганлик»; «Манманлик шайтонга ярашур»; «Манманлигинг туққан онангга ҳам ёқмайди»; «Манманга — бало, Югурукка — тўмор» (тўмор — томир, илдиз, саксовул илдизи, тўнка). Бу мақол билан: «Манман одам бир кунмас-бир кун тилидан «қоқилиб» бир балога йўлиқади. Югурук от югуруклигига ишониб чопаверади-ю, лекин барибир бир кунмас-бир кун бирор тўнкага қоқилиб йиқилади», дейилмоқчи; «Манманга завол бор, Олғирга — чуқур» (Бу билан: «Олғир, яъни бировнинг, жамоатнинг, давлатнинг пулини, молмулкини юлиб, талаб олувчи юлғич одам ахири бир кун қўлга тушиб, жазосини тортиши; манман одам эса завол топиши, яъни маҳв бўлиши, халоқатга юз тутиши, талофот кўриши муқаррар», демоқчи бўладилар); «Камтарга — камол, Манманга — завол».

Гарчи шунча мағрур турса ҳам
Пиёлага эгилар чойнак.
Шундай экан, манманлик нечун,
Кибру ҳаво нимага керак?
Камтарин бўл, ҳатто бир қадам
Ўтма ғурур остонасидан.
Пиёлани инсон шунинг-чун.
Ўпар доим пешонасидан.

(Эркин Воҳидов).

Ҳаддидан ошган кулгидан — йиғи яхши.

Кулги — яхши нарса. У киши дилига шодлик, роҳат бахш этади, кўнгилни ёшартади, ғам-қайгудан, дарду алам-дан фориғ этади, суҳбат давраларига файзу қувонч киритади ва б. Аммо, ҳамма нарсанинг меёри бўлгани каби, кулгининг ҳам ози, ўз вақтида ва ўз ўрнида бўлгани ширин бўлади. Бўлар-бўлмасга хоҳолаб ё ҳиринглаб кулавериш, кулгили гап ё воқеа-ҳодиса тугаганидан кейин ҳам кулгини давом эттираверии — атрофдаги кишиларнинг энсасини котиради, ранжитади, асабини бузади. Шу маънода панд-насиҳат қилганларида, тартибга чақирганларида ё танбиҳ берганла рида юқоридаги мақолни айтадилар.

Ҳаёсизга — ҳар кун ҳайит.

Вар.: «Уятлига — уч кун ҳайит, Уятсизга — ҳар кун ҳайит»; «Иши борга — бир кун ҳайит, Иши йўққа — ҳар кун ҳайит»; «Ишчанга — йилда байрам, Ялқовга — кунда байрам»; «Орсизга — олти кун байрам»; «Танбалга — кунда тўй»; «Кунда-кунда «тўй бўлса, Ҳафтада ҳайит бўлса, Ўртада бир кун бўлса, У ҳам жума бўлса». Буни данғаса, ялқов, ишёқмас, меҳнат қилиш, тирикчилик қилиш, бола-чақа боқишни хаёлига ҳам келтирмай, нуқул тўй-хашамни, ҳайитбайрамни. маишатни ўйлайдиган танбал одам тилидан айганлар ва шундайларга нисбатан мазах-масхара, истеҳзо, аччиқ киноя тарзида қўллайдилар (илгари жума — дам олиш куни бўлган).

Ҳазил, ҳазилнинг таги — зил.

Вар.: «Ҳазилдан зил чиқар, Зилдан — зилзила»; «Ҳазил, ҳазилни тушунмаган — кал фозил»; «Ҳазилни кўтарганга чиқарган» (Бу кейинги икки мақол билан: «Тенгқурларинг, ёр-дўстларинг сени ўзларига яқин олиб, ҳаддилари сиғиб, бир кулишиш, дил яратиш мақсадида бегараз ҳазил қилибдиларми, сен буни тўғри тушун, кўнглингга олма, шунчалик кулги учун, мутойиба юзасидан сенинг гап-сўзингни, хаттиҳаракатингни ё бошқа жиҳатларингни танқид қилиб, муболага ишлатиб ҳазил этсалар — хафа бўлма, аччиғланма, гина-кудрат қилма, ўпкалама, жавобан қаттиқ-қурм гапирма», демоқчи бўладилар); «Ҳазилнинг бир шингили яхши»; «Яхши ҳазил — хуш бўлур, Ёмон ҳазил муш(т) бўлур»; «Яхши ҳазил гўшт келтирар, Ёмон ҳазил мушт келтирар». Булар билан эса, ҳазиллашувчи кишига: «Ҳар бир нарсанинг меёри бўлгани каби, ҳазилнинг ҳам ҳадди, меёри бор. «Ҳазил экан» деб, ҳар нарсани гапираверии, кишининг нафсониятига тегиш, унинг бирор жиҳатидан (масалан, жисмоний камчилигидан) кулиш, ҳазил баҳонасида кишини одамлар орасида камситиш, «пастга уриш», шурманда қилиш, сир-асрорини очиб қўйиш пичинг, кесатиқ қилиш, ундан алам олиш ва б.— одобдан эмас ва бундай қилиш ёмон оқибатга олиб келиши мумкин», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ҳай-ҳай сени(нг) юришинг, бордир сени(нг) бир ишинг.

Киши ўз одатидан ташқари, ғайри табиий юриш-туриш, хатти-ҳаракат, гап-сўз қила бошласа, бу нарса

атрофдаги одамлар назаридан четда қолмайди: улар унга ажабланиш, ишончсизлик ва шубҳа билан қарай бошлайдилар, унинг бу янги пайдо бўлган қилиқларини ижобийдан кўра кўпроқ салбий сабабларга йўялилар. Одатда алдам-қалдамлик, ўғирлик, фирибгарлик, қаллоблик, ҳаромхарилик, хиёнатгарлик, жинояткорлик йўли билан мўмай, бебилиска пул топиб, бойлик орттира бошлаган одамнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати ва гап-сўзи бирданига ўзгарали-қолади: у данғиллама иморатлар солади, «ном чиқар»га, ҳамманикидан ўздириб тўй-зиёфатлар қилади, башанг кийинади, унча-мунча одамни, хатто илгаридан қадрдон бўлиб келган ошна-оғайниларини, ҳамкасб дўстларини устозларини назар-писанд қилмай, менсимай, пастга урадиган, манг урадиган, мазах-масхара қиладиган, уларни «оёқ учи» да кўрсатадиган бўлиб қолади ва ҳ.к. Мазкур мақолни шундай одамлырга қарата: «Сен ҳозир шундай керилиб, бурнингни кўтариб; «гар-гар кекириб», тараллабедод қилиб юрибсан-у, аммо бу — вақтинчалик бир ҳол. Шошмай тур ҳали, бир кунмас-бир кун қилмишларинг очилиб, гуноҳларинг фош бўлиб, адабингни еб, тавбангга таяниб ҳам қоларсан!» деган маънода қўллайдилар.

Ҳайитдан кейин хинани кетингга қўй!

Ҳайит — йилда икки марта бўладиган байрам. Ҳайитлар арафасида аёллар қўлларига хина қўядилар. Бошқа вақт хина қўйиб юриш одат тусига кирмаган. Кимки ҳайитдан кейин қўлига хина қўйиб юрса, бу ҳол одамлар кўзига бамисоли саратонда пўстин кийиб юргандек нохуш, эриш, ғайритабиий кўринар ва уни ҳамма мазах-масхара қиларди... Мазкур мақолнинг тўғри маъноси — шу. Жамият ҳаётида баъзан шундай бўлиб турадики биров-бировга бир нарсани ваъда қилади-да, аммо вақтида келтириб бермайди, келиб бермайди ва ҳ.к. У вақт ўтгандан кейин келтириб берса ё қилиб бермоқчи бўлса, бу ёқдаги одам: «Кераги йўқ! Энди вақт ўтди. Энди бунинг сира ҳам фойдаси йўқ. Бор, бу нарсани энди ўзингга ярат!» деган маънода унга зарда қилиб ё ундан ўпкалаб юқоридаги мақолни ишлатади. Умуман, ҳар бир ишни, ҳар бир нарсани ўз вақтида қилишга чорлаб, кечикиб қилинган иш эса танқид, мазах-масхара қилиниб айтиладиган мазкур мақолнинг қуйидаги вариантлари ҳам бор: «Ҳайитдан кейин — арафа»; «Тўйдан кейин — нотора»; «Ёв кетган сўнг, қиличингни ерга чоп!»; «Ҳар нарса ўз вақтида қизик».

«Ҳайт!» деган — туяга мадор.

Туяни юришга ундаганда: «Ҳайт» дейдилар. Бу мақолнинг тўғри маъноси шуки, туякаш туянинг юкини кўтариб, унга ёрдам беролмаса ҳам, вақти-вақти билан унинг «ҳайт, ҳайт!» деб тургани — туяга куч бағишлайди, рағбатлантиради, мадор бўлади. Мазкур мақол билан мажозан: »Бировнинг бирор мушкулини осонлаштириш қўлингдан келмаса ҳам, унга ёрдамлаша олмасанг ҳам, маслаҳатингни ёхуд унинг кўнглини кўтарувчи ширин сўзингни аяма. Шунинг ўзи ҳам унга мадор ва мадад бўла олади». деб, одамийликка ундайдилар. Вар.: «Ҳорма!» деган — қўшчига мадор» (қўшчи — ер ҳайдовчи одам); «Ҳорма!» деган — ҳолга қувват».

— Яхшиям келганларинг-а! Ачагина фойдаларинг тегди.— Албатта-да, ҳайт деган туяга мадор,— деб қўйди Бобоқул ота (Ҳ. Назир, Сўнмас чақмоқлар).

«Ҳалво» деган билан оғиз чучимас.

Вар.: «Бол» деган билан оғиз тотли бўлмас»; «Тушда сув ичган билан ташналик қонмас». Бу мақоллар билан: «Кини ширин орзу-хаёллар билангина яхши яшашга, яхши нарсаларга, кўзлаган мақсадига, дилига тўккан ниятига ета олмайди. Буларга эришмоқ учун ҳаракат қилиши, ишлаши, жон куйдириши,

елиб-югуриши, бу йўлда учрайдиган қийинчиликларга чидаши ва уни енгиши керак бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Асал демоқ бирла оғиз чучимас,
Ари нишин синаб кўрмай бир бора
(Саъдий).

Комилаънинг хаёлидан кўнгил қозғонмади,
Тушта сув ичган билан лаб ташна ҳаргиз қонмади
(Навоий)

Ҳам зиёрат, ҳам тижорат.

(Зиёрат — ҳурмат ё расмият, зарурат ё қизиқиш юзасидан бирор жойни, бирор кишини бориб кўриш; тижорат — савдо-сотиқ, савдогарчилик). Асосан бошқа бир мақсадда борилган жойда бир йўла яна бошқа бир ишни ҳам битирсалар ё шундай қилиш ниятида бўлсалар, буни юқоридаги мақол билан ифода этадилар.

Ҳамал кирди — амал кирди.

(ҳамал — қуёш йили ҳисобида йилнинг биринчи ойи бўлиб, 21 мартдан 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади). Маълумки, бу даврда «қиш уйқусидан уйғонган» табиат аста-секин чирой оча бошлайди, дарахтлар куртак отиб, ўсимликлар, ўт-ўтлалар амал ола бошлайди. Мазкур мақол билан ана шу хушҳол ҳодисани ифода этганлар. Шунга ўхшаш: «Савр — экинларга давр», деган мақол ҳам бор. Савр — қуёш йили ҳисобида иккинчи ой бўлиб, 21 апрелдан 22 майгача бўлгани даврни ўз ичига олади.

Ҳамроҳингга боқма, ҳамёнингга боқ.

Бу билан: »Ҳамроҳингга ишониб, унга орқа қилиб, унинг пул-маблағига, озиқ-овқатига умид қилиб, йўл харажатлари, йўл озиғи ва бошқа шу каби керакли нарсаларни олмай сафарга чиқма. Умуман, бировга оғирлигинг тушадиган иш қилма», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ҳар гулнинг ўз иси бор, ҳар элнинг ўз туси бор.

Вар.: «Ҳар гулнинг ҳиди бошқа»; «Ҳар супранинг нони бошқа. Булар билан: «Оламда ҳар бир нарса ва кимсанинг ўзига хос, бошқалардан озми-кўпми фарқ қилувчи яхши ё ёмон хусусияти, фазилати бўлади», деган фикрни билдирадилар. Мазкур мақолларда «гул» деганда, кўпроқ қизларни назарда тутадилар (Махсумов:) Эй, жинни, ғўр экансан, ғўр! Ахир ҳар гулнинг ҳиди ўзгача бўлади (И. Акром, Фароғат).

Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу.

Вар.: «Ҳар ернинг ўз ботмони бор»; «Қайга борсанг ҳам, қозоннинг қулоғи тўртта»; «Хўроз ҳамма ерда бир хил қичқиради»; «Бормаган жойда олтин бор, Кўрмаган жойда — кумуш» («Кишига гўё шундай туюлади», дейилмоқчи); «Фалон ерда олтин бор, Борсанг бақир топилмас» (бақир — қизил мис). Бу мақоллар билан: «Яшаб, ишлаб, ҳаётингни ўтказиб турган ерингнинг шарт-шароитига, «иссиқ-совуғига», яхшиёмонига кўник, сабру қаноат қил. Агар бу шарт-шароитларни ёқтирмай, «иссиқ ўрнингни ташлаб, қўнимсизлик қилиб, яхшироқ ерни қидириб кетсанг, бари бир қадр-қиммат топа олмайсан. Негаки, ҳар бир ернинг ҳам яхши ва ёмон жиҳатлари, қийинчиликлари, камчилик ва нуқсонлари бўлади, бўлмай иложи ҳам йўқ. Шундай экан, ўз ўрганган ерингни тарк этма, сабр қаноат қилсанг, шундайлигингча қолиб кетмайсан, бора-бора камолга етасан, бирнинг икки, ёмонинг яхши бўлади», деган маънода насиҳат қиладилар.— Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош ила тарозу», деганларидай, Бегимхон қаерга бормасин, уруш ғами унинг кетидан қувиб келаверади (И. Раҳим, Фидойилар).

Ҳар йигитга — бир омад.

Ҳаёт қийинчиликларидан, ишлари юришмаётганлигидан, омадсизлигидан, ҳаётда ўз йўлини топиб ололмаётганлигидан нолиб, тушкунликка тушиб, ҳафсаласи пир бўла бошлаганларга тасалли берганда, уларни умидсизлик «кўчаси»ни тарк этиб, ҳаётга комил ишонч билан қараш, олға қараб дадил одим ташлаш сари руҳлантирганда шундай дейдилар.

Ҳар каллада — бир хаёл.

Вар.: «Яхшидан қолган масал, Ҳар каллада — бир хаёл»; «Бир каллада — минг хаёл»; «Ҳар кимнинг боғи бор, юрагида доғи бор»; «Ҳар кимнинг ўз фикри бор, Қурбақанинг зикри бор»; «Ҳар кимнинг бир ўйи бор, Хаёлида минг қўйи бор»; «Ҳар қўнгилда — бир гавҳар». Булар билан: «Ҳар бир кишининг хаёлида ўйлаб юрган ўйи, ғаму-ташвиши, дарду-ҳасрати, нияти, кўзлаган мақсади, орзу истаги бўлади», дейилмоқчи.

Ҳар йиқилиш — ўлим эмас.

Қаётда муваффақиятсизликка учраган, бирор бало-қазога дучор бўлган, эҳтиётсизлик ё тажрибасизлик оқибатида панд еган, зарбага учраган, зиён-заҳмат кўрган одамга тасалли берганда, уни умидсизлик, тушкунлик «ботқоғи» дан чиқариб олиб, порлоқ истиқбол сари йўлга солиб юбормоқчи бўлганларида шундай дейдилар.

Ҳар ким суйган ошини ичади.

Бу билан: «Ҳар ким ўзи ёқтирган, ўз кўнглига «ўтирган», ўз феъл-атворига, дунёқарашига мос тушадиган одамга кўнгил беради, у билан дўстлашади, борди-келди, олди-берди қилади ва ҳ.к.», демоқчи бўладилар.«— Бировга бекордан-бекорга айб қўйиш яхши эмас.— Ҳар ким суйган ошини ичади. Насиҳат қиладиган ўлиб кетган, ёрдам бергингиз келмаса, жойингизда тураверинг» (Ҳ. Нуъмон, Ёшликда берган кўнгил).

Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортади.

Ўтмишда қўрғон ва тўғонлар қурилишига «ҳашар» ниқоби остида бутун аҳоли мажбуран жалб қилинарди. Бунда ҳар бир маҳалла ва уруғга ишнинг муайян қисми тақсимлаб бериларди. Ўз навбатида ҳар бир кишига ишнинг маълум бир улуши тегарди. Ҳар ким ўз улушини бажармагунига қадар «ҳашар» дан қутулмас эди. Баъзилар қопда, баъзилар шериклашиб замбилда, баъзилар эса якка ўзи қўл аравачаларда (замбилғалтакларда) тош, тупроқ таширдилар. Ҳар ким ҳам ўз тирикчилигидан қолмаслик учун улушини тезроқ бажаришга ҳаракат қиларди. Бунда бировнинг ишини биров қилиб бермасди. Юқоридаги мақол ана шундан қолган бўлиб: «ўз аравангни ўзинг торт, яъни ўзинг учун ўзинг ҳаракат қил», дейилмоқчи. Мажозий маънода ҳар ким ўз тирикчилигини ўзи ўтказиши, ўз кам-кўстини ўзи тўлдириши, ўз заруратини ўзи таъминлаши ва ҳ.к. лозимлигига даъват қилиб айтилади. Вар.: «Қайси бутага ўт тушса, ўша бута куяди»; «Кимнинг этагига ўт тушса, ўша куяди»; «Ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи курайди»; «Ҳар ким ўз бошини ўзи қашлайди».

Ҳар ким ўз кўмочига ўзи кул тортади.

(кумоч — қўрга ёки кулга кўмиб пишириладиган нон). Инсоннинг ҳам, ҳайвоннинг ҳам табиати шунақа: биринчи навбатда ўзини ўйлайди, ўз тирикчилигини, ўз манфаатини, ўз ҳузур-ҳаловатини кўзлайди, деган маънода айтилади. Вар.: «Куним учун кул тортаман»; «Ҳар ким қилар ўзига, Илик суртар кўзига»; «Ҳар ким қилса, ўзига қилади»; «Ҳар ким ўзим бўлай дейди»; «Ҳар кимнинг ўз қўли ўзига қараб букилади»; «Тешанинг тиғи чопувчининг ўзига қараган»; «Ҳар кимнинг жони ўзига ширин»; «Эчкига — жон қайғу, Қассобга — мол қайғу»; «Тулкига жон керак, Овчига тери керак»; «Овчи овчилик-

«Эшак ётақолсам дейди, Эгаси етақолсам дейди».

Тешани чопқай ўзига, расмдур шул, ҳар киши,
Ўз кўмочига, масалким, тортадур кул ҳар киши
(Муқимий).

Ҳар киши юк ўз отига ортадур.
Ўз кўмочига кулини тортадур»
(Рожий).

Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчар.

Вар.: «Ҳар ким ўз алчини билан ўлчайди» (алчин — узунлик ўлчови бирлиги бўлиб, кишининг бармоғи учидан кекирдагигача бўлган узунлик); «Ўйлаган — ўйини айтар, Ухлаган — тушини айтар» («Ҳар ким ўз ўйлаганича, тушунганича айта олади. Туш кўрган одам ўз тушинигина айта олади, бировнинг тушини айтиб бера олмайди», дейилмоқчи). Умуман, мазкур мақоллар билан: «Одамларнинг қаричи, алчини узун-қисқа бўлгани каби, ақл-идроки, дид-фаросати, илм-билими ва ҳ. к. ҳар хил бўлади. Биров сенинг кўнглингдагидек қилиб гапирса, фикр билдирса, биров энса қотирма, суюқ, бемаъни гап қилади. Шунинг учун бундан хафа бўлиш керак эмас», демоқчи бўладилар.

Ҳар ким ўзига хон, ўзига султон.

Вар.: «Ҳар ким ўзига хон, ўзига бек»; «Йиртиқ бўлса — тўним йиртиқ, Кўнглим — подшодан ортиқ»; «Ҳамма одам — бир одам». Бу мақоллар билан: «Ҳар кимнинг ўзига яраша қадр-қиммати, иззат-нафси бор: хоҳ у шоҳ бўлсин, хоҳ гадо; хоҳ у бой бўлсин, хоҳ камбағал; хоҳ у катта амалдор бўлсин, хоҳ оддий хизматчи ва ҳ. к. Ана шуни мулоҳаза-га олиб, кишилар билан муомала қил, бировнинг кўнглини огритувчи, пастга урувчи гап-сўз қила кўрма!» дейилмоқчи.

Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига.

«Ҳар кимнинг ўз боласи ўз кўзига Ойдек равшан кўринади, яъни боласи яхшими, ёмонми, хушрўйми, хунукми, ақллими, телбами ва ҳ. к.— уни севади, ардоқлайди, ўзгалар боласидан ортиқ кўради», деган маънода айтиладиган бу мақолнинг қуйидаги вариантлари ва маънодошлари бор: «Ҳар кимнинг эшаги ўз кўзига от кўринар»; «Ҳар кимнинг улоғи ўзига така кўринади»; «Қарғанинг гоз боласи, Ҳар кимнинг ўз боласи»; «Қарға боласин оппоғим дер, Кирпи боласин юмшоғим дер» (бу мақол ва унинг бирмунча вариантлари бошқа туркий халқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Мақолнинг келиб чиқиши бир диний афсона билан боғлиқ. Бу афсона «Дала вилоятининг газети»да (1899 йил, 13- сон) қуйидагича баён қилинган: Ер — дунёнинг подшоси Сулаймон пайғамбар кирпи билан қарғага шундай деб буюрибди: «Сен қарға, бор, бир кечада ер-дунёни оралаб, бир яхши сайрайдиган қуш топиб кел-да, уйнинг тепасидаги қафасга солиб қўй. Тонг отганда бу қуш сайраган товуши билан мени уйғотсин! Сен кирпи, бор, ернинг юзини тинтиб, бир юмшоқ нарса топиб кел-да, менинг ёстиғим устига, бетим тегадиган қилиб қўй! Қушнинг сайраганига уйғониб, қафасга қарайман деганимда бу юмшоқ нарса бетимга тегадиган бўлсин...» Қарға кўп ерларни тинмай оралаб, турли қушларнинг сайраганини эшитибди. Лекин, бирорта қушнинг ҳам сайрагани унга ёқмабди... Овози ёқимли қушни тополмаган қарға: «Энди мени ўлдиради», деб қайгура бошлабди ва болалари билан видолашгани уясига келибди. Онасини кўриб палапонлар қарқирай бошлашибди. Шунда уларнинг қарқираган товуши қарғага жуда ёқиб кетибди. У қувониб кетиб, болаларини оборib, Сулаймоннинг қафасига солиб қўйибди... Кирпи ҳам тун бўйи тинмай ер юзини кезиб, юмшоқ нарса излабди, аммо кўнглига ёқадиганини топа олмабди. У ҳам: «Энди мени ўлдиради», деб қайгура бошлабди

ва болалари билан видолашгани унгурига келибди. Онасининг қайғули ҳолатини кўрган болалари югуриб чиқиб, уни қучоқлай бошлашибди. Шунда кирпига болаларининг танаси жуда юмшоқ туюлиб кетибди: У: «Ер юзида ўзимнинг болаларимдан юмшоқ нарса йўқ экан-ку!», деб суюниб кетибди ва уларни обориб, Сулаймоннинг ёстиғи устига қўйибди... Тон отгач, қарғанинг болалари қаркирай бошлашибди. Сулаймон «бу нима?», деб кафасга қарамоқчи бўлганда бетига тиканаклар қадалибди... У аччиғланиб, қарға билан кирпини ўлдиришга ҳукм қилибди. Шунда уларнинг ҳар иккиси ҳам Сулаймондан ўлдирмасликни илтижо қилиб, бўлган воқеани айтиб берибди. Сулаймон: «Ҳар кимники ўзига болдан тотлиқ, ўтдан иссиқ, кундан ёруғ, момиқдан юмшоқ кўринар экан-да», деб ўйлабди-да, қарға билан кирпини озод қилибди. «Кўнгиз боласин оппоғим дер, Хорпушт боласин юмшоғим дер» (хорпушт — тошбақа; «Қуён боласин ботирим дер»; «Ит боласин қоплоним дер, Куш боласин — палапоним» (палапон — паррандаларнинг ҳали пат ва канот чиқармаган боласи; жиш); Ҳар қуш ўз овозидан хушланади; «Ҳеч ким ўз айронини аччиқ демас». «(1-совчи:) Оғзидаги тилла тиши бир йигитнинг давлатига тенг. (Фароғат:) Ҳа, мақташ сизларнинг бурчингиз, хожажонларим. Қўнгиз ҳам ўз боласини оппоғим дермиш» (И. Акром, Фароғат).

Ҳар кимнинг кори аъмоли — ўзига

(аъмол — амаллар, ишлар, қилмишлар; кор — таъсир қилиш, «оқибат, натижа» маъносига ҳам тўғри келади). Мазкур мақол билан: «Ҳар ким ўз қилган ишига яраша ажримини (мукофотини) олади: яхши ишлари учун яхшилик кўради, ёмон ишлари учун ёмонлик кўради, таъзирини ейди, жазосини тортади», демоқчи бўладилар.

«Мукимий, сенга ушбу сўз не керак, Бўлак ҳар кими кору аъмоли бор»

Ҳар кимнинг ҳузури — ўзига, отасининг гўрига.

Бу мақолни асосан қилган ҳузур-ҳаловатини, маишатини, роҳатини бошқаларга кўпиртириб мақтайдиган, шу билан кериладиган қуруқ мақтанчоқ одамларга: «Ҳузур қилган бўлсанг, сен қилибсан, бизга бундан нима фойда?! Бундай гапларингни бориб отангнинг гўрига айт!» деган маънода киноя қилиб айтадилар.

Ҳар садафдан дур чиқавермайди.

Вар.: «Ҳар ялтираган — олтин бўлавермас»; «Боши думалоқнинг бари одам бўлавермас»; «Зарҳал кўринар сохта, Роса билиб, сўнг мах(қ)та». Ота-боболар бу каби мақоллари билан: «Киши жамиятда яшаркан, одамлар билан муносабатда, мулоқатда, жавоб-муомалада бўлишдан аввал у одамнинг кимлигини, қандайлигини яхши билиб олмоғи керак. Акс ҳолда панд еб қолиши, зиён-заҳмат кўриши мумкин», деган маънода насиҳат қилганлар.

Ҳар супрадан — бир кулча.

Вар.: «Ҳар чинордан — бир япроқ». Бир оиладан бир қиз олган бўлсалар-у, у яхши, кўнгилдагидек чиқмаган бўлса, «келиндан куйган» бўлсалар, боз устига қудалари иккинчи қизларини ҳам шу оилага бермоқчи бўлаётганларини бевосита ё билвосита маълум қилсалар, йигит тарафдаги қудалар: «Йўқ энди, бир оиладан — бир қиз-да, бошқасини ҳам бир кўрайлик», деган маънода рад этиш ниятларини билдириб, юқоридаги мақолларни айтадилар.

Ҳар тоғнинг қулонини ўз тозиси билан овла.

Вар.: «Ҳар ернинг бўрисини ўз тозиси билан овла». Булар билан: «Ҳар бир нарсани ва кимсани (ма-

салан, душманни, рақибни) қўлга киритмоқчи, қўлга олмоқчи бўлсанг, ўшанинг кушандасини, сир-асрорини биладиган одамини топиб, уни ишга солсангинагина, мақсадингга осонгина эришаолассан», дейилмоқчи.

Ҳаракат, ҳаракатда — барака.

Вар.: «Ҳаракатда — барака»; «Барака — ҳаракатда»; «Баракатнинг онаси — меҳнат, Отаси — саъйи ҳаракат»; «Ғайрат — жонга мадад»; «Баҳорги ҳаракат — кузги баракат»; «Тушлик умринг бўлса, чошлик ҳаракат қил», (чош — чошт — чоштгоҳ — тушгача, пешингача бўлган вақт. Мақолда: «Умринг қанча бўлса, шунча ҳаракат қил», дейилмоқчи); «Тўхтаб қолса, сув ҳам сасийди». Ҳар тирик инсон агар қилса ҳаракат Ҳаракатга қараб топар баракат (Биноий)

Бу сўзлар эрлардин қолғон масалдур, Ҳар ишнинг аввали саъю жадалдур (Сайёдий).

Ҳарамзанинг қуйруғи — бир тутам

(Ҳарамза — ҳарамзода. 1. Дарахтнинг ҳали пишмай туриб, касалланиб, сарғайиб, сўлиб, «оғриб тушган» меваси. 2. Полиз экинлари — қовун, тарвуз, қовоқ, бодринг ва б.нинг шундай «оғриган» ҳосили. 3. Одамнинг ва ҳайвоннинг бевақт, бемаҳал, бемавруд туғилган боласи. 4. Мажозий маънода — қаллоб, кўзбўямачи, айёр, фирибгар, ноинсоф, ифлос (одам); қуйруқ — дум; тутам — қабза — кишининг мушти (тўрт бармоғи) бўйига тенг бўлган узунлик ўлчови бирлиги бўлиб, (қисқа маъносида қўлланилган). Юқоридаги мақол билан: «Алдам-қалдам ишлар билан шуғулланувчи ношоқ, ноинсоф, фирибгар, қаллоб одамларнинг қилмишини бутунлай «ёнди-ёнди» бўлиб кетмайди, бот фурсатда фош бўлади ва улар тегишли жазоларини тортадилар», демоқчи бўлганлар. «Ҳарамзаларни қоралаш, уларнинг ҳар ҳам-ҳариш ишларини фош этишга ҳамда бундайларнинг адабини бериб қўйишни зарурлигини уқтирувчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Ҳарамза буғдой кўрсатиб, арпа сотади»; «Ҳарамза сувдан ҳалво пиширар»; «Сувнинг ўзи суюқ эди, Нима қўшиб қуюқ қилдинг?»; «Икки ҳарамза дўст бўлмас»; «Ола йилқи йўқолмайди, Ҳарамзода ўнгалмайди»; «Ҳарамзасини юлсанг, бихига зўр беради: (бих — илдиз, томир). Деҳқонлар полиз экинларининг ҳарамзасини юлиб ташлайдилар. Шунда ердан унга кетадиган қувват экинга ўтиб, ҳосили бўлиқ, йирик-йирик бўлади. Мазкур мақол билан мажозан: «Ҳарамза» одамлар жамият орасидан йўқотилса, қолган яхши одамлар эркин нафас олиб, бамайлихотир яшайдилар», дейилмоқчи.

Ҳаромдан йиғилган — харомга кетар.

Ота-боболар ҳаётий кузатишлар ва ҳаётий тажрибадан келиб чиқиб: «Ўғрилик, фирибгарлик, алдам-қалдамлик, кўзбўямачилик, хиёнатгарлик, жиноятқорлик, эгриқўллик, муттаҳамлик, порахўрлик, ноинсофлик ва ҳ.к. шу каби ҳаром-хариш йўллар билан осонгина, мўмайгина қўлга киритилган пулнинг, молнинг, бойликнинг бақоси, қут-баракаси бўлмайди, қўлга қандай тез келган бўлса шундай тез кетади, тўғриликча кетибгина қолмай, кишининг бошига бало келтиради», деган хулосага келганлар ва буни бир туркум мақолларда ифода этиб, кишини «ҳаром йўл»дан қайтишга ундаганлар: «Оломончининг йиққани оломонга кетади» (оломончи — қуролланган-яроғланган ҳолда қўпалашиб келиб, тинч яшаб турган аҳолининг мол-ҳолини талон қилиб кетувчи, зўравон, қотил); «Қимордан келган — қиморга кетар»; Ҳаром ҳаромни чақиради»; »Келинига яраша — кетиши»; «Давлат қандай келган бўлса, шундай кетади»; «Тез келган давлатнинг бақоси бўлмас»; «Ҳаром қўл аралашса, Ҳалол қўлдан қут кетар»; «Ҳаром қўл бор жойда барака бўлмас» (ҳаром қўллик — бир нимани эгасига билдирмай, қўйни шамалат қилиб, хуфёна равишда олиш, ўзлаштириш). «Хоҳ оилавий хаётда бўлсин, хоҳ ижтимоий хаётда бўлсин, бундай

ҳаром қўллик ўртадан қут-баракани кўтариб юборади», дейилмокчи. «Ўғрилик ош баданга юқмас»; «Ҳаром иш тез қаритар»; «Ўнгай ўлжа ўнгалтирмас».

Ҳақ жойига қарор топар.

Кишилик жамияти тарихи давомида не-не ҳақсизлик, адолатсизликлар бўлмаган (Бу ўринда «Ҳақиқат — осмонда, Нарвони — ҳамёнда», «Ҳақни айтсанг уярлар, хушомадни суярлар»; «Ёлғон чинга чиққан замона, Чинга чечак чиққан замона», деган мақолларни эсга олмоқ — кифоя), лекин ҳаётий тажрибада ҳақиқат бари бир ҳақиқатлигича қолишига, ҳақ ноҳақ устидан ғолиб чиқишига, ноҳақ иш тутганлар бир кунмас-бир кун бунинг азобини ҳам тортишига тўла ишонч ҳосил қилган халқ ҳақиқатни ёқлаб, ноҳақликни қоралайди, кишиларни ҳақиқат йўлидан боришга даъват этади: «Ҳақ ерини топар»; «Ҳақ ўрнин топар»; «Ҳақ ҳамиша ғолиб»; «Рост сўз қарор топар»; «Ҳақиқат қилни қирқ ёради»; «Ҳақиқат ўтда ҳам куймас, сувда ҳам чўкмас»; «Ҳақиқат — қуёшдир, яшириб бўлмас»; «Ҳақ ноҳақ бўлмас»; «Ҳақиқат эгилади, букилади, лекин синмайди»; «Ҳақ эгилар, Ноҳақ синар»; «Ноҳақ ишга ривож йўқ»; «Ҳақ ҳақлиққа чиқар, Ноҳақни (нг) ҳалқумидан сиқар»; «Ҳақ ҳаққа чиқар, Ноҳақнинг бўйни синар»; «Ҳақ — куч, Куч — ҳақ»; «Ҳақ ишни халқ қўллар»; «Ҳамма ўтар, Ҳақлик ютар»; «Ҳақиқат бир кун офтобдай ярқ этиб чиқади». (Ойша:) Биласизми, бир мақол бор: Ҳақиқат қуёшдир — яшириб бўлмайди. Жуда тўғри, ҳақиқат албатта юзага чиқади» (Ойбек, Нур қидириб).

Ҳозирим — ҳузурим.

Фақат ҳозирги, бугунги роҳатини, ҳузур-ҳаловатинигина ўйлайдиган, эртанги кунини ўйламайдиган, кейин келадигани билан иши бўлмайдиган одамларга киноя тарзида айтиладиган бу мақолни қувватловчи ва тўлдирувчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Бир кунлик ҳузурингга учма!»; «Бир кунлик ҳузур, Эртанги роҳатни бузур».

Ҳосилинг кам бўлса, ҳаводан кўрма.

Ҳар қандай экиннинг ҳам ҳосили об-ҳавонинг қулай ё ноқулай келишидан кўра кўпроқ деҳқоннинг қай даражада меҳнат қилишига, экинни парвариш этишига, унинг маҳоратига боғлиқ. Мазкур мақол билан ана шуни таъкидлаб: «Ўзолмаган отга узанги — баҳона»; «Ўйин билмаганга уй торлиги — баҳона», дегандек, ҳосилинг кам бўлиб қолса, бунга об-ҳаво эмас, энг аввало ўзинг сабабчисан. Агар ўзинг қаттиқ туриб ишласанг, экинни «эркалатиб» ўстирсанг, маҳорат кўрсатсанг, ҳар қандай шароитда ҳам юқори ҳосил олишинг мумкин. Зеро, бошқа бир мақолда айтилганидек: «Тер тўкканга — ер тўкади», деган маънода насиҳат қиладилар.

Ҳунар — бир, пардоз — қирқ.

Косиб ва ҳунармандлар ўлчовда бир хил тикар, тўқир ва ясар эдилар-у, аммо маҳсулотларига пардоз беришда ўзларига хос услубда иш кўрардилар, молларини ҳаридоргир қилиш мақсадида пардозга зўр берардилар. Усталар шогирдларига: «Ҳунар — бир хил ҳунар-у, аммо пардози қирқ хил, ҳаммадан ҳам пардозни ўрган», деб насиҳат қилардилар. «Онангни отангга бепардоз кўрсатма», деган мақолда шу фикр муболага тарзида баён қилинган.

Ҳунар, ҳунардан унар.

Бир туркум мақолларда ҳунар — турмушнинг моддий ва маънавий асосларидан бири эканлиги, ҳунарли киши ўз ризқини топа олиши, мушкул ишларнинг ҳам уддасидан чиқа олиши, ҳунарсиз кишининг эса турмушда ҳар томонлама қийналиши қайд этилади, шунинг учун ҳунар эгаллаш, эгаллаганда ҳам пухта эгаллаш зарурлиги уқтирилади: «Қунт би-

лан ўрган ҳунар, Ҳунардан ризқинг унар»; «Ҳунар тўйғазар, От миндириб, тўн кийғазар»; «Ҳунар — минсанг от, учсанг қанот»; «Қўлида ҳунари борнинг — белида камари бор»; «Ҳунар ошхўрга ош беради, Нонхўрга — нон»; «Касб, касб туби — насиб»; «Косиб — ҳабиби худо» (ҳабиб — дўст); «Ҳунар — окар булоқ, Илм — ёнар чироқ»; «Ҳунарли йигит — мевали дарахт»; «Ҳунари борнинг — олтин билаги бор»; «Ҳунар — туганмас хазина»; «Юз туман олтиндан — юз дирам ҳунар яхши». Туман — ўн минг; юз туман — бир миллион; дирам дирҳам — пул бирлиги, турли ерларда ва турли даврларда турлича бўлган. Масалан, 1 дирҳам Бухорода 3,36 граммга, Хоразмда —3,185 граммга тенг бўлган. Дирҳам асосан кумуш тангаларнинг ўлчов бирлиги ҳисобланган. (В. Хинц, Е. Давидович. Мусульманские меры и веса); «Қирсиз ер бўлмас, Ҳунарсиз — эр»; «Ҳунарли эр хор бўлмас, Дўст-душманга зор бўлмас»; «Ҳунарли эр хор бўлмас, Бурда нонга зор бўлмас»; «Ҳунарли ўлмас, Ҳунарсиз кун кўрмас»; «Ҳунарлига ўлим йўқ»; «Ҳунар билган очга ўлмас, Йўл таниган кечга қолмас»; «Ақл кўпга етказар, Ҳунар — кўкка»; «Ҳунарлининг ҳунари муродига етказар, Ҳунарсизнинг юрари қаро ерга ётқазар»; «Ҳунари йўқ — нон гадойи»; «Ҳунар бўлса қўлингда, Нон топилар йўлингда»; «Билмас кишига иш йўқ, Ишсиз кишига ош йўқ»; «Ҳунармандниг нони бутун»; «Ҳунари йўқ кишининг, Мазаси йўқ ишининг»; «Уста, ишни қилар юзта»; «Ҳунарсизнинг қирқими узун, Беҳунарнинг — бичими»; «Билган — билганин ишлар, Билмаган — бармоғин тишлар»; «Билганнинг билаги толмас»; «Билганга — лапар, Билмаганга — дардисар» (у ёки бу иш — билган, ҳунари, уқуви, дид-фаросати бор бўлган одамга осон, бирпасда қилади-қўяди. Билмаган, ўрганмаган, уқувсиз, тажрибасиз, фаросатсиз одамга эса қийин иш у ёқда турсин, ҳатто оддий осонгина иш ҳам жуда оғир ва мураккаб бўлиб туюлади, дейилмоқчи); «Билган — битар, Билмаган — йитар»; «Билмаснинг қатими узун»; «Ҳунар — зар, Ҳунарсиз — хар» (хар — эшак); «Ҳунар — хунардур, Беҳунар — хардур»; «Бўёқчининг бўёқчилиги — қўлидан маълум»; «Беҳунарнинг «ҳунари»— гап сотиш «Беҳунарнинг «ҳунари»— ялқовлик»; «Беҳунарнинг «ҳунари»— ўт ёқиш» (Ўтмишда ҳунари йўқ одам турмушда қийналиб, ҳеч бир ишнинг бошини ушлаб олмай, хор-зор бўлиб юриб, ахири «эл кўзидан панароқ» деб, ҳаммомга ўт ёқар бўлиб хизматга кирарди. Бундай одамни «гўлахи»деб атардилар ва унинг ўзига ҳам, касбига ҳам паст назар билан қарардилар. Халқ тилида «Ҳа, гўлахи бўлгур!» деган қарғиш, «У етти гўлахга ўт қўйган» («Ундан яхшилик чиқмайди», деган маънода) деган ибора ҳам борки, бу юқоридаги фикримизни қувватлайди); «Қарғанинг ҳунари бўлса, тезак емасди»; «Ҳунари йўқ ҳунарлини кўролмас»; «Ҳунарсиз ҳунарлидан минг бир айб топади»; «Чала-чала чалағон бўлар»; «Шогирднинг бефаросати устозни муттаҳам қилади» (бу билан: «Бефаросат шогирд бир ишни янглиш қилиб қўяди-да, устозининг номига доғ туширади»; дейилмоқчи); «Ҳунар тентакликни кўтармас»; «Ҳунари йўқ суфидан — тухим туғар товуқ яхши»; «Ҳунари йўқ эркакдан — игнаси бор хотин яхши»; «Ҳунари йўқ кишидан — Бигизи бор ямоқчи яхши»; «Ҳар ҳунарнинг бир гашти бор»; «Ҳар касбнинг ўз гашти бор»; «Касбнинг ёмони йўқ»; «Бир йигитга етмиш икки ҳунар оз»; «Йигит кишига етмиш ҳунар оз»; «Ортиқча ҳунар бошни ёрмайди»; «Ота касби — олтин касб»; «Ота касби — давлат касби» (давлат — пул, мол, бойлик) «Ота касби ўғилга ҳалол»; «Ота касби қорин тўйғазар»; «Ота ҳунари болага — мерос»; «Мерос моли тўзади, Меросли ҳунар ўзади»; «Ота касбин эгаллаган — хор бўлмас»; «Ота касбин ташлаган — ўнғалмас»; «Ҳунар тагида ҳунар бор»; «Ҳунар ўрганишга ҳам ҳунар керак»; «Юз ҳунарни чала билагандан — Бир ҳунарни тўла билган яхши»; «Билмагандан билган яхши, Тўғри ишни қилган яхши»; «Гапдан кўра иш яхши, Ҳар ишни билиш яхши»; «Яхши билсанг ишингни, Яхшилар силар

бошингни». Бир донишманд фарзандларига шундай панду насиҳат қиларди: Азиз ўғлонларим, ҳунар ўрганинглар, зероки, моли дунёга эътимод йўқ ва олтин-кумуш сафарда хатарлидир. Қароқчи ўғрилаб кетади ёки эгаси еб-ичиб тамомлайди. Аммо ҳунар қайнар булоқ, туганмас давлатдир, агар ҳунарманд молидан маҳрум бўлса, кайғуси йўқдир, чунки ҳунарнинг ўзи давлатдир. Ҳунарманд қаерга борса, қадрланади ва уйнинг тўридан жой олади. Ҳунарсиз одам эса, хамиша машаққат чекади, тиланчилик қилади (Саъдий, Гулистон).

Ҳусн — ярим давлат, ярим офат.

Кишилик жамиятида шундай ҳоллар тез-тез учраб турадики, кишининг, айниқса аёлларнинг гўзал хусни туфайли ишқибоз, шайдолари кўп бўлади. Улар кўп балоларга дучор қиладилар, ҳатто ҳалок этадилар. Тарихда бунга мисоллар кўп. Шунинг учун ҳам халқимиз ўзининг бир туркум мақолларида ҳуснга нисбатан салбий муносабат билдиради: «Ҳусн гоҳ бахт келтирар, Гоҳ бахтсизлик»; «Яхши отга ўгирлик кўп, Яхши хотинга зўрлик кўп»; «Ён ерни шамол қоқади, Чиройликка ҳар ким бокади»; «Булбул овозидан қафасга гирифтор»; «Гап — ҳуснда эмас юсунда»; «Хусн хулқи билан чиройлик»; «Яхши хулқ — кишининг хулқи»; «Хушхулқлик — жамол, Камтарлик — камол»; «Хушхулқлик фазилати — Одамийлик зийнати»; «Фойдасиз чиройдан — фойдали чўтир яхши»; «Умр ўзади, ҳусн тўзади»; Турк бошқа-ю, кўрк бошка»; «Чиройлилик — мурод эмас, Хушхулқлик — уят эмас»; «Хуснинг бўлгунча, бахтинг бўлсин». Кексалар ўгитига қулоқ солсангиз, «Гўзаллик юзда эмас, ақлда», дейдилар. Ҳа, авлодлар, замонлар ҳикмати бу. Дарҳақиқат, ақлу фаросатдан, инсоний ахлоқ ва фазилатдан маҳрум бўлган юз чиройи ёлгиз тажрибасиз, қунимсиз кўзларнигина маҳлиё қила олади (М. Исмоилий, Одамийлик қиссаси).

Ҳут кирди — деҳқон пайтавасига қурт кирди.

(ҳут — қуёш йили ҳисобида ўн иккинчи ойнинг арабча номи, 22 февраль билан 21 март оралиғидаги даврга, яъни қишнинг охири ва кўкламнинг бошланиш даврига тўғри келади). Мазкур мақол билан: «Ҳут киргач, деҳқонлар қизғин ҳаракат қилиб, экин экишга ҳозирлик кўра бошлайдилар, дейилмоқчи. Вар.: «Ҳут кирди — ер остига дуд кирди».

Ҳут — ют.

Вар.: «Яхши келса — ҳут, Ёмон келса — ют»; «Яхши келса ҳут — кут, Ёмон келса ҳут — ют»; «Ҳутман, ёмон келсам — орик молга ютман»; «Яхши келса ҳут — кади-кади сут. Ёмон келса ҳут — керага тўла пут» (кади — қовоқ, идиш маъносида; пут — қуй, эчки, қорамолнинг сони; керага — ўтовнинг четанга ўхшатиб ишланган девори). Мақолда: «Ҳут ойи қутли келса, ўт-ўлан кўп бўлиб, моллар тўйиниб, маҳсулдор бўлади. Ҳут ойи кутсиз келиб, «ют» бошлангундай бўлса, чорва моллари ёппасига кирила бошлайди, чорвадорлар улгургачларини «ҳаром ўлмасин» учун мажбуран сўйиб, гўштини ўтовнинг керагасига қатор қилиб осиб ташлайверадилар», дейилмоқчи); «Яхши келса, ҳутни кўринг, Хурма-хурма сутни кўринг, Ёмон келса, хутни кўринг, Серрайиб ётган путни кўринг»; «Яхши келса ҳут, Қозонқозон сут, Ёмон келса ҳут, Керагада пут»; «Бўрон бўлмай, ют бўлмас»; «Қатқалоқ бўлмай ют бўлмас»; «Ёмончилик бўлганда, кор устига муз ёгар». Баъзи йиллари ҳут ойида кунлар илиб, қорлар эрий бошлаганда бирдан қаттиқ совуқ бўлиб, ернинг бети қалин музлайди. Қишга жамғарилган ем-хашаклар бу пайтга келиб тугаган бўлади. Чорва моллари эса музлаган ердан бир нима топиб еёлмайди-да, очликка учраб, ёппасига кирила бошлайди. Ана шу оғир пайтларни чорвадорлар «ют« деб атайдилар. Халқ ўзининг асрий тажрибасига кўра, ют ҳар 10-12

Йилда бир такрорланишига ва кўпинча «қуён йили» да бўлишига ишонч хосил қилган. Дарҳақиқат, архив материалларига кўра, кейинги бир ярим аср мобайнида бўлган оғир ютлар ҳар 10-12 йилда бир такрорланган ва асосан «қуён йили»га тўғри келган. Масалан, 1867-1868, 1879-1980, 1891-1892, 1902-1903 йиллардаги (бу йиллар мучалда «қуён йили»га тўғри келади) қишда бўлган оғир ютлар Оқмўла (Акмолинск), Тўрғай ва Сирдарё областларидаги жами чорва молларининг 48-50 процентини қириб юборган. Бундан: «Ют фақат қуён йилидагина бўлади», деган қатъий хулоса бўлади албатта.. Ют баъзан бошқа йилларда ҳам содир бўлади. Масалан, 1911-1912 йилларда, яъни тўнгиз ва қўй йилларида ҳам ют бўлган (бу ҳақда батафсил қаранг: «М.Исқақов. Халық календары, Алматы, 1963, 187-бет; Х. Арғынбаев. Қазақтын мал шаруашылығы жайында этнографиялық очерк. Алматы, 1969, 56-58-бетлар).

Ҳўк деса — ҳўк, чўк деса — чўк.

Ҳўкизни тўхташга ундашганда, «Ҳўк!», дейдилар, туяни тиз чўкиб, ётишга ундаганда «Чўк!» дейдилар. Мазкур мақолни баъзи ўта содда, бўш-баёв, лапашанг, юраксиз, кўрқоқ одамларга нисбатан истеҳзоли киноя тарзида қўллайдилар. Бундай одам ўзича бир мустақил иш, хатти-ҳаракат қилолмайди-да, бировга суяниб қолади, бировнинг ёрдами ё қистови билан иш қилади. У одам унга: «тур» деса туради, «юр» деса юради, «ўтир» деса ўтиради ва ҳ.к. Мақолни «Бундай бўлма, ўзинг ақл юритиб, ташаббус кўрсатиб, мустақил равишда иш қилишга ўрган, одатлан», деган маънода насиҳат қилганларида ҳам айтадилар. Халқ ўртасида шунга мос бир латифа ҳам бор: «Бир одам кўчада боласини уриб, бақиртириб келаётган экан, бир одам ундан: «Ҳой биродар, бу болани нега уряпсиз?», деб сўрабди. «Э кўрмайсизми, буни,— дебди ҳалиги одам,— бир ишни айтгандан кейин қилади!». «Ҳа, ундай бўлса, уринг-е буни, уринг!», дебди у одам...» «Ҳўк!», деган — ҳўкизга ўлим», мақоли ҳам борки, буни номуси кучли, бировнинг пастга урувчи, таҳқирловчи, «пастроқ», ишга буюрувчи сўзини асло кўтара олмайдиган, «Ҳазм қила олмайдиган, дарҳол жаҳли чиқиб, фиғони фалакка кўтарилиб, «бир нима», деб юборадиган одамларга нисбатан қўллайдилар.

Ҳўкизга туққан кун бузоққа ҳам туғади.

Вар.: «Ҳўкизнинг бошига тушган кун бузоқнинг бошига тушади». Булар билан: «Ота-онанинг бошига тушган кун, яъни тирикчиликдаги қийинчиликлар, бир кун ўғил-қизнинг ҳам (улар воясига етиб, оила бошлиғи бўлгач) бошига тушади», дейилмоқчи.

Ҳўкизнинг мугузи ўзига оғирлик қилмайди (мугуз — шох). Ёш бола катталашиб борганн сайин, уни қўлда кўтариб юриш — кишига оғирлик қила бошлайди. Аммо, ўз ота-онасига оғирлик қилмайди. Мазкур мақолни шу ҳолга нисбатан қўллайдилар ва умуман: «Бола-чақа ҳар қанча кўп бўлса ҳам, ота-она учун уларни боқиб, тарбиялаб, воясига етказиш оғирлик қилмайди, малол ҳам келмайди», демоқчи бўладилар.

Фойдаланилган асосий манбалар

Абдуллаев В. А. Ўзбек адабиёти тарихи. Қ-2.— Т., 1967.

Абдураҳмонов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати.— Т., 1976.

Абишев Х. Элементы астрономии и погода в устном народном творчестве казахов.— Алма-Ата, 1949.

Абу Али ибн Сино. Китоб ул-ишорат фил мантиқ вал ҳикмат. ЎзФАШИ, қўлёзмалар фонди.— Инв. № 2210.

Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари.— Т., 1954.

Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.— Т., 1964.

Ажойиботлар оламида / Тўпловчи Э. Гулматов.—Т., 1970.

Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати: Тўрт томлик. / Э. И. Фозилов таҳрири остида.— Т., 1983; 1985.

Арғынбаев Х. Қазақтын мал шаруашылығы жайында этнографиялық очерк.— Алматы, 1969.

Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари.— Т., 1981.

Асқаров А. А. Медицина, табиблик ва диний хурофатлар.— Т., 1961.

Ақл ақлдан қувват олади: (Ҳикматли сўзлар, афоризмлар ва мақоллар) /Тўпловчи ва тузувчи М. Фозилов.— Т., 1967.

Аҳмадий А. Туркча ой отлари //Маориф ва ўқитувчи,—1929 № 1.

Аҳмедов Б. А. Тарихдан қисқача изоҳли лугат.— Т., 1977.

Бакиров Ф. Чор Туркистонида суд, шариат ва одат.— Т., 1967.

Бартольд В. В. История изучения Востока в Европе и России.—2-е изд.— Л., 1925.

Бердиёров Х. Расулов Р. Ўзбек тилининг паремеологик луғати.— Т., 1984.

Беруний А. Р. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар / / Танланган асарлар. Т. 1.— Т., 1968.

Бичурин Н. Я. /Иакинф/. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Т. 2.— М.; Л., 1950.

Богданов О. Ўзбекистоннинг хайвонат дунёси: (Умуртқалилар).— Т., 1965.

Вамбери А. Очерки Средней Азии.— М., 1968.

Вамбери Г. Очерки жизни и нравов Востока.—СПб, 1877.

Ваҳобов М. Ўзбек социалистик миллати.— Т., 1960.

Ваҳобова Б. А. Ўрта Осиё медицинаси тарихига доир: (Ўрта аср).— Т., 1968.

Веселовский Н. И. Пословицы туземного населения Туркестанского края. Рецензия / / Записки Вост. отд. Русск. арх. общ-ва. Т. 3. СПб., 1889.

Вяткин В. Л. Самаркандские легенды / / Справочная книжка Самаркандской области.— Вып. V.— Т., 1897.

Гордлевский В. А. Замечания на «Пословицы крымских татар» / Изд. П. А. Фалевым / / Записки Вост. отд. Русск. арх. общ-ва. Т. XXV.— Вып. 1—4.— М., 1921.

Гордлевский В. А. Из истории османской пословицы и поговорки / / Живая старина.— Вып. II—III.— СПб., 1909.

Гулханий. Зарбулмасал ва газаллар.— Т., 1960.

Даль В. И. О русских пословицах / / Современник.— 1847.— №6.

Гребенкин А. Д. Узбеки / / Русский Туркестан: Сборник, изданный по поводу политехнической выставки.— Вып. II.— М., 1872.

Донолар саломатлик ҳақида / Тўпловчилар: З. Эгамбердиев, З. Эгамбердиева.— Т., 1970.

Древне-тюркский словарь.— Л., 1968.

Ермолов А. С. Народная сельско-хозяйственная мудрость в пословицах, поговорках и приметах. Т. 1—4.— СПб., 1901; 1905.

Жабборов А. Халқ каромати / / Фан ва турмуш.— 1969.— 12-сон.

Жангномаи Амир Темур Курагон. Форси забонидан турк тилига таржима.— Т., 1328 /1909 мелодий/.

Жуков В. П. О словаре пословиц и поговорок / / Словарь русских пословиц и поговорок.—2-е изд. /Сост. В.. П. Жуков.— М., 1967.

Жўраев Ё. Ўзбек халқ оғзаки ижодида динга карши мотивлар.— Т., 1965.

Зарипов Ҳ. Т. Ўзбек фольклори: [Педагогика институтлари учун хрестоматия].— Т., 1939.

Захаров И. В. Двенадцатилетний животный цикл у народов Центральной Азии / / Труды инс-та ист., арх. и этнографии АН Каз. ССР.— Алма-Ата, 1960.

Золотницкий Н. И. Корневой чувашско-русский словарь сравненый с языками народов тюркских, финских и других племен.— Казань, 1875.

Зоҳидов Т. З. Зоология энциклопедияси: Сут эмизувчилар.— Т., 1960.

Зоҳидов Т. З. Зоология энциклопедияси: Қушлар.— Т., 1957.

Иностранцев К. А. Материалы из арабских источников для культурной истории сасанидской Персии: Приметы и поверья / / Записки Вост. отд. Русск. арх. общ-ва. Т. XVIII.— Вып. II—III.— СПб, 1907.

Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўрта осиёлик қирқ олим.— Т., 1961.

Исмоилов И. А. Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари.— Т., 1966.

История Узбекской ССР: В 4-х тт. Т. I: С древнейших времен до середины XIX века.— Т., 1967.

Исқақов М. Халық календары.— Алматы, 1963.

Йўлдошев С. Илмий фараз қилиш.— Т., 1968.

Калонтаров Я. И. Тожик мақоллари ва уларнинг ўзбекча муқоясаси. Душанба, 1969.

Каракалпакско-русский словарь / Под ред. проф. Н. А. Баскакова.— М., 1958.

Каримов Г. Вопросы реализма в узбекской демократической литературе / / Вопросы узбекской литературы: Лит.— критич. статьи.— Т., 1959.

Каррыев Б. М. Туркменские пословицы и поговорки.— Ашхабад, 1961.

Кары-Ниязов Т. Н. Астрономическая школа Улугбека.— М., Л., 1950.

Кассирский И. Минг йилларни ортда қолдириб.— Т., 1969.

Кисляков Н. А. О древнем обычае в фольклоре таджиков. / / Фольклор и этнография.— Л., 1970.

Кисляков Н. А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. Л., 1969.

Ляцкий Е. А. Несколько замечаний к вопросу о пословицах и поговорках. Оттиск из «Известия Отделия русского языка и словесности импер. Академии наук». Т. 2, Кн.3.— СПб., 1897.

Мавлютов Р. Р. Ислам.— М., 1969.

Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи.— Т., 1965.

Малов С. Е. Енисейская письменность тюрков: Тексты и переводы.— М.; Л., 1952.

Маҳмудов К. Меҳмоннома.— Т., 1967.

Маҳмудов К. Ўзбек таомлари.— Т., 1970.

1001 ҳикмат: (Форс-тожик классиклари афоризмларидан) /Тузувчи ва таржимони Ш. Шомуҳамедов.— Т., 1965.

Мишутин Д. А. Атмосферадаги «муъжизалар».— Т., 1962.

Мўминов Ф. Об-ҳаво ва уни олдиндан айтиб бериш.— Т., 1962.

Набиев М. Ботаника атлас-луғати.— Т., 1969.

Навоий А. Маҳбуб ул-қулуб: Ас. 15 томлик. Т. 13.— Т., 1966.

Навоий А. Хазойин ул-маоний. Т. 11: Наводир уш-шабоб / Илмий-танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон.— Т., 1959.

Навоий А. Чордевон.— Т., 1940.

Навоий А. Ҳамса.— Т., 1960.

Навоий А. Ҳикматли сўзлар / Тузувчи Х. Сулаймон.— Т., 1968.

Навоий А. Ҳикматли сўзлар / Тузувчилар: А. Рустамов, М. Раҳматиллаева.— Т., 1985.

Назарян А. Г. Почему так говорят по французски: Происхождение и толкование идиоматических выражений.— М., 1968.

Наливкин В. и Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы.— Казань, 1886.

Наливкин В. П. Терма китоб.— Т., 1896.

Наршахий М. Бухоро тарихи.— Т., 1897.

Нақший Луғоти Чиғатой.— Истамбул, 1298 хижрий /1880 мелодий/.

Ниёзов Т., Рустамхўжаев Ш. Мучални синаб кўринг // Тошкент оқшоми.— 1985.—2—3 январь.

Нозлий (Аваз Муҳаммад).—(XIX аср шоири. Хўжандлик). Девон.— ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.— Инв. № 12080.

Нурушев С. Н. Идейно-творческие истоки казахской литературы: К истории развития казахских народных пословиц.— Алма-Ата, 1967.

Остроумов Н. Мухаммеданский пост в месяц рамазан.— Казань, 1877.

Остроумов Н. Н. Современное правовое положение мусульманской женщины.— Казань, 1911.

Остроумов Н. П. Несколько замечаний относительно пословиц и поговорок сартов // Остроумов Н. П. Сарты: Этнографические материалы.— Вып. 3: Пословицы и загадки сартов.— Т., 1895.

Остроумов Н. П. Шариат.— Т., 1912.

Перельман Я. И. Қизиқарли астрономия: Русча 8-нашридан таржима.— Т., 1958.

Перетц В. Н. Из истории пословицы: Историко-литературные заметки и материалы.— СПб., 1898.

Полочанин Н. Времена года в народных пословицах и приметах.— СПб, 1911.

Пословицы и загадки /Собранные и записанные Н. П. Остроумовым // Государственный Центральний архив УзССР /Фонд Н. Т. Остроумова.— Инв. № 1009.— Опись № 1.— Дело № 111.

Потапов Л. П. Очерки народного быта тувинцев.— М., 1969.

Потебня А. А. Из лекций по теории словесности. Басня. Пословица. Поговорка.—3-изд.— Харьков, 1930.

Пропп В. Я. Принципы классификации фольклорных жанров // Советская этнография.— 1964.—№4.

Раззоқов Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор.— Т., 1965.

Рожий Сулаймонқул ўғли Сулрқул ўғли /Хўқандий/. Зарбулмасал.— ЎзФА Ғ. Ғуломов номидаги Қўлёзма Адабиёт музейининг қўлёзмалар фонди.— Инв. № 1458.

Рустамов А. Сўз хусусида сўз.— Т., 1987.

Рустамов Э. Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века.— М., 1963.

Саломов Ғ. Рус шеъридан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир.— Т., 1961.

Самадов К. Мақолларимиз моҳиятига доир // Ўзбекистон маданияти.— 1965.—5 июнь.

Самойлович А. Н. К вопросу о двенадцатилетнем цикле у турецких народов // Восточные записки. Т. 1.— Л., 1927.

Самородов К. Т. Тематическая классификация пословичных и других изречений Мордовского народа // Записки научно-иссл. института Языка, литературы, истории и экономики при Сов. Мин. Мордовской АССР. 18.— Саранск, 1959.

Саъдий. Гулистон.— Т., 1968.

Саъдий (Шайх) Гулистон. Муродхўжа Солиҳий таржимаси.— Т., 1328 ҳижрий (1909 милодий).

Саҳобиддинов С. Ўсимликлар систематикаси. Т-2.— Т., 1966.

Селешников С. И. Азбука звездного неба.— Л., 1963.

Сирожиддин Маҳдум Сидқий /Хондайлиқий/ га келган турли мактублар, ўз шеърлари ва хатлари мажмуаси.—ЎзФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди.— Инв. № 8073.

Скрипиль М. О. Вопросы научной периодизации русского народно-поэтического творчества // Русский фольклор: Материалы и исследования. Т. 1.— М.; Л., 1956.

Снегирев И. М. Русские в своих пословицах.— М., 1831.

Снегирев И. М. Русские народные пословицы и притчи.— М., 1848.

Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма.— М., 1989.

Солиҳов М. Бузрук: Октябргача бўлган ўзбек оғзаки адабиёти (фольклор): (Эртак, достон, матал, саҳна ўйинлари).— Т., 1935.

Стеблева И. В. Поэзия тюрков VI—VIII веков.— М., 1965.

Табиат ва инсон.— Т., 1965.

Тревер К. В. Памятники греко-бактрийского искусства // Изд. АН СССР.— М.; Л., 1940.

Тўйчиев М. Ўсимликлар хазинаси.— Т., 1969.

Усмоний З. Юлдуз отилиши ва унинг сабаблари.— Т., 1934.

Усмонов А. Синч уйим -- тинч уйим // Фан ва турмуш.— 1967.— 2-сон.

Ушинский К. Д. Танланган педагогик асарлар.— Т., 1959.

Файзуллаев О. Табиатдаги ҳодисалар ҳақида фалсафий суҳбатлар.— Т., 1961.

Фозилов И. Медицина ва ҳурофий одатлар.— Т., 1969.

Фольклор и этнография.— Л., 1970.

Форрестер Ф. Тысяча и один вопрос о погоде: (1001 Questions answered about the weather. By Frank H. Forrester.— New Jork, 1961.) /Пер. с англ. Л. А. Зельмановой и Е. П. Школьного.— Л., 1968.

Хайтун Д. Е. Пережитки тотемизма у народов Средней Азии и Казахстана // Уч. зап. Тадж. Гос. университета, т. XIV.— Сталинабад, 1956.

Хамраев М. К. Основы тюркского стихосложения.— Алма-Ата, 1963.

Хинц В. Мусульманские меры веса с переводом в метрическую систему /Пер. с нем. Ю. Э. Брегеля, Е. А. Давидович.- М., 1970.

Давидович Е. А. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии.—М., 1970

Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края.— СПб., 1976.

Хрестоматия турецкая, персидская и узбекская: Часть 2 /Сост. М. Теретьев.— СПб., 1876.

Чернышевский Н. Г. Песни разных народов /Пер. Н. Берг // Полн. собр. соч. Т. II.

Шанязов К. Узбеки-карлуки: (Историко-этнографический очерк).— Т., 1964.

Шевченко В. С. Астрономия ва дин.— Т., 1966.

Шокиров О. Мумиёи асил.— Т., 1970.

Шомуҳамедов Ш. М. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм.— Т., 1968.

Элбек. Лапарлар // Билим ўчоғи.— 1922.— 1-сон

Этнографические очерки узбекского сельского населения.—М., 1969.

Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг / Нашрга тайёрловчи ва тарж. Қ. Каримов.— Т., 1971.

Ўзбек адабиёти: Тўрт томлик. Т. 3.— Т., 1959.

Ўзбек Совет Энциклопедияси: Ўн тўрт томлик.— Т., 1971; 1980.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Икки томлик /З. М. Маъруфов таҳрири остида.— М., 1981.

Ўзбек халқ мақоллари: Икки томлик.— Т., 1987; 1988.

Ўзбекистон ССР тарихи Т. 1, К. 1 /С. П. Толстов, Р. Н. Набиев, Я. Ғ. Ғуломов ва В. А. Шишкинларнинг таҳрири остида.— Т., 1956.

Қазақ тілінін қысқаша этимологиялық создігі — Алматы, 1966.

Қобуснома / Огаҳий таржимаси.— Т., 1967.

Қодирий А. Кичик асарлар.— Т., 1969.

Қорабоев К. Табиат ва дин.— Т., 1966.

Қораев С. География номлар маъносини биласизми?— Т., 1970.

Қошғарий М. Девону луғотит турк: Уч томлик /Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов.— Т., 1960; 1963; 1967.

Қурбон Али Ҳолат Товориҳ ҳамсаи Шарқий.— Қозон, 1910.

Ғафуров А. Т. Ҳайвонлар ҳақида фан ва дин.— Т., 1966.

Ғози Олим /Юнусов/. Ўғиз адабиётида синфий туйғулар // Алангa.—1930. 5—6- сон.

Ғулом Ғ. Халқ ижодий бойлигидан //уштум.—1964.—20- сон.

Ғуломов Я. «Хўжа» сўзи қаердан келиб чиққан // Фан ва турмуш.— 1970.—1-сон.

Ҳакимов М. Лирикада халқ ҳикматлари // Ўзбекистон маданияти.— 1967.—19 декабрь.

Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили: (Ўзбек совет ёзувчиларининг асарларида мақол ва афоризмлар).— Т., 1971.

Ҳасанов Ҳ. М. Қошғарий: /Ҳаёти ва ғеографик мероси/.— Т. 1963.

Ҳожиматов Қ., Пратов Ў. «Муқаддас» ўсимликлар борми?— Т., 1967.

Ҳолматов Ҳ., Ҳабибов З. Фармакология.—Т., 1967.

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ:

Бош муҳаррир — *иқтисод фанлари доктори*
Н. Тўхлиев

Бош муҳаррир ўринбосари — *фалсафа фанлари кандидати* Д. А. Шораҳмедов

Нашрга масъул — Илмий-методик ишлар редакцияси:

мудир — М. Н. Аминов

Иштирок этдилар:
А. Мажидов, Э. Шерматов *(етакчи муҳаррирлар)*, А. Абдураҳимов, Н. Розамуҳаммедова, М. Шарипова, *(катта илмий муҳаррирлар)* Б. Абдумаликова, М. Зоирова, Х. Низомова *(илмий муҳаррирлар)*, Н. Ҳамроева *(библиограф)*

Муҳаррир — З. Т. Тоҳиров

Рассом — А. Бахромов

Бадиий муҳаррир — Х. Меҳмонов

Техник муҳаррир — М. Саидова

ИБ 062

Теришга берилди 90.15.02. Босишга рухсат этилди 90.15.06. Р.08329. Қоғоз бичими 84×108¹/₃₂. Китоб-журнал қоғозига юқори босма усулда босилди. Шартли босма тобоқ 27,72. Шартл. кр.-отт. 27,93. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 40,0. Тиражи 150000. Буюртма № 52, Баҳоси 3 сўм 50 тийин.

Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 700000, Тошкент — ГСП, Жуковский кўчаси, 52-уй.

Ўзбекистон Матбуот давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонасида босилди, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44-уй.

Ш 77 **Ҳикматнома:** Ўзб. мақолларининг изоҳли лугати.— Т.: Ўзб. Совет Энциклопедияси Бош редакцияси, 1990.—528 б.

Халқимиз асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба тўплаган, шу тажриба мерос сифатида турли воситалар билан келажак авлодларга ўтиб боради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ана шундай бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади. Ушбу китобдан ўқувчи ўзбек халқининг асрлар мобайнида сайқал топиб, бизгача етиб келган ҳикматли сўзлари билан танишибгина қолмай, уларнинг тарихан қандай шаклланганини ҳамда мазмунини билиб олади.

ББК 82.3ЎЗ

На узбекском языке

ШОТУРСУН ШОМАКСУДОВ, ШУХРАТ ШОРАХМЕДОВ

ХИКМАТНОМА
(Толковый словарь узбекских пословиц)

Главная редакция Узбекской Советской Энциклопедии
Ташкент — 1990